

83.3(4Нем)


738

Иоханн Петер Эккерман

ГЁТЕ



БИЛАН ГУРУНГЛАР





Йоханн Петер Шкерман

ГЁТЕ
БИЛАН ГУРУНГЛАР




Иоханн Петер Дикерман

Иоханн Петер Эккерман

ГЁТЕ

БИЛАН ГУРУНГЛАР

Олмон тилидан Янглиш Эгамова таржимаси



ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2016

УЎК: 82—96(430)
КБК 84 (4 Нем)
Э 38

Масъул мухаррир ва сўзбоши муаллифи, профессор
Акмал САИДОВ

Такризчи:
профессор **Шавкат КАРИМОВ**

Э 38 **Эккерман, Йоханн Петер**
Гёте билан гурунглар / Й.П. Эккерман — Тош-
кент: «O‘zbekiston», 2016, — 632 б.
ISBN 978-9943-28-198-1

Ушбу китобда Гётенинг дўсти, шогирди ва котиби Эккерман билан тўққиз йил давомидаги тил, адабиёт, адабиётшунослик, маданият, тасвирий санъат, театр санъати, сиёсат, фалсафа, табиат ва табиий фанлар, давлат арбоблари, улуғ шахслар, шоирлар, ёзувчилар, олимлар, Гёте асарларининг дунёга келиш тарихи, уларнинг мазмун моҳияти ҳақидаги, инсонлараро меҳр-оқибат, севги-муҳаббат, хуллас, ҳаётнинг барча жабҳалари хусусидаги қизғин, самимий, дилтортар гурунглари акс этган. Барча соҳа вакиллари, барча ёшдаги ва ҳар қандай мавқедаги кишилар китобдан ўзига керакли нарсани топади.

УЎК: 82—96(430)
КБК 84 (4 Нем)

ISBN 978-9943-28-198-1

© Я. Эгамова, тарж., 2016 й.
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2016 й.

«Олмон тилида ёзилган
асарларнинг энг яхшиси».

Фридрих Ницше

Абадий дўстликнинг адабий солномаси

Жаҳон адабиётининг буюк намояндаси **Йоханн Вольфганг Гётенинг** (1749—1832) бекиёс маънавий мероси ҳақида сўз борганда, авваламбор, унинг Ваймарда чоң этилган бадиий ва илмий мероси бўлмиш асарлар тўплами 143 жилдан иборат эканини таъкидлаш жоиз.

Гёте инсоният бадиий тафаккурининг энг ёрқин вакилларида бири, Европа Уйғониш даврининг сўнги йирик сиймоларидан хисобланади. Гёте адабий ва илмий меросидаги ҳар бир шеър, насрий, драматик, илмий асар даҳо ижодкор тафаккурининг кўплаб кирраларини намоён этади. Унинг асарларида ҳаёти давомидаги кузатишлари, қувончу изтироблари, ҳаяжону руҳий тушқунликлари, бахт ва бахтсизликлари, ёруғ олам ва инсоният тақдири борасидаги ўй-мулоҳазалари, қомусий билими, чексиз-чегарасиз заковати ўз ифодасини топган.

Жумладан, у қарийб 250 йилдан буён **Ғарб ва Шарқ мамлакатларида миллионлаб мухлисларини доимо ҳаяжонга солиб келаётган «Фауст», «Ёш Вертернинг изтироблари», «Ҳамроз диллар», «Ғарбу Шарқ девони», «Таврида ифигенияси», «Рим элегиялари», «Торквато Тассо», «Наботот эврилиши», «Сехрли сибизга», «Ранглар ҳақидаги таълимот»** каби асарлар, шунингдек, 3 мингдан зиёд шеърлар муаллифидир.

Ўз даврида **Й.В. Гёте** нафақат олмон адабий тили ва жаҳон адабиёти равнақиға улкан ҳисса қўшган адиб, айна вақтда ҳассос драматург ва адабиётшунос, ҳуқуқшунос ва шарқшунос, тарихчи ва файласуф, рассом ва театршунос, биология ҳамда минералогия фанлари бўйича кашфиётлар қилган олим ва давлат арбоби бўлган.

Гёте бир умр кундалик тутган, туғишганлари, яқин мулоқотда бўлган кишилари, ёру дўстлари билан ёзишмалар олиб борган. Уларда ижодкорнинг ҳаёт ва табиат қонуниятлари ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, бошидан кечирган жуда кўп муҳим воқеа-ҳодисалар, у ёки бу асарининг дунёға келиш тафсилотлари, ўзини ўраб турган муҳит ва инсонлар ҳақидаги мулоҳазалари таъсирчан ва муфассал баён этилган.

Унинг қаламига мансуб «Шеърят ва ҳақиқат» туркумидаги 20 та китоб, санъатга оид кўплаб мақолалар, метеорология, минералогия, геология, остеология, ботаника каби қатор табиий фанлар муаммоларига бағишланган жилд-жилд китоблар, француз ва италян тилидан олмончага таржима қилинган асарлар, 50 жилдга жамланган 15 мингдан ортиқ хатлар, 13 жилдли кундаликлар ҳам юқоридаги фикримизни яққол тасдиқлайди.

Адиб 82 ёшида ҳам қайноқ қалб жўшқинлигини, яшаш ва севиш истагини йўқотмаган ҳолда ҳаёт мазмуни, гўзаллик ва муҳаббат ҳақида ажойиб шеърлар битган. Кези келганда, Гёте 1749 йил 28 августда Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида турилиб, 1832 йил 22 март кунини Ваймарда вафот этганини эслатиш жоиз. Шумаънода, 2014 йили даҳо шоир ва мутафаккир таваллудига 265 йил тўлди.

Гётенинг ҳаёт йўли, ижодий ва илмий, ижтимоий-сиёсий ва давлат тизимидаги фаолияти жаҳон, айниқса, немис гётешунослари томонидан ҳар бир даврнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-мафкуравий ҳолати билан боғлиқ ҳолда қадам-бақадам тадқиқ этилган, тасниф қилинган ва кенг шарҳланган.

Таниқли гётешунос олима ва таржимон **Янглиш Эгамова**¹ таъкидлаганидек, Гёте, бир томондан, буюк даҳо, улкан сиймо сифатида идрок етмас чўкки бўлса, иккинчи томондан, ҳар қандай инсонни ҳаяжонга соладиган, қийнайдиган кечинмаларни, шу билан бирга, жаҳоний муаммоларнинг оғрикли нуқталарини кўрсатиб, уларга жавоб изловчи, ҳаёт ҳикматларини ўргатувчи яқин дўст ва маслаҳатгўйдир. У гўё ҳар биримизга ҳамдард ва ҳамфикр бўлиб, бизга шундоққина рўбарў ўтириб, ҳаёт мушкулотларидан қутулиш йўллари бирга излашни таклиф этади.

Гётенинг тафаккур хазинаси — асарларида жамланган мулоҳазалар остида қат-қат маънолар яширинки, уларни бирдан илғаб олиш мушкул. Гётени нафақат ўқиш, балки уқиш ва англаб етиш учун бу ҳикматлар замирига ихлос-ла назар солиш ва бунда, адиб таъбири билан айтганда, «имкони йўқ нарса билан шундай муносабатда бўлиш керакки, токи унинг имкони топилсин», деган қоидага амал қилган ҳолда, ўқувчидан ижодий ва фаол фикрлаш, изланиш талаб этилади.

Улуғ сўз санъаткори қаламига мансуб асарлар аллақачон жаҳоннинг турли тилларига қайта-қайта таржима қилиниб, башариёт хазинасига айланиб улгурган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Гёте гарчанд олис Германияда яшаб-ижод этган бўлса ҳам,

¹ Эгамова Я. Гёте даҳоси // Жаҳон адабиёти, 1999, 9-сон. — 85 — 105-бетлар.

рухан бизнинг шоир, яъни Шарк шоиридир. Унинг асарларидаги маъно-мазмун, ҳис-туйғу миллатимизга вобасталиги билан ажралиб туради.

Умуман, Гёте Шаркқа чинакам ихлос қўйган шоир, унинг руҳиятида Шарк олами бор. Унинг баъзи сатрларини ўқиганда, мусулмон оламига, Шарк дунёсига чексиз меҳри борлигини, ана шу оламини билишга кучли интилиш мавжудлигини кўриш мумкин. Гёте Шарк оламининг тафаккурини, маънавий дунёсини, инсонийлигини ўзига ниҳоятда чуқур сингдирган ва Шаркқа жуда катта меҳр, муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром билан ёндашган Шахс ва буюк мутафаккирдир.

Гётенинг Шаркқа рухан ва қалбан яқинлиги, Шарк адабиётига бемисл меҳру муҳаббати ва юксак эҳтироми Шарк зиёлилари, шу жумладан, ўзбек ижодкорларининг эътиборидан четда қолмади, албатта. Жаҳон адабиётининг Гёте қаламига мансуб сара асарлари она тилимизга таржима этилиши оламшумул аҳамият касб этди ва ўзбек маданиятига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Халқимиз маънавий мулкига айланган бу буюк асарлар бизни жаҳон маънавиятига яқинлаштиради.

Хусусан, Гётенинг ўлмас асари «Фауст» Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов¹ томонидан рус тилидан, шунингдек, таржимон ва олим Пошо Али Усмон² томонидан олмончадан ўзбек тилига ўгирилган. Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, Муҳаммад Али, Насриддин Муҳаммадиев каби таниқли шоиру адибларимиз ҳам Гётенинг айрим шеърларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилганлар.

Истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро ҳамкорликни кучайтириш, шу жумладан, Фарб ва Шарк ўртасида адабий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро адабий таъсир муаммоларини ўрганиш йўлида муҳим тарихий қадамлар қўйилмоқда. Буни Гёте ижодий фаолиятини яқиндан ўрганиш, унинг асарларини ўзбек тилига бевосита таржима қилиш, адиб ижодий лабораторияси таҳлил этилган ёрқин асарларни кенг китобхонлар эътиборига ҳавола этиш борасида кейинги йигирма

¹ *Гёте. Фауст. Трагедия. Эркин Воҳидов таржимаси. 1-қисм.* – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 268-бет; *Гёте. Фауст. Трагедия. 2 қисмли. Э. Воҳидов таржимаси. Сўз охири И. Фафуровники. 2-қисм.* – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 348-бет; *Гёте. Фауст / Таржима ва кириш сўзи Э. Воҳидовники.* – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 376-бет.

² *Гёте Йоханн Вольфганг. Фауст: Трагедия. Биринчи қисм / Олмончадан Пошо Али Усмон таржимаси.* – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 220-бет.

йилдан ортиқ даврда эришилган залворли ютуқлар якқол тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда Гёте асарларини XX аср ўрталаридан бошлаб даставвал рус тили орқали ўзбекчага таржима қилишга киришилганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Кейинчалик Садриддин Салим Бухорий, Пошо Али Усмон, Янглиш Эгамова, Мирзаали Акбаров, Салим Жабборов каби фидойи шоиру олимларимиз, моҳир таржимонларимиз ташаббуси билан Гёте асарларини бевосита аслиятдан — олмон тилидан ўзбек тилига ўгириш тажрибасига ўтилди.

Жумладан, таникли шоир, тасаввуфшунос олим ва таржимон С.С. Бухорий Гётенинг «*Farbu Shark devoni*»¹ олмон тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, шу асар матни ва унга оид илмий тадқиқотларини китоб ҳолида ўқувчиларга тухфа этди. Шунингдек, моҳир таржимон М. Акбаров Гётенинг ўлимидан сўнг — 1833 йилда чоп этилган «*Maximen und Reflexionen*» («**Ҳаёт қондалари ва хулосалари**») китобини «**Ҳикматлар хазинаси**» номи билан она тилимизга ўгириб, нашр эттирди².

Айтиш керакки, Гёте ижодининг алоҳида ноёб маҳсули бўлган ҳикматли сўзлари илк бор ўзбек тилида «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журналининг бир неча сонларида чоп этилган³. Шунингдек, «Маънавият» нашриёти «Гёте. Ҳикматлар» номли мўъжаз рисола⁴, «Янги аср авлоди» нашриёти эса «Заковат дурдоналари» тўпламидаги китобнинг иккинчи қисмида Гёте ҳикматларини эълон қилди⁵.

Айниқса, заҳматқаш олима Янглиш Эгамова насрда ҳам, назмда ҳам буюк сўз устаси бўлган Гёте асарларини оммалаштириш ва бадий талқин этиш йўлида меҳнати сингган таржимонлардан ҳисобланади. Буни Гётенинг «*Еш Вертернинг изтироблари*» романини 1975 йилдаёқ олмон тилидан бевосита ўзбек тилига таржима қилиб, ўзбек китобхонларига ҳавола этгани мисолида ҳам кўриш мум-

¹ *Гёте. Фарбу Шарк девонидан / Бухорий, Садриддин Салим. Ҳикматдир дунё: сайланма. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. — 356-бет.*

² *Гёте Йоханн Вольфганг. Ҳикматлар хазинаси. Немисчадан М. Акбаров таржимаси. — Т.: «Шарк», 2008. Яна қаранг: А. Саидов. Буюк ишда тадрижийлик бор // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010 йил 14 май.*

³ Мангуликка дахлдор: Гётенинг ҳикматли сўзлари — заковат хазинаси // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2007. 4-сон; 2008. 1, 2, 3, 4-сонлар.

⁴ *Гёте. Ҳикматлар / тўпловчи, таржимон ва сўзбоши муаллифи А.Х. Саидов. — Т.: «Маънавият», 2010. — 112-бет.*

⁵ *Гёте Йоханн Вольфганг. Заковат дурдоналари / (олмон тилидан М. Акбаров таржимаси). — Т.: «Янги аср авлоди», 2011. — 256-бет.*

кин¹. Ҳа даврада бу асар мамлакатимизда Фарбий Европа тилидан ўзбекчага тўғридан-тўғри таржима қилинган ягона китоб ҳолидаги нашр эди. Шунинг учун ҳам у таржимачиликда янги саҳифа очган.

Мустақилликнинг ўтган даврида таниқли таржимон Я. Эгамова саъй-ҳаракатлари билан ушбу романнинг иккинчи наشري² ҳамда «Шарқ» нашриёти томонидан Гётенинг иккита машҳур — «Ёш Вертернинг изтироблари» ва «Ҳамроз диллар» романлари «Муҳаббатнома»³ номи билан яхлит китоб ҳолида чоп этилди.

Мана, энди бошқа бир асар — Йоханн Петер Эккерман (олмонча: Johann Peter Eckermann) қаламига мансуб «Гёте билан гурунглар» («Gespräche mit Goethe in den letzten Jahren seines Lebens, 1823—1832») китобининг ўзбекча наشري кўлингизда турибди. Ҳеч шубҳасиз, мутаржим Я. Эгамованинг бу ижодий меҳнати Ўзбекистонда Гёте ҳаёти ва ижодини ўрганишда яна бир аҳамиятли натижага эришилганини кўрсатади.

Бугун бизга таниш Гёте ҳаёти ва ижодининг нотаниш қирралари ҳақидаги асари ўзбек ўқувчисига илк бор ҳавола этилаётган муаллиф — Йоханн Петер Эккерман деганлари ким бўлган, деган савол туғилиши табиий.

Бу ҳақда гап борганда, олмон адабиётшуноси ва шоири Й.П. Эккерман (1792 йилда Ганноверда туғилиб, 1854 йили Ваймар шаҳрида вафот этган), авваламбор, Й.В. Гётенинг яқин дўсти ва котиби сифатида унинг ижодиётини меҳр ва кунт билан ўрганиш асосида яратган тадқиқотлари билан машҳур эканини алоҳида қайд этиш зарур.

Йоханн Петер Эккерман (1792—1854) 1823 йил 10 июнда — биринчи марта Фрауэнпандаги дунёга машҳур уйнинг остонасига қадам қўйганида — хонадон соҳиби, Саксен-Ваймар ва Эйзенах буюк герцоглигининг ҳақиқий махфий маслаҳатчиси ва вазири, саодатманд жаноб Йоханн Вольфганг фон Гёте етмиш тўрт ёшга кирган эди.

Эккерман ўзининг Гёте билан ана шу илк учрашуви ҳақида шундай ёзган: «Мен жуда хушмуомалалик билан кутиб олиндим. Гёте ҳақидаги таассуротларимга келсак, мен бу кунни ҳаётимдаги энг бахтли онларим сирасига киритаман... Қандай улугвор қиёфа!» Чиндан ҳам, биринчи учрашув ҳар икки тараф учун муҳим ва улугвор натижаларга олиб келган. Бу хонадонда халқнинг энг но-чор қатламларидан чиққан ҳаваскор қаламкаш Эккерман ҳаётининг

¹ *Гёте Йоханн Вольфганг. Ёш Вертернинг изтироблари* / (олмон тилидан Янглиш Эгамова таржимаси). — Т.: Ф. Фулом номидаги АСН., 1975.

² *Гёте Йоханн Вольфганг. Ёш Вертернинг изтироблари* / (олмон тилидан Янглиш Эгамова таржимаси). — Т.: «Янги аср авлоди», 2006. — 132-бет.

³ *Гёте Йоханн Вольфганг. Муҳаббатнома* / (олмон тилидан Янглиш Эгамова таржимаси). — Т.: «Шарқ», 2013. — 512-бет.

торгина сўқмоқчаси жаҳонга таниқли миллий даҳо — дўстлари ва муҳолифлари таъбири билан айтганда, «худонинг назари тушган зот» — Гётенинг музаффар йўли билан туташган.

Ҳап шундаки, Й.П. Эккерман ўзининг ўсмирлик йилларини оддий чўпон боласи сифатида қашшоқликда ўтказган. Балобат ёшига етгач, кўнгилли аскарлар сафида Наполеонга қарши озодлик урушида қатнашган. Навқирон Эккерман ҳарбий хизмат даврида котиблик касбини ҳам ўзлаштиришга муваффақ бўлган. Йигирма тўрт ёшида гимназияда, кейинчалик яхши одамлар кўмаги билан Гейдельберг университетиде тахсил олган. 1821 йили Эккерман ўзининг дастлабки шеърий тўпламини нашр эттириб, барча ёш шоирлар қатори илк китоби биланок улур устоз — Гётенинг назарига тушишни орзу-ҳавас қилган.

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Эккерман ўз эзгу ниятига эришган. Лекин, тақдир тақозосини қарангки, айнан кейинги — «Гётега ҳаволалар тимсолида шеърият ҳақидаги ўйлар» («Beiträge zur Poesie mit besonderer Hinweisung auf Goethe») асарининг кўлёмаси унга Гёте сари эшикларни кенг очиб берган. Кўлёмза улур Гётенинг эътиборини тортмасдан қолиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки унинг муаллифи Гёте ҳақида у немис танқидчиларидан кутган, бироқ кутавериб тоқати тоқ бўлган ғоят зарур гапларни ёзганди.

Албатта, Шиллер, Фридрих Шлегель, Август Вильгельм (В. Шекспирнинг ажойиб таржимони), Вильгельм фон Гумбольдт сингари номдор шоиру адиблар, адабиётшуносу таржимонлар томонидан Гётенинг асарлари теран таҳлил ва талқин этилиб, адабий улурворлиги бор жозибаси билан қойилмақом қилиб баҳоланган тадқиқий ишлар ғоят кўп бўлган бир пайтда Эккерманнинг «Шеърият ҳақида ўйлар»ини жуда ҳам аҳамиятли асар, дейиш анчайин муболага бўлур эди.

Айни чоғда, унинг фазилатларидан ҳам кўз юмиб бўлмасди. Нима бўлганда ҳам ушбу адабий мулоҳазалар тўплами ўз муаллифининг кейинги тақдирини белгилаб берган. Яъни, Гёте кўлёмани диққат билан ўқиб чиқиб, Эккерманни Ваймарга чорлаган!

Эккерманнинг «Шеърият ҳақида ўйлар» кўлёмаси Гётенинг ўз ихлосмандлари билан яқинлашишига ижобий таъсир кўрсатган. Чунки Гётенинг иши бошидан ошиб-тошган, шоир ижодхонаси жавонларида эса чала кўлёмалар тахланиб ётарди. Қандай қилиб бўлмасин, уларни ёзиб охирига етказиш зарур эди. Афсуски, тўла асарлар тўпламининг ўзи ҳаёт эканлигидаги охириги нашри билан боғлиқ таҳририй юмушлар Гётени кечиктириб бўлмайдиган ушбу ишлардан чалғитарди. У: «Булар устида ёрдамчиларим ишласин, мен фақат якуний назардан ўтказиб бераман», дейди. Бироқ

Ф.В. Ример (1774–1845) буни ўзи уддалай олмас, яна бир ёрдамчи зарур эди.

Айни шу пайтда Гётенинг кўлига Эккерманнинг кўлёмаси тушиб қолган: **«Мана бу бошқа гап! У менинг мохиятимни билади ва севади. У анави христиан-немислардан (яъни, романтикларнинг кенжа авлодидан) ва сафсатабоз либераллардан эмас. Ёшлар орасида барча нарсани бундай ажойиб ва мустақил тушуниб етадиганлари кам. Уни чақирмоқ лозим».**

Китобхон Эккерманнинг «Гёте билан гурунглар»ига пойдевор бўлган дастлабки ёзувлар — устознинг ўз бўлажак котиби кўлёмаси хақидаги фикрлари билан танишиш имконига эга. Бу муаллиф томонидан Гёте оғзаки нутқини баён қилишнинг илк тажрибаси эди. Эккерман ўзи ва китобчаси хақида Гёте айтган мактовларни камтарлик билан қуйидагича қайд этади: **«У баённинг ёркинлигини, фикр ривожининг изчиллигини маъқуллади ҳамда буларнинг барчаси яхши ўйланган ва мустахкам асосга таянади, деб кўшимча қилди».**

Гёте фақат маъқуллаш билангина чекланиб қолмай, у шу кунгек чопар билан ўз ношири Коттага мактуб йўллашини, эртаси ортидан почта улови билан кўлёманинг ўзини ҳам нашр этиш учун юборишини ўша заҳоти маълум қилган. **«Мен уни тезликда босмадан чиққан ҳолда кўришни истайман».**

Эккерман ниҳоятда бахтиёр эди, чунки Гётенинг ҳар бир сўзидан меҳр-мурувват, марҳамату рамхўрлик нафаси уфуриб турарди. Бунинг устига, Гётенинг китобфурушга йўллаган мактуби-чи! Бу — нажот (ахир, чўнтак ҳам бутунлай бўшаб қолган эди-да). **«Биз дўстлардек хайрлашдик»**, дейилади ўша **1823 йил 10 июнь** санаси битилган илк дастхатда.

Бу қадар осон қарор топган ўзаро яқинлик, яшин тезлигида уйғонган дўстона муносабат кейинги куннинг тонгидаёқ ўз самарасини намоён қилган. Гёте Эккерманга ўз дастхати билан битилган нома юбориб (бу ҳам кўп нарсани англатар эди), ундан ҳузурига қадам ранжида этишини илтимос қилган.

Эккерман нимаси билан буюк шоир ва мутафаккирга бу қадар макбул бўлди? Ваҳоланки, табиат унга иссиқ истара бахш этмаган эди. Эккерман 1823 йили энди ўттиз ёшга тўлган бўлса-да, ёшига нисбатан анча катта кўринар, у фақат адабиётчи сифатида хали навкирон эди, холос. **«Ҳар ҳолда у бари бир менинг мохиятимга кириб борибди! Буни унинг китобидан ҳам билса бўлади...»**

Гётенинг иқрори шундай эди: Эккерман шоирнинг олдинги ижодиёти хақидаги умумий мактов гапларни эмас (зотан, кимлар уни мактамаган!), балки **«Ғарбу Шарқ девони»** ва **«Ранглар хақидаги таълимот»** каби асарларга доир ўзининг аниқ фикрларини, қалбидаги

самимий гапларни ёзган. Аксар гўр омма бу асарларни тушунарсиз деб тошган, қасамхўр танқидчилар эса, ҳатто, ахлоқсизлик деб ёрлик осган эди. «Эҳ, эзгу ниятли немисларим-а! Мана, бу Эккерман деганлари борини бордек тушунибди, мохиятини англаб етибди-ку...»

Аслида ҳам Эккерман ижодий тафаккури ва феъл-атворининг Гётега маъқул бўлган жиҳатлари бисёр ва бу бежиз эмас эди. Мисол учун, Эккерман Шиллернинг 1789 йилда (яъни, икки буюк олмон шоирининг мустаҳкам дўстлиги бошланишидан олти йил аввал) «Эгмонт. Гётенинг трагедияси» тақризига қарши жасоратли ва чуқур ўйланган ҳужум уюштирган. У Шиллер билан эҳтиросли мулоқотда ҳақиқий бадиий, чинакам поэтик трагедия фақат кўнгилни юмшатадиган бўлиши керак эмаслигини қатъий туриб ҳимоя қилган.

«Гёте ҳеч қачон ўз олдига китобхонлари ёки томошабинларини «тушқун ҳолатга келтириш, руҳан умидсизлик гирдобига ғарқ қилиш» мақсадини кўймаган, — дейди Эккерман. — У ҳам Шекспир сингари «фақат умум ғамини ейди — бизнинг кўз ёшларимиз унга даркор эмас». Эккерман бундай дадил фикрларни забардаст шоир, миллатнинг фахру ғурури бўлган Шиллерга қарата баралла айтишдан тап тортмаган. Не ажабки, ўз ёшлигининг «сурбетона фаришталик» даврини эслатган айнан мана шу сўзлар Гётега беҳад хуш ёққан.

«Шеърят ҳақидаги ўйлар»га қайтадиган бўлсак, Эккерманнинг бу асари кўп жиҳатдан ҳали хом, ҳатто оддий машқ ҳолатида бўлишига қарамай, аксарият ўринларда баҳою хулосаларининг тўғрилиги билан ҳайратга солади. Бу танқидий-назарий китобча замирида ўз ишининг кўзини биладиган ўтқир адабий танқидчи шаклланиб келаётганини эътироф этиш учун етарлича асослар муҳассам эди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Эккерманга Гёте билан илк учрашувидан сўнг унинг ҳаёти изга тушиб кетадигандек туюлган. «Шеърят ҳақида ўйлар» Й.Ф. фон Коттанинг (1761—1819) нуфузли нашриётида чоп этилгани бу умиду ишончини янада мустаҳкамлаган. Гёте эса Эккерманни ўз асарларининг янги нашри бўйича ишларга жалб этиб, унинг тимсолида толмас ёрдамчи ва доимий суҳбатдошга эга бўлган.

Ҳақиқатан ҳам пайтлардаёқ туғилган ва дастлабки саҳифалари қоғозга туша бошлаган «Гёте билан гурунлар» ажойиб асар бўлиши керак эди. Худди шундай бўлди ҳам. Ушбу китоб олмонларни қомусий даҳо сифатида Гётени ўқиш-ўрганишга ўргатибгина қолмай, балки уни инсон сифатида севиш ва эъзозлашга ҳам даъват этган, дейиш мумкин. Бироқ, буларнинг барчаси анча кеч — Эккерманнинг вафотидан кейин содир бўлган.

Бинобарин, Эккерман фақат «тақдир эркалаган» инсон ва адабиётчи сифатида «буюк немис»нинг боқий шон-шухратидан

бахраманд бўлган бахтли одам экани баробарида, кўп қатори омад-сиз ҳам эди. У бутун умр камбаралликда ҳаёт кечирган. Гётенинг ҳақ тўланадиган котибларидан бири бўлишни хохламаган — ғурури йўл кўймаган.

Эккерман кўпинча «Гётени асл нусхада ўқиш» хоҳишини билдирган ёш инглизлар ва америкаликларга дарс бериб кун кўрган. Бу жуда оз ва омонат иш ҳақи бўлган. Гёте томонидан «пул совға қилиш» ҳоллари эса онда-сондагина юз берар ва ўшанда ҳам бу ҳадялар миқдори фақирона ҳаётни ўзгартириб юбормайдиган даражада бўлган.

Гёте билан учрашувдан анча олдин Эккерман Ханхен Бертрам деган хонимга ишлари ўнгланиб кетгани заҳоти у билан никоҳга киришиш ҳақида ваъда берган. Аммо ишлари сира юришмас, чунки Эккерман итоаткорлик билан Гётенинг маслаҳат ва истакларидан ташқарига чиқмаган.

Жумладан, Эккерманга инглизларнинг бир оммавий нашридан замонавий олмон адабиётини ҳар бир сонда шарҳлаб бориш таклиф қилинади. Бундай хизмат учун ваъда қилинган қалам ҳақи, ўша давр тасаввурича, мислсиз даражада кўп бўлган. Бироқ Гёте Эккерманга «оролликларнинг тузовига илинмаслик»ни қайта-қайта тайинлаган: «У ҳолда кимлар ҳақида ёзишга тўғри келмайди, дейсиз! Яхшиси, бутун куч-ғайратни бизнинг гурунглариимиз асос қилиб олинган асарга жамлаган маъқул эмасми?»

Гёте, айниқса Эккерман ўз ёзувларининг айрим намуналари билан таништирганидан кейин, унинг эсдаликларига жуда катта аҳамият бера бошлаган. Инглизларнинг ўша уч ойда бир чиқадиган нашри Эккерманга эсдаликларини бобма-боб чоп этиб боришни таклиф қилади. Гёте бунга ҳам қарши чиқиб, «Гурунглари»ни фақат унинг ўлимидан кейин эълон қилиш кераклигини айтади. Чунки ҳали кўп ва хўп гурунглари бўлади ва бундай китоб жуда пухта ўйланган композицияни талаб қилади.

Буларнинг барчаси — ҳақ гап, айни вақтда Гёте Эккерманни қанчалик мушкул аҳволга тушириб кўйгани ҳақида, эҳтимол, ўйлаб ҳам кўрмаган. Зотан, Эккерманнинг қаллиғи билан ёзишмаларини ўқиш аянчли ва изтиробли. Ханхен ўз хатларида ҳайратланишдан тўхтамаган: бўлгуси эрининг гапига қараганда, унга жуда илтифотли бўлган бу Гёте деганлари наҳотки унинг учун ҳеч нима қилмаса?

Эккерман эса, ўз валинеъматини худбинликда айблашларидан ҳар томонлама ҳимоя қилган. Бундай кезларда фақат устознинг қатъияти туфайлигина Эккерманга Йена университети томонидан докторлик даражаси берилгани ва шу каби мисолларни қалаштириб ташлаган. Шўрлик икки қаллиқ ўртасидаги бундай маҳзун ёзишма-

лар Эккерман Ваймарга келган кундан бошлаб етти йил, унашти-
рувдан сўнг яна тўрт йил давом этган.

Нихоят, 1830 йили Италиядан қайтаётганида Эккерман Гёте олдига масалани кўндаланг кўйиш учун ўзида куч топа олган. У амаллаб ўз валинеъматига, агар доимий аниқ иш ҳақи билан таъминланмаса, Ваймарда қола олмаслигини изҳор этган. Лекин Эккерман бу мактубида ҳам уйланиш нияти ҳақида оғиз очишга журъати етмаган.

Гёте шу заҳоти жавоб ёзиб, уни Ваймарга чорлаган ва билдир-
ган истагини адо этишга ваъда берган. Эккермандан жудо бўлиш
мумкинлиги уни қаттиқ ҳаяжон ва ташвишга солиб кўйган. Зеро,
бошлаб кўйилган ва ўйлаб юрилган қанчадан-қанча салмоқли ижо-
дий ишлар чала қолиб кетиши хавфи юзага келганди. Шундан
сўнг Гётенинг буюк герцогиняга мурожаати туфайли Эккерман же-
невалик Ф.Я. Сорэга (1795 – 1863) ёрдамчи, буюк валиахд шахзода
Карл-Александрнинг иккинчи тарбиячиси этиб тайинланган.

Янги тарбиячилик маоши жуда оз бўлса-да, Эккерманга каллифи
билан никоҳдан ўтиш имконини берган. Бертрам хоним нақ ўн уч
йил кутганидан кейин, ниҳоят 1831 йили Эккерман хонимга ай-
ланган. Уларнинг турмуши бахтли эдими, бир нарса дейиш қийин;
лекин узоқ давом этмагани аниқ. Негаки, Хансен 1834 йилда тўлғоқ
пайтида вафот этган. У эри катта адабий шуҳрат ва моддий ютуққа
умид боғлаган «Гёте билан гурунглар» нашр этилган кунларни
кўришга муяссар бўлмаган.

Бу орада Гёте вафот этган ва унинг ўлими Эккерманни буюк
шоир ва мутафаккир зот ҳақидаги ўз эсдаликларини эълон қилиш
тақиқидан озод айлаган. Бироқ у узоқ вақт қўлёмани нашр
қилиш ишларига кириша олмаган. Негаки, Гёте Эккерман ва
Риверга қолдирган васиятномасида ўзининг бой адабий мероси-
ни ўн жилдда эълон қилиш мажбуриятини юклаган. Дастлабки
жилдга «Фауст»нинг иккинчи қисми киритилиши керак ва бундай
масъулиятли, сермашаққат вазифа айнан Эккерманнинг зиммасида
бўлган.

Эккерман фақат 1835 йилга келиб ушбу (гарчи фахрли бўлса
ҳам моддий жиҳатдан ҳеч бир фойда бермайдиган) ишни уддалаган
ва «Гурунглар»ни нашр этиш учун ноширлар билан музокарага
киришиш имкониятига эга бўлган. Асарнинг икки жилди 1836 йил-
да китобфуруш Бракгауз томонидан нашр этилиб, китоб бозорига
келиб тушган.

Бироқ Эккерманнинг ширин умидлари рўёбга чиқмаган. Даст-
лабки вақтларда «Гурунглар» муаллифи на адабий доиралардан
кутилган эътирофга, на муайян молиявий ютуққа эга бўлган. Китоб

ҳақида чурк этмаганлар ва бундан ҳам баттари, унинг адади жуда секинлик билан тарқалган.

Холбуки, «**Гурунглар**»да холис ёритилган Гётенинг ижодий ва илмий-амалий фаолияти ижтимоий-маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳалари учун ибратли намуна ҳисобланади. **Фридрих Йозеф Шеллинг** шарофати билан Гёте фалсафа оламига кирган. **Фридрих Карл фон Савинье** уни ҳуқуқшуносликка етаклаган. Гётенинг табиий фанларни эгаллашида **Александр фон Гумбольт**, филологиядаги такомилида эса **Вильгельм фон Гумбольт**нинг ҳиссаси катта бўлган. Ватандошлари ҳозирги кунгача, муаллифини ҳаёлига ҳам келтирмай, мулоқотда кенг фойдаланадиган олмон тилининг не-не гўзал ибораларини Гёте меросисиз тасаввур этиб бўлмади.

Гёте Эккерманнинг ёзувлари ўзининг ҳаёт йўли ва ана шу серкирра фаолиятини ватандошлари чуқур англаб етишларига, ўз шахсини муносиб баҳолашларига ёрдам беришига умид боғлаган. Бу умид кейинроқ рўёбга чиққан, албатта. Бироқ бунгача Эккерман замондошларининг «Гёте даври карнайчиси» қабилдаги кинояларига чидашига, даҳо шоирнинг ўзига эмас, балки издошлари — гётечиларга қаратилган аччиқ захархандаларга бардош беришига тўғри келган. Баъзан, ҳатто беписандлик ва истехзо билан «елкага қоқиб қўйиш»ларнинг ҳам гувоҳи бўлган, турли моддий қийинчиликларнида бошидан кечирган. Шунга қарамасдан, садоқатли Эккерман «**Гурунглар**»ни учинчи жилд билан тўлдиришга муваффақ бўлган. Бу жилд ҳам ўша Бракгауз нашриётида, асарга холисона баҳо бериш учун мутлақо қулай бўлмаган инқилобий даврда, 1848 йилда босилиб чиққан.

Орадан бир йил ўтиб, 1849 йилнинг 28 августида Ваймарда Гёте туфилган куннинг 100 йиллиги расман нишонланади. Шу муносабат билан тантанали нутқлар ирод қилинади, кўчаларда буюк герцоглик байроқлари ҳилпирайди, байрамона безатилган шаҳар чироқларнинг заррин нурига чулғанади. Фақат бир уйда — Эккерманнинг бошпанасида деразалар қорайиб турган. Гётенинг ёддан кўтарилган ҳассос котиби ва содиқ ёрдамчиси, немисларнинг жаҳоншумул миллий даҳосидан чекинишидек изтиробли воқеликни ўзининг нозик елкасида, покиза қалбида кўтариб яшаган Эккерман 1854 йилда вафот этган.

Эккерман ҳаётининг сўнгги йилларида Гёте ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиш сезиларли даражада кучайиб борган. Бу қисман «Гёте билан гурунглар»нинг Лондонда бир вақтнинг ўзида чиққан икки таржимаси билан боғлиқ эди. Сўнг француз тилида ҳам нашр этилган. Шу тариқа «**Гурунглар**» кўп тилларга таржима қилинди, дунё бўйлаб тарқалди, тарқалмоқда ва севиб ўқилмоқда.

Алқисса, Эккерманнинг Гёте хузурида ўтказган қарийб ўн йиллик умрининг меваси ва бу даврдаги сермазмун мулоқоту суҳбатлари мужассаами сифатида дунёга келган «Гёте билан гурунглар» китоби яратилишининг очиқ ва аччиқ мухтасар тарихи шулардан иборат.

Эккерманнинг ўз таъбири билан айтганда: «Ҳаёт, санъат ва илм борасидаги мазкур суҳбатлар нафақат кўплаб ходисаларга ойдинлик киритади, балки кундалик турмуш тасвирлари сифатида Гётенинг тимсолини, унинг хилма-хил асарларидан олган ўқувчи тасаввурини анча-мунча бойитади».

Гёте ҳақида ёзилган хотиралар, китоблар жуда кўп. Айни чоғда «Гёте билан гурунглар» китобини кўплаб олиму адиблар юксак баҳолаган. Зеро, ҳар бир китобнинг ўз қисмати бўлади. Эккерманнинг китоби ҳам ўз қисмати билан дунёга келган. Аввало, бу китоб Гёте ҳаётининг сўнгги йилларига доир энг нодир ва ишончли манба ҳисобланади.

Ҳўш, Эккерманга ўзининг «Гёте билан гурунглар» китоби чинакам қувонч, ижодий қаноат бахш этганми?

Асар устида ишлаш жараёнлари, шак-шубҳасиз, муаллифга улкан ижодий ҳузур-ҳаловат бағишлаган. Агар Эккерман эсдаликларининг дастлабки икки жилди босмадан чиққанида астойдил қувонмаганида, учинчи жилдни ёзиш ва нашр эттириш учун ўзида бемисл илҳом, рағбат ва қуч-қувват топиши осон бўлмас эди, назаримизда.

Ва албатта, Фрауэнплан, Ример, канцлер фон Мюллер, Оттилия хонадонларидаги завқ-шавққа тўла давралар ва ўзаро самимий алоқалар, шунингдек, содиқ дўстлар, уларнинг ўғиллари, Гёте набираларининг ўзига нисбатан эҳтиром ила муносабатлари Эккерманни чин қалбдан хушнуд этганига шубҳа йўқ.

«Гурунглар»ни мутолаа этиш асносида оилавий кироатхонликда ҳозир бўлганларнинг барчасига фақат Гётегагина хос жумлалар, гўёки «унинг ўз овози» шундоқ қулоқлари остида жаранглаб тургандек туюлган. Гётени, унинг турфа одатларини, гаройиб фикрлаш тарзини, оғзаки нутқини жуда яқиндан билганлари туфайли улардан ҳеч бири китоб бош қахрамони киёфасининг аслиятга нақадар ўхшашлигига зирғирча ҳам шубҳа қилмаган. «Ҳа, бу бизнинг бобомиз! У худди шундай гапирар эди! У ҳаётда айнан шундай эди!» — дея ҳайратланган Гётенинг набиралари.

Жудаям тўғри: «У ҳаётда айнан шундай эди». Эккерман томонидан яратилган Гёте — тирик Гёте. Бинобарин, Эккерман бу азиз хотираларни қоғозга кўчиргунича ҳам, ундан кейин ҳам ўзининг дилбар қалбида мудом эъзозлаб сақлаган.

Бунинг устига, Эккерман буюк устозининг ёрқин маънавий киёфасини тўлиқ очиб бериш учун зарур яна бир ноёб ҳислат-

га — Гётени суҳбатга ундаш, гурунглашишга рағбатлантириш қобилиятига ҳам эга бўлган. Шу маънода, «Улуф суҳбатдошимнинг шахсини идрок этиш ва уни бадий тасвирлаш укуви менинг асосий хизматимдир», деганда у асло муболаға қилмаган. Илло, Гёте яқинларидан ҳеч бири Эккерманнинг самимий фазилатлари, холислиги ва садоқатига ҳеч қачон шубҳа билан қарамаган.

Юқорида таъкидланганидек, чуқур ўйланган композиция, даҳо ижодкорнинг фикру зикрини, даҳоларга хос буюклиги ва мумтоз ёрқинлигини сақлаган ҳолда, бор оҳоръ билан китобхонга бус-бутун етказиш — «Гёте билан гурунглар» муаллифининг юксак маҳоратидан, бадий баркамоллигидан далолатдир. Шу боис, қарийб икки асрдан буён «Гурунглар» ҳар бир маърифатли инсоннинг мажбурий, содда айтганда, ўқимаса бўлмайдиган китобига айланди.

Эккерман вафотидан кейин тез орада «Гурунглар» Германияда ҳам, чет элларда ҳам қайта-қайта нашр этила бошланган. Бу китобнинг зиёси, эзгу хислатларига ҳеч ким шак келтирмайди. Бирок ўшанда унинг муаллифи ким экани шубҳа остида бўлган. Ушбу битикларни Гёте вафотидан кейинги унинг ўз китоби, деб эътироф этгувчилар ҳам топилган. Бундай мақтовлар, аслида, киши билмас буюк баҳо ҳам эди.

Аммо, улар Гётенинг, «материал»ни, «асарнинг ўзаги»ни воқелик етказиб беради, бироқ ундан ёзувчи санъатни ижод қилади, деган сўзларини ёддан чиқаришганга ўхшайди. Турган гапки, «Гурунглар» учун Гёте томонидан етказиб берилган материал ўз-ўзидан ниҳоятда бой ва гениал. Ва лекин, бугунги кунда ҳам етук бадий кимматга эга роман сифатида мароқ билан ўқиладиган бу китобни Эккерман деганлари ўша бебаҳо «материал»га таянган ҳолда сўзма-сўз, жумлама-жумла, саҳифама-саҳифа яратган. Бунинг учун неча йиллар мобайнида туну кун бетиним ижод қилган!

Айрим гётешунослар эса Эккерманнинг Гёте билан гурунглирида тортинчоқлик, ёлворувчанлик ва хушомадгўйлик оҳанглири сезилиб туришини қайд этади. Гётедек теран ақл, учқур хаёл, хассос қалб, осмон қадар рух, тордек юрак, нодир қобилият, инжа феъл-атвор, юксак илм-маърифат, улкан тажриба соҳибига, бир сўз билан айтганда, мана шундай бекиёс маънавият алпига, бор бўй-бастидан серкирра куч-қудрати балқиб турган даҳо зотга дуч келганида, ўзингиз айтинг, ким ҳам эсанкираб, ғайриихтиёрий равишда довдираб қолмайди, дейсиз?!

Бу фикримизнинг тасдиғи сифатида қуйидаги тарихий мисолга эътиборингизни қаратмоқчимиз: «Агар мен ўзимнинг маънавий ўсишим қандай кечганига назар ташласам, — деб ёзган Гегель 1825 йилда Гётега. — Мен шуҳрат чўққисига ~~тиқилганда~~, Сизни ҳар жойда унга сингиб кетгандек ~~кўраман~~ ва ўзининг ~~Сизнинг~~ ~~...~~»

* 2020/5-26

ўрлингизман, деб айтгим келади... Сизнинг ижодингиз, Сизнинг букилмас реализмингиз... менинг йўлимда ёруғ юлдуз бўлди».

Бундан бошқа бир ҳолат эса кишини янада хайрон қолдиради. Бу ўринда гап Гётенинг «Ранглар ҳақидаги таълимот» асаридаги айрим қоидаларга Эккерман қандай жасурлик билан эътироз билдиргани ҳақида бормоқда. «Бидъатчи!» — ўшқирган ўшанда унга Гёте. Бирок, бундай ҳоллар ўзаро дўстликка асло ҳалал бермаган.

Айтмоқчимизки, Гёте билан гурунгларнинг туб моҳиятида Эккерманнинг қандайдир мавҳум ёлворишу ялтоқланишлари ва журъатсиз валдирашлари эмас, аксинча, даҳо зотга, буюк ижодкорга, мўътабар устозга, қиёматли дўстга, қисқаси, энг азиз инсонига нисбатан юксак меҳр-муҳаббати, оқибати, ҳурмат-эҳтироми, эъзоз ва ардоғи жо бўлган. Бинобарин, буларнинг барчаси ҳар қанча ибрат ва намуна олишга муносиб энг эзгу инсоний фазилатлардир.

Ҳа, чиндан ҳам Эккерман Гёте учун ўзини қурбон қилган. У ўзининг шеърий қобилятини камолга етказмаган. Гарчи илк китобчаси — «Шеърийат ҳақидаги ўйлар» орқали ўзида адабий танқидчи лаёқатини кашф этган бўлса ҳам, ўшандан сўнг бу йўналишда бошқа мақола ҳам, китоб ҳам ёзмаган. Бунинг ўрнига, Гётенинг илтимосига кўра, «Гурунглар» устида астойдил иш олиб борган. Айни вақтда, «абадийлик нуқтаи назари»дан (лотинча: «*sub special actirnitatis*») қараганда, Эккерманнинг бу каби барча қурбонликлари Гётенинг мангу шухратига унинг юксак даражада дахлдорлиги тимсолида тўла-тўқис, ҳатто ортиғи билан қопланган, десак, янглишмаган бўламиз.

Шунга ҳам алоҳида эътибор қаратиш жоизки, ушбу китобдаги Гёте — Эккерманнинг Гётесидир. Эккерман гурунглари бизга Гётенинг руҳий дунёси сирларини, даҳо руҳиятини янада кўпроқ очиб беришга кўмаклашади. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи ҳам: «Гётенинг ички оламини ҳар томонлама чизиб беришга муваффақ бўлдим», деб ишонч билан таъкидлаган. Бинобарин, муаллиф ҳассос қалб билан тавсиф этганидек: «Бу фавқулодда инсон руҳиятини ҳақли равишда кўп қиррали олмосга қиёслаш мумкинки, уни қайси тарафга ўгирмагин, турли рангда товланаверади».

Китобнинг яратилиши сабаблари ҳақида сўз борганда, биринчи навбатда, Гёте билан Эккерман нафақат исмдош (иккаласи ҳам — Йоханн) бўлгани, айни пайтда, шоир, рассом, мусиқа шинавандаси, хорижий тиллар билимдони, ҳуқуқшунос-адвокат сифатида ҳам бири-бирига уйғун ва уйқаш ҳаёт кечиргани мазкур китоб яратилиши учун асос вазифасини ўтаган, дейиш мумкин.

Мисол учун, Эккерман ҳуқуқшунослик илми ҳақида фикр юритиб: «Бу илм туфайли сен расмий ва ижтимоий ҳаётга назар ташлашни ўрганасан, бошқа йўл билан бунинг ўрганолмайсан, шу билан

бирга, бу илмни ўрганиш бошқа юксакроқ нарсаларни эгаллашинг учун ҳам йўл очиб беради», дер экан, бу ҳаётий фалсафани ўзининг мазмунли умри ва ижоди, хусусан, «Гёте билан гурунглар» китоби мисолида яққол исботлаб берган.

Улур устоз Гётенинг: «Агар одам бир нарсани аниқ баён эта олса, у бошқа кўп нарсаларнинг ҳам уддасидан чиқа олади», деган ибратли хикмати юқоридаги фикрларни яна бир бор тасдиқлайди. Қисқача айтганда, Эккерманнинг китобида кўз олдимизда яққол намоён бўладиган Гётенинг қудратли шахси ҳамиша эъзоз ва эҳтиромга муносибдир.

Президентимизнинг «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» китобида ўзбек адабиётининг бугунги ва эртанги кун истиқболи ҳақида сўз борар экан, жумладан, дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига эътиборни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Шундай экан, дунё миқёсида эътироф этилган бу китоб бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро ҳамкорликни кучайтириш, Фарб ва Шарқ ўртасида адабий алоқаларни янада ривожлантириш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Я. Эгамованинг таржимонлик хизматига алоҳида урғу берар эканмиз, даҳо Гётенинг бу соҳа намояндаларига берган таърифини эслатишни лозим топдик: «Таржимонларни серғайрат, тиниб-тинчимас совчиларга ўхшатгинг келади, улар бизга ярим пинҳон гўзалликнинг мақтовини келтириб, уни юксак даражада ёқимли қилиб кўрсатадилар; улар аслиятга зўр, кучли иштиёқ уйғотадилар».

Албатта, ҳар қандай таржима, айниқса, мумтоз асарлар таржимаси аслият ўрнига ҳеч ҳам даъво қила олмайди. Зеро, устоз Эркин Воҳидов топиб айтганидек:

*Ой ўртанар, кўзларида ёш,
Бағри доғу юраги қийма.
Дер: эй фалак, мен эдим Куёш,
Нега мени қилдинг таржима?*

Мухтасар айтганда, ўзбек китобхонларига биринчи мартаба алоҳида китоб ҳолида тақдим этилаётган ушбу нодир асарни адабиёт мухлислари даҳо шоир ва унинг беназир шогирди заковат хазинасидан муносиб тухфа сифатида ҳавасу иштиёқ билан қабул қилади, деган умиддамиз.

**Акмал САИДОВ,
профессор**

МУҚАДДИМА

Бунда муаллиф ўз ҳаёт йўли ва Гёте билан қандай алоқа боғлагани ҳақида маълумот беради

Люнеберг ва Ҳамбург оралиғидаги Винзен-Луге шаҳарчасида, ботқоқлик бутазор кенгликларга уланиб кетган жойда, 90-йилларнинг бошида, бир кулда дунёга келдим, уйчани бошқача атаб бўлмасди, унда биттагина печка бор эди, холос, ҳатто зинапояси ҳам йўқ, кириш эшиги ёнида бор-йўғи битта нарвон турар, у орқали биз хашакхонага чиқардик.

Мен онамнинг иккинчи никоҳидан туғилган кенжа фарзанд эдим, эсимни таниганимда ота-онам кексайиб қолишган, улар билан деярли ёлғиз ўсдим. Отамнинг биринчи хотинидан иккита ўғли бўлиб, улардан биттаси матрос эди, узоқ денгиз сафарларида юриб, йироқ юртларда асирга тушиб, бедарак йўқолган, иккинчиси эса, Гренландияга бир неча марта кит ва тюлень овига қатнаб Ҳамбургга қайтиб келган, у ерда ўзига тўқ ҳаёт кечирарди. Онамнинг шу никоҳидан туғилган иккита опам ҳам бор эди, мен ўн икки ёшга тўлганимда, улар ота уйини тарк этишиб, гоҳ Ҳамбургда, гоҳ бошқа жойларда хизматкорлик қилишарди.

Оиламизнинг асосий боқувчиси сигиримиз бўлиб, у бизни нафақат сут билан таъминлар, балки ҳар йили битта бузокни катта қилардик, ҳатто гоҳида сутидан сотардик ҳам. Бундан ташқари, ярим гектарча еримизда етиштириладиган сабзаёт бир йил давомида рўзгоримизни таъминлар, нон ёпиш учун ғалла ва унни эса сотиб олардик.

Онамнинг қўли гул эди: у тўқир, қизлар учун чепчиклар¹ бичиб-тикар, шу йўл билан катта бўлмаса-да, бироқ яхшигина даромад қиларди. Унинг мижозлари доимо ундан хурсанд бўлишарди.

Отам йил фаслларига мослаб майда-чуйда нарсалар билан уйма-уй юриб, баъзан уйдан узоқ, чекка жойларда пиёда кезиб, савдо-сотик қилиб юрарди. Ёзда ичига ип, тасма,

¹ Чепчик — қалпоқча, бош кийим.

шойи солинган ёроч кутини елкасига осиб олганча қишлоқма-қишлоқ кезарди. Бу ерларда у узун жун пайпоқлар, қўйнинг жигарранг жунидан, зигирпоядан тўкилган матоларни сотиб олар ва буларни Эльбанинг нариги томонида, Фирсандла пулларди. Қишда ишлов берилмаган ғоз патлари ҳамда атроф қишлоқларда сотиб олган зигирпоядан тўкилган матоларни кемада Ҳамбургга олиб бориб сотарди. Ҳар қандай ҳолда ҳам унинг даромади кам бўлган шекилли, биз муҳтожликда яшардик.

Менинг болаликдаги юмушларимга келсак, бу ҳам йил фаслига қараб ўзгариб турарди. Эрта баҳорда, Эльба дарёсининг суви пасайгач, мен ҳар куни тўғон ва тепаликлар ёнига оқим чиқариб ташлаган қамишларни йиғиб келишга борардим, улар сигир остига яхшигина тўшак бўларди. Кенг яйловларда дастлабки майсалар унғач, бошқа болалар билан бирга кун бўйи сигир боқардим. Ёзда эса еримизда ишлардим; бундан ташқари, йил давомида яқингинамизда жойлашган ўрмондан печкага ёқиш учун курук ўтин таширдим. Ўрим-йиғим пайтида ҳафталаб далама-дала кезиб, бошоқ терардим, кейинроқ куз шамолларидан дарахтлар силкиниб, эман ёнғоқлари тўкилганда, мен уларни териб олиб, ярим килоли бўлақларга бўлиб, шаҳарлик бойларга сотардим, буни улар ғозларига емиш қилишарди. Сал катта бўлганимдан кейин отам билан бирга қишлоқма-қишлоқ кезадиган бўлдим. Бу — ёшлигимдаги энг яхши хотиралар даври эди.

Мана шундай шароит ва юмушлар билан мактабга ахён-ахёнда қатнаб, ўқиш-ёзишни амаллаб ўрганиб, ўн тўрт ёшга ҳам етдим. Шу ёшимдан бошлаб Гёте билан яқин алоқалар ўрнатганимга қадар беҳад улкан йўлни босиб ўтишим лозим эди. Дунёда шеърят, нафис санъат деган тушунчалар ҳам борлиги у пайтлар етти ухлаб тушимга ҳам кирмас, бу нарсаларга томон менда ҳатто хирагина интилиш ҳам йўқ эди.

Айтишларича, ҳайвонлар сезги органлари орқали дунёни англашаркан, одамда эса, кўпинча тасодифан қилинган бирор иш туфайли унинг қалбида мудраб ётган қандайдир фазилатлар юзага чиқади. Менда ҳам шунга ўхшаш нарса содир бўлган эди, гарчи арзимас бўлса-да, бу тасодиф менинг бутун ҳаётимга ўзгача йўналиш берди ва бир умрга ёдимда муҳрланди.

Бир куни кечқурун чироқ ёруғида ота-онам билан столда ўтиргандим. Отам ҳозиргина Ҳамбургдан қайтиб келган ва ўзининг савдо ишлари ҳақида хикоя қиларди. У чекувчи бўлганлигидан бир пакет сигарета олиб келган, пакет стол устида менинг кўз олдимда ётар, устига от сурати чизилган

эди. Бу сурат менга ғоятда ёқимли туюлди ва ручка, сиёх, бир бўлак қоғоз шундоқ олдимда тайёр эди, менда ўша суратни кўчириб чизиш истаги пайдо бўлди. Отам Ҳамбург ҳақида гапиришда давом этар, мен бўлсам, расм чизишга берилиб кетгандим, ота-онам буни сезишмасди ҳам. Чизиб бўлиб қарасам, менинг нусхам аслига тўла мос келаркан, шунда ҳозиргача менга номаълум бўлган бахтни ҳис этдим. Мен буни ота-онамга кўрсатдим, улар ҳайратга тушиб мени мақтай кетишди. Тунни қувончли ҳаяжон оғушида деярли ухламай ўтказдим, чизган отим ҳақида тинимсиз ўйлардим, уни тағин томоша қилиб қувониш учун тонгни сабрсизлик билан кутардим.

Шу кундан бошлаб, юрагимда уйғонган нусха кўчиришга бўлган интилиш мени тарк этмади. Бу чекка жойда бунақа соҳаларда ҳеч қандай кўмак йўқлиги сабабли, кулол кўшнимиз лаган ва ликопларига безак беришда намуна вазифасини ўтайдиган контурлар чизилган бир неча дафтар берганида роса севиндим.

Ручка билан улардан яхшилаб нусхалар кўчирганимдан кейин дафтарлар иккита бўлди, улар қўлма-қўл ўтиб, қишлоғимизнинг оқсоқоли Мейер қўлигача етиб борди. У мени ёнига чақириб, кўп совғалар берди ва чин дилдан мақтади. Кейин у мендан рассом бўлишни хоҳлайсанми, деб сўради; бундай тақдирда конфирмация¹ маросими ўтгач, мени Ҳамбургга, моҳир уста қўлига жўнатишини айтди.

Мен буни жуда ҳам хоҳлашимни, фақат ота-онам билан маслаҳат қилишим лозимлигини айтдим. Аммо, ота-онам деҳқон бўлганликларидан, бунинг устига, асосан деҳқончилик ва чорвачиликдан бошқа нарсани билмайдиган, қадам етмас жойда яшаганлари туфайли «рассом» деганда нари борса эшик ва уйларни бўяйдиган одамни тушунишарди. Улар менинг ниятимга қарши чиқишди ва бу нафақат жуда ифлос, балки жуда хавфли иш эканлигини, оёқ ёки қўлни синдириб олиш мумкинлигини, бунақа ходисалар етти қаватли уйлар бўлган Ҳамбургда тез-тез содир бўлиб туришини юмшоқлик билан тушунтиришди. Рассом ҳақидаги менинг тушунчаларим ҳам бундан ортик эмаслиги боис бу касбга бўлган қизиқишим сўнди ва меҳрибон оқсоқолнинг таклифини хаёлимдан чиқариб ташладим.

Бир кун келиб мен шаҳарлик таниқли кишилар назарига тушдим, улар менинг қобилиятимни ўстиришга ҳаракат қилишди. Ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари билан бирга

¹ *Конфирмация* — болаларни ёки бошқа диндаги кишиларни черков аҳли қаторига қўшиш, диндор қилиш маросими.

хусусий дарсларга қатнашишга имкон яратишди, мен француз тилини, бироз лотин тилини ва мусиқани ўргандим; шу билан бирга, мени башангроқ кийим билан таъминлашди, ҳатто обрўли суперинтендент Паризиус мени ўз столига таклиф қилишни лозим кўрди.

Шундай қилиб, мен ўқишга қизиқиб қолдим; бундай имкониятдан узоқроқ фойдаланишга интилдим, шу сабабли ота-онам менинг ўн олти ёшда конфирмациядан ўтишимга рози бўлишди.

Мана энди, мен ким бўламан, деган масала пайдо бўлди. Менинг хоҳиш-истакларимга кўра, илмга қобилиятимни ҳисобга олиб, гимназияга юборишлари лозим эди; бироқ буни ҳаёлга ҳам келтириб бўлмасди, чунки бунга нафақат моддий қудратимиз етмасди, балки оиламиздаги қийин аҳвол мени фақат ўз манфаатимнигина ўйлаб қолмасдан, қари ота-онамга қай бир даражада кўмакдош бўлишни ҳам талаб қиларди.

Бундай имконият конфирмациядан кейинок пайдо бўлди: ўша ердаги адлия хизматчиларидан бири менга ўз суд маҳкамасида айрим ёзув ва бошқа майда-чуйда ишларни бажариш учун хизматга таклиф қилди ва мен жон-жон деб рози бўлдим. Кейинги бир ярим йил ичида мактабда тиришқоқлик билан ўқиганлигим сабаб нафақат чиройли ёзишга қўлим келишиб қолган, балки ҳар хил матнларни ҳам бемалол ёза оладиган бўлгандим, шунинг учун ҳозирги ҳолатимда ўзимни бундай хизматга лойиқ деб ҳисобласам бўларди. Бундай юмушлар билан бир қаторда адвокатликка оид ҳар хил майда ишларни ҳам бажарардим, ҳатто шундай пайтлар ҳам бўлардики, умумий шаклларда шикоятлар ва суд қарорларини ҳам ёзардим; бундай ишлар икки йил, яъни 1810 йилгача давом этди, кейин Винзен-Лугедаги Ханновер суд маҳкамаси ёпилди ва Ханновер округи Қуйи Эльба департаменти таркибига кўшилди, Қуйи Эльба эса француз империясига қарашли эди.

Мен Люнебергдаги бевосита солиқлар дирекциясига ишга ўтдим, келгуси йил бу идора ҳам ёпилгач, Улцендаги қуйи префектурада хизмат қила бошладим. У ерда 1812 йилгача ишладим, кейин префект жаноб фон Дюринг мени Бевензен мэриясининг котиби лавозимига ўтказди, бу лавозимда 1813 йил кўкламигача ишладим, бу пайтда казакларнинг яқинлашиб келиши француз истилосидан озод бўлишга умид уйғотди.

Мен истеъфога чиқиб, ўз юртимга кетдим, кўнглимда у ер-бу ерда яшириқча тузилаётган ватан ҳимоячилари отрядига

қўшилиш истаги ҳукмрон эди, холос. Истагим амалга ошди, ёзнинг охирида елкамда винтовка ва юкхалта билан Килмангес егер корпусига кўнгилли бўлиб қўшилдим ва капитан Кноп ротаси таркибида 1813—1814 йил қишки юришда Мекленбург, Холштайн орқали ўтиб, Ҳамбург бўсағасидаги маршал Дабуга қарши урушдик. Кейин Райнни кечиб ўтиб генерал Майсонга қарши юриш қилдик, ёзни эса, гоҳ хужумлар, гоҳ чекинишлар билан ҳосилдор Фландрия ва Брабантда ўтказдик.

Бу ерда машҳур нидерланд картиналарини кўриб кўз олдимда янги дунё очилди, мен бутун кунларни черков ва музейларда ўтказардим. Аслида булар ҳаётимда кўрган илк картиналар эди. Ҳақиқий рассом қандай бўлишини мана энди билдим; ўқувчилар чизган, тан олинган расмларни томоша қиларканман, менга ҳам шундай йўлдан бориш насиб қилмаганидан йиғлагим келарди. Аммо худди шу ернинг ўзида аниқ қарорга келдим; Турнеда бир ёш рассом билан танишдим-да, грифель¹, энг катта ўлчамдаги расм қоғози топдим ва битта расм олдига ўтириб, ундан нусха кўчирмоқчи бўлдим. Машғулотга бўлган оташин иштиёқ мендаги машқнинг етишмаслиги ва устоз кўрмаганимнинг ўрнини тўлдирди, фигура контурларини бинойидек жой-жойида чиздим, эндигина расмга чап томондан бошлаб бўёқ бера бошлаган эдим, хужумга ўтиш ҳақида буйруқ келди-ю, севимли машғулотнинг белига тепди. Шоша-пиша расмнинг тугалланмаган қисмидаги нур ва соя алмашинадиган жойларни имкон бўлган пайтда охирига етказиш мақсадида ҳарфлар билан белгиладим. Уни ўрадим-да, котелогимга солиб, юкхалтам билан бирга елкамга осиб, Турнедан Ҳамелнгача бўлган ма-софани босиб ўтдим.

Егер корпуси Ҳамелнда 1814 йил кузида тарқатиб юборилди. Юртимга қайтиб кетдим, отам вафот этган, онам энг катта опам билан яшар, опам турмушга чиққан, сеп сифатида ота уйи унга берилган эди. Дархол расм чизишни давом эттиришга киришдим; дастлаб Брабантдан олиб келган расмни ниҳоясига етказдим, бошқа намуналар бўлмаганлиги боис Рамбергнинг мисга ўйилган гравюраларига мурожаат қилдим, уларни грифель билан катталаштириб чизишга киришдим. Бироқ менда керакли машқ ва кўникмалар етишмас ҳамда одам ва ҳайвонлар анатомияси ҳақида билимим кам эди; турли-туман дарахтлар ва ерларни қандай тасвирлаш ҳақида тасаввурга эга эмасдим, шунинг учун бирор нарсани аслига

¹ Грифель — тошқалам.

салгина бўлса-да, ўхшатиб тасвирлаш учун беҳад кўп куч сарфлашимга тўғри келарди.

Шундан хулоса қилдимки, агар мен рассом бўлишни истасам, бошқача йўл тутишим, бунақа кўр-кўрона ҳаракат билан ҳеч нарсага эришмас эканман. Бирорта моҳир рассомни топиб, ҳаммасини бошидан бошлайман, деган қарорга келдим.

Ҳанноверлик Рамберг¹дан ўзга бирорта рассомни хаёлимга келтирмадим; бунинг устига, бу шаҳарда тураржой топишим ҳам қийин бўлмайди, чунки у ерда ёшликдаги яқин дўстим яшар, унинг менга садоқати ва тинмай ёнига чақиришлари мададига умид уйғотарди.

Узоқ ўйлаб ўтирмай лаш-лушларимни тугдим-да, 1815 йилнинг қишида қор босган саҳро бўйлаб пиёда йўлга тушдим ва бир неча кундан кейин Ҳанноверга етиб келдим.

Ҳаяллаб ўтирмай Рамберг хузурига бордим-да унга ўз истак-орзуларимни баён қилдим. Такдим қилган чизмаларимни кўргач, у менинг иктидоримга шубҳа қилмади; бироқ санъатни эгаллаш жараёнида яшаш учун маблағ ва техник қийинчиликларни енгиш вақт талаб қилишини уқтирди. Санъатни бугун бошлаб, эртага даромад келтиради, десанг адашсан. Шунга қарамай, у менга ёрдам беришга тайёр эканлигини ҳам изҳор қилди ва бир уюм расмлари ичидан одам танасининг қисмлари тасвирланган бир неча варақларни олиб, улардан нусха кўчириш учун менга берди.

Шундай қилиб, дўстимникида яшаб, Рамбергнинг асл нусхаларидан нусха кўчириб юрдим. Ишларим яхши кетарди, чунки у менга берган варақлардаги чизмалар борган сари мураккаблашиб борарди. Одам танасининг барча аъзоларини чизиб чиқдим, энг қийин қисмлари — қўл ва оёқларини эринмасдан қайта-қайта чиздим. Шу тахлит бир неча бахтли ойларни ўтказдим. Май ойи етиб келди, соғлигим ёмонлаша бошлади; июнь ҳам бошланди, шу даражада қўлларим қалтирардики, энди грифелни юргизишга ҳам ярамай қолдим.

Бир тажрибали докторга мурожаат қилдик. У менинг аҳволимни хавфли деди. Унинг айтишича, узоқ муддатли ҳарбий юришлар оқибатида терим танамдаги ортиқча нарсаларни чиқармай қўйган, бутун иссиқлик ички органларга урган, агар мен яна ўн-ўн беш кун келмай судралиб юраверганимда, ўлиб кетар эканман. У терининг фаолиятини қайта тиклаш учун

¹ Рамберг Йоханн Хайнрих (1763–1840) – рассом, Виланд асарларининг безакчиси.

менга иссиқ ванна ва шунга ўхшаш муолажаларни буюрди; кўп ўтмай ростдан ҳам аҳволим яхшиланди; лекин расм чизишни давом эттиришни орзу ҳам қилиб бўлмасди.

Бутун вақт давомида дўстимнинг уйида ғамхўрлик ва диққат-эътибор оғушида бўлдим; мен унга юк бўлаётганим ёки келажакда юк бўлишим мумкинлигини на хатти-ҳаракати, на тилида сездирмади. Аммо ўзим тинмай шу ҳақда ўйлардим, эҳтимол узоқ вақт мана шу тахлит ичдан эзилишларим танамда мудраб ётган касалликни юзага чиқаргандир; соғайишим учун талаб қилинадиган чиқимлар ҳам менга бир зум тинчлик бермасди.

Мана шундай ички-ташқи ишқалликлар чиқиб турган бир пайтда менга кутилмаганда Ҳанновер армиясини кийим-кечак билан таъминлаб турувчи бир ҳарбий маҳкамадан иш топилиб қолди, қийинчиликлардан қийналиб турган маҳалимда рассомликка қўл силтаб, бу имкониятни қувонч билан қарши олганимга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

Тез соғая бошладим, анчадан бери ҳис этмаган яхши кайфият ва қувноқлик тикланди. Энди дўстимнинг менга кўрсатган мурувватларига бироз бўлса-да жавоб қайтарарман, дея қувонардим. Мен ғайрат билан киришган янги машғулот ҳаёлимни бошқа ташвишлардан чалғитарди. Бошлиқларим ўта бағрикенг кишилар бўлиб, ҳамкасбларимнинг айримлари мен билан ўша корпусда ҳарбий юришларда бўлган эди, мен улар билан тезда тил топишиб кетдим.

Ишга яхши ўрнашиб олгач, шаҳар теварак-атрофига назар ташлашга фурсат топа бошладим, бўш вақтларимда гўзал манзараларни томоша қилишдан чарчамасдим. Рамбергнинг шогирди, бир ёш рассом билан яқиндан танишдим; у доимо сайрларимда менга ҳамроҳлик қиларди. Касаллигим ва бошқа тўсқинликлар туфайли расм чизиш билан шуғулланмай қўйганлигим учун унга ҳам, менга ҳам қадрли машғулот хусусидаги кундалик суҳбатларимиз кўнглимга таскин берарди. У мен билан ўз композицион режаларини ўртоқлашар, эскизларини кўрсатар, уларни бирга муҳокама қилардик. Унинг тавсияси билан мен анчагина ноёб китобларни, Винкельман¹ни, Менгс²ни ўқидим; ушбу муаллифлар тилга олган суратларни кўриш иложи йўқлигидан бу китоблардан бор-йўғи умумий маълумот ололдим, холос, улардан фойда кам бўлди.

¹ *Винкельманн Йоханн Иоахим (1717 - 1768)* - немис археологи ва санъат тарихи тадқиқотчиси.

² *Менгс Рафаэль (1728 - 1770)* - рассом ва санъат назариётчиси.

Резиденцияда туғилиб ўсган дўстим билим жиҳатидан менадан анча устун эди, шу билан бирга, у адабиётни ҳам яхши билар, менда эса бу ҳақда тасаввур ҳам йўқ эди. Ўша кезларда Теодор Кёрнер¹ оғизга тушган эди. Дўстим менга унинг «Шеърят ва қилич» номли шеърлар тўпламини келтириб берди, шубҳасиз, улардан олган таассуротим ва ҳайратимнинг чеки йўқ эди.

Менга шеърнинг бадиий таъсири ҳақида кўп гапиришар ва буни биринчи ўринга қўйишарди; менга эса ундаги мазмун муҳим бўлиб туюларди. Бу китобчани ўқиб, ўзим ҳам сезмаган ҳолда шу хулосага келдим. Чунки мен ҳам Кёрнерга ўхшаб озодлик урушида иштирок этганим, шошилиш ҳарбий юришлар, тунги лашкаргоҳлар, соқчиликда туришлар, жангларни бошдан кечирганим, худди уникадек ўй-фикр ва ҳиссиётларнинг менинг ҳам кўнглимдан кечгани – шуларнинг барчаси миямда чуқур ва кучли акс-садо бўлиб янгради.

Одатда бирорта сермазмун асар менга қаттиқ таъсир қилар ва ҳаяжонга соларди, Теодор Кёрнер шеърлари ҳам шундай таъсир қилди. Болалигимда ҳамда кейинги йилларда гоҳ-гоҳида ўзим ҳам шеърчалар ёзганимни, уларни дарҳол ташлаб юборганимни эсладим, чунки бунақа осон юзага келадиган нарсаларни кадрламас эдим, бундан ташқари, поэтик истеъдодга баҳо бериш учун маълум даражада юксак онг ҳам керак эди. Энди эса, Теодор Кёрнернинг поэтик истеъдоди менга роятда юксак ва тақлид қилишга муносиб бўлиб туюлди, мен ўзимда ҳам шу нарсани синаб кўрсам, унга ўхшаб нимадир яратиш кўлимдан келармикан, деган фикр туғилди.

Жангчиларимизнинг Франциядан қайтиб келиши айни муддао бўлди. Дала шароитида аскар чекига тушадиган мислсиз қийинчиликлар ҳали ҳам хотирамдан ўчмаган эди, ҳолбуки беғам-беташвиш одам уйдаги озгина ноқулайликдан ҳам шикоят қилади. Шуларни ўйладим-да, мана шунақа ҳолатларни шеърда баён қилмоқчи, шу йўл билан одамларнинг ҳистуйғуларига таъсир этиб, қайтиб келадиган армиямизга қайноқ табригимни изҳор қилмоқчи бўлдим.

Шеърни ўз ҳисобимдан кўпайтириб, шаҳарда тарқатдим. Шеър ўтказган таъсир кутганимдан ҳам ошиб тушди. Шу орқали мен анчагина танишлар орттирдим, улар менинг ҳисларим ва қарашларимни маъқуллашар, бунақа шеърларни яна ёзишга рағбатлантиришар, мен намоён қилган истеъдод янада

¹ *Кёрнер Карл Теодор (1791 – 1813)* – Наполеонга қарши озодлик учун кураш даври шоири.

ривожлантиришга муносиб дейишарди. Шеър газеталарда босилди, бошқа шаҳарларда қайта чоп этилди, алоҳида сотиб олинди, яна бир қувончли ходиса шу бўлдики, аслида шеър вазни узунлиги туфайли кўшиққа у қадар тушмаса-да, бир машхур бастакор уни мусикага солиб, кўшиқ қилди.

Шундан бир ҳафта ҳам ўтмасдан яна битта шеър ёзиш қувончини туйдим. Энди мен йигирма тўрт ёшга тўлган, қалбимда хис-туйғулар, интилиш ва ирода кучи қайнаб тошарди; бироқ менда на рухий-маънавий маданият, на билим бор эди. Менга улугъ ёзувчиларимизни, айниқса Шиллер¹ ва Клопшток²ни ўрганишни тавсия қилишди. Уларнинг асарларини топиб ўқидим, тўғри, ҳайратландим, аммо улар менинг ўсишимга кам таъсир ўтказишди, бу даҳоларнинг йўллари, ўша вақтда сезмаган бўлсам-да, менинг табиатим хоҳлаган йўлдан анча узоқдан ўтарди.

Шу кезларда Гёте номини эшитдим ва унинг шеърлар тўплами кўлимга тушиб қолди. Унинг кўшиқларини қайта-қайта ўқирканман, шундай қониқишни ҳис этардимки, буни сўз билан ифода этиб бўлмайди, назаримда эндигина қалбимда ҳаётга қизиқиш уйғонаётган ва эндигина уни ҳис этаётган эдим; гўё бу кўшиқларда менинг ҳозиргача ўзим сезмаган ички дунём акс этгандек эди. Ҳеч қаерда менинг соддагина ақлим ва шуурим илғай олмайдиган биронта ёт, дабдабали нарсага дуч келмасдим, ҳеч қаерда мени довдиратиб кўядиган бирорта ҳам бегона ва эскирган илоҳий номлар учрамасди; аксинча, ҳамма жойда соғинч, қувонч ва изтиробларга лиммо-лим инсон юраги уриб турарди, ёп-ёруғ кундек, нафис санъатдан руҳ олган ҳақиқий борлиқ кўз олдимда намоён эди.

Мен ҳафталар, ойлар шу кўшиқлар билан яшадим. Кейин «Вильхельм Мейстер»³ни кўлга киритишга муваффақ бўлдим, сўнг ҳаёт йўлини ўргандим, ундан кейин драматик асарлари билан танишдим. «Фауст» дастлаб инсон табиатининг тубсизлиги ҳамда ярамасликлари билан мени ўзидан итарган бўлса-да, борган сари пинҳоний моҳияти билан ўзига тортаверди ва уни байрам кунлари кўлдан кўймай ўқиб чиқдим. Ҳайрат ва муҳаббатим орта борди, мен йиллаб, ойлаб шу асарлар би-

¹ Шиллер Фридрих фон (1759–1805) — машхур немис ёзувчиси.

² Клопшток Фридрих Готлиб (1724–1803) — немис шоири.

³ «Вильхельм Мейстер» — Гётенинг учта романини ўзида жамлаган трилогияси («Вильхельм Мейстернинг таҳсил йиллари», «Вильхельм Мейстернинг театрдаги салоҳияти», «Вильхельм Мейстернинг жаҳонгашталиқ йиллари»).

лан яшадим ва фикрладим, Гётедан бошқа ҳеч ким хаёлимга келмади.

Улуғ ёзувчи асарларидан биз оладиган фойда ҳар хил бўлиши мумкин; энг асосийси, улар орқали биз нафақат ўз ички дунёимизни, балки ташқи дунёга хос хилма-хилликларни ҳам билиб оламиз. Гёте асарлари менга ана шундай таъсир ўтказди. Шунингдек, улар мени ҳиссий жиҳатларни ва характерларни яхшироқ кузатишга ва илғашга ўргатди; улар туфайли мен аста-секинлик билан бирликни ва индивиднинг ўз-ўзи билан ички гармониясини тушуна бошладим, шу таҳлит менга буюк хилма-хилликнинг ҳамда табиий ва рухий ҳодисаларнинг сирлари тобора очила борди.

Мен Гёте асарларини маълум даражада ўргангач ва ўзим ҳам унча-мунча шеърлар машқ қила бошлагач, хорижий ҳамда қадимги буюк ижодкорларга ўтдим, энг яхши таржималарда нафақат Шекспир¹нинг сара пьесаларини, балки Софокл² ва Ҳомер³ни ҳам ўқий бошладим.

Бироқ тез орада маълум бўлдики, ушбу бебаҳо асарлардаги умуминсоний тушунчаларгина менга етиб борар, уларнинг тили ёки тарихига тегишли энг муҳим жиҳатларни тушуниш учун менга назарий билим ва мактаб, университетларда олинадиган маълумот керак бўларди.

Бунинг устига ҳар томондан, бекорга ўз-ўзингча ҳаракат қиляпсан, барибир классик билимсиз шоир ҳеч қачон кўзлаган мақсадига эриша олмайди, тил имкониятларидан талаб даражасида фойдалана олмайди, умуман, руҳан ва мазмунан етук бирон нарса ярата олмайди, деб уқтира бошлашди.

Бу даврга келиб таниқли кишилар таржимаи ҳолларини ўрганиб, шу даражага етиш учун улар қандай йўллари босиб ўтганию ва бу йўллар ҳаминша мактаб, университетлар орқали ўтганини билганимдан сўнг, ёшим катта бўлиб қолганига ва ноқулай шарт-шароитларга қарамасдан, ўша йўлдан боришга қарор қилдим.

Шундан сўнг Ҳанновердаги гимназияда ўқитувчилик қилувчи кучли бир филологга мурожаат қилдим, ундан хусусий дарс олиб, лотин, юнон тилларини ўргана бошладим; бу машғулотларга олти соатлик иш вақтимдан қолган барча бўш соатларимни сарфлардим.

¹ *Шекспир Уильям (1564–1616)* – машхур англиз драматурги ва шоири.

² *Софокл (мил.авв. 496–406)* – қадимги юнон шоири.

³ *Ҳомер* қадимги Юнонистоннинг беназир эпик шоири.

Шу тахлит бир йил ўқидим, ютуқларим ёмон бўлмади; олдинга силжишга қанчалик тиришмай, бари бир секин ҳаракат қилаётганга ўхшардим, назаримда. Шу боисдан бошқа воситаларни қўллашим лозимдек эди. Агар қўлимдан келса, гимназияга кирсам-да, кунига тўрт-беш соат ҳақиқий билим шароитида ўқисам, ўшанда ютуқларим ҳам бошқача бўларди, тезроқ мақсадимга эришардим, деган фикрга келдим.

Тажрибали одамлар ҳам менинг бу қароримни маъқуллашди ва мен шундай қилишга қарор қилдим. Қароримни бошлиғим ҳам қувватлади, чунки гимназиядаги дарслар иш соатларимга тўғри келмасди.

Қабул қилишларини сўраб ариза бердим ва ўқитувчим ҳамроҳлигида якшанба кuni эрталаб гимназиянинг хурматли директори ҳузурига имтиҳон топширгани бордим. У мени иложи борица қийнамай имтиҳон қилди, лекин менинг онгим одатдаги мактаб саволларига тайёр эмасди, чунки менда керакли кўникма йўқ эди. Шундай қилиб, имтиҳонни кутганимдан кўра ёмонроқ топширдим. Шунга қарамай, ўқитувчимнинг имтиҳондаги жавобларидан кўра билими яхшироқ, дея уқтиришлари ҳамда ҳаддан ташқари билимга чанқоқлигимни кўриб мени еттинчи синфга қабул қилди.

Қироллик хизматидаги йигирма беш яшар одамнинг майда болалар орасида юришининг кулгили эканлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, бунинг устига янги муҳит дастлаб ўзимга ҳам ноқулай ва ғалати кўрина бошлади; илм эгаллашга бўлган қайноқ интилишгина мени ҳамма нарсага чидашга мажбур қилди. Умуман олганда, шикоятга ўрин йўқ эди. Ўқитувчилар мени хурмат қилишар, каттароқ ва билимдонроқ синфдошларим ҳамиша менга ёрдам беришга ҳаракат қилишар, ҳатто энг шумтакалари ҳам менинг устимдан кулишга журъат этишмасди.

Хуллас, орзуларим амалга ошганидан жуда бахтли эдим, ушбу янги йўл бўйлаб ҳормай-толмай олдинга силжирдим. Эрталаб соат бешда турганданок дарс тайёрлашга ўтирардим. Соат саккиздан ўнгача гимназияда бўлардим. У ердан ишхонага шошилардим, соат биргача ишда банд бўлардим. Кейин уйга учиб бориб, наридан-бери тушлик қилардим-да, соат бирдан тагин гимназияда бўлардим. Дарслар соат тўртгача давом этар, тўртдан кейин яна ишхонага кетардим, кечқурун дарс тайёрлаш ва бошқа ўқув машғулоти билан шуғулланардим.

Мана шундай елиб-югуришлар билан бир неча ой ўтди; узлуксиз меҳнат туфайли ҳолдан тоя бошладим. «Икки кеманинг бошини тутган фарқ бўлади» деган мақол тасдиқланди. Тоза ҳавода кам бўлиш, камҳаракатлилик, вақт етишмасли-

ги, бесаранжомлик, тўйиб еб-ичмаслик, ухламаслик секин-аста соғлигимни емира бошлади; руҳан ва жисмонан кучдан колаётганимни сездим, олдимда икки йўл турарди: ё ўқишдан ёки ишдан воз кечиш керак. Иккинчисидан воз кечиб бўлмайди — яшаш учун бошқа восита йўқ. Шунини ҳисобга олиб биринчи йўлни танладим ва 1817 йилнинг эрта баҳорида ўқишдан кетдим. Афтидан турли йўлларни синаб кўриш менинг қисматим эди, шунинг учун бир неча ой назарий билим олишга эришганимдан афсус қилмадим. Шу муддат ичида анчагина олдинга силжидим. Университетга кириш орзусидан ҳалигача воз кечмаганлигим туфайли ҳам иштиёқ билан хусусий дарс олишда давом этдим.

Изғиринли қишдан кейин мен учун ёқимли баҳор ва ёз келди; очик ҳавода кўп юрдим, табиат ҳам бу йил сахийлик билан қалбимни илитди, кўплаб шеърлар ёздим, шундай чоғларда, айниқса, Гётенинг ёшлиқдаги шеърлари намуна сифатида хаёлимда айланарди.

Қиш келиши билан, атиги бир йил бўлса-да университетда ўқиш имконини топиш ҳақида жиддий ўйлай бошладим. Лотин тилини ўрганишда шу қадар илгарилаб кетдимки, Ҳораций¹нинг одаларини, Вергилий²нинг пасторал³ларини, Овидий⁴нинг «Метаморфоза»сидан ўзимга маъқул бўлган парчаларни асл нусха вазнига мос қилиб таржима қилдим. Шунингдек, Цицерон⁵ нутқлари, Юлий Цезарнинг уруш ҳақидаги ҳикояларини осон ўқиб тушуна бошладим. Бу ҳали менинг назарий машғулотларни тушунишга тайёр эканлигимни билдирмасди, аммо мен бир йил ичида кўп нарсага эришишни, қолганларини университетда етказиб олишни ўйлардим.

Резиденциядаги кўплаб таниқли кишиларнинг назарига тушишга муваффақ бўлдим; улар, агар мен келажакда «нон топиш»гагина ярайдиган бирор ўқишни танласам ёрдам қўлини чўзишларини айтишди. Бу менинг табиатимга тўғри келмагани, мен ҳамини, «одам юрагини «жиз» эткизадиган машғулот билангина шуғулланиши керак», деган қоидага қатъий амал қилиб келганим туфайли, ўз қароримда қолдим, анави одамлар эса ёрдам беришдан воз кечиб, менга бор-йўғи текин столдан фойдаланиш ҳуқуқини беришди, холос.

¹ Ҳораций (мил.авв. 65–8 йй.) — қадимги рим шоири.

² Вергилий (мил.авв. 70–19 йй.) — қадимги рим шоири.

³ Пасторал — чўпонларнинг маиший ҳаёти ҳақидаги бадиий асар.

⁴ Овидий (мил.авв. 43 й. — мил. 17 й.) — қадимги рим шоири.

⁵ Цицерон Марк Туллий (мил.авв. 106–43 йй.) — қадимги рим сиёсий арбоби.

Режамни ўз кучим билан амалга оширишдан ва адабиёт соҳасида кўзга кўринарли бирор иш қилишдан ўзга йўл қолмади.

Мюллер¹нинг «*Гуноҳ*», Гилпарсер²нинг «*Уруғ онаси*» асарлари ўша кезларда кун тартибида турар, томошабин диққатини ўзига жалб этарди. Табиий нарсалар менинг қалбимга яқин бўлгани учун бундай сунъий асарларни ёқтирмасдим, айниқса, улардаги қалтис ғоялар билан келишолмасдим, «бундай нарсалар халққа ёмон таъсир ўтказди», деб ҳисоблардим. Мен уларга қарши чиқиш ва инсон қисматини унинг характери белгилашини исбот қилишга қарор қилдим. Бироқ уларга сўз билан эмас, балки амалий иш билан қарши чиқмоқчи бўлдим. Ҳақиқатни баён қилувчи бир пьеса ёзишни режалаштирдим, унинг асосида, «*Инсон бугун уруғ сочса, у келажакда униб чиқади ва ҳосил беради, ҳосил яхши бўладими ёки ёмонми, бу энди сочилган уруғга боғлиқ*», деган ғоя ётарди. Жаҳон тарихидан беҳабарлигим туфайли, менга фақат асар сюжети ва иштирок этувчиларни ўйлаб топишдан ўзга йўл қолмади. Бу режани бир йил миямда олиб юрдим, айрим сахна кўринишларини хаёлимда пишитдим ва ниҳоят, 1820 йил қишида, бир неча ҳафта давомида тонгги соатларда асарни қоғозга туширдим. Ёзарканман, катта бир қувончни ҳис этдим, чунки сўзлар осон ва табиий бир ҳолда қуйилиб келарди. Бироқ юқорида эслатилган ёзувчиларга қарама-қарши ўлароқ мен ҳақиқий ҳаётни акс эттирдим, сахна ҳақида ўйламадим ҳам. Шунинг учун менинг қаламимдан кескин, шиддатли ҳаракатлардан кўра, кўпроқ ҳаётий лавҳаларнинг бир маромдаги тасвири тўкилар, ритмик ва поэтик жиҳатлар фақат иштирок этувчиларнинг феъл-атворлари ва вазият талаб қилгандагина юзага келарди. Иккинчи даражали персонажларга кўп ўрин бериб юборилди, бутун пьеса ортиқ даражада чўзилиб кетди.

Асаримни энг яқин дўстларим ва танишларимга ўқиб бердим, бироқ ўзим кутган натижани кўрмадим; менга, «айрим кўринишлар комедияга айланиб кетган, яна кам ўқигансан», — дея таъна қилишди. Одамларнинг бошқача қабул қилишларини кутганим учун аввалига ўзимча хафа бўлдим; бироқ аста-

¹ *Мюллер Адольф (1774–1829)* – фожианавис, жумладан «*Гуноҳ*» фожиаси унга тегишли.

² *Гилпарсер Франс (1791–1872)* австриялик ёзувчи, драматург, унинг «*Уруғ онаси*» драмаси 1817 йилда ёзилган. Мюллер, «*Гилпарсер* фожиаларида инсон қисмати унинг характерига боғлиқ», деган ғоя илгари сурилган, шунинг учун улар «*Қисмат фожиалари*» деб аталган, дейди.

секин ишончим комил бўлдики, дўстларим ҳар ҳолда ҳақ, негаки пьеса, умуман яхши ўйланган, қаҳрамонлар тўғри тасвир этилган, миямда қандай пишитган бўлсам, шундай равон ва хотиржам баён этилган бўлса-да, у тилга олинган воқеа-ҳодисалардан анчагина паст турар, эълон қилишга арзимасди.

Менинг келиб чиқишим ва билимим етишмаслигини ҳисобга олсак, бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Мен пьесани қайта ишлаб, театрга мослаштирмақчи бўлдим, лекин ёзадиган нарсаларимни юксакроқ даражага етказиш учун аввал билимимни оширишим лозим эди. Ўзимда етишмаган нарсаларга эришиш учун университетга кириб ўқиш, шу йўл билан ҳаётимни юксакроқ поғоналарга кўтариш истаги энди чинакам иштиёққа айланди. Эҳтимол назарга тушиб қоларман, дея шеърларимни нашр эттиришга қарор қилдим. Адабиётда менинг номим чиқмаганлиги сабабли нашриётдан кўзга кўринарли қалам ҳақи кутолмасдим, шунинг учун ўз аҳволимга мос келадиган обуна йўлини танладим.

Буни дўстларим ўз зиммаларига олишди ва ишлар кўнгилдагидек юришиб кетди. Бошлиғимга Гёттинген университетига кириш ҳақидаги режамни маълум қилдим ва ишдан бўшатишларини сўрадим. Истагим қатъийлигини, ўз мақсадимдан қайтмаслигимни пайқаган бошлиқларим мени рағбатлантиришди. Бевосита бошлиғим полковник фон Бюргернинг тавсияси билан ҳарбий маҳкама мени истеъфога чиқарди ва иш ҳақим ҳисобидан икки йиллик ўқишим учун йилига 150 талердан бериб туришга қарор қилди.

Узоқ йиллардан бери орзу қилган режам амалга ошганидан бахтли эдим. Шеърларимни шошилинич нашр эттириб тарқатдим ва ундан барча харажатлардан сўнг 150 талер соф қалам ҳақи олдим. Бу ерда суюкли маъшуқамни қолдириб, май ойида Гёттингенга жўнаб кетдим.

Мен «нон топиш»га ярайдиган касбни кескин рад қилганлигим учун университетга кириш йўлидаги дастлабки уринишим муваффақиятсизликка учради. Энди эса, аччиқ тажрибамдан келиб чиқиб, ҳам теварак-атрофимдагилар билан, ҳам тепада турган ҳомийларим билан бўладиган беаёв курашни англаб етгач, ақлимни йиғиб олдим-да, кучлиларга ён бердим ва «нон топиш»га ярайдиган касбни, яъни ҳуқуқшуносликни танлаганимни айтдим.

Ҳаётимнинг тўкин-сочинлигига бефарқ бўлмаган, маънавий талабларимнинг нечоғлик кучли эканлигини англаб етолмаган кучли ҳомийларим ва бошқа кишилар бу қароримни

маъкуллашди. Шундан сўнг барча таъна-дашномларга чек қўйилиб, ҳамма жойда мен билан дўстона муносабатда бўлишар, мақсадимни рўёбга чиқаришда мададкор бўлишга тайёр эканликларини изхор қилишарди. Танлаган йўлимга мени қизиқтириш учун улар менга: «Хуқуқшунослик — инсон ақли ва тафаккурини пешлайдиган илм. Бу илм туфайли сен расмий ва ижтимоий ҳаётга назар ташлашни ўрганасан, шунингдек, бу илмни ўрганиш бошқа юксакроқ нарсаларни эгаллашинг учун ҳам йўл очиб беради», — деб уқтиришарди. Хуқуқшуносликни ўрганиш билан бирга, бошқа соҳалар бўйича ҳам беқиёс билимларни эгаллаган катта-катта одамларни мисол қилиб кўрсатишарди.

Бироқ на дўстларим, на мен ўша одамларнинг университетга нафақат пухта мактаб билими билан келганликлари, балки билим эгаллашга узок вақт сарфлаганликлари, мендаги офир шароит эса, бунга имкон бермаганлиги ҳақида ҳеч ўйламасдик. Бошқаларни алдайман деб, хуқуқшуносликни ўрганиш баробарида ўз мақсадимга эришаман, деган фикрга аста-секин ўзимни ишонтириш билан ўзим ҳам алданиб қолдим.

Шундай ҳаёллар оғушида университетга кириб, ўзим эгаллашни ҳам, келажакда қўллашни ҳам истамаган хуқуқшуносликни ўрганишга киришдим. Бу илм бутунлай менинг ғашимга тегади, деб бўлмасди. Агар менинг миям бошқа истак-орзулар билан тўла бўлмаганида эди, уни жон деб ўрганса бўларди. Ҳозирги менинг аҳволим, келган совчиларни ҳар хил баҳоналар билан қайтараётган, аслида қалбини бошқа суюқли инсон банд қилган қизнинг аҳволига ўхшарди.

Хуқуқшуносликка оид маърузаларда ўтирарканман, уларни унутардим ва ҳаёлларим драматик сахна кўринишларини яратиш билан банд бўларди. Дикқатимни маърузага қаратишга қанча уринмай, мени бошқа фикрлар чалғитаверарди. Мен поэзия ва санъатдан, онгимни муттасил оширишдан ўзга нарсаси ҳақида ўйлаёлмасдим, ахир мен шунинг учун узок йиллар давомида университетга интилган эдим-да.

Биринчи ўқув йили асл мақсадимга яқинлашишимда менга Хеерен¹ ёрдам берди. Унинг этнография ва тарихдан ўқиган маърузалари бундан кейин ушбу фанларни ўрганишимга асос бўлди; фикрни аниқ ва асосли ифодалаши бошқа жабҳаларда ҳам катта фойда келтирди. Ҳар бир маърузага жон деб қатнардим ва бу ажойиб инсонга

¹ Хеерен Арнольд Херманн Людвиг (1760—1842) — тарих профессори.

бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромим туфайли бирорта дарсни қолдирмасдим.

Иккинчи ўқув йили бошлангач, мен ҳуқуқшунослик дарсларига қатнамаслик фикрига келдим, бу фанлар беҳад қийин бўлганлигидан уларга шунчаки кириб ўтириш етарли эмасди, булар менинг асосий мақсадимга тўсиқ эди. Мен филологияга ўтдим. Агар биринчи йили кўп билим олганлигим учун Хее-рендан миннатдор бўлсам, энди унинг ўрнини Диссен¹ эгаллади. Чунки унинг маърузалари мени беҳад қизиқтириб, билимларимга кўнгилдаги озиқни берибгина қолмай, кундан-кунга кўпроқ нарсаларни ўрганиб, олдинга силжишимга, келажакда ёзиладиган асарларимга аниқ йўналишлар олишимга туртки берарди. Бундан ташқари, менга йўл кўрсатиб, мадад бериб, руҳлантириб турган бу ардоқли инсон билан шахсан танишиш шарафига ҳам мушарраф бўлдим. Шу билан бирга, кўплаб истеъдодли талабалар билан кундалик учрашувлар, биргаликдаги сайрлар пайтида, кўпинча ярим кечагача қилинган энг долзарб масалаларнинг муҳокамалари мен учун беҳад муҳим бўлиб, маънавий ўсишимга катта таъсир кўрсатарди.

Бу орада менинг моддий манбаларим охирлаб борарди. Бунинг эвазига мен бир ярим йилдан бери ҳар куни янги-янги билимлар билан бойиб бордим. Аммо билимларни амалда қўлламасдан фақат тўплаб бориш менинг табиатимга, ҳаётий имкониятларимга тўғри келмасди, шунинг учун бирор бадий асар ёзиб, ўзимга йўл очиш ҳамда бундан кейинги ўқишимга шароит яратиш истаги эгаллаб олди.

Драматик асаримни эсладим, ҳали унга бўлган қизиқишим сўнмаган, уни ҳам шаклан, ҳам мазмунан қайта ишлашим лозим эди. Шунингдек, уни ўша пайтдаги санъат ҳақидаги ҳукмрон қарашларга қарши айбнома сифатида поэзиянинг принципал асослари доирасида поёнига етказишни ҳам кўнгилга тугдим.

Шу сабабли 1822 йил кузида университетни ташладим-да, Ханновер яқинидаги бир қишлоқдан ижарага уй олдим. Дастлаб назарий мақолалар ёздим, улар ёш истеъдодларга нафақат шеърлар яратишда, балки уларга танқидий баҳо беришда кўмаклашишлари лозим эди, уларни «Шеърят ҳақида ўйлар» деган умумий ном остида тўплладим.

1823 йил майида бу ишни охирига етказдим. Менинг аҳволимда яхши ношир топишнинг ўзи камлик қилар, мен яхшигина қалам ҳақи ҳам олишим зарур эди, шунинг учун

¹ Диссен Лудольф (1784–1837) – Гёттингенда филология профессори.

тезда бир қарорга келдим-да, қўлёмани Гётега жўнатиб, ундан жаноб Котта¹га икки оғиз сўз билан шипшитиб қўйишини илтимос қилдим.

Гётега мен ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шоирлар орасидаги энг садоқатли ҳамроҳим сифатида қарардим, унинг фикрлари менинг нуқтаи назаримга мос бўлиб, дунёқарашимни ўстириб борар, хилма-хил масалаларни таҳлил қилишдаги юксак истеъдодини асослашга ва унга тақлид қилишга ҳаракат қилардим, унга бўлган чексиз муҳаббатим ва ҳурматим энди енгиб бўлмас интилишга айланди.

Гёттингенга келганимданоқ мен Гётега ҳаётим ва илм олиш учун босиб ўтган йўлим ҳақидаги қисқача маълумот билан бирга шеърлар тўпламидан битта юборган эдим, кейин ундан нафақат жавоб хати олишга муяссар бўлдим, балки Ваймарга бориб келган одамлардан эшитишимча, у мен ҳақимда яхши фикрлар билдирган ва ҳатто «Санъат ва мозийлик»² журналида менинг шеърларим ҳақида эслатиш истаги борлигини айтганмиш.

Менинг ўша пайтдаги ҳолатимда бу катта аҳамиятга эга эди, шу нарса менга журъат бериб, яқинда тугатган қўлёмамни унга ишониб жўнатдим.

Бир неча дақиқагина бўлса-да, шахсан унинг ҳузурида бўлиш истаги менга тинчлик бермай қўйди; мана шу истагимни рўёбга чиқариш учун май ойи охирида Гёттинген ва Верре водийси орқали Ваймарга томон пиёда йўлга тушдим.

Жазирама иссиқ ҳолдан тойдирадиган бу сафарда мени эзгу кучлар бошқармоқда ва мен танлаган йўл бундан кейинги ҳаётимда хайрли ва муҳим излар қолдиради, деган бир туйғу менга таскин берарди.

¹ *Котта Йоханн Фридрих фон (1764 – 1832)* – китоб ношири.

² «*Санъат ва мозийлик*» – Гёте ташкил қилган журнал, 1818 йилдан 1832 йилгача олти жылда чиқиб турган.

БИРИНЧИ ҚИСМ

1823

Ваймар, 1823 йилнинг 10 июни, сешанба

Бу ерга келганимга бир неча кун бўлди; фақат бугун Гёте ҳузурига келдим. У мени кучок очиб кутиб олди, Гётенинг менда қолдирган таассуроти шу даражада эдики, мен бу кунни ҳаётимдаги энг бахтли кун деб ҳисоблайман.

Кеча уникига келишга рухсат сўраб хат ёзганимда у бугун туш пайтиёқ келишимга рухсат берганди. Шундай қилиб, белгиланган вақтда бу ерга келдим, хизматкор мени юқорига кузатиб чиқиш учун эшик олдида кутиб турарди.

Уйнинг ичкари қисми менда ўта ёқимли таассурот қолдирди; ҳар қандай дабдабадан холи, ҳамма нарса жуда оддий ва асл эди; зинапояларда турган антик ҳайкалларнинг нусхалари Гётенинг тасвирий санъатга ҳамда қадим юнон тарихига қизиқишидан далолат берарди. Пастки қаватда бир қанча аёллар уй юмушлари билан у ёқдан-бу ёққа елиб-югуришарди, Оттилиянинг чиройли ўфилларидан бири яқин келиб, менга беғараз нигоҳ ила боқди.

Атрофга бироз назар ташлаб олгач, ғоятда сўзамол хизматкор ҳамроҳлигида иккинчи қаватга кўтарилдим. У оstonасида самимий меҳмондўстликнинг рамзи «Хуш келибсиз» («Salve») деган ёзув бўлган хонанинг эшигини очди, мен ўша ёзув устидан ҳатлаб ичкарига кирдим. У мени шу хона орқали хийла каттароқ иккинчи бир хонага бошлаб ўтди ва мен ҳақимда хўжайинига хабар бергунича шу ерда кутиб туришимни сўради. Бу ернинг ҳавоси салқин ва оромбахш эди; ерга гилам тўшалган, қизил канапе¹ ва шу рангдаги стуллар хонани очиб турарди, бурчакда рояль турар, деворларга турли катталиқдаги расмлар осилган эди.

Рўпарадаги очик эшикдан худди шундай картиналар илиб ташланган яна бир хона кўриниб турар, хизматчи ўша орқали ўтиб, мен ҳақимда хабар қилди. Кўп куттирмай Гёте чиқиб келди, устида сюртук, оёғида туфли бор эди; қанчалар улуғвор

¹ *Канапе* -- бош томони хиёл кўтарилган кичикрок диван.

қиёфа! Хайратдан лол бўлиб қолгандим. Бироқ у дарров ғоят хушмуомалалик ва меҳрибонлик билан сўз қотиб, мендаги довдирашга барҳам берди. Диванга ўтирдик. Мен уни кўриб турганим, унинг ёнгинасида ўтирганимдан шу қадар бахтли эдимки, унга бирон оғиз сўз айтилмасдим. У дархол менинг кўлёммам ҳақида сўз очди.

— Мен ҳозир гўё Сизнинг ёнингиздан келаётгандекман, — деди у, — эрталабдан бери Сизнинг ишингизни ўқияпман, у ҳеч бир тавсияномага муҳтож эмас, ўзи ўзига тавсиянома.

Кейин у тасвирнинг аниқлигини, фикрий изчилликни мақтади ва буларнинг бари яхши ўйланганини, пухта асосга қурилганини айтди.

— Мен уни тезроқ китоб ҳолида кўришни истайман, — давом этди у, — бугуноқ отлик почта билан Коттага хат жўнатаман, кўлёммани эртага каретада жўнатаман.

Мен унга нигоҳим билан миннатдорчилик билдирдим.

Сўнг менинг бундан кейинги сафарим ҳақида сўзлашдик. Мақсадим Райн вилоятида биронта тинч жойни топиб, янги бир нарса устида ишлаш эканлигини айтдим. Лекин, аввало, Йенага бориб, ўша ерда жаноб Коттанинг жавобини кутмоқчиман.

Гёте Йенада танишларим бор-йўқлигини сўради; мен жаноб Кнебель¹ хузуридан паноҳ топиш ниятим борлигини билдиргандим, у мени яхши қабул қилишлари учун хат ёзиб беришини айтди.

— Ҳар ҳолда яхши бўлди, — деди у, — Сиз Йенада бўлсангиз, бир-биримизга яқин бўламиз, бориб-келиб турамиз, зарур бўлганда хат-пат ёзишимиз мумкин.

Биз хотиржам, дўстона кайфиятда узок ўтирдик, унга қараб тўймасдим. Мен унга қараб туриб айтмоқчи бўлган сўзимни йўқотдим. Юзи бугдойранг, қатъий, серажин, ҳар бир ажин маънога тўла. Унда шунчалар олийжаноблик ва қатъият, шунчалар босиқлик ва улуғворлик ҳукмрон эдики! У сокин, шошмасдан сўзлар, гўё ёши улуғ роҳиб сўзлаётгандек туюларди. Назаримда у ўзича бир дунё эди, ҳар қандай мақтову танқидлардан юқори турарди. Унинг ёнида ўзимни тасвирлаб бўлмас даражада ёқимли ҳис қилардим; шу лаҳзада мени узок интилишлару азоб-уқубатлардан сўнг ниҳоят эзгу орзуси ушалган одамда бўладиган фаройиб хотиржамлик ўз оғушига олганди.

¹ Кнебель Карл Людвиг фон (1744–1834) – ёзувчи, Гётенинг яқин дўсти, Ваймар шаҳзодаси Константиннинг муаллими.

У хатим ҳақида тўхталиб, менинг фикрим тўғри эканлигини уқтирди, яъни, агар одам бир нарсани аниқ баён эта олса, у бошқа кўп нарсаларнинг ҳам уддасидан чиқа олади.

— Нималар бўлаётганига ўзим ҳам ҳайронман, — деди у кейин, — Берлиндаги бир қатор олийжаноб дўстларимни яқинда эсладиму, шунда Сиз ҳам ёдимга тушдингиз.

Шуни айтаркан, у мулойим жилмайиб кўйди. Сўнгра Ваймарда нималарни кўришим лозимлигини уқтирди ва менга ҳамроҳлик қилишни котиби жаноб Крейтердан илтимос қилишини айтди. Энг аввало, театрга боришни эрдан чиқармаслигимни тайинлади. Шундан сўнг қаерда тўхтаганимга қизиқди ва мени тагин кўрмоқчи эканлигини, имкон бўлган захоти одам юборишини кўшиб кўйди.

Биз куюқ хайрлашдик; мен беҳад бахтли эдим, негаки унинг ҳар бир сўзидан хайрихоҳлик ёғилиб турар ва унга жуда маъқул бўлганимни ҳис этардим.

1823 йилнинг 11 юни, чоршанба

Бугун эрталаб яна Гётеникига таклифнома олдим, бу унинг ўз кўли билан ёзилган эди. Унинг хузурида бир соатча бўлдим. Бугун у менга кечагига нисбатан хийла бошқача кўринди: ёш йигитчадек қатъиятли ва чаққон эди. У олдимга кўлларида иккита қалин китоб билан чиқиб келди.

— Афсус, — деди у, — бу ердан тез жўнаб кетяпсизда, иккаламиз бир-биримизни яқиндан билиб олсак яхши бўлармиди. Мен Сиз билан тез-тез кўришиб, суҳбатлашиб туришни истайман.

Умумий нарса жуда улкан бўлганлиги боис мен дарҳол Хусусий ҳақида ўйладим, у *Tertium*¹ сингари бизга алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. «Франкфурт илмий ахборотномаси»²нинг 1772–1773 йиллардаги мана бу икки жилдида менинг ўша даврда ёзган деярли барча кичик-кичик тақризларим босилган. Уларга имзо кўйилмаган; Сиз менинг услубим ва фикрлаш тарзимни яхши биласиз, шу сабабли уларни бошқа тақризлар ичидан топа оласиз. Истагим, ёшлиқда ёзилган мана шу ишлар билан яқиндан танишсангиз ва улар ҳақидаги фикрингизни айтсангиз. Улар келгусидаги асарларим тўпламига киритишга арзийдими-йўқми, шуни

¹ *Tertium* — учинчи нарса (лот.).

² «Франкфурт илмий ахборотномаси» — «Бўрон ва хужум» ҳаракатининг адабий органи, 1772 йилда Георг Шлоссер ва Хайнрих Мерк томонидан ташкил этилган. Унинг 1772–1773 йиллардаги сонларида Гётенинг тақризлари босилиб чиққан.

билмоқчиман. Улар ўзимнинг ёдимдан ҳам деярли чиқиб кетган, бу ҳақда бирон нарса дейишдан ожизман. Аммо, Сиз ёшлар, уларнинг сизлар учун қизиғи борми-йўқми, ҳозирги кунда адабиёт учун улар нечоғлик фойдали эканлигини дарҳол пайқайсизлар. Мен уларнинг рўйхатини тузишни буюрдим, кейин асли билан қиёслаш учун Сизга бераман. Муфассал таҳлил қилингандан сўнг, у ер-бу ерини тузатиш ёки бирон фикр қўшиш керакми-йўқми, ўзи маълум бўлиб қолади.

— Бу ишга жон-жон деб киришаман, — дея жавоб қилдим. Ягона истагим, буни қўлимдан келганча унинг кўнглидагидек қилиб бажаришдир.

— Бироз шуғуллангач, ўзингизга маълум бўлиб қолади, — жавоб берди у, — бу иш бемалол қўлингиздан келади, иш ўз-ўзидан юришиб кетади.

Кейин у менга саккиз кунлардан кейин Мариенбадга кетмоқчилигини маълум қилиб, унгача менинг Ваймарда бўлиб туришимни хоҳлашини, шу муддат ичида кўришиб, суҳбатлашиб, бир-биримизни яқиндан билиб олишимиз мумкинлигини айтди.

— Яна бир истагим, — қўшиб қўйди у, — Сиз Йенада бир неча кун ёки ҳафта эмас, балки бутун ёз бўйи, мен Мариенбаддан қайтганимча яшаб турсангиз. Кеча мен у ёққа Сиз учун тураржой ва бошқа масалалар борасида хат жўнатдим, у ердаги шароитингиз қулай ва кўнгилдагидек бўлса дейман. У ерда сиз билимингизни ошириш учун кўпдан-кўп манбалар, ёрдамчи воситаларни топасиз, илмли, меҳмондўст давраларга дуч келасиз, теварак-атрофдаги гўзал табиатни айтмасаям бўлади, бемалол, маза қилиб хаёл суришга имкон яратадиган эллиқдан ортиқ сайр-томошалар қилишингиз мумкин. Ўзингиз учун у-бу янги нарса ёзишга имконият ва бўш вақтингиз бўлади, шу орада менинг топшириқларимни ҳам бажарасиз.

Бундай самимий таклифга бирон эътироз билдирилмади ва уни қувонч билан қабул қилдим. Кетаётганимда у менга янаям меҳрибонлик кўрсатди ҳамда эртадан кейин суҳбатлашмоқ учун бирон соатга келишимни сўради.

1823 йилнинг 18 июни, чоршанба

Шу кунларда мен бир неча бор Гётеникида бўлдим. Бугун биз асосан ишлар ҳақида сўзлашдик. Унинг Франкфуртдаги тақризлари хусусида ҳам сўз очдим, уларни «ўқиш-ўрганиш йилларининг акс садоси» деб айтгандим, бу сўзим унга маъкул келди шекилли, ўша ёшлиқдаги битикларга қандай нуқтаи назардан ёндашиш лозимлигини белгилаб берди. Сўнгра у менга

«Санъат ва мозийлик» журналининг дастлабки ўн бир сонини бериб, уларни «Франкфурт тақризлари»¹ билан бирга иккинчи топшириқ сифатида Йенага олиб кетишимни айтди.

— Истардимки, — деди у, — бу журналларни яхшилаб ўрганиб чиқиб, нафақат умумий мазмунига, балки уларнинг қай бири маромига етмаган, шуниям белгилаб чиқсангиз, ўшанда мен тўқишни давом эттириш учун қайси ипни илиб олишим кераклигини кўз олдимга келтирардим. Бу мен учун хийла енгиллик туғдирган бўлар, ўзингиз ҳам четда қолмасдингиз, негаки ҳар бир мақола мазмуни устида чуқур тўхталаркансиз, уни шунчаки кўнгил ёзиш учун одатдаги ўқишга нисбатан теравроқ англайсиз.

Бунга рози бўлдим ва ушбу ишни ҳам ўзим билан олиб кетаман, — дедим.

1823 йилнинг 19 юни, пайшанба

Аслида мен бугуноқ Йенада бўлмоқчийдим, бироқ кеча Гёте якшанбагача қолишимни ва почта каретаси билан кетишимни ўтиниб сўради. У менга кеча тавсияномалар, хатлар берди, улар ичида Фроман²лар оиласига ҳам бор эди.

— Бу давра Сизга маъқул бўлади, — деди у, — уларникида мен кўплаб дилкаш кечаларни ўтказганман. Жан Пол³, Тик⁴, Шлегеллар⁵ ва Германиянинг қанча-қанча атоқли инсонлари бу хонадонга ташриф буюришган. Ҳозир ҳам у ер бир қанча олимлар, санъаткорлар ҳамда кўзга кўринган кишиларнинг тўпланадиган жойи бўлиб қолган. Бир-икки ҳафтадан кейин Мариенбадга ёзинг, токи мен Сизнинг аҳволингизни, Йена Сизга қанчалик ёққанини билай. Айтганча, ўрлимга ҳам Сизни бирров бориб кўришини тайинлаб қўйдим.

Бунчалар ғамхўрлиги учун мен Гётега нисбатан беҳад миннатдорлик ҳиссини туйдим ва у мени ўз яқинлари қаторида кўраётгани ҳамда улар ҳам мени шундай кадрлашларини исташини кўриб севиндим.

¹ «Франкфурт илмий ахборотномаси» журналида босилган тақризлар кўзда тутилган.

² Фроман Карл Фридрих Эрнст (1765 - 1837) йеналик китоб со-
тувчи.

³ Жан Пол — олмон ёзувчиси Йоханн Паул Рихтернинг (1763—1825)
тахаллуси.

⁴ Тик Людвиг (1773 - 1853) — романтизм мактаби ёзувчиси.

⁵ Шлегеллар: ака ука Шлегеллар. Август Вильҳелм (1767 - 1845) —
олмон адабиёт тарихчиси, танқидчи, таржимон, шоир. Фридрих Шлегель
(1772 - 1829) — адабиётшунос, романтизм мактаби назариётчиси.

21 июнь шанба куни мен Гёте билан хайрлашиб, эртасига Йенага жўнаб кетдим, у ерда ажойиб, хушчакчак одамларнинг боғ-уйига жойлашдим. Жаноб фон Кнебель ҳамда Фроманларнинг оилаларида Гёте тавсияномаси туфайли мени кучоқ очиб кутиб олишди ва ўта хушмуомалада бўлишди. Ўзим билан олиб келган ишларим устида тинмай шуғулландим, бундан ташқари, жаноб фон Коттадан мени қувонтирадиган хат ҳам олдим: у нафақат ўзига жўнатилган қўлёзмамни нашр қилишга, балки бунга дурустгина қалам ҳақи ҳамда менинг назоратим остида китобни Йенада босишни ваъда қилганди.

Шу тариқа менинг бир йиллик кун кечиришим кафолатланган эди, шунинг учун бирон янги нарса ижод қилиш ва муаллиф сифатида адабиётдаги мавқеимни мустаҳкамлаб олишга қайноқ истак туғилди. Ишонардимки, «Шеърят ҳақида ўйлар»га кирган мақолалар туфайли назарий-танқидий йўналиш мен учун тамоман ортда қолган эди. Уларда мен шеърятнинг энг асосий қонунларини ёритишга муваффақ бўлгандим ва бундан буён ўзимни амалиётда синаб кўришга қалбимнинг туб-тубидан интилардим. Кўнглимда катта-кичик шеърый ҳамда драматик асарларнинг режалари туғилган, шуларнинг барчасини навбатма-навбат, мияни бир жойга қўйиб, амалга оширишдан иборат эди, холос.

Йенада узок қолиб кетишни истамасдим, бу ердаги сокинлик ва бирхиллик менга ёқмасди. Катта шаҳарга интилардим, токи атрофимда қайноқ ҳаёт ҳукм сурса, мен ундан ўзим учун ички дунёқарашимни янада бойитишга кўмак берадиган керакли ҳаётий материалларни ололсам. Бундай шаҳарда ҳеч кимга сезилмасдан ёлғиз яшасам-да, истаган пайтимда жимгина ижод қилиш имконига эга бўлсам.

Бу орада мен Гёте хоҳлаганидек, «Санъат ва мозийлик» журнали биринчи тўрт сонининг мазмун кўрсаткичини тузиб чиқдим ва уни хат билан Мариенбадга жўнатдим. Хатда ўз истак ва режаларимни очик-ойдин изҳор қилдим. Кўп ўтмай қуйидаги жавобни олдим:

«Мазмун кўрсаткичи менга айни вақтида етиб келди, у менинг истак ва мақсадларимга тўла жавоб беради. Қайтиб борганимда мени «Франкфурт такризлари» билан ҳам худди шундоқ қувонтиринг, бунинг учун Сизга ўзимнинг юрагимда туғилган чуқур миннатдорчилигимни изҳор қиламан, шу билан бирга Сизнинг қарашларингиз, аҳволингиз, истак-орзула-

рингиз, режаларингиз хақида ҳам ўйлаяпман, булар хақида уйга борганимдан сўнг нима қилсангиз Сизга яхши бўлишини батафсил муҳокама қиламиз. Ҳозир гапни чўзиб ўтирмайман. Қадрдон инсонларнинг ёнида жуда кам бўлганинг боис юрагинг зиркираб турса-да, Мариенбад билан хайрлашиш кўп нарсаларни мушоҳада қилишга, кўп ишларни бажаришга туртки беради. Мен Сизни бир маромдаги фаолият устида кўришни истардимки, пировардида бу Сизга катта тажриба тўплашга ҳамда оламни янада мукамал билишга кўмаклашади.

*Мариенбад, 1823 йилнинг 14 августи.
ГЁТЕ».*

Гётенинг ушбу сатрлари мени беҳад қувонтириш билан бирга хотиржам ҳам қилди. Мен ўзимча бирон қадам ташламасликка, тамоман унинг маслаҳатлари ва истакларига бўйсунушга қарор қилдим. Бу орада бир неча кичик-кичик шеърлар ёздим, «Франкфурт тақризлари» таҳлилини тамомладим ва булар хақидаги ўз фикр-мулоҳазаларимни Гётега бир мўъжаз мақолада изҳор қилдим. Унинг Мариенбаддан қайтишини орзиқиб кутдим, айниқса, «Шеърят хақида ўйлар» китобимнинг нашри ҳам ниҳоясига етай деб қолганди, мен шу кузда бироз дам олиш учун Райн бўйига бир неча ҳафтага саёҳатга боришни ўйлаб қўйгандим.

Йена, 1823 йилнинг 15 сентябри, душанба

Гёте Мариенбаддан эсон-омон қайтиб келди, бироқ унинг бу ердаги боғ-уйидаги шароит унча кўнгилдагидек бўлмагани боис Йенада бир неча кунгина туришга қарор қилди. У шу қадар соғлом ва тетикки, соатлаб пиёда йўл босиши мумкин, уни бундай кўриш чинакам бахт эди. Қувона-кувона кўришиб-сўрашиб олганимиздан кейин Гёте менинг ишларим хақида сўз очди.

— Очиғини айтсам, — деди у, — Сиз шу қишни менинг ёнимда, Ваймарда ўтказсангиз дейман. — Бу унинг дастлабки сўзлари бўлди, кейин у дарҳол мақсадга кўчди: — Шеърят таҳлили ва танқиди масаласида сизга ҳеч бир эътироз йўқ, бу сизнинг қонингизда бор. Бу сиздаги туғма истеъдод, унинг этагидан тутишингиз керакки, келажакда у сизнинг бутун хаётингизни таъмин этади. Айнан шу соҳага тегишли бўлмаган кўп нарсалар борки, уларниям ўзлаштиришингиз керак бўлади. Лекин бу нарсаларга жуда кўп вақт ажратиб ўтирмаслик, уларни тезроқ ҳал қилиш лозим. Қиш бўйи Ваймарда яшаб, пасхагача шу қадар кўп нарсаларни билиб оласизки, бунга

ўзингиз ҳам хайрон қоласиз. Қўлингизда энг яхши манбалар бўлади, бундай қўлланмаларнинг бари менда мавжуд. Ўшанда сиз оёғингиз остида мустаҳкам заминни ҳис этасиз, қониқиш ва ўзингизга ишонч пайдо бўлади.

Бу таклифдан беҳад қувондим ва тамоман унинг истак-иродасига бўйсунимни айтдим.

— Шу ерга яқин жойдан бошпана топишни, — давом этди Гёте, — ўзим ғамини ейман. Бу киш Сизнинг ҳар бир дақиқангиз мазмунли ўтиши керак. Ваймарда кўп яхши нарсаларга дуч келасиз, катта шаҳарлардан зинҳор фарқ қилмайдиган атоқли давраларда бўласиз. Шахсан меникига жуда кўп таниқли кишилар ташриф буюришади. Аста-секин улар билан танишасиз, улар билан бўлган мулоқотлардан беҳад руҳий-маънавий озуқа оласиз.

Гёте бир қатор машҳур номларни айтди ва ҳар бирининг алоҳида хизматларини қисқа-қисқа баён қилди.

— Бир қарич заминнинг, — сўзида давом этди у, — яна қаерида шундай эзгу нарсаларни топасиз! Бундан ташқари пухта жамланган кутубхона, бошқа бирорта немис шаҳарларидаги театрлардан қолишмайдиган театр ҳам бор. Яна қайтараман: ёнимизда қолинг, фақат бир кишгагина эмас, Ваймар сизнинг доимий тураржойингиз бўлиб қолсин. Бу ердан дунёнинг исталган бурчагига йўл ва дарвозалар бор. Ёзда саёҳатлар қиласиз, нимани кўришни истасангиз вақти билан кўраверасиз. Мен Ваймарда эллик йилдан бери яшайман, қаерларда бўлмадим дейсиз! Аммо ҳамиша Ваймарга соғинч билан қайтиб келаман.

Мен тагин Гётенинг ёнида эканлигимдан, унинг сўзларини тинглаётганимдан бахтли эдим.

Йена, 1823 йилнинг 18 сентябри, пайшанба

Кеча эрталаб Гётенинг Ваймарга жўнаб кетиши олдидан у билан яна бир соатча ўтириш бахтига муяссар бўлдим. У менинг бутун ҳаётимга самарали таъсир кўрсатган, мен учун нақадар бебаҳо бўлган қимматли сўзларни айтди. Германиядаги барча ёш шоирлар бунини билишлари лозим, бу сўзлар улар учун ҳам беҳад фойдалидир. У сўзни, бу йил ёзда мен шеър ёздимми-йўкми, шундан бошлади. Мен бир нечта шеърлар ёзганимни, аммо улар устида унчалик илҳом билан ишламаганимни айтдим.

— Катта ишларга уринишдан эҳтиёт бўлинг, — деди у шунда, — кўплаб зўр шоирларимиз, айни ўша истеъдодли ва

интилувчанлари ана шу касалга йўлиқишган. Ўзим ҳам шундай эдим, бу билан кўп нарсани йўқотдим. Қанча ёзганларим бекор кетди! Қўлимдан келадиган нарсаларни ёзганимда эди, яратган асарларим юз жилддан ошиб кетарди.

Ҳозирги давр ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўртага қўяди; шоир қалбида ҳар куни туғиладиган фикрлару ҳис-туйғулар сўзсиз қовозга тушишни хоҳлайди ва шундай бўлиши керак. Агар сен каттароқ асарни мўлжаллаган бўлсанг, унда унинг ёнидан ҳеч нарса ўсиб чиқмайди, у сенинг барча фикрларингни ортга чекинтиради ва ўзинг ҳам ҳаётдаги барча хушёқар нарсалардан мосуво бўласан. Йирик нарсани маълум бир қолишга солиш, тартибга келтириш учун қанчалар ғайрат, руҳий куч-қувват сарфлаш, миянгдаги фикрларингни бир маромда рисоладагидек ифода этиш учун қанчалар куч, тинч-хотиржам шарт-шароит зарур бўлади. Бордию сен муҳим жойида хатога йўл қўйсанг, ҳаммаси чиппакка чиқади; ўша каттадан-катта асарингнинг маълум ўринларида мавжуд материалдан керагича фойдалана билмасанг, унда асарингнинг у ёки бу жойида нуқсонлар юзага келади ва бунинг учун сени танқид қилишади; ана ўшанда шоирнинг тер тўкиб қилган бутун меҳнати эвазига мукофот ва қувонч ўрнига тинкаси қуриб, ҳафсаласи пир бўлгани қолади. Аксинча, шоир кундаги туғилган фикрини кунда миясида пишитиб, янгилигида қовозга тушираверса, ўшанда ҳар гал эзгу бир нарса яратган бўлади, қайсидир ёзгани яхши чиқмаса ҳам ҳеч гап эмас.

Мисол учун, кёнигсберглик Август Ҳаген¹ни олайлик — ажойиб истеъдод эгаси; унинг «Ольфрид ва Лизена»сини ўқигандирсиз? Шунақа жойлари борки, қойил қолмай илож йўқ; Болтиқ бўйидаги ҳаёт, у ернинг табиати шунақа зўр тасвирланган. Булар айрим ўринлар, холос, бутун асар эса, ҳеч кимни тўлқинлантормайди. Ахир буни ёзгунча озмунча куч-қувват, меҳнат сарфланганми! Ўшани ёзгунча адоий тамом бўлди ҳисоби. Энди у бир фожиа ёзибди. — Гёте жилмайиб қўйди-да, бир зум жим қолди. Шундан фойдаланиб мен сўз қотдим ва агар адашмасам, Сиз «Санъат ва мозийлик» журналида Ҳагенга фақат майда сюжетлар устида ишлашни маслаҳат бергандингиз, дедим.

— Шундай дегандимку-я, — жавоб қилди Гёте, — лекин ким ҳам биз кексаларнинг айтганини қилади? Ҳар бири нима қилишни ўзим яхшироқ биламан, деб ўйлайди, шу

¹ Август Ҳаген (1797 – 1880)

шоир ва санъатшунос.

йўлда айримлари нобуд бўлишади, бошқалари йўл тополмай қийналишади. Аммо ҳозир адашишнинг пайти эмас, биз кексалар буни бошимиздан ўтказдик, агар сиз ёшлар шу йўлдан борсанглар, бизларнинг адашишу изланишларимиздан нима фойда? Бу ҳолда олдинга силжиб бўлмайди! Хатоларимизни биз кексаларнинг юзига солиб бўлмайди, негаки биз тайёр йўлдан бормадик; бироқ кейинроқ дунёга келганлардан талаб бошқача бўлади, уларнинг адашишга ва йўл излашга ҳақлари йўқ, балки кексаларнинг маслаҳатларига қулоқ тутиб, тўғри йўлдан боришлари лозим. Мақсадга томон қадам ташлашнинг ўзигина етарли эмас, ҳар бир ташланган қадамнинг ўзи мақсад бўлмоғи ва яна олдга қадам ташламоғи керак.

Бу сўзларнинг мағзини чақиб кўринг, ўйланг, улардан қайсилари сизга асқотиши мумкин. Тўғриси айтганда, Сиз учун кўркмайман, бироқ менинг маслаҳатларим Сизнинг ҳозирги ҳолатингизга тўғри келмайдиган босқичдан тезроқ чиқиб кетишингизга кўмак берса дейман. Маълум муддатгача майда сюжетлар устида ишлаб юринг, айти дақиқалар Сизга ҳозирлаётган туйғуларни пешма-пеш қоғозга туширинг, шу тариқа қандайдир эзгу ишни амалга оширасиз ва ҳар бир кунингиз Сизга қувонч келтиради. Шеърларингизни дастлаб газета-журналларга беринг; бировларнинг талабларига эмас, балки ўз қалбингиз овозига қулоқ тутинг.

Олам шу қадар кенг, шу қадар бой, ҳаёт шу қадар ранг-барангки, шеър учун мавзу ҳамиша топилади. Бироқ бу шеърлар албатта бирор ҳаётий воқеага бағишланиши керак, сабаб ва материални борлиқнинг ўзи бериши керак. Айрим ҳолатларнинг жозибадорлиги ва омманинг қалбига етиб бориши шунданки, у ҳақда шоир сўз очган. Менинг барча шеърларим бирон-бир воқеа муносабати билан ёзилган, уларда ҳаёт уфуриб туради ва шунда томир отган. Ҳаводан олиб ёзилган шеърларни мен шеър деб ҳисобламайман.

Ҳаётнинг жозибали томонлари йўқ, дейиш тўғри эмас, ахир шоирнинг истеъдоди, у оддий нарсанинг ҳам гўзал жихатини фарқлашга қодир бўлмоғидир, бунда керакли мавзунини, тилга олиниши лозим бўлган қирраларни, шеър мағзини шоирга ҳаёт беради; шуларнинг барчасидан оҳангдор, нафис бир бутунликни яратиш энди шоирнинг вазифаси. Сиз Форнштайн¹-ни, «табиат куйчиси» деб ном олган шоирни биласиз-ку, у хмелчилар ҳақида шеър ёзипти, ундан зўр шеър бўлмайди.

¹ *Форнштайн Антон (1783–1825)* – табиат куйчиси сифатида танилган шоир.

Мен унга ҳунармандлар, биринчи навбатда тўқувчилар ҳақида кўшиқ ёзишни маслаҳат бердим, ишончим комилки, у бунинг уддасидан бемалол чиқади, негаки, у бутун ёшлик йилларини шундай одамлар орасида ўтказган, уларнинг турмуш тарзини беш кўлдай билади, бинобарин, материал устида ишлаш ҳам унга қийин эмас. Майда сюжетларнинг афзаллиги ҳам айни мана шунда-да, шоир ўзи уддасидан чиқа оладиган материални танлашни истайди, шундайини танлайди ҳам. Йирик шеърӣ асарда эса иш бошқача кечади: унда бирон нарса-ни тушириб қолдириб бўлмайди, бутун асардаги воқеаларни бир-бирига боғлайдиган, асар ғоясига тегишли бўлган ҳамма нарса ўта ҳаққонийлик билан тасвир этилиши керак. Ёшлиқда нарсалар ҳақидаги билим бир томонлама бўлади, йирик асар кўп томонлама билимни талаб қилади, шоир худди мана шу ерда оксайди.

Мен Гётега йил фасллари ҳақида дoston ёзиш, унда турли табақа вакилларининг машғулотлари ва хурсандчиликларини тасвирлаш ниятида эканимни айтдим.

— Мана шуни айтдим-да, — деди бунга жавобан Гёте, — эҳтимол, кўп нарсалар кўлингиздан келар, аммо ҳали Сиз етар-лича билиб ололмаган, мағзини чақолмаган айрим жиҳатларда оқсаб қолишингиз мумкин. Масалан, балиқчини маромида тасвирларсиз-у, овчининг тасвири чикмай қолар. Бордию бутун асарда нимадир яхши чикмай қолса, бу бутун асар муваффақиятсиз чикди, дегани бўлади, айрим ўринлар яхши бўлгани билан, барибир, етук асар ёзим, деб айтолмайсиз. Кучингиз етадиган ўша алоҳида ўринларни тасаввурингизда мустақил бир ҳолатда жонлантиришга уриниб кўринг-да, ёзинг, ишонаманки, гўзал бир асар чиқади. Айниқса, огоҳлантириб айтайки, ўзингизнинг чексиз хаёлларингиз кетидан эргашинг: бу ҳар бир нарсага нисбатан аниқ нуқтаи назарни талаб қилади, ёшлиқда бундай нуқтаи назар ҳали пишиб етилмаган бўлади. Кейин: асардаги тимсоллар ўз дунёқарашлари билан шоирга боғлиқ бўлмаган бир тарзда ҳаёт кечира бошлайдилар ва ундаги кейинги ижоди учун керак бўладиган руҳий бойлигини ўғирлайдилар. Ва ниҳоят, узук-юлуқ қисмларнинг маъносини жойига келтириб бир-бирига боғлаш, тартибга келтириш учун қанча вақт сарфланади, агар киши ўз ишини қойиллатиб бажарганида ҳам, ҳеч ким, ўх-хў, қойил иш бўлибди, демайди. Тайёр сюжет бўлса иш хийла осон кўчади. Бу ерда факт ва характерлар тайёр, шоир буларни бадий қолипга солса бўлди. Бунинг устига у ўз руҳий бойлигини ҳам асрайди, шахсий кучидан кўп ҳам сарфламайди; бунда

вакт ҳам, куч-қувват ҳам кам сарфланади, чунки у тайёр материални маълум шаклга солади, холос. Яна бир гап: мен олдин ишланган сюжетларга мурожаат қилишни маслаҳат берман. Ифигения тимсолига неча марталаб кўл урилган, аммо улар ҳар хил; негаки, ҳар бир ижодкор мавзуга ўз назари билан, ўзига хос услуб билан ёндашади. Ҳозирча улкан мавзуларни бир четга қўятулинг. Сиз жуда қийин йўлни босиб келдингиз, энди ҳаёт қувончларини ҳам татиб кўлинг, бунинг энг яхши воситаси — майда сюжетлар устида ишлаш.

Сухбат давомида биз унинг хонасида у ёқдан-бу ёққа юриб турдик; мен гапларини фақат маъқуллардим, негаки унинг ҳақлигини бор вужудим билан ҳис этардим. Ҳар қадам ташлаганимда ўзимни янада енгилроқ, қувноқроқ сезардим, зеро, ростини айтсам, турли-туман, ҳали ўзим ҳам мағзини чақиб улгурмаган, катта кўламдаги режалар елкамдан тошдек босиб турарди. Ҳозир эса, уларни елкамдан ирғитиб ташладим — токи мен кўтаринки руҳ билан у ёки бу майда сюжетни тасвирга олмагунимча ҳамда аста-секин ҳаётни ўрганиб, материалнинг алоҳида олинган қирраларини ўзлаштиргунимча у дам олиб ётаверсин.

Гётенинг сўзларидан ўзимни худди бир неча йилга олдинга кетгандек, ақлроқ бўлгандек ҳис этдим, ҳақиқий ижодкор билан учрашиш нечоғлик бахт эканлигини бутун қалбим билан англаб етдим. Бунинг фойдасини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Бу қиш бўйи мен ундан неларни ўрганаман, у билан шунчаки мулоқот жараёнида, у ҳатто бирон муҳим гап айтмаган соатларда ҳам нималарга эга бўламан! Унинг шахси, бирон оғиз гапирмаса-да, шунчаки яқинлиги ҳам менга руҳий қувват беради.

Ваймар, 1823 йилнинг 2 октябри, пайшанба

Кеча, роҳатижон ҳавода Йенадан келдим. Менинг Ваймарга қайтганимга табрик тарзида келганим захотиёқ Гёте театрга абонемент юборди. Кечаги куннинг ярмини уйимни тартибга келтиришга сарфладим, барибир Гётенинг уйида гавжумлик эди — Франкфуртдан фаранг элчиси граф Райнхард¹, Берлиндан прусс давлат маслаҳатчиси Шульц² уни зиёрат қилиш учун ташриф буюришган эди.

¹ *Райнхард Карл Фридрих (1761 – 1837)* — граф, француз дипломати.

² *Шульц Кристоф Людвиг Фридрих (1781 – 1834)* — Пруссия давлат маслаҳатчиси.

Бугун эртароқ Гётеникига келдим. У менинг қайтиб келганимдан хурсанд эди ва менга беҳад илтифот кўрсатди. Кетмоқчи бўлудим, маслаҳатчи Шульц билан таништириш мақсадида тўхтатди. У мени ёндаги хонага бошлаб кирди, у ерда жаноб Шульц санъат асарларини томоша қилиш билан банд эди, Гёте мени унга таништирди-да, икковимизни ёлғиз қолдириб чиқиб кетди.

— Сизнинг Ваймарда қолганингиз, — дарҳол сўзга киришди Шульц, — Гётенинг ҳозиргача нашр этилмаган асарларини таҳрир қилишда ёрдам бермоқчи бўлганингиз жуда яхши бўлипти. У менга, Сиз билан ҳамкорликдан қандай манфаат кутаётганини, айрим бошлаб қўйган янги асарларини ниҳоясига етказиш ниятида эканлигини айтди.

Мен унга жавобан, олмон адабиётига фойда келтиришдан ўзга мақсадим йўқлигини, шу ерда баракалироқ фаолият кўрсатаман, деган умидда ўзим кўзлаган адабий режаларимни ҳозирча бир четга қўя туришни лозим топганимни айтдим. Бундан ташқари, — қўшиб қўйдим мен, — Гёте билан амалий мулоқотлар дунёқарашимнинг бундан кейинги ўсишига самарали таъсир кўрсатмай қолмаслигини ҳисобга олсак, шу йўл билан яқин йилларда анча-мунча камолга етиб, ҳозир унчалик кучим етмаган ишларга ҳам қурбим келиб қолади, деб ўйлайман.

— Сўзсиз, — деди Шульц, — Гётедек беназир инсон ва санъаткорнинг шахсий таъсири тенгсиздир. Мен ҳам ана шу буюк даҳонинг руҳидан бир бор озиқланиш учун бу ерга келдим.

Шундан сўнг у менинг китобимнинг наشري билан қизикди, Гёте унга бу ҳақда ўтган йили ёздаёқ ёзган эди. Мен, яқин кунларда дастлабки нусхаларини олишим мумкинлигини, агар у ўша муддатгача бу ерда қололмаса, Берлинга унинг номига бир нусхани дарҳол жўнатишимни айтдим. Шу билан биз самимий қўл қисишиб хайрлашдик.

1823 йилнинг 14 октябри, сешанба

Бугун кечқурун мен илк дафъа Гётеникида тантанали чойхўрликда иштирок этдим. Мен биринчи бўлиб келдим ва биридан иккинчисига кириб бориладиган, эшиклари ланг очик чароғон хоналарни кўриб юрагим ҳаприқиб кетди. Сўнгги хоналардан бирида Гётени кўрдим, у ғоятда қувноқ кайфиятда мени қарши олди. Қора фрак ва юлдуз унга ғоят ярашган эди. Биз бир муддат ёлғиз қолдик ва шифти нақшдор хонага ўтдик, у ерда қизил диван тепасига осилган «Алдобранда

тўйи» деб номланган картина менинг диққатимни тортди. Юзидаги яшил пардаси четга суриб қўйилган картина тўла ёритилган ҳолда кўз олдимда турар ва мен уни бемалол томоша қила олишимдан бахтиёр эдим.

— Ҳа, — деди Гёте, — қадимги ижодкорларда нафақат буюк ғоялар бўлган, балки уларни рўёбга чиқаришни ҳам билишган. Биз, янги замон кишиларида ҳам улкан ғоялар бор, бироқ биз уларни ўзимиз хоҳлагандек ёрқин ва оҳорли қилиб ифодалаб беролмаймиз.

Шу пайт Ример¹ ва Мейер², канцлер фон Мюллер³, сарой аъёнларидан бир қанча жаноб ва хонимлар кириб келишди. Гётенинг ўғли ва келини фон Гёте хоним ҳам келишди, у билан мен илк бор танишдим. Хоналар борган сари тўлиб борар, ҳаммаёқда хуш кайфият ва кўтаринкилик ҳукм суради. Тағин бир неча гўзал, ёш хорижий меҳмонлар ҳам келишди, улар билан Гёте фаранг тилида гаплашди.

Давра менга ёқди, ҳамма ўзини эмин-эркин тутар, ким тик турган, ким ўтирган, ким кулган, ким ҳазиллашган, хуллас, ким кимни хоҳласа, ўша билан сўзлашарди. Биз эса ёш Гёте икковимиз яқинда театрда қўйилган Хувалд⁴нинг «Портрет» асари ҳақида гаплашдик. Спектакль хусусида фикримиз бир жойдан чиқди, ёш Гёте воқеаларни тўлиб-тошиб таҳлил қилишини кўриб қувондим.

Гётенинг ўзи меҳмонларга ўта серилтифот бўлди. У гоҳ униси, гоҳ бунисининг ёнига борар, ўзи кам гапирар, кўпроқ меҳмонларнинг гапиришига имкон берар, асосан уларни тингларди. Фон Гёте хоним унинг ёнига тез-тез келиб, эркаланарди. Яқинда мен унга, театр менга катта қувонч бағишлаётганини, спектаклларни ҳузур қилиб томоша қилишимни, аммо улар ҳақида чуқур мулоҳазага берилмаслигимни айтгандим. У буни маъқуллади ва бу менинг айни дамлардаги кайфиятимга мос эканлигини айтди.

У фон Гёте хоним билан ёнимга яқинлашди.

— Бу менинг келиним, танишиб олгандирсизлар?

Биз унга ҳалигина танишганлигимизни айтдик.

— У ҳам худди сендек театр ишқибози, Оттилия, — давом этди у, — менинг қизим биронтаям спектаклни

¹ Ример Фридрих Вильхельм (1774–1845) — филолог, Гётенинг дўсти ва котиби.

² Мейер Йоханн Хайнрих (1769–1832) — рассом, сарой маслахатчиси.

³ Мюллер Фридрих фон (1779–1849) — Саксен-Ваймар саройи канцлери.

⁴ Хувалд Эрнст (1778–1845) — драматург.

қолдирмайди. — Биз эса икковимизнинг касалимиз бир эканлигидан қувондик.

— Яхши спектакллар кўйилса, — жавоб бердим мен, — маза қилиб кўраман, бироқ ёмонлари тоқатингни тоқ қилиб юборади.

— Шуниси борки, — жавоб қайтарди Гёте, — чиқиб кетиб бўлмайди, асар ёмон бўлсаям охиригача тинглаб томоша қилишга мажбурсан. Бу бизга ёмон нарсага нисбатан нафрат кўзғатади ва яхши нарсани янада чуқурроқ тушунишга ўргатади. Китоб ўқиш бошқа нарса, китоб ёқмаса, отиб юборасан кўясан, театрда эса чидаб ўтиришинг керак.

Мен буни маъқулладим ва мўйсафид ҳар бир воқеага нисбатан бирон-бир маънодор гап айтишини кўнглимдан кечирдим.

Биз ажралиб бошқаларга кўшилиб кетдик, меҳмонлар бизнинг атрофимизда, бошқа хоналарда шод-хуррам ғовур-ғувур қилиб юришарди. Гёте хонимлар ёнига кетди, мен Ример ва Мейерларга кўшилдим, улар бизга Италия ҳақида гапириб беришди.

Бироздан сўнг маслахатчи Шмидт рояль ёнига ўтириб Бетховен¹нинг бир неча пьесаларини чалиб берди. Кейин гапга уста бир аёл Бетховен ҳаётидан қизиқ воқеаларни айтиб берди. Шу тарика соат ҳам ўнга яқинлашди ва бу кеч мен учун сўз билан ифода этиб бўлмайдиган даражада кўнгилли ўтди.

1823 йилнинг 19 октябри, якшанба

Бугун мең илк бора Гётеникида тушлик қилдим. Тушликда ўзидан ташқари фон Гёте хоним, фройлайн Ульрика ва кичкина Вальтер² ҳозир бўлишди, бемалол, ёзилиб ўтирдик. Гёте ўзини ҳақиқий оила отасидек тутди: у ҳаммага овқатларни олиб берар, ковурилган паррандани ғоят абжирлик билан майдалар, ҳаммага вино қуйишни ҳам эздан чиқармасди. Биз театр ҳақида, ёш инглизлар ҳақида берилиб гап сотардик, айниқса фройлайн Ульрика бу гал кўтаринки кайфиятда ва сўзамол эди. Гёте кўпроқ жим ўтирар, ахён-ахёндагина бирон жўяли гап қистириб кўярди. У газеталарга кўз югуртириб кўяр, бизга айрим нарсаларни, айниқса юнон кўзғолончиларининг муваффақиятлари ҳақидаги хабарларни айтиб берарди.

Кейин менинг инглиз тилини ўрганишим лозимлиги ҳақида сўз борди, Гёте буни мендан қаттиқ туриб, ҳеч бўлмаса, ҳозиргача ҳам, бундан кейин ҳам дунёга келиши гумон бўлган

¹ Бетховен Людвиг ван (1770–1827) — композитор.

² Вальтер — Гётенинг набираси, Гёте Вальтер Вольфганг (1818–1885).

фавкулодда ғаройиб инсон лорд Байрон¹ учун ўрганишимни талаб қилди. Шу ерлик кўплаб ўқитувчиларни тилга олдик, лекин бирортасининг ҳам талаффузи талабга жавоб бермас, шу сабабли ёш инглизлардан биронтасига мурожаат қилишни маслаҳат беришди.

Тушликдан сўнг Гёте менга ўзининг «Ранглар ҳақидаги таълимот»ига оид айрим тажрибаларини намоиш қилди. Аммо бу соҳа менга тамоман нотаниш бўлганлиги боис, на ҳолатни, на Гётенинг бу ҳақдаги изоҳларини, хуллас, ҳеч нарсани тушунмадим. Шундай бўлса-да, шу илмнинг ҳам маъносига маълум даражада етишим учун келгусида имкон ва фурсат бўлар, дея умид билдирдим.

1823 йилнинг 21 октябри, сешанба

Кечқурун Гётеникида бўлдим. Биз «Пандора»² ҳақида гаплашдик. Мен, бу дostonни тугалланган деса бўладими ёки унинг давоми борми, деб сўрадим. Давоми йўқ, деди у, негаки биринчи қисм ғоятда чўзилиб кетганлигидан иккинчи қисмни ортиқ давом эттиришни лозим топмадим. Мана шу ёзилганини тугал бир асар деб ҳисоблаб, шу билан қаноатланса бўлади.

Мен ушбу мураккаб дostonнинг маъзини секин-аста, жуда қийинчилик билан чаққанимни, уни қайта-қайта ўқийверганимдан, ҳатто ёд бўлиб кетганини айтдим. Бунга жавобан Гёте кулимсираб деди:

– Ишонаман, у ерда ҳамма нарса гўё тилсимланган.

Мен унга Шубарт³нинг мана шу дoston ҳақидаги фикрларига қўшилмаслигимни айтдим, унинг фикрича «Вертер», «Фауст», «Вильхельм Мейстер», «Ҳамроз диллар»⁴ асарларида алоҳида тилга олинган нарса-ходисаларнинг бари гўё бу дostonда жамланган, оқибатда дoston беҳад оғир ва мураккаб бўлиб кетган эмиш.

– Шубарт, – деди Гёте, – кўпинча жуда чуқур кетади, ўз ишига ўта пишиқ, баҳо беришда нишонни тўғри олади.

Уланд⁵ ҳақида сўз очдик.

¹ Байрон Жорж Гордон (1788–1824) – инглиз шоири.

² «Пандора» – Гётенинг драматик дostonи.

³ Шубарт Карл Эрнст (1796–1861) – филолог, ёзувчи.

⁴ «Ҳамроз диллар» – Гётенинг романи. Олмонча: «Die Wahlverwandtschaften», сўзма-сўз: «Танланган яқинлик» деган маънони беради, асар мазмунига қараб «Ҳамроз диллар» деб ўғирилган. Қаранг: Гёте, «Муҳаббатнома», Романлар. – «Шарк» НМАК бош таҳририяти. – Т.: 2013.

⁵ Уланд Людвиг (1787–1862) – олмон романтик шоири, адабиёт тарихчиси.

— Бадиий асарлар китобхонга зўр таъсир этганини кўрсам, — деди Гёте, — бу, албатта, бекорга эмас, деб ўйлайман. Уланд ҳам шу қадар оммалашиб кетган экан, демак, бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бўлса керак. Унинг «Шеърлар»и ҳақида мен ўзим аниқ бир фикр айтолмайман. Унинг тўпламини яхши умидлар билан кўлимга олгандим, бошиданок заиф, зерикарли шеърларга дуч келдим-да, уёғини ўқишдан хафсалам совиди. Кейин унинг балладаларини ўқишга тутиндим, шунда билдимки, у чинданам истеъдодли ва машҳурлигим бежиз эмас экан.

Шундан кейин мен Гётедан олмон фожиаларидаги шеърий шаклга оид фикрини сўрадим.

— Германияда, — жавоб берди у, — аниқ бир ечимга келиш қийин. Ҳар ким ўзи билганча, танлаган мавзусига қараб ёзаверади. Менимча, олти ҳижоли ямб энг муносиби эди-ю, аммо олмон тили учун у хийла узунлик қилади, сифатлашларнинг етишмаслиги боис биз, одатда, беш ҳижолиси билан қаноатланиб кўя қоламиз. Инглиз тилида бир бўғинли сўзларнинг сероблигидан бу фикр инглизларга янаям кўпроқ тегишли. Сўнг Гёте бир қанча мисга ўйилган гравюраларни кўрсатди-да, қадимги немис меъморчилиги хусусида гапирди ва кейин ҳам шунга ўхшаш асарларни менга кўрсатиш истагида эканини айтди.

— Қадимги олмон меъморчилиги намуналарида, — деди у, — инсон руҳияти фавқулодда ҳолатининг гуллаб-яшнаши намоён бўлади. Бундай яшнашни беҳосдан кўриб қолган одам ҳайратдан қотиб қолади, аммо ўсимликнинг ички, кўздан нари ҳаётига назар ташлашга, ширанинг ҳаракати ҳамда гулнинг аста-секин ривожланиб боришини кўришга қодир бўлган киши эса, бу меъморчилик намунасига бошқача назар билан қарайди, нимани кўраётганини билади. Сизнинг шу қиш давомида санъатнинг мана шу соҳаси бўйича ҳам маълум даражада билимга эга бўлишингизга ўзим ғамхўрлик қиламан, шунда ёзда Райн бўйига борганингизда Страсбург ва Кёльн соборларини чуқурроқ идрок этадиган бўласиз.

Бундан қувонганимдан унга нисбатан миннатдорчилик ҳиссини туйдим.

1823 йилнинг 25 октябри, шанба

Қош қорайганда ярим соатча Гёте ҳузурида бўлдим. У иш столи олдидаги ёғоч оромкурсида ўтирарди, мен уни роятда мамнун кайфиятда учратдим, у баайни самовий сокинлик бағрига шўнғиган, бир вақтлар бошдан кечирган лаззатбахш

бахт ҳақида, гўё ўша бахт бор бўйи-басти билан кўзи олдида қайтадан намоён бўлган одамдек ўтирарди. У Штадельманн¹га ёнига мен учун битта стул келтиришни буюрди.

Биз, бу киш менинг асосий машғулотим бўладиган театр ҳақида гаплашдик. Энг сўнгги кўрган спектаклим Раупах²нинг «Заминдаги тун»и эди. Шу ҳақда ўз фикрларимни айтдим: бу пьеса муаллиф ҳаёлида шаклланган ҳолатда сахнага қўйилмаган, унда ҳаётийликдан кўра роя, драмадан кўра лирика кўпроқ етакчилик қилади, беш кўриниш давомида чўзилган ипни икки ёки уч кўринишга сиғдирса бўларди. Гёте ҳам ўз навбатида кўшимча қилдики, пьеса аристократия ва демократия атрофида айланган, холос, бу оммани ҳечам қизиқтирмайди.

Шундан кейин мен Коцебу³нинг ўзим кўрган пьесалари, яъни «Қариндошлар» билан «Келишув»ни мақтадим. Унинг кундалик ҳаётга ёрқин назар билан қарашини, ҳаётнинг диққаттортар қирраларини дадил қаламга олганини ва жуда ишонарли, ширадор қилиб тасвирлаганини таъкидладим. Гёте фикримга қўшилди.

— Йигирма йилдан бери сахнадан тушмай, — деди у, — халқнинг эътиборини қозонаётган экан, демак, нимасидир бор. У ўз доирасида маҳкам туриб, имкониятларидан четга чиқмаганда эди, анча яхши нарсалар ёзган бўларди. Унинг аҳволи худди Ходовицкий⁴никига ўхшайди: бюргерлар ҳаётдан олинган сахналар унда беҳад зўр чиққан эди, бироқ у рим ва юнон қаҳрамонлари тасвирига қўл урди-ю, ишни расво қилди.

Гёте тагин Коцебунинг бир неча дуруст пьесаларини, айниқса «Икки Клингсберглар»ни тилга олди.

— Инкор қилиб бўлмайди, — қўшиб қўйди Гёте, — у ҳаётни яхши биларди, унга очиқ кўз билан қарарди. Ҳозирги фожианависларни, — дея давом этди у, — фикрлашмайди, поэтик истеъдоддан маҳрум, деб бўлмайди, кўпчилигида енгил, жонли тасвирлаш салоҳияти етишмайди, улар ўз кучлари етмайдиган нарсага интилишади, шу боисдан мен уларни жадал суръатли истеъдодлар, дегим келади.

¹ *Штадельманн Йоханн* — Гётенинг хизматкори (1814 – 1824 йиллар давомида).

² *Раупах Эрнст* (1784 – 1825) — драматург.

³ *Коцебу Август фон* (1761 – 1819) — олмон ёзувчиси ва публицисти.

⁴ *Ходовицкий Даниел* (1726 – 1801) — гравюрачи, олмон мумтоз адабиёти асарларининг безакчиси.

— Бу шоирларнинг, — дедим мен, — пьесани насрда ёза олишларига ишонмайман, менимча, бу уларнинг қобилиятини имтихон қилиш бўларди.

Гёте сўзимни маъқуллади ва шеър асарга оҳангдорлик бағишлайди, айникса, таъсирчанлигини оширади, дея кўшиб кўйди. Кейин қилинадиган ишлар хусусида сўзлашдик. Унинг «Франкфурт ва Штутгарт орқали Швейцарияга саёҳат»¹ини тилга олдик, бу асар уч дафтарда унинг ўзида сақланар, улардаги алоҳида ёзувларни ўкиб чиқиб, қандай қилса ҳаммасини яхлит бир асарга айлантириш мумкинлиги ҳақида ўз фикрларимни айтишим учун уларни менга юбориш ниятида эди.

— Ўзингиз кўрасиз, — деди у, — улар айни дамдаги кайфиятга қараб ёзилаверган, на режа ҳақида, на бадиийлик ҳақида қайғурилмаган, бир сўз билан айтганда, бу ёзувлар челақдаги сувни тўкиб юборгандек қоғозга тушган.

Режасиз бажарилган ишни айнан характерловчи бу ўхшатиш менга жуда ёқди.

1823 йилнинг 27 октябри, душанба

Бугун тонгда Гётедан менга кечки чой ва концертга таклифнома келди. Хизматкор менга таклиф қилиниши керак бўлган кишилар рўйхатини кўрсатди, ундан меҳмонларнинг кўп ва дабдабали бўлиши кўриниб турарди. У яна бир поляк аёл келганини, унинг роялда нимадир чалиб беришиниям айтди. Таклифномани қувониб қабул қилдим.

Бироздан сўнг театрга чипта олиб келишди: бугун «Шахмат» пьесаси кўйиларкан. Пьеса менга нотаниш эди, бироқ уйимнинг бекаси уни чунонам кўкларга кўтариб мақтадики, ўша пьесани кўришга қайноқ истак туғилди. Бунинг устига, кун бўйи ўзимни ёмон ҳис этдим ва дабдабали даврадан кўра қувноқ комедия кайфиятимни кўпроқ кўтаради, деган ўйга бордим.

Кечга томон, томошадан бир соат олдин Гётеникига кирдим. У ерда аллақачон жонланиш ҳукм сурарди, катта хонадан концертга тайёргарлик кўриш мақсадида роялни созлашаётганини эшитдим.

Гётени ўз хонасида ёлғиз топдим, у байрамона ясаниб олган, менинг келганимдан мамнундек кўринди.

¹ «Франкфурт ва Штутгарт орқали Швейцарияга саёҳат» — Гётенинг саёҳатнома асари.

— Ҳозирча шу ерда қола турамыз, — деди у, — бошқалар келгунча гурунглашиб ўтирамыз.

Ана энди бирон ёққа кетиб кўр-чи — ўйладим мен, — мана шу ерда қоласан, Гёте билан бирга ёлғиз ўтириш ёқимли, албатта, лекин анави бир гала жаноблар ва хонимлар келишгач, ўзингни бегонадек ҳис эта бошлашинг аниқ.

Гёте икковимиз хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошладик. Кўп ўтмай театр ҳақида сўзлашишга тушдик, фурсатдан фойдаланиб, театр мен учун мудом завқу шавқ манбаи эканлигини, бунинг устига илгари бунақа нарсаларни кўрмаганимни, энди деярли барча спектакллар менда унутилмас таассурот қолдиришини таъкидладим.

— Ҳа, — кўшиб кўйдим яна, — шунчалик берилибманки, гарчанд бугун Сизникида шундай дабдабали кеча кутилаётган бўлса-да, театрга борсамми-бормасамми, деган ўйда иккиланиб турибман.

— Биласизми нима? — деди Гёте тўхтаб, менга самимий назар билан тикилиб қараркан, — боринг, ҳеч тортинманг! Бугунги қувноқ пьеса Сизга кўпроқ маъқул бўлса, руҳиятингизга кўпроқ мос келса, албатта боринг! Меникида мусиқа бўлади, бунақа кечаларнинг ҳали кўпини кўрасиз.

— Ҳа, — дедим мен, — бораман, эҳтимол бугун кулиш менга кўпроқ фойдалироқ бўлар.

— Ундай бўлса, — деди Гёте, — соат олтиларгача шу ерда бўлатуринг, бир-икки оғиз сўзлашармиз.

Штадельманн иккита мум шам келтириб иш столи устига қўйди. Гёте мени шамга яқинроқ ўтиришга таклиф қилди, унга нимадир ўқиб берармишман. Хўш, олдимга нимани қўйди деб ўйлайсиз? Ўзининг энг сўнгги, энг суюкли шеъри — «Мариенбад элегиялари»ни.

Шу ерда бироз чекиниш қилиб, шеърнинг мазмуни ҳақида тўхталсам. Гёте ўша курортдан қайтганиданок бу ерда мишмиш тарқалдики, гўё Гёте у ёқда ҳам қалбан, ҳам жисман бекиёс гўзал бир қиз билан танишганмиш ва уни қаттиқ севиб қолганмиш. Булоққа олиб борадиган хиёбонда унинг овозини эшитиши биланок шляпасини кўлига оларкан-да, унинг ортидан шошиларкан. Қизнинг ёнида бўлиш учун бирон имкониятниям қўлдан чиқармай, у ерда ғоятда бахтли кунларни бошдан кечирганмиш, ниҳоят, ундан айрилиш унинг учун беҳад оғир бўлганмиш ва аччиқ хижрон онларида ҳайратангиз гўзал шеърлар ёзганмишки, ҳозир уларни илоҳий бир нарсдек ардоқлаб, яшириб қўйганмиш.

Мен бу миш-мишларга ишонардим, зеро, улар нафақат унинг жисмоний бақувватлигига, балки руҳиятининг яратувчанлик қуввати ҳамда бардавом ёш қалбига айнан мос келарди. Ушбу шеърларни ўқишни мен кўпдан бери орзу қилардим, аммо буни Гётедан сўрашга тортинардим. Мана энди улар рўпарамда ётаркан, мен бу хайрли онларга шукроналик келтиришим керак.

У шеърларни ўз қўли билан лотин ёзувида қалин ялтироқ қорозга ёзган ва қизил саҳтиён жилдга солиб, ипак боғич билан маҳкам боғлаб қўйган эди, бинобарин, ташқи кўринишдан ҳам бу қўлёзма унинг учун беҳад қимматли эканлигини билса бўларди.

Мен шеърларни улкан бир қувонч билан ўқидим ва унинг ҳар бир сатрида тарқалган миш-мишнинг тасдиғини кўрдим. Дастлабки сатрларданок маълум бўлдики, улар эндигина танишишмаган, балки учрашув янгиланган. Шеър мазмунан бир нукта атрофида айланар, қаердан бошланган бўлса, яна ўша ерга қайтаверарди. Охирида фикр ғалати тарзда узилган, ўзгача, юракни эзадиган таассурот қолдирарди.

Ўқиб бўлганимдан сўнг Гёте ёнимга келди.

— Қалай, — деди у, — Сизга зўр нарса кўрсатибманми? Уч-тўрт кундан сўнг бу ҳақдаги фикрингизни айтасиз. — Бундан мен хурсанд бўлдим, бу билан Гёте менинг асар ҳақида ҳозироқ бирон мулоҳаза билдиришдан қайтарган эди, зеро, шусиз ҳам таассурот ўта янги, ўткинчи бўлиб, бу хусусда бирон жўяли гап айтишим гумон эди.

Гёте бирон хотиржам фурсат бўлганда шеърларни менга ўқишга беришга ваъда берди. Бу орада театрга борадиган вақт ҳам бўлиб қолди ва биз қизгин қўл қисишиб хайрлашдик.

«Шахмат» яхшигина пьеса ва артистлар ҳам яхши ўйнаган бўлишлари мумкин, бироқ мен хаёлан бу ерда эмас, Гёте ёнида эдим.

Томошадан кейин унинг уйи ёнидан ўтдим, барча деразалар чароғон, мусиқа овозлари эшитиларди, у ерда қолмаганимдан афсусландим.

Эртасига мен ёш поляк хоним Шимановская¹ роялда юксак маҳорат билан куйлар ижро этиб, барча меҳмонларни хайратга солган, тантанали кеча ҳам унинг шарафига уюштирилганини эшитдим. Гёте у аёл билан шу ёзда Мариенбадда танишгани ва у шоирни зиёрат қилиш учун келганини ҳам айтиб беришди.

¹ *Шимановская Мария (1795–1831)* – рус маликасининг биринчи пианиночиси.

Туш пайти Гёте менга кичик бир кўлёмани, яъни Саупернинг «Этюдлар»ини юборди, унда жуда ўткир фикрлар бор эди, мен бўлсам унга ёзда Йенада ёзган бир қанча кичик шеърларимни юбордим, булар ҳақида аввал унга айтгандим.

1823 йилнинг 29 октябри, чоршанба

Бугун кечкурун, чироқлар ёқиладиган пайтда Гётеникига бордим. Уни ғоятда кўтаринки, хуш кайфиятда учратдим, кўзлари шам нурининг аксидан чарақлар, унинг бутун борлиғи қувноқлик, куч-қувват ва ёшлик жўшқинлиги билан тўлиб-тошган эди.

У мен билан хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан, дарҳол кеча унга мен юборган шеърлардан сўз очди.

— Энди билдим, — сўз бошлади у, — нега Сиз Йенада менга йил фасллари ҳақида шеър ёзмоқчиман, деганингизни, энди шундай қилишни сизга маслаҳат бераман, қишдан бошланг. Сиз табиат ҳодисаларини ўзига хос идрок ва ўткир нигоҳ билан кузата оларкансиз. Шеърлар ҳақида икки овизгина гапирмоқчиман. Сиз ҳозир шундай нуқтада турибсизки, у ердан санъатнинг энг баланд ва энг оғир чўққисига, ўзлигингизни англашга йўл топишингиз лозим. Бунинг учун Сиз, воя чангалидан қутулишга ўзингизда етарли куч тўплашингиз керак, Сизда истеъдод бор, нималарга қодирлигингизни кўрсатдингиз, ана энди шундай қилиш пайти келди. Яқинда Сиз Тифуртда бўлдингиз, мен Сизга яна шундай вазифа топширмоқчиман. Эҳтимол, Сиз яна уч-тўрт дафъа ўша ёққа бориб келарсиз, характерли жиҳатларини ўрганиб, барча мотивларни яхлит бир ҳолга келтирмагунча Тифуртни кузатасиз, куч-қувватингизни аямасдан ҳаммасини яхшилаб ўрганинг ва шеърга солинг. Тифурт бунга арзийди. Бу ишни аллақачон бажарган бўлардим, аммо мен буни қилолмайман, чунки у ердаги кўплаб ўзгаришларда ўзим иштирок этганман, кўп ишларнинг ичида бўлганман, кўплаб майда-чуйда тафсилотлар менга ҳаддан ташқари таниш. Сиз у ерга бегона киши сифатида борасиз, назоратчидан ўтмиш ҳақида гапириб беришини сўрайсиз, ўзингиз эса, кўзга яққол ташланадиган, энг характерли, мавжуд нарсаларнигина кўрасиз.

Мен унга худди айтилгандек бажаришга ҳаракат қиламан, деб ваъда бердим-у, аммо вазифанинг мен учун унча енгил эмаслигиниям, менга бу соҳа хийла нотанишлигиниям яширмадим.

— Биламан, — деди Гёте, — бу оғир, бироқ хусусий нарсани англаб етиш ва тасвирлаш ҳам санъатнинг моҳиятини ташкил этади. Яна бир гап: токи биз умумий нарсани асос қилиб олар эканмиз, ҳар қандай киши ҳам бизга тақлид қилиши мумкин, хусусийда эса ҳеч ким бундай қилолмайди. Нега? Чунки буни бошқалар синаб кўрмаган. Лекин хусусий нарса ҳеч қандай акс-садо топмайди, деб қўрқмаслик керак. Ҳар бир характер қанчалик ўзига хос бўлмасин, ҳар бир тасвирланадиган нарса, оддий тошдан тортиб инсонгача, қандайдир умумийликка эга, негаки ҳамма нарса такрорланади ва дунёда фақат бир мартагина яраладиган ҳеч бир нарса йўқ.

— Индивидуал тасвирнинг мана шу босқичида, — сўзида давом этди Гёте, — ижод деб номланган мўъжиза бошланади.

Буни мен унчалик тушуниб етмадим, аммо савол беришдан тийилдим. Эҳтимол, — хаёлдан ўтказдим мен, — у хаёлий нарсанинг реал нарса билан бадий яхлитланишини, биздан ташқарида мавжуд бўлган нарсанинг бизга турма хос бўлган нарса билан қўшилишини кўзда тутаётгандир. Бутунлай бошқа нарса ҳақида сўз юритаётган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Кейин ҳар бир шеърингизнинг остига ёзган санангизни қўйинг, — давом этди Гёте. Мен унга савол назари билан қарадим, нахотки шунчалик муҳим бўлса? — Ўшанда, — қўшиб қўйди у, — улар руҳий кечинмаларингизнинг кундалиги бўлади. Бу кичкина нарса эмас. Мен йиллар давомида шундай қилдим, бунинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини биламан.

Шу орада театрга борадиган вақт бўлди, Гёте билан хайрлашдим.

— Шундай қилиб, Финляндияга кетмоқчисиз, — ҳазиломуз қичқирди у ортимдан. Ростданам фон Вайсентурн¹ хонимнинг «Финляндиялик Йоханна» пьесаси қўйилаётганди.

Пьеса таъсирчан ўринлардан холи бўлмаса-да, унда воқеалар бирёқлама, юракни эзадиган сахналар кўп эди. Умуман олганда, пьеса менда яхши таассурот қолдирмади, аммо сўнгги кўриниш жуда ёқди ва шу билан бошқа нуқсонлариниям кечириб юбордим.

Ушбу пьеса таъсирида қуйидаги хулосага келдим: муаллиф томонидан ўртамиёна тасвир этилган иштирок этувчилар театр сахнасида бирмунча ютуққа эришадилар, чунки ак-

¹ Вайсентурн Йоханна фон (1773-1847) актриса, адиба.

тёрлар тирик одамлар сифатида уларни жонлантириб, маълум маънода индивидуаллаштирадилар. Муаллиф моҳирона чизган, аллақачон ёрқин индивидуаллик касб этиб улгурган тимсоллар эса, аксинча, сахнада бу хусусиятдан маҳрум бўлишади, чунки актёрлар ё ўз ролига мос бўлмайди ёки ўз салоҳиятини тўлиғича намоён этишга қодир эмас. Бордию актёр ўз қаҳрамонига мос ёки ўзлигидан кечиш қобилиятига эга бўлмаса, аллақандай бир аралашма юзага келади ва қаҳрамон ўз ёрқинлигидан маҳрум бўлади. Шу боисдан ҳам спектаклда буюк ёзувчиларнинг пьесаларидаги фақат айрим тимсолларгина муаллиф тасвир этган ҳолатда томошабинга етиб боради, холос.

1823 йилнинг 3 ноябри, душанба

Соат бешларга яқин Гётеникига жўнадим. Юқорига кўтарилаётганимда катта хонадан кувноқ ҳазил-ҳузул овозлар эшитилди. Хизматкорнинг сўзига қараганда, ёш поляк хоним таклиф этилган, меҳмонлар ҳали дастурхон атрофидан турилмаган экан. Кетмоқчи бўлувдим, унга менинг келганим ҳақида хабар қилиш буюрилганини, хўжайиннинг ҳам бундан хурсанд бўлишини, чунки вақт ҳам кеч бўлиб қолганини айтди. Эътироз билдирмадим-да, бирпас кутиб турдим, шу пайт кўтаринки кайфиятда Гёте чиқиб келди-да, мени ўз хонасига бошлади. Менинг келганим афтидан унга маъқул бўлганди.

— Ёдимдан кўтарилмасидан олдин айтиб қўяй, — деди у стол устидан ниманидир қидираркан, — мана бу концертга чипта. Эртага кечқурун Шимановская ратуша залида концерт беради, бундай томошага бормасангиз бўлмайди.

Унга жавобан, яқинда йўл қўйган аҳмоқлигимни энди такрорламайман, дедим.

— У роса зўр чалган бўлса керак-а? — қўшимча қилдим мен.

— Бехад зўр! — жавоб берди Гёте.

— Худди Хуммел¹декми? — сўрадим мен.

— Шуниям ҳисобга олингки, — деди Гёте, — у нафақат юксак маҳорат эгаси, балки гўзал аёл ҳам, шунинг учун ҳаммаси бизга янаям яхшироқ туюлади, у ҳақиқатан ҳам моҳирона чалади, бундан ҳайратланмай илож йўқ!

— Кучи ҳам шунга ярашами? — сўрадим мен.

¹ Хуммел Йоханн Непомук (1778–1837) — беназир пианиночи, Ваймар саройи капелмайстери.

— Ҳа, албатта, — деди Гёте, — энг диққатга сазовори шундаки, одатда аёлларда бундай куч сезилмайди.

— Уни тинглаш имкони туғилганидан жуда бахтлиман, — дедим.

Котиб Крайтер¹ кириб, кутубхона ишларидан ҳисобот берди. У кетгач, Гёте унинг ҳаракатчан ва ишчанлигини мақтади.

Кейин мен унинг 1799 йилда Франкфурт ва Штутгард орқали Швейцарияга қилган саёҳати ҳақида сўз очдим, у ҳақдаги уч дафтарга тўпланган хотираларини яқинда у менга берган, уларни муфассал ўрганиб чиққан эдим. Унинг ўша пайтда Мейер билан тасвирий санъат мавзуси ҳақида кўп фикр билдиришганини эслатдим.

— Ҳа, — деди Гёте, — ушбу мавзудан ҳам муҳимроқ нарса йўқ, бутун санъатшунослик усиз ҳеч нарса эмас. Мавзу бир пулга қиммат бўлса, истеъдод ҳам елга учади. Ҳозирги замон рассомларида муносиб мавзу йўқлиги боис бутун замонавий санъат оқсайди. Бу ҳаммамизга теккан касал, ўзим ҳам замоннинг мана шу руҳига эргашганимни яширмайман.

— Ҳамма рассомлар ҳам, — давом этди Гёте, — ўз хотир-жамликларига нима таъсир кўрсатиши мумкинлигини англаб етаверишмайди. Мана, масалан, менинг «Балиқчи» балладам бўйича расм чизишади, ўйлашмайдики, у ерда расм чизишга арзийдиган нарсанинг ўзи йўқ. Балладада фақат сув туйғуси, унинг ёқимлилиги, бизни чўмилишга ундаши тасвирланган, холос, бошқа ҳеч вако йўқ, бунинг нимасини расмда ифода-лайсан!

— Мен қувонаманки, — дедим мен, — ўша саёҳатингизда ҳамма нарса Сизнинг қизиқиш доирангизда бўлган, ҳамма нарсани: тоғларнинг тузилиши ва жойлашиши, тоғ жинслари, тупрок, дарёлар, булутлар, ҳаво, шамол, об-ҳаво, шаҳарлар, уларнинг бунёд бўлиши ва тараққий этиши, тузилиши ва бошқаруви, меъморчилик, рассомлик, театр, ҳунармандчилик, иқтисодиёт, йўл қурилиши ва яна ирқлар, уларнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, сўнг сиёсат, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа юзлаб мавзуларни қизгин тасвирга олгансиз.

— Бироқ у ерда Сиз мусиқа ҳақида бирон оғиз сўз топмайсиз, — жавоб берди Гёте, — бу, албатта, мусиқа менинг қизиқишларим доирасига кирмагани боис эмас. Ҳар бир одам

¹ *Крайтер Фридрих Теодор (1790–1856)* — Гётенинг шахсий котиби ва Ваймардаги кутубхоначи.

саёҳатга чиқар экан, нималарни кўриши кераклигини, ўзига дахлдор нарсаларни билиши лозим.

Шу аснода жаноб канцлер кириб келди. Гёте билан бироз гаплашиб олгандан сўнг менга ғоятда илтифот билан мурожаат қилди ва ўзи яқинда ўқиб чиққан менинг кичик бир мақолам ҳақида самимий фикр билдирди. Кейин у мусиқа овози эшитилиб турган хонага, хонимларнинг ёнига кетди.

Жаноб канцлер кетгач, Гёте у ҳақда яхши гаплар айтди-да, сўнг:

— Бу ажойиб одамларнинг бариси билан Сиз ўзаро самимий муомалага киришдингиз, худди шу нарсани мен Ватан деб атайман, Ватанга эса одам ҳамиша соғинч билан қайтиб келади, — деди.

Унга жавобан мен бу ердаги ҳаётимнинг самарали таъсирини сезаётганимни, ўзимнинг олдинги ғоявий ва назарий қарашларимдан воз кеча бошлаганимни, ҳозирги онларни қадрлашни ўргана бошлаганимни айтдим.

— Шундай қилмасангиз ҳам бўлмасди-да, ахир, — деди Гёте, — мана шу йўлдан тойманг ва ҳамиша бугуннинг этагидан тутинг. Бугина эмас, ҳар бир ҳолат, ҳар бир дақиқа беадад қадрли, зеро, у абадийликнинг бизга берган тортғидир.

Бироз жим қолдик, кейин мен гапни Тифуртга, уни шеърда қай тарзда ифода этиш мумкинлигига бурдим.

— Бу ўта кўп қиррали мавзу, — дедим мен, — унга қандайдир узвий шакл бериш осон эмас. Энг қулайи уни насрда тасвирлаш, деб ўйлайман.

— Бунинг учун, — деди Гёте, — мавзу у қадар салмоқдор эмас. Умуман олганда, дидактик-тасвирий шакл бу ерга тўғри келар, аммо бутунлай тўғри келади, деб ҳам бўлмайди. Энг яхшиси, Сиз мавзунини ўн ёки ўн иккита кичик-кичик шеърларда ёритинг, турлича вазндаги қофияли шеърини шаклларни танланг, шундай қилинганки, бу умумийликни ҳар томонлама ёритиб бера оладиган хилма-хил жиҳатлар ва қирраларнинг талабларига жавоб бера олсин.

Бу маслаҳат менга жуда маъқул бўлди.

— Ҳа, драматик шаклдан ҳам фойдалансангиз Сизга нима халақит беради, айттайлик, боғбон билан суҳбат уюштирсангиз? Шу тариқа қисмларга бўлиб юборсангиз, ҳам ишингизни осонлаштирасиз, ҳам мавзунинг турли томонларига хос характерли белгиларни бўрттириб тасвирлашга муваффақ бўласиз. Кўп қиррали яхлит нарса ёзиш ҳамиша оғир бўлади, камдан-кам одам уни тугал ҳолда намоён қила олади.

Бир неча кундан бери Гёте ўзини ёмон хис қилмоқда, афтидан қаттиқ шамоллаган кўринади. Тинмай йўталади, йўталганда оғрийди шекилли, ҳар гал кўкрагини, юраги жойлашган томонни чангаллаб қолади.

Бугун театрга кетиш олдидан унинг ёнида ярим соатча бўлдим. У оромкурсида орқасидаги ёстикка суяниб ўтирар, гапиришга ҳам қийналарди.

Бир амаллаб биров сўзлашганимиздан сўнг Гёте «Санъат ва мозийлик»нинг навбатдаги сонининг бошида чиқиши керак бўлган шеърни ўқиб беришимни истади. Ўрнидан турмасдан, шеър турган жойни менга кўрсатди. Шамни олдим-да, шеърни ўқиш учун ундан биров нарироққа, ёзув столи ёнига ўтирдим. Шеър ғалати, ғайриоддий мазмунга эга эди, мен уни бир ўқишда тушунмаган бўлсам-да, у менга қаттиқ таъсир қилди ва ҳаяжонга солди. Унда мазлума аёл ҳақида сўз борар, шеър трилогия тарзида тузилган эди. Назаримда шеърдаги оҳанг ўзга бир оламдан келаётгандек туюлар, ифода ҳам шундай эди, анчагача ундаги тимсолларни кўз олдимда жонлантиришга муваффақ бўлолмадим. Бунинг устига, Гётенинг ёнимдалиги ҳам мазмунга чуқур кириб боришга халақит берарди, у гоҳ йўталар, гоҳ оҳ-воҳ қилар, хуллас, танам гўё иккига бўлинганди: ярмим ўқиётган бўлса, ярмим унинг ҳозирлиги билан банд эди. Шу боисдан шеърнинг мазмунини тушуниш учун уни қайта-қайта ўқишга мажбур бўлардим. Унинг мағзини чақа борганим сайин у менга янада аҳамиятлироқ ва санъатнинг янада юқори чўққисидаги асар бўлиб туюла бошлади. Кейин Гёте билан сюжет ва уни ишлаш ҳақида гаплашдик, унинг айрим фикрларидан мен учун кўп нарсалар ойдинлашди.

— Албатта, — деди у, — сюжет бу ерда жуда тор ишланган, моҳиятни англаб етиш учун ўта диққат билан ўқиш керак. Ўзимга ҳам бу шеър баайни пўлат симлардан қуйилган Дамашқ қиличидек туюлади. Ушбу мавзунини мен қирқ йил юрагимда олиб юрдим, мана энди унинг ортиқча нарсалардан тозаланиш пайти келди.

— Китобхонларда катта таассурот қолдиради-да, — дедим мен.

— Эҳ, китобхонлар! — ух тортди Гёте.

— Эҳтимол, — дедим мен, — шеърни худди картинани изоҳлагандек изоҳлаб, тушунишга кўмаклашса яхши бўлармиди, ўшанда ўтган дақиқаларни гўё олдинга суриб,

худди ҳозирги онлар кечаётгандек тасаввур қилса бўларди, менимча.

— Бу фикрга қўшилмайман, — деди Гёте, — картина бошқа нарса, шеър сўзлардан иборат бўлгани учун битта сўз ҳамма нарсани бузиб юбориши мумкин.

Бу билан Гёте, менинг назаримда, шеър танқидчилари одатда боши билан уриладиган қояни аниқ кўрсатган эди. Савол туғилади: наҳотки ўша қояни четлаб ўтиб, шеърнинг ички нафосатига заррача бўлса-да зиён етказмасдан, у ёки бу шеърни тушунишни осонлаштириб бўлмаса?

Кетмоқчи бўлувдим, у мендан «Санъат ва мозийлик»нинг варақларини олишимни, кейинроқ шеър устида яна мулоҳаза юритиб кўришимни сўради. Бундан ташқари, Рюккерт¹нинг «Шарқ атиргули» шеърини ҳам берди, бу шоир ҳақида яхши фикрда эканлиги, унга катта умид борлаши кўриниб турарди.

1823 йилнинг 12 ноябри, чоршанба

Кечга томон Гётени кўришга бордим, пастдаёқ эшитдимки, унинг ёнида Пруссия вазири фон Хумбольд² ўтирган экан, бундан жуда қувондим, ишонардимки, эски дўстининг ташрифи унинг кайфиятини кўтариши аниқ эди.

Шу ердан театрга кетдим, лиқ тўла залда «Прагалик опасингиллар» спектакли қўйилаётганди, зўр сахналаштирилган спектакль давомида кулги тинмади.

1823 йилнинг 13 ноябри, пайшанба

Уч-тўрт кун олдин, тушдан кейин яхши ҳавода Эрфурт йўли бўйлаб айланишга чиққанимда, ёнимга бир мўйсафид келиб қўшилди, кўринишдан у хийла бадавлат бюргерга ўхшарди. Бир-икки оғиз сўзлашиб улгурмасданок, гап Гётега бориб тақалди. Мен ундан, Гётени шахсан биласизми, деб сўрадим.

— Биласизми эмиш! — жавоб берди у анча-мунча фахр оҳангида, — йигирма йилча уникида хизматкор бўлиб ишлаганман. — Ва у собиқ хўжайинига мақтовларни ёғдириб ташлади.

Мен ундан Гётенинг ёшлик даври ҳақида бирор нарса айтиб беришни сўровдим, у жон-жон деб рози бўлди.

¹ Рюккерт Фридрих (1788–1866) — шоир.

² Хумбольд Вильхельм фон (1767–1835) — олмон олими ва давлат арбоби.

— Уникига ишга келганимда, у йигирма етти ёшларда эди, — деди у, — шу қадар чакқон, серҳаракат, нозик эдики, кўлда кўтарса бўларди.

— Гёте бу ердаги ҳаётининг дастлабки йилларида ҳам қувноқ эдими, — деб сўрадим.

— Ҳа, энди, қувноқларга қувноқ эди, аммо чегарадан чиқмасди, — жавоб берди у, — бирданига жиддий ҳам бўлиб қоларди. Мудом иш билан, ўқиб-ўрганиш билан банд эди, бутун фикри-зикри санъат ва илмга қаратилган, бу нарса ҳаётининг асосий мазмуни эди. Кечқурунлари ёнига ҳерцог келар, икковлари ярим тунгача илмий мавзуларда суҳбатлашишар, охири юраги сиқилиб кетганидан, ҳерцог қачон кетаркин-а, деган ҳаёлларга ҳам борарди. Табиатни ўрганиш, — кўшиб кўйди у, — ўша пайтда унинг муҳим машғулотли эди. Бир куни у ярим кечада кўнғироқ чалди, ётоқхонасига кирсам, филдиракли темир каравотини хонанинг нариги томонидан дераза олдига суриб келиб, осмонга тикилиб ўтирипти: «Осмонда ҳеч нарса кўрмадингми?» сўради у мендан, мен, «кўрмадим», дегандим: «Унда бор, қоровулдан сўра, осмонда ҳеч нарса кўрмадимикан», деди. Югуриб бориб сўрадим, қоровул ҳам ҳеч нима кўрмапти, буни дарҳол хўжайинимга айтдим, у бўлса, ҳалиям ўша ҳолатда ётганча осмонни кузатарди. «Қулоқ сол», деди у менга, «ё ҳозир бирор жойда зилзила бўляпти ёки бўлмаса ҳадемай бўлади». У мени каравотига ўтиришга буюрди ва қандай белгиларга қараб бу хулосага келганини кўрсатди.

Мен қариядан ўшанда об-ҳаво қандай бўлганини сўрадим.

— Булутли эди, — деди у, — бир этган шабада йўқ, ҳаво ўта дим эди.

— Ўшанда Гётенинг сўзларига ишондингизми, — деб сўрадим.

— Ҳа, — деди у, — унинг сўзларига ишондим, чунки у нимани башорат қилса юз берарди. Эртасига, — сўзида давом этди қария, — жаноб Гёте ўз кузатувлари ҳақида саройда ҳам сўзлаб берди, ўшанда бир хоним ёнидаги аёлнинг қулоғига: «Менга кара! Гёте алжираяпти!» дея шивирлади. Ҳерцог билан бошқа аъёнлар Гётега ишонишди, кейинроқ маълум бўлдики, у тўғри кузатган экан, бир неча ҳафтадан сўнг бизга етиб келган хабарга кўра худди ўша кеча Мессинанинг бир қисми зилзиладан вайрон бўлипти.

1823 йилнинг 14 ноябри, жума

Кечга яқин Гёте ёнига боришим учун менга таклифнома юборипти. Хумбольд саройда экан, шу боисдан Гёте мени

жуда кўргиси келипти. Келсам у оромкурсида ўтирган экан, менга дўстона қўл узатди, ўта мулойимлик билан бир-икки оғиз сўз қотди. Ён томонида катта тўсиқ турар ва у столнинг нариги четидаги шамларни ҳам тўсиб турарди. Жаноб канцлер кириб келиб бизга қўшилди. Биз Гётенинг яқинига ўтирдик-да, у эшитадиган даражада секин-секин гаплаша бошладик. Кўп ўтмай сарой маслахатчиси, доктор Ребайн¹ ҳам келди. У Гётенинг томирини ушлаб кўрди-да, унинг сўзлари билан айтганда, томир уриши «ғоят дадил ва илдам» деди, бундан биз хурсанд бўлдик, Гёте ҳам битта ҳазил қистириб қўйди.

— Юракдан оғриқ кетса эди! — дея зорланди у. Ребайн юрак устига шпанка малҳами қўйишни тавсия қилди, биз бундай малҳамнинг шифобахшлиги ҳақида гапирдик, Гёте бундай муолажага рози бўлди. Ребайн сўзни Мариенбадга бурди ва бундан Гётенинг хаёлида ширин хотиралар қайта жонлангандек туюлди. Келаси йил ёзда у ёққа бориш режасини туздик, кимдир Буюк херцог ҳам жон-жон деб борса керак, деди, хуллас, бундай суҳбатдан Гётенинг кайфияти хийла кўтарилди. Сўнг сўз навбати Шимановская хонимга кўчди, унинг бу ерда бўлган кунларини, барча эркаклар унинг илтифотига сазовор бўлишга уринишганини эсладик.

Ребайн кетгач, канцлер ҳинд шеърларини ўқишга берилиб кетди, Гёте мен билан бир муддат «Мариенбад элегиялари»² ҳақида гаплашиб ўтирди.

Соат саккизда канцлер кетди, мен ҳам кетмоқчи бўлувдим, Гёте яна бироз ўтиришимни сўради. Қайта ўтирдим. Суҳбат мавзуи театрга кўчди, чунки эртага «Валленштайн» қўйилиши лозим эди. Шу нарса Шиллер ҳақида сўз очиш имконини берди.

— Шиллерни ўқисам ғалати бўламан, — дедим мен, — унинг драмаларидаги кўп саҳналарни чинакам муҳаббат ва ҳайрат билан ўқийман, бироқ табиатнинг моҳияти ҳақида хато фикрларга дуч келиб қолсам, ўқигим келмай қолади. «Валленштайн»³ни ўқисам ҳам шундай бўлади. Шиллернинг фалсафий қарашлари унинг поэзиясига зарар келтирди, деган ўйга ишонгим келмайди, бундай қараш ғоя (идея)ни табиатдан юқори қўйишига, ғоя деб табиатни йўқ қилишига олиб

¹ Ребайн Вильҳелм — 1816 йилдан Буюк херцог шифокори. 1825 йилда вафот этган.

² «Мариенбад элегиялари» — Гётенинг сўнги севгилиси Ульрика фон Леветцовга (1804—1899) бағишлаб ёзган шеърлар туркуми.

³ «Валленштайн» — Фридрих Шиллер драмаси.

келди-да. Унинг ўйлаганларининг ҳаммаси гўё амалга ошиши керак эди, бу табиатга мосми ёки хилофми, аҳамияти йўқ эди.

— Истеъдодда шундай беназир инсоннинг, — деди Гёте, — ўзига ҳеч бир фойдаси йўқ фалсафий хаёллар билан ўз-ўзини қийнашини кўриш жуда аянчли. Хумбольд Шиллернинг унга ёзган хатларини кўрсатди, улар ўшандай ўй-фикрлар билан банд бўлган хайрсиз онларда ёзилган. Хатлардан маълумки, Шиллер ўша пайтда сентиментал шеърятни оддийсидан тамомила холи қилишга уринган. Аммо бундай шеърят учун асос тополмасдан беҳад гангиган. Гўё, — жилмайиб кўшиб кўйди Гёте, — сентиментал шеърят оддий шеърятга алоқасиз мавжуд бўладигандек, ахир у ҳам ўша асосдан етилиб чиққан-ку.

— Шиллер, — сўзида давом этди Гёте, — ҳеч бир мулоҳазасиз ёки қандайдир инстинктга таянибгина ижод қилолмаслиги, нима қилмоқчи бўлса, муфассал ўйлаб қилиши лозим эди, шунисиям борки, у ёзмоқчи бўлган асарлари ҳақида унгаям, бунгаям тинмай гапираверишдан ўзини тиёлмасди, чунончи, сўнгги йилларда ёзган пьесаларини менга сахнама-сахна гапириб берганди. Бундай ҳолат, аксинча, менинг табиатимга хос эмас, ўз поэтик режаларим ҳақида ҳеч кимга, ҳатто Шиллерга ҳам оғиз очмасдим. Миқ этмай, уларни ичимда асрардим, одатда, асаримни ёзиб бўлгунимча ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Шиллерга «Херманн ва Доротея» поэмамни тайёр ҳолда кўрсатганимда хайрон бўлган, чунки мен бунақа асар ёзмоқчи эканлигим хусусида унга оғиз очмаган эдим. Аммо мен эртага Сиз «Валленштайн» ҳақида нима дейишингизга қизиқаяпман! Зўр тимсолларнинг гувоҳи бўласиз, пьеса Сизда шундай таассурот қолдирадики, буни ҳозир хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз.

1823 йилнинг 15 ноябри, шанба

Кечкурун театрда бўлдим ва илк бора «Валленштайн»ни томоша қилдим. Гёте муболаға қилмаган экан, таассуротлар олам-жаҳон, бутун қалбим ларзага келди. Асосан Гёте билан Шиллер шахсан ижодий таъсир кўрсатган даврдаги актёрлар шундай улугвор тимсолларни кўз олдимда намоён қилишдики, мен пьесани ўқиётганимда уларни бунчалар ўзига хосликлари билан хаёлимда гавдалантира олмаган эдим, шу боисдан спектакль менга фавқулодда қаттиқ таъсир қилдики, ҳатто кечаси ҳам уларни хаёлимдан қуволмадим.

Кечкурун Гётеникида бўлдим. У ҳалиям ўша оромкурсида ўтирар, анча нимжон кўринарди. Дастлабки сўрагани «Валленштайн» бўлди. Бу асар менга сахнадан туриб қай даражада таъсир кўрсатгани хақида тўлиқ ҳисобот бердим, у баралла қувонч билан тинглади.

Фон Гёте хоним жаноб Сорэ'ни бошлаб кирди, у бу ерда бир соатча ўтирди. Буюк ҳерцогнинг топшириғига биноан у олтин медаллар олиб келган эди, Гёте уларни кўриб, муҳокама қилиб, кайфияти анча кўтарилгандек бўлди.

Фон Гёте хоним билан Сорэ кейин саройга кетишди ва Гёте икковимиз ёлғиз қолдик.

«Мариенбад элегиялари»ни қулай фурсат бўлганда кўрсатиш учун берган ваъдасига мувофиқ Гёте ўрнидан турди-да, шамни ёзув столи устига қўйди ва шеърларни менга берди. Уларни қайта кўрганимдан бахтли эдим. Гёте яна оромкурсисига ўтирди-да, мени бемалол мутолаа қилишимга қўйиб берди.

Бир муддат ўкигач, унга бу ҳақда нимадир демоқчи бўлдим, қарасам, ухлаётганга ўхшади. Шундай қилиб, қулай имкониятдан фойдаланиб, уларни қайта-қайта ўқидим. Рухиятнинг маънавий юксаклиги орқасида хийла майинлашган, ёшларга хос жўшқин муҳаббат, назаримда, ушбу шеърнинг қалбни забт этувчи хусусиятини ташкил этарди. Бу шеърларда қаламга олинган ҳис-туйғулар Гётенинг бошқа шеърларидагига нисбатан анча-мунча кучлироқ эди. Мен буни Байроннинг таъсири бўлса керак, деб ўйладим, Гёте ҳам фикримни рад этмади.

— Булар, — қўшимча қилди у, — ғоятда тўлқинли эҳтирос мевасидир. Мен бу эҳтирос оғушида бўлган пайтимда дунёда ҳеч нарса унинг ўрнини босолмайди, деб ўйлардим, ҳозир эса ҳеч қандай мукофот эвазига ҳам ўша ҳолатга қайта тушишни истамасдим. Мен шеърни Мариенбаддан жўнаб кетганимданок, бошдан кечирганларим хақидаги ҳислар ҳали совимай туриб ёзганман. Эрталаб соат саккизда биринчи бекатда биринчи мисрани ёздим, шу тариқа каретада шеър миямда пишаверди, ҳар бекатда хаёлимдагини ёзавердим, кечга бориб шеър қоғозга тушиб бўлганди. Шеърдаги яққол самимият ҳам шундан, ҳаммаси гўё битта ёмбидан қуйилгандек, бунинг умумий мазмунга ҳам фойдаси бўлган.

¹ Сорэ Фридрих Якоб (1795 – 1863) — Буюк ҳерцог, валиахд шахзодаларининг тарбиячиси, таржимон.

— Шу билан бирга, — дедим мен, — шеърнинг ўзига хослиги, у Сизнинг бошқа биронта шеърингизга ўхшамайди.

— Бунинг сабаби шундаки, — деди Гёте, — қартага аниқ суммани тиккандек, айти ўша дақиқаларга умид боғлаганман ва уни ҳеч бир муболағасиз, имкони борича кўкларга кўтаришга ҳаракат қилганман.

Бу мулоҳаза менга ғоятда муҳим туюлди, чунки у Гётенинг ижодий усуллари намоён қилиб, маълум маънода унинг барчага машҳур кўп қирралилигини изоҳлаб берарди.

Шу орада соат ҳам тўққиз бўлди, Гёте мендан хизматкори Штадельманни чақиришни сўради, мен дарҳол буни бажардим.

Штадельманн Ребайн буюрган малҳамли матони унинг кўкрагига, юраги томонига қўйиши керак эди. Мен дераза олдига бориб турдим. Шунда орқадан унинг Штадельманнга, касали ҳеч тузалмаётгани, аксинча, чўзилиб кетганидан нолиётганини эшитдим. Муолажа тугагач, тагин бироз унинг ёнида ўтирдим. Энди у менга ҳам неча тунлаб ухлаёлмаётгани, иштаҳаси бутунлай йўқлигидан шикоят қилди.

— Қиш ҳам келяпти, — деди у, — мен эса ҳеч нарса қилолмайман, ўзимни аранг эплайман, руҳан ҳолдан тойганман.

Мен уни тинчлантиришга уриндим, иш ҳақида кўп ҳам қайғурмаслигини сўрадим, бу ҳолат худо хоҳласа ўтиб кетади, дедим.

— Эҳ, — деди у менга жавобан, — мени чидамсиз деб ўйламанг, бундай ҳолатларни кўп бошдан кечирганман, азобланишга ҳам, чидашга ҳам ўрганиб қолганман.

У оқ фланелдан тикилган пижамада ўтирар, оёғи ва тиззалари жун адёл билан ўраб қўйилган эди.

— Ҳатто тўшакка ҳам ётмайман, — деди у, — оромкурсида тун бўйи ўтириб чиқаман, барибир ором олиб ухлаёлмайман.

Вақт алламаҳал бўлганди, у менга суюкли қўлини узатди ва мен кетдим.

Пастда, пальтомни олиш учун хизматкорлар хонасига кирганимда, Штадельманни тушкун кайфиятда учратдим. У хўжайини учун хавотир олаётганини, унинг шикоят қилиши ёмон аломат эканини айтди. Оёқларида шу пайтгача шиш бор экан, ҳозир ингичка бўлиб қолганмиш. Эртага азонлаб докторга бориб, бу нохуш белгиларни айтишини билдирди. Мен уни юпатишга уриндим, аммо фойдаси йўқ эди.

1823 йилнинг 17 ноябри, душанба

Бугун кечкурун театрга келувдим, кўплаб одамлар олдимга югуриб келишиб, Гётенинг соғлигини ташвишланиб суриштира бошлашди. Унинг касал эканлиги ҳақидаги гаплар шаҳарда тарқалган, афтидан, хийла ошириб юборишган эди. Айримлар ҳатто менга унинг кўкраги шишиб кетганмиш ҳам дейишди. Бутун кеч давомида хафа бўлиб юрдим.

1823 йилнинг 19 ноябри, чоршанба

Кеча кун бўйи ташвишда юрдим. Унинг олдига оила аъзоларидан бўлак ҳеч кимни қўйишмади.

Бугун кечкурун у ёққа бордим ва мени қўйишди. У ҳалиям оромкурсида ўтирар, кўриниши худди мен якшанба куни кўрган пайтимдагининг ўзи, бироқ кайфияти дуруст эди.

Биз асосан Саупер¹ ҳақида, қадимги адабиётни ўрганишдан келиб чиқадиган кўплаб таъсирлар ҳақида сўзлашдик.

1823 йилнинг 21 ноябри, жума

Гёте мени айтиб келишни буюрипти. Унинг ўрнидан туриб хонада юрганини кўриб, беҳад севиниб кетдим. У менга кичкина китобча, яъни граф Платен²нинг «Ғазаллар»ини берди.

— Мен бу ҳақда «Санъат ва мозийлик»да бир-икки оғиз чиқиш қилсам, — дегандим, — шеърлар бунга арзийди. Бироқ аҳволим бу ишга йўл бермаяпти, қараб кўринг, шеърларнинг маъзини чақиб, бирор нарса чиқариш қўлингиздан келармикан.

Уриниб кўришга ваъда бердим.

— Ғазаллардаги ўзига хослик шундаки, — сўзида давом этди Гёте, — улар мазмуннинг ўта тўлиқ бўлишини тақозо қилади, муттасил такрорланиб турувчи қофия оҳангдош сўзларни кўпроқ билишни талаб этади. Шунинг учун ғазал ёзиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, улар Сизга ёқади, деб ўйлайман.

Доктор кириб келди, мен кетдим.

¹ Саупер Йозеф Станислав (1784 – 1850) – адабиётчи профессор, «Гёте ҳақида этюдлар»ни ёзган.

² Платен Август фон, граф (1796 – 1835) – шоир. «Ғазаллар» номида шеърлар тўплами ва «Эдип» фожиаси мавжуд.

Шанба-якшанба кунлари ўша ғазалларни ўргандим, бугун эрталаб шу ҳақдаги фикрларимни ёзиб, Гётега жўнатдим, эшитишимча, бир неча кундан бери у ҳеч кимни қабул қилмаётганмиш, доктор унга гаплашишни ман қилипти.

Бироқ бугун кечга яқин у мени чақиртирди. Унинг хузурига кирганимда, оромкурсиси ёнига стол қўйилганини кўрдим, у менга қўлини узатди, бугун чехраси анча очиқ ва кувнок эди. Дарҳол менинг кичик тақризим ҳақида сўз бошлади.

— Жудаям хурсанд бўлдим, — деди у, — қобилиятингиз зўр. Мен Сизга бир гапни айтиб қўяй, агар Сизга бошқа жойлардан адабий ҳамкорликни таклиф этишса, рад қилинг ёки ҳеч бўлмаса, бу ҳақда менга билдиринг. Бинобарин, Сиз мен билан боғланган экансиз, бошқалар билан алоқада бўлишингизни истамаган бўлардим.

Унга жавобан фақат у билан ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигимни, бундан кейин ҳам алоқаларимни кенгайтирмоқчи эмаслигимни айтдим.

У хурсанд бўлди ва бу қиш давомида икковимиз ҳали кўплаб хайрли ишлар қиламиз, деди.

Сўз навбати яна «Ғазаллар»га кўчди, Гёте буларнинг мазмунан поёнига етган шеърлар эканлигидан ҳамда замонавий адабиётимиз ҳар қалай пишиқ мевалар бераётганидан қувонди.

— Сизга, — сўзида давом этди у, — энг кучли замондош истеъдодларимизни махсус билиш ва ўрганишни тавсия қилмоқчиман. Истагим шуки, Сиз адабиётимиздаги аҳамиятга молик асарлар билан яқиндан танишсангиз ва энг кўзга кўринганларини менга кўрсатсангиз, токи биз уларни «Санъат ва мозийлик» саҳифаларида ёритиб, энг яхши, энг асл, энг мазмунлиларини алоҳида эътироф этсак, ҳар қанча истагим бўлганида ҳам қариган чоғимда сон-саноксиз ташвишларим билан бировнинг ёрдамисиз бу ишларга кучим етмайди.

Буларни бажаришга сўз бердим, ичимда Гётенинг замонавий шоир ва ёзувчиларнинг тақдири учун мен тасаввур қилганимдан ҳам ортиқ қўйинаётганини кўриб сеvindим.

Бир неча кундан кейин айтилган мақсад учун Гёте менга янги адабий журналлар юборди. Анча кунгача уникага бормадим, ўзиям мени чақирмади. Эшитишимча, дўсти Цельтер¹ уни кўргани келипти.

¹ *Цельтер Карл Фридрих (1758–1832)* — мусика профессори, композитор.

Бугун Гётеникига тушликка таклиф этишди. Кирганимда хузурида Цельтер ўтирарди. Икковиям бир-икки қадам мен томонга юриб келишди ва биз кўл олиб кўришдик.

— Бу менинг дўстим Цельтер, — деди Гёте, — Сиз у билан танишишдан жуда катта манфаат кўрасиз, мен Сизни ҳадемай Берлинга юбораман, у ерда Цельтер Сизга кўп ғамхўрликлар кўрсатади.

— Менимча, Берлинда ҳамма нарса зўр бўлса керак, — дедим мен.

— Ҳа, — кулди Цельтер, — у ерда кўп нарсани ўрганиш ҳам, йўқотиш ҳам мумкин.

Биз ўтирдик ва ҳар хил мавзуларда гаплаша бошладик. Мен Шубартни сўрадим.

— Шубарт меникига ҳафтада бир бор келиб туради, — деди Цельтер, — у уйланди, лекин ишсиз юрипти, чунки берлинлик филологлар билан муносабати ёмон.

Цельтер мендан Иммерман¹ни танийсизми, деб сўради. Унинг номини кўп эшитганман-у, бироқ ҳеч бир асарини ўқимаганман, дедим.

— Мен у билан Мюнстерда танишгандим, — деди Цельтер, — у умидбахш йигит, қани энди у хизматдан вақт ажратиб, кўпроқ ижод билан шуғулланса.

Гёте ҳам унинг истеъдодини мактади.

— Ҳар ҳолда кўрамиз, — деди у, — қай тарзда ўсаркин, ўз дидини ҳар хил таъсирлардан тозалай олармикан, шакл масаласида энг яхшиларини ўзига намуна сифатида қабул қилармикан. Унинг ўзига хос интилишларида яхши томонлар кўп, аммо худди шу нарса уни йўлдан тойдириши ҳам мумкин.

Шу пайт чопқиллаб кичкина Вальтер кириб келди-да, Цельтерниям, бобосиниям саволларга кўмиб ташлади.

— Сен тинмасвой пайдо бўлганинг захоти, — деди Гёте, — ҳар қандай суҳбатнинг белига тепасан.

У болани бари бир жуда яхши кўрар ва унинг барча истакларини бажарарди.

Фон Гёте хоним ва фройлайн Ульрика ҳамда саройга жўнаш олдидан муңдир кийган ва қилич таққан ёш Гёте² кириб келишди. Тушликка ўтирдик. Овқат маҳали фройлайн Ульрика билан Цельтер қувноқ кайфиятда бир-бирлари билан беғараз ҳазил-

¹ Иммерман Карл Леверехт (1796 – 1840) олмон шоири, драматург, романист.

² Ёш Гёте – Гётенинг ўғли, Гёте Юлий Август Вальтер (1789 – 1830).

хузул қилиб ўтиришди. Цельтердек инсоннинг ҳозирлиги мени беҳад шодмон этди. У омадли, соғлом эди, айна лаҳзаларда ҳаммани ром қилиб, сўзга тўн кийгизиб ўтирарди. Шу билан бирга ўта самимий, очиқ кўнгил, хаёлига келганини бемалол айтар, ҳатто анча ўткир ҳазиллар ҳам қиларди. Бундай рухий эркинлик ҳаммага юқиб, ҳар қандай тортиниш унинг ҳузурида орқага чекинарди. Ичимда, маълум муддат унинг ёнида яшасам, роса фойдали бўларди, дея орзу қилиб қўйдим.

Цельтер тушликдан кейиноқ кетди. Кечқурунга Улуф княгиня ҳузурига таклиф этилган эди.

1823 йилнинг 4 декабри, пайшанба

Бугун эрталаб котиб Кройтер Гётеникига тушликка таклифнома олиб келди. Яна Гётенинг илтимосини ҳам етказди, ўзимнинг «Шеърят ҳақида ўйлар» китобимдан Цельтерга бир нусха совға қилармишман. Айтганини бажардим, китобни меҳмонхонага элтиб бердим. Цельтер эса менга Иммерманнинг «Шеърлар» номли тўпламини кўрсатди.

– Буни Сизга жон деб тортиқ қилган бўлардим-у, – деди у, – лекин кўриб турибсиз, бу ерда муаллифнинг дастхати бор, бу менга эсдалик сифатида жуда қадрли, уни ўзимда сақлашим керак.

Тушликкача биз Цельтер билан Оберваймар боғида сайр қилдик. Айрим жойларда у тўхтаб, ўтган даврларни эслади ва Шиллер, Виланд¹, Хердер² ҳақида кўп нарсаларни, улар билан яқин дўст бўлганини, бу дўстликни у тақдирнинг бебаҳо инъоми сифатида қадрлашини айтди.

У бастакорлик ҳақидаям гапириб, Гётенинг бир қанча кўшиқларини ифодали қилиб ўқиди.

– Бирорта шеърни мусиқага солмоқчи бўлсам, – деди у, – биринчи навбатда сўзларнинг маъносини тушуниб олишга, унда нима ҳақда сўз бораётганини тасаввур қилишга ҳаракат қиламан. Шеърни ёдлаб олмагунимча овоз чиқариб ўқийман, шу орада тинмай ифодали ўқишда давом этаман, шунда куй ўз-ўзидан қуйилиб келади.

Шамол ва ёмғир бизни олдинроқ орқага қайтишга мажбур қилди. Мен уни Гётенинг уйигача кузатиб бордим, у юқорига, тушликкача биргаликда бироз кўшиқ айтиш учун фон Гете хоним ёнига кўтарилди.

¹ Виланд Кристоф Мартин (1733–1813) – олмон ёзувчиси.

² Хердер Йоханн Готфрид (1744–1803) – атокли олмон филолог олими, «Бўрон ва ҳужум» ҳаракати раҳнамоси.

Ўзим соат иккида келдим. Цельтер Гёте хузурида мисга ўйилган Италия кўринишларини томоша қилиб ўтирарди. Фон Гёте хоним кириб келди, ҳаммамиз столга бордик. Фройлайн Ульрика бугун келмаганди, ёш Гёте ҳам саломлашиш учунгина кирди-ю, дарҳол саройга жўнаб кетди.

Овқат пайтидаги бугунги суҳбатимиз хилма-хил мавзуларда кечди. Цельтер ҳам, Гёте ҳам берлинлик умумий дўстлари Фридрих Август Вольфга¹ тегишли қизиқ-қизиқ ҳангомалардан сўзлашди, «Нибелунглар»² ҳақидаям, лорд Байрон, унинг Ваймарга ташриф буюриши мумкинлиги ҳақидаям кўп гапирилди, сўнги мавзу фон Гёте хонимни анча жонлантирди. Шундан сўнг муҳокама мавзуси Бингендаги авлиё Рохус байрамига кўчди, Цельтер ўшандаги иккита ёш қизларни айниқса кўп эслади, улардаги илтифотлилик унинг хотирасига шу қадар муҳрланиб қолган эканки, уларни эсласа ҳалиям кўнгли яйрар экан. Кейин Гётенинг «Аскар бахти» номли кўшиғи муҳокама қилинди. Цельтер ярадор аскарлар ва гўзал маъшуқалар ҳақида латифа айтишдан чарчамас, булар шеър мазмуни ҳаққоний эканлигини тасдиқларди. Гёте бундай фактларни узоқдан кидирмаганини, Ваймарнинг ўзида бунақаси тўлиб-тошиб ётганини айтди.

Шу тариқа бугун ҳам тушлик жуда кўнгилли ўтди.

Кейинроқ икковимиз ёлғиз қолгач, Гёте мендан Цельтер ҳақида сўради. — Хўш, — деди у, — у Сизга ёқдими?

Мен Цельтер шахсиятининг бошқаларга самарали таъсири ҳақида гапирдим.

— Дастлаб танишган пайтда, — деди Гёте, — у бирмунча чўрткесар, ҳатто кўпол туюлиши мумкин. Сиртдан шундай кўринади. Мен Цельтердек назокатли одамни кам учратганман. Шу билан бирга, унутмаслик керакки, у эллик йилдан ортиқ Берлинда яшади, у ернинг халқи, билишимча, кўпол ва бетакаллуф, назокатли муомала билан у ерда узоққа боролмайсан, бундай шароитга бардош бериш учун одам бировдан тап тортмайдиган ва ўз-ўзини ҳимоя қила оладиган бўлиши лозим.

1824

1824 йилнинг 27 январи, сешанба

Гёте мен билан ҳозир ўзи машғул бўлаётган таржимаи ҳолининг давоми ҳақида гаплашди. Унинг фикрича, ҳаёти-

¹ Фридрих Август Вольф (1759–1824) — филолог олим.

² «Нибелунглар» — қадимги олмон халқ оғзаки ижодига тегишли эпик дoston.

нинг сўнгги даври «Шеърият ва ҳақиқат»¹да ёзилган ёшлик йилларидек деталларга бой эмас.

— Кейинги йилларни, — деди Гёте, — худди йилномадек тасвирлашим керак, бунда ҳаёт йўлимдан кўра кўпроқ ижодий фаолиятим қаламга олиниши лозим. Умуман олганда, шахс ҳаётининг энг кўзга кўринган даври — бу таракқиёт даври бўлади, менинг мисолимда бу «Шеърият ва ҳақиқат»нинг поёнига етган жилдларидир. Кейинроқ эса атрофдагилар билан келишмовчиликлар бошланади, бу нарса бирон қимматга эга бўлсагина бошқалар учун қизиқ бўлади. Ва ниҳоят, немис олимнинг ҳаёти нима деган нарса? Бордию, ҳаётим менинг учун бирон кўзга кўринарли нарса бўладиган бўлса, бу ҳақда одатда айтилмайди, айтиладиганига эса меҳнат қилишга арзимайди. Қани, ўша иштиёқ билан айтганингни тинглайдиган одамлар?

Ёшлик, ўрта ёшдаги йилларимга назар ташлаб, мана энди қариган чоғимда ўйга толаман: мен билан тенгдош бўлганлар қанчалик кам қолди, буни мен доимо ёзги курортлардаги ҳолатга қиёслагим келаверади. У ерга борганданок анча муддатдан бери дам олаётган, яқин орада кетадиган одамлар билан танишиб, дўстлашиб оласан киши. Ажралиш оғир. Иккинчи авлодга кўникишга тўғри келади, улар билан ҳам хийла вақт бирга бўлиб, дилдан боғланиб қоласан. Булар ҳам кетишади-да, сен учинчиси билан қолишга мажбур бўласан, булар сенинг кетишингдан сал олдин келган бўлишади ва булар энди сени қизиқтирмайди ҳам.

Ҳамиша одамлар мени бахтдан тинган дейишади, тўғри, қисматимдан нолимайман, ҳаётимдан норози эмасман. Аслида бутун ҳаётим меҳнат ва интилишдан иборат, тўғриси айтадиган бўлсам, етмиш беш йиллик ҳаётим давомида бирон ой йўқки, ўз ҳузур-ҳаловатимни ўйлаб яшаган бўлсам. Назаримда бутун умр битта тошни жойидан қўзғатишга уриндим-у, аммо сира қўзғатолмадим. Бу билан нима демоқчи эканлигимни мемуарларим ойдинлаштириб беради. Менинг ижодий фаолиятимга, хоҳ ичдан бўлсин, хоҳ ташдан бўлсин, жуда катта талаблар қўйилди. Поэтик тафаккурим ва ижодим — менинг ҳақиқий бахтимдир. Аммо ижтимоий мавқеим унга қанчалар халакит берди, чегаралади, бўғди. Агар мен ўзимни саройдаги амал ва вазифаларимдан олиб қочиб, кўпроқ танҳоликда яшаганимда эди, янада бахтлироқ бўлардим ва ижодкор сифатида янада кўпроқ иш қилган бўлардим. «Гец»² билан «Вертер»

¹ «Шеърият ва ҳақиқат» — Гётенинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли.

² «Гец» — «Гец фон Берлихинген» драмаси.

чикқандан сўнг қайси бир донишманднинг сўзлари менинг қисматимда амалга ошди, у шундай деган эди: «Агар сен инсоният учун бирор яхшилик қилган бўлсанг, буни иккинчи марта такрорламаслигинг учун унинг ўзи ғамхўрлик қилади».

Шон-шуҳрат, жамиятдаги юксак мавқе — булар яхши нарсалар. Аммо бутун шон-шуҳратим ва мартабамга қарамасдан доимо бошқаларнинг фикрига кулоқ тутиб, кимнингдир кўнглини офритиб қўймаслик учун ҳаракат қилдим. Агар, бошқалар менинг миямда нималар борлигини билмагани ҳолда, менда уларнинг фикрини ўқий олиш қобилиятим бўлмаганида ўша кўнгил бўшлигим ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

1824 йилнинг 15 феввали, якшанба

Гёте бугун мени тушликкача извошда айланиб келишга таклиф қилди. Келсам, нонушта қилаётган экан, кўринишидан кайфияти зўр эди.

— Ҳалигина меникига бир ёқимтой меҳмон келганди, — деди у мени шодон қаршиларкан, — гоёт умидли, вестфалиялик Мейер¹ деган йигит. Унинг ёзган шеърлари келажаги борлигидан дарак беради. Ёши ўн саккизда бўлса-да, анча илгарилаб кетган. Менинг ёшим ўн саккизда эмаслигидан хурсандман, — деди Гёте кулимсираб, — мен ўн саккизда эканлигимда Германия ҳам эндигина ўн саккизда эди, унда ҳам бирон нарса қилса бўларди, ҳозир эса талаблар жуда катта, ҳамма йўллар берк.

Германия деярли барча соҳаларда шу қадар илгарилаб кетдики, ҳаммасини илғаб олиш қийин, биз ҳам юнон ва лотин, инглиз ва француз бўлишимиз керак! Бунинг устига, Шарқниям кўрсатадиган бераҳмлар топилади, бундай аҳволда бечора йигит нима қилиши мумкин! Уни юпатиш мақсадида ўзимнинг улкан Юнонамни кўрсатдим, токи бу унинг учун юнонларга суяниш ва улардан юпанч топишда рамз бўлсин дедим. У ажойиб йигит. Агар гоҳ унга, гоҳ бунга уринишдан ўзини тийса, ундан бир нима чиқади. Лекин ўзим мана шу ич-ичидан бузилган даврда ёш бўлмаганимга Тангрига шукроналар айтаман. Қандай хаёт кечириниям билмаган бўлардим. Бордию, Америкага қочиб кетишни хаёл қилганимдаям, кечиккан бўлардим, у ерда ҳам аллақачон тонг ёришган бўларди.

¹ *Мейер Фридрих Адольф Карл (1805–1884)* — Пруссия элчихонасининг маслахатчиси.

Гёте ва ўғли билан тушлик қилдик, у Хайделбергдаги талабалик йилларида бўлган қизиқ воқеаларни сўзлаб берди. У бир гала дўстлари билан таътил пайтлари Райн бўйида дам олишгани, у ердаги бир кўли очик ошхона эгаси ҳақидаги ёрқин хотираларини эслади. Бир куни ўнта талаба уникида тунаб қолишган, у бўлса ўз «бизнес»идан бор-йўғи роҳатланиш учунгина уларни вино билан бепул меҳмон қилган экан.

Тушликдан сўнг Гёте бизга Италия, айниқса, Шимолий Италия ва Лаго-Мажжора тасвири туширилган рангли суратларни кўрсатди. Сувда Борромей ороллари акс этиб турар, қирғоқда балиқчиларнинг қайиқлари ва асбоб-анжомлари кўзга ташланарди, бу «Вильҳельм Мейстернинг жаҳонгашталик йиллари»да тасвирланган кўл, дея тушунтирди Гёте. Шимолий томонда, Монте-Роза йўналишида қуёш ботгандан кейинги ғира-шираликда кўк-қора рангда кўзга ташланаётган, кўлни чегаралаб турган кенг адирлар ястанган эди.

— Бундай тоғларнинг зим-зиё улуғворлиги, — дедим, — мендек текис жойларда туғилиб ўсган кишининг юрагига кўрқув солади, мен бундай дараларда саёҳат қилишни ҳечам истамаган бўлардим.

— Бу табиий туйғу, — деди Гёте, — аслида ҳам одамнинг қаерда ва нима учун туғилгани ўзига муҳим-да, ахир. Агар одамни юксак мақсадлар мусофирликка етакламаса, у ўз уйида ҳаммадан бахтли-да. Швейцария дастлаб менда шундай кучли таассурот қолдирдики, мен ҳаяжондан ўзимни йўқотиш даражасига бордим, аммо бир неча йиллар ўтгач, у ерга такроран борганимда, тоғларни соф минералогик нуқтаи назардан кузатдим, уларни хотиржам идрок қилдим.

Шундан сўнг, биз бир француз галереясидаги замонавий рассомлар асарлари асосида мисга ўйиб ишланган гравюралар мажмуасини томоша қилдик. Булар шу қадар бўш ишланган эдики, қирқта расмдан фақат тўрт-бештасигагина ижобий баҳо бердик, холос. Чунончи: биттасида муҳаббат мактубини айтиб ёздираётган қиз, бошқасида уйини сотмоқчи бўлган, лекин ҳеч ким сотиб олишни истамаётган аёл, учинчисида балиқ ови, тўртинчисида Биби Марям сурати олдидаги мусиқачилар тасвирланган суратлар. Булардан ташқари, Пуссон¹ манерасида чизилган табиат манзараси ҳам ёмон эмасди, бу ҳақда Гёте қуйидагиларни айтди.

¹ Пуссон Никола (1594—1665) — француз рассоми.

— Бундай рассомлар, — деди Гёте, — Пуссон чизган табиат манзаралари ҳақида умумий тушунчани ўзларига сингдириб олиб, шунга мувофиқ ижод қилишади. Уларнинг расмларига яхши ҳам, ёмон ҳам деб баҳо бериб бўлмайди. Улар ёмон эмас, негаки ҳаммасида мохирона ўзлаштирилган намуна кўзга ташланиб туради. Яхши ҳам деёлмайсан, чунки уларда Пуссонга хос индивидуаллик етишмайди. Шоирлар ҳам худди шунга ўхшайди, уларнинг кўпчилиги, масалан, улуф Шекспир манерасини ўзлаштиришга уринганларида, шубҳасиз, бунинг уддасидан чиқишлари гумон эди.

Охирида Раух томонидан Франкфурт учун ишланган Гёте хайкали моделини узоқ томоша ва муҳокама қилдик.

1824 йилнинг 24 феввали, сешанба

Бугун соат бирда Гётеникида бўлдим. У менга «Санъат ва мозийлик» журнали бешинчи жилдининг биринчи дафтари учун мўлжаллаб айтиб туриб ёздирган кўлёмани кўрсатди. У менинг «Мазлума»га ёзган тақризимга илова қўшган, унда француз трагедияси ва ўз лирик трилогияси ҳақида гапириб, бу билан ушбу мавзуларни бир-бирига улаган эди.

— Сиз тақриз ёзиш асносида, — деди Гёте, — Ҳиндистоннинг ўзига хосликлари билан танишиб олганингиз яхши бўлди, чунки биз ўрганган илмлардан охир-оқибат хотирамизда амалда қўллаганимиз қолади, холос.

Унинг фикрини маъқулладим ва буни мен университетда ўқиб юрганимда ўзим синаганимни, профессорларнинг маърузаларидан фақат амалда қўллаганимнигина эсда сақлаб қолганимни, амалда керак бўлмаганларини эса, аксинча, тамоман унутиб юборганимни айтдим. Ҳеерен бизга қадимги ва янги тарихдан маърузалар ўқиган эди, улардан биронта сўз ҳам ёдимда йўқ. Бордию мен хозир, айттайлик, бирон драма ёзиш мақсадида, тарихнинг бирор даврини ўрганмоқчи бўлсам, бундай илм бир умрга ёдимда қолган бўларди.

— Умуман, — деди Гёте, — университетларда жуда кўп нарсаларни, айниқса, жуда кўп кераксиз нарсаларни ўргатишади. Айрим профессорлар эса ўз фанларида талабаларга керак бўлганидан ҳам чуқур кетишади. Илгарилари кимё билан ботаника фармакологияга қўшимча фан сифатида ўтилар, шифокорлар учун шу етарли бўларди. Энди бўлса кимё ҳам, ботаника ҳам мустақил, муҳим фанларга айлан-тирилганки, уларнинг ҳар бири инсоннинг бутун ҳаётини талаб қилади, шифокорларниям уларни ўрганишга мажбур

қилишади! Бундан ҳеч бир фойда чиқмайди, на униси, на буниси дуруст ўрганилмай, охири ҳаммаси унутилади. Ақли бор одам фикрини чалғитадиган барча талабларни четга суриб қўяди-да, битта соҳа билан чегараланади ва ўша соҳани чуқур эгаллайди.

Шундан сўнг Гёте менга Байроннинг «Каин» пьесаси ҳақида ўзи ёзган қисқагина танқидий мақолани кўрсатди, уни мен катта қизиқиш билан ўқидим.

— Байрондек эркин фикрли киши, — деди Гёте, — қандай қилиб черков ақидаларининг пучлигини исботлаб, мана шу пьеса орқали қандай қилиб ўзига мажбуран юкланган диний таълимотдан озод бўлишга урингани кўриниб турипти. Англикан рухонийлари, шубҳасиз, бунинг учун унга ташаккур билдиришмайди, агар у Инжил¹даги ёнма-ён сюжетларни қайта ишлашда давом этса-ю, Содом ва Гоморранинг ҳалокатидек мавзунини четлаб ўтса, ҳайрон қолган бўлардим.

Шундай адабий кузатишлардан сўнг Гёте менинг диққатимни нафис санъатга тортди-да, олдимга антик ўймакорлиги билан безатилган тошни қўйди, бу ҳақда бир кун олдин менга ҳаяжон билан гапирган эди. Мен тасвирдаги жозибали соддаликни кўриб ҳайратга тушдим: болага сув ичириш учун бир одам елкасидаги оғир идишни ерга туширмоқда. Аммо болага ноқулай, оғзи идишга етмайди, сув қуйила қолмайди, шунда у иккала қўлчалари билан идишга ёпишиб олиб, тепага, одамнинг юзига боқади, гўё тагин бироз эгилишини сўрайди.

— Хўш, бу Сизга ёқдими? — сўради Гёте, — биз, янги замон кишилари, албатта, бундай соф, табиий, содда мотивнинг гўзаллигини ҳис этамиз, буни қандай қилиш ҳақида билим ва малакамиз ҳам бор, бироқ қилмаймиз, ақл-идрок устунлик қилади ва ана шу соддалик жозибаси бизда етишмай қолади.

Шундан сўнг берлинлик Бранд²нинг медалини томоша қилдик, унда тош остидан отасининг қуролини топиб олган ёш Тезей тасвирланган эди. Гавданинг туриши анча дуруст ишланган бўлса-да, бироқ тошни силжитаётган пайтдаги мускулларнинг зўриқиши сезилмасди. Йигитнинг бир қўли билан тошни кўтариб, иккинчиси билан қуролни олаётгани ҳам ишонарли эмас эди. Аслида у олдин тошни бир четга суриб қўйиб, кейин қуролни олса, табиий чиқарди.

¹ «Инжил» — насроний дини муқаддас китоби.

² Бранд Хайнрих Франс (1789—1845) — ўймакор уста.

— Энди эса, — деди Гёте, — мен Сизга яна бир нақшдор тошни кўрсатаман, бу ерда ҳам худди ўша сюжет қадимги рассом томонидан ишланган.

У Штадельманнга бир кутини келтиришни буюрди, унда Гёте Италияга сафар қилган пайтида Римдан олиб келган антик давр нақшдор тошларининг бир нечтаси ётарди. Уларнинг ичида мен қадимги юнон рассоми ишлаган худди ўша сюжетни кўрдим — қанчалар фарқли ишланган! Йигит бор гавдасига зўр бериб тошга ёпишган, бунга унинг кучи етади, чунки ўз ишини уддалаётгани кўришиб турарди, у тошни бир четга улоқтириб ташлаш даражасида кўтарган эди. Ёш қахрамон бутун гавдасининг кучини оғир юкка йўналтирган, фақат нигоҳлари пастга — олдида, тош остида ётган қуролга қаратилган эди.

Биз ушбу тасвирнинг ўта табиийлигидан қувондик.

— Мейернинг яхши бир гапи бор, — кулиб гап қўшди Гёте, — «Ўйлаш бунчалар оғир бўлмаса эди!» Энг ёмони шундаки, — давом этди у, — ўйлаш билан ўзингга кўмак беролмайсан, одам табиатан шундай бўлиши керакки, яхши фикрлар Яратганнинг эркин зурриётларидек «Мана биз!» деб доимо хитоб қилишсин ва рўпарангда туришсин.

1824 йилнинг 25 феввали, чоршанба

Гёте бугун менга иккита фаройиб шеърни кўрсатдики, иккаласи ҳам ўз йўналишига кўра юксак ахлоқли, аммо айрим тасвирларда тийиксиз даражада табиий ва ҳаққоний бўлиб, одатда олий давраларда бундай шеърларни одобдан ташқари деб ҳисоблашади, шу боисдан Гёте уларни сир сақлар, чоп эттириш ҳақида ўйламасди ҳам.

— Агар ақл ва билим, — деди Гёте, — умум мулки бўлганида эди, шоирга яшаш осонроқ кўчарди, у ҳамиша ҳақиқатни айтган, ўзининг энг эзгу ҳис-туйғуларини ифода этишдан чўчиб ўтирмаган бўларди. Акс ҳолда у ҳамиша маълум бир босқичдан нари ўтмаслиги лозим. Шеърлари хилма-хил одамларнинг қўлига бориб тушишини шоир эсида тутиши, очиқ-ошкора фикрлари билан кўплаб одамшаванда кишиларнинг кўнглини оғритиб қўйишдан эҳтиёт бўлишга мажбур. Бунинг устига вақт дегани ҳам ғалати нарса. У шафқат қилмайди, ўз ҳукмини ўтказади, одам нима қилмасин ва нима демасин, унга нисбатан ҳар бир асрда ўз муносабатини ўзгартиради. Чунончи, қадимги юнонлар айтиши мумкин бўлган нарсани биз энди айтолмаслигимиз мумкин ёки Шекспирнинг бақувват

замондошлари дидига мос тушган гапта 1820 йилдаги инглизлар бардош беролмайди, шунинг учун бизнинг давримизда «Family-Shakespeare»¹ нашрига эҳтиёж туғилади.

— Кўп нарса шаклга ҳам боғлиқ, — кўшимча қилдим мен, — анави иккита шеърдан биттаси қадимги юнон шеър оҳанги ва ўлчовига кўра китобхоннинг унча рашига тегмайди. Айрим ўринлар, эҳтимол, анча-мунча қуюшқондан чикқандир, лекин, умуман олганда, тасвир шу қадар улуғворликка ва фазилатга эгаки, гўё қадимги юнон шоирининг овозини эшиттаётгандек, гўё енгилмас юнон қахрамонлари даврига ўтиб қолгандек бўламиз. Ариосто оҳанги ва услубидаги иккинчи шеър эса анча қалтис кетган. Унда ҳозирги даврдаги саргузашт ҳозирги тилда баён этилади, у ҳеч бир ниқобсиз бизнинг бугунги воқелигимизга тўғри кириб боргани сабабли, ундаги айрим дадилликлар бизга бирмунча кўпол туюлади.

— Сиз ҳақсиз, — деди Гёте. — Ҳар бир поэтик шакл ўз сирли таъсир кучига эга. Агар менинг «Рим элегиялари»² мазмунини Байроннинг «Дон Жуан»и оҳанги ва услубига кўчирилса, менинг барча айтган гапларим ярамас бир нарсага айланиб қоларди.

Шу пайт француз газеталарини олиб келишди. Французларнинг херцог Ангулем³ кўмондонлигидаги Испанияга юришининг тугалланиши Гётеда катта қизиқиш уйғотди.

— Бурбонлар⁴нинг бу юриши, шубҳасиз, мактовга лойиқ, — деди Гёте, — шу йўл билан улар армияни қўлга киритиб, энди тахтни ҳам эгаллашади. Эгалланди ҳам. Аскар ўз қиролига содиқ ҳолда уйига қайтади, чунки у ўз ғалабаси ҳамда кўп бошлиққа бўйсунган испанларнинг мағлубиятини кўриб, кўп бошлиққа эмас, балки биттага бўйсуниб афзал эканлигига ишонч ҳосил қилган. Армия ўзининг қадимги шон-шухратини намоён қилди ва куч-қудрати ўз ичида эканлигини ҳамда Наполеонсиз ҳам ғалаба қозонишга қодирлигини исботлади.

Гёте гап мавзусини тарихий воқеаларга бурди ва Етти йиллик уруш давридаги прусс армияси ҳақида гапира бошлади: Буюк Фридрих⁵ уларни доимий ғалабаларга одатлантириб,

¹ Шекспирнинг «Ойлашган ўқиш китоби» (ингл.).

² «Рим элегиялари» — Гётенинг Италияга сафари даврида ёзган шеърлари.

³ Ангулем — херцог Луи-Антуан де Бурбон (1775–1884).

⁴ Бурбонлар — француз қироллик сулоласи (1589–1792 йй. ва 1815–1830 йй.).

⁵ Буюк Фридрих (1712–1786) — 1740 йилдан Пруссия қироли.

талтайтириб юборганидан, ўзларига беҳад ишониб кетиб тез-тез мағлубиятга учрайверишган. У барча воқеаларни майда-чуйдасигача эслади, мен бўлсам унинг беназир хотирасидан ҳайратга тушардим.

— Мен омадли одамман, — давом этди у, — умрим бўйи давом этиб келаётган жаҳоншумул воқеалар даврида туғилганман: Етти йиллик урушнинг, Американинг Англиядан ажралиб чиқиши, кейинроқ француз инқилобининг, ниҳоят Наполеон ҳукмронлиги давридан қаҳрамоннинг ҳалокатигача ва бошқа қатор воқеаларнинг тирик гувоҳиман. Шунинг учун мен кейинроқ туғилиб, бундай буюк воқеаларни ўзлари тушунмайдиган китоблардан ўқиб-ўрганадиган одамларга нисбатан тамоман бошқача фикр ва хулосага келганман.

Келгуси йиллар бизга нималар олиб келиши ҳали номаълум, ҳали-бери тинчлик-хотиржамликка эриша олмаймиз, деб кўрқаман. Одамзод ўзини чеклашни билмайди: амал эгалари ҳокимиятни суиистеъмол қилишдан ўзларини тиёлмайдилар, оломон эса, аста-секин яхшиланишларни кутиш жараёнида ўртача шароитга кўникишни истамайди. Инсониятни бекаму кўст қилиш имкони бўлганида эди, унда бекаму кўст шарт-шароит ҳақида ўйласа бўларди, акс ҳолда у на у ёқлик бўлолмайди, на бу ёқлик: бир қисми тўқин-сочинликда яшган бир пайтда, иккинчи қисми азоб-уқубатда ҳаёт кечиради. Ёмонликнинг икки қаноти бўлган худбинлик ва ҳасад ҳамиша ҳаракатда бўлади, партияларнинг кураши ҳам узлуксиз давом этаверади.

Энг оқилона иш шуки, ҳар ким ўз ҳунари билан, нима учун туғилган ва нимани ўрганган бўлса, ўша билан шуғуллансин, бошқаларнинг ҳам ўз вазифаларини бажаришларига халақит бермасин. Косиб ўз қолипи билан иш кўрсин, деҳқон далада ишласин, ҳукмдор халқни бошқарсин. Бу ҳам бир ҳунар, буни ҳам ўрганиш керак, кўлидан келмайдиган ҳар қандай одам бунга уринмаслиги лозим.

Гёте француз газеталари ҳақида ҳам сўз юритди.

— Либераллар, — деди у, — гап сотишаверсин, агар улар ҳақ бўлишса, уларга жон деб кулоқ солишади, иж-рочи ҳокимиятни кўлида тутиб турган монархистларга гап сотиш ярашмайди, улар ҳаракат қилишлари лозим. Аммо газеталарда баҳслашиш, ўз қилмишларини оқлашга уриниш — бу уларга ярашмайди. Қироллар йиғини бўлганда эди, гапиришса бўларди. Ўз ҳаётим ва фаолиятим давомида, — сўзида давом этди Гёте, — ҳамиша монархист бўлиб келганман. Бошқалар истаганча сафсата сотишаверсин, мен нимани

маъкул кўрсам, шуни қилганман. Ўз фаолиятим доирасини кўра олганман ва мақсадим нималигини аниқ билганман. Ёлғиз ўзим хатога йўл қўйган бўлсам, буни тузатолганман, бордию кўпчилик мен билан биргаликда хато қилган бўлса, буни тузатиш имкони бўлмаган, чунки кўпнинг фикри бир хил бўлмайди.

Гёте беҳад зўр кайфиятда ўтирди. У менга фон Шпигель хоним¹нинг альбомини кўрсатди, унга Гёте ажойиб шеър битган эди. Бунинг учун қолдирилган жой икки йилдан бери бўш ётарди, Гёте берган ваъдасининг устидан чиқолганидан шод эди. Фон Шпигель хонимга бағишланган шеърни ўқиб бўлгач, альбомни варақлашда давом этдим ва қатор машхур номларга дуч келдим. Навбатдаги саҳифада «Урания»си оҳанги ва руҳида ёзилган Тигденинг шеъри турарди.

— Қизиқиб кетиб, — деди Гёте, — унинг шеъри ёнига бир неча сатр ёзиб қўймоқчи ҳам бўлувдим, бундай қилмаганимга энди хурсандман, чунки фикрларимни тутиб туролмаганимдан неча марталаб яхши одамларни ўзимдан четлаштирганман, энг яхши ижод намуналаримнинг таъсирига путур етказганман.

— Ростини айтсам, — давом этди Гёте, — мана шу Тигденинг «Урания»²си туфайли анча қийналганман, шундай пайт ҳам бўлгандики, «Урания»дан бўлак ҳеч нарса куйланмас, ҳеч нарса ифодали ўқилмас эди. Қаёққа бормагин стол устида «Урания»ни кўрардинг, ҳар қандай суҳбатнинг мавзуси «Урания» ва абадийлик эди. Мен ўзимни абадиятга ишонч бахтидан маҳрум қилмоқчи эмасман, аксинча, Лоренсо фон Медичи³нинг сўзларини такрор айтишга тайёрман: нариги дунёдаги ҳаётга ишонмайдиган одам, бунисида ҳам ўликдир. Лекин бундай ақлга сиғмайдиган тушунчалар кундалик баҳслар ва фикрни чалғитадиган гап сотишларга мавзу бўлмаслиги керак.

— Абадийлик ғоялари билан шуғулланиш, — сўзида давом этди Гёте, — аслзода табақа вакиллари, айниқса, қилишга иши йўқ аёлларнинг иши. Ер юзида бирон кўзга кўринарли иш қилиш ташвишида бўлган серғайрат одам эса, нариги дунё ҳақида ўйлашга ҳам вақт топмай қолади, шу билан бу дунё

¹ *Фон Шпигель хоним* обергофмаршал фон Шпигель Карл Эмилнинг хотини, асли Штольберг.

² *Тигде Кристоф Август (1752–1841)* – ёзувчи. «Урания» унинг асари.

³ *Лоренсо фон Медичи (1449–1492)* – флоренциялик давлат арбоби, Уйғониш даврида Флоренция Республикаси раҳбари, илм-фан ва санъат хомийси, шоир.

да фойда келтиришга уринади. Бундан ташқари, абадийлик ҳақидаги ўйлар бу дунёда бахт масаласида омади юришмаганлар учун ҳам зарур, гаров боғлайманки, мана шу ёқимтой Тигденинг ҳаёти кўнгилдагидек бўлганида эди, хаёллар ҳам шунга яраша бўларди.

1824 йилнинг 26 феввали, пайшанба

Гёте билан тушлик қилдик. Овқатланиб бўлиб, стол усти йиғиштирилгач, у Штадельманнга мисга ўйилган гравюралар солинган катта-катта жилдларни келтиришни буюрди. Жилдларнинг устини бироз чанг босган эди, яқин атрофда артиш учун юмшоқ латта бўлмаганидан Гёте аччиқланиб, хизматкорини койиди:

— Охирги марта сени огоҳлантираман, — деди у, — агар бугуноқ бориб, бизга тез-тез керак бўлиб турадиган юмшоқ латталарни сотиб олиб келмасанг, унда эртага ўзим бораман, биласан-ку, мен сўзимдан қайтмайман.

Штадельманн кетди.

— Бир куни актёр Беккер билан ҳам худди шундай воқеа содир бўлган эди, — қизгин давом этди Гёте менга юзланиб, — у «Валленштайн»даги отлиқ аскарлардан бирининг ролини ўйнашдан бош тортди. Мен эса, унга бориб айтинглар, агар у ўйнамаса, бу ролни ўзим ўйнайман, дедим. Гапим таъсир қилди. Актёрлар мени яхши билишарди, бундай пайтларда ҳазилни кўтармаслигимниям, сўзимдан қайтмай, ҳар қандай аҳмоқликни қилишим мумкинлигиниям билишарди.

— Ростдан ҳам шу ролни ўйнармидингиз? — сўрадим мен.

— Ҳа, — деди Гёте, — ўйнардим, қандай ўйнашни жаноб Беккерга кўрсатиб қўярдим, негаки ролни ундан кўра яхшироқ билардим.

Кейин биз жилдларни очиб, гравюра ва расмларни томоша қилишга киришдик. Бундай пайтларда Гёте менга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади, у менинг нафис санъатни кузатиш ва идрок этишда хийла юқори пиллапояларга кўтарилишимни исташини сезиб тураман. У менга ўзига хос етук асарларни кўрсатади ва энг машҳур рассомларнинг ички дунёсига кириб боришим ва фикрларини мулоҳаза қилишим учун уларнинг ғоялари ва афзалликлари ҳақида гапириб беради.

— Дид аталмиш нарса, — деди у бугун, — мана шундай шаклланади. Дид ўртача эмас, балки энг сара муҳитда шаклланади. Шу боисдан мен Сизга энг яхшиларини намо-

йиш қиялман, агар Сиз шуларни тушунишни ўргансангиз, бошқаларига ортиқча баҳо бериб юбормасдан меъёрида баҳолашга ўрганасиз. Мен Сизни ҳар бир жанрнинг энг яхши намуналари билан таништираман, уларнинг бирортасига ҳам бепарво қараманг, агар унда улкан истеъдод ўз чўққисига етган бўлса, ҳар бири бизга ўзгача қувонч бағишлашини эсда тутинг. Масалан, француз рассомининг мана бу картинаси беҳад нафис, шунинг учун у ўз жанрининг намунаси ҳисобланади.

Гёте менга варақни узатди, мен уни ҳайрат ичида томоша қилдим. Ёзги саройнинг ланг очик дераза ва эшиклари боғ томонга қараган орастагина хонасида бир гуруҳ ғоятда ёқимтой кишилар ўтиришипти. Ўттиз ёшлардаги гўзал аёл хозиргина куйлашдан тўхтаган бўлса керак, кўлида нота дафтарини ушлаб ўтирипти. Унинг ёнида, сал ичкарироқда, ўн беш ёшлардаги қиз стол суянчиғига суяниб ўтирипти. Ён томонда, очик дераза олдида яна бир ёш хоним турипти, у кўлида уд ушлаб олган, афтидан ҳалиям торларни чертаётгандек туюлади. Шу аснода хонага бир йигит кириб келади, барча аёлларнинг назари унга йўналади, у мусиқали машғулотни бўлган шекилли, гўё улардан бунинг учун узр сўраётгандек салгина бош эгиб турипти, аёллар эса унга илтифот билан кулоқ тутишган.

— Менимча, — деди Гёте, — бу картина Калдерон¹нинг пьесаларидек дилтортар, мана Сиз шу жанрдаги энг гўзал асарни кўрдингиз. Хўш, бу ҳақда фикрингиз қалай?

Шундай дея у менга ҳайвонлар тасвирини ишловчи машҳур рассом Роос²нинг бир қанча гравюраларини узатди, нуқул қўйлар, турли қиёфа ва ҳолатдаги ҳайвонлар тасвири. Башараларидаги маъносиз ифода, бадбурушлик, пахмайган жунлари, ҳамма-ҳаммаси табиатда қандай бўлса, шундайлигича, ҳаққоний чизилган эди.

— Бу ҳайвонларга қараб турсам кўрқиб кетаман, — деди Гёте, — уларнинг қиёфаларидаги, кўзларидаги маъносизлик, хаёл сургандек, мудроқ босган ҳолатлари гўё менга ҳам ўтаётгандек туюлади. Назаримда бунга қараб турган одам ҳам ҳайвонга айланиб қоладигандек бўлади, ҳатто рассом ҳам ҳайвонми, деган ўйга борасан киши. Бари бир, рассом бу жониворларнинг ички дунёсига шунчалик кира олгани, феъл-атворини

¹ *Калдерон де ла Барка, дон Педро (1600–1681)* — испан драматурги.

² *Роос Йоханн Хайнрих (1631–1685)* — анималист, асосан ҳайвонлар расмини ишлайдиган рассом, ҳайкалтарош.

шу қадар ҳис этолгани, уларнинг моҳиятини сиртида шунчалик ҳаққоний намоён қилолгани ҳайратомуз ҳодиса, албатта. Агар улур истеъдод эгаси ўз салоҳиятига мос мавзуга содиқ қолса, нималарга қодир бўлиши ўз-ўзидан кўриниб турипти.

— Бу рассом, — дедим мен, итларни, мушукларни, ёввойи ҳайвонларни ҳам худди шундай табиий қилиб чизган бўлса керак-а? Бошқаларнинг ички оламига кира олишдек юксак қобилиятига қараганда, у одамларнинг ҳам афгангорларию феъл-атворлариниям бера олгандир?

— Йўқ, — деди Гёте, — булар унинг диққат доирасига кирмайди, аксинча, у ювош, ўтхўр ҳайвонларни, яъни кўйлар, эчкилар, сигирлар ва шунга ўхшашларни чизишдан бир умр чарчамади, бу ундаги истеъдоднинг ўз жабҳаси, у бундан ҳеч қачон чиқмади. Тўғри қилдиям! Бу жониворларнинг кундалик ҳаётига ғамхўрлик қилиш ундаги туғма одат, у ҳайвонлар руҳияти ҳақидаги билимларни ҳам эгаллаган, шу боисдан у уларнинг бутун турқ-тароватини зийраклик билан ўзлаштирган эди. Бошқа жонзотларни, эҳтимол, бунчалик мукамал билмаса керакки, уларни тасвир этишга на истак, на салоҳият етишмади.

— Гётенинг бу фикрларидан кейин жуда кўп шунга ўхшаш воқеалар миямда қайтадан кўз очди. Масалан, яқинда у менга айтгандики, ҳақиқий шоирда ҳаёт ҳақида туғма билим бўлади, уни тасвирлаш учун унчалик ҳам тажриба, амалий кўникма керак бўлмайди. Мен «Гец фон Берлихинген»ни, — деган эди у, — йигирма икки ёшли йигит пайтимда ёзганман, орадан ўн йил ўтгач, ўз тасвирларимнинг ҳаққонийлигидан ҳайратга тушганман. Маълумки, бунақа ҳодисаларни кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам, лекин инсон ички оламининг ранго-ранг қирралари ҳақидаги билимни антисипация¹ орқали эгаллаганман.

Умуман олганда, мен ташқи дунёни билгунимга қадар ўз ички дунёмни тасвирлашдан завқ олардим. Воқеликни ҳаёлимда қандай тасаввур қилган бўлсам, худди шундайлигини билганимдан кейин у менинг нафратимни қўзғай бошлади ва уни тасвирлашга заррача ҳам қизғим қолмади. Ҳатто айтишим мумкинки: бордию мен борлиқнинг моҳиятига етгунимга қадар уни тасвирлашдан тийилиб турганимда эди, тасвирларим карикатуранинг ўзи бўларди.

— Инсон феъл-атворида, — деган эди бошқа бир пайт Гёте, — ўзига хос қатъият, маълум маънода қайсарлик хос-

¹ Антисипация — воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш, ҳис-туйғу орқали билиш.

ки, шунинг таъсирида у ёки бу асосий хусусият гўё кўплаб иккинчи даражали хусусиятларни келтириб чиқаради. Бу тажрибадан маълум, бироқ айрим шахсларда бу билим туғма бўлиши мумкин. Менда туғма билим ва тажриба кўшилиб кетганми-йўкми, бунга бош қотириб ўтирмайман. Аммо бир нарса менга аён: агар мен биров билан ўн беш дақиқа сўзлашсам, кейинги икки соат давомида унинг нима дейишини аниқ биламан.

Чунончи, Байрон ҳақида ҳам гапириб, бутун борлиқ унга кундай равшан, воқеликни у антисипация орқали тасвирлайверади, деган эди. Мен бунга жавобан, Байрон, айтайлик, ёқимсиз ҳайвон қиёфасини тасвирлашга муваффақ бўла олардими, менимча, ундаги кучли индивидуаллик бундай мавзуларни иштиёқ билан қоғозга туширишга монелик қилса керак, дея шубҳа билдирдим. Гёте буни маъқуллади ва «антисипация шоир истеъдодига мавзу мос келган жойгача етиб боради», деди. Икковимиз шундай хулосага келдикки, антисипациянинг чегараланганлиги ёки кенг қамровлилигига қараб, истеъдод ҳам юксак ёки ўртача доирада бўлиши мумкин.

— Сиз жаноби олийларининг фикрича, — дедим мен, — борлиқни билиш ижодкордаги туғма қобилият экан, унда Сиз кўриниб турган воқеа-ҳодисалар ва нарсаларни эмас, балки ички оламни назарда тутяпсиз шекилли, мана шуларнинг барчасини ижодкор ҳаққоний тасвирлашга эришмоғи учун воқеликни ич-ичидан англаб етиши керак эмасми?

— Шубҳасиз, шундай, — жавоб берди Гёте, — муҳаббат, нафрат, умид, умидсизлик ва инсон қалбига хос яна кўплаб эҳтирос ва изтироблар — булар шоирга берилган туғма билимлар, буларни тасвирлаш шоирга қийин эмас, бироқ, суд жараёни ёки бўлмаса, императорга тож кийгизиш маросими сингарилар ҳақидаги билим туғма бўлолмайди, тасвир ҳақиқатга зид бўлмаслиги учун шоир уларни ё ўз тажрибаси асосида ўрганиши ёки бошқалардан ўзлаштириши керак. Масалан, «Фауст»да қаҳрамоннинг ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган ҳолатини олайлик, шунингдек, Гретхеннинг севги изтиробларини мен антисипация орқали намоён қилишга эришганман. Қуйидаги:

*Қора туман ичра бўлиб асира,
Мавжус нур таратар ярим ой хира. —*

(Э. ВОҲИДОВ таржимаси)

мисраларни ёзиш учун менга табиатни кузатишга тўғри келди.

— Лекин, — дедим мен, — «Фауст»да бирон сатр йўқки, унда бутун борлиқ ва ҳаётни ўрганишнинг аниқ-равшан излари акс этмаган бўлсин, буларнинг барисини Сизга биров ҳадя қилмагани, улар ўз тажрибангиз меваси эканлиги шундоққина кўриниб турипти.

— Бўлса бордир, — жавоб қайтарди Гёте, — аммо мен антисипация орқали бутун борликни ўзимга сингдирмаганимда эди, кўзим очик тургани ҳолда кўр бўлиб қолардим, бутун билим ва тажрибам ҳам ўлик ва бекорчи уриниш бўлиб қолаверарди. Нур бор, ранглар бизни ўраб турипти, бироқ ўз кўзимизда нур ва ранглар бўлмаганида эди, унда биз уларни илғаёлмаган бўлардик.

1824 йилнинг 28 феввали, шанба

— Шундай жиддий одамлар ҳам борки, — деди Гёте, — улар бирор ишни йўлакай, қўл учида қилолмайдилар, уларнинг табиати ҳар бир ишни маромига етказиб бажаришни тақозо қилади. Бундай истеъдодлар баъзида энсамизни қотиради, истаган нарсамизни ҳозирнинг ўзидаёқ улардан ололмаймиз, аммо олий мақсадга одам худди ўша йўл билан етишади-да.

Мен Рамберг ҳақида сўз очдим.

— Энди бу тамоман ўзига хос рассом, — деди Гёте, — бундай истеъдод кишини қувонтиради, у тенги йўқ импровизатор. Бир куни у Дрезденда мендан мавзу беришимни сўради. Мен унга мана бу мавзунини бердим: Агамемнон Троядан ватанига қайтиб, икки филдиракли аравадан тушади ва уйининг остонасига қадам қўйганида юрагини ваҳима босади. Бу роятда қийин мавзу эканлигини инкор этиб бўлмайди, бошқа рассом бўлганида бунинг устида узоқ мулоҳаза юритган бўларди. Аммо мен фикримни айтиб улгурмасимданок Рамберг чизишга тутинди, унинг мавзунини дарҳол аниқ-таниқ ўзлаштирганига ҳайратда қолдим, холос. Ростини айтсам, Рамбергнинг расмларидан бир нечаси қўлимда бўлишини истайман.

Шундан сўнг бошқа, ўз асарларига юзаки муносабатда бўладиган, охир-оқибат одатга қул бўлиб, санъатни гумдон қиладиган рассомлар ҳақида гурунглашдик.

— Одат, — деди Гёте, — сиртдан қараганда барқарор бир нарсага ўхшайди-ю, лекин ижодкорга ҳузур бағишламайди. Том маънодаги улкан истеъдод эгалари яратувчиликни олий бахт деб биладилар. Роос чарчаш нималигини билмай ўз қўй-эчкиларининг жунларини чизарди, мана шу чексиз ҳаракатдан

кўриниб турадики, у ижод пайтида энг беғубор ҳузур-ҳаловатни хис этарди, уни тезроқ тугатишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Ўртача қобилият эгаларига бундай санъат етишмайди, иш пайтида уларнинг кўз олдида тайёр асар орқасидан келишига ишонишадиган даромад туради, холос. Бу тахлит манфаатни кўзловчи мақсадлар билан ҳеч қачон буюк асар яратиб бўлмайди.

1824 йилнинг 29 феввали, якшанба

Соат ўн иккида Гётеникига бордим, у мени тушлиқдан олдин извошда айланиб келишга таклиф қилган эди. Унинг олдида кирганимда нонушта қилиб ўтирарди, рўпарасига ўтирдим-да, икковимизга ҳам тегишли бўлган асарларининг янги нашри борасидаги ишимиздан сўз очдим. Унга: «Худолар, қаҳрамонлар ва Виланд»¹ асари билан бирга «Рухонийнинг мактублари»ни ушбу нашрга киритилса, яхши бўларди», дедим.

— Ҳозирги қарашларим билан, — деди Гёте, — ёшлиқда ёзилган асарларим ҳақида ҳукм чиқаролмайман. Сиз, ёшлар, ҳал қилинглари буни. У ёзувларимни ҳам ёмон демайман, аммо у пайтлар кўп нарсага ақлим етмасди, беихтиёр олдинга интилардим, шундай бўлса-да, таъкидлашим керакки, менда ҳақиқат туйғуси ҳамда олтин қаерга кўмилганини кўрсатадиган сеҳрли таёқча бор эди.

— Ҳар бир истеъдодли одамда шундай бўлса керак, — дедим мен, — акс ҳолда у туғилганданок дуч келадиган бу дунёнинг ғала-ғовурлари орасида ҳақиқатни тополмай, адашишларга чап беролмай қолган бўларди.

Бу орада отларни қўшиб келтиришди ва биз Йена йўлига чиқиб кетдик. Хилма-хил мавзуларда гаплашдик, ниҳоят Гёте янги француз газеталари ҳақида эслади.

— Франция Конституцияси, — деди у, — халқининг ичида бузуқ элементлари бижғиб ётган бўлса-да, Англияникига нисбатан бутунлай бошқача асосга қурилган. Францияда пора билан ҳамма нарсага эришса бўлади, аслида бутун француз инқилоби ҳам пора йўли билан қўлга киритилган.

Кейин Гёте менга Лойхтенберг херцоги Ойген Наполеоннинг оламдан ўтганини, бу ҳақда бугун эрталаб хабар келганини айтди, афтидан бу хабар уни қаттиқ қайғуга солганди.

¹ «Худолар, қаҳрамонлар ва Виланд», «Рухонийнинг мактублари» Гётенинг асарлари. Биринчиси Виланднинг Гётега нисбатан ҳазилнамо чиқишларига қарши антик давр тимсолларини қўллаб, кинояли руҳда ёзилган асар.

— У буюк инсонлардан бири эди, — деди Гёте, — бундай одамлар кам топилади, инсоният яна бир фавкулотда улур шахсдан жудо бўлди. Уни шахсан танирдим, бултур ёзда Мариенбадда бирга бўлгандик. Қирқ икки ёшлардаги келишган одам эди, лекин қарироқ кўринарди, бошидан кечирган воқеаларни ўйласанг, бунга ҳайрон қолмайсан, унинг ҳаётида бир юриш иккинчиси билан алмашар, бир улкан воқеа устига бошқаси содир бўларди. Мариенбадда у менга ўзининг бир режаси ҳақида сўз очиб, уни амалга оширишни мен билан муҳокама қилганди, яъни бу Райнни канал орқали Дунай билан бирлаштириш режаси эди. У ердаги жойлар тузилиши ҳисобга олинса, бу ниҳоятда катта тадбир. Аммо Наполеон кўл остида хизмат қилиб, дунёни титратган одамга ҳеч нарса қийин кўринмайди. Илгари Буюк Карл¹да ҳам шундай режа бўлганди, ҳатто иш ҳам бошланганди, бироқ кўп ўтмай тўхтаб қолди: қумлоқ қирғоқнинг иккала тарафидан тинмай тупроқ тўкилиб, қазилган канални кўмиб қўяверди.

1824 йилнинг 22 марти, душанба

Тушликдан олдин Гёте билан унинг боғига бордик. Бу боғ Илм дарёсининг нариги қирғоғида, парк яқинида, тепаликнинг ғарбий ёнбағрида ястанган бўлиб, чинакам хушманзара жой. Шимоли-шарқий шамоллардан пана, жануб ва ғарбдан келувчи илиқ ҳамда ёқимли ҳаво оқими яхши ўтиб турадиган бу гўша, айниқса, куз ва баҳор ойларида таърифга сизмас даражада гўзаллашиб кетади.

Шимоли-ғарбий йўналишда жойлашган шаҳарга шунчалик яқинки, у ерга бир неча дақиқа ичида стиб бориш мумкин, шундай бўлса-да, қанча тикилиб қарамагин, ҳеч қасрда шаҳарни эслатадиган на бирорта бино, на минора кўринмайди, баланд-баланд сершоҳ дарахтлар ўша тарафни бутунлай тўсиб қўйган. Дарахтзорлар чапга, шимол томонга, шундоққина боғ ёнидан ўтадиган катта йўлга томон «юлдуз» ҳосил қилиб чўзилиб кетган.

Ғарбий ва жануби-ғарбий томондан кенгина майсазор кўриниб туради, ундан хиёл нарироқда, оҳиста буралиб Илм оқиб ўтади. Дарёнинг нариги тепаликсимон қирғоғи ёнбағирларида ва тепасида барглари хилма-хил рангларда товланувчи қандоғочлар, шумтоллар, тераклар, қайинлар ўсиб

¹ Буюк Карл (742–814) — франклар қироли, кейинчалик Рим императори.

ётипти, хушманзара кенгликдаги ям-яшил улкан парк тушки ва кечки пайтлар уфкни тўсиб туради.

Майсазор орқали паркнинг бундай кўриниши, айниқса ёзда, гўё олдинда узок-узокларга чўзилиб кетган ўрмон ястанган-дек таассурот қолдиради. Мана ҳозир майсазорга кийик ёки буғу югуриб чиқади, деб ўйлайсан киши. Табиат кўйнидаги чуқур сукунат бағрида ҳис этасан ўзингни, бу сукунатни қораялоқнинг аҳён-аҳёнда чуриллаши ёки ўрмон кушларининг узук-юлуқ сайрашлари бузиши мумкин, холос.

Бор дунёни унутиб хаёлларга фарқ бўлишдан бизни минорадаги соатнинг гоҳ-гоҳ занг уриши, паркнинг қаеридадир товуснинг қичкириши ёки казармадан келаётган горн ва барабанларнинг овози ҳушёр торттиради. Аммо бу гапга тегмайди, бундай овозлар ўзингни она шахрингдан узок-узокларга кетиб қолгандек сезаётган бир пайтда унинг ёнгинангда эканлигини қулайгина қилиб эслатиб туради.

Маълум кун ва фаслларда бу майсазорларни ҳечам кимсасиз деб бўлмайди. Гоҳ Ваймарга бозорга ёки ишга шошилаётган, кейин уйга қайтаётган маҳаллий кишиларни, гоҳ Илмнинг бурилишлари бўйлаб, кўпинча одамлар сайр қилишни яхши кўрадиган жой — Оберваймар йўналиши бўйлаб айланиб юрган одамларни кўриш мумкин. Хашак ўрими даврида ҳам бу жойлар беҳад жонланиб кетади. Сал нарида шу атрофдаги мулк эгаларига тегишли ўтлаб юрган кўйлар ҳамда зотдор Швейцария сигирлари кўзга ташланади.

Аммо бугун бу ерда дилни яйратадиган ёзги манзаралардан асар ҳам йўқ эди. Майсазорнинг у ер-бу ерида майсалар кўрина бошлаган, паркдаги дарахтларнинг шох-бутоқлари ва унча-мунча кўринган куртаклари ҳам кўнғир тусда эди, шунга қарамасдан сайроқи кушнинг чирқиллаши ҳамда қораялоқларнинг гоҳ унда, гоҳ бунда қулоққа чалинаётган сайрашлари баҳорнинг яқинлигидан дарак берарди.

Ҳаво ёздагидек ёқимли эди, жануби-ғарб томондан майин шабада эсарди. Тиниқ осмоннинг баъзи-баъзи жойларида қора булут парчалари сузиб юрарди, хув тепада тарқалиб бораётган парсимон булутлар кўзга ташланади. Булутларни диққат билан кузатгач, кўрдикки, пастда сузиб юрган тўда-тўда булутлар тарқалиб борарди, Гёте шундан хулоса чиқариб, барометр кўтарилган бўлса керак, деди.

У барометр милларининг тушиши ва кўтарилиши ҳақида кўп гапирди ва буни «намликнинг инкори ва тасдиғи» деб атади. Шу билан бирга у абадий қонунлар асосида ернинг нафас олиши ва нафас чиқариши ҳақида, борган сари нам-

лик ошиб бораверса, сув тошқини юз бериши мумкинлиги хақида ҳам гапирди. Бундан ташқари: хар бир жой ўз атмосферасига эга, аммо шунга қарамасдан, Оврўпада барометр кўрсаткичлари ҳамisha бир хил. Табиат номутаносиб, шунчалик истисно ҳолатларга қарамасдан қонуниятни аниқлаш қийин кечади, деди.

У менга шу тахлит ҳаётий ўғитларини сингдираркан, биз боғнинг қумлоқ йўлагига у ёқдан-бу ёққа бориб келардик. Биз бир уйга яқинлашдик, Гёте хизматкорига уй эшигини очишни буюрди, кейинроқ уй ичини менга кўрсатмоқчи эди. Уйнинг сирти оқланган деворлари бўйлаб атиргул туплари чирмашиб кетган, ҳатто томгача етган эди. Уйни айланиб чиқиб, ниҳоятда ҳайратга тушганим, атиргул тупларининг бутоқларида ўтган ёздан бери сақланиб қолган хилма-хил қушларнинг инлари бўлиб, улар ҳозир япроқлар тўкилиб кетгани сабабли шундоққина кўриниб турарди, айниқса, бу ерда уруғхўр сайроқи қушларнинг инлари кўп эди, улар ўз инларини ерга яқин жойга ҳам, юқорироққа ҳам қураверишган.

Кейин Гёте мени уй ичига бошлаб кирди, ўтган йили ёзда бу ерга кириш насиб қилмаган эди, унинг деворларига харита ва гравюралар ҳамда Гётенинг бўйи баравар рангли портрети осиб қўйилган эди, уни Мейер икковлари Италия сафаридан қайтиб келишгандан сўнг ишлашган эди.

Гёте бу ерда қирчиллама ёшда, қуёшда қорайган, хийла бақувват кўринарди. Бироз сокин чехрасидаги ифода жуда жиддий, гўё рўпарангда келгусида қилинажак ишлар юки юрагини зилдек босиб турган одамни кўраётгандек бўласан киши.

Биз зинапоя орқали юқорига кўтарилдик, у ерда учта хона ва битта ҳужрача бўлиб, ҳаммаси жуда кичик ва айтарли ҳеч қандай қулайликлар йўқ эди, Гёте бу ерда илгарилари узоқ-узоқ яшаб, хотиржамгина ижод қилганини эслади.

Хоналарнинг ҳавоси анча салқин эди, биз яна очик ҳавога чиқишга шошилдик. Тушки қуёш нурлари остида бош йўлак бўйлаб юрарканмиз, суҳбат мавзуи ҳозирги адабиётга бурилди, Шеллинг¹ хақида, бошқалар қатори Платеннинг янги пьесалари хақида гаплашдик.

Боғнинг тепалик ёнбағридаги юқори қисми ялангликсифат бўлиб, унда яккам-дуккам мевали дарахтлар ўсиб ётарди. Йўлаклар юқорига илонизи бўлиб чиқиб, чўққини айла-

¹ Шеллинг Фридрих фон (1775–1854) – олмон файласуфи.

ниб ўтади-да, тагин пастга тушиб кетади, бу менда атрофни юқоридан туриб томоша қилиш истагини тугдирди. Гёте ўша йўлаклар бўйлаб мендан олдинда тепага кўтарила бошлади, мен унинг бардамлигидан қувондим. Юқорида, бута тўсик ёнида урғочи товусни учратдик, афтидан у херцог боғидан бу ёққа ўтган бўлса керак. Гётенинг айтишича, у ёз кунлари товусларни дон бериб, бу ерга ўргатаркан.

Илонизи йўлакнинг бошқа тарафи бўйлаб тушиб келарканман, буталар билан ўралган, устига машхур шеърнинг қуйидаги мисраси ўйиб ёзилган тошни кўриб қолдим:

Ушбу сокинликда ўз машуқасин эслади ошиқ.

Назаримда, мен антик давр ёдгорлиги олдида тургандек эдим. Бунинг ёнгинасида пастаккина эманлар, арчалар, қайинлар, қора қайинлар ўсиб ётган чакалакзор бор эди. Арчалар остидан йиртқич қушнинг тўкилган патларини топиб олдим, буларни Гётега кўрсатгандим, у бундай нарсалар бу ерларда тез-тез топилиб туришини айтди. Демак, бу ерлар арчалар кўплаб учрайдиган, бойўғлилар ин кўядиган севимли жой экан, дея ўйладим. Чакалакзорни айланиб ўтиб, биз яна уйнинг ёнидаги бош йўлакка, ўсиб ётган эманлар, арчалар, қайину қора қайинлар ярим доира ҳосил қилган, ичкари-си форбашара бир жойдаги юмалоқ стол атрофига қўйилган стулчаларга жойлашдик. Қуёш шу қадар қиздирардики, хатто мана шу яланғоч дарахтларнинг арзимас соясига ҳам жон-жон дедик.

— Жазирама ёз кунлари, — деди Гёте, — мен учун бу ердан яхши манзил бўлмайди. Мана шу дарахтларни бундан қирқ йил олдин ўз кўлларим билан экканман, уларнинг бўй чўзишларини кўриб қувонганман, мана энди неча йиллардан бери уларнинг соясида ҳузур қилиб ўтираман. Бу эману қора қайинларнинг барглари орасидан ҳар қандай куйдирувчи қуёш нури ҳам ўтолмайди, иссиқ ёз кунлари тушлиқдан кейин шу ерга келиб ўтираман, ўтлоқ ва паркда шунақа сукунат ҳукм сурадики, бундай пайтни қадимгилар «Пан ухлади» дейишган.

Шу пайт шаҳардан соат иккига занг урилгани эшитилди ва биз ортга қайтдик.

1824 йилнинг 30 марти, сешанба

Кечқурун Гётеникида бўлдим. Икковимиз ёлғиз, бир шиша винони ичиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Француз театрини немис театрига қиёсладик.

— Олмон томошабинларини, — деди Гёте, — худди Италия ёки Франциядагидек театр ҳақида тўғри фикр билдиришга ўргатиш қийин. Бизда бунга халақит берадиган яна бир нарса шуки, дуч келган асар сахнага олиб чиқиладиган. Кеча «Хамлет»ни кўрган жойда бугун «Штаберле»ни кўрамиз, эртага «Сехрли сибизға»дан хайратга тушадиган жойнинг ўзида индинига «Янги бахтиёр инсон»даги қочиримлардан қотиб-қотиб куламиз. Бундан томошабин боши берк кўчага кириб қолади, турли-туман жанрлар аралаш-қуралаш бўлиб, асарни тўғри тушуниш ва тўғри баҳо беришга ўрганолмайди. Бунинг устига, ҳар бир томошабиннинг ўз талаблари ва ўз шахсий истаклари бор, у ана шу истаклар рўёбга чиқадиган жойга ҳар куни боргиси келадиган. Бугун анжир узган дарахтдан эртага тагин ўша мевани узгиси келади, бордию, тун бўйи у ерда олхўри пайдо бўлиб қолса, таъби тирриқ бўлади. Терн мевасини хуш кўрадиган одам эса тиканга ўзини уради.

Шиллерда, фақат фожиаларни кўрсатиш учун махсус театр қуриш керак, деган яхши ғоя бўлган эди, бундан ташқари, ҳафтада бир марта фақат эркаклар учун битта спектакль қўйишни ҳам таклиф этганди. Бироқ бундай ишларни фақат марказларда амалга оширса бўлади, бизда бунга имконият йўқ эди.

Кейин Иффланд¹ ва Коцебунинг пьесалари ҳақида гаплашдик, Гёте уларни беҳад қадрлар эди.

— Жанрларни тузук-қуруқ фарқлаёлмаслик оқибатида, — деди у, — айни мана шу икки инсоннинг асарлари кўпинча нотўғри танқид остига олинди. Ана энди биз иккита бундай юксак иқтидор соҳиблари қайта дунёга келишини узок кутишимиз керак бўлади.

Мен Иффланднинг «Бўйдоқлар»ини мақтадим, бу пьеса менга жуда ёққан эди.

— Шубҳасиз, бу Иффланднинг энг яхши пьесаси, — деди Гёте, — бу унинг қуруқ насрдан воз кечиб, юксак бадиийликка кўтарилган ягона асари.

Сўнгра у менга «Бўйдоқлар»нинг давоми сифатида Шиллер билан пьеса ёзмоқчи бўлганларини, аммо бу ёзилмай оғизда қолиб кетганини айтиб берди. Гёте ундаги воқеаларни сахнама-сахна қайта тасвирлаб берди, у жуда антиқа, қувнок нарса эди, мен уни маза қилиб тингладим.

¹ *Иффланд Август Вильҳельм (1759--1814)* — таниқли олмон актёри ва драматурги.

Шундан сўнг у Платеннинг айрим янги пьесалари ҳақида ҳам фикр билдирди.

— Бу пьесаларда, — деди у, — Калдероннинг таъсири шундоқ сезилиб турипти. Улар сўзсиз ўткир, айтиш мумкин-ки, ҳатто етук асарлар, бироқ уларда ўзига хос вазн етишмайди, мазмунан салмоқдор эмас. Улар китобхон қалбида чуқур қизиқиш уйғотмайди, нари борса қалб торларимизни салгина, бир лаҳзага чертиб ўтади, холос. Улар сув юзида қалқиб турадиган, сувга чўкмайдиган ичи бўш пўкакни эслатади.

Олмонлар маълум маънода жиддийликни, маълум маънода фикрнинг юксаклигини, маълум маънода ички оламнинг бойлиги ва тўлақонлилигини талаб қилади, мана шунинг учун ҳам Шиллерни қаттиқ қадрлашади. Мен Платеннинг беназир сифатларига зинҳор шубҳа билан қарамайман, эҳтимол, у санъат моҳиятини тўғри англаб етмагани учун буларни юзага чиқаролмагандир. У билимдон, ақлли, сўзга чечан, асарлари бадий жихатдан етук, аммо биз, олмонлар учун буларнинг ўзигина етарли эмас.

Умуман олганда, китобхон учун ёзувчининг истеъдодию маҳоратидан кўра унинг шахсий хусусиятлари кўпроқ аҳамият касб этади. Наполеон Корнель¹ ҳақида: «У ҳаёт бўлганида мен уни шахзода қилган бўлардим!» деган эди. Ва уни ўқимасди. Расин²ни ўқирди-ю, лекин у ҳақда бир нарса демаган. Лафонтен³ни французлар поэтик хизматлари учун эмас, балки асарларида яққол намоён бўлиб турган шахсиятининг улуғворлиги учун юксак қадрлашади.

Гап «Хамроз диллар» романига кўчди, Гёте менга, бу ерга йўлакай кўниб ўтган, Англияга боргач, хотини билан ажрашишга қарор қилган инглиз ҳақида сўзлаб берди. Гёте бундай аҳмоқлик устидан кулди ва бир неча ажрашган жуфтлар кейин ҳам бир-бирларидан воз кечолмай юрганларини мисол қилиб келтирди.

— Дрезденлик марҳум Райнхард⁴, — деди у, — бошқа масалаларда жуда эркин фикрда бўлсам-да, никоҳга нисбатан бунчалик қаттиққўл эканлигимдан ҳайрон бўларди.

Гётенинг бу сўзлари мени тамоман лол қолдирди, чунки уларда кўпинча нотўғри талқин қилинадиган ўша романида аслини олганда нима демоқчи эканлиги аниқ-равшан кўриниб турарди.

¹ Корнель Пьер (1606 - 1684) француз драматурги.

² Расин Жан Батист (1639 - 1699) француз драматурги.

³ Лафонтен Жан де (1621 - 1695) — француз ёзувчиси, масалчи.

⁴ Райнхард Франс Фолькмар (1753 - 1812) — сарой бош рухонийси.

Кейин Тик ҳақида, унинг Гётега муносабати ҳақида сўзлашдик.

— Менинг Тикка муносабатим самимий, — деди Гёте. — Умуман олганда, у ҳам мен ҳақимда яхши фикрда. Бирок унинг менга муносабатида нимадир борки, шу нарса бўлмаса яхши бўларди. Бунда мен ҳам, у ҳам айбдор эмасмиз, бунинг сабаблари бошқа жойда.

Шлегеллар машҳур бўла бошлаганларида, мен улардан кўра баландроқ эдим, кучларни тенглаштириш мақсадида улар менга рақиб бўлиши мумкин бўлган истеъдодни қидиришга тушишди. Улар учун шундай истеъдод эгаси Тик бўлиб чиқди, уни китобхон кўзи олдида мендан кўра юқорироқ қилиб кўрсатиш учун унга ўзида йўқ хислатларни ёпиштира бошлашди. Шу нарса бизнинг муносабатларимизга путур етказди, шу сабабли Тик, ўзи фаҳмламаган ҳолда, менинг олдимда ўзини бошқача тута бошлади.

Тик юксак истеъдод эгаси, унинг мислсиз хизматларига мендан бошқа ҳеч ким тўғри баҳо беролмайди, бироқ уни ўз-ўзидан ҳам юқори қўйиш ва менга тенглаштиришга интилиш — бу бориб турган хато нуқтаи назар. Оқиқ-ойдин айтавераман, бу менга боғлиқ эмас, мен шундоқ қилиб ўзимни ўзим яратганим йўқ. Бордию мен ўзимни Шекспирга тенглаштиришга уринсам ҳам худди шундай ҳолат юз берган бўларди, ахир у ҳам ўзини ўзи шундоқ қилиб яратмаган, у мендан юқори турадиган шахс, мен унга пастдан туриб қарайман ва беҳад қадрлайман.

Бу кеча Гёте одатдан ташқари тетик, қувноқ, жўшқин эди. У босилиб чиқмаган шеърларининг қўлёмасини олиб келдида, улардан менга ўқиб берди. Уни тинглаш кишига беқиёс ҳузур бағишларди, нафақат унинг шеърларидаги ўзига хос салобат ва тиниклик қалбимни беҳад ҳаяжонга солар, балки уларни ўқиркан, Гёте менга шу пайтгача маълум бўлмаган фавқулодда бир сеҳрли жиҳати билан намоён бўлди. Овозидаги қудрат ва оҳанглар жилосини айтмайсизми! Ажинлар қоплаган юзидаги ҳаёт ёлкени ва ифодалиликни айтмайсизми! Кўзларини айтмайсизми!

1824 йилнинг 14 апрели, чоршанба

Соат бирда Гёте билан извошда айланишга кетдик. Хилмахил ёзувчиларнинг услуби ҳақида сўз борди.

— Олмонларга, — деди Гёте, — аслида фалсафий лўттибозлик халақит беради, уларнинг услубини бемаъни, беқарор,

тарқоқ ва ноаниқ қилиб қўяди. Улар бирон-бир фалсафий мактабга қанчалик яқин бўлишса, шунчалик ёмонроқ ёзишади. Амалиётга яқин бўлган, ишбилармон ва ҳаётни яхши биладиган немисларгина ҳаммадан яхши ёзишади. Мана, масалан, Шиллернинг услуби ғоятда зўр ва таъсирчан, у фалсафа сотмайди, мен бугун унинг ўта сермазмун хатларини ўқиб ўтириб бунга амин бўлдим.

Шунингдек, немис аёл қаламкашлари орасида ҳам ўта истеъдодлилари учрайди. Улар ажойиб услубда ёзишади, ҳатто тан олинган ёзувчиларни ҳам бу йўлда ортда қолдиришади.

Инглизлар тўғма нотиклар ҳамда бутун ҳаёти амалиётга йўналтирилган одамлар сифатида, одатда, яхши ёзишади.

Французлар эса, ҳатто услубда ўз миллийликларига содиқ қолишади. Улар киришувчан халқ, ўзлари мурожаат қиладиган одамларни безътибор қолдиришмайди, ўқувчиларни ишонтириш ҳамда уларга ёқиш учун аниқ ва гўзал ёзишга ҳаракат қилишади.

Умуман олганда, ёзувчининг услуби унинг ички дунёсининг ишончли кўринишидир, ёрқин услубда ёзишни истаган кишининг аввало қалби ёрқин бўлсин, бордию, у улғуввор услубда ёзмокчи бўлса, энг аввало қалбида ўша улғувворлик бўлсин.

Сўнгра Гёте ўз рақиблари ҳақида сўз очиб, бу тахлит кимсалар ҳеч йўқолмайди, дея қўшиб қўйди.

— Улар сон-саноксиз, — деди у, — бироқ уларни унчамунча тасниф қилса бўлади.

Аввало бефаросатлик бўйича рақибларимни айтиб ўтай, бундайлар мени ҳеч қачон тушунишмаган, мени билмай туриб ҳар тарафлама роса савалашган. Уларнинг сони анчагина бор, улар бир умр менинг асабимни эзгилашган, майли, уларни кечирамиз, ахир улар нима қилаётганларини ўзлари англаб етишмаган.

Иккинчи катта бир тўдани ҳасадгўйлар ташкил этади. Улар менинг бахтимни ва ўз истеъдодим билан эришган мавқеимни кўролмайдилар. Менинг шон-шухратимни емиришга уринадилар, иложини топишса мени йўқ қилиб ҳам юборишарди. Бордию мен бахтсиз, камбағал бўлиб қолсайдим, улар захарлашни бас қилишарди.

Булардан кейин тагин бир тўдаси бор, улар ўз омадсизликлари туфайли менга рақиб бўлиб қолишган. Уларнинг орасида ҳам иқтидорлилари йўқ эмас, аммо менинг уларга соя ташлашимни ҳечам кечиргилари келмайди.

Тўртинчи гурухни айрим сабабларга кўра менга рақиб бўлганлар ташкил этади. Мен ҳам одамман, инсонларга хос хатоликлару адашишлардан холи эмасман, шу боисдан, шубҳасиз, менинг ёзганларим ҳам булардан холи эмас. Мен ўз билимимни ошириш учун жиддий ҳаракат қилдим, ўз дунёқарашимни шакллантириш устида тинмай ишладим, тўхтовсиз олдинга интилдим, бироқ, шундай бўлдики, улар мен бир вақтлар йўл қўйган хатоларимни рўқач қилишиб, мени танқид остига олишди. Бу яхши кишиларга мени яраш насиб этмади, мен улардан анчагина илгарилаб кетганимда орқамдан ўк узишди. Тўғриси айтсам, тугалланган асар мени кам ташвишга солади, у билан ортиқ шуғулланмайман ва янги асар устида ўйлай бошлайман.

Навбатдаги йирик тўда дунёқарашимиз ва фикрлаш тарзимиз тўғри келмаслигидан менинг рақибларимга айланишган. Дарахтда иккита бир хил барг топилмайди, деганларидек, одамлар орасида ҳам дунёқарашини тенг бўлган иккита одамни топиш мумкин эмас. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, мен рақибларимнинг кўплигига эмас, балки дўстларим ва издошларим сонининг ортиқлигига ҳайрон қолишим керак. Бутун вақтим менга бўйсунмай қўйди, у тамоман субъектив йўналишга тушиб олди, мен эса ўз объектив интилишларим билан зарар кўриб, ёлғиз қолавердим.

Шиллер бу маънода менга нисбатан катта афзалликларга эга эди. Бир оқ кўнгил генерал, бир сафар менга, Шиллердан ўртак олишим кераклигини гап орасида эслатиб қўйган эди. Мен унга Шиллернинг хизматларини муфассал тушунтирган эдим, зеро, мен буларни ундан кўра яхшироқ билардим. Ўзим бўлсам, муваффақият ҳақида ҳеч бир қайғурмасдан ўз йўлимда жимгина давом этавердим, рақибларимни иложи борида сезмасликка уриндим.

Биз қайтиб кетдик, тушлик ғоятда жонли ўтди. Фон Гёте хоним Берлин ҳақида кўп нарсаларни айтиб берди, у уёқдан яқинда келган эди, айниқса унга дўстона муносабатда бўлган Кумберланд ҳерцогиняси¹ ҳақида анчагина илиқ сўзлар айтди. Ўз навбатида, Гёте ҳам бир вақтлар онасиникида бир муддат ёш малика пайтида яшаган ҳерцогиняни илиқ хотирлади.

Кечқурун Гётеникида маза қилиб гаройиб мусиқа тингладим, бир неча мохир қўшиқчилар Эбервайн раҳбарлиги

¹ Кумберланд ҳерцогиняси — Фридерика (1778—1841 ёки 1848) — Пруссия императори Луизанинг синглиси.

остида Хендел¹нинг «Мессия»сидан парчалар ижро этишди. Уларга графиня Каролина фон Эглофштайн², фройлайн Фрориеп³, шунингдек, фон Погвиш⁴ хоним, фон Гёте хоним⁵лар ҳам кўшилишди ва бу билан Гётенинг кўпдан бери кўнглига туккан орзуси ушалишига йўл очишди.

Бир чеккада ўтирган Гётенинг бутун вужуди кулоққа айланган, фаройиб асардан ҳайратга тушганча бахтли дамларни бошдан кечирарди.

1824 йилнинг 19 апрели, душанба

Замонамизнинг буюк филологи, берлинлик Фридрих Август Вольф жанубий Францияга ўтиб кетаётиб бугун бу ерда тўхтаган. Бугун тушда Гёте унинг шарафига зиёфат берди, унда мендан ташқари, ваймарлик дўстлардан генерал-суперинтендант Рёр⁶, канцлер фон Мюллер, бош меъмор Кудрэ, профессор Ример ва сарой маслаҳатчиси Ребайн иштирок этишди. Тушлик беҳад кувноқ ўтди. Вольф ўткир хазил-хузуллари билан ҳаммани кулдириб ўтирди, ғоят хуш кайфиятда ўтирган Гёте унга муносиб жавоблар қайтарди.

— Мен Вольф билан бошқача муомала қилолмайман, — деди Гёте менга кейинроқ, — мудом Мефистофель⁷ ролини ўйнашим керак. Акс ҳолда унинг ичидаги доно фикрларини суғуриб ололмайсан.

Стол атрофидаги ўткир хазиллар айни сонияларнинг меваси бўлиб, уларни хотирада ушлаб қолиш қийин эди. Вольф нишонга бориб тегадиган доно жавоблар ва ибораларга устаси фаранг эди, аммо, менинг назаримда, Гёте ундан ҳам ўтарди.

¹ *Хендел Георг Фридрих (1744–1803)* — олмон композитори ва органчиси. «Мессия» унинг ораторияси.

² *Эглофштайн Каролина фон, графиня (1789–1868)* — Юлия Эглофштайннинг онаси. *Эглофштайн Юлия фон, графиня (1792–1869)* — расом, Гётенинг дўсти.

³ *Фрориеп Эмма, фройлайн* — тиббиёт масалалари бўйича катта маслаҳатчи Людвиг Фридрих Фрориеп (1779–1847)нинг кизи.

⁴ *Фон Погвиш хоним* — Погвиш Генриетта Оттилия Ульрика (1776–1851) — Гётенинг келини Оттилиянинг онаси.

⁵ *Фон Гёте хоним* — Гётенинг келини Гёте Оттилия Вильгельмина Эрнестина Генриетта, асли Погвиш (1796–1872).

⁶ *Рёр Йоҳанн Фридрих (1777–1848)* — Ваймар бош-суперинтенденти (*Интендент* — армияда моддий таъминот хизматини бажарувчи ҳарбий ходим).

⁷ *Мефистофель* — Гётенинг «Фауст» фожиасидаги қаҳрамонлардан бири.

Овқат маҳали кўз очиб юмгунча ўтиб кетди, ана-мана дегунча соат олтига ҳам занг урди. Мен ёш Гёте билан театрга кетдим, «Сехрли сибизга» кўйилаётганди. Бироздан сўнг ложада Буюк херцог Карл Август¹ билан ўтирган Вольфга кўзим тушди.

Вольф Ваймарда 25 апрелгача бўлди ва Францияга жўнаб кетди. Унинг саломатлигидан Гёте жиддий хавфсираётганини яширмади.

1824 йилнинг 2 майи, якшанба

Мен Ваймардаги обрўли бир оилани зиёрат қилмаганим учун Гёте менга таъна қилди.

— Сиз, — деди у, — киш бўйи у ерда бир қанча ёқимли кечаларни ўтказган ҳамда кўплаб машҳур меҳмонлар билан танишган бўлардингиз, худо билади, қайси бир инжиқлигингиз боис булардан махрум бўлдингиз.

— Табиатимдаги таъсирчанлик ва ҳамма нарсага қизиқа-верадиган хусусиятим, — жавоб бердим мен, — бундан ташқари, бировларнинг ички ҳаётини билиб олишга интилишим оқибатида мен учун янги-янги таассуротлардан ҳам ортиқ зарар ва оғир юк бўлмаслиги мумкин. Мен олий давралар учун тарбияланмаганман ва у ерда эркин бўлолмайман. Мен шундай шароитда улғайганманки, назаримда яқиндан бери, Сизнинг ёнингизга келганимдан буён яшашни бошлагандекман. Ҳамма нарса менга янги туюлади. Театрга ҳар бир боришим, Сиз билан бўлган ҳар бир суҳбат менинг руҳимда бутун бир даврни яратади. Бошқача тарбия топган, бошқача ҳаётга ўрганган одамлар безътибор ўтиб кетадиган нарсалар менга бекиёс даражада қаттиқ таъсир этади, мендаги билим олишга бўлган чанқоқлик кучли бўлгани сабабли қалбим ҳамма нарсани чексиз қувват билан қабул қилади, имкони борича бундан кўпроқ озиқ олишга интилади. Менинг шундай руҳий ҳолатимда бутун киш давомида театрга борганим ва Сиз билан мулоқотда бўлганимнинг ўзи менга етиб ортади, янги танишлар орттириш, бошқа нарсаларга диққатимни қаратиш мен учун зарар, деб ҳисоблайман.

— Ғалати одамсиз-да, — деди Гёте кулиб, — майли, нима хоҳласангиз, шуни қилинг, Сизни безовта қилмайман.

— Бундан ташқари, — дедим мен, — одатда давраларга ўзимнинг ёқтириш ва ёқтирмаслик туйғуларим билан, бошқаларни севиш ва севилиш истаги билан кириб бораман.

¹ Карл Август (1757–1828) — Саксен-Ваймарнинг Буюк херцоги.

Мен ўз табиатимга мос келадиган кимсани қидираман, бундай одамга жонимни берган, бошқа ҳаммани ёдимдан чиқарган бўлардим.

— Сиздаги бу хусусият, — жавоб берди Гёте, — одам-овиликдан бошқа нарса эмас, агар биз ўзимиздаги туғма хислатларни енга олмасак, унда бутун олган билимимиз қаёққа боради. Одамларнинг сенга мослашишларини талаб қилиш бориб турган аҳмоқлик. Мен ҳеч қачон бундай қилмаганман. Мен ҳаммаша одамга мустақил шахс сифатида қараганман, уни ўрганишга, қандай бўлса, шундайлигича билишга ҳаракат қилганман, бунда у мени ёқтиришини талаб қилмаганман. Шу тариқа мен ҳар қандай одам билан муомала қилишни ўргандим, худди шу йўл билан хилма-хил характерларни ўрганиш ҳамда маълум ҳаётий кўникмаларни ҳосил қилиш мумкин. Зотан айни ўша бизга табиатан зид бўлган одамлар бизни улар билан муомала қилишга чорлантиради, шу йўл билан ички дунёмизнинг турли томонларига таъсир кўрсатади, уларни ривожлантиради ва мукамаллаштиради, натижада биз ҳар қандай характерли киши билан тил топишадиган бўламиз. Сизга ҳам шундай қилишни маслаҳат бераман. Бунинг учун Сизда ўзингиз ўйлагандан ҳам ортиқроқ қобилият нишоналари бор, бироқ бугина етарли эмас, Сиз катта одамга чиққингиз лозим, кўнглингиз тусаганча бунга интилаверинг.

Бундай фойдали сўзларни кўнглимга тутиб олдим ва иложи борича уларга риоя қилишга қарор қилдим.

Кечқурун Гёте мени извошда айланиб келиш учун чакиртирди. Йўлимиз Оберваймар орқали, ғарб томонидан парк кўришиб турган тепаликлар бўйлаб борарди. Мевали дарахтлар гуллаган, қайинлар барг ёзган, яшил гилам билан қопланган майсазорлар бўйлаб ботиб бораётган қуёш нурлари жилваланарди, биз энг кўркем дарахтзорларни қидириб топардик ва улардан кўзимизни узолмасдик. Оқ гуллаган дарахтларни чизиб бўлмайди, деган хулосага келдик, негаки улардан сураат чиқмайди, шунингдек, барг ёзган қайинни ҳам картинанинг олд қисмида тасвир этиб бўлмайди, бунда рангсиз барг оқ тана билан уйғунлик касб этолмайди, картина нур ва соянинг кучли жилваларини бўрттириб кўрсатадиган йирик қисмларга бўлина олмайди.

— Рюисдал¹, — деди Гёте, — шу боисдан ҳеч қачон барг ёзган қайинни олдинги қисмда чизмаган, балки унинг

¹ Рюисдал Якоб ван (1628—1682) — нидерланд рассоми.

барглардан холи курук танасини берган. Бундай тана олдинги қисмга жуда тўғри келган, очик рангда, типпа-тик бўлиб кўзга яққол ташланиб турган.

Шундан сўнг айрим мавзулар ҳақида бир-икки оғиз сўзлашгач, нотўғри йўналишдаги баъзи рассомларга кўчдик, бундайлар динни санъатга айлантиришга интиладилар, ҳолбуки улар учун санъат дин бўлиши керак эди.

— Дин билан санъат ўртасидаги нисбат, — деди Гёте, — бошқа ҳар қандай ҳаётий қизиқиш ўртасидаги нисбатга ўхшайди. Ҳаёт санъатни қандай материал билан таъмин этса, динни ҳам худди шу билан тенг ҳуқуқдаги материал деб қарамоқ керак. Ишонч ва ишончсизликни ҳеч қачон санъат асарининг сезги органлари деб ҳисобламаслик зарур, бизнингча, бунинг учун бутунлай бошқа инсоний қувват ва қобилият керак бўлар. Лекин биз санъатни қайси аъзоларимиз билан ҳис этсак, у ўша аъзолар учун хизмат қилмоғи лозим, бордию у бундай қилмаса, ўз мақсадига эришолмайди ва бизга ҳеч бир таъсир кўрсатмай ёнимиздан ўтиб кетаверади. Диний мотив ҳам, агар у умуминсоний бўлса, санъат учун яхши мавзу бўла олади. Шунинг учун ҳам бола ушлаган Биби Марям сурати қанчалик кўп марта ишланган бўлмасин, эскирмас мавзу ва биз уни ҳамиша бажонидил томоша қиламиз.

Бу орада биз кичик ўрмонни айланиб ўтиб, Тифурт яқинида Ваймар томонга бурилдик ва ботаётган қуёшга қараб кетдик. Гёте бир зум хаёлга чўмди-да, кейин менга юзланиб антик шоирнинг бир мисра шеърини ўқиди:

Ҳатто ботаётганда ҳам худди ўша қуёш.

— Одам етмиш беш ёшда бўлса, — деди у тўсатдан жўшқин оҳангда, — вақти-вақти билан ўлим ҳақида ўйламай туролмайди. Бундай ўй мени ҳечам ташвишга солмайди, негаки бизнинг руҳимиз йўқ бўлиб кетмаслигига имоним комил, у азал-абад барҳаёт бўлиб қолаверади. У баайни, бизнинг кўзимизга ботгандек кўринадиган, бироқ ҳеч қачон ботмайдиган, мудом нур сочиб тураверадиган қуёшга ўхшайди.

Бу пайт қуёш Эттерсбург тоғлари ортига яширинди, ўрмончадан келаётган кечки салқинликни ҳис этдик ва Ваймар томон елиб кетдик, келиб унинг уйи олдида тўхтадик. Гёте мендан бироз ёнида бўлишимни илтимос қилди, мен рози бўлиб юқорига чиқдим. У роятда меҳрибон, хушнуд кўринарди. У ўзининг «Ранглар ҳақидаги таълимот»идан,

ашадий рақибларидан сўз очди, тагин, ушбу фанга унча-мунча ҳисса кўшганимга имоним комил, дея кўшиб кўйди.

— Дунёда из қолдирмоқ учун, — деди у шу муносабат билан, — маълумки, икки нарса зарур: биринчидан, буюк ақл эгаси бўлмоқ, иккинчидан, улуғ мерос олмоқ керак. Наполеон француз инқилобини, Буюк Фридрих Силезия урушини, Лютер¹ попларнинг жаҳолатпарастлигини мерос қилиб олишган бўлса, менга Ньютон² таълимотидаги хато мерос бўлиб қолди. Ҳозирги авлод менинг бу соҳада қандай хизматим борлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас, келгуси даврлар эса, менга ёмон нарса мерос бўлиб қолмаганини тан олиши лозим.

Бугун эрталаб Гёте менга театрга тегишли бўлган бир гала қоғозларни жўнатипти, буларнинг ичида энг аҳамиятлиси Вольф билан Грюнерни энг зўр актёрлар даражасига етказишга қаратилган қоида ва йўл-йўриқлар битилган варақлар эди. Бу йўл-йўриқлар менинг диққатимни тортди, уларни ёш актёрлар учун беҳад ибратли деб ҳисобладим, шу боисдан уларни тартибга келтириб, театр низомига ўхшаш нарса тузишга қарор қилдим. Гётега бу фикрим маъқул бўлди ва икковимиз бунни муҳокама қилдик. Шу муносабат билан Гёте мактабидан чиққан айрим машҳур актёрларни эсладик, гап орасида мен фон Хейгендорф хоним³ ҳақида сўрадим.

— Мен унга маълум даражада таъсир ўтказган бўлишим мумкин, — деди Гёте, — бироқ у менинг шогирдим эмас. У гўё театр сахнасида туғилгандек эди, ҳар жиҳатдан ўзига ишонган, ўрдак сувда қандай сузса, сахнада ўзини шундай эркин тутарди. У менинг кўрсатмаларимга ҳеч бир муҳтожлик сезмаган, ҳамма ҳаракатлари қандай қилиниши керак бўлса, худди шундай ички сезги билан юзага чиқарди.

Биз яна унинг театр етакчиси бўлган йиллари ҳақида ҳам гурунглашдик, у бу йиллар кўп вақтини банд қилганини, ёзувчилик фаолиятидан чалғитганини ҳам қистириб ўтди.

— Гапнинг рости, — деди Гёте, — бу давр мобайнида кўпгина йирик асарлар ёзган бўлардим, шундай бўлса-да, мундоқ ўйлаб кўрсам, пушаймон қилишимга ҳожат йўқ. Ўз ижодим ва хатти-ҳаракатларимга мен ҳамиша рамзий баҳо бериб келганман, аслини олганда, қозон ясадимми ёки товоқми, барибир эмасми.

¹ *Лютер Мартин (1483–1546)* — Германияда диний ислохот ташаббускори.

² *Ньютон Исаак (1642–1727)* — инглиз физиги ва математиги.

³ *Хейгендорф хоним* — Хейгендорф фон (Каролина Ягеман, 1777–1848) — Ваймар театрининг актрисаси.

Айтиб ўтганимдек, ўтган йили ёзда Ваймарга келганимда, бу ерда қолиб кетишни ўйламаган эдим, фақат Гёте билан танишгач, Райн бўйига бориб, бирорта тинч гўшани топиб, бир қанча вақт ўша ерда қолмоқчи эдим.

Аммо Гёте мени ўзига яқин олганлигидан Ваймарда қолиб кетдим, бунинг устига у билан муносабатларим амалий рух касб этиб борарди, у мени ўз қизиқишлари доирасига тортиб, тўла асарлар тўпламини нашрга тайёрлаш бўйича кўплаб муҳим топшириқларга кўмиб ташлади.

Шу киш ичи мен аралаш-қуралаш бўлиб ётган қоғозлар ичидан «Эпиграммалар»¹ни ажратиб олдим, янги шеърлар тўпламини, юқорида эслатилган театр низомини ҳамда турли санъатлардаги дилетантизмга бағишланган чизгиларни таҳрир қилдим.

Райнни кўриш истаги кўнглимдан ҳеч нари кетмасди, амалга ошмаган орзунинг юрагимга санчилиб турган тиконидан мени халос этиш учун Гёте ёзнинг бир неча ойини Райн бўйларида ўтказишимни маслаҳат берди.

Бироқ менинг яна Ваймарга қайтиб келишимни жуда-жуда истагини қатъий оҳангда кўшиб қўйди. Эндигина йўлга қўйилган муносабатларни узиб қўйиш яхши эмас, ҳаётда куртак ёзиши лозим бўлган нарсаларга янаям имкон яратмоқ лозим, деди у. Шу билан бирга, Ример икковимизнинг вазифамиз унинг асарларини нашрга тайёрлашдангина иборат эмаслигини, балки унинг ёши ўтиб қолганлиги боис, мабодо у дунёдан ўтса, бу ишни биргаликда давом эттиришимиз лозимлигини ҳам очик-ойдин билдирди.

Бугун эрталаб у менга бир кучоқ хатларни тутқазиб, уларни «бюстлар хонаси»га ёйиб қўйишимни буюрди.

— Булар, — деди у, — 1780 йилдан бери миллатимизнинг энг таниқли кишиларидан келган хатлар, уларда олтинга тенг фикрлар жамланган, келажакда уларни нашр эттириш вазифасини Сизга топшираман. Энди бир жавон буюртираман, унда бошқа адабий меросим билан бирга шу хатлар ҳам сақланади. Жўнаб кетгунингизга қадар уларни тартиблаб, жойлаштиришингиз керак, токи мен битта ташвишдан қутулиб хотиржам бўлай.

Шундан сўнг у ёзда Мариенбадга кетмоқчи эканлигини, июль охирида жўнамоқчилигини маълум қилди ва сафарининг

¹ «Эпиграммалар» — Гёте ва Шиллер биргаликда ёзган «Қисқа ксенялар» («Zahme Xenien»).

сабаблари ҳақида менга ишониб дил ёрди. У жўнаб кетгунича менинг қайтиб келишим лозимлигини, ҳали мен билан гаплашадиган гаплари кўплигини ҳам изҳор қилди.

Шундай қилиб, бир неча ҳафта ўтгач, мен Ҳанновердаги яқинларимни бориб кўрдим, кейин июнь, июль ойлари давомида Райн бўйларида бўлиб, хусусан, Франкфурт, Ҳайделберг ва Боннда, Гётенинг дўстлари орасидан жуда яхши танишлар орттирдим.

1824 йилнинг 10 августи, сешанба

Бир ҳафтача бўлди, Райн бўйларига қилган саёҳатимдан қайтиб келдим. Гёте келганимдан беҳад хурсандлигини изҳор қилди, мен ҳам, ўз навбатида, унинг хузурида эканлигимдан кам суюнмадим. Унинг менга айтадиган гаплари, хабарлари жуда кўп эди, шу сабабли дастлабки кунлар унинг ёнидан деярли жилмадим. У Мариенбадга сафар қилиш режасидан қайтди ва ёз бўйи ҳеч қаёққа кетмасликка қарор қилди.

— Ана энди Сиз қайтиб келганингиз туфайли, — деди у кеча, — августда ишларимиз унумли бўлади.

Уч-тўрт кун олдин у менга бармоқ калинлигидаги дафтарнинг тўртдан бир қисмига ёзилган «Шеърят ва ҳақиқат» китоби давомининг хомаки лойихасини берди. Айрим фикрлар ниҳоясига етган, аммо кўплари ҳали пишиб етилмаган чизгилар эди. Шундай бўлса-да, материал беш китобга бўлинган, фикрлар содда тилда баён қилинган варақлар шундай жойлаштирилган эдики, агар диққат билан қараб чиқилса, умумий мазмунни бемалол тасаввур қилса бўларди.

Китоб тугалланган ҳолатда менга шу қадар ажойиб, оддий лойиха эса шу даражада аҳамиятли туюлиб кетдики, ўқувчига қанчалик роҳатбахш этувчи, ибрат бўла олувчи шундай асар ёзилмай тўхтаб қолганлигидан хафа бўлиб кетдим ва шундай асарни давом эттиришга ҳамда ёзиб тугатишга нима бўлсаям Гётени ундаш керак, деган фикрга келдим.

Бу асар яхлит олиб қараганда романга ўхшаб кетади. Бошида беҳад жўшқин, кейин осойишта, сўнгра иккала томоннинг рад этиши билан қайғули якун топадиган, юракни ўртовчи, жозибали ва эҳтиросли севги можаролари тўртала китоб бўйлаб қизил ипдек ўтади ва ўша муносабатлар бир бутунликда намоён бўлади. Майда-чуйда воқеаларгача муфассал тасвирланган жозибали Лили¹ тимсоли ҳар қандай китобхонни

¹ *Лили Шёнеман Анна Элизабет (1758 – 1817) Гёте севган қиз.*

тасвирловчи ошиқдан кам ром этмайди, қиз шу қадар унинг юрагидан урганки, у такроран қочиб кетиш билангина ўзини бу дарддан халос этиши мумкин.

Шоир ҳаётининг бу ерда тилга олинган даври романтика билан йўғрилган ёки бош қахрамон характерининг шаклланиш жараёни кўрсатилган. Шоирнинг бутун келгуси ҳаётини белгилаб берган Ваймар даври арафаси бўлганлиги билан ҳам ўша давр, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Гёте ҳаётининг қайси даври бизда катта қизиқиш уйғотган ва унинг муфассал баёнига эга бўлишни истаган бўлсак, бу айтиш ўша даврдир.

Йиллар давомида қўлга олмай ташлаб қўйган бу асарга Гётени янгидан жалб этиш мақсадида у билан нафақат оғзаки гаплашдим, балки нималар тугалланган-у, қаерларни ўзгартириш ёки ниҳоясига етказиш кераклигини тасаввур қилиши учун бугун унга қўйидаги лойиҳани юбордим.

Биринчи китоб

Дастлабки режага кўра поёнига етган, деб ҳисобласа бўладиган бу китоб ўзига хос муқаддима бўлиб, унда жаҳоний муаммоларни ечишда иштирок этиш истаги баён этилган, Ваймарга келиш орқали унинг амалга ошиши мисолида ўз якунини топади. Агар бу нарса бутун асар мағзига сингиб кетсин, десангиз, менинг назаримда, кейинги тўртта китобда ҳам давом этадиган Лили билан муносабатларни мана шу биринчи китобга ҳам қўшиш ва Оффенбахга жўнаб кетгунгача давом эттириш лозим. Шу йўл билан биринчи китоб ҳажман ҳам, мазмунан ҳам ютган ва иккинчи китобнинг беҳад катталашиб кетишининг олди олинган бўларди.

Иккинчи китоб

Иккинчи китоб Оффенбахдаги осойишта ҳаёт тасвири билан бошланади, унда бахтли севги муносабатлари, ниҳоят, унга ишонч йўқолиб, жиддий, ҳатто ҳалокатли тус олгунига қадар бўлган воқеалар тилга олинади. Бу ерда Штиллинг¹ билан бўлган мулоқотдан келиб чиқиб, ғоятда жиддий нарсалар ҳақида сўз юритиш ҳам ўринли бўларди, бир неча сўзда ифода этилган ғоялардан анча-мунча ибратли ва аҳамиятга молик фикрлар чиқарса бўлади.

¹ *Штиллинг* -- Юнг Ҳайнрихнинг тахаллуси (1740–1817), олмон ёзувчиси.

Учинчи китоб

«Фауст»ни давом эттириш режаси ва шу кабиларни ўз ичига олган учинчи китобни эпизодик деб ҳисоблаш мумкин, унда Лили билан алоқани узиш ҳақида сўз борганлиги бу китобни бошқа китоблар билан мазмунан боғлайди.

«Фауст» режасини бу ерга киритиш ёки уни бутунлай чиқариб ташлаш керакми, деган масала асарнинг айрим тай-ёр қисмларини ўқиб кўргандан кейин ҳал бўлиши мумкин. «Фауст»нинг давом эттирилишига ишонса бўладими ёки йўқми, шундагина аниқ бўлади.

Тўртинчи китоб

Лили билан алоқани узиш воқеаси учинчи китобга якун ясайди. Тўртинчи китобнинг Штольберглар¹ ва Хаугвиц²нинг келишидан бошланиши айтиш мумкин, бу муқаддима ва шу нарса Швейцария сафари ҳамда Лилидан илк бор қочишни асослаб беради. Бу китобнинг мавжуд муфассал схемаси кўплаб қизиқарли воқеалардан дарак беради ва бизда булар батафсил ёритилса эди, деган истак туғилади. Лилига бўлган беҳад эҳтиросли, жиловлаб бўлмас интилиш бу китобни ҳам ёшларга хос қайноқ муҳаббат билан иситиб туради ва саёҳатчининг қалбига алланечук мафтункор, сеҳрли бир нур олиб киради.

Бешинчи китоб

Бу гўзал китоб ҳам деярли поёнига етган. Унинг сўз билан ифодалаб бўлмайдиган қисмат чизиқларини тилга олувчи, очиб беришга интилувчи давоми ва интихосини ҳам якунланган дейиш мумкин, бу ерга фақат кичкина муқаддима қўшса бўлади, бунинг ҳам қисқача баёни келтирилган. Энди буларни муфассал ёритиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади, негаки унда Ваймардаги алоқалар ҳақида биринчи марта сўз юритилаётгани боис, бу нарсаларга илк бора китобхон диққатини тортиш ҳам муҳимдир.

1824 йилнинг 16 августи, душанба

Шу кунларда Гёте билан мулоқотларимиз ғоят сермазмун бўлди, афсуски, бошқа арзимас ишлар билан банд

¹ Штольберглар: Франс Леопольд фон (1750–1819) ва унинг акаси Христиан (1748–1821) – Гётенинг ёшликдаги дўстлари.

² Хаугвиц Хайнрих Кристиан Карл фон, граф (1752–1831) – прусс вазири.

бўлганлигимдан унинг сўзлари ичидан энг муҳимларини ёзиб олиш имконига эга бўлмадим.

Бор-йўғи қуйидаги фикрларни кундалик дафтаримда қайд этдим, холос. Бироқ улар қачон, қандай муносабат билан ай-тилгани ҳам ёдимда йўқ.

«Одамлар бир-бирларига урилиб сузиб юрган хурмачаларга ўхшайди».

«Эрталаблари биз жуда ақлли, шу билан бирга, жуда серташвиш бўламиз, серташвишлилик ҳам ақллилик белгиси, фақат бироз сустрок; аҳмоқларда эса ташвиш бўлмайди».

«Ёшлиқдаги хатоларни кексалик даврига олиб ўтмаслик керак, кексаликнинг ўз нуқсонлари мавжуд».

«Сарой ҳаёти мусиқачиларга ўхшайди, унда ҳар бир чолғучи ўзига тегишли такт ва паузаларга риоя қилмоғи керак».

«Агар сарой аҳли ўз вақтини турли-туман маросимлар билан ўтказмаса эди, зерикишдан ёрилиб ўларди».

«Хукмдорга ҳатто энг арзимас ишдан ҳам қўл тортишга маслаҳат бермаслик лозим».

«Актёр етиштиришни истаган одам мислсиз сабр-тоқатга эга бўлмоғи керак».

1824 йилнинг 9 ноябри, сешанба

Кечкурун Гётеникида бўлдим. Биз Клопшток ва Ҳердер ҳақида гурунглашдик, бу улуғ инсонларнинг хизматлари ҳақидаги гапларини жон қулоғим билан тингладим.

— Бизнинг адабиётимиз, — деди у, — мана шундай салафларсиз ҳозирги мавқеига эга бўлолмаган бўларди. Улар ўз ижодлари билан вақтдан ўзиб, айтиш мумкинки, уни ўз ортларидан етаклаб кетишди. Энди бўлса, вақт улардан илгарилаб кетди, бир пайтлар беҳад зарур ва муҳим бўлган бу зотлар эса эски ва янги адабиёт ўртасидаги воситачи бўлолмай қолишди. Ўз маданиятини Клопшток ва Ҳердер ижодига қараб белгилашга интилганида эди, бугунги ёш қаламкаш анчагина орқада қолган бўларди.

Кейин Клопштокнинг «Мессия»¹си ҳамда «Қасидалар»и ҳақида, улардаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гаплашдик, шунингдек, Клопшток руҳий оламни кашф этиш, қабул қилиш

¹ «Мессия» — олмон шоири Клопштокнинг диний руҳдаги 20 кўшиқдан иборат эпик асари, 1748 йилда босилиб чиққан. «Қасидалар»и 1771 йилда чоп этилган.

ва бадий тасвир этиш борасида бирон-бир услуб ва йўлга эга эмаслиги, шу сабабли унга эпик ва драматик шоирга, айтиш мумкинки, умуман шоирга хос бўлган муҳим хислатлар хос эмаслиги масаласида фикримиз бир жойдан чиқди.

— Унинг бир қасидаси ёдимга тушиб қолди, — деди Гёте, — унда шоир немис илҳом парисини инглиз илҳом париси билан кимўзарга югуртиради, иккала қизнинг оёқларини ирғитиб, чанг кўтариб югуришлари манзарасини бир кўз олдингизга келтириб кўринг, шунда беихтиёр, бечора Клопшток бу манзарани кўз олдига келтирмаган ва тасаввур қилиб кўрмаган бўлса керак, акс ҳолда бундай ҳолат юз бермаган бўларди, деган хулосага келади-да киши.

Мен Гётедан, ёшлик пайтлари Клопштокка қандай муносабатда бўлганини, уни қанчалик қадрлаганини сўрадим.

Кексаларни қандай ҳурмат қилсам, уни ҳам шундай эъзозлардим, уни худди бобомдек кўрардим. У нима қилса, барчасига ҳурмат-эҳтиром билан қарардим, унинг ёзганларидан бирон-бир камчилик излаш хаёлимга ҳам келмасди. Унинг барча яхши жиҳатларини ўзимга қабул қилдим, умуман олганда эса, ўз йўлимдан бордим.

Кейин суҳбат мавзуимиз тагин Хердерга қайтди. Гётедан, Хердер асарларидан қайси бири Сизга жуда ёқади, деб сўрадим.

— «Инсоният тарихи ҳақида ўйлар»¹ асари, — жавоб берди Гёте, — шубҳасиз, энг зўри. Кейинчалик у салбий томонга бурилиб кетди, аниқки, бу ҳеч кимга ёқмади.

— Хердернинг буюклигини инкор этмаган ҳолда, — сўзни давом эттирдим мен, — айрим масалаларда фикри бўш эканлигини ҳазм қилолмайман. Мисол учун, олмон адабиётининг ўша пайтдаги аҳволини билиб туриб ҳам «Гец фон Берлихинген» ҳақида бирорта илиқ сўз айтмасдан, кўлёмани захарли танбеҳлар билан қайтарганини ҳеч кечиролмайман. Афтидан, унинг қайси бир сезги органида камчилик бўлган эди.

— Ҳа, бу масалада Хердер қаттиққўл эди, — жавоб берди Гёте, — бордию ҳозир унинг руҳи шу ерда бўлса ҳам, — тўлқинланиб кўшиб кўйди у, — у бизни тушунмаган бўларди.

— Аксинча, Марқдан жуда хурсандман, — дедим мен, — «Гец»ни нашр эттиришга Сизни ўша ундади-да.

— Ростдан ҳам у тенги йўқ ажойиб инсон эди, — жавоб қайтарди Гёте, — «Шу нарсангни чоп эттир», деди у, «бу ўзи бир чақага арзимайдиган нарса-ю, ҳар қалай, сен уни чоп

¹ Хердернинг «Инсоният тарихи ҳақида ўйлар» асари 1784–1788 йилларда Гётенинг иштирокида ёзилган.

эттир». У «Гец»ни қайта ишлашимни истамаганди, бунда у ҳақ эди, у ўзгарарди-ю, лекин яхшиланмасди.

1824 йилнинг 24 ноябри, чоршанба

Кечқурун театрга кетиш олдидан Гётеникига кирдим, уни кувноқ, кўтаринки кайфиятда учратдим. У Ваймарда тўхтаган инглизлар ҳақида сўради, мен унга жаноб Дулэн¹ билан Плутарх²нинг немисча таржимасини ўқимоқчи эканлигимни айтдим. Буни эслатиш суҳбат йўсинини Рим ва юнон тарихига бурди, Гёте бу ҳақда мана нималарни сўзлади:

— Рим тарихи, — деди у, — энди бизнинг давримизга тўғри келмайди. Биз шу қадар инсонпарвар бўлиб кетдикки, Цезар³нинг зафарли юришлари энди кўнглимизга урган. Юнон тарихи ҳам бундан кам эмас. Халқ ташқи душманга қарши урушса, бу улуғ ва адолатли иш, аммо давлатнинг майда-майда давлатчаларга бўлиниб кетиб, ўзаро ички тўқнашувлари, бир юноннинг бошқа бир юртдошига қурол кўтариши — бу энди чидаб бўлмас ҳолат. Шунга қиёслаганда бугунги тарихимиз ғоятда буюк ва диққатга сазовор, Лайпсиг ва Ватерлоо ёнидаги жанглар шу даражада зўр бўлдики, анави Марафон жанги ва бошқалари унинг соясида қолиб кетади. Бизнинг айрим қаҳрамонларимиз ҳам улардан кам эмас: француз маршалларидан Блюхер, Валлингтонларни ўша қадимги қаҳрамонлар билан бир қаторга қўйса бўлади.

Гурунг мавзуси ҳозирги замон француз адабиётига, французларнинг олмон тилидаги асарларга бўлган кундан-кунга ўсиб бораётган қизиқишларига кўчди.

— Французларнинг биздаги ёзувчиларни ўқиб, таржима қила бошлаганлари, — деди Гёте, — жуда тўғри иш бўлди, уларнинг адабиёти шаклан ҳам, мавзу жихатдан ҳам чегараланган, демак, уларга бу нарсаларни четдан излашдан ўзга йўл қолмайди. Биз, немисларни шаклсизликда айблашса айблашар, бироқ биз мазмунан улардан юқори турамизку. Коцебу билан Иффланднинг пьесалари хилма-хил сюжетларга шу қадар бойки, французлар буларни таг-тубигача ялаб-юлқишади. Айниқса, уларга биздаги фалсафий идеализм маъкул келади, негаки ҳар қандай идеал инқилобий мақсадлар учун хизмат қилади.

¹ Дулэн Роберт — инглиз, Эккерманнинг дўсти.

² Плутарх (45–127) — юнон ёзувчиси ва тарихчиси.

³ Цезарь Гай Юлий (мил.авв. 102 ёки 100–44 йй.) — Рим императори, буюк лашкарбоши.

— Французлар, — сўзида давом этди Гёте, — етарли ақл-фаросатга эга, аммо уларда асос кучсиз, хурмат-эҳтиромни билишмайди. Уларга бугун керак бўладиган, ўз қарашларига мос келган нарсани қабул қилишади. Улар бизнинг хизматларимизни эътироф этганлари учун эмас, балки биздаги қарашлар ўзларига айнан қўл келгани учун бизни мақташади.

Шундан сўнг биз ўз адабиётимиз, ҳозирги замон ёш шоирларининг ўсишига халақит бераётган нарсалар ҳақида гурунглашиб ўтирдик.

— Бу ёш шоирлардаги асосий камчилик шундаки, — деди Гёте, — ўзларидаги субъективизм чегарасидан чиқолмай, мавжуд воқеликдан тегишлича мавзу тополмай қолишган. Улар ўз субъектив нуқтаи назарларига тўғри келадиган мавзунини танлайверадилар, гарчи мавзу субъектив жиҳатдан уларнинг қарашларига зид бўлса-да, фақат унинг ўзи учун, яъни шеърини асарга жуда мос келгани учун унга қўл уришлари ҳақида ўйламаса ҳам бўлаверади.

Айтиб ўтганимдек, агар улар ўз устларида жиддий ишлаб, билим ва ҳаётий тажрибаларини ошириб боришганда эди, айниқса, ёш лирик шоирларимиз бирмунча яхши асарлар яратишган бўларди.

1824 йилнинг 3 декабри, жума

Яқинда мен бир инглиз журналидан анча фойдали шартлар билан, ҳар ойда немис адабиётидаги энг сўнгги асарлар ҳақида маълумотлар юбориб туриш тўғрисида таклиф олдим. Бу таклифни жон-жон деб қабул қилгим келди-ю, лекин аввал бу ҳақда Гёте билан маслаҳатлашиб олишни маъқул кўрдим.

Шунинг учун кечқурун фонарлар ёқиладиган пайтда унинг ҳузурига бордим. У чий пардалари тушириб қўйилган хонада овқат столи олдида ўтирарди, стол устида ёниб турган иккита шам Гётенинг юзини ва олдидаги улкан бюстни ёритиб турар, у ўшани кузатиб ўтирарди.

— Хўш, айтинг-чи, бу ким? — деди Гёте мен билан илиқ саломлашаркан бюстни кўрсатиб.

— Менимча, бу шоир, тўғрироғи, итальян шоири, — жавоб бердим мен.

— Бу Данте¹, — деди Гёте, — ёмон ишланмаган, боши чиройли чиққан, бироқ унга қараб кўзинг қувонмайди. Данте бу ерда кекса, қадди букилган, баайни ҳозиргина дўзахдан

¹ Данте Алигьери (1256–1321) — итальян шоири.

чиқиб келгандек юз ифодалари ҳорғин, эзилган. Менда унинг ҳаётлик пайтида ишланган медали бор, у ерда у бутунлай бошқача кўринади, — Гёте ўрнидан туриб медални олиб келди. — Мана, қаранг, — деди у, — бурун кесимида қандай шиддат бор, юқориги лаби қатъий қимтилган, кўтарилган ияги жаф суяклари билан ажойиб тарзда уйғунлашиб кетган. Чаккалари, манглайи бу улкан бюстда худди медалдагидек сақланган, қолган ҳамма нарса беҳад сўлғин, худди қаридек. Мен бу билан зинҳор янги ишлангани камситмоқчи эмасман, умуман олганда, бу, шубҳасиз, мақтовга лойиқ.

Кейин Гёте менинг шу кунларда нима билан бандлигим, ўйларим, вақтни қандай ўтказаяётганим билан қизиқди. Дарҳол унга бир таклиф олганимни, бир инглиз журнали ҳар ойда яхшигина тўлов эвазига немис адабиётидаги энг сўнгги янгиликлар ҳақида хабар юбориб туришимни сўраганини айтдимда, буни қабул қилишга рози эканлигимни кўшиб кўйдим.

Гётенинг ҳозиргача мулойим бўлиб турган чеҳраси менинг гапларимни эшитгач, тундлашди, ҳар бир юз ифодасида менинг истагимга қарши эканлиги акс этарди.

— Дўстларингиз Сизни тинч кўйишса яхши бўларди, — деди у, — қизиқишларингиз доирасига кирмайдиган, табиатингизга зид бўлган ишлар билан шуғулланиб нима қиласиз? Бизда ҳозир муомалада олтин, кумуш, қоғоз пуллар юрипти, уларнинг ҳар бири ўз қиммати ва курсига эга, бироқ ҳар бирининг қимматини аниқлаш учун курсини билиш керак. Адабиёт ҳам худди шунга ўхшайди, Сиз металллар қимматини биласиз, лекин қоғоз пулларни билмайсиз, бунга кўникмагансиз, Сиз асоссиз танқид қилиб кўйиб, бутун ишни бузишингиз мумкин. Агар холис бўлишни, ҳар бир асарга ўз мавқеи даражасида баҳо беришни истасангиз, унда, аввало ўрта адабиётимизни ўрганишингиз лозим бўлади, шубҳасиз, бу иш осон эмас. Сиз ортга қайтиб, Шлегеллар нима қилишган ва нима қилмоқчи бўлишгани билан қизиқиб кўришингиз, кейин барча ёш муаллифлар: Франс Хорн¹, Хофманн², Клорен³ сингари ёзувчиларни, хуллас, барча-барчасини ўқишингиз лозим. Шу билан иш тугамайди. Барча газеталарни, тонгги ва окшомгиларини кўздан кечириб боришингиз, янги босилган барча нарсалардан хабардор бўлиб туришингиз керакки, булар Сизнинг энг яхши соат ва кунларингизнинг боши-

¹ Франс Хорн (1781 – 1837) – адабиётшунос.

² Хофманн Эрнст Теодор Амадей (1776 – 1822) – олмон ёзувчиси.

³ Клорен ёзувчи, Йена адабий газетасининг ходими Карл Хайннинг (1771 – 1854) тахаллуси.

га етади. Бундан ташқари, ҳамма янги чиққан китобларни чуқур таҳлил қилишингиз учун уларни шунчаки varaқлаб чиқмасдан, диққат билан ўқиб-ўрганиш зарур бўлади. Буни ҳечам хоҳламасангиз керак! Ва ниҳоят, ёмон асарни ёмон демокчи бўлсангиз, одамлар жанжал кўтармасликлари учун бу гапингизни ҳаммага ошкора айтилмайсиз.

Йўқ, бу таклифни рад этинг, бу сира тўғри келмайди. Умуман, ўзингизни ҳар ёққа ураверманг, кучингизни авайланг. Агар мен ўттиз йил аввал ҳам шундай фикрлаганимда эди, кўп хайрли ишлар қилган бўлардим. Шиллер икковимиз «Хорен»¹ ва «Шеърят альманахлари» чиқарамиз деб қанча-қанча вақтимизни елга учирдик! Яқинда ўзаро ёзиш-маларимизни кўздан кечирарканман, барчаси хотирамда аниқ жонланди, ўша кунларда қилган ишларимизни афсус билан эсладим, улар учун етарлича танқид ҳам эшитдик, ўзимизга ҳам бирор фойда келтирмади. Иқтидорли одам, бошқалар қилган барча ишларни қила оламан, деб ўйлайди, аслида эса бундай эмас, бирор кун келиб бу ўз *faux-frais*²и ҳақида надомат чекади. Кечаси сочимизни жингалак қилиш учун уларни чийраб қўйишимиздан нима фойда? Сочимиз орасида қоғоз бўлаклари бор, холос, кечга бориб сочларимиз яна текис ҳолига келиб қолади.

- Муҳими шуки, - сўзида давом этди Гёте, - Сиз адо бўлмайдиган қилиб пул тўплашингиз керак. Сиз буни инглиз тили ва адабиётини ўрганишни тўхтатмаслик орқали амалга оширишингиз мумкин. Ҳар соатда олдингизда бўлиб турадиган ёш инглизлардан фойдаланинг, бундай қулай имкониятни қўлдан чиқарманг. Ёшлигингизда қадимги тилларни ўрганолмагансиз, шунинг учун энди инглизлардек тиришқоқ миллатдан мадад изланг. Таъкидлаш керакки, бизнинг адабиётимиз маълум даражада инглиз адабиёти олдида қарздор. Романларимиз, фожиаларимиз Голдсмит, Филдинг, Шекспирларга бориб тақалмайдими? Мана ҳозирги давримизни олайлик, адабиётимизда лорд Байрон, Мур³ ёки Вальтер Скотт⁴ билан тенглаша оладиган бирорта буюкни топа оласизми? Демак, яна такрорлайман, инглиз тилини чуқур ўрганинг, кучларингизни жиддий ишларга йўналтиринг, бирон-бир натижа бермайдиган, Сизга тўғри келмайдиган ишларга уринманг.

¹ «Хорен», «Шеърят альманахлари» Шиллер ва Гёте ҳамкорликда ташкил қилган журнал ҳамда шеърый тўплам.

² *Faux frais* ортикча харажатлар (фр.).

³ Мур Томас (1779 - 1849) - инглиз романтик шоири.

⁴ Вальтер Скотт (1771 - 1832) - инглиз ёзувчиси.

Гётенинг шундай гапларни айтишига сабабчи бўлганимдан қувондим, кўнглим хотиржам бўлди, бундан буён ҳамиша унинг маслаҳати билан иш қилишга қарор қилдим.

Канцлер фон Мюллер келганини хабар қилишди ва у қаторимизга қўшилди. Гурунг мавзуси яна олдимизда турган Дантенинг бюсти, унинг ҳаёти ва ижодига кўчди. Айниқса, унинг ижод маҳсулларидаги мавҳумликка тўхталдик, уларни италянларнинг ўзлари тушунишмаган, энди чет элликларнинг бу зулмат ичига кириб боришолмасликлари хайрон қоларли ҳол эмас.

— Сизга, — менга мурожаат қилди у мулойим оҳангда, — руҳоний отангиз бу шоирни мутолаа қилишни мутлақо ман этган бўлса керак.

Гёте кўшиб кўйдики, ундаги қийин қофияланиш услуби тушунишни янаям қийинлаштиради. Умуман олганда, Гёте Данте ҳақида беҳад хурмат-эҳтиром билан гапирди, мени хайрон қолдирган нарса шу эдики, у «талант» сўзига қоникмасдан, унга нисбатан «туғма» сўзини қўллади, афтидан, у бу сўз билан ундаги ўткир зехни, каттикқўлликни, оламни чуқур, кенг қамровли идрок эта олиш хислатини ифода этмоқчи бўлган эди.

1924 йилнинг 9 декабри, пайшанба

Кечга томон Гётеникига бордим. У менга дўстона қўл узатди, саломлашаркан Шелгерн¹ юбилейи муносабати билан ёзган шеъримни мақтади. Мен, ўз навбатида, унга инглизлар таклифини рад этиб ёзиб юборганимни маълум қилдим.

— Худога шуқур, — деди у, — мана энди бўш ва хотиржамсиз. Мен Сизни тагин бир нарсадан огоҳлантирмоғим лозим. Ҳали композиторлар келишади-да, Сиздан опера либреттосини ёзиб беришингизни илтимос қилишади, буни ҳам рад қилинг ва қатъий бўлинг, бу ҳам вақт сарфлашга арзи-майдиган бефойда машғулот.

Шундан сўнг Гёте Боннга, «Пария»²нинг муаллифига Нис фон Эзенбек орқали театр дастурини жўнатганини айтди, бу дастурдан шоир ўз пьесаси бу ерда қўйилаётганини билиб олади.

— Умр қисқа, — кўшиб кўйди у, — одамлар бир-бирларига яхшилик қилишга интилишлари керак.

Унинг олдида Берлин газеталари ётарди, у Петербургдаги даҳшатли сув тошқини ҳақида гапирди. Мана, ўзингиз ўқиб

¹ Шелгерн Франс Вильҳельм — Ваймар давлат архиви хўжайини.

² «Пария» — олмон драматурги Михаил Бер (1800—1833) ёзган фоҳиа.

олинг, дея газетани узатди. Кейин Петербург жойлашган ернинг нокулайлигини айтди-да, кулиб Руссо'нинг: «Олов пуркаб турган вулкон яқинига шаҳар қуриб, зилзилани бартараф этолмайсан», деган гапларини эслади.

— Табиат ўз йўлида давом этаверади, — деди у, — биз қоидадан ташқари деб ўйлаган нарса аслида қоиданинг ўзи.

Сухбат йўсини деярли барча соҳилларда қутурган бўронга, газеталарда ёзилаётган бошқа табиат ҳодисаларига бурилди. Мен Гётедан, булар ўртасида қандай боғлиқлик борлигини билиб бўладими, деб сўрадим.

— Буни ҳеч ким билмайди, — жавоб берди Гёте, — биз бундай сирли ҳодисалар ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасмиз, қандай қилиб у ҳақда фикр билдирайлик.

Хизматкор бош меъмор Кудрэ ва профессор Ример ташриф буюришганини билдирди, улар кириб ўтиришди ва гурунг мавзуси тағин Петербургдаги сув тошқини борасида давом этди, Кудрэ Петербургнинг жойлашиш ҳолати, Нева дарёсининг унга доимо хавф солиб туриши ва бошқа жиҳатлар тўғрисида муфассал маълумот берди.

1825

1825 йилнинг 10 январи, душанба

Инглизларга бўлган катта қизиқиши туфайли Гёте шахримизда меҳмон бўлиб турган инглизларни вақти-вақти билан унинг ҳузурига олиб келиб туришимни сўради. Бугун соат бешда у мени инглиз ҳарбий муҳандиси жаноб Х.² билан келишимни тайинлади, мен Гётега у ҳақда олдиндан кўп яхши гапларни айтдим. Биз белгиланган соатда ҳозир бўлдик, хизматкор бизни яхши иситилган хонага бошлаб кирди, одатда бу хонада Гёте тушдан кейин ва кечқурунлари ўтиришни хуш кўрарди. Стол устида учта шам ёниб турарди, аммо у ерда Гёте йўқ эди, девор ортидаги залдан унинг овози эшитилди.

Жаноб Х. хонани кўздан кечирди, расмлар ва деворга илинган тоғлар харитасидан ташқари, у назарини бир қанча папкалар тахлаб қўйилган токчаларга қаратди, мен унга бу папкаларда машҳур мусаввирларнинг ўз қўллари билан чизилган суратлар ва турли мактабларга мансуб расмларнинг

¹ Руссо Жан-Жак (1712-1778) француз ёзувчиси ва файласуфи.

² Жаноб Х. (Хуттон сўзининг бош ҳарфи) — инглиз муҳандиси.

гравюралари сақланишини, Гёте уларни бутун умри давомида тўплагани, вақти-вақти билан уларни кўздан кечиришни яхши кўришини айтдим.

Бироз кутганимиздан сўнг Гёте кириб келди ва биз билан илиқ саломлашди.

— Сиз билан олмонча гаплашаверсам бўлади, афтидан, — мурожаат қилди у жаноб Х.га, — гаплашаётганларингда сиздимки, Сиз олмон тилини дурустгина ўрганиб олибсиз.

Жаноб Х. у билан унча очилиб саломлашмади, Гёте бизни ўтиришга таклиф қилди. Меҳмон Гётеда хийла яхши таассурот қолдирди шекилли, унинг бугун бу кишига нисбатан беҳад юксак иззат-икром кўрсатиши олий даражада намоён бўлди.

— Олмон тилини ўрганиш учун бизнинг юртимизга келиб тўғри қилгансиз, — деди у, — Сиз бу ерда тилни осон ва тез ўзлаштирибгина қолмай, уни юзага келтирган асосларни ҳам, бизнинг ер-сувимиз, иқлим, яшаш тарзимиз, урф-одатларимиз, ижтимоий ва сиёсий тузумимиз ҳақидаги билимларни ҳам ўзингиз билан Англияга олиб кетасиз.

— Ҳозирги пайтда Англияда олмон тилига қизиқиш жуда катта, — деди жаноб Х., — кундан-кунга ошиб бормоқда, ҳозир ўзига тўқ оиладан чиққан ҳар бир ёш инглиз олмон тилини ўрганади.

— Биз олмонлар, — жавоб берди Гёте мулойимлик билан, — бу масалада сизлардан ярим асрга илгарилаб кетганмиз. Мен ўзим эллик йилдан бери инглиз тили ва адабиёти билан шуғулланаман, сизлардаги ёзувчиларни ҳам, ҳаёт тарзи ва ўзига хос тартибларни ҳам яхши биламан. Агар Англияга бориб қолсам, у ерда ўзимни бегонадек ҳис қилмайман.

Айтиб ўтганимдек, Сизнинг ёш ҳамюртларингиз бизнинг юртимизга келиб, тилимизни ўрганишаётгани яхши ҳодиса. Бунга сабаб, бизнинг адабиётимиз шунга муносиб эканлигигина эмас, балки ҳозир олмон тилини билган одам бошқа тилни билмаса ҳам бўлаверади, деган фикрни ҳеч ким рад этмаслиги ҳамдир. Француз тили ҳақида гапириб ўтирмайман, у сўзлашув тили, саёҳат пайтларида керак бўлиб қолади, чунки уни ҳамма тушунади, кўплаб мамлакатларда у тилдан яхши тилмоч ўрнида фойдаланса бўлади. Юнон, лотин, итальян, испан тилларига келадиган бўлсак, бу тилларда яратилган энг яхши асарларни зўр олмонча таржималарда ўқишимиз мумкин, демак, маълум бир сабаблар бўлмаса, бу тилларни чуқур ўрганишга вақт сарфлаб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ. Олмонларнинг табиатида ҳар қандай хорижий маданиятга ўзига хос тарзда ҳурмат билан қараш, унинг хилма-хил жиҳатларига

мослашиш одати бор. Айни шу хусусият ҳамда тилимизнинг қулай имкониятлари таржималарнинг аниқ ва мукамал бўлишини таъминлайди.

Яхши таржима кўп нарсаларга қодирлигини инкор этиб бўлмайди. Буюк Фридрих лотин тилини билмасди, аммо у се-викли Цицеронини французча таржимада ўқиб, биз аслиятдан олганимиздан кам завқ-шавқ олмасди.

Гапни театр мавзусига айлантирган Гёте жаноб Х.дан, тез-тез театрга бориб турасизми, деб сўради.

— Мен театрга ҳар кеч бораман, — жавоб берди у, — бу тилни тушунишга жуда катта ёрдам беради.

— Жуда қизиқ-да, — жавоб берди Гёте, — эшитиш ва умуман, тушуниш қобилияти гапириш қобилиятига нисбатан илгарилаб кетган, одам бирор нарсани тез тушуниб олади-ю, аммо уни тўлиғича сўзда ифодамай олмайди.

— Бу фикрнинг тўғрилигини мен ҳар кун сезаман, — жавоб қайтарди жаноб Х., — теварак-атрофимиздаги одамларнинг сўзларини, ўқиган нарсаларимни тўлиқ тушунаман, ҳатто бирор киши олмонча гапирганда хатога йўл қўйганини ҳам сезаман. Бироқ гапирмоқчи бўлдимми, тамом, тилим тутилиб, айтмоқчи бўлган фикримни ифода этолмай қоламан. Саройдаги олди-қочди суҳбатлар, хонимлар билан ҳазиллашиш, рақс тушиш пайтидаги мулоқотлардан қийналмайман. Аммо бирор-та муҳим мавзуда фикр билдирмоқчи бўлсам, тилим айланмай, сўз тополмай қоламан.

— Хотиржам бўлинг, — жавоб берди Гёте, — бундай ўзига хос фикрларни баъзан ўз она тилимизда ҳам ифодалашга қийналиб қоламиз.

Сўнгра Гёте жаноб Х.дан олмон адабиётидан нималарни ўқиганини сўради.

— «Эгмонт»¹ни ўқидим, — жавоб берди у, — китоб менга шундай хузур бағишладики, уни уч бора ўқиб чиқдим. Шунингдек, «Торквато Тассо»ни ҳам маза қилиб ўқидим. Ҳозир «Фауст»ни ўқияпман, бу мен учун ҳали анча қийин деб ҳисоблайман.

Бу сўзлардан Гёте кулиб юборди.

— Гапнинг рост, — деди у, — ҳозирча «Фауст»ни ўқишни Сизга маслаҳат бермаган бўлардим. Бу одамни телба қиладиган нарса, у одатдаги тасаввурлар доирасига сиғмайди. Модомики, Сиз мендан сўраб ҳам ўтирмай, уни ўқишга киришган экансиз, кўринг-чи, бундан нима

¹ «Эгмонт», «Торквато Тассо» — Гётенинг драматик асарлари.

чиқаркин? Фауст — фавкулодда шахс, камдан-кам одамлар унинг ички дунёсига кириб бора олади. Одамни бугун борлиғича англашнинг тирик намунаси бўлган, бошдан-оёк киноя билан йўғрилган Мефистофелни англаб етиш ҳам мушкул иш. Энди кўрамиз, улар қандай рангларда Сизга юз очади. «Тассо» эса, аксинча, одатдаги инсоний туйғуларга бирмунча яқинроқ, унинг шаклан силлиқлиги ҳам тушунишни осонлаштиради.

— Шунга қарамай, — жавоб берди жаноб Х., — Германияда «Тассо»ни қийин ҳисоблашади, мен уни ўқияпман, десам, айрим одамлар хайрон ҳам бўлишди.

— «Тассо»ни тушунишдаги энг асосий нарса шуки, — деди Гёте, — уни ўқиётганда одам ўзининг энди бола эмаслигини ҳис этиши ва ўша даврага хос таомилларни инкор этмаслиги лозим. Яхши оиладан чиққан, юксак ақл-заковатга эга бўлган йигит юқори табақага мансуб етук кишилар билан мулоқотда орттирган билимлари юзаки бўлса-да, «Тассо»ни қийин деб ҳисобламаслиги керак.

Гап мавзуси «Эгмонт»га кўчди, Гёте бу хусусда қуйидагиларни айтди:

— «Эгмонт»ни 1775 йилда, яъни бундан эллик йил бурун ёзганман. Мен тарихга содиқ қолганман, бинобарин, иложи борича ҳақиқатни ёзишга интиланман. Шундан сўнг ўн йил ўтиб Римда бўлган пайтимда газеталарда ўқидимки, унда тасвирланган иккилобий сахналар Нидерландияда айнан такрорланган экан. Бундан шу хулосага келдимки, дунё ҳамиша ўзгармай қолаверади, менинг ёзганларим ҳам аслида ҳаётий ҳақиқатдан ўзга нарса эмас.

Шу тахлит гурунг асносида театрга кетиш вақти ҳам бўлиб қолди, биз қўзғалдик, Гёте биз билан илиқ хайрлашди.

Уйга кетаётиб мен жаноб Х.дан, Гёте унда қандай таассурот қолдирганини сўрадим.

— Ҳозиргача мен, — жавоб берди у, — битта одамда ўта мулойимлик билан бирга тугма виқорнинг мужассам бўлганини кўрмаганман. У қанчалик кўнгли бўш ёки такаббур бўлмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам буюк.

1825 йилнинг 18 январи, сешанба

Бугун соат бешда Гётеникига бордим, бир неча кундан бери уни кўрмаган эдим ва у билан оқшомни кўнгилли ўтказдим. Уни ишхонасида, ғира-шира қоронғилиқда ўғли ва

шифокори, сарой маслахатчиси Ребайн билан суҳбатлашиб ўтирган ҳолатда учратдим. Уларнинг қаторидан мен ҳам жой олдим. Биз бир муддат ғира-ширада гурунглашиб ўтирдик, кейин шам келтиришди, Гётени бардам ва тетик ҳолатда кўриб қувондим.

У одатдагидек меҳрибонлик билан шу кунларда қандай янгиликларни бошдан кечирганимни сўради, мен бир шоира билан танишганимни айтдим ва унинг ўзига хос истеъдодга эга эканлигини ҳам кўшиб қўйдим. Унинг асарларидан айримлари билан таниш бўлган Гёте менинг фикримга кўшилди.

— Ўз она юртини тасвир этган бир шеъри, — деди у, — ғоятда ажойиб ёзилган. У зоҳирий ҳолатни зўр тасвирлайди, бироқ унда яхшигина ботиний хусусиятлар ҳам кам эмас. Айрим камчиликлари ҳам бор, бироқ, майли, у ўз иқтидори кўрсатган йўлдан адашмай бораверсин.

Суҳбат мароми умуман шоирларга кўчди, сарой маслахатчиси Ребайн, аёллардаги шеърий истеъдод уларнинг жинсига хос руҳиятлардан келиб чиқса керак, деди.

— Буни қаранглар-да энди, — деди Гёте кулганча мен томонга бурилиб, — «жинсига хос руҳият!» — мана шифокорлар хулосаси.

— Тўғри айтдимми-йўқми, билмайман-у, — сўзида давом этди жаноб Ребайн, — менимча, бу тўғри фикр. Одатда бу гўзаллар севгидан бахт топа олмасалар, бунинг эвазини руҳий оламдан қидирадилар. Агар улар ўз вақтида турмушга чиқиб, бола туғишса эди, шеърият ҳақида ўйлаб ҳам кўришмасди.

— Бу масалада Сиз қанчалик ҳақсиз, таҳлил қилиб ўтирмайман-у, — деди Гёте, — ҳар қалай санъатнинг турли соҳаларида талант эгаси бўлган кўплаб аёлларни билманки, улар эрга тегибоқ санъатга чизиқ тортишган. Зўр расм чизадиган қизлар ҳам турмуш қуриб она бўлгач, ҳамма ишни йиғиштириб қўйишган, улар болалар билан банд бўлиб, қўлларига қалам ушлашмаган. Менимча, — қизгин давом этди у, — шоираларимиз кўнгиллари қанча тусаса ёзаверишсин, фақат эркакларимиз хотинларга ўхшаб ёзишмаса бўлди! Бу менга ҳечам ёқмайди. Журналларимиз, альманахларимизни бир кўздан кечириб кўринг, улар қанчалар саёз, борган сари саёзлашиб боряпти! Бордию ҳозир «Челлини»¹дан бир

¹ «Челлини» — XVI асрда яшаган флоренциялик ҳайкалтарошнинг Гёте томонидан 1795 йилда олмон тилига ўтирилган таржимаи ҳоли.

бобни «Тонгги газета»да кўчириб босишса эди, ҳамма нарса унинг соясида қолиб кетарди!

— Ҳозирча бу гапларни қўйиб турайлик-да, — қувнок оҳангда давом этди у, — ҳаллелик ажойиб қизимиз¹нинг ишларидан қувонайлик, у бизни эркакларга хос руҳ билан серб оламига олиб киради. Шеърлари ёқимли! Улардан баъзиларини «Шоҳ асар» билан бир қаторга қўйиш мумкин. Мен бу шеърлар ҳақида мақола ёзиб чоп эттирдим. Шу сўзларни айтиб, у менга «Санъат ва мозийлик» журнали янги сонларининг дастлабки тўрттасини узатди, уларда мақола босилган эди.

— Мен айрим шеърларни уларнинг асосий мазмунига қараб таҳлил қилдим, ўйлайманки, сиз уларнинг жозибадор оҳангидан завқланасиз. Ребайн ҳам шеърятни, ҳеч бўлмаса, унинг мавзуси ва мазмунини тушунади. Ўша жойларини овоз чиқариб ўқисангиз, у ҳам жон деб тингласа керак.

Мен баъзи сўзлар мазмунини шошилмай ўқидим. Шеърларнинг қисқача мазмуни шу қадар кенг қамровли ва лўнда эдики, ҳар бир сўзни ўқиганимда тасаввуримда бутун бир шеър гавдаланарди. Улардан айниқса қуйидагилар менга қаттиқ таъсир қилди.

1

Серб қизларининг ибоси шунчаликки, улар чиройли киприкларини ҳеч қачон кўтаришмайди.

2

Ошиқнинг ички ғалаёни: у куёвжўра сифатида ўз маъшуқасини куёв ёнига бошлаб бориши керак.

3

Севгилиси ҳақида қайғураётган қиз қувнок кўринмаслик учун кўшиқ айтишдан бош тортади.

4

Янгича одатлардан нолиш: йигит бевага, чол ёш қизга уйланади.

¹ Ҳаллелик қиз — ёзувчи Тереза фон Якоб (1797 – 1870), тахаллуси Талви; у бир қанча серб кўшиқларини таржима қилиб Гётега юборган ва Гёте уларга тақриз ёзиб, «Санъат ва мозийлик» журналининг 1825 йил 5-жилдида «Серб кўшиқлари» номи билан чоп эттирган.

5

Йигит нолиши: онаси қизига кўпроқ эркинлик беради.

6

Қизнинг от билан юракдан қизгин суҳбати: от унга хўжайиннинг ҳис-туйғулари ва режаларини айтиб беради.

7

Қиз севмаган кишига турмушга чиқишни истамайди.

8

Гўзал қаҳвахоначи аёл, мижозлар орасида унинг севгилиси йўқ.

9

Маъшуқасини топиб, секин уйғотмоқда.

10

Куёв бўлмишнинг касби нима?

11

Севги сирларини оғзидан гуллаб қўйди.

12

Қаллиқ хориждан келди: кундузи қизни кузатади, кечаси кутмаганда кириб боради.

Бу очиқ-ошкор фикрлар менга шу даражада таъсир қилдики, гўё шеърларнинг ўзини ўқигандек бўлдим, энди уларни ўқишга ҳам раъбатим қолмади.

— Сиз тамоман ҳақсиз, — деди Гёте, — бу бор гап. Лекин Сиз бундан шеъриятда мазмун ғоятда муҳимлигини англаб етишингиз керак, ҳолбуки буни ҳеч ким тушунишни истамайди, аёлларимиздаку бу ҳақда тасаввур ҳам йўқ. Қандай ажойиб шеър, дейишади улар, аммо бунда фақат шеърдаги ҳиссиётлар, сўзлар, мисраларни назарда тутишади. Шеърнинг асл қудрати мазмунда, тасвирланган ҳолатда эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Шу тариқа, мазмунан бир пулга қиммат бўлган минглаб шеърлар дунёга келадик, улардаги кўтаринки туйғулар ва жарангдор мисраларда гўё ҳақиқий

ҳаёт акс этади. Умуман олганда ҳаваскор шоирлар, айниқса аёллар шеърятни юзаки тушунишади. Одатда бундайлар мазмун муҳим эмас, шеър техникасини эгалласак бўлди, ўшанда марра бизники, деб ўйлашади, аслида бу билан катта хатога йўл қўйишади.

Профессор Ример келганини айтишди, сарой маслаҳатчиси Ребайн кетишга рухсат сўради. Ример қаторимизга ўтирди. Серб муҳаббат кўшиқлари ҳақидаги суҳбатимиз давом этди. Ример гап нима ҳақдалигини дарҳол фаҳмлади ва айтдики, юқорида келтирилган қисқа фикрлардан фойдаланиб нафақат шеърлар ёзса бўлади, балки ўша мавзулар серб шеърлятида мавжудлигига қарамасдан, немислар ҳам улардан аллақачон фойдаланишган. Шундай дея у ўз шеърларидан бир нечтасини ўқиди, мен ҳам уларни ўқиётганимда Гётенинг айрим шеърлари ёдимга келганини айтдим.

— Дунё қандай бўлса, шундай қолаверади, — деди Гёте, — воқеалар такрорланаверади, бир халқ бошқаси сингари яшайди, севади ва ҳис этади, нега энди бир шоир иккинчисига ўхшатиб шеър ёзмасин? Ҳаётий воқеалар бир-бирига ўхшаш: демак, шеърлар ҳам ўхшаш бўлади-да.

— Айни ҳаётдаги ва ҳис-туйғулардаги мана шу уйғунликлар, — гапга қўшилди Ример, — бошқа халқларнинг шеърлятини тушуниб олишимизга имкон беради. Акс ҳолда биз хорижий шоирларнинг шеърлярида гап нима ҳақда бораётганини билолмаган бўлардик.

— Шу жиҳатдан мен айрим олимларнинг қарашларига ҳайрон қоламан, — гапга қўшилдим мен, — улар шеър ёзиш ҳаётдан шеърга эмас, балки китобдан шеърга кўчади, деб ҳисоблашади. Улар ҳамиша: бу шоир буни бу ердан, уни у ердан олган, дейишади! Айтайлик, Шекспирда антик даврда учраган сюжетни кўриб қолишса, у буни антик адабиётдан олган, дейишади! Ёки бўлмаса Шекспирда шундай воқеага дуч келамизки, мабодо одамлар чиройли қизни кўриб қолишса, унинг ота-онасини мақтаб кетишади, шу қизга уйланиб, хонадонига олиб кирган йигитни учратишса, уни ҳам мақтовларга кўмиб ташлашади. Ҳомерда ҳам худди шундай ҳолатга дуч келганимиз туфайли, гўё Шекспир бу мавзунини Ҳомердан олган деб ўйлашади! Қизинг-а! Бунинг учун узоққа бориб ўтирмайлик, бундай ҳолатлар ҳар қадамда учрайди-ку, буни ҳар кунини ҳис этамиз, гапирамыз-ку.

— Ҳа, — тасдиқлади Гёте, — бу жуда кулгили!

— Яна десангиз, лорд Байрон ҳам ақлли иш қилмади, — давом этдим мен, — у Сизнинг «Фауст»ингизни, гўё Сиз

мавзуларни унисини у ердан, бунисини бу ердан олгандек, бўлиб-бўлиб ташлади.

— Ростини айтсам, — деди Гёте, — лорд Байрон тилга олган асарларнинг кўпини ўқимаганман, «Фауст»ни ёзаётганимда эса у ҳақда ўйлаганим ҳам йўқ. Лорд Байрон ижод жараёнида буюк, фикр-ўйга берилганда эса гўдакка айланади. У ҳатто ўз миллатдошларининг асоссиз ҳужумларидан ўз-ўзини ҳимоя қилолмайди, у уларга яхшилаб жавоб қайтариши лозим эди. «Менинг ижодим — бу меники! Буни ҳаётдан олдимми ёки китобданми, ишларинг бўлмасин, муҳими бунинг уддасидан чиқдим!» дейиши керак эди. Вальтер Скотт «Эгмонт»имдаги бир сахнадан фойдаланган, у оқилона ўзлаштиргани фақат мақтовга лойиқ. У романларидан бирида менинг Миньоним характерини айнан такрорлаган, у бу ишни моҳирона бажарганми-йўқми, бу энди бошқа масала. Лорд Байроннинг «Ўзга қиёфадаги иблис»¹и Мефистофелнинг шундоққина такрори, бу — тўғри! Бордию у иблисининг мавжуд тимсолидан чекинишга уринганида эди, ишни бузган бўларди. Менинг Мефистофелим Шекспирдан олинган кўшиқни куйлайди, хўш, нима бўпти? Шекспирдаги кўшиқ айнан мен айтмоқчи бўлган фикрга шундоқ мос келиб турганда қийналиб янгисини ўйлаб ўтириб нима қиламан? Агар «Фауст»им сюжетида Инжил билан муштарак бирор нарса бўлса, бунинг ҳам ҳеч бир зарари йўқ, бунинг учун мени танқид қилиш эмас, балки мақташ керак.

Гётенинг кайфияти аъло эди. У бир шиша вино келтиришни буюрди, ундан Ример билан менга қўйди, ўзи Мариенбад сувидан ичди. Бу кеч у афтидан Ример билан ўз таржимаи ҳолининг давомини кўриб чиқмоқчи ва у ер-бу ерига услубий жиҳатдан тузатишлар киритмоқчи эди.

— Эккерман ҳам қолиб, бирга тингласа яхши бўларди, — деди Гёте, бу илтифотдан мен беҳад хурсанд бўлдим. У Ример олдига қўлёмани қўйди ва Ример 1795 йил воқеаларидан бошлаб ўқишга киришди.

Мен ёз бўйи унинг ҳаёт йўли ҳақидаги ҳали чоп этилмаган сатрларни такрор-такрор ўқиб, мулоҳаза элагидан ўтказиш бахтига муяссар бўлган эдим. Бироқ энди Гёте ҳузурда уни тинглаш менга ўзгача ҳузур баришлар эди. Ример қўлёманинг тилига қаттиқ диққат қилар, мен бўлсам, Римернинг сўз ва ибораларни жуда кўп билиши ва нозик

¹ Байроннинг «Ўзга қиёфадаги иблис» («Deformed Transformed») асаридаги иблис тимсоли «Фауст»даги Мефистофелга ўхшашлиги айтилмоқда.

тушунишидан беихтиёр ҳайратланиб ўтирардим. Гётени эса, тасвирга олинган давр ҳаяжонга солар, у хотиралар гирдобига чўмган, айрим шахслар ва воқеалар ҳақида сўз борганда овзаки муфассал ҳикоялар билан ёзувларни тўлдиради. Бу ғаройиб кеча эди! Ўзимизга замондош бўлган улуғ инсонлардан кимларни эсламадик дейсиз. 1795–1808 йиллардаги давр билан бевосита боғлиқ бўлган Шиллерни қайта-қайта тилга олдик. Театр уларнинг биргаликдаги фаолиятларида бир воқеа бўлган эди, Гётенинг энг яхши асарлари ҳам айна шу кезларда яратилган эди. «Вильхельм Мейстер» ўшанда поёнига етказилган, «Херманн ва Доротея»¹ режаси ҳам ўшанда тузилган ва ёзиб тугатилган, «Хорен» журнали учун Челлини таржима қилинган, Шиллернинг «Шеърят альманахи» учун биргаликда «Эпиграммалар»ни яратишган, хуллас, улар ҳар куни биргаликда ишлашарди. Бу кеч шуларнинг барчаси хотирланди, шу муносабат билан Гёте ғоятда қизиқарли нарсаларни сўзлаб берди.

— «Херманн ва Доротея», — деди у гап орасида, — деярли ягона йирик шеърый асарларимдан, десам ҳам бўлади, ҳалигача у менга ҳузур бағишлайди, уни ҳаяжонсиз ўқиёлмайман. Айниқса, уни лотинча таржимасида яхши кўраман, назаримда у бу тилда салобатлироқ, гўё шакли туфайли аслига қайтгандек туюлади.

Кейин гап яна «Вильхельм Мейстер»га бурилди.

— Шиллер, — деди у, — романга фожиали воқеани киритганим учун мени койиган, бу роман сюжетига тўғри келмайди, деган эди. У ноҳақ эди, албатта, буни ҳаммамиз биламиз. Унинг менга ёзган хатларида «Вильхельм Мейстер» хусусида кўплаб қимматли фикрлар айтилган. Бу ҳеч бир қолипга сифмайдиган асарлар сирасига киради, ҳатто ўзим ҳам унга калит тополмайман. Унинг асл моҳиятини топишга уринишдан фойда йўқ, бунга уринмаслик ҳам керак. Назаримда кўз олдимизда намоён бўладиган бой, ранг-баранг ҳаётнинг ўзи етарли, унга мавҳум тушунчани ўзида жамлаган маълум ғояни тикиштиришга ҳожат йўқ. Бордию, кимгадир шундай қилиш керак бўлиб қолса, китоб охирида Фридрихнинг қаҳрамонимизга айтган сўзларини дастуриламал қилиб олишини маслаҳат берган бўлардим: «Сен Киснинг ўғли Саилга ўхшайсан, у отасининг эшакларини қидиришга чиқиб, ҳазина топиб олган», деган эди у. Аслини олганда, романнинг

¹ «Херманн ва Доротея» — Гётенинг эпик достони, 1822 йилда руҳоний Бенжамин Готлиб Фишер томонидан лотин тилига таржима қилинган.

туб моҳияти шундан иборатки, инсон ўз адашишлари ва хато-ларига қарамасдан охир-оқибат орзусига эришади, уни илоҳий бир куч қўллайди.

Сухбат мавзуси ўрта табақанинг юксак маданиятига кўчди, у кейинги эллик йил ичида Германияда кенг тарқалган бўлиб, бунда Гётенинг ёзишича, Лессингдан ҳам кўра Ҳердер ва Виланднинг хизматлари бекиёс эди.

– Лессинг, – деди у, – улкан заковат эгаси эди, ўзи билан тенг инсонгина ундан нимадир ўрганиши мумкин-у, ўртамиёналар учун у хавфли эди. – Шу муносабат билан у бир журналистни тилга олди, у Лессингга таяниб, ўтган асрнинг охирида номи чиққан бўлса-да, тузук-куруқ бир иш қилолмаган, негаки, улуг устозидан анча орқада қолган эди.

– Услуби учун Виланд олдида Шимолий Германия халқи қарздордир, – деди Гёте, – олмонлар ундан кўп нарсани ўрганишди, фикрни муносиб тарзда ифодалай олиш ҳам катта нарса.

«Эпиграммалар» ҳақида сўз борганда Гёте Шиллерни тўлиб-тошиб мақтади, у Шиллернинг «Эпиграммалар»ини ғоятда ўткир ва таъсирчан, ўзиникини эса рангсиз ва бўш деб ҳисоблади.

– Шиллер қаламига мансуб «Жониворлар дунёси»ни ҳамиша ҳайрат оғушида ўқийман. Бу асарларнинг ўша давр немис адабиётидаги аҳамияти каттадир.

Гёте сухбат асносида «Эпиграммалар» қарши йўналтирилган кўплаб олимларнинг исмларини айтди, аммо исмлар ёдимда қолмаган.

Гётенинг у ёки бу қизиқарли мулоҳазалари, фикрлари билан бўлина-бўлина кўлёманинг 1800 йил охиригача бўлган қисми ўқилиб, муҳокама қилиб бўлингач, Гёте қоғозларни четга суриб қўйди-да, ўтирган столимизнинг бир чеккасини чоғроқ кечки овқат учун безатишни буюрди. Биз иштаҳа билан овқатландик, Гётенинг ўзи эса бирон нарсадан татиб ҳам кўрмади, мен унинг бирор марта кечқурун овқат еганини кўрмаганман. У ёнимизда ўтириб, вино қуйиб берди, шамнинг сўхтасини олиб ташлади, шу билан бирга, пурмаъно сўзлари билан бизга маънавий озиқ бериб ўтирди. Шиллер ҳақидаги хотиралардан у шу қадар жонланиб кетдики, бу оқшомнинг қолган қисмида фақат ўша ҳақда гаплашдик.

Ример Шиллернинг ташқи кўринишини хотирлади.

– Унинг гавда тузилиши, кўчада қадам ташлаб юриши, ҳар бир хатти-ҳаракатида виқор мужассам эди, фақат кўзларидагина юмшоқлик акс этарди.

— Ҳа, — деди Гёте, — унда ҳамма нарса улугвор ва виқорли эди, фақат кўзлари беозор чакнардди. Истеъдоди ҳам жуссасига монанд эди. У бирорта йирик сюжетга дадил киришар, уни гоҳ у-гоҳ бу томондан текшириб кўрар, гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ таҳлил қилар, ҳар томонлама мулоҳаза қилиб кўрарди. У ўзи танлаган ҳар қандай сюжетга фақат ташқи томондан назар ташлар, уни секин-аста ичдан ривожлантириб бориш унга бегона эди. Талантига беқарорлик хос бўлиб, ҳеч бир нарсани охирига етказмас эди. Кўпинча ўзига берилган ролни репетиция пайтида ҳам алмаштираварди.

У ҳар бир ишга дадил киришганлиги боис тасвирлар хилма-хиллигидан қочарди. Эсимда, у «Телл»ни ёзаётган пайтда гап уқтиролмайд қанча қийналган эдим: у айнан Гесслерга дарахтдан олмани узиб олдириб, уни боланинг бошига қўйиб, тўппонча билан оттириб туширишни хоҳларди. Бу менга ҳеч ёқмай, ундан бу қадар бағритошликни бошқача сахна билан алмаштиришни сўрадим, айтайлик, Теллнинг ўғли ландфогт¹ олдида отасининг мерганлигидан фурурланиб, отам юз қадам наридан туриб дарахтдаги олмани отиб тушира олади, дея мактансин, дедим. Шиллер дастлаб бунга рози бўлмади, ниҳоят менинг ўтинч ва далилларимга ён бериб, тасвирни мен айтгандек қилиб ўзгартди.

Ўзим эса, аксинча, турли воқеаларни киритаверганим туфайли пьесаларим театрбоп бўлмай қоларди. Менинг «Евгения»²м хилма-хил воқеалар занжиридан иборат бўлганлиги туфайли уни сахналаштириш роятда мушкул.

Шиллернинг таланти айнан театр учун яралган эди. Унинг ҳар бир пьесаси олдинга ташланган қадам бўлар, ҳар бири ўзига хос мукамал эди, аммо шуниси ҳайратланарлики, «Қароқчилар»дан бошлаб унинг услубига қандайдир бағритошлик хос бўла борди, бундан у энг яхши даврларида ҳам халос бўла олмади. Масалан, жуда яхши эсимда: у «Эгмонт» асаримда Эгмонтга қамоқхонада ўлим ҳукмини ўқишаётганда, Альба никоб ва плашда парда орқасида пайдо бўлсин, ҳукм Эгмонтга қандай таъсир қилганини кўриб ҳузур қилсин, деб мени кўндирмоқчи бўлган эди. Бу Альбанинг ичиқоралиги ва қасоскорлигини яққол кўрсатиб бериши керак эди. Бироқ мен бунга кўнмадим, ҳерцог қамоқхонага келмади. Шиллер буюк, шу билан бирга ғалати одам эди. Ҳафта

¹ *Ландфогт* — олмон императорининг лен ерларидаги ноиб.

² «Евгения» («Никоҳсиз туғилган қиз» деб ҳам аталади) — Гётенинг драматик асари.

сайин у менга бошқача, янада етукрок бўлиб кўринарди, ҳар учрашганимда у ўзининг янада зукколиги, билимдонлиги ва мулоҳазакорлиги билан мени ҳайратга соларди. Унинг хатлари — ундан менга қолган энг яхши хотира, шу билан бирга, унинг ёзган нарсаларидан энг яхшилари ҳисобланади. Унинг сўнги хатини энг муқаддас буюмдек сақлайман. — Гёте бориб хатни олиб келди. — Мана, ўқиб кўринг, деди у хатни менга узатаркан.

Хат йирик-йирик ҳарфлар билан чиройли қилиб ёзилган эди. Унда ўша давр француз адабиётига тегишли «Рамонинг жияни»¹ асарига Гёте ёзган изоҳлар борасидаги фикрлар акс этганди, Гёте изоҳларни кўлёзмада Шиллерга кўриб чиқиш учун берган эди. Мен хатни Римерга ўқиб бердим.

— Қаранг, — деди Гёте, — унинг фикрлари қандай ўткир ва аниқ, ёзувида ҳам ҳеч бир нуқсон сезилмайди. Ажойиб инсон эди, айна куч-қувватга тўлган пайтида бизни ташлаб кетди. Бу хатни у 1805 йилнинг 24 апрелида ёзган, 9 майда оламдан ўтди.

Биз хатни навбатлашиб томоша қилдик, тилининг аниқлиги, ёзувининг чиройлилигидан завқландик, Гёте яна бир қанча меҳр-муҳаббат тўла сўзлар билан дўстини хотирлади, шу таҳлит соат ўн биргача ўтирдик-да, ўрнимиздан турдик.

1825 йилнинг 24 феввали, пайшанба

— Агар илгаригидек театрнинг хўжайини бўлганимда эди, — деди Гёте шу кеч, — Байроннинг «Венеция дожи»²ни сахналаштирган бўлардим. Тўғри, пьеса анча узун, уни қисқартирса бўлади, фақат ҳеч нарсани кесиб, ўчириб ташламасдан, ҳар бир кўринишнинг мазмунини бироз қисқароқ баён қилиш керак. Шу тариқа пьеса ўзгартиришлардан ҳеч бир зарар кўрмай ихчамлашган ва ўз фазилатларидан маҳрум бўлмаган ҳолда таъсир кучи янада ошган бўларди.

Гётенинг бу фикридан мен театрга алоқадор юзлаб бундай ҳолатларда қандай йўл тутиш кераклигини дарҳол тушуниб етдим, бироқ табиийки, бундай муҳим вазифани ўта зукко ҳамда шоирлик салоҳиятига эга бўлган, шу соҳани тушунадиган кишигина ўз зиммасига олиши мумкин эди.

Биз лорд Байрон ҳақидаги суҳбатимизни давом эттирдик, мен унинг Медвин билан қилган суҳбатида, театр учун пьеса

¹ «Рамонинг жияни» француз файласуфи, комусчиси Дидро Дени (1713–1784) асари, Гёте уни олмон тилига таржима қилган.

² Дожи — XVIII асрдан илгариги Венеция ва Генуяда республика бошлиғининг унвони.

ёзишдан ҳам кўра қийин ва меҳнат қилишга арзимайдиган иш йўқлигини айтганини эсга олдим.

— Ҳамма нарса, — деди Гёте, — ижодкор томошабиннинг диди ва қизиқишларига мос келадиган йўлни топа оладими-йўқми, шунга боғлиқ. Агар ёзувчининг йўналиши томошабинники билан уйғун бўлса, ҳамма иш жойида. Ҳувалд «Сурат» асарида шу йўлни топиб олган, унинг ҳаммага манзурлиги ҳам шундан. Лорд Байроннинг иши юришмагани шундаки, у томошабин билан бир йўналишга тушолмади. Бу ерда гап шоирнинг нечорлик улувлигига боғлиқ эмас, томошабиннинг умумий мавқеидан юқорилаб кетмайдиган қаламкашгина унинг эътирофига сазовор бўлади.

Лорд Байрон ҳақидаги гурунгимиз давомида Гёте унинг фавқулодда истеъдодидан ҳайратланиб ўтирди.

— Мен ижодкорлик деб атайдиган нарсани, — деди у, — дунёдаги бирор одамда бу даражада учратмаганман. Унинг драматик тугунларни ечиш усули ҳамиша ўзига хос ва кутганимиздан ҳам ортиқ бўлади.

— Мени Шекспир шундай ҳайратга солади, — дедим мен, — айниқса ўз ёлғонлари тўрига ўралашиб қолган Фельстафни айтмайсизми, ҳамиша ўз-ўзимга: бу аҳволдан қутқазиш учун уни қандай йўлга бошқарган бўлардим, дея савол бераман, Шекспир бўлса, қойилмақом қилиб бунинг йўлини топган. Сизнинг лорд Байрон ҳақида айтган гапларингиз, эҳтимол, унинг шаънига айтилган энг юксак мақтовлардир. Ҳар ҳолда, — давом этдим мен, — асарнинг боши ва охирини аниқ биладиган шоир қизиқувчан китобхонни ўз орқасидан эргаштира олади.

Гёте гапимни маъқуллади, кейин лорд Байрон устидан кулди, ҳаётда ҳеч нарсани писанд қилмайдиган, ҳеч қанақа қонун-понунга бўйсунмайдиган одам охир-оқибат учта бирлик ҳақидаги энг аҳмоқона қонун ҳукмига тушиб қолди.

— Бошқа қонунлар сингари, — деди Гёте, — бу қонуннинг моҳиятини ҳам у тушунмайди. Унинг моҳияти — таъсир кучидадир, учта бирликнинг аҳамияти шундаки, ўша таъсир шу бирлик орқали амалга ошади. Агар учта бирлик таъсир кучига халакит берса, унда уларга қонун сифатида қараш ва бўйсунуш ақлга тўғри келмайди. Ҳатто шу қонунни ўйлаб топган юнонларнинг ўзлари ҳам ҳар доим унга риоя қилишавермаган. Эврипид¹нинг «Файтон»ида ва бошқа пье-

¹ Эврипид (мл.авв. 480–407 йй.) — қадимги юнон фожианависи. «Файтон» унинг фожиаларидан бири.

саларда иш-ҳаракат ўрни ўзгариб туради, бундан чиқадиган хулоса шуки, улар учун унча аҳамиятли бўлмаган қонунга кўр-кўрона бўйсуннишдан кўра асар ғоясини муносиб тарзда юзага чиқариш муҳим бўлган. Шекспир драмалари макон ва замон бирлигидан тамоман йироқ, лекин уларнинг таъсир кучи бекиёсдир, шу боисдан юнонлар ҳам уларни бенуксон ҳисоблашган. Француз шоирлари учта бирлик қонунига қатъий риоя қилишга уринганлари боис таъсир кучини пасайтириб юборишган, шу билан драматик ҳолатни драматик тарзда эмас, балки эпик тарзда ҳал қилишган.

Хаёлимга Хувалднинг «Душманлар» пьесаси келди, муаллиф ушбу драмада макон бирлигини сақлашга уриниб, кўп нарсани йўқотган, биринчи кўринишда таъсир кучи камайган ва умуман, арзимас бир нарсани деб пьесани катта таъсир кучидан маҳрум қилган, бунинг учун унга ҳеч ким раҳмат демайди. Шунда мен «Гец фон Берлихинген»ни эсладим, бу пьеса замон ва макон тушунчасидан тамоман йироқ, унда воқеалар бевосита кўз олдинда, ҳозирги замонда ривожланди, шундан бўлса керак, унинг драматик таъсир кучи билан дунёдаги бирорта нарса беллаша олмайди. Яна ўйладимки, асардаги воқеалар тор қамровли бўлиб, маълум муддат доирасида кўз олдимизда аниқ намоён бўлсагина макон ва замон бирлиги табиий бўла олади, шуниси борки, турли жойларда содир бўладиган ҳаракатларни бир жой билан чегаралашга асос йўқ, бунинг устига бизнинг давримизда сахна кўринишларни тез-тез ўзгартириб туришга мослашган.

Гёте лорд Байрон ҳақида сўзлашда давом этди.

— Тинимсиз чексизликка интилувчи унинг табиати учун, — деди у, — учта бирликка риоя қиламан, деб ўзини чегаралашлари фойдали бўлди. Ўзини маънавий-ахлоқий томондан ҳам чегаралаш қўлидан келса эди! Шу нарса қўлидан келмагани унинг инқирозига сабаб бўлди, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, у ўз-ўзини жиловлай олмаслиги туфайли ҳалокатга учради.

У ўзини ўзи англаб етмасди. Бугунги кун билан ёниб яшар, нима қилаётганини мулоҳаза ҳам қилиб ўтирмасди. У кўнгли нимани тусаса қилар, бошқаларга эса ҳеч нарсани раво кўрмас, шу тариқа ўз ҳаётини ўзи заҳарлаб, барчани ўзига душман қилиб қўйган эди. «English Bards and Scotch Reviewers»¹ асарининг бошидаёқ машҳур адабиётчиларни ҳақорат қилди.

¹ «Инглиз қўшиқчи-шоирлари ва шотланд шарҳловчилари» (ингл.) — Лорд Байрон асари.

Кейинчалик ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида бир қадам ортга чекинишга мажбур бўлди. Навбатдаги асарларида эса яна муросасиз ва такаббурлигича қолаверди, давлат ва черковга ҳам маломат ёвдирмай қолмади. Ана шундай кўпол қилмишлари туфайли уни Англиядан сургун қилишди, вақти келиб ҳатто Европадан чиқиб кетишга мажбур қилишди. У ҳеч қаерга сифмасди, мислсиз шахсий эркинликка қарамасдан ўз-ўзини таҳқирланган деб ҳисоблар, ёруғ олам унга қамокхонадек туюларди. Грецияга кетиб қолиши ҳам ихтиёрий қабул қилинган қарор бўлмай, бутун олам билан келиша олмаслик уни шунга олиб келган эди.

Мана шундай буюк инсонни руҳан ўлдирган нарса анъанавий, ватанпарварлик туйғуларидан воз кечиш эмас, балки ундаги инқилобий онг ҳамда шу билан боғлиқ доимий қалб кечинмалари худо юқтирган истеъдодини керакли даражага олиб чиқишига йўл бермади. Шу билан бирга, доимий мухолифат ва камситишлар ҳам унинг барча ажойиб асарларига беҳад катта зарар келтирди. Муаллифнинг ўқувчига етиб бораётган таҳқирланган иззат-нафсигина эмас, балки ҳамма нарсадан доимий қоникмаслик инкорни келтириб чиқаради, инкор эса, яхшиликка олиб бормайди. Агар мен ёмон нарсани ёмон деб атасам, бундан менга нима фойда? Аммо яхши нарсани ёмон дейиш, бу энди яхшиликка олиб бормайди. Бошқаларга ёқишни истаган одам ёмон сўзлар айтмаслиги, бировларнинг камчиликларига куйинмаслиги, ҳамиша яхши ишлар қилиши керак. Гап шундаки, одам бор нарсани йўқ қилмаслиги, балки инсониятга ҳақиқий қувонч ато этадиган нарсаларни яратмоғи лозим.

Мен бу мазмундор сўзларни ҳузур қилиб тингларканман, бундай бебаҳо ҳикматдан қалбим қувончга тўларди.

— Лорд Байронга, — сўзида давом этди у, — инсон, инглиз, буюк истеъдод эгаси сифатида муносабатда бўлмок керак, унинг яхши хислатлари инсонлигига, қилиқлари инглиз ва Англия пэри¹ эканлигига тегишли, унинг истеъдодини эса, ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Барча инглизларга мустақил фикрлаш хос эмас, парижонхотирлик ва партиявий руҳ уларга хотиржам ўз билимини ошириш имконини бермайди. Бироқ улар беҳад омилкор одамлар.

Лорд Байрон ўзи ҳақида ўйлаб кўришга фурсат тополмади, шунинг учун унинг ибратли фикрлари ҳам унчалик эъти-

¹ Пэр — Англия ва Францияда олий дворянлик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

борга лойиқ эмас, масалан: «Пулинг кўп бўлса ва устингдан ҳеч ким ҳукм юргизмас!» деган гапини олайлик, ахир кўп бойлик ҳокимиятни ҳам издан чиқаради.

Лекин у нима яратган бўлса, ҳаммаси бекаму кўст, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ундаги илҳом ҳикматлари ўрнини босиб кетади. У ҳамиша ижод завқи билан яшади, у нима яратган бўлса, унинг қалбидан нима чиққан бўлса, ҳаммаси ажойиб.

Байрон буюк ҳамда туғма талант эгаси, назаримда бирор кишида ижодий қудрат шундай қувват билан юзага чиққан эмас. Дунёни идрок этишдаги ва ўтган воқеа-ҳодисаларни аниқ тасаввур қилишдаги салоҳияти Шекспир билан тенг деса бўлади. Бироқ Шекспир шахс сифатида ундан устун. Байрон, шубҳасиз, буни сезарди, шу боисдан у Шекспир ҳақида кам гапирарди, ваҳоланки у Шекспирдан бутун-бутун парчаларни ёд биларди. Байрон ундан жон деб юз ўгирган бўларди, негаки Шекспирдаги қувноқлик унинг йўлини тўсар ва у бу қувноқликка қарши ҳеч нарса қилолмасди. У попни қораламасди, негаки ундан кўрқишга ҳожат йўқ эди. Аксинча, у ҳақда кўп гапирар ва гарчи попнинг арзимас нусха эканлигини билса-да, кўлидан келганча унинг иззат-ҳурматини жойига қўярди.

Гёте Байрон ҳақида сўзлашдан чарчамас, мен бўлсам унинг сўзларини эшитиб тўймасдим. Бир муддат мавзудан чалғигач, у тагин сўзида давом этди:

— Англия пэри деган юқори мансаб Байронга салбий таъсир кўрсатган эди, ташқи дунё ҳар қандай талантли инсонни, айниқса, шундай асл зот ва бой-бадавлат одамни бўғади. Ўрта табақага мансублик талантли одам учун фойдали, шу боисдан барча буюк рассомлар ва шоирлар ўрта табақадан келиб чиқишган. Агар Байрон аслзодалар доирасига мансуб бўлмаганида ва бойлиги ўртача бўлганида эди, ундаги чексизликка интилиш ҳар қалай унинг учун бу қадар хавфли бўлмасди. Кучим етади, деб у ўзидаги ҳар қандай истакни рўёбга чиқаришга интилиб, ҳар қадамда кўнгилсиз воқеаларга дуч келаверди. Ахир қандай қилиб олий табақадан чиққан одам шунақа олий зот родини ўйнаши, бошқаларни ҳурмат қилаётгандек ўзини тутиши мумкин? У кўнгилдан нима кечса, шуни тилига чиқарди, айти мана шу туфайли у ҳаётда ечиб бўлмас ихтилофларга дуч келди.

— Шундай машхур ва бой-бадавлат инглиз, — сўзида давом этди Гёте, — ҳаётининг асосий қисмини ўғирликлар ва дуэлларга сарф қилганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Лорд

Байроннинг ўзи отаси учта аёлни олиб қочгани ҳақида айтиб берган. Лоақал ўзинг ақлли ўғил бўлгин ахир!

Аслини олганда, у қандай хоҳласа, шундай яшади, натижада мудом хавф-хатарга қарши сергак туришга мажбур бўлди, яъни кўлида пистолети тайёр турарди. Ҳар дақиқада дуэлга чақириб қолишларини кутиб яшади.

У ёлғиз ўзи яшаёлмасди. Шу сабабли ажабтовур феъл-атворига қарамасдан, атрофига ўзига тенг одамларни тўплашга интилмасди. Бир куни кечқурун генерал Мурнинг вафотига баришланган ажойиб шеърини ўқиб берди, унинг олий зот дўстлари бўлса шеърнинг моҳиятига тушуниб етишмади. Бу ҳолат унга таъсир ҳам қилмади, шеърини чўнтагига солиб кўяқолди. Шоир сифатида у беҳад оддий эди, ўрнида бошқа одам бўлганда, ўшаларга яхшилаб жавоб қайтарган бўларди!

1825 йилнинг 20 апрели, чоршанба (19 апрель, сешанба)

Бугун кечқурун Гёте менга бир талабанинг хатини кўрсатди, унда «Фауст»нинг иккинчи қисми режасини сўраган, уни ўзича ниҳоясига етказиш истагида эканлигини билдирган эди. У ўз орзу-истакларини лўнда, содда, очиқ-ойдин изҳор қилар экан, охирида ҳеч бир тортинмасдан, гарчи ҳозирги адабий интилишлар ҳеч нарсага арзимаса-да, бироқ янги адабиёт ҳадемай юқори поғоналарга кўтарилишини кўшиб кўйган эди.

Бордию менга Наполеоннинг босқинчиликларини давом эттиришни истаб қолган ёш йигитчани, ёки бўлмаса Кёльн қурилишини тугаллашга бел боғлаган ёш дилетант-меъморни учратиб қолсам, мен уларни «Фауст»ни ёзиб тугатиш истагида ёниб юрган, шеърятнинг манави ошиғидан кўра телбарок ва кулгилироқ деб ҳисобламаган бўлардим.

Ҳа, Гётега хос руҳда «Фауст»ни давом эттиришдан кўра Кёльн соборини қуриб битириш осонроқ, шубҳасиз! Чунки собор қурилишида математик ҳисоб-китоблар кўмакка келиши мумкин, у кўз олдимизда турипти, уни қўл билан ушлаб кўриш мумкин. Аммо кўзга кўринмас руҳий оламга тегишли асарга қайси ўлчовлар билан ёндошилади, ахир у ижодкорнинг руҳиятига, ундаги ҳамма нарса *aperçu*¹га боғлиқ бўлиб, инсоннинг бутун умри унинг материали бўлиб хизмат қилмайдими, йиллар давомида қўлга киритилган маҳорат эвазига амалга ошмайдими?

¹ *Aperçu* (фр.) – фикр, мулоҳаза, тафаккур.

Бундай уриниш осон, жуда бўлмаганда мумкин, деб хаёл қилган киши заррача салоҳиятга эга эмас, албатта, негаки машаққатли ва юксак ижод ҳақида унда ҳеч қандай тушунча йўқ, ишончим комилки, агар Гёте «Фауст»ни ўзи ёзиб тугатса-ю, бир неча сатр шеърни ташлаб кетса, мана шу йигитча ҳатто шу мисралар ўрнини талаб даражасида тўлдиролмаган бўларди.

Нима учун ҳозирги ёшларимиз, бошқалар шу пайтгача узок йиллик меҳнат ва тажриба асосида эришган ютуқлар бизга табиат томонидан тайёр ҳолда берилган, деган фикрда эканликларини таҳлил қилиб ўтирмоқчи эмасман, бироқ бир нарсани таъкидламоқчиманки, ҳозирги пайтда Германияда ҳукм сураётган ҳолат — аста-секинлик билан таракқий этишнинг барча босқичларини бирданига босиб ўтиш келажакда чуқур мазмунли асарлар яратилишига мутлақо умид қолдирмайди.

— Ачинарли жойи шундаки, — деди Гёте, — бу давлатда ҳеч ким ҳаётдан лаззатланишни, шодланишни истамайди, ҳамма бошқаришни истайди, санъатда эса, ҳеч ким яратилган асарларни кўриб қувонишни эмас, балки ўзи янгиларини яратишни хоҳлайди. Шунингдек, ҳеч ким поэтик асар унинг ҳаёт йўлида йўлдош бўлиши мумкинлигини эмас, балки ҳар бири яратилган нарсани янгидан такрор яратишни ўйлайди.

Бундан ташқари, ҳозир умум манфаатига жиддий муносабат, кўпчилик учун нимадир қилиш истаги сезилмайди. Аксинча, ҳар ким ўзини кўз-кўз қилишга, ҳаётда иложи борича кўзга кўринган мавқени эгаллашга интилади. Бунақа сохта интилиш ҳамма ерда кўзга ташланмоқда, гўё ҳамма мусиқа асарларини тингловчига роҳат бағишлаш учун ижро этишни ўйламайди, балки ижро техникасини пухта эгаллаганини намойиш қилишга ишқивоз бўлган талантга тақлид қилмоқчига ўхшайди. Ҳамма жойда индивидуум ўз улуғворлигини кўрсатишга уринади, ҳеч қаерда кўпчиликнинг фойдаси учун астойдил интилиб, ўз «мен»ини четга тортган одамни кўрмайсан киши. Бундан келиб чиқадики, одамлар ўзлари сезмаган ҳолда бир пулга арзимайдиган натижаларга эришишади. Болалар шеър ёзишади, ёзишда давом этаверишади, йигит бўлишганда қўлларидан нимадир келишига ишонишади, катта ёшга етишгандагина гўзал нарсаларнинг фаҳмига етиб, ҳеч кимга мутлақо керак бўлмайдиган, фойдасиз ишларга сарф бўлган йилларга назар ташлаб даҳшатга тушишади.

Ҳа, кўпчилик мукамал нарсаларни, шу билан бирга, ўзининг уқувсизлигини ҳам англаб етишга қодир эмас, шу

боисдан улар умр бўйи қандайдир чала ишларни қилиб юришади.

Шубҳасиз, ҳар бир киши дунёда қанчалик гўзал ва бетакрор қилиб яратилган санъат асарлари мавжудлигини ўз вақтида англаб етолганда, бундай асарларга тенг келадиган бирор нарса яратмоқ учун қандай фазилатларга эга бўлиш лозимлигини билганида эди, ҳозирги шеър ёзаётган юзлаб ёшлар орасидан лоақал биттаси ўшандай мукамалликка аста-секин етиб бориш учун ўзида етарли талант, жасорат, сабр-тоқатни ҳис этса эди.

Агар Рафаэль¹дек моҳир рассом нималарни яратганини ўз вақтида билиб, англаб етишганда эди, айрим ёш мусаввирлар ҳеч қачон қўлларига мўйқалам ушламаган бўлишарди.

Шундан сўнг суҳбат мавзуси умуман сохта майлларга бурилди, Гёте давом этди:

— Мана, масалан, менинг тасвирий санъатга бўлган амалий интилишим сохта мойиллик бўлиб, менда унга нисбатан туғма қобилият йўқ эди, чунки мен бундай қобилиятни ўзимда ривожлантира олмадим. Тўғри, мен табиатдаги гўзал манзараларни нозик ҳис эта олардим, шунданми, бу соҳадаги дастлабки уринишларим ёмон чиқмаганди. Италияга саёҳат пейзажга бўлган қизиқишимни сўндирди, унинг ўрнини кенг манзара эгаллади, мендаги нозик қобилият ҳам йўқ бўлди, шу билан рассомлик талантим на техник, на эстетик томондан тараққий этолмади, охир-оқибат бутун ҳаракатларим беҳуда кетди.

— Одамлардаги салоҳиятни биргаликда ривожлантириш ўта маъқул иш бўларди, деган фикр тўғри, — дея сўзида давом этди Гёте, — лекин одам боласи табиатан бундай эмас, ҳар бир шахс ўзича, якка ҳолда шаклланиши, шу билан бирга, кўпчиликнинг биргаликдаги ҳаракати нималарга қодирлигини ҳам эсдан чиқармаслиги керак.

Шунда мен «Вильхельм Мейстер»ни эсладим, у ерда ҳам ҳамма одамлар биргаликда инсониятни ташкил этиши ҳамда одамлар кўпчиликнинг қадрига етолганлари учунгина ҳурматга лойиқ эканликлари ҳақида ёзилган.

Шунингдек, «Жаҳонгашталиқ йиллари» ҳам ёдимга тушди, у ерда Монтан фақат битта ҳунар билан шуғулланишга чақиради, ҳозир бир томонламалиқ даври эканлигини, шу нарсани тушуниб етган ва буни ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам сингдира олган кишинигина бахтли деб ҳисоблаш мумкин, дейди.

¹ Рафаэль Санти (1483–1520) — италиялик рассом ва меъмор.

Савол туфилади: бу қандай ҳунар эканки, ҳунарманд унинг чегарасидан ташқарига ҳам чиқмасин, оз нарса билан чегараланиб ҳам қолмасин.

Кимнинг гарданига кўплаб машғулотларни кузатиш, уларга баҳо бериш, бошқариш тушган бўлса, у имконияти етганча ўша машғулотларнинг моҳиятига етишга ҳаракат қилиши керак, шунга кўра бирорта князь ёки бўлғуси давлат арбоби ҳар томонлама етук билимга эга бўлмоғи лозим, негаки унинг машғулотли шуни талаб қилади.

Шунга ўхшаб шоир ҳам кенг қамровли билим эгаси бўлишга интилиши зарур, чунки унинг материали бутун олам, ана шу оламни сўзларда ифода этишнинг уддасидан чиқмоғи керак. Бироқ шоир рассом бўлишга интилмаслиги, балки оламни сўзлар ёрдамида тасвир этиши, шу йўл билан актёрга оламни янги бадиий шаклда ифода этишга имкон яратиши лозим.

Ҳаёт моҳиятига етиш билан кундалик фаолият ўртасида катта фарқ бор, шуни ҳам ёдда тутиш керакки, ҳар қандай санъат, уни амалга ошириш ҳақида гап борар экан, қандайдир беҳад мушкул ва беҳад улуғ ишдир, уни чинакам маҳорат босқичига етказиш учун бутун умрни сарфлашга тўғри келади.

Гёте ҳаёт моҳиятига ҳар томонлама етишга интилиб яшади, лекин у ўз фаолиятида фақат битта санъатда муқим қолди, яъни ўз она тилида ёзиш санъатини моҳирона эгаллади. У ёзиш давомида қўллаган материалнинг кенг қамровли эканлиги, бу энди бошқа масала. Инчунин, ижод жараёнига киришга тайёрланишни кундалик фаолиятдан фарқламоқ лозим.

Шоир ижод жараёнига тайёрланганда ташқи оламдаги нарса-ҳодисаларни ҳар томонлама кузатиб, моҳиятига етади. Бинобарин, Гёте тасвирий санъатдаги ўз амалий машғулотларини кундалик фаолиятига киритишни истаса-да, аммо уларни сохта интилиш деб атади, шунга қарамай бу машғулотлар унинг шоир сифатидаги ижодига яхшигина тайёргарлик босқичи бўлди.

— Шеърларимнинг воқеийлиги, — деди Гёте, — беҳад кузатувчанлигим ҳамда кўз билан машқ қилишим, шунингдек, шу йўл билан орттирган билимларимнинг кадрига етганлигим туфайлидир.

Бироқ ижод жараёнига тайёрланиш чегарасини беҳад кенгайтиришдан тийилмоқ лозим.

— Табиатшунослар, — деди Гёте, — айнан мана шунга кўп эътибор қаратишади, негаки табиатни кузатиш ростдан ҳам кўп томонлама гармоник тайёргарликни талаб қилади. Аксинча, аниқ бир соҳага тегишли билимларни эгаллаш ҳақида гап кетганда, чегараланиш ва бирёқламалиқдан сақланган маъқул.

Театр учун ёзадиган шоир сахна ҳақида билимга эга бўлиши, умуман олганда, ўз ихтиёридаги воситаларни ақл тарозисида ўлчаб, нималардан фойдаланишу нималарни четга суриб қўйишни билиши лозим, шунингдек, опера ёзадиган композитор ҳам поэзия ҳақида тасаввурга эга бўлиши, яхши нарсани ёмондан фарқлай олиши керакки, акс холда унинг санъати уч пулга арзимас бир нарсага айланиб қолади.

— Карл Мария фон Вебер¹, — деди Гёте, — «Евранте»га мусиқа басталамаслиги керак эди, у бунинг мазмунан саёз материал эканлигини, бундан арзигулик бирор нарса чиқмаслигини тушуниб етиши керак эди. Санъатга тааллуқли бўлган бундай талабни биз ҳар қандай бастакор олдига қўйишимиз мумкин. Худди шунга ўхшаб, рассом ҳам ўз соҳасига тегишли нарсаларни фарқлаши, нимани чизишни ёки нимани чизмасликни билиши талаб қилинади.

— Умуман олганда, — деди Гёте, — ўзини тия билиш ва чеклаш ҳам улуғ бир санъат.

Унинг ёнида бўлган бутун давр мобайнида турли-туман соҳаларга ўзимни уришдан асраб, диққатимни фақат битта соҳага қаратишимни талаб қиларди. Менда табиатшуносликни ўрганишга озгина бўлса-да қизиқишни сезган заҳоти, мени бу йўлдан қайтишга ва бутун фикру зикримни шеърятга қаратишга ундарди. Бордию менинг бирор китобни ўқиётганимни, унинг фикрича, бу китобнинг менинг ҳозир танлаган йўлимда бирон-бир фойдаси тегмаслигини билиб қолса, ўқишни ман қилар ва бунинг менга ҳеч қандай амалий фойдаси йўқлигини уқтирарди.

— Энг асосий машғулотимга тегишли бўлмаган соҳаларга, — деди Гёте бир куни, — жуда кўп вақтимни сарфладим. Лопе де Вега² амалга оширган ишлар ҳақида ўйласам, ўз шеърый асарларим сони менга жуда кам кўринади. Мен фақат шу соҳага диққатимни қаратишим зарур эди.

— Агар мен тошлар билан камроқ шуғулланганимда, — деди бошқа бир куни, — ихтиёримдаги вақтдан яхшироқ фойдаланганимда эди, ҳозир менда энг гўзал олмос тақинчоқлар бўларди.

Шу боисдан у дўсти Мейерни беҳад кадрлар ва кўкларга кўтарарди, чунки Мейер бутун умрини санъатни ўрганишга сарфлади ва бу йўлда бекиёс билимга эга бўлди.

¹ Карл Мария фон Вебер (1786–1826) — олмон композитори.

² Лопе де Вега (1562–1635) — Уйғониш даври испан драматурги.

— Мен ҳам санъат билан жуда эрта шуғуллана бошладим, — деди Гёте, — деярли ярим умримни санъат асарларини кузатиш ва ўрганишга бағишладим, бироқ нималардадир Мейер даражасига етолмадим. Шу боисдан бирор янги чизган асаримни дўстимга дарҳол кўрсатишдан тийиламан, аввало ўзим уни кўриб, кузатиш қобилиятимни синовдан ўтказаман. Унинг ютуқ ва камчиликлари нимада эканлиги ўзимга аён бўлгандан кейингина уни Мейерга кўрсатаман, унинг назари меникига нисбатан ўткирроқ ва у асарнинг бутунлай янги қирраларини оча биледи. Мен ҳар гал у айтган гаплардан бир соҳанинг етук билимдони бўлиш учун нималар зарур бўлишини ўзим учун кашф қиламан. Назаримда Мейерда санъатни тушунишнинг бутун бир мингйиллик тажрибаси тўпланганга ўхшайди.

Шунда беихтиёр савол туғилади: нега Гёте, одам ҳамиша аниқ бир соҳа билан шуғулланиши керак, деб таъкидлагани ҳолда ўзи умрини хилма-хил йўналишларга бағишлади?

Бу саволга жавоб шуки, агар Гёте ҳозирги пайтда дунёга келганида ва миллатининг поэтик ва илмий салоҳияти, асосан, у туфайли шу даражага етганини кўриб, эҳтимол ўзини гоҳ у, гоҳ бу йўналишга урмаган ва шубҳасиз, битта жабҳа билан чекланган бўларди.

Барча соҳаларни ўрганиш, ёруғ олам сир-асрорларининг тубига етиш унинг табиатигагина хос нарса эмас, балки бу бутун ўрганган нарсалари ҳақида ҳисоб беришни ўша давр талаб қиларди.

У бу дунёга келибок ўзига иккита нарсани мерос қилиб олган эди: хатолик ва кучсизлик унинг чекига тушдики, уларни бартараф қилиш учун у бир умр меҳнат қилди.

Ньютон назарияси Гётега инсоният онги учун хавфли ва зарарли хатолик бўлиб туюлмаганида эди, «Ранглар ҳақидаги таълимот»¹ни яратиш учун кўп йиллар заҳмат чекиш унинг хаёлига келармиди дейсиз? Мутлақо! Фақат хатоликка қарши унинг қалбида уйғонган ҳақиқатпарастлик туйғусигина ўзининг ёрқин нури билан ана шу зулматни ёритишга ундади.

Худди шу фикрни унинг метаморфоза ҳақидаги таълимоти² хусусида ҳам айтиш мумкинки, бунда ҳам мавзунинг

¹ Гётенинг ранглар ҳақидаги назарияси жамланган асари.

² Метаморфоза (турларнинг пайдо бўлиши) ҳақидаги табиатшуносликка оид таълимотида Гёте табиатда ўсимлик ва ҳайвонларнинг оддийдан тортиб мураккабгача бўлган тараккиёт босқичларини «Ўсимликлар метаморфозаси», «Ҳайвонлар метаморфозаси» асарларида шеърий йўл билан баён этган.

илмий жиҳатдан ишлаб чиқилганлиги учун ундан миннатдор бўлишимиз керак, агар у замондошларининг шу мақсад йўлидаги ҳаракатларини сезганида эди, шубҳасиз, бу ҳақда асар ёзиш Гётенинг тушига ҳам кирмаган бўларди.

Ҳатто унинг кўп қиррали поэтик ижоди ҳақида ҳам шуни айтса бўлади. Ўйлаб қоласан киши, бордию унинг миллати «Вильхельм Мейстер»га ўхшаш асарга эга бўлганида эди, Гёте роман ёзармиди? Шубҳа йўқки, бундай ҳолда у албатта бор эътиборини драматик поэзияга қаратган бўларди.

Айтайлик, у бутун фикрини ягона бир йўналишга қаратса, нима яратган бўларди, буни тасаввур этиш қийин, иккинчи томондан, унинг бутун ижодига назар ташлаганда, Тангри Гётега белгилаб берган асарларнинг ёзилмай қолишини бирор-та ҳам оқил одам истамаган бўларди.

1825 йилнинг 12 майи, пайшанба

Гёте Менандр¹ ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

— Софоклдан бошқа, — деди у, — мен учун кадрли бўлган бирор одамни билмайман. Унинг зуваласи поклик, аслик, улуғлик ва хушчақчақлик лойидан олинган, шеърияти ғоятда жозибадор. Афсуски, ундан бизга жуда оз нарса мерос қолган, шу ози ҳам бебаҳо, иқтидорли кишилар ундан кўп нарса ўрганишса бўлади.

— Биз кимдандир бирор нарса ўрганадиган бўлсак, — давом этди Гёте, — ўша одам бизнинг табиатимизга мос келиши керак. Масалан, Калдеронни олайлик, гарчи мен унинг буюклигига чинакам тан берсам-да, у на яхши, на ёмон томондан менга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган. Шиллер учун у хавfli бўлиши мумкин эди, у Шиллерни йўлдан урган бўларди. Унинг Шиллер вафотидан кейин Германияда намоёнишкорона пайдо бўлгани яхши бўлди. Калдерон адабий ва сахна техникасида беҳад буюк эди, Шиллер бўлса, аксинча, тиришқоқлиги, жиддийлиги ҳамда интилишларининг улуғлиги билан ундан юқори эди, агар у бошқа жиҳатлардан Калдерон даражасига етмай туриб ўша фазилатларининг бир қисмидан воз кечса, ўта ачинарли ҳолат юз берган бўларди.

Гурунг мавзуси Мольер²га кўчди.

— Мольер шу қадар буюкки, — деди Гёте, — уни ҳар гал қайта ўқиганингда янгидан ҳайратга тушаверасан.

¹ Менандр (мил.авв. 342–291 йй.) — қадимги юнон шоири.

² Мольер Жан-Батист Поклен (1622–1673) — француз драматурги. «Хасис» унинг қаламига машуб фожиалардан бири.

У ўзига хос инсон, унинг пьесалари нукул фожиа, улар шу даражада даҳшатлики, ҳеч ким уларга тақлид қилиб ёзишга журъат этолмайди. Унинг «Хасис» фожиасида бузуклик ота ва ўғил ўртасидаги хурмат-эҳтиромни йўққа чиқаради, бу чинакам буюк ва ҳақиқий маънода фожеий асар. Биздаги немисча таржимасида ўғил қариндошга айлантирилган, бунда асар ўз қимматидан мосуво бўлиб, мазмунан саёзлашган. Бизникилар бузукликнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлашдан кўрқишади, унда асардан нима қолади, чидаб бўлмас нарсдан ҳам кўра фожиалироқ нима бор ўзи?

Мен ҳар йили Мольернинг бир нечталаб пьесаларини ўқийман, худди шундай вақти-вақти билан буюк италян расомлари асосидаги гравюраларни ҳам томоша қилиб тураман. Биз кичкина одамлармиз, бундай ижод маҳсулларининг буюклигини ўзимизда узоқ вақт сақлашга қодир эмасмиз, улардан олган таассуротларимизни янгилаш мақсадида баъзан уларга қайтиб туришимиз лозим.

Мудом оригиналлик ҳақида гапиришади, бу ўзи нима дегани! Туғилганимиз заҳоти ёруғ олам бизга ўз таъсирини ўтказа бошлайди ва бу то умримиз поёнига етгунча давом этаверади. Умуман олганда биз энергия, куч-қувват, иродадан ўзга нимани ўзимизники дея оламиз? Агар мен барча буюк ўтмишдошлар ва замондошларим олдида нималарда бурчли эканлигимни санайдиган бўлсам, ўзимдан деяри хеч нарса қолмайди.

Шунга кўра умримизнинг қайси даврида бизга у ёки бу буюк шахс ўз таъсирини кўрсатишига мутлақо бефарқ эмасмиз. Лессинг, Винкельман ва Кант мендан катта эдилар, олдинги иккитаси ёш пайтимда, охиргиси кексалигимда таъсир кўрсатганлари мен учун катта аҳамият касб этади.

Мана, Шиллерни олайлик, у анча ёш эди, умрининг айни гуллаган човида, мен эса ҳаётдан чарчай бошлаганимда менга дуч келди, шунингдек, ака-ука Хумбольдлар ҳамда Шлегель ҳам менинг кўз олдимда фаолиятларини бошлаганлари беҳад муҳим эди. Шунданми, менга беқиёс устунликлар насиб этди.

Буюк шахсларнинг унга ўтказган таъсири ҳақида фикрларини изҳор қилгач, мавзу унинг бошқаларга ўтказган таъсирига кўчди ва мен Бюргер'ни эслатдим, шундай улкан, ўзига хос истисодод эгасининг ижодида Гётенинг таъсири кўринмагани менга ғалати туюларди.

¹ Бюргер Готфрид Август (1747--1794) – олмон ёзувчиси. 1777 йилда босилган «Фрау Шниппс», «Ленора» сингари шеърлар муаллифи.

— Бюргернинг истеъдоди, — деди Гёте, — ҳар ҳолда меникига ўхшайди, бироқ ундаги маънавий маданиятнинг дарахти бутунлай ўзга заминда томир ёзди ва ўзга йўналишда камолга етди. Ахир ҳар бир киши дастлаб қадам қўйган йўл бўйлаб савиясини ошириб боради-да. Ўттиз ёшида «Фрау Шнипс» сингари шеър ёзган одамнинг меникидан бирмунча фарқ қиладиган йўлдан борганлиги шубҳасиз. Шу билан бирга, у улкан таланти эвазига кўп сонли мухлисларни ўзига жалб эта олган, унинг ижоди мухлисларни қониқтирарди, шу босидан бўлса керак рақибининг фазилатлари уни қизиқтирмас, бунга у парво ҳам қилмасди. Умуман олганда, — сўзида давом этди Гёте, — одам ўзи ёқтирган кишилардан ўрганади. Ўсиб келаётган ёш истеъдодлар орасида менга нисбатан ҳистуйғуда бўлганлари ҳам бор, аммо ўз тенгдошларим орасида бундайларни кам учратаман. Ҳар ҳолда мени ёқтирадиган бирорта ҳам обрўли одамнинг номини айтолмайман. Улар менинг «Вертер»имни шу даражада савалашдики, агар улар танқид қилган ўринларни олиб ташлайдиган бўлсам, китобдан бирор сатр ҳам қолмасди. Қолаверса, ҳеч қандай танқид менинг кайфиятимга таъсир қилмади, негаки бунақа субъектив қарашлар, ҳатто машҳур кишиларники бўлса-да, умумэътирофи буларни босиб кетди. Миллионлаб ўқувчилари бўлишига ишонмайдиган одам яхшиси ёзмай қўяқолгани маъқул.

Мана, йигирма йилдан бери мухлислар бахслашишади: Шиллер буюкроқми ёки менми, аслида улар баҳс бойлашга арзигулик иккита йигит борлигидан қувонишса яхши бўларди.

1825 йилнинг 11 июни, шанба

Бугун тушлик пайтида Гёте майор Пэрри'нинг лорд Байронга бағишланган китоби ҳақида анча гапирди. У китобни роса мақтади, айтдики, Пэрри лорд Байронни беҳад мукамал, беҳад ёрқин тасвирлаган, бундан олдин у ҳақда ёзилган фикрлардан кўра бу анча юқори туради.

Майор Пэрри, — сўзида давом этди Гёте, — афтидан ўзи ҳам билимдон, дунёқараши кенг киши бўлса керакки, дўстининг тимсолини шундай тоза ҳолда англаб стиб, шундай тўлақонли тасвирлашга муваффақ бўлган. Китобдаги битта тасвир менга айниқса маъқул бўлди, нақ кўнглимдаги гапни

¹ *Пэрри Уильям* майор, лорд Байроннинг дўсти. Унинг «Лорд Байроннинг сўнги кунлари» номли китоби кўзда тутилган, китоб 1828 йилда босилиб чиққан.

айтган, бу қадимги юнонга ҳам, ҳатто Плутархга ҳам муносиб гап: «Аслзодаларга, — деб ёзади Пэрри, — ўрта табақага хос бўлган фазилатлар етишмас эди, у буларга ўзининг дунёга келиши, олган тарбияси ва ҳаёт тарзи туфайли эриша олмади. Бирок унинг ўша табақага мансуб айрим ғийбатчилари ўзларида мавжуд бўлган, беҳад қадрлашадиган хислатлар унда йўқлигини афсус билан таъкидлашади. Бу азаматлар билмайдиларки, лорд Байрон юксак мавқеда туриб улкан хизматлар қилган, бу уларнинг ҳатто тушларига ҳам кириб чиқмайди».

— Хўш, бу гапга нима дейсиз? — деди Гёте, — бунақасини ҳар куни ҳам эшитавермайди киши, тўғрими?

— Шундай фикрнинг очиқчасига айтилганидан хурсандман, — дедим мен, — бу юксак мартабали кишини ғийбат қилувчи ҳар хил пасткашларнинг шохини қайириб, оғзини ёпиб қўяди.

Шундан сўнг биз шеъриятдаги жаҳон тарихига оид сюжетлар ҳақида, яъни масалан, бирор халқнинг тарихи шоирга бошқа халқниқига нисбатан қай даражада имкон яратиши мумкинлиги ҳақида гурунглашдик.

— Шоир, — деди Гёте, — муҳим нарсани илғаб олиши керак, агар шу нарса соғлом асосга эга бўлса, шу асосда умумийликни тасвирлаши лозим. Англия тарихи поэтик ижод учун хийла қулай, соғлом, шунданми, унда такрорланиб турадиган умумийлик бор. Франция тарихи, аксинча, шеърий тасвирга ярамайди, негаки у ортиқ такрорланмайдиган даврни ўз ичига олади. Шу даврда дунёга келган француз адабиёти бошқа даврдагилардан ажралиб туради ва вақт ўтиши билан эскиради.

— Француз адабиётининг ҳозирги даврига, — деди Гёте кейинроқ, — баҳо бериш қийин. Немисларнинг таъсири француз адабиёти учун ачитқи вазифасини бажарди, бунинг қандай натижага олиб келиши энди йигирма йилдан кейин маълум бўлади.

Бу фикр суҳбат мавзусини шоир ва шеъриятнинг моҳиятини мавҳум таърифлар билан ёритишга уринувчи, аммо аниқ бир натижага эришолмаган эстетикларга бурди.

— Бунда ҳеч бир таърифнинг ҳожати йўқ, — деди Гёте, — борлиқни жонли ҳис этиш ва уни сўзда ифодалаш шоирни яратади.

1825 йилнинг 15 октябри, чоршанба

Бу кеч мен Гётени бошқача кўтаринки кайфиятда учратдим ва унинг оғзидан кўплаб аҳамиятга молик фикрларни

эшитиб кувондим. Биз ҳозирги адабиётнинг ахволи хақида гурунглашдик, бу ҳақда Гёте шундай деди:

— Айрим тадқиқотчи ва ёзувчи индивидлар характеридаги камчилик, — деди у, — ҳозирги адабиётдаги кусурнинг манбаидир. Энг ёмони, бу камчилик айниқса танқидда кўзга ташланмоқда, унда ё нотўғри нарсалар тўғри деб кўрсатилади, ёки бўлмаса, биз учун фойдалироқ бўлган катта нарсалар хаспўшлаб юборилади.

Ҳозирга қадар инсоният Лукреция¹нинг, Муций Сцевола²нинг қаҳрамонона руҳига ишониб келарди ва бу ишонч қалбларга илиқлик ва илҳом бағишларди. Энди бўлса, тарихий танқидчилик пайдо бўлиб уқдирмоқдаки, гўё бундай шахслар умуман мавжуд бўлмаган, улар бор-йўғи римликларнинг юксак ватанпарварлик хаёлларида туғилган сохталик, афсонадирлар. Бундай пуч ҳақиқатнинг бизга нима кераги бор? Агар бу тахлит ҳодисаларни ўйлаб топишга римликларнинг ақллари етган бўлса, унда бунга ишониш учун бизда ҳам ақл етарли бўлсин-да.

Шу пайтгача XIII асрга тегишли битта тарихий факт қалбимга кувонч бағишлаб келарди, ўшанда қирол Фридрих Иккинчи³ папа билан урушаётиб, шимолий Германияни ташқи душманлар ҳужумидан ҳимоясиз қолдирди. Шунда Осиё қўшинлари бемалол бостириб келиб, Силезияга кириб боришди, аммо Лигниц⁴ херцоги катта қалабани қўлга киритиб, уларни даҳшатга солди. Кейин осиеликлар Маравияга йўл олишди ва граф Штернберг⁵нинг зарбасига учрашди. Мана шу довжорак инсонлар шу боисдан ҳозиргача менинг қалбимда немис миллатининг халоскорлари сифатида яшаб келишарди. Мана энди тарихий танқидчиликда, улар бекорга қон тўкишган, Осиё қўшинлари аввалданок чақирилган ва барибир келишарди, деган фикр олға сурилмоқда. Шу билан ватан тарихига тегишли улкан ҳақиқат йўққа чиқарилди, бундан юрагинг зирқирамайдими, ахир.

¹ *Лукреция* — Римдан этрус қиролларининг қувиб чиқарилиши (мил. авв. VI асрнинг охири) хақидаги афсона қаҳрамони. Лукреция исми қадимда аёллар ифратининг тимсоли бўлган.

² *Сцевола Гай Муций* (мил. авв. VI аср) — антик давр ривоятларига қараганда, Рим ватанпарвари.

³ *Буюк Фридрих Иккинчи* (1194—1250) — Германия қироли ва Муқаддас Рим империяси императори.

⁴ Лигниц херцоги Хайнрих.

⁵ *Штернберг Каспар фон, граф* (1761—1838) — ботаник олим.

Тарихий танкидчилик ҳақида шу тахлит фикрларини изҳор қилгач, Гёте бошқа соҳа тадқиқотчилари ва адабиётчиларга тўхталди.

— Агар мен табиатшунослик соҳасида тадқиқотлар қилмаганимда эди, — деди у, — одамларнинг бу қадар майдакашликларини, улуғ мақсадларга бу қадар бепарқликларини ҳеч қачон билмаган бўлардим. Энди зеҳн солсам, илм кўпчилик учун бор-йўғи тирикчилик манбаи экан, бордию шундан қоринлари тўядиган бўлса, ўз хатоларини ҳам илоҳийлаштиришдан тоймайдилар.

Бадий адабиётда ҳам аҳвол яхши эмас. Бу жабҳада ҳам буюк мақсадлар, буларни кенг ёйишга интилиш, ҳақиқат учун чинакам қайғуриш, тиришқоқлик кам кўзга ташланади. Бири иккинчисини суяб, етаклайди, чинакам буюк нарсалар уларнинг ғашига тегади, улар ўзлари олдинга чиқиб олиш учун жон-жон деб буюк нарсаларни йўқ қилиб ташлаган бўлишарди. Деярли бутун омма шунақа, айрим буюк шахсларни кам одамлар ҳурмат қилади, ... ўзининг юксак истеъдоди, кенг қамровли билими билан миллати назарида кўкларга кўтарилиши мумкин эди, афсуски, феъл-атворининг сустлиги миллатни унинг фойдали таъсиридан, ўзини эса халқнинг ҳурмат-эътиборидан жудо қилди.

Бизга Лессингдек одам зарур. Унинг бор улуғлиги характерида, ирода кучида! Ақлли, билимли кишилар кўп. Аммо бундай характерга эгалари кам!

Оқил, доно кишилар тўлиб ётипти. Бироқ гоҳида шу даражада паст кетишадики, калтабин омманинг мақтовларига эришиш учун уятни ҳам, виждонни ҳам нутиб қўйишади, бундайлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ.

Шунга кўра, Вольтернинг кўпол эркин фикрлилигига қарши чиққан Женлис хоним ҳақ. Аслини олганда, ҳақиқатан ҳам унинг асарлари ҳар қанча ўткир фикрларга бой бўлсада, инсониятга ҳеч бир фойда келтирмади, уларнинг асосида ҳеч нарса тиклаб бўлмайди. Улар одамларга катта зарар келтирди, уларни йўлдан оздириб, рухий мувозанатдан маҳрум қилди. Сирасини айтганда, биз ниманиям биламиз, ўз ақлзаковатимиз билан қаергача борамиз!

Инсон зоти ҳаётини муаммоларни ҳал қилиш учун туғилмаган, балки ўша муаммоларни қандай ҳал қилиш йўллари кидириши, ўзининг ақли етган чегарада тўхташи лозим.

Ёруғ олам ҳодисотларининг миқёсини баҳолашга унинг куч-қудрати етмайди. Дунёга бирор оқилона ўзгартириш кири-

тишга интилиш унинг чегараланган дунёқараши олдида беҳуда уриниш бўларди. Биз инсонга эркинлик бердикми, демак, бу Тангрининг иродаси билан содир бўлади.

Бу сўзларни шунинг учун келтиряпманки, биз жуда кам нарсалардан воқифмиз ва Тангрининг сир-асрорларига тил теккизиш эса яхши эмас.

Юксак маъноли ҳикматларни тилга олишимиз шунинг учун зарурки, улар инсониятга фойда келтиради, қолганларини эса ичимизда сақлашимиз керак, бироқ улар булут остига яширинган қуёшнинг сокин нури янглиф ҳаёт йўлларимизни ёритиб туради.

1825 йилнинг 25 декабри, якшанба

Кечқурун соат олтида Гёте ҳузурига бордим, ёлғиз экан, у билан бир неча дилкаш соатларни ўтказдим.

— Кейинги пайтда миям тамоман банд эди, ҳар томондан менга шунчалик кўп яхшиликлар ёғилдики, миннатдорчилик билдираверишдан хотиржам яшашнинг иложи бўлмай қолди. Асарларимни нашр эттиришга имтиёзлар бериш ҳақида кетмакет турли саройлардан таклифлар келиб турипти, уларнинг ҳар биридаги шарт-шароитлар турлича бўлганлиги боис ҳар бир ҳолат махсус жавоб қайтаришни талаб қиларди. Бундан ташқари, беҳисоб китоб сотувчилардан ҳам таклифлар ёғилди, буларга ҳам обдан ўйлаб, рисоладагидек жавоб қайтариш лозим эди. Кейин, юбилейим муносабати билан минглаб табриклар ҳам олдимки, ҳалигача жавоб хатларини ёзиб тугатолмаяпман. Хатда қуруқ, умумий сўзлар билангина чекланиб қололмайсан, ахир, ҳар бирига кўнгилга хуш ёқадиган нимадир ёзиш керак. Мана энди аста-секин кўлим бўшаяпти, бемалол гурунглашиб ўтиришни истаяпман.

Шу кеча-кундузда қилган бир кузатувим ҳақида сизга сўзлаб бермоқчиман. Биз нима иш қилсак, унинг ўзига яраша оқибати бўлади, бу — адолатли, оқилона қилинган ишларгина яхши натижаларга, бемаънилари ёмон натижаларга олиб келади, дегани эмас, гоҳида тескариси ҳам бўлиши мумкин.

Бундан бироз илгари ўша сотувчилар билан ёзишмалар чоғида бир хатога йўл қўйган ва бундан афсусланган эдим. Энди ахвол шу даражада ўзгардики, агар мен ўша хатони қилмасайдим, ундан ҳам каттароқ хатога йўл қўйган бўлардим. Бунақаси ҳаётда кўплаб учрайди. Бунга ақли етадиган тажрибали ва зукко одамлар ҳар қандай ишга дадил, ҳеч иккиланмай киришаверадилар.

Ўзим учун янги бўлган бу кузатувни эслаб қолишга ҳаракат қилдим. Кейин гапни унинг айрим асарларига буриб, унинг «Алексис ва Дора» элегияси ҳақида сўзлашдик.

— Кўплар ушбу шеърнинг кучли, жўшқин якуни туфайли мени койиди, — деди Гёте, — элегия хотиржам, майин оҳангда тугаши лозим, рашкни бу қадар даҳшатли тус олдиришнинг кераги йўқ эди, дейишди. Шубҳасиз, мен уларнинг фикрларига кўшилмадим. Бу ерда рашк шеърнинг маъзига шунчалик яқин сингишганки, усиз шеър кўп нарсадан маҳрум бўларди. Ўзим бир ёш йигитчани биламан, у қийналмай кўлга киритган қизини қаттиқ севганидан: «У бошқа бирортага зинҳор бундай тез бўйин эгмайди!» дея хитоб қилган эди.

Мен Гётенинг гапларига тўлиқ кўшилдим ва ушбу элегиянинг ўзига хослиги ҳақида сўз очдим: кичкина маконда ҳамма нарса шундай оддий қилиб тасвирлаб берилганки, уйдаги шарт-шароитни, у ерда яшайдиган одамларнинг бутун ҳаётини гўё аниқ кўриб тургандек бўласан киши.

— Тасвир шундай ҳаққонийки, — дедим мен, — гўё ўзингиз бошингиздан ўтказган нарсани қорозга туширгандексиз.

— Агар Сизга шундай туюлган бўлса, — деди Гёте, — мен бундан хурсандман. Шундай одамлар борки, атрофда кечаётган воқеа-ҳодисалар уларнинг хаёлотига ҳеч бир таъсир ўтказмайди, одатда бундайлар ўзлари бирор тасаввурга эга бўлмаган ажойиб-ғаройиб мамлакатлар, саргузаштлар ҳақида хаёл сурадилар, ўзларича хаёлда ҳар хил ажойиботларни кўз олдиларига келтирадилар.

Бироқ тамоман бошқача моддийликка ёпишиб олган одамлар ҳам борки, уларда поэзияни ҳис этиш қудрати йўқлиги туфайли, унга ғоятда майда талабларни қўйишади. Масалан, айрим китобхонлар бояги элегиядаги Алексиснинг юкини кўтариб юриши учун уни хизматкор билан таъминлашини талаб қилишди, бундай қилсам ўша муҳитдаги поэтик нафосат йўққа чиқишини улар билишмайди.

Гурунг мавзуси «Алексис ва Дора»дан «Вильхельм Мейстер»га кўчди.

— Айрим танқидчилар жуда қизиқ-да, — сўзида давом этди Гёте, — қаҳрамони ёқимсиз даврада жуда кўп бўлади, дея асарни роса танқид қилишди. Мана шу ёқимсиз даврани мен катта бир идиш сифатида танлаб, барча яхши нарсалар ҳақида айтмоқчи бўлганларимни унга жойладим-да, битта бадий яхлитликни яратдим. Бордию мен яхши даврани яна

ўшандай яхши давра билан уйғунликда тавсиф этганимда эди, китобни ҳеч ким ўқишни истамаган бўларди.

«Вильхельм Мейстер»даги бир қарашда майда-чуйдага ўхшайдиган тасвирлар асосида ҳамиша қандайдир улкан бир нарса яширинган бўлади, майда нарсада каттани илғаш учун одамда зийрак назар, кенг дунёқараш, билим талаб қилинади, бошқалар учун эса шунчаки ҳаёт тасвири бўлиб қолаверади.

Шундан сўнг Гёте менга беҳад гўзал қилиб ишланган инглизча альбомни кўрсатди, унда Шекспирнинг барча асарлари бўйича ишланган гравюралар жамланган эди. Ҳар бир саҳифада алоҳида пьеса олтига кичик расмларда, остида шеърий парчалар билан акс этган, асарларнинг асосий мазмуни ва бош сюжет чизиғи гўё кўз олдинда пайдо бўлади. Барча ўлмас фожиа ва комедиялар шу тахлит, карнавал маросими-дек тасаввуримда намоён бўлди.

— Бу суратларни кўрганимда дахшатга тушасан киши, — деди Гёте, — уларда Шекспирнинг нечоғлик бой ва буюк эканлиги акс этганига гувоҳ бўласан! Инсоният ҳаётидаги у четлаб ўтган, у тасвирга олмаган бирор мавзу йўқ! Тағин шу қадар силлиқ, эмин-эркин тасвирланганки!

Шекспир ҳақида гапириш мушкул, барча айтилганлар асоссиз. Ўзим ҳам «Вильхельм Мейстер»да бунга уриниб кўрдим, аммо жўяли бир нима айтолмадим. У театр шоири эмас, у сахна ҳақида ўйламаган ҳам, сахна унинг буюк тафаккурига торлик қилади, аслини олганда, бу ёруғ олам ҳам унга торлик қилади.

У беҳад бой ва беҳад буюк. Табиатан ижодкор одам, бир йилда унинг фақат битта пьесасини ўқиши мумкин, кўп ўқиса нобуд бўлади. Ўзим «Гец фон Берлихинген»ни, «Эгмонт»ни ёзиш орқали унинг юқини елкамдан олиб ташладим. Байрон бўлса, унга кўпам сажда қилмай тўғри йўл тутди. Қанча-қанча талантли немислар у туфайли, Калдерон туфайли нобуд бўлишмади дейсиз.

— Шекспир, — сўзида давом этди Гёте, — бизга кумуш идишда олтин олма тутди. Биз унинг асарларини ўқиб-ўрганиш орқали кумуш идишни қўлга киритдик. Бироқ унга картошка қўйдик, бу жуда ёмон ҳолат!

Бундай ажойиб ташбеҳдан шодланиб кулиб юбордим.

Сўнгра Гёте «Макбет»нинг Берлинда сахнага қўйилганлиги ҳақидаги Цельтернинг хатини ўқиб берди, унда асарнинг бой руҳи ва характериға мусикаси ҳечам мос тушмагани таъкидланган ва бу борада Цельтер ўз норозилиklarини баён қилган эди. Гёте ўқигани туфайли мактуб янгидан жонлилик касб

этди, айрим ўринлардаги ўткир фикрлардан мен билан бирга кувониш учун Гёте тўхтаб-тўхтаб ўқиди.

— «Макбет», — деди шу орада Гёте, — Шекспирнинг энг яхши драматик асари, унда биринчи марта сахна талаблари инобатга олинган. Унинг эркин руҳини билмоқчи бўлсангиз, «Троил ва Крессида»¹ни ўқинг, бунда у «Илиада» мавзусини ўзига хос талқин қилган.

Шундан сўнг яна Байронга қайтдик, унда Шекспирга хос самимий қувноқлик етишмаслиги, унинг қайсарлик билан ҳамма нарсани мудом инкор қилавериши кўпчиликнинг, аксар ҳолларда ҳақли эътирозига сабаб бўлганлиги ҳақида сўзлашдик.

— Агар Байронга, — деди Гёте, — ўзидаги қаршиликни ҳар қандай кўпол сўзларни айтишдан истиҳола қилмай парламентда тўкиб солиш учун имкон туғилса эди, у кўз олдимизда шоир сифатида соф ҳолда намоён бўларди. Модомики, парламентда нутқ сўзлаш имконияти бўлмаган экан, у миллатига қарши қалбидаги барча ёқимсиз ҳис-туйғуларни ичида сақлашга ва уларни шеърий йўл билан қайта ишлаб юзага чиқаришга ва улардан шу усулда халос бўлишга мажбур эди. Шу боисдан Байроннинг инкор руҳи сингдирилган асарларини мен «парламентда сўзланган нутқлар» дегим келади, назаримда бу уларга берилган тўғри таъриф бўларди.

Шу муносабат билан ижодидаги инкор руҳ орқасида кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлган шоир Платен ҳақида сўзлашдик.

— Инкор қилмайман, — деди Гёте, — унда ажойиб фазилатлар жуда кўп, бироқ севги етишмайди. У китобхонларни ҳам, атрофидаги шоирларни ҳам, ҳатто ўзини ҳам севмайди, шунинг учун Ҳаворий²нинг қуйидаги сўзлари айна шу ҳолатга мос келади: «Агар мен инсонлар ва фаришталар билан сўзлашган пайтимда юрагимда севги бўлмаса, унда менинг жиринглаётган мис ёки чалинаётган кўнғирокчадан фарқим қолмайди». Яқинда мен Платеннинг шеърларини ўқидим, унинг юксак истеъдодини инкор қилмайман. Бироқ, нима десам экан, унда севги етишмайди, бу аҳволда у китобхонларга ўзи хоҳлагандек таъсир қилолмайди. Юракларда кўркув ҳиссини уйғотади. У ўзига ўхшаган инкор қилувчи, аммо ундай талантга эга бўлмаган кишиларнинг пирига айланиши мумкин.

¹ «Троил ва Крессида» — Шекспир асари.

² Ҳаворий — Исонинг ўн иккита шогирдларидан бири.

1826 йилнинг 20 январи, якшанба куни кечқурун

Биринчи олмон импровизатори¹, ҳамбурглик доктор Вольф² бир неча кундирки Ваймарда ва ўзининг ноёб истеъдодини томошабинларга намойиш қилишга ҳам улгурди. Жума куни кечқурун у кўп сонли тингловчилар олдида ажойиб кеча ташкил қилди, унда бутун Ваймар саройи ҳозир бўлди. Ўша куниёқ Гёте уни эртанги кун тушликка таклиф қилди. Кеча кундузи у Гёте ҳузурида ўз маҳоратини намойиш қилгандан сўнг, кечқурун мен доктор Вольф билан сўзлашдим. У беҳад шод эди ва ушбу лаҳзалар унинг ҳаётида бутун бир давр бўлиб қолажагини, Гёте бир неча сўз билан унга янги йўлни кўрсатганини, ҳатто унинг танқидлари ҳам айни нишонга текканини тўлиб-тошиб изҳор қилди.

Бугун кечқурун, Гёте ҳузурига келганимдан сўнг яна Вольф ҳақида гурунглашдик.

— Жаноби олийлари, унга яхши маслаҳатлар берганлигингиздан доктор Вольф жуда хурсанд; — дедим мен.

— Мен у билан очиқчасига гаплашдим, — деди Гёте, — агар айтганларим унга қандайдир таъсир ўтказган ва уни ҳаяжонга солган бўлса, бу жуда яхши. У юксак истеъдод эгаси, бунга шубҳа йўқ, бироқ у ҳозирги даврга хос бўлган касаллик — субъективизм билан оғриган, мен уни айни мана шу касалликдан даволамоқчи бўлдим. Уни синаб кўриш мақсадида унга топшириқ бериб, «Хамбургга қайтишингизни тасвирлаб беринг», дедим. У ҳеч бир тайёргарликсиз, дарҳол ёқимли мисралар билан сўзлашга тушиб кетди. Мен унга қойил қолдим, бироқ уни мақтай олмасдим. У Хамбургга қайтишни эмас, балки қайтиб келаётган ўғилнинг ота-онасига, яқинларига, дўстларига бўлган ҳис-туйғуларини ифода этди, унинг шеъри айни пайтда нафақат Хамбургга, балки Мерзебургга ёки Йенага қайтишга ҳам тегишли бўлиши мумкин эди. Ахир Хамбург жуда зўр, ўзига хос шаҳар, агар у мавзунинг моҳиятини тўғри англаб, тўғри изҳор қилишга журъати етганда эди, шаҳардаги кўплаб жойларни таъриф-тавсиф қилиш учун кенг майдон очилган бўларди.

¹ *Импровизатор* — бадихагўй, бирор саволга ўйлаб ўтирмасдан шеър билан жавоб қайтарувчи киши.

² *Вольф Оскар Людвиг Бернгард (1799–1851)* — ҳамбурглик импровизатор, шеърий антологиялар ношири.

Бундай субъектив йўналишда томошабин айбдор, дедим мен, негаки, у ҳар қандай хиссиётга бой нарсаларни қўллаб-қувватлайверади.

— Эҳтимол шундайдир, — деди Гёте, — агар томошабинга бундан яхшироқ нарса тақдим этилса, у янада мамнун бўлади. Имоним комилки, Вольфга ўхшаган иқтидорли импровизатор Рим, Неаполь, Вена, Ҳамбург, Лондон сингари йирик шаҳарлар ҳаётини жўшқин бир тарзда, ҳаққоний таъриф-тавсиф қилиб беролса ва томошабинлар буни ўз кўзлари билан кўргандек ишонишса эди, у ҳаммани ҳаяжонга солган ва қониктирган бўларди. Агар у ҳамма нарсани борича тавсифлашга ўрганса, маҳорати ривож топади, бу унинг қўлидан келади, чунки унинг ҳаёлот дунёси кенг. У фақат тез бир қарорга кела олиш учун журъатга эга бўлиши керак.

— Қўрқаманки, — дедим мен, — бу ўйлагандан кўра қийинроқ, чунки бунда фикрлаш тарзини тамоман ўзгартириш талаб қилинади. Бу нарсага эришган тақдирида ҳам унинг ижодий фикрлашида бир зумлик узилиш бўлиши аниқ, у борлиқни тўлиқ ўзлаштириб, уни иккинчи табиати қилиб олгунча анчагина машқ қилиши керак бўлади.

— Тўғри, бу қийин, — жавоб берди Гёте, — аммо у бунга журъат қилиши ва жуда тез бир қарорга келиши лозим. Бу худди чўмилиш пайтидаги совуқ сувдан кўрқишга ўхшайди, агар одам тезгина сувга чўмиб олса, марра уники.

— Агар бирорта одам ашула айтишни ўрганмоқчи бўлса, — давом этди Гёте, — унинг томоғидан табиатнинг ўзи ато қилган барча товушлар осонгина эшилиб чиқаверади, бироқ табиат юқтирмаган одамнинг қўшиқ айтиши дастлаб қийин бўлади. Қўшиқчи бўлиш учун барча қийинчиликларни енгиши, барча оҳангларни ўзига бўйсундириши лозим. Шоирга ҳам шу нарса тааллуқли. Ҳамонки у ўзининг майда-чуйда шахсий кечинмаларини тасвирлашдан нарига ўтмас экан, у ҳали шоир эмас, бутун оламини ўзига бўйсундириб, уни қоғозга тушира олсагина у шоир ҳисобланади. Ўшанда битмас-туганмас илҳом манбаига эга бўлади, борган сари янгилана боради, унинг соддагина субъектив олами эса тезда ўзини намоён қилади ва охир-оқибат умумий жараёнга қўшилиб кетади.

Ҳозир қадимиятни ўрганиш лозимлиги ҳақида кўп гапиришмоқда, бундан биргина хулоса келиб чиқади, холос: ҳақиқий ҳаёт ичига кириб бор ва уни тасвирлашга интил, негаки қадимгилар худди шундай қилишган.

Гёте ўрнидан туриб хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, мен эса стол олдидаги стулимда ўтиравердим, шу ҳолат унга

ёқарди. Бир зум печка ёнида турди, бир нарсани ўйлагандек менга яқинлашди-да, бармоғини лабига қўйиб, шундай деди:

Мен ҳозир Сизга бир гапни айтаман, бунинг исботини Сиз ҳаётингиз давомида кўп марта топасиз. Барча реакцион, чиришга маҳкум даврлар субъектив, барча ривожланган даврлар эса, аксинча, объектив йўналишга эга. Бизнинг давримиз реакцион, субъектив характерга эга. Буни нафақат шеърятда, балки тасвирий санъатда ва бошқаларда ҳам кўриш мумкин. Ҳар қандай соғлом интилиш ўз ички дунёсидан объектив борлиққа томон йўналади, буни янгилашни сари бораётган буюк даврлар мисолида кўришимиз мумкин, улар табиатан объективликка интилади.

Гётенинг бу сўзлари жиддий суҳбатга туртки бўлди, у айниқса XV ва XVI асрлардаги буюк даврларга кўпроқ тўхталди.

Шундан сўнг сўз театр, кейинги қўйилган спектаклларнинг бўшлиғи, йиғлоқилиғи устида борди.

— Ҳозир мени Мольер юпатиб, кайфиятимни кўтармоқда, — дедим мен, — унинг «Хасис»ини таржима қилдим, энди «Зўраки табиб»и устида ишляяпман. У нақадар буюк ва тоза инсон!

— Ҳа, тоза инсон, — деди Гёте, унга бундан ортик таъриф бериб бўлмайди. Унда қинғирлик, тилёғламалик деган нарса йўқ. У қанчалар буюк! У ўз даври устидан ғолиб келди, бизнинг Иффланд билан Коцебу эса даврнинг улар устидан ғолиб келишига имкон берди ва унинг тўрларида ўралашиб қолишди. Мольер одамларни қандай бўлса шундай тасвирлаш билан уларнинг кўзини жойига келтирди.

— Мольер асарларини қандай яратган бўлса, уларни театр сахнасида шундай кўриш учун ҳамма нарсадан воз кечган бўлардим, — дедим мен, — бироқ, билишимча, томошабинлар учун бу беҳад кучли ва очиқ туюлади. Нима дейсиз, бундай жўшқин ҳиссиётларга сабаб айрим муаллифларнинг «идеал адабиёти» эмасмикан?

— Йўқ, — деди Гёте, — бунга сабабчи томошабинларнинг ўзлари. Тағин бир гап: ёшгина қизлар театрда нима қилишади? Театр уларнинг жойи эмас, уларнинг жойи монастир, театр эса, ҳаёт икир-чикирларини биладиган эркак, аёлларнинг жойи. Мольер асарларини ёзган пайтда қизлар монастирларда яшашарди, у қизларни ҳисобга олмаган.

Энди қизларни театрдан ҳайдаб чиқариш қўлимиздан келмайди, театрда эса, ўшаларга мос келадиган енгил-елпи спектаклларни қўйишаверади, шунинг учун ақлингизни ишга солинг-да, мендан ибрат олинг: театрга борманг.

Мен театрга амалий ёрдам кўрсатолган пайтларимдагина унинг ишлари билан чинакам қизиқар эдим. Уни маълум юксакликка кўтара олганимдан севинардим, томошалар пайтида мени пьеса ҳам қизиқтирарди, актёрлар ўз вазифаларини қандай уддалашларига кўпроқ эътибор қилардим. Танқидга муносиб ўринларни қоғозда белгилардим-да, эртасига режиссёрга юборардим, навбатдаги намойишда улар бар-тараф қилинишига ишонардим. Энди бўлса, театрга ортик амалий ёрдам кўрсатолмаётган эканман, у ерга боришни ҳам ўзимга эп кўрмайман. Агар борсам, камчиликларни тузатиш кўлимдан келмаганидан уларга тоқат қилишимга тўғри келарди, бу менинг табиатимга хос эмас.

Пьесаларни ўқишда ҳам шу аҳвол. Ёш олмон шоирлари менга тинмай ўз пьесаларини юборишади, уларни мен нима қилишим керак? Мен одатда олмонча пьесаларни театрда кўйишга лойикми-йўқми, шуни билиш учун ўқирдим, акс ҳолда уларнинг менга қизиғи йўқ эди. Энди ҳозирги ҳолатимда ёш олмон муаллифларининг пьесалари менга керакми? Бундай ёзмаслик керак бўлган нарсани ўқишдан менга ҳеч бир фойда йўқ, аллақачон қилиб бўлинган ишда ёш муаллифларга ҳеч қандай кўмак беролмайман. Аллақачон ёзиб, чоп этиб бўлган асар ўрнига режасини менга юборишса эди, ҳар қалай ўшанда: бунга ёз ёки ёзма, ундок ёки бундок ёз, деб маслаҳат берсам, бундан бирор фойда чиққан бўларди, эҳтимол.

Ҳамма бало шундаки, Германияда поэтик маданият юксалиб кетди, ҳеч ким ёмон шеър ёзмайди. Менга асарларини юбораётган ёш шоирлар ўз салафларидан қолишмайди, ана энди булар уларни ҳамма макташини кўриб, нега ҳеч ким буларни мактамаётганини тушуниб етишмайди. Уларни руҳлантиришнинг ҳеч бир иложи йўқ, чунки бунақалар тўлиб ётипти, ҳамманинг кўнглини бирдек топиб бўлмайди, шусиз ҳам қилинадиган фойдали ишлар бисёр. Агар бизда ҳаммадан юксакда турадиган битта шоир бўлсайди, ажойиб бўларди, негаки буюклар инсониятга хизмат қилади.

1826 йилнинг 16 феввали, пайшанба

Бугун кечқурун соат еттида Гётеникига борганимда, у хонасида ёлғиз эди. Унинг ёнига ўтирдим-да, янгиликни, яъни кеча меҳмонхонада Петербург сафаридан қайтаётиб, бу ерда тўхтаган ҳерцог Веллингтон'ни кўрганимни айтдим.

¹ *Веллингтон Артур Уэлсли, ҳерцог (1769–1852) – инглиз фельдмаршал.*

— Хўш, у қандай экан? — сўради Гёте жонланиб, — кани, гапиринг-чи, у портретига ўхшайдими?

— Ҳа, — дедим мен, — бундан ҳам яхшироқ, бошқачарок! Унинг юзига назар ташлаган заҳоти ҳамма портретлари йўққа чиқади. Уни ҳеч қачон ёддан чиқармаслик учун уни бир марта кўришнинг ўзи кифоя — у кишида ана шундай таассурот қолдиради. Кўзлари жигарранг, қувончдан порлаб туради, назари ўткир. Лаблари юмуқ бўлса ҳам худди гапираётганга ўхшайди. У кўп ўйлайдиган, катта ҳаётни бошдан кечирган, энди эса дунёга қувноқлик ва хотиржамлик билан боқиб, ҳеч нарсага парво қилмайдиган одамга ўхшайди. У менга худди Дамашқ қиличидек бақувват ва мустаҳкам туюлди.

У кўринишдан элликлардан ошган, тик қоматли, барваста, бўйи унча баланд эмас, семиздан кўра кўпроқ ориққа мойил. Мен уни жўнаб кетаётиб машинага ўтираётганда кўрдим. У одамлар орасидан ўтаётиб бошини деярли эгмасдан, бармоғини шляпасига қўйиб саломлашишида фавқулодда бир самимият бор эди.

Гёте мени зўр қизиқиш билан тинглади.

— Мана, Сиз тагин бир қахрамонни кўриш бахтига муясар бўлдингиз, бу жуда катта гап.

Биз Наполеон ҳақида гурунглашдик, мен уни кўрмаганман, дея афсусландим.

— Нимасини айтасиз, — деди Гёте, — у ҳам кўришга арзирди. Инсониятнинг асл ўзаги у!

— Бу унинг ташқи киёфасида ҳам сезилармиди? — сўрадим мен.

— У асл эди, — жавоб берди Гёте, — унинг аслиги шундоқ кўриниб турарди, гап тамом.

Бугун мен Гётега бир неча кун бурун айтган ажиб бир шеърни келтирдим, у бу шеърни қачонлардир ёзган, бироқ ёдидан чиқиб кетган эди. Шеър 1766 йилнинг бошида Франкфуртда чиқадиган бир журналда чоп этилган, уни кекса бир хизматкори Ваймарга олиб келган, унинг фарзандлари орқали менинг қўлимга тушган эди. Шубҳасиз, бу Гётенинг бизга маълум бўлган шеърларининг энг қадимгиси эди. Шеър «Исонинг дўзахга сафари»¹ деб аталарди, мени хайрон қолдирган нарса шу эдики, ёш шоир қандай қилиб диний тасаввурларни шеърга сингдирди экан? Шеър руҳига кўра Клопштокникига ўхшар,

¹ «Исонинг дўзахга сафари» — Гёте ўн олти ёшида Франкфуртда ёзган шеъри, бироқ у пайтда шеър унча машхур бўлмаган, бу ерда шеър қайта тилга олинмоқда.

бирок бутунлай ўзгача ёзилган эди, у кучлироқ, эркинроқ, енгилроқ, мукамалроқ бўлиб, унда жўшқинлик уфуриб турарди. Ундаги ўзига хос шиддат жиловсиз ёшликни эслатарди. Материал етишмаганлиги боис у ўз ички дунёси атрофида айланаверганидан керагидан ортиқ чўзилиб кетган эди.

Гёте олдига сарғайиб кетган, тўкилай-тўкилай деб турган журнал варағини кўйдим, у унга назар ташлади-да, ўз шеърини эслади.

— Фройлайн фон Клеттенберг¹ буни ёзишга мени ундаган бўлиши мумкин, — деди Гёте, — тепасида «илтимосга асосан ёзилган» деган белги турипти-ку, дўстларимдан яна ким мендан шу мавзуда ёзишимни талаб қилиши мумкин эди, билмайман. Ўшанда менга мудом материал етишмасди, шеърга солиш мумкин бўлган бирор имконият туғилиб қолса, беҳад шодланардим. Яқинда ўша кезларда инглиз тилида ёзган бир шеърим кўлимга тушиб қолди, унда шеър ёзишга мавзу йўқлигидан нолиган эканман. Бу масалада биз, олмонларнинг ҳолимиз танг: қадим тарихимиз зулмат кўйнида ётипти, кейинги тарихимиз эса ягона бир бошқарув тизимининг йўқлигидан миллатни қизиқтирмай кўйган. Клопшток ўз кучини Ҳерманда синаб кўрмоқчи бўлди, бирок бу мавзу биздан беҳад йироқ, ҳеч ким бунга қизиқмайди, бунинг моҳияти нимада эканлигини ҳеч ким билмайди, шундан унинг асари ҳеч кимда бирор таассурот уйғотолмади ва оммалашмади. Менинг «Гец фон Берлихинген» билан шуғулланганим яхши иш бўлди, у менинг бутун жону таним эди, демак, ундан нимадир чиқарса бўларди.

«Вертер» ва «Фауст»да яна ўз ички дунёимни қовлаштирдим, мавзунинг ўзимга яқинлиги қўл келди. Жину ажиналар ўйинида бир марта иштирок этдим, шу тахлит ўзимдаги шимолликка хос белгилардан қутулиб, юнонлар столига томон юзимни бурдим. Агар мен ўшанда бундан юзлаб, минглаб йиллар олдин шунчалик кўп мўъжизалар мавжуд эканлигини билганимда эди, бирор сатр ёзмаган ва бошқа машғулоти ўзимга танлаган бўлардим.

1826 йилнинг 26 мартини, пасха якшанбаси

Тушлик пайтида Гёте қувноқ ва кўтаринки кайфиятда эди. Бугун у ғоятда қимматбаҳо совға, яъни Байроннинг ўз қўли билан унга бағишлаб ёзилган номани олган эди. У бизга но-

¹ *Клеттенберг Сузанна Катарина фон (1723–1773) — Гётенинг онасининг дугонаси.*

мани гӯё «десерт» тарзида кӯрсатаркан, келинидан Байрон унга Генуядан ёзган мактубни беришини талаб қилди.

— Ўзинг қара, қизгинам, — деди у, — бизнинг Байрон билан муносабатларимизга тегишли нима бўлса, ҳаммаси менда тўпланган, ҳатто манави қороз ҳам бугун варойиб бир тарзда қўлимга тушди, фақат ўша мактуб етишмаяпти, холос.

Лекин Байроннинг гўзал мухлиси мактубдан жудо бўлишни истамасди.

— Сиз уни менга ҳады қилгандингиз, дадажон, — деди у, — энди уни қайтиб бермайман. Агар ҳаммаси бир жойда туришини истасангиз, яхшиси, бугунги қимматбаҳо номани ҳам менга беринг, мен уни мактуб билан бирга сақлайман.

Гёте бунга ҳечам рози бўлмади, беғараз тортишув анча давом этди ва охири кўпчиликнинг ғовур-ғувурига қўшилиб кетди.

Тушликдан сўнг аёллар иккинчи қаватга чиқиб кетишгач, Гёте билан иккимиз ёлғиз қолдик. У хонасидан битта қизил портфелни олиб чикди-да, мени дераза олдига олиб бориб, уни очди.

— Қаранг, — деди у, — бу ерда менинг Байрон билан муносабатларимга оид ҳамма нарса жамланган. Мана бу унинг Ливерпудан ёзган мактуби, мана бу бағишловининг кўчирмаси, мана бу эса, менинг шеърим¹, Медвин²нинг суҳбатлари ҳақида ёзганман, фақат унинг Генуядан ёзган мактуби йўқ, холос, келиним уни беришни истамаяпти.

Сўнгра Гёте менга бугун Англиядан унинг қўлига келиб теккан лорд Байрон билан боғлиқ бир таклифнома ҳақида гапирди, бу уни ғоят шодлантирган эди. Шу муносабат билан унинг бутун фикри-зикрини Байрон эгаллаган ва у Байроннинг шахсияти, асарлари, мислсиз истеъдоди ҳақида ўз қарашларини тўлиб-тошиб баён қиларди.

— Инглизлар, — деди у, — Байрон ҳақида нима хоҳлашса, айтаверишсин, аммо шуни билиб қўйишсинки, уларда унга тенг келадиган шоир йўқ. У ҳеч кимга ўхшамайди ва ҳаммасидан юксакроқ туради.

1826 йилнинг 15 майи, душанба

Гёте билан Стефан Шюце³ ҳақида сўзлашдик, у ҳақда Гёте самимий, беғараз фикр билдирди.

¹ Байронга бағишлаб ёзган «Лорд Байронга» номли шеъри назарда тутилган.

² *Медвин Томас (1788 – 1869)* — инглиз ёзувчиси, Байроннинг дўсти.

³ *Шюце Стефан (1771 – 1834 ёки 1839)* — ёзувчи. «Қувнок дамлар» унинг асари.

– Яқинда, биров тобим бўлмаган пайтда унинг «Кувнок дамлар»ини ўқидим. Китоб менга жуда ёқди. Шюце Англияда яшаганда эди, бутун бир адабий даврни вужудга келтирган бўларди, чунки у юксак кузатувчанлик ва тасвирлаш салоҳиятига эга бўлатуриб диққатга сазовор ҳаётни кузатиш имконига эга бўлмади.

1826 йилнинг 1 юни, пайшанба

Гёте «Глоб»¹ журнали хусусида сўз очди.

– Унинг ходимлари, деди у, – аслзода, кувнок, ёркин фикрли, том маънодаги дойурак одамлар. Бировни танқид қилишганда ҳам мулойимлик ва назокатлилик чегарасидан чиқишмайди, олмон олимлари бўлса, ўзларига ўхшаб фикрламайдиган одамларни ёқтирмаслик пайдан бўлишади. Менимча, «Глоб» энг қизиқарли нашрлардан бири, мен уни ҳамиша мароқ билан ўқийман.

1826 йилнинг 26 июли, чоршанба

Бу кеч мен Гётенинг театр хусусидаги айрим фикрларини тинглашга мушарраф бўлдим. Унга дўстларимдан бири Байроннинг «Two Foscari»² асарини сахна учун қайта ишламоқчилигини айтдим. У бу ишни удалашига Гёте ишонмади.

– Бу албатта кишини қизиқтирадиган иш, – деди у, – биз бирор асарни ўқисак-да, у бизда катта таассурот қолдирса, гўё у сахнада ҳам худди шундай таассурот уйғотади, деб ўйлаймиз, буни қийналмай амалга оширса бўлади, деган ҳаёлга борамиз. Аслида бу осон иш эмас. Ёзувчининг бирорта асари бошиданок сахна учун мўлжаллаб ёзилмаган бўлса, у сахнага сиғмайди, одам бунга қанча уринмасин, барибир сахнага ёпишмайдиган, ёт бир нарса қолаверади. Мен «Гец фон Берлихинген»им устида озмунча меҳнат қилдимми, бироқ ундан театр спектакли чиқмади. У жуда йирик асар, мен уни икки қисмга бўлдим, тўғри, иккинчи қисми театрга мос келади, унда ҳаракат бор, аммо биринчиси фақат муқаддима учун ярайди. Агар биринчи қисм фақат бир марта, томошабин

¹ «Глоб» Парижда чиқадиган «Le Globe» («Ер шари») журнали француз либераллари ва романтик ёзувчиларнинг органи бўлган. Унда 1826 йилда Гёте ҳақида танқидчи Ж.Ж. Ампернинг мақоласи чиққан, Гёте уни қисқартирилган ҳолда «Санъат ва мозийлик» журналида бостирган.

² «Икки фоскари» (ингл.). – Байроннинг Италия мавзусида ёзган драмаси.

воқеанинг ривожини тушуниб олиши учун қўйилса-да, кейин ҳар доим иккинчи қисм намойиш этилса, маъкул бўлади. «Валленштайн» билан ҳам худди шундай ҳолат юз берди, «Пикколомини»¹ ортиқ қўйилмаяпти, «Валленштайннинг ўлими»ни томошабинлар бирдек кизиқиш билан кўришмаяпти.

Мен ундан, театрга мос бўлиши учун пьеса қандай яратилиши керак, деб сўрадим.

— У рамзий бўлиши керак, — жавоб берди Гёте, — бу дегани: унда ҳаракатнинг аҳамияти жуда катта ва ўша ҳаракат ўта муҳим нарсани кўзда тутган бўлиши керак. Мольернинг «Тартюф»и бунга яққол мисол бўла олади. Биринчи сахнани эсланг — қандай ажойиб экспозиция (муқаддима)! Бошидан бошлаб ҳамма нарса олий даражада аҳамиятга молик, кишини ҳали юз бериши мумкин бўлган янада муҳимроқ воқеаларга тайёрлайди. Лессингнинг «Минна фон Барнхельм»ининг экспозицияси ҳам беҳад зўр, бироқ «Тартюф»ники дунёда ягона, бундан ўтадигани, бундан яхшиси топилмайди.

Калдерон пьесалари ҳақида ҳам сўзлашдик.

— Калдеронда ҳам, — деди Гёте, — худди шундай сахнавий бекаму кўстлик бор. Унинг пьесалари фақат сахна учун яратилган, унда бирон-бир сахнавий таъсирни кўзда тутмаган ҳаракат йўқ. Калдерон — бенуқсон онгу тафаккурга эга бўлган даҳо.

— Қизик, — дедим мен, — Шекспирнинг пьесалари ўзича театр учун ёзилмаган, ахир у уларни ўз театри учун ёзган эди-ку.

— Шекспир, — жавоб берди Гёте, — ўз табиатидан келиб чиқиб бу пьесаларни ёзган, унинг даври ва ўша пайтдаги сахна қурилиши унга алоҳида талаблар қўймаган, қандай ёзса шундай қабул қилаверишган. Бордию у Мадрид саройи ёки Людовик XIV² театри учун ёзганида, эҳтимол у театрнинг қатъийроқ шаклларига бўйсунушга мажбур бўларди. Бунда шикоятга ўрин йўқ, негаки Шекспир театр шоири сифатида ном қозонмаган бўлса-да, умуман, шоир сифатида шуҳрат топди. Шекспир — улўф руҳшунос, унинг пьесаларида инсон ички дунёсида кечаётган ҳамма нарса ўз аксини топган.

Биз театрни яхши бошқаришнинг мушкулликлари ҳақида гаплашдик.

¹ «Пикколомини» — Шиллер асари, «Валленштайн» драмасининг биринчи қисми. «Валленштайннинг ўлими» ҳам Шиллер асари.

² Людовик XIV (1638—1715) — Франция кироли, Бурбонлар сулоласидан.

— Энг қийини, — деди Гёте, — тасодифий пьесалар билан ўралашиб қолмаслик ва мана шу тасодифларнинг юксак тамойилларга халақит бермаслигига эришиш. Юксак тамойиллар деганда, асосий репертуарни ташкил этувчи яхши фожа, опера ёки комедияларни оқилона танлай билиш тушунилади. Тасодифий нарсалар эса, томошабинда қизиқиш уйғотган янги пьеса, гастроль ва шунга ўхшаш нарсалар. Булар раҳбарни тамоман банд қилиб қўймаслиги, у доимо асосий репертуарга қайтишга уриниши лозим. Бундоқ қараганда, бизнинг давримизда чинакам яхши пьесалар жуда кам, билимдон киши ҳеч қийналмай яхши репертуар туза олиши мумкин. Фақат уни талаб даражасида тутиб туриш қийин.

Биз Шиллер билан театр тепасида турган пайтимизда бутун ёз Лаухштатда томоша кўрсатардик ва шу йўл билан ютардик. Бу ердаги томошабинларнинг диди жуда баланд, улар яхши спектаклларни кадрлашади, биз ҳар гал Ваймарга зўр репертуарни шу тахлит синовдан ўтказиб қайтардик. Бунинг устига Ваймардаги томошабинлар бизнинг раҳбарлигимизга ишонч билан қарашар, ҳатто бўшроқ спектаклларимизни кўриб ҳам бизнинг танловларимиз замирида юксак мақсадлар ётганлигига амин бўлишарди.

— Тўқсонинчи йилларда, — давом этди Гёте, — менинг театрга бўлган қизиқишим барҳам топди, сахна учун ортик ҳеч нарса ёзмай қўйдим, бутун диққатимни эпик асарлар ёзишга қаратдим. Аллақачон сўнган қизиқишимни Шиллер янгидан уйғотди, шу билан унга ва унинг пьесаларига хурматим туфайли яна театр оламига қайтдим. «Клавиго»¹ни ёзган пайтимда ўнлаб пьесаларни ёзиб ташлаш мен учун ҳеч гап эмас эди, мавзу етарли, ёзиш ҳам қийин эмас, бир ҳафтада битта пьесани ёзишим мумкин эди, шундай қилмаганимга энди афсусланаман.

1826 йилнинг 8 ноябри, чоршанба

Бугун ҳам Гёте лорд Байрон ҳақида ҳайрат билан гапирди.

— Байроннинг «Deformed Transformed»²ини ўқиб чиқиб шунга амин бўлдимки, — деди у, — у мислсиз буюк истеъдод эгаси. Унинг иблиси менинг Мефистофелимдан келиб чиққан, бироқ бу зинҳор таклид эмас, бунда ҳамма нарса табиий ва янги, ҳаммаси ихчам, силлиқ ва доноларча топиб ай-

¹ «Клавиго» — Гётенинг дастлабки драматик асари (1774 йилда ёзилган).

² «Deformed Transformed» — «Ўзга қиёфадаги иблис» (ингл.).

тилган. Бирорта бўш ўрин йўқ, игна санчиб бўладиган тугма тешигичалик жой ҳам бўш эмас, муаллиф маҳоратини белгиловчи бадиий тўқималар тикилиб ётипти. Унинг йўлидаги ягона тўсиқ — бу ваҳимага тушиш ва инкор қилиш, акс ҳолда у худди Шекспир ва қадимги ижодкорлардек буюк бўларди.

Мен ҳайрон бўлдим.

— Ҳа, менга ишонаверинг, -- деди у, — уни янгидан ўрганиб чиқаяпман ва бунга борган сари амин бўляпман.

Илгариги суҳбатларимиздан бирида Гёте: «Лорд Байрон кўпроқ тажрибага, амалиётга суянади», деган эди. Мен ўшанда унинг нима демокчи бўлганини унчалик тушуниб етмадим, ундан бу ҳақда сўрашга истиҳола қилдим ва ўзимча ўйлаб кўришга қарор қилдим, аммо ўйлаш билан ҳеч нарсага эришолмадим, ўсаётган онгим ёки бирор бахтли тасодиф туфайли бу мавҳумлик ошкор бўлгунча кутишдан бошқа иложим йўқ эди. Ана шундай тасодиф мен театрда томоша қилган «Макбет» спектаклининг ажойиб намойиши бўлди, у менда зўр таассурот қолдирди ва мен эртасига лорд Байроннинг «Беппо»¹сини ўқиш учун унинг асарларини қўлга олдим, «Макбет»дан сўнг бу шеър менда у қадар қизиқиш уйғотмади, уни ўқиганим сайин Гёте ўша сўзлар билан нимани кўзда тутгани равшанроқ бўла борди.

«Макбет»да мени ҳайратга солган фожиона улугвор, кучли, ғоятда юксак, Шекспирга хос рух бор эди. Бу юксак истеъдод соҳиби бўлган инсондаги тугма фазилат бўлиб, бу фазилат уни шахс сифатида барча инсонлардан юқорига кўтарган, шу йўл билан уни улуг шоир даражасига етказган эди. Ҳаёт ва ҳаётий тажриба бу пьесага сингдирган нарса шоирона руҳга бўйсундирилган ва бу ўша нарсани баён қилиш ҳамда ғолиб келиш мақсадига хизмат қиларди. Бу ерда буюк шоир ҳукмронлик қилар ва бизни ҳам ўз қаторига, ўз қарашлари даражасига олиб чиққан эди.

«Беппо»ни ўқирканман, унда бунинг аксича амалий фаолиятни акс эттирувчи жўн дунё ҳукмрон эканлигини пайқадим, бу маълум маънода шоир ҳиссиётларига таъсир қилиб, уни бизга баён қилган. Бу ерда мен юксак истеъдодли шоирнинг соф ва теран тафаккурини учратмадим, балки кундалик оддий ҳаёт билан рўпара келавериш шоирнинг фикрлаш тарзида ўз изини қолдирганга ўхшарди.

Шундай қилиб, «Беппо»ни ўқиб амин бўлдимки, лорд Байрон беҳад амалий фаолиятга таянаркан, яъни гап унинг кўз

¹ «Беппо» Байроннинг поэмаси.

олдимизда хақиқий борликни сахийларча намоён қилганида эмас, балки амалий тафаккур тарзи ундаги юксак шоирона салоҳиятни суриб чиқаришида.

1826 йилнинг 29 ноябри, чоршанба

Мен Байроннинг «Deformed Transformed» асарини ҳам ўқиб чиқдим ва тушликдан кейин Гёте билан бу ҳақда гаплашдим.

— Дастлабки сахналари, — деди у, — жуда зўр, бўлганда ҳам шоирона зўр, шундай эмасми? Қолганларини эса — Римнинг босиб олиниши ва қулаши ҳақида сўз борадиган ўринларини шоирона деёлмайман, аммо уларнинг ўткирлигини инкор ҳам қилолмайман.

— Ҳа, ўткирлиги-ку олий даражада, — дедим мен, — бироқ бордию одам ҳеч нарсанинг кадрига етолмаса, ўткир фикр айтиш санъат эмас.

Гёте кулди.

— Ҳар ҳолда гапингиз тўғри, — деди у, — шоир керагидан ортиқ гапни айтганини тан олмай иложи йўқ. У бор ҳақиқатни ёзади, бу одамларга кўпам ёқавермайди, яхшиси тилини тийса бўларди, дейсан беихтиёр. Дунёда шундай нарсалар борки, шоир уларни очиб беришдан кўра яхшиси сир тутгани афзал, Байроннинг бўлган-тургани шу, бошқача бўлишини хохлаш уни йўқ қилиш билан баробар.

— Ҳа, — дедим мен, — у олий даражада ўткир, мана, қаранг, қандай топиб айтилган:

*The Devil speaks truth much offener than he s deemed,
He hath an ignorant audience¹.*

— Шубҳасиз, бу менинг Мефистофелим айтган сўзлардан кам аҳамиятли ва дадил эмас. Модомики, биз Мефистофель ҳақида сўз очган эканмиз, — сўзида давом этди Гёте, — мен Кудрэ Париждан олиб келган нарсани сизга кўрсатмасам бўлмайди. Хўш, бунга нима дейсиз?

У олдимга бир тошбосма суратни кўйди, унда Фауст билан Мефистофель Гретхенни камоқдан озод қилиш учун тунда дор олдидан отда елиб бораётганлари муҳрланган эди. Фаустнинг қора оти лўкиллаб югуриб борар, у ҳам устидаги сохибига ўхшаб дор атрофидаги шарпалардан чўчиётганга

¹ Иблис кутганимиздан ҳам кўпроқ ҳақиқатни гапиреди, Бироқ унинг тингловчилари жоҳилдир (ингл.).

ўхшарди. Улар шу даражада тез кетишардики, Фауст эгарда ўзини зўр-базўр тутарди, рўпарадан урилаётган шамол шляпасини бошидан юлиб олган, шляпа бўйнига ўралган тасмага илинганча орқасида ҳилпираб борарди. Унинг кўрқув ва сўроқ излари қотган юзи Мефистофель томонга бурилганча унинг сўзларига қулоқ тутарди. Мефистофель бўлса, хотиржам, баайни кўрқмас, буюк жонзот сингари ўтирарди. Унинг оти тирик эмас, негаки у ҳар қандай тирик жонни ёмон кўрарди. Аслида унга отнинг кераги ҳам йўқ, у истаса бўлди, қандай тезликни кўнгли тусаса, шундай тезликда ҳаракат қилаверади. Уни отда кетаяпти, деб ўйлашлари учунгина от миниб олган эди, у биринчи дуч келган, қовурғаси саналиб ётган қирчанғини танлади. Унинг очик ранги тун зулматида фосфордек ялтиларди. Унда на эгару на жилов бор, у шуларсиз ҳам елиб бормоқда. Самовий сипоҳий бемалол ўтириб, Фауст томонга бурилганча гап билан банд эди, рўпарадан эсаётган шамол унга таъсир ҳам қилмасди, у оти сингари ҳеч нарсани сезмайди, уларнинг бирор туки қимир этмайди.

Бу моҳирона тасвирдан биз роса қувондик.

— Тан олишим керак, — деди Гёте, — мен бун шундай мукамал тасаввур қилмаган эдим. Манави ерда бошқа бир қоғоз бор, бунга нима дейсиз?

Бунда Ауербах ертўласидаги винохўрлик акс этган эди, воқеанинг айни кульминацион нуқтаси, яъни энг муҳим лаҳза — тўкилиб кетган винонинг аланга олиши ҳамда винохўрларнинг жазавага тушиши турли кўринишларда намоён бўларди. Бунда ҳамма ақлдан озиш даражасида ҳаракатда, ёлғиз Мефистофельгина одатдаги кинояли хотиржам ҳолатида турарди. У даҳшатли қичқиришлар ва сўқинишларни эшитмас, ёнида турган одамга урилган пичоққа ҳам парво қилмасди. У стол четига ўтириб олганча, оёғини ўйнатарди, алангани ва шовқин-суронни ўчириш учун унинг битта бармоғини кўтариши кифоя эди.

Бу фаройиб суратга тикилганинг сайин санъаткорнинг ижодий салоҳиятига шунчалик қойил қолаверасан киши, бунда бирорта кимса бошқасига ўхшамас, ҳар бирига бўлаётган воқеаларга ўзига хос муносабат сингдирилган эди.

— Жаноб Делакруа¹, — деди Гёте, — беҳад истеъдодли санъаткор, у «Фауст»да ўзига керакли озикни топа олган. Французлар ундаги ортиқча даҳшатни танқид қилишади, аммо

¹ *Делакруа Эжен (1798–1863)* — француз рассоми ва графика устаси, француз романтизми етакчиси.

бу ерда айни шу нарса кўл келган. Айтишларича, у бутун «Фауст»га расм чизмоқчи эмиш, мен ҳозирданок жинлар ош-хонаси ва Брокен саҳнаси тасвири учун қувоняпман. Кўриниб туриптики, у ҳаётни жуда яхши билади ва Париждек шаҳар бунга жуда қулай имконият яратган.

– Бундай тасвирлар асарни яхшироқ тушунишга ёрдам беради, – дедим мен.

– Бунга шубҳа йўқ, – тасдиқлади Гёте, – чунки бундай буюк санъаткорнинг етук ҳаёлот олами бизга воқеаларни худди у тасаввур қилгандек кўз олдимизга келтиришга кўмаклашади.

Агар жаноб Делакруа ўзим яратган саҳналарни тасаввур қилишда мендан ўзиб кетганига иқроп бўладиган бўлсам, унда булар ўқувчи ҳаёлотидан қанчалик ошиб тушар экан.

1826 йилнинг 11 декабри, душанба

Бугун Гётени қувнок, кўтаринки кайфиятда учратдим.

– Александр Хумбольд бугун эрталаб меникида бир неча соат бўлди, – деди у қувонч билан. – Бу шундай инсонки! Мен уни анчадан бери биламан-у, барибир ҳар гал кўрганимда янгидан ҳайратга тушавераман. Айтиш мумкинки, билимдонлик ва ҳаётни жонли идрок қилишда унга тенг келадигани йўқ. Кўп қирралилиги билан ҳам ҳаммадан ажралиб туради! Нима ҳақда сўз очилмасин, у ҳаммасида ҳозиржавоб, суҳбатдошини маънавий дурларга кўмиб ташлайди. У баайни кўплаб қувурлар ўрнатилган чашманинг ўзи, уларга идиш тутиб турсанг бўлди, идишлар битмас-туганмас обиҳаёт билан тўлаверади. У бир неча кун шу ерда қолади, ҳозирданок сезяпманки, у кетгач, мен ўзимни гўё узоқ йиллар яшагандек ҳис этаман.

1826 йилнинг 13 декабри, чоршанба

Столда ўтирганимизда аёллар ёш бир рассом чизган портретни макташди. «Хайрон қоладигани шундаки, – кўшиб кўйишди улар, – у ҳаваскор экан». Бу нарса унинг ноаник, зарурий кўникмаларсиз чизган чизиқларидан билиниб турарди.

– Кўриниб турипти, – деди Гёте, – унда истеъдод бор, фақат ҳаваскор бўлганлиги учун уни мактамаслик керак, унга танбеҳ бериш керак. Истеъдод ўз-ўзича ҳаракат қилиш билан юзага чиқмайди, санъатга, яхши устозларга мурожаат қилиш лозим, улар ундан яхши рассом яратишади. Яқинда Моцарт¹-нинг бир хатини ўқиб қолдим, унга мусиқадан машқларини юборган бир баронга шундай жавоб ёзипти: «Сиз дилетант-

¹ Моцарт Вольфганг Амадей (1756 – 1791) – австриялик композитор.

ларга танбеҳ бермасдан бўлмайди, негаки сизларда, одатда, икки ҳолат содир бўлади: ё сизларнинг ўз фикрларингиз йўқ-да, уларни бировлардан оласизлар ёки бўлмаса, ўз фикрларингизга эга бўлсангизлар ҳам улардан фойдаланишни билмайсизлар». Бу илоҳий сўзлар эмасми? Моцартнинг бу пурмаъно сўзлари бошқа ҳамма санъатларга тааллуқли эмасми, ахир?

— Леонардо да Винчи¹, — сўзида давом этди Гёте, — «Агар ўғлингиз ўзи чизаётган суратга гўё уни қўл билан ушлаб кўра олиш даражасида ўткир жилолар бера олмаса, унда истевдод йўқ», деган. Тағин у айтганки: «Агар ўғлингиз перспектива² ва анатомияни тўлиқ ўзлаштирса, ундан яхши рассом чиқади».

— Ҳозир эса, — деди Гёте, — устозларига эргашмаётган ёш рассомлар унисининг ҳам, бунисининг ҳам фаҳмига етишмайди. Мана қандай замонларга етдик! Ёшларимизда, — сўзида давом этди Гёте, — ақл ҳам, ҳис-туйғу ҳам етишмайди, улар ўйлаб топган нарсаларда маъно-мазмун йўқ, улар чизган қиличлар кескир эмас, чизган ўқлари нишонга урмайди, баъзан, инсониятнинг яратувчилик руҳи сўнмадими, деб ўйлаб қоламан.

— Аксинча, — дедим мен, — назаримда кейинги йиллардаги улкан урушлар руҳимизни оширганга ўхшайди.

— Улар, — деди Гёте, — руҳимиздан кўра кўпроқ ирода кучимизни оширди, маънавий руҳимиздан кўра сиёсий руҳимизга кўпроқ таъсир қилди. Санъатда соддалик ва ҳиссиётлилик тамоман барҳам топди. Кишига қувонч бағишловчи мана шу икки муҳим ҳолатсиз рассомнинг қўлидан нима ҳам келарди, дейсиз?

Мен кейинги кунларда унинг «Италияга саёҳат»³идаги Корреджо⁴нинг болани кўкрақдан айириш мавзусидаги суратига битилган шарҳларни ўқиганимни айтдим, унда гўдак Исо Биби Марямнинг тиззасида ўтирганча, унга узатилган нокними ёки онасининг кўкрагини олишни билмасдан, иккиланиб турарди.

¹ *Леонардо да Винчи (1752–1519)* — италиялик рассом, ҳайкалтарош, меъмор, олим, муҳандис.

² *Перспектива* — узокдан кўриниб турган кенг манзарани тасвирга тушира олиш санъати.

³ «*Италияга саёҳат*» — Гётенинг 1816/17 йиллардаги Италияга саёҳати таассуротлари жамланган асар.

⁴ *Корреджо (Аллегри) Антонио (1494–1534)* — италиялик рассом, Уйғониш даври вакили.

— Ха, — деди Гёте, — уни сурат деса бўлади! Унда рух, соддалик ва ҳиссиётлилик — ҳаммаси мужассам. Илоҳий тимсол инсон тимсолига айланиб, ҳар биримизнинг бошимиздан ўтган маълум ҳаёт босқичини рамзий ифода этган. Бу — барҳаёт сурат, у бизни инсоният вужудга келган қадимги даврларга қайтариб, бир вақтнинг ўзида келажакка олиб ўтади. Бордию расом Исони болаларни ёнига чорлаётган ҳолатда чизганда эди, бундай сурат ҳеч нарсани ифодаламас, лоақал бирор аҳамиятга эга бўлмаган бўларди.

— Мана, эллик йилдирки, — сўзида давом этди Гёте, — мен олмон тасвирий санъатини кузатиб келаман, нафақат кузатаман, балки унга таъсир кўрсатишга ҳам ҳаракат қилдим, мана энди айтишим мумкинки, ҳозирги аҳволда дуруст бир натижани кутиш амримаҳол. Бирор истеъдод эгаси пайдо бўлиб, давримиздаги ҳамма яхши нарсаларни ўзлаштириб, улардан ҳам ўзиб кетса, бошқа гап. Бунинг учун ҳамма имконият бор, йўллар очик. Ҳозирги кунда Фидиянинг ижод маҳсуллари томоша қиляпмиз, ёшлигимизда бу ҳақда орзу ҳам қилолмасдик. Айтиб ўтганимдек, бизга улўф истеъдод эгаси етишмаяпти, холос, ишончим комилки, у бешикда ётгандир ва Сиз унинг шуҳратига гувоҳ ҳам бўларсиз.

1826 йилнинг 20 декабри, чоршанба

Тушликдан кейин Гётега, ўзимга беҳад қувонч бағишлаган бир ихтироим ҳақида гапирдим. Яъни шамнинг ёнишини кузатиб пайқадимки, ёлқинчанинг пастки тиниқ қисми осмонни бизга кўм-кўк қилиб кўрсатишга сабаб бўладиган ҳолатнинг ўзи экан, чунки қоронғилик айни ўша хира ёруғлик орқали кўринади.

Мен Гётедан, унга бу ҳолат маълумми, буни «Ранглар ҳақидаги таълимот»ига киритганми-йўқми, дея сўрадим.

— Бўлмасамчи, — деди у ва жавондан «Ранглар ҳақидаги таълимот»нинг бир жилдини олиб, ўша жойни ўқиб берди, ҳолатни мен қандай кузатган бўлсам, худди ўшандай баён қилинган эди.

— Менинг «Ранглар ҳақидаги таълимот»имни ўқимай турибок Сиз бу ҳолатни пайқаганингиздан хурсандман, — деди у, — ахир Сиз уни тушуниб етдингиз ва ишонаманки, уни эгалладингиз. Шу билан бирга, бошқа ҳолатларга ҳам яқинлашишга имкон тугдирувчи нуқтаи назарга эга бўлдингиз. Ҳозир мен Сизга бошқасини кўрсатаман.

Кундузги соат тўртлар эди, осмонни булут қоплаган, ғира-шира қоронғилик туша бошлаган палла эди. Гёте шамни ёқди-да, уни дераза олдидаги столга олиб борди ва уни бир варақ оқ қоғоз устига қўйди-да, ёнига битта таёқчани шундай жойлаштирдик, шам ёруғи таъсирида таёқчанинг сояси кундузги ёруғлик томон йўналди.

— Хўш, — деди Гёте, — бу сояга нима дейсиз?

— Соя ҳаворанг, — дедим мен.

— Мана Сизга яна бир кўк ранг, бироқ таёқчанинг шамга қараб турган томонида нимани кўряпсиз? — деди Гёте.

— Яна сояни кўряпман.

— У қанақа рангда?

— Қизғиш-сарик рангда, — жавоб қайтардим мен, — бундай кўшалок ҳолат қандай юзага келади?

— Қани, ўзингиз бунинг фаҳмига етинг, — деди Гёте, — бу кўлдан келадиган иш, аммо мушкулроқ. Бунинг тубига етишга ўзингизда умид уйғонмагунча «Ранглар ҳақидаги таълимот» имга қараманг.

— Қарамайман, — деб қувонч билан унга ваъда бердим.

— Шамнинг пастки томонидаги, — сўзида давом этди Гёте, — тиниқ ёғдунинг қоронғиликка тушиб кўкиш ранг ҳосил қилаётган ҳолатни мен ҳозир Сизга катталаштириб кўрсатаман. У қошиқни олиб, унга спирт қўйди-да, ёқди. Шунда кўз олдимда янгидан кўкиш ранг ҳосил бўлди ва унинг таъсирида қоронғилик ҳам кўк бўлгандек туюлди. Ёнаётган спиртни қоронғи деразага яқинлаштирган эдим, кўкиш ранг янада қуюқлашди, ёруғликка томон бурган эдим, кўкиш ранг нурсизланиб, бутунлай йўқолиб кетди.

Мен бу ҳолатни қизиқиб кузатдим.

— Ҳа, — деди Гёте, — бу оддийликда табиатнинг улугворлигини кўрамиз, у улкан ҳодисаларни майда нарсаларда такрорлайди. Осмонга ложувард ранг бахш этадиган худди шундай қонунни биз ёнаётган шамнинг пастки қисмида, ёнаётган спиртта, шунингдек, қоп-қоронғи тоғлар этагида жойлашган кишлоқ тепасидан кўтарилаётган ёруғ тутунда ҳам кузатамиз.

— Бундай оддий ҳолатга Ньютоннинг шогирдлари қандай изоҳ беришади? — сўрадим мен.

— Буни билмай қўяверинг, — жавоб берди Гёте, — бу бемаъни нарса, бундай бемаъни нарсалар билан банд бўлиш мияни қандай захарлашини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ньютончилар ҳақида қайғурмай қўяверинг, бевосита таълимотнинг ўзи билан қаноатланаверинг, шунинг ўзи Сизга етарли бўлади.

— Ёлғон назариялар билан шуғулланиш, — дедим мен, — шу вазиятда худди ёмон фожиани ҳар томонлама таҳлил қилиб, унинг саёзлигини исботлаб бериш учун уни чуқур ўрганишга мажбур бўлишдек ёқимсиз ва зарарли бўлса керак-а, менимча?

— Ҳа, худди шундай, — деди Гёте, — зарурият бўлмаганда буни қўллашга ҳожат йўқ. Агар математикани зарур ва фойдали фан сифатида ўз ўрнида қўллашса, буни қадрлайман, бордию уни сунистеъмор қилиб, керак-нокерак жойга тикиштираверишса, бу асл фан бемаъни бир нарсага айланиб қолади. Гўё у математик нуқтаи назардан исботлаб бериш учунгина мавжуддек туюлади кишига. Айтайлик, бирор йигит кизининг севгисига ишонмай қўйди, чунки киз ўз севгисини унга математик йўл билан исботлаб беролмади, десак, бу албатта, аҳмоқона фикр бўларди! У сепини математик йўл билан исботлаб берса бўлади, бироқ севгисини эмас. Ўсимликлар метаморфозаси таълимотини математиклар яратишмади! Мен бу таълимотни ҳеч қандай математикасиз ҳам яратдим, уни математиклар ҳам эътироф этишди. «Ранглар ҳақидаги таълимот» ҳолатларига фаҳм-фаросат етиши учун кишига соғлом ақл ҳамда кузатувчанлик кўникмаси зарур бўлади, аммо ҳар иккаласи ҳам кутилгандан кўра камроқ учрайди.

— Ҳозирги французлар билан инглизлар ранглар ҳақидаги таълимотга қандай қарашади? — сўрадим мен.

— Ҳар иккала миллат ҳам, — жавоб берди Гёте, — ўз афзалликлари ва қусурларига эга. Инглизларнинг амалиётга таянишлари яхши, бироқ улар ўта расмиятчи. Французлар ақлли, улар учун муҳими ижобийлик, агар бу нарса бўлмаса, улар уни ўзлари яратишади. Ранглар ҳақидаги таълимот борасида улар тўғри йўлда, йирик олимларидан биттаси бунга яқинлашиб қолди. «Ранг ҳамма нарсага хос», — дейди у. Табиатда ачийдиган жисмлар бўлгани сингари, бўйайдиганлари ҳам мавжуд. Ҳар қалай турли ҳолатларни бу билан изоҳлаб бўлмайди, шунга қарамасдан, у фикрини табиатга татбиқ этади ва уни математик чекланишлардан соқит қилади.

Берлин газеталарини келтиришди, Гёте уларни ўқишга тутинди. Менга ҳам биттасини берди, театрга тегишли янгиликлардан маълум бўлдики, у ердаги Қирол театрида ҳам, опера театрида ҳам худди биздагидек саёз спектакллар қўйилаётган экан.

— Бошқача бўлмайди ҳам, — деди Гёте, — ҳар кеч дурст спектакллар қўйиш учун инглиз, француз ва испан муаллифларининг асарларидан яхши репертуар тузиб бўлмаслиги

аниқ. Ҳамиша яхши спектакль кўриш учун халқда доим ҳам талаб бор дейсизми? Эсхил, Софокл, Эврипидлар ижод қилган замонларда шароит бошқача эди: уларга буюк рух эргашиб юрарди, бинобарин, ҳамиша буюклик ва етукликка интилиш кучли эди. Аммо бизнинг расво замонимизда етукликка бўлган талабни топиш амримаҳол. Етукликни қабул қиладиган сезгилар қаерда дейсиз?

— Шу билан бирга, — сўзида давом этди Гёте, — одамлар янгиликка интилади! Берлинда ҳам, Парижда ҳам томошабин ўша-ўша. Парижда ҳар ҳафтада ўнлаб пьесаларни ёзиб, театрға келтиришади, одамлар беш-олтиталаб ёмон пьесаларни кўришға тоқат қилишади ва охири бирорта дурустроғи чиқиб қолиши мумкин.

Ҳозирги пайтда немис театрини керакли мавқеда ушлаб турадиган ягона восита фақат гастроллардир. Ҳозир ҳам театрни бошқараётган бўлсайдим, бутун киш давомида яхши артистларни таклиф қилган бўлардим. Бу билан нафақат яхши пьесалар намойиш қилинарди, балки томошабин қизиқишини фақат пьесаларгагина эмас, актёрлар маҳоратига ҳам тортишға муваффақ бўлинарди, қиёслаш, баҳолаш имкони тувилган бўлар, томошабиннинг дунёқараши ўсган, таланти меҳмоннинг яхши ўйини бизнинг актёрларимизға таъсир қилиб, улардан ибрат олишға ундаши мумкин бўларди. Айтиб ўтганимдек, гастроль ва яна гастроллар, ўшанда бундан театрға ва томошабинға келадиган фойдани кўриб ҳайратдан ёқа ушлардингиз.

Бирорта ишнинг кўзини биладиган, куюнчак одам пайдо бўлиб, бир йўла тўртта театрға раҳбарликни бўйнига оладиган ва уларни гастролчилар билан таъминлайдиган вақт келадиган кунни кўряпман, ишончим комилки, у худди биттасига бошчилик қилгансимон тўрталасини ҳам рисоладагидек эплайди.

1826 йилнинг 27 декабри, чоршанба

Мен уйда ҳам соянинг кўк ва сариқ ҳолати ҳақида фикр юритдим, чунки бу мен учун узок вақт жумбоқ бўлиб қолган бўлса-да, ҳар ҳолда тинимсиз кузатувлардан сўнг вазият равшанлаша борди ва ҳолатни тушуниб етганимға борган сари ишонч ҳосил қила бошладим. Бугун тушлик пайтида жумбоқни ҳал қилганимни Гётега айтдим.

— Жуда зўр, — деди Гёте, — овқатдан кейин менга айтиб берасиз.

— Яхшиси ёзиб бераман, — жавоб бердим мен, — оғзаки тушунтирганимда керакли сўзлар тилимга келавермайди.

— Ёзсангиз кейинроқ ёзаверасиз, — деди Гёте, — бироқ бугун менинг кўз олдимда тажриба ўтказиб, тушунтириб берасиз, токи Сиз тўғри йўлдамасиз-йўқми, мен билай.

Тушликдан сўнг ҳали ёп-ёруғ пайтда Гёте:

— Ҳозир тажриба ўтказа оласизми? — деди.

— Йўқ, — дедим мен.

— Нега? — сўради у.

— Ҳали жуда ёруғ, — жавоб қайтардим мен, — салгина қоронғилашсин, шам сезиларли соя ташлайдиган бўлсин, шу билан бирга, кундузги ёруғлик сояни ёритиб туриши учун бутунлай қоронғилик тушмаслиги керак.

— Хм, — деди Гёте, — бу гапда ҳар ҳолда жон бор.

Ниҳоят қоронғилик туша бошлади, мана, айна пайти, дедим мен Гётега. У шамни ёқиб, менга бир варақ оқ қоғоз ва таёқча берди.

— Ана энди тажрибага киришинг ва уни изохлаб беринг, — деди у.

Мен шамни дераза яқинидаги стол устига, қоғозни эса шам яқинига қўйдим, таёқчани қоғоз ўртасига, кундузги ёруғлик билан шам ёруғлиги орасига қўйганимда ҳолат бутун гўзаллиги билан намоён бўлди. Шам томондаги соя сезиларли даражада сариқ, дераза томондагиси эса чинакам кўм-кўк эди.

— Хўш, — деди Гёте, — кўм-кўк соя қаердан пайдо бўлар экан?

— Буни тушунтиришдан олдин, — дедим мен, — рухсатингиз билан мана шу иккала ҳодисани келтириб чиқарадиган асосий қонун устида тўхталсам. Ёруғлик билан қоронғилик — булар ранглар эмас, балки икковининг ўзгаришидан ранглар пайдо бўлиб, улар ўртасида ётадиган иккита чегара. Ана шу чегараларнинг чеккасида сариқ ва кўк ранглар вужудга келади: сариги ёруғлик чегарасида, уни хира шароитда кузатганимизда, кўки эса қоронғилик чегарасида, тиниклик орқали кузатганимизда вужудга келади. Ҳолатларимизга қайтадиган бўлсак, — сўзимда давом этдим мен, — кўряпмизки, таёқча шам ёруғининг зўри билан сезиларли соя ташлаяпти. Бордию мен дераза пардаларини тушириб, кундузги ёруғликни тўсиб қўйсам, бу соя қоп-қора зулмат бўлиб кўринган бўларди. Бироқ очик деразадан кундузги нур тушиб, ёруғ муҳит ҳосил қилмоқда, шу орқали соя қоронғилигини кўряпмиз ва шу йўл билан, қонунга мувофиқ, кўк ранг ҳосил бўлмоқда.

Гёте кулди.

— Кўк ранг ҳақида, сариқ соя ҳақида нима дейсиз? — деди у.

— Бунда хира ёруғлик қонуни ҳукмрон, — жавоб бердим мен. — Ёнаётган шамдан оқ қороз устига ёруғлик тушяпти, унда маълум даражада сариқлик бор. Ёнаётган шам тарафга таёқчадан тушаётган соянинг кучсиз бўлишига кундузги ёруғлик таъсирининг кучлилиги йўл бермайди ва шу соя нурни хиралаштиришга етарли бўлади, шу тариқа, қонунга мувофиқ сариқ ранг ҳосил бўлади. Агар сояни иложи бориша шамга яқинроқ силжитиб, хираликни кучсизлантирсам, унда тиниқ оч сариқ ранг пайдо бўлади, агар сояни имкон қадар ёруғликдан узоқлаштириб, хираликни кучайтирсам, унда сариқ ранг хиралашиб, қизилга мойиллашади, қип-қизил бўлиши ҳам мумкин.

Гёте кулди, ўта сирли қилиб кулди.

— Хўш, — дедим мен, — гапларим тўғрими-йўқми?

— Сиз ҳолатни тўғри пайқаб, жуда чиройли изоҳладингиз, — жавоб берди Гёте, — бироқ уни тушунтириб бермадингиз. Тушунтиришларингиз яхши, ҳатто ўткир ҳам, аммо, афсуски, тўғри эмас.

— Унда менга ёрдам беринг, — дедим мен, — жумбоқни ечинг, сабрсизликдан ёрилай деяпман.

— Ҳали буни билиб оласиз, — деди Гёте, — бироқ бугун эмас, бу йўл билан ҳам эмас. Яқинда мен Сизга бошқа бир ҳолатни намоёиш қиламан, ўшанда қонун моҳияти Сизга яққол аён бўлади. Сиз унга анча яқинлашдингиз, у ёғига бу йўналишда бориб бўлмайди. Янги қонунни тушуниб етганингиздан сўнг бутунлай бошқа доирага тушасиз ва кўп нарса Сиз учун ортда қолган бўлади. Бирор кун ҳаво очик пайтида тушликдан бирор соат олдин келинг, мен Сизга аниқ ҳолатни кўрсатаман, ўшанда манави қонунга асос бўлган ўша қонунни билиб оласиз.

— Рангларга қизиқиб қолганингиздан беҳад мамнунман, — сўзида давом этди у, — бу қизиқиш Сизга тасвишлаб бўлмас қувончли лаҳзаларни ато қилади.

Кечқурун, Гётеникидан чиқиб кетганимдан кейин ҳам ҳолат ҳақидаги хаёлларни миямдан чиқариб ташлаёлмадим, бу ҳатто тушимга ҳам кириб чиқди. Шундай бўлса-да, миям ҳеч бир ёришмади ва ечимга бир қадам ҳам яқинлаша олмадим.

— Табиатшуносликка оид битикларим, — деган эди Гёте яқинда, — анча секин силжияпти. Бу билан шуғулланишимнинг боиси фанга бирор сезиларли ҳисса қўшиш эмас, балки бу машғулот орқали боғлаб турган яхши алоқаларимдан воз

кечмасликдир. Табиатни ўрганиш — энг беозор машғулот. Ҳозирги пайтда эстетика соҳасида бундай алоқалар ва ёзиш-малар ҳақида ҳаёл ҳам суриб бўлмайди. Буни қаранг, менинг «Херманн ва Доротея»да тилга олинган Райн бўйидаги шаҳарнинг айнан қайси шаҳар эканлигини билгилари келиб қолипти! Ким қайси шаҳарни хоҳласа, ўшани ҳаёлига келтираверса бўлмайдами? Одамларга ҳақиқат керак, ҳақиқий ҳаёт керак, шундай йўл билан шеърятнинг бошига етишади.

1827

1827 йилнинг 3 январи, чоршанба

Бугун тушлик пайтида Кеннинг¹нинг Португалияни ҳимоя қилиб сўзлаган нутқи хусусида гурунглашдик.

— Айримлар, — деди Гёте, — ушбу нутқни қўпол дейишади, аммо улар нима хоҳлашларини ўзлари ҳам билишмайди, барча муҳим нарсаларни инкор қилишмаса кўнгиллари жойига тушмайди. Бу оппозиция эмас, балки инкор этишнинг худди ўзи. Буюк нарсани кўролмасликни улар одат қилиб олишган. Наполеон ҳали тирик чоғида ундан роса нафратланиб, унга лаънатлар ёғдиришди. У йўқ бўлгач эса, Муқаддас иттифокқа қарши норозилик эълон қилишди, шунга қарамай одамлар ҳеч қачон ана шу иттифокқа тенглашадиган буюк ва инсоният учун фойдали нарсани ўйлаб топишмаган эди. Энди навбат Кеннингга келди. Унинг Португалияни ҳимоя қилиш ҳақидаги нутқи ўтқир ақлнинг самарасидир. У ўз куч-қудратининг қамровини ҳамда ўз мавқеининг нечоғлик юксаклигини жуда яхши биледи ва ҳис этаётган нарсаларни гапирганида у тамоман ҳақли. Аммо анави бефаросатлар буни тушунишга қодир эмас, биз учун улур туюлган нарса улар учун қўпол. Улуғлик улар учун ноқулай, улар бунга тоқат қилишолмайди, уларда қалб йўқ.

1827 йилнинг 4 январи, пайшанба кuni кечқурун

Гёте Виктор Гюго² шеърларини роса мақтади. — У юксак истеъдод соҳиби, — деди у, — унда немис адабиётининг таъсири кучли. Афсуски, унинг ёшлигини классицизмнинг

¹ Кеннинг (1770 — 1827) — либерал давлат арбоби. Унинг 1826 йил 12 декабрда сўзлаган нутқи Испания хавф солиб турган Португалия ҳимоясига қаратилган эди.

² Гюго Виктор (1802 — 1885) — француз шоири.

расмиятчи тарафдорлари барбод қилишди, энди уни «Глоб» ҳимоя қилади, ҳар ҳолда у ўйинда ютиб чикди. Мен уни Манзони¹га қиёслагим келади. Унинг истеъдоди бор гап, назаримда машхурликда жаноб Ламартин² ва Делавин³дан ҳеч бир камлик жойи йўқ. Уни синчиклаб ўқирканман, у ва унга ўхшаган ёш истеъдодлар қаердан пайдо бўлишаётганини тушунгандек бўламан. Шатобриан⁴дан, албатта, у ўзига хос риторик-поэтик истеъдод эгаси сифатида фарқ қилади. Виктор Гюго қандай ёзишини тасаввур қилмоқчи бўлсангиз, унинг Наполеон ҳақидаги «*Les deux isles*»⁵ шеърини ўқишингиз кифоя.

Гёте китобни менинг олдимга қўйди-да, ўзи печка ёнига борди. Мен ўқий бошладим.

— У таплаган образлар зўр эмасми? — деди Гёте, — таплаган мавзусини эркин усулда очиб бермаяптими?

У тағин ёнимга келди.

— Мана бу жойини қаранг, қандай ажойиб!

У қора булутдан чакнаган яшин қахрамонни пастдан юқорига томон ирғитиб юборганлиги ҳақидаги бир неча сатр-ни ўқиди.

— Жуда зўр! Негаки образ ишонарли, тоғларда бунақаси кўп бўлади, момақалди роқ паст ўтади-да, яшин пастдан тепага қараб уради.

— Французларни жуда ҳурмат қиламан, — дедим мен, — уларнинг шеърляти мустаҳкам заминга эга. Уларнинг шеърлярини насрга айлантурса ҳам моҳияти ўзгармай қолаверади.

— Бунинг сабаби шундаки, — деди Гёте, — француз шоирлари кўп нарсани билишади, бизнинг немисларимиз бўлса, билим олишга куч сарфласак, истеъдодимизга путур етади, деб кўрқишади, ахир ҳар қандай талант билимдан озиқ олиши ва шу орқалигина ўз кучларини амалда қўллаши мумкин-ку. Майли, билганларини қилишсин, уларга ҳеч қандай кўмак бериб бўлмайди, ҳақиқий истеъдод ўз йўлини топиб олади. Ҳозир шеър ёзаман деб уриниб юрган ёш шоирларда чинакам истеъдод кўринмайди, улар ўз укувсизликларини намоён

¹ *Александро Манзони (1785 - 1873)* Гётега замоңдош улур итальян шоири ва романистиси.

² *Ламартин Альфонс де (1790 - 1869)* - француз романтик ёзувчиси, давлат арбоби.

³ *Делавин Казимир (1793 - 1843)* - француз шоири.

⁴ *Шатобриан Франсуа Рене де (1768 - 1848)* - француз романтик ёзувчиси.

⁵ «*Les deux isles*» «*Икки орол*» (фр.). Виктор Гюгонинг 1826 йилда босилиб чиққан романтизм руҳидаги шеъри.

қилишдан нарига ўтишмаяпти, ана шу укувсизликни немис адабиётининг мавқеи ижодга илҳомлантириб турипти.

— Французларнинг, — сўзида давом этди Гёте, — педантизмдан юз ўтириб, шеърятда эркин усулга ўтганларига хайрон қолмаслик керак. Дидро ва унга ўхшаган буюк ижодкорлар инқилобдан олдиноқ бу йўлни босиб ўтишга ҳаракат қилишган. Инқилоб, ундан сўнг Наполеон даври бунга кенг йўл очиб берди. Уруш йиллари поэзияга қизиқишнинг ўсишига тўсқинлик қилган, яъни илҳомни сўндирган бўлса-да, ўша даврда ҳам бир қанча эркин фикрли ижодкорлар шаклланди, мана энди тинчлик даврида ўзларига келиб, ноёб истеъдодларини намойиш қилишмоқда.

Мен Гётедан, классицизм тарафдорлари бекиёс Беранже¹га ҳам таҳдид қилишганми-йўқми, деб сўрадим.

— Беранже ижод қиладиган жанр, — деди Гёте, — анча эски, анъанавий жанр, унга ҳамма ўрганиб қолган, шундай бўлса-да, айрим ҳолларда ўз салафларига нисбатан эркинроқ ҳаракат қилди, шу боисдан расмиятчилар партияси уни аяб ўтирмади.

Гурунг мавзуси тасвирий санъатга ва қадимги мактабга тақлид қилувчиларнинг зарарли таъсирига кўчди.

— Сиз ўзингизни билафон деб ҳисобламайсиз, — деди Гёте, — аммо мев ҳозир Сизга битта расмни кўрсатаман, гарчи у бизга замондош энг зўр немис рассомларидан бири томонидан чизилган бўлса-да, санъатнинг илк қонунларига сезиларли путур етказгани дарҳол кўзингизга ташланади. Айрим жузъий жиҳатлари яхши ишланганини пайқайсиз, бироқ у бир бутунликда Сизга ёқмайди, бунинг аслида нимага кераклигига ақлингиз етмайди. Гап фақат рассомнинг истеъдоди ўртача эканлигида эмас, балки унда ҳам худди шу қадимги рассомларга тақлид қилувчилар сингари истеъдодга етакчилик қилувчи ақл хиралашиб қолган ва у етук ижодкорларни четлаб ўтиб, етук бўлмаган ўтмишдошларга суянади ва уларни намуна сифатида танлайди.

Рафаэль ва унинг замондошлари услубнинг чегараланганлиги боис табиийлик ва эркинликка томон кетиб қолишди. Ҳозирги рассомлар Тангрига шукрона айтиб, имкониятлардан фойдаланиш ва фойдали йўлдан бориш ўрнига, яна ўша чегараланганлик томон қайтишмоқда. Афсус, демай илож йўқ, бу ғовлаган каллаларни тушуниб бўлмайди. Улар бу йўлда санъатдан таянч тополмаганлари туфайли дин ёки бирор партияга

¹ *Беранже Пьер-Жан (1780–1857)* — француз шоири.

суяниш йўллари кидиришмоқда, чунки буларсиз ожизликдан хароб бўлишарди.

— Бутун санъатнинг моҳиятини, — сўзида давом этди Гёте, — ворисийлик ташкил этади. Бирор буюк рассомни кўрганганда, унинг ўз ўтмишдошларидаги энг яхши хислатларни ўзлаштирганига, худди шу нарса уни буюк қилганига амин бўласан киши. Рафаэль сингари шахслар осмондан тушгани йўқ. Улар антик дунёга ва ўзларидан олдин яратилган энг яхши намуналарга таянишган. Ўз даври имкониятларига таянмаганда эди, улар ҳақида гапириб ўтиришга ҳам арзимасди.

Қадимги олмон поэзияси хусусида сўз очилди, мен Флеминг'ни эсга олдим.

— Флеминг, — деди Гёте, — хийла ёқимли шоир, шеърлари халқ мотивларига яқин, бироз зерикарли, ҳозир унинг аҳамияти сезилмайди.

— Қизик, — сўзида давом этди Гёте, — мен кўп нарсалар ёзиб ташладим, аммо бу шеърлардан бирортаси ҳам Лютернинг диний кўшиқлар тўпламидан жой олмаган.

Мен кулиб кўйдим ва фикрни тасдиқладим, бу ажойиб мулоҳазада бир қараганда туюлганидан кўпроқ нарса яширингани ҳақида ўзимча ўйлаб кўйдим.

1827 йилнинг 14 январи, якшанба куни кечқурун

Бу кеч Гётеникида Эбервайнлар² оиласи унинг шарафига уюштирган мусиқа кечаси экан, унда бир қанча оркестр аъзолари ҳам иштирок этишаётганди. Тингловчилар кам бўлиб, улар орасида генерал-суперинтендент Рёр, сарой маслаҳатчиси Фогель³ ва уч-тўртта хонимлар бор эди. Гёте машҳур ёш композитор квартетини эшитишни истаган эди, ижро этишди. Ўн икки ёшли Карл Эбервайн роялда куй ижро этди, бу Гётега жуда ёқди, у чинакам зўр чалди, бутун квартет барчанинг олқишига сазовор бўлди.

— Тасанно, — деди Гёте, — юксак даражада ривожланган техника ва механика ҳозирги композиторларга қандай қўл келяпти, уларнинг асарлари энди мусиқа саналмай қолди, улар инсон ҳис-туйғулари даражасидан ошиб кетди, на онгингга, на қалбингга таъсир кўрсатолмайди. Сиз қандай қабул қиляпсиз? Мен фақат кулоқларим билан эшитяпман, холос.

¹ Флеминг Паул (1609 – 1640) -- олмон шоири.

² Эбервайн Франс Карл (1786 – 1868) – ваймарлик мусиқачи, Макс Эбервайн (1775 – 1831) – унинг акаси, композитор. Карл – ўғли.

³ Фогель Карл (1798 – 1864) – Ваймар саройи маслаҳатчиси, врач.

– Менда ҳам шу ҳолат, дедим.

– Бироқ аллегрога гап йўқ, – сўзида давом этди Гёте, – тинимсиз даранг-дурунглар Брокендаги жинлар рақсини ёдимга солади, демак, мен бу билан гаройиб мусиқага ҳамоҳанг манзарани топа олдим.

Танаффус чоғида ҳамма суҳбатлашиб, у-бу нарса татиб олаётганда Гёте мадам Эбервайндан бир неча кўшиқлар айтиб беришини илтимос қилди. У Цельтер мусиқаси билан «Ярим кечада» кўшиғини ижро этди, кўшиқ ҳаммага маъқул бўлди.

– Қанча тингламагин, бу кўшиқдан безор бўлмайсан, – деди Гёте, – унинг мусиқасида аллақандай барҳаётлик ва беҳад кўтаринкилик бор.

Шундан сўнг Макс Эбервайн мусиқа басталаган «Балиқчи киз» спектаклидан кўшиқлар ижро этилди. «Ўрмон шоҳи» ҳамма-ҳамманинг олқишига сазовор бўлди. «Буни меҳрибон онамга айтдим» ариясини тинглагач, ҳамма бир овоздан, мусиқа сўзларга шу қадар ҳамоҳангки, бошқачасини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, дейишди. Ҳатто Гёте ҳам бундан ортик даражада мамнун бўлди.

Гаштли кеча охирида мадам Эбервайн Гётенинг илтимоси билан «Девон»дан турмуш ўртоғи куй басталаган бир неча кўшиқларни куйлаб берди. Гётега айниқса, «Jussufs Reise möchte ich borgen»¹, деган жойи жуда ёқди.

– Мана шу ерда, – деди Гёте менга, – Эбервайн ўз-ўзидан ошиб тушади.

Кейин у «Ach, um deine feuchten Schwingen»² кўшиғини сўради, бу ҳам ҳаммага бирдек таъсир қилди.

– Бу кеч, – деди у, – мен шундай фикрга келдимки, «Девон»³дан олинган бу кўшиқларнинг менга ортиқ ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ундаги барча Шарққа, ҳис-туйғуларга хос бўлган нарсалар қалбимда ўчиб бўлган, улар худди илоннинг пўсти сингари йўлда қолиб кетган. «Ярим кечада» кўшиғи эса, аксинча, менга бўлган таъсирини йўқотмаган, у ҳамиша қалбимнинг бир қисми бўлиб, мен билан яшаб келмоқда.

Умуман олганда, ўз асарларим ўзимга бегонадек туюлган ҳолатлар кўп бўлиб туради. Яқинда француз тилида бир нарса ўқиётиб, бу одам фикрларини яхши ифодаламоқда, мен бундан кўра яхшироқ ифодалаган бўлардим, деб ўйлаб

¹ «Юсуфнинг саёҳатига шерик бўлишни истардим» (нем.).

² «Оҳ, сенинг намхуш қанотларингда» (нем.).

³ «Девон» – Гётенинг «Ғарбу Шарқ» девони.

қўйдим. Бундоқ диққат билан разм солсам, булар менинг асаримдан таржима қилиб олинган парча экан.

1827 йилнинг 15 январи, душанба куни кечқурун

«Хелена»¹ни тугатгандан сўнг Гёте ўтган йил ёзида «Вильхельм Мейстернинг жаҳонгашталиқ йиллари»ни давом эттиришга киришди. Бу ишнинг давом этаётгани хақида у менга тез-тез гапирарди.

— Мавжуд материалдан яхшироқ фойдаланиш мақсадида, — деди у бир куни менга, — биринчи қисмни тамоман ўзгартирдим, энди эски ва янги материалларни аралаштириб, икки қисм қилмоқчиман. Босилиб чиққанини ҳам кўчиришга бердим, янги фикр қўшиладиган жойларга белги қўйганман, кўчирувчи киши шу белгига етганда, мен давомини айтиб турман, шу тариқа иш тўхтамай давом этаверади.

— «Жаҳонгашталиқ йиллари»нинг босиб чиқарилган қисми кўчириб бўлинди, — деди у менга бошқа бир куни, — ўзгартиришим керак бўлган жойлар ҳаворанг қоғозга ёзилдики, энди мен, нималар қилишим кераклигини аниқ биламан. Ҳозир шундай ишляяпманки, ҳаворанг варақлар борган сари камайиб бораяпти, мен бундан хурсандман.

Бир неча ҳафта бурун унинг котибидан эшитишимча, у янги новелла устида ишлаётганмиш, шу сабабли кечқурунлари уникига боришдан ўзимни тийиб, ҳафтада бир кун фақат тушлиқда кўришиш билан қаноатландим.

Новеллани яқинда тугатиб, бугун кечқурун унинг дастлабки варақларини менинг олдимга қўйди.

Мен жуда хурсанд бўлдим, уни энг диққатга сазовор жойигача ўқидим, яъни ҳамма ўлик йўлбарс атрофида турганда қоровул келиб, шернинг анави тепадаги вайроналар ичида, қуёш нурига тобланиб ётганини хабар қилади.

Ўқирканман, тасвирдаги бениҳоя аниқликдан хайратга тушдим: ҳамма нарса ипидан-игнасигача аниқ кўз олдимда намоён бўларди. Овга чиқиш, кўҳна сарой харобалари тасвири, ярмарка, харобалар томон элтувчи дала йўли, ҳаммаси шу қадар ёрқин баён қилинган эдики, муаллиф қандай ўйлаган бўлса, китобхон ҳам ҳаммасини худди ўшандай кўз олдида келтира олар эди. Шу билан бир вақтда, ҳамма нарса шу даражада ишонч, тафаккур билан, эгаллик ҳисси билан битилган эдики, келажакда нима бўлишини олдиндан билолмас ҳамда ўқиётганингдан ўзга ҳеч нарсани кўролмас эдинг.

¹ «Хелена» — Гётенинг гўзал Еленага бағишланган шеърий асари.

— Жаноби олийлари, — дедим мен, — аниқ бир схема асосида ишлаган кўринасиз-а?

— Умуман, шундай десаям бўлади, — жавоб берди Гёте, — бу сюжетни ўттиз йил бурун ўйлаб қўйгандим, шу муддат давомида у хаёлимдан нари кетмади. Бунинг қисмати ҳам қизиқ бўлган. Дастлаб «Херманн ва Доротея»ни тугатганимданок мавзуни эпик шаклда, гекзаметр¹да ёзмоқчи бўлдим, шу мақсадда муфассал режа ҳам тузиб қўйдим. Мана энди ўша мавзуга қайта қўл урганимда аввалги режамни тополмадим ва янгисини тузишга мажбур бўлдим, яъни мавзуни қандай шаклда ёритишни хоҳлаган бўлсам, худди ўшанга мослаб туздим. Ишни поёнига етказганимда ҳалиги эски режа топилиб қолди, яхшиямки у илгарироқ кўлимга тушмади, дейман, негаки у фикримни чалғитган бўларди. Сюжет, воқеалар ривожига кўпам ўзгариш бўлмади, бироқ деталларда анчагина ўзгаришлар бўлди, мен олдин эпик шаклда, гекзаметрда режалаштирган эдим, буни сўзсиз насрий баён усулида қўллаб бўлмас эди.

Кейин «Новелла»²нинг мазмуни ҳақида гурунглашдик.

— Қандай ажойиб кўриниш, — дедим мен, — княгинянинг рўпарасида Хонарио ўлик йўлбарснинг тепасида турибди, уларнинг ёнига хўнг-хўнг йиғлаганча бола етаклаган аёл яқинлашмоқда, овдан қайтаётган князь ҳам ўз тўдаси билан бу фаройиб гуруҳ томон шошилмоқда. Зўр расм чиқарди-да бундан, мен буни сурат ҳолида кўришни истардим.

— Ҳа, — деди Гёте, — яхши расм бўларди, аммо, — бироз ўйлаб олгач сўзида давом этди, — бу ерда мазмун жуда бой, одамлар кўп, нур ва сояни жамлаб, тақсимлашга рассом анча қийналган бўларди. Бироқ бундан олдинги, яъни Хонарио йўлбарс жасади олдида тиз чўккан ва княгиня от устида унинг рўпарасида турган лаҳзани расмда тасаввур қила олардим, бу яхши расм бўларди.

Мен Гётенинг ҳақлигини ҳис этдим ва айни ана шу лаҳза бутун воқеанинг туб маъзи эканлигини ҳамда унинг асосий моҳиятини ташкил этишини қистириб ўтдим.

Шу билан бирга, ўқилган қисмдан хулоса чиқариб, ушбу «Новелла» «Жаҳонгашталиқ йиллари»га кирган бошқа новеллалардан тубдан фарқ қилишини, унда ҳамма кўриниб турган, реал нарсалар тасвирга олинганини айтдим.

¹ *Гекзаметр* — олти туроқли шеърини ўлчов. Антик даврда кенг қўлланилган. Гётенинг «Херманн ва Доротея» достони гекзаметрда ёзилган.

² «*Новелла*» — Гётенинг насрий асарларидан бири.

— Сиз ҳақсиз, — деди Гёте, — Сиз ўқиган нарсада ички дунёни топишингиз қийин, менинг бошқа асарларимда эса бу нарса хийла кўп учрайди.

— Улар шерни қандай қилиб енгишади, шуни билишга роса қизиқаяпман, — дедим мен, — табиийки, буни бошқача йўл билан қилишади, аммо қандай йўл билан — мана шу менга қоронғи.

— Бирданига ҳаммасини билиб олсангиз қизиқ бўлмайди, — деди Гёте, — бугунча Сизга ҳеч нарса айтмайман. Пайшанба куни кечқурун охирини бераман, ўшангача шер офтобда исиниб ётатурсин.

Мен гурунг мавзусини «Фауст»нинг иккинчи фаслига, асосан, «Классик Вальпургия кечаси» қисмига бурдим, у ҳозирча эскизлар ҳолида ётарди, бундан биров олдин Гёте менга, уни шу ҳолатда нашр эттиришини айтган эди. Бундай қилманг, дея Гётега маслаҳат беришга журъат қилдим, чунки, агар нашр этилса, шу ҳолатда қолиб кетишидан кўрққан эдим. Бу орада ўзи ҳам мулоҳаза қилиб кўрган бўлса керак, фикримга рози бўлганини, буни эскизлар ҳолатида нашр эттирмасликка қарор қилганини айтди.

— Бундан беҳад хурсандман, — дедим мен, — энди менда уни охирига етказасиз, деган ишонч пайдо бўлди.

— Буни уч ойда ниҳоясига етказган бўлардим, — деди у, — аммо хотиржамликни қаердан олардим бунга! Ҳар бир куннинг ўзига яраша ташвишлари бор, ҳамма нарсага қўл силтаб ўтириб ишлашнинг иложи йўқ. Бугун эрталаб Буюк ҳерцогнинг валиаҳди меҳмоним бўлди, эртага тушда Улуғ княгиня келишини маълум қилишди. Мен бундай топшириқларни ўзим учун юксак эътибор сифатида қадрлашим лозим, улар ҳаётимнинг безаги, шу билан бирга улар мендан ички қудратни ҳам талаб қилишади, ахир мен бундай мартабали меҳмонларни янги нарсалар билан машғул қилиб, улар билан муносиб тарзда мулоқот қилишга тиришмоғим керак-да.

— Барибир, — дедим мен, — ўтган йил қишда Сиз «Хелена»ни ёзиб тугатдингиз, ўшанда ҳам ҳозиргидан кўра кам банд эмасдингиз.

— Тўғри, — деди Гёте, — ишлар силжияпти, силжиши ҳам керак, бироқ менга қийин.

— Яхшиямки, — дедим мен, — Сиз муфассал режа тузиб олгансиз.

— Режа-ку бор, — деди Гёте, — лекин энг қийини ҳали олдинда, режани амалга оширишга киришганинда эса, ҳаммаси омадга боғлиқ бўлади. «Классик Вальпургия кечаси»

кофияланган шеър билан ёзилиши, антик дунё характерига эга бўлиши лозим. Бундай шеърый шаклни топиш осон эмас, яна диалогда!

— Бу режангизда кўрсатилмаганми? — сўрадим мен.

— Режада қандай қилиб эмас, балки нима қилиш керак-лиги кўрсатилган, — жавоб берди Гёте. — Бундан ташқари, ўша алғов-далғов кечада нималар содир бўлмайти дейсиз! Хеленани топиб бер, деб Фаустнинг Прозорпинага мурожаат қилишлари, Прозорпина унинг сўзларидан ҳатто кўзларига ёш олаётган бўлса, бу қандай мурожаат бўлиши мумкин? Буларнинг барчасини кўрсатиб бериш осон эмас. Бунда кўп нарса омадга, тўғрироғи, айти лаҳзадаги илҳом ва кайфиятга боғлиқ.

1827 йилнинг 17 январи, чоршанба

Охирги кунларда Гёте ўзини биров ёмон ҳис қилгани ту-файли биз деразаси боғ томонга қараган ишхонасида тушлик қилдик. Бугун столи «Урбино хона» деб номланган хонада ясаганишган эди, буни мен яхшилик аломати деб ўйладим. Кириб келганимда Гёте ўғли билан ўтирарди. Улар ҳамишагидек мени очик чехра билан дўстона қарши олишти, Гётенинг кай-фияти беҳад зўр эди, бу унинг кулиб турган юзидан сезилиб турарди. Шифти нақшдор хонанинг очик турган эшигидан каттагина гравюра устига эгилган жаноб канцлер фон Мюл-лер кўриниб турарди, кўп ўтмай у ёнимизга кириб келди, мен бундай ёқимли ҳамнишиннинг қўлини сиқишдан бахтиёр эдим. Гёте хонимни кутардик, шундай бўлса-да, ҳозирча стол атрофидан жой олдик. Ҳалиги гравюра ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашдик, Гёте менга, бу парижлик машҳур рассом Жерар¹-нинг асари эканлигини, яқинда унга совға сифатида юборил-ганини айтди.

— Боринг тезроқ, — кўшиб кўйди Гёте, — шўрва тортил-гунча уни тўйиб томоша қилиб олинг.

Унинг истагини бажардим, буни ўзим ҳам хоҳлаган эдим, албатта. Бундай беназир асарни кўриб қандай қувонган бўлсам, рассомнинг Гётега эхтироми рамзи бўлган дастхатидан ҳам шунчалик қувондим. Бироқ томошадан узоқ хузурланиш имкони бўлмади, Гёте хоним кириб келди ва мен ҳам столдан жой олишга шошилдим.

— Ажойиб асар-а, нима дедингиз? — деди Гёте, — унинг бой мазмуни ва бекаму кўстлигини англаб етгунча кунлар,

¹ Жерар Франсуа, барон (1770—1837) — француз рассоми, Наполеон I нинг сарой рассоми.

хафталар давомида ўрганиш мумкин. Энди, — кўшиб қўйди у, — бу ҳузурни бошқа кунларга қолдирамиз.

Овқат маҳали гурунг роса қизиди. Канцлер бир парижлик таниқли давлат арбоби¹нинг мактубини ўқиб берди, у француз оккупацияси даврида бу ерда захматли элчилик лавозимида бўлган ва ўшандан бери Ваймар билан дўстона алоқаларини узмаган эди. Буюк ҳерцог ва Гёте ҳақида ёзган, даҳо шоир олий даргоҳ билан яқин алоқа ришталарини ўрнатган Ваймар шахрини улуғлаган эди.

Фон Гёте хоним гурунгимизга файз киритиб ўтирди. У ёш Гётени майна қилган бўлиб айрим харидлари ҳақида сўз очди, эри эса, ўзини гап нимадалигини тушунмаганга олди.

— Гўзал аёлларни ортиқча нарсаларни сотиб олишга одатлантирмаслик керак, — деди Гёте, — акс ҳолда улар чегарадан чиқиб кетишади. Наполеон Эльба дарёси бўйида эканлигида ҳам ўзи ҳомийлик қиладиган шляпадўз аёллардан ҳисобкитоб талаб қилган. Ҳар ҳолда бундай ишларда у кўпдан кўра озроқ харажатни афзал кўрган. Тюльерида эканликларида бир куни унинг ҳузурини башанг кийим-кечаклар билан савдо қилувчи одам унинг хотинига қимматбаҳо буюмларни таклиф қилган. Наполеон бирор нарса сотиб олишга ҳеч бир ишора қилмагач, савдогар унга, хотинингиздан ҳеч нарсани қизғанмассиз, ахир, деган фикрни уқтирмакчи бўлган. Унга жавобан Наполеон лом-мим демаган, бироқ унга шундай назар билан тикилганки, савдогар дарҳол буюмларини йиғиштириб олган ва ортиқ қорасини кўрсатмаган.

— Ўшанда у консулмиди? — сўради фон Гёте хоним.

— Йўқ, менимча император эди, — жавоб берди Гёте, — акс ҳолда унинг назари бу қадар кўрқинчли бўлмасди. Анави савдогар кулгимни қистатади, бу қарашдан унинг аъзойи бадани ларзага келган, эҳтимол, ўзини боши узилган ёки отиб ташланган ҳолатда тасаввур қилган бўлса керак.

Ҳаммамизнинг кайфимиз чоғ, Наполеон ҳақидаги суҳбатимизни давом эттирдик.

— Менга қолса, — деди ёш Гёте, — унинг барча қилган ишларини суратларда ва гравюраларда акс эттиргизиб, битта хонани шулар билан безатган бўлардим.

— Хона жуда катта бўлиши лозим, — эътироз билдирди Гёте, — бўлмаса ҳамма расмларни сиғдириб бўлмайди, чунки у жуда кўп ишлар қилган.

¹ Гап француз оккупацияси даврида Ваймар саройида элчи бўлган Этьен Сент-Эньян ҳақида бормоқда.

Канцлер Луден¹нинг «Немислар тарихи» китоби хақида сўз очди, шунда ёш Гётенинг китоб чиққан пайтда вақтли матбуотнинг каттиқ танқидига учраганини, муаллиф қалбида жўшган миллий ҳис-туйғулар ва қарашлар билан кўшиб қандай куйиб-ёниб тушунтира олганини кўриб хайратдан қотиб қолдим. Унинг фикрича, Наполеон урушлари Юлий Цезарь урушларининг моҳиятини очиб берган.

— Илгари, — деди Гёте, — Юлий Цезарнинг китоби² илмий мактабларда бор-йўғи баҳс-мунозара воситаси эди, холос.

Гурунг мавзуси қадимги германлар давридан готиклар даврига кўчди. Гап готик услубидаги китоб жавонидан бошланди, кейин янги одат: ҳамма қадимги герман ва готик услубида жиҳозлаб, гўё эски замон муҳотида яшаши хақида сўз борди.

— Кўп хоналари бўлган уйда, — деди Гёте, — айримлари бўш ётади, уларга йил давомида уч-тўрт марта кирилади ёки йўқ, ўшанда битта хонани готик услубида жиҳозлаб қўйса бўлади, масалан, парижлик мадам Панкукникидаги битта хитой услубида жиҳозланган хона менга ёқади. Бироқ меҳмонхонани эскидан қолган, бегона нарсалар билан тўлдириб ташлашни маъқул ҳисобламайман. Бу узоққа чўзиладиган маскараднинг ўзи бўлиб, шу уйда яшовчиларга фақат зарар келтиради. Негаки, бу нарса биз яшаб турган ҳозирги замонга тўғри келмайди, айниқса, бу кераксиз, бекорчиликдан ўйлаб топилган иш бўлганлигидан зарари янада кучлироқ бўлади. Бирор қувноқ киш кечасида туркча кийиниб олиб, маскарадга борса бўлади, аммо йил бўйи шунақа кийиниб юрган одам хақида нима деб ўйлаш мумкин? Сўзсиз, биз уни жинни ёки ҳадемай жинни бўлади, деб ўйлаган бўлардик.

Биз Гётенинг ҳаётининг масаладаги сўзларини, табиийки, маъқул деб ҳисобладик, бу ерда ўтирганлардан бирортаси ҳам бу фикрларни ўзига тегишли деб ўйламаганлиги боис ҳамма унинг ҳақлигини бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Гурунг мавзуси театрга кўчди, Гёте менинг охириги душанба куни уни деб театрни қурбон қилганимни айтиб, устимдан кулган бўлди.

— Уч йилдан бери бу ерда, — деди у ўтирганларга юзланиб, — биринчи марта мени деб театрга бормади, буни юксак даражада кадрладим, мен уни таклиф қилган, у келишга ваъда берган эди, бироқ унинг сўзида туришидан гумонсираган

¹ *Луден Хайнрих (1780 – 1847)* – олмон тарихчиси, «Немезида» журналининг ношири. 1825 йилда босилиб чиққан «Немислар тарихи» китобининг муаллифи.

² Юлий Цезарнинг «Галл уруши хотиралари» китоби назарда тутилган.

эдим, айниқса соат етти яримга занг урганда ҳам у келмаган, келмаслигига ишончим комил бўлган эди. У келмаса ҳам хурсанд бўлардим, унда мен: «Жинни, унга энг суюкли дўстларидан ҳам кўра театр афзал, ёктирган одатидан уни ҳеч нарса чалғитолмайди», деб кўяқолган бўлардим. Лекин мен ўша спектаклнинг ўрнини боса олдим! Тўғрими? Сизга зўр нарса кўрсатдим-а?

Бу билан Гёте янги «Новелла»сини кўзда тутган эди.

Шундан сўнг ўтган шанба театрда қўйилган Шиллернинг «Фиаско»си ҳақида сўзлашдик.

— Мен бу пьесани биринчи марта кўрдим, — дедим мен, — спектаклнинг қўпол сахналарини бироз юмшатса бўлмасмикан, деб ўйлаб қолдим, аммо кейин бутун асар руҳига зиён етказмасдан бу ишни қилиб бўлмайди, деган хулосага келдим.

— Сиз ҳақсиз, бундай қилиб бўлмайди, — жавоб қайтарди Гёте, — Шиллер мен билан бу ҳақда кўп гаплашган, дастлабки драматик асарлари унинг ўзига ҳам ёқмасди, икковимиз театрга етакчилик қилган пайтимизда, уларни сахналаштиришга рухсат бермасди. Аммо ўшанда пьесалар етишмаганлиги сабабли унинг учта тўнғич асарларини репертуарга киритдик. Улар мазмунан бир-бири билан чатишиб кетганлигидан ҳеч бир натижага эришолмадик, охир-оқибат Шиллер бу режадан воз кечишга ва улар қандай бўлса, ўша ҳолатда қолдиришга мажбур бўлди.

— Афсус, — дедим мен, — бироқ қўполликларига қарамасдан улар ҳозирги ёш фожианависларнинг бўш, мазмунан саёз, нотабий асарларидан кўра минг карра афзалроқ. Шиллер асарларида улкан бир руҳ ва характер сезилиб туради.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — деди Гёте, — Шиллер нима қилса, маромига етказиб қиларди, ҳозирги ёш ёзувчиларнинг энг яхши асарларидан ҳам юз карра ортиқроқ қилиб ёзмайдиган бўлса, қўлига қалам олмасди, ҳатто у тирноғини олса ҳам, ўша жаноблардан устунроқ турарди.

Бундай теша тегмаган зўр қиёсдан ҳаммамиз хахолаб қулиб юбордик.

— Мен шундай одамларни биламанки, — сўзида давом этди Гёте, — улар Шиллернинг илк пьесаларини сира ҳазм қилишолмасди. Бир ёзда аллақайси курортда мен тегирмонга олиб борадиган сўқмоқ йўл бўйлаб бораётгандим. Йўлда князь ... учраб қолди, ўша лаҳзада бизга томон устига ун қоплари ортилган хачирлар келишаётганди, шунда биз чет-

га чиқиб, бир уйчага кириб туришга мажбур бўлдик. Бу торгина хоначада, князнинг одати шундай бўлса керак, у мен билан дарҳол илоҳий ва инсоний ҳодисалар ҳақида суҳбатга киришиб кетди, Шиллернинг «Қароқчилар»и ҳақида ҳам сўзлашдик, шунда князь: «Агар мен худо бўлганимда ва оламини яратишга киришаётганимда ушбу оламда Шиллер «Қароқчилар»ни ёзмокчи эканлигини билиб қолсам, унда оламини яратмай кўяқолардим», деган гапларни айтди.

Биз кулиб юбордик.

— Бунга нима дейсизлар? — деди Гёте, — менимча, бундай инкор қилиш хийла чуқур мазмунга эга, уни тушунтириш ҳам мушкул.

— Бундай инкор, — кўшиб кўйдим мен, — ёшларимизга, айниқса, талабаларимизга етиб келмаган. Шиллернинг ва бошқа драматургларнинг пишик, етук асарлари кўйилса театрда ёшлар, талабалар кўринмайди, аммо Шиллернинг «Қароқчилар»и ёки «Фиаско» кўйилса борми, театр талабалар билан тўлиб кетади.

— Бундан эллик йил олдин ҳам, — деди Гёте, — худди шундай эди, эҳтимол, эллик йил кейин ҳам шундай бўлади. Ёш қаламкаш томонидан ёзилган нарса кишиларнинг қалбига яқинроқ бўлади. Тагин бир гап: дунё маданият ва яхши дид борасида илгарилаб кетди, ёшлар учун жаҳолат даври ортда қолди, деб ўйламаслик керак! Умуман, инсоният ҳар қанча олдинга силжиса ҳам, ёшлар барибир ҳамма нарсани бошидан бошлаши керак ва индивид сифатида жаҳон маданиятининг барча даврларини бошдан кечириши лозим. Бу нарса менинг гашимга тегмайди, аллақачон бу ҳақда шеър ҳам битганман, мана у:

*Йоҳанн туни гулханлар ёқиб,
Ўйнайверсин шўх-шўх болалар.
Тўмтоқлашар супургилар ҳам,
Болаларчи — тугилаверар¹.*

(Ваҳоб РАҲМОНОВ таржимаси.)

Кўчани супураётган супургилар ва югуриб юрган бола-жонларда эскираётган ва янгиланаётган олам аломатларини кўз олдимда тасаввур қилиш учун кўчага бир мартагина назар ташлашимнинг ўзи кифоя эди. Болаларнинг ўйинлари

¹ «Йоҳанн гулхани» деб номланган шеър дастлаб Фроманларникидаги бир кечада қадах сўзи сифатида айтилган, кейин «Қисқа ксениялар»га киритилган.

ва ёшларнинг шўхликлари, улар кекса ёшдагиларга ҳар қанча ноўрин туюлмасин, асрлардан асрларга мерос бўлиб ўтаверади, болалар ҳамиша бола бўлиб қолаверади ва улар ҳамма даврларда бир-бирига ўхшайди. Шунинг учун Йоханн тунидаги гулханни ман қилиб, болаларни бундай қувончдан маҳрум қилмаслик керак.

Шундай ва шунга ўхшаш қизгин гурунглар билан тушлик ҳам поёнига етди. Биз ёшлар столдан туриб юқоридаги хоналарга чиқиб кетдик, канцлер эса Гёте ёнида қолди.

1827 йилнинг 18 январи, пайшанба куни кечқурун

Гёте бугун кечқурун «Новелла»нинг охирини бермоқчи эди. Соат олти яримда уникига бордим, у шинамгина иш-хонасида ёлғиз ўтирарди. Мен столга, унинг ёнига ўтирдим, биз сўнгги кунлардаги турфа янгиликлар ҳақида бироз гурунглашгач, Гёте ўрнидан турди-да, орзиқиб кутилган охириги варақларни олиб берди.

— Мана яқуни, ўқинг, — деди.

Мен ўқишга тутиндим, Гёте бўлса хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келар, гоҳида печка олдида тўхтаб қоларди. Мен одатдагидек ичимда ўқирдим.

Олдинги варақнинг яқуни шундай эдики, шер вайронани ўраб турган девордан ташқарида, бир асрлик эман остида қуёшда ётар ва одамлар уни қўлга олишга тараддудланишарди. Херцог у ерга овчиларни жўнатмоқчи бўлди, лекин ажнабий киши шерга раҳм қилишни сўраб, уни темир қафасга зўрламасдан киритишнинг бирор йўли топилар, деди. «Бу ишни, — деди у, — боланинг ёқимли қўшиғи ва найнинг майин овози бажаради». Херцог бу илтимосга рози бўлиб, эҳтиёт чораларини кўришни тайинлагач, ҳамроҳлари билан шаҳарга қайтиб кетди. Хонарио бир нечта овчилар билан пана жойга беркиниб олишади ва мабодо шер пастга тушадиган бўлса, гулхан ёқиб уни кўрқитиб, шу йўл билан орқага қайтармоқчи бўлишади. Она-бола қаср қоровули ҳамроҳлигида вайрона томон боришади, унинг нариги тарафидаги девор ёнида эса шер ётарди.

Мақсад — улкан ҳайвонни қасрнинг кенг ҳовлисиغا киритиш. Она билан қоровул тепадаги ярим вайрона рицарлар залига бекинишади, бола ёлғиз ўзи ҳовли деворининг қулаб тушган жойидан ўтиб, шер ёнига боради. Ҳамманинг нафаси ичига тушган, болага нима бўлишини ҳеч ким билмайди, найнинг овози тинган. Қоровул бола билан бирга бормаганига ўз-ўзини айблайди, она хотиржам.

Ниҳоят яна найнинг овози эшитилади, овоз борган сари яқинлашади, бола ўша кулаб тушган жойдан яна қаср ҳовлисига ўтади, шер секин, офир-офир қадам ташлаб, унинг ортидан жўнайди. Улар ҳовлида бир муддат айланишади, кейин бола офтобрўя жойга бориб ўтиради, шер хотиржам унинг оёқлари остига ётиб, бир оёғи учини боланинг тиззасига қўяди. Шернинг панжасига тикон кирган, бола уни авайлаб суғуриб олади-да, бўйнидан шойи рўмолни олиб панжани боғлаб қўяди.

Бутун манзарани юқоридаги рицарлар залидан кузатиб турган она билан қоровул қувониб кетишади. Шер энди ювош тортган, хавфсиз, бола эса, ёввойи ҳайвонни юмшатиш учун гоҳ сурнайини чалар, гоҳида эса майин овозда ёқимли қўшиқ куйларди, ниҳоят бола мана бу қўшиқни куйлаб, «Новелла»ни ниҳоясига етказди:

*Шок малаклар ер узра тушиб,
Ўйнашарлар болалар билан.
Енгиб инжиқ, қайсар феълларин,
Эзгуликлар бунёд этаркан,
Маъсум дилга итиб эзгулик,
Най илоҳий оҳанг таратса,
Ҳеч ажабмас бола олдида,
Ўрмон шоҳи узалиб ётса.*

(Ваҳоб РАҲМОНОВ таржимаси.)

Сўнги сатрларни қаттиқ ҳаяжон билан ўқидим. Нима дейишни ҳам билмасдим, ҳайратда қолган бўлсам-да, бироқ кониқмагандим. Назаримда ечим умумий мазмундан узилиб қолгандек, воят идеаллаштирилган, воятда лирик эди, менимча, персонажлардан айримлари тағин пайдо бўлишлари, бутун асар мазмунини кенгайтиришлари лозим эди.

Мендаги иккиланишни пайқаган Гёте мени хотиржам қилишга ҳаракат қилди:

— Бордию мен, — деди у, — охирида бошқа персонажлардан бир-иккитасини чиқарганимда, ечим қуруқ бўлиб қоларди. Ҳамма иш битганда улар нима ҳам қилишлари, нима ҳам дейишлари мумкин? Ҳерцог мулозимлари билан шаҳарга кетди, у ўша ерда керак, Ҳонарио шернинг юқорида, хавфсизликда эканлигини эшитгани заҳотиёқ овчилар билан ўша ёққа боришади, хўжайин эса, темир қафаси билан шаҳардан дарҳол етиб келиб, шерни қафасга жойлайди. Буларнинг барчаси ўз-ўзидан маълум, булар ҳақида ёзиб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ.

Бу ерда идеал, лирик ечим зарур бўлиб, хўжайиннинг поэтик прозага ўхшаш кўтаринки руҳдаги нуткидан сўнг тасвирда кўтарилиш бўлиши лозим эди, шунинг учун мен лирик поэзияга, ҳатто кўшиққа ўрин беришга мажбур бўлдим.

— «Новелла»даги воқеалар ривожига бир ўхшатиш келтираман, — сўзида давом этди Гёте, — тасаввур қилинг: бир яшил ўсимлик илдиздан кўкариб чиқади, маълум муддатдан кейин унинг йўрон поясидан бақувват яшил барглар чиқиб атрофга шох ёзади ва ниҳоят гул очилади. Гул кутилмаганда пайдо бўлди, бироқ у очилиши зарур эди, бутун яшиллик шу гул учун эди, акс ҳолда бу ўсимликка меҳнат сарфлашнинг ҳожати бўлмасди.

Бу сўзлардан сўнг мен енгил нафас олдим, назаримда кўз олдимдаги туман тарқалиб, бу гаройиб композициянинг фавқулодда зўрлигини қалбан тушуниб етгандек бўлдим. Гёте давом этди:

— Новелланинг мақсади — жиловлаб, енгиб бўлмас нарсани зўрлик билан эмас, меҳр ва мулойимлик билан юмшатиш эди, бола ва шер орқали акс этган мана шу фикр мени новеллани ёзишга ундади. Мана шу — идеал, мана шу — гул. Реал манзарадаги яшил барглар эса айни ана шу мақсад учун, идеал учунгина маълум қимматга эга. Реаллик нима дегани ўзи? Унинг ҳаққоний тасвир этилишидан қалбимиз қувончга тўлади, айрим воқеа-ҳодисалар ҳақида аниқ фикрга эга бўлишимизга кўмаклашади, бироқ қалбимиздаги нозик торларни чертиб юборадиган нарса, шубҳасиз, фақат шоир юрагининг тубидан чиққан ўша идеал сўздир.

Гётенинг нечорлик ҳақлигини мен юракдан ҳис этдим, «Новелла»нинг ниҳояси таъсирида борлигимни аллақандай мулойимлик эгаллаб олган, ундан анчагача халос бўлолмадим. Гарчи ёши ўтиб қолган бўлса-да, шундай гўзал нарсани ярата олдим, демак, шоирнинг ҳислари ҳам шунга яраша тоза ва самимий экан-да, дея ўйладим ичимда! Мен ўз туйғуларимни, умуман, шундай ўхшаши йўқ ижод намунасининг мавжудлиги боис пайдо бўлган қувончимни Гётедан яширолмадим.

— Сизнинг мамнунлигингиздан хурсандман, — деди Гёте, — ўттиз йилдан бери юрагимда асраб келган фикрдан ниҳоят халос бўлганимдан ўзим ҳам шодман. Шиллер билан Хумбольдга ўша пайтлар режам ҳақида айтганимда мени бундан қайтармоқчи бўлишганди, чунки улар новелланинг моҳиятини тушуниб етишга қодир эмас эдилар, негаки ижод маҳсулига қандай безак бериш лозимлиги фақат шоиргагина аён-да. Одам бирор нарса ёзмоқчи бўлса бошқалардан маслаҳат сўраб

ўтирмаслиги керак. Бордию Шиллер «Валленштайн»ни ёзишдан олдин мендан «шуни ёзайми-йўқми», деб сўраганида «йўқ» дейишим аниқ эди, чунки бундай сюжетдан шунақа ажойиб пьеса ёзиш мумкинлигини хаёлимга ҳам келтира олмасдим. Менинг ўз режамни гекзаметрда битишга hozирланаётганимга Шиллер қарши эди, ўшанда мен «Ҳерманн ва Доротея»дан сўнг шу ниятда эдим, Шиллер менга саккиз мисрали станс¹-да ёзишни маслаҳат берганди. Мана, кўриб турганингиздек, бу сюжетга насрдан бошқаси кетмасди. Бу ерда кўп нарса воқеа жойи тасвирига боғлиқ эди, буни қофияли шеърда ифода этишга қийналган бўлардим. Бундан ташқари, новелланинг дастлаб тамоман реал, охирида тамоман идеал характери насрий баёнга жуда мос тушган, бунда кўшиқ матни ҳам алоҳида ажралиб турипти, гекзаметрда ёки саккиз мисрали қофиядош шеърда кўшиқ сезилмай ҳам қоларди.

«Жаҳонгашталиқ йиллари»га кирган бошқа ҳикоя ва новеллалар ҳақида ҳам сўз борди ҳамда уларнинг ҳар бири ўзига хос оҳанг ва характерга эга эканлиги таъкидланди.

— Нега шундайлигини мен Сизга тушунтираман, «Новелла» устида ишлаётганимда, айрим кўринишларни тасвирлаётганда бир хил бўёқни, бошқа нарса тасвирида эса ўзга бўёқни кўпроқ ишлатадиган рассомдек йўл тутдим. Айтайлик, тонгги манзара тасвирида рассом кўк бўёқни кўпроқ, сариқ бўёқни камроқ ишлатади, кечки манзара тасвирида аксинча, кўкни деярли қўлламайди. Кўплаб асарларимни яратишда мен шу усулдан фойдаландим, уларнинг турли характерга эга бўлишларининг сабаби шунда.

Мен ўзимча бунинг доно ҳикмат эканлигини кўнглимдан кечирдим ва буни Гётенинг оғзидан эшитиш менга қувонч бағишлади. Бундан ташқари, мана шу сўнгги новеллада табиат тасвиридаги деталлаштириш ҳам мени ҳайратга солди.

— Мен табиатни ҳеч қачон шоир сифатида кузатмаганман, — деди Гёте, — бироқ чизган расмларим ва кейинчалик табиатшунослик соҳасидаги тадқиқотларим мени табиат ҳодисаларини мунтазам, синчковлик билан кузатишга мажбур қилди, шу тариқа мен табиатни аста-секин миридан-сиригача ўрганиб олдим, мана энди шоир сифатида менга нима керак бўлса, ҳаммаси ихтиёримда ва ҳамма нарсани ҳаққоний ифода эта оламан. Шиллер табиатни бу қадар билмасди. «Вильхельм

¹ Французча «*stances*» — «*band*» сўзидан олинган бўлиб, тўрт турокли, ҳар бир банд охирида албатта пауза билан ажратиладиган шеър шакли. Станслар XVIII—XIX аср шеърлятида кенг тарқалган, элегиялар, фалсафий мушоҳадаларни ўзида жамлаган шеърлар стансда ёзилган.

Телл»даги Швейцария манзараларини унга мен айтиб бергандим, у шу қадар зўр қобилият эгаси эдики, ҳатто ҳикоя орқали ҳам табиат манзарасини ярата олган эди.

Гурунг мавзуси бутунлай Шиллерга кўчди, Гёте сўзида давом этди:

— Шиллер ўзига хос идеал ижод соҳибидир, дадил айтиш мумкинки, на немис адабиётида, на бошқа бирор адабиётда унга ўхшаган ижодкор йўқ. Фақат лорд Байронга хос хислат унда ҳам бироз бор эди, бироқ Байрон дунёни билишда ундан ошиб тушади. Шиллер лорд Байрон давригача яшаганда эди, қизиқ, руҳан ўзига монанд инсон ҳақида у қандай фикр билдирган бўларди? Байрон Шиллер ҳаёт пайтида бирон нарса чиқарганмиди, йўқми?

Мен жавобда иккиландим, аниқ бир жавоб айтолмадим. Шунинг учун Гёте ёзувчилар ҳақидаги лугатни олди-да, Байронга баришланган мақолани ўқиди ва шу орада айрим фикрларини ҳам қистириб қўярди. Маълум бўлдики, лорд Байрон 1807 йилгача ҳеч нарса чиқармаган экан, демак, Шиллер унинг ҳеч бир асарини ўқимаган.

— Шиллернинг барча асарларига, — сўзида давом этди Гёте, — озодлик ғояси сингдирилган ва унинг ўзи ҳам маданият манзилларида ўзгариб боргани сайин бу ғоя ҳам ўзгача қиёфа касб эта борди. Ёшлигида бу жисмоний озодлик бўлиб, уни шоир ўз асарларида ифода этди, ёши ўтган сайин бу идеал озодлик ғоясига айланди.

— Озодлик деганлари ғалати нарса-да, ўзини англашни ва борига қаноат қилишни билган одам унга осонгина эришаверади. Агар биз ундан фойдаланишни билмасак, меъёридан ортиқ озодликнинг нима кераги бор? Мана шу хонага ва очиқ эшикдан менинг тўшагим кўриниб турган анави хоначага қаранг, улар катта эмас, бунинг устига китоблар, қўлёзмалар, расмлар, бошқа зарур нарсалар билан тўлиб кетган, аммо улар менга етади, бутун қиш бўйи шу икки хонада яшадим, бошқа хоналарга бирор марта ҳам бош сукмадим. У хонадан бу хонага кириб юриш учун менда зарурият бўлмаса, бундай катта уй ва бундай озодликдан нима фойда?

Агар одамнинг жони соғ бўлиб, ўз юмуши билан шуғулланиб юрса, шу озодликнинг ўзи унга қиёфа, ҳар қандай одам бунга қодир. Бундан ташқари, барчамиз риоя қилишимиз лозим бўлган маълум шарт-шароитларда озодмиз. Агар оддий фуқаро ҳам, Тангри унинг пешонасига ёзган тоифа чегарасидан нарига ўтмаса, унинг озодлиги ҳам дворянникига тенг

бўлади. Дворян ҳам бой князь сингари озодликка эга, у ҳам саройдаги айрим маросимларни худди князь сингари бемалол кузата олади. Биз ўзимизни ҳаммадан ва ҳамма нарсдан юқори деб ҳисоблашимиз эмас, балки ўзимиздан юқори бўлган ҳамма нарсани ҳурмат қилишимиз бизга озодликни бахш этади. Чунки бундай ҳурмат кўрсатиш билан ўзимизни ҳам юқори кўтарамиз ва бизда ҳам ўшалардагига ўхшаш олий кадр-қиммат борлигини исбот қиламиз. Мен саёҳатларим давомида шимолий немис савдогарларига кўп бора дуч келганман, улар бетакаллуфлик билан менинг столимга ўтириб, ўзларини мен билан тенг ҳисоблашарди. Улар бу йўл билан менга тенг бўла олишмасди, агар менга тенглашишни хоҳлашса, аввало менинг ҳурматимни жойига қўйиб, мен билан қандай муомала қилишни ўрганишлари лозим эди.

Шиллерга ёшлигида жисмоний озодлик тинчлик бермаганининг сабаби, аввало унинг характериға, асосан ҳарбий мактабда кўп жисмоний азоб чекканиға боғлиқ. Кейинчалик улғайғач, унда жисмоний озодлик етарли бўлди, у энди идеал озодликни истади ва ишонч билан айтаманки, мана шу ғоя унинг бошиға етди, негаки, у шу ғоя деб ўз жисмоний табиатиға катта талаблар қўйдикки, бу ундан кўп куч-қувват талаб қиларди.

Шиллер бу ерга келгач, Буюк ҳерцог унга йилиға минг талер маош тайинлади ва бордию у касаллик туфайли ишлагача кучи етмай қолса, бу маошни икки баравар кўпайтириш мажбуриятини олди. Шиллер кейинги таклифни рад этди ва бундан ҳеч қачон фойдаланмади. «Мен истеъдодим орқасида ўз-ўзимға кўмак бера оламан», деди у. Бироқ, кейинги йилларда оиласи катталашгани боис тирикчилик учун йилиға иккита пьеса ёзарди, бунинг уддасидан чиқиш учун касал бўлганида ҳам кунлаб, ҳафталаб ишларди, унингча истеъдоди ҳар соатда унга бўйсунуши ва хизматиға шай туриши лозим эди.

Шиллер кўп ичмасди, меъёрга риоя қиларди, ўзини жисмоний заиф ҳис этган лаҳзаларда эса, озроқ ликёр ёки шунга ўхшаш спиртли ичимлик ичиб, қувватини тикларди. Аммо бу унинг соғлиги, ижод маҳсулларида ёмон асорат қолдирган эди.

Айрим билимдонлар унинг асарларидан излаган камчиликлар сабабини ҳам мен шунда деб биламан. Улар «маромиға етмаган» деб ҳисоблайдиган жойларни мен патологик ўринлар деб атаган бўлардим, чунки айни шу ўринларни у камқувват бўлиб ётган кунларда, рисоладагидек мотивларни топиш учун

ёзганини билардим. Мен ўз-ўзига қатъий буйрук беришни кадрлайман, у орқали кўп яхши нарсаларга эришиш мумкинлигини ҳам биладим, бироқ бунда меъёрни билиш керак, акс ҳолда идеал озодлик рояси ҳеч қандай яхшиликка олиб бормади.

Мана шундай қизиқ гурунглар, лорд Байрон ҳамда сермахсуллиги боис Шиллер беҳад кадрлаган Коцебу сингари машҳур немис адабиётчилари ҳақидаги фикрларни тинглаш билан кечанинг қандай ўтганини ҳам сезмай қолибмиз, Гёте менга «Новелла»ни уйда хотиржам яна бир бор ўқиб чиқиш учун берди.

1827 йилнинг 21 январи, якшанба куни кечқурун

Бугун кеч соат етти яримларда Гётеникига бориб, бирон соатча ўтирдим. У менга мадемуазель Гай¹ исмли бир француз шоирасининг янги шеърлар тўпламини кўрсатди ва уни жуда мақтади.

— Французлар, — деди у, — анча кўзга кўриниб қолишди, уларга назар солиш фойдадан холи бўлмайди. Мен ҳозирги замон француз адабиёти ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ҳаракат қиляпман, имкон туғилиб қолса, бу ҳақда бирор нарса ёзиш ниятим ҳам йўқ эмас. Шуниси қизиқки, бизда аллақачон ўтмишга айланган элементлар уларга энди-энди кириб келяпти. Тўғри, ўртача истеъдод эгаси ҳамиша ўз даври сиртмоғида бўлади ва табиийки, ўша давр элементларидан озиқ олади. Французларда энг янги диний қарашларгача айнан биздагига ўхшайди, фақат бу нарса уларда бироз илтифотлироқ ва ўткирроқ намоён бўлади.

— Беранже ва «Клара Газуль»² пьесасининг муаллифи ҳақида жаноби олийлари нима дейдилар?

— Бу икковлари бундан мустасно, — деди Гёте, — булар буюк истеъдод эгалари, улар ўз кучларига таянишади, давр талаблари уларга ўз таъсирини ўтказолмайди.

— Буни эшитишдан мамнунман, — дедим мен, — чунки ўзим ҳам булар ҳақида деярли шундай фикрда эдим.

Гурунг француз адабиётидан немис адабиётига кўчди.

— Ҳозир мен Сизни бефарқ қолдирмайдиган бир нарсани кўрсатаман, — деди Гёте, — анави олдингизда ётган

¹ *Мадемуазель Гай* — француз шоираси Делфин Гай (1804–1855) «Поэтик эсселар» китоби билан машҳур.

² «*Клара Газуль*» — француз ёзувчиси Проспер Мериме (1803–1870) пьесаси.

икки жилд китобдан бирини менга узатиб юборинг. Золгер'ни биласиз-а, шундайми?

— Албатта, — дедим мен, — уни жуда қадрлайман. Менда унинг Софоклдан қилган таржималари бор, бу таржималар ва уларга ёзилган сўзбоши туфайли мен у ҳақда юксак фикрдаман.

— У анча йиллар аввал дунёдан ўтиб кетган, буни биласиз, — деди Гёте, — ҳозир унинг асарлари ва хатлари тўплами нашр этилди. Унинг Афлотун диалоглари² шаклида ёзилган фалсафий тадқиқотлари унчалик қизиқ эмас, аммо хатлари мислсиз зўр. Хатларидан бирида шоир Тикка «Ҳамроз диллар» ҳақида ёзган, ҳозир шуни Сизга ўқиб бераман, негаки, ушбу роман хусусида бундан ошириб бирон нарса дейиш қийин.

Гёте менга ромanning қойилмақом таҳлилини ўқиб берди, муаллифнинг фикрларидан ҳайратланган ҳолда уни сатрма-сатр муҳокама қилдик. Ундаги дунёқарашнинг кенглигига, келтирган асослари ва хулосаларининг изчиллигига қойил қолдик. Гарчи Зольгер «Ҳамроз диллар»даги воқеалар қахрамонлардаги туғма хусусиятлар билан боғлиқ бўлса-да, у Эдуарднинг характериға ўта салбий муносабат билдиради.

— Эдуардни ёмон кўргани учун Зольгерга эътирозим йўқ, — деди Гёте, — ўзим ҳам уни ёқтирмайман, бироқ роман воқеалари ривожини учун уни шундай яратишим керак эди. Умуман олганда, бу тип ҳақиқатга тўла мос келади, олий давраларда худди Эдуардга ўхшаб, феъл-атворида қайсарликлари устун келадиган одамлар кўп учраб туради.

Золгер меъморни қолган барча персонажлардан устун кўяди, негаки, барча иродасиз ва йўлини йўқотган кишилар орасида биргина у руҳий эркинликни ва кучини сақлаб қолган. Ундаги энг диққатга сазовор нарса шуки, у нафақат бошқаларга ўхшаб адашишлар тўрига илинмайди, балки илинмаслик қудратига эга, ёзувчи уни ана шундай йирик шахс қилиб яратган.

Бундай ўткир фикр бизга жуда ёқди.

— Қандай зўр фикр, — деди Гёте.

— Мен ҳам, — дедим мен, — меъмор характериғини ҳамиша жуда ёқимли ва диққатга сазовор деб ҳисоблаганман, аммо у

¹ *Зольгер Карл Вильҳельм Фердинанд (1780–1819)* — берлинлик фалсафа профессори, романтизм даври эстетиги. Ёзиб қолдирган асарлари ва хатлари 1826 йилда Людвиг Тик ва Фридрих фон Раумер томонидан нашр этирилган, Софоклдан қилган таржималари 1808 йилда босиб чиқарилган.

² *Афлотун диалоглари* — Афлотун асарларининг деярли ҳаммаси диалоглардан, шогирдлари билан қилган суҳбатлардан иборат.

севги-муҳаббат тўрларига илинмаслик кудратига эгаллиги билан аҳамиятли эканлиги ҳақида, ростини айтсам, ўйламаган эканман.

— Ҳайрон бўлманг, — жавоб берди Гёте, — ўзим ҳам уни яратаётганимда бу ҳақда ўйламабман. Золгер ҳақ, меъморда бу хислат бор. Золгернинг бу хати 1809 йилда ёзилган, — сўзида давом этди у, — «Хамроз диллар» ҳақидаги мактовни ўша пайтда эшитсам, хурсанд бўлган бўлардим, чунки ўша пайтда ҳам, кейинроқ ҳам ушбу романим ҳақида ҳеч ким ижобий фикр билдирмаган.

Ушбу хатлардан кўриниб туриптики, Золгер мени жуда севган, хатларидан бирида у менга Софоклдан қилган таржимасини жўнатганида икки оғиз сўз билан жавоб ёзмаганимдан шикоят қилган. Ё Танграм, ўзинг аҳволимни кўриб турибсан! Ҳеч бир хайрон қоладиган жойи йўқ. Жуда кўп хатлар, жўнатмалар олиб турадиган обрўли жанобларни танийман. Уларда аниқ жавоблар олдиндан тайёрлаб қўйилади, улар бири-бирини айнан такрорлайдиган юзлаб бир хил сўзлардан иборат хатларни ёзишади. Мен эса бундай қилолмайман. Юзаки гапларни ўзим учун номуносиб деб биламан, мана шулар сабаб бўлиб айрим ҳурматли одамларга жавоб қайтармаган бўлишим мумкин. Ҳар томондан менга бир кунда қанча хат-хабар келишини ўзингиз кўриб турибсиз, тан олиш керак, уларнинг ҳар бирига жуда қисқа жавоб қайтарганда ҳам бир кишининг умри етмаган бўларди. Аммо Золгер билан ҳам шундай ҳол содир бўлганидан афсусдаман, у жуда ажойиб инсон, бошқалардан ҳам кўра кўпроқ дўстона муомалага лойиқ эди.

Мен гапни «Новелла»га бурдим, уни уйда диққат билан қайта ўқиб чиққан эдим.

— Унинг бошланиши, — дедим мен, — фақат муқаддима, бошқа нарса эмас, унда энг муҳим нарса ифода этилган, ўша муҳим нарса шу қадар дилтортарки, ҳатто бу китобхонга аталган деб ўйламайсан киши, бу ўз-ўзидан шундай, табиий ҳолатдек назаримда.

Шундай фикрда эканлигингиздан хурсандман, — деди Гёте, — лекин тагин бир нарса қилишим, яъни яхши муқаддима қонунига кўра мен ҳайвонларнинг эгаларини олдинроқ кўрсатишим керак. Княгиня билан князнинг буви-си отда сайёр «Ҳайвонот боғи» ёнидан ўтишаётганда одамлар чиқишиб, уларникига ҳам қадам ранжида қилишларини сўрашади.

— Албатта, — дедим мен, — Сиз ҳақсиз. Муқаддимада барча бошқа нарсалар кўзда тутилган экан, унда одамлар ҳам бўлиши керак, бунинг устига, табиийки, ҳайвонот боғи эгала-

ри касса ёнида туришади, шунинг учун княгиняни шундоққина ўтказиб юборишлари гумон.

— Кўряпсизки, — деди Гёте, — умуман олганда, тайёр бўлган асарнинг айрим жойларига ҳали кўшимчалар қилиш зарур экан.

Кейин Гёте менга гоҳ-гоҳ бир ажнабий унинг ёнига келиб, у ёки бу асарини таржима қилиш нияти борлигини билдираётганини айтди.

— Аслида ўзи ёмон одам эмас, — деди Гёте, — бироқ адабиёт соҳасида фирт нўноқ. У немис тилини ҳам яхши билмайди, яна таржима қилмоқчиман, расмларни шарҳламоқчиман дейди. Нўноқликнинг моҳияти айна мана шундаки, нўноқ одам ўзи киришмоқчи бўлган ишидаги қийинчиликларга фаҳми етмайди, гоҳида эса, кучи етмайдиган ишни бўйнига олади.

1827 йилнинг 29 январи, пайшанба кунни кечқурун

«Новелла»нинг кўлёмасини ва Беранженинг китобини кўтарганча кеч соат еттиларда Гёте ҳузурига кетдим. Гёте жаноб Сорэ билан бирга француз адабиёти ҳақида гурунглашиб ўтиришган экан. Мен қизиқиб қулоқ солдим, янги истеъдодлар шеър ёзишни Делил¹дан ўрганишгани ҳақида ҳам сўз борди. Асли женевалик бўлган жаноб Сорэ немис тилида бемалол гаплашолмагани, бироқ Гёте француз тилида хийла дуруст сўзлаша олгани туфайли улар асосан француз тилида сўзлашишди, фақат мен суҳбатга аралашсамгина немис тилида гаплашишди. Мен Беранженинг китобини сумкамдан чиқариб Гётега узатдим, у бу китобни қайта ўқиб чиқиш ниятида эди. Жаноб Сорэ шеърлар тўпламидаги шоир портретини ўзига ўхшамайди, деди. Гёте бу гўзал нашрни кўлида тутиб турганидан шод эди.

— Ушбу кўшиқларни, — деди Гёте, — шу жанрдаги ижод маҳсулларининг энг етуги деб қарамоқ керак, айниқса, ўйноқи нақаротини айтмайсизми, уларсиз кўшиқлар хийла жиддий, хийла ўткир, хийла кескин тортган бўларди. Беранже менга кўпинча Ҳораций билан Ҳофиз²ни эслатади, бу икковлари ҳам ўз даврларидан илгарилаб кетган ва жамиятдаги маънавий инқирозларни аччиқ кулги билан танқид қилишган. Беранже ҳам ўз муҳитида худди шундай мавқеда эди. У қуйи табақа вакили бўлганлигидан бошбошдоқлик ва тубанликлар унчалик унинг нафратини кўзғамайди, ҳатто булар ҳақида анча юмшоқлик билан фикр юритади.

¹ Делил Жак (1738 - 1813) - француз шоири.

² Ҳофиз Шамсиддин Муҳаммад (1325 - 1389) форс мумтоз шоири.

Беранже ва ҳозирги замон француз ёзувчилари ҳақида яна шунга ўхшаш фикрлар тилга олинди, кейин жаноб Сорэ саройга кетди, Гёте икковимиз ёлғиз қолдик.

Стол устида сурғучланган пакет ётарди. Гёте қўлини унинг устига қўйди.

— Биласизми, бу нима? — деди у, — бу «Хелена», уни нашр этиш учун Коттага жўнатаяпман.

Бу сўзларни эшитарканман, тилим тутилиб қолди, мен ушбу лаҳзанинг бутун қудратини ҳис этдим. Янги қурилиб, эндигина денгизга йўл олаётган, олдинда уни нима кутаётгани номаълум бўлган кема сингари буюк ижодкор яратган, узок йиллар инсонларга таъсир кўрсатиш, уларнинг тақдирларини аниқлаб бериш ва ўзи ҳам қисмат синовларига бардош бериш мақсадида дунё юзини кўришга кетаётган асарининг ҳам тақдири номаълум эди.

— Ҳозиргача, — деди Гёте, — унга майда-чуйда тузатишлар, ўзгартиришлар киритиш билан банд бўлдим. Ниҳоят нукта қўйиш ҳам керак-ку ахир, уни жўнатаётганимдан хурсандман, энди енгил нафас олиб бошқа бирор иш билан шуғулланаман. У ҳам ўз қисматига пешвоз чиқсин! Шундан хотиржамманки, ҳозир Германияда маданият ҳаддан ташқари юксалган, ушбу асарни одамлар тушунмайди, у ҳеч кимга ўз таъсирини ўтказолмайди, деб хавотир олмаса ҳам бўлади.

— Бунда бутун қадимги дунё ўз аксини топган, — дедим мен.

— Ҳа, — деди Гёте, — бунда филологларга иш топилади.

— Антик дунёга оид қисми, — дедим мен, — унча қийин эмас, у деталлаштириб, ҳар бир деталь ғоят чуқур шарҳланганки, унда нимани айтиш лозим бўлса, айнан ўша нарса айтилган. Аммо замонавий, романтик қисми жуда оғир, ундан деярли ярим дунё ҳақидаги материал жой олган. Шундай кенг қамровли материал таҳлили кўзда тутилган, унинг маъзини чақиш ўқувчи учун анчагина қийинчилик туғдиради.

— Шунга қарамай, — жавоб берди Гёте, — буни сезса бўлади, театр сахнасидан қаралса, ҳамма тушуна олади. Менга бундан ортиғи керак эмас. Муҳими, томошабинларнинг асосий қисми кўриниб турган нарсадан завқлана олсин, ундаги чуқур маънони эса билимдон кишилар фаҳмлаб олаверишади, масалан, «Сехрли сибизга»¹да ҳам ва бошқа шу каби пьесаларда ҳам худди шундай бўлган эди.

¹ «Сехрли сибизга» — Гётенинг драматик асарларидан бири.

— Пьесанинг фожиадек бошланиб, операдек тугаши, — дедим мен, — сахнадан жуда улкан таассурот қолдириши аниқ. Ахир ўша персонажларнинг улугворлигини намоён қилиш ва улар тилидан кўтаринки рухдаги сўзлар, мисраларни талаффуз қилиш учун аллақандай ноодатий бир нарса керак-да.

— Биринчи қисм учун, — деди Гёте, — моҳир трагик актёрлар талаб қилинади, кейинги опера қисмига эса энг яхши кўшиқчилар зарур, Хелена ролини битта эмас, балки иккита энг кучли актрисалар ўйнаши лозим, негаки, айти пайтда трагик истеъдодга ҳам эга бўлган актрисани топиш қийин.

— Бутун спектакль, — дедим мен, — костюмлар ва декорацияларнинг ранг-баранглиги ва дабдабаси билан ажралиб туради, яширмайман, буни сахнада кўришимдан ҳозирданок қувониб кетяпман. Мусиқасини истеъдодли композитор ёзса эди!

— Мейербер¹га ўхшагани бўлса эди, у узоқ йиллар Италияда яшаган, унинг немисларга хос табиати итальянча хусусиятлар билан чатишиб кетган. Ҳечқиси йўқ, композитор топилади, бунга шубҳам йўқ, буларнинг уддасидан чиқолганимдан хурсандман, холос. Хор нариги дунёга тушишни хохламайди, балки ернинг серфайз устида қолиб ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлишади, деган фикр менга хотиржамлик бағишлайди.

— Бу барҳаётликнинг янги кўриниши, — дедим мен.

— Хўш, новелла нима бўлди? — сўраб қолди Гёте.

— Уни олиб келдим, — дедим мен. — Уни қайта ўқиб амин бўлдимки, жаноби олийлари унга кўзда тутилган кўшимчани киритмасалар ҳам бўлади. Агар одамлар ўлдирилган йўлбарс тепасида дастлаб бегона одамлардек ўзларининг ажабтовур либослари ва ноодатий кўринишлари билан пайдо бўлишса ва биз ҳайвонларнинг эгасимиз, деб эълон қилишса, бунинг таъсири зўр бўлади. Бордию Сиз уларни муқаддимага ўтказсангиз, таъсир сустлашиб, ҳатто сезилмай ҳам кетган бўларди.

— Сиз ҳақсиз, — деди Гёте, — қандай бўлса, шундай қолдираман. Шубҳа йўқ, Сиз ҳақсиз. Дастлабки кўлөзмадаёқ одамларни олдинга чиқаришни кўзда тутмаган эдим, шунинг учун уларни олдинга чиқармадим. Кейинги кўзда тутилган ўзгариш эса мулоҳаза ҳосиласи эди, бундай қилсам, шубҳасиз, хато қилган бўлардим. Биз бу ерда ғаройиб эстетик ҳодисага дуч келдик, яъни хатога йўл қўймаслик учун қоидадан четга чиқиш зарур.

¹ Мейербер Жакомо (1791–1864) — композитор.

Кейин новеллани номлаш хақида бахслашдик, хар хил номларни ўйлаб топдик, бири новелланинг бошига мос келса, бошқаси охирига мос келар, бутун асарга ёпишиб тушадиган аниқ бир номни тополмадик.

— Биласизми нима? — деди Гёте, — биз уни «Новелла» деб атай қоламиз, негаки новелла содир бўлган, кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа — мана шу новелланинг моҳияти. Германияда «новелла» деб аташадиган кўп нарсалар аслида новелла эмас, балки бор-йўри хикоя ёки шунга ўхшаган нарсалар. Дастлаб кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа маъносида новелла «Хамроз диллар»да ҳам учрайди.

— Бундоқ ўйлаб қаралса, — дедим мен, — ҳамиша бирорта шеър сарлавҳасиз дунёга келади, ўзининг мавжудлиги билан сарлавҳасиз қолаверади, демак, унга сарлавҳа керак эмас, деган фикрда қолаверамиз.

— Усиз ҳам бўлаверади, — деди Гёте, — қадимда шеърларга сарлавҳа қўйишмаган, буни янги замонда ўйлаб топишди, шунга қараб қадимги шеърларга ҳам кейинги вақтларда сарлавҳа қўя бошлашди. Бундай ҳол адабиётнинг кенгайиши туфайли, асарларни бир-биридан фарқлаш мақсадида уларга ном бериш зарурияти туғилди.

— Мана Сизга янги нарса, ўқиб кўринг, — деди Гёте. Шу сўзларни айтаркан, у менга жаноб Герхард¹ таржимасидаги битта серб шеърини узатди. Маза қилиб ўқидим, чунки шеър ажойиб, таржима ҳам оддий ва тушунарли эдики, мазмунни шундоқ тасаввур қилиш мумкин эди. Шеър «Қамоқхона калити» деб номланган эди. Мен, воқеа ривожини ҳақида эътирозим йўқ, бироқ шеърнинг охири менга тугалланмагандек туюлди ва бироз қониқтирмади, дедим.

— Мана шуниси қизиқ-да, — деди Гёте, — чунки айнан мана шу юракка санчилади-да, қайтиб чиқмайди, бундан нима бўлиши мумкин, деган турли-туман ўй-фикрлар ўқувчи хаёлотини эгаллаб олади. Шеър ниҳояси бутун бир фожиага материал бўлиши мумкин, бироқ бунақаси анча-мунча яратиб қўйилган. Шеърда тасвирланган воқеа эса, аксинча, янги ва ажойиб, шоир фақат шуни баён этгану давомини ўқувчи ҳукмига ҳавола қилиб, оқилона йўл тутган. Мен жон-жон деб буни «Санъат ва мозийлик» журналида чоп эттирган бўлардим, аммо у хийла узун. Мен Герхарддан учта

¹ Герхард Вильһелм Кристиан Бернгард (1780–1858) — Лайпцихдаги элчихона маслаҳатчиси, «Қамоқхона калити», «Раксга туш, Теодор!» шеърлари муаллифи, серб шеърлари таржимони.

қофияланган кўшиқни сўраб олдим, уларни кейинги сонда бераман. Мана, эшитиб кўринг-чи, қани, нима дейсиз.

Гёте аввал ёш бир қизни севиб қолган мўйсафид ҳақидаги кўшиқни, кейин хотинлар кўшиғини, охирида «Рақсга туш, Теодор» номли қувноқ кўшиқни ўқиди. Ҳар бир кўшиқни у ўзгача оҳангда, бошқача кўтаринкиликда, ёқимли қилиб ўқидики, бирор одамга бундай етук ифода билан ўқишни тинглаш насиб қилган, деб ўйламайман.

Жаноб Герхардни роса мактадик, у ҳар гал шеърый ўлчовлар ва такрорларни асл нусхага мос ҳолда танлаган ва буни шундай осон ва мукамал бажарган эдики, бундан ортиғини таржимондан талаб қилиб бўлмасди.

— Кўряпсизми, — деди Гёте, — Герхарддек талант эгаси учун шеър техникаси устидаги доимий машқ қандай аҳамиятли. Бундан ташқари, у ўзи учун илмий соҳани эмас, балки мудом уни амалий фаолиятга ундаб турувчи машғулоти танлагани унинг учун фойдали бўлган. Шу билан бирга, у Англияга ва бошқа юртларга кўп саёҳат қилган, бу унга ақлини реал нарсаларга сарф қилишда бизнинг ёш, билимдон шоирларимизга нисбатан анча-мунча афзалликларни ҳадя қилди. Агар у ҳамиша яхши анъаналарга риоя қилиб, фақат шулар билан чегараланса, камчиликларга йўл қўяди, деб ўйламайман. Ўзи ўйлаб топганлари кўп нарсани талаб қилади ва бу қийин иш.

Шу муносабат билан Гёте ҳозирги ёш шоирларимизнинг ижод маҳсуллари ҳақидаги айрим қарашларини кўшиб ўтди ва улардан бирортаси ҳам дуруст насрий асар чиқармаганини таъкидлади.

— Бу қийин иш эмас, — деди Гёте, — насрда ёзадиган одамнинг айтадиган сўзи бўлса бўлди, айтадиган сўзи бўлмаган одам шеър тўқисин, бунда бир сўз иккинчисини пайдо қилади ва охир-оқибат нимадир дунёга келади, аслида бу ҳеч нарса, аммо нимагадир ўхшаб кўринади.

1827 йилнинг 31 январи, чоршанба

Гётеникида тушлик қилдик.

— Сиз билан кўришмаганимиздан буён, — деди у, — мен анчагина нарсаларни ўқидим, айниқса, хитой романи ҳалигача ҳаёлимни банд қилиб турипти, у менга роятда ғаройиб туюлди.

— Хитой романи? — ҳайрон бўлиб сўрадим мен, — бу биз учун бегона нарса бўлса керак, менимча.

— Унчалик эмас, — деди Гёте, — у ердаги одамлар ҳам худди бизга ўхшаб фикрлашади, ҳаракат қилишади, ҳис қилишади, дарров ўзингни улар қаторида тургандек сеза бошлайсан, фарқи шуки, уларда ҳамма нарса ёркинрок, софрок ва қалбга яқинрок. Уларда ҳамма нарса онгли, бюргерларга хос юксак эҳтирослар ва поэтик кўтаринкиликдан холи, шу жиҳатдан менинг «Херманн ва Доротея»мга ҳамда Ричардсон¹нинг инглиз романларига ўхшаб кетади. Аммо фарқлар ҳам етарли: уларда ташқи табиат ҳамиша одамлар билан ёнма-ён яшайди. Кўлларда олтин балиқларнинг шалоплагани эшитилиб туради, дарахт шохларида мудом қушлар сайрашади, кун ҳамиша қуёшли ва серфайз, тунлар ойдин, бунда ой ҳақида жуда кўп ёзилган, бироқ у кўринишни ўзгартирмайди, унинг нуридан тун худди кундуздек ёп-ёруғ. Уйларнинг ичи худди расмлардагидек ёқимли ва нафосатли. Масалан: «Мен гўзал қизларнинг кулгисини эшитиб, ўша томонга бордим, қарасам улар қамишдан тўқилган стулларда ўтиришарди». Мана Сизга жозибали вазият, ахир қамишдан тўқилган стуллар енгиллик ва нозиклик ҳақида тасаввур уйғотади-ку. Ҳикоя билан бирга келтирилган кўплаб ривоятларни гўё мақол ўрнида қабул қилиш мумкин. Айтайлик, бир қиз ҳақида сўз боради: унинг оёқлари шу қадар нозикки, у гул бутонини синдирмасдан унинг устида тебраниб туриши мумкин. Бир ёш йигит ҳақида: у ўзини шунчалик одобли ва жасоратли тутдики, ўттиз ёшида император билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлди. Бундан кейин икки севишганлар ҳақида сўз боради: улар узоқ вақт учрашиб юрган бўлишса-да, ўзларини шу даражада тийишар эдики, ҳатто бир кеча битта хонада иккови қолишга мажбур бўлишганда ҳам, бутун тунни суҳбатлашиб ўтказишди, бир-бирларига қўл ҳам теккизишмади. Рухий-маънавий софликни тарғиб қилувчи бунақа ривоятлар кўп. Ҳамма жабҳаларда мана шундай қатъий мўътадиллик орқасида Хитой империяси бир неча минг йиллардан бери сақланиб турипти ва бундан кейин ҳам тураверади.

— Мана шу хитой романига, — сўзида давом этди Гёте, — Беранженинг кўшиқларини қарама-қарши қўйсак, айна ҳақиқат бўларди, бу кўшиқларнинг асосини бузуқлик ва маънавийтсизлик ташкил этади, бордию бу мавзунини Беранжедек истеъдод соҳиби тоқат қилса бўладиган ва ҳатто ёқимли қилиб баён этмаганида, бу менинг нафратимни кўзғаган бўларди. Энди ўзингиз айтинг-чи, хитой ижодкорининг сюжети ич-ичигача

¹ Ричардсон Самюэль (1689–1761) — инглиз ёзувчиси.

маънавий тозаликка йўғрилган, бироқ ҳозирги Франциянинг биринчи шоири танлаган сюжет унинг тамоман акси эмасми, бунга ҳайрон қолмай бўладими?

— Беранжега ўхшаган истеъдод эгаси, — дедим мен, — маънавий тоза сюжетлардан ўзига ҳеч бир озиқ тополмаган бўларди.

— Сиз ҳақсиз, — деди Гёте, — айнан давримиздаги бузуқликлар Беранже табиатининг энг яхши томонларини очишга ва ривожлантиришга имкон яратмоқда.

— Эҳтимол, — дедим мен, — манави хитой романи энг яхшиси бўлса керак.

— Зинҳор ундай эмас, — деди Гёте, — хитойларда бунақасидан минглаб топилади, бизнинг аждодларимиз ҳали ўрмонларда яшаган пайтларда уларда бундай романлар мавжуд эди.

— Тобора амин бўляпманки, сўзида давом этди Гёте, — поэзия инсоният эришган ютуқ ва у ҳамма ерда, барча замонларда минг-минглаб одамларда юзага чиқаверади. Биттаси бошқасидан кўра буни яхшироқ бажаради, биттаси бошқасидан кўра сув юзида узокроқ сузади, бор гап шу. Жаноб Маттисон¹, бу менман, деб ўйламаслиги, мен ҳам, ўша менман, деб ўйламаслигим керак, балки ҳар бири шеър ёзиш осон иш эмаслигини ўйлаши, мабодо бирортаси яхши шеър ёзиб қолса мағрурланиб кетмаслиги лозим. Бироқ, агар биз, немислар, ўзимизнинг тор доирамиздан нарига боқмасак, унда ана шу кибр-ҳаво ботқоғига ботиб қолаверамиз. Шу боисдан мен бошқа миллатларда нималар борлигига разм соламан ва бошқаларга ҳам шундай қилишни маслаҳат бераман. Миллий адабиётнинг аҳамияти ҳозир юқори эмас, жаҳон адабиёти даври бошланмоқда. Ҳар бир киши унга йўл очишга ҳисса қўшмоғи зарур. Шу билан бир вақтда биз хорижга тегишли нарсаларни тан олиш баробарида бирорта муҳимига ёпишиб олиб, ўшани намуна сифатида қабул қилмаслигимиз лозим. Хитой ёки серб адабиёти, Калдерон ёки нибелунглар намуна бўла олади, деган хаёлга бормаслигимиз керак. Намуна бўлгулик адабиётга муҳтожлик сезсак, ҳамиша қадимги юнонларга муурожаат қилмоғимиз лозим, негаки уларнинг асарларида мудом гўзал инсон образи қаламга олинган бўлади. Бошқа ҳаммасини соф тарихий ҳодиса сифатида қабул қилиб, улардаги ижобий ҳодисаларни кўлимиздан келганча ўзлаштирмоғимиз керак.

¹ *Маттисон Фридрих фон (1761 – 1831) – олмон шоири.*

Мен шундай муҳим масала юзасидан Гётенинг муфассал баён қилаётган фикрини тинглаганимдан хурсанд эдим. Ўтиб бораётган чананинг кўнғироғи бизни дераза ёнига чорлади, чунки биз бугун эрталаб Балвадорга ўтиб кетган чана-поездининг қайтишини кутаётгандик. Бу борада Гёте мен учун ибратли бўлган сўзларини давом эттирди. Гап Александр Манзони ҳақида борди, у айтдики, граф Райнхард жаноб Манзонини яқинда Парижда кўрганмиш, жаноб Манзони ёш бўлса-да, анча машҳур шоир сифатида халқ томонидан яхши қабул қилинганмиш, у ҳозирги кунда Майланд яқинидаги мулкида ёш оиласи ва онаси билан бахтли ҳаёт кечираётганмиш.

— Манзонининг камчилиги шундаки, — сўзида давом этди Гёте. — Ўзининг қандай зўр шоир эканлигини, шу жиҳатдан у қандай ҳуқуқларга эга эканлигини билмайди. У тарихга жуда кўп мурожаат қилади, асарларига тарихий воқеаларни жуда кўп киритадики, буларда унинг тарихдаги майда-чуйда ҳодисаларни ҳам садоқат билан тилга олганига гувоҳ бўламиз. Фактлари тарихий бўлса бордир, аммо қаҳрамонларида, менинг Фоантим ёки Ифигениямдек тарихий белгилар йўқ. Бирорта шоир у тасвир этган тарихий персонажларни билмайди, билган тақдирида ҳам уларга эътибор қаратиши даргумон эди. Ижодкор ўқувчига қандай таъсир ўтказмокчи эканлигини олдиндан билиши, шунга қараб қаҳрамонларини яратиши керак. Мабодо мен Эгмонтни тарихда қандай бўлса шундай, яъни бир тўда болаларнинг отаси сифатида тасвирлаганимда эди, унда унинг енгил-елпи хатти-ҳаракатлари менинг ўй-фикрим билан ҳамоҳанг бўлиши лозим эди, мен шундай қилдим, Клерхен¹ айтганидек, мана шу менинг Эгмонтим.

Тарихчи олимлар ёзган нарсаларни айнан такрорлайдиган ёзувчиларнинг кимга кераги бор! Ёзувчи олдинда юрмоғи ва имкони борича юксакроқ ва етукроқ асарлар ёзмоғи даркор. Софоклнинг персонажлари улуғ шоирнинг буюк қалбига хос белгилардан ниманидир олган бўлса, Шекспир қаҳрамонлари ҳам унга хос хислатлардан олган. Аслида мана шундай бўлмоғи керак. Шекспир эса янада олдинга кетди, римликларни тўла ҳуқуқ билан инглизларга айлантирди, тўғри қилди, акс ҳолда халқ уни тушунмаган бўларди.

— Мана шу ерда ҳам юнонларнинг улуғлиги кўзга ташланади, — сўзида давом этди Гёте. — Улар тарихий фактларга шоир тасвир этганидан кўра камроқ садоқат

¹ Клерхен «Эгмонт» драмаси қаҳрамони, Эгмонтни ёшлиқдан севган қиз.

кўрсатишди. Бахтимизга ҳозир биз учун намуна бўлгулик учта «Филоктет»¹ларга эгамиз. Бу сюжетни учта буюк фо-
жианавислар ёритишган, энг яхшиси ва энг охиргиси Со-
фоклники. Унинг асари ғаройиб бир тарзда бизгача тўлиқ
етиб келган, Эсхил билан Эврипиднинг «Филоктет»ларидан
парчалар сақланиб қолган, шу парчалар бўйича ҳам улар
мавзуни қандай ёритганларини билиб олса бўлади. Вақтим
етарли бўлганида эди, ушбу парчаларни, худди Эврипиднинг
«Файтон»и сингари таъмирлаган, бу эса мен учун ёқимли ва
фойдали иш бўлган бўларди.

Ушбу сюжетни ишлашда вазифа жуда оддий: Филоктетни
ёйи билан бирга Лемнос оролидан олиб чиқиш. Бу иш қандай
амалга оширилади, энди бу шоирнинг иши, бунда уларнинг
ҳар бири ўз тасаввур кучини намоён қилиши, бошқасидан
кўра кўпроқ афзалликка эга бўлиши лозим. Уни Улисс олиб
чиқиши даркор, бироқ уни Филоктет таниши керакми ёки
йўқми, қандай йўл билан Улисс танилмай қола олади? Улисс
ёлғиз ўзи бориши керакми ёки ёнида ҳамроҳлари бўладими,
ким унга ҳамроҳлик қилади? Эсхилда ҳамроҳ номаълум, Эв-
рипидда Диомед, Софоклда Ахиллнинг ўғли. Бундан ташқари,
улар Филоктетни қандай шароитда топишлари лозим? Оролда
одамлар яшайдими-йўқми, агар яшаса, у ерда бирорта раҳмдил
инсон Филоктетга кўмак берганми ёки йўқми? Шунга ўхшаш
юзлаб саволлар борки, уларга ечим топиш ёзувчи ихтиёри-
дадир ҳамда истаб ёки истамаган ҳолда бири бошқасидан
кўра ақллироқ эканлигини намойиш қила олиши ҳам унинг
ихтиёрида. Ҳамма гап мана шунда, ҳозирги шоирларимиз
ҳам худди шундай қилишлари керак, улар бўлса, бу мавзу
аллақачон ишланганми ёки йўқми, деб сўраб-суриштиришади,
шимолу жанубдан кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеаларни
кидиришади, кўпинча бу воқеалар шафқатсиз, кўпол бўлади-
да, қанча силлиқламагин, ўшандай қолаверади. Оддий сюжет-
га моҳирона ишлов бериш орқали тузук бирор нарса чиқариш
эса, юксак истеъдод ва ақл талаб қилади, уларда айни шу
нарса етишмайди.

Йўлдан ўтиб бораётган чаналар бизни яна дераза ёнига
олиб келди, бу ҳам Балвадордан келадиган, биз кутаётган
чана-поезд эмас эди. Биз ўтган-кетган гаплардан гурунглашиб
ўтирдик, ҳазил-хузул қилган бўлдик, кейин мен Гётедан «Но-
велла» нима бўлди, деб сўрадим.

¹ «Филоктет» — бир мавзуни турлича талқин қилиб ёзилган, антик
дунё адабиётига тегишли асар.

– Кейинги кунларда унга кўл теккизганим йўк, – деди у, – бироқ муқаддимага нимадир кўшишим керак. Сайёр цирк ёнидан княгиня отда ўтаётган пайтда шер бўкириши керак, ўшанда мен бу баҳайбат хайвоннинг кўрқинчли эканлиги ҳақида айрим фикрларни кўшишим мумкин.

– Бу жуда зўр фикр, – дедим мен, – чунки шу йўл билан муқаддима нафақат ўз-ўзича яхши ва бежирим бўлиб қолади, балки у кейинги воқеаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ҳозиргача шер ўзини жуда хотиржам тутди, ваҳшийлигини тариқча ҳам намоён қилмади. Бўкириш билан у бизга ҳеч бўлмаса ўзининг қанчалик даҳшатли эканлигини эслатиб кўяди, кейинроқ у бола чалган най садосидан эриб, унга эргашган човда бунинг таъсири янада кучлироқ бўлади.

– Бундай ўзгартиришлар ва силлиқлашларни, – деди Гёте, – тўғри деб ҳисоблайман, тинимсиз мулоҳаза элагидан ўтказиш орқасида маромига етмаган асар етилади. Аммо тугалланган нарсани қайта ишлаб, ўзгартиравериш яхши эмас, масалан, Вальтер Скотт менинг Миньонимни шу даражада ўзгартирдики, охири у гунг-карга айланиб қолди, бу тахлит ўзгартиришларни мен ёқламайман.

1827 йилнинг 1 феввали, пайшанба кун кечқурун

Гёте менга, бугун уникига прусс қироли валиаҳди Буюк ҳерцог ҳамроҳлигида келганини айтди.

– Прусс шахзодалари Карл ва Вильҳельм¹ ҳам эрталаб меникига келишди, – деди у, – валиаҳд билан Буюк ҳерцог уч соатча ўтиришди, кўп мавзуларда гурунглашдик, мен шахзоданинг ақли, диди, билим доираси, фикрлаш тарзи ҳақида юксак тасаввурга эга бўлдим.

Гётенинг олдида стол устида «Ранглар ҳақидаги таълимот»нинг бир жилди ётарди.

– Мен, – деди у, – Сиздан ҳамон рангли соя ҳолати бўйича жавобдан қарздорман. Бу ҳодиса кўп нарсаларга аниқлик киритиши ва бошқа бир қатор ҳодисалар билан алоқадор эканлиги туфайли бугун мен Сизга бутун таълимотдан айри ҳолда тушунча беришни истамайман, демоқчи эдимки, икковимиз учрашган кечаларда «Ранглар ҳақидаги таълимот»ни биргаликда ўқиб чиқсак. Шу йўл билан кенг қамровли суҳбат мавзусига эга бўламиз, Сиз эса, ўзингиз ҳам сезмаган ҳолда бутун таълимотни ўзлаштириб оласиз.

¹ Карл (1801–1883) – прусс шахзодаси, Вильҳельм (1797–1888) – прусс қироли, кейинчалик император Вильҳельм.

Қачондир ўзлаштирилган нарса хотирангизда ўрнашиб, янада такомиллашиб боради ва Сиз ҳадемай бу илми ўз мулкингизга айлантириб олишингизга ишончим комил. Қани, биринчи қисми ўқинг.

Шуларни айтиб, Гёте олдимга очик китобни кўйди. Унинг менга бўлган самимий муносабатидан ғоятда бахтли эдим. Мен рухий ранглар ҳақидаги биринчи фаслни ўқидим.

— Мана, кўряпсизми, — деди Гёте, — бизнинг ичимизда бўлмаган нарса ташқи оламда ҳам бўлмайди, биздан ташқарида мавжуд бўлган ранглар кўзимизда ҳам мавжуд. Бу илмда объектив ва субъектив ҳолатларни кескин фарқлаш талаб қилинганлиги сабабли, мен гапни кўзга тааллуқли ранглардан бошлаб тўғри йўл тутганман, бу билан мен ҳақиқатан ҳам биздан ташқарида ранг мавжудлиги ёки бу кўзимиз таъсирида пайдо бўлган, гўё бизга ранг бўлиб кўринадиган нарсани — мана шуларни фарқлашимиз лозимлигини уқтирмоқчи эдим. Назаримда бу илмда сўзни ҳамма нарсани кўрадиган ва қабул қиладиган органдан бошлаб тўғри қилганман.

Мен талаб қилинадиган ранглар ҳақидаги қизиқарли фаслларгача ўқидим, унда айтилишича, кўз турли рангларнинг алмашинувиغا эҳтиёж сезади, бир хил рангга тоқат қилолмай бошқа рангни қидиради ва уни теvarак-атрофдан тополмай, шундай рангни ўзи ҳосил қилади.

Бу фикр бизни бутун инсоният ҳаёти бўйлаб ўтадиган буюк қонунга томон етакладики, бутун ҳаёт ва ҳаётдаги барча қувончлар шу қонун асосига қурилгандир.

— Бизнинг барча сезги органларимизгина эмас, — деди Гёте, — балки бутун юксак маънавий борлигимиз ҳам шундай, кўз қулай орган бўлганлиги сабабли талаб қиладиган ҳар хиллик қонуни рангларда яққолроқ кўзга ташланади ва мана бу мисолда осонгина англаб етамиз. Биз кўтаринки руҳдаги ва тушқун оҳанглар алмашилиб турадиган рақсларни афзал кўрамыз, нуқул қувноқ ёки ғамгин оҳанглардан иборат рақс қуйлари дарҳол меъдамизга тегади.

— Худди шу қонун, — дедим мен, — менимча, яхши услубга ҳам асос бўлади, биз ҳозиргина эшитган товушларни қўлламасликка ҳаракат қиламыз. Театрда ҳам шу қонунни моҳирона қўллаш билан кўп нарсага эришса бўлади. Кўпгина спектаклларда, айниқса фожиаларда, бир оҳанг ўзгармай янграйверади-да, кишини безор қилиб, толиктириб юборади, бундай томошалар пайтида оркестр антрактларда ҳам ғамгин, юракни эзадиган мусиқани чалса, юрагинг сиқилиб, қаёққа қочишни билмай қоласан киши.

— Эҳтимол, — деди Гёте, — Шекспир фожиаларига омихта қилинган қувноқ саҳналар мана шу талаб қилинган ҳар хиллик қонунига асосланган бўлса ажаб эмас, бироқ юксак даражадаги юнон фожиаларига бу қонунни қўллаб бўлмаса керак, чунки буларда битта асосий оҳанг бутун асар бўйлаб ўтган бўлади.

— Юнон фожиаси, — дедим мен, — нисбатан қисқа, бир хил оҳанги билан ҳам кишини зериктирмайди. Унда хор билан диалог алмашилиб туради, ундаги кўтаринки мазмун шу даражадаки, одамни зериктирмайди, чунки у қувончга йўғрилган ўзига хос соғлом томир ёзган.

— Гапингизда, эҳтимол, жон бордир, — деди Гёте, — юнон фожиаси талаб қилинган ҳар хиллик қонунига қанчалик бўйсунуши ҳақида ўйлаб кўрса бўлади. Кўриб турганингиздек, ҳамма нарса бир-бири билан ўзаро боғлиқ, ҳатто «Ранглар ҳақидаги таълимот»дан келиб чиқиб юнон фожиаларини таҳлил қилмоқдамиз. Аммо бу қонунни дуч келган жойга татбиқ қилаверишдан сақланишимиз керак, уни аналог ёки намуна сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Сўнгра биз Гёте ранглар ҳақидаги таълимотини қадимги улуғ қонунлардан айри ҳолда, уларга яна алоҳида олинган ҳодисаларни қўшиб талқин қилгани ҳақида сўзлашдик, бу талқинлардан ҳамма нарса равшанлашиб, тушуниш осон бўлди.

— Шундай бўлса бордир, — деди Гёте, — бунинг учун Сиз мени қанча мақтаманг, барибир бу усул ҳар қандай турмуш ташвишларидан холи, бу таълимотнинг моҳиятини англаб етишга қодир шогирдларга муҳтож. Анча-мунча билимдон одамлар менинг ранглар ҳақидаги таълимотимга суянишди, аммо ёмони шундаки, улар тўғри йўлда кўпам қолишмади, қарабсанки, бошқа ёққа бурилиб, тадқиқот объектига бирдек суяниш ўрнига, бошқа ғоя кетидан кетишди. Аммо ҳақиқатнинг тубига етишни истаган оқил одам ҳозир ҳам бу соҳада кўп ишлар қилса бўлади.

Шундан сўнг, янада тўғрироқ қонунлар кашф қилинган бўлса-да, ҳалигача Ньютон қонуни ҳақида ваъз ўқийдиган профессорлар ҳақида гаплашдик.

— Бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади, — деди Гёте, — бундай одамлар мудом хатонинг этагидан тутишади, чунки улар шу хатоликлар орқасида кун кечиришади. Улар ўзларини қайта тайёрлашлари керак, аммо бу осон иш эмас.

— Ахир уларнинг назариялари асли нотўғри бўлса, — дедим мен, — қандай қилиб тажрибалари ҳақиқатни исбот қила олади.

– Улар ҳақиқатни исбот қилишмайди, – деди Гёте, – уларнинг мақсади ҳам асли бу эмас, улар фақат ўз қарашларини исбот қилишга уринадилар. Шунинг учун, ҳақиқатни рўёбга чиқариб, уларнинг назариялари таги бўш бир нарса эканлигини фош қиладиган барча тажрибаларни сир тутишади.

– Бундан ташқари, – дедим мен шогирдлар ҳақидаги сўзни давом эттириб, – улардан қайсилари ҳақиқатни топишга интилади? Улар ҳам бошқаларга ўхшаган одамлар қилаётган ишлари ҳақида эмпирик гап сотишдан нарига ўтишмайди. Бор гап шу. Одамлар галати мавжудот-да, кўл музлаб улгурмасдан юзлаб одамлар унинг устига ёпирилиб, юпқа юзасида сирпанчиқ ўйнаб, яйрашади, бироқ кўл қанчалик чуқуру музнинг остида қанақа балиқлар сузиб юрганини билишга қизиқиш кимнинг хаёлига келади? Нибур¹ ҳозирги кунда Рим билан Карфаген² ўртасидаги қадимги савдо шартномасини топибди, унда айтилишича, Ливий³нинг рим халқининг қадимги аҳволи ҳақидаги тарихи пуч гаплардан иборат, негаки, ушбу шартномада аниқ исбот қилинишига кўра, Рим қадимда Ливий тарихида айтилгандан ҳам кўра маданиятнинг юксакроқ поғонасида бўлган экан. Аммо, бординю Сиз ушбу шартнома Рим тарихини ўқитиш тизимига ислох киритади, деб ўйласангиз, катта хато қиласиз. Ҳеч қачон музлаган кўлни ёдингиздан чиқарманг, одамлар ана шундай, мен уларни етарлича ўргандим, улар шундайлигича қолишади.

– Шунга қарамасдан, – дедим мен, – ишонаманки, Сиз «Ранглар ҳақидаги таълимот»ни ёзганингиздан пушаймон эмассиз, ахир Сиз бу билан нафақат ажойиб илмнинг мустаҳкам биносини қурдингиз, балки шунга ўхшаш ҳодисаларни қўллашга татбиқ қилинадиган илмий усул намунасини яратдингиз.

– Гарчи шу илмга ярим умримни сарфлаган бўлсам-да, – деди Гёте, – ҳечам афсусланмайман. Эҳтимол, мен бунинг ўрнига кўплаб фожиалар ёзган бўлардим, бироқ фожа ёзадиган одамлар мenden кейин ҳам топилади. Сиз ҳақсиз, бу таълимотим тўғри, аниқ метод асосида тузилган, худди шу усулни товушлар ҳақидаги таълимотга ҳам қўллаганман, «Ўсимликлар метаморфозаси» ҳам аини мана шундай қарашлар ва хулосалар асосига қурилган. Менинг «Ўсимликлар метаморфозаси»

¹ Нибур Бартольд Георг (1776 – 1831) – олмон тарихчиси.

² Рим ва Карфаген шартномаси милoddан аввалги 241 йилда тузилган.

³ Ливий Тит (мл. авв. 59 – 17) – қадимги Рим тарихчиси.

таълимотим ўзига хос тарзда, худди Ҳершел¹ кашфиётларига ўхшаб дунёга келган. Ҳершел жуда камбағал бўлган, телескоп сотиб олишга пули бўлмаган, шунда телескопни ўзи ясашга мажбур бўлган. Шундай қилгани яхши бўлган, негаки мана шу ясама телескоп бошқа мавжудларидан ҳам яхшироқ бўлган ва у шу телескоп ёрдамида буюк кашфиётлар қилган. Мени ботаника томон соф эмпирик йўл бошлаб келди. Аниқ эсимда бор: турларнинг пайдо бўлиши менга хийла катта мавзу бўлиб туюлган, унга киришишга унчалик журъатим етмаган эди. Бироқ ўз усулим билан масаланинг ечимига киришишга ва барча ўсимликларга бирдек хос бўлган белгини кашф қилишга мени нимадир ундади. Шу билан мен метаморфоза (турларнинг келиб чиқиши) ҳақидаги таълимотни яратдим. Ботаника илмига чуқур кириб бориш менинг вазифам эмас, буни ушбу соҳада мендан ҳам кўпроқ иш қилганларга қолдираман. Менинг вазифам фақатгина тарқоқ ходисаларни ягона бир умумий қонунга бирлаштириш эди, холос.

Шу тарика маъданшунослик ҳам мени икки жиҳати билан қизиқтирди: аввало, ўзининг улкан амалий фойдаси билан, иккинчидан, бу илмдан мен дунёнинг пайдо бўлиши ҳақида маълумотлар топишни мақсад қилган эдим, бунга мени Вернер² таълимоти ундади. Аммо бу ажойиб инсоннинг вафотидан сўнг бу фанда ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетгач, унда очик иштирок этмай қўйдим ва аввалги қарашларим билан жим қолавердим.

«Ранглар ҳақидаги таълимот»да энди камалакнинг пайдо бўлишини тадқиқ қилишим керак, бу ишга тез кунда киришаман. Бу беҳад мушкул вазифа, шундай бўлса-да, уни ҳал қилишимга ишонаман. Шунинг учун ҳозир Сиз билан «Ранглар ҳақидаги таълимот»ни биргалашиб ўқиб чиқиш мен учун ниҳоятда ёқимли, шу билан бу илмга бўлган Сизнинг қизиқишингиз янада янгиланади.

— Мен, — сўзида давом этди Гёте, — табиий фанларда ҳар тарафлама ўз кучимни синаб кўрдим, бироқ менинг тажрибаларим ҳамиша мени ўраб турган, бевосита сезиш мумкин бўлган замин ходисалари билан боғлиқ бўлди, шунинг учун мен астрономия билан шуғулланмадим, чунки бунда сезгининг ўзи етарли эмас, бу ерда асбоблар, ҳисоблашлар, механика

¹ Ҳершел Уильям (1738–1822) - астроном. У сотиш учун телескоплар ясаган, ўзи ясаган кичкина телескоп ёрдамида Уран сайёрасини кашф қилган.

² Вернер Абраҳам (1750–1817) -- фрайберглик маъданшунос.

зарур бўлади, бунинг учун бутун умрни сарфлаш лозим, астрономия менинг ишим эмас.

Мен ҳаёт йўлим давомида ўзим шуғулланган соҳаларда нимагадир эришган бўлсам, бунга сабаб шуки, менинг умрим табиатдаги улуғ кашфиётларга ниҳоятда бой бир даврга тўғри келди. Болалигим Франклин¹нинг айни ўша пайтда кашф қилинган электр токи ҳақидаги кашфиётига тўғри келди. Шу тахлит, мана, ҳозирги кунгача кетма-кет улуғ кашфиётлар юзага келмоқда, буларнинг ҳаммаси нафақат менинг диққатимни табиатга тортди, балки кейин ҳам табиат билан яқин алоқада бўлишга ундади. Мен солган йўллар бўйлаб одамлар ўзим тасаввур қилганимдан ҳам кўра илгарилаб бормоқда, ўзим эса, тонгда чиқиб келаётган қуёшга боқиб, унинг ёрқин нурларидан кўзлари қамашган одамга ўхшайман.

Шу муносабат билан Гёте Карус², д'Алтон³, кенигсберглик Мейер номларини ҳурмат билан тилга олди.

— Агар одамлар, — сўзида давом этди Гёте, — ўзлари кашф қилган ҳақиқатни қайтадан бузиб, хиралаштирмасалар эди, мамнун бўлардим. Инсоният авлоддан авлодга ўтиб келадиган ижобий нарсаларга муҳтож бўлади, агар мана шу ижобий нарсалар ҳақиқий, асл бўлса, яхши бўларди. Шу нуқтаи назардан қарасак, табиий фанларда ҳам ниҳоят ҳақиқат юзага чиқса ва чин моҳият кашф қилинган, ҳавойи мулоҳазаларга берилмасдан, шунга таянилса дуруст бўларди. Бироқ одамзод тиниб-тинчимайди, бир айланиб қарасанг, ҳаммаси чалкашиб кетган бўлади.

Улар ҳозир Исонинг бешта китобига ёпишиб олишган, йўқ қилувчи танқид диний масалалардагичалик зарарли эмас, чунки бунда ҳамма нарса эътиқодга боғлиқ, ундан бир марта маҳрум бўлган одам, қайта ҳеч қачон унга эришолмайди.

Йўқ қилувчи танқид поэзияда у қадар зарарли эмас. Вольф Хомер ҳақидаги тасаввуримизни йўқ қилди, аммо унинг шеърларига заррача дахл қилолмади, чунки бу шеърят Валҳалле⁴нинг қаҳрамонларига ўхшайди, эрталаб бир-бирларини бурда-бурда қилиб ташлашади-да, тушда яна соппа-соғ, бус-бутун столга ўтиришади.

¹ *Франклин Бенжамин (1706--1790)* — америкалик маърифатпарвар, давлат арбоби, олим.

² *Карус Карл Густав (1789--1869)* қирол шифокори (леб-медик), табиатшунос, эстетик ва рассом, Гётенинг яқин дўсти бўлган.

³ *Д'Алтон Йозеф Вильҳелм Эдуард (1772--1840)* — олмон олими, анатом, археолог, гравюрачи, бонилик археология ва санъат тарихи профессори.

⁴ *Валҳалле* — олмон халқ оғзаки ижодидаги афсонавий кўшк, макон.

Гётенинг кайфи чоғ эди, мен бўлсам, шундай муҳим мавзуларда унинг фикрини эшитганимдан бахтли эдим.

— Икковимиз, — деди у, — тўғри йўлдан четга чиқмасликка ҳаракат қиламиз, бошқалар эса ўз йўлларида бораверишсин. Энг оқилона йўл — шу.

1827 йилнинг 7 феввали, чоршанба

Бугун Гёте Лессингдан норози бўлган, унга хаддан ташқари талаблар қўяётган бир қанча танқидчиларни койиди.

— Лессинг пьесаларини, — деди у, — қадимги ёзувчилар асарлари билан қиёслаб, уларни оддий ва саёзга чиқаришаётган бўлишса, бунга нима ҳам дея оласан! Фақат, мана шундай ғариб даврда яшаб, пьесаларига бундан яхшироқ мавзу тополмаган шундай истеъдодли одамга ачиниш керак, холос! Унинг бир умр бошқалар билан баҳслашгани, шунга мажбур бўлгани ҳам даврнинг қусуридир. «Эмилия Галотти»¹да у найзасини князларга, «Натан»да эса попларга қарши тўғрилади.

1827 йилнинг 16 феввали, жума

Мен Гётега яқинда Винкельманнинг «Юнон санъат асарларига ўхшатма»² номли асарини ўқиб чиққанимни ва Винкельман ўша кезларда ҳали ўзи танлаган мавзунини етарлича эгалламагандек туюлганини айтдим.

— Тўғри пайқабсиз, — деди Гёте, — у кўп нарсаларга пайпаслаб эришади, ҳамиша кўлига нимадир илинади. Шу маънода уни Колумб³га қиёсласа бўлади, Американи ҳали очмай туриб, уни хаёлида кашф қилган эди. Бу асарни ўқиб ҳеч нарсани ўрганолмайсан, аммо нимадир бўласан.

Мейер хийла илгарилаб кетди ва санъат соҳасининг етук билимдони бўлди. Унинг «Санъат тарихи»⁴ китоби бир умрлик асар, шуниси борки, агар у ёшлигида Винкельманни ўрганмаганида ва унинг йўлини давом эттирмаганида эди, бу даражага етолмасди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, улуғ ўтмишдошда гап кўп ва унинг асарларидан керакли ўринда фойдалана олиш ҳам роятда муҳим.

¹ «Эмилия Галотти», «Натан» — Лессинг пьесалари.

² Винкельманнинг санъат тарихига бағишланган «Юнон санъат асарларига ўхшатма» (1755), «Мозийлик санъати тарихи» (1764) номли асарлари мавжуд.

³ Колумб Христофор (1451–1506) — денгизчи, Американи кашф қилган.

⁴ Мейернинг «Юнонларнинг тасвирий санъати тарихи» (1824) номли ноёб асарига Гёте юқори баҳо берган.

Бугун соат бирда Гётеникига бордим, у мени тушлик бошлангунча извошда сайр қилиб келишга таклиф қилди. Биз Эрфурт тарафга кетдик. Ҳаво ажойиб эди, йўлнинг икки чеккасидаги ўтлоқлардаги янги чиққан яшил майсалар кўзни қувонтирарди, Гёте хис-туйғуларга берилган, бошланаётган баҳор янглиғ ёш ва қувноқ, аммо сўзлари кексаларга хос доноликка йўғрилган эди.

— Мен ҳамиша айтаман ва такрорлашдан чарчамайман, — дея сўз бошлади у, — агар дунё шу қадар оддий бўлмаганида эди, мавжуд бўлолмасди. Мана бу шўрлик заминга минг-минглаб йиллардан бери ишлов беришади, унинг кучлари ҳалиям ўша-ўша. Озгина ёмғир, озгина қуёш нури бўлса бас, ҳар баҳор янгидан яшилликка бурканаверади ва бу ҳолат мудом давом этаверади.

Мен бу сўзларга жавоб ҳам, қўшимча ҳам тополмадим. Гёте ям-яшил далалардан кўз узолмасди, кейин мен томонга бурилиб, бутунлай бошқа нарса ҳақида гапира бошлади: — Шу кунларда мен фаройиб бир китобни — «Якоби¹нинг дўстлари билан ёзишмалари»ни ўқидим. Бу чинакам фаройиб китоб, Сиз уни ўқиб чиқишингиз керак, ундан бирор нарса ни ўрганиш учун эмас, балки маданият ва адабиётнинг ўша кездеги аҳволини билиш учун, бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. У ерда тилга олинган одамларнинг ҳаммаси маълум даражада аҳамиятли, лекин қарашлардаги ягона йўналиш ва қизиқишдан асар ҳам йўқ, ҳар бири ўзича ҳаракат қилади, ҳар бирининг ўз йўли бор, бошқаларнинг интилишлари билан ишлари йўқ. Улар менга, яшил мовут устида аралаш-қуралаш бўлиб юмалаб юрган, бир-бирига яқин келган захоти тағин ажралиб ҳар тарафга тарқалиб кетадиган бильярд доналари-дек туюлади.

Бундай зўр ўхшатишдан кулиб юбордим. Якоби билан ёзишмалар олиб борган кишилар ҳақида сўрадим, Гёте уларни айтди ва ҳар бирини тавсифлаб берди.

— Аслини олганда Якоби туғма дипломат, қадди-қомати келишган, чиройли, ёқимли қиёфага эга киши эди, унга элчилик воятда мос тушган бўларди. Бир вақтда ҳам шоир, ҳам файласуф бўлиш учун унда нимадир етишмасди. Менга муносабати ўзига хос эди — у мени инсон сифатида қадрларди, интилишларим билан қизиқмас, тўғриси, уларни

¹ Якоби Фридрих Хайнрих (1743 – 1819) – олмон ёзувчиси ва файласуфи.

маъкулламасди. Шу боисдан бизни фақат дўстлик боғлаб турарди. Бунинг аксича, Шиллер билан муносабатларимиз яқдил эди, чунки биргаликдаги интилишларимизда ажойиб бир уйғунлик бор, биз дўстликка у қадар ҳам муҳтож эмас эдик.

Мен ёзишмаларда Лессинг ҳам иштирок этганми, деб сўрадим.

– Йўқ, – деди Гёте, – аммо Хердер билан Виланд иштирок этишган.

Хердер бундай алоқаларни унчалик кадрламасди, ундаги такаббурлик туфайли бундай арзимас алоқалар унга малол келарди, Ҳаманн¹ ҳам бу одамларга юқоридан қарарди.

Виланд бўлса, ҳамишагидек, хатларида қувнок, ўзини ноқулай ҳис этмайди. У аниқ бир фикрга ёпишиб олмаган, ҳамма нарсанинг моҳиятига етиш кўлидан келарди. Уни турли фикрлар шамоли у ёқдан-бу ёққа тебратган қамишга ўхшарди.

Менинг Виландга шахсий муносабатим ҳамиша яхши бўлган, айниқса, танишувимизнинг дастлабки даврида янаям яхши эди, у пайтда Виланд фақатгина менга тегишли эди.

Извошимиз орқага қайтди. Шарқ томонда қалинлашиб бо-раётган ёмғир булутлари кўзга ташланди.

– Бу булутлар, – дедим мен, – анчадан бери тўпланишяпти, улар ҳар дақиқада ёмғир бўлиб қуйилишлари мумкин. Бордию барометр кўтарилса, улар яна тарқалиб кетишадими?

– Ҳа, – деди Гёте, – бу булутлар ўша заҳотиёқ юқори томондан титилиб, худди тўқилган ипдек тарқалиб кетади. Менинг барометрга ишончим шу қадар кучлики, ҳамиша уқдириб келаман: Петербургда ўша сув тошқини юз берган кечада барометр кўтарилганда эди, дарё тўлқини қирғоқдан тошмаган бўларди.

Менинг ўғлим, ой об-ҳавога таъсир қилади, деб ўйлайди. Эҳтимол, Сиз ҳам шундай фикрдадирсиз, бунинг учун сизларга таъна қилмайман, негаки ой беҳад улкан осмон жисми, унинг еримизга сезиларли таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас, бироқ об-ҳавонинг ўзгариши, барометрнинг кўтарилиши ёки пасайиши ойнинг ҳаракатига боғлиқ эмас, балки соф теллурик ҳодисадир.

Мен ерни ўз атмосферасида нафас олиб, нафас чиқариб турадиган мавжудотга қиёслайман. Ер нафас олганида атмосферани ютади ва бу ернинг устига яқинлашади-да, бу-

¹ Ҳаманн Йоханн Георг (1730–1788) – файласуф, адабиётчи.

лут ҳамда ёмғирга айланиб қалинлашади. Бу ҳолатни мен намликни ҳосил қилиш, деб атайман, бордию у меъёридан ортиқ давом этадиган бўлса, ерни сув босиб кетарди. Бироқ ер бунга йўл қўймайди, у нафас чиқаради-да, сув буғларини юқорига қўйиб юборади, улар атмосфера-нинг юқори қатламларида шу қадар юпқалашиб кетадики, уларни нафақат қуёш нурлари ёриб ўтади, балки беҳудуд коинотдаги абадий зулмат ҳам кўзимизга шаффоф бўлиб кўринади. Атмосферадаги бу ҳолатни намликни инкор қилиш деб атайман. Агар тескари ҳолатдагидек юқоридан сув тушиб турса ҳамда ердаги намлик буғланиб, ер қуримаса, унда кейинги ҳолатда, аксинча, нафақат юқоридан сув тушади, балки ердаги намлик ҳам буғланиб кетади, шу билан, мабодо бу ҳолат меъёридан ортиқ давом этадиган бўлса, ерга қурғоқчилик хавф солади.

Гёте бу муҳим мавзу ҳақида шуларни айтди, мен уни жон қулоғим билан тингладим.

— Бунда ҳамма нарса жуда оддий, — сўзида давом этди у, — мен ана шу оддий, аниқ нарсага суянаман. Ҳар хил чекинишлар билан фикримни чалғитмайман. Барометр кўтарилиши — демак, ёрингарчилик йўқ, шамол шарқдан эсади, пастга тушса, ёфингарчилик, шамол ғарбдан эсади, бу — мен риоя қиладиган мавжуд қонун. Мабодо барометр кўтарилган ва шарқдан шамол эсиб турган пайтда нам туман тушса ёки ғарбдан шамол эсиб турганда ҳаво очиқ бўлса ҳам мен ташвишланмайман, бу асосий қонунга бўлган менинг ишончимни синдирмайди, балки кўпам ақлимиз етавермайдиган қандайдир бошқа бир кучлар таъсири бордир, дейман қўяман.

Ҳозир Сизга бир нарсани айтаман, унга бутун умр бўйи риоя қилишни маслаҳат бераман. Табиатда онгимиз этадиган ва етмайдиган ҳодисалар бор. Буни фарқлаш, эсда тутиш ва эътибор қилиш лозим. Гарчи биттаси қаерда бошланиб, иккинчиси қаерда тугаётганини пайқаш ҳаммавақт қийин бўлса-да, буни умуман билишимизнинг ўзи биз учун фойдали. Буни билмайдиган одам бир умр онги етмайдиган нарсага уриниб, ҳақиқатга яқинлашолмасдан юради. Буни биладиган, ақли етук одам эса, онги этадиган нарсага уринади, шу соҳани ҳар томонлама ўрганади ва шу ерда томир отади, шу йўл билан ҳатто ўзига номаълум томондан ҳам нимадир олади ва охир-оқибат шунга амин бўладики, айрим ҳодисаларга маълум меъёрда яқинлашиш даркор экан, табиатда мудом ўзига хос сир-асрорлар яширинган бўлади, уларни асослашга инсон куч-қудрати ҳамиша ҳам етавермайди.

Шу сўзлар қуршовида шаҳарга етиб келдик. Сухбат айрим майда-чуйда воқеалар устида борди, аммо аввал айтилган сермаъно фикрлар ҳалигача менинг борлиғимни эгаллаб турарди.

Биз анча эрта қайтибмиз. Гёте менга Рубенс¹нинг табиат манзараси, яъни ёз кечаси тасвири акс этган суратини кўрсатишга улгурди. Олд томоннинг чап қисмида дехқонлар дала ишларидан қайтишмоқда, сурат ўртасида чўпон кўйларни қишлоқдаги кўрага ҳайдамoқда, ўнг тарафда ичкарироқда ишчилар аравага пичан ортиш билан овора, ўша ерда бўшатишган отлар хашак чимдиб юришипти, ундан нарироқдаги ўтлоқда ва бутазорда биялар қулунлари билан ўтлаб юришипти, гўё уларни атайлаб ташқарида қолдиришганга ўхшайди. Суратнинг уфқини бир неча қишлоқ ва шаҳар яқунлайди, унда меҳнат ва истироҳат тушунчаси акс этгандек туюлади.

Расмдан бор бўйича шу қадар ҳақиқий ҳаёт уфуриб турардики, ундаги ҳар бир деталь кўз олдимда шу қадар ёрқин намоён бўлдики, беихтиёр:

— Рубенс уни табиатнинг ўзига қараб чизган бўлса керак, — дедим.

— Йўқ, ундай эмас, — деди Гёте, — бундай мукамал кўриниш ҳеч қачон табиатда учрамайди, биз бу композиция учун рассомнинг ижодий тасаввури олдида таъзим қилишимиз керак. Буюк Рубенс фавқулодда мустаҳкам хотирага эга эдики, у бутун табиатни миясига чизиб, уни энг майда қирраларигача ўзига бўйсундириб олган эди. Бутун расмдаги ва унинг алоҳида деталларидаги ҳаққонийлик шундан, натижада биз ҳаммаси табиатнинг аниқ кўчирмаси эмасмикан, деб ўйлаймиз. Ҳозирги пайтда бундай манзараларни чизишмайди, ҳозир ҳеч ким табиатни бу даражада кўрмайди ҳам, ҳис этмайди ҳам, рассомларимизда поэтик туйғу қолмаган. Бундан ташқари, ёш истеъдодларимиз ўз ҳолига ташлаб қўйилган, уларга санъатнинг моҳиятини сингдирадиган устозлар ҳаётда қолмади. Шубҳасиз, марҳум устозлардан ҳам нимадир ўрганса бўлади, аммо бу, кўриб турганимиздек, рассомнинг фикрлаш тарзи ва услубига чуқур кириб боришдан кўра кўпроқ хусусий жиҳатларни ўзлаштиришга олиб келади.

Хонага эр-хотин Гётелар кириб келишди, биз тушлик столига ўтирдик. Кундалик сарой турмушидаги воқеалар: театр, саройдаги бал ҳақида гурунглашдик. Кўп ўтмай жиддий мавзуларга кўчдик ва Англиядаги диний таълимотларни муҳокама қилишга берилиб кетдик.

¹ Рубенс Питер Пауэль (1577–1640) — фламанд рассоми.

— Сизлар ҳам менга ўхшаб, — деди Гёте, — эллик йил давомида черков тарихини ўрганганларингда эди, ҳамма нарса бир-бири билан қанчалик боғлиқлигини англаб етган бўлардинглар. Шу нуқтаи назардан мусулмонлар бола тарбиясини қанақа илмдан бошлашлари диққатга сазовор. Улар ёшларга сингдирадиган диний тарбиянинг асосини, инсоннинг ҳаёт йўлини фақат Тангри томонидан белгилаб берилган нарсаларгина белгилайди, деган тушунчага ишонч ташкил этади, ёшлар бир умрга ана шу ишонч билан қуролланиб хотиржам бўлишади ва бошқа ҳеч нарса исташмайди.

Мен бу таълимотда нима тўғрию нима ёлғон, нима фойдалию нима зарарли эканлигини таҳлил қилишдан йироқман, бироқ аслини олганда, гарчи бизга бу эътиқодни ҳеч ким сингдирмаган бўлса-да, ундан нимадир бизнинг ҳам қалбимизда яширин. Жангга кирган аскар: «Менинг исмим ёзилмаган ўк менга тегмайди» дейди, агар унда мана шу ишонч бўлмаса, мардлик ва жасорат кўрсата олармиди! Насронийларнинг: «Агар Парвардигор изн бермаса, томдаги қуш ҳам учмайди», деган эътиқоднинг манбаи ҳам ўшанда ва бу бизга дунёда Яратганнинг иродасидан ташқарида ҳеч нарса содир бўлмайди, деган тушунчани эслатиб туради.

Мусулмонлар ўз фалсафасини ўргатишни, бирор зид фикрни келтириб чиқармайдиган ҳеч нарса йўқ, деган тезисдан бошлашади. Улар ёшларнинг онгини ўстириш учун ҳар қандай фикрга қарама-қарши фикр топишни, уни оғзаки изоҳлаб беришни талаб қилишадики, токи бу фикрлаш ва сўзлаш қобилиятини оширишга хизмат қилсин.

Ўртага ташланган тезис зид фикр билан инкор қилинган, гумон пайдо бўлади, ўша иккала тезисдан энг тўғриси мана шу гумондир. Бироқ гумон қатъий фикр эмас, у онгимизни чуқурроқ таҳлилга, яъни текширишга ундайди, агар текшириш муфассал олиб борилса, ишонч юзага келади ва бу мақсад манзили бўлади, одам бунда тўлиқ хотиржамликка эришади.

Кўриб турганингиздек, бу таълимот мукаммал, биз ўз тизимларимиз билан ундан ўзиб кетолмадик, умуман ундан ўзиб кетиб бўлмайди.

— Бу сўзлардан кейин юнонлар эсимга тушди, — дедим мен, — уларнинг фалсафий тарбия усули ҳам худди шунга ўхшаса керак, уларнинг бошдан-оёқ қарама-қаршиликлардан иборат фожиалари буни яққол исботлаб турипти, персонажлардан бирортаси бир фикрни айтса, иккинчиси шу захотиёк унга зид фикрни бошлаб қайтаради.

— Сиз тамоман ҳақсиз, — деди Гёте, — бунда томошабин ёки китобхон миясида туғиладиган гумон ҳам йўқ эмас, шундай қилиб, фақат охирида персонажлардан қай бири маънавий софлик тимсоли эканлигини билиб оламиз.

Биз столдан турдик, Гёте суҳбатни давом эттириш мақсадида мени ўзи билан боққа бошлади.

— Лессингда шу нарса диққатга сазоворки, — дедим мен, — у илмий асарларида, жумладан, «Лаокон»да, ҳеч қачон натижани бирданига эълон қилмайди, бизни фалсафанинг фикр-мулоҳазалар, инкорлар, иккиланишлар йўлидан етаклаб боради-да, ниҳоят ишончга эришишга имкон яратади. Биз ундан кенг дунёқараш ва улур ҳақиқатларни ўрганиб қолмасдан, ижодий тафаккур ва кашфиётлар жараёнини ҳам кузатамиз, бу бизни фикрлаш ҳамда изланиш сари етаклайди.

— Гапингиз тўғри, — деди Гёте, — Лессингнинг ўзи бир пайтлар гап орасида, агар Яратган менга тайёр ҳақиқатни раво кўрса, мен унинг бу марҳаматини қабул қилмайман, ҳақиқатни ўз меҳнатим билан қидириб топаман, деган эди.

Мусулмонларнинг фалсафий тизими, одам ўзига ҳам, бошқаларга ҳам татбиқ қилса бўладиган ўзига хос масштаб, бунда одам ўзининг қай даражада маънавий юксак эканлигини билиб олади.

Лессинг ўзининг баҳсталаб характериға кўра кўпроқ зиддиятлар ва гумон тарафда туради, у фикрларни қиёслайди, бу ишда унинг юксак онги беҳад қўл келади. Унинг аксича мен бутунлай бошқа одамман, зиддиятларга унчалик ҳам эътибор қилавермайман, гумонни ичимда ҳал қилишга уринаман, фақат эришилган натижанигина маълум қиламан.

Мен Гётедан, ҳозирги файласуфлардан кимни энг кучли деб биласиз, деб сўрадим.

— Кантни, — деди у, — шубҳасиз, энг кучли деб биламан. У таълимоти барчага узлуксиз таъсир кўрсатаётган ҳамда олмон маданиятида чуқур илдиз отган зотлардан бири. Сиз Кантни ўқимаган бўлсангиз-да, у Сизга ҳам таъсир кўрсатди. Энди унинг Сизга кераги йўқ, чунки у Сизга бериши мумкин бўлган нарсани энди эгаллагансиз. Мабодо келажакда уни ўқишни истаб қолсангиз, Сизга унинг «Ақл-идрок танқиди»¹ асарини тавсия қиламан. Бу асарда у риторика ҳақида муфассал, поэзия ҳақида баҳарнав, тасвирий санъат ҳақида бўш фикр юритган.

¹ «Ақл-идрок танқиди» («*Kritik der Urteilstkraft*») Кантнинг асосий фалсафий асарларидан бири.

— Жаноби олийлари, Кант билан шахсан танишмидингиз? — дея сўрадим.

— Йўк, — деди Гёте. — Гарчи мен ўз табиатимга кўра у билан бир йўлдан борган бўлсам-да, Кант менга эътибор қилмади. Мен «Ўсимликлар метаморфозаси»ни Кант таълимотини ўрганмай туриб ёзган эдим, шундай бўлса-да, бу унинг қарашларига тамоман мос келади. Субъект ва объектни фарқлаш, ҳар бир нарсанинг ўз-ўзича мавжудлиги, тикинбоп дарахт одамлар ундан шишаларга тикин ясашлари учун ўсмаслигини исботлаш — мана бизнинг Кант билан қарашларимизнинг умумийлиги, мен у билан шу нуқтада учрашганимдан хурсандман. Кейинчалик мен тажриба ҳақидаги таълимотимни ёздим, буни ҳам субъект ва объектни танқид, бир вақтнинг ўзида улар ўртасидаги воситачилик деб ҳам қараш мумкин.

Шиллер мудом менга Кант фалсафасини ўрганишни ман қилишга уринар, «Кант сенга ҳеч нарса бермайди», — деб уқтирарди. Ўзи эса уни берилиб ўрганарди, мен ҳам ўрганардим, албатта бунинг фойдаси бўлмай қолмади.

Шу тахлит гурунглашганча боғда у ёқдан-бу ёққа юрардик. Бу орада булутлар қуюқлашиб, ёмғир томчилай бошлади, шу билан биз уйга киришга мажбур бўлдик ва у ерда суҳбатимизни давом эттирдик.

1827 йилнинг 20 юни, чоршанба

Оилавий стол беш кишига безатилган, хоналар кенг, салқин эди, шундай иссиқ пайтда бу кишига хуш ёқарди. Мен овқат ейиладиган хона ёнидаги катта хонага кирдим, у ерда Юнонанинг улкан бюсти турар, ерга қўлда тўқилган гилам тўшалган эди. Мен хонада бирпас айланиб юрмасимданок Гёте ишхонасидан бу ёққа кириб келди ва мен билан одатига кўра очилиб-сочилиб саломлашди-да, дарҳол мени гапга солди. Дераза олдида турган стулга ўтирди.

— Стул олиб Сиз ҳам ёнимга ўтиринг, — деди у, — бошқалар келишгунча бир-икки офиз отамлашамиз. Сиз меникида граф Штернберг билан танишганингиздан хурсандман, у жўнаб кетди, мен яна одатдаги фаолиятим билан бандман.

— Граф менга улкан шахс бўлиб туюлди, — дедим мен, — унинг мислсиз билими ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади, нима ҳақда сўзлашмайлик, у доим керакли сўзни айтади ва ҳар қандай мавзуда асосли ва чуқур мулоҳазаларини дарҳол билдиради.

— Ҳа, — деди Гёте. — У ниҳоятда машҳур инсон, унинг таъсир доираси ва алоқалари Германияда жуда кенг. Ботаник сифатида у бутун Европада «*Flora subterranta*»¹ асари билан машҳур, у маъданшунос сифатида ҳам ғоятда таниқли. Унинг тарихини биласизми?

— Йўқ, — дедим мен, — аммо у ҳақда билишни жуда истардим. Мен уни граф, олий тоифа вакили сифатида, шу билан бирга кўп қиррали зукко олим сифатида билдим: у мен учун жумбоқ, буни ечишни жуда-жуда хоҳлардим.

Илтимосимга жавобан Гёте менга, граф диний соҳани эгаллаш мақсадида Римда ўқиб-ўрганишни бошлаганини, бироқ Австрия Римга ёрдам беришдан бош тортгач, Неаполга кетиб қолганини сўзлаб берди. Гёте шу тахлит ажойиб инсон ҳаёти ҳақида сермазмун, қизиқарли, муфассал ҳикоя қилишда давом этди, бундай ҳикоя «Вильҳельм Мейстернинг жаҳонгашталлик йиллари»га жуда ярашиб тусган бўларди, бироқ буларни такрорлаб ўтирмайман. Мен унинг сўзларини чуқур миннатдорлик туйғуси билан берилиб тингладим. Кейин Богема мактаблари² тўғрисида, уларнинг афзалликлари, айниқса, эстетик тарбияси тўғрисида сўзлашдик.

Бу орада эр-хотин Гётелар ва фройлайн Ульрика фон П. кириб келишди ва барчамиз столга ўтирдик. Гоҳ у, гоҳ бу мавзуга тегишли гурунгимиз қизгин давом этди, айрим шимолий герман шаҳарларидаги риёкорлар хусусида кўп тўхталдик. У ерлардаги мазҳабларга бўлиниш кўплаб оилаларда нифоқ кўзғаб, уларнинг бузилиб кетишига сабабчи бўлаётгани таъкидланди. Мен, бир сафар энг яқин дўстимдан айрилиб қолишимга сал қолганини, у мени ўз мазҳабига тортишга роса уринганини айтиб бердим.

— У ўз эътиқодига шу қадар ишонардикки, — дедим мен, — инсонлар амалга ошираётган барча хайрли ишлар бир пул, одам фақат Исонинг марҳамати туфайлигина Тангри билан яхши муносабат ўрнатиши мумкин, дерди у.

— Худди шунга ўхшаган гапни, — деди Гёте хоним, — менинг бир дугонам ҳам айтган эди, лекин мен, хайрли ишлар нимаю Исонинг марҳамати нима, ҳеч тушунмайман.

¹ «*Er osti florasi*» (лот.) — Машҳур табиатшунос Штернбергнинг 1820 йилда босилган ушбу олти жилддан иборат асарида қадимги давр флорасининг геогностик-ботаник тасвири берилган.

² *Богема мактаблари* — Гёте 1823 йилда бу мактабларни бориб кўрган ва бу мактабларнинг бошлиқлари Саупер ва Дитрихлар билан яхши алоқада бўлган.

— Ҳозирги пайтда, — деди Гёте, — бунақа нарсалар ҳақида роса бичиб-тўқишаётганлари боис оқимларининг ҳам миси чиқиб қолди. Бундай қарашларнинг қандай пайдо бўлганини ҳеч бирларинг билмасанглар керак. Ҳозир буни тушунтираман. Хайрли ишлар ҳақидаги таълимот, яъни одам яхшиликлар қилиб, йиққан-терганининг бир қисмини жамоага, камбағалларга хайр-эҳсон қилиш орқали ўз гуноҳларини ювиши ва шу йўл билан Тангри марҳаматини ўзига жалб қилиши — католик дини таълимотидир. Оппозициядаги реформаторлар эса бу таълимотни инкор қилиб, унинг ўрнига, одам фақат ва фақат Исонинг ҳаётини ўрганмоғи, унинг марҳаматига эришмоғи керак, шу йўл билангина хайрли ишларга муяссар бўлади, деган назарияни ишлаб чиқишди. Аввал шундай бўлган эди, аммо бугунги кунга келиб ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди, нима қаердан келиб чиққанини ҳеч ким билмайди.

Мен, тилга чиқаргандан кўра кўпроқ хаёлда айтдимки, диний масалалардаги баҳс-мунозаралар одамларни пароканда қилиб, бир-бирларига душман қилиб қўймоқда, ҳатто биринчи одам ўлдириш ҳам Яратганга хизмат қилиш ҳақидаги баҳсда юз берган. Мен яқинда Байроннинг «Каин» асарини ўқиганимни, айниқса, унинг учинчи кўринишида одам ўлдиришнинг асосланишидан хайратга тушганимни айтдим.

— Зўр асосланган-а, нима дедингиз? — деди Гёте, — беҳад гўзал, дунёда унга тенг келадигани йўқ!

— «Каин», — дедим мен, — дастлаб Англияда ман қилинган эди, энди уни ҳар бир киши ўқийди. Ёш инглизлар саёҳатга чиққанда Байроннинг тўла асарлар тўпламини ўзлари билан бирга олишади.

— Бу аҳмоқона иш, — деди Гёте. — Чунки, аслини олганда, «Каин»да инглиз епископлари хавфсираган бирон нарса йўқ.

Канцлер келганини хабар қилишди. У кириб келиб столга ўтирди. Гётенинг набиралари Вальтер билан Вольфганг ҳам чопиб-сакраб кириб келишди. Вольф¹ канцлернинг пинжига суқилди.

— Жаноб канцлерга, — деди Гёте, — альбомингни, маликани олиб келиб кўрсат, жаноб Штернберг сенга ёзиб берган дастхатни ҳам кўрсат.

¹ Вольф — Гётенинг набираси, Гёте Вольфганг Максимилиан (1820—1883).

Вольф югуриб чиқиб кетди-да, кўп ўтмай альбомни кўтариб қайтиб кирди. Канцлер маликанинг портретини ва унинг остига Гёте ёзган шеърни томоша қилди. Кейин варақлашда давом этди ва Цельтернинг дастхатига дуч келиб уни ўкиди:

«Кулоқ солишни ўрган!»

— Бу альбомдаги ягона пурмаъно сўз, — деди Гёте кулиб, — ҳа, Цельтер ҳамиша буюк ва тенги йўқ! Ҳозир Ример икковимиз унинг хатларини кўздан кечиряпмиз, уларда бебаҳо фикрлар жамланган. Айниқса, саёҳатдалигида менга ёзган хатлари беҳад сермазмун, ажойиб меъмор ва мусиқачи сифатида у мулоҳаза юритиш учун керакли мавзуларни топишга уста. У биронта шаҳарга кириб борса, у ердаги бинолар ўзларидаги яхши ва ёмон сифатлар ҳақида дарҳол унга сўзлай бошлашади. Худди шунингдек, мусиқа тўғараклари ҳам уни ўз давраларига тортишади-да, у мусиқа устаси сифатида уларнинг ижобий ёки салбий томонларини кўрсатишга тушади. Агар тез ёзадиган одам унинг мусиқачи ўқувчилар билан қилган суҳбатларини ёзиб ололганда эди, бу ўзига хос мукамал бир нарса бўларди. Негаки, бундай масалаларда Цельтер буюк ва ҳамиша нишонга уради.

1827 йилнинг 5 июли, пайшанба

Бугун кечкурун боғда сайрдан қайтаётган Гётени учратдим. У ўтиб кетаётиб, меникига келинг, дегандек имо қилди. Йўлимни дарҳол унинг уйига томон бурдим, у ерда бош меъмор Кудрэ Гётени кутарди. Гёте каретадан тушганданок икковимиз тепага кўтарилдик. Биз Юнона хонасидаги столга ўтирдик. Бир-икки оғиз сўзлашиб улгурмасимиздан канцлер кириб келди ва қаторимизга қўшилди. Гурунг сиёсий мавзуларда: Веллингтоннинг Петербургдаги дипломатик миссияси ва унинг оқибатлари, Каподистриас¹, Юнонистонни озод қилишнинг чўзилиб кетаётгани, Константинополь томонидан турк ерларининг чегаралаб қўйилиши ва шу каби воқеалар устида давом этди.

Мавзу ҳозирги даврдан Наполеон даври воқеаларига, Энглен ҳерцоги ва унинг ўйламасдан қилган инқилобий тўнтаришига кўчди.

¹ Каподистриас — Йоханнис Антон граф фон Капо д'Истриас (1776—1831) — Юнонистоннинг давлат арбоби. 1827 йилдан янги Юнонистон Республикаси президентлигига сайланган, 1831 йилда ўлдирилган.

Кейин тинчлик мавзуларида гурунглашдик, кўпроқ Виланднинг Османштетдаги қабри тўғрисида сўз борди. Бош меъмор Кудрэ ҳозир қабр атрофига темир тўсиқ ўрнатиш билан банд эканлигини айтди ва бизда аниқ тасаввур уйғотиш учун темир тўсиқ шаклини шу захоти қоғозга чизиб кўрсатди.

Канцлер билан Кудрэ кетишгач, Гёте мендан у билан бироз қолишимни илтимос қилди.

— Мен мингйилликларда яшаётганим туфайли, — деди у, — мана шунақа ҳайкалча ва ҳайкаллар ҳақидаги гаплар ғалати туюлади. Бу юртга муносиб инсонга қўйилган ҳайкални ўйласам, хаёлимда келажакда бўладиган урушлар чоғида уни бузиб, тўнтариб ташлашадигандек туюлаверади. Кудрэнинг Виланд қабри атрофига қўймоқчи бўлган темир панжараларини келгуси армия отлари оёқлари остида ярақлаётган ҳолда кўряпман, яна шуни айтишим мумкинки, бунақа ҳолатни мен аллақачон Франкфуртда ўз кўзим билан кўргандим. Бунинг устига Виланднинг қабри Илм дарёсига яқин жойда, тезоқар дарё бирон асрдан сўнг қирғоқларини ювиб кетиб, қабристонга ҳам етиб бориши мумкин.

Биз ҳазил аралаш дунёнинг бебақолиги ҳақида гурунглаша Кудрэнинг чизмасини қўлга олдик ва рассомнинг иродасига бўйсуниб, унинг фикрларини бекаму кўст қоғозга туширган инглиз қаламидан тўкилган нафис ва аниқ чизиклардан ҳайратландик.

Бу суҳбат мавзусини қаламтасвирларга бурди. Гёте менга италиялик рассомнинг ажойиб суратини кўрсатди, унда Исо ўсмирлик пайтида черковда қонун пешволари орасида ўтирган ҳолатида тасвирланган эди. Бундан ташқари, тайёр расмдан ишланган мис гравюрани ҳам кўрсатди, буларни кузатиб биз қаламтасвирнинг гравюрадан устунлигига амин бўлдик.

— Ўшанда бахтим чопган эди, — деди Гёте, — кўпгина машҳур рассомларнинг қаламтасвирдаги асарларини арзон-гаровга сотиб олган эдим. Бундай расмларнинг баҳоси йўқ, улар ижодкорнинг нафақат ички оламини очиб беради, балки бизни бевосита рассомнинг ижод лаҳзаларидаги кайфиятига ҳам ошно қилади. Мана бу черковдаги ўсмир Исо тасвиридаги ҳар бир чизикдан бизга рассом қалбидаги буюк софлик ва қайноқ, босиқ қатъийлик уфуриб турипти, унга қараганимиз захоти бизни ёқимли бир туйғу чулғаб олади. Шунинг баробарида тасвирий санъатнинг ўзига хос афзалликлари борки, у соф объектив характерга эга ва бизни ўзига тортади-ю, бироқ кучли даражада сезгиларимизга таъсир қилмайди. Бирор тасвирий санъат асари шундоқ олдимизда туради-да, ҳеч

нарса демайди ёки қатъий бир тарзда гапиради. Шеърий асар эса, хийла тарқоқ таассурот қолдирса-да, сезгиларимизни уйғотади, бу нарса тингловчининг иқтидори ва табиатига қараб ҳар кимда ҳар хил кечади.

— Яқинда, — дедим мен, — инглиз ёзувчиси Смоллет¹нинг «Родерик Рэндом» номли ажойиб романини ўқиб чиқдим, у менда худди гўзал суратдек таассурот қолдирди. Самимий, ҳар қандай сентиментализмдан йироқ ҳақиқий ҳаёт кўз олдимизда гавдаланади, қандай бўлса шундай, гоҳида чиркин, гоҳида жирканч, ҳар қалай соф реаллиги билан кўнгилни қувонтирадиган ҳаёт.

— «Родерик Рэндом» ҳақида кўп мактов сўзларни эшитганман, — деди Гёте, — у ҳақдаги мулоҳазаларингизга ишонаман, аммо ўзим уни ўқимаганман. Жонсон²нинг «Росселас»ини биласизми? Вақт топиб уни ўқинг, кейин менга у ҳақдаги фикрингизни айтасиз.

Унга, ўқийман, деб ваъда бердим.

— Лорд Байронда ҳам, — дедим мен, — кўпинча шундай ўринлар учрайдики, уларда фақат предмет тасвири берилади ва ярқ этиб кўзга ташланиб туради, худди яхши рассом чизган суратдек қалбимизга ҳам у қадар кучли таъсир қилмайди. Айниқса «Дон Жуан»да бундай ўринлар тўлиб ётипти.

— Ҳа, — деди Гёте, — бу масалада лорд Байрондан ўтадигани йўқ, унинг тасвирлари реал ҳаётга шу қадар яқинки, гўё импровизацияга ўхшайди. «Дон Жуан»да бунақа жойларни эслолмайман-у, бироқ унинг бошқа шеърий асарларидаги бундай ўринлар хотирамда яхши ўрнашган, айниқса, денгиз тасвирланган сахналарда елканнинг лип-лип кўзга ташланиши шундай табиийки, гўё ўзингни денгиз ҳавосидан нафас олаётгандек ҳис этасан.

— «Дон Жуан»да, — дедим мен, — мени ҳаммадан кўра Лондон шаҳри тасвири ҳайратга солган, унинг енгил шеърий сатрлари орқали гўё шаҳарни ўз кўзим билан кўргандек бўлганман. Бунинг устига, у бирорта предмет поэтикми ёки йўқми, ўйлаб ҳам ўтирмайди-да, ҳамма нарсани — сартарошхона деразасига илинган парик борми, кўча фонарларига мой қуяётган одамлар борми, бирварақайига тасвирга олаверади.

— Бизнинг немис эстетикларимиз, — деди Гёте, — поэтик ёки поэтик бўлмаган предметлар ҳақида кўп гапирсалар-да,

¹ *Смоллет Тобайас Жорж (1721–1771)* — инглиз романистиси, «Родерик Рэндом» унинг асари.

² *Жонсон Самюэль (1709–1784)* — инглиз ёзувчиси.

ҳар қалай уларни ҳақ эмас, деб бўлмайди, бироқ аслини олганда, агар шоир муомала қилишни билса, ҳар қандай предмет ҳам поэтик ҳисобланаверади.

— Жуда тўғри, — дедим мен, — қанийди мана шу фикр ҳаммага тегишли ҳикматга айланса!

Кейин «Икки Фоскари» ҳақида сўзлашдик ва мен, Байрон аёллар тасвирига уста, дедим.

— Унинг аёллари, — деди Гёте, — жуда келишган, улар биз, янги замон ижодкорларига, ўз идеализмимиз билан тўлдиришимиз учун қолдирилган ягона идиш. Эркаклар билан ишимиз йўқ. Ҳомер энг ақли ва энг кучли Ахилл билан Одиссеяда ҳамма нарсани олдиндан айтиб қўйган.

— Умуман олганда, — давом этдим мен, — «Фоскари»да доимий қийноқлар туфайли бўлса керак, қандайдир ғашга тегадиган жиҳатлар мавжуд, Байрон шу пьесани ёзиш учун қандай қилиб шунча азобларни ичида сақлаб юрганига кишининг ақли етмайди.

— Бу Байронга хос белги, — деди Гёте. — У мудом ўз-ўзини қийноққа соларди, шунинг учун шундай сюжетларга кўп мурожаат қиларди, барча асарларига разм солиб кўринг, бирорта ҳам қувноқ сюжетни тополмайсиз. Аммо «Фоскари»даги тасвир мақтовга лойиқ, шундай эмасми?

— У бебаҳо, — дедим мен. — Ҳар бир сўз кучли, мазмундор, мақсадга йўналтирилган, ҳозиргача мен Байронда бирорта бўш сўзни учратмадим. Мен уни мудом соф, қўл урилмаган ижодий кучларга тўлган ҳолда денгиз тўлқинлари бағридан чиқиб келаётгандек тасаввур қиламан.

— Сиз тамоман ҳақсиз, — деди Гёте, — аслида ҳам шундай.

— Уни ўқиганим сайин, сўзимда давом этдим мен, — истеъдодининг буюклигидан янада ҳайратим ошаверади, Сиз «Хелена»нгизда унга абадий севги ҳайкали тиклаб яхши иш қилгансиз.

— Янги поэтик даврнинг вакили деб мен фақат уни кўрсатган бўлардим, — деди Гёте, — шубҳасиз, у асримизнинг энг буюк истеъдоди. Кейин, Байрон на антик дунёга, на романтизмга мансуб, у ҳозирги кун одами. Менга шунақаси керак. Шу билан бирга, унинг табиатидаги доимий қоникмаслик, жанжалга мойиллик менга маъқул эди, у характери туфайли Миссолонгида ҳалокатга учради. Байрон ҳақида асар ёзиш ноқулай, буни маслаҳат бермайман, лекин унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва қилган хизматларини эътироф этиш йўлида бундан кейин ҳам ҳаракат қилавераман.

«Хелена» тилга олингани боис Гёте шу ҳақда гапиришда давом этди.

— Унинг охирини, — деди у, — бутунлай бошқача ўйлаган эдим. Гох ундоқ қилдим, гох бундоқ, бир галгиси жуда ўхшади, лекин бу ҳақда Сизга айтмайман. Кейин вақт менга лорд Байрон ва Миссолонги тўғрисида хабар келтирди, мен бошқа ҳамма нарсани йиғиштириб қўйдим. Сизган бўлсангиз керак, «Мотам қўшиғи»да хор яхши куйламади, илгари у тамоман антик руҳда куйларди, тўғрироғи, ўзининг қизлик назокатига содиқ эди, бу ерда эса у етук, қаҳрли кўринади, ҳеч қачон ўйламаган ва ўйлашни хаёлига келтирмаган нарсаларни тилга олади.

— Ҳар қалай мен буни сезгандим, — дедим мен, — бироқ Рубенс чизган суратни кўрганимдан ва уйдирма деган тушунчани англаб етганимдан бери бунақа нарсалар мени чалғита олмайди. Майда-чуйда тўсиқлар улар орқали эришилган юксак гўзаллик олдида ҳеч гап эмас. Қўшиқ куйланиши керак эди, сахнада бошқа хор бўлмагач, уни қизлар ижро этишди.

— Мени қизиқтирган нарса шуки, — деди Гёте кулиб, — немис танқидчилари бунга нима дейишаркин, бу ҳақда индамай кўяқолишга уларда қатъият ва эркинлик етармикин. Французларнинг йўлига мулоҳазакорлик тўсиқ бўлади, улар фантазия ўз қонунларига эга эканлигини, бу қонунларни мулоҳаза бошқара олмаслигини, бошқариш мумкин эмаслигини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Агар фантазия мулоҳаза учун ҳамиша муаммо бўлиб қоладиган нарсаларни ўйлаб топмаганда эди, унинг аҳамияти қолмасди. Айни мана шу фантазия шеърятни насрдан фарқлайди, бунда мулоҳаза ҳукмронлик қилади ва шундай қилиши ҳам керак.

Бундай пурмаъно сўзлардан хурсанд бўлдим ва уларни ёдимда сақлашга ҳаракат қилдим. Шу билан кетишга човландим, соат ўнга яқинлашиб қолган эди. Биз шам ҳам ёқмагандик, шимол томондан Эттерсбург тоғи орқали ёз тунни бизга ёруғлик бериб турарди.

1827 йилнинг 9 июли, душанба кунини кечқурун

Мен Гётени Штош¹ кабинетига тегишли медалларнинг гипс қолипларини кўздан кечираётган ҳолатда учратдим.

¹ Штош Филипп (1691–1737) — қимматбаҳо буюмлар, санъат асарларининг йиғувчиси.

— Берлиндан, — деди у, — кўриб чиқиш учун уларни менга лутфан юбориштипти, мен бу нафис буюмларнинг кўпчилигини биламан, аммо бу ерда улар Винкельман ўрнатган тартиб асосида қўйилган, унинг изоҳларидан ҳам фойдаланаяпман, ўзим иккиланган жойда унинг фикрига қараяпман.

Кўп ўтмай канцлер кириб келди ва даврамизга қўшилди. У бизга айрим газета хабарлари ҳақида сўзлади, жумладан, мана бу хабарни ҳам: бир ҳайвонот боғининг қоровули шер гўштини кўнгли тусаб қолиб, шерни ўлдирипти-да, унинг яхши жойидан бир бўлакни кесиб олиб овқат тайёрлапти.

— Ҳайронман, — деди Гёте. — У маймунни танласа бўларди-ку. Унинг гўшти мазали ва юмшоқ дейишади.

Биз бу ҳайвонларнинг жирканчлиги ҳақида, одамларга ўхшашлиги билан янада ёқимсизроқ бўлишлари ҳақида сўзлашдик.

— Ақлим етмайди, — деди канцлер, — олий насаб одамлар бундай ҳайвонларни ёнларида сақлашга қандай чидашаркин, эҳтимол бу улар учун овунчок ўрнини босар.

— Олий насаб одамларни, — деди Гёте, — жирканч одамлар кўпинча безор қилиб юборади, ана шундай ёқимсиз таассуротларга қарши малҳам сифатида жирканч ҳайвонларни асрашади. Биздек одамларга эса, маймунлар, тўтиларнинг кичкириқлари ёқмайди, чунки бу ерни биз ушбу ҳайвонлар учун яратилмаган муҳит деб ҳисоблаймиз. Бордию биз филга миниб олиб пальма дарахтлари остидан ўтаётган бўлсайдик, унда биз бу муҳитда маймун ва тўтиларнинг бўлишини табиий деб ҳисоблаган, ҳатто уларга қизиқиш билан қараган бўлардик. Хуллас, айтиб ўтганимиздек, олий насаб князлар ёқимсиз таассуротларни янада ёқимсизроқ нарсалар билан ҳайдаб тўғри қилишади.

— Шу гапингиздан кейин, — дедим мен, — бир шеърингиз ёдимга тушди, эҳтимол, буни унутиб ҳам юборгандирсиз.

*Ҳайвонсифат, тўнз, зўравон кимса уйига,
Сиз ёввойи ҳайвонлардан олиб киригиз.
Уни кўриб у ўзига келса ажабмас.
Ҳар қалай биз Одам Ато фарзандларимиз.*

(Ваҳоб РАҲМОНОВ таржимаси.)

Гёте кулди.

— Ҳа, — деди у, — шундай. Ваҳшийликни янада кучлироқ ваҳшийлик билан бартараф қилиш мумкин. Ёшлигимдаги бир воқеани эсладим, олий зот инсонлар орасида ҳам кўполлари

учраб турарди, бир куни обрўли одамлар даврасида, аёллар ҳузурида аллақандай бир бой, олий зот жаноб шунақа номуносиб, кўпол сўзлар билан гапга тушиб кетдики, уни эшитиб ўтирган барча одамларнинг кўнгли айниш даражасига етди. Уни сўз билан тўхтатиб бўлмасди. Шунда унинг рўпарасида ўтирган бир хурматли, қатъиятли жаноб бошқа бир усулни кўллади, яъни у ҳамма эшитадиган қилиб шундай бир кўпол овоз чиқардики, одамлар ҳам, ўша жавраётган кимса ҳам кўрқиб кетишди, шу билан у жим бўлди ва қайта оғзини очмади. Шу дақиқадан бошлаб суҳбат бошқача, ёқимли тус олди, бундан даврадаги ҳамманинг дили ёришди ва ҳамманинг қалбида, айни вазиятда жуда кўл келган мислсиз жасорати учун қатъиятли жанобга нисбатан миннатдорлик туйғуси пайдо бўлди.

Бу латифанамо ҳикоядан маза қилиб кулишганимиздан сўнг канцлер Париждаги вазирлар партияси ва мухолиф партия ўртасидаги яқинда бўлган тўқнашувлар борасида сўз очди. У бир жасур демократнинг судда вазирларга қарши сўзлаган ҳимоя нутқини деярли сўзма-сўз келтирди. Биз канцлер хотирасининг ўткирлигидан беихтиёр ҳайратга тушдик. Ўша воқеа, айниқса, матбуотни чеклаш тўғрисидаги қонун ҳақида Гёте билан канцлер узоқ гаплашишди, бу поёнсиз мавзу эди, суҳбат давомида Гёте ўзини ювош аристократдек тутди, ҳамсуҳбати эса, ҳамшилагидек, халқ томонида турди.

— Мен французлар учун ташвиш тортмайман, — деди Гёте. — Улар бутун дунё тарихий тамаддунининг шундай юксаклигида туришиптики, ҳеч нарса уларнинг руҳини сўндирилмайди. Чеклаш қонуни яхши самараларга олиб келади, чекловлар муҳим нарсаларга эмас, фақат алоҳида шахсларгагина тегишли. Агар мухолифат чегараланмаса, эсанкираб қолади. Чеклов уни ҳушёр торттиради, бу жуда муҳим нарса. Фикрини рўй-рост айтадиган тўғрисиўз одам ҳақиқатни гапирса, уни кечириш мумкин. Партия тамоман ҳақ бўлиши мумкин эмас, негаки у партия, шунинг учун унга гапнинг очиғини айтишга рухсат берилади, французлар бу соҳада устаси фаранг. Хизматкоримга мен тўғридан-тўғри: «Ханс, этигимни торт!» дея оламан. Буни у тушунади. Бордию дўстимга бу ишни бажаришини айтсам, унга бундай буюролмайман, унда мен дўстимни шундай хизматни бажаришга ундайдиган мулойим оҳангдаги ёқимли сўзларни айтишим керак. Мажбурият руҳга қанот беради, шу нуқтаи назардан матбуот эркинлигини чеклашни маъқуллайман. Ҳозиргача французлар энг ақлли миллат сифатида шуҳрат қозониб

келишди, улар бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишга лойиқ. Биз немислар эса, мулоҳаза қилиб ўтирмасдан фикримизни тарс эткизиб айтамыз-қўямиз, ҳеч кўчирма гап билан гапиришни ўрганолмадик.

Париждаги партиялар, — сўзида давом этди Гёте, — бундан кўра либералроқ ва эркинроқ бўлганда ва бир-бирларига ён босишни билишганда эди, бундан ҳам обрўлироқ бўлишарди. Улар инглизларга нисбатан бутун дунё тарихий тамаддунининг юқорироқ босқичида туришти, Англия парламентига бир тўда бир-бирини ғажишга, емиришга тайёр кучлар тўпланиб олганки, буни айрим одамларнинг ўткир ақлигина катта қийинчилик билан енгиши мумкин. Биз буни Кеннингдек машҳур давлат арбобига нисбатан қилинаётган турли-туман пасткашликларда кўришимиз мумкин.

Биз кетишга човланиб, ўрнимиздан турдик. Гёте шу қадар жўшқин руҳда эдики, суҳбатимиз яна тик турганча анча давом этди. Кейин у биз билан мулоим хайр-хўшлашди ва мен канцлерни уйигача кузатиб қўйдим. Кеча ёқимли эди, биз бутун йўл бўйи Гёте ҳақида гаплашдик. Айниқса, унинг муҳолифат чеклаб турилмаса, эсанкираб қолади, деган гапини кулишиб такрорладик.

1827 йилнинг 15 июли, якшанба

Бугун кечқурун соат саккиздан кейин Гётеникига борсам, у эндигина боғидан чиқиб келган экан.

— Қаранг, мана бу ерда нима ётипти, — деди у, — уч жилддан иборат роман, топинг-чи кимники? Манзониники!

Мен чиройли муқовали, Гётега атаб дастхат ёзилган китобларни кўздан кечирдим.

— Манзони ишчан ёзувчи, — дедим.

— Ҳа, у тиним билмайди, — деди Гёте.

— Мен унинг асарларидан Наполеонга бағишланган қасидасидан бошқасини билмайман, — дедим мен, — яқинда уни Сизнинг таржимангизда ҳузур қилиб ўқиб чикдим. Ҳар бир сатрининг ўзи бир дунё!

— Гапингиз тўғри, — деди Гёте. — Қасида зўр. Лекин Германияда бирорта одам у ҳақда гапирганини эшитдингизми? Гўё у ҳечам мавжуд бўлмагандек, шунга қарамай, у Наполеон ҳақидаги энг яхши шеърини асар.

Гёте инглизча газеталарни ўқишда давом этди, мен хонасига кириб келгач, уларни четга қўйди. Мен олмон роман-

ларидан Карлайл¹ таржимасидаги бир жилдни олдим, унда Музеус² ва Фуке³ асарлари жамланган эди. Олмон адабиёти-ни яхши биладиган бу инглиз ҳамиша ўзи таржима қилган асарларга ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги танқидий маълумотларни киритади. Мен Фукега ёзилган кириш сўзини ўқиб чиқдим, қувонч билан маълум қиламанки, ёзувчи биографияси жонли ва жуда асосли ёзилган, ушбу машҳур ёзувчи асарларига танқидий нуқтаи назардан, моҳиятини тушуниб, самимий, юмшоқ оҳангда баҳо берилган. Мулоҳазакор инглиз Фукени, кенг диапазонга эга бўлмаса-да, бироқ ёқимли, оҳангдор овозда куйлайдиган кўшиқчига қиёслайди. Сўнгра, ўз фикрини тасдиқлаш мақсадида қиёсни черков тушунчаларидан олади: Фуке поэтик черковда епископ ёки биринчи даражали руҳоний мақомида бўлмаса-да, ҳар ҳолда капеллан мақоми билан қоникса бўлади, мана шу камтарона даража билан ҳам анча-мунча мақтовларга эришади, дейди.

— Мен билан яна бироз ўтиринг, — деди у, — бир-икки оғиз гурунглашайлик. Менга Софоклдан қилинган таржимани юборишипти, у осон ўқилади. Умуман яхшига ўхшайди, шундай бўлса-да, мен уни Зольгер таржимаси билан қиёсламоқчиман. Ҳа, айтганча, Карлайл ҳақида фикрингиз қандай?

Фуке ҳақида ўқиганларимни унга айтдим.

— Беҳад ёқимли-а? — деди Гёте, — ҳа, денгиз ортида бизларни танийдиган ва кадримизга етадиган етук одамлар ҳам бор. — Ҳар ҳолда, — сўзида давом этди у, — айрим соҳаларда биз, немислар орасида ҳам ақлли бошлар йўқ эмас. Мен «Берлинер ярбюхер»⁴ журналида бир тарихчининг Шлоссер⁵ ҳақидаги тақризини ўқидим, кенг қамровли мақола. Хайнрих Лео⁶ деб имзо қўйилган, уни мен эшитмаган эканман, у ҳақда маълумот тўпласак ёмон бўлмасди. У французлардан юқорироқ туради, гап тарих хусусида кетар экан, бу жуда катта гап. Французлар реалликка ёпишиб олишган, идеал нарсалар уларнинг ақлига сиғмайди, бизнинг немисга бунинг қийинлик жойи йўқ. У ҳинд касталарининг моҳияти

¹ Карлайл Томас (1795 – 1881) – инглиз публицисти, тарихчи, танқидчи, файласуф.

² Музеус Йоханн Карл Август (1735 – 1787) – олмон ёзувчиси, эртакнавис.

³ Фуке де ла Мотт Фридрих, барон (1777 – 1843) – олмон шоири.

⁴ «Берлинер ярбюхер» («Берлин йилномаси») – ўша даврнинг энг ўткир илмий-танқидий журнали. Унда Фортнаген, Розенкранс, Карус сингари танқидчилар, Гёте ҳам фаол қатнашган.

⁵ Шлоссер Фридрих Кристоф (1776 – 1861) – тарихчи.

⁶ Хайнрих Лео (1799 – 1878) – берлинлик тарихчи.

ҳақида ғоят диққатга сазовор гапларни айтган. Аристократия ва демократия хусусида жуда кўп гаплар айтилган, аслида масала жуда оддий: ёшликда, кўл остимизда ҳеч нарса бўлмаган ва борининг ҳам қадрига етмайдиган пайтимизда — биз демократлармиз. Узун умримиз давомида ўз мулкимизга эга бўлгач, уни нафақат сақлаб қолишни истаймиз, балки улардан фарзандларимиз ва набираларимиз ҳам хотиржам фойдаланишса деймиз, шундан ёшлигимизда бошқача дунёқарашга эга бўлсак-да, қариган чоғимизда, ҳеч шубҳасиз, аристократларга айланамиз. Лео бу масалада ғоят оқилона фикр юритади.

Ростини айтганда, эстетика бизда энг бўш соҳа, ҳали бизда Карлайлга ўхшаган одам пайдо бўлгунча кўп кутишимизга тўғри келади. Ҳозирги пайтда французлар, инглизлар, немислар ўртасида яқин алоқалар ўрнатилгани, бир-биримизнинг хатоларимизни тўғрилаб туриш имконига эга бўлганимиз таҳсинга сазовор. Бу жаҳон адабиёти кўлга киритган катта ютуқ, бу ҳали ўз исботини топади. Карлайл Шиллер ҳаётига бағишланган китоб ёзди, у Шиллерга шундай баҳо берганки, бирорта немис унга шундай баҳо беролмаган бўларди. Бунинг аксича, биз Шекспир ва Байронни яхши тадқиқ қилдик, уларнинг хизматларига, эҳтимол, инглизлардан кўра яхшироқ баҳо беролсак керак.

1827 йилнинг 18 июли, чоршанба

— Сизга шуни айтишим керакки, Манзонининг романи, шу жанрда биз биладиган ҳамма асарлардан юксак туради, — булар бугун тушлик пайтида Гётенинг менга айтган дастлабки сўзлари бўлди, — фақат шуни таъкидлашни истардимки, унинг бутун ички мазмуни, шоир юрагидан чиққан ҳар бир сўз ғоятда сермазмун, ташқи томони ҳам, макон тасвири ва шу қабилар ҳам ички афзалликларидан заррача қолишмайди. Бу жуда катта гап.

Унинг бу сўзларини ҳайрат ва қувонч билан тингладим.

— Романни ўқиш жараёнидаги таассурот ҳам ўзига хос, — давом этди Гёте, — кишини гоҳ ҳаяжон қамрайди, гоҳ ҳайрат, кейин ҳайратинг яна ҳаяжонга айланади, шу тахлит охиригача шу икки буюк ҳиссиёт қуршовидан чиқиб кетолмайсан, менимча бундан ошириб ёзиш мумкин эмас. Фақат мана шу романда биз ҳақиқий Манзонини кўрамиз. Бу ерда унинг бутун ички олами намоён бўлган, бошқа драматик асарларида у бундай имкониятга эга бўлмаган. Энди мен Вальтер Скоттнинг

энг яхши романини, тўғрироғи «Ваверлей»ни ўқимоқчиман, бу ҳақда ҳали ҳеч нарса билмайман, ўқиб чиқсам, Манзони буюк инглиз ёзувчисидан нечоғлик фарқ қилишини кўраман. Манзонининг ички маданияти бу ерда шу қадар юксакликдаки, бирор киши у билан тенглаша олмаса керак, у пишиб турган мевадек қалбимизни қувонтиради. Деталлар тавсифи ва талқинидаги тиниқлиги билан Италия осмонига ўхшайди.

— Унда сентименталлик белгилари ҳам кўзга ташланадими? — сўрадим мен.

— Мутлақо йўқ, — жавоб берди Гёте. — Унда ҳиссиёт кучли. Бироқ ёзувларида эҳтирослиликдан асар йўқ, персонажларининг барча ҳолатларини у мардона ва соф ҳолда етказиб беради. Бугун ортиқ ҳеч нарса демайман, ҳали биринчи жилдни ўқияпман, холос, тез орада мендан кўп нарсаларни эшитасиз.

1827 йилнинг 21 июли, шанба

Бугун кечқурун Гётенинг хонасига кирсам, у Манзонининг романини ўқиб ўтирган экан.

— Учинчи жилдини ўқияпман, — деди у китобни четга суриб қўяркан, — ўқиш давомида менда янги фикрлар туғилаяпти. Аристотелнинг, «Фожа яхши ёзилган бўлса, кишида қўрқув уйғотиши керак», деган гаплари эсингиздадир. Бу гап нафақат фожага, балки бошқа жанрдаги асарларга ҳам тегишли. Менинг «Тангри ва баядера»¹мни ўқиганда қўрқувни ҳис этасиз, ҳар қандай яхши комедияда ҳам ёқимтой болакайларга қилинган ҳазил нима билан тугашини олдиндан билмай қўрқувга тушамиз. Қўрқув икки хил кўринишга эга: у ҳадик ёки фулғула, ваҳима бўлиши мумкин. Персонажларга ахлоқий-маънавий бахтсизлик яқинлашиб келаётганда ва уларнинг ҳаётига хавф солаётганда биз фулғулани ҳис этамиз, масалан, «Ҳамроз диллар»дагидек, персонажлар бирор жисмоний хавф-хатар остида қолса, ўқувчи ёки томошабинни ҳадик камраб олади, айтайлик, «Талер қуллари»дагидек, «Эркин мерган»даги бўри дараси сахнаси нафақат ҳадик уйғотади, балки уни томоша қилаётган барча одамларни тилсиз қилиб қўяди. Манзони ҳадикни беҳад қотириб қўллайди, яъни уни ҳаяжон билан қоришиқ ҳолда беради-да, бизни ҳаяжон орқали ҳайратга томон етаклайди. Қўрқув ҳисси мазмун билан боғлиқ, у ҳар бир ўқувчида пайдо бўлади, ҳайрат эса, одатда, «муаллиф турли вазиятларда қандай йўл тутган?» де-

¹ «Тангри ва баядера» — Гётенинг шеърый асари.

ган тушунчадан пайдо бўлади, бундай туйғу фақат билимдон кишигагина насиб этади. Бундай нафосат хусусида нима дейсиз? Мен ёшроқ бўлганимда эди, мана шу назария асосида, гарчи у Манзонининг романичалик ҳажмда бўлмаса-да, бирор асар ёзган бўлардим.

«Глоб» журналидаги жаноблар бу роман тўғрисида нима дейишаркин, шунга роса қизиқаяпман-да, бунга муносиб баҳо бериш учун уларда истеъдод етарли, Манзони ўзини бетараф тутган бўлса-да, бу асар бутун моҳият эътибори билан либералларнинг тегирмонига сув қуяди. Ҳар қалай французлар камдан-кам ҳолларда бирорта асарни бизчалик софдиллик билан қабул қилишмайди, улар муаллиф нуқтаи назарига мослашишмайди, балки, ҳатто энг яхши ёзувчида ҳам ўз дидларига мос келмайдиган нарсани осонгина топа олишади ва ёзувчи буни бошқача тасвирлаши керак эди, деб ҳисоблашади.

Кейин Гёте менга романининг қанчалик зўр ёзилганини намойиш қилиш мақсадида бир неча ўринларини гапириб берди.

— Асар таъсирчанлигини ошириш учун, — сўзида давом этди у, — Манзонига тўртта ҳолат кўмакка келган. Биринчидан, у кучли тарихчи, шундан унинг романи кенг қамровлик ва аниқлик касб этган, шунинг учун у роман деб ҳисобланадиган бошқа асарлардан кескин фарқ қилади. Иккинчидан, Манзонига унинг католик динига мансублиги қўл келган, бордию у протестант бўлганида бу ерда ёрдам берган поэтик мотивлар унга қоронғи бўлиб қолаверарди. Учинчидан, муаллифнинг инқилобий валаёнларда кўп азоб тортгани ҳам асарни ёзишда фойда берган, бунда у шахсан иштирок этмаган бўлса-да, бироқ дўстлари бундан четда қолмади, айримлари ҳатто ҳалок ҳам бўлишди. Ниҳоят, тўртинчидан, романдаги воқеалар Комо кўлининг мафтункор сохилларида кечади, у романда қойилмақом ўз аксини топган, у ерларнинг ҳар бир бурчаги муаллифга ёшлигидан таниш бўлиб, бир умрга қалбига муҳрланган эди. Романининг энг муҳим афзаллиги мана шундан — ўша жой тасвири ҳайратланарли даражада аниқ ва муфассал берилган.

1827 йилнинг 23 июли, душанба

Бугун кечқурун соат саккизларда Гётеникига келсам, унинг ҳали бордан қайтмаганини айтишди. Шундан сўнг ўзим унинг истиқболига чиқдим, у борда серсоя жўка остидаги ўриндикда набираси Вольфганг билан ўтирган экан.

Менинг келганим афтидан Гётени кувонтирди шекилли, менга ёнидан жой кўрсатди. Бир-икки оғиз сўрашиб улгурмасимизданок суҳбат мавзуси Манзонига кўчди.

— Аввал Сизга айтганимдек, — сўз бошлади Гёте, — бу романда ёзувчининг тарихчи эканлиги фойда берган эди, энди эса, учинчи жилдни ўқиб амин бўлдимки, тарихчи ижодкор устидан ёмон кулипти, негаки жаноб Манзони устидаги шоирлик кийимини ечиб ташлапти-да, анчагина муддат кўз ўнгимизда фирт тарихчи сифатида гавдаланипти. Бу нарса айна ўша машъум уруш, очарчилик ва вабо тасвирида юзага келганки, уларнинг деталлаштирилган, қуруқдан-қуруқ хронологик тасвири ўқувчини зериктириб юборади. Немис таржимони бундай хатога йўл қўймаслиги керак, у уруш ва очарчилик тасвирини иложи борича қисқартириб, вабо тасвирининг учдан бирини, яъни роман персонажлари ҳаракат қила оладиган даражада қолдириши зарур. Манзонининг бирорта маслаҳатгўй дўсти бўлганида эди, у бундай хатога йўл қўймаган бўларди. Манзони тарихчи сифатида реалликка катта ўрин ажратиб юборган. Бу ҳолат унинг драматик асарларида анчагина ташвиш орттиргани аниқ, аммо у бу ҳолатда тарихга оид ортиқча нарсаларни изоҳ сифатида бериб юборади. Бу ерда эса, бундай қилолмаган ва ўзининг тарихий захираларидан воз кечолмаган. Мана шу диққатга сазовор. Аммо кўп ўтмай роман қаҳрамонлари яна пайдо бўлишади, ижодкор яна бор маҳорати билан кўз олдимизда намоён бўлиб, одатдаги ҳайрат туйғуси билан бизни сийлайди.

Биз ўрнимиздан туриб, уйга томон йўналдик.

— Тушунолмайсан киши, — сўзида давом этди Гёте, — қандай қилиб Манзонидек шоир шундай ҳайратомуз композицияни яратишга қодир бўлатуриб, бир зум поэзиядан йироқлашиб қолган. Аслида ҳаммаси оддий. Манзони Шиллер сингари туғма шоир. Тўғриси, бизнинг давримиз ўзи ярамас, шоир ўзи яшаб турган муҳитда дидига мос мавзунини тополмайди. Шиллер шундай қийин вазиятдан чиқиш учун фалсафа ва тарихга, Манзони эса тарихга мурожаат қилди. Шиллернинг «Валленштайн»и шу қадар буюкки, бунга тенг келадиган асар қайта яратилмади, айна мана шу икки улкан кўмакдош, яъни тарих ва фалсафа, маълум ўринларда йўлига тўғанок бўлди ва асарнинг бадиий қимматини тушириб юборди. Худди шунингдек, Манзони ҳам тарихга таянишдан азият чекди.

— Жаноби олийлари, — дедим мен, — Сиз беҳад қимматли фикрларни айтяпсиз, уларни эшитишдан бахтлиман.

— Манзони, — деди Гёте, — бизни яхши фикрларга ундайди.

У ўз кузатишларини баён қилишда давом этмоқчи эди, бот дарвозаси олдида бизга канцлер рўпара келди ва гап узилди. У кўнгилтортар меҳмон сифатида бизга кўшилди ва биз Гётени кичик зина бўйлаб бюстлар қўйилган хона орқали узунгина залга бошлаб кирдик, зал деразаларининг пардалари тушириб қўйилган, дераза олдидаги стол устида иккита шам ёниб турарди. Столга ўтирдик, Гёте билан канцлер бутунлай бошқа мавзуларда гаплаша бошлашди.

1827 йилнинг 24 сентябри, чоршанба

Гёте билан Беркага бордик. Соат саккиздан кейин йўлга тушдик, гўзал тонг маҳали эди. Йўл дастлаб тоққа томон кўтарилди, атрофда томоша қилишга арзигулик ҳеч нарса йўқлиги сабабли Гёте адабиёт ҳақида сўз бошлади. Таниқли немис шоири шу кунларда йўлакай Ваймарда бўлган ва Гётега альбомини берган экан.

— Бу ерда қандай бемаъниликлар йиғилганини тасаввур ҳам қилолмайсиз, — деди Гёте. — Шоирлар ҳамма нарсани ёзаверишади, гўё улар бемору бутун дунё лазаретдек. Ҳаммаси изтироблару ер юзидаги азоб-укубатлар, нариги дунёдаги роҳату қувончлар ҳақида ёзишади, шусиз ҳам ҳамманинг кўнглига қил сирмаган пайтда бири иккинчисининг қалбига янада тушкунлик олиб киради. Бу поэзияни том маънода сунистеъмол қилиш бўлади, аслида поэзия бизга ҳаётдаги арзимас тўсиқларни енгиб ўтиш ва одамлар қалбида ҳаёт ва қисматидан мамнунлик туйғусини уйғотиш учун берилган. Бироқ ҳозирги авлод ҳақиқий қудрат олдида чўчиб туради ва фақат ожизлик ўзини яхши ҳис этишга ва поэтик фикрлашга ундайди.

— Мен бу жанобларнинг гашига тегиш учун яхши бир сўз ўйлаб топдим, — дея сўзида давом этди Гёте. — Уларнинг поэзиясини «лазарет поэзия» деб атаيمان, унга нафақат жангу жадалларни куйлайдиган, балки инсонга ҳаётини курашларда жасорат бағишлайдиган Тиртей¹ поэзиясини қарама-қарши қўяман.

¹ *Тиртей* — эрамизгача бўлган VII асрнинг 2-ярмида яшаган қадимги юнон шоири. Нақл қилишларича, у оксоқ муаллим бўлган, Оракул маслаҳати билан Афинадан Спартага ҳарбий кўмак ўрнига жўнатилган. У жанговар кўшиқлари билан жангчиларни қаҳрамонликка, ғалабага даъват қилган. Гёте замонида ҳам жанговар руҳдаги «Тиртей поэзияси» деган оқим бўлган.

Мен Гётенинг фикрига тўла қўшилдим.

Извошда оёқларимиз орасида қамишдан тўқилган икки болдоқли халта диққатимни тортди.

— Мен уни Мариенбаддан олиб келганман, — деди Гёте. — У ерда бунақа халталарни ҳар хил катталиқда тўқишади, унга шунчалик ўрганганманки, бирон саёҳатга усиз чиқмайман. Мана қаранг, у бўш бўлса бемалол букланади ва озгина жойни эгаллайди, тўлдирсанг ҳар томонга кенгайиб, унга ўйлаганингдан ҳам кўпроқ нарса жойлашади. У юмшоқ, эгилувчан, шу билан бирга, шундай мустаҳкам, чидамлики, унга ҳар қандай оғирлиқдаги буюмларни солса бўлади.

— У жуда чиройли, ҳатто антик давр буюмига ҳам ўхшаб кетади, — дедим мен.

— Рост айтдингиз, — деди Гёте, — у антик давр буюмига яқин десаям бўлади. Чунки нафақат оқилона, мақсадга мувофиқ қилиб ишланган, балки шаклан ҳам жуда содда ва ёқимли, бемалол айтиш мумкинки, у мукамалликнинг энг юксак нуқтасида турипти. Менинг Богема тоғларидаги маъданлар бўйича изланишларим чоғида бу халта айниқса қўл келган. Болғам бўлганида эди, бугун ҳам анча-мунча тошларни синдириб, уни тошларга тўлдириб уйга қайтган бўлардим.

Биз чўққига кўтарилдик, бу ердан тепаликлар яққол кўриниб турар, Берка уларнинг ортида эди. Сал чапроқда Хетшбурггача чўзилиб кетган водий кўзга ташланар, у ерда, Илм дарёсининг нариги томонида ҳозир бизга соя томони кўриниб турган тоғ бўлиб, у дарё устидаги туман таъсирида кўзимга ҳаворанг тусда кўринарди. Мен шиша труба орқали ўша томонга қараган эдим, кўкиш ранг сезиларли даражада йўқолди. Буни Гётега айтдим.

— Мана Сизга, — дедим мен, — соф объектив ранглarda субъект қандай катта роль ўйнашига мисол. Кучсиз кўз қоронғиликни кучайтиради, кучли кўз, аксинча, ҳеч бўлмаса бироз камайтиради.

— Фикрингиз тўғри, — деди Гёте, — кузатиш труба-си орқали энг узок тоғлардаги кўкиш рангни ҳам йўқотса бўлади. Ҳа, субъект ҳар қандай ҳодисада ўйлаганимиздан кўра муҳимроқ роль ўйнайди. Виланд буни яхши билган ва одатда тез-тез: «Одамларнинг кўнглини ёзиш мумкин, албатта, агар улар кўнгил ёзишни билишса», дегувчи эди.

Бу гап замиридаги ҳазилнамо мазмундан кулдик.

Бу орада биз кичкина водий томон тушдик, йўл у ердан усти ёпиқ ёғоч кўприк тарафга борарди, унинг остидан ёмғир суви ювиб ҳосил бўлган, аммо ҳозир қуриб ётган, Хетшбергга

томон қўйилувчи ўзан ўтган эди. Йўл қурувчилар кўприкнинг икки тарафига қумтошлардан бўлаклаб олинган тошларни те-риш билан машғул эдилар, бу Гётенинг диққатини тортди. Кўприкдан сал нарироқдаги йўлда — сайёҳни Беркадан аж-ратиб турувчи тепаликка қараб кўтариладиган жойда Гёте тўхташни буюрди.

— Шу ерда извошдан тушамиз, — деди у, — ва очик ҳавода нонушта қилишнинг ҳузурини тотамиз.

Извошдан тушарканмиз, атрофни кўздан кечирдик. Хиз-маткор одатда тош йўлларга териладиган тўртбурчак тош-лар устига дастурхон ёзди-да, қамишдан тўқилган халтани олиб келиб, ичидан янги пиширилган булочкалар, ковурилган қирғовул гўшти ва тузланган бодринг олиб дастурхон устига қўйди. Гёте қирғовул гўштини иккига бўлиб, ярмини менга узатди. Мен уни тик турганча, юра-юра едим, Гёте тош уюм-ларининг четига ўтирди. Ҳали устидаги тунги шабнам қуриб улгурмаган совуқ тошдан шамоллаб қолиши мумкин, деган ўйда уни огоҳлантирдим. Гёте, ҳеч нарса бўлмайди, дея мени ишонтирди, бу сўзлар у ўзини бақувват ҳис этишининг исботи бўлса керак, деб ўйладим ва хотиржам бўлдим.

— Дўстимиз Шютце, — деди Гёте, — ҳар ҳафта шаҳар ташқарисига чиқиб тўғри иш қилади, ундан ибрат олайлик-да, агар ҳаво яхши бўлиб турса, бу охириги сайримиз бўлиб қолмаслигига ҳаракат қилайлик.

Унинг бу сўзларидан қувониб кетдим.

Мен Гёте билан аввал Беркада, кейин Тонндорфда ниҳоятда ажойиб кунни бирга ўтказиш бахтига муяссар бўлдим. У пур-маъно фикрларни тўлиб-тошиб изҳор қилишдан чарчамасди. У ҳозирги пайтда жиддий ишлашни бошлаган «Фауст»нинг иккинчи фасли борасида ҳам кўп гапларни айтдики, кунда-лигимга улардан бор-йўғи шу дебочани ёзиб олганимга аф-сусланаман.

ИККИНЧИ ҚИСМ

1828

1828 йилнинг 15 июни, якшанба

Биз столга ўтириб улгурмасимиздан жаноб Зайдел'нинг тиролликлар билан келганини хабар қилишди. Кўшиқчиларни боғдаги айвонга ўтказишди, улар очик эшиклар орқали кўриниб туришар, кўшиқлари шу масофадан эшитилиб турарди. Жаноб Зайдел бизнинг столимизга ўтирди. Қувноқ тиролликларнинг ўйноқи кўшиқлари биз ёшларга жуда ёқди, фрой-лайн Ульрика билан менга, айниқса, «Гулдаста» ва «Сен, сен менинг қалбимдасан» кўшиқлари маъқул бўлди, биз хатто кўшиқ матнини қолдиришларини илтимос қилдик. Бироқ Гёте бизга ўхшаб ҳаяжонга тушмади.

— Болалар ва чумчуқлардан сўра-чи, олча ейиш мазамикан? — деди у.

Кўшиқлар орасида тиролликлар қандайдир ётиқ цитра²ларда, ёнбош сибизгалар жўрлигида миллий рақс куйларини ҳам чалишди.

Тўсатдан ёш Гётени чақириб қолишди ва у дарров қайтиб келди. У тироллар ёнига бориб уларга жавоб бериб юбордида, яна қайтиб келиб столга ўтирди. «Оберон» операси ҳақида сўз борди, уни тинглаш учун ҳамма ёқдан одамлар оқиб келишарди, чипталар ҳам тушга қолмай сотилиб бўлинганди. Ёш Гёте столдан турди.

— Отажон, — деди у, — биз дархол кўзғолганимиз учун узр. Жаноблар ва хонимлар театрга эртароқ боришмоқчи.

Бундай шошилишдан Гёте ҳайрон бўлди, ҳали соат эндигина тўрт эди, аммо у ҳам ҳамма қатори ўрнидан турди, биз хоналарга тарқалиб кетдик. Жаноб Зайдел менга ва шу ердаги бир нечта одамларга яқинлашиб секин, ғамгин чехра билан деди:

— Бекорга театрга борамиз, деб қувонаяпсизлар, бугун томоша бўлмайди, Буюк ҳерцог оламдан ўтипти! Берлиндан қайтаётиб йўлда вафот этипти.

¹ *Зайдель Макс Йоханн (1795 – 1855)* — Ваймар театрининг актёри.

² *Цитра* — ёғоч қути кўринишидаги торли мусиқа асбоби.

Ҳаммамиз довдираб қолдик. Гёте кўринди, биз худди ҳеч гап бўлмагандек у-бу нарсалар ҳақида сўзлаша бошладик. Гёте мен билан дераза олдига бориб, тиролликлар ва театр ҳақида гапирди.

— Бугун менинг лоҷамга борасиз, — деди у. — Соат олтигача ҳали вақт бор, бошқалар кетаверишсин, Сиз менинг ёнимда бўлинг, бироз гурунглашамиз.

Ёш Гёте бошқалардан холи қолиб, канцлер келмасидан отасига шумхабарни айтишни хоҳларди, унга бу хабарни канцлер етказган эди.

Гёте ўғлининг нега бундай бесаранжом бўлиб қолганини тушунмай хафа бўлди.

— Қаҳва ичиб олсаларинг бўлармиди, — деди у, — ҳали соат тўрт!

Бу орада одамлар тарқала бошлашди, мен ҳам шляпамни кўлимга олдим.

— Нима, Сиз ҳам кетяпсизми? — сўради Гёте.

— Ҳа, — деди ёш Гёте, — театрғача Эккерман қиладиган айрим ишлар бор.

— Ҳа, — дедим мен, — у-бу ишларим бор эди.

— Нимаям деймиз, бораверинглар, — деди Гёте хайрон бўлиб бошини чайқаркан, — бироқ сизларни ҳечам тушунмаяпман.

Фройлайн Ульрика билан юқоридаги хонага чикдик, ёш Гёте отасига қайғули хабарни айтиш учун пастда қолди.

Ўша куни кечкурун мен Гётени кўрдим. Унинг хонасига кирмасдан олдин хўрсинганини ва ўз-ўзи билан гаплашаётганини эшитдим. Ҳаётида тўлдириб бўлмас бўшлиқ пайдо бўлганини, шубҳасиз, у биларди. Ҳар қандай юпатишларни эшитишни ҳам истамасди.

— Мен ундан олдин кетаман, деб ўйловдим, — деди у, — бироқ Яратганнинг хоҳиши ўзгача экан, биз шўрлик бандаларга жимгина сабр қилишдан, руҳимизни туширмай яшашда давом этишдан ўзга йўл йўқ.

Ўлим ҳақидаги хабар она-ҳерцогиняга Вильхельмшталдаги резиденцияда, ёш шаҳзодага эса Русияда етиб борди.

Гёте кўп ўтмай кундалик қайғули таассуротлардан халос бўлиш ва янги шароитда фаол ҳаракат билан руҳиятини тиклаб олиш учун Дорнбургга жўнаб кетди.

Французлар чиқарган, уни беҳад қизиқтирган бир муҳим китоб билан танишгач, у қайтадан ботаника билан шуғуллана бошлади, у яшаб турган қишлоқ уйини ям-яшил ток ишқом-

лари, барқ уриб очилган гуллар ўраб олган, бундай жойда у илҳом билан ишларди.

Биз келини ва набиралари билан бирга у ерга уни кўргани бир неча марта келдик. У кўринишдан жуда қувноқ эди, ўзининг кайфияти ҳамда бов ва саройдаги шароитнинг зўрлигини мақтаб тўймасди. Ростдан ҳам баланд деразадан ажойиб манзара кўзга ташланиб турарди. Пастда гавжум водий, яйловлар ораляб илонизи бўлиб Заале дарёси оқарди. Шарқ томонда ўрмонзор тепаликлар чўзилиб кетган, улардан нарёғи кўз илғамас йироқликлар, назарингда бу жой табиат ҳодисаларини кузатадиган зап қулай нуқта эди: кундузи тез ёғиб, узоқларда йўқолиб кетадиган жала, кечаси шарқ томондаги юлдузлар туркуми томошаси, тонгдаги куёшнинг кўтарилиши...

— Мен бу ерда, — деди Гёте, — ажойиб кеча-кундузларнинг гувоҳи бўляпман. Кўпинча ҳали тонг оқармасдан уйғонаман-да, очик дераза олдида ётганча айна шу пайтда бир жойда турган учта сайёранинг гўзаллигини кузатаман, ёйилиб бораётган тонгги қизил шафақ нуридан баҳра оламан. Деярли кун бўйи очик ҳавода юраман, ток шохлари билан дилдан суҳбатлашаман, улар менга қизиқ-қизиқ фикрлар беришади, мен улар ҳақида сизларга кўплаб фаройиб ҳикоялар сўзлаб беришим мумкин. Шеърлар ҳам ёза бошладим, ёмон шеърлар эмас, умуман, шунақа шароитда яшашда давом этишга қарши эмасман.

1828 йилнинг 11 сентябри, пайшанба

Бугун соат иккида, ажойиб ҳавода Гёте Дорнбургдан қайтиб келди. У куёшда қорайган, бақувват тортган эди. Биз дарҳол боққа ёндош хонадаги столга ўтирдик, хона эшикларини очик эди. Гёте уни кўришга келган кишилар, олган совғалари ҳақида сўзларкан, ора-сира ҳазил-хузул гапларни ҳам қистириб қўярди. Бироқ бундоқ зехн солиб қаралса, ундаги маълум бир саросималикни ҳам сезмаслик мумкин эмас эди, бундай ҳолатга одам одатда кўплаб қийинчиликлар, талаблар, мажбуриятларни бошдан кечиргач ўзининг эски муҳитига қайтиб келганида тушади.

Биз эндигина биринчи овқатни еяётганимизда она-херцогинядан хабар келтиришдики, унда у Гётенинг қайтиб келиши муносабати билан ўз қувончини баён қилган ҳамда сешанба кунини Гётени кўришга келиш бахтини ўзига раво кўрганини билдирган эди.

Буюк ҳерцог вафотидан кейин Гёте унинг оила аъзоларидан ҳеч кимни кўрмаган эди. Бироқ у она-ҳерцогиня билан узлуксиз хат ёзишиб турган, шубҳасиз, улар бошга тушган йўқотиш ҳақида етарлича гаплашиб улгуришган эди. Шунга қарамай, мана энди юзма-юз учрашишлари керак, албатта, бу икковлари учун ҳам қаттиқ изтиробларсиз ўтмайди, шу боисдан ҳозирданок юракка маълум даражада ғулғула тушган эди. Гёте ҳали ёш ҳукмдорни ҳам кўрмаган ва мамлакат хўжайинига ўз эҳтиромини изҳор қилмаган эди. Буларнинг ҳаммаси ҳали олдинда турипти, бу унга юқори табақа вакили сифатида малол келмаса-да, ўз ҳаёти, ўзига қадрдон бўлиб қолган фаолиятида яшашга одатланган даҳо сифатида малол келарди.

Бунинг устига, ҳамма томондан меҳмонларнинг ёпирилиб келиш хавфи ҳам бор эди. Машҳур табиатшуносларнинг Берлинда бўладиган анжумани кўплаб таниқли олимларни жойидан кўзватган эди, улар Ваймардан ўтиб кетаётиб тушишлари ҳақида хабар қилишган, бу меҳмонларни шу кеча-кундузда кутиб олиш лозим эди. Кишини рухий куч-қувватдан қолдирган, ҳаётни ҳафталаб бутунлай издан чиқарган тўсқинликлар, ҳурматли меҳмонларнинг ташрифлари билан боғлиқ ҳар хил бесаранжомликлар, Гёте ўз хонадони остонасини ҳатлаб ўтишга улгурмай кўз олдида шарпадек ҳозир бўлди.

Бўлғуси воқеаларни янада мураккаблаштирадиган яна бир вазият бор эдики, бундан кўз юмиб ўтолмайман. «Вильҳельм Мейстернинг жаҳонгашталиқ йиллари»ни ҳам ўз ичига олувчи асарлар тўплами рождество байрамигача чиқиши керак эди. Илгари бир жилдда чиққан романи Гёте кейин қайта ишлаб, эскисини янгиси билан шу қадар уйғунлаштириб юбордики, навбатдаги тўпланда у уч жилдда чиқадиган бўлди. Ҳозиргача кўп нарса қилинган, аммо қилиниши керак бўлган ишлар ҳали кўп эди. Қўлёзма орасига тоза қоғозлар қўйиб ташланган, улар тўлдирилиши лозим эди. Муқаддима ҳали тўлиқ эмас, бу ерда шундай моҳирона ўзгартириш қилиш керакки, токи ўқувчи, роман ямоқлардан иборат экан, деб ўйламасин. Бунда ҳали фрагментлар мана мен, деб турипти, бирининг боши, бошқасининг охири йўқ: хуллас, ҳар учала жилд устида жуда кўп ишлаш лозим, токи бу ажойиб асар мукамал ва қизиқарли бўлсин.

Ўтган баҳорда Гёте менга қўлёзмани кўриб чиқиш учун берган, ўшанда биз бу қимматли асарни ҳам оғзаки, ҳам ёзма муҳокама қилган эдик, мен унга бутун ёзни шуни поёнига етказишга бағишлашни, бошқа ҳамма ишларни четга суриб

қўйишни маслаҳат берган эдим, у ҳам, ўз навбатида, бу ишнинг муҳимлигини ҳис этган ва шундай қилишни кўнглига туккан эди. Кейин Буюк ҳерцог вафот этди, Гётенинг бутун ҳаёти шу билан остин-устун бўлиб кетди, кўтаринки рух ва хотиржамликни талаб қилувчи муқаддима устида ишлаш кўнгилга ҳам сиғмасди, у фақат руҳан чўкмасдан оёққа туриб олиш ҳақида қайғуриши лозим эди.

Мана энди, кузнинг бошида Дорнбургдан қайтгач, ўзининг Ваймардаги уйида, «Жаҳонгашталиқ йиллари»ни ниҳоясига етказиш фикри уни безовта қилмай қолмади, ахир бир неча ой муддат қолган, холос, бунинг устига бўлғуси ташвишлар ҳам унинг тинч, хотиржам илҳом билан ижод қилишига тўсик бўлмай қолмасди.

Мана шуларни ҳисобга олсак, Гётенинг тушлиқ пайтидаги ҳазил-ҳузуллари остида ётган саросималикни англаб етиш қийин эмас эди.

Бу ҳолатларни тилга олаётганимнинг бошқа сабаби ҳам бор. Бу нарса Гётенинг ўша пайтдаги аҳволи ва бутун рухий кечинмаларини ифода этган, менга ғалати туюлган фикрлари билан боғлиқ, буни ҳозир айтиб бераман.

Оснабрюклик профессор Абекен¹ 28 августдан олдинроқ менга бир пакет юбориб, буни Гётенинг туфилган кунда тақдим қилишни сўраган эди. Бу Шиллерга тегишли эсдалик бўлиб, шубҳасиз, уни хурсанд қилади, деган эди.

Бугун тушлиқ пайтида Гёте Дорнбургдалигида туфилган кунига олган хилма-хил совғалар ҳақида сўз очганида, мен ундан Абекен юборган пакетда нима бор экан, деб сўрадим.

— У мени хурсанд қилган ғаройиб совға эди, — деди Гёте, — бир мухтарама хонимнинг уйида Шиллер чой ичган экан, у Шиллернинг гапларини ёзиб қўйишни лозим топган. У ҳамма гапларни яхши тушуниб етган ва аниқ баён қилган, орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да бемалол ўқиб бўлади, бу минглаб бошқа воқеалар сингари узоқ ўтмишда қолган воқеаларни эсга солади, аммо айнан бу ёзув ҳозир айтилгандек қорозга муҳрланиб қолгани билан аҳамиятлидир.

Бу ерда Шиллер, худди ҳамишагидек, ўз кўтаринки табиатига тўлиқ мос, у давлат кенгашида қандай улугвор бўлиши керак бўлса, чой ичаётганда ҳам шундай улугвор. У ҳеч нарсадан хижолат бўлмайди, ҳеч нарсадан қисинмайди, ҳеч

¹ *Абекен Бернхард Рудольф (1780–1866)* – профессор. 1815 йилдан Оснабрюкдаги гимназия ўқитувчиси. Шиллернинг фарзандларига муаллимлик қилган даврида Гёте билан танишган.

нарса фикрларининг парвозига халақит бермайди, миясида туғилган улуғ вояларни ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан тўғри айтади-қўяди. Ҳа, ҳақиқий инсон қандай бўлиши керак бўлса, у шундай эди! Биз, ўзгалар эса, ҳамиша вазиятга қараймиз, атрофимиздаги одамлар, нарсаларга боғлиқмиз, қўлимиздаги қошиқча олтидан бўлса, хижолат бўламиз, чунки биз кумушга ўрганганмиз, худди шундай, минглаб ақидалар тузоғидан чиқолмаймиз-да, қалбимизда мавжуд бўлган улуғ истакларга йўл очиб беролмаймиз. Биз буюмлар қулимиз, улар бизни қисаяптими ёки кенг муҳит яратаяптими, шунга қараб кифтимизни қисиб ёки гердайиб юрамиз.

Гёте жимиб қолди, мавзу ўзгарди, мен эса, бевосита ички дунёимни очиб берувчи бу пурмаъно сўзларни қалбимга муҳрлаб олдим.

1828 йилнинг 1 октябри, чоршанба

Бугун тушлик пайти Гётеникида крефельдлик Геннингхаузен¹ меҳмон бўлди, у катта бир савдо уйининг хўжайини, шу билан бирга, табиатшунослик, айниқса, маъданшунослик ишқивози, узоқ юртларга қилган саёҳатлари ва илмий билимлари эвазига кенг дунёқарашли киши эди. У Берлинда бўлган табиатшунослар анжуманидан қайтаётганди ва у ерда муҳокама қилинган, кўпроқ маъданшунослик масалаларига тегишли гаплардан ҳикоя қилди.

Вулқоншунослар ҳақида, олимларнинг табиат борасидаги фаразлари ҳамда қарашлари ҳақида ҳам сўз борди, шу муносабат билан буюк табиатшунослар, шунингдек, Аристотель² номи ҳам тилга олинди, у ҳақда Гёте фикр билдирди.

— Аристотель, — деди у, — ҳозирги олимлардан кўра табиатни аниқроқ кўра билган, аммо хулоса чиқаришда анча шошқалоқлик қилган. Табиатдан бирон нарса ундириш учун унга шошилмасдан, ўз маромида муомала қилмоқ керак.

Агар мен табиатшуносликка оид тадқиқотларим чоғида бирон-бир хулосага келсам, мен табиатдан дарҳол бунинг тасдиғини талаб қилмаганман, балки кузатишларим ва тажрибаларимни давом эттирганман, бордию у менинг фикрларимни тасдиқлаб қолгудек бўлса, роса суюнганман. Агар табиат менинг хулосаларимни рад этса, унда у менга бошқача йўналиш беради ва мен, зора бу йўлда омадим юришса, деб унга эргашаман.

¹ *Геннингхаузен Фридрих Вильҳельм* — тижоратчи.

² *Аристотель (мил. авв. 384—322)* — юнон файласуфи.

Бугун тушлик чоғида Гёте билан унинг тавсияси бўйича мен ўқиб чиққан Фукенинг «Вартбургдаги кўшиқчилар мусобақаси» асари устида гурунглашдик. Икковимизнинг ҳам фикримиз бир жойдан чиқди: гарчи бу ёзувчи бир умр қадимги германларни ўрганган бўлса-да, охир-оқибат бирон-бир фойдали хулосага келолмади.

— Худди серб кўшиқлари ёки маданийлашмаган халқнинг поэзиясидан ҳеч нарса ололмаганимиз сингари, — деди Гёте, — қадимги германларнинг қоронғи давридан ҳам ҳеч нарса ўзлаштиролмаймиз. Биз уларни ўқиймиз, ҳатто бир муддат қизиқиш билан ҳам ўқиймиз, кейин эса унга қўл ҳам теккизмай унутиб юборамиз. Шусиз ҳам инсон ҳаёти ўз қисматию ташвишлари билан тўлиб-тошган, қаердаги маданийлашмаган қабилаларнинг қоронғи ҳаётини ўрганишнинг нима кераги бор? Одамга аниқ ва қувонч бағишловчи нарсалар керак, шунинг учун ҳам у улуғ инсонлар адабиёт ва санъат соҳасида катта ютуқларга эришган даврларга мурожаат қилиши керак, токи бу даврда ўзларига ҳам яхши бўлсин, бошқаларни ҳам ўз маданиятлари хазинасидан баҳраманд этишга қодир бўлишсин.

Агар Фуке ҳақида яхши фикрга эга бўлишни истасангиз, унинг «Ундина»сини ўқинг, бу ниҳоятда ажойиб асар. Сўзсиз, бу яхши сюжет, бироқ шоир унинг моҳиятини тўлиқ очиб беролган, деб бўлмайди, ҳар ҳолда «Ундина» яхши нарсаси, у Сизга маъқул бўлади.

— Негадир ҳозирги замон олмон адабиёти билан ишим унча юришмаяпти, — дедим мен, — Эгон Эберт² шеърларини, айнан айрим кишиларга бағишлаб ёзган кичик-кичик шеърларини Вольтерда ўқидим, булар унинг энг яхши шеърлари, албатта. Фуке билан эса, бундан ҳам баттар бўлди. Вальтер Скоттнинг «Пертлик гўзал»ини ўқий бошлаганимда — дарвоқе, бу улуғ ёзувчи ижодидан мен ўқиган биринчи асар — уни четга суриб қўйиб, Фукенинг «Вартбургдаги кўшиқчилар мусобақаси»ни ўқишга киришдим.

— Бу улуғ хорижий ижодкорлар билан, — деди Гёте, — бизнинг янги замон ёзувчиларимиз беллаша олишмайди, яхшики, Сиз ҳам ўзимизнинг, ҳам хорижий ёзувчилар асарлари билан навбатма-навбат танишиб боряпсиз, шоир учун зарур

¹ *Фуке де ла Мотт Фридрих, барон (1777–1843)* — олмон шоири. «Вартбургдаги кўшиқчилар мусобақаси», «Ундина» асарларининг муаллифи.

² *Эберт Карл Эгон (1801–1882)* — адабиётчи.

бўладиган дунё ҳақидаги юксак тасаввурларни кимдан олиш мумкинлигини билиб оласиз.

Фон Гёте хоним кириб келди-да, ёнимизга ўтирди.

— Вальтер Скоттнинг «Пертлик гўзал»и, — жўшқинлик билан сўзида давом этди Гёте, — чинакам гўзал асар! Зўр ёзилган! Унинг услубини айтмайсизми! Умумий режаси аниқ тузилган, ҳар бир штрих мақсад сари етаклайди. Деталларни айтинг, диалоглар ҳам, муаллиф нутқи ҳам, бири-биридан ўзаман дейди. Асардаги сахналар, ҳолатлар Тенйер¹нинг расмларини эсга солади. Бутун асар юксак санъат яхлитлигидан ташкил топган, алоҳида персонажлари ғоятда ҳаётий, энг майда деталларгача шундай маҳорат билан тасвирланганки, биронта ортиқча нарсани топиб бўлмайди. Сиз қаергача ўқидингиз?

— Хенри Смит, — жавоб бердим мен, — кўча бўйлаб арфа чалувчи қизни уйига олиб кетаётган жойгача ўқидим, афсуски, кўчада уларга қалпоқ тикувчи Праутфут ва дорихоначи Дуайнинг дуч келишади.

— Ҳа, — деди Гёте, — жуда қизиқ жойга келибсиз. Қурол-аслаҳа ясовчи ҳалол, пок уста ўз ички қаршилигини энгиб, кимлиги номаълум бир қиз билан, тагин унинг кучукчасини ҳам етаклаб кетмоқда, бунақаси романларда кам учрайди. Бу инсон табиатини, унинг энг чуқур тубидаги сирасрорларни яхши билишдан дарак беради.

— Вальтер Скотт қизнинг отасини қўлқоп тикувчи қилгани, — дедим мен, — энг тўғри йўл бўлган, у мўйна ва терилар билан савдо қилиш асносида тоғликлар билан кўпдан бери яқин алоқада бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай алоқада.

— Ҳа, — деди Гёте, — бу энг яхши ўйланган усул. Ана шу усул туфайли китобда энг қулай вазиятлар ва ҳолатлар юзага келтирилган бўлиб, улар реал асосга эга ҳамда ғоятда ишончли ҳаққонийлик касб этган. Хуллас, Сиз Вальтер Скоттда реал дунё ҳақида кенг қамровли билимга эга бўлган ижодкорнинг ҳақиқий аниқ тасвирини кўрасиз, бунга у ҳаётий воқеаларни бир умр кузатиш ва ўрганиш ҳамда уларнинг энг муҳимларини ҳар куни муҳокама қилиш орқали эришган. Биринчи навбатда, албатта, юксак истеъдоди ва мислсиз онги эвазига эришган! Бир инглиз танқидчиси шоирларни қўшиқчиларнинг овозига қиёслаганини эшитган бўлсангиз керак, айрим шоирлар бир неча яхши овоз пардаларини бирданига олишга қурблари етса, бошқалари эса, қуйи ва юқори пардаларнинг барчасини бирдек уддалашади. Вальтер Скотт

¹ Тенйер Давид (1610–1690) — фламанд рассоми.

мана шундайлар сирасига киради. «Пертлик гўзал»да Сиз бирорта бўш тасвирни тополмайсиз, мана бу ерда ёзувчининг билими ва истеъдоди етишмабди, деган хаёлга бормайсиз. У ўз материални сув қилиб ичиб юборган. Қирол, қиролнинг акаси, тахт вориси, черков князи, дворянлар, магистрат, оддий халқ ва хунармандлар, тоғликлар — булар ҳаммаси дадил қўл билан бир хил чизилган ва ҳаққоний баён этилган.

— Инглизлар, — деди Гёте хоним, — кўпроқ Ҳенри Смитни хуш кўришади, Вальтер Скоттнинг ўзи ҳам унинг асар қаҳрамони бўлишини хоҳлаган кўринади. Смит менинг сеvimли қаҳрамоним эмас. Менга шахзода кўпроқ ёқади.

— Шахзода, — дедим мен, — ҳар қанча ёввойи бўлмасин, барибир ёқимли, у бошқа қаҳрамонлар сингари мукамал тасвирланган.

— У отда ўтирганча арфа чалувчи гўзал қизни бўса олиш учун ўзига тортиб, — деди Гёте, — оёғини узангидек унга тутади, бу айти инглизча одатнинг ўзи. Бироқ сиз, аёллар, шунақасизлар, фақат қаҳрамон танлайсизлар, сизлар одатда китобни қалбларингизга озиқ ҳамда сеvimли қаҳрамон топиш учун ўқийсизлар. Китобни бундай ўқиш ярамайди, сизларга у ёки бу персонаж ёқадими, йўқми, муҳими бу эмас, муҳими китобнинг ўзи ёқсин.

— Биз аёллар шундай яратилганмиз, отажон, — деди Гёте хоним ва стол оша эгилиб унинг қўлини қисиб кўйди.

— Нимаям қилардик, бунақа нозларингга чидаймиз-да, — жавоб берди Гёте.

«Глоб» журналининг сўнгги сони унинг олдида ётарди, у журнални қўлига олди. Бу орада мен Гёте хоним билан театрда танишган ёш инглизлар ҳақида гаплашиб ўтирдим.

— Бу «Глоб»да ишлаётган жаноблар қанақа ўзи, — жиғибийрон бўлиб сўз бошлади Гёте. — Улар кундан-кунга ўсиб, ақлли бўлиб боришяпти-ю, аммо ҳаммаси бир хил фикрлайди, ҳеч тушунолмайсан киши. Германияда бунақа журналнинг бўлиши мумкин эмас. Бизда ҳар ким ўзича яшайди, ҳамжиҳатлик ҳақида ўйлаш хаёлга ҳам келмайди, бирлари ўз қишлоғи нуқтаи назарига таянса, иккинчилари ўз шаҳари ёки ўз шахсий нуқтаи назарига таянади, умумий қарашларга эга бўлгунимизга қадар ҳали кўп замонлар ўтса керак.

1828 йилнинг 7 октябри, сешанба

Бугун тушлик пайтида Гётеникида қувноқ давра тўпланди. Ваймарлик дўстлардан ташқари Берлиндан қайтаётган табиатшунослар ҳам бор эди, уларнинг орасида мюнхенлик жаноб

Мартиус¹ни мен танирдим, у Гётенинг ёнида ўтирарди. Турли-туман мавзуларда ҳазил-хузул аралаш гурунглашиб ўтирдик. Гётенинг кайфияти аъло, беҳад сўзамол эди. Гап театр ҳақида борарди, Россинининг охирги операси «Мусо» ҳақида қизгин баҳс кетди. Бири либреттони танқид қилса, бошқаси бунисини мақтаб, мусиқасини танқид қиларди, Гёте қуйидагиларни айтди:

— Мен сизларни ҳеч тушунолмай қолдим, болаларим, — деди у, — қандай қилиб сизлар либретто билан мусиқани бири-бирдан ажратиб, ё унисини ёки бунисини маъқул кўрасизлар, ҳозир сизлар либреттони ҳеч нарсага арзимаёди, дедингизлар, аммо бетакрор мусиқасидан ҳузур қилганларингни айтдингизлар. Ростдан ҳам мен ҳайронман, қандай қилиб кулоқларингиз энг ёқимли оҳангларни эшитишга қодир-у, энг кучли сезги органи бўлган кўзларингни энг расво кўринишлар қийнайди. «Мусо»ларингиз ростдан ҳам энг расво эканлигини инкор қилмайсизлар. Парда кўтарилганда кўзингиз ибодат қилаётган одамларга тушади! Бу ноўрин манзара. Ибодат қилгингиз келса, Инжилда ёзилганидек, кулбангиз боргин-да, эшикни ёпиб ол. Саҳна ибодат қиладиган жой эмас.

Мен сизлар учун тамоман бошқача «Мусо»ни яратган ва либреттони бошқача бошлаган бўлардим. Аввало исроиллик болаларнинг мисрлик золимлар қўли остида оғир мажбурий меҳнатдан қандай азоб чекаётганларини кўрсатган бўлардим, токи Мусо ўз халқини бундай шармандали эзишлардан озод қилиш учун нималар қилгани аниқ-равшан кўринсин.

Гёте барча йиғилганларни ҳайрон қолдирганча, бутун операни саҳнама-саҳна, кўринишма-кўриниш фавқулодда бир жўшқинлик билан, тарихий ҳақиқатга қатъий содиқ қолган ҳолда, нақ ҳаётнинг ўзидек қилиб кўз олдимизда намоён қилдики, тингловчилар ундаги хаёлотнинг чексизлигидан, заковатидан лол бўлиб қолишди. Бу ҳолат шундай тез ўтиб кетдики, ҳамма нарсани эсда сақлаб қолишнинг иложи бўлмади, фақатгина мисрликларнинг рақсга тушишлари ёдимда қолди, холос. Гётенинг фикрича, улар зулматнинг чекиниб, нурнинг қайтиши шарафига шундай қилишаётган экан.

Гурунг мавзуси «Мусо»дан дунёнинг сув босишига кўчди ва зукко табиатшунос туфайли табиий-тарихий йўналиш олди.

— Айтишларича, — деди жаноб Мартиус, — Араратдан Нуҳ кемасининг тошга айланган бўлагини топишганмиш, бор-

¹ *Мартиус Карл Фридрих Филипп фон (1794–1868)* — олмон табиатшуноси ва саёҳатчиси.

дию ўша ердан дастлабки одамларнинг тошга айланган бош суякларини топишса ҳам ҳайрон қолмаган бўлардим.

Шу фикр сабаб бўлиб, гурунг турли ирқлар, ер юзида яшаётган қора, қизил, сариқ, оқ танлилар ҳақида кетди ва у ҳамма одамлар битта жуфтдан, яъни Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалгани ростми, деган масалада якун топди.

Жаноб фон Мартиус Инжилдаги ривоят тарафдори бўлди, бу фикрни у, табиат яратиш жараёнида беҳад тежамкорликни хуш кўради, деган қараш билан тасдиқлашга уринди.

— Бу гапингизга кўшилмайман, — деди Гёте. — Мен, аксинча, табиат ҳамиша сахий, ҳатто исрофгар бўлган, деб ҳисоблайман, у биттагина жуфт билан чегараланиб қолмасдан ўнлаб, юзлаб одамларни яратди.

Замин етукликнинг аниқ бир нуқтасига етган пайтда, сувлар оқиб, куруқликлар яшилликка бурканганида, инсониятнинг яратилиш даври бошланди, Тангрининг иродаси билан ерда бирор нарса ундирса бўладиган жойларда, ҳатто дастлаб тоғларда ҳам одамлар дунёга кела бошлади. Шундай бўлган, деб ҳисоблаш назаримда ақлга тўғри келади, бу қай тахлит юзага келган, деб ўйлаш бефойда уриниш бўлса керак, келинглари, буни бошқа тузукроқ машғулоти тополмай, ечиб бўлмайдиган муаммолар устида бош қотираётган одамларга қолдирамиз.

— Табиатшунос сифатида, — деди жаноб фон Мартиус бироз муромбирлик билан, — мен жаноби олийларининг фикрига тарафдор бўлсам-да, ҳақиқий насроний сифатида Инжилдаги маълумотларга уйғун бўлмаган қарашларингизга унчалик кўшилолмайман.

— Муқаддас ёзувда, — жавоб берди Гёте, — худо олтинчи куни яратган битта жуфт ҳақида сўз боради. Инжилдаги худо томонидан бизга нозил қилинган сўзларни ёзиб олган оқил одамлар биринчи навбатда ўз халқларини кўзда тутишган, шунинг учун, келинглари, унинг Одам Атодан тарқалганини инкор қилиб ўтирмайлик. Бироқ, биз, қолган халқлар, худди негрлар ва лапландлар ҳамда бошқалардан кўра чиройлироқ бўлган, қадди-қомати келишган одамлар, шубҳасиз, Одам Ато авлодларидан кўп жиҳатдан фарқ қиламиз, десам, муҳтарам даврадошлар гапимни инкор қилишмайди, деб ўйлайман.

Кулишдик. Гурунг баҳсга айланиб кетди. Жаноб фон Мартиус билан гаплари келишмай қолган Гёте ҳазил тариқасида тагин бир-икки оғиз сўз айтди, шубҳасиз, булар унинг ичидан чиққан сўзлар эди.

Тушликдан кейин прусс вазири, жаноб фон Йордан¹ келганлигини айтишди, биз бошқа хонага ўтдик.

1828 йилнинг 8 октябри, чоршанба

Бугун Гётеникида тушликка Райн бўйларидаги саёҳатдан қайтаётган Тик, унинг рафиқаси, қизи ва графиня Финкенштайн²ни кутишаётганди. Мен унга пастда дуч келдим. Тикнинг кўриниши яхши, афтидан, Райнда чўмилиш унга ёққан эди. Мен унга шу орада Вальтер Скоттнинг романини биринчи марта ўқиб чиққанимни, бу бетакроп истеъдод эгасидан олган ҳузур-ҳаловатим ҳақида гапирдим.

— Бу охирги романи, — деди Тик, — мен уни Вальтер Скотт ёзган асарларнинг энг яхшиси, деб ҳисоблаёлмайман, тўғри, ҳали уни ўқиб чиққаним йўқ, аммо бу ёзувчи шу қадар истеъдодлики, унга қайси томондан ёндошишдан қатъи назар, унинг ҳар қандай асари биринчи марта ўқигандаёқ кишини ҳайратга солади.

Профессор Гёттлинг³ кириб келди, у яқиндагина Италия сафаридан қайтиб келган эди. Уни кўриб қувониб кетдим, менга кўрганларини гапириб берсин, деб уни дераза ёнига етакладим.

— Нимагадир эришишни истасангиз, — деди у, — Римга боришингиз керак. Ана уни шаҳар, ана уни ҳаёт дейдилар! Ана уни дунё дейдилар! Табиатимиздаги майда нарсалардан Германияда киши ҳечам халос бўлолмайди, Римга қадам қўйишингиз билан одамда шундай ўзгариш юз берадики, биз ўзимизни ўраб турган муҳит янглиғ буюк ҳис эта бошлаймиз.

— Нега у ерда узоқроқ қолмадингиз? — сўрадим мен.

— Пулим ҳам, таътилим ҳам тугади, — жавоб берди у, — қизиқки, гўзал Италияни ортда қолдириб, Альп тоғларидан ошиб ўтганимда ўзимни ғалати ҳис қилдим.

Гёте кириб меҳмонлар билан саломлашди. Тик ва унинг оила аъзолари билан у-бу нарсалар ҳақида гаплашди-да, стол олдига олиб бориш учун графинянинг қўлтиғидан олди. Биз уларга эргашдик ва аралаш-қуралаш жой эгалладик. Қувнок, самимий гурунг бошланди, нима ҳақда гаплашганимиз ёдимда қолмаган.

¹ Йордан Йоханн Людвиг фон (1773--1848) — прусс вазири.

² Финкенштайн Генриетта фон, графиня (1847 йилда вафот этган) — Тикнинг дўсти.

³ Гёттлинг Карл Вильхельм (1793—1869) — филолог, профессор, Йенада кутубхоначи.

Тушликдан кейин Ольденбург шахзодалари¹ келишганини хабар қилишди. Бизлар Гёте хонимнинг хонасига кўтарилдик, у ерда фройлайн Агнес Тик² рояль олдига ўтирди-да, «Дала кезиб юрибман ғамгин ва одамови...» кўшиғини шундай ёқимли овозда куйладики, бундан олган таассуротим узок вақт ёдимдан чиқмади.

1828 йилнинг 9 октябри, пайшанба

Бугун учаламиз — Гёте, Гёте хоним ва мен тушлик қилдик. Аввалги кунлардагидек бугун ҳам гурунг қизгин бўлди. Ўтган кунги мавзу, яъни Россинининг «Мусо»си тилга олиниб, биз Гётенинг хаёлий либреттосини эсладик.

— Яхши кайфиятда «Мусо» ҳақида айтганларим, — деди Гёте, — ҳозир ёдимда йўқ, чунки бунақа нарсалар беихтиёр юз беради. Бироқ шуниси аниқки, агар опера либреттоси унинг муסיқаси сингари бекаму кўст бўлса, иккови бир хил қадам ташласагина, мен уни ҳузур қилиб томоша қиламан. Мендан, қайси опера кўпроқ ёқади, деб сўрасаларинг, мен «Сув ташувчи» деб жавоб берган бўлардим, унинг либреттоси шу қадар мукамалки, уни мусиқасиз, оддий пьеса сингари театрда қўйса бўлади, албатта буни томошабин маза қилиб кўрарди. Бундай сифатли асоснинг муҳимлигини бастакорлар ё тушунишмайди, ёки ишнинг кўзини биладиган, уларга бу ишда кўмаклаша оладиган шоирлар йўқ. Агар «Эркин мерган» операсининг либреттоси зўр бўлмаганда эди, унга ҳозиргидек кўп томошабини жалб қилишнинг иложи бўлмасди, бунинг учун либретто муаллифи жаноб Кинд³дан миннатдор бўлишимиз лозим.

Ушбу опера хусусидаги гурунгимиз анчага чўзилди, кейин профессор Гёттлинг ва унинг Италияга сафарини эсладик.

— Мен бу одамни Италия ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилишда айблаёлмайман, — деди Гёте, — ахир ўзимда ҳам бир вақтлар худди шундай ҳолат бўлган эди-да! Тўғриси, мен инсон бўлиш нима эканлигини фақат Римда ҳис этган эдим. Бундай руҳий кўтаринкилик, бундай бахтни ҳис этиш кейин менга насиб этмади. Агар Римдаги ҳолатимга киёсласак, ҳеч қачон ўшанчалик қувонч оғушида бўлмаганман.

¹ *Ольденбург шахзодалари* — Петер Георг-Пауль-Александр (1810 йилда туғилган) ва Константин Фридрих-Петер (1812 йилда туғилган).

² *Тик Агнесса (1805 йилда туғилган)* — Тикнинг кизи.

³ *Кинд Фридрих (1768–1843)* — «Эркин мерган» операси либреттосининг муаллифи.

— Келинлар, ҳазин хотираларга берилмайлик, — бироз жим тургач сўзида давом этди Гёте, — хўш, «Пертлик гўзал» нима бўлди? У нималар қияпти? Қаергача келдингиз? Менга ҳаммасининг ҳисоботини беринг!

— Шошилмай ўқияпман, — дедим мен, — Праутфут Ҳенри Смитнинг кийим-бошини кийиб олиб, унинг ҳуштак чалиши ва юришига тақлид қилиб шаҳар кўчаларида юрган жойгача ўқидим, эртасига эрталаб одамлар уни Перт кўчаларида ўлик ҳолда топишади ва уни Ҳенри Смит деб ўйлаб, бутун шаҳар шовкин-сурон кўтаради.

— Ҳа, — деди Гёте, — бу жуда муҳим саҳна, романдаги энг яхши саҳналардан бири.

— Мени ҳаммадан кўпроқ хайрон қолдирган нарса шуки, — давом этдим мен. — Вальтер Скотт бекиёс истеъдод эгаси сифатида энг чигал ҳолатларга ҳам катта маҳорат билан аниқлик киритиб, ҳаммасини ягона бир даврага, улугвор бир манзарага жамлайди, бундан бизда шундай таассурот қоладики, гўё бир вақтнинг ўзида турли жойларда юз бераётган воқеаларни худди Тангри тепадан туриб кузатганидек, биз ҳам кузатиб турамыз.

— Умуман олганда, — деди Гёте. — Вальтер Скоттнинг санъатни тушуниши кенг қамровли, шу боисдан биз ва бизга ўхшаганлар, яъни у ёки бу нарса қандай қилинганига алоҳида диққатни қаратадиганлар, унинг асарларига икки карра кўпроқ қизиқиш билан қараймиз ва улардан ўзимиз учун кўп фойдали жиҳатларни оламиз. Мен Сизга ҳаммасини гапириб бермоқчи эмасман, аммо учинчи қисмда фаройиб бир ҳодисага дуч келамиз, яъни шаҳзода давлат кенгашига, «қўзғолон кўтарган тоғликларни бир-бирларини қириб ташлашларига қўйиб бериш керак», деган оқилона таклифни киритади, пасхадан бир ҳафта олдинги якшанба кунги байрамда — Сиз бунини ўқигансиз — иккала тоғлик душман қабилалар Пертга тушиб, ўттизтаси ўттизтага қарши ҳаёт-мамот жангини уюштиришга келишиб олишади. Ҳали Сиз Вальтер Скоттнинг маҳоратига қойил қоласиз, у шундай қоладики, жанг бўладиган куни партиялардан бирининг битта вакили келмай қолади, олдиндан устакорлик билан белгилаб қўйилганидек, келмай қолган вакил ўрнига ёзувчи ўз қахрамони Ҳенри Смитни қўяди. Бунинг қандай моҳирона бажарилганини ҳали ўқисангиз ўзингиз кўрасиз ва маза қиласиз. «Пертлик гўзал»ни ўқиб бўлганингиздан сўнг дарҳол «Ваверлей»ни ўқишга киришинг, у бутунлай бошқача характерга эга, бироқ, шубҳасиз, дунёда яратилган энг яхши асарлар қаторида ту-

ради. Бунда ҳам албатта «Пертлик гўзал»ни яратган инсон кўзга ташланиб туради, лекин у кезларда ёзувчи эндигина китобхонлар муҳаббатини қозонаётгани боис диққатини бир ерга жамлаб, ҳар бир деталнинг мукамал бўлишига эътибор қилган. «Пертлик гўзал» эса, аксинча, бемалол ёзилган, энди муаллиф ўз китобхонларига эга бўлган, қалами ҳам эркин бўлиб қолган эди. «Ваверлей»ни ўқигач, нега Вальтер Скотт ҳалигача ўзини ушбу роман муаллифи деб аташини билиб олиш мумкин, чунки у бу ерда кўлидан нима келишини намоён қилган, кейин эса у бундан яхшироқ, ҳеч бўлмаса биринчи романига тенг келадиган бирор нарса ёзмади.

1828 йилнинг 9 октябри, пайшанба

Бу кеч Гёте хонимнинг хоналарида Тик шарафига чой берилди. Мен граф ва графиня Медем билан танишдим, графиня менга кундузи Гётени кўрганлигини, ҳозиргача шу таассуротдан қувониб юрганлигини айтди. Граф эса «Фауст» ва унинг давоми билан қизиқди ва биз шу ҳақда анча гурунглашдик.

Бугун Тик бирор нарса ўқиб берар, деб умид бўладик, умидимиз ушалди. Меҳмонлар нариги хонага ўтиб, кенг давра олиб стуллар ва диванга жойлашиб олишгач, Тик «Клавиго»ни ўқиди.

Мен бу пьесани қайта-қайта ўқиган бўлсам-да, ҳозир у менга тамоман янги ва беҳад таъсирчан туюлди, назаримда уни сахнада ҳамишагидан ҳам яхшироқ ижро этишаётгандек бўлди, айрим персонажлар ва ҳолатларни чуқурроқ ҳис этдик, буларнинг барчаси гўё роллари ўринли тақсимланган спектаклни эслатарди. Тик қайси ўринларни: эркакларнинг куч ва эҳтирослари юзага чиққан жойларними ёки тинч-хотиржам сахналарними, ё бўлмаса севги-муҳаббат можаролари тасвирини яхшироқ ўқидими, фарқлаб бўлмасди. Охиргисини ўқишда гўё унинг ихтиёрида махсус воситалар мавжуддек эди. Мария ва Клавиго сахнаси ҳалигача қулоқларим остида жаранглаб турипти: бўғиқ нафас, титроқ, тутилган товуш, сўз ва товушларнинг бўлиниб чиқиши, хўрсиниш, кўз ёши аралаш пиқиллаб нафас олиш — буларнинг бари гўё ҳозир содир бўлаётгандек, бир умр унутмасам керак. Ҳар бир тингловчи уни қимир этмасдан тинглади, шамлар хира ёнарди, ҳеч ким уларнинг сўхтасини олиб ташлашга журъат этмас, ўқишни бўлиб қўйишдан кўрқарди. Аёлларнинг кўзларидан дув-дув

оқаётган ёшлар пьесанинг таъсири кучлилиги ҳамда воизга ва шоирга бўлган юксак эътирофнинг белгиси эди.

Тик ўқишни тугатди ва манглайдаги терни арта-арта ўрнидан турди. Тингловчилар эса, худди жойларига михлангандек қимир этишмасди, ҳар бири афтидан ҳозиргина қалбида уйғонган ҳиссиётлар оғушида, ўзларига шундай бетакрор хузурни бахш этган кишига миннатдорчилик билдиришга сўз тополмай ўтиришарди.

Аста-секин ҳамма ўзига келди, ўринларидан туриб, қизгин суҳбатга берилишди. Кейин ҳамма кўшни хоналарга ўтди, у ерда кичик-кичик столчаларда кечки овқат тайёр турарди.

Бу кечада Гёте иштирок этмади, аммо у ҳаммамизнинг кўз олдимизда намоён эди. У Тикка узрини ёзиб юборган, унинг қизлари Агнес ва Доротеяга эса, қизил тасмалар билан безатилган ўз расми акс этган тақинчоқлар жўнатган, уларни Гёте хоним худди кичкина орденлардек қизларнинг кўкрагига тақиб қўйди.

1828 йилнинг 10 октябри, жума

Бугун мен Лондондан, «Форин ревью»нинг ношири жаноб Фрезер¹дан шу журналнинг учинчи сонидан икки нусхани олдим ва биттасини тушлик пайтида Гётега тақдим қилдим.

Уникида яна жамоат жам эди -- Гётенинг ва бошқа дўстларининг илтимослари билан Тик ва графиня тагин бир кун Ваймарда қолишган ва Гётеникига тушликка таклиф қилинган, оиланинг қолган аъзолари бугун эрталаб Дрезденга жўнаб кетишган эди.

Тушлик пайтидаги гурунгнинг асосий мавзуси инглиз адабиёти, хусусан, Вальтер Скотт бўлди. Тик гап орасида, «Ваверлей»дан бир нусхани бундан ўн йил олдин Германияга олиб келганини айтди.

1828 йилнинг 11 октябри, шанба

«Форин ревью» журналининг юқорида эслатилган сонидан кўплаб бошқа қизиқарли хабар ва лавҳалар орасида Карлайлнинг Гёте ҳақидаги каттагина мақоласи ҳам босилган экан, уни мен эрталаб ўқиб чикдим. Бошқа меҳмонлар келишгунга қадар Гёте билан шу ҳақда гаплашиб олиш учун тушликка олдинроқ бордим.

¹ Фрезер Уильям -- «Форин ревью» («Чет эл хабарлари») журналининг ношири.

У меҳмонлар келишини кутиб ёлғиз ўтирар, бу мен учун айни муддао эди. У юлдузли қора фрак кийиб олган, уни бу кийимда кўришни ғоят ёқтирардим, у бугун ҳамишагидан ҳам қувноқроқ кўринарди, биз дарҳол иккаламизни ҳам қизиқтирган масала устида гап бошладик. Гёте Карлайлнинг мақоласини бугун тонгда кўриб чиққанини айтди, шу муносабат билан биз хорижий ёзувчиларнинг интилишлари борасида бир-иккита мақтов сўзларини айтиш имконига эга бўлдик.

— Шотландларнинг аввалги расмиятчиликлари ўрнини, — деди Гёте, — жиддийлик ва асослилик эгаллаётганини кўриш қувончли. Эденбургликлар¹нинг менинг асарларимга бир неча йил олдинги муносабатларини эсга олиб, буни Карлайлнинг немис адабиёти олдидаги ҳозирги хизматларига солиштирадиган бўлсам, яхши томонга анчагина қадам ташланганига гувоҳ бўламан.

— Карлайлда, — дедим мен, — аввало, ижодий фаолиятининг асосини ташкил этувчи руҳ ва характер диққатга сазовор. У ўз миллатининг маданий савиясини ошириш учун ҳаракат қилади, хорижий ёзувчилар асарларида ўз халқига етказишни истаган юксак бадиийликнигина эмас, балки маънавий етукликни ҳам қидиради ва уларни топишга ҳаракат қилади.

— Ҳа, — деди Гёте, — унинг интилишлари энг улур мақтовга лойиқ. У ҳамма нарсага жиддий ёндошади! Биз, немисларни жиддий ўрганади! Бизнинг адабиётимизни ўзимиздан кўра яхшироқ билади, ҳар қалай Англия адабиётини билишда биз улар билан тенглашолмаймиз.

— Бу мақола, — дедим мен, — қатъий ва жўшқин бир оҳангда ёзилганки, афтидан Англияда ҳалигача қарши қурашиш лозим бўлган эскича қарашлар ва зид фикрлар мавжуд кўринади. «Вильхельм Мейстер»ни ичиқора танқидчилар ва ёмон таржимонлар ёқимли бир ҳолатда тақдим этишмаган шекилли, Карлайл уларга қарши ўринли фикрлар айтган. Бирорта оқила аёл «Мейстер»ни ўқиши мумкин эмас, деган тухмат қарашларга қарши чиқиб, Карлайл Пруссиянинг охирги қироличасини мисол қилиб келтиради, ўз даврининг

¹ Бу ерда «Эденбург ревью» («Эденбург хабарлари») номли Шотландияда чиқадиган обрўли адабий журнал кўзда тутилган, у рационализм тарафдори бўлган, ҳиссиёт билан борлиқ ҳамма нарсага танқидий назар билан қараган, бу ерда шунга ишора қилинган. Дастлаб журнал Гёте ижодига ҳам шундай назар билан қараган, Карлайл мақоласидан кейин бундай қараш ўзгарган.

энг таникли аёлларидан ҳисобланган киролича «Мейстер»ни кўлидан кўймай ўқиганини айтади.

Айрим меҳмонлар кириб келишди, Гёте улар билан саломлашди, сўнг у диққатини яна менга қаратди, мен сўзимда давом этдим:

— Аниқки, — дедим мен, — Карлайл «Мейстер»ни яхши ўрганган, асарнинг қимматини идрок этган ҳолда, унинг кенг тарқалишини, ҳар қандай илмли одам уни ҳузур қилиб ўқиб, ундан бирор фойдали нарса олишини истайди.

Гёте сўзларимга жавоб қайтариш учун мени дераза олдиға етаклади.

— Болагинам, — деди у, — мен Сизга бир сирни очай, бундан Сиз кўп нарсани тушуниб оласиз ва буни билиш Сиз учун бир умрга керак. Менинг асарларим ҳаммабоп бўлолмайди, ким аксини ўйласа ва уларни оммалаштиришга уринса, катта хато қилади. Улар омма учун эмас, балки мен излаган нарсани хоҳлайдиган, интилишлари менинг интилишларимга уйғун бўлган алоҳида кишилар учун ёзилган.

У яна нимадир демоқчи эди, шу пайтда бир аёл кириб келди ва сўзни бўлиб, Гётени суҳбатга тортди. Мен бошқа меҳмонларга кўшилдим, кўп ўтмай столга ўтирдик.

Тушлик маҳали нималар ҳақида сўз боргани ёдимда йўк, Гётенинг сўзлари бутун фикру зикримни эгаллаб олган эди.

Дарҳақиқат, ўйладим мен, унингдек ёзувчи, мислсиз юксак онг, чексиз қамровли табиат соҳиби қандай қилиб оммавий бўлсин! Унинг кичик бир бўлаги ҳам оммавий бўлолмайди! Қувноқ йигитчалар ёки севиб қолган қизлар куйлайдиган бирорта кўшиғи ҳам ҳаммага бирдек етиб боравермайди-ку!

Ахир, аслини олганда барча олий нарсалар оммавийми? Моцарт оммавийми? Рафаэл-чи? Ахир инсониятга, маънавий чанқоқлигини маълум муддатга қондириш учун туганмас чашмадан аҳён-аҳёнда бир култумдан ичиб туриш етарли эмасми?

Ҳа, дея фикрлашда давом этардим, Гёте ҳақ. У истеъдодининг қамровига кўра оммавий бўлолмайди, унинг асарлари худди шу нарсани излаган ва шундай йўналишни хоҳлаган алоҳида одамларга аталган. Улар, унинг йўлидан юриб ёруғ олам ва башариятни туб-тубигача англаб етишни истайдиган, онгли одамлар учун ёзилган. Ҳамма нарсани юксак ҳиссиёт билан қабул қиладиган шоирдан қалб кечинмаларига монанд оҳангларни топишга уринадиганларга аталган. Фикрни қандай ифодалашни, у ёки бу нарса-ҳодисани қай тахлит моҳирона тасвирлашни ўрганишни истайдиган ёш шоирларга аталган.

Улар танқидчиларга намуна бўладиган йўл-йўриқларки, токи улар шунга асосланиб бирор асар ҳақида ҳукм чиқаришсин, токи тақризларни шундай ёзишсинки, бошқалар уни қизиқиш билан ўқишсин. Унинг асарлари мусаввирларга мўлжалланган, чунки улар рассомлар дунёқарашини бойитиб, шу билан бирга, қайси нарса бадий қимматга эга, нимани тасвирлаш керагу нимани тасвирламаслик кераклигини ҳам ўргатади. Улар табиатшунослар учун ҳам ёзилган, улардан олимлар нафақат у кашф этган қонунларни билиб олишади, балки табиат ўз сирларини намоён қилиш учун унга оқилона ёндашиш усулларини ҳам ўргатади.

Шундай қилиб, илм ва санъат сари интиладиган барча одамлар унинг асарлари қўйилган тўкин стол атрофидаги меҳмонлар бўлиб, улар буюк нур ва ҳаёт булоғидан олган билимларини ўз фаолиятлари билан намоёниш қиладилар.

Тушлик пайтида мана шундай фикрлар кўнглимдан кечди. Мен айрим шахслар, кўплаб машҳур рассомларимиз, табиатшуносларимиз, шоирлару танқидчиларимизни эсга олдим, улар ўзларининг шу даражага етишларида кўп жиҳатдан Гёте олдида бурчли эдилар. Истеъдодли италянлар, французлар, инглизлар ҳам ундан ўрганиб, унинг руҳига мос қадам ташладилар.

Бу орада теварагимдагилар ҳазил-ҳузул қилишиб, кулишиб, мазали овқатларни мақтаб ўтиришарди. Мен ҳам аҳён-аҳёнда орага сўз ташлаб турсам-да, бироқ хаёлим паришон эди. Бир хоним менга аллақандай савол билан мурожаат қилди, афтидан мен ўринсиз жавоб қайтардим шекилли, ҳамма устимдан кула бошлади.

— Эккермани тинч қўйинглар, — деди Гёте, — у театрдан бўлак ҳамма жойда паришонхотир бўлади.

Ҳаммалари кулишди, бироқ бундан хафа бўлмадим, бугун мен ич-ичимдан бахтли эдим. Мен кўплаб оғир синовлардан сўнг шундай буюк инсоннинг ишончига сазовор бўлиб, унинг ёнида яшаш бахтини насиб этган қисматимдан миннатдор эдим, унинг буюклиги ҳозиргина бутун вужудимни ларзага солган, ўзи эса бор жозибаю салобати билан кўз олдимда шахсан ўтирарди.

Десертга бисквит билан ажойиб узум келтиришди. Узум узоқ жойдан келтирилган, аммо Гёте қаерданлигини сир тутди. У узумни меҳмонларга тарқатди ва стол оша менга яхши пишган бир бошини узатди.

— Бу ерда, азизим, — деди у, — ширинликларни маза қилиб енг.

Гётенинг кўлидан олган узум айниқса ширин туюлди, энди мен бутун жисму жоним билан Гётега яқин эдим.

Сўз театр ҳақида, истейдодли актёр Вольф¹нинг театр учун қилган хизматлари хусусида борди.

– Яхши биламанки, — деди Гёте, — бу ердаги катта ёшдаги актёрлар кўп нарсаларни мендан ўрганишган, лекин ҳақиқий маънода шогирдим деб фақат Вольфни айтишим мумкин. У мен ўргатган қоидаларни қандай ўзлаштиргани, менинг йўналишимда қандай ҳаракат қилгани ҳақида жон деб гапириб бераман ва буни такрорлашдан чарчамайман.

– Бир куни мен Вольфдан театрга боғлиқ бўлмаган сабаб туфайли аччиқландим. Кечкурун у сахнада ўйнаши керак, мен ўз ложамда ўтирардим. «Мана энди, ўйладим мен, кунингни кўрсатаман, бугун унга нисбатан кўнглимда унинг камчиликларини кечира оладиган заррача ҳам майл йўқ». Вольф сахнага чиқди, ундан синовчан назаримни бир зумга ҳам узмадим! У қандай ишонч билан ўйнади денг! Ҳаракатларидаги ўткирликни айтмайсизми! Қанча ҳаракат қилмайин, ундан бирорта камчилик тополмадим, у мен ўргатган қоидалардан четга чиқмай ўйнади, шунда у билан ярашиб олишга қарор қилдим.

1828 йилнинг 20 октябри, душанба

Тов ишлари бўйича боннлик катта маслаҳатчи Неггерат² Берлинда бўлган табиатшунослар анжуманидан қайтаётиб, бугун тушликда Гётеникида азиз меҳмон бўлди. Гурунг асосан маъданшунослик ҳақида борди. Ҳурматли меҳмон Бонн маъдан қазилмалари ва захиралари тўғрисида батафсил ҳикоя қилди.

Тушлик қилиб бўлгач, Юнонанинг улкан бюсти турган хонага ўтдик. Гёте меҳмонларга Фригалия ибодатхонасининг нақшинкор ҳошияси туширилган узун қоғоз бўлагини кўрсатди. Ушбу қоғоз бўлагини томоша қилиш жараёнида таъкидландики, юнонлар ҳайвонлар тасвирини беришда табиий ҳолатга эмас, балки қачонлардир тугилган тасаввурларига суянишган. Шундан бўлса керак, улар табиийликдан йироқ, барельефларда тасвирланган кўйлар, қурбонликка аталган ҳайвонлар, отлар, аксари ҳолларда қотиб қолган беўхшов дурагай ҳайвонларга ўхшаб қолган.

¹ *Вольф Ший Александр (1782–1828)* — Ваймар театрининг актёри.

² *Неггерат Якоб (1788–1877)* маъданшунос.

— Бу фикрга қарши эмасман, — деди Гёте, — лекин, аввало бундай асарлар қайси давр ва қайси рассомга тегишли эканлигини аниқлаб олиш керак. Чунки шундай санъат асарлари борки, уларда юнон рассомлари хайвонларни тасвирилар эканлар, нафақат табиат билан тенглашган, балки ундан ҳам ўзиб кетишганига гувоҳ бўламиз. Дунёда отларнинг энг зўр билимдонлари бўлган инглизлар, антик даврга оид отларнинг каллалари ҳозирги мавжуд от зотлариникидан фарқ қилмаслигини тан олишган. Бу каллалар юнон тасвирий санъатининг энг яхши даврига тегишли, бундай асарлар бизни хайратга солар экан, бу юнон рассомлари ҳозиргига нисбатан янада мукамалроқ ҳолат бўйича чизишган, дегани эмас, балки улар вақт ўтиши ва санъатнинг тараққий этиши билан ўзлари ҳам ўсиб, табиий ҳолатга ўз шахсий улуғворликлари билан ёндашишган.

Гёте бу гапларни айтаётганда мен бир хоним билан стол ёнида турганча бир гравюрани томоша қилардик, гарчи Гётенинг сўзларига ярим диққатим қаратилган бўлса-да, улар менинг қалбимда муҳрланиб қолди.

Меҳмонлар аста-секин тарқалишди, биз печка ёнида турган Гёте билан ёлғиз қолдик. Мен унинг ёнига яқинлашдим.

— Жаноби олийлари, — дедим мен, — Сиз ҳозиргина юнонлар табиий ҳолатга ўз шахсий улуғворликлари билан ёндашишган, деган гапларни айтдингиз, бу жуда қимматли фикр, менимча, биз ҳалигача бунинг чуқур тубига кириб борулганимиз йўқ.

— Ҳа, азизим, — деди Гёте, — ҳамма гап шунда. Бирор нарса қилиш учун нимадир бўлиш керак. Дантени буюк ҳисоблаймиз, аммо унинг юртида неча асрлик маданият турипти, Ротшильдлар уйи¹ бойликлари билан машҳур, аммо бундай бойликни тўплаш учун бир инсон умридан ҳам кўп муддат сарфланди. Буларнинг моҳияти ўйлаганимиздан ҳам кўра чуқурроқ. Қадимги немис усталари услубида ишлаётган бизнинг яхшигина рассомларимиз табиат тасвирига инсон сифатида бўш, санъаткор сифатида уқувсизларча ёндашадиларда, ўзларича яхши чизаяпмиз, деб ўйлайдилар. Улар тасвирилаётган нарсаларидан паст туришади. Буюк нарса яратишни истаган одам, биринчи навбатда, ўз онгини ошириши керак, токи юнонлар сингари тубан, реал мавжуд бўлган табиий ҳолатни ўз онги даражасига кўтара олсин, табиатдаги ички

¹ *Ротшильдлар уйи* — Франкфурт, Вена, Париж, Лондон ва Неаполдаги банк бинолари кўзда тутилган.

заифлик ёки ташқи тўсиқлар туфайли ният ҳолида қолиб кетган нарсаларни юзага чиқара олсин.

1828 йилнинг 22 октябри, чоршанба

Бугун тушлик пайтида аёллар ҳақида сўз очилди, Гёте бу хусусда гўзал ибораларни баён қилди.

— Аёллар, — деди у, — кумуш идишлар, биз уларни олтин олмалар билан тўлдирамиз. Менинг аёллар ҳақидаги фикрим ҳаётий тажрибамдан келиб чиқмаган, балки, улар туғма, қандай йўл билан миямда туғилган, буни худо билади. Шунинг учун менинг аёл қаҳрамонларим ҳаммаси яхши чиққан, улар ҳаётда учрайдиган аёллардан кўра яхшироқ.

1828 йилнинг 18 ноябри, сешанба

Гёте «Эденбург ревью» («Эденбург хабарлари») журналининг янги сони ҳақида гапирди.

— Инглиз танқидчиларининг, — деди у, — ҳозирги пайтда юксак савияда, тиришиб ишлаётганларини кўриш қувончли ҳол. Илгариги расмиятчиликлардан асар ҳам қолмаган, уларнинг ўрнини ижобий хислатлар эгаллаган. Олдинги сонидан босилган олмон адабиёти ҳақидаги бир мақолада қуйидаги фикрни ўқиш мумкин: «Шундай шоирлар борки, бошқалар миясидан чиқариб ташлашни афзал кўрган фикрлардан улар айрилишни исташмайди». Хўш, бу гапга нима дейсиз? Қай даражага етганимиз ва ҳозирги бир қатор адабиётчиларимизга қандай баҳо беришимиз лозимлиги шундан ҳам дарҳол маълум бўлади.

1828 йилнинг 16 декабри, сешанба

Бугун Гёте икковимиз унинг ишхонасида тушлик қилдик. Биз адабиётга тегишли хилма-хил масалалар устида гурунглашдик.

— Олмонлар, — деди у, — тор фикрлиликдан мутлақо қутулолмайди. Ҳозир улар менинг ва Шиллернинг тўп-ламларимизда босилган икки мисралик шеърларга ёпишиб олиб, шулар устида тортишишмоқда, улардан қайсиларини мен, қайсиларини Шиллер ёзган, деган масалага аниқлик киритишга ҳаракат қилишмоқда. Гўё шунга бирор нарса бовликдек, гўё шундан бирор киши манфаатдордек, ахир уларнинг мавжудлигининг ўзи муҳим эмасми!

Шиллер ва мен сингари дўстлар, йиллар давомида бир-бирлари билан яқин алоқада бўлиб, бир хил қизиқишлар,

кундалик учрашувлар, фикр алмашишлар билан шу қадар бир-бирларига киришиб кетишадики, у ёки бу фикр кимга тегишли эканлиги устида тортишиш кулгили. Кўплаб иккиликларни биргаликда ёзганмиз, кўпинча мен фикр берардим, Шиллер ёзарди, ёки аксинча бўларди, Шиллер битта шеърни ёзса, иккинчисини мен ёзардим. Қандай қилиб бу ерда сеники, меники деган гап бўлсин! Гапнинг рости, бунақа иккиланишларни ҳал қилишга озгина бўлса-да, аҳамият бермоқчи бўлган одам тор фикрлиликка бутунлай ўралашиб қолиши керак.

— Ахир бундай ҳолат адабий ҳаётда тез-тез учраб туради, — дедим мен, — айтайлик, у ёки бу машҳур ёзувчи асарининг оригиналликка кимдодир шубҳа туғилади-да, мавзунини қаердан олганини излашга тушади.

— Жуда кўлгили, — деди Гёте, — худди шу тахлит гавадали одамдан, нима еб семирдинг, деб сўраса бўларкан-да. Қобилият бизга туғилганимизданок берилади, бироқ унинг тараққиёти учун атроф-муҳитдаги минглаб таъсирлардан миннатдор бўлишимиз лозим, улардан биз ўзимизга керак бўлган, кучимиз етадиган нарсаларни ўзлаштириб оламиз. Мен юнонлар ва французлардан жуда миннатдорман, Шекспир, Штерн ва Голдсмит олдида бир умр қарздорман. Бироқ мендаги қобилиятнинг ривожланиши шу манбалар билангина чекланмайди, бундай манбалар беҳисоб, аммо уларни айтиб ўтиришга ҳожат йўқ. Муҳими, кишида асл нарсани севадиган, уни қаерда учратса ўзига қабул қилиб оладиган қалб бўлиши керак.

— Умуман, — сўзида давом этди Гёте, — дунё шундай кўҳнаки, унда минглаб йиллар давомида шунчалик кўп буюк одамлар яшаб, ижод қилдики, энди бирорта янгилик топиш ёки янги гап айтишнинг иложи бўлмай қолди. Менинг «Ранглар ҳақидаги таълимот»им ҳам у қадар янги эмас. Афлотун, Леонардо да Винчи ва шу каби улуғ олимлар бунини менгача кашф қилиб, шарҳлаб беришган, бироқ мен уни янгидан шарҳлаб берганим ҳамда бу ғала-ғовур оламда ҳақиқатга қайтадан йўл очишга уринганим — бу менинг хизматим.

Нега десангиз, ҳақиқатни тинмай такрорлаш керак, чунки атрофимизда мудом хато фикрлар нафақат айрим одамлар томонидан, балки оммавий равишда тарғиб қилинмоқда. Газета ва қомусларда, мактаб ва университетларда — ҳамма жойда ёлғон етакчилик қилади, бунинг сабаби, кўпчилик унинг тарафида эканлигидир.

Кўпинча ҳақиқат ва ёлғон бир вақтда ўргатилади, асосан кейингиси бизга сингдирилади. Яқинда мен бир инглиз комусида кўк рангнинг пайдо бўлиши ҳақида ўқидим. Дастлаб Леонардо да Винчининг тўғри қараши ҳақида сўз боради, кейин эса, хотиржам Ньютоннинг хато фикри келтирилади-да, шу фикрга таяниш кераклиги, чунки у кўпчилик томонидан тан олинганлиги таъкидланади.

Буни эшитиб, беихтиёр кулиб юбордим.

— Ҳар қандай шам ёки ҳар қандай ёритилган ошхона дуди, агар ортида бироз қоронғилик бўлса, ҳар қандай енгил тонгги туман, агар соя жойда бўлса, менга кўк рангнинг пайдо бўлишидан далолат беради ва осмоннинг кўклигини англаб етишга кўмаклашади. Ньютоннинг издошлари, ҳаво кўк рангдан бошқа ҳамма ранглари ютади, деган фикрни олға суришганда, нимани ўйлашади, ҳеч ақлим етмайди, шунингдек, бир жойда қотиб қолган ва соғлом тасаввурдан мутлақо маҳрум бўлган фикрдан қандай манфаат келишини ҳам тушунмайман.

— Барака топкурлар, — деди Гёте, — на фикр қизиқтиради бу одамларни, на кузатишлар. Уларнинг сафсата сотишлари учун ихтиёрларида фақат сўзлар борлигидан мамнун, холос, буни менинг Мефистофелим аллақачон билган ва буни яхшигина ифодалаб қўйган:

*Не деб сизни алдаса домло,
Ишонингиз, такрорланг фақат.
Шак келтирманг унга мутлақо,
Кўрмагайсиз шунда уқубат.
Сўзни маҳкам ушланг, тўғри йўл
Элтар сизни ишонч қасрига!*

(Э. ВОҲИДОВ таржимаси.)

Гёте кулиб шу мисраларни такрорлади, умуман, кўринишдан унинг кайфияти яхши эди.

— Яхшиямки, — деди у, — булар аллақачон босиб чиқарилган, бундан буён ҳам хато фикрларга ва уларни тарқатувчиларга қарши кўнглимдан кечган ҳамма фикрларимни эълон қилдиравераман.

— Табиатшунослик илмида, — бироз тин олиб сўзида давом этди у, — истеъдодли одамлар пайдо бўла бошлади, мен уларнинг фаолиятини қувонч билан кузатаман. Кўпчилиги яхши бошлашди-ю, аммо ишни охирига етказишмади, айрим-

¹ Қаранг: Гёте, «Фауст», 1-қисм. — Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашр. 1972, — 99-бет.

ларини ўта субъективлик хато йўлга бошлайди. Бошқалари фактларга ёпишиб олишади-да, уларни ҳаддан ташқари кўп тўплашади ва бу билан ҳеч нарсани исбот қилишолмайди. Умуман, асл моҳиятга етиб борадиган ва айрим ҳодисаларни аниқлаб олишга ёрдам берадиган назарий фикр етишмайди.

Бир ташриф гапимизни бўлди, кўп ўтмай яна икковимиз қолдик ва шеърият хусусида гурунг бошладик, мен Гётега, шу кунлари унинг кичик-кичик шеърларини ўқиганимни, айниқса иккитаси, яъни «Чол ва болалар» балладаси ва «Бахтли эр-хотин» шеъри устида кўпроқ тўхтаганимни айтдим.

— Ўзим ҳам шу икки шеърни яхши кўраман, — деди Гёте, — аммо олмон китобхонлари ҳозиргача бунинг фаҳмига етолганлари йўқ.

— Балладада, — дедим мен, — бой мазмун хилма-хил поэтик шакллар, турли-туман тасвирий воситалар ёрдамида тор бир доирага жамланган, айниқса диққатга сазовори шундаки, чол болаларга тарихнинг ўтмишини ҳозирги давр бошланган нуктагача айтиб беради-да, қолган воқеалар кўз олдимизда намоён бўлади.

— Мен бу балладани қоғозга туширгунга қадар узоқ вақт миямда олиб юрдим, — деди Гёте, — узоқ йиллар хаёлимда пишитдим, ҳозирги ҳолатида яратишга муваффақ бўлгунга қадар уч-тўрт марта ёзишга уриндим.

— «Бахтли эр-хотин» шеъри ҳам, — давом этдим мен, — турли мотивларга бой, ёқимли баҳор осмонида чарақлаб турган қуёш нуридан баҳра олган табиат манзаралари ва кишилар ҳаёти кўз олдинда намоён бўлади.

— Бу шеъримни ҳамиша яхши кўраман, — деди Гёте, — Сиз унга алоҳида аҳамият бераётганингиздан хурсандман. Болани икки карра чўқинтириш ҳақидаги ҳазил ҳам, назаримда, анча дуруст чиққан.

Кейин «Бюргергенерал» ҳақида сўзлашдик, мен уни яқинда бир инглиз билан бирга ўқиб чиққанимни, иккаламизда ҳам уни театр сахнасида томоша қилиш истаги туғилганини айтдим.

— Ўз даврида бу яхши пьеса эди, — деди Гёте, — кўп окшомлар биз уни ҳузур қилиб кўрганмиз. Ҳақиқатан ҳам, роллар тўғри тақсимланган, актёрлар ролларини яхши ўрганишган, диалоглар жуда жонли чиққан эди. Мэртенни Мальколми¹ ўйнаган эди, бу ролга ундан зўр актёрни топиб бўлмасди.

¹ Мальколми (1819 йилда вафот этган) — актёр.

— Шпанснинг роли ҳам, менимча, жуда зўр, — дедим мен, — ўйлайманки, театрларимиз репертуарларида бундай ажойиб роллар кам. Бу образда, худди бутун пьесада бўлганидек, ҳамма нарса шу қадар аниқ, шу қадар жонлики, театр бундан ортиғини орзу қилмаса бўлади. У елкасига рюкзак осиб олганча сахнада пайдо бўлиб, унинг ичидан бирин-кетин ҳар хил буюмларни чиқариши, Мэртенга мўйлаб ёпиштириши, ўзининг эғнига мундир, бошига фригий қалпоғи¹ни кийиб, ёнига қилич осиб олганча юриши — энг яхши сахналардан бири.

— Бу сахна, — деди Гёте, — илгариги вақтларда томошабинларга ҳамиша маъқул бўларди. Бунинг устига, нарсаларга тўла рюкзак ҳақиқий тарихий уйғунликни яратарди. Мен уни инкилоб даврида Франция чегарасидан ўтаётганимда топиб олганман, у ердан эмигрантлар қочиб ўтишаётганда афтидан бирортаси ё йўқотиб қўйган ёки ташлаб юборган. Сахнада кўринадиган ҳамма нарсалар унинг ичида бор эди, мен буни кейин ёзганман, томошабинларни қизиқтириш учун рюкзак ҳар гал сахнага олиб чиқиларди.

«Бюргергенерал»ни ҳозир ҳам қизиқиш билан кўриб фойда олса бўладими, деган масала устида анча гурунглашдик.

Кейин Гёте француз адабиёти бўйича қандай ютуқларга эришаётганим билан қизиқди, мен вақти-вақти билан Вольтерни ўқиётганимни, бу улур истеъдод эгаси менга кўп ҳузур бағишлаётганини айтдим.

— Барибир мен уни яхши билмайман, — дедим мен, — унинг айрим шахсларга бағишлаб ёзган кичик-кичик шеърлари доирасидан чиқиб кетолмайман, уларни қайта-қайта ўқийвераман, улардан ҳеч ажралолмайман.

— Тўғриси, — деди Гёте, — Вольтердек буюк талант соҳиби ёзган ҳамма нарса яхши, бироқ айрим ярамасликларини ҳеч кечиролмайман. Ҳар ҳолда сиз унинг майда шеърларидан нари кетолмаётганингиз бир томондан тўғри, дарҳақиқат, улар Вольтер ёзган ижод намуналарининг энг ёқимлилари ҳисобланади. Уларнинг ҳар сатридан заковат, тиниқлик, хуш кайфият ва жозиба уфуриб туради.

— Бунда яна Вольтернинг ер юзидаги буюкларга муносабатини ҳам кўриш мумкин, — дедим мен, — бундан ташқари, у ўз улурвор қарашларига ҳам эга, у ўзини олийзотлар билан

¹ Фригий қалпоғи — қадимги фригийларнинг бош кийими, одатда қизил рангда, тепа қисми тор, олдинга сал эгилган баланд қалпоқ; кейинроқ уни озод бўлган қуллар кийгани учун озодлик рамзи ҳисобланган.

тенг ҳисоблар, унинг эркин руҳини бир зумга бўлса-да чега-ралайдиган бирорта ҳукмдор топилмаса керак.

— Ҳа, — деди Гёте, — унда улугворлик бор эди, эркин-ликни ҳар қанча севиши, ҳар қанча жасорати билан у ўзини одоб-ахлоқ доирасида тутишни билар, бу унинг обрўсини янада оширарди. Мен тан олинган обрўли инсон сифатида Австрия қироличаси¹нинг сўзларини келтиришим мумкин, у менга бир неча бор, Вольтернинг шеърларида олийзотлар-га нисбатан назокат доирасидан чиқадиган бирор белгини кўрмайсиз, деган эди.

— Эҳтимол эсингиздадир, жаноби олийлари, — дедим мен, — у бир кичик шеърда аввал Пруссия маликаси²га, кейин швед қироличасига севги изҳор қилиб, тушимда қирол даражасига етган эдим, дейди.

— Бу унинг энг жозибали шеърларидан бири, — деди Гёте ва қироат қилди:

*Ye vous aimais, princesse, et j'osais vous le dire,
Les Dieuxa mon riveil ne m'ont pas toutote,
Ye n'ai perdu que mon empire³.*

— Ҳа, ғоятда жозибали! Бундан ташқари, — сўзида давом этди Гёте, — назаримда, истеъдоди ҳар дақиқа хизматга шай турган Вольтердек шоир бошқа бўлмаса керак. Бир латифа ёдимга тушди: Вольтер бир муддат дўсти дю Шател⁴никида меҳмондорчиликда бўлиб, энди кетишга шайланиб, извош ҳам эшик олдида тайёр турган пайтда қўшни монастирдаги бир гуруҳ қизлардан хат келиб қолади, унда монастир бекасининг туфилган кунида «Юлий Цезарнинг ўлими»ни қўйишмоқчи бўлганларини ёзиб, Вольтердан унга пролог ёзиб беришни сўрашган эди. Бундай ёқимли илтимосни Вольтер рад қилолмайди, дарров қоғоз-қалам сўраб олиб камин чеккасига ўтирганча сўралган прологни ёзиб беради. Бу — йигирматача сатрдан иборат, яхши ўйланган, тугал, ўша вазиятга айнан мос тушадиган, хуллас, энг зўр шеър эди.

— Уни жудаям ўқигим келяпти, — дедим мен.

¹ Австрия қироличаси — Мария Людовика Беатрич (1787 — 1816), қирол Франснинг иккинчи хотини.

² Пруссия маликаси — Луиза Ульрика (1720 — 1782), Буюк Фридрихнинг синглиси, 1744 йилда швед қироли валиахдига турмушга чиққан.

³ Мен Сизни севардим, маликам, буни айтишга журъат қилолмасдим, худолар менинг тилагимдир, мен учун ҳамма нарсадан улуг, мен эса факат салтанатнигина йўқотдим (фр.)

⁴ Маркиза Эмилия дю Шатель (1706 — 1749) — француз адибаси, унинг асарларини Вольтер беҳад мақтаган.

— У сизнинг тўпламингизда бўлмаса керак, — деди Гёте, — у яқиндагина матбуотда босилди. Бунақа шеърлардан у юзлаб ёзган, уларнинг кўпчилиги чоп этилмасдан, турли одамларнинг кўлида сақланмоқда.

— Яқинда мен лорд Байроннинг бир асарида ўқиб қолдим, — дедим мен, — у ҳам Вольтерни ниҳоятда хурмат қилишини билиб жуда қувондим. Унинг асарларидан кўриниб туриптики, у Вольтерни ўқиб-ўрганган, ундан фойдаланган.

— Байрон, — деди Гёте, — қаердан нима олишни яхши билган, у беҳад оқил эди, ушбу ҳаммабоп нур булоғини инкор қилолмасди.

Гурунг мавзуси беихтиёр Байронга, унинг алоҳида асарларига кўчди, шу муносабат билан Гёте ўзи илгари айтган ушбу буюк истеъдод соҳибига бўлган ҳайрат ва эътирофини яна бир бор такрорлади.

— Сиз, жаноби олийлари, Байрон ҳақида нима деган бўлсангиз, ҳаммасига қўшиламан, — жавоб бердим мен, — аммо у истеъдодли шоир сифатида қанчалик буюк бўлмасин, унинг асарлари инсоният тараққиёти учун етарли даражада хизмат қилишига кўпам ишонмайман.

— Бу гапингизга унчалик қўшилмайман, — деди Гёте, — Байрондаги жасорат, улуғлик ва дадиллик — булар тараққиётга туртки беролмайдими? Фақат софлик ва маънавий юксакликкина тараққиётга хизмат қилади, дейишдан тийилмоқ керак. Ҳар қандай улуғлик тараққиёт омили, фақат биз уни англаб ета олишимиз лозим.

1829

1829 йилнинг 4 феввали, чоршанба

— Мен Шубартни қайта ўқидим, — деди Гёте, — у фавкулудда оқил одам, агар киши уни ўз тилига таржима қилса, унинг анча-мунча ўткир фикрлари бор. Китобининг асосий ғояси қуйидагилар: бирор нуқтаи назар фалсафага боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд, яъни у инсоннинг соғлом мушоҳадаси ҳисобланади, санъат ва фан фалсафага эмас, балки инсондаги туғма кучларга эркин таянган ҳолда тараққий этаверади. Мен мудом фалсафий мушоҳадалардан ўзимни олиб қочдим, соғлом инсоний мушоҳада — менинг ҳам нуқтаи назарим бўлиб келди, мен бир умр айтиб, таяниб келган фикрни Шубарт тасдиқламоқда.

Мен унда маъкулламайдиган ягона хусусият шуки, у кўплаб нарса-ходисалар хақида ёзганидан кўра яхшироқ биледи, бошқача айтадиган бўлсак, ишга ҳамиша ҳам чин кўнгилдан киришмайди. Шубарт ҳам, Ҳегель¹ сингари, фалсафага ҳеч бир алоқаси бўлмаган динни унга аралаштиради. Дин ўзича қудратли куч, эзилган, азобланган инсониятга у кўп марталаб қайта оёққа туриб олишга мадад берган, модомики, унинг таъсири шу қадар кучли экан, демак, у фалсафадан устун туради ва унинг кўмагига муҳтож эмас. Худди шунингдек, файласуф ҳам айрим ҳолатларни, айтайлик, руҳнинг ўлмаслигини исбот қилишда динга таянмайди. Одам абадий барҳаётликка ишонishi керак, у бунга ҳақли, бу унинг табиатига хос, бунда у динга таянади, агар файласуф руҳнинг ўлмаслигини исботлаш учун диний ривоятлардан фойдаланадиган бўлса, бу усул ярамайди. Менинг фикримча, руҳнинг абадийлигига ишонч фаолият тушунчасидан келиб чиқади, чунки, агар мен умримнинг охиригача тинимсиз меҳнат қилсам, бордию ҳозирги ҳаётим бунга бардош беролмай қолса, табиат менга бошқа бир ҳаётни беришга мажбур.

Бу сўзларни тингларканман, юрагим ҳайрат ва муҳаббатдан тўлқинланиб кетди. Ё тавба, дея ўйладим мен, кишини бундан-да эзгуроқ ишларга йўналтирувчи фикр бирор марта айтилганмикан? Ахир ким ҳам, агар шу нарса абадий барҳаётлигининг гарови эканлигини билса, бир умр тинимсиз ҳаракат ва меҳнат қилмайди!

Гёте қаламтасвирлар ва мисга ўйилган гравюралар солинган портфелни олиб беришни сўради. Бир қанча варақларни жимгина кўриб чиққач, Остаде²нинг расмига ишланган чиройли гравюрани менга узатди.

– Мана бу, – деди у, – «Good man and good wife»³ асарига ишланган сурат.

Мен тасвирни катта қизиқиш билан томоша қилдим. Унда деҳқон кулбаси акс эттирилган бўлиб, ошхона, емакхона, ётоқхона – ҳаммаси битта хонада жойлашган эди. Эр-хотин юзма-юз ўтиришар, хотини иш тўқир, эри ипни тарқатиб берар, оёқлари олдида битта болача ўтирар эди. Орқа томонда каравот кўриниб турар, у ҳам уйдаги бошқа зарурий жиҳозларга ўхшаб кўримсизгина эди, эшик бевосита ҳовлига очиларди. Тасвирда оилавий бахт ҳақидаги тасаввур мукам-

¹ Ҳегель Георг Вильҳелм Фридрих (1770 - 1831) олмон файласуфи.

² Остаде Адриан ван (1610 - 1685) ҳолланд рассоми.

³ «Меҳрибон эр ва меҳрибон хотин» (ингл.) – шотланд балладаси.

мал бир тарзда акс этган эди, бир-бирига тикилиб турган эр-хотинларнинг чеҳраларида мамнунлик, беғамлик, муҳаббатга йўғрилган эр-хотинликдан бахтиёрлик туйғулари акс этган эди.

— Бу расми қанча узоқ томоша қилсанг, қалбинг шунчалик яйрайди, — дедим мен, — унда қандайдир жозоба бор.

— Бу ҳиссиётлилик жозибаси, — деди Гёте, — ҳеч қандай санъат усиз мавжуд бўлолмайди, мана шунга ўхшаш сюжетларда у бор бўйи билан намоён бўлади. Анча юксак йўналишдаги тасвирларда, рассом идеал нарсани акс эттиришга интилганда эса, аксинча, асар қуруқ ва совуқ бўлиб қолмаслиги учун унга керакли ҳиссиётлиликни сингдириш жуда қийин. Бунда рассом ўзининг ёшини ҳисобга олиб сюжет танлаши керак, чунки қариллик ҳам, ёшлик ҳам унга ё мос келиши ёки халақит бериши мумкин. «Ифигения» ва «Тассо» яхши чиққан, негаки мен ўзимдаги ҳиссиётлиликни идеал материалга сингдириш ва уни жонлантиришга эришиш учун хийла ёш эдим. Ҳозирги ёшимда идеал сюжетларга кучим етмайди, энди ҳиссиётлилик ўша материалнинг ўзида мавжуд бўлган сюжетларни танлайман. Агар Генастлар¹ қоладиган бўлишса, насрда ҳар бири учун икки кўринишли иккита пьеса ёзаман: бири қувноқ, кулгили, охири тўй билан тугайди, иккинчиси қайғули, юракни тилка-пора қиладиган, охирида сахнада иккита жасад қолади. Биринчиси Шиллер давридан қолган сюжет, менинг зўрлашим билан у бунга бир кўриниш ҳам ёзган эди. Мен бу сюжетларни кўпдан бери ўйлаб юрардим, улар ҳозир миямда шундай пишиб етилганки, мен уларни «Бюргергенерал»им сингари айтиб туриб ёздиришим мумкин.

— Шундай қилинг, — дедим мен, — ҳар ҳолда иккала пьесани ҳам ёзинг, «Жаҳонгашталиқ йиллари»дан кейин бу сиз учун ҳордиқ ва ўзига хос саёҳатдек бўлади. Ҳеч ким буни кутмаган пайтда Сиз театр учун нимадир қилганингизни кўриб ҳамма роса хурсанд бўлади.

— Айтиб ўтганимдек, — сўзида давом этди Гёте, — агар Генастлар бу ерда қолишса, Сизларга бундай томошани инъом этишим аниқ. Акс ҳолда бунга иштиёқ бўлмаслиги мумкин, чунки қороздаги пьеса ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Ёзувчи ўзи ишлайдиган материални яхши билиши, ролларни уларни ўйнайдиган актёрларга мос қилиб ёзиши лозим. Генаст ва

¹ *Генаст Каролина Кристина (1800–1860), Генаст Эдуард (1797–1866)* – Ваймар театрининг актёрлари.

унинг рафикасини, шунингдек, Ларош¹ни, жаноб Винтербергер²ни ва мадам Зайдел³ни кўзда тутган ҳолда нима қилишим лозимлигини биламан ва шунда режам амалга ошишига ишончим комил бўлади.

— Театр учун ёзиш, — давом этди Гёте, — алоҳида эътибор талаб қиладиган иш, бунинг ҳавосини олмаган киши, яхшиси бу ишга киришмагани маъқул. Одамларнинг фикрича, қизиқарли воқеа сахнада ҳам қизиқарли кўринаверади, асло бундай эмас! — Шундай нарсалар борки, уларни маза қилиб ўқиш, улар ҳақида маза қилиб ўйлаш мумкин, бироқ сахнага олиб чиқилгач, бутунлай ўзгариб кетади, китобда бизни ҳаяжонга солган нарса, сахнада, эҳтимол, умуман қизиқтирмаслиги мумкин. Менинг «Херманн ва Доротея»мни ўқиганда, буни театр сахнасида кўриш зўр бўлса керак, деб ўйлаш мумкин. Тёпфер⁴ шу фикрга алданиб, уни пьесага айлантирди, хўш, бундан нима чиқди, бунинг устига уни яхшилаб ўйнамаса, уни яхши пьеса деб бўлмайди-ку ахир? Театр учун ёзиш — бу махсус билим, махсус истеъдод талаб қиладиган иш. Униси ҳам, буниси ҳам кам учрайди, биргаликда-ку умуман йўқ, буларсиз бирор яхши нарсани кутиш амримаҳол.

1829 йилнинг 9 феввали, душанба

Гёте «Хамроз диллар» ҳақида узоқ гапирди, нотаниш бир одам Митлерда ўз қиёфасини кўрганлигини айтганини ҳам қўшиб қўйди, аслида Гёте у одамни умрида кўрмаган экан.

— Бундан чиқадиган хулоса шуки, — деди у, — қахрамон характери ҳаққоний ҳамда ўз прототипига эга бўлмоғи керак. «Хамроз диллар»да шахсан ўзим бошимдан ўтказмаган бирор-та сатр йўқ. Умуман олганда, бу асарга китобхон биринчи ўқишдаёқ илғаб оладиганидан кўра кўпроқ нарса сингдирилган.

1829 йилнинг 10 феввали, сешанба

Мен Гётени Бремен портига тегишли хариталар ва чизмалар орасида учратдим, бу улкан қурилиш уни жуда қизиқтирарди.

¹ Ларош Карл Август (1794 – 1884) — актёр.

² Винтербергер Георг (1804 – 1860) — Ваймар театрининг актёри.

³ Зайдел Доротея, асли Мейер — 1823 йилдан Ваймар театрининг актрисаси.

⁴ Тёпфер Карл (1792 – 1871) — олмон ёзувчиси.

Кейин Мерк ҳақида сўзлашдик, Гёте менга унинг 1776 йилда Виландга ёзган мактубини ўқиб берди, у силлаботоник усулда ёзилган, бироқ кўпол, аммо мазмундор шеър эди. Бунда асосан Якоби нишонга олинган бўлиб, Виланд «Меркурий» журналидаги беҳад холис ният билан ёзилган тақризида Якобини ошириб мактаб юборган шекилли, Мерк буни кечиролмаган.

Маданиятнинг ўша пайтдаги аҳволи, «Бўрон ва хужум» давридан халос бўлиб, янада юксакроқ маданиятга эришишнинг қийинлиги ҳақида гапирди.

Ўзининг Ваймардаги дастлабки йиллари, поэтик истеъдоднинг реал ҳаёт билан тўқнашуви, саройдаги лавозими ва турли-туман соҳалардаги давлат фойдасини кўзлайдиган вазифаларни ўз бўйнига олгани, шу боисдан дастлабки ўн йил ичида поэтик аҳамиятга молик бирор нарса ёзолмагани ҳақида гапирди. Айрим парчаларни ўқиб берди. Севги можаролари туфайли кўнгилсизликлар келиб чиққан, отаси унинг саройдаги хизматидан мудом норози бўлган.

Унинг жойини ўзгартирмаслигига сабаб бўлган афзалликлар, бир марта бошдан кечирган синовларни иккинчи марта такрорламасликни лозим кўрган.

Поэтик қобилиятини қайта тиклаш учун Италияга қочган. Бу ҳақда биров билиб қолса, у ёққа боролмайман, деб ирим қилган. Шу сабабли буни сир сақлаган, Римдан туриб ҳерцогга хат ёзган.

У ўзига катта талабларни қўйиб Италиядан қайтган.

Ҳерцогиня Амалия. Бутун борлиғи билан олийзот, инсоний ҳис-туйғуларга бой, ҳаётдан лаззат олишни билладиган аёл. У Гётенинг онасини жуда қадрлаган ва унинг Ваймарга келишини истаган. Гёте бунга қарши бўлган.

«Фауст»ни ёза бошлагани ҳақида икки оғиз сўз:

— «Фауст» «Вертер» билан бир вақтда бошланган, мен уни 1775 йилда Ваймарга олиб келганман. Уни почта қозонларига ёзганман, бирор нарсани ўчирмаганман, чунки бирорта тузатишга мажбур бўладиган нотўғри сатрни ёзиб қўйишдан кўрққанман.

1829 йилнинг 11 феввали, чоршанба

Гётеникида бош меъмор Кудрэ билан бирга тушлик қилдик. Кудрэ аёллар ҳунар мактаби ва етимхона бинолари ҳақида кўп гапирди, булар мамлакатдаги энг яхши қурилишлар, деди. Биринчиси улуғ ҳерцогиня, кейингиси Буюк ҳерцог

Карл Август томонидан қурилган. Кейин гурунг театр декорациялари ва йўл қурилиши хусусида давом этди. Кудрэ Гётега ҳерцогга тегишли меҳроб лойиҳасини кўрсатди. Ҳерцог стули турадиган жойга Гёте қарши бўлди, Кудрэ унинг фикрини маъқуллади. Тушликдан сўнг Сорэ келди. Гёте жаноб фон Ройтерн'нинг суратларини кўрсатди.

1829 йилнинг 12 феввали, пайшанба

Гёте менга ҳозиргина ёзган ва ниҳоятда гўзал: «Ҳеч бир жонзот ҳеч нарсага парво қилмасин...» деган шеърини ўқиб берди.

— Мен, — деди у, — бу шеърни, «Агар ҳамма нарса тирикликка тегишли бўлишни истаса, йўқликка интилиши керак», деган сатрларга қарши ёздим, афсуслар бўлсинки, ушбу бемаъни сатрларни берлинлик дўстларим табиатшунослар анжумани чоғида олтин ҳарфлар билан ёзиб илиб қўйишган.

Гёте буюк математик Лагранж² тўғрисида гапириб, унинг ажойиб инсоний феъл-атворини таъкидлади.

— У кўнгли очик киши эди, — деди у, — айнан шу боисдан буюк эди. Агар кўнгли очик киши талант эгаси бўлса, у рассомми, табиатшуносни, шоирми, ким бўлишидан қатъи назар, инсоният маънавиятига самарали таъсир кўрсатади.

— Кеча Сиз Кудрэ билан яқиндан танишганингиздан хурсандман, — сўзида давом этди у, — одатда у кўпчилик ичида камгап, бироқ тор доирада, ўзингиз кўрдингиз, қандай ақл ва феъл-атвор унда мужассам. Дастлаб у кўп тўсиқларга учради, лекин ҳозир буларни енгиб ўтишга ҳамда ишонч ва илтифотга сазовор бўлишга эришди. Кудрэ давримизнинг энг мохир меъморларидан бири. Мен ҳамиша унга интилдим, у эса менга, бу иккимиз учун ҳам фойдадан холи бўлмади. Мен уни эллик йил аввал таниганимда эди...

Гётега хос меъморий билимлар ҳақида: Мен, буларнинг кўпини у Италияда эгаллаган бўлса керак, дедим.

— Италия менга жиддийлик ва улурлик тушунчасини ўргатди, — жавоб берди у, — аммо ҳеч қандай кўникма бермади. Ваймар саройининг қурилиши аввало мен учун намуна бўлди. Унда бевосита иштирок этишимга тўғри келди ва ҳатто айрим пештоқ нақшларини чиздим. Маълум маънода мен профессионал усталардан афзал эдим, чунки ғояларим уларникидан кўра чуқурроқ бўларди.

¹ Ройтерн Георгард фон, барон (1784–1865) — рассом.

² Лагранж Жозеф-Луи (1736–1813) — француз математиғи.

Гурунг мавзуси Цельтерга кўчди.

— Мен ундан мактуб олдим, — деди Гёте, — у гап орасида «Мессия»нинг премьерасини шогирд қизларидан бири бузганлигини, арияни ҳаддан ташқари бўш, суст, ҳиссиётга берилиб куйлаганини ёзган. Бўшанглик асримизга хос хусусият. Менимча, бу французлар истилосидан озод бўлишга қаттиқ интилиш оқибати бўлса керак. Рассомлар, табиатшунослар, ҳайкалтарошлар, муסיқачилар, шоирлар, айримларни истисно қилганда, ҳаммаси бўшанг, оддий халқнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас.

— Барибир, — дедим мен, — «Фауст»га ёзилган муносиб муסיқани тинглайман, деган умидим бор.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди Гёте. — Айрим ўринларда муסיқа ифодалаш лозим бўлган даҳшатли, хунук, жирканч ҳолатлар давримиз дидига тўғри келмайди. Бунга «Дон Жуан»даги муסיқа мос тушган бўларди, «Фауст»га Моцарт муסיқа басталаса эди. Бу Мейербернинг ҳам кўлидан келарди, аммо у бунга журъат этмайди, у италия театри билан ҳаддан ташқари яқин алоқада.

Шунда Гёте, нима сабабдану қандайдир муносабат билан куйидаги ғоят мазмундор фикрни айтди:

— Барча буюклик ва зехнлилик оз одамларда мавжуд бўлади. Шундай вазирлар бўлганки, уларга халқ ҳам, қирол ҳам қарши бўлган, улар ўз улкан ғояларини ёлғиз амалга оширишган. Зехн оммавий бўлади, деб орзу ҳам қилмаслик керак. Иштиёқ ва ҳис-туйғулар оммавий бўлиши мумкин, лекин ақл, зехн ҳамиша алоҳида шахсларга хос ҳислат бўлиб қолаверади.

1829 йилнинг 13 феввали, жума

Гёте икковимиз тушлик қилдик.

— «Жаҳонгашталиқ йиллари»ни тугатиш арафасидаман, — деди у, — энди Сорэ билан таржимани тугаллаш учун ботаника билан шуғулланаман. Фақат бу иш яна чўзилиб кетиб, даҳшатга айланади, деб кўрқаман. Катта сир-асрорлар ҳали очилмаган, айримларини биламан, кўплари ҳақида фақат тасаввурга эгаман. Ҳозир мен Сизга бир нарсани ишониб айтаман, сўзларим ғалати бўлиши мумкин.

— Ўсимлик бўғиндан-бўғинга томон ўсиб боради, ниҳоят гул ва муртак билан охирига етади. Ҳайвонот дунёсида ҳам худди шу ҳолат кечади. Бўғинли қурт ҳисобланган капалак курти ҳам бўғиндан-бўғинга томон ўсиб боради-да, бош билан

тугайди, юксак даражада ривожланган ҳайвонларда ва одамларда бунақа вазифани аста-секин кўшилиб борувчи умуртқа суяги бажаради ва у бош билан ниҳоясига етади, бошда барча кучлар жамланади.

Алоҳида организмларда кечган худди шундай ҳолат бутун бир уюшмаларда ҳам содир бўлади. Асаларилар, масалан, алоҳида организмлардан иборат бўлса-да, оила бўлиб яшаши ва биргаликда ўзига хос интихони юзага келтиради-да, бутун бирлашманинг боши она асалари бўлиб қолади. Бунинг қандай юз беришини билмаймиз, бу — сир, сўз билан ифодалаш қийин, аммо бу ҳақда айрим мулоҳазаларим йўқ эмас.

Халқ ўз қаҳрамонларини яратади, булар эса, ярим худолар янглиғ халқни ҳимоя қилади ва асрайди. Худди шу тахлит французларнинг поэтик кучлари Вольтерда бирлашди. Шунга ўхшаш омади кулган одамлар ўзлари яшаб турган даврдаги авлодга етакчилик қилишади, айримларининг таъсири узоқроқ давом этади, кўпчилигининг ўрнини янгилари эгаллайди, даврлар ўтиши билан эскилари унутилиб кетади.

Бундай пурмазмун фикрлардан қувониб кетдим. Кейин Гёте табиатшунослар ҳақида гапириб, аввало уларнинг вазифаси ўз назарияларини исботлаш эканлигини уқтирди.

— Жаноб фон Бух¹, — деди у, — янги асарини чиқарган, унинг сарлавҳасининг ўзида фараз яширинган. Унинг китобида сўз у ер-бу ерда учраб турадиган, қандай ва қаердан келиб қолгани номаълум гранит бўлаклари ҳақида боради. Жаноб фон Бух бундай бўлакларни қандайдир табиий кучлар ер остидан ташқарига чиқариб ташлаб, парчалаб юборган, деган фаразни ўртага ташлаган, уни сарлавҳада ифода этган, шунингдек сочилиб ётган гранит бўлаклари ҳақида ҳам сўз юритади, бундан сочиб ташлашга томон бир қадам йўл, шу билан ҳеч нарсадан хабари йўқ ўқувчи бўйнига хатолар сиртмоғи илинадики, у бундан қандай қутулишни билмайди.

Буларнинг ҳаммасини англаб етиш учун қариб қолгунча яшаш, орттирилган билимларнинг эвазини тўлай олиш учун етарлича пулга эга бўлиш лозим. Мен томонимдан айтилган ҳар бир *bonmot*² олтинга тўла ҳамён қимматида туради, ўз шахсий жамғарманинг ярим миллиони ҳозир билган нарсаларимни ўрганишимга сарф бўлди, нафақат отамнинг бутун мероси, балки менинг моянам ва эллик йил давоми-

¹ Бух Леопольд фон (1774–1853) — геолог олим.

² *Bonmot* — ўткир фикр (фр.).

даги қалам ҳақимнинг асосий қисми шунга кетди. Бундан ташқари, сарой аъёнлари фойдали илмий мақсадларга бир ярим миллион сарфлашганига ҳам гувоҳман, чунки мен улар билан яқин алоқада бўлиб, ҳар бир ишларида, ютуқлари ва муваффақиятсизликларида иштирок этганман.

Истеъдодли бўлишнинг ўзи етарли эмас, одамда зеҳн ҳам бўлиши керак, тўкин-сочинликда яшашни, ўз даврида катта ўйин ўйнаётганларнинг қартасига разм солишни ҳам билиши, ўзи эса катта ютуқ ва ютқазиларга тайёр туриши лозим.

Табиатшунослик билан шуғулланмаганимизда мен одамларнинг қандайлигини тўлиқ билмаган бўлардим. Бирон бошқа соҳада мушоҳада ва ўй-хаёлнинг тозаллигини, фаҳм-фаросат ва ҳиссиётлардаги хатоликларни, феъл-атвордаги кучлилиқ ва бўшангликни бу қадар кузатиб бўлмайди, ҳаммаси у ёки бу даражада эркин талқин қилиш имконини беради, бироқ табиат ҳазилни билмайди, ҳамиша қатъий, у ҳамиша ҳақ, хато қилиш ва адашишлар одамга хос. У фақирдан ўзини четта тортади, фақат қобилиятли, ҳалол ва соф кишигагина ўз сирини очади.

Ақл билан унинг моҳиятига етиб бўлмайди, инсон ибтидоий, жисмоний ва маънавий феноменларда намоён бўладиган, уларни яратадиган ва уларнинг ортига яширинган илоҳий либосга кўл теккизиш учун олий идрок эгаси даражасига ета олиши лозим.

Илоҳийлик ўликда эмас, балки тирик нарсаларда, шаклланаётган, мудом ўзгаришда бўлган, тўлиқ шаклланмаган, қотиб қолмаган нарсаларда ўзини кўрсатади. Шу боисдан идрок илоҳийликка интилар экан, фақат шаклланаётган, тирик нарсалар билан алоқада бўлади, ақл эса шаклланиб улгурган, қотган нарсалардан фойдаланади.

Демак, маъданшунослик амалий ҳаётга, ақлга тегишли илм, чунки унинг объекти аллақачон шаклланиб бўлган, бунда ўлик нарсалар, синтез ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Метеорологиянинг объекти ҳар куни ҳаракатда ва яратишда бўлган тирик нарса, бу ерда синтез бордек туюлади, бироқ унга дахлдор ходисалар шунчалик хилма-хилки, одам бу синтезни англаб етмайди ва шу сабабли унинг барча тадқиқот ва кузатишлари бекорга уни холдан тойдиради. Бунда биз хаёлдаги ороллар томон, фаразлар томон йўл оламиз, бироқ ҳақиқий синтез, эҳтимол, очилмаган кўриқлигича қолаверади. Бунинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ, чунки ўйлаб қарасам, ўсимликлар ва ранглар сингари оддий ходисаларда ҳам ҳеч бўлмаганда нисбий синтезга эришиб бўлмайди.

1829 йилнинг 15 феввали, якшанба

Гёте мени «Жаҳонгашталиқ йиллари» учун ёзилган табиий-тарихий мавзудаги афоризмларнинг таҳрири учун мақтов билан кутиб олди.

— Табиат билан шуғулланинг, — деди у, — Сиз мана шу учун яратилгансиз, дастлаб «Ранглар ҳақидаги таълимот»-имнинг қисқача баёнини ёзинг.

Биз ушбу мавзуда узоқ гаплашдик.

Қуйи Райндан жўнатма келди, ичида қазилмалар чоғида топилган антик даврга оид минераллар, соборларнинг жажжи тасвирлари, карнавал қўшиқлари туширилган идишлар бор эди, тушлиқдан сўнг уни очдик.

1829 йилнинг 17 феввали, сешанба

«Улуғ Кофта» асари устида кўп тўхталдик.

— Лафатер¹, — деди Гёте, — Калиостро² ва унинг мўъжизаларига ишонган. Уни фирибгар сифатида фош қилишганда Лафатер, бу бошқа Калиостро, чунки мўъжизакор Калиостро — илоҳий инсон, деган.

Лафатер кўнгли очик одам эди, бироқ у ақл бовар қилмас адашишларга мойил эди, у қатъий ҳақиқатни тан олмас, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам алдарди. Шу сабабдан икковимиз бир-биримиздан мутлақо йироқлашиб кетдик. Мен уни сўнгги бор Цюрихда кўрдим, аммо у мени кўрмади. Ноодатий кийимда мен хиёбон бўйлаб борардим, қарасам, у менга томон келяпти, мен бошимни бошқа томонга бурдим, у ёнимдан ўтиб кетди, мени танимади. Унинг қадам ташлаши турнаникига ўхшарди, шунинг учун уни Блоксбергга турнага ўхшатиб тасвирлаганман.

Мен Гётедан, Лафатернинг «Физиогномика»сидан келиб чиққан ҳолда, у табиатшунослик билан қизиққанми, деб сўрадим.

— Йўқ, мутлақо, — жавоб берди Гёте, — унинг бутун фикри-зикри нукул ахлоқий, диний йўналиш билан банд бўлган. Унинг «Физиогномика»сидаги ҳайвонлар ҳақидаги сўзлар меники.

¹ *Лафатер Йоҳанн Каспар (1741–1801)* – швейцариялик ёзувчи, диншунос.

² *Калиостро, граф (Александр Жузетте Бальзаме; 1743–1795)* – машҳур товламачи, фирибгар дуохон.

Гурунг мавзуси французларга, Гизо¹, Виллемен² ва Кузен³ маърузаларига кўчди, Гёте бу инсонларнинг дунёқарашлари хақида, барча масалаларни эркин, янгича нуқтаи назар билан муҳокама қилишлари ва тўғри мақсадга интилишлари хақида юксак эҳтиром билан гапирди.

— Бу худди ҳозирга қадар боққа айланма йўллар билан борганга ўхшайди, — деди Гёте, — бу одамлар эса, дадил ва мустақил ҳаракат билан, айнаи боғнинг кенг йўлагига олиб чиқадиган жойдан деворни бузиб эшик ўрнатишди.

Кузен туфайли биз ҳиндулар фалсафасини ўргандик.

— Бу фалсафада, — деди Гёте, — агар инглизларнинг маълумотларига ишонадиган бўлсак, ҳеч бир бегоналик йўқ, унда ҳам худди биз бошдан кечирган даврлар такрорланади. Биз болаликда сенсуалист⁴лармиз, агар биз севиб, севимли нарсамизга унда бўлмаган янги хислатларни ёпиштирсак, идеалистларга айланамиз, агар севгида беқарор бўлиб, севган нарсамизга нисбатан гумон пайдо бўлдими, скептикка айланамиз. Хаётимизнинг қолган қисмига бефарқ бўлиб, ўз холига ташлаб кўямиз ва уни ҳинду файласуфлари қарашлари сингари квиетизмга берилиб, яъни ҳамма нарсани қисматга афдариб кўяколамиз.

Олмон фалсафасида иккита йирик масалани охирига етказиш керак. Кант «Соф идрок танқиди»ни ёзиб, бу билан беҳад кўп нарсани ҳал қилди, лекин муаммо ҳал бўлгани йўқ. Энди бирорта қобилиятли, машҳур одам хис-туйғу ва ақл танқидини ёзса ва бу муваффақиятли чикса эди, унда биз немис адабиётидан ҳеч нарса талаб қилмаган бўлар эдик.

— Ҳегель, — сўзида давом этди Гёте, — «Берлин йилномаси»да Ҳаманнга тақриз ёзган, мен уни шу кунларда қайта-қайта ўқияпман, у чинакам мақтовга лойиқ. Ҳегелнинг танқидчи сифатидаги фикрлари ҳамиша зўр бўлган.

Виллемен ҳам ажойиб танқидчи. Гапнинг рости, французларда Вольтерга тенг келадиган даҳо ортиқ туғилмаса керак, бироқ Виллемен хақида айтиш мумкинки, у ўз маънавий олами билан Вольтердан юқори туради, шунинг учун у Вольтернинг камчилик ва ютуқлари хақида бемалол сўз юритса бўлади.

¹ *Гизо Франсуа-Пьер-Гильом (1787–1874)* француз тарихчиси ва жамоат арбоби.

² *Виллемен Абель-Франсуа (1790–1870)* — француз адабиётчиси ва жамоат арбоби.

³ *Кузен Виктор (1792–1867)* — француз файласуфи.

⁴ *Сенсуалист* — ҳаётни тушунишда сезгига, хиссиётларга асосланувчи киши.

«Ранглар ҳақидаги таълимот» хусусида гурунглашдик, тўғрироғи, қадахнинг хира сояси ёруғлик тушганда сарик, қоронғиликда кўк кўринади, демак, бу ерда бошланғич ҳолатни кўряпмиз.

— Инсон эгаллаши мумкин бўлган олий туйғу, — деди Гёте шу муносабат билан, — бу — хайрат, модомики бошланғич ҳолат уни хайратга солган экан, у бундан мамнун бўлиши керак, бундан улугроқ нарсани кўриш унга насиб қилмайди, бунинг давомини излаш керак эмас, бу — чегара. Аммо одамлар бошланғич ҳолатни кўриш билан қоникмайдилар, улар бунинг ортида яна нимадир бор, деб ўйлайдилар, шу жиҳатдан улар кўзгуга боқиб, дарҳол унинг орқасида нима бор экан, деб уни айлангириб қарайдиган болаларга ўхшашади.

Кейин Мерк ҳақида сўзлашдик, Мерк ҳам табиий фанлар билан шуғулланганми, деб сўрадим.

— Ҳа, албатта, — деди Гёте, — ҳатто унда хийла диққатга сазовор табиий-тарихий коллекция ҳам бўлган. Умуман, Мерк фавқулодда кенг фикрли инсон эди. У санъатни севарди, севгиси шу даражада эдики, биронта яхши асарни тор фикрли кишининг кўлида кўриб қолса ва у бунинг қадрига етмаслигини сезса, бу асарни ўз коллекциясига кўшиб олиш учун ҳеч нарсадан тап тортмасди. Бундай пайтларда у виждон ҳақида ўйлаб ўтирмасди, ҳамма ҳаракатларини тўғри деб ҳисобларди, агар бошқа йўл қолмаса, ҳатто товламачилиқдан ҳам қайтмасди.

Шундан сўнг Гёте Мерк ҳаётидан бир неча қизик воқеаларни сўзлаб берди.

— Мерк сингари инсон, — сўзида давом этди у, — қайтиб туғилмайди, бордию туғилса ҳам одамлар унга бошқача муносабатда бўлишади. Мерк икковимизнинг ёшлик чоғимиз ажойиб бир даврга тўғри келди. Олмон адабиёти ҳали тоза қоғоз эди, биз унга кўп яхши нарсаларни ёзишни орзу қилар эдик. Ҳозир у шу қадар чизиб, бўяб ташланганки, унга қарагинг ҳам келмайди, бирорта идрокли одам унга бирор нарса ёзмоқчи бўлса, қаерига ёзишни ҳам билмайди.

Гётенинг ишхонасида бирга тушлик қилдик. У жуда қувнок эди ва бугун кўп яхши ишлар бўлганини, Артария¹ ишини

¹ Артария — маннҳаймлиқ санъат асарлари билан савдо қилувчи киши.

тугатганини, бу саройдагиларни хурсанд қилганини гапириб берди.

Сўнгра, кечагина Шиллер таҳририда кўйилган «Эгмонт» хақида узоқ гурунглашдик, ушбу таҳрир туфайли пьесага етказилган зарар устида тўхталдик.

— Хукмдор аёлнинг четлатилиши, — дедим мен, — кўп жиҳатдан яхши бўлмаган, у пьесадаги энг муҳим иштирок этувчи шахс. Ана шу хукмдор аёл туфайли бутун асар нафақат буюклик ва олийжаноблик касб этади, балки сиёсий, айниқса испан саройига тегишли вазиятлар у ва Макиавелли¹ диалогларида аниқроқ ва қатъийроқ юзага чиқади.

— Мутлақо тўғри, — деди Гёте, — бундан ташқари, Эгмонт ҳам хукмдор аёлнинг унга кўрсатган марҳамати нуридан салобат касб этган. Клерхен ҳам кўз ўнгимизда олийзот аёллар устидан ғалаба қилиб, Эгмонтнинг муҳаббатига бутунлай сазовор бўлади. Булар ҳаммаси беҳад нозик белгилар бўлиб, бутун асар яхлитлигини бузмаслик учун буларга яхшиси тегинмаган маъкул.

— Назаримда, — дедим мен, — кўплаб ёрқин эркак роллари қаторидаги ягона аёл иштирокчи Клерхен анча бўш ва хирароқ чиққанга ўхшайди. Хукмдор аёл орқали бутун асарда маълум мувозанат юзага келади, пьесада у ҳақда гапирилади, холос, бу етарли эмас, персонаж шахсан сахнага чиқсагина таассурот қолдиради.

— Сиз вазиятга тўғри баҳо бердингиз, — деди Гёте, — мен бу пьесани ёзган пайтимда, худди Сиз ўйлаганингиздек, ҳамма нарсани ҳисобга олган эдим, асосий иштирок этувчилардан бири олиб ташлангандан кейин бутун асар сезиларли зиён кўрган, ахир у асарнинг ажралмас бир бўлаги эди-да. Бироқ Шиллер табиатан жуда қатъий эди, у таҳрир қилмоқчи бўлган асарга кўпам эътибор қилиб ўтирмас, ўзи қандай хоҳласа шундай ҳаракат қиларди.

— Сизда ҳам айб бор, — дедим мен, — шунча зарар кўргансиз, шундай муҳим вазиятда унга бемалол ҳаракат эркинлигини бериб қўйгансиз.

— Афсуски, гоҳида кўнгилчанликдан кўра кўпроқ бепарвомиз, — жавоб берди Гёте, — бунинг устига ўша кезларда мен бошқа юмушлар билан қаттиқ банд эдим. Мени на «Эгмонт», на театр қизиқтирарди, шунга йўл қўйиб бердим. Энди менга таскин берадиган нарса шуки, пьеса асл ҳолатида чоп этилган, мен уни қандай ёзган бўлсам, худди шундай

¹ *Макиавелли Никколо (1469 – 1527)* — италиялик сиёсий арбоб, ёзувчи.

қисқартирмасдан сахналаштиришни хоҳловчи театрлар ҳам бор.

Шундан сўнг Гёте, унинг тавсиясига биноан, «Ранглар ҳақидаги таълимот»нинг қисқача баёнини ёзишни ўйлаб кўрган-кўрмаганим билан қизиқди. Мен унга аҳволни тушунтирдим, шунда орамизда тушунмовчилик келиб чиқди, масаланнинг муҳимлиги туфайли бу ҳақда ҳозир ҳикоя қиламан.

Кимки кузатган бўлса эслар, қуёшли қиш кунларида қор устига тушган соя кўпинча кўкиш рангда кўринади. Гёте бунини «Ранглар ҳақидаги таълимот»ида субъектив ҳолат қаторига қўшади, бундай хулосада у, биз тоғлар тепасида яшамаётганимиз учун қуёш нурининг бизгача оппоқ бўлиб эмас, балки озми-кўпми туманли атмосфера орқали ўтиб келганидан сариқроқ тус олишига асосланади, демак, қуёш нури ёритган қор оппоқ эмас, балки сариқроқ тусдаги юзага эга бўлади, бу ҳолат кўзимизни алдаб, гўё кўк рангга ўхшаб кўринади. Шунинг учун қор юзасида кўрингандек бўлган соя гўё «талаб қилинган» ранг бўлади, Гёте ўша ҳолатни ушбу руқни остида таҳлил қилади ва шуни асос қилиб олади-да, Соссюр¹нинг Монбланда қилган кузатишларини муфассал изоҳлайди.

Гётенинг таълимотга қисқача баён ёзинг, дея қилган дўстона тавсиясини бажариш кўлимдан келадими-йўқми, дея шу кеча-кундузда «Ранглар ҳақидаги таълимот»нинг биринчи бобини ўқиб чиққанимда ерда қор ётар, кун қуёшли эди, шунинг учун эслатиб ўтилган кўкиш ҳолатни яна бир бор яқиндан кузатиш имкони туғилди, шунда мен ҳайрат билан амин бўлдимки, Гётенинг хулосаси хато экан. Мен қандай қилиб бундай хулосага келганимни ҳозир тушунтираман.

Меҳмонхонамининг жануб томонга очиладиган деразасидан боғ кўриниб туради, у бир бино билан чегараланган бўлиб, қишда, қуёш пастлаган пайтларда менинг уйим томонга бинонинг катта сояси тушади-да, боғнинг деярли ярмини эгаллайди.

Бир неча кун аввал ҳаво очик, қуёш нур сочиб турган маҳалда ана шу соя эгаллаган қор юзасини кузатиб, бутун юза кўм-кўк эканлигидан ҳайратландим. Бу «талаб қилинган» ранг бўлиши мумкин эмас, дедим ўз-ўзимга, чунки кўзимни алдаши мумкин бўлган бирорта бошқа қорли юзани кўзим илғамасди, мен соядаги кўкликдан бошқа ҳеч нарса ни кўрмасдим. Хатога йўл қўйишдан хавотирланиб, эҳтимол

¹ Соссюр Орас Бенедикт де (1740 - 1799) швейцариялик табиатшунос.

қўшни томнинг акс нури назаримни чалғитаётгандир, деган ўйда бир варақ қорозни ўрадими-да, дурбин қилиб сояни кузатдим, у ердаги кўклик аввалгидек ўзгармай қолаверди.

Ушбу кўк соя зинҳор субъектив эмаслигига энди ҳеч бир шубҳа қолмади. Ранг ўзи мустақил, мендан ташқарида, менинг субъектимга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳолда мавжуд эди. Бу ўзи нима? Кўклик мавжуд экан, у қандай пайдо бўлган?

Яна деразадан ташқарига қарадим, ҳаммаёқни кузатдим, ечим ўз-ўзидан пайдо бўлди. Бу кўм-кўк осмоннинг аксидан ўзга нарса эмас, деган хулосага келдим, соя уни ўзига тортади ва осмон акси сояда ўрнашишга уринади. Чунки аниқ айтилган: ранг соя билан эгизак, имкон туғилган заҳоти у билан қўшилиб, унда ёки у орқали намоён бўлади.

Кейинги кунларда фаразимнинг тўғрилигига шароит юзага келди. Дала бўйлаб борардим, ҳаво очиқ эмас, қуёш туман ёки тутун пардаси орқали нур сочгандек эди, қор юзасида сариқ акс нур шундоқ кўриниб турарди, у аниқ соя ташлашга еттулик таъсирга эга эди. Бундай вазиятда, Гёте таълимотига кўра, ёрқин кўк ранг пайдо бўлиши керак эди. Аммо бундай бўлмади, соя кулранглигича қолаверди.

Эртаси кун эрталаб ҳаво булутли бўлиб, қуёш аҳён-аҳёнда булут ортидан мўралар ва қор устига аниқ соя ташларди. Бироқ у ҳам кўк эмас, кулранг эди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам сояга ранг бериши керак бўлган кўк осмон акси кўринмасди.

Шундан сўнг мен Гётенинг ушбу ҳолат ҳақидаги қарашлари табиат томонидан тасдиқланмаганига ишонч ҳосил қилдим ва «Ранглар ҳақидаги таълимот»нинг ушбу мавзу тилга олинган бобини қайта ишлаш лозим, деган фикрга келдим.

Худди шундай ҳодисани шамнинг рангли қўшалок соясида, тонг пайтида, кечки ғира-шираликда, айниқса, ой ёруғ нур сочиб турган пайтда кузатдим. Бундай вазиятда шамдан тушаётган битта, яъни сариқ соя объектив бўлиб, хира муҳитлар ҳақидаги таълимотга тегишли, гарчи бу шубҳасиз ҳолат бўлса-да, Гёте бу ҳақда гапирмаган, иккинчисини — кечки ғира-шираликда ёки ой ёруғида пайдо бўладиган кўксимон, тўғрироғи, кўк-яшил сояни у субъектив, «талаб қилинган» ранг, яъни шам нурининг оппоқ қороз юзасидаги, кўзимизга сариқ бўлиб кўринган аксининг махсус ранги деб ҳисоблайди. Бу ҳолатни батафсил кузатганимдан сўнг Гётенинг қараши тасдиқланмаганига амин бўлдим, назаримда, ташқаридан кираётган кундузги заиф ёруғлик ёки ой нури ўзи

билан кўксимон рангни олиб киради ва бу ранг гоҳ соя, гоҳ шам нурининг талаб қилинган акси орқали кучаяди ва бунда ҳам назардан қочирмаслик керак бўлган объектив асос мавжуд.

Маълумки, энди бўзараётган тонг нури билан ой нури хира акс этади. Эрта тонгда ёки ой ёруғида одам чехрасига қарасангиз, рангпар кўринади, бу азалдан ҳаммага аён. Афтидан бу нарса Шекспирга ҳам маълум бўлган, асарнинг диққатга сазовор жойини эсга олайлик: Ромео тонг пайти севгилиси билан хайрлашаётганда бирининг юзи иккинчисига рангпар кўринади. Тонг нурининг одам юзини рангпар қилувчи таъсири шуни аниқ исбот қиладики, унга яшилсимон ёки кўкиш белги хос бўлиб, кўкиш ёки яшилсимон ойнали кўзгу ҳам худди шундай таъсирга эга бўлади. Бунга янада ишонч ҳосил қилиш учун қуйидаги мулоҳазани келтираман.

Қалб кўзи билан кўринадиган ёруғлик оппоқ туюлиши мумкин, бироқ эмпирик, яъни жисмоний кўзга кўринадиган ёруғликка бундай софлик хос эмас, буғланиш ёки бошқа сабаблар туфайли ўзгаришга учраб, ижобий ёки салбий томонга оғишлар унга сарғиш ёки кўкиш тус бериши мумкин. Бевосита қуёш нури бундай вазиятда қатъий ижобий томонга, яъни шам нури сингари сариқликка интилади, ой нури ёки тонг пайтидаги ё бўлмаса кеч тушаётгандаги ёруғлик бевосита эмас, балки қайтган (акс этган), шу билан бирга кеч вира-ширралиги ҳамда тун туфайли ўзгаришга учраган ёруғлик бўлиб, салбий томонга интилади ва кўзимизга кўкиш тусда кўринади.

Агар кеч тушаётган пайтда ёки ой нурида оппоқ қорозни қўйиб, унинг ярми ой нури, иккинчи ярми шам нурида ёритилса, биринчи ярми кўкиш, иккинчи ярми эса, сарғиш тусда бўлади ва ҳар иккала ёруғлик ҳам, соя ёки субъектив таъсирдан қатъи назар, бири ижобий, иккинчиси салбий томонга оғади.

Шундай қилиб, кузатишларимнинг натижаси шунга олиб келдики, Гётенинг рангдор кўшалок соялар ҳақидаги назарияси тўғри ва бу ҳолатда Гёте қарашларига нисбатан объективлик каттароқ роль ўйнар экан, субъектив талаб қонуни эса, бу ерда иккинчи даражали ҳодиса сифатида қаралмоғи лозим.

Бордию одамнинг кўзи сезгир ва бирорта рангни салгина бўлса-да пайкаганданок қабул қилиб, дарҳол унга зид рангни акс эттириш қобилиятига эга бўлса эди, унда кўз мудом бир рангни бошқасига айлантириб, ўта ёқимсиз қоришиқ бир нарса юзага келган бўларди.

Лекин бахтимизга бундай эмас, соғлом кўз кўпроқ шундай тузилганки, у ё талаб қилинган рангларни умуман сезмайди,

ёки унга диққат билан тикилиб қийин ўзлаштиради, бу ҳаракат ҳатто офир шароитларда ўзи эришгандан кўра анча-мунча машқ ва уддабуронликни талаб қилади.

Шундай субъектив ҳолатларнинг характерли томони шундаки, кўз уларни айнан қабул қилиш учун анчагина қийналади, улар бир марта юзага келади, доимий эмас, балки тез ўтиб кетадиган, ўз мавжудлигини узоқ сақлаёлмайдиган ҳодисадир, қор юзасидаги кўкиш тус ҳамда рангли кўшалок соя ҳақида гапирганда Гёте буни назардан кочирган бўлса керак, чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам гап салгина ранг олган юза ҳақида боради ва иккаласида ҳам талаб қилинган ранг биринчи қарашдаёқ илғаб олинади.

Бироқ Гёте, бир марта кўриб ўтган қонундан воз кечишни истамай, у бўлмаган жойда ҳам бор, деб фараз қилиб, ўз синтезини кенг жорий қилган ва бошқа қонун ҳукмрон бўлган жойда ўз севиқли қонунини кўришни истаб, осонгина алданиб қолиши мумкин эди.

Бугун у «Ранглар ҳақидаги таълимот»ни эслаб, унга ёзиладиган қисқа баён қай аҳволда эканлиги билан қизиққанида, ҳозир айтиб ўтилган ҳолатларни жон-жон деб тилимга чиқармаган бўлардим, менда ҳақиқатни қандай қилиб уни хафа қилмайдиган бир йўсинда айтаман, деган андиша ҳукмрон эди.

Аммо қисқа баён ҳақидаги масала жиддий қўйилган экан, бу ишга киришишдан олдин барча иккиланиш ва тушунмовчиликларни бартараф қилиб, муҳокамадан ўтказиш лозим эди.

Шундай қилиб, батафсил кузатишлардан сўнг айрим ҳолатларда фикрига қўшилолмаслигимни, унинг қор юзасидаги кўкиш тус ҳамда рангли кўшалок соя ҳақидаги назарияси етарлича асосланмаган, деб ҳисоблашимни унга очиқ айтишдан ўзга иложим қолмади.

Унга шу ҳақдаги кузатишларим ва фикрларимни изҳор қилдим, чунки масалани орзаки суҳбатда аниқ, муфассал изҳор қилишга ҳуқуқим йўқлиги боис ўз ишларим натижасини гапни чўзиб ўтирмасдан қисқача баён қилиб қўяқолдим ва буларни ёзма шаклда тақдим қилишга ваъда бердим.

Бироқ мен сўзлай бошлаганим заҳоти Гётенинг қувноқ, кўтаринки кайфияти тушиб кетди, аниқ сездимки, менинг эътирозларим уни қаттиқ ранжитди.

— Сирасини айтганда, — дедим мен, — Сиз жаноби олийлари билан баҳслашиш осон эмас, ахир, катталар йўқотганини бола топади, дейишади-ку.

— Жа бирор нарса топиб кўйдингиз-да, а! — кинояли жилмайиб деди Гёте, — рангли нур ҳақидаги роянгиз ўн тўртинчи асрга тегишли, тўғриси, диалектикага муккангиздан кетибсиз. Сиз қилган ягона тўғри иш шуки, ўйлаган нарсангизни оқизмай-томизмай менга айтдингиз. Менинг «Ранглар ҳақидаги таълимот»имда ҳам худди насроний динидагидек ҳолат юз бермоқда. Эндигина садоқатли шогирд топдим, деб ишонганинда у сендан юз ўгириб, ўз гуруҳини ташкил этади, — давом этди у хийла қувноқ ва юмшоқ оҳангда. — Сиз ҳам бошқаларга ўхшаган бидъатчисиз, чунки мендан юз ўгирганларнинг биринчиси эмассиз. Мен «Ранглар ҳақидаги таълимот»га тегишли турли ҳолатлар туфайли келишолмай ажойиб инсонлар билан айрилишиб кетганман. Бир масалада униси билан, бошқа масалада буниси билан...

У бир неча машҳур номларни айтиб ўтди.

Бу орада тушлик қилиб бўлдик, суҳбат узилиб қолди. Гёте ўрнидан туриб, дераза олдига борди. Мен унинг ёнига бориб кўлини қисдим, чунки у менга ҳар қанча танбеҳ берса-да, мен уни севардим, бунинг устига, ҳақиқат мен тарафдалигини ва у ранжиган тараф эканлигини сезиб турардим.

Ҳеч қанча муддат ўтмай биз яна турли-туман мавзуларда гурунглашиб, ҳазил-хузул қилиб ўтирдик, хайрлашаётганимизда у менга яхшироқ мулоҳаза қилиб олиши учун ўз эътирозларимни ёзма тарзда тақдим қилишимни, ҳақлигимни тан олмаганига оғзаки баёнимнинг қовушмаганлиги сабаб бўлганини айтган эдим, у ярим кулги, ярим киноя аралаш орқамдан бидъат ва бидъатчилар ҳақида бир неча сўз айтди.

Гётенинг «Ранглар ҳақидаги таълимот»и ҳақида айтилган ҳар қандай танқидни кўтаролмаслиги ғалати туюлади, бадий асарларига нисбатан айтилган ҳар қандай мулоҳазага унчалик эътибор қилмас, агар у асосли бўлса, миннатдорчилик билан қабул қиларди. Агар Гётенинг шоир сифатида ҳамма жойда тан олинганини, унинг энг буюк ва энг мураккаб асарларидан бўлган «Ранглар ҳақидаги таълимот»и фақат танқид ва эътирозларга сабаб бўлганини ҳисобга олсак, масала осонгина ўз ечимини топади. Деярли ярим умри давомида унга ҳар тарафдан ақл бовар қилмайдиган эътирозлар ёғилдики, унинг мудом қайсар ва жангари ҳолатда бўлганига ва доимо ўзини зўр бериб ҳимоя қилишга тайёр турганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

«Ранглар ҳақидаги таълимот»га нисбатан у худди қобилиятли боласини бошқалар қанчалик ёмон кўрса, шунчалик кўпроқ севадиган меҳрибон онага ўхшарди.

— Мен шоир сифатида қилган меҳнатларим билан гердай-майман, — дея такрорлашни хуш кўрарди у, — мен билан бир замонда зўр шоирлар яшашди, булардан ҳам зўрроқлари яшашган, мендан кейин ҳам яшашади. Бироқ бизнинг ас-римизда ранглар ҳақидаги муаммо билан шуғулланувчи му-раккаб илм ҳақиқати фақат менгагина аён экан, бу менга кўплардан устун эканлигимни ҳис этиш туйғусини беради ва бундан мен фахрланаман.

1829 йилнинг 20 феввали, жума

Гёте билан тушлик қилдик. У «Жаҳонгашталиқ йиллари»ни тугатганидан хурсанд, уни эртага ноширга жўнатмоқчи. «Ранг-лар ҳақидаги таълимот» бўйича у қор юзасидаги кўкиш тус масаласида менинг фикримга бироз мойил. У қайтадан ки-ришган «Италия саёҳатлари» ҳақида, «Таржимаи ҳол»нинг тўртинчи жилди устида қандай ишлашни режалаштираётгани хусусида сўзлаб, менинг аллақачон режалаштирилиб бажарил-ган, 1824 йилга тегишли изоҳларим унга яхши фойда келтир-ганини эслатди.

У Гёттлинг кундалиқ дафтарини ўқиб берди, унда илгариги Йена қиличбозлари ҳақида тўлиб-тошиб ёзилган эди. Гёте Гёттлингга тегишли кўп яхши гаплар айтди.

1829 йилнинг 23 марти, душанба

— Қоғозларим орасидан битта варақ топиб олдим, — деди Гёте бугун, — унда мен меъморчиликни «қотиб қолган мусиқа» деб ёзганман. Дарҳақиқат, тўғри гап, меъморчилик-дан олинадиган кайфият мусиқанинг таъсирига ўхшайди.

Салобатли бинолару хоналар ҳукмдорлар ва бойлар учун, уларда яшаган одам ўзини хотиржам, мамнун ҳис этади ва ортиқ ҳеч нарсани истамайди.

Бунақа ҳаётни менинг табиатим кўтармайди. Менга Карлс-бадда ажратилган уйга ўхшаган башанг уйда ўзимни бир-данига фаолиятсиз, ишқмас бўлиб қолгандек сезаман. Биз ўтирган манави хоначага ўхшаш хоналар, сариштами-йўкми, бироз бетартиб бўлса-да, менга маъқул келади, улар менинг ички табиатимга эркинлик бахш этади, уларда хоҳлаганимча, тўйиб ижод қиламан.

Биз Шиллернинг хатлари ҳамда улар бир-бирларини ижодга илҳомлантириб, бирга кечирган ҳаётлари ҳақида гурунглашдик.

— Менимча, Шиллер «Фауст»га катта қизиқиш билдирган бўлса керак, а, — дедим мен, — унинг Сизга тинчлик бермагани қандай яхши бўлган, ўзи ҳам ғояларига содик ҳолда, уларни «Фауст»га татбиқ қилгани кўнгилдаги иш бўлган. Назаримда, Шиллернинг табиатида маълум даражада шошқалоқлик бўлган.

— Сиз ҳақсиз, — деди Гёте, — ўз ғояларини тезроқ амалга оширишга интиладиган одамлардек, унга ҳам шошқалоқлик хос эди. У ором билмасди, бирор ишга дарҳол нуқта қўёлмасди, унинг хатларидан сезиб оласиз, у «Вильхельм Мейстер»ни гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ ўзгартираверишни хоҳларди. Мен унинг ва ўзимнинг асарларимни мана шунақа тасодифий ўзгартиришлардан ҳимоя қилиш учун мудом каттик турардим.

— Бугун тонгда, — дедим мен, — унинг «Надовесс дафн йиғиси»ни ўқидим, шеърнинг ажойблигидан севиндим.

— Шиллернинг қандай улуғ ижодкор бўлганлигини ўзингиз кўриб турибсиз, — жавоб берди Гёте, — агар тасвирланадиган нарса аниқ шаклда намоён бўлса, у унинг фаҳмига қандай етишни биларди. Шубҳасиз, «Надовесс дафн йиғиси» унинг энг яхши шеърлари қаторида туради, агар шунақасидан ўнлаб ёзганида эди, мен хурсанд бўлардим. Тасаввур қиласизми, энг яқин дўстлари шу шеъри учун Шиллерни идеализмининг етарлича юзага чиқмаганлигида айблашди. Ҳа, азизим, дўстлардан мана шунақа гаплар ҳам чиқар экан! Хумбольд мени, Доротеям душман хужум қилганда қуролни олиб уларга ташлангани учун танкид қилганди! Ахир ўша давр, ўша шароитда феъл-атвори шаклланган ғаройиб қиз бусиз йўқ қилиб ташланган бўларди, одатдаги оддий қизлардан ҳеч бир фарқи қолмасди. Лекин ҳали яшайверсангиз, бунақа ҳолатларга кўп бор дуч келасиз: одамлар камдан-кам ҳолларда нима қандай юзага келишини англаб етишга қодир ва ўқишга кучлари етган нарсаларнигина мактаб ўқийдилар. Ахир ўшалар энг яқин дўстлар эдилар, оломоннинг фикри қандай эди, биз қандай яққаланиб қолганимизни бир тасаввур қилиб кўринг.

Агар менда тасвирий санъат ва табиий фанлар бўйича ишончли асос бўлмаганда эди, ярамас давримизнинг кундалик таъсирларидан қутулиб қололмаган бўлардим, ўша нарсалар менга кўмак берди ва ўз навбатида, мен Шиллерни ҳам ҳимоя қилдим.

— Одам қанча юқорилаб борса, — деди Гёте, — шунча кўп илоҳий куч таъсирида бўлади, уни етакловчи кучнинг тўғри йўлдан тойиб кетмаслиги учун одам доимо сергак бўлиши керак.

Мен Шиллер билан танишган пайтимда ана шундай илоҳий кучлар етакчилик қилгани шубҳасиз, бу ҳолат ундан олдин ҳам, кейин ҳам юз бериши мумкин эди, лекин биз шундай даврда учрашдикки, мен Италия сафарини ортда қолдирган, Шиллер ўзининг фалсафий сафсаталаридан чарчаган эди, булар иккаламиз учун ҳам ғоятда аҳамиятли ва ютуқлар гарови бўлган эди.

— Ҳозир мен Сизга бир сиёсий сирни очаман, — деди Гёте тушлик пайтида, — бу сир кўп ўтмай барибир очилади. Каподастрия¹ юнон ҳукумати тепасида узок қололмайди, чунки унда шу лавозим учун зарур бўлган хислатлар етишмайди: у аскар эмас. Оддий кабинет одами инқилобий давлатни ташкил қилиб, лашкарбошилари ўзига бўйсундирган ҳолатга бирорта мисолни билмаймиз. Қўлда қилич билан, армиянинг тепасида турибгина буйруқ бериш ва қонун чиқариш мумкин, ҳамма сенга бўйсунмаётганига ишончинг комил бўлиши керак, акс ҳолда ишинг пачава. Наполеон аскар бўлмай туриб олий ҳокимият тепасига ўтиролмасди, Каподастрия узок вақт биринчи бўлиб қололмайди, ҳадемай иккинчи даражали ўринга тушиб қолади, Сизга буни олдиндан айтиб қўяй, кўп ўтмай худди шундай бўлади: ходисаларнинг табиати шунақа, бошқача бўлолмайди.

Кейин Гёте французлар ҳақида, асосан Кузен, Виллемен ва Гизо ҳақида гапирди.

— Ҳар учаласидаги зийраклик, ўткирлик, самимият, — деди у, — жуда кучли, уларда ўтмиш ҳақидаги мислсиз билим XIX аср руҳи билан уйғунлашиб кетган, шунинг учун ҳам улар мўъжизалар яратишмоқда.

Сўнгра биз француз шоирлари ҳақида, классик ва романтик тушунчаларининг маъноси ҳақида сўзлашдик.

— Менинг ёдимга бир ибора келди, — деди Гёте, — бу ўша икки тушунчани айнан тавсифлайди. Мен классик ту-

¹ Каподастрия Иоаннис, граф (1776 1831)

Юнонистоннинг президенти.

шунчасини соғлом, романтикни бемор деб атайман. Шундан келиб чиқиб, «Нибелунглар» худди Хомер сингари классик, чунки иккаласида ҳам соғлом ва ёруғ руҳ бор. Янги замонда яратилган кўплаб асарлар янги бўлганлари учун эмас, балки бўш, нимжон ва касалванд бўлганлари учун романтик, қадимги асарлар эски бўлганлари учун эмас, балки кучли, қувноқ ва соғлом бўлганлари учун классик. Агар биз классик ва романтикликни шу сифатларга қараб белгиласак, ҳаммаси ўз ўрнига тушади.

Гурунг мавзуси Беранженинг қамоққа олинишига кўчди.

— У қилмишига яраша топди, — деди Гёте, — унинг сўнги шеърлари ҳақиқатан ҳам қуюшқондан чиққан, мана энди у қирол, давлат ва тинч аҳоли олдидаги барча гуноҳларини ювишга мажбур. Унинг аввалги шеърлари, аксинча, қувноқ, беозор ва қувноқ одамлар даврасида куйлашга мўлжалланган эди, айна мана шундай кўшиқлар энг яхши деб аташга муносиб.

— Ишончим комилки, — дедим мен, — Беранжега унинг атрофидагилар таъсир ўтказишган, у инқилобий руҳдаги дўстларига ёкиш учун айтмаса яхши бўладиган кўп гапларни тилга чиқарган. Жаноби олийлари, ўз ниятингизни амалга ошириб, таъсирлар ҳақида ёзсангиз бўларди, ушбу мавзу ҳақида қанча кўп ўйласанг, шунча муҳимроқ ва мазмундорроқ туюлаверади.

— Ҳа, у жуда бой мавзу, — деди Гёте, — чунки охиروقибат бизнинг ўзимиздан бошқа ҳамма нарса таъсирдан иборат.

— Ўша таъсир фойдалими ёки, аксинча, зарарлими, — дедим мен, — бизнинг табиатимизга мос келадими, таъсири ижобийми ёки салбийми, мана шуни ҳисобга олиш керак.

— Тўғри, — деди Гёте, — ҳаммаси шунга бориб тақалади, табиатимизнинг энг яхши томонини иблислар таъсиридан сақлаб қолиш энг қийин иш.

Десерт пайти Гёте гуллаб турган дафна шохчаси билан бир япон ўсимлигини келтириб столга қўйишни буюрди. Икки ўсимлик одамга икки хил таъсир қилади, — дедим мен, — дафнага қарасанг, кўнглинг тинч, хотиржам бўлади, у қалбни эркалайди, япон ўсимлиги, аксинча, кўнгилга дағаллик, тушкунлик бағишлайди.

— Фикрингизга қўшилса бўлади, — деди Гёте, — эҳтимол, шунинг учун ҳам мамлакатдаги ўсимлик дунёси аҳолининг рухий дунёсига таъсир қилади, дейишар. Ҳа, албатта, бир умр баланд ўсган, салобатли эманлар орасида яшаган одам, ҳар

куни бахаво қайинзорларда сайр қиладиган одамдан бутунлай фарқ қилади. Шунини ҳам эсдан чиқармаслик керакки, ҳамма одамлар ҳам бизга ўхшаган ҳис-туйғу қули эмас, улар жуда иродали, ташқи ҳодисалар уларга кўпам ўз таъсирини ўтказа олмайди. Бироқ шуниси аниқки, бирор халқ феъл-атворининг шаклланишида туғма ва ирқий белгилардан ташқари, ер ва иқлим, озиқ-овқат ва машғулот ҳам асосий ролни ўйнайди. Шунини ҳам унутмаслик керакки, қадимги қабилалар асосан ўзларига ёққан жойларда яшашган, бу жойлар одамларнинг турфа феъл-атворлари билан уйғун бўлган.

— Орқангизга бурилиш, — сўзида давом этди Гёте, — анави тахта устида қоғоз ётипти, ўшани кўриб чиқсангиз.

— Мана бу кўк конвертни айтаяпсизми? — сўрадим мен.

— Ҳа, — деди Гёте, — хўш, ёзув услубига нима дейсиз? Бу — манзилни ёзаётган пайтда ўзини эркин ва улугвор тутган одамнинг кўли эмасми? Бу кимнинг кўли деб ўйлайсиз?

Мен қоғозни қизиқиш билан айлантириб кўрдим. Ёзув услуби эркин ва бемалол эди.

— Марк шундай ёзиши мумкин, — дедим мен.

— Йўқ, — деди Гёте, — унга аслзодалик, мукамаллик хос эмас эди. Бу хат Цельтердан келган! Ёзувида унинг бутун табиати намоён бўлишига қоғоз ва қалам кўмак берган. Мен бу хатни ўз қўлёмалар коллекциям қаторига қўяман.

1829 йилнинг 3 апрели, жума

Тушлик пайти Гётеникида бош меъмор Кудрэ бўлди. Кудрэ Бельведердаги буюк ҳерцоглик саройидаги бир зинапоя ҳақида гапириб берди, уни йиллар давомида ноқулай ҳисоблаб, кекса ҳерцог уни тузатишга мудом иккиланиб келган. Энди ёш ҳукмдор даврида ишлар дурустгина кетяпти.

У яна турли-туман йўл қурилишлари ҳақида ҳам гапирди, Бланкенхайнга олиб чиқадиган йўлни бироз чеккароқдан қуришга тўғри келганини, гарчи айрим жойларда рут¹ бўйича ўн саккиз дюйм²га етса-да, рут бўйича икки футга тўғри келиши лозимлигини ҳам эслатиб ўтди.

Мен Кудрэдан тоғли жойларда йўл қурилишида неча дюйм нишаблик меъёр ҳисобланади, деб сўрадим.

— Рут бўйича ўн дюйм, — жавоб қайтарди у, — ўшанда йўл қулай бўлади.

¹ *Рут* — қадимги олмонларда узунлик ўлчови, бир рут 3,8 метрга тўғри келади.

² Инглиз дюйми 2,51 см.га тенг.

— Бироқ, — дедим мен, — агар Ваймардан шарқ, жануб, ғарб ёки шимолга томон борадиган бирор йўлдан кетадиган бўлсак, нишаблик рут бўйича ўн дюймдан ошган жойларни учратиш мумкин.

— Булар қисқа, унча муҳим бўлмаган қисмлар, жавоб берди Кудрэ, — бундан ташқари, йўл қурилиши пайтида кўпинча қишлоққа яқин жойларда, аҳоли отларни бир-бирига шатак қилиб кўшиб бироз фойда кўрсин, деб атайлаб шундай қилишган.

Биз бундай содда муғомбирликдан кулдик.

— Аслида, — давом этди Кудрэ, — бу арзимас нарса, извошлар унча баланд бўлмаган бундай нишабликлардан қийналмай чиқишади, киракашлар бундай қийинчиликларга ўрганиб кетишган. Одатда шатакчи отларни майхона эгаларидан олишади, шу аснода ҳайдовчиларнинг қиттак-қиттак қилгилари келиб қолади, уларни бундай ҳузурдан маҳрум қиладиганларга, шубҳасиз, раҳмат айтишмайди.

— Айтинг-чи, — деди Гёте, — йўлнинг текис жойларини ҳам бироз ўзгартириб, у ер-бу ерини кўтариб ёки эниш қилса яхши бўлмайдами? Бу извошларнинг қулай юришига халақит бермаган, аксинча, ёмғир сувларининг равон оқиб кетиши туфайли йўл қуруқ бўларди.

— Шундай қилиб кўрса бўлади, — жавоб берди Кудрэ, — умуман олганда, бу усул фойдадан холи бўлмасди.

Шундан сўнг Кудрэ бир қорозни чиқарди, бу бир ёш меъмор учун берилган кўрсатмалар қораламаси бўлиб, уни қурилиш бош бошқармасидагилар малака ошириш учун Парижга жўнатиш ниятида эди. У кўрсатмани ўқиди, Гёте уни тўла маъқуллади. Гёте бундан олдин вазирликда ёш мутахассисга керакли ёрдам беришларини сўраган, мана энди икковлари ишнинг яхши яқун топганидан хурсанд бўлишиб, ундирилган пулларнинг йигитга фойдаси тегиши ва уларнинг бир йилга етиши учун нималар қилиш кераклигини муҳокама қилишарди. Қайтиб келгандан кейин уни бирорта ҳунар мактабига ўқитувчи қилиб жойлаштиришни мўлжаллаб, бу истеъдодли йигит фаолияти учун қулай муҳит бўлиши ҳақида ҳам сўзлашишди. Уларни тингларканман, йигитга ғойибона ҳавасим келиб ўтирардим.

Кейин дурадгорлар учун Шинкель¹ томонидан чизилган чизмалар ҳамда намуналарни кўздан кечиришди. Кудрэ уларни маъқул топди ва бўлажак ҳунар мактаби учун тўғри ке-

¹ Шинкель Карл Фридрих (1781—1841)

меъмор ва рассом.

лади, деди. Сўнгра қурилишлар, улардаги ортиқча безаклар, уларни бартараф қилиш, иезуитлар қурган биноларнинг беҳад мустаҳкамлиги ҳақида гапиришди.

— Мессинада, — деди Гёте, — ҳамма бинолар зилзила пайтида вайрон бўлди, фақат иезуитлар қурган черков ва монастир худди кечагина қурилгандек тураверди. Уларда зилзиланинг бирон оқибати сезилмади.

Гурунг мавзуси иезуитлар ва бу гуруҳнинг бойликларидан католикларга ҳамда ирландларнинг озодлигига кўчди.

— Кўриниб туриптики, — деди Кудрэ, — озодлик ҳеч бир тўсикқа учрамайди, бироқ парламент ишни шундай изга бурадики, бундай ҳаракат Англия учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

Католиклар учун, — деди Гёте, — барча эҳтиёт чоралари бефойда. Ватиканнинг бизга номаълум бўлган ўз қизиқишлари бор. Улар яширикча амалга ошираётган ишлари ҳақида ҳам тасаввурга эга эмасмиз. Мен парламент аъзоси бўлганимда эди, озодликка қаршилик қилмасдим, аммо баённомага манави фикрни тиркаб қўйишни талаб қилардим: бордию католикнинг талаби билан бирорта машҳур протестантнинг боши кетадиган бўлса, мени эсга олишсин.

Кейин француз адабиёти ҳақида гурунг бўлди, Гёте тагин Кузен, Виллемен ва Гизо маърузалари тўғрисида хайрат билан гапирди.

— Вольтердаги енгил, юзаки мазмунни, — деди Гёте, — улар илгарилари фақатгина немисларда учрайдиган илмийлик билан алмаштиришди. Қандай ақлли, мавзу ичига чуқур кириб боришларини айтмайсизми, ажойиб! Предмет моҳиятини гўё сув қилиб ичиб юборишган. Учаласи ҳам бир-биридан зўр, лекин жаноб Гизони ҳаммасидан ҳам афзал кўраман, у мен учун энг севимлиси.

Шундан сўнг жаҳон тарихи борасида сўзлашдик, Гёте ҳукмдорлар хусусида қуйидагиларни баён қилди:

— Эътибор қозониш учун, — деди у, — улуг ҳукмдорга ўз улуглигидан ортиқ ҳеч нарса керак эмас. Ахир у ўз саъй-ҳаракатлари билан давлатида фаровонликни таъминлаган ва бошқа чет давлатларнинг ҳурматиغا сазовор бўлган бўлса, унда ҳукмдор орден-нишонлари билан ҳукумат извошида юрадими ёки оғзида сигарета билан айиқ терисидан тикилган пўстинида шалоқ аравада юрадими, фарқи йўқ, энди халқнинг меҳр-муҳаббатини қозониб бўлган ва у ҳамиша шундай иззат-икромда бўлади. Мабодо подшоҳда улуглик етишмаса ва у ўз фуқаролари ҳурматини қозонолмаган бўлса, унда у халқ

билан бирлашишнинг бошқа йўлларини қидирмоғи зарур, бундай ҳолатда дин ва диний расм-русумларни биргаликда адо этишдан ўзга яхшироқ ва таъсирлироқ йўл бўлмайди. Якшанба кунлари черковга бориб, ибодатга келувчиларга тепадан назар ташлаб, ўзига қарашга уларга имкон яратса — шуҳрат қозонишнинг энг қулай йўли мана шу, мен буни ҳар бир ёш ҳукмдорга тавсия қилган бўлардим, ҳатто Наполеон ҳам шу қадар улуғлигига қарамасдан шундай йўл тутган.

Яна католиклар хусусида, руҳонийларнинг, гарчи сезилмасда, улкан таъсири ҳақида гурунг бўлди. Ҳанаулик бир ёш адабиётчини эсга олишди, у ўзи чиқарадиган журналда тасбеҳ ҳақида анча кўпол гапларни айтган. Журналга бўлган талаб бирданига тушиб кетган, бунда турли қатламлардаги католик руҳонийларининг таъсири бўлган, албатта.

— Менинг «Вертер»им, — деди Гёте, — дарҳол итальян тилида Миланда босилиб чикди. Аммо уч-тўрт кун ичида китобдан сотувда бирорта ҳам қолмади. Кейин билсак, ишга епископ аралашиб, бутун нашрни сотиб олишни қавмларига буюрган экан. Мен бундан ҳечам хафа бўлмадим, аксинча, бу ақлли жанобдан хурсанд бўлдим, у «Вертер»нинг католиклар учун хавfli китоб эканлигини тушуниб етган эди, ахир у энг қулай усулни ишга солган, китобни ими-жимиди йиғиштириб олиб қўяқолган эди.

1829 йилнинг 5 апрели, якшанба

Гёте менга, тушликдан олдин саройда Кудрэ қурган янги зинапояни кўриб келиш учун Бельведерга бориб келганини айтди. Зинапоя унга ёқипти. Шунингдек, унга тошга айланган кунда юборишганини, ҳозир уни менга кўрсатмоқчи эканлигини ҳам айтди.

— Бунақа тошга айланган таналарни, — деди у, — эллик биринчи градусда, Американинг ҳамма ерида топиш мумкин, улар гўё ернинг маркази. Дарҳақиқат, ҳайрон қолмасдан илож йўқ. Ернинг қадимги тузилиши ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмасмиз, ўз фаразларини одамлар миясига сингдиришга уринган жаноб фон Бухни айблаёлмайман. У ҳеч нарса билмайди, охир-оқибат сенга нима ўргатишганининг фарқи йўқ, ҳар ҳолда шу берилаётган билим маълум даражада оқилона бўлсин.

Гёте менга Цельтердан салом айтди, бундан жуда хурсанд бўлдим. Кейин унинг «Италияга саёҳат»и ҳақида сўзлашдик. Гёте унинг Италиядан ёзган хатларидан бири ичидан кўшиқ

матни топиб олганини, ҳозир уни менга кўрсатишни истаётганини айтди. Шундай дея у мендан рўпарамдаги стол устида ётган қоғозлар боғламини узатиб юборишимни сўради. Мен уларни олиб бердим, бу унинг Италиядан ёзган хатлари эди, у кўшиқни топиб олди-да, ўқиб берди:

*Купидо, тийиқсиз, шўх-шаддод бола,
Бирпасга сўрадинг мендан бошпана.
Бироқ қолиб кетдинг талай куну тун,
Гўё бугун уйда ўзим бегона.*

*Кенг, катта сўримдан суриб ташладинг,
Мен ерда қийналдим тунлар қунишиб.
Сен ўз хоҳишингча ўтин ёқасан,
Қишки захирамга мени ҳам қўшиб.*

*Уйнинг жиҳозлари алғову далғов,
Мен излаб ҳалакман тополмай хомуш.
Тўс-тўполонингдан қочсам, жонгинам,
Сендан кетай десам, уй қолар бўм-бўш.*

(Ваҳоб РАҲМОНОВ таржимаси.)

Шеър менга жуда ёқди, у менга тамоман янги туюлди.

— Уни Сиз яхши биласиз, — деди Гёте, — у менинг «Клаудина де Вилла Белла»мга киритилган, уни Ругантино куйлайди. У ерда мен уни бўлақларга бўлиб ташлаганман, буни дарҳол пайқаб олиш қийин, бунинг нима эканлигини ҳеч ким билмайди ҳам. Менимча, у ёмон чиқмаган, вазиятни яхши ифодалаб, чиройли рамзий маъно касб этган, ўзига хос анакреонтик шеър¹. Аслида менинг операларимдаги шу ва шунга ўхшаш кўшиқларни «Шеърлар» номи билан ажратиб кўрсатиш керак шекилли, токи бастакор кўшиқларни осон топа олсин.

Бу фикр менга оқилона туюлди ва буни ўзим учун белгилаб қўйдим.

Гёте шеърни жуда чиройли ўқиди, мен уни анчагача унутолмадим, назаримда у ҳам шеърни узоқ вақт эслаб юрди. Унинг сўнгги:

*Тўс-тўполонингдан қочсам, жонгинам,
Сендан кетай десам, уй қолар бўм-бўш —*

сатрларини у худди туш кўраётгандек бир неча бор такрорлади.

¹ Анакреонтик шеър — қадимги юнон шоири Анакреонт (мил. авв. 563—478) номи билан боғлиқ лирик шеърнинг бир тури, хазил тариқасида, дўстона оҳангда ёзилган унча катта бўлмаган шеър.

Кейин Наполеон ҳақида яқиндагина чиққан китоб¹ ҳақида ҳам гапирди, уни императорни ёшлигидан билган одам ёзган бўлиб, унда ниҳоятда қизиқарли янгиликлар бор эмиш.

— Китоб ҳеч бир ҳис-ҳаяжонларсиз, жиддий ёзилган, ammo унда, агар бирорта одам айтишга журъат қилолса, ҳақиқатнинг буюк нафасини сезиш мумкин.

Шунингдек, Гёте менга бир ёш шоир ёзган фожиа² тўғрисида ҳам айтиб берди.

— Бу патологик маҳсулнинг ўзи, — деди у, — шарбат керак бўлмаган қисмлари шарбатга тўлиб кетган, айти шу нарса керак бўлган қисмлари эса қуруқ бўлиб қолган. Сюжет яхши, жуда яхши эди, бироқ мен кутган сахналар йўқ, мен кутмаганлари меҳр ва тиришқоқлик билан ёзилган. Менимча, бу патология ёки ҳозирги замон назарияси бўйича романтика — қайсиси Сизга маъқул бўлса танлайверинг.

Гёте икковимиз анча гурунглашиб ўтирдик, кейин у мени асал ва хурмо билан меҳмон қилди, хурмони емасдан ўзим билан олиб кетдим.

1829 йилнинг 6 апрели, душанба

Гёте менга Эгон Эбертнинг хатини берди, мен уни тушлик маҳали завқ билан ўқиб чиқдим. Биз Эгон Эбертни, Богемияни роса мақтадик ва профессор Сауперни ҳам меҳр билан ёдга олдик.

— Богемия гаройиб мамлакат, — деди Гёте, — мен у ерга ҳамиша жон деб бораман. У ердаги адабиётчиларнинг илмида ҳар қалай софлик бор, шимолий Германияда айнан шу нарса етишмайди, у ерда ҳеч қандай маънавий асоси бўлмаган дуч келган ялангоёқ қўлига қалам олади, юксак орзулар ҳақида ку гапирмаса ҳам бўлади.

Шундан сўнг Гёте Эгон Эбертнинг сўнгги эпик шеъри хусусида тўхталиб, у шеърда бир вақтлар Богемияда матриархат ҳукм сургани ва чавандоз аёллар ҳақидаги нақлнинг қандай келиб чиққани ҳақида сўз боришини айтди.

Шу тахлит гурунг бошқа бир шоирнинг эпосига кўчди, у асари ҳақидаги тақризларнинг матбуот саҳифаларида кенг ёритилишига зўр бериб уринган экан.

¹ Наполеоннинг котиби Луи-Антуан де Бурьен (1769 – 1834)нинг «Наполеон ҳақида хотиралар» китоби назарда тутилган. Китоб 1828–1830 йилларда ўн жилдда босилиб чиққан.

² Вайблингнинг «Анна Буллен» фожиаси.

— Ана шундай такризлар, — деди Гёте, — ростдан ҳам у ер-бу ерда пайдо бўлди. Тўсатдан «Халле адабий газетаси» чиқиш қилди, шеърга тегишли бор гапни очик-ойдин айтдида, ўшангача бошқа газеталарда босилган ижобий фикрларни фош қилиб ташлади. Бугунги кунда турли йўллар билан ўзини кўрсатмоқчи бўлганлар дарҳол очиб ташланади, ҳозир халқни йўлдан уриб, аҳмоқ қиладиган пайт эмас.

— Хайронман, — дедим мен, — одамлар арзимас номлар кетидан куйиб-пишиб югуришаркан, ҳатто мумкин бўлмаган воситалардан ҳам тап тортишмайди.

— Азизим, — деди Гёте, — ном дегани арзимас нарса эмас. Наполеон ўз номини машхур қилиш учун ярим дунёни ер билан яксон қилди.

Суҳбатимизда бироз узилиш бўлди. Сўнгра у менга Наполеон ҳақидаги янги китобдан айрим нарсаларни ҳикоя қилиб берди.

— Ҳақиқатнинг кучи бекиёс, — деди у, — журналистлар, тарихчилар, шоирлар Наполеон ҳақида кўпиртириб ёзган барча мақтовлар, хомхаёллар ушбу китобдаги даҳшатли ҳақиқат олдида елга учади, бироқ қахрамон бу билан обрўсизланиб қолмайди, аксинча, у янада ҳаққонийроқ бўлиб юксалади.

— Афтидан бу инсонда аллақандай бир сирли куч бўлган эканки, одамлар дарҳол унга эргашишган, ишонишган ва унинг ҳукмига бўйсунушган, — дедим мен.

— Нима бўлганда ҳам, — деди Гёте, — у фавқулодда улуғ шахс бўлган. Энг муҳими, одамлар унинг ҳукмронлиги остида мақсадга эришишларига ишонишган. Шунинг учун ҳам улар унинг ортидан эргашишган, уларга шундай ишончни сингдирган ҳар қандай одамнинг ортидан ҳам шундай эргашишган бўларди. Ахир актёрлар ҳам янги режиссёр ролларни яхши олиб чиқишга кўмаклашади, деб унга қаттиқ ишонадилар-ку. Бу мудом такрорланиб турадиган эски эртақ, инсон табиасти ўзи шундай тузилган. Ҳеч ким бировга ўз ихтиёри билан хизмат қилмайди, агар хизмати ўзига ҳам наф келтиришини билса, у жон деб ҳаракат қиладди. Наполеон одамларни яхши билган ва уларнинг ожиз томонларини ўз фойдасига йўналтириш йўлини ҳам билган.

Гурунг мавзуси Цельтерга кўчди.

— Цельтер прусс орденини олганини эшитган бўлсангиз керак, — деди Гёте, — бироқ унда ҳали герб йўқ эди, авлодлари ўзига етарли, наслининг узок давом этишига ҳам умиди катта. Наслининг шон-шуҳратини сақлаш учун ҳам герб унга жуда зарур эди. Унга шундай гербни ясаш фикри

бирданига миямга келиб қолди. Бу ҳақда унга ёзиб юбордим, у розилик берди, бироқ гербда от тасвири бўлишини истади. Яхши, — дедим мен, — от бўлади, ҳатто қанотли от бўлади. Ана қаранг, орқангизда бир варақ ётипти, унда гербнинг мен чизган лойиҳаси бор.

Мен қоғозни олиб, суратни кўздан кечирдим. Герб беҳад салобатли кўринарди, муаллифнинг ижодкорлиги таҳсинга лойиқ эди. Пастида шаҳар деворларининг куббалари кўриниб турар, бу билан Цельтернинг бир вақтлар гишт терувчи уста бўлганлигига ишора қилинган, девор тепасида қанотли от парвоз қилишга тайёр турар, бу Цельтер даҳоси ва юксакликка интилишининг рамзи эди гўё. Гербнинг устки томонида лира акс эттирилган, унинг тепасида юлдуз порлаб турар, бу суюкли дўсти хайрихоҳ юлдузлар мадади ва ҳимояси остида шон-шуҳратга эришганлигининг рамзи эди. Гербнинг остида, қирол унинг буюк хизматларини муносиб тақдирлаган орден осилиб турарди.

— Уни ўйиб ишлашни Фациус'га топширдим, — деди Гёте, — Сизга унинг кўчирмасини кўрсатаман. Ахир дўст дўстига герб ясаб, уни дворян даражасига кўтаргани яхши иш-ку, шундайми?

Иккаламиз ҳам бундай қувончли фикрдан қониқиш ҳосил қилдик, Гёте кўчирма олиб келиш учун хизматкорини Фациусга жўнатди.

Сўнгра стол атрофида яна анча ўтирдик ва мазали бисквитлар билан эски Райн виносидан бир неча стакан ичдик. Гёте ниманидир ўзича хиргойи қилди. Кечаги шеър ёдимга тушиб, икки сатрини ўқидим:

*Уйнинг жиҳозлари алғову далғов,
Мен излаб ҳалакман тополмай хомуш.*

— Ўша шеър ҳечам хаёлимдан нари кетмаяпти, — дедим мен, — у шу даражада ўзига хоски, унда муҳаббат ҳаётимизга олиб кирадиган тартибсизлик аниқ ифода этилган.

— У кўз ўнгимизда хийла ёқимсиз ҳаёт ҳолатларини намён қилади, — жавоб берди Гёте.

— У менда худди расмдек, нидерланд мактабининг расмидек таассурот қолдиради, — давом этдим мен.

— Ҳа, унда «Бахтли эр-хотин» картинасига ўхшаш нимадир бор, — сўзимни тасдиқлади Гёте.

¹ *Фациус Фридрих Вильҳелм (1764–1843)* — муҳр ва медалларни ишловчи сарой ўймакор устаси.

— Сиз тилим учида турган сўзни айтдингиз, — дедим мен, — чунки мен тинимсиз ўша шотланд мотивлари ҳақида ўйлаётгандим ва Остаденинг картинаси кўз олдимдан нари кетмаётганди.

— Ажабланарли томони шундаки, — деди Гёте, — ҳар икки шеър ҳам рассом мўйқаламига бўйсунмайди, майли, улар картинадек таассурот қолдираверсин, бироқ улар картинага кўчса йўққа чиқади.

— Булар, — дедим мен, — поэзия билан тасвирий санъат ўз доирасидан чиқмаган ҳолда имкони борича бақамти келишлари мумкинлигига ёрқин мисолдир. Мен ана шундай шеърларни жуда яхши кўраман, уларни ҳам кўриш, ҳам ҳис этиш мумкин. Сиз қандай қилиб шундай ҳолатни ҳис этгансиз, бунини тушуниш мен учун қийин, ахир шеър бутунлай бошқа замон ва маконга тегишли.

— Мен такроран шундай қилолмаган бўлардим, — деди Гёте, — қандай қилиб шу фикрга келганимни айтолмаган бўлардим, ҳар ҳолда бунақаси тез-тез содир бўлиб туради.

— Шеърда яна бир ўзига хос хусусият бор, — дедим мен, — у менга худди қофиялангандек туюлаверади, аслида шундай эмас-ку. Нега шундай?

— Ҳамма гап ритмда, — деди Гёте, — сатр урғусиз бўғиндан бошланади, кейин хорей келади, охирида дактил пайдо бўлади, унинг ўзига хос таъсири остида шеър мунглихафакон характер касб этади. Гёте қаламни олди-да мана бундай белгиларни қўйиб чикди:

Кенг, | катта | сўримдан | суриб | ташладинг.

Биз умуман ритм ҳақида сўзлашдик ва бунақа нарсалар ҳақида ўйлаб бўлмайди, деган фикрга келдик.

— Ўлчов, — деди Гёте, — бевосита поэтик кайфиятдан келиб чиқади. Шеър ёзаётган пайтда бу ҳақда ўйлайдиган бўлсанг, жинни бўласан ва бирон тузук нарса яратолмайсан.

Мен герб кўчирмасини келтиришларини кутардим. Гёте Гизо ҳақида сўз бошлади.

— Мен ҳалиям унинг маърузаларини ўқияпман, улар нақадар зўр. Бу йилги маърузаларида эрамизнинг саккизинчи асригача бўлган давр қамраб олинган. Ундаги фикрлаш тарзининг ўткирлиги ва чуқурлиги бирорта бошқа тарихчида кўзга ташланмайди. Бизнинг хаёлимизга келмайдиган кўп нарсалар тарихдаги муҳим воқеалар манбаи сифатида унинг назарида юксак аҳамият касб этади. Масалан, маълум диний

қарашларнинг тарихга қандай таъсир ўтказгани, дастлабки гуноҳ, фаровонлик, хайрли ишлар ҳақидаги тушунчаларнинг у ёки бу давр характерини қандай шакллантирганини аниқ исботлаб, изоҳлаб беради. У, сув остига шўнғиб кетадиган, бироқ йўқолиб кетмасдан, бироздан сўнг яна аввалгидек омон-эсон сув юзида пайдо бўладиган ўрдакмонанд Рим ҳуқуқшунослигини ҳам ишончли шарҳлайди, шу муносабат билан бизнинг ҳурматли Савиньи'ни ҳам эътироф этишни унутмайди.

Айниқса Гизонинг қадимги даврда галларнинг бошқа миллатларга кўрсатган таъсири ҳақида сўз борадиган бўлимда олмонлар ҳақида ҳам тўхталгани мени қизиқтирди. «Германлар, — дейди у, — бизни шахсий озодлик ғояси билан ошно қилишди, бу нарса ҳаммадан ҳам уларга хос». Ахир буни эшитиш ёқимли эмасми, Гизо тамоман ҳақ-ку, бу ғоя бизда ҳозиргача ҳукм сурмайdimи? Реформация² ва Вартбургдаги ёшларнинг фитнаси³, яъни улуг ва аҳмоқона фитна ҳам ана шу ғоядан келиб чиққан эди. Адабиётимиздаги хилма-хиллик, шоирларнинг оригиналлик кетидан қувишлари, ҳар бирининг ўзича янги йўл очишга бўлган ишончи, шунингдек олимларимизнинг бошлари бир жойга қўшилмай, якка-якка бўлиб, ўз пуч хаёллари қуршовида, ўз ихтиёрларича фаолият олиб боришлари — булар ҳам ўша қарашлар оқибатидир. Французлар билан инглизлар эса, бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирлари билан ҳисоблашиб ҳаракат қилишади. Уларнинг кийинишлари ва ўзларини тутишларида ҳам қандайдир умумийлик бор. Улар, бу билан, эҳтимол, одамларнинг диққатини тортмаслик ёки кулгили кўриниб қолмаслик учунми, бир-бирларидан фарқланиб қолишдан хавфсирашади. Олмонлар бўлса, ҳар бири кўнгли тусаган ишни қилади, фақат ўзи ҳақида қайғуради, бошқалар уни қизиқтирмайди, чунки Гизо тўғри уқтирганидек, уларнинг ҳар бирида шахсий озодлик ғояси ҳукмрон, ана шу ғоядан, айтиб ўтганимиздек, кўплаб

¹ *Савиньи Фридрих Карл фон (1799 – 1861)* — олмон ҳуқуқшуноси, ҳуқуқ тарихий мактабининг етакчиси.

² *Реформация* — XVI асрда Ғарбий Европа католик черковига ва папа ҳокимиятига қарши олиб борилган диний кўринишдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат.

³ *Вартбургдаги талабалар фитнаси* — 1817 йил кузида Германияда Реформациянинг уч юз йиллигини нишонлаш пайтида Йена университети талабалари бутун Германияни бирлаштириш шиори остида намойиш ўтказдилар; бу реакцион матбуот органларининг ҳамда айрим герман давлатлари бошлиқларининг ғазабини келтирди ва улар талабаларга қарши репрессия уюштиришди.

яхши нарсалар, шу билан бирга, кўплаб беъманиликлар ҳам келиб чиқади.

1829 йилнинг 7 апрели, сешанба

Мен кириб келганимда, анчадан бери тоби бўлмаган сарой маслаҳатчиси Мейернинг Гёте билан стол атрофида ўтирганини кўриб, унинг тузалиб қолганидан суюндим. Улар санъат ҳақида сўзлашишарди, гап орасида Клод Лоррен¹ чизган битта суратни тўрт минг фунт стерлингга сотиб олган Пил²ни ҳам эсга олишди, Пилнинг бу иши Мейернинг эътирофига сазовор бўлган эди. Хизматкор газеталарни келтирди, шўрвани кутарканмиз, уларни биттадан олиб қарашга тутиндик.

Бироқ кўп ўтмай ирландларнинг озодлик курашини муҳокама қилишга тушдик.

– Бунда биз учун ибрат бўлгулик нимадир бор, – деди Гёте, – шу воқеа сабаб бўлиб кўп нарсалар юзага чиқди, улар ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди, шу воқеа сабаб бўлмаса ҳеч ким уларни тилга ҳам олмаган бўларди. Биз ирланд воқеаларининг асл моҳиятини билмаймиз, бу жуда чигал нарса. Шуниси аниқки, бу мамлакатни қийнаётган мушкуликларнинг давоси йўқ, ҳатто озодлик ҳам унга ёрдам беролмайди. Шу пайтга қадар Ирландия мушкуликларни ўз елкасида ёлғиз кўтариб келгани бахтсизлик бўлган бўлса, энди бу ерга Англиянинг суқилиб киргани яна бир бахтсизлик бўлди. Ҳамма гап мана шунда. Католикларга умуман ишониб бўлмайди. Ирландиядаги икки миллион протестантлар беш миллион католиклар томонидан қандай қийноққа солинганини кўрдик-ку, бечора протестантларни қўшни католиклар қандай қийнаб, масхаралаб, азоб-уқубатларга солишди. Католиклар мудом ўзаро келишолмайди, бироқ гап протестантга бориб тақалдими, бўлди, дархол бирлашиб олишади. Улар ўзаро бир-бирини ғажиётган, аммо бирорта буғуни кўриб қолишса, ўша захоти бирлашиб олиб, буғу кетидан қувишга тушадиган итлар тўдасига ўхшашади. Гурунг Ирландиядан Туркиядаги воқеаларга кўчди. Хайрон бўлдик: нега руслар кўп сонли бўлишларига қарамай, бултурги юришда анча сустлашиб қолди?

– Гап шундаки, – деди Гёте, – русларнинг имкониятлари чекланган эди, шунинг учун улар алоҳида шахслар-

¹ *Лоррен Клод (1600–1682)* – француз пейзаж рассоми ва графика устаси.

² *Пил Роберт (1788–1850)* – инглиз давлат арбоби.

га катта талаблар қўйишди, натижада якка қаҳрамонликлар кўрсатилди, кўплар қурбон бўлди, аммо умуман армия фаолиятига бунинг таъсири кўринмади.

— Бунинг устига, — деди Мейер, — бу қандайдир беҳосият жой, азалдан шунақа, бирорта душман Дунай бўйидан шимол томонга, тоғларга ўтадиган бўлса, ҳамиша қаттиқ қаршиликка учраб, ҳеч қачон олдинга ўтолмаган. Агар руслар денгиз томонни қўлдан бермай ушлаб туришганда эди, уларга ўша ердан озиқ-овқат етказиб бериш имкони бўларди!

— Зора шундай бўлса, — деди Гёте. — Мен ҳозир Наполеоннинг Мисрга юришини ўқияпман, унинг доимий йўлдоши Бурьенн¹ бу ҳақда шундай ёзганки, уларда хатарли хатти-ҳаракатлар эмас, бор ҳақиқат бутун бўй-басти билан намоён бўлган. Кўришиб турипти, Наполеон Францияда тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиш учун ҳеч нарса қилолмаслигига кўзи етгач, вақт ўтказиш мақсадида Мисрга юришга қарор қилган. Дастлаб у нима қилишни билмасдан Атлантик уммони соҳилидаги барча француз бандаргоҳларига бориб, Англия устига юриш мумкинми ёки йўқми, шунга иқроп бўлиш мақсадида кемаларнинг аҳволини кўрди. Бунинг иложи йўқлигига амин бўлгач, армияни Миср томонга йўналтиришга қарор қилди.

— Ҳайрон қоламан, — дедим мен, — Наполеон ёш бўлишига қарамасдан, қандай қилиб жаҳон аҳамиятига молик масалаларни шундай ишонч ва осонлик билан, гўё кўп йиллик тажриба ва кўникмага эга бўлган одамдек ҳал қилади.

— Болагинам, — деди Гёте, — бу даҳога хос хусусият. Ҳуммел рояли билан қандай муносабатда бўлса, Наполеон ҳам дунё билан шундай муносабатда бўлди, иккаласи ҳам бизнинг қўлимиздан келмайди, унисини ҳам, бунисини ҳам биз тушунмаймиз, аммо бу бор нарса ва бу кўз олдимизда содир бўлмоқда. Наполеоннинг буюклиги шундаки, у ҳамиша ўз «мен»ини сақлаб қола оларди. Жангдан олдин ҳам, жанг пайти ҳам, валабадан сўнг ҳам, мағлубиятдан сўнг ҳам мудом бир хил, оёғида маҳкам турар, ҳамиша қатъий ва саботли, бундан кейин нима қилиш кераклигини биларди. У ҳеч қачон ўзи танлаган йўлдан чекинмас, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета оларди, худди шунингдек, Ҳуммелга ҳам адажио ёки аллегрони чалиш, бас ёки ингичка овозда чалиш керакми, барибир, ҳаммасини уйдларди. Бундай эпчиллик, ҳақиқий истеъдод эгаси бўлган одам ҳамма жойда: тинчлик давридаги

¹ *Бурьенн Луи-Антуан де (1769 – 1834)* -- Наполеоннинг котиби.

санъатда ёки урушда бўлсин, рояль чалишда ёки курул билан муносабатда бўлсин, кўзга ташланади.

— Тагин бу китобда, — давом этди Гёте, — Мисрга юриш ҳақида қанча-қанча чўпчаклар ҳикоя қилинганига гувоҳ бўламиз. Айримлари, албатта, ҳақиқатга тўғри келади, кўпчилиги тўқима, кўплари эса бутунлай ўзгача юз берган.

Саккиз юзта турк асирларини отиб ташлашга буюргани — рост, аммо бу ҳарбий кенгашнинг узок ўйлаб чиқарган қарори бўлиб, мавжуд аҳволни текшириб кўргач, ҳамма, уларни қутқариб бўлмайди, деган қарорга келган эди.

Лекин, у эҳромлар остига тушган, деган гап бориб турган чўпчак. У хотиржам ташқарида туриб, ер остида бўлган одамларнинг ҳикояларини эпитган, холос. У шарқона кийимда юрган, деган гап ҳам худди шунга ўхшаган ёлғон. Бор-йўғи бир мартагина у бу кийимни уйда кийиб кўрган ва қани, бу кийим менга қандай турар экан, дея ўз яқинларига кўринган. Фақат барча узунчоқ бошлар сингари, у ҳеч қачон бу кийимни қайтиб эгнига олмаган.

Вабога йўлиққан беморларни бориб кўргани рост, бу билан у, агар одам ўзидаги кўрқувни енга олса, бу касалликни ҳам енгса бўлади, деб бошқаларни ишонтирмоқчи бўлган. Дарҳақиқат шундай! Ўз ҳаётимда бўлган воқеани айтиб беришим мумкин, безгак касалини аниқ юктиришим мумкин бўлган пайтда катта ирода кучи билан бундан омон қолганман. Бундай ҳолларда ички маънавий куч-қудратнинг нималарга қодирлигини тасаввур қилиш кийин! Ирода кучи бутун танани эгаллаб олади-да, уни ҳар қандай зарарли таъсирга қарши турадиган фаолликка ундайди. Кўрқув эса, аксинча, одамни заиф, касалликларга мойил қилиб қўяди, бу эса душманнинг бизни енгишига йўл очиб беради. Наполеон буни жуда яхши биларди ва армиясига мана шундай юксак намуна кўрсатиш учун ҳеч нарсадан тап тортмади.

— Аммо, — қувноқ ва ҳазиломуз давом этди Гёте, — буёғини эшитинглар! Наполеон ҳарбий юришлари давомида қандай китобни олиб юрган, хўш? Менинг «Вертер»имни!

— Унинг Эрфуртдаги чиқишларига қараганда, у «Вертер»ни яхшигина ўрганган бўлса керак, — дедим мен.

— У «Вертер»ни худди судья жиной «иш»ни ўргангандек ўрганиб чиққан, — деди Гёте, — у мен билан ҳам худди шу маънода сўзлашган эди.

Жаноб Бурьеннинг китобига Наполеон Мисрга юришда кўчма кутубхонасида олиб юрган китоблар рўйхати ҳам илова қилинган, улар орасида «Вертер» ҳам бор. Ушбу

рўйхатнинг қизиқлиги шундаки, китоблар турли рукнлар остида тасниф қилинган. Масалан, «Politique»¹ рукни остида «Le vieux testament», «De nouveau testament», «Le coran»² китобларини кўрамиз, бундан, Наполеон диний масалаларга жиддий қарагани аён бўлади.

Гёте ҳозир ўзини банд қилиб турган китобдан бизга яна кўп қизиқ нарсаларни гапириб берди. Шунинг учун қуйидаги воқеани ҳам тилга олди: Наполеон армияси билан денгиз суви қайтган пайтда Қизил денгиздан куруққина ўтиб олмоқчи бўлганда тўсатдан денгиз суви кўтарилган ва охириги отряд деярли кўкрагигача сувга ботиб ўтиб олган, бундай журъат билан фиръавн ўлимини такрорлашига оз қолган. Шу муносабат билан Гёте сув кўтарилишининг келиб чиқиши ҳақида анчагина янгиликларни айтиб берди. У бу ҳодисани булутларга киёслади, булутлар узок-узоклардан келмай, ҳар қандай жойда бирданига пайдо бўлишади-да, ҳаммаёққа бир хилда тарқалишади.

1829 йилнинг 8 апрели, чоршанба

Мен кириб келганимда, Гёте ясатилган стол олдида ўтирарди, у мени қувноқ кутиб олди.

— Мен бугун мактуб олдим, — деди у, — қаердан, кимдан дейсизми? Римдан! Бавария қиролидан!

— Қувончингизга шерикман, — дедим мен, — буни қарангки, мен бир соатча олдин сайр қилиб юриб, Бавария қироли ҳақида хаёл сурган эдим, энди эса, Сиз мени бунақа хабар билан кутиб оляпсиз.

— Кўп нарсаларни биз ногаҳон олдиндан сезамиз, деди Гёте, — ана мактуб, олинг-да, ёнимга ўтириб ўқинг.

Мактубни қўлимга олдим, Гёте газетани олди, мен қирол сўзларини хотиржам ўқишга киришдим. Хатда аниқ қилиб, йирик ҳарфлар билан: Рим, 1829 йилнинг 26 марти деган сана қўйилган эди. Қирол Гётега Римда ер-мулк сотиб олганини хабар қилган, бу ёнида боғи бор «ди Малта» вилласи бўлиб, у шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмидаги баланд тепалик устига жойлашган Людовизи вилласига яқин ерда экан, у ердан бутун Римни томоша қилса бўларкан, шимоли-шарқ тарафдан унга муқаддас Пётр собори бемалол кўриниб тураркан. «Бу манзарани кўриш учун, — деб ёзади у, — узок

¹ *Politique* сиёсат (фр.).

² «*Le vieux testament*», «*Le nouveau testament*», «*Le coran*» Таврот, Инжил, Қуръон (фр.).

юртлардан одамлар келишади, мен бўлсам ўз уйим деразасидан уни ҳар дақиқада бемалол томоша қилишим мумкин». У давом этиб ёзадики, Римда шу тахлит қулайгина ўрнашиб олганидан ўзини беҳад бахтли ҳис этаётганмиш. «Мен Римни ўн икки йилдан бери кўрмаган эдим, — деб ёзади у, — одам ўз махбубасини қандай соғинса, мен ҳам Римни шундай соғинган эдим, бундан буён бу ерга худди севикли дўстим ёнига қайтгандек хотиржам туйғу билан қайтавераман». Римдаги салобатли бинолар ва санъат дурдоналари ҳақида билимдон кишининг завқ-шавқи билан ёзаркан, чинакам гўзал нарсалар қалбига яқин эканлиги ва яхши дидга мос келмайдиган ҳар қандай нарсани ўзига оғир олиши сезилиб турарди. Бутун мактуб шундай ажойиб, самимий ҳис-туйғулар билан битилган эдики, уни ҳечам ҳукмдор қўли билан ёзилган, деб ўйламайсан киши. Мен ўз севинчимни Гёте билан бўлишдим.

— Бунда Сиз, — деди у, — қироллик улугворлиги билан бир қаторда, ўзининг ажойиб инсоний хусусиятларини сақлаган монархни кўриб турибсиз. Бу ноёб ҳодиса, шу туйғу файли янада қувончлироқ.

Мен яна мактубга назар солдим ва диққатга сазовор жойларини топдим. «Бу ерда, Римда, — деб ёзади қирол, — мен тож-тахт ташвишларидан дам оляпман, санъат, табиат — менинг кундалик қувончим, санъат намояндалари — менинг доимий ҳамсуҳбатларим». У сўзида давом этиб, Гёте яшаган уй ёнидан ҳар гал ўтганида у ҳақда ўйлашини ҳам ёзган. Мактубда «Рим элегиялари»дан бир неча сатр келтирилган бўлиб, бу шундан далолат берардики, демак, қирол уларни хотирасида сақлаб қолган ва Римда, элегиялар ёзилган жойда аҳён-аҳёнда ўқиб турар экан.

— Ҳа, — деди Гёте, — у элегияларни жуда яхши кўради, буларда нима ҳақиқатда содир бўлгану нима тўқилган, дея менинг бошимни қотиргани-қотиргани, негаки шеърларда ҳамма нарса шундай гаройиб тасвирланганки, гўё улар чиндан ҳам содир бўлгандек, дерди. Гоҳида арзимаган бир воқеа сабаб бўлиб, шоир яхши бир шеър ёзиши мумкинлиги камданкам кишининг хаёлига келади-да.

— Қиролнинг шеърлари ҳозир қўлимда бўлганида эди, — сўзида давом этди Гёте, — жавоб хатимда булар ҳақида унга бирор гап айтган бўлардим. Мана шу камгина ўқиганларимдан хулоса чиқарадиган бўлсам, унинг шеърлари ёмон эмас. У шакл ва услубда Шиллерга тақлид қилади, агар у мана шу улкан идишни кўтаринки руҳ билан тўлдириб бизга тақдим қилмоқчи бўлса, ундан кўп нарса кутишга ҳақлимиз.

Ҳар холда қиролнинг Римда яхшигина уй сотиб олганидан хурсандман. У виллани мен биламан, жуда яхши ерда жойлашган, атрофида фақат олмон рассомлари яшашади.

Хизматкор ликопчаларни алмаштирди, Гёте унга шифти безакли хонада Римнинг гравюралари катта харитасини ёйиб қўйишни буюрди.

— Қирол қандай гўзал жойдан уй сотиб олганини кўрсатаман, токи Сиз уни ўз кўзингиз билан кўринг.

Мен Гётенинг бу илтифотидан хурсанд бўлдим.

— Кеча кечқурун, — дедим мен, — «Клаудина де Вилла Белла»ни маза қилиб ўқидим. У зўр композицияга эга, бунинг устига у шу қадар дадил, эркин, шундай викорга эгаки, мен уни театр сахнасида томоша қилишни жуда-жуда истадим.

— Агар уни яхши ўйнашса, томоша қилса бўлади, — деди Гёте.

— Мен спектаклни аллақачон хаёлан кўйдим, — дедим мен, — ролларни ҳам тақсимладим. Жаноб Генаст Ругантинони ўйнайди, у гўё мана шу роль учун яратилгандек, жаноб Франке¹ дон Педрони ўйнайди, унинг бўйи Генаст билан баравар, иккала ака-ука бир-бирига ўхшаш бўлгани яхши. Жаноб Ларош Баско ролига ўзига хос грими ва санъати билан унга зарур бўлган асовлик (тап тортмаслик) хусусиятини бера олган бўларди.

— Мадам Эбервайн², — давом этдим мен, — менимча Люцинда ролига, мадемуазель Шмидт³ Клаудина ролига жуда мос келган бўларди. Алонзо роли учун бўй-басти келишган одам керак, у қўшиқчидан кўра кўпроқ актёр бўлиши лозим, назаримда бу ролни жаноб Эльс⁴ ёки жаноб Графф⁵ удалаган бўлишарди. Бу операга ким мусиқа ёзган, мусиқа қандай?

— Райхардт⁶, — жавоб берди Гёте, — мусиқага гап йўқ, аммо эски замон дидига мосланган инструментровка (чолғулар тўплами) бўшроқ. Уни бироз янгилаш, кучлироқ, етукрок қилиш керак. Бизнинг «Купидо, тийиқсиз, шўх-шаддод бола» қўшиғимиз, айниқса яхши басталанган.

¹ Франке Хайнрих (1807—?) — Ваймар театрининг актёри.

² Эбервайн Генриетта (1790—1849) — актриса, Франц Эбервайннинг рафиқаси.

³ Шмидт Мария — қўшиқчи.

⁴ Эльс Карл Людвиг (1780—1833) — Ваймар театрининг актёри.

⁵ Графф Йоханн Якоб (1768—1848) — Ваймар театрининг актёри.

⁶ Райхардт Йоханн Фридрих (1752—1814) — композитор ва ёзувчи.

— Бу кўшикнинг ўзига хослиги шундаки, — дедим мен, — уни овоз чиқариб ўқисанг, кишида қандайдир кўтаринки хаёлий кайфият уйғотади.

— У ўзи шундай кайфиятдан яралган, — деди Гёте, — шунинг учун уйғотадиган кайфияти ҳам шунга мувофиқ.

Тушлик қилиб бўлдик. Фридрих шифти безакли хонада Рим харитаси ёйиб кўйилганини айтди. Биз уни кўриш учун кетдик.

Буюк шаҳарнинг бор манзараси кўз ўнгимизда намоён эди, Гёте Людовизи вилласини ва унга яқин жойдаги қирол мулки — ди Малта вилласини қийналмай топди.

— Мана, қаранг, у қандай жойлашган! — деди Гёте, — унинг олдида бутун Рим ястаниб ётипти, тепалик шундай баландки, тушга яқин ва эрталаб шаҳарнинг ҳамма тарафи кўринади. Мен бу виллада бўлганман ва кўп бора деразасидан манзарани ҳузур қилиб кузатганман. Шаҳар шимоли-шарқ тарафга қараб Тибер томон ингичка бўлиб чўзилиб кетган, шу ерда муқаддас Пётр собори жойлашган, унинг ёнгинасида — Ватикан. Мана, кўриб турганингиздек, қирол вилласи деразасидан дарё ортидаги мана бу биноларни бемалол кўра олади. Шимол томондан шаҳарга кириб келадиган анави узун йўл Германиядан бошланади, анавиниси эса, Porta del Popolo, мен шу кўчалардан бирида, дарвоза ёнидаги бурчакдаги уйда яшаганман. Ҳозир Римда бошқа бир уйни, мени яшаган, деб кўрсатишмоқда, аммо бу ёлғон. Ҳечқиси йўқ, одамлар шуни хошлашдими, майли, шундай бўлақолсин, менга барибир.

Биз яна аввалги хонага қайтдик.

— Канцлер қирол мактубини кўриб хурсанд бўлади, — дедим мен.

— Ҳа, унга мактубни кўрсатаман, — деди Гёте. — Мен Париж ҳақидаги хабарларни, депутатлар палатасидаги нутқлар, баҳс-мунозараларни ўқисам, — сўзида давом этди у, — ҳамиша хаёлимга канцлер келади, айна мана шу соҳа унинг асл ўрни-да. Ахир палата аъзоси бўлиш учун нафақат ақл, балки нотикликка бўлган интилиш ва истак ҳам керак, бизнинг канцлерда ҳар иккаласи ҳам мужассам. Наполеонда ҳам нотикликка ана шундай интилиш бўлган, мабодо сўзлаш имкони бўлмаса, фикрини ёзар ёки айтиб туриб ёздирарди. Блюхер¹нинг китобида ёзилганига кўра, у нутқ сўзлашни яхши кўрган, гапирганда ҳам яхши, ишонарли қилиб гапир-

¹ Блюхер Гебхард Леберехт фон, князь (1742–1819) — прусс фельд-маршали.

ган, у ўзидаги бу хислатни ложада ривожлантирган. Бизнинг Буюк ҳерцог ҳам табиатан камгап бўлса-да, гапиришни яхши кўрарди, агар гапиришга имкон бўлмаса ёзарди. У бир қанча мақолаларни, кўплаб қонунларни ёзган, кўпларини қойиллатиб ёзган. Афсуски, ҳамisha ҳам ҳукмдорда ҳар бир соҳа бўйича етарли билим олишга вақт ҳам, истак ҳам бўлавермасди. Чунончи, ҳаётининг сўнгги даврида расмлар таъмирига қандай қилиб ҳақ тўлаш масаласини тартибга солди. Масала ғалати ҳал қилинди. У ҳукмдор сифатида таъмир ҳақини расмларнинг ўлчамига қараб белгилади. Ҳақ расмнинг квадрат-футига қараб тўланиши керак, деб буюрди. Агар таъмирланадиган расм ўн икки квадрат-фут бўлса, ўн икки талер, агар тўрт квадрат-фут бўлса, тўрт талер тўланадиган бўлди. Бу шохона тартиб бўлиб, санъат учун тўғри келмасди. Негаки, ўн икки квадрат-фут келадиган сурат ўз ҳолатига қараб бир кунда таъмирдан чиқиши, тўрт квадрат-футлик суратнинг таъмири тинимсиз меҳнат талаб қилиб, бир ҳафтагача чўзилиши мумкин. Бироқ ҳукмдорлар, бунинг устига лашкарбоши бўлганликлари туфайли, ҳамма нарсага математик ҳисоб-китоб билан ёндошишиб, буюмнинг ўлчови ва сонини ҳисобга олишади.

Бу ҳикоядан завқландим. Сўнгра биз санъат ва шунга ўхшаш соҳалар хусусида бир оз гурунглашдик.

— Менда, — деди Гёте, — Рафаэль ва Доминикино¹ картиналарига ишланган расмлар бор, улар тўғрисида Мейер билдирган қизиқ фикрларни ҳозир Сизга айтаман. «Бу расмларда, — деди Мейер, — бир оз укувсизлик кўзга ташланади, лекин кўриниб туриптики, уларни чизган одам ўзи кўчирма олган картиналарга чинакам меҳр билан ёндошган, бу ушбу чизгиларда ҳам акс этган, шу боисдан улар асл нусха ҳақида бизга ёрқин тасаввур беради. Бордию ҳозирги замон рассоми нусха кўчирганда эди, нусха анча яхшироқ ва эҳтимол, тўғрироқ чиққан бўларди, бироқ ишончим комилки, асл нусха мана шундай ҳиссиёт билан қайта тикланмаган, демак, унинг яхшироқ чизган сурати Рафаэль ва Доминикино ҳақида шундай тўлиқ тушунча бермаган бўларди».

— Жуда зўр фикр, шундайми? — деди Гёте. — Худди шундай ходиса таржимада ҳам юз бериши мумкин. Масалан, Фосс² Ҳомерни қойилмақом таржима қилган, аммо бошқа би-

¹ Доминикино (Доминико) Цампьеро (1581—1641) — италян рассоми ва меъмор.

² Фосс Йоханн Хайнрих (1751—1826) — ёзувчи ва таржимон.

роҳ киши, умуман олганда Фоссдек моҳир таржимон бўлмасанда, асл нусхани соддароқ, ҳаққонийроқ ҳис этиб, шу билан яхшироқ таржима яратган бўларди.

Унинг айтган барча сўзлари оқилона ва маъқул кўринди. Ҳаво яхши бўлгани ва қуёш чарақлаб тургани учун биз боғ томонга ўтдик, Гёте йўлакай дарахтлардан осилиб турган шохчаларни кўтариб боғлаб қўйишни буюрди.

Сариқ заъфар дарахти чамандек гуллаб ётарди. Биз гоҳ гулларга, гоҳ йўлга қарардик, гулларнинг сояси бинафшаранг ҳосил қилган эди.

— Сиз яқинда менга яшил ва қизил ранглар сариқ ва хаворангга нисбатан яхшироқ кўшилади, дегандингиз, — деди Гёте, — яъни биринчи ранглар кейингиларига нисбатан тўлиқроқ, ёркинроқ ва таъсирчанроқ бўлади, деб ҳисобландингиз. Мен бу фикрга қўшилмайман. Кўзимизда акс этган ҳар қандай ранг, талаб қилинган рангнинг ҳосил бўлишига кўмаклашади, фақат шуниси борки, кўзимиз тўғри йўналишда бўлсин, унга ўткир қуёш нури халақит бермасин, ва ниҳоят, ер ҳам талаб қилинган рангни кўришга имкон яратсин. Умуман, рангларни фарқлашда ҳамда изоҳлашда эҳтиёт бўлиш лозим, акс ҳолда муҳимни номуҳим билан, ҳақиқийни сохта билан, соддани мураккаб билан алмаштириб юбориб, адашишлар тўрига илиниб қолишимиз мумкин.

Мен бу сўзларни ёдимда сақлашга ва ушбу назарияни ўрганишда инобатга олишга жазм қилдим. Шу орада спектакль бошланадиган вақт ҳам бўлиб қолди ва мен театрга бориш учун қўзғалдим.

— Менга қаранг, — деди Гёте кулиб, мени кузатаркан, — «Ўйинчи ҳаётдан ўттиз йил»¹ пьесасидаги даҳшатларга тоқат билан чиданг.

1829 йилнинг 10 апрели, жума

— Шўрвани беришгунча мен кўзингизни алдаб турай, — мана шундай самимий сўзлар билан Гёте олдимга Клод Лоррен ландшафтлари тўпламини қўйди.

Мен бу буюк рассом ишларини энди кўрдим. Таассуротларим чексиз эди, уни варақлаганим сайин хайрат ва ҳаяжоним ортиб борарди. У ер-бу еридаги соя тушган ўринлар бунданда кучлироқ, орқа томондан ёркин қуёш нурига чўмган ҳаво ва унинг сувдаги акси, бундан ҳосил бўлган тасаввурнинг

¹ «Ўйинчи ҳаётдан ўттиз йил» ёзувчи Гелль Теодор (тахаллуси Теодор Винклер, 1775 – 1857)нинг асари.

беҳад софлиги ва аниқлиги туфайли мен буни улур ижодкорнинг тинмай такрорланувчи ижодий услуби сифатида ҳис этдим.

Қувонч билан такрор таъкидлашим керакки, ҳар бир сурат бутун бир кичик дунёни ўзида жамлаган, ҳамма нарса ўша ердаги кайфиятга мос ва уни кучайтирарди. Хоҳ у кемалар қимирламай турган бандаргоҳ бўлсин, хоҳ қимирлаб юрган балиқчилар ва шундоқ сув бўйидаги улкан бинолар бўлсин, эчкилар ўтлаб юрган ёлғизгина тепаликсимон жой, тор йўлкача, бир неча бута ҳамда тарвақайлаган дарахт, унинг остида сибизғасини чалиб, дам олиб ўтирган чўпон бўлсин, ёки бўлмаса, жазирама ёз кунда атрофга салқинлик таратиб турган, сув тўпланиб қолган ботқоқ чуқур жой бўлсин — барча расмлардаги тасвирда қовушмаган, шу муҳит ичига сингиб кетмаган бирор белги кўринмас эди.

— Сиз бу ерда етук инсонни кўряпсиз, — деди Гёте, — у нафақат ўйлайди, балки гўзалликни ҳис этади, ҳар гал унинг қалбида ташқи оламда камдан-кам учрайдиган ўзига хос янги олам туғилади. Бу расмларда ҳақиқатга яқин нарса эмас, балки олий ҳақиқат жамланган. Клод Лоррен реал борлиқни миридан-сиригача ўрганиб олган, бироқ у бу билимни ўзининг гўзал ички дунёсини ифода этиш учун сарфлади. Ҳақиқий бекаму кўстлик реал воситаларни моҳирона ишга сола билишда кўринадики, ўшанда рассом яратган бадиий ҳақиқат кишида мавжуд ҳақиқатдек таассурот қолдиради.

— Менимча, бу ўтқир фикр тасвирий санъат билан бир қаторда поэзияга ҳам тўлиқ алоқадор, — дедим мен.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — деди Гёте, — ҳар ҳолда мислсиз Клод Лоррен томошасидан ҳузур қилишни десертдан кейинга қолдирсангиз яхши бўларди, чунки расмлар шу қадар гўзалки, уларни шоша-пиша кўздан кечириб қўяқолиш ярамайди.

— Менимча ҳам шундай, — дедим мен, — ҳар бир саҳифани очмоқчи бўлсам, мени ҳатто кўрқув чулғайди. Бу мана шундай гўзаллик рўпарасида менда пайдо бўлган ўзига хос кўрқув, бундай ҳолат яхши китобни ўқиётганимизда, айрим ҳаяжонли ўринларида тўхташга мажбур бўлсак пайдо бўлади ва биз ички бир титроқ билан ўқишда давом этамиз.

— Мен Бавария қиролига жавоб мактуби ёздим, — деди Гёте бироз тин олгач, — Сиз уни ўқиб кўрсангиз бўларди.

— Бу мен учун жуда фойдали бўларди, — дедим мен, — бу илтифотдан хурсандман.

— Айтганча, — деди Гёте, — манави «Аллгемайнер цайтунг» газетасида киролга бағишланган шеър босилган, канцлер уни менга ўқиб берди, Сиз ҳам уни бир қараб чиқинг.

Гёте газетани берди, мен шеърни ичимда ўқиб чиқдим.

— Хўш, қандай фикрдасиз? — деди Гёте.

— Бу бир ҳаваскор шоирнинг ҳиссиётлари, — дедим мен, — унда талантдан кўра соф истаклар кўпроқ ҳукмрон, шеър оҳанги, қофияларини ҳосил қилишда унга юксак адабиёт тили кўмакка келган, у бунга гўё ўзим яратдим, деб ўйлайди.

— Сиз тамоман ҳақсиз, — деди Гёте, — менимча ҳам шеър жуда бўш, унда ташқи оламдан асар ҳам йўқ, у фақат ақлий ҳосила, бу ҳам тўлиқ маънода эмас.

— Шеър ёзиш учун, — дедим мен, — тилга олмоқчи бўлган унсурлар ҳақида катта билимга эга бўлиш талаб қилинади, агар, айтайлик, Клод Лорренга ўхшаб шоир ихтиёрида бутун олам турмас экан, у олдига ҳар қанча олий мақсадларни қўйганида ҳам яхши шеър битиши даргумон.

— Дарҳақиқат, — деди Гёте, — тугма истеъдод эгасигина гап нимадалигига ақли етади, бошқалар эса, озми-кўпми ба-рибир хатога йўл қўяди.

— Бундай ҳолат эстетикларда кўзга ташланади, дедим мен, — улардан деярли ҳеч ким, нимани аслида ўргатиш кераклигини билмайди, шу боисдан улар ёш шоирларни нотўғри йўлга бошлашади.

Улар реал нарса ҳақида эмас, идеал нарса ҳақида сўз юритишади, ёш ижодкорга зарур бўлган хислатни сингдириш ўрнига уни йўлдан тойдиради. Масалан, ёш шоир азалдан қочирим ва юморга уста бўлса, у ҳатто шундай хислатга эгаллиги тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмай бу қобилиятини ўз ижодида бемалол юзага чиқараверади, бордию бирор киши бундай юксак фазилатларни кўкларга кўтарувчи сўзлар билан унинг хаёлини чалғитса, хаёлидаги мавжуд кучлар бўғилади-да, четдан ишонч билдиришларга қарамасдан у энди олдинга силжиёлмай қолади.

— Сиз тамоман ҳақсиз, бу мавзуда тинмай гапириш мумкин. Ҳа, айтганча, — сўзида давом этди у, — мен яқинда Эгон Эбертнинг янги эпосини ўқидим, Сиз ҳам ўқинг, эҳтимол шу ердан туриб биз унга бироз ёрдам берармиз. У ростдан ҳам яхшигина талант соҳиби, аммо бу янги поэмасида ҳақиқий поэтик асос, яъни реал асос йўқ. Табиат манзаралари, куёшнинг чиқиши ва ботиши, унга яқин бўлган ташқи олам тасвирланган ўринлар зўр, бундан яхшиси бўлмайди. Бироқ бошқа, ўтмиш асрларга, ривоятларга дахлдор жойлар ҳақиқатдан йироқ, бу

ўринларда зарурий ўзак етишмайди. Амазонкалар, уларнинг ҳаёти ва хатти-ҳаракатлари умумий тарзда, ёшларда поэтик ва романтик тасаввур уйғотадиган, содда эстетик оламда содир бўладиган бир тарзда баён этилган.

— Бундай камчилик, — дедим мен, — бутун ҳозирги замон адабиётига хос. Гўё поэтик эмас, деган ҳаёлда кўплар ҳақиқат олдида хуркиб туришади, шу боисдан умумий маконда қолиб кетишади.

— Эгон Эберт, — деди Гёте, — тарихий нақллар руҳидан келиб чиқиши керак эди, ўшанда унинг асари маълум бир қимматга эга бўларди. Эсимда бор, Шиллер «Вильхельм Телл»ни ёзган пайтида Швейцарияни жон куйдириб ўрганган эди, ёки бўлмаса, Шекспир йилномалардан бутун-бутун парчаларни олиб, пьесаларини ёзишда фойдаланган эди, ёш шоирлар мана кимлардан ўрганишлари зарур. Менинг «Клавиго»мда Бомарше мемуарларидан олинган катта-катта парчалар бор.

— Аммо бу шундай қайта ишланганки, — дедим мен, — ҳатто сезилмайди ҳам, бутун матн мағзига сингишиб кетган.

— Агар шундай бўлса, яхши, — деди Гёте.

Кейин Гёте менга Бомарше ҳақида қуйидагиларни айтиб берди:

— У роса ғалати одам эди, — деди у, — Сиз унинг мемуарларини албатта ўқинг. Суд жараёнларини беҳад яхши кўрар, у ерда ўзини эркин ҳис этарди. Унинг нутқлари, норозилик руҳидаги чиқишлари сақланганки, улар судда сўзланган энг ғаройиб, энг салоҳиятли, энг журъатли нутқлар қаторига киради. Бироқ айни мана шу суд жараёнида Бомарше ютқазган эди. У суд биносининг зинасидан тушаётганида, юқорига кўтарилаётган канцлер унга рўпара келади. Бомарше унга йўл бериши керак эди, лекин буни истамади ва иккала-миз ҳам секин четлашайлик, деб туриб олди. Иззат-нафси лат еган канцлер ўз мулозимларига, уни зўрлик билан четлашти-ринглар, деб буйруқ берди ва шундай бўлди ҳам, Бомарше суд залига қайтиб кирди-да, канцлерга қарши жиноий иш қўзғади ва волиб чиқди.

Мен бу латифанамо ҳикоядан маза қилиб кулдим, биз овқат маҳали у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб, кулишиб ўтирдик.

— Мен яна «Римга иккинчи ташриф» номли асарим устида ишляпман, — деди Гёте, — ниҳоят уни поёнига етказиб, бошқа бирор иш билан шуғулланиш ниятидаман. Хабарингиз бор, босилиб чиққан «Италияга саёҳат»им бутунлай хатлардан иборат. Аммо Римга иккинчи сафарим даврида ёзган хатларим бундай усулга тўғри келмайди, уларда асосан уй таш-

вишлари, Ваймардаги ўзаро муносабатлар ҳақида сўз боради, менинг Италиядаги ҳаётим кам тилга олинади. Ҳар ҳолда уларда менинг ўша даврдаги ички аҳволим хусусида ҳам унча-мунча сўз юритилган. Энди шундай ўринларни чиқариб ташлаб, уларни кетма-кет жойлаштириб, кейин ундан ҳикоя тузиш фикрига келдим, ўшанда улар ҳикояга маълум оҳанг ва рух бағишлайди.

Менга бу маъқул кўринди ва Гётенинг ниятини қувватладим.

— Ҳамма замонларда одамлар такрорлаб келишганки, — давом этди Гёте, — одам аввало ўзини англаб етишга интилиши зарур. Бу ғалати талаб, шу пайтгача бу ҳеч кимнинг кўлидан келмади, бундан кейин ҳам ҳеч ким бунга бажара олмаса керак. Инсон ўз орзу-интилишларини ўзини ўраб турган ташқи оламга қаратиши, уни англаб етишга, уни ўз хизматига йўналтиришга ҳаракат қилмоғи керак, негаки бу унинг мақсадларига етишида асқотади. У ўзини фақат қайғу-аламга ботган ёки хурсанд чоғларидагина англаб етиши мумкин, фақат қайғу ва қувонч орқалигина у нимага интилиши ёки нимадан ўзини ҳимоя қилиши лозимлигини билиб олади. Одам дегани бир нодон мавжудот, у қаердан келиб, қаерга кетаётганини англамайди, дунё ҳақида ҳам кўп нарса билмайди, ўз-ўзинику умуман билмайди. Мен ҳам ўз-ўзимни билмайман, худонинг ўзи мени бундай билимдан халос этсин. Мен бошқа бир гапни айтмоқчи эдим, қирқ ёшимда Италияда бўлганимда, тасвирий санъатга менда ҳақиқий қобилият йўқлигини, бу соҳага интилишим нотўғри бўлганлигини англаб етган эдим. Расм чиза бошласам, менда моддийликни англаш қобилияти етишмас эди, гўё буюмлар устимга бостириб келаётгандек кўрқиб кетардим ва оддийроқ, осонроқ нарсаларга диққатимни қаратардим. Пейзажни чизсам, суратнинг орти бўш ишланарди-да, ўрта қисм орқали олдинга ўтарканман, унга керакли қувватни беришдан кўрқардим, натижада чизган расмларим яхши таассурот қолдирмасди. Бунинг устига, зарурий машқларсиз ҳеч бир ютуққа эришолмадим, орада анча вақт чизмай қўйсам, тагин бошидан бошлашга мажбур бўлардим. Бу, мен мутлақо қобилиятсиз эдим, дегани эмас, айниқса пейзаж тасвирида. Ҳаккерт¹ менга тинмай: «Агар Сиз бир ярим йил менинг ёнимда яшасангиз эди, ўзингиз ва ўзгаларнинг қувончи учун нимагадир эришган бўлардингиз», дерди.

¹ *Ҳаккерт Филипп (1737–1807)* – манзарачи рассом, Италияга саёхати даврида Гёте у билан танишган, 1811 йилда Гёте унинг таржимаи ҳолини ёзган.

Мен бу сўзларни катта қизиқиш билан тингладим.

– Бирор одамнинг тасвирий санъатга қобилияти борлигини қандай аниқласа бўлади? – дея сўрадим.

– Чинакам истевдод соҳибда, – деди Гёте, – шакл, шакллар мутаносиблиги, рангларни фарқлашда тўғма хистуйғу бўлади, агар у моҳир устоз кўлида озгина шуғулланса, ҳаммасини тўғри бажара бошлайди. У айниқса моддийликни англаб етиши ва керакли нур орқали уни сезиларли тасвир этиши талаб қилинади. Ҳатто у машқ қилмаган пайтларида ҳам олдинга силжиб, ичдан ўсиб бораверади. Бундай қобилиятни сезиш қийин эмас, уни уста рассом ҳаммадан олдин сезади.

– Бугун эрталаб херцог саройида бўлдим, – дея жўшқинлик билан сўзида давом этди Гёте, – Улуғ херцогинянинг хонаси фавқулодда юксак дид билан безатилган, Кудрэ ўзининг италиялик усталари билан маҳоратнинг янги намунасини намойиш қилишган. Рассомлар деворни безатиш билан банд эди, улар Миландан келишган, мен улар билан дарҳол итальян тилида сўзлашдим, ҳар ҳолда бу тилни унутмаган эканман. Улар менга дастлаб Вюрттемберг кироли саройини безатишганини айтиб беришди, кейин Готага кетишлари керак экан, аммо у ердаги шарт-шароитлардан қониқишмапти, шу пайтда улар ҳақида Ваймарда эшитиб қолишиб, Улуғ херцогиня хонасини безатиш учун таклиф қилишипти. Италиян тили қуловимга ёқиб, ҳузур қилиб итальянча сўзлашдим, негаки, тил сўзсиз ўз юртининг руҳиятини акс эттиради. Бу ажойиб одамларнинг Италиядан чиққанларига уч йил бўлипти, айтишларича, бу ердан тўғри уйларига кетишаркан, фақат жаноб фон Шпигел'нинг буюртмаси бўйича театримизнинг бир спектаклига декорация ишлаб беришаркан, холос, ҳар қалай бундан Сиз ҳам ҳузур қиласиз. Улар ниҳоятда талантили одамлар, биттаси Миландаги зўр декоратив устанинг шоғирди² экан, демак, улар ишлаган декорациянинг ҳам зўр бўлишига ишонаверинг.

Фридрих столи йириштираётганда Гёте Римнинг чоғроқ тарҳини келтиришни буюрди.

– Биздай одамларга, – деди у, – Римда узок вақт туриб бўлмайди, у ерда яшаб қолишни истаган одам уйланиб,

¹ Шпигель Карл Эмиль фон 1815 йилдан оберхофмаршал; 1828 йилда Штроейернинг ўрнига Ваймар театрининг раҳбари бўлган.

² Миландаги «Ла Скала» театрининг декоратор устаси Сан-Квирикко назарда тутилган.

католик динини қабул қилиши лозим, акс ҳолда ҳаёти бутунлай азобга айланади. Ҳаккерт протестант бўлатуриб Римда узоқ вақт яшаб қолгани ҳақида мақтаниб юрарди.

Гёте менга Рим тарҳидан энг диққатга сазовор жойлар ва биноларни кўрсатди.

— Мана бу, — деди у, — Фарнезе вилласининг боғи.

— Сиз «Фауст»даги «Жинлар базми»ни шу ерда ёзмаган-мисиз? — сўрадим мен.

— Йўқ, — деди у, — мен уни Боргезе боғида ёзганман.

Шундан сўнг мен Клод Лоррен картиналарини ҳузур қилиб томоша қилдим ва биз бу улуг санъаткор ҳақида анча гурунглашдик.

— Ҳозирги ёш рассомлар, — дедим мен, — уни ўзлари учун намуна қилиб олишса бўлмайдими?

— Агар у Клод Лоррен билан руҳан уйғун бўлса, шубҳасиз, унга эргашиб ўз қобилиятини ривожлантирган бўларди, — жавоб берди Гёте. — Бордию табиат унга бундай истеъдодни бермаган бўлса, у бундай улуг ижодкордан бор-йўғи айрим жиҳатларнигина ўзлаштиради. Ўшанда ҳам ташқи жиҳатларни, холос.

1829 йилнинг 11 апрели, шанба

Бугун Гётеникида катта залдаги стол кўп кишига мўлжаллаб ясатилган эди. Гёте билан фон Гёте хоним (келини) мени очик чехра билан кутиб олишди. Аста-секин Шопенхауэр хоним¹, француз элчихонасидан ёш граф Райнхард², унинг қайнотаси жаноб фон Д.³ кириб келишди, у руслар тарафида туриб туркларга қарши урушгани кетаётганди, йўлакай бу ерда тўхтаган эди. Кейин фройлайн Ульрика ва ниҳоят, сарой маслаҳатчиси Фогель киришди.

Гёте ниҳоятда кўтаринки кайфиятда эди, столга ўтиришдан олдин у йиғилганларга Франкфурт ҳаётидан бир неча қизик воқеаларни сўзлаб берди. Айниқса, Ротшильд⁴ билан Бетман-

¹ Шопенхауэр Йоханна хоним (асли фамилияси Трозинер; 1766 – 1838) – олмон файласуфи Артур Шопенхауэрнинг онаси, ёзувчи; 1806 – 1829 йилларда Ваймарда, кейин 1837 йилгача Райнда яшаган; Гётелар хонадони билан дўстона алоқада бўлган.

² Райнхард Карл, граф – Франциянинг Ваймардаги элчиси, граф Карл Райнхарднинг ўғли.

³ Жаноб фон Д. – Георг Фридрих фон Димер, майор, граф Райнхарднинг қайнотаси.

⁴ Ротшильд Амшел фон (1773 – 1855) – фон Мейер Амшел Ротшильднинг катта ўғли, Франкфуртдаги катта фирманинг бошлиғи.

нинг¹ бир-бирларининг савдо-сотик ишларига халақит беришгани ҳақидаги ҳикоя ҳаммани кулдирди.

Граф Райнхард саройга кетди, бизлар столга ўтирдик. Овқат маҳали саёҳатлар ва курортлар тўғрисида гурунқ кизиди, айниқса Шопенхауэр хоним ўзининг Райн бўйидаги, Нонневерт ороли яқинидаги янги мулкининг қулайликлари ҳақида берилиб сўзлади.

Десерт пайтига граф Райнхард қайтиб келди, унинг чакқонлиги учун ҳамма мактади, шу қисқа вақт ичида у нафақат саройда тушлик қилиб, балки икки марта кийимини алмаштириб ҳам улгурган эди.

У янги папа² сайлангани, унинг Кастилёне уруғидан эканлиги ҳақида хабар келтирди, шу муносабат билан Гёте меҳмонларга сайлов вақтида сўзсиз роя қилинадиган расмиятчиликлар тўғрисида гапириб берди.

Бутун қиш бўйи Парижда яшаган граф Райнхард бизга машҳур давлат арбоблари, адабиётчилар, шоирлар ҳақида қизиқарли маълумотларни баён қилди. Шатобриан, Гизо, Сальвандри³, Беранже, Мериме ва бошқалар борасида гурунқлашдик.

Тушлиқдан сўнг ҳамма тарқалгач, Гёте мени ишхонасига бошлаб кириб, роятда диққатга сазовор иккита хатни кўрсатиб мени хурсанд қилди. Булар Гётенинг ёшлик пайтида, 1770 йилда Страсбургдан Франкфуртдаги дўсти Хорнга ёзган, бири июлда, бири декабрда битилган хатлари эди. Уларда келажакдаги вазифаларни олдиндан сезган ёш йигитнинг нафаси сезилиб турарди. Иккинчи хатда «Вертер» руҳи кўзга ташланади, Зезенхаймда уйғонган муҳаббат ҳавосидан нафас олаётган йигит ширин туйғулар оғушида телбадек кезарди. Иккала хат ҳам хотиржам, чиройли, тоза ҳуснихатда ёзилган, уларда кейинчалик, умрининг охиригача Гётега хос бўлган характер акс этган эди. Мен бу дилтортар хатларни қайта-қайта ўқидим ва қалбимда улкан меҳр ва миннатдорлик туйғулари билан уйга кетдим.

1829 йилнинг 12 апрели, якшанба

Гёте менга Бавария қиролига ёзган жавоб хатини ўқиб берди. Хат шундай битилган эдики, гўё Гёте ҳозиргина вил-

¹ Бетмани Симон Мориц (1768--1826) франкфуртлик банкир.

² Францеско Саверио (1761--1830) — 1829 йилнинг 31 мартда Рим папаси этиб сайланган.

³ Сальвандри Нарсис, Ашильд де (1795--1856) — давлат арбоби ва ёзувчи.

ла зинапояларидан кўтарилиб, қирол билан юзма-юз ўтириб гаплашаётгандек.

— Шундай вазиятларда тўғри оҳангни топиш, афтидан, қийин бўлса керак, а, — дедим мен.

— Бутун умри давомида улуг инсонлар билан мулоқотда бўлган мендек одам учун, — жавоб берди Гёте, — бу қийинчилик туғдирмайди. Энг муҳими, одам ўзига ҳаддан ортиқ эрк бермаслиги ва маълум чегара чизигидан ўтмаслиги керак.

У дархол ҳозир ўзини банд қилиб турган «Римга иккинчи ташриф»нинг таҳрири хусусида сўз очди.

— Ўша даврларда ёзган хатларимга қараб шундай хулосага келдимки, — деди у, — умрнинг ҳар бир босқичи ўтган ҳамда кейинги йилларга қиёслаганда ўз афзалликлари ва қусурларига эга бўлар экан. Қирқ ёшимда мен кўп нарсаларни ҳозиргига нисбатан хийла ёрқин ва етук, маълум жиҳатларда ҳатто яхшироқ тушуниб етган эканман, бироқ ҳозир, саксон ёшни қоралаганимда ҳам шундай афзалликларга эгаманки, уларни илгаригиларига алмашмаган бўлардим.

— Сиз шуларни гапиряпсизу, — дедим мен, — менинг кўз ўнгимда «Ўсимликлар метаморфозаси» турипти, шунда аниқ тушуниб етдимки, табиат гуллаш давридан яшил барглар чиқарган даврга ёки бўлмаса, уруғи, кейин меваси пишиб етилган даврдан гуллаш даврига қайтишни ҳечам истамайди.

— Сизнинг қиёсингиз, — деди Гёте, — менинг сўзларимга тўла мос келади. Чиройли, чеккаси кертик япроқни кўз олдингизга келтиринг, — кулиб сўзида давом этди Гёте, — у барқ уриб ривожланаётган ҳолатидан бир бурда уруғпалла ҳолига қайтишни истайди, деб ўйлайсизми? Яхшиямки, бизда анча кекса ёшга бориб қолган ўсимлик бор, у гуллаш ва мева солиш даврини ортда қолдириб, ортиқ мева тугмаса-да, ям-яшил бўлиб ўсишда давом этади.

— Ёмони шундаки, — давом этди Гёте, — бизга ҳаётда кўпинча сохта интилишлар халақит беради, улардан озод бўлганимиздагина уларнинг сохталигини англаб етамиз.

— У ёки бу интилишнинг сохта эканлигини қандай белгиларига қараб сезиш, билиш мумкин? — сўрадим мен.

— Сохта ғоя, — жавоб берди Гёте, — самарасиз бўлади, бирор самарага эга бўлган тақдирида ҳам, бунинг ҳеч бир қиммати бўлмайди. Буни бошқа нарсаларда сезиш қийин эмас. Бироқ ўзингда сезиш — бошқа гап, бунда руҳият эркинлиги керак бўлади. Аниқ билим ҳам ҳамиша ёрдам беравермайди, шубҳа-гумонлар, иккиланишлар халақит беради, бу худди

севган қизингнинг хиёнатини қайта-қайта сезган бўлсанг ҳам ундан воз кечолмаганинга ўхшайди. Шуларни айтяпману, ўзимнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишим сохта интилиш эканлигини англаб етишим учун неча-неча йиллар керак бўлганини ўйлаяпман, буни англаб етганимдан кейин бундан бутунлай халос бўлишим учун тагин ўшанча йиллар керак бўлди.

— Шунга қарамай, — дедим мен, — бу интилиш Сизга шунчалик кўп фойда келтирдик, уни зинҳор сохта деб бўлмаса керак.

— Мен кўп нарсаларни тушуниб етдим, — деди Гёте, — шу билан ўзимни юпатсам бўлади. Бу шундай фойдаки, биз бунақасини ҳар қандай сохта интилиш туфайли олишимиз мумкин. Бирор истеъдодсиз одам мусиқа билан тинимсиз шуғуллангани билан ҳеч қачон етук мусиқачи бўлолмайди, бироқ етук мусиқачи бажараётган ишни тушуниш ва кадрлашни ўрганadi. Гарчи мен қанча ҳаракат қилмайин, етук рассом бўлолмасам-да, ҳар ҳолда санъатнинг барча жиҳатларини ўзимда синаб кўриб, ҳар бир чизикда ўзимга ҳисоб беришга ва тўғрини нотўғридан фарқлашга ўргандим. Бу кичкина ютуқ эмас. Демак, сохта интилиш камдан-кам ҳолларда самарасиз қолади. Масалан, Байтулмақаддасни озод қилиш учун қилинган салб юришлар аниқ сохта интилиш эди, аммо унинг фойдаси шу бўлдики, туркларни борган сари заифлаштириб, уларнинг Европада ҳукмрон бўлишларига йўл қўймади.

Сўнгра биз турли мавзуларда гурунглашиб ўтирдик, Гёте менга Сегюр¹нинг Буюк Пётрга бағишланган китоби ҳақида гапириб берди, бу асар уни жуда қизиқтириб қолган ва унга кўп нарсаларни ойдинлаштирган эди.

— Петербургнинг жойлашиши, — деди у, — шаҳарнинг шундоққина ёнида тепалик борлигини ўйласанг, бутунлай нотўғри бўлган, агар подшоҳ шаҳарни сал юқорирокдан қуриб, пастда фақат бандаргоҳни қолдирганида эди, шаҳарни ҳар қандай сув тошқинларидан сақлаб қолган бўларди. Бир кекса денгизчи уни олдиндан огоҳлантириб, ҳар етмиш йилда аҳоли дарё сувининг тошишидан ҳалокатга учрайди, деган. Ўша ерда бир кекса дарахт ҳам ўсаркан, унда сув тошқинининг излари сақланган экан. Бироқ, афсуски, подшоҳ ўз сўзида туриб олган ва унга қарши гувоҳлик бермаслиги учун кекса дарахтни кестириб ташлаган. Буюк шахснинг

¹ Сегюр Филипп-Поль фон (1780–1873) – француз генерали, ёзувчи ва тарихчи. «Россия ва Буюк Пётр тарихи» асарини ёзган.

бундай хатти-ҳаракатларида қандайдир жумбоқ яширинган бўлади, десам фикримга қўшиларсиз. Биласизми, мен буни қандай изоҳлайман? Одам ёшликдаги таассуротлардан жудо бўлолмайди, ҳатто улар ёқимсиз бўлса-да, ҳаётининг бахтли онларида унга одат бўлиб, қалбига ўрнашган воқеалар унга ҳамиша қадрдон бўлиб қолаверади, унинг салбий томонларини кўрмайди. Шунингдек, Буюк Пётр ҳам ёшлигидаги суюкли Амстердам¹ини такрорлашни кўнгли тусаб, пойтахтини Неванинг нақ қўйилиш жойига қурди. Ҳолландлар ҳам энг узок колонияларда янги Амстердамлар қуриш истагидан воз кечолмаяптилар.

1829 йилнинг 13 апрели, душанба

Бугун тушлик маҳали Гёте менга ёқимли сўзлар айтди, бунинг устига Клод Лоррен картиналарини томоша қилиб роҳатландим.

— Ушбу тўплам, — деди Гёте, — «*Liber veritatis*»² деб номланган, уни «*Liber naturae et artis*»³ деб номласа тўғри бўлади, чунки бу ерда табиат ва санъат олий даражада ҳамда гўзал уйғунликда ўз ифодасини топган.

Мен Гётедан Клод Лорреннинг келиб чиқиши ва қайси мактабда таълим олганини сўрадим.

— Унинг асосий устози Антонио Тассо⁴ бўлган, — деди Гёте, — бу эса, ўз навбатида, Паул Брилл⁵нинг шогирди бўлган, шундай қилиб, Паул Бриллнинг мактаби ва қарашлари унинг учун ўзига хос асос бўлди ва унинг маълум даражада ўсишига хизмат қилди, чунки бу устозларда жиддий ва кескин намоён бўлган нарса Клод Лорренда қувноқ мафтункорлик ва гўзал эркинлик қиёфасида кўзга ташланади. Бу жиҳатдан ҳеч ким ундан олдинга ўтолмайди.

Умуман олганда, беқиёс даврда ва муҳитда яшаган бундай истеъдодлар ҳақида сўз кетганда, улар фалон устоздан таълим олган, деб аниқ айтиш қийин. У дунёга назар ташлайдида, ўз ниятларига озик бўладиган нарсани ўзлаштираверади.

¹ Буюк Пётрнинг Амстердамда денгизчилик илмини ўрганиб, кемасозлик устахоналарида ишлаганига ишора. Амстердам ҳам денгиз бўйида жойлашган.

² «Асл ҳақиқат китоби» (лот.).

³ «Табиат ва санъат китоби» (лот.).

⁴ *Агостино Тассо (1566–1642)* — итальян рассоми.

⁵ *Паул Брилл (1554–1626)* — нидерланд рассоми, Гётеда унинг кўп каламтасвир манзара расмлари бўлган.

Клод Лоррен, шубҳасиз, машҳур устозлари қаторида Караччи¹ мактаби олдида ҳам қарздордир.

Одатда, Жулио Роман² Рафаэлнинг шогирди бўлган, дейиш мумкин. Фақат Гвидо Ренида шогирд бор эди, у устозига хос руҳ, маънавият ва маҳоратни шу даражада ўзлаштирган эдики, айнан устозининг ўзига айланиб, у қилган ишнинг айнан ўзини қиларди ва бу фавқулодда ҳодиса бўлиб, бунинг такрорланиши даргумон. Караччининг мактабида, аксинча, ўқувчиларга кенг эркинлик бериларди, у ерда ҳар бир талант ўзи хоҳлаган йўналишда қобилиятини оширар, у ердан етишиб чиққан рассомлар бир-бирига мутлақо ўхшамасди. Караччи ва унинг ўғиллари гўё рассомликни ўргатиш учун туғилгандек эди, улар барча яхши ишлар амалга оширилган бир даврда яшашдики, барча соҳаларда ўз шогирдларига намуна сифатида кўрсата оладиган санъат асарлари топиларди. Улар буюк мусаввирлар, чинакам буюк устозлар эдилар, бироқ улар ўта оқил эдилар, дея олмайман. Эҳтимол, бу тарзда дадил гапириб бўлмас, ҳар қалай менга шундай туюлади.

Клод Лорреннинг яна бир нечта манзара картиналарини томоша қилгач, буюк мусаввир ҳақида нималар ёзилганини билиш мақсадида «Рассомлар лугати»ни варақладим. У ерда: «Унинг асосий хизмати рангларнинг хилма-хиллиги» деган сўзлар ёзилган эди. Биз бир-биримизга қараб кулиб юбордик.

— Мана кўрдингизми, — деди Гёте, — китоблар билан ошно бўлган одам уларда ёзилган гапларни астойдил ўзлаштиради, қанчалик маънавий бойийди.

1829 йилнинг 14 апрели, сешанба

Бугун тушда Гётеникига келсам, сарой маслаҳатчиси Мейер икковлари столда ўтиришар ва Италия ҳамда тасвирий санъат хусусида гурунглашиш билан банд эдилар. Гёте Клод Лорреннинг тўпламини келтиришни буюрди, Мейер ундан, газета хабарларига кўра, Пиль унинг асл нусхасини тўрт минг фунтга сотиб олган манзара расми топиб кўрсатди. Тан бериш керакки, бу жуда гўзал асар ва жаноб Пиль яхши бойликка эга бўлган. Картинанинг ўнг бурчагида бир гуруҳ ўтирган ва тик турган одамларга кўзингиз тушади. Чўпон қиз томонга эгилиб турипти, афтидан унга сибизга чалишни

¹ Караччи Людовико (1555–1619) ва унинг набиралари Агостино ва Аннибаль — италян рассомлари, машҳур мактаб асосчилари.

² Роман Жулио (Жулио Романо; 1492–1546) — италиялик рассом.

ўргатаётган кўринади. Ўртада куёш нуридан ялтираётган кўл бор, чап томонда унча катта бўлмаган дарахтзорда моллар ўтлаб юрипти. Ҳар иккала гуруҳ ҳам бир-бири билан ғаро-йиб тарзда уйғунлашган, бу санъаткорда ҳамиша бўлганидек, сирли нурлар жилоси қалбни ларзага солади. Кейин картина-нинг асл нусхаси илгари кимда бўлган, Мейер уни Италияда кўрган пайтда у кимнинг ихтиёрида бўлган, деган масалада сўз борди.

Гурунг мавзуси Бавария қиролининг Римдаги янги мулкига кўчди.

— Мен бу виллани жуда яхши биламан, — деди Мейер, — у ерда кўп бора бўлганман ва гўзалликдан қандай қувонганим ёдимда. Бу ўртача қаср, қирол албатта кечиктирмай уни ўз дидига мослаб безатади ва янада дилтортар қилади. Мен у ерда бўлган пайтда, бу виллада херцогиня Амалия турарди, унга ёндош бинода Хердер яшарди. Кейинроқ у ерда Суссекс херцоги¹ ва граф Мюнстер² истиқомат қилишди. Чет эллик таниқли кишилар ҳамиша саломатликка фойдали жойлашуви ва ажойиб манзараси туфайли бу ерни яхши кўришади.

Мен сарой маслаҳатчиси Мейердан вилла билан Ватикан орасидаги масофа қанча, деб сўрадим.

— Вилла ёнидаги биз, рассомлар яшаган Тринита ди Монтидан Ватикангача пиёда борилса, тахминан ярим соатлик йўл. Биз у ерга ҳар куни, ҳатто бир неча марталаб борардик.

— Кўприк орқали борадиган йўл, — дедим мен, — назаримда бироз узокроқ, Тибернинг нариги қирғоғига ўтиб, дала орқали борилса, йўл яқинроқ бўлса керак.

— Йўқ, — деди Мейер, — биз ҳам дастлаб шундай деб ўйладик ва кўп бора дарё орқали ўтдик. Ҳозир мен бир ойдин кечада Ватикандан дарё орқали қайтганимизни эсладим. Орамизда танишлардан Бури³, Хирт⁴ ва Липс⁵ бор эди, Рафаэль буюкроқми ёки Микеланжеломни, деган масалада баҳслашиб қолдик. Паромга ўтирдик, нариги соҳилга етганимизда хали баҳс тугамаган эди, ичимиздан бир ҳазилкаши, бу Бури эди менимча, келинлар, баҳс ечим топмагунча, ҳаммамиз бир

¹ *Суссекс херцоги (1773–1843)* — Англия қироли Георг III нинг олтинчи ўғли.

² *Граф Мюнстер (1766–1839)* — ханноверлик давлат арбоби.

³ *Бури Фридрих (1763–1835)* — келиб чиқиши асли ханаулик рассом, Гётенинг дўсти.

⁴ *Хирт Алоиз (1759–1836)* — берлинлик археолог.

⁵ *Липс Йоханн Хайнрих (1758–1817)* — рассом, гравюрачи, Гёте у билан Цорихда танишган.

фикрга келмагунимизча сувдан чикмаймиз, деди. Таклиф қабул қилинди. Паром ҳайдовчи қайтадан уни итариб, орқага қайтишга мажбур бўлди. Ана энди баҳс қизигандан қизиди, ҳар гал қирғоққа етганда яна орқага қайтардик, чунки мунозара ҳали-бери ниҳоясига етмаган эди. Шу тахлит биз бир неча соат у қирғоқдан бу қирғоққа суздик, бунда паромчидан бўлак ҳаммамиз зиён кўрдик — ҳар бориб келишимиз учун унга тегишли байоко¹ни тўлаб турдик. Унинг ёнида ўн икки ёшли ўғли бор эди, бу ҳолат унга ғалати туюлди шекилли: «Ота, — деди у, — нега бу одамлар соҳилда тушишни хоҳлашмайди, нега биз уларни у ёқдан-бу ёққа олиб юрибмиз?». «Билмайман, ўғлим, — жавоб берди отаси, — улар ақлдан озган бўлса керак-да». Ниҳоят, тун бўйи сувда сузмаслик учун ноилож паромдан тушишга қарор қилдик.

Биз бу жиннисифат ёшларнинг қилиқларидан маза қилиб кулдик. Сарой маслаҳатчиси Мейер аъло кайфиятда эди, у бизга Рим ҳақида ҳикоя қилишда, Гёте икковимиз уни қизиқиш билан тинглашда давом этдик.

— Рафаэль билан Микеланжело устидаги баҳс, — деди Мейер, — ўша йиллари уч-тўртта рассом бир жойга йиғилдимиз, бўлди, ҳар куни кун тартибига чиқар, уларнинг орасида иккала гуруҳ вакиллари бўларди. Кўпинча бундай баҳслар қовоқхонада бошланарди, бир томон баъзи картиналарни, уларнинг айрим қисмларини далил қилиб келтирса, рақиб томон бунга қарши чиқиб ён беришни истамас, шундай пайтларда расмларни ўз кўзлари билан кўриш зарурияти туғилиб қолар ва бутун давра Сикстин капелласига томон жадал йўлга тушарди, калитлар бир кавушдўз қўлида турар, у тўрт танга берсанг эшикни очиб берарди. Бу ерда, расмлар олдида ҳамма нарса равшан бўлар, узоқ тортишувлардан сўнг ҳамма яна қовоқхонага қайтиб, бир шиша вино устида эски аразларни унутишарди. Бу ҳолат ҳар куни давом этар ва Сикстин капелласи олдидаги кавушдўз бир неча марталаб тўрт тангага эга бўларди.

Бу қизиқарли ҳикоя муносабати билан бошқа бир кавушдўзни эсладик: у одатда чармни антик даврга тегишли мрамор бюст бошига урар экан.

— Бу Рим императорларидан бирининг бюсти эди, — деди Мейер, — у кавушдўз устахонаси олдида турарди, шу ердан ўтаётиб ҳамиша унинг ўз севимли машғулоти билан банд эканлигини кўрардик.

¹ *Байоко* — ўша пайтда папа юртида муомалада бўлган танга пул.

1829 йилнинг 15 апрели, чоршанба

Биз ҳеч қанақа истеъдодга эга бўлмай туриб бадий ижодга интиладиган, ўзининг фаҳми етмайдиган мавзуларда ёзадиган одамлар ҳақида гурунглашдик.

— Мана шундай вазиятлар ёшларни нотўғри йўлга бошлайди, — деди Гёте, — бизнинг замонимизда маданият беҳад тараққий этиб, ёшлар нафас оладиган ҳавони ўзига сингдириб олган. Поэтик ва фалсафий қарашлар ёшлар атрофида яшаб, ҳаракат қилмоқда, улар уни болаликдан ўзларига сингдириб, уни гўё ўз мулклари деб ўйлаб, у ҳақда худди ўзлариникидек фикр билдиришмоқда. Бироқ вақтдан олган нарсасини қайтариб бергач, улар гадойга айланиб қолишади. Бу худди, сув кўплигида бир муддат қайнаб-тошиб, сув захираси тугагач, қуриб қолган булоққа ўхшайди.

1929 йилнинг 1 сентябри, сешанба

Мен Гётега, яқинда Хегелнинг худонинг мавжудлигини исботлашга бағишланган маърузаларини тинглаган меҳмон ҳақида гапириб бердим. Гёте гапимга қўшилди ва ҳозир бундай маърузаларнинг пайти эмас, деди.

— Иккиланишлар даври ўтиб кетган, — деди у, — ҳозир ҳеч ким ўзини ҳам, худони ҳам шубҳа остига қўймайди. Бунинг устига, худо тушунчаси барҳаётлик, руҳимизнинг моҳияти ва унинг жисм билан боғлиқлиги — булар абадий муаммолар, уларни ҳеч қандай файласуф ечолмайди. Бир француз файласуфи ўз асарини ҳеч иккиланмасдан қуйидагича бошлаган: «Маълумки, одам икки қисмдан, яъни руҳ ва жисмдан ташкил топган. Аввал сўзни жисмдан бошлаймиз, кейин руҳга ўтамиз». У бир-бири билан мустаҳкам боғланган яхлитликни ажратиб бўлмаслигини яхши билган. Кант, шубҳасиз, тўғри иш қилди, у инсон онги етиб боролмайдиган жойларга чегара тортиб, ечиб бўлмайдиган муаммоларга тегинмади. Барҳаётлик ҳақида файласуфлар нималар дейишмади дейсиз! Мен тирик-лигимизнинг давом этишига шубҳа қилмайман, чунки табиат энтелехия¹ни инкор қилмайди. Бироқ биз бир текисда барҳаёт эмасмиз, одам келажакда ўзини юксак энтелехия сифатида намоён қилиши учун ўшанга айланиши керак.

Олмонлар фалсафий муаммоларни ҳал қилиш учун куйиб-пишиб ётган бир пайтда инглизлар ўз амалий заковатлари би-

¹ *Энтелехия* — Аристотель фалсафасида мақсадга интилишнинг ҳаракатлантирувчи, имкониятни воқеликка айланттирувчи фаол куч ҳақидаги қараш.

лан бизнинг устимиздан кулиб, дунёни эгаллашмоқда. Уларнинг кул савдосига қарши кенг қамровли чиқишлари ҳаммага маълум, бироқ улар бундай ҳаракатлар остида гуманистик мақсадлар ётганини рўкач қилишса-да, барибир, бунинг реал фойда кўришга йўналтирилгани энди фош бўлмоқда, бусиз инглизлар ҳеч қандай ҳаракат қилишмаган бўларди, бу ҳақиқатни билиб қўйишимиз лозим. Улар Африканинг ғарбий соҳилидаги катта-катта мулкларида негрларни эзиб ишлатишмоқда, негрларни у ердан кўчиришларига, шубҳасиз, улар қарши. Америкада бўлса, негрларнинг йирик колонияларини ташкил этишган, қора танлилар уларга йилига катта фойда келтирмоқда. Шулар эвазига инглизлар Шимолий Америка талабларини тўлиқ қондиришмоқда ва шу йўл билан тирик товар савдоси орқали фойда олишмоқда, шундай экан, улар четдан негрларни олиб кириш ўзларининг манфаатларини чеклаб қўйишидан хавотирга тушиб, бекорга инсонийликка зид савдо-сотикқа қарши айюҳаннос солишмаяптида. Вена конгрессидаёқ Англия вакили бунга қарши қизғин чиқиш қилган эди, бироқ Португалия вакили, биз бу ерга ахлоқ қонунларини ўрнатиш учун эмас, балки инсониятни суд қилишга йиғилдикмикан, билмай қолдим, дея юмшоққина қилиб гап қистириб ўтди. Инглизларнинг мақсади нимага қаратилганини у яхши биларди, шунинг учун ўз мамлакати манфаатларини ҳимоя қилишга интилди.

1829 йилнинг 6 декабри, якшанба

Бугун тушликдан сўнг Гёте менга «Фауст» иккинчи фаслининг биринчи кўринишини ўқиб берди. Таассуротимнинг чеки йўқ, қалбим қувонч ҳиссига лиммо-лим эди. Мефистофель кўрдики, хонани қолдириб кетган пайтда қандай бўлса, ҳамма нарса ўз ўрнида турипти. У Фаустнинг мўйнали пальтосини илгичдан олади: унинг ичидан минглаб куя ва бошқа жониворлар учиб чиқади, Мефистофель, энди булар қаердан макон топишади, дейди, бутун вазият кўз ўнгимизда аниқравшан намоён бўлади. Мефистофель пальтони кияди, бу билан Фауст парда орқасида фалаж ҳолатида ётганида бу ерда хўжайин ролини ўйнамоқчи бўлади. У кўнғирокни силкитади, унинг товуши кўҳна монастирнинг кимсасиз хоналари бўйлаб даҳшатли янграйди, эшиклар ланг очилиб, деворлар титраб кетади. Фамулус югуриб киради, Фаустнинг стулида Мефистофель ўтирганини кўради, уни танимайди, шундай бўлса-да, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Унинг саволига жавобан

Вагнер хақида маълумот беради, шу муддат ичида унинг машхур бўлиб кетганини, хўжайинининг қайтишини кутаётганини айтади. У аини пайтда тажрибахонасида Хомункулусни яратиш билан банд эмиш. Фамулус кетади, бундан бир неча йил олдин биз тортинчокқина ёш талаба қиёфасида кўрган, Фаустнинг кийимидаги Мефистофель устидан кулган бакалавр кириб келади. Бу орада у катта киши бўлиб, ўзини тутиб олган, хатто Мефистофель у билан гапи келишмаслигига кўзи етиб, ундан ўзини четга олиб, стулини орқага суради ва ниҳоят, партерга мурожаат қилади.

Гёте ушбу сахнани охиригача ўқиди. Мен сахнанинг ёшлик уфуриб турган ижодий қудратидан ҳамда ҳамма нарса ўз ўрнида эканлигидан беҳад қувондим.

— Режа жуда эски бўлганлиги, буни мен элик йилдан бери миямда пишитиб келганлигим сабабли, — деди Гёте, — шунчалик кўп материал тўпландики, энди уларни саралаб, ортикчасини олиб ташлаш қийин бўляпти. Айтиб ўтганимдек, иккинчи фаслнинг режаси жуда эски. Бироқ энди ҳаётдаги кўп нарсаларга анча ақлим етган пайтда уни ёзишга киришган эканман, албатта бунинг фойдаси бўлмасдан қолмас. Мен ўзимни, ёплигида кўплаб майда кумуш ва мис пулларга эга бўлган, бутун умри давомида уларни йирикрокларига алмаштириб, охирида олдида ёшликдаги бойлиги ўрнида олтин тангалар уюлиб ётганини кўриб турган одамга қиёслайман.

Бакалавр тимсоли хусусида сўзлашдик.

— Унинг тимсолида, — дедим мен, — идеалист-файласуфлар гуруҳи жамланган, шундайми?

— Йўқ, — деди Гёте, — у Озодлик урушидан кейинги дастлабки йилларда юз кўрсатган, ўзига бино қўйган ёшларга хос белгиларни ўзида мужассам этган. Ҳар бир киши ёшлигида, дунё мен билан бирга яралган ва у мен учун мавжуд, деб ўйлайди. Дарҳақиқат, Шарқда шундай бир одам бўлган эканки, у ўз одамларини атрофига тўплаб оларканда, ўзи қуёшнинг чиқишига буйруқ бермагунича уларни ишга жўнатмасдан ўтирар экан. Бироқ у буйруқни қуёш ўз-ўзидан уфқда пайдо бўладиган пайтдагина беришга фаҳми старкан, албатта.

Шундан сўнг биз «Фауст» хақида, унинг композицияси ва шунга ўхшаш мавзулар борасида анча гурунглашдик.

Гёте бир зум узоқ ўйга толди, кейин қуйидагиларни айтди:

— Одам қариса, — деди у, — дунё ишлари хақида ёшлигидагига нисбатан бошқача мулоҳаза юрита бошлайди. Мен битта фикрни ҳеч ўзимдан нари қуволмайман: девкор кучлар

одамларни чалғитиш ва устидан кулиш учун ахён-ахёнда тенги йўқ ва улуг шахсларнинг яратилишига йўл очишадики, ҳар бир одам уларга тенглашишга интилади-ю, аммо бунга эришолмайди. Улар Рафаэлнинг дунёга келишига шароит яратишди, унинг фикр ва фаолияти бирдек етук, баъзи талантли авлодлар унга яқинлашишди, бироқ у даражага етишолмади. Улар Моцартнинг яратилишига туртки беришди, у мусиқа соҳасида, Шекспир эса поэзияда мислсиз эдилар. Сиз менга Шекспир хусусида нима деб эътироз билдиришингизни биламан, аммо мен ундаги табиат юқтирган буюкликни кўзда тутяпман. Наполеон ҳам худди шундай тенгсиз. Русларнинг Константинополга бостириб киришдан ўзларини тийганлари ҳам рухнинг улугворлигидан дарак беради, шундай рух Наполеонга ҳам хос эдики, у Римга бостириб киришдан ўзини тийди.

Бу чуқур мавзу бизни шунга ўхшаш бошқа мавзулар томон етаклади, лекин мен ўзимча ўйлардим: Гётенинг дунёга келиши ҳам девкор кучларга боғлиқ бўлса керак, негаки у шу қадар тенгсизки, унга интилишни истамаслик мумкин эмас, шу қадар буюкки, унга тенглашиб бўлмайди.

1829 йилнинг 16 декабри, чоршанба

Бугун тушлиқдан сўнг Гёте менга «Фауст»нинг иккинчи фасл иккинчи кўринишини ўқиб берди, унда Мефистофелнинг кимёвий йўл билан одамни яратмоқчи бўлаётган Вагнер ҳузурига боргани ҳикоя қилинади. Ҳаракат рўёбга чиққан, Ҳомункулус — шиша идиш ичида нур таратаётган жонзот тинимсиз ҳаракатда. Вагнернинг ақл бовар қилмайдиган ҳодисалар ҳақидаги саволларига жавоб беришдан бош тортади, бунақа мулоҳаза юритишлар унинг иши эмас, у ҳаракат қилишни истайди, бунинг учун энг яқин манба Фауст ҳисобланади, фалаж ҳолатида ётган Фаустга Яратганнинг мадади зарур.

Ҳомункул шундай жонзот эдики, атрофдаги ҳамма нарса унинг учун аниқ-равшан эди, у уйқудаги Фаустнинг ички дунёсини кўриб турар, Фауст тушида хушманзара бир жойда, гўзал Леданинг дарёда чўмилаётганини, оққушлар унинг олдида сузиб келишларини кўрарди. Ҳомункул бу тушни айтиб берганида қалбларимиз мафтункор манзарадан ларзага келди. Мефистофель буни кўрмайди, Ҳомункул унинг шимолликларга хос чегараланганлигидан кулади.

— Умуман олганда, — деди Гёте, — Мефистофель кўп жиҳатдан Ҳомункулдан паст туради, Ҳомункул ўткир, зийрак ақли билан унга тенглашса-да, ўзининг гўзалликка ва фаол

ҳаракатга интилиши билан ундан устун. Умуман, у Мефистофельни оғайним дейди, чунки Ҳомункулга ўхшаган рухий жонзотлар ҳали етук инсон дражасига етиб улгурмаган, ҳеч қандай тўсиққа учрамаган, чегараланмаган, шу боисдан улар ҳам девкор кучлар сирасига киради ва улар ўртасида ўзига хос қариндошлик алоқаси бўлади.

— Албатта, — дедим мен, — Мефистофель бу кўринишда етакчи мавқеда эмас, бироқ мен, Ҳомункулнинг дунёга келишида унинг вайибона ҳиссаси бор, деган фикрдан халос бўлолмаяман, биз уни илгаридан билганимиздек, «Хелена»да ҳам у ҳаракатларни яширинча бошқариб борувчи сифатида намоён бўлади. Аслида у Ҳомункулдан устун, ўз устунлигини хотиржам ҳис этиш билан у ҳатто ўзини унинг олдида кўз-кўз ҳам қилади.

— Сиз уларнинг муносабатларини тўғри англабсиз, — деди Гёте, — айнан шундай, мен ҳатто, у Вагнер ҳузурига бораётган, Ҳомункул эндигина шаклланаётган пайтда Мефистофель тилидан бир-икки мисра келтирсаммикан, деб ҳам ўйладим, шунда унинг бунга алоқадорлиги ўқувчига аён бўларди.

— Шундай қилсангиз ёмон бўлмасди, — дедим мен, — менимча, ушбу сахна охирида Мефистофель айтган қуйидаги сўзлар шу фикрингизга ишора:

*Гоҳ ўзимиз яратиб қўйиб,
Бўйсунамиз унга ўзимиз!*

(Эркин ВОҲИДОВ таржимаси.)

— Тўғри, — деди Гёте, — синчков одам буни дарҳол пайқайди, шундай бўлса-да, мен яна бир неча мисра ўйлаб топаман.

— Бироқ, — дедим мен, — ўша охирги сўзлар шу қадар сермаъноки, ундайини ўйлаб топиш осон эмас.

— Менимча, — деди Гёте, — бу ҳақда анча-мунча бош қотиришга тўғри келади. Тасаввур қилинг, олти ўғилнинг отаси, ҳар қанча ўзини ўтга-чўққа урмасин, адо бўлган одам. Кўплаб одамларни юқори лавозимларга жойлаштирган қироллар ва вазирлар ҳам ўз шахсий тажрибаларидан ниманидир эсга олишлари мумкин.

Фаустнинг Леда ҳақидаги туши манзараси яна кўз олдимда жонланди, мен бунинг бутун асар композицияси учун нечоғлик муҳимлигини фаҳмладим.

¹ Қаранг: Гёте, «Фауст», II қисм. — Т.: Фафур Фулом номидаги АСН, 1974. — 127-бет.

— Нақадар ғаройиб, — дедим мен, — шундай мураккаб асарда айрим қисмлар қанчалик бир-бирига боғлиқ, бир-бири билан алоқадор, бир-бирини тўлдириб, юксакликка кўтариб туради. Иккинчи кўринишдаги Леда ҳақидаги туш кейинроқ «Хелена» учун ўзига хос тағзамин бўлган. У ерда нукул оққушлар ва оққуш бўлиб дунёга келганлар борасида сўз юритилади, бунда эса ўша ҳаракат айнан содир бўлади, ушбу ҳолатнинг ҳиссий таассуротлари остида биз кейинроқ Хеленага дуч келганимизда эса, ҳамма нарса аниқ ва етук бир тарзда намоён бўлади.

Гёте фикримга кўшилди, афтидан мен буни пайқаганим уни хурсанд қилган эди.

— Бундан ташқари, — деди у, — олдин ёзилган кўринишларда классика билан романтика мотивлари ҳамоҳанг жаранглаб турадики, гўё биз қия тепаликка чиққандек, «Хелена» ёнига кўтариламиз, у ерда ҳар иккала поэтик шакл янада равшанроқ кўзга ташланади ва бир-бирига тенглашади.

— Французлар ҳам, — сўзида давом этди Гёте, — бу ҳақда тўғри фикр юрита бошлашди. «Классика ҳам, романтика ҳам бирдек яхши ва тенг қимматга эга, — дейишади улар, — гап фақат бу шакллардан оқилона фойдаланишда ва ҳар бирининг моҳиятига ета билишда. Албатта, ҳар иккаласи ҳақида ҳам истаганча гап сотиш мумкин, бироқ унда на уни-си, на буниси бирон-бир қимматга эга бўлмайди». Менимча, ўз ўрнида, топиб айтилган гап, ҳозирча шу билан хотиржам бўлса бўлади.

1829 йилнинг 20 декабри, якшанба

Гётеникида тушлик қилдик. Канцлер ҳақида гурунглашдик, мен Гётедан, у Италиядан қайтишида Манзони ҳақида бирон хабар олиб келдими-йўқми, деб сўрадим.

— У Манзони ҳақида менга ёзган эди, — деди Гёте, — канцлер уникага борган, у Милан яқинидаги мулкида яшаркан, афсуски, деярли ҳамиша касал экан.

— Ҳамиша шунақа, — дедим мен, — кўпинча истеъдодли одамлар, айниқса, шоирларнинг саломатликлари ёмон бўлади.

— Бундай одамларга хос бўлган ўта ноодатийлик, — деди Гёте, — ғоятда нафис тузилишга эга, улар камдан-кам одамларга насиб қиладиган туйғуларни ҳис этишлари ва юқорининг овозини эшита олишлари зарур. Бундай тузилиш теварак-атрофидаги қарама-қаршиликлар билан тўқнаш келганида қаттиқ озорланади, Вольтерга ўхшаб ҳиссиётлиликни

фавкулодда ўтқир ақл билан мужассам қилолмайдиган одамнинг боши мудом касалдан чиқмайди. Шиллер ҳам доим касал эди. Мен уни илк дафъа кўрганимда, бир ой ҳам яшамаса керак, деб ўйлаган эдим. Унда ҳам ўтқир тафаккур мавжуд эди, у яна кўп йиллар яшади, соғломроқ турмуш тарзига риоя қилганида, янаям кўпроқ яшаган бўларди.

Театр ҳақида, охириги спектаклнинг муваффақиятли чиққани ҳақида сўзлашдик.

— Мен Унцельман¹ни бу ролда кўрдим, — деди Гёте, — бу кишига чинакам завқ-шавқ бағишлайди, у ўзидаги юксак руҳий эркинликни томошабинга юктира олади. Ахир актёрлик санъати ҳам барча бошқа санъатларга ўхшайди-да. Санъаткор нима қилаётган ва қилган бўлса, ўша лаҳзада ўзида бўлган кайфиятни бизга ўтказди. Санъаткордаги эркин рух бизни яйратади, рамгинлик эса, руҳимизни туширади. Санъаткор бундай руҳий эркинликни ишга илҳом билан киришганида ҳис этади, шу боисдан нидерланд картиналари бизга завқ бағишлайди, чунки уларни чизган рассомлар атрофдаги ўзлари тамоман эркин ҳис этган ҳаётни акс эттиришган. Биз актёрдаги руҳий эркинликни ҳис этишимиз учун у узок ўқиб-ўрганиш, фантазия ва табиий қобилият воситасида ролига чуқур кириб бориши, бутун жисмоний қудрат унинг ихтиёрида бўлиши, шу билан бирга, ёшлик куч-қуввати унга мадад бериши лозим. Ўқиб-ўрганишнинг ўзи фантазиянинг ўрнини босолмайди, ўқиб-ўрганиш ва фантазия табиий қобилиятсиз етарли бўлолмайди. Аёллар эса фантазия ва темперамент билан кўп нарсага эришишади, Вольф² шу йўл билан эътибор қозонди.

Шу мавзуда гурунглашишда давом этдик ва Ваймар театридаги баъзи машҳур актёрларни тилга олдик, улар ўйнаган айрим ролларни завқ билан эсладик.

Хаёлимда тагин «Фауст» жонланди, Ҳомункул тимсолини сахнада қандай акс эттириш мумкин, деб ўйладим.

— Агар бу жонзот ўзи кўринмаса ҳам, — дедим мен, — шиша идиш ичидаги ёруғлик кўзга ташланиши керак, у айтадиган пурмаъно сўзлар шундай талаффуз қилиниши керакки, булар гўё бола тилидан айтилаётганга ўхшаб қолмаслиги керак.

— Вагнер, — деди Гёте, — шиша идишни кўлидан қўймайди, овоз ҳам худди шиша идиш ичидан чиқаётганга

¹ Унцельман Карл Вольфганг (1786 - 1843) — Ваймар театрининг актери.

² Вольф Анна Амалия (1781 - 1851) — Ваймар театрининг актрисаси.

ўхшаши лозим. Бу роль лабини қимирлатмасдан гапира оладиган одам учун жуда мос келарди, мен уларни эшитганман, албатта бу муаммони ҳал қилишнинг энг тўғри йўли бўларди.

Кейин карнавал ҳақида, уни сахнага кўчириш имкониятлари ҳақида сўзлашдик.

— Бу иш Неаполь бозорини тасвирлашдан кўра қийинроқ, ҳар ҳолда, — дедим мен.

— Бунга жуда улкан сахна керак, — деди Гёте, — бу мутлақо ақлга сифмайдиган нарса.

— Мен буни ўз кўзларим билан кўришимга ишонаман, — жавоб бердим мен, — Заковат етаклаб бораётган филни кўриб қувонаяпман, унинг устида Галаба, икки ёнида занжирбанд қилинган Кўрқув ва Умид. Дунёда бундан яхшироқ аллегорияни топиш мушкул бўлса керак.

— Бу сахнадаги биринчи фил бўлмаса керак, — деди Гёте, — Парижда бундай паҳлавон ҳақиқий роль ўйнайди, у Халқ партиясига мансуб, бир қиролнинг тожини олиб бошқасига кийгизади — бу жуда зўр кўриниш. Спектакль охирида филни тагин таклиф қилишади, у ёлғиз ўзи сахнага чиқиб, томошабинларга таъзим қилади-да, қайтиб кириб кетади. Кўряпмизки, бизнинг карнавалimizда ҳам сахнага филни олиб чиқса бўлар экан. Бироқ, томошамиз ғоятда катта, буни ташкил қила оладиган режиссёрни топиш амримаҳол бўлса керак.

— Бу шунчалик жозиба ва таъсир кучига эгаки, — дедим мен, — ҳеч бир театр бундай томошани рад этмайди. Барча ҳаракатлар бир-бирига уйғунликда ҳашаматли бўла боради! Дастлаб боғбонлар, гулчи қизлар сахнани безатишади, шу билан бир вақтда оломонни ташкил этишади, бундан кейин содир бўладиган воқеалар атрофдагиларни ва томошабинларни зериктирмаслиги учун ҳаракат қилишади. Кейин фил чиқиб келади, унинг ортидан аждаҳо қўшилган арава сахна тубидан отилиб чиқиб, бошлар устидан сузиб ўтади. Ундан сўнг улкан Пан пайдо бўлади, ниҳоят ҳамма нарса гўё аланга оғушида қолади ва сузиб келган нам туман таъсирида аланга сўнади! Мабодо шуларнинг бари сахнага олиб чиқилса эди, томошабин бу ҳодисаларни ақли ва тасаввурига сифдиролмаё қолган бўларди.

— Кўйинг, — деди Гёте, — томошабин ҳақида эшитишни ҳам истамайман. Энг муҳими, бу ёзилган, одамлар буни қандай хоҳлашса, шундай қабул қилишсин, қўлларидан келганча ундан фойдаланишсин.

Кейин кучер бола тўғрисида гаплашдик.

– Плутус¹ ниқоби остида Фауст, хасис ниқобида Мефистофель яширинган, буни сезган бўлсангиз керак. Аммо, Сизнингча, кучер бола ким?

Мен нима деб жавоб беришни билмай иккиланиб қолдим.

– Бу – Эвфорион, – деди Гёте.

– У қандай қилиб карнавалда иштирок этиши мумкин, ахир у учинчи кўринишда туғилади-ку?

– Эвфорион, – жавоб берди Гёте, – одам эмас, у бор-йўғи мажозий жонзот. У поэзия тимсоли, маълумки, поэзия на замон, на макон, на бирорта аниқ шахс билан боғлиқ эмас. Кейинроқ Эвфорион қиёфасига эга бўладиган анави рух ҳозир бизга кучер бола бўлиб кўринмоқда. У ҳамма жойда ҳозир у нозир шарпаларга ўхшагани сабабли ҳар дақиқада пайдо бўлиши мумкин.

1829 йилнинг 27 декабри, якшанба

Бугун тушликдан сўнг Гёте менга қоғоз пуллар хусусида сўз борадиган кўринишни ўқиб берди.

– Ёдингизда бўлса керак, – деди у, – давлат кенгашида пул йўқлигидан шикоят қилинади, Мефистофель пул топиб беришга ваъда беради. Бу масала карнавал пайтида ҳам давом этади, Мефистофель Улуф Пан ниқобидаги императорга имзо чекиш учун бир қоғозни қистиради, ушбу қоғоз пул қимматига эга бўлади, минг баробарга кўпайтирилиб, тарқатилади.

Шу кўринишда қоғоз масаласи император ҳузурида муҳокама қилинади, лекин у нима қилиб қўйганини ҳали англаб етмайди. Ҳазначи унга банкнотларни кўрсатиб, вазиятни тушунтиради. Император дастлаб аччиқланади, бироз мулоҳаза қилгач, бунинг фойдасини кўз олдига келтиради-да, мулозимларини пуллар билан роса сийлайди, туриб кетаётганда бир неча минг кронни тушириб юборади, бақалок масҳарабоз уларни дарҳол йиғиштириб олиб, қоғозларни ер-мулкка айлантириш учун шошилади.

Гёте бу ажойиб кўринишни ўқир экан, унинг оқилона усулидан, яъни қоғоз пулларни Мефистофелга нисбат берганлигидан қувондим, шу йўл билан у бугунги куннинг долзарб масаласини асарда абадий муҳрлаган эди.

Гёте бу кўринишни ўқишни эндигина тугатиб, икки-уч оғиз сўзлашиб улгурмасдан Гётенинг ўғли юқоридан тушиб келди-да, қаторимизга қўшилди. У дарҳол Купернинг ҳозиргина ўқиб тугатган сўнги романи ҳақида сўз бошлади ва

¹ *Плутус* – мифологик тимсол. Камбағал одам.

ўзига хос жўшқинлик билан мазмунини айтиб берди. Биз ҳозиргина ўқиган кўриниш ҳақида гап бошлаб қолди ва уларга қийматидан ортиқ пул тўланаётганини айтди. У шуларни сўзларкан, мен унинг отасига қараб кулимсираб қўйдим, у ҳам менга шундай жавоб қайтарди, шу тахлит биз асарда тилга олинган мавзу нечоғлик бугунги кунга мос эканлигини бир-биримизга англатдик.

1829 йилнинг 30 декабри, чоршанба

Бугун тушликдан сўнг Гёте менга навбатдаги кўринишларни ўқиб берди.

— Император саройида пул кўпайгач, — деди у, — ҳам-манинг кўнгли маишатни тусаб қолади. Император Парис ва Хеленани кўришни истайди, улар сеҳр йўли билан шахсан олдимда пайдо бўлишсин, дейди. Мефистофелнинг қадимги Юнонистонга ҳеч бир алоқаси йўқлиги ва бундай ишларга кучи етмаслиги боис, бу вазифа Фаустга юкланади ва у бунинг уддасидан чиқади. Аммо Фауст уларни ҳозир қилиш учун қандай тадбирларни қўллаганини ҳам тўлиқ ёзганим йўқ, буни келгуси сафар ўқиб бераман. Парис ва Хеленанинг пайдо бўлишини мана ҳозир эшитинг.

Юз берадиган воқеани олдиндан ҳис этиб қувонардим, Гёте ўқий бошлади. Кўхна рицарлар залига бўлғуси томошани кўриш учун император ва унинг мулозимлари кириб келишмоқда. Парда кўтарилади, муқаддас юнон театри кўз ўнгимда намоён бўлади. Мефистофель суфлер будкасида, мунажжим авансценанинг бир томонида, Фауст иккинчи, учоёқ турган томонида. У керакли сеҳрли сўзларни айтади, шунда идиш устидаги паға-паға буғ ичидан Парис чиқиб келади. Гўзал йигит илохий мусиқа садолари остида ҳаракат қилганда, у ҳақда залда шивир-шивир гап бошланади. У ўтиради-да, қўлини боши орқасига тираб, суянади, биз уни қадимги суратларда шу ҳолатда кўрганмиз. Аёллар унинг ёш, ўктам қиёфасидан хайратда эканликларини гапириб адо қилишолмайди, у эркакларнинг рашқини қўзғатади, уларнинг қалби ҳасад ва ғазабдан ёнади, улар уни иложи борича пастга туширишга ҳаракат қилишади. Парис уйқуга кетади, шу пайт Хелена пайдо бўлади. У уйқудаги кимсага яқинлашади-да, лабидан бўса олади, ундан узоқлашади, сўнг орқасига бурилиб, унга назар ташлайди. Мана шу лаҳзада у янада гўзал кўринади. У эркакларда, худди Парис аёлларда уйғотган таассуротни уйғотади. Эркакларда муҳаббат ҳисси жўш уриб,

Хеленани таърифлайдилар, аёллар унга ҳам ҳавас қилишади, ҳам рашк ва нафрат билан қарашади. Ҳатто Фауст ҳам ўзи чорлаб келтирган гўзалликдан эси оғиб, макону замонни, ноодатий вазиятни шу даражада унутадики, у ролдан чиқиб кетмаслиги учун Мефистофель унга ҳар дақиқада буни эслатиб туришга мажбур бўлади. Парис ва Хелена ўртасидаги мойиллик ва муҳаббат ортиб боради, йигит уни олиб кетмоқчи бўлиб кучади, Фауст Хеленани унинг кучоғидан тортиб олмоқчи бўлади, бироқ у Париснинг калитига тегиб кетади ва шунда портлаш юз беради-да, руҳлар бугга айланиб кетишади, Фауст фалаж ҳолатида ерда ётади.

1830

1830 йилнинг 3 январи, якшанба

Гёте менга 1830 йил учун чиққан инглизча альбомни кўрсатди, унда чиройли гравюралар ва Лорд Байроннинг ғоятда сермазмун хатлари бор эди, мен уларни десерт ўрнида ўқидим. Унинг ўзи эса, «Фауст»нинг Жерар француз тилига таржима қилган энг янги нусхасини кўлига олиб варақлади ва у ер-бу ерини ўқиган бўлди.

— Бу китоб ҳозирги кунда бундан эллик йил олдин Вольтер ҳукмронлик қилган тилда ўқиладиганини ўйласам, — деди Гёте, — миямни ғалати хаёллар чулғаб олади. Ҳозир хаёлимдан нималар ўтаётганини билмайсиз, Вольтер ва унинг буюк замондошлари менинг ёшлигимда қандай аҳамият касб этганлиги, уларнинг бутун маънавий дунё устидан қандай ҳукмронлик қилганлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ёшлигимда бу инсонлар менга қандай таъсир ўтказишгани, улардан ўзимни ҳимоя қилиш қанчалик қийин бўлгани, ўзим оёққа туриб, ўзимда табиатга тўғри муносабатни шакллантирган ҳақида таржимаи ҳолимда етарлича тўхталмаганман.

Биз Вольтер ҳақидаги гурунгимизни давом эттирдик, Гёте менга Вольтернинг «Les Systemes» шеърини ёддан айтиб берди, шундан билдимки, у ёшлигида шунга ўхшаш асарларни берилиб ўрганган ва ўзлаштирган экан.

Жерарнинг юқорида тилга олинган таржимасини, гарчи у асосан насрда бажарилган бўлса-да, Гёте мактади.

— Немис тилида, — деди у, — мен «Фауст»ни ортик ўқигим келмайди, лекин мана шу французча таржимасида ҳамма нарса менга янги, гард юкмаган, таъсирчан туюлади.

– «Фауст», – давом этди у, – фавкулодда бир нарса, уни тушунишни осонлаштиришга бўлган барча уринишлар бефойда. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, биринчи қисм шахсдаги қоронғи бир ички ҳолатнинг ҳосиласи. Аммо айнан мана шу қоронғилик одамларни ўзига жалб қилади ва улар унинг устида бошқа ҳар қандай ечиб бўлмас муаммо устида бош қотиргандек бош қотиришади.

1830 йилнинг 10 январи, якшанба

Бугун тушликдан сўнг Гёте менга Фаустнинг Оналар ҳузурига борган саҳнасини ўқиб берди, маза қилиб тингладим.

Янги, ҳеч қачон хаёлга келмаган воқеалар, шунингдек, Гётенинг бу саҳнани ўқиш манераси мени шу қадар ром этдики, гўё ўзимни Мефистофелнинг сўзларидан эти жулжикиб кетган Фауст ўрнида ҳис этдим.

Мен ҳамма ўқилганларни диққат билан тинглаб, идрок этдим. Бироқ кўп нарсалар мен учун жумбоқ бўлиб қолдики, уларни изоҳлаб беришни Гётедан сўрашга мажбур бўлдим. У одатига кўра махфийлик қобилига ўралиб олди ва кўзларини катта-катта очганча менга тикилиб: «Оналар! Оналар!.. Қандай ажойиб жаранглайди!» деган сўзларни такрорлади.

– Сизга фақат битта нарсани айтишим керак, – деди у кейин, – мен Плутархда ўқидимки, қадимги Юнонистонда Оналарга худди худолардек муносабатда бўлишган. Мен ривоятлардан ўзлаштирган ягона нарса – мана шу, қолганларини ўзим тўқиганман. Қўлёзмани олиб кетинг-да, уйингизда синчиклаб ўқиб чиқинг, бирон-бир тўхтамга келарсиз.

Бу ажойиб саҳнани бафуржа, такрор-такрор ўқигач, менда Оналар ҳақида, уларнинг моҳият ва фаолиятлари ҳақида, уларни ўраб турган муҳит ва макон ҳақида қуйидаги тасаввур пайдо бўлди:

Агар Ер сайёрасининг улкан жисмини ичдан бўм-бўш тасаввур қилсак-да, унинг ичида битта йўналиш бўйлаб биронта жисмга йўлиқмасдан юзлаб мил йўл боссак, бу ўша Фауст йўл олаётган номаълум илоҳаларнинг макони бўлган бўларди. Улар бўм-бўш маконда истиқомат қилишади, чунки уларга яқин жойда бирорта қаттиқ жисм йўқ, уларда вақт тушунчаси ҳам йўқ, негаки чиқиб ёки ботиб, кун билан туннинг алмашишини билдирадиган бирорта осмон ёритқичи ҳам йўқ.

Мана шундай зулмат ва танҳоликда кун кечирадиган Оналар яратувчи мавжудотлардир, улар яратувчи ва ҳимоя қилувчи асос, ернинг устида шакл ва ҳаётга эга бўлган ҳамма нарса

ана шу асосдан вужудга келган. Нафас олишни бас қилган ҳамма нарса уларнинг ёнига номоддий табиат тарзида қайтиб боради, у бошқа қиёфага кириш имконига эга бўлгунга қадар Оналар уни ҳимоя қилиб туришади. Қачонлардир мавжуд бўлган ва келажакда бўладиган ҳамма нарсаларнинг жисмлари ва жонлар Оналар маконининг ниҳоясиз бўшлиғида булутлар янглиғ айланиб юришади, улар Оналарни қуршаб олишади, агар ўз санъати билан бирор жониворнинг шакли устидан ҳукм ўтказиш ва илгари мавжуд бўлган жонзотни тасаввурдаги ҳаётга қайтариш қудратига эга бўлса, сеҳргар ҳам ўша маконга тушиши лозим.

Шундай қилиб, ердаги ҳаётнинг ўзгариш, вужудга келиш ва ўсиш, ҳалокатга юз тутиш ва янгидан пайдо бўлиши — бу Оналарнинг узлуксиз фаолияти натижасидир. Ер юзидаги барча мавжуд нарсалар янгиланиб, яшашда давом этиши, асосан, Аёл зоти эвазигадир, шундай экан, яратувчи кучлар ҳақи равишда Аёллар ҳисобланади ва шунинг учун уларга бекорга Оналар деган фахрий ном берилмаган.

Шубҳасиз, буларнинг бари поэтик ҳаёл, инсоннинг чегараланган онги ундан нарига ўтишга қодир эмас, у ўзини қониқтирадиган бирон нарса топа олса, шундан мамнун. Биз ер юзида кўплаб ходисаларга дуч келамиз, таъсирларни сезамиз, лекин уларнинг қаердан пайдо бўлиб, бизни қаёққа етаклашларини билмаймиз. Назаримизда улар бизнинг тасаввуримизга сиғмайдиган, аниқ номлари бўлмаган илоҳий бир манбадан, эҳтимол, худодан озик олишади, биз эса уларни ёнимизга тушириб, одам қиёфасига киритишимиз лозим, токи бизнинг мавҳум ҳаёлларимиз маълум даражада аниқ кўринишга эга бўлсин.

Турли халқларда асрлардан-асрларга ўтиб яшаб келаётган афсоналар шу тахлит яратилган, шу тахлит Гёте яратган янги афсона ҳам озроқ бўлса-да, табиатдаги улуғ сир-асрорларни ўзида жамлаган ва буни ҳам қачонлардир яратилган энг яхши афсоналар қаторига қўшиш мумкин.

1830 йилнинг 24 январи, якшанба

— Яқинда мен Штоттернхаймдаги туз конларининг таниқли эгасидан мактуб олдим, — деди Гёте, — мактуб валати бошланган, ҳозир у билан Сизни таништираман. «Мен учун беҳуда кетмайдиган бир тажриба ҳосил қилдим», — деб ёзади у. Хўш, бу муқаддиманинг давоми нима деб ўйлайсиз? Гап ози билан минг талер устида бормоқда. Юмшоқ ва тошлок

ерда тош тузи конигача бир минг икки юз фут чукурликдаги шахтанинг икки ёнини у бефарқлик қилиб мустаҳкамламаган, натижада юмшоқ ер чўкиб, шахтани шу қадар балчиқ босганки, энди балчиқни чиқариб ташлаш учун анчагина харажат қилишга тўғри келади. Энди келгусида фалокат юз бермаслиги учун у ана шу бир минг икки юз фут чукурликка металл қувур ўтказиши зарур. У бундай тадбирни ўз вақтида қилиши керак эди, агар мана шундай одамларга хос бўлган, киши тасаввур ҳам қилолмайдиган беғамлик бўлмаганида, ўз вақтида қиларди ҳам, худди шу беғамлик шундай тадбирни амалга оширишга йўл бермаган. У бу фалокатга мутлақо парво қилмай, хотиржам: «Мен учун беҳуда кетмайдиган бир тажриба ҳосил қилдим», деб ёзмокда. Мана буни мен одам дейман, қойил қоласан киши, ҳеч бир шикоятсиз, ҳар доимгидек оёғида мардона турипти. Нима дедингиз, ибрат олса арзийди, а?

— У менга Штерни эслатади, — дедим мен, — у ақлли одамга ўхшаб касаллигидан фойдалана олмаганидан афсусланган.

— Ҳа, шунга ўхшайди, — деди Гёте.

— Ҳозир Бериш¹ ҳам ёдимга тушди, — дедим мен, — у Сизга тажриба нима эканлигини ўргатмоқчи бўлган эди, ўша бобни, билмайман нечанчи марта яқинда ўқидим: «Тажриба — бу тажриба ҳосил қилмаслик кераклигига тажрибада иқрор бўлиб, тажрибада синалган нарса».

— Ҳа, — деди Гёте кулиб, — булар қимматли вақтимизни елга учирадиган эски ҳазиллар.

— Бериш, — дедим мен, — афтидан қизиқчи ва ёқимли одам бўлган. Ертўладаги ажойиб ҳазилини айтмайсизми, у бир йигитга маҳбубаси билан учрашувга боришига халақит бериш мақсадида йўлимиз бир, тўхтаб тур, деб туфлисининг ипини гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ боғлаб, хаммани кулдиради ва йигитчанинг учрашув вақтини ўтказиб юборишга мажбур қилади.

— Ҳа, — деди Гёте, — бундай сахна театр учун жуда қўл келарди-да, умуман, Беришнинг ўзи театр учун яхши персонаж бўлиши мумкин.

Кейинги гурунгимизда Беришнинг Гёте «Шеърят ва ҳақиқат»да келтирган кулгили қилиқларини эсга олдик. У кулранг кийимда юрар, бу кийимда шойи, бахмал ва жун мато кўзни оладиган рангларда жилоланиб турар, у яна қандайдир

¹ Бериш Эрнст Вольфганг (1738-1809) — Гётенинг ёшлиқдаги дўсти.

кулранг нарсани устига илиб олиш ҳақида бош қотирарди. Унинг шеър ёзгани-чи, ҳарф терувчининг обрў-эътибори ва мартабасини таъкидлаб масхара қилгани-чи. Унинг яхши кўрган одати дераза токчасида ётиб олиб, ўтган-кетганларни кузатиш ва хаёлида уларнинг либосларини ўзгартириш эди, бордию одамлар у хаёл қилганидек кийинишса борми, роса кулгили манзара ҳосил бўлган бўларди.

— Унинг почтачини мудом эрмак қилганига нима дейсиз, бу ҳам роса кизик, шундайми? — деди Гёте.

— Бу ҳақда мен билмайман, — дедим мен, — таржимаи ҳолингизда бу ҳақда ҳеч нарса ёзилмаган.

— Шундайми, — деди Гёте, — унда буни ҳозир айтиб бераман. Иккаламиз дераза токчасида ётганимизда Бериш у уйдан-бу уйга кириб юрган почтачини кўриб қолса, чўнтагидан битта тангани оларди-да, ёнига қўярди. «Ана, қара, почтачи келяпти», дерди мен томонга ўгирилиб, «ана яқинлашяпти, ҳозир юқорига чиқиб келади, мен билиб турибман. Қўлида сен учун хат бор, оддий хат эмас, ичида вексель¹ ҳам бор, эшитяпсанми, вексель! Неча сўмлигини айтмайман. — Ана қара, у бу ёққа кияпти. Йўқ! Лекин у ҳозир киради. Ана бурилди. Бу ёққа, бу ёққа кир, дўстим! Мана бу ёққа кир! — У ўтиб кетди! Вой жинни, бориб турган жинни-я! Одам шунчалик ҳам аҳмоқ, масъулиятсиз бўладими, а! Икки қарра масъулиятсиз: сенга нисбатан ҳам. Қўлида ушлаб турган векселни сенга келтириб бермади, ўзига нисбатан ҳам масъулиятсизки, мен унинг учун тайёрлаб қўйган тангадан қурук қолди, ана энди уни қайтадан чўнтагимга солиб қўяман». У тангани чўнтагига шу қадар тантанали тарзда солардики, биз кулгидан ўзимизни тутолмасдик.

Мен ҳам унинг бошқа қилиқларига ўхшаган бу ҳазилидан мириқиб кулдим ва Гётедан, Беришни кейинроқ яна учратдингизми, деб сўрадим.

— Ваймарга келганимдаёқ уни учратдим, — деди Гёте, — тахминан 1776 йили биз Буюк ҳерцог билан Дессауга кетган эдик, ўша ёққа Бериш валиаҳд шахзоданинг тарбиячиси сифатида Лайпцихдан чақирилган эди. У ҳеч бир ўзгармаган, ўша-ўша сарой аъёни, хазилкаш Бериш эди.

— Сизнинг бу орада машҳур бўлиб кетганингизни кўриб нима деди? — сўрадим мен.

— «Мен сенга айтмовдимми», — дея хитоб қилди у, — «Шеърларингни дарров нашр эттирма, яхшироқ нимадир ёзгу-

¹ Вексель карз ҳужжати, пул карз олганлик ҳақидаги тилхат.

нингча шошилма, деб маслаҳат бермовдимми? Ҳар ҳолда шеърларинг ўшанда ҳам ёмон эмас эдику-я, акс ҳолда мен уларни кўчирмаган бўлардим. Иккаламиз ажралишиб кетмаганимизда эди, сен бошқаларини ҳам нашр эттирмаган бўлардинг, мен уларни ҳам кўчириб ёзган ва ишлар беш бўлган бўларди». Кўряпсизки, у ўша-ўша эди. Уни саройда яхши кўришарди, мен уни ҳар доим князлик столида учратардим.

Уни охириги марта 1801 йилда кўрдим, у анча қариб қолган, бироқ ҳамишагидек аъло кайфиятда эди. Саройда унга бир нечта чиройли хоналарни ажратишган, улар ёронгуллар билан безатилган, ўша пайтда уларга ҳамма қизиқар эди. Ўшанда ботаниклар ёронгулларни турларга ва қисмларга ажратишиб, айрим навларига пеларгония деб ном беришган эди. Қариянинг бундан аччиғи чиқиб, ботаникларни койирди: «Аҳмоқларни қаранглар», дерди у, «мен хонам ёронгулларга тўла, деб қувониб ўтирсам, улар, бу пеларгониялар, дейишадди. Булар ёронгуллар бўлмаса, менга уларнинг нима кераги бор, мен пеларгонияларни бошимга ураманми?» Мана ярим соатдан бери гаплашяпмиз, кўряпсизки, у ҳечам ўзгармаган.

Кейин «Классик Вальпургия кечаси»¹ тўғрисида гурунглашдик, унинг бошини Гёте менга бир неча кун олдин ўқиб берган эди.

— Устимга ёпирилган мифологик тимсолларнинг сон-санови йўқ, — деди Гёте, — аммо мен уларнинг ичидан ўқувчида ёркин таассурот қолдирадиганларини эҳтиёткорлик билан танлаб оламан. Мана ҳозир Фауст Хирон билан учрашяпти, ишонаманки, бу сахна кўнгилдагидек чиқади. Берилиб ишласам, бир-икки ой ичида «Вальпургия кечаси»ни поёнига етказаман. Фақат мени ҳеч нарса «Фауст»дан чалғитмаслиги керак, уни охирига етказсам, зўр иш бўларди-да ўзиям! Бунинг иложи бор, бешинчи кўриниш, айтиш мумкинки, тайёр, тўртинчиси ўз-ўзидан ёзилади.

Гёте саломатлиги ҳақида гапириб, анчадан буён ўзини жуда яхши ҳис этаётганидан севинди.

— Совлигимнинг яхшилиги учун, — деди у, — Фогелдан миннатдор бўлишим керак, усиз аллақачон бу дунёдан кетган бўлардим. Фогель — тўғма шифокор, умуман, мен ёруғ оламда учратган одамларнинг энг беназири. Яхшиси унинг яхшилиги ҳақида гаплашмайлик, тагин уни биздан олиб қўйишмасин.

¹ «Фауст»нинг иккинчи фаслидан бир кўриниш. Қаранг: Гёте, «Фауст», *Иккинчи фасл*. — Т.: Ф. Фулом номидаги АСН, 1974, — 128-бет.

1830 йилнинг 31 январи, якшанба

Гётеникида тушлик қилдик. Мильтон¹ ҳақида гурунглашдик.

— Яқинда унинг «Самсон»ини ўқиб чиқдим, — деди Гёте, — у қадимги давр руҳига, ҳозирги ижодкорларнинг асарларига нисбатан кўпроқ мос келади. Мильтон чиндан ҳам буюк, Самсоннинг ҳолатини ҳаққоний тасвираб беришида унинг ўз сўқирлиги кўл келган. Мильтон ҳақиқатан ҳам яхши шоир эди, шу жиҳатдан уни кадрламоқ керак.

Бир неча газеталарни келтиришди, Берлин театрларидаги янгиликлар рукнида ўқидикки, у ерда саҳнага улкан денгиз ҳайвонлари ва акулаларни олиб чиқишганмиш.

Гёте французча «Le Temps» («Вақт») журналида инглиз рухонийларига беҳад юқори иш ҳақи тўланаётгани ҳақидаги мақолани ўқиди, бу барча насроний динидаги мамлакатлардаги диндорларга тўланадиган иш ҳақидан анча юқори экан.

— Айтишадик, дунёни рақамлар бошқаради деб, — деди Гёте, — лекин менга битта нарса аён: дунё яхши бошқарилаяптими ёки ёмонми, буни рақамлар исбот қилади.

1830 йилнинг 3 феввали, чоршанба

Гётеникида тушлик қилдик. Моцарт ҳақида гурунглашдик.

— Мен уни етти ёшли болакай пайтида кўрганман, — деди Гёте, — ўшанда у йўлакай Франкфуртда концерт берган эди. Ўзим эндигина ўн тўрт ёшга тўлган эдим, бу грим қилиб, шпага² тақиб олган одамча худди кечагидек ёдимда.

Мен ҳайрон қолдим, Гёте шунчалик қари бўлатуриб Моцартни бола пайтида кўрганлигига ишонгим келмасди.

1830 йилнинг 7 феввали, якшанба

Гёте билан тушлик қилдим. Князь-примас³ ҳақида гурунглашдик. Гёте бир вақтлар Австрия император-маликасиникидаги зиёфат маҳали ўринли айтилган сўз билан уни ҳимоя қилишга журъат этганини, князнинг фалсафадан билими саёз, тасвирий санъатга қизиқувчанлиги юзаки, дидсиз

¹ Мильтон Жон (1608 – 1674) – инглиз шоири ва сиёсий арбоби, юнонча шаклда ёзилган «Самсон»(1671) фожиасининг муаллифи.

² Шпага – қиличсимон найза.

³ Примас бош, етакчи, биринчи даражали. Князь-примас – Карл Теодор фон Дальберг (1744 – 1817) – Майнцнинг охирги кюрфюрести, 1772 йилда Эрфуртда муваққат бошлик, кейинчалик Райн иттифоқининг князь-примаси.

бўлганлигини, мисс Тор¹га расм совға қилганини гапириб берди. Князь очиккўнгиллиги ва бўшанглиги туфайли охир-оқибат ҳамма нарсасидан жудо бўлиб, камбағалликка юз тутган экан.

Гурунгимиз беандишалик хусусида давом этди.

Тушликдан сўнг ёш Гёте сеҳргар Клингзорнинг маскарад кийимида Вальтер ва Вольф билан кириб келди, кейин саройга кетишди.

1830 йилнинг 10 феввали, чоршанба

Гёте билан тушлик қилдик. У Римернинг 2 февраль² байрамига бағишланган шеърини чин дилдан мақтади.

— Умуман, — кўшиб кўйди Гёте, — Ример нима қилса, устозга ҳам, шогирдларга ҳам маъқул бўлади.

Сўнгра яна «Классик Вальпургия кечаси»ни тилга олдик, иш жараёнида кутилмаган воқеалар юзага қалқиб чиқавериши, бунинг устига мавзу ҳам беҳад кенглиги ҳақида сўзлашдик.

— Ҳозирча ишнинг ярмидан кўпи бажарилди, — деди у, — бироқ мен жадал ишлаб, пасхагача тугатаман, деб ўйляяпман. Ўшангача Сизга ҳеч нарсани кўрсатмайман, тайёр бўлгач кўлёмани бераман, уйингизда хотиржам ўрганиб чиқасиз. Агар Сиз ўттиз саккизинчи ва ўттиз тўққизинчи жилдларни тайёрлаб улгурганингизда эди, биз уларни пасхагача ноширга жўнатолсак, зўр иш бўларди, ўшанда ёзда бошқа катта ишларга вақтимиз кўп қоларди. Мен «Фауст»ни қўлдан қўймай, тўртинчи кўринишни ёзиб тугатишга ҳаракат қиламан.

Мен бу гапдан хурсанд бўлдим ва ўз навбатида, унга ҳар томонлама кўмаклашишга ваъда бердим.

Гёте хизматкорини она-ҳерцогинянинг ахволидан хабар олиб келишга жўнатди, у овир касал бўлганлигидан Гёте хавотирда эди.

— У маскарад намоишини кўрмаслиги керак эди, — деди у, — бироқ зодагонлар нима бўлсаям ўз истакларини амалга оширишга одатланишган, сарой аъёнларининг ҳам, шифокорларнинг ҳам ман қилишлари фойда бермади. Бир вақтлар Наполеонга қарши туролган ирода кучини эндиликда у жисмоний заифлигини енгишга йўналтирмоқда, бунинг нима билан тугагини сезиб турибман, Буюк ҳерцог рухий ва жис-

¹ Мисс Элиза Тор -- 1731 йилдан бери Ваймарда яшаб қолган инглиз Чарльз Торнинг қизи.

² 2 февраль - Буюк ҳерцогнинг таваллуд куни.

моний кучга тўлиқ пайтида кетганидек, бу ҳам энди кетади, жисми энди унга бўйсунити истамаяпти.

Гёте кўринишдан рухан эзилган эди, у бир зум жим қолди. Бироқ тезда яна қизгин суҳбатга берилдик, у менга Худзон Лоу¹нинг ўзини оклаш учун ёзган китоби ҳақида гапирди.

— Унда жуда қимматли чизгилар борки, — деди у, — буларни фақат бевосита иштирокчиларгина сезиши мумкин. Маълумки, Наполеон одатда тўқ яшил мундир кийиб юрган, мундир узок муддат кийилганидан ва қуёш нури таъсирида тамоман яроқсиз ҳолга келади, уни янгиси билан алмаштириш зарурати туғилади. У худди ўша рангдаги мундирни талаб қилади, аммо оролда бунақаси топилмайди, тўғри, яшил мовут топилади, бироқ у сариқ рангга мойил эди. Бундай рангдаги мундирни устига кийиш жаҳон фотиҳи учун номаъқул эди, унга эски мундирининг ичини устига ағдариб кийиб юришдан ўзга илож қолмайди.

Бунга нима дейсиз? Бу ростдан ҳам фожиали чизги эмасми? Ачиниб кетасан киши, ўйлаб кўринг, шоҳлар шоҳи шу даражада таҳқирланиб, ичи устига ағдарилган мундир кийиб юрса-я. Лекин бу одам миллионлаб кишиларнинг ҳаёти ва бахтини оёқ ости қилиб топтагани ҳақида ўйласанг, қисмат унга ҳамиша кулиб боққанини кўрасан, Немезида² қаҳрамоннинг улуғлигини ҳисобга олиб, ундан бироз эҳтиромини дариф тутмади. Мислсиз юксакликка кўтариш ва ҳамма нарсани ўз ғояларини амалга оширишга йўналтиришнинг хавфли эканлиги тўғрисида Наполеон бизга сабоқ берди.

Биз шу мавзуда яна озроқ гурунглашдик, кейин мен «Севилла юлдузи»³ спектаклини кўриш учун театрға кетдим.

1830 йилнинг 14 феввали, якшанба

Бирга тушлик қилишга таклиф қилган Гётеникига кетаётганимда, она-херцогинянинг вафот этгани ҳақидаги хабар менга етиб келди. Ёши ўтиб қолган Гёте буни қандай кўтарар экан! — деган фикр ўтди хаёлимдан ва кўнглимда бироз кўрқув билан уйига кириб бордим. Хизматкорлардан бири менга, келини ҳозиргина қайғули хабарни унга етказиш учун

¹ *Худзон Лоу (1767 - 1844)* француз оккупацияси даврида мукаддас Хеленанинг ҳимоячиси. У Наполеон ҳақида «Memorial relatif a la captivite de Napoleon a Sainte-Helene» (1830) номли ўз-ўзини оклашга йўналтирилган асар ёзган.

² *Немезида* — қадимги юнон мифологиясида ўч, қасос худоси.

³ «*Севилла юлдузи*» — Лопе де Веганинг шу номли пьесаси асосида сахналаштирилган фоғна.

кетганини айтди. «Эллик йилдан ортиқ муддат мобайнида, — ўйладим мен, — у херцогиня билан яқин дўст бўлган, унинг алоҳида ҳурмат-эътиборини қозонган, энди унинг ўлими Гёте учун катта йўқотиш бўлади». Шундай ўй-хаёллар билан унинг хонасига кирдим, уни тетик ва қувноқ ҳолатда ҳеч нарса содир бўлмагандек келини ва набиралари билан шўрва ичиб ўтирганини кўрганимда ҳайратда қолдим. Мен ҳам уларга қўшилиб, у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтирдик. Шу аснода шаҳардаги барча қўнғироқлар жаранглай бошлади, фон Гёте хоним менга қаради, мотам қўнғироғи унга офир таъсир этмасин деб биз баландроқ овозда сўзлаша бошладик, у ҳам биздек аҳволда деб ўйлагандик. Бироқ у бундай аҳволда эмас, унинг ички олами бутунлай бошқача эди. У бизнинг орамизда, баайни ердаги қайғу-аламлар таъсир этолмайдиган олий бир мавжудот сингари ўтирарди. Сарой маслаҳатчиси Фогель ташриф буюрганини хабар қилишди, у ёнимизга келиб ўтирди-да, ҳазрати олияларининг ўлимига сабаб бўлган айрим вазиятлар борасида гапирди, буларнинг барчасини Гёте ўта хотиржамлик ва босиқлик билан тинглади. Фогель кетди, биз гурунглашганча тушлик қилишда давом этдик. «Хаос»¹ тўғрисида ҳам анчагина гаплашдик, охирги сониде Гёте «Ўйин ҳақида ўйлар» хусусида яхши фикрлар билдирган. Фон Гёте хоним ўғиллари билан юқорига чиқиб кетишгач, Гёте икковимиз ёлғиз қолдик. У менга «Классик Вальпургия кечаси» ҳақида гапираркан, бу борада иши кундан-кунга олдинга силжиётганини, ҳеч бир кутилмаган ғаройиб сахналар хаёлига келаётганини айтди. Кейин у менга Бавария қиролидан бугун олган хатни кўрсатди, мен уни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ҳар бир сатрдан қиролнинг юксак тафаккур тарзи сезилиб турар, афтидан, унинг Гётега бўлган садоқати ҳалиям сўнмаганидан бу хурсанд эди. Сарой маслаҳатчиси Сорэ келганлигини хабар қилишди, у кириб ёнимизга ўтирди. У император ҳазратлари номидан Гётега таъзия билдириш ва уни юпатиш учун келган эди, бу ундаги қувноқ кайфиятни янада кўтарди. Сухбатни давом эттираркан, Нинон де Ланкло² исмли машҳур гўзал қизнинг ўн олти ёшида ёмон дардга йўлиққанини, атрофини ўраб олган дўстларини мутлақо хотиржам: «Куйинишга хожат йўқ. Ахир мен бу ерда ҳамма ўлимга маҳкумларни ташлаб кетяпман-ку!» дея юпатганини эсга олди. Кейин у соғайиб кетиб, тўқсон йил

¹ «Хаос» — Ваймарда уч тилда чиқарилган шахсий журнал, Гётенинг келини Оттилия муҳаррирлик қилган. 1829 йилнинг 12 сентябридан 1831 йилнинг 19 февралигача чиққан.

² Ланкло Нинон де (1616—1706) — Париждаги салон эгаси.

умр кўриб, саксон ёшигача юзлаб жазманларидан кимларни бахтли қилган, кимларни фироқ ўтида куйдирган.

Сўнгра Гёте Гоцци¹ ва унинг Венециядаги театри ҳақида сўз очди, у ерда актёрлар кўлига фақат сюжет бериларкан-да, улар айтадиган гапларини ўзлари ўйлаб топишаркан. Гоццининг фикрича, бор-йўғи ўттиз олтига қалтис ҳолатлар бўлган, Шиллер, улар кўп бўлган, дерди, аслида ўша ўттиз олтига ниям ўзи кўрмаган.

Бундан ташқари, Гёте Гримм², унинг ақли, феъл-атвори ҳақида, қоғоз пулларга кўпам ишонч билан қарамагани ҳақида гапирди.

1830 йилнинг 17 феввали, чоршанба

Театр, ундаги декорацияларнинг ранги, костюмлар ҳақида сўзлашдик. Гёте шундай хулоса чиқарди:

— Умуман, декорациялар олдинги планда костюмларнинг ранги учун фон вазифасини ўташи керак, Бойтер³нинг декорациялари ана шундай, маълум даражада жигаррангсимон рангга эга бўлиб, костюмларнинг ранглари унда жилоланиб туради. Бордию декорация рассоми қулай ноаниқ фондан воз кечишга мажбур бўлса, қизил ёки сариқ рангдаги хонаними, оқ рангдаги чодирними ёки бўлмаса, ям-яшил боғними тасвирламоқчи бўлса, унда актёрлар ўз костюмларида бундай ранглардан оқилона воз кечишлари лозим. Агар актёр қизил мундирда ва яшил шалварда қизил рангдаги хонага кирса, унда унинг гавдаси билинмай қолади ва томошабин фақат унинг оёқларини кўради, агар ўша костюмда яшил боққа кирса, унда оёқлар ғойиб бўлади-да, гавда ҳавода муаллақ қолади. Мен бир оқ мундир ва тўқ рангдаги шалвар кийган актёрни кўрган эдим, оқ рангдаги чодирда гавдасининг юқори қисми кўринмай қолди ва орқа томондаги қора фон таъсирида оёқлари бутунлай ғойиб бўлди.

— Мабодо декоратор, — сўзида давом этди Гёте, — қизил ёки сариқ хонани, яшил боғ ёки ўрмонни чизмоқчи бўлса, унда бу ранглар у қадар ёрқин бўлмаслиги керак, ўшанда ҳар қандай костюм олдинги планда аниқ кўзга ташланиб, томошабинда керакли таассуротни қолдиради.

«Илиада» хусусида сўзлашдик, Гёте диққатимни яхши ўйланган бир усулга қаратди: бошқа қаҳрамонлар кўзга таш-

¹ Гоцци Карло (1720–1806) – граф, италиялик драматург.

² Гримм Фридрих Молхиор (1723–1807) – барон, француз ёзувчиси.

³ Бойтер Фридрих (1777–1836) – декорация рассоми.

ланиб, ўз имкониятларини намоёниш қилишлари учун Ахилл¹ бир муддат ҳаракатсиз қолдирилади.

У ўзининг «Ҳамроз диллар» романи хусусида сўзларкан, ундаги ҳар бир чизги бошдан кечирилган воқеа ҳосиласидир, бироқ уларнинг бирортаси қай тарзда бошдан кечирилганини ифодалаб беролмайди. Худди шу ҳолат Зезенхаймдаги севги-муҳаббат тарихига ҳам алоқадор.

Тушликдан сўнг нидерланд мактабига тегишли картиналар солинган папкани томоша қилдик. «Бандаргоҳ бурчаги»² сурати: бир томонда одамлар ичимлик сувини ғамлашмоқда, иккинчи томонда, тўнтарилган бочка устида соққа ташлаб ўйнашмоқда, булар қизиқарли кузатувларга имкон яратади, яъни санъатдан таъсирланишга ҳалақит бермаган ҳолда реаллик билан қандай муносабатда бўлишга ўргатади. Бочканинг усти яхшироқ ёритилган, соққа ташланган, ўйинчиларнинг ҳолати бундан далолат бериб турипти, аммо бочканинг текис кетида соққалар кўринмайди, чунки нур шуъласи улар устида синган ва таъсири бирмунча йўқолган.

Кейин Рюисдалнинг эскизларини томоша қила бошладик, уларда рассомнинг нечоғлик меҳнат қилгани кўришиб турарди.

1830 йилнинг 21 феввали, якшанба

Гёте билан тушлик қилдик. У менга ташқарига томир отган ўсимликларни кўрсатди, уларни қизиқиб томоша қилдим. Уларда мен, бошқа бир индивид пайдо бўлиб, уларнинг мавжудлигини исбот қилгунига қадар ўз ҳаётини иложи борича узайтиришга бўлган интилишни пайқадим.

— Бир ой давомида, — деди Гёте менинг фикримга гўё жавоб қайтаргандек, — «Вақт»ни ҳам, «Глоб»ни ҳам камроқ ўқишга қарор қилдим. Вазият шундай бўляптики, шу муддат ичида бирор ҳодиса юз берадигандек, мен шу ҳақда ҳабар келтиришадиган пайтни кутмоқчиман. Бу орада «Классик Вальпургия кечаси»ни ёзиб бўламан, ортиқча қизиқишларнинг кимга кераги бор, кўп ҳолларда шуни ҳисобга олмаймиз.

Шундан сўнг у менга мюньхенлик Буассарэ³дан келган, ўзини беҳад хурсанд қилган мактубни берди, мен уни

¹ Ахилл — қадимги юнон мифологияси тимсоли. Шох Пелей ва илоха Фетиданинг ўғли.

² «Бандаргоҳ бурчаги» — рассом Лингелбах Ян (1623—1674) чизган сурат.

³ Буассарэ Сульниций (1782—1854) — меъмор, Бавария ёдгорликларининг химоячиси.

мириқиб ўқиб чиқдим. Буассарэ асосан «Римга иккинчи ташриф» ҳақида, шунингдек, «Санъат ва мозийлик» журналининг охирги сониди босилган баъзи бир мақолалар хусусида фикр билдирган. Булар юзасидан унинг кузатишлари қанча чуқур бўлса, шунчалик хайрихоҳ эдики, бу унинг ноёб билими ва фаолияти борасида узок сўз юритишимизга имкон берди.

Сўнгра Гёте менга Корнелиус'нинг янги чизган сурати ҳақида гапириб берди, у ҳам яхши ўйланган ва муваффақиятли бажарилган эди, шу муносабат билан Гёте, расмнинг рангдорлиги композицияга боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Кейинроқ сайр пайтида, ҳалиги ташқарига томир отган ўсимликлар ҳаёлимда гавдаланди ва мен, ҳар қандай мавжудот имкони борича ўз тириклигини узайтиришга, кейин бутун кучини тўплаб ўзига ўхшаган мавжудотни дунёга келтиришга интилиши ҳақида ўйладим. Табиатнинг бу қонуни бошқа бир афсонани ёдимга солди: оламини яратган Тангрини биз ягона деб ҳисоблаймиз, лекин кейин у ўзига ўхшаган ўғлини яратди. Худди шунингдек, улўф рассомлар ҳам ўзларига муносиб шогирдлар етиштиришни ўз бурчлари деб ҳисоблашди ва уларда ўз мақсад-орзуларининг давомини кўришни исташди. Рассом ёки шоир яратган ҳар бир асар юзасидан ҳам худди шу гапни айтиш мумкин, яъни агар асар жуда зўр бўлса, демак, уни яратган ижодкор ҳам жуда зўр. Бошқа биров яратган зўр асарга ҳеч қачон ҳасад қилмайман, чунки унинг ортида ўшандай асарни яратишга муносиб бўлган инсон турипти.

1830 йилнинг 24 феввали, чоршанба

Гёте билан тушлик қилдик. Ҳомер ҳақида гурунглашдик. «Унинг худолари бевосита реал ҳаётга таъсир ўтказишади», дедим мен.

— Бу ўта таъсирли ва инсоний, — деди Гёте, — мен Яратганга шуқур қиламанки, французлар худоларнинг бундай таъсир ўтказишини *machinerie*² деб атаган даврни ортда қолдирдик. Шубҳасиз, Ҳомернинг бепоён оламини ҳис эта олиш учун вақт керак, французлар учун эса, бу маданиятни бутунлай қайта қуриш бўлиб ҳисобланади.

Шундан сўнг Гёте Ҳеленанинг гўзаллигини янада бўрттириш учун унинг пайдо бўлиш воқеасига тағин бир янги чизги

¹ *Корнелиус Петер фон (1783–1867)* — олмон рассоми. Унинг «Орфей Плутодан Эвридикани озод этишини ўтинмоқда» номли сурати кўзда тутилган.

² *Machinerie* — мураккаб механизм, мураккаб система (фр.).

қўшганини, бунга мен тасодифан айтган бир офиз сўз сабаб бўлганини айтиб, менинг дидимни мактади.

Тушлиқдан кейин Гёте менга Корнелиус картинаси бўйича ишланган гравюрани кўрсатди: Орфей¹ Плутон²нинг тахти олдида Эвридика³ни озод қилишини илтижо қилмоқда. Биз шундай хулосага келдикки, картина жуда яхши ўйланган, айрим деталлари қойилмақом ишланган, аммо кишини етарли даражада қониқтирмайди ва кўнгилни қувонтирмайди. Эҳтимол, ўйладик биз, сурат рангли бўлса каттароқ гармоник таассурот қолдирармиди, эҳтимол, рассом кейинги, яъни Орфей Плутоннинг кўнгилни юмшатиб, у Эвридикани қайтариб бераётган лаҳзани танлагани маъқул бўлармиди. Шунда вазият бу қадар кескин тус олмас, зориқиб қутилмасди, кишида тўлиқ қониқиш ҳосил бўлармиди.

1830 йилнинг 1 марти, душанба

Гётеникида йеналик сарой маслаҳатчиси Фойгт⁴ билан бирга тушлиқ қилдик. Гурунг нуқул табиий мавзулар доирасида бўлди, сарой маслаҳатчиси Фойгт бу соҳада кенг қамровли билимга эга. Гёте яқинда бир мактуб олганини, унинг муаллифи урувпаллалар япроқ эмаслигини, негаки уларнинг орқасида кўзчалар йўқлигини уқтирганини айтди. Бироқ биз, деди у, турли ўсимликларда кўриб иқроқ бўлдики, бошқа барча япроқларда бўлганидек, уларда ҳам кўзчалар бор. Фойгт айтдики, ўсимликлар метаморфозаси янги даврнинг табиатшунослик соҳасидаги энг самарали кашфиётларидан бири ҳисобланади.

Сўнгра биз қуш тулумлари коллекцияси хусусида сўзлашдик, шу муносабат билан Гёте бир инглизнинг юзлаб тирик қушларни катта паррандахоналарда боққанини гапириб берди. Улардан айримлари ўлиб қолган экан, инглиз уларни тулум қилдирипти. Тулумлар унга ёқиб қолипти ва миясига,

¹ *Орфей* – Овидийнинг «Метаморфоза» асарининг қахрамони, дарёлар худоси Эагр ҳамда мусиқа худоси Каллиопа²нинг ўғли, қадимги юнон мифологиясида қўшиқчи тимсоли, унинг қўшиқлари нафақат одамларни, балки ёввойи ҳайвонларни, дарахтларни, тоғу дарёларни мафтун қилган.

² *Плутон* – қадимги юнон мифологиясида ерости дунёси, ўликлар подшолиги худоси. Аид, Гадес деб ҳам аталади.

³ *Эвридика* – қадимги юнон мифологиясидаги гўзал нимфа. Орфейнинг суюкли хотини. Уни захарли илон чакиб ўлгач, Орфей уни озод қилишини сўраб ўликлар худоси Плутонга илтижо қилади.

⁴ *Фойгт Фридрих Сигизмунд (1781 - 1850)* – йеналик зоолог, Гётенинг дўсти.

яхшиси ҳамма кушларни ўлдириб, тулум қилдирсаммикан, деган фикр келипти, кўп ўтмай бу фикрини амалга оширибди.

Сарой маслаҳатчиси Кювье¹нинг «Табиат тарихи» номли беш жилдлик китобини таржима қилиб, уни кўшимчалар ва изоҳлар билан таъминлаб, босиб чиқариш ниятида эканлигини маълум қилди.

Тушликдан сўнг, Фойгт кетгач, Гёте менга «Вальпургия кечаси»нинг қўлёзмасини кўрсатди, бор-йўғи бир неча ҳафта ичида унинг шунчалик салмоқдор бўлиб қолганига ҳайрон қолдим.

1830 йилнинг 3 марти, чоршанба

Тушликдан олдин Гёте билан извошда сайрга чикдик. У менинг Бавария қиролига бағишлаб ёзган шеъримни мақтади ва лорд Байроннинг менга ижобий таъсир ўтказганини эслатди. Менда зодагонларга хос мулозимат етишмаслигини, Вольтер бу соҳада кучли бўлганини ҳам кўшиб қўйди. Шу жиҳатдан ундан ибрат олишни маслаҳат берди.

Кейинроқ, тушлик маҳали, Виланд ва унинг «Оберон» асари ҳақида кўп гаплашдик. Гётенинг фикрича, у заиф асосга қурилган, дастлабки режа талаб даражасида ишлаб чиқилмаган. Масалан, жаф тишлари ва соқолнинг ўсиши учун руҳиятнинг дахли зарур, деган фикр тўғри эмас, агар шунга асосланилса, қаҳрамон бутунлай фаолиятсиз бўлиб қолади. Ўткир фикрли улкан шоирнинг гўзал, ёқимли тасвири китобхон қалбини сеҳрлаб оладики, у ҳеч қандай асос ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмай ўқийверади.

Турфа мавзуларда гурунглашдик, охири яна энтелехия²га қайтдик.

— Индивидга хос тиришқоқлик ва инсоннинг ўзига маъқул бўлмаган нарсаларни инкор қилиши, — деди Гёте, — энтелехияга ўхшаган нарсанинг мавжуд эканлиги мен учун исбот бўлиб ҳисобланади.

Бир неча дақиқадан бери худди шу фикрни айтмоқчи бўлиб тургандим, буни Гёте олдин айтгани мен учун икки карра қувончли бўлди.

¹ *Кювье Жорж (1769–1832)* — француз зоологи.

² *Энтелехия* — Аристотель фалсафасидаги мақсад сари интилишнинг ҳаракатлантирувчи куч эканлиги, имкониятни ҳақиқатга айлантиришнинг фаол асоси эканлиги ҳақидаги қараш.

— Лайбниц¹да ҳам, — давом этди Гёте, — мустақил шахсларга дахлдор, биз энтелехия деб атайдиган тушунчага ўхшаш фикрлар бўлган, у буни монада² деб атаган.

Бу ҳақдаги қолган фикрларни Лайбницдан ўзим ўқиб, билиб олишга қарор қилдим.

1830 йилнинг 7 мартини, якшанба

Соат ўн иккиларда Гётеникига бордим, бугун у ҳамшагидан ҳам кўра тетик ва қувноқ кўринди. У дарҳол охирги жилдларни нашр этиш учун жўнатишга улгуриш мақсадида ҳозирча «Классик Вальпургия кечаси»ни тўхтатиб турганини айтди.

— Ишни тўхтатиб тўғри қилдим, деб ўйлайман, — деди у, — бутун фикру зикрим ўшанда эди, кўп янги фикрлар ҳам тувилган эди. Мана энди ишга осонроқ киришиб кетаман, ёзишда давом этаверганимда, ярим йўлда қоқилиб қолардим.

Мен бу сўзларни ибрат сифатида ёдимда сақладим.

Тушликкача отда сайрга чиқишни режалаштирган эдик, бироқ хонада ўтириб гурунглашиш икковимизга ҳам ёқимли туюлди ва Гёте сайрни бекор қилди.

Бу орада хизматкор Фридрих Париждан келган катта қутини очди. Бу ҳайкалтарош Давид³ жўнатган эллик етита машҳур шахсларнинг гипсга ишланган портретлари ва барельефлари эди. Фридрих буларни филдиракли қутиларда олиб кирди, биз бу фаройиб шахсларни томоша қилиб, қизғин муҳокама қилдик. Мен, айниқса, Меримега қараб тўймасдим, унинг юзи ҳам истеъдоди сингари кучли ва қатъий кўринди, Гёте, унда бироз кулгили жиҳат ҳам борлигини айтди. Виктор Гюго, Альфред де Виньи⁴, Эмиль Дешам⁵нинг юзлари тоза, очик, қувноқ эди. Гэ⁶ ва мадам Тасту⁷нинг ҳамда бошқа ёш адибаларнинг портретлари ҳам бизга жуда маъқул бўлди. Фабье⁸нинг бақувват расми гўё ўтган аср одамига ўхшаб

¹ Лайбниц Готфрид Вильхельм фон (1646—1716) — олмон идеалист файласуфи.

² Монада — Лайбниц фалсафасида гўё оламнинг асосини ташкил этувчи дастлабки бўлинмас рухий элементлар.

³ Давид д'Анже Пьер (1789—1856) — француз ҳайкалтароши.

⁴ Альфред де Виньи (1797—1863) — француз романтик шоири.

⁵ Дешам Эмиль (1791—1871) — француз шоири.

⁶ Гэ Дельфина (эри томондан Жерардин, 1804—1855) — француз шоираси.

⁷ Тасту Амабл (1798—1885) — француз шоираси.

⁸ Фабье Шарль-Никола (1783—1855) — француз генерали, Грецияни озод қилиш учун кураш иштирокчиси.

туюлди ва биз уни қайта-қайта томоша қилиб тўймасдик. Шу тахлит бир машхур шахсдан иккинчисига ўтардик ва Гёте, Давиднинг ушбу жўнатмаси туфайли катта хазинага эга бўлганини таъкидлаб, бундай атоқли рассомга энди қандай миннатдорчилик билдириш мумкин, дея тинмай такрорларди. Бундан буён бу коллекцияни Ваймарда йўлакай тўхтаган ҳар бир кишига кўрсатаман, бунга кирмай қолган баъзи шахсларни оғзаки сўраб, билиб оламан, дерди.

Кутида пакетларга ўралган китоблар ҳам бор эди, Гёте уларни пастки хонага олиб чиқишни буюрди, биз ҳам ўша ёққа ўтиб, столга ўтирдик. Келгусида қилинадиган ишлар, турли режалар ҳақида кизгин суҳбат бошланди.

— Одамнинг ёлғиз бўлгани ёмон, — деди Гёте, — айниқса, ёлғиз ишлаш ёмон, ишнинг муваффақияти учун руҳий кўмак жуда зарур. Мен «Ахиллеида» ва бошқа балладаларимнинг дунёга келишида, мени тезроқ ёзишга ундаган Шиллердан миннатдорман ва «Фауст»нинг иккинчи қисмини поёнига етказсам, бу Сизнинг хизматингиз бўлади, ишонаверинг. Мен бу гапни Сизга кўп айтганман, яна такрорлашдан толмайман, Сиз буни билиб қўйинг.

Бу сўзлардан хурсанд бўлдим ва уларнинг бир жиҳатдан тўғри эканлигини ҳам ҳис этдим.

Тушликдан сўнг Гёте пакетлардан бирини очди. Булар Эмиль Дешамнинг шеърлари бўлиб, ичида мактуб ҳам бор эди, Гёте уни менга ўқишга берди. Гётенинг янги давр француз адабиёти ҳаётига қандай таъсир ўтказганини, ёш шоирлар уни ўзларининг маънавий дохийлари сифатида севиб, қадрлашларини мактубда ўқиб севиндим. Гётенинг ёшлигида Шекспир унга шундай таъсир ўтказган экан. Вольтер ҳақида бундай деб бўлмайди, у чет эллардаги ёш шоирларга нисбатан кам таъсир кўрсатган, ёшлар уни ўзлари учун йўлчи юлдуз, устоз деб тан олишмаган. Эмиль Дешамнинг мактуби бошдан-охир қалб кўри, самимият билан сугорилган эди.

— Бунда гўё очик қалб баҳори акс этган, — деди Гёте.

Булардан ташқари, Давиднинг жўнатмаси ичида бир варақ қоғоз бўлиб, унда Наполеоннинг учбурчак шляпаси турли ракурсларда акс эттирилган эди.

— Бу менинг ўғлимга аталган, — деди Гёте ва қоғозни дарҳол юқорига жўнатди. Совға ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, кўп ўтмай ёш Гёте пастга тушиб келди-да, қаҳрамоннинг шляпаси унинг коллекциясидаги олий даражали экспонат бўлишини қувониб эълон қилди. Беш дақиқаям ўтмасдан варақ ойнаванд рамкада қаҳрамон ҳақидаги бошқа буюмлар қаторида турарди.

Бугун эрталаб жаноб фон Гёте меникига келиб, илгаридан ўйлаб юрган Италияга саёхат қилиш режаси бугун ҳал бўлганини, отаси керакли маблағни берганини ва менинг у билан бирга боришимни хоҳлашини маълум қилди. Иккалаамиз ҳам бундан хурсанд бўлиб, тайёргарлик кўришни маслаҳат қилишга киришдик.

Тушга яқин Гётенинг уйи ёнидан ўтаётганимда Гёте мени деразадан имлаб чақирди, тезда унинг ёнига кўтарилдим. У мени беҳад қувноқ кайфиятда кутиб олди ва дарҳол ўғлининг саёхати борасида сўз очиб, буни маъқуллашини, бу оқилонаниш бўлганини ва менинг у билан бирга кетаётганимдан мамнун эканлигини билдирди.

— Бу икковларинг учун ҳам фойдали бўлади, — деди у, — Сиз маданиятга ғоятда қизиқишингиз туфайли кўп нарсага эришасиз.

Кейин у менга Исонинг ўн икки апостоли¹ билан биргаликдаги тасвири туширилган гравюрани кўрсатди, биз, ҳеч қандай ҳайкалтарош бундай зотларнинг руҳини акс эттира олмаслиги борасида сўзлашдик.

— Бу апостоллар, — деди Гёте, — бир-бирларига деярли ўхшаш, айримларигина ортларида ўзларининг номларини сақлаб қоладиган бирон ҳаёт ва фаолиятга эга. Шу муносабат билан мен ҳазилга ўн иккита Инжил персонажларидан шундай танладимки, токи уларнинг ҳар бири машҳур, бир-биридан фарқ қиладиган ва ҳар бири рассом учун энг мос модель бўлсин.

Аввало Одам Ато, етук, чиройли эркак, бундан афзалини ўйлаб ҳам тополмайсан. У бир кўли билан белкуракка суяниб туради, бу — одам ерга ишлов бериш учун яратилганининг рамзи.

Ундан сўнг Нух пайғамбар туради. Ахир оламнинг иккинчи бор яратилиши у билан боғлиқ. У тоқларни парвариш қилади, бу тимсолда ҳиндларнинг Вакха худосига ўхшаш нимадир бор.

Унинг ёнида Мусо — биринчи бўлиб қонунни жорий қилувчи пайғамбар.

Кейин Давид — жангчи ва подшоҳ.

Ундан сўнг Исо — ҳукмдор ва пайғамбар.

Сўнгра Даниел туради, у келадиган Исодан дарак берувчи.

¹ Апостол — Исонинг шогирдлари.

Унинг ёнида Иван, у одамлар ҳузурига келган Исони севади. Шундай қилиб, Исо иккита ёш боланинг ўртасида туради, улардан бири (Даниел)ни нозик ва узун сочли қилиб, иккинчиси (Иван)ни ҳиссиётли ва қисқа жингалак сочли қилиб чизса бўлади. Хўш, Ивандан сўнг ким келади?

Капернаумлик юзбоши, шошилинич ёрдам кутаётган ҳиндларнинг вакили.

Ундан кейин Магдалена туради — гуноҳларидан пушаймон бўлган, уни афв этишларини, гуноҳларини ювишни истовчи инсоният рамзи. Ушбу икки персонаж насронийликнинг моҳиятини акс эттиришади.

Кейин Павел келса бўлади, у насронийликнинг энг кучли тарғиботчиларидан.

Унинг ортидан Яков келади, узок ўлкаларга бориб, миссионерлик вояларини тарқатувчи.

Охирида Петр келади. Рассом уни дарвоза олдига тикка тургазиб қўйиб, юзига синовчан ифода берса бўлади, гўё у кириб келаётган одамлар бу муқаддас эшикдан киришга муносибми ёки йўқми, текшириб туриши керакдек.

Хўш, ушбу режага нима дейсиз? Назаримда, бир-бирига айнан ўхшайдиган ўн икки апостолдан кўра бу қизиқрок, шундайми? Мен Мусо билан Магдаленани ўтирган ҳолатда чизган бўлардим.

Мен бу гапларни ҳаяжон билан тингладим ва Гётедан буларни қоғозга туширишини илтимос қилдим, у шундай қилишга ваъда берди.

— Мен ҳали буларнинг ҳаммасини қайтадан ўйлаб кўриб, — деди у, — бошқа янги ёзган нарсаларим билан бирга ўттиз тўққизинчи жилд учун Сизга бераман.

1830 йилнинг 17 мартини, чоршанба

Гёте билан тушлик қилдик. Унинг шеъридаги бир мисра хусусида сўзлашдик, у барча олдинги нашрлардагидек: «Сенинг коҳининг Ҳораций қувонч оғушида башорат қилди» ҳолида қолсинми ёки охириги нашрда ёзилганидек, «Сенинг коҳининг Пропорций...» тарзида ўқилиши лозимми?

— Ҳорацийни Гёттлинг маслаҳати билан Пропорций қилиб ўзгартирган эдим. Коҳин Пропорций унчалик хушжаранг эмас, шунинг учун олдинги ҳолида қолгани маъқул.

— Худди шунингдек, — дедим мен, — «Хелена» нгизнинг қўлёмасида ҳам Тезей¹ уни ўн яшар кийикдек хушбичим пай-

¹ Тезей — қадимги юнон мифологиясида Афина подшоҳи.

тида ўғирлаб кетган, деб ёзилган. Гёттлингнинг ўзгартирганига рози бўлиб, «Етти яшар кийикдек хушбичим» деб ёзгансиз, ахир бу, у бутунлай бола дегани-ку, уни озод қилган эгизаклар Кастор билан Поллукс назарида ҳам у жуда ёш. Тўғри, воқеа афсонавий бир даврда кечади, унинг ёши аслида нечадалигини ҳеч ким айтолмайди, бунинг устига мифология шу қадар ўзгарувчанки, кимга қайси сюжет қизиқроқ ва ёқимлироқ туюлса, ўшани танлайверади.

– Сиз ҳақсиз, – деди Гёте, – мен ҳам Тезей ўғирлаб кетган пайтда у ўн ёшда бўлган, деган фикр тарафдориман, кейинроқ ҳам: «Ўн ёшдан кейин у бузилиб кетди», деб ёзган эдим. Янги нашрда уни етти ёшли кийикдан ўн ёшлига айлантираверинг.

Десерт чоғида Гёте менга ҳозиргина олган иккита альбомни кўрсатди, булар кейинроқ Нойрейтер¹нинг Гёте балладаларига ишлаган расмлари эди, иккаламиз ҳам талантли рассомнинг қувнок, ёқимли руҳидан хайратландик.

1830 йилнинг 21 марти, якшанба

Гёте билан тушлик қилдик. У дархол ўғлининг саёҳатидан сўз очди ва катта ютуқларни кўлга киритамиз, дея хомхаёлларга берилманглар, деди.

– Гоҳида шундай бўладик, – деди у, – уйдан қандай кетган бўлсанг, шундай қайтиб келсан, муҳими, бизнинг шароитимизга тўғри келмайдиган воялар билан қайтмаслик лозим. Масалан, мен Италиянинг чиройли зинапояларига қизиқиб қолиб, худди ўшандай қилиб ўзгартираман, дедиму, очиги уйимни бузиб қўйдим, зинапояларнинг кенглиги боис хоналар кичрайиб қолди. Асосийси – одам ўзини тутишни ўрганиши керак. Бордию мен ўзимни чегаралашни билмаганимда эди, ўзимни ҳам, атрофимдагиларни ҳам адо қилган бўлардим.

Шундан сўнг кишидаги бетоблик ҳолатлари, жисм ва руҳият ўртасидаги ўзаро алоқа хусусида сўзлашдик.

– Руҳиятнинг жисмга қанчалик мадад беришини тасаввур қилиш қийин, – деди Гёте, – мен кўпинча қорин остидаги оғриқдан қийналаман, аммо ирода ва ақл-идрок кучи мени ётишга қўймайди. Руҳ жисм олдида енгилмаслиги керак! Мен атмосферанинг қуйи босимига нисбатан юқори босимида осонроқ ишлайман, шуни билганим туфайли, босим

¹ Нойрейтер Эжен-Наполеон (1806–1882) рассом.

куйи бўлган пайтда куч-қувватимни қаттиқ ишга соламан-да, ноқулай шароитни бартараф қилишга уринаман ва бунинг уддасидан чиқаман.

Поэзияда, аксинча, ўзингни зўрлаб бирор натижага эришолмайсан, ирода кучингни ишга солиб эришолмаган нарсани хайрли онлардан кутишинг зарур. Мана мен ҳозир «Вальпургия кечаси»га дам бердим, у ўз қуввати ва тароватини сақлаб қолсин, дедим. Ишим анча олдинга силжиган, Сиз кетгунингизча тугатиш ниятидаман.

Ундаги баъзи бир кескин лаҳзаларга келсак, мен уларни умумий мазмунга шундай сингдириб юбордимки, китобхон у-бу ишораларни сезса-да, уларнинг аслида нимага тегишли эканлигини пайқамайди. Шундай бўлса ҳам, мен ҳамма нарсани антик давр руҳида баён қилишга, қиёфаларни аниқ чизишга, романтик услубга хос бўлган хира, тарқоқ тасвирдан қочишга ҳаракат қилдим.

— Ҳозирги пайтда ҳаммаёққа тарқалган кўплаб бахсмунозараларга сабаб бўлаётган классик ва романтик поэзия тушунчаси, — сўзида давом этди Гёте, — Шиллер икковимиздан бошланган. Мен поэзияда объективлик тарафдори эдим, фақат шуни тан олардим. Бироқ Шиллер, фақат субъектив методни тўғри деб ҳисобларди, менинг қарашимни рад қилиш учун у содда ва сентиментал поэзия ҳақида мақола ёзди. Бу мақолада у, менинг ўзим сезмаган ҳолда, романтизмга мойиллигимни исбот қилишга уринди ва менинг «Ифигения»да романтик ҳиссиётлилиқ устун туришини, демак, у бир қараганда антик давр руҳидаги классик асар деб тан олинса-да, уни мутлақо бундай асарлар сирасига қўшиб бўлмайди, деб ёзди. Шлегеллар бу ғояни илиб олишди-да, кенг ёйишди. Шу билан мана энди бутун дунёга тарқалиб, дуч келган одам классицизм ва романтизм ҳақида гапирмоқда, бундан эллик йил бурун бу ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.

Мен юқорида эслатилган ўн иккита персонаж ҳақида яна сўз очдим, Гёте айрим фикрларини баён қилди:

— Одам Атони, мен айтганимдек, қип-яланғоч қилиб чизмаслик керак, у менинг хаёлимда гуноҳга ботгандан кейинги ҳолатда гавдаланяпти, унинг устига юпқагина кийик терисини ташлаб қўйса бўлади. Унинг башарият отаси эканлигини кўрсатиш учун ёнига тўнғич ўғли — қайсар, қатъий қиёфаи болани, яъни бир қўли билан илонни бўғаётган қичкина Херкулесни қўйиш лозим.

Нух ҳақида ҳам менда бошқача, янада маъқулроқ фикр турилди, уни хиндларнинг худоси Вакхага ўхшатмаслик керак. Балки, маълум маънода узум етиштириб, инсониятни қайғу ва ташвишлар сиртмоғидан қутказувчи қилиб тасвирланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай гўзал фикрлардан мен хурсанд бўлдим ва уларни ёзиб қўяман, деб ўзимга сўз бердим.

Гёте менга унинг тақа ҳақидаги ривоятига Нойрейтер ишлаган яна бир расмни кўрсатди.

— Рассом, — дедим мен, — Асровчи ёнида бор-йўғи саккизта апостолни чизган.

— Бироқ ўша саккизта ҳам, — сўзимни бўлди Гёте, — унга кўп туюлган, уларни икки гуруҳга ажратиб оқилона йўл тутган, шу билан ҳиссиз чехраларнинг бир хил такрорланишига чек қўйган.

1830 йилнинг 24 март, чоршанба

Гётеникидаги тушлик қизғин гурунг билан кечди. У менга Давиднинг коллекциясида келган бир французча шеър ҳақида ҳикоя қилди, шеър «Le rige de Mirabeau»¹ деб аталади.

— Шеър беҳад мазмундор ва ўткир, — деди Гёте, — Сиз буни ўқиб кўринг. Гўё шоирга Мефистофель қалам тутқазганга ўхшайди. Агар шеърни у «Фауст»ни ўқимай туриб ёзган бўлса, қойил деймиз, агар ўқиган бўлса, яна қойил деймиз.

1830 йилнинг 21 апрели, чоршанба

Бугун Гёте билан хайрлашдим, чунки унинг камергер² ўғли билан Италияга қиладиган сафаримиз эртага тонгга белгиланган эди. Саёҳатга алоқадор кўп нарсаларни муҳокама қилдик, айниқса, у менга, ҳамма нарсани диққат билан кузатишни ва вақти-вақти билан унга ёзиб туришимни тавсия қилди.

Мен Гётени қолдириб кетаётганимдан биров хаяжонда эдим, шундай бўлса-да, унинг бақувват, тетик кўриниши таскин берар, бу менга қайтганимда ҳам уни худди шу ҳолатда кўраман, деган умид бағишларди.

Кетишга чоғланганимда у менга бир альбом совға қилди, унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

¹ «*Мирабонинг кулгиси*» (фр.) — француз шоири Карделье-Деланунинг шеъри. У 1855 йилда, муаллиф вафотидан сўнг босилиб чиккан.

² *Камергер* (нем. *Kammerherr*) — монархияга асосланган Европа давлатларида сарой унвони.

*Мана, у ёнимдан ўтиб кетади,
Мен уни кўрмай қоламан.
Лип этиб ўтади, сезмай ҳам қоламан.*

(Яхё китобидан.)

Саёхатчиларга

Гёте

Ваймар, 1830 йилнинг 21 апрели.

Франкфурт, 1830 йилнинг 24 апрели, шанба

Соат ўн бирларда шаҳар бўйлаб сайр қилдим ва боғлар орқали ўтиб, Таунус тоғига кўтарилдим, бу ердаги табиатнинг гўзаллиги, яшилликка бойлигини кўриб қалбим қувончга тўлди. Икки кун олдин Ваймардаги дарахтлар эндигина куртак ёза бошлаган эди, бу ерда эса, жўка дарахтининг ёш новдалари тўрт бармоқ, каштанларники бир фут баробарида ўсган, қайинларнинг барглари тўқ яшил рангда товланар, эманлар бутунлай шох ёйган эди. Майсалар ҳам баланд ўсган, дарвоза олдида майса тўла офир саватларни кўтарган қизларни учратдим.

Мен Таунус тоғининг поёнсиз манзараларига махлиё бўлганча боғлар бўйлаб бордим, ёқимли шабада эсар, жануби-ғарб томондан шимоли-шарқ томонга силжиётган булутлар тоғларга соя ташлаб турарди. Дарахтлар оша бир неча лайлакларнинг ерга қўнганини ва шу заҳоти кўкка парвоз қилганини кўрдим, қуёш нурлари, аста-секин силжиётган оппоқ булутлар ва ложувард осмон фонида бу ҳайратомуз гўзал манзара гўё ушбу худудга хос жиҳатларнинг интиҳоси эди.

Қайтиб келаётганимда дарвоза олдида жигарранг, оқ, ола терилари ялтиллаб турган ажойиб сигирларга кўзим тушди.

Бу ернинг ҳавоси енгил, ёқимли, сувининг таъми ширинга мойил. Бу ердагидек мазали бифштексларни Ҳамбургдан келганимдан буён емаган эдим, хуштаъм оқ нонлар ҳам менга жуда ёқди.

Франкфуртда хозир ярмарка, кўчада тонгдан қора кечгача тикилинч, ашула янграйди, хуштаклар чуриллайди, ногоралар гумбурлайди. Бир савойялик бола мени қизиқтириб қолди, у шарманкани айлантирганча бир кучукни етаклаб борар, кучук устига маймун миниб олган, бола хуштак чалиб, биз томонга, юқорига қараб қўшиқ айтди-да, унга садақа беришимизни сўраб узок илтижо қилди. Биз унга кутганидан ҳам ортик садақа ташладик, у ишора билан миннатдорчилик билдирса керак, деб ўйлаган эдим. У буни хаёлига ҳам келтирмасдан пулни чўнтагига солди-да, садақа бериши мумкин бўлган бошқа одамларга назарини қаратди.

Бугун эрталаб биз хўжайинимизнинг беҳад ҳашаматли извошида шаҳар айландик. Гўзал, яшил хиёбонлар, улкан бинолар, ёқимли дарё, боғлар ва ораста боғ уйлари кўзни қувонтириб, дилга ором бағишлар эди, кўп ўтмай тушуниб етдимки, теварак-атрофни кўрганда бизда бирор фикр туғилиши — бу инсонга хос руҳиятнинг талаби экан, бусиз охири ҳамма нарса биз учун бефарқ бўлиб, хаёлимиздан ўчиб кетади.

Тушда табллот¹ пайтида бирорта чехрада менинг ёдимда қолиши мумкин бўлган ифодани кўрмадим. Фақат катта официант мени ниҳоятда қизиқтириб қолди, мен биргина уни ва унинг ҳаракатларини кузатиб ўтирдим, ҳақиқатан ҳам бу фаройиб одам эди. Узун столлар атрофида икки юзга яқин хўранда ўтирар, шуларнинг ҳаммасига унинг якка ўзи хизмат кўрсатарди, десам, эҳтимол, ишонмасиз, у овқатларни столга қўяр ва идишларни йиғиштириб олар, бошқа официантлар фақат унга тутқазишар ва қўлидан олишарди. Шу жараёнда бирор нарса тўкилмас, бирор марта хўрандаларга тегиниб кетмас, ҳамма ишлар бамисоли меҳрибон руҳлар бошқараётгандек содир бўларди. Шу тахлит минглаб ликопча ва косалар унинг қўлларидан стол устига учишар ва яна столдан ёрдамчилари орқали унинг қўлларига қайтишарди. Ўз вазифасига тамоман берилган бу одам мутлақо кўз ва қўлга айланган эди, унинг юмук лаблари фақат қисқа жавоблар ва буйруқлар бергандагина хиёл очиларди. У нафақат столларни таъминлар, балки ичимлик ва бошқа нарсаларга буюртмалар ҳам оларди, у бирор нарсани назардан қочирмас, тушлик тугагач, ҳар бир миждоз тўлайдиган пулнинг ҳисобини биларди. Бу йигитнинг ҳушёрлиги, ўзини тутиши ва ўткир хотираси мени ҳайратга солди. Шу билан бирга, у хотиржам, ўзига ишонган, керак бўлганда ҳазиллашишга, бирорта савол берган кишига жўяли жавоб қайтаришга кодир эди, лабидан табассум аримасди. Тушлик охирида бир француз, эски гвардия ротмистри, аёллар эртароқ туриб кетишди, дея ундан шикоят қилган эди, у: «C'est pour vous autres, nous sommes sans passion»², дея кесиб ташлади. Француз тилида ҳам, инглиз тилида ҳам бенуқсон гапирарди, кимдир, у яна учта тилни билади, деб

¹ *Табллот* (фр. *Table d'hôte*) Фарбадаги ошхоналар, ресторанлардаги умумий тушлик столи.

² «*Бунинг учун Сиз ва бошқа эркаклар айбдор, бизга чалғиш мумкин эмас*» (фр.).

мени ишонтирди. Кейинроқ у билан суҳбатлашиб билдимки, у ҳар томонлама билимдон киши экан.

Кечқурун «Дон Жуан»ни томоша қилаётганимизда беихтиёр орзиқиб Ваймарни эсга олдик. Аслида бу ердаги актёрлар истеъдодли, овозлари яхши, фақат шуниси борки, уларнинг ўйинлари, сўзларни талаффуз қилишлари сунъий, гўё уста кўрмагандек, сўзлари тушунарсиз, сахнада ўзларини шундай тутишардики, гўё томошабин йўқдек эди. Айрим персонажларнинг ўйинлари мени шундай фикрга олиб келдики, бирон характерга эга бўлмаган ножўя ҳаракатлар чидаб бўлмас, ёқимсиз нарсага айланади, характерга эгаллик эса, аксинча, уни санъатнинг юқори поғонасига олиб чиқади. Томошабинлар тинмай бақирар, артистларни қайта таклиф қилишар, «бис» деб қичқирарди. Церлина чикқанда ҳам яхши, ҳам ёмон бўлди, томошабинларнинг ярми хуштак, ярми чапак чалар эди, ҳар иккала томон ҳам бир-биридан ўзишга ҳаракат қилар, ҳар гал бу шовқин-сурон билан ниҳоясига етарди.

Милан, 1830 йилнинг 28 майи

Уч ҳафтадан бери бу ердан, энди у-бу мулоҳазаларни қоғозга туширсам бўлади.

«Ла Скала» опера театри, афсуски, ёпиқ экан, биз унинг ичига кирдик, ҳаммаёққа тахталар уйиб ташланган, у ерда таъмир ишлари бормоқда эди. Айтишларича, яна бир ярус ложа қуришармиш. Бу ернинг биринчи кўшиқчилари фурсатдан фойдаланиб, гастролга кетишган экан. Айримлари Венада, бошқалари Парижда эмиш.

Миланга келганимданок кўғирчоқ театрига бордим, кўғирчоқларни бошқараётган актёрларнинг аниқ, ифодали талаффузлари мени қувонтирди. Бу дунёдаги энг яхши кўғирчоқ театри бўлса керак, у машхур, Миланга келган ҳар бир киши унинг шуҳратидан хабардор бўлади.

Канобиана театри беш ярусли ложага эга, «Ла Скала»дан кейинги уч мингта одам сиғадиган энг катта театр. У менга ёқиб қолди, у ерга тез-тез борардим ва айнан битта операни ва айнан битта балетни тинглаб томоша қилардим. Бу ерда уч ҳафтадан бери Россинининг «Граф Ори» операсини ва «Женевалик етим» балетини кўйишмоқда. Сан-Квирико¹ томонидан ёки эҳтимол, унинг раҳбарлигида яратилган декорация-

¹ Сан-Квирико миланлик декоратор.

лар кишида ёқимли таассурот уйғотади, бунинг устига улар оддий ва актёрларнинг костюмлари учун қулай фон яратишади. Айтишларича, Сан-Квирикoning қўл остида кўплаб мохир усталар ишлашаркан, барча буюртмалар аввал унга келар ва у уларни тарқатиб, бажарилишини назорат қиларкан, шу тахлит ҳамма ишлар унинг номи билан бажарилиб, ўзи кам иш қилар экан. Кўплаб қўли гул усталарга, мабодо улар касал бўлишса ёки йил бўйи бирор иш бажаришмаса ҳам йиллик маош тўларкан.

Булардан ташқари, операда суфлёр будкасининг йўқлиги менга маъқул бўлди, бу одатда актёрларнинг оёқларини пана қилиб, кишининг ғашига тегади. Шу билан бирга, дирижёр ўрни ҳам бошқача. У шундай турардики, бутун оркестр унга кўринар, ўнг ва чап томонлардаги мусиқачиларга қўл силкиб, уларни бошқара олар, ўзи ҳам ҳаммага кўриниб турарди, чунки унинг ўрни партерда, чуқурдаги оркестрдан юқорироқда эди, шу боис у оркестр тепаси узра сахнани ҳам бемалол кўра оларди. Ваймарда эса, аксинча, дирижёр шундай турадики, у сахнани бемалол кўра олади, бироқ оркестр унинг орқа тарафида бўлгани учун мусиқачиларга бирор ишора қилмоқчи бўлса, ҳар гал орқасига бурилишга мажбур бўлади.

Бу ердаги оркестр жуда катта, мен ҳар иккала томоннинг охирги қаторида саккизтадан ўн олтига контрабас санадим.

Деярли юз кишидан иборат оркестр аъзоларининг юзлари дирижёрга, елкалари сахнага, сахнанинг олд қисмига яқин жойлашган партер ложаларига қараган, бир кўз билан сахнани, иккинчиси билан партерни, тўғрида эса дирижёрни кўришади.

Эркак ва аёл кўшиқчиларнинг овозларидан улардаги қудрат ва соф жарангдан, ҳеч бир зўракиликсиз авжни олишларидан лол қолдим. Цельтер ёдимга тушди, унинг ёнимда бўлишини истадим. Мени паж¹ партиясини куйлаган синьора Корради-Пантанелли²нинг овози мафтун қилди. Баъзи кишилар билан бу мафтункор кўшиқчи ҳақида сўзлашганимда, улар унинг қишки мавсумга «Ла Скала» театрига таклиф қилинганини айтишди. Графиня Аделе партиясини синьора Албертини куйлади, унинг овозида қуёш нуридек тоза, ёруғ нимадир бор эди. Германиядан келган ҳар қандай меҳмонга у ёқмасдан қолмасди. Бас овозли ёш бир йигит ҳам эса қоларли эди.

¹ Паж — монархияга асосланган Европа мамлакатларида кичик сарой унвони.

² Корради-Пантанелли — италиялик кўшиқчи.

Овози салобатли бўлса-да, гоҳида биров бўшашиб қолар, ўйини ҳам бўшроқ чиқарди, бу унинг тажрибасизлигидан бўлса керак.

Хор оркестрга мос ҳолда ажойиб куйлади.

Актёрларнинг ҳаракатларидаги босиқлик ва хотиржамликни кўриб хайратда қолдим, негаки мен италияликларга хос қизғинликни кўраман, деб ўйлаган эдим.

Грим ҳам худди одатдаги ҳаётда кўзга ёқимли ташланганидек, юзларига салгина қизиллик бахш этган, бўяб ташланган юзларни умуман кўрмадим.

Мени лол қолдирган яна бир нарса — шундай катта оркестр ашулачиларнинг овозларини босиб кетмагани, аксинча, уларга мудом етакчилик қилгани бўлди. Тушки овқат маҳали бу ҳақда ёнимдаги бир одамга сўз очган эдим, у тушунчаси кенг бир ёш йигит экан, шундай деди:

— Немис оркестри худбин, улар оркестр сифатида ўзларини кўз-кўз қилишга, «мен» дейишга ҳаракат қилишади. Италия оркестри эса, камтар, операда энг муҳим нарса қўшиқ эканлигини, оркестр эса унга бор-йўғи етакчилик қилиши лозимлигини тушунади. Шунингдек, италияликнинг фикрича, оркестрдаги бирорта мусиқа асбоби баланд жарангламаслиги, бошқаларга тенг чалиниши лозим. Шунинг учун итальян оркестрида скрипка, кларнет, труба ва контрабас нечоғлик кўп бўлмасин, уларнинг умумий жаранги ҳамиша нозик ва ёқимли бўлиб қолаверади, немис оркестри эса, бундан кўра уч барабар кам бўлса ҳам қулоқни тешадиган даражада шовқин солади.

Бундай ишончли далиллардан кейин бир офиз эътироз билдиролмадим ва мен учун муаммо ечилганидан хурсанд бўлдим.

— Менимча, — дедим мен, — бунда ҳозирги замон композиторларининг ҳам айби бор, афтидан улар опера оркестрига жуда кўп мусиқа асбобларини киритишгандир.

— Тўғри, — деди суҳбатдошим, — ҳозирги бастакорлар Моцарт ва Россини сингари буюк ижодкорлар эмас, хаттога йўл қўйишяпти, бунга шубҳа йўқ. Гоҳида шулар ичидан ҳам қўшиқ оҳангига боғлиқ бўлмаган мотивларни оркестр жўрлигига киритадиганлар топилади, аммо бу шунчалик меъёрида бўладики, ашула оҳанги асосий бўлиб қолаверади. Улар оркестр жўрлигидаги мотивларнинг сезиларли камлигига қарамасдан, оркестрга жуда кўп мусиқа асбобларини киритишадими, бу қўшиқчиларнинг овозларини босиб кетади.

Бу оқил йигитнинг гапларини маъқулламасликдан ўзга иложим қолмади. Бошқа бир қўшнимдан эшитдимки, бу лиф-

ландлик барон узоқ вақт Париж ва Лондонда яшаган, мана беш йилдан бери бу ерда яшаб, илм билан шуғулланаётган экан.

Мен операда пайқаган, кувонч билан пайқаган бир жиҳатни эслатмасдан ўтолмайман. Италияликлар сахнада тунни ҳақиқий қоронғилик тарзида эмас, рамзий акс эттиришади. Немис театрлари сахналаридаги ҳолат менга ёқмасди, тунни акс эттирувчи сахналар тимқоронғи бўлар, актёрларнинг юзидаги ифодани, гоҳида ҳатто уларнинг ўзларини ҳам кўриб бўлмасди. Италияликлар эса буни оқилона ҳал қилишган. Уларнинг сахнасида қоронғиликка ишора қилинади, холос. Саҳнанинг орқа қисми бироз қоронғи қилинади-да, актёрлар саҳнанинг олд томонига яқинроқ келишади, шу билан уларга тўла ёруғлик тушади ва юзларидаги ифода ҳам томошабин назаридан четда қолмайди. Тасвирий санъатда ҳам худди шундай қилинади, тун қоронғулигида одамларнинг юзлари кўринмай қолган бирорта ҳам картина топилмаса керак. Менимча, мохир ижодкорлар шундай чизишади.

Худди шундай оқилона усулдан балетда ҳам фойдаланилганини кўрдим. Сахнада тун акс эттирилган, тун оғушида қароқчи бир қизга ташланади. Саҳна салгина қоронғи, натижада уларнинг барча ҳаракат ва юз ифодалари аниқ кўриниб туради. Қизнинг қичқириғидан қароқчи қочиб кетади, қизнинг қишлоқдошлари машъалалар кўтариб унга ёрдамга югуриб келишади. Машъалалар хира эмас, балки ёрқин рангли аланга билан ёнади, унинг таъсирида саҳна бирданига ёришиб кетади ва маълум бўладики, бундан олдин саҳнада тун эди.

Менга Германияда итальян томошабинларининг шовқин кўтаришлари ҳақида айтилган ҳамма гап тасдиқланди, айниқса, битта опера узоқ вақт кўйилса, шундай бўларкан. Икки ҳафта бурун мен «Граф Ори» операсининг дастлабки намойишларидан бирида бўлгандим. Машҳур эркак ва аёл кўшиқчиларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди, ўртача сахналарда томошабинлар гаплашиб ўтирар, аммо севимли ариялар ижро этилганда зал сув қуйгандек жимиб қолар ва барчанинг бирдек олқишлашидан ижрочилар мамнун бўларди. Хорнинг ижроси ҳар қандай мактовдан юқори, оркестр ва хор овозидаги уйғунликдан ҳайратда қолмай илож йўқ. Энди эса, опера ҳар кеча кўйилавергач, томошабин зерикиб, безътибор бўлиб ўзаро гаплашишар, зал ари уясидек ғувиллаб, ахён-ахёнда чапак товуши эшитиларди. Ҳайрон қоласан киши, шундай ҳолатда саҳнадаги кўшиқчилар оғизларини қандай очишаркану, оркестрдагилар қандай қилиб мусиқа асбобларига қўл тек-

кизишаркин. Олдинги интилиш, илҳомдан асар ҳам қолмаган, бу ерга келган бирорта чет эллик меҳмон маза қилиб опера тинглайман, деса, гарчи теварак-атрофида қувноқ одамлар бўлса-да, хафсаласи пир бўлиши аниқ.

*Милан, 1830 йилнинг 30 майи,
троица¹нинг биринчи кун*

Италияда дилимни равшан қилган ёки менда кизиқиш уйғотган баъзи нарсаларни қорозга туширмоқчиман.

Тепада, Симплонда, қор ва туман қоплаган кимсасиз ердаги пана жой яқинида извошимизга томон синглисини эргаштириб бир бола чиқиб келди. Иккови ҳам елкаларига ўтин солинган сават осиб олган, улар ўтинни пастдаги унча-мунча ўсимлик ўсадиган ердан теришган. Бола бизга бир неча бўлак тоғ маъданлари ва қандайдир тошларни узатди, биз унга учтўрт чақа пул бердик. У извошимиз ёнидан ўтиб кетаётиб юзида қувонч порлаб яшириқча пулга қараб олгани бир умрга хотирамда муҳрланиб қолди. Бундай илохий қувонч ифодасини кўриш насиб қилмаган эди. Шунда ўйладимки, Тангри инсон қалбига бахтнинг ҳар қандай манбалари ва хилларини жо қиларкан-у, бахт одамнинг қаерда ва қандай яшаётганига боғлиқ эмас экан.

Ёзишда давом этмоқчи эдим, бироқ менга нимадир халақит берар ва Италияда бўлган кейинги кунлар давомида бирор лаҳза йўқ эдики, янги-янги таассуротлар ва кузатувларга бой бўлмасин, шу билан ёзишга фурсат ҳам бўлмасди. Фақат ўғил Гёте билан хайрлашиб, Альп тоғларини ортда қолдирганимдан сўнггина Гётега қуйидаги мактубни жўнатдим.

«Женева, 1830 йилнинг 12 сентябри, якшанба

Бу гал мен Сизга шунчалик кўп гапларни ёзмоқчиманки, нимадан бошлаб, нимада тугатишни билмайман.

Ҳазрати олийлари, кўпинча ҳазилга, агар ортидан қайтиш бўлмасайди, кетиш яхши бўлган бўларди, дердингиз. Мен ҳозир бу сўзларнинг ҳаққонийлигини дард билан ҳис этяпман, чунки ора йўлда турибман, десам ҳам бўлади, қайси йўлни танлашни билмаяпман.

Менинг Италияга ташрифим, гарчи у қиска муддатлик бўлса-да, жуда фойдали бўлди. Бу ердаги бой табиат ўз

¹ *Троица* – насроний динида ота худо, ўғил худо ва муқаддас рух, яъни учликдан иборат ягона худога бағишлаб ўтказиладиган байрам.

гўзалликлари тилида мен билан сўзлашиб, бу тилни тушуниш учун етарли салоҳиятга эгамисан, деб сўради. Инсонларнинг улкан ижод намуналари, уларнинг улкан фаолиятлари мени хаяжонга солди ва кўлларимга разм солиб: сен ҳам бирор нарса яратишга қодирмисан? деб сўрашга ундади. Минглаб турфа хил одамлар менга дуч келишиб: сен ҳаётда нима билан бандсан? деб сўрашди. Шундай қилиб, мен учта муҳим талабни ўз олдимга қўйдим: ўз билимимни ошириш, ҳаёт тарзимни яхшилаш, бу иккови амалга ошиши учун аниқ бир ишни рўёбга чиқариш.

Охирги талабга келадиган бўлсак, қандай иш қилишим муаммо эмас. Узоқ вақтдан бери бир асарни қалбимда алла-лаб келардим ва бўш вақтларимда у билан шуғулланардим, асар аллақачон ниҳоясига етган, қуриб тугалланган, йўлга чиқиши учун фақат елкану пўлат арқон етишмаётган кемага ўхшаб турипти.

Мен илм ва санъатнинг турли соҳаларига алоқадор улф ҳикматларни ўзида жамлаган мулоқотларни, инсониятга хос бўлган олий қизиқишлар, олий онг томонидан яратилган асарлар, машҳур замондошларимиз ҳақидаги мулоҳазалар, хуллас, мен Сизнинг ёнингизда бўлишдек бахтга мушарраф бўлган олти йил давомида ҳамиша сабаб ва имкон топилган ўша гурунглари кўзда тутаяпман. Бу гурунглари мен учун чексиз-чегарасиз маданиятга эришувимда асос бўлди, мен уларни тинглаш ва англашдан қай даражада бахтли бўлган бўлсам, бундай бахтни бошқаларга ҳам илинишни истадим ва шу мақсадда уларни энг яхши инсонлар учун ёзиб бордим.

Жаноби олийлари, бу ёзувларнинг айримларини кўриб, уларни маъқуллаган ва бу ишни давом эттиришга мени ундаган эдингиз. Ваймардаги нотинч ҳаётим бунга имкон берган пайтда уни давом эттирдим, шу тахлит қарасам, икки қисм учун анчагина материал тўпланиб қолипти.

Италияга жўнаб кетиш олдидан мен бу қимматли қўлёзмаларни бошқа буюмларим ва ёзувларим билан бирга жомадонимга солмай, уларни алоҳида пакетга маҳкамлаб, дўстимиз Сорэга топширдим ва мабодо йўлда мен бирор фалокатга йўлиқиб қолсаму қайтиб келолмасам, уларни Сизнинг кўлингизга топширишини илтимос қилдим.

Венецияга бориб иккинчи марта Миланга қайтиб келгач, мен безгакка йўлиқиб, бир неча кун ёмон ахволда ётдим, бир ҳафта давомида ҳеч нарса емай, ҳолсизланиб ётиб қолдим. Ана шу танҳоликда қолган мушкул дамларимда мен фақат ва фақат ўша қўлёзмалар ҳақида ўйладим, ўшандай чала,

қайта ишланмаган ҳолатда улар ҳеч нимага ярамайди, дея ташвишландим. Оддий қалам билан ёзилган, ноаниқ, талаб даражасида ўз ифодасини топмаган, айрим ўринлари бор-йўғи чизгилардан иборат бўлган, бир сўз билан айтганда, муфассал таҳрир қилинмаган, қўлдан ўтмаган ёзувларим кўз олдимдан бирдек ўтаверди.

Шундай аҳволда ва хавотирлар исканжасида ўртанарканман, менда қўлёмаларим билан тезроқ шуғулланиш истаги туғилдики, Неаполь ҳамда Римни кўриш қувончи мени тарк этди ва борлиғимни зудлик билан Германияга қайтиш ҳамда барча ишларни йиғиштириб қўйиб, фақат ўша ёзувларни ниҳоясига етказишни ўйлаб қолдим.

Ичимда кечган ўйларимни сездирмасдан жаноб фон Гёте билан саломатлигим ҳақида гаплашдим, у шундай иссиқда мени етаклаб юришнинг нечоғлик хавфли эканлигини тушунди ва ҳозирча Генуяга бораман, агар аҳволим яхшиланмаса, Германияга қайтиб кетавераман, деган қарорга келдик.

Биз Генуяда бир неча кун тўхтаган кунларимизда Сиздан мактуб келди, Сиз узокдан туриб менинг аҳволимни сезгандек, мабодо мен ортга қайтишни истаб қолсам, бундан хурсанд бўлишингизни ёзган эдингиз.

Сизнинг сезгирлигингизга қойил қолдик ва Альпнинг нариги томонида туриб биз қабул қилган қарорни маъқуллаганингиздан хурсанд бўлдик. Мен дарҳол жўнаб кетмоқчи эдим, бироқ жаноб фон Гёте бироз сабр қилишимни ва у билан бир кунда жўнаб кетишимни илтимос қилди.

Унинг истагини жон деб қабул қилдим ва 25 июль якшанба куни, эрталаб соат тўртда Генуя кўчасида кучоклашиб хайрлашдик. Иккита извош тайёр турарди, биттаси денгиз соҳили бўйлаб Лаворнога кетиши керак эди, унга жаноб фон Гёте чиқди, тоғ оша Турин томонга жўнашга ҳозирланиб турган иккинчисига, бир неча пассажирлар қаторига, мен чиқдим. Шундай қилиб, биз ажралишдик ва ҳаяжон ичида бир-биримизга чин кўнгилдан яхшиликлар тилаган ҳолда икки томонга қараб йўл олдик.

Нови, Александрия ва Асти орқали уч кун иссиқда ва чангда йўл босганимиздан сўнг, ниҳоят, Туринга етиб келдим, у ерда бир неча кун тўхтаб, бироз дам олишим, у ёқ-бу ёқни кўриб, Альпдан ошиб ўтиш учун қулай имконият бўлишини кутишим керак эди. Бундай имконият иккинчи август, душанба куни бўлди, биз олтинчи август куни кечқурун Монсени орқали Шамберига етиб келдик. Еттинчи август куни тушдан кейин Эйксга кетиш имкони топилди ва саккизинчи август

куни ёмғирли қоронғи кечада Женевага етиб келдим, у ердаги «Тож» меҳмонхонасидан қўним топдим.

Меҳмонхона Париждан қочиб келган инглизлар¹ билан лик тўла эди, улар Париждаги фавқулодда ҳодисаларнинг гувоҳлари бўлиб, бири қўйиб иккинчиси ўша ҳақда гапиришарди. Дунёни титратган ўша воқеалар тўғрисидаги хабарлар менда қандай таассурот қолдирганини тасаввур қилсангиз керак, мен Пьемонтда ман қилинган газеталарни қизиқиш билан ўқидим, Франциядан ҳар куни бу ерга келаётган янги-янги қочоқларнинг ҳикояларини, шунингдек, тушки овқат маҳали сиёсат ихлосмандларининг воқеаларга турлича баҳо беришларини, баҳсларни ютоқиб тинглардим. Ҳамма қаттиқ ҳаяжонда эди, одамлар бундай катта тўнтаришнинг Европадаги бошқа ҳудудларга кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини олдиндан кўришга интилишарди. Мен дўстим Сильвестра²ни, Сорэнинг ота-онаси ва акасини бориб кўрдим, ҳаяжонга тўлиб-тошган бундай кунларда ҳар бир киши ўз фикрига эга бўлиши лозим экан, мен ҳам ўзим учун бир фикрга келдим: француз вазирлари бундай ҳолат учун жазо олишлари зарур, негаки улар қиролни шу ҳаракатга бошлашди ва халқнинг монархия тузумига бўлган ҳурмат ва ишончини йўққа чиқаришди.

Мен Женевага келибоқ Сизга муфассал мактуб жўнатмоқчи эдим, бироқ дастлабки кунлардаги ҳаяжон ва парокандалик шу даражада эдики, фикримни бир жойга тўплаб, Сизга ўзим хоҳлагандек ёзиш учун имкон тополмадим. Шундан сўнг 15 август куни Генуядаги дўстимиз Штерлинг³дан қалбимни туб-тубигача ларзага солган бир нома келдики, Ваймарга мактуб ёзиш истаги ҳам сўниб қолди. Унинг ёзишича, жаноб фон Гёте мен билан хайрлашган куни извоши ағдарилиб кетиб, бўкса суяги синган ва ҳозир Специяда ётган эмиш. Мен шу заҳотиёқ жавоб хати жўнатиб, ҳозирок Альпдан қайта ошиб ўтишга тайёрлигимни, Генуядан бирон-бир хотиржам қилувчи хабар келмагунича йўлимни Германия томон давом эттириш ниятим йўқлигини баён қилдим. Шундай хабарни кутиб, бир хонани ижарага олиб жойлашдим ва кутиш кунларим

¹ Парижда кўтарилган, қирол Луи-Филипп ҳокимиятини таназзулга учратган июль инкилоби тўс-тўполонларидан қочиб келган одамлар.

² *Сильвестра Эсперанс (1853 йилда вафот этган)* — Заксен-Ваймар саройида маликалар Мария ва Августанинг тарбиячиси бўлган. Эккерманнинг женевалик дўсти.

³ *Штерлинг Чарльз Жеймс (1804–1880)* — Генуядаги Англия консулининг ўғли.

бекор ўтмасин деб француз тилидан билимимни оширишни бошладим.

Ниҳоят, 28 август куни мен учун кўшалок байрам бўлди, шу куни Штерлингдан мени қувонтирадиган мазмундаги мактуб келди, унда айтилишича, ўғлингиз жаноб фон Гёте фалокат асоратларидан тез кунда қутулиб, бутунлай соғайиб, ҳозирги пайтда Ливорнода экан. Шундай қилиб, барча хавотирларим бирданига бартараф бўлиб, ичимда мана бу сўзларни такрорладим:

*Яратган сени қийнаса ҳам шукур қил,
У сени қайта ярлақаса ҳам шукур қил.*

Мана энди Сизга ўзим ҳақимда хабар беришга қарор қилдим, Сизга деярли олдинги саҳифаларда ёзган гапларимни айтмоқчи эдим, агар мен учун беҳад қадрли бўлган ўша кўлөзмамни Ваймардан узоқда, бирор жимжит гўшада ниҳоясига етказишни истасам, Сиз бунга эътироз билдирмайсизми, деб сўрамоқчи эдим, негаки кўпдан орзу қилган асарим оққа кўчирилиб китоб ҳолига келтирилган, босиб чиқариш учун Сизнинг рухсатингизгина қолган ҳолатда кўлингизга топширмагунимча менда на хотиржамлик, на қувонч бўлади.

Энди мен Ваймардан хатлар оляпман, ёзишларига қараганда менинг у ерга тезроқ қайтишимни кутишаётганмиш ва мен учун янги вазифа ҳозирлаш ниятида эмишлар. Бундай меҳрибонлик учун фақат миннатдорчилик билдиришим керак, аммо бу менинг режаларимга тўсиқ бўлади ва мени иккиланишга мажбур қилади.

Бордию мен ҳозир Ваймарга қайтсам, кўзда тутган адабий режаларимни тезроқ поёнига етказиш ҳақида ўйлаб ҳам бўлмасди. У ерда мен яна ўша пала-партиш ҳолатга тушиб қолардим, бир-бирини беш кўлдек биладиган кичкина шаҳарда турфа хил майда-чуйда, мен учун ҳам, бошқалар учун ҳам бефойда ҳолатлар кишини ўз домига тортиб кетади.

Бироқ, бу шаҳарда менга қадрли бўлган нарсалар ҳам кўп, мен уларни кўпдан бери севаман ва умримнинг охиригача шундай бўлиб қолади, лекин ҳозир у ерга қайтишни ўйласам, унинг дарвозалари олдида оловли қилич ушлаб турган фаришта кўзимга кўринади-да, йўлимни тўсиб, у ердан ҳайдай бошлайди.

Эсимни танибманки, ғалати феъл-атворли одамман. Кўп масалаларда қатъий ва енгилмасман, йиллар давомида кўзлаган мақсадим сари интилиб келдим, йўлимда учраган минглаб

тўсиқ ва қийинчиликларга қасдма-қасд тиришиб олға интилдим, лекин кундалик ҳаётнинг айрим лаҳзаларида мендек эркисиз, иккиланувчан, турли таъсирларга берилувчан одам топилмаса керак, ана шу икки хислат менинг ўзгарувчан ҳамда қатъий қисматимни белгилади. Босиб ўтган ҳаёт йўлимга назар ташлар эканман, унинг хилма-хил воқеалар ва вазиятларга тўла эканлигини кўраман, диққат билан назар ташлаб, яна шунга амин бўламанки, бутун ҳаёт йўлим давомида аниқ бир ўзгармас чизиқнинг ўтганини, яъни мудом юқорига интилишга, натижада зинама-зина яхшироқ, салоҳиятлироқ бўлиб боришга муваффақ бўлибман.

Айни мана шу турли таъсирларга берилувчанлигим ва тиришқоқлигим бир бўлиб, мени гоҳида ўз ҳаёт тарзимни тuzатиб боришга мажбур қилади. Турли томондан эсанг шамоллар таъсирида йўлидан чиқиб кетган кема ҳам худди менга ўхшаб ўз тўғри йўналишини ахтаради.

Шунча вақтдан бери пайсалга солиб келинган адабий мақсадларим турганда бирор вазифани эгаллаш ҳақида ўйлаш тўғри келмаса керак. Энди ёш инглизларга дарс бериш ниятим ҳам йўқ. Мен уларнинг тилини ўргандим, ўзимга керак бўлган нарсага эришдим, менга шу етарли. Ёш хорижликлар билан узок вақт алоқада бўлишдан олган фойдамни инкор қилмайман, бироқ ҳар бир нарсанинг ўз вақти, ўз ўрни бўлади.

Оғзаки нутққа, ёзувга ўргатиш менинг ишим эмас. Бунга менда на қобилият, на кўникма бор. Менда сўзамоллик салоҳияти ҳам йўқ, чунки мен оғзаки мулоқот пайтида суҳбатдошимнинг таъсирига шу қадар тушиб қоламанки, ўзимни унутган ҳолда унинг қизиқишлари, қарашлари оламига кириб кетганча бутунлай унинг қармоғига илинаман, камдан-кам ҳолларда эркин фикр юритиб, ўз қарашларимни ҳимоя қилишга муваффақ бўламан.

Аксинча, олдимда қовоз бўлса ўзимни эркин ҳис қилиб, ўз-ўзимга хўжайинлик қила оламан. Фикрларимни ёзма ифода қилаш менинг ҳақиқий қизиқишим, ҳақиқий ҳаётим, чексиз қувонч билан ҳар куни бир неча саҳифа ёзмасам, ўша кунни йўқолган деб ҳисоблайман.

Ҳозир ўзимча каттароқ доирадаги ишни қилишга, адабиётда ўз ўрнимни топишга бутун борлигим билан интилаяпманки, бу келгусидаги бахтимга, ўз номимга эга бўлишимда асос бўлган бўларди.

Аслида адабиётдаги шон-шухрат унга сарфланган меҳнатга арзимайди, аксинча, у, кўпинча гувоҳ бўлганимдек, сенга оғир юк ва йўлингга тўсиқ ҳам бўлиши мумкин, у шу жиҳатдан

сенга кўл келадики, лоақал, бу жабҳада қилган меҳнатларинг зое кетмадику, деган ишончни ҳам дилингга солади. Бундан ортиқ илоҳий туйғу йўк, у сени руҳан кўкларга кўтаради, сенга шундай фикр ва қудрат ато қиладики, бошқа пайтда бунақаси бўлмаслиги мумкин эди.

Агар одам узок вақт тор доирада қолиб кетса, унинг ақли ва характери ҳам майдалашиб кетади, натижада у улуг ишлар қилишга қодир бўлмай, юқорига кўтарила олмай қолади.

Мабодо Улуғ ҳерцогиня ростдан ҳам мен учун нимадир қилмоқчи бўлса, шундай олийзот хонимга менга кўмак беришнинг бошқа йўллари топиш қийин бўлмаса керак. Агар у менинг адабиётдаги дастлабки қадамларимни қўллаб-қувватлашни ва мадад кўрсатишни истаса, бу ҳақиқий хайрли иш бўларди ҳамда унинг самараси изсиз кетмасди.

Шаҳзодага келсак, у менинг ҳаётимда ўзига хос ўринга эга. Унинг ақли ва характери катта умидлар боғлаган ҳолда ўзимнинг камтарона билимларимни унинг ихтиёрига бахшида этаман. Мен ҳамиша ўз билимимни ошириб бораман, у эса, борган сари ўсиб, мен унга бера олган энг яхши билимларни қабул қилиши осонлашиб боради.

Бироқ, авваламбор, мен бу ерда бир неча бор тилга олинган кўлэзмамни тезроқ тўлиқ ишлаб чиқишим керак, бу жуда муҳим. Истагим: бир неча ой ёлғиз қолсам-да, Гёттинген яқинида, маҳбубам ва унинг қариндошлари ёнида, жимжит гўшада ўзимни шу ишга бағишласам, эски юклардан халос бўлиб, ўзимни янгисига етарлича тайёрласам ва уни ўз елкамга олсам. Кейинги йилларда ҳаётим маълум маънода бир жойда тўхтаб қолгандек, мен унинг янги бир йўналишга тушишини хоҳлардим. Бунинг устига саломатлигим ҳам яхши эмас, узок яшашимга кўзим етмайди, ортимда бирорта муносиб нарса қолдирсам дейман, токи одамлар мени маълум муддатга бўлса-да, эслаб юришсин.

Аммо Сизсиз, Сизнинг розилингиз ва оқ фотиҳангизсиз бирон иш қилишга қодир эмасман. Менга нисбатан Сизнинг бундан кейинги истакларингиз маълум эмас, бундан ташқари, саройдагиларнинг ҳам мен ҳақимдаги ҳеч бўлмаса яхши фикрларини билмайман. Ўзимнинг ҳозирги ҳолатимни Сизга очиқ-ойдин ёздим, энди ҳамма нарса Сизга маълум бўлгач, менинг тезроқ қайтиб боришим учун муҳим асосларингиз бўлса, бемалол айтарсиз ёки мен хотиржам ўз режамни амалга оширишга киришавераман.

Бир неча кундан сўнг, ҳамроҳлар топганим заҳоти, Нойфшатель, Колмар ва Штрасбург орқали йўлларни томоша қила-

қила Франкфуртга жўнайман. Франкфуртда Сиздан бир неча сатр мактуб олсам, жуда бахтли бўлардим, мактубни «йўқлаб олинадиган» қилиб жўнатсангиз.

Менинг бу узундан-узун иқрорномам поёнига етганидан мамнунман, ишонаманки, жаноби олийларига ёзадиган кейинги мактубим анча енгил бўлади.

Сиздан илтимос, сарой маслаҳатчиси Мейерга, бош меъмор Кудрэга, профессор Римерга, канцлер фон Мюллерга ва ўзингизга яқин, мени эсдан чиқармаган бошқа одамларга мендан қизгин салом айтинг.

Сизни эса қаттиқ кучаман ва қаерда бўлмайин, ҳамиша Сизни севиб, эъзозловчи Сизнинг

Э».

«Женева, 1830 йилнинг 14 сентябри

Менга Женевадалигимда ёзган охириги хатингизда «Классик Вальпургия кечаси»нинг барча камчиликларини тўғрилаб, охирига етказганингизни ёзибсиз, бундан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Демак, дастлабки уч кўриниш тайёр, «Хелена» билан мазмунан боғланган, шу билан энг қийин иш ортда қолган. Менга айтганингиздек, охири тайёр, ишонаманки, тўртинчи кўринишни ҳам поёнига етказасиз, бундан чиқадики, келгуси асрларда ҳам кишиларга маънавий озиқ бўладиган буюк асар ёзиб тугалланди. Бундан жуда хурсандман ва поэтик қудратнинг ҳар қандай ютуғи ҳақидаги хабарни чапак чалиб кутиб оламан.

Саёҳатим давомида «Фауст» ва унинг гўзал сатрларини айрим кўрган-кечирганларим муносабати билан ёдга олдим.

Италияда кўплаб ёқимтой одамлар ва болалар дуч келишиб, қувноқ чехралари билан мени хайратга солишганда, дарҳол мана бу сатрларни эсладим:

*Ёноқларда қизиллик ўйнар,
Барча хандон, барча шодумон.
Шодлик бунда насабий ҳунар,
Бунда элнинг умри жовидон.*

*Оқил, фозил, соғлом ва дурқун,
Ўғлонлари топар камолот.
Билмаганлар сўраши мумкин:
Булар инсонми ё тангризот?'*

(Эркин ВОҲИДОВ таржимаси.)

¹ Қаранг: Гёте, «Фауст», 2-қисм. — Т.: Фафур Фулом номидаги АСН, 1974. — 262-бет.

Табиат гўзалликлари мени ларзага солиб, кўллар, тоғлар ва водийлар назарим ва қалбимга ҳузур бағишлаганда қандайдир кўзга кўринмас шайтон қулоғимга мана бу сатрларни шивирлайди:

*Охир-оқибатда қилмишларингнинг,
Огоҳ бўл, муқаррар сарҳисоби бор.*

Шундан сўнг мен оқилона мушоҳададан мосуво бўлдим, бемаъни бир ҳолат юзага келди, ичимда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетгандек туюлди ва фақат хахолаб кулишдан ўзга иложим қолмади.

Шундай вазиятларда сездимки, шоир ҳамиша ҳаққоний бўлмоғи керак экан. Одам ўзи ифодалаш кўлидан келмаган фикрларни шоирдан қидиради. У бирор воқеа-ҳодиса ёки туйғуларини баён қилиш учун сўз қидиради, ўзидаги сўз бойлиги бунинг учун камлик қилади ва шунда шоир унга кўмакка келади, унинг истакларига йўл очиб беради.

Шундай ҳис-туйғу билан мен олдинги шеърини сатрларни тинмай такрорлаб юрдим, кейинги сатрларни эса, ичимда кула-кула лаънатладим. Улар аталган жойни топиш учун қайғуришнинг кераги йўқ, улар ўз жойларини ўзлари топади ва ҳиссиётларимизга таъсир этади.

Мен Италияда махсус кундалик тутмадим, таассуротлар беҳад улкан, беҳад кўп ва бир-бирлари билан алма-шиниб турардики, мен уларни ўша захотиёқ ўзлаштириб, қоғозга муҳрлашга қодир эмас эдим. Кўзларим ва қулоқларим доимо хушёр эди ва мен кўп нарсаларни ўзим учун хотирамда сақладим. Ана шу хотираларни энди гуруҳларга ажратиб, алоҳида рукнлар остида қоғозга тушираман. Энг яхши кузатишларим «Ранглар ҳақидаги таълимот»га тегишли, ўшалар ҳақида Сизга ёзмоқчи эканлигимдан хурсандман. Аслида улар ҳақида ҳеч қандай янги гап йўқ, аммо, эски қонунни тасдиқловчи ҳолатларни янгидан кашф қилиш кишига ҳамиша ёқади.

Генуяда «Ранглар ҳақидаги таълимот»га Штерлинг катта қизиқиш билдирди. Ньютон назарияси бўйича маълумотлар уни қониқтирмаган, шунинг учун мулоқотларимиз чоғида кучим етганича қайта-қайта Сизнинг назариянгизнинг асосий тамойилларини унга тушунтирганимда, у мени мароқ билан тинглади. Мабодо имконият бўлиб, асарингиздан бир нусхани Генуяга жўната олсангиз эди, бу унга энг қимматли тортиқ бўларди.

Бу ерда, Женевада уч хафта давомида мен дўстим Сильвестра мисолида энг қизиқувчан ўқувчини топдим. Шунда бир нарсани пайқадим: оддий нарсани ўзлаштириш ўйлаганимиздан кўра қийинроқ экан, воқеа-ҳодисаларнинг турфа хил кўринишларидаги асосий қонунни излаб топиш анчагина ҳаракат ва кўникмани талаб қилар экан. Шундай бўлса-да, бу бизнинг ақлимизни пешлайди, негаки, табиат жуда нозик аёлга ўхшайди, шуни ҳисобга олиб, ўйламасдан бирор ортиқча сўз айтиб юбориб, унга қаттиқ тегиб кетишдан ўзимизни тийишимиз керак.

Афсуски, Женевада шундай муҳим муаммога тарикча қизиқишни кўрмайсан, киши. Бу ердаги кутубхонада Сизнинг «Ранглар ҳақидаги таълимот» ингизнинг йўқлигини айтмаса ҳам бўлади, ҳатто дунёда шундай асар мавжудлигини ҳам билишмайди. Бунда женеваликлардан кўра немисларнинг ўзлари айбдор, барибир бу менинг жаҳлимни чиқаради ва уларга бошлаб танбеҳ бергим келади.

Маълумки, лорд Байрон бир муддат бу ерда яшаган ва ундаги давраларни ёқтирмай куну тунларни кўпроқ табиат кўйнида, кўл бўйида ўтказган, одамлар бу ҳақда ҳамон гапиришади ва унинг «Чайльд Ҳарольд»¹ асарида буларга бағишланган гўзал сатрлар қолди. У Рона дарёсининг рангига ҳам эътибор қаратган, гарчи у бу рангнинг сабабини билмасда, ўз кузатувчанлигини намоён қилган. У учинчи кўшиққа ёзган изоҳида шундай сўзларни келтиради:

«The color of the Rhone at Geneva is blue to a depth of tint which I have never seen equalled in water, salt or fresh, except in the Mediteranean and Archipelago»².

Женевани кесиб ўтиш учун тўлиб-тошиб келаётган Рона сувлари икки қанотга ажралиб кетади, уларнинг устига қурилган тўртта кўприк бўйлаб у ёқдан-бу ёққа ўтганда сувнинг ранги аниқ кўринади.

Шуниси қизиқки, бир қанотнинг суви, худди Байрон пайқаганидек, кўм-кўк, иккинчи қанотники яшил. Суви кўк туюладиган қанот тез оқади, туби шунчалик чуқурки, у ерга нур етиб бормади, тубида тимқоронғилик ҳукм суради. Типтиник сув хира муҳитни яратади ва шу тариқа бизга маълум қонунлар асосида чиройли кўклик вужудга келади. Иккинчи

¹ «Чайльд Ҳарольд» — Байроннинг достони, 1812 йилда ёзилган.

² «Женевадаги Рона дарёси сувининг ранги кўм-кўк, Эгей ва Ўрта Ер денгизидан бошқа ҳеч қаерда, на чучук, на шўр сувларда бундай тўк кўк ранги кўрмаганман» (ингл.).

қанот унчалик чуқур эмас, нур унинг тубига етиб боргани учун хатто тошлар ҳам кўриниб туради, сувнинг кўк бўлиши учун унинг туби етарли даражада чуқур эмас, бу қанотнинг туби текис эмас, ери ифлос, сувнинг сарик ранг касб этиши учун етарли даражада оқ ва ялтироқ ҳам эмас, шу сабабли, сувнинг ранги оралиқ жилога эга бўлиб, яшил рангда кўзга ташланади.

Мен Байронга ўхшаб шўх бўлганимда ва имкониятим етарли бўлганда эди, мана бундай тажрибани амалга оширган бўлардим: Ронанинг яшил қанотига, кўприкнинг ҳар куни минглаб одамлар ўтиб-қайтиб турадиган томонига катта қора тахтани ёки шунга ўхшаган бирор буюмни шундай чуқур ўрнаттирардимки, ўшанда соф кўклик ҳосил бўлган бўларди, шундан сал нарироққа, сув остига унинг юзасига яқин қилиб оқ ялтироқ тунука ўрнатардим, қуёш нури тушиб, у сарик рангни ҳосил қиларди. Одамлар яшил сувда ҳам кўк, ҳам сарик рангни кўриб, бу кўзни ўйнатувчи жумбоқнинг тагига етолмай қолишарди. Саёҳат чоғида нималарни ўйлаб топмайсан киши, бироқ бу яхши ҳазил маълум маънога эга ва фойдадан холи бўлмаса керак.

Яқинда мен китоб дўконига кирган эдим, у ерда бир китобчани кўлимга олиб варақладим, битта жойи диққатимни тортди, менинг таржимамда ўқинг:

«Энди менга айтингчи: агар одам бирор ҳақиқатни кашф қилса, уни ҳаммага эълон қилиши керакми? Агар уни эълон қилсангиз, шу пайтгача бунга тескари одамлар сизни таъқиб қилишиб, айна шу хато фикр ҳақиқат эди, уни рад қилишга интилган ҳар қандай фикрнинг ўзи хатодир, деб сизни ишонтира бошлашади».

Китобнинг шу жойи менга Сизнинг «Ранглар ҳақидаги таълимот»ингизга мутахассисларнинг муносабатига ўхшаб ёзилгандек туюлди, шунинг учун менга ёқиб қолди ва китобни сотиб олдим. Унда Бернарден де Сен-Пьер'нинг «Павел ва Виржиния», «Ҳинд кулбаси» асарлари бор экан, демак, бу харидимдан афсус қилмасам бўлади. Китобни маза қилиб ўқидим, муаллиф туйғуларининг соф ва улурсифатлигидан дилим яйради, унинг маълум ташбеҳларни моҳирона кўллашдаги ўзига хос истеъдодини алоҳида таъкидлагим келади.

Руссо ва Монтескье² билан мен илк бор шу ерда танишдим, мактубим китоб даражасига етмасин учун бу ва

¹ *Бернарден де Сен-Пьер (1737–1814)* – француз ёзувчиси. «Павел ва Виржиния» (роман-идиллия), «Ҳинд кулбаси» (қисса) унинг асарлари.

² *Монтескье Шарль-Луи де (1689–1755)* – француз маърифатпарвари.

бошқа воқеалар ҳақида Сизга айтмоқчи бўлган гапларимни бошқа кунга қолдираман.

Ўтган куни Сизга ёзган узундан-узун мактубимдан кейин ўзимни елкамдан тоғ қулагандек енгил ҳис этяпман, кўп йиллардан бери менда бундай ҳолат бўлмаган эди, тинмай ёзавергим, гапиравергим келади. Мен ҳақиқатан ҳам қисқа муддатга бўлса-да, Ваймардан узоқда яшашим кераклигини англаяпман, ишонаманки, буни маъқуллайсиз ва Сиз менинг тўғри қарорга келганимни тан оладиган пайтни ҳозирдан кўряпман.

Бу ердаги театр эртага «Севилья сартароши» спектакли билан очилапти, буни ҳам кўриб, кейин бутунлай жўнаб кетмоқчиман. Ҳаво ҳам очик бўлиб, менинг жўнашимга раҳнамолик қилмоқда. Сизнинг туғилган кунингиздан буён бу ерда ёмғир тинмади, ўша куни эрталабданоқ момақалдирок бошланиб, Лион томондан келиб, Рона тепаси бўйлаб кўл томонга, ундан Лозаннага қараб эртадан-кечгача гулдур-гулдур тинмади. Мен кунига ўн олти су тўлаб битта хонада ётибман, деразасидан кўл ва тоғларнинг гўзал манзараси кўриниб туради. Кеча пастда ёмғир ёғиб, совуқ бўлди. Юра тоғининг энг баланд чўққилари, жала тўхтагандан кейин биринчи марта оппоқ қор билан қопланганини кўрдик, бугун яна эриб кетди. Монбланнинг тоғолди худудлари доимий оқ парда билан қопланган, кўлнинг баланд соҳилларида, яшил бутазорлардаги айрим дарахтлар аллақачон қорайиб, сарғайиб қолган, кечалари ҳаво совуяпти, қисқаси, куз эшик қоқаяпти.

Фон Гёте хонимга, фройлайн Ульрикага, Вальтерга, Вольфга, Алмага менинг самимий саломимни етказинг. Фон Гёте хонимга Штерлинг ҳақида ёзадиган гапларим кўп, эртага шу иш билан шуғулланаман.

Сиз жаноби олийларидан Франкфуртда мактуб олсам, беҳад хурсанд бўлардим, шу умид билан бахтлиман.

Энг эзгу истаклар билан Сизга садоқатли

Э».

* * *

Йигирма биринчи сентябрда Женевадан жўнаб кетдим, Бернда бир неча кун тўхтаб, йигирма еттинчида Страсбургга етиб келдим, бу ерда ҳам уч-тўрт кун турдим.

Бундаги бир сартарошхона ёнидан ўтаётиб, дераза олдида турган Наполеон бюстини кўриб қолдим, кўча томондан қараганда қоронғи хона фониди у менга оқиш кўкдан тортиб тўқ бинафшаранггача барча жилоларни ўзига сингдирган кўк тусда кўринди. Агар бюстга хонанинг ичидан туриб ёруғликка

қарши қаралса, у сарик рангнинг барча жилоларини ўзида акс эттирса керак, деб ўйладим. Шу тариқа бир зумлик қизиқишимни босолмай, менга тамоман нотаниш бўлган одамлар ҳузурига кириб бордим. Дарҳол бюстга назар ташлаб, фикрим тасдиғидан қувониб кетдим: бюст оч сарикдан тортиб тўқ қизилгача бўлган ранглар жилосига кўмилган эди. Мен мулойимлик билан хўжайиндан, буюк қаҳрамоннинг бюст-тасвирини бера оласизми, деб сўрадим. У менга, императорга ихлоси туфайли бюстни яқинда Париждан олиб келганини айтди, аммо мендаги садоқат униқидан анча-мунча юксак эканлигини қайноқ иштиёқимдан сезди шекилли, бундай қимматли бойликка эгалик қилишга Сиз кўпроқ ҳақлисиз, дея уни менга берди. Назаримда бу шиша бюст қимматбаҳо буюм эди, эгаси уни менга бор-йўғи бир неча франк эвазига қўлимга тутқазганида унга ҳайрон бўлиб қарадим.

Мен бу бюстни худди шунга ўхшаган, Миланда сотиб олганим ноёб медаль билан бирга саёҳатимдан арзимас совға сифатида Гётега жўнатдим, у бундай буюмларнинг кадрига етади.

Франкфуртда ва кейинроқ Гётедан қуйидаги мактубларни олдим.

Биринчи мактуб

«Женевадан ёзган иккала мактубингиз етиб келди, фақат 26 сентябрда. Сизга айтмоқчи бўлган муҳим гапларим шуки, биз яхшилаб ўйлаб кўриб, бу кишни қаерда ўтказишингиз ҳақида бир қарорга келгуниimizча, Франкфуртда туратуринг. Мен жаноб Виллемер¹ ва унинг рафиқасига бир хатчани ҳам кўшиб жўнатаяпман, буни тез орада уларга етказишингизни сўрайман. Сиз, мен билан энг тоза туйғулар билан боғланган бу жуфт қиёфасида яхши дўстларга эга бўласиз, Сизнинг Франкфуртдаги ҳаётингизни ёқимли ва фойдали қилиш уларнинг қўлларидан келади.

Ҳозирча шу. Ушбу мактубни олганингизданок жавоб ёзинг. Ҳамиша Сизнинг

ГЁТЕ.

Ваймар, 1830 йилнинг 26 сентябри».

¹ Виллемер Йоханн Якоб фон — банкир, яширин маслаҳатчи ва унинг рафиқаси Марианна (1760--1838) — Гётенинг дўстлари.

Иккинчи мактуб

«Сизни она шахримда чин кўнгилдан қутлайман, азизим. Ишонаманки, Сиз бир неча кунни менинг яқин дўстларим даврасида кўнгилдагидек ўтказгансиз.

Агар Сиз Нордхаймга бориб, у ерда бир муддат қолишни истасангиз, бунга ҳеч бир эътирозим йўқ. Сорэнинг қўлидаги қўлэзма билан жимжит жойда шуғулланишни истаётган экансиз, бу мен учун янада ёқимлироқ бўлади. Тўғриси, мен унинг тез орада нашр қилинишини истамайман, лекин уни Сиз билан биргаликда кўриб, таҳрир қилиб чиқишим мумкин. Агар у мен тасаввур қилгандек ёзилган бўлса, бу унинг қимматини оширади.

Ортиқча гапим йўқ, ўз билганингиздек ҳаракат қилинг, хабарларни кутаман. Уйимдагилар Сизга қизгин салом йўллашяпти, бу саломга қўшилиши мумкин бўлган бошқа одамларни Сиздан мактуб олганимдан буён кўрмадим.

Энг яхши тилаклар билан Сизга садоқатли

Й.В. фон ГЁТЕ.

Ваймар, 1830 йилнинг 12 октябри».

Учинчи мактуб

«Рангларнинг хилма-хил жилоларини ўзида акс эттирган гаройиб бюстни кўрган пайтингиздаги жўшқин таассурот, уни эгаллашга бўлган иштиёқ, ундан кейинги ўзига хос саргузашт ва ниҳоят, мени саёҳатингиздан шундай совға билан сийлаш хаёли — буларнинг ҳаммаси Сиз рангларнинг дастлабки ҳолатини қай даражада ўзлаштирганингизни исбот қилади, бу ҳолат бутун улурворлиги билан кўз ўнгингизда намоён бўлган. Бундай тушунча, бундай туйғу бутун умрингиз давомида ўз самарали таъсирини кўрсатади ва Сизни руҳан-маънан бойитиб туради. Хатоликлар кутубхоналарда сақланмоқда, ҳақиқат эса, инсон руҳиятида мужассам, бир китоб иккинчисини келтириб чиқараверади, жонли қонун-қоидалар билан алоқада бўлиш руҳни тетиклаштиради, у энг оддий ходисаларнинг тубига етиб, чигал жиҳатларни ечиб, қоронғи томонларни ойдинлаштиради.

Бордию Сизга ҳамроҳлик қилувчи руҳ Сизни яна Ваймар томон бошлаб келса, Наполеоннинг бюстини қуёшнинг ёрқин нури тушиб турган жойда кўрасиз, тиниқ юзидаги хотиржам кўклик остида бақувват кўкрак ва эполетлар тўқ қизил рангнинг хилма-хил кўринишларида жилоланиб турипти, Мемноннинг гранитдан ишланган ҳайкалчаси турли жилоларда товлан-

ганидек, хира шишадан ясалган бюст ҳам турфа ранглар жи-
лоси билан бизни ҳайратга солади. Кўринишдан қаҳрамонимиз
ранглар ҳақидаги таълимотда ҳам ролиб чиққан. Мен учун азиз
бўлган таълимотни кутилмаган бир пайтда қувватлаганингиз
эвазига менинг самимий ташаккуримни қабул қилинг.

Сиз юборган медаль ҳам менинг коллекциямни икки-уч
карра бойитди, Дюпре¹ номи диққатимни тортди. Моҳир ҳай-
калтарош, металл қуювчи, медаль ясовчи, Понт-Нёфда Хайн-
рих IV²нинг тасвири моделини яратган ва қуйган ҳам ўша.
Сиз юборган медаль баҳона бўлиб ўзимдаги тўпламни қайта
кўздан кечирдим, худди ўша имзо билан ясалган яна бир
нечта аъло даражадаги медаллар бор экан, бир нечталари эса
белгиланмаган, хуллас, Сизнинг совғангиз ҳам бу ерда анча-
гина шов-шув кўтарди.

«Метаморфоза»нинг, Сорэнинг таржимасини ҳам илова
қилганда, энди бешинчи варағига келдик. Мен узоқ вақт бу
ишимни лаънатлашим керакми ёки қутлашим керакми, билмай
юрдим. Мана энди у мени тирик табиат билан шуғулланишга
ундаётган экан, бундан қувонаман ва жон-жон деб бу ишни
адо этаман. Менга қирқ йил давомида йўл кўрсатиб келган
ҳақиқат ҳалиям ўз кучида турипти, ўшанга суюнган ҳолда ҳал
қилиб бўладиган нарсанинг чигал йўлларида муваффақиятли
ўтиб, ҳал қилиб бўлмайдиган нарсанинг чегарасигача етиш ва
шу билан хотиржам бўлиб тўхташ керак. Ундан нарига ўтиш
на қадимги, на ҳозирги файласуфларнинг бирортасига ҳам на-
сиб этмади. Ундан нарида нима борлигини қоғозга тушириш
ҳеч кимнинг қўлидан келмаса керак.

Й.В. фон ГЁТЕ».

* * *

Франкфурт ва Касселда тўхтаганимдан кейин октябрнинг
охиридагина Нордхаймга етиб келдим ва у ерда шундай вазият
вужудга келдики, гўё ҳаммаси менинг Ваймарга қайтишимга
тарафдор эди.

«Гурунглари»имнинг тез орада нашр этилишига Гёте ўз ро-
зилигини бермади, шу билан адабиётдаги мустақил йўлимни
муваффақиятли бошлашим ҳақида ўйламасам ҳам бўлади.

Бунинг устига, узоқ йиллардан бери ёктириб юрган
махбубам билан учрашув ва ундаги юксак фазилатларни ҳар

¹ Дюпре Гиллиом ва Антуан (ака-укалар) – XVII асрда яшаган фран-
цуз ҳайкалтарош ва медаль усталари.

² Хайнрих IV (1553–1610) – Франция кироли.

куни ҳис этишим менда ниҳоят у билан тезроқ қовушиш, шу билан ўз ҳаётимни таъминлаш истагини уйғотди.

Мана шундай кайфиятда юрган пайтимда Ваймардан, Улуф херцогиня томонидан ёздирилган нома келиб қолди ва у мени беҳад хурсанд қилди, бу ҳолатни Гётега ёзган қуйидаги мактубдан билиб оласиз.

Нордҳайм, 1830 йилнинг 6 ноябри

«Бандаси тадбир этади, Яратган тақдир этади» деганларидек, кўз очиб юмгунча бизнинг режа ва истақларимиз тамоман ўзгариб кетади.

Бир ойча бурун Ваймарга қайтишдан кўрқиб юрардим, энди вазият шундайки, мен нафақат тезроқ қайтишни, балки у ерда ўз уйимга эга бўлиб, бир умрга қолишни ўйлаяпман.

Бир неча кун олдин Сорэдан Улуф херцогинянинг таклифи битилган хат олдим, унда айтилишича, агар мен қайтиб бориб шахзодани ўқитишни давом эттирсам, доимий маош билан таъминланарканман. Бундан ташқари, Сорэ менга учрашганимизда қандайдир яхши хабарни айтмоқчи эмиш, шулардан хулоса чиқарсак, Ваймарда менга чинакам меҳрибончиликлар кўрсатишлари аниқ.

Сорэга розилигим ҳақида мактуб йўлламоқчи эдим, аммо эшитишимга қараганда у Женевага, қариндошлариникига кетганмиш, шундай экан, Сиз жаноби олийларига бир илтимос билан мурожаат қилишдан ўзга иложим қолмайди: император ҳазратларига айтиб қўйсангиз, мен тез орада Ваймарга етиб бораман.

Ишонаманки, менинг қайтишим ҳақидаги хабар Сизга ҳам қувонч бахш этади, чунки анчадан бери Сиз ҳам бахтим ва хотиржамлигим учун қуйиниб юрган эдингиз.

Барча оила аъзоларингизга самимий саломимни йўллайман ва тез орада хурсандчиликда кўришиш умиди билан

Э.

* * *

Йигирманчи ноябрь куни тушдан кейин Нордҳаймдан чиқиб, йўлақай Гёттингенга тушдим, у ерга қоронғида етиб келдим.

Кечки овқат маҳали кафе хўжайини менинг Ваймардан эканлигимни, ўша ёққа кетаётганимни билиб, улуф шоир Гётенинг манглайига кексайган чоғида офир ғамни кўтариш ёзилган экан, бугун газетада ўқидим, Гётенинг яккаю ягона ўғли

Италияда қаттиқ зарбадан вафот этганмиш, дея хотиржам хабар қилди.

Бу сўзларни эшитгач, не аҳволга тушганимни тасаввур қилиш қийин эмас. Шамни олдим-да, хонамга шошилдим, бегона одамларнинг мендаги руҳий ларзага гувоҳ бўлишларини истамадим.

Тунни уйқусиз ўтказдим. Менга дахлдор бўлган бундай қайғули хабар хаёлимдан нари кетмасди. Кейинги йўлдаги, Мюлҳаузендаги ва Готадаги кеча-кундузларни ҳам худди шундай ўтказдим. Извошда ёлғиз, хаёлимни чалғитадиган, қайфиятимни кўтарадиган ҳеч нарса йўқ, булутли ноябрь кунлари, бўм-бўш далаларда бошқа нарсаларга чалғишга бекорга уринардим, карвонсаройлардаги одамлар оғзида фақат ўша менга тегишли кулфат ҳақидаги битта гап, холос. Гёте ёши ўтиб қолган бир пайтда бундай зарбани кўтаролмайди, деган ўй мени қийнарди. «Сенинг қайтишинг унда қандай таассурот уйғотади, — дея ўйлардим мен, — ахир сен унинг ўғли билан кетиб, ёлғиз қайтиб келяпсан! У сени кўргач, қайғули йўқотишни янаям кучлироқ ҳис этмайдами».

Мана шундай ўй-фикрлар қуршовида йигирма учинчи ноябрь, сешанба куни соат олтида Ваймар яқинидаги охириги почта бекатига етиб келдим. Хаётимда яна бир бора ҳис этдимки, инсон хаётида оғир синов лаҳзалари бўлиб, одам уларга бардош бериши керак экан. Шу хаёллар билан кўкка назар ташладим, шунда бошим устида қалин булут ортидаги ой бир сония булут ичидан ялт этиб чикди-да, яна яширинди. Бу тасодиф эдими ёки ундан ҳам каттароқмиди, ҳар қалай мен бунга хайрли аломат деб қабул қилдим ва бу менинг руҳиятимга куч бағишлади.

Ўз хўжайинларим билан нари-бери саломлашдим-да, Гётеникига шошилдим. Аввал фон Гёте хоним ҳузурига кирдим. У қоп-қора мотам либосида, бироқ хотиржам ва дадил эди, биз кўп нарсаларни гаплашдик.

Кейин пастга, Гёте ҳузурига тушдим. У ўрнидан тик туриб мени бағрига босди. У кўринишдан соғлом ва осойишта эди. Биз ўтирдик ва дархол гуруннга берилиб кетдик, уни қайта кўриб турганимдан бахтиёр эдим. У менга Нордҳаймга жўнатиш учун бошлаб қўйган, бироқ жўнатмаган иккита мактубни кўрсатди. Кейин Улуф херцогиня, шахзода ҳақида, тагин у-бу мавзуларда гаплашдигу, лекин ўғли тўғрисида бир оғиз ҳам сўз айтмадик.

1830 йилнинг 25 ноябри, пайшанба

Эрталаб Гёте инглиз ва немис ёзувчиларининг совға сифатида мен учун жўнатилган бир нечта китобларини юборди. Кундузи уникига тушлик қилгани бордим. Келсам, у бир папка гравюралар ва расмларни кўриб ўтирган экан, буларни унга сотиб олишни таклиф этишганмиш. Бугун эрталаб Улуғ херцогиня ташриф буюриб, уни хурсанд қилганини, у менинг келганимни хонимга билдирганини айтди.

Фон Гёте хоним ҳам келди ва биз тушлик қилишга ўтирдик. Мендан саёҳатим ҳақида гапириб беришимни сўрашди. Мен Венеция, Милан, Генуя тўғрисида ҳикоя қилдим, афтидан Гётени, айниқса, у ердаги инглиз консулининг оиласи тўғрисидаги маълумотлар қизиқтирар эди. Кейин Женева ҳақида ҳам гапирдим, Гёте Сорэллар оиласи ва жаноб фон Бонштеттен¹ хусусида батафсил суриштирди. Кейингиси борасида у кўпроқ билишни хоҳлади, мен имконим етканча унинг истагини қондирдим.

Тушликдан сўнг Гёте менинг «*Гурунглар*» им билан қизиқди, бу мени жуда хурсанд қилди.

— Бу Сизнинг биринчи ишингиз бўлади, — деди у, — ҳамма нарса мукамал ҳолда ниҳоясига етмагунича уни қўлдан қўймаймиз.

Умуман, бугун Гёте менга одатдан ташқари камгап ва хаёлчан туюлди, буни мен яхшилик аломати деб ўйламадим.

1830 йилнинг 30 ноябри, сешанба

Ўтган жума куни Гёте бизни қаттиқ таҳликага солиб қўйди, кечаси кучли қон қуйилиши натижасида кун бўйи ўлим билан олишди. У қон олишни ҳам қўшиб ҳисоблаганда олти фут қон йўқотди, саксон ёшли қария учун бу айтишга осон. Яхшиямки, унинг дўхтири, сарой маслаҳатчиси Фогелнинг моҳирлиги ҳамда ўзидаги мислсиз ирода туфайли бу гал ҳам волиб чиқишди, у катта қадамлар билан соғайиш сари пешвоз чиқмоқда, иштаҳаси ҳам яхшиланиб, кечалари тинч ухламоқда. Ёнига ҳеч кимни қўйишмаяпти, унга гапириш ҳам ман этилган, аммо унинг мудом уйғоқ руҳи ором билмайди, у яна қилинадиган ишлари ҳақида қайғураяпти. Бугун тонгда ундан ётган жойида қалам билан ёзган мана бу хатчани олдим: «*Барака топинг, меҳрибон доктор, ўзингизга маълум*

¹ *Бонштеттен Карл Виктор фон (1745–1832)* – швейцариялик ёзувчи.

шеърларни яна бир бор кўздан кечиринг ва янгиларини маънолари тўғри келадиган қилиб жойлаштиринг. Кейин «Фауст» келади!

Хурсандчиликда кўришгунча хайр!

ГЁТЕ.

Ваймар, 1830 йилнинг 30 ноябри.»

Гёте тез ва батамом софайгандан сўнг бутун диққатини «Фауст»нинг тўртинчи кўринишини ҳамда «Шеърят ва ҳақиқат»нинг тўртинчи жилдини охирига етказишга бағишлади.

Менга эса, ҳали шу пайтгача чоп этилмаган майда-чуйда асарларини таҳрир қилишни, шунингдек, кундаликлари ва хатларини навбатдаги нашрда қандай жойлаштиришни ойдинлаштириб олиш учун кўриб чиқишни топширди.

Менинг «Гурунглар»имни биргаликда таҳрир қилиш хаёлга ҳам келмади, бунинг устига ўйладимки, аллақачон ёзилганларга яхшиси тегинмаган ва қисмат менга янги имкониятлар ато этса, уларни янги ёзувлар билан тўлдирган маъкул.

1831 / 1832

1831 йилнинг 1 январи, шанба

Қаторасига бир неча ҳафта Гётенинг турли кишиларга ёзган, 1807 йилдан бери муқоваланган ҳолда сақланиб келаётган хатларини кўлдан ўтказдим, энди қуйидаги параграфларда, келгуси нашрларни таҳрир қилиш пайтида асқотиши мумкин бўлган айрим фикрларимни ёзиб чиқмоқчиман.

§ 1.

Дастлаб кўтариладиган масала шуки, бу хатлардан фақатгина парчаларни, баъзи жойларини нашр қилса бўлмасмикан.

Шуни таъкидлашим лозимки, Гёте ўз одати ва табиатига кўра энг майда нарсаларга ҳам жиддий ва қатъий ёндошади, бу хусусияти хатларида ҳам ёрқин кўзга ташланади, ҳар қандай масалада муаллиф ўзлигича қолган, ҳар бир варақ бошидан-охиригача нафақат жуда зўр ёзилган, балки ҳар бир сатрдан ундаги улкан тафаккур ва ноёб билимдонлик уфуриб туради.

Шу сабабли мен хатларни тўлиқ бериш тарафдориман, чунки улардаги айрим муҳим ўринлар кўпинча ўзидан олдин

ёки кейин келган фикрлар билан уйғун ҳолда ўз ҳақиқий жозибаси ва ўткир таъсир кучига эга бўлади.

Агар диққат билан назар ташласак ва бу хатларни кенг дунёнинг хилма-хиллиги билан қиёсласак, мана бу жойи муҳим, босиб чиқаришга арзийди, мана бу жойи муҳим эмас, деб ким ҳам айта олади? Ахир грамматика мутахассиси, биограф, файласуф, ахлоқшунос, табиатшунос, рассом, шоир, академик, актёр ва шу каби сон-саноксиз касб эгаларининг қизиқишлари ҳар хил, бири ўқимай қолдириб кетган жойни бошқаси диққат билан ўқиб, ниманидир ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

Масалан, 1807 йилга тегишли бўлган биринчи дафтарда унинг бир дўстига ёзган хати бор, дўстининг ўғли ўрмончилик касбини эгаллашни хоҳлаган экан, Гёте унинг келгусидаги машғулотини батафсил тавсифлаган. Бундай хатни, эҳтимол, ёш адабиётчи ўқимас, лекин ўрмон хўжалигининг ходими уни ҳафсала билан ўқийди ва шоир унинг ҳам соҳасига диққатини қаратиб, фойдали маслаҳатлар берганидан қувонади.

Шуларни ҳисобга олиб, такрор айтаман: ушбу хатларни бўлақларга бўлмасдан, қандай бўлса, шундай нашр этиш жоиз, бунинг устига, улар аллақачон ҳаммаёққа шу ҳолатда тарқалиб бўлган, яна шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, эгалари вақти келиб хатларни қандай ёзилган бўлса, шундайлигича босиб чиқаришлари ҳам мумкин.

§ 2.

Бордию хатлар орасидан қисқартирмасдан нашр этиб бўлмайдиганлари топилиб қолса, бироқ улар қизиқ ва муҳим туюлса, қисқартирилган жойларни кўчириб олиб, ё уларни ёзилган йилига қараб ажратиш ёки алоҳида тўплам қилишни тавсия қилган бўлардим.

§ 3.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, бирорта дафтар ичидан қўлимизга биринчи марта тушиб қолган хат назаримизда унчалик аҳамиятга молик кўринмаслиги, биз уни нашр этмаса ҳам бўлади, деб ўйлашимиз мумкин. Агар биз бошқа бирорта йилга тегишли хатлар бўйича ушбу хатнинг ҳам бесамар эмаслигини, у ҳам узун занжирнинг бир ҳалқаси эканлигини аниқласак, уни ҳам нашр эттириш зарур.

§ 4.

Хатларни улар жўнатилган шахсларга қараб тасниф қилиш керакми ёки ёзилган йилларга қараб жойлаштириш керакми, қандай қилинса яхшироқ бўлади, деган иккиланишлар ҳам юзага келиши мумкин.

Мен кейинги фикр тарафдориман, чунки шундай қилсак, тўпламга ёқимли бир хилмахиллик ато этилган бўлади, қолаверса, турли-туман шахсларга битилган хатлар нафақат ўз оҳанг ва жилолари билан, балки турфа хил мавзуларни тилга олиши билан ҳам бир-биридан фарқ қилади, бирида театр, иккинчисида шеърый асар, бошқасида табиатшунослик, яна бирида оилавий масалалар, аслзодаларга муносабат, дўстона алоқалар ва хоказо мавзулар баён қилинади.

Хатларни тадрижий тартибда жойлаштириш тарафдори эканлигимнинг яна бир сабаби шуки, бир йилда ёзилган хатлар ўша пайтда яшаган кишиларни ҳаяжонга солган воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб, нафақат ўша йилга хос характерли жиҳатларни ёритади, балки ёзаётган инсоннинг айни пайтдаги аҳвол-руҳияти ва машғулотли ҳақида ҳар томонлама маълумот беради, демак, улар илгари нашр этилган, кунлик ва йиллик маълумотларни ўзида жамлаган таржимаи ҳолига анчагина қизиқарли деталларни олиб кириши мумкин.

§ 5.

Хат эгалари томонидан аллақачон босиб чиқарилган, эҳтимол, уларнинг хизматлари тан олинган ёки уларга нисбатан мақтов ва бошқа фаройиб фикрлар баён этилган хатлар ҳам шу тўпламга киритилиши керак, бир жиҳатдан улар шунга тегишли бўлса, бошқа жиҳатдан ўша шахслар кўлларида сақланаётган ҳужжатларнинг ҳақиқий эканлиги омма олдида тасдиқланади ва улар бундан хурсанд бўладилар.

§ 6.

Тавсиянома-хатларни тўпламга киритиш керакми ёки йўқми, деган масала ўша тавсия қилинган шахсга қараб ҳал қилиниши керак. Агар ўша одам бирор поғонага кўтарилолмаган бўлса, хатда бирон-бир диққатга сазовор гап бўлмаса, уни тушириб қолдириш лозим, бордию тавсия қилинган шахс ҳаётда бирон атоқли номга эришган бўлса, унда хатни тўпламга киритиш жонз.

§ 7.

Гётенинг хаётига бевосита алоқадор бўлган, масалан, Лафатер, Бериш, Книп¹, Хаккерт ва бошқаларга ёзилган хатлар сўзсиз қизиқарли, уларни ҳатто жўяли бирор сўз айтилмаган бўлса ҳам тўпламга киритиш зарур.

§ 8.

Умуман, ушбу хатларни танлашга дадил ёндошиш лозим, негаки, улар Гётенинг кенг қамровли қизиқишлари ҳамда барча соҳалардаги фаолияти ҳақида маълумот беради, қолаверса, унинг турли соҳа вакилларига, шунингдек турфа хил вазиятларга муносабати ҳам ҳамиша ибратлидир.

§ 9.

Агар турли хатларда битта факт тилга олинган бўлса, улардан энг ифодалисини танлаб олиш керак, агар битта нарса кўплаб хатларда учраса, айримларида уни тушириб қолдириб, қайси жойда фикр энг ёрқин баён этилган бўлса, ўша жойни сақлаш керак.

§ 10.

1811–1812 йилларда ёзилган хатларда аксинча, муаллиф йигирма марталаб машҳур кишиларнинг дастхатларини сўраган жойлари учрайди. Шундай ва шунга ўхшаш ўринларни олиб ташламаслик керак, улар ўта характерли ва таъсирчан.

Келтирилган параграфлар 1807, 1808 ва 1809-йиллардаги хатларни кузатиш натижасидир. Бундан кейинги иш жараёнида юзага келган фикрлар уларга қўшилади.

Э.

Ваймар, 1831 йилнинг 1 январи.

Бугун тушликдан сўнг Гёте билан юқорида баён этилганларни муфассал муҳокама қилдик, у менинг барча таклифларимни маъқуллади.

— Мен, — деди у, — ўз васиятномамда Сизни ушбу хатларнинг нашрга тайёрловчиси деб атайман ҳамда икковимиз уларни қандай кўриб чиқиш ҳақида бир фикрга келиб олганимизни эслатиб ўтаман.

¹ Книп Христоф Хайнрих (1748–1825) — манзарачи рассом, Сицилияда Гётега хамроҳлик қилган.

1831 йилнинг 9 феввали, чоршанба.

Кеча шаҳзода билан Фосс'нинг «Луиза»сининг давомини ўқидик ва ушбу китоб ҳақидаги айрим мулоҳазаларни белгилаб қўйдим. Қаҳрамонларнинг ташқи қиёфалари ва табиат улуғворлигининг ранг-баранг кўринишлари тасвири мени хайратга солди, шундай бўлса-да, назаримда шеърда юксак мазмундорлик етишмасди, бундай ҳолат, айниқса, персонажлар ички туйғуларини изҳор қилаётгандаги диалогларда кўзга ташланади. «Векфильд руҳонийси»²да ҳам кишлоқ руҳонийси ва унинг оиласи ҳақида сўз боради, бироқ бу асар муаллифи анча юксак маданий дунёқарашга эга, бу хислатни у ўз қаҳрамонларига ҳам юқтирганки, уларнинг барчаси бой ички дунёси билан кўз ўнгингда намоён бўлади. «Луиза»да эса, ҳамма нарса ўртача маданият чегарасида туради, бу маълум доирадаги ўқувчиларни тўла қониқтиради. Шеърини шаклга келсак, гекзаметр бунақа чегараланган турмуш тарзи тасвири учун хийла баландпарвоз деб ўйлайман, бунинг устига у анча сохта ва расмий туюлади, узун жумлалар гоҳида нотабиий жаранглайди, уларни ўқиш ҳам ноқулай. Шуларни бугун тушлик чоғида Гётега баён қилдим.

— Ўша шеърнинг аввалги нашрлари, — деди у, — шу жиҳатдан дуруст эди, эсимда бор, уни маза қилиб ўқиган эдим. Фосс кейинроқ ўзича билимдонлик қилиб, техник «ихтиро»лари билан енгил, табиий жаранглайдиган шеърни бузди-қўйди. Ҳозирги пайтда бутун диққат шеър техникасига қаратилган, танқидчи жаноблар, бирорта қофияда товушлар такрорини сезиб қолишса, бонг урадилар. Ёш ва жўшқин пайтим бўлса эди, атайлаб мана шунақа техник тантиқликларга қасдма-қасд кўнглимга сикқанча аллитерациялар, ассонанслар, нотекис қофияларни қўллаган ҳолда шеърлар ёзардим, уларда мен шундай қизиқарли мавзуларни шу қадар таъсирчан изҳор қилардимки, ҳамма уларни қўлдан қўймай ўқиган ва ёд олган бўларди.

1831 йилнинг 11 феввали, жума

Бугун тушлик маҳали Гёте менга «Фауст»нинг тўртинчи кўринишини бошлаганини, уни давом эттириш ниятида эканлигини айтди, бундан жуда хўрсанд бўлдим.

¹ Фосс Йоханн Хайнрих (1751–1826) — ёзувчи ва таржимон.

² «Векфильд руҳонийси» — инглиз ёзувчиси Оливер Голдсмит асари (1766).

Шундан сўнг Гёте лайпцихлик ёш филолог Шёне¹ни роса мактади, у Эврипид фожиаларидаги костюмлар ҳақида бир нарса ёзган экан, шунчалик билимдонлигига қарамасдан мавзу ичига чуқур кириб бормадим, фақат юзаки сўз юритдим, деганмиш.

– Мени қувонтирган нарса шуки, – деди Гёте, – Шёне ишга ижодкорлик билан, жиддий ёндошади, бошқа филологлар эса, кейинги пайтларда фақат шаклга, узун ёки қисқа бўғинларга эътиборни қаратишмоқда.

Техник икир-чикирлар атрофида ўралашиш самарасиз даврнинг белгисидир, шунингдек, мана шунақа иш билан шуғулланадиган самарасиз шахснинг ҳам белгиси ҳисобланади.

Ҳали бундан бошқа тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Айтайлик, граф Платен яхши ижодкор олдига қўйиладиган барча талабларга деярли жавоб бера олади: тасаввур қилиш қудрати, кашфиётчилик, ақл, сермахсуллик сингари хислатларни у юксак даражада эгаллаган, техник жиҳатдан ҳам у стук кўникмага эга, ундаги заковат ва жиддийлик кам одамларда учрайди, фақат унга халақит берадиган нарса – баҳсга ашаддий ўчлик.

Ҳатто Неаполь ва Римнинг улугворлиги ҳам немис адабиётининг почорлигини унутишга уни мажбур қилолмагани – шундай улуг истеъдод эгаси учун кечиримли ҳол эмас. Унинг «Романтик Эдип» асари техник жиҳатлари билан айнаш Платен энг яхши немис фожиасининг яратувчиси эканлигини исбот қилади, бироқ у «Эдип»да фожиавий мотивларни пародия тарзида қўллаган экан, қандай қилиб у жиддий фожа ёза олади?

Бундан ташқари – бу ҳақда негадир кўпам қайғуришмайди – бунақа ҳаракатлар кишини руҳан толиқтиради, рақибларимизнинг образлари шарпаларга айланиб, бизни ҳазил-мазах қилишади ва қизғин ижод жараёнига халақит беришади, бу билан шоирнинг нозик табиатига ғулғула солишади. Лорд Байронни баҳсга ўчилиги ҳалокатга етаклади, Платен немис адабиётининг равнақи йўлида шу қилиғидан воз кечишига барча асос мавжуд.

1831 йилнинг 12 феввали, шанба

«Забур»ни ўқияпману, яқинда Гёте менга кўрсатган бир расм ёдимга тушди: Исо денгиз бўйлаб бораяпти², Петр

¹ Шёне Фридрих Готхольд (1806–1857) филолог.

² Гётенинг коллекциясида рассомлар Жованни Ланфранко ва Жироламо Муцианонинг ушбу сюжетга ишланган картиналари асосидаги иккита гравюра сақланган.

тўлкинлар оша унинг истикболига шошилмоқда, аммо бир зум шуни йўқотиб чўка бошлайди.

— Бу энг гўзал афсоналардан бири, — деди Гёте, — у менга жуда ёқади. Унда жуда катта мазмун яширин: инсон эътиқод ва рухий қудрат эвазига энг мураккаб вазиятларда ҳам ғолиб келади, аксинча, кўнглига тарикча гумон оралади-ми, у ҳалок бўлади.

1831 йилнинг 13 феввали, якшанба

Гётеникида тушлик қилдик. У «Фауст»нинг тўртинчи фасли устидаги ишни давом эттираётганини, унинг бошланиши кўнглидагидек чиққанини айтди.

— Бу кўринишда нима содир бўлишини, — деди Гёте, — Сизга маълумки, олдиндан билгандим, бироқ қандай содир бўлиши, тўғриси, мени унча қониқтирмаганди, миямга келган яхши фикрлардан қувонаяман. Энди «Хелена» билан тайёр бешинчи фасл ўртасидаги бўшлиқни тўлдираман ва ҳозир миямга ёпирилиб келаётган сахналар устида аниқ ишонч ва илҳом билан ишлаш учун муфассал схема тузиб оламан. Ушбу кўриниш ўзига хос характерга эга, алоҳида бир кичик оламча бўлади, бошқа кўринишларга тегишли бўлмайди, фақат ўзидан олдинги ва кейинги воқеалар билан кўзга кўринмас ришталар орқали боғланиб, умумий асарга сингади.

— Мана шу унинг қолган кўринишлар билан алоқадорлигини билдиради, — дедим мен, — ахир аслида «Ауэрбах ертўласи», «Алвастилар ошхонаси», «Блоксберг», «Давлат кенгаши», «Ниқоб базми», қоғоз пуллар, «Тажрибахона», «Классик Вальпургия кечаси», «Хелена» — буларнинг бари-си мустақил кичкина оламлар бўлиб, маълум маънода бири-бирига таъсир ўтказишади-ю, аммо ўзаро кам алоқада. Шоир оламнинг хилма-хиллигидан бизни хабардор қилишга ҳаракат қилади ва машҳур қаҳрамон ҳақидаги воқеани етакчи ип сифатида танлайди-да, ўшанга кўнглига келган ҳамма нарсани тизиб чиқади. «Одиссея» ҳам шундай, «Жил-Блаз»¹ ҳам бундан ўзгача эмас.

— Сиз тамоман ҳақсиз, — деди Гёте, — бундай композицияда айрим қисмларнинг кўзга кўринарли ва аниқ бўлиши талаб қилинади, бутун асарни эса бир қолипга сиғдириб

¹ «Жил-Блаз» («*Gil-Blas de Santillane*») — француз ёзувчиси Лесаж Ален-Рене (1668 – 1747) романи.

бўлмайди, айнан шунинг учун ҳам ҳар қандай мушкул муаммо сингари одамларнинг диққатини тинмай ўзига тортаверади.

Бунга жавобан мен бир ёш ҳарбий йигитнинг хати ҳақида гапириб, унга бошқа шериклари сингари чет эл хизматига киришни маслаҳат берганим, у бўлса, у ердаги тартиб-қоидалар унга маъқул бўлмагани учун барча маслаҳатгўйларини олиб бориб, олиб келаётганини айтдим.

— Маслаҳат бериш — бу қийин нарса, — деди Гёте, — бу дунёда оқилона ишлар баъзан чаппасига кетганини, энг аҳмоқоналари қувончли натижаларга олиб келганини ўз кўзларинг билан кўрганингдан сўнг бирор одамга маслаҳат беришни ҳам истамай қоласан киши. Аслини олганда, маслаҳат сўраган одам — аҳмоқ, маслаҳат берган эса, ўзига ортик даражада ишонган одам. Фақат ўзинг ҳам иштирок этадиган ишдагина маслаҳат берсанг бўлади. Бордию бирортаси мендан маслаҳат сўраса, мен, майли маслаҳат беришга розиман, фақат кейин мендан норози бўлиб юрма, дейман.

Гурунг мавзуси «Забур»га кўчди, яқинда, Исо денгиз бўйлаб бораяпти, Пётр унинг истиқболига чиқмоқда, деган жойини ўқиганимни айтдим.

— Агар одам забуршуносларни узоқ вақт ўқимаса, — дедим мен, — улардаги улугворликдан ҳайратланиб тўймайди. Бизнинг рухий-маънавий қудратимизга улар кўядиган талабларда ўзига хос кескин буйруқ сезилиб туради.

— Айниқса, — деди Гёте, — ишончнинг кескин буйруғи сезилиб туради, Муҳаммад буни кейинроқ янада илгари сурди.

— Умуман олганда, — дедим мен, — «Забур», агар унга синчиклаб назар ташласак, чекинишлар ва қарама-қаршиликларга тўла, бу китоблар яхлит ҳолга келтирилиб, қўлимизга етиб келгунча, худо билади, қанақа кўргиликларни бошдан кечиришди экан.

— Бу масалани тарихий-танқидий жиҳатдан тадқиқ қилишга киришиш — денгизнинг сувини симириш билан баробар, — деди Гёте, — яхшиси, узоқ ўйлаб ўтирмасдан, уни шундайлигича қабул қилиш керак-да, маънавий маданиятимизни оширишга ва уни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган жиҳатларини ўзлаштириш керак, тамом-вассалом. Аввало воқеа кечган маконни кўз ўнгимизга келтиришимиз лозим, бунинг учун мен Сизга Рёрнинг Фаластин ҳақидаги китоби¹ни

¹ Рёрнинг Фаластин ҳақидаги китоби — «Яҳудийлар мамлакатининг Исо давридаги тарихий-жўғрофий тасвири».

тавсия қиламан. Марҳум Буюк ҳерцог бу китобни шундай кадрлар эдики, уни икки марта сотиб олган эди, биринчисини ўқиб бўлгач, кутубхонага топширди, иккинчисини эса, ҳамиша кўз олдида бўлиши учун ўзига қолдирди.

Буюк ҳерцогнинг бунақа нарсаларга қизиқишидан ҳайратга тушардим.

— Бу жиҳатдан, — деди Гёте, — у мислсиз эди. Маълум аҳамиятга молик ҳамма нарса уни қизиқтирарди. У тинимсиз олдинга интилар, ҳар қандай янги кашфиётлар, янги чиққан мосламаларни ўз ерида жорий қилишга интиларди. Бирортаси муваффақиятли чиқмаса, бу ҳақда ортиқ оғиз очмасди. Мен кўпинча унинг олдида у ёки бу омадсизликни оқлаш йўлини қидирардим, у бўлса ҳар қандай омадсизликни қувноқ кайфиятда қабул қилар ва янги ташвиш устида бош қотира бошларди. Бу унинг табиатидаги улугворлик эди, тарбия орқали сингдирилган эмас, балки турма эди.

Тушликдан сўнг замонавий рассомларнинг расмларига, айниқса табиат манзараларига ишланган гравюраларни кўздан кечирдик ва уларда ҳеч бир сохтакорлик йўқлигидан хурсанд бўлдик.

— Бу ёруғ оламда асрлардан бери яхши нарсалар мавжуд, — деди Гёте, — ҳар ҳолда унинг таъсири давом этаётганидан ва янгиларини келтириб чиқараётганидан ҳайрон қолмаслик лозим.

— Шуниси ёмонки, — дедим мен, — нотўғри назариялар шу қадар кўп, ёш истеъдодлар қайси муқаддас нарсага сифинишни билишмайди.

— Бунга ҳам мисоллар кўп, — деди Гёте, — бутун-бутун авлодлар нотўғри таълимотлар туфайли азобланиб, йўқ бўлиб кетишди, ўзимиз ҳам шулардан кам зарар кўрмадик. Ҳозирги кунларда ҳам матбуотда ҳар қандай хато қараш очикчасига тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Бордию бирорта адабий танқидчи йиллар ўтиб ижобий фикрлай бошласа ва олдинги хато қарашларини очик тан олса ҳам, барибир, унинг ёлғон таълимоти ўз таъсирини ўтказиб улгурган бўлади ва бундан кейин ҳам чирмовуқ сингари ҳар қандай яхши ва тўғри фикрни ўраб олаверади. Менга таскин берадиган нарса ёлғиз шуки, ҳақиқий истеъдод соҳиби бундай нотўғри қарашларга алданиб, ўзини гумдон қилмайди.

Гравюраларни кўздан кечиришда давом этдик.

— Булар ростдан ҳам аъло даражадаги расмлар, — деди Гёте, — бу ерда чинакам етук истеъдодларни кўриб турибсиз, улар кўп илмларни ўрганиб, ўзларида дид ва санъатни ҳис

этиш туйғусини керакли даражада шакллантиришган. Бирок бу расмларнинг барчасида битта нарса, яъни қатъийлик етишмайди. Шу сўзни ўзингизга белгилаб, остига чизиб қўйинг. Бу расмларда, ўтган асрларда яққол кўзга ташланган қатъий кудрат йўқ, нафақат тасвирий санъатда, балки бошқа санъат намуналарида ҳам қатъийликдан ном-нишон йўқ. Ҳозирги авлод нимжон, улар туғма шундайми ёки бўш тарбия ва ёмон еб-ичишнинг оқибатими, айтиш қийин.

— Бундан ташқари, санъатда, ўтган асрларда кўпроқ учрайдиган йирик шахсларнинг аҳамияти катта эканлигини ҳам кўриб турибмиз, — дедим мен, — Венецияда Тициан¹ ёки Паоло Веронезе² асарлари олдида турсанг, бу улур инсонларнинг бутун асар композицион қурилишидаги, шунингдек, унинг майда қисмларидаги санъаткорлигини ҳис этмай қолмайсан. Улардаги дунёни кенг қамровли қабул қилиш кудрати картинанинг барча таркибий қисмларига сингиб кетган, санъаткор шахснинг ана шу олий кудрати уларни томоша қилганинда сенинг ҳам бутун борлигини яйратиб, руҳиятингни кўкка кўтаради. Ҳозиргина Сиз айтган қатъийлик Рубенс пейзажларида ҳам ёрқин кўзга ташланади. Тўғриси, уларда фақат дарахтлар, ер, сув, тоғ чўққилари, булутларни кўрамиз, аммо рассомнинг кудратли руҳи барча шаклларга синган, биз таниш табиатни кўриб турсак-да, унда улур санъаткорнинг истеъдоди акс этган бўлиб, у табиатни ўз руҳиятига монанд ҳолда қайта яратган.

— Шубҳасиз, — деди Гёте. — Тасвирий санъатда ҳам, поэзияда ҳам ижодкор шахси муҳимдир, афсуски, бизнинг давримизда адабий танқидчилар ва санъат ихлосмандлари орасида шундай саёз фикрловчилар учрайдики, улар буни инкор қилишади ва тасвирий санъат ёки поэтик асарнинг дунёга келишида ижодкор шахсининг аҳамиятини камситишади.

Тўғри, улкан ижодкорни ҳис этиш ва қадрлай билиш учун одамнинг ўзида ҳам нимадир бўлиши керак. Эврипид асарларидаги кўтаринки руҳни инкор қилувчи барча одамлар ўша даражага етишга қодир бўлмаган тубан кимсалар ёки уятсиз товламачилардир, улар ҳозирги жамиятнинг бўшлигидан фойдаланиб, одамларнинг назарида ўзларини билимдон қилиб кўрсатишга уринишмоқда ва маълум маънода бунга эришмоқдалар.

¹ *Тициан (Тициано Вечеллио; 1476 ёки 1490 - 1576)* — италиялик Уйғониш даври рассоми.

² *Веронезе Паоло (1528 - 1588)* — италиялик рассом.

1831 йилнинг 14 феввали, душанба

Гёте билан тушлик қилдик. У генерал Рапп¹нинг мемуарларини ўқиган экан. Шу билан Наполеон ҳақида ҳамда шунча қаҳрамонларнинг ва шундай улкан оиланинг волидаи мухтарамаси сифатида ўзини англаши учун мадам Летиция²да қандай ҳис-туйғулар бўлганлиги ҳақида гаплашдик.

— У иккинчи ўғли Наполеонни дунёга келтирган пайтда ўн саккиз ёшда, эри йигирма уч ёшда бўлган, ўғлининг жисмоний бақувватлигига сабаб ота-онасининг ёш бўлганлигидир. Ундан кейин онаси тағин учта ўғил туққан. Уларнинг ҳаммалари ноёб қобилиятли, ишчан, ҳар қандай соҳада ҳаракатчан, бунинг устига ҳаммалари поэтик истеъдод эгалари, ўғиллардан кейин учта қиз, охири бошқаларга нисбатан анча нимжон кенжатоё Жером дунёга келди.

Истеъдод деган нарса наслдан-наслга ўтмайди албатта, бироқ унинг қатъий жисмоний асоси бўлиши керак, шу боисдан одам биринчи ёки охирги фарзандми, бақувват ва ёш, ёки нимжон ва ёши ўтган ота-онадан туғилладими, барибир эмас.

— Қизик, — дедим мен, — барча қобилиятлар ичида мусиқавий қобилият жуда эрта кўзга ташланади, масалан, Моцарт беш ёшида, Бетховен саккиз ёшида, Хуммол тўққиз ёшида мусиқа ёзишлари ва чалишлари билан ўз атрофидагиларни ҳайратга солишган.

— Мусиқавий қобилиятнинг жуда эрта юзага чиқишига сабаб шуки, — деди Гёте, — мусиқа қандайдир туғма, одамнинг ўзидаги ҳиссиёт, унга ташқаридан озик беришнинг, ҳаётдан олинган тажрибанинг кераги йўқ. Бироқ, Моцарт сингари ҳодиса — бу ғаройибот, уни тушунтириб бўлмайди. Савол туғилади: Худо қандай қилиб ҳамма жойда ўз ғаройиботларини вужудга келтиришга имкон топади, ахир бунинг учун бизни ҳайратга соладиган, уларнинг қандай пайдо бўлганига ақлимиз етмайдиган фавқулодда индивидлар бўлиши керак-да.

1831 йилнинг 15 феввали, сешанба

Гётеникида тушлик қилдик. Мен унга театр ҳақида гапириб бердим, у Дюма³нинг «Хайнрих Учинчи» асари асо-

¹ Рапп Жан, граф (1771—1821) — француз генерали.

² Бонапарт Мария Летиция (асли Рамолино; 1750—1836) — Наполеоннинг онаси.

³ Дюма Александр, отаси (1802—1870) — француз ёзувчиси.

сида кўйилган кечаги спектаклни беҳад зўр, деб мактади, бироқ, унинг фикрича, бунга томошабиннинг тиши унчалик ўтмайди.

— Агар мен театр директори бўлганимда, — деди у, — буни сахнага олиб чиқишга журъат қилмаган бўлардим, кечагидек ёдимда, «Қатъиятли шахзода»¹ пьесасини сахнага олиб чиқиш учун не азобларни бошдан кечирган эдим, ҳар ҳолда у хийла инсоний, поэтик нуқтаи назардан афзалроқ, «Хайнрих Учинчи»га нисбатан бизга анча яқин эди.

Шу кунларда қайта ўқиб чиққан «Улуғ Кофта»² ҳақида сўз очдим. Айрим кўринишлари устида тўхталгач, уни сахнада кўришни исташимни ҳам қистириб ўтдим.

— Бу пьесанинг Сизга ёққанидан хурсандман, — деди Гёте, — мен унда айтмоқчи бўлган фикримни Сиз аниқ билиб олибсиз. Аслида тамоман реал воқеани поэтик жиҳатдан ишлаб чиқиш ва буни театрга мослаштириш осон бўлмади, албатта. Бу нарса умуман сахна учун ўйланган, десам эътироз билдирмасиз. Шиллер ҳам пьесани маъқуллаган эди, уни бир марта имтиёзли кишилар олдида намоёниш қилган эдик. Улар ҳайратдан довираб қолишганди. Кенг томошабинлар уни бундай қабул қилишмайди, унда тасвирга олинган жиноятлар оддий одамларга ёқмайди, уларни кўрқувга солади. Журъатли характери билан «Клара Газуль»³га ўхшаб кетади, шундай яхши сюжетни олиб кўйганим учун француз шоирга алам қилса керак. «Шундай яхши сюжет» деганимнинг сабаби, у нафақат ахлоқий, балки катта тарихий аҳамиятга ҳам молик, мен танлаган воқеалар бевосита француз инқилобидан олдин юз бериб, маълум маънода унга асос ҳам бўлган. Қиролича ўша машъум марварид шодаси воқеасига ўралашиб қолиб, ўз обрўсидан, халқ эътиборидан айрилади. Халқ назарида дахлсизлигидан маҳрум бўлади. Нафрат ҳеч кимга зарар келтирмайди. Лекин ёмонотлик бўлиш одамни ҳалокатга элтади. Узоқ вақт Коцебудан нафратланишди. Аммо айрим журналлар унинг номини ёмонотлик қилганидан сўнг бир талаба унга ханжар уришга журъат этди.

¹ «Қатъиятли шахзода» — испан драматурги Калдерон де ла Берка (1600—1681) пьесаси.

² «Улуғ Кофта» — Гётенинг «Марварид шодаси воқеаси» ҳамда фирибгар граф Калиостро ҳақидаги пьесаси.

³ «Клара Газуль» — аслида мавжуд бўлмаган испан актрисасининг пьесалар тўплами, Проспер Мериме шу ном остида ўз асарларини эълон қилган экан.

Гёте билан тушлик қилдик. Унинг «Карлсбадга ташриф» асарини олиб келдим, бугун эрталаб уни тахрир қилиб бўлган эдим. Биз ундаги кундалик оддий воқеалар баёни орасида учраган ҳикматли фикрлар хусусида сўзлашдик.

— Негадир одамлар, ақлли бўлиш учун қариш керак, дейишади, — деди кулиб Гёте, — аслида эса, илгариги ақлли ҳолатингда қолиш учун йиллар давомида ҳаракат қиласан. Одам ҳаёт пиллапояларидан кўтарила борар экан, шубҳасиз, ўзгаради, бироқ у яхшироқ бўлдим, деб айтолмайди, у кўп масалаларда олтмиш ёшига нисбатан йигирма ёшида тўғри хулоса чиқариши мумкин.

Маълумки, текисликдан қараганда дунё бошқача, тоғ олди қияликларидан яна бошқача, азалий музликлар тепасидан қараганда ундан ҳам бошқача кўринади. Дунё бир нуқтадан бошқасидан қараганга нисбатан кенгроқ кўринади. Аммо бу, бир нуқтадан бошқасига нисбатан тўғрироқ кўринади, дегани эмас. Шунга кўра, агар ёзувчи бизга ҳаётининг турли пиллапояларида яратилган ёдгорликларни қолдирадиган бўлса, бунда энг муҳими, унда туғма истеъдод ва холис ният бўлсин, ҳаётининг ҳар бир даврида оламга самимий назар билан боқсин ва уни соф туйғу билан қабул қилсин, ҳеч бир ортиқча мақсадсиз, қандай ўйлаган бўлса, шундай баён этсин. Ўшанда унинг битиклари яратилган даврда тўғри бўлган бўлса, муаллиф кейин қанчалик ўзгариб, тараққий этган бўлмасин, барибир шундайлигича қолаверади.

Мен бу фикрларга тўлиқ қўшилдим.

— Яқинда кўлимга ғижимланиб ётган бир варақ қоғоз тушиб қолди, — сўзида давом этди Гёте, — уни ўқиб кўрдим. «Ҳм! — дедим ўз-ўзимга, бу ерда ёзилган гаплар тўғри, сен ҳам худди шундай ўйлайсан, худди шундай деган ҳам бўлардинг». Кейин ўша қоғозни бундоқ айлантриб қарасам, у ўз асарларимдан бирининг варағи экан. Тинимсиз олдинга интиларканман, нималар ёзганимни унутиб ҳам қўяман, ҳадемай ўз асарларимга худди бировникидек қарайдиган бўлиб қоламан, шекилли.

«Фауст» устидаги иш қандай кетаётганига қизиқдим.

— У мени қўйиб юбормаяпти, — деди Гёте, — фақат уни ўйлаяпман ва ҳар куни у учун нимадир кашф қиляпман. Бугун иккинчи қисм кўлёмасини муқовалашни буюрдим, салмоқдор бир буюм сифатида кўз олдимда турсин дедим. Ёзилмаган тўртинчи фасл ўрнини тоза қоғозлар билан тўлдирдим, не-

гаки тугалланган қисм, шубҳа йўқки, диққатни ўзига тортиб, чала қолган ишни охирига етказишга ундайди. Бундай ҳиссий эслатмаларнинг аҳамияти ўйлаганимиздан кўра ортиқроқ, ақлий меҳнатга турли кўнгилочар йўллар билан мадад бериш керак.

Гёте «Фауст»нинг янги муқоваланган нусхасини келтиришни буюрди, ёзилган нарсанинг салмоғидан ҳайратда қолдим, қўлёзма нақ катта бир жилд сингари кўз олдимда ётарди.

— Қаранг-а, шунинг ҳаммаси мен шу ерда бўлган олти йил давомида ёзилган, — дедим мен, — ахир қанча-қанча бошқа ишлар, вазифалар Сизни банд қилди, бунга жуда кам вақт сарф қилдингиз. Аммо кўриб турганимиздек, гарчи одам бирор нарсага аҳён-аҳёнда эътибор қаратса-да, мана, нимадир дунёга келар экан.

— Ёшинг ўтган сайин бу нарсага амин бўлаверасан киши, — деди Гёте, — ёшлигингда ҳамма нарса бир кунда қилинади, деб ўйлайсан. Агар омад мендан юз ўгирмаса, ўзимни хушҳол сезсам, келаётган баҳор ойларида тўртинчи фасл устида қаттиқ ишлаш ниятим бор. Маълумингизким, бу фаслни аввалдан ўйлаб қўйган эдим, бироқ қолган саҳналарни ёзиш давомида беҳад чўзилиб кетганлиги боис ўйлаган нарсаларимдан энг умумийларини оламан, ана энди орада қолиб кетган тўртинчи фасл учун унга янги саҳналарни қўшишим керак.

— Иккинчи фаслда, — дедим мен, — биринчидагига нисбатан ҳар жиҳатдан бой дунё намоён этилган.

— Шубҳасиз, — деди Гёте, — биринчи фасл деярли субъектив характерга эга, у бутунлай ўз ҳиссиётларига берилган, ўша ҳиссиётлар тузоғидан чиқолмаган шахс томонидан баён этилган, мана шу ярим қоронғи муҳит одамларга маъқул келган бўлса ажаб эмас. Иккинчисида эса, субъективликдан ном-нишон йўқ, бунда биз юксакроқ, кенгроқ, ёруғроқ, ҳиссиётлардан холи бир оламни кўрамиз, ҳаётида анча-мунча синовларга дуч келмаган, кўп ишларни бошидан кечирмаган одам бу фаслда ҳеч нарсага тушунолмайди.

— Унда кўпгина бошқотирмалар мавжуд, — дедим мен, — уларнинг тубига етиш учун кишидан анчагина билим талаб қилинади. Яхшиям мен Шеллингнинг кабирлар¹ ҳақидаги китобини ўқибман, энди «Классик Вальпургия кечаси»даги бир қизиқ жойида нима ҳақда сўз юритганингизни биламан.

— Мен ҳамиша, — деди Гёте, — бирор нарсани билиш ҳеч қачон зарар келтирмайди, дейман.

¹ Кабирлар - қадимги юнон худолари гуруҳи.

1831 йилнинг 18 феввали, жума

Гёте билан тушлик қилдик. Бошқарувнинг турли шакллари ҳақида гурунглашдик, янги-янги талаблар қуршовида қолиб кетиб, қайсисини қондиришни билмай, йўл қўйилган ҳаддан ортиқ кўнгилбўшлик оқибатида келиб чиқадиган қийинчиликлар ҳам тилга олинди. Айримларнинг фикрича, давлатни саҳийлик, юмшоқлик ва бағрикенглик билан узоқ вақт бошқариб бўлмайди, негаки ҳамма бир хил эмас, яхши, ёмон одамларнинг уқтиришларича, давлатни бошқариш беҳад мураккаб иш, шунинг учун ҳукмдорнинг иккинчи даражали ишларга, айтайлик, санъатга ортиқ даражада диққатни қаратиши яхши эмас, бунинг оқибатида нафақат ҳукмдорнинг манфаатлари, балки муҳимроқ соҳаларда давлат кучлари ҳам зарар кўради. Санъатга иштиёқ алоҳида давлатманд одамларнинг иши бўлмоғи керак.

Сўнгра Гёте менга Сорэнинг таржимаси туфайли «Ўсимликлар метаморфозаси» асари сезиларли олдинга силжиётганини, ушбу мавзунини, айниқса, ўсимликларнинг спирал ривожланишини кўшимча ишлаб чиқиш жараёнида кутилмаганда четдан ёрдам келганини айтди.

— Сизга маълумки, бизнинг таржима билан шуғулланганимизга бир йилдан ошди, — деди у, — йўлимизда минглаб тўсиқлар учради, иш гоҳида ўзимга ёқмай тўхтаб ҳам қолди, уни баъзан ичимда лаънатлардим. Энди вазият шундай бўлдики, ўша тўсиқлар учун худога шукур қиляпман, биз иккиланиб юрган пайтимизда бошқа ақлли одамлар бу мавзуда янгиликлар яратишиб, менинг тегирмонимга сув қуйишди, менга ишимни ҳар томонлама илгарилатишга, уни охирига етказишга туртки беришди, бундан бир йил олдин бу ҳақда орзу ҳам қилолмагандим. Бунақа ҳоллар ҳаётимда тез-тез бўлиб туради, шундай кезларда тепадан бўладиган таъсирга беихтиёр ишона бошлайсан, уни англаб етишга ҳаракат ҳам қилмасдан, шукроналик келтирасан, холос.

1831 йилнинг 19 феввали, шанба

Гётеникида сарой маслаҳатчиси Фогель билан бирга тушлик қилдик. Гётега Хельголанд ороли ҳақида кимдир брошюра юборган экан, уни катта қизиқиш билан ўқиб, бизга унинг энг муҳим жойларини айтиб берди.

Ер юзидаги ушбу ўзига хос манзил ҳақидаги гурунгдан сўнг тиббиёт масалаларига навбат келди, ҳар қанча эмлашларга қарамасдан Айзенаҳда табиий чечак эпидемияси тарқалиб, бир неча одам ҳаётдан кўз юмганмиш.

— Табиат, — деди Фогель, — биз билан жуда қаттик ҳазиллашяпти, унга қарши бирор назария ишлаб чиққанда эҳтиёт бўлмоқ керак. Чечакка қарши эмлаш шунчалик тўғри ва ишончли эдики, у қонунга айлантирилган эди. Айзенахдаги воқеадан кейин, эмланган одамлар чечак билан касаллангач, эмлашга ҳам шубҳа туғилиб, қонунга ҳурмат сусайиб қолди.

— Шунга қарамасдан, — деди Гёте, — мен эмлаш бундан кейин ҳам мажбурий бўлишининг тарафдориман, бунақа тасодифий ҳодисаларни қонуннинг мислсиз фойдаси билан қиёслаб бўлмайди.

— Мен ҳам шундай фикрдаман, — деди Фогель, — ҳатто айтишим мумкинки, барча мана шундай ҳолларда, яъни эмланган одам табиий чечак билан оғриси, демак, эмлаш нотўғри бўлган. Чечакка қарши эмлашнинг фойдаси бўлиши учун у кучли бўлиши ва юқори ҳарорат билан ўтиши керак, ҳароратсиз, баданнинг салгина қичишиши билан ўтса, бефойда. Мен бугун тиббиёт ходимларининг анжуманида ҳамма жойдаги эмлаш учун мутасадди одамлар чечакка қарши кучли дозаларни қўллашлари лозим, деган таклифни киритдим.

— Ишонаманки, Сизнинг таклифингиз инобатга олинган, — деди Гёте, — мен ҳамisha қонунга қатъий риоя қилиш тарафдориман, айниқса, ҳозирги пайтда ланжлик ва ҳаддан ташқари кўнгилбўшлик ортиқча ён беришларга олиб келмоқда.

Шундан сўнг, жинойтчининг ўз қилмишига ўзи жавоб бериши масаласида суд қатъиятсизлик ва бўшангликка йўл қўяётгани, одатда гувоҳларнинг кўрсатмалари ва тиббиёт экспертизаси хулосалари жинойтчиларни қонуний жазодан ҳимоя қилишга қаратилгани борасида сўзлашдик. Фогель, ана шундай ҳолларда қатъиятлилик кўрсатган бир ёш врачни мақтади: яқинда суд болани ўлдирган бир аёлни жинойтчи деб ҳисоблаш керакми ёки йўқми, деган масалада иккиланганда, у қатъий туриб унинг жинойтчи эканлигини исбот қилди.

1831 йилнинг 20 феввали, якшанба

Гётеникида тушлик қилдик. У менинг қор юзасидаги кўкиш тус ҳақидаги кузатишларимни ўзи муфассал тажриба қилиб кўргач, унинг ҳақиқатан ҳам кўк осмоннинг акси эканлигини тўғри деб ҳисоблашини бугун менга маълум қилди.

— Бунда иккиёқлама таъсир ҳам бўлиши мумкин, — деди у, — нурнинг сарғиш акси кўкиш ҳолатни кучайтириши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Мен бу фикрга тўлиқ қўшилдим ва ниҳоят, Гёте менинг ҳақлигимни тан олганидан қувондим.

— Шундан афсусдаманки, — дедим мен, — Монте Роза ва Манбландаги нурлар устидаги кузатишларимни ўша жойнинг ўзида батафсил қоғозга туширмаганман. У ердаги энг муҳим натижа шу эдики, қуёш чарақлаб турган туш пайтида, ўн саккиз-йигирма мил наридаги қор кўкиш, ҳатто қизғиш-сарик бўлиб, тоғ тизмасининг қорсиз қисми эса кўкиш тусда кўринарди. Ушбу ҳолатдан мен ҳайрон қолмадим, чунки оралиқ хира муҳитнинг тегишли массаси туш пайтидаги қуёш нурини оппоқ қорда акс эттириб, унга тўқ сарик тус беради, бу ҳолатнинг мени қувонтирганига асосий сабаб шу эдики, у айрим табиатшуносларнинг, ҳаво кўк ранг бериш хусусиятига эга, деган хато қарашларини тамоман рад қилди. Бордию ҳавода кўклик хусусияти бўлганида эди, йигирма мил наридаги, мен билан Монте Роза оралиғида ётган қор сарик ёки қизғиш-сарик эмас, балки кўкиш, ҳеч бўлмаса оч ҳаворанг тусда бўлиши керак эди.

— Бу кузатишнинг, — деди Гёте, — аҳамияти бекиёс, у табиатшуносларнинг барча хато қарашларига чек қўяди.

— Аслида, — дедим мен, — хира муҳит ҳақидаги назария жуда оддий, назарингда уни бошқа бирор кишига бир неча кун, ҳатто бир неча соат ичида тушунтириш осондек туюлади. Бунда энг қийини — қонунни ишга солиш ва минг хил нарсага боғлиқ бўлган ва пардаланган кўринишларда содир бўладиган дастлабки ҳолатни пайқай билиш.

— Мен буни вист¹ ўйинига қиёслаган бўлардим, — деди Гёте, — унинг қоидаларини эгаллаш қийин эмас, аммо бу ўйинда устаси фаранг бўлиш учун узок вақт ўйнашга тўғри келади. Фақат эшитиш билан бир нарсага эришиб бўлмайди, бирор ишда ўзинг фаол иштирок этмасанг, билиминг юзаки ва яримта бўлиб қолади.

Шундан кейин Гёте менга бир ёш физикнинг китоби ҳақида гапириб берди ва унда фикрларнинг ёрқин баён қилинганини мақтади, шу сабабли ҳатто китобнинг теологияга кўпроқ оғишини ҳам кечирганини айтди.

— Одамга ўзини худо мўъжизаси деб ҳисоблаш хусусияти хос, — деди Гёте, — бошқа ҳамма нарсаларни у фақат ўзига хизмат қиладиган ва фойда келтирадиган воситалар деб ҳисоблайди. У ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини эгаллади, қолган барча мавжудотларни ўзи учун яроқли озуқа сифатида

¹ *Вист* — карта ўйинининг бир хили.

истеъмол қилиб, унга оталарча ғамхўрлик қилаётган Тангрига шукроналар айтади. У сигирдан сут, асаларидан асал, қўйдан жун олади, шулардан ўзига фойдали жиҳатларни танлайди-да, шуларнинг ҳаммаси мен учун яратилган, деб ҳисоблайди. У ҳатто кичкинагина чўпнинг ҳам ўзи учун яратилмаганини ақлига сиғдиролмайди, бордию у унинг ўзи учун қандай фойда келтиришига ақли етмаган бўлса, ҳали вақти келиб буни ҳам билиб олади.

Одам умуман қандай фикр юритса, ҳар бир алоҳида ҳолат ҳақида ҳам шундай фикрлайди, албатта, ҳаёт ҳақидаги одатий тасаввурларини фанга олиб киришни ҳам унутмайди ҳамда тирик мавжудотнинг алоҳида қисмларини таҳлил қилар экан, уларнинг вазифаси ва келтирадиган фойдаси ҳақида ҳам ўйлайди.

Бу ҳолат маълум муддат давом этади, фанда ҳам у маълум муддатда бунинг уддасидан чиқиши мумкин, бироқ у тез орада шундай ҳодисаларга дуч келадики, ўзининг тор дунёқараши билан буларнинг тубига етолмайди ва улардан юқорилаб кетолмаса, бутун қарама-қаршиликлар тўрига ўралашиб қолади.

Мана шундай фойда орқасидан қувувчилар: ҳўкизга шох ўзини ҳимоя қилиш учун керак, дейишади. Бейхтиёр савол туғилади: Нега қўйнинг шохи йўқ? Бўлса ҳам кулоқларининг орқасида буралиб туради, демак, улар бефойда экан-да? Ҳўкизнинг шохи борлиги учун ўзини ҳимоя қилади, десак, сал бошқача бўлади.

Мақсадга қаратилган «нимага?» деган савол илмий эмас, «қандай?» деган савол бизга сал илгарилашга ёрдам беради. Агар мен, ҳўкизнинг қандай шохи бор, деб савол берсам, бу мени унинг тузилишини кузатишга бошлайди ва бир вақтнинг ўзида менга, нега шернинг шохи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, деган илмни ўргатади.

Шундай қилиб, инсоннинг бош суягида иккита ичи бўш ковак бор: «нимага?» деган савол билан бу ерда ҳеч нарсага эришолмайсан, аксинча, «қандай?» саволи менга бу коваклар ҳайвон бош суягининг қолдиқлари эканлигини англаб етишга кўмаклашади. Ҳайвонлар танаси тузилишининг оддийлиги туфайли бу уларда кучлироқ билинади, одам танасининг юксак даражада ривожланганига қарамасдан, улар йўқолиб кетмаган.

Фойда орқасидан қувувчилар, агар ўзини ҳимоя қилиши учун ҳўкизга шох берган Зотга топинмай қўйишса, худоларидан айрилиб қолишдан кўрқишади. Мен эса, шундай Зотни шарафлайманки, у ўз яратувчилик фаолиятида шу қадар сазий бўлганки, минг хил турдаги ўсимликларни яратиш билан

чегараланмасдан, уларнинг ҳаммасини ўзида бирлаштирадиган яна биттасини яратган, минглаб турдаги махлуқотлардан кейин уларнинг ҳаммасига хос белгиларни ўзида жамлаган битта жонзот, яъни одамни яратган.

Бошқалар хайвонга емиш, одамга истаганча суву овқат берган Зотни шарафлайверишсин, мен эса, шундай хаётбахш кучларни дунёга раво кўрган Зотга сизинаманки, агар ўша кучларнинг миллиондан бир бўлаги хаётда иштирок этса, ёруф олам тирик жонзотлар билан шунчалик тўлиб-тошганки, на уруш, на вабо, на сув, на олов унга кўркинчли бўлолмайди. Мана шу менинг Тангрим!

1831 йилнинг 21 феввали, душанба

Гёте Шеллингнинг Мюнхень талабаларини тинчлантиришга туртки берган охириги нутқини мақтади.

— Унинг нутқи, — деди у, — бошдан-охиригача мактовга сазовор, биз ҳамиша хурмат қиладиган бундай талант соҳиби билан яна бир бор фахрланамиз. Бу гал унга хайрли ният ва покиза мақсад раҳнамолик қилган, шу боисдан нутқ аъло даражада чикди. Агар биз унинг кабирлар ҳақидаги кито-бидаги ният ва мақсадлар борасида ҳам худди шу гапни айтадиган бўлсак, унда биз уни шу асари учун қутлашимиз лозим бўлади, негаки у нотиклик санъатини намойиш қила олди.

Шеллингнинг «Кабирлар»и суҳбат мавзусини «Классик Вальпургия кечаси»га буришга, унинг биринчи қисмидаги Броккен саҳнасидан қанчалик фарқланишини муҳокама қилишга асос бўлди.

— Аввалги «Вальпургия кечаси», — деди Гёте, — якка-хокимлик характериға эга, у ерда ҳамиша иблис ёлғиз ҳукм-ронлик қилади, «Классик...» эса тамоман республика характерида, бу ерда ҳамма бир қаторда туради, бири бошқасидан афзал эмас, ҳеч ким бировга тобе ҳам эмас, бири иккинчиси ҳақида қайғурмайди ҳам.

— Бундан ташқари, — дедим мен, — «Классик кеча»да ҳаммаси алоҳида, ҳар бир иштирокчи кескин фарқланиб турувчи шахс, немис Блоксбергида эса, ҳар бири алвастиларнинг умумий тўдасига қўшилиб кетган.

— Шунинг учун ҳам, — деди Гёте, — Ҳомункул фессалий алвастилари ҳақида сўз очганда, Мефистофель гап нимадалигини дарҳол тушунади. Қадимиятнинг ҳақиқий билимдони «фессалий алвастилари» сўзини эшитса, ниманидир

кўз олдига келтира олади, оми одам учун бу маъносиз товушларнинг ўзи.

— Қадимият, — дедим мен, — Сиз учун, эҳтимол, тирик дунё бўлса керак, акс ҳолда бу тимсолларни қандай қилиб шу қадар жонли тасвирлаб, улар билан эркин муомала қила олардингиз.

— Агар мен бир умр тасвирий санъат билан шуғулланмаганимда, — деди Гёте, — бу иш кўлимдан келмаган бўларди. Бунда энг қийини, беҳад кўп материал орасида меъёрни билиш ва менинг ниятимга мос келмайдиган тимсоллардан воз кечиш эди. Мана, масалан, Минотавр¹, Ҳарпия²лар ва бошқа кўплаб махлуқларни асарга киритмадим.

— Лекин Сизнинг тасвирингиздаги ўша кечаси бўлиб ўтган воқеалар, — дедим мен, — шунчалик бир-бирига уйғун ва туркумларга ажратилганки, тасаввурингда ҳаммаси ёрқин жонланади ва ягона бир кўринишда намоён бўлади. Албатта, рассомлар буларнинг ҳаммасини тасвирлаш имкониятини кўлдан чиқаришмайди, айниқса Мефистофелни форкиадалар³ қаршисида кўриш, улардан бирининг тимсолидаги ниқобда ён томондан кўриш мени ҳайратга солди.

— У ерда анча-мунча яхши топилдиқлар бор, — деди Гёте, — улардан ҳали эртами-кечми одамлар бир илож қилиб фойдаланишади. Французлар «Хелена»ни ўқиб бўлиб оқ ундан театр учун нима қилиш кераклигини англаб етишади! Улар уни, албатта, борлиғича бузишади, лекин ундан ўз мақсадлари йўлида оқилона фойдаланишади, улардан кутиладиган нарса ҳам шу-да. Шубҳасиз, уларда форкиадани махлуқлар хори ўраб олишади, бир жойда буни ўзим ҳам эслатганман.

— Қани эди, романтик мактабнинг бирорта қобилиятли шоири ундан опера учун либретто яратса, Россинидек буюк истеъдод соҳиби унга мусиқа басталаса, «Хелена» мислсиз таъсир кучига эга бўларди. Ахир унда дабдабали декорациялар, ғаройиб ўзгартиришлар, ажойиб костюмлар, фусункор балет номерлари бошқа спектаклларга нисбатан унда кўпроқ, бундаги пурмаъно ривоят асосига қурилган, ўйлаб топиш

¹ *Минотавр* — қадимги юнон мифологиясида танаси одамга, боши хўкизга ўхшаган махлуқ.

² *Ҳарпия* — қадимги юнон мифологиясида боши одамга, танаси қушга ўхшаган аёл-махлуқ, қуюн худоси.

³ *Форкиадалар* — юнон мифологиясида денгиз пири Форкиснинг уч кизи, улар воятда бадбашара бўлишган. Учовларига битта тиш ва битта кўз берилган бўлиб, улардан навбатма-навбат фойдаланишган. «Фауст»нинг учинчи фаслида Мефистофель форкиада киёфасида пайдо бўлади.

осон бўлавермайдиган ҳиссиётга роят бой лаҳзалар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади.

— Худо бизга нимани раво кўради, кутамиз, — деди Гёте, — бундай ишларда шошилиб бўлмайди. Одамлар «Хелена»ни яхши англаб етишлари, театр директорлари, шоирлар, композиторлар бундан қандай манфаат кўришларини билишлари лозим.

1831 йилнинг 22 феввали, сешанба

Кўчада консистория¹нинг катта маслаҳатчиси Швабе²ни учратиб қолиб, уни биров кузатиб бордим, у менга ўзининг хилма-хил машғулотлари ҳақида гапириб берди, мен эса, бу ажойиб инсоннинг муҳим фаолият доирасидан хабардор бўлдим. У бўш пайтларида ваъзлари, амру фармонларини бир жилдга йиғиб нашрга тайёрлаётганини ҳам айтди, бундан ташқари, унинг дарсликларидан бири яқинда дан тилига таржима қилиниб, қирқ минг нусхада тарқалганмиш, Пруссияда бу китобни имтиёзли мактабларга тавсия қилишипти. Хайрлашаётганимизда Швабе мени уйига таклиф қилди, мен бунга жон деб рози бўлдим.

Гётеникидаги тушлик чоғида Швабе ҳақида сўз очдим, Гёте менинг у ҳақдаги мақтовларимни тўлиқ маъқуллади.

— Улуф ҳерцогиня ҳам, — деди у, — уни беҳад кадрлайди, бу хоним кимнинг кимлигини жуда фарқлайди. Унинг портретини чиздириб, коллекциямга қўшиш ниятим бор, агар уникига борганингизда бунга унинг розилигини сўрасангиз, Сиздан миннатдор бўлардим. Албатта уникига боринг, ишлари ва режаларига хайрихоҳлигингизни изҳор қилинг. Унинг ўзига хос фаолият доирасига кириб бориш Сиз учун қизиқарли бўлиши тайин, негаки яқиндан танишмай туриб бу ҳақда тасаввур ҳосил қилиш қийин.

Шундай қилишга ваъда бердим, амалий ҳаётда фаол иштирок этиб, бошқалар учун куйиб-пишиб юрадиган бундай одамга ўзимнинг ҳам иштиёқим баланд эди.

1831 йилнинг 23 феввали, чоршанба

Тушликдан олдин Эрфурт шоссе йўлида сайр қилиб юрганимда Гётени учратиб қолдим, у извошини тўхтаттириб, мени

¹ Консистория — протестант динида черков маъмурий органи.

² Швабе Йоханн Фридрих (1779—1834) — консисториянинг катта маслаҳатчиси.

ёнига таклиф қилди. Биз табиий ҳодисалар ҳақида сўзлаша-сўзлаша анчагина йўл босиб, кичик тепаликдаги арчазорга етдик.

Тепалик ва тоғлар қор билан қопланган эди, мен нозик сарғиш рангни эслатдим, бир неча мил нарида, ораликдаги хира муҳит оқиш сариқ эмас, балки тўқ кўк тус бериб турарди. Гёте фикримга кўшилди, кейин дастлабки ҳолатнинг аҳамияти, унга илохий бир кучнинг стакчилик қилиши хусусида сўзлашдик.

— Ушбу олий хилқат ақл-идрок ёки онгга эгами, деб сўрамайман, — деди Гёте, — балки сезиб турибман: у ақл-идрок ва онгнинг ўзи. Барча тирик нарсалар у билан йўррилган, одамга эса, бу шу даражада берилганки, у энг олий нуқталарни билишга қодир.

Тушлик маҳали айрим табиатшуносларнинг маъданшуносликдан юз ўгириб, органик оламни ўрганишга киришганларини тилга олдик.

— Бу жуда катта хато, — деди Гёте, — маъданшунослик оламида энг содда нарса ҳам энг нафосатли ҳисобланади, органик оламда эса, ҳамма нарса жуда мураккаб. Кўриниб туриптики, иккала дунёга хос тамойиллар ҳар хил ва уларнинг биридан иккинчисига поғонама-поғона ўтиб бўлмайди.

Бу сермаъно сўзларни ёдимда сақлаб қолдим.

1831 йилнинг 24 феввали, пайшанба

Гётенинг «Вена йилномаси»да босилган Цан¹ ҳақидаги мақоласини ўқияпману уни ёзишда таянилган асосларнинг кўплигидан ҳайратга тушяпман.

Тушлик чоғида Гёте менга Сорэ келганини ва «Метаморфоза» таржимасида анчагина илгари силжишганини айтди.

— Табиатни кузатишда энг қийини, — деди Гёте, — қонунни биздан яширин бўлган жойда кўра билиш ва бизнинг ҳиссиётларимизга бегона бўлган ҳодисаларга алданиб қолмасликда. Негаки, табиатда айрим нарсаларнинг ҳиссиётларимизга бегона эканлиги — ҳақиқат. Бизнинг ҳиссиётларимиз қуёшнинг бир жойда қимирламай туришини, чиқмаслиги ва ботмаслигини, ернинг яшин тезлигида айланишини қабул қилолмайди, салгина илми бўлган одам бунга шубҳа қилмайди. Ўсимликлар дунёсида ҳам ана шундай зид ҳодисалар учраб туради, бунда ҳам хатога йўл қўймаслик учун эҳтиёт бўлиш керак.

¹ Цан Йоханн Карл Вильхельм (1800–1876) — рассом ва меъмор.

Бугун Гётенинг «Ранглар хақидаги таълимот»ини ўқиб амин бўлдимки, мен шу йиллар орасида кўплаб ҳолатлар устида тажрибалар ўтказиб, асар моҳиятига чуқур етиб, Гётенинг бу соҳадаги буюк хизматларини очик-равшан тушунишга кодир бўлибман. Бундай асар қанчалик меҳнат, саъй-ҳаракатлар эвазига юзага келганидан нафақат хайратга тушаман, балки сўнгги натижаларни кўлга киритиш учун қандай ишлар амалга оширилганига ҳам чуқурроқ разм соламан.

Юксак маънавий қудратга эга бўлган кишигина шундай ишнинг уддасидан чиқа олиши мумкин, бу соҳада унинг изидан боришни истаган одам кўп жиҳатдан ундан юқори турмоғи керак. Қалбидан ҳар қандай ифлос, ёлғон, такаббурлик белгиларини чиқариб ташламоғи лозимки, акс ҳолда тоза, самимий қалб нафрат билан уни рад этади. Одамлар шу ҳақда қайғурганларида эди, хаётларининг бир неча йилни шунга бағишлаб, ана шу илм доирасини айланиб ўтиб, шу орқали ўз ҳис-туйғулари, ақл ва характерларини синовдан ўтказган ва пешлаган бўлардилар. Шунда қонуниятни чуқур ҳис этган ва бандасининг қанчалик имкони бўлса, шунча илоҳийликка яқинлашган бўларди.

Аксинча, улар кўпроқ поэзия ва тасаввурга сирдириб бўлмайдиган сир-асрорлар билан банд бўлишади, улар субъектив ва қулай бўлиб, одамга ортикча талаб қўймайди, аксинча, уни аввал умидвор қилади-да, охир-оқибат у қандай бўлган бўлса, ўша ҳолатда ташлаб кетади.

Поэзияда фақат улуғлик ва софлик инсон фойдасига хизмат қилади, у гўё иккинчи табиат бўлиб, бизни ё ўз даражасига кўтаради ёки бўлмаса биздан нафратланиб юз ўгиради. Етук бўлмаган поэзия, аксинча, биздаги хатоларни чуқурлаштиради, шоирнинг бўшлиғи бизни ҳам суст қилиб қўяди, ўзимиз англамаган ҳолда шундай бўлиб қоламиз, негаки табиатимизга мос бўлган нарсалар етук эмас, деб ҳисобламаймиз.

Яхшими, ёмонми, умуман поэзиядан маълум бир фойда олишни истаган одам ўзи тафаккурнинг юксак поғонасида туриши ҳамда шунга ўхшаш ҳодисаларга биздан ташқарида мавжуд бўлган нарсалар деб қараш учун оёғи остида мустаҳкам заминга эга бўлиши зарур.

Шу боисдан мен табиат билан алоқада бўлишни маъқуллаймаман, у биздаги сусткашликни ҳечам ёқтирмайди ёки онгимизнинг шаклланишига таъсир кўрсатади, ё бўлмаса биз билан умуман иши бўлмайди.

Кун бўйи Гётенинг «Таржимаи хол» қўлёмасининг тўртинчи жилди билан шуғулландим, кеча уни менга юбориб, кўриб чиқишимни ва бунга бирон нарса қўшиш керакми-йўқми, аниқлашимни сўраган эди. Ушбу асарнинг ҳозир қандайлиги ва келажакда қандай бўлиши мумкинлигини ўйлаб қувониб кетаяпман. «Шеърят ва ҳақиқат»нинг баъзи жилдлари тўлиқ ниҳоясига етган, ортиқ ҳеч нарса керак эмас. Бошқаларида эса, аксинча, тасвир бир маромда эмас, эҳтимол, бунга сабаб, уни танаффуслар билан турли даврларда ёзганлигидир.

Ушбу тўртинчи жилд аввалги уч жилддан кескин фарқ қилади. Шубҳасиз, улар аниқ бир йўналишда илгарилаб боради, муаллифнинг кўп йиллар давомидаги ҳаёт йўли яхлит намоён бўлади. Тўртинчи жилдда эса вақт силжимаётгандек туюлади ва муаллифнинг интилишлари ҳам аниқ сезилмайди. Кўп нарсалар кўзда тутилган, бироқ ниҳоясига етказилмаган, кўп нарсалар ният қилинган, аммо ўзгача бажарилган, гўё бунда қисматга ўхшаш яширин ҳаракат қилаётган бир куч бор-у, у хилма-хил иплардан келажакда поёнига етадиган мато тўқиётганга ўхшайди.

Шу сабабли, бу жилдда ўша сирли ва муаммоли куч ҳақида мулоҳаза юритиш жоиздир, бу кучни ҳамма ҳис этади, бирорта файласуф уни тушунтириб беришга қодир эмас, тақводор одам эса, унинг тўрларидан бирорта таскин берувчи сўз билан чиқиб кетади.

Бу ҳеч бир изоҳга сиғмайдиган дунёвий ва ҳаётий жумбоқни Гёте девкор куч деб атайди, у бунинг моҳиятини тушунтирса, ҳақиқатан ҳам шундай эканлигини сезамиз ва ўшанда ҳаётимизнинг кўз илғамас жойларидаги парда кўтарилгандек бўлади. Биз энди анча узок жойни ҳам аниқроқ кўраётгандек бўламиз, бироқ кўп ўтмай, бунинг жуда улкан ва кўп қиррали эканлигини, бизнинг назаримиз уни маълум чегарагача илғай олиши маълум бўлади.

Инсон зоти майда нарсалар учун туғилган, фақат ўзига таниш ва яқин бўлган нарсаларгагина унинг ақли етади. Билимдон одам бирор картинага қараб туриб, унинг алоҳида жиҳатларини ўзининг ақли етадиган бир бутунлик билан боғлайди, шунда ўша яхлитлик барча майда қисмлари билан уйғунликда унинг кўз ўнгида жонланади. У картинанинг айрим жузъий томонларига эътибор қилмайди, у ёки бу чехра гўзалми ёки хунукми, у ёки бу жой ёруғми ёки қоронғими,

деган саволларни бермайди, уни фақат ҳаммаси ўз жойидами, қонунийми, талаб даражасидами, деган савол қизиқтиради. Бирорта санъатдан беҳабар одамни анча-мунча йирик картина олдиға қўйсак, шунга амин бўламизки, уни айрим жиҳатлар ўзига тортади, айримлари ёқмайди, картина яхлит ҳолда умуман уни ҳаяжонга солмайди, охири унинг диққатини одатдаги майда нарсалар ўзига тортади-да, манави каска ёки қилич яхши чизилган, дейишдан нариға ўтмайди.

Аслини олганда, биз одамлар, дунё қисматига тегишли улур картиналар олдида у ёки бу даражада ўша санъатдан беҳабар одам ҳолиға тушамиз. Картинанинг ёруғ томонлари бизни ўзига жалб этади, қоронғи, соя томонлари эса ўзидан нари итаради, уни бир бутун ҳолида қабул қилишға бекорға уринамиз-да, барча қарама-қаршиликларни унга тиркаб қўяқоламиз.

Инсонларға тегишли масалаларда, агар одам улур ижодкорларнинг билим ва санъатларини мукамал ўзлаштиришға қудрати етса, етук билимдон бўлиши мумкин, аммо илоҳий масалаларда ўшандай мартабаға эришмоқ учун олий зот даражасига етиш жоиз бўлади. Бордию ўша олий зот ўз сирларини бизға очиб, манзур қилишни истаганида эди, биз уларни тушунмай, улардан қандай фойдаланишни билмай тураверардик ва охир-оқибат билимдон одам ўз фикрларида қандай мантиқий далиллардан келиб чиққанини ҳеч бир йўл билан тушунтирмаган анави санъатдан беҳабар бандаға ўхшаб қолаверардик.

Шу жиҳатдан олганда, барча динларнинг худо томонидан берилмаганлиги, аксинча, уларни кенг халқ оммаси онгига сингдириб, улар ихтиёриға беришға қодир бўлган улур инсонлар томонидан яратилгани ҳақ гап.

Агар динларни худо яратганида эди, омма уни тушунмаган бўларди, улар инсонлар томонидан яратилгани боис уларни идрок этолмаслик ҳақида ҳеч бир сўз йўқ.

Юксак даражада тараққий этган қадимги юнонлар дини, идрок этиб бўлмайдиган нарсанинг турли кўринишларини алоҳида-алоҳида худоларда намоён қилишгани учун кенг тарқалмади. Мифология натижаси бўлган бундай мавжудотлар чегараланганлиги ҳамда бир бутунликнинг ўзаро алоқасида бўшлиқ пайдо бўлиб қолгани туфайли юнонлар ҳамма нарса устидан ҳукмронлик қилувчи фотум¹ роясини ўйлаб топишди, шу роя орқали гап яна ўша идрок этиб бўлмайдиган нарсаға бориб тақалди, улар унинг моҳиятиға етиш ўрниға, ундан юз ўгириб қўяқолишди.

¹ Фотум — қисмат, тақдир маъносида.

Исо яккахудоликни тарғиб қилди ва ўзида мавжуд бўлган мукамалликнинг барча белгиларини унга мансуб этди. Бу худо ундаги гўзал ички дунёнинг ифодаси, яхшилик ва меҳр-мухаббатга лиммо-лим зот бўлиб, яхши одамлар унга ихлос қўйиб, бундай ғояни фалак билан ширин алоқа сифатида қабул қилишлари мумкин.

Биз худо деб атайдиган буюк зот нафақат одамларда, бой, улкан табиатда ва беқиёс дунёвий ҳодисаларда ҳам ишъикос этар экан, унда шубҳасиз, инсонларга хос белгиларга асосланган у ҳақдаги тасаввур етарли эмас, мулоҳазали одам сўзсиз мағлубият ва тўсиқларга дуч келадики, агар у ўзига майда-чуйда ютуқлари билан таскин бериш даражасида майдакаш ёки янада юксак қарашлар поғонасига етиш даражасида улуг бўлмаса, унда ўша мағлубият ва тўсиқлар уни шубҳа ва умидсизлик гирдобига отади.

Бундай нуқтаи назарни Гёте илгари Спиноза¹да пайқаган ва бу улуг мутафаккирнинг қарашлари унинг ёшлиқдаги маънавий талабларига жуда мос келганлигини қувонч билан эслайди. Гёте унда ўз-ўзини, шу билан бирга энг яхши таянчни топган.

Спинозанинг қарашлари субъектив эмас, балки худо қудрати ва йўл-йўриқлари асосида дунёда томир отаётган экан, Гёте кейинги пайтда оламини ва табиатни тадқиқ этишга киришганда уларни худди кераксиз пўчоқдек ташлаб юборишга ҳожат қолмади, аксинча, у узоқ йиллар куч тўплаб ривожланишда давом этган ўсимликнинг дастлабки илдиз ва куртаклари эди, ниҳоят, бой билимларнинг гули бўлиб барқ уриб очилди.

Гётенинг рақиблари уни кўпинча эътиқодсизликда айблашарди. У бор-йўғи уларнинг эътиқодларини тан олмасди, бу унинг учун жуда майда эди. Агар Гёте уларга ўз эътиқодини сездирганда эди, улар бундан ҳайрон қолган бўлишарди, лекин буни тушуниб етиш қўлларидан келмасди. Гётенинг ўзи олий мавжудотни қандай бўлса шундайлигича англаб етдим, деган мулоҳазадан йироқ. Унинг барча ёзма ва оғзаки фикрлари, «уни идрок этиб бўлмайди, одам фақат у ҳақда фараз қилади ва унинг кўзга кўринмас изларини ҳис этади», деган қарашдан иборат.

Умуман, табиат ҳам, биз одамлар ҳам илоҳий куч қуршовига шу қадар чулғанганмизки, у бизни бошқаради, биз унда яшаймиз, меҳнат қиламиз, абадий қонуниятлар асосида захмат чекамиз, қувониб яйраймиз, ўша қонуниятларга

¹ Спиноза Бенедикт (Барух; 1632 - 1677)

нидерланд материалист

бўйсунамиз, уларни англаб етамизми-йўкми, бундан қатъи назар, улар бизга татбиқ қилинаверади.

Ахир пиширган одамни танимаса-да, ширин кулча болага ёқаверади, олча қандай ўсиб етилганини билмаса-да, у чумчуққа мазали туюлаверади.

1831 йилнинг 2 марти, чоршанба

Бугун тушлик маҳали яна девкор куч ҳақида сўз очилди, бу тушунчани аниқроқ ифодалаш учун Гёте қуйидагиларни айтди:

– Девкор куч шундайки, на ақл, на фаҳм-фаросат билан уни англаб бўлмайди. Менинг табиатимга у бегона, бироқ мен унинг амру фармонидаман.

– Наполеонда, – дедим мен, – девкор қудрат бўлган чамамда.

– Бунга шубҳа йўқ, – деди Гёте, – бу жиҳатдан уни ҳеч кимга қиёслаб бўлмайди. Марҳум Буюк ҳерцогнинг табиатида ҳам девкор қудрат ҳукмрон эди, у тиниб-тинчимас, ҳаётий куч-қудрат шу қадар эдики, ўз кўл остидаги давлат унга кичиклик қилар, бордию катта давлатга эга бўлса, у ҳам кичиклик қилган бўларди. Ана шундай девкор табиатли одамларни юнонлар ярим худолар сафига қўшишган.

– Девкорлик белгилари турли воқеа-ҳодисаларда ҳам кўзга ташланадими? – сўрадим мен.

– Ўзига хос тарзда, – деди Гёте, – биз ақл-идрок билан фаҳмлай олмайдиган ҳамма воқеа-ҳодисаларда кўринади. У табиатда ҳам турли кўринишларда намоён бўлади, кўзга гоҳ кўринади, гоҳ кўринмайди. Бутунлай девкорлик белгиларига асосланган мавжудотлар бор, бошқаларда эса унинг баъзи элементлари мавжуд, холос.

– Мефистофелда ҳам девкорлик белгилари ҳукмрон бўлса керак-а? – сўрадим мен.

– Йўқ, – деди Гёте, – Мефистофель ҳаддан ташқари салбий табиатли мавжудот, девкорлик том маънодаги ижобий фаолиятда намоён бўлади.

– Санъаткорлар орасида, – сўзида давом этди Гёте, – рассомларга нисбатан мусиқачиларда кўпроқ учрайди. Паганини¹да бу янада ёрқинроқ ифодаланган, шундан у ўта юксак таъсир кучига эга.

¹ *Паганини Никколо (1782–1840)* – италиялик композитор, мислсиз заковатли скрипкачи.

Бу изоҳларнинг барчасидан мен беҳад қониқдим, «деворлик» деган тушунча остида Гёте нимани англаши менга равшан бўлди.

Кейин биз тўртинчи жилд хусусида узоқ гурунглашдик, Гёте мендан, буни поёнига етказиш учун нималар қилиш кераклигини белгилаб чиқишни илтимос қилди.

1831 йилнинг 3 марти, пайшанба

Гёте билан тушлик қилдик. Меъморчиликка доир альбомларни кўздан кечираётиб, Гёте, саройлар қуриш учун қурувчиларда озгина ўз ишидан қониқиш бўлиши керак, бунда одам бир тош иккинчиси устида қанча туришини олдиндан билмайди, деди.

— Чодирларда яшайдиганларга жуда яхши, — деди у, — ёки айрим инглизлар бир шаҳардан ёки бир меҳмонхонадан бошқасига кўчиб юришади, ҳамма ерда уларга бошпана ва егулик тайёр.

1831 йилнинг 6 марти, якшанба

Овқат маҳали Гёте билан турли мавзуларда гурунглашдик. Болалар ва улардаги шўхликлар хусусида ҳам сўз борди, Гёте болалик шўхликларини поядан чиққан япроқларга қиёслади, улар вақти келиб йўқолиб кетади, шунинг учун унга ортиқча диққат қилиб ўтиришнинг кераги йўқ, деди.

— Одам, — деди у, — ҳаёти давомида турли босқичларни босиб ўтади, уларнинг ҳар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига эга, улар қачон юзага келса, уларни ўша давр учун табиий ва маълум маънода зарур, деб ҳисоблаш жоиз. Навбатдаги босқичда у яна ўзгаради, аввалги фазилатлар ва қусурлардан асар ҳам қолмайди, бироқ уларнинг ўрнига янги хислатлар ва камчиликлар пайдо бўлади. Шу тариқа сўнгги эврилишгача давом этаверади, унинг қачон юз беришини биз билмаймиз.

Десертга Гёте менга 1775 йилдан бери сақланиб келган «Хансвурстнинг тўйи»¹ пьесасидан айрим парчаларни ўқиб берди. Пьеса Килиан Брустфлек монологи билан бошланади, у қанча ҳаракат қилмасин, Хансвурстга яхши тарбия беролмаганидан шикоят қилади. Бу сахна, бошқа қолган сахналар

¹ «Хансвурстнинг тўйи» — «Шеърят ва ҳақиқат»да тилга олинган мавзу. Унда юздан ортиқ аччиқ сўзлар, кулгили, кинояли лақаблар жамланган. «Хансвурст» — майнавоз, масхаравоз кимса тимсоли.

сингари «Фауст» руҳида ёзилган. Жасорат даражасидаги ижодий қудрат ҳар бир сатрдан уфуриб турарди, мен фақат бир нарсдан афсусда эдимки, бунда ҳамма нарса беҳад чегарадан чиққан, ундан ҳатто парчалар ҳам чоп этилмаган эди. Кейин Гёте менга пьесада иштирок этувчилар рўйхатини ўқиб берди, уларнинг сони юздан ортиқ бўлиб, деярли уч саҳифани эгаллаган эди. Уларнинг ҳаммаси аччиқ кинояли лақаблар, қўпол кулгили номлар эдики, мен қотиб-қотиб кулдим. Айримларида жисмоний қусурлар аниқ-таниқ кўрсатилган бўлиб, кўз ўнгингда шундоққина гавдаланарди, бошқаларида одамлардаги турли хил камчиликлар, ёмон белгилар, хуллас, маънавийтсиз оламнинг барча қирралари ўз ифодасини топган эди. Пьеса ниҳоясига етса эди, Гётенинг бу қадар кўп рамзий тимсолларни битта жонли даврага тўплашга муваффақ бўлганидан лол қолган бўлардик.

— Пьесани охирига етказиш ҳақида ўйлаганим ҳам йўқ, — деди Гёте, — чунки бу ерда гоҳида мени чулғаб олган шўхлик ўз чўққисига етган. Аслини олганда, бу менинг табиатимда йўқ, шу сабабли бундан тез орада бездим. Бунинг устига Германияда бундай пьеса билан чиқиб бўлмайди, бундай асарларнинг ўқувчилари кам. Масалан, Парижга ўхшаган кенг ҳудудда буни чиқарса бўлади, ана Беранже чикди-ку, Франкфурт ёки Ваймарда унинг чиқиши ақлга сиғмаган иш бўларди.

1831 йилнинг 8 мартини, сешанба

Бугун тушлик маҳали Гёте менга «Айвенго»¹ни ўқиётганини айтди.

— Вальтер Скотт юксак истеъдод соҳиби, унга тенг келадигани йўқ, — деди у, — унинг ўқувчилар дунёсига сезиларли таъсир кўрсатаётганига ҳайрон қолмасам ҳам бўлади. У менга мулоҳаза учун катта туртки беради, мен унда ўз қонуниятларига эга бўлган бутун бир янги санъатни кашф қиламан.

Кейин «Таржимаи ҳол»нинг тўртинчи жилди ҳақида сўзлашдик, гап охири бориб яна девкорлик тушунчасига тақалди.

— Поэзияда, — деди Гёте, — айниқса, ақл-идрок билан фаҳмига етиб бўлмайдиган вайришуурий поэзияда, шубҳасиз, девкор қудрат ҳукмрон, шу сабабли у бутун борлиғимизни чулғаб олади.

¹ «Айвенго» — Вальтер Скотт асари.

Мусикада бундай ҳолат янада ёрқинроқ кўзга ташланади, чунки у шундай юксакликка кўтарилганки, бунга ақл ожизлик қилади, у шундай таъсир кучига эгаки, ҳамма нарсани ўзига бўйсундиради ва ҳеч ким ҳисоб беришга қодир бўлмай қолади. Шунинг учун диний маросимлар ҳеч қачон усиз ўтмайди, у одамларга фаройиб таъсир ўтказишнинг ягона воқитасидир.

Девкор қудрат машҳур индивидларда, Фридрих¹ ва Улуғ Пётр²га ўхшаган ҳукмдорларда янада кучлироқ намоён бўлади.

Марҳум Буюк ҳерцогда бундай хислат шу даражада кучли эдики, унга ҳеч ким қарши туrolмасди. У ҳали ҳеч кимга яхши, дўстона муомала қилмай туриб ҳам ўзининг жим ўтириши билан одамларнинг диққатини жалб қиларди. Унинг маслаҳати билан нима иш қилсам, ҳаммаси муваффақиятли чиқарди, бирор ишда ақлим қисқалик қилаётганини сезсам, ундан йўл-йўриқ сўрардим, у ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан менга энг тўғри йўлни кўрсатардики, бошлаган ишимнинг яхши яқун топишига олдиндан имоним комил бўларди.

Агар у менинг ниятларим ва юксак интилишларимни тушуниб етганда эди, бундан қувонса бўларди. Бироқ уни девкор рух тарк этиб, фақат инсоний куч етовида қолганида нима қилишни, ўзини қаяққа қўйишни билмай қоларди.

Байронни ҳам девкор куч юксак даражада эгаллаган, шу боисдан у фавқуллода жозибатор эди, шу боисдан ҳамма, айниқса аёллар унинг олдида ўзларини йўқотиб қўярди.

— Афтидан, — дедим мен синовчан оҳангда, — биз «девкорлик» деб атайдиган таъсир этувчи куч «илохий» деган тушунчага сифмаса керак-а?

— Болагинам, — деди Гёте, — илохий деганда биз нимани тушунамиз, ўзимизнинг тор тушунча доирамиз билан олий мавжудот ҳақида нима ҳам дея оламиз! Мабодо мен, қайси бир туркка ўхшаб худонинг юзлаб номини айтганимда ҳам, барибир, унинг чек-чегарасиз хислатлари олдида бу ҳеч нарсани ифодаламаган бўларди.

1831 йилнинг 9 марти, чоршанба

Гёте бугун ҳам Вальтер Скотт ҳақида тўлқинланиб гапиришда давом этди.

— Кўпинча арзимас китобларни ўқиймиз, — деди у, — улар вақтимизни ўғирлайди, ҳеч қандай маънавий озиқ бермай-

¹ Буюк Фридрих (1795–1861) — 1740 йилдан бошлаб Пруссия қироли.

² Улуғ Пётр (1672–1725) — рус императори.

ди. Бизни хайратга соладиган китобларнигина ўқишимиз лозим, ёшлигимда мен шундай қилардим, ҳозир Вальтер Скоттни ўқиётиб шуни эсладим. Ҳозир мен унинг «Роб Рой» асарини ўқишни бошладим, унинг барча энг яхши романларини ўқиб чиқмоқчиман. Уларда ҳамма нарса — материал, сюжет, характерлар, баён усули, асарни ёзиш олдидан қунт билан тайёргарлик кўриш, ҳар бир деталда буюк ҳақиқатнинг юзага чиқиши ўз маромида. Буларда биз инглиз тарихининг моҳиятини англаймиз, моҳир ижодкорга мерос бўлиб қолганда унинг нималарга қодир бўлишини кўрамиз. Биздаги беш жилдга жамланган немис тарихи унинг олдида арзимас нарса, ҳатто «Гец фон Берлихинген»дан кейин ҳам асосий эътибор шахсий ҳаётга қаратилди, «Агнес Бернауер»¹ ва «Отто фон Виттелсбах»² ёзилгач ҳам, бирон-бир жўяли натижага эришилмади.

Мен ҳозир Курье³ таржимасида «Дафнис ва Хлоя»⁴ни ўқиётганимни айтдим.

— Бу ҳам моҳирона битилган асар, — деди Гёте, — мен уни тез-тез ўқиб тураман ва хайратга тушаман, унда ақл-идрок, маҳорат ва дид ўзининг юксак чўққисига етганки, ҳатто хушфёъл Вергилий ҳам бироз ортда қолди. Билинарбилимас чизгиларда Пуссини услубида берилган пейзаж тасвири персонажлар учун фон вазифасини ўтаган.

— Билсангиз керак, Курье Флоренция кутубхонасидан ушбу асарнинг асосий мазмунини ақс эттирувчи шеърнинг қўлёзмасини топган, у илгариги нашрларга киритилмаган экан. Иқроор бўламанки, мен ҳаминша бу асарни тўлиқ бўлмаган ҳолда хайрат оғушида ўқиганман, ҳатто унинг асосий бўлаги йўқлигини ҳам сезмаганман. Бу асарнинг мукамаллигидан далолат беради, мавжуд қисм бизни шунчалик қониқтирадики, қайсидир қисми йўқлиги хаёлимизга ҳам келмайди.

Тушликдан сўнг Гёте менга Кудрэ дид билан чизган, Дорнбург саройи учун мўлжалланган эшикнинг тарҳини кўрсатди, унга лотин тилида, «Бу эшикдан кирган ҳар бир кишини меҳмондўстлик ва самимият кутиб олсин, чиқиб кетаётган ҳар бир кишига оқ йўл берсин», деган мазмундаги ёзув битилган эди.

¹ «Агнес Бернауер» — драматург И.А. Тёрринг (1751 — 1836) пьесаси.

² «Отто фон Виттелсбах» — олмон ёзувчиси Фриц Мариус фон Бабо (1756 — 1822) пьесаси.

³ Курье Пол-Луи (1772 — 1825) — франциялик қадимшунос олим ва адабиётчи.

⁴ «Дафнис ва Хлоя» — қадимги юнон ёзувчиси Лонг (II — III асрлар)нинг пасторали.

Гёте бу ёзувни икки мисра немисча шеърга айлантирди ва 1828 йил ёзида, Буюк ҳерцог вафотидан сўнг, Дорнбургда бўлган вақтида мактубга эпитаф қилиб, полковник Бейлвицга юборган, ўша кезларда бу мактуб ҳақида кўп гапиришган эди, бугун Гёте эшик тарҳи билан бирга ўша хатни ҳам кўрсатганида роса хурсанд бўлдим.

Хатни катта қизиқиш билан ўқидим, Гёте Дорнбург саройи жойлашган ер ва водийнинг ички қисми бир-бири билан қўшилиб, кенг манзара касб этганини моҳирона тасвирлаганига қойил қолдим, шу билан бирга, бу манзаралар одамни руҳлантириши, катта йўқотишлардан кейин кўнгилга таскин бериши ҳам таъкидланган эди. Мактуб мени қаттиқ ҳаяжонга солди, ўзимча шундай хулосага келдимки, шоир материал қидириб узоқ жойларга сафар қилиши шарт эмас, агар унинг ички дунёси бой бўлса, энг арзимас воқеа сабаб бўлиб ҳам мазмундор асар яратавериши мумкин экан.

Гёте чизмани ҳам, мактубни ҳам келажак учун сақлаш мақсадида алоҳида папкага солиб қўйди.

1831 йилнинг 10 марти, пайшанба

Бугун мен шахзодага Гётенинг шер ҳақидаги новелласини ўқиб бердим, буюк санъат самарасини ҳис этган шахзода роса қувонди, тугалланган композициянинг кўринмас тўрига назар ташлашга муваффақ бўлганимдан мен ҳам кам қувонмадим. Унда мен, муаллиф узоқ йиллар юраги тубида асраб келган, энди аниқ-таниқ намоён бўлган фикр-ўйларни ҳис этдим, у материални шу даражада эгаллаган эдики, бир бутунликни ҳамда ҳар бир алоҳида детални беҳад аниқлик билан таҳлил қилиб, уларнинг ҳар бирини моҳирлик билан жой-жойига қўйган ва бўлажак воқеани ҳам тайёрлаб, унга таъсир ўтказган эди. Шу тахлит ҳамма нарса гоҳ олдинга, гоҳ орқага ҳаракат қилади, шу билан бир вақтда ҳаммаси ўзи учун танланган жойда туради, натижада киши композицияни бундан ортиқ мукамал ҳолатда тасаввур қилолмайди. Новеллани ўқирканмиз, менда, қани энди Гёте бу новелла деган дурдонани бегона бир асар сифатида ўқиб чиқса, деган истак пайдо бўлди. Шунингдек, тагин ўйладимки, у хийла салмоқдор ҳажмга эга бўлиб, муаллифга унинг барча қирраларини керагича ишлаб чиқишга, ўқувчига эса, бутун асарни ҳамда унинг алоҳида жиҳатларини хотиржам мулоҳаза қилишга имкон беради.

1831 йилнинг 11 марти, жума

Гёте билан тушлик қиларканмиз, ранг-баранг мавзуларда гурунглашиб ўтирдик.

— Вальтер Скоттдаги мислсиз истеъдод, — деди у, — гоҳида майда деталлар тасвирида панд бериб қўяди. Масалан, «Айвенго»да бир сахна бор: катта залда кечки овқатни еб ўтиришганда бир нотаниш одам кириб келади. Ёзувчи бундан олдин нотаниш одамнинг кўриниши ва кийими тасвирини берган, бироқ энди унинг пойафзали ва пайпоғини тасвирлайди, бу нотўғри. Одам кечаси столда ўтирганида биров кириб келса, унинг гавдасининг фақат юқори қисми кўзга ташланади. Агар унинг оёғини тасвирламоқчи бўлсак, у билан бирга кундузги ёруғлик ҳам кириб келиши керак, унда сахна ўзининг тунги колоритини йўқотади.

Ишонч билан айтилган бу сўзларни ўзим учун эсимда сақлаб қўйдим.

Гёте Вальтер Скотт тўғрисида жўшиб сўзлашда давом этди. Мен ундан ушбу фикрларини қоғозга туширишини сўрадим, у буни рад этаркан, бу ёзувчининг таланти шу қадар юксакки, у ҳақда очик бир гап айтиш мушкул, деди.

1831 йилнинг 14 марти, душанба

Гёте билан тушлик қилаётиб, нималар тўғрисида гурунглашмадик дейсиз. Мен унга ўтган куни қўйилган «Портичилик соқов»¹ спектакли ҳақида гапириб бердим, унда асосли инқилобий мотивлар кўзга ташланмаслиги ҳам тилга олинди, ҳар қалай ўз она шахрида ва ўз мамлакатада кўнглига ўтирмайдиган бўшлиқларни тўлдириш одамларга ёқади.

— Бутун опера, — деди Гёте, — аслида халқ устидан кулиш, чунки бир балиқчи кизининг севги можароларини жамият муаммоси даражасига кўтариш ва маликага уйлангани учун ҳукмдорни золим дейиш, — бу энди ўта кулгили ва куракда турмайдиган ҳолат.

Десертга Гёте Берлин мақолларига ишланган расмларни кўрсатди, уларнинг орасида воят валатилари ҳам бор эдики, уларни кўриб рассомнинг маҳоратига қойил қолмасдан бўлмасди, улар карикатурага яқин бўлса-да, зинҳор уларни сунистеъмол қилмасди.

¹ «Портичилик соқов» — француз композитори Франсуа Обер (1782 — 1871)нинг операси.

Эрталаб бутун вақтимни «Шеърят ва ҳақиқат»нинг тўртинчи жилди устида ишлашга сарфладим ва Гётега қуйидаги мазмунда хатча жўнатдим:

«Иккинчи, тўртинчи ва бешинчи китобларни, айрим жузъий ҳолатларни ҳисобга олмаганда, поёнига етган, деб ҳисобласа бўлади, уларни сўнгги кўздан кечириш пайтида тузатиш мумкин. Биринчи ва учинчи китоблар борасида қуйидаги мулоҳазаларни билдираман.

Биринчи китоб

Юнгнинг кўзини операция қилиш кўнгилдагидек чиқмагани ҳақидаги ёзувлар беҳад аҳамиятли, бу одамларни анча-мунча чуқур кузатувларга ундайди, агар бу ҳақда бирор даврада сўз очилгудек бўлса, одамлар жим туриб кулоқ солишлари аниқ. Шунинг учун биринчи китобни шу билан тугатган маъқул, деб ўйлайман, токи бунда ҳам шу билан жимлик ҳукм сурсин.

Яҳудийлар кўчасидаги ёнғин тўғрисидаги қизиқарли латифалар, онангизнинг қизил бахмал пўстинини кийволиб конькида учганингиз ҳақидаги ҳикоя биринчи китобнинг охирини ташкил этган, менимча, булар ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан, ғайришуурий поэтик ижод қилиш хусусида сўз борадиган жойга тиркалса, айнан ўз ўрнини топган бўларди. Чунки ўша ҳар иккала ҳодиса ҳам руҳиятнинг шунга ўхшаган бахтли ҳолатини англатади ва одам бундай пайтда ёки бу ҳаракати борасида мулоҳаза қилиб ўтирмайди, ўша ҳақда миясига бирор фикр келмай турибоқ, уни аллақачон бажарган бўлади.

Учинчи китоб

Унга, келишганимиздек, 1775 йилги ташқи сиёсатга ва Германиянинг ички аҳволига, шунингдек, зодагонлар таълими ва шу кабиларга тегишли материаллар, Сиз тағин нималарни ёздиришни лозим топсангиз, ҳаммаси киради. «Ҳансвурстнинг тўйи» ҳамда бошқа тугалланган ва тугалланмаган асарларингизга келсак, агар Сиз улар ҳозирданок анча салмоқдор бўлиб қолган тўртинчи китобга киритилмайди, улар у ерда ўзаро яхши жойлашган қисмларни бузади, десангиз, учинчи китобга киритсак бўлади.

Шу мақсадда мен учинчи китобга ҳамма белги ва қўшимчаларни тайёрлаб, қўйиб чиқдим. Энди Сизга ҳамиша-

гидек кўтаринки руҳ ва аъло кайфиятда барча камчиликларни бартараф қилишингизда ютуқлар ва куч-қувват тилайман.

Э.»

Шаҳзода ҳамда жаноб Сорэ билан тушлик қилдик. Курье ҳамда Гёте «Новелла»сининг ниҳояси ҳақида кўп гурунглашдик, унинг мазмуни ва баён усули шунчалар юксак повонадаки, дея фикр билдирдим мен, оддий одам бунда нима қилишни билмай қолади. Аллақачон эшитилган ва кўрилган нарсани яна эшитгиси, кўргиси келаверади, мабодо биз поэзия гулини поэтик Элизиум¹да учратишга ўрганган бўлсак, унда бутунлай реал заминда ўсган гулни кўриш бизни хайратга солади. Поэтик оламда ҳамма нарса ёқимли, ҳар бир фаройибот кишига табиий туюлаверади, унга ишонмаслик мумкин эмас, бироқ оддий куннинг ёруф нурида одатдаги ҳолатидан чекинган бирор ҳодисани кўрсак, ташвишга тушамиз, атрофимиздаги биз одатланиб қолган юзлаб фаройиботлар ичида янги содир бўлгани бизни ташвишга солади. Ўтган даврларда юз берган фаройиботларга ишониш ҳам одам учун қийинчилик тувдирмайди, аммо бугун юз берган фаройиботга маълум реаллик деб қараш, уни мавжуд борлиқ билан бир қаторга қўйиб, янада юксакроқ реаллик сафида кадрлаш, менинг назаримда, инсоннинг кўлидан келмайди ёки кўлидан келганида ҳам ёмон тарбия орқасида бу хислатдан маҳрум бўлган. Бизнинг асримиз борган сари зерикарли бўлиб бораётган экан, ғайришуурий нарсалар билан муомала қилиш ва уларга ишониш йўқола бориши билан бирга поэзия ҳам йўқола боради.

Гёте «Новелла»сининг ниҳояси одамлардан, «Олий мавжудот бандаларини ўз ҳолига ташлаб қўймаган, аксинча, у бандаларини назардан қочирмай, улар ҳақида ғамхўрлик қилади, бошига кулфат тушганда мадад беради», деган ақидани англаб етишни талаб қилади.

Бундай эътиқоддан ортиқ табиийлик бўлмайди, у инсонга хос моҳиятнинг таркибий қисми ва барча халқлар, барча динларнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Инсоният тарихининг ибтидосиданоқ унинг қудрати сезиларли бўлган, юксак даражада ривожланган маданият ҳам уни сиқиб чиқаролмайди, юнонларда, айниқса Платонда сезилади, ниҳоят «Дафнис ва Хлоя»нинг муаллифида янада ёрқинроқ намоён бўлган. Бу ажойиб асарда илоҳийлик Пан ва нимфалар қиёфасида кўзга ташланади, улар покиза чўпонлар ва муҳаббат соҳибларини

¹ Элизиум — марҳумлар руҳи кезиб юрадиган хушманзара дала.

кундузи кўриқлаб, кечалари тушларига кириб, нима қилиш кераклигини ўргатадилар. Кўзга кўринмас ҳимоячилар абадий рух ва фаришта қиёфасида кўриниб, бир чоҳда пайғамбарни йиртқич шерлардан ҳимоя қилишган бўлса, Гётенинг «Новелла»сида худди ўшандай махлукдан бегуноҳ болани қутқариш учун уни ўраб олишади. Шер болани тилка-пора қилмайди, аксинча, мулойим ва соме бўлиб қолади, негаки бунга абадий барҳаёт илоҳий кучлар етакчилик қилган эди.

Эътиқодини йўқотган ўн тўққизинчи асрда бу эртак бўлиб туюлмаслиги учун муаллиф иккинчи кучли мотивни, яъни мусиқани ишга солади, унинг сеҳрли қудрати азалдан одамларни ўзига бўйсундириб келган ва ҳозир ҳам ҳар куни, гарчи биз нега бундайлигини билмасак-да, бизга ҳукмронлик қилади.

Агар қачонлардир Орфей мусиқанинг сеҳрли кучи билан барча ўрмон ҳайвонларини ёнига жалб қилган бўлса, охирги юнон ёзувчиси асарида ёш чўпон сибизга чалиб эчкиларни боқади, улар мусиқанинг турли оҳанглари остида тарқалишади, бир жойга тўпланишади, душмандан қочишади, хотиржам ўтлашади, худди шунингдек, Гётенинг «Новелла»сида ҳам мусиқа шерни ўзига бўйсундиради, болани соф истаклари қаёққа етакласа, сибизганинг ёқимли садолари шерни ҳам ўша ёққа етаклайверади.

Бундай ғайриоддий ҳодисалар ҳақида мен кўплаб одамлар билан гаплашдим ва охири шундай хулосага келдим: одам ўзидаги ижобий хислатларга шунчалик баҳо берарканки, уларни ҳеч ўйлаб ўтирмасдан худога боғлаб қўяқоларкан, бироқ шу хислатларнинг озгинасини ҳайвонларга тақашга журъати етмайди.

1831 йилнинг 16 марти, чоршанба

Гётеникида тушлик қилдик, унга «Шеърят ва ҳақиқат»нинг тўртинчи жилди қўлёзмасини қайтариб бердим, шу ҳақда анча гурунглашдик.

Шунингдек, «Вильҳелм Телл»нинг ниҳояси ҳақида ҳам сўз очилди, Шиллер йўл қўйган хато борасида хайрон қолганимни яширолмадим, қандай қилиб у ўз қаҳрамонини шу қадар ерга уриб, қочоқ шваб ҳерцогига яхши муносабатда бўлдирган, Шиллер ҳерцогни қаттиқ қоралайди-да, яна ўз қилмишидан гердайтиб ҳам қўяди.

— Буни тушуниш қийин, — деди Гёте, — Шиллер ҳам бошқалар сингари аёлларнинг таъсирига тушиб қолган, агар

у бунда хатога йўл қўйган бўлса, бу энди унинг ўз содда табиатидан кўра кўпроқ кимнингдир шипшитиши орқасида содир бўлган.

1831 йилнинг 18 марти, жума

Гёте билан тушлик қилдик. Мен унга «Дафнис ва Хлоя»ни олиб келдим, у буни қайта ўқиб чиқиш истагини билдирди.

Биз ахлоқнинг юксак нормалари ҳақида, уни бошқаларга сингдириш яхшими, бунинг имкони борми ёки йўқлиги ҳақида сўзлашдик.

— Юксак ахлоққа эгалик одамлар орасида ҳам учрайди, — деди Гёте, — шунинг учун кундалик ҳаётда бундай мулоҳазаларни ичга ютиш ва бу ҳақда фақат зарурият бўлгандагина, бошқалар олдида маълум устунликка эга бўлиш учунгина фикр билдириш зарур.

Кейин биз, кўпчилик, айниқса танқидчилар ва шоирлар буюкликни инкор қилиб, ўртача нарсаларга алоҳида аҳамият беришлари хусусида ҳам суҳбатлашдик.

— Одам, — деди Гёте, — ўзи бажаришга қодир бўлган ишларнигина тан олади ва қадрлайди, баъзи одамларнинг турмуш тарзи ўртачаликка асослангани учун овозларининг борича бонг уриб, гарчи адабиётда анча яхши жиҳатлар бўлсада, унинг ҳаммаси танқидга лойиқ, дея савалашга тушишади. Шу билан ўзлари ҳимоя қилаётган ўртачалик янада томир отишини истайдилар.

Мабодо келажакда шундай воқеаларга дуч келиб қолсам, уларга суяниш учун бу фикрларни ёдимда сақлашга уриндим.

Шундан сўнг «Ранглар ҳақидаги таълимот» ҳамда баъзи бир немис профессорлари ҳалигача бу худди қалтис хатоликдек, шогирдларини ундан ҳимоя қилаётганлари борасида сўзлашдик.

— Кўплаб ўқувчиларга раҳмим келади, — деди Гёте, — менга эса барибир, менинг «Ранглар ҳақидаги таълимот»им шу қадар кўҳнаки, уни ҳали узок вақтлар инкор қилиб ёки четга суриб бўлмайди.

Кейин Гёте «Ўсимликлар метаморфозаси»нинг янги нашри ва Сорэнинг янада мукамалроқ бўлиб бораётган таржимаси устидаги иш тез олдинга силжиётганини айтди.

— Бу ноёб китоб бўлади, — деди у, — унда хилма-хил элементлар яхлит бир бутунликка жойлаштирилган. Мен у ерда истеъдодли ёш табиатшуносларнинг асарларидан баъзи бир иқтибослар ҳам келтирганман, ҳозир Германиядаги яхши

олимларда дурустгина услуб шаклланганки, униси гапираяптими ёки бунисими, фарқлаёлмайсан киши, бу албатта, мени қувонтиради. Бироқ китоб мендан ўйлаганимдан ҳам кўпроқ куч талаб қилаяпти, дастлаб, тўғриси, бу ишга киришишни истамаган эдим, афтидан қандайдир девкор куч аралашди шеклли, унга қарши боролмадим.

— Сиз унинг таъсирига қарши бормай тўғри қилгансиз, дедим мен, — чунки девкор қудрат табиатан шундай кучлики, охир-оқибат у ҳамиша енгади.

— Одамнинг ўзи ҳам, — жавоб берди Гёте, — девкор куч олдида енгилмасликка интилиши лозим, бу ишга келсак, мен унинг янада яхши чиқиши учун шароит ва куч-қувватим қанчалик имкон берса, шунчалик ҳаракат қилишим зарур. Бу худди французлар Gedille деб атайдиган ўйинга ўхшайди, унда кўп нарса тошларнинг қандай тушишига боғлиқ, бироқ ўйинчининг моҳирлигига, яъни у тошларни тахта устига қандай ташлашига ҳам боғлиқ бўлади.

Мен бу пурмаъно сўзларни ҳаётимда қўллаш учун ёдимда сақлаб қолдим.

1831 йилнинг 20 марти, якшанба

Овқат маҳали Гёте менга шу кунларда «Дафнис ва Хлоя»ни ўқиганини айтди.

— Асар шундай гўзалки, — деди у, — биздаги кўнгилсиз вазиятларда ундан олган таассуротларни эсда сақлаб бўлмайди, уни қайта ўқисанг, ҳар гал ҳайратинг ошаверади. Бутун китобда ёп-ёруф кун ҳукмрон, гўё ҳаммаёқда мислсиз гўзал манзарани кўрасан киши, шу билан бирга, бу манзаралар китобга ҳам юқиб, уни ўқиётганингда ҳаёлотингни бойитишга ёрдамга келади.

— Ушбу асарга хос маҳдуд давра менга жуда ёқди, — дедим мен, — бизни бу даврадан олиб чиқадиган бирорта ёт белги кўзга ташланмайди. Илоҳий кучлардан фақат Пан билан нимфалар ҳаракат қилишади, бошқалари тилга ҳам олинмайди, афтидан чўпонларга шуларнинг ўзи етарли бўлса керак.

— Ўртача маҳдудлик бўлса-да, — деди Гёте, — унда бутун бир олам мужассам. Унда биз ҳар хил чўпонлар, ер ҳайдовчилар, боғбонлар, соҳибкорлар, кемасозлар, қароқчилар, жангчилар, номдор шаҳарликлар, аслзода жаноблар, крепостнойларни кўрамиз.

— Бундан ташқари, — дедим мен, — кўз ўнгимизда инсон ўз ҳаётининг барча босқичларида, туғилганидан бошлаб

қаригунига қадар намоён бўлади, йил фаслларига боғлиқ бўлган барча хўжалик ташвишлари ҳам жуда яхши баён этилган.

— Ундаги табиат манзарасини айтмайсизми! — деди Гёте, — камтарона чизгиларда у шундай аниқ тасвирланганки, иштирок этувчиларнинг ортида, тепароқда узумзорлар, далалар, мевазорларни, пастда эса яйловлар, кичик ўрмон ва дарёни, узоқларда денгиз кенгликларини кўришимиз мумкин. У ерда булутли кун, туман, намликдан асар ҳам йўқ, ҳамиша тип-тиниқ осмон, ёқимли ифорларга тўла ҳаво, мудом қуп-қурук замин, хуллас, яланғоч бўлиб, хоҳлаган жойингда ётаверасан.

— Асар бутун борлиғича, — давом этди Гёте, — юксак санъат ва маданиятнинг уйғунлигидан иборат. Унда ҳамма нарса чуқур ўйланган, бирор мотив эдан чиқмаган, аксинча ҳаммаси, масалан, денгиз қирғоғига чиқариб ташланган, сасиб ётган дельфин қорнидаги хазина ҳам чуқур ўйлаб асосланган. Дид, етуклик, ҳис-туйғулардаги нозиклик уни қачонлардир шу жанрда яратилган энг яхши асарлар қаторига қўяди! Бахтли ҳаётга халақит бериб, ташқаридан бостириб кирадиган ҳар қандай ёмонликлар — босқин, қароқчилик, урушлар ҳамиша тезлик билан бартараф қилинади-да, ҳеч бир из қолдирмайди. Айб шаҳарликлар орасида, шунда ҳам бош қахрамонлар эмас, балки иккинчи даражалилари орасида учрайди. Булар ҳаммаси беҳад гўзал.

— Бундан ташқари, — дедим мен, — хўжайинлар ва хизматкорлар ўртасидаги муносабатлар ҳам менга жуда ёқди. Биринчилари юксак инсонпарварлиги билан, кейинчилари эса, соддалик билан озодликка интилишса-да, хўжайинларига катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, уларга сидқидилдан хизмат қилишади. Айтайлик, Дафнисни нотабиий севгига мажбур қилмоқчи бўлгани учун у ёмон кўриб қолган ёш шаҳарлик йигит Дафнис хўжайинининг ўғли эканлигини билиб қолгач, ўз гуноҳини ювиш мақсадида Хлояни ўғирлаб кетган чўпонлардан уни мардларча қутқариб олиб, Дафнисга келтириб беради.

— Ҳаммасида жуда улкан маъно яширин, — деди Гёте, — гарчи Дафнис билан Хлояда тунни бирга ўтказишдан ортик истак бўлмаса-да, Хлоя асарнинг бошидан-охиригача бокиралиғича қолади, бу шунчалик ишончли асосланганки, бу билан инсон ҳаётининг барча муҳим томонлари тилга олинади.

Бу асарнинг барча фазилатларига чинакам баҳо бериш учун бутун бир китоб ёзса бўлади. Ундан яна янги нарсаларни ўрганиш ва гўзаллигидан янада янги ҳузур-ҳаловат топиш учун уни ҳар йили бир марта ўқиб турган маъқул.

Сиёсат ҳақида, Париждаги ҳалигача тўхтамаётган нотинчликлар, ёшларнинг давлат ишларига аралашибдек бемаъни истаклари ҳақида сўзлашдик.

— Англияда ҳам, — дедим мен, — бундан бир неча йил олдин талабалар католик динига тегишли масалани ҳал қилиш учун илтимосномалар ёзиш орқали таъсир ўтказишга уринишган эди, аммо уларнинг устидан фақат кулишди ва буни унутиб юборишди.

— Наполеоннинг намунаси, — деди Гёте, — ўша қаҳрамон соясида ўсган француз ёшларида худбинлик туйғуларини уйғотди, ана энди уларнинг ичидан яна бир мустабид ҳукмдор етишиб чиқиб, ўзлари ким бўлишни истаган бўлса, ўшани унинг қиёфасида янаям етукроқ ҳолатда кўрмагунча тинчишмайди. Шуниси ёмонки, Наполеонга ўхшаган одам ҳали-бери туғилмайди, ер юзида тинчлик ҳукмрон бўлгунига қадар юз минглаб одамлар йўқ бўлиб кетади, деб кўрқаман. Адабий фаолиятни бир неча йиллар унутишга тўғри келади, ҳозир ягона қиладиган ишимиз жимгина фаровон келажак учун яхши нарсаларни тайёрлашдан иборат.

Сиёсат борасида шу тариқа биров гурунглашгач, яна «Дафнис ва Хлоя»га қайтдик. Гёте Курье таржимасини мохирона бажарилган, деб мақтади.

— Амье¹ таржимасига Курье ҳурмат билан ёндошиб тўғри қилди, — деди у, — уни маълум даражада сақлаб қолди, фақат унинг айрим жойларини тўғрилаб, тозалади ва асл нусхага яқинлаштирди. Эски француз тили шундай содда ва шу сюжетга шундай моски, бу китобни бошқа бирор тилга бу қадар мукамал тарзда таржима қилиб бўлмасди.

Биз яна Курьенинг ўз асарлари ҳақида, унинг кичик ҳажмдаги хикоялари ҳақида сўзлашдик, шунингдек, Флоренция қўлёзмасидаги лаънати сиёҳ доғи туфайли қораланишлардан ўзини қандай химоя қилгани ҳам тилга олинди.

— Курье беҳад иқтидорли инсон, — деди Гёте, — унда Байрондан, Бомарше² ва Дидродан ҳам нимадир бор. У Байрондан мавжуд далилларни ишга солишни, Бомаршедан адвокатлик маҳоратини, Дидродан мунозара санъатини ўзлаштирди, бунинг устига шу қадар зуккоки, бундан ортиғи бўлмайди. Сиёҳ доғи туфайли айбдор бўлишдан у ўзини

¹ Амье Жак (1543–1593) — француз ёзувчиси.

² Бомарше Пьер-Огюстен-Карон (1732–1799) — француз драматурги ва публицисти.

оқлаб олди, чамамда, умуман олганда, Курьеда анча-мунча камчиликлар ҳам йўқ эмас, уни бутунлай мақтайвериш ҳам ярамайди. У ҳамма билан урушиб чиққан, шундай бўлгач, унда ҳам қандайдир айб ва камчилик бор, деган хулосага келади-да киши.

Сўнгра биз немисча «ақл» ва французча «*esprit*» сўзларининг фарқи хусусида сўзлашдик.

– Французча «*esprit*», – деди Гёте – бизнинг тилимиздаги «заковат»га яқин келади. Биздаги «ақл» сўзини французлар «*esprit*» ва «*вме*» сўзлари билан ифодалашлари мумкин, бундан ташқари, французча «*esprit*» сўзида бўлмаган кўпмаънолилик ҳам мавжуд.

– Вольтерда, – дедим мен, – биз, немислар «рух» деб атайдиган нарса бор. Французча «*esprit*» буни тўлиқ ифода этолмайди, шундай ҳолларда французлар нима дейишади?

– Бундай юксак тушунчаларни французлар «*genie*» сўзи билан ифодалашади.

– Мен ҳозир Дидро асарини ўқияпман, – дедим мен, – ундаги мислсиз истеъдод мени лол қолдирмоқда. Ундаги билим, сўзларидаги қудратни айтинг! Одам гўё улкан жонли оламини кўриб туради-да, у ерда бири иккинчисини руҳлантираётганига ҳамда ақл ва характер тинимсиз машқ натижасида кучли ва топқир бўлиб қолганига гувоҳ бўлади. Ўтган асрда француз адабиётида қандай инсонлар ижод қилишди-я, китобларини очганим захоти юрагимни ҳаяжон қамрайди.

– Бу юз йиллар наридаги адабиётнинг самараси, – деди Гёте, – у Людовик XIV даврида шаклланиб, кейин тўлиқ тараққиёт даврига кирди. Ёнида нимадир бўлсин учун Вольтер Дидро, д'Аламбер¹, Бомарше сингари ақл соҳибларини ҳаракатга келтирди, қўлни қовуштириб ўтирмасдан кўп нарсаларни амалга ошириш керак эди.

Кейин Гёте Йенадаги шарқ тиллари ва адабиёти бўйича бир ёш профессор ҳақида гапириб берди, у узоқ вақт Парижда бўлиб, яхшигина билим олган экан, Гёте менинг у билан танишишимни истади. Кетаётганимда у менга Шрён²нинг ҳадемай кўринадиган комета ҳақидаги мақоласини берди, бу соҳада ҳам маълум тасаввурга эга бўлишимни хоҳлади.

¹ Д'Аламбер Жан-Лерон (1717–1783) – француз математиги, файласуф.

² Шрён Людвиг Хайнрих (1799–1875) – ботаник, Йена университети профессори.

1831 йилнинг 22 марти, сешанба

Гёте десертга Римдаги ёш бир дўстининг мактубидан айрим жойларини ўқиб берди. Унинг ёзишича, кўплаб немис рас- сомлари у ерда соч-соқолларини ўстириб, немисларнинг эски русумдаги камзуллари устидан кўйлак ёқаларини чиқариб, оғзиларида трубка, қопонғич итларни етаклаб юришармиш. Улар Римга улур рассомлар санъатидан нимадир ўрганиш учун келишмаган кўринади, деб ёзади у, Рафаэлни бўш, Ти- цианни бор-йўри яхши колорист деб ҳисоблашади.

Ҳали ваҳшийлик даври келади, деганида Набур ҳақ экан, — деди Гёте, — мана у келди, биз унда яшаяпмиз, негаки, ваҳшийликнинг энг биринчи белгиси — гўзалликни тан олмасликдир.

Шундан сўнг Гётенинг ёш дўсти карнавал, янги папа сай- лови, ундан кейин юз берган инқилоб ҳақида ёзган.

Шунингдек, Ҳорас Верне¹ ҳақида ҳам сўз бориб, у рицарь саройига қамалгандек ўзини четга олганмиш, айрим немис рассомлари соқолларини қириб ташлаб, уйларида қамалиб олишганмиш, афтидан, уларнинг қилиқлари римликларга ёқмаганини сезишган бўлса керак.

Айрим немис рассомларида кўзга ташланган йўлдан то- йишлар алоҳида шахслар таъсирида юз бердимикан, худди маънавий вабо сингари тарқалиб кетди ё давр руҳи таъсир қилдими, деган муаммо устида ҳам тўхталдик.

— Бу алоҳида одамлардан бошланган, — деди Гёте, — мана қирқ йилдан бери ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. У таълимотнинг моҳияти мана бундай эди: яхши асар яратиш учун рассом такводор ва даҳо бўлиши керак. Беҳад ўзига жалб этадиган таълимот, унга тиш-тирноқлари билан ёпишиб олишди. Такводор бўлиш учун бирон нарса ўқишнинг кераги йўқ, даҳолик эса унда турма бўлади. Худбинлик ва бекорчи- ликни рағбатлантирадиган бир оғиз сўз айтсанг бўлди, ўртача одамлар гуруҳи орқангдан эргашишига аниқ ишонавер.

1831 йилнинг 25 марти, жума

Гёте менга шу кунларда кимошди савдосида сотиб олинган чиройли яшил оромкурсини кўрсатди.

— Мен ундан кам фойдалансам, эҳтимол, умуман фойда- ланмасам керак, — деди у, — ҳар қандай қулайлик менинг

¹ Верне Ҳорас (1789–1863) — франциялик ҳашамдор расмлар чизувчи рассом.

табиатимга бегона. Хонамда ҳатто диван ҳам йўқ, ҳамиша эски ёғоч стулимда ўтираман, фақат икки ойча бурун унга бошимни қўядиган ёстикча ўрнаттирдим. Қулай, башанг мебель фикрлашимга халақит беради ва тушкун ҳолатга солади. Ёш-лигидан шунга ўрганган одамларни ҳисобга олмаганда, безатилган хоналар ва чиройли уй жиҳозлари фикрламайдиган ва фикрлашни билмайдиган одамларга керак.

1831 йилнинг 27 марти, якшанба

Ниҳоят узоқ кутилган қувончли баҳор ҳавоси бошланди, ложувард осмоннинг у ер-бу ерида оппоқ булутлар сузиб юрипти, ҳаво исиган, энди ёзги либосда юрса ҳам бўлади.

Гёте боғдаги шийпонда стол ясатишни буюрди, шундай қилиб, бугун очиқ ҳавода тушлик қилдик. Улуғ херцогиня ҳақида, у яширикча кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб, қўл остидаги фуқароларнинг ўзига мойиллигини ошираётгани ҳақида сўзлашдик.

– Улуғ херцогиня, – деди Гёте, – беҳад оқила, самимий, соф виждонли инсон, у мамлакатимиз учун худонинг марҳамати. Одам яхшилик қаердан келаётганини сезгани захоти куёшга ва бошқа ёқимли унсурларга сифина бошлаганидек, ҳамма меҳрга тўла қалблар унга интилиб, унинг хизматларини муносиб баҳоласа, мен бундан хайрон қолмайман.

Мен шаҳзода билан «Минна фон Барнхельм»¹ни ўқиётганимни, бу пьеса жуда ажойиб эканлигини айтдим.

– Лессингни, – давом этдим мен, – қандайдир расмиятчи, куруқ одам дейишади, бироқ мен бу пьесада шундай ақлни, ёқимли табиийликни, очиққўнгилликни, шўх, қувноқ инсонга хос билимдонликни кўраманки, буни фақат орзу қилиш мумкин.

– Ўша зулмат қўйнидаги даврда, – деди Гёте, – биз ёшларга бу пьеса қандай таъсир кўрсатганини бир тасаввур қилиб кўринг-а! У ярқ этган метеорнинг ўзи бўлган эди! Бизнинг ўшандаги бўш адабий давримиз ҳали хаёлига ҳам келтирмаган юксакроқ яна нимадир мавжудлиги ҳақида у бизни огоҳлантирган эди. Дастлабки икки кўриниши экспозиция²нинг том маънодаги моҳирона ифодасидир, ундан биз кўп нарсаларни ўргандик, бундан кейин ҳам ўрганиш мумкин.

¹ Лессинг қаламига мансуб драматик асар.

² Экспозиция – баён, тасвир. Адабий асарнинг, ўша асарда тасвирланадиган иш-ҳаракат, муҳитни характерловчи бошланғич қисми.

Бугунги кунда экспозиция ҳақида ҳеч ким ҳеч нарсани эшитишни ҳам истамайди, авваллари пьесанинг таъсир кучини учинчи кўринишдан кутишарди, энди бўлса, биринчи кўринишдан кутиш одат бўлган, ҳеч ким ўйламайдики, поэзия ҳам кемага ўхшайди, у олдин қирғоқдан узилиши, очик денгизга чиқиши, кейин елканларни очиши керак.

Гёте туғилган кунда франкфуртлик дўстлари қилган совғани келтиришни буюрди. Шу муносабат билан у Мерк¹ ҳақидаги бир қанча хангомаларни айтиб берди.

— Мерк икковимиз, — давом этди Гёте, — бир-биримизга худди Фауст билан Мефистофелдек муносабатда бўлардик. Айтайлик, Италиядан ёзган хатида отам у ердаги ҳаёт тарзи, одатланмаган овқат, тахир ичимлик, чивин дастидан шикоят қилиб ёзганини кўриб, Мерк унинг устидан куларди, шундай гўзал юртда, шундай ажойиб манзарали муҳитда одам қандай қилиб овқат, ичимлик, пашшага эътибор қилиб ўтиради, дерди.

Бундай масхаралашлар, шубҳасиз, ундаги юксак маданият билан боғлиқ эди, у маҳсулдор шоир эмас, балки унда салбий жиҳатлар кўпроқ бўлганлиги боис бировни кам мақтар, аксарият ёмонларди, бундай истагини қондириши мумкин бўлган ҳамма нарсани излаб топарди.

Биз Фогель, унинг маъмурий салоҳияти борасида, шунингдек Гилле² ҳамда унинг шахсияти ҳақида гаплашдик.

— Гилле, — деди Гёте, — ўзига хос инсон, уни ҳеч ким билан қиёслаб бўлмайди, менинг матбуот эркинлигига эришиб бўлмайди, деган фикримни қувватлаган ягона одам ўша, у жуда қатъиятли инсон, унга ишонса бўлади, у ҳеч қачон қонундан чекинмайди.

Тушликдан сўнг, оппоқ бойчечаклар ва сап-сарик кракус гулларини томоша қилиб, боғда бироз айландик. Лолалар ҳам ердан бош кўтарган эди, биз Голландияда ўсадиган шунга ўхшаш қимматбаҳо гуллар хусусида гурунглашдик.

— Гулларни чизадиган етук рассомни топиш қийин, ҳозирги пайтда кўплаб илмий аниқликлар талаб қилинади, ботаник олим тасвирланган гулдаги чангчиларни ҳисоблайди, гўзал манзара ва ёруғлик ҳақида ўйламайди ҳам.

¹ Мерк Йоханн Хайнрих (1741–1791) — шоир, Гётенинг ёшликдаги дўсти.

² Гилле Йоханн Фридрих — кишлок хўжалик ишлари бўйича маслаҳатчи. Китобнинг дастлабки нашрларида бу ном ўрнида (* * *) юлдузчалар қўйилган. 1956 йилги Берлин нашрида муҳаррирлар К. Ритшер ва Г. Зайдель юлдузчалар ўрнига амалдор Гилле номини қўйишган.

Бугун Гёте хузурида бир қанча гаштли лаҳзаларни ўтказдим.

— «Ўсимликлар метаморфозаси»ни, — деди у, — тугатдим, десам ҳам бўлади. Спирал ривожланиш ва жаноб Мартиус ҳақида айтмоқчи бўлган гапларим ҳам қовозга тушди, бугун тонгданок таржимаи холимнинг тўртинчи жилдига кўл урдим ва нималар қилиш лозимлигини режалаштириб чиқдим. Ростини айтсам, мен шундай кексайган чоғимда кўп жиҳатдан аҳамиятли бўлган даврга тўғри келган ёшлик йилларим тарихини ёзаётганимга ҳавас қилса арзийди.

Барча тафсилотлари билан иккаламизнинг ҳам ёдимизда қолган айрим қисмларни муҳокама қилдик.

— Лили билан севги муносабатларингизни шундай ёритгансизки, — дедим мен, — Сизни ҳеч ким қариган деб ўйламайди, бу сатрлардан шундоққина ёшлик нафаси уфуриб турипти.

— Бунинг сабаби шундаки, — деди Гёте, — булар поэтик битиклар, эҳтимол, ёшликда йўқотилган севги ҳиссиётларини поэзия кучи билан тўлдиришга ҳаракат қилгандирман.

Кейин унинг синглиси ҳақидаги фаройиб саҳифалар устида тўхталдик.

— Бу бобни, — деди у, — зиёли аёллар қизиқиш билан ўқишлари аниқ, чунки менинг синглимга ўхшаган оқила, юксак маънавий хислатларга эга бўлган, бироқ ташқи гўзалликдан маҳрум кўплаб аёллар топилади.

— Байрамлар ва баллардан олдин, — дедим мен, — одатда унинг юзига тошмалар тошиб кетиши ғайриоддий бир нарса, бу менимча, қандайдир девкор куч билан боғлиқ бўлса керак.

— У ҳайратомуз бир зот эди, — деди Гёте, — юксак маънавиятли, ҳиссиётларга берилмасди, эркаклардан жирканарди, шу боисдан оиласида кўпинча келишмовчиликлар юз бериб турарди. Шунақа феъл-атворли ёки эрларини севмайдиган аёллар бунинг нима эканлигини тушунишди. Шунинг учун мен синглимнинг эрга тегишини ақлимга сиғдиролмасдим, у аёллар монастирининг бошлиғи бўлса айни муддао бўларди.

Шундай ажойиб инсон билан ҳам у бахтли бўлолмагач, менинг Лили билан турмуш қуриш ҳақидаги ниятимизга тиш-тирноғи билан қарши бўлган эди.

1831 йилнинг 29 марти, сешанба

Бугун Мерк тўғрисида гурунг бўлди, Гёте унинг баъзи характерли фазилатларини гапириб берди.

— Марҳум Буюк ҳерцог уни жуда яхши кўрарди, — деди у, — Мерк тўрт юз талер қарздор бўлиб қолганда, у бунинг кафиллигини бўйнига олган эди. Аммо кўп ўтмай Мерк кафиллик қовозини қайтариб юбориб, бизни ҳайрон қолдирган эди. Унинг аҳволи яхшиланмади, қандай мулоҳазаларга бориб бундай қилганига ақлимиз етмасди. Кейинчалик уни учратганимда бунинг сирини очди. «Ҳерцог, — деди у, — мурувватли инсон, ажойиб ҳукмдор, у одамларга ишонади ва кўлидан келганча яхшилик қилади. Ўзимча ўйладим: бордию сен ҳерцогга пул туфайли панд берсанг, бундан унинг кўл остидаги минглаб фуқаролар зарар кўради, ундаги одамларга бўлган ишонч йўқолади, битта ярамаснинг ёмон қилиғидан қанча-қанча бегуноҳ одамлар азоб чекади. Хўш, мен нима қилдим? Вазиятни чамалаб кўрдим-да, бир фирибгардан пулни қарзга олдим. Мабодо мен буни алдасам, ҳеч гап бўлмайди, бордию сахий ҳерцогни пул туфайли алдасам, бу учига чиққан пасткашлик бўларди».

Биз унинг маънавий юксаклигидан кулдик.

— Меркда ғалати одат бор эди, — давом этди Гёте, — у гап орасида «хе! хе!» деган товуш чиқарарди. Бу одат унинг ёши ўтган сайин кучайиб борди ва охири итнинг вовуллашига ўхшайдиган бўлди. Охир-оқибат у чуқур ипохондрия¹га дучор бўлди, кўплаб фирибгарликлари туфайли ўзини ўзи отиш билан ҳаёти якун топди. Мен сўзсиз банкрот бўламан, деган фикрни ўзига сингдирарди, бироқ кейин маълум бўлдики, унинг ишлари ўйлаганичалик ёмон эмас экан.

1831 йилнинг 30 марти, чоршанба

Биз яна девкор куч ҳақида гурунглашдик.

— У машҳур одамларга таъсир ўтказди, — деди Гёте, — шунингдек, нимқоронғи пайтларни танлайди. Берлинга ўхшаган ёруғ, жимжит шаҳарда кўзга ташланиши қийин.

Бу билан Гёте мен ўзим бир неча кун олдин ўйлаган фикрни айтди: фикрларимизнинг бир жойдан чиқиши ҳамisha менга қувонч бағишлаганидек, бу гал ҳам қувондим.

¹ *Ипохондрия* ўткир рухий қийналишлар билан кечадиган ҳолат. Тананинг турли қисмларида беҳад ёқимсиз сезимлар билан намоён бўладиган рухий касаллик.

Кеча ва бугун эрталаб унинг таржимаи ҳолининг учинчи жилдини ўқидим ва худди хорижий тилдаги китобни ўқиётгандек бўлдим, бунда чет тилини анча-мунча ўргангандан кейин илгари ҳам гўё тушунгандек бўлган китобни қайта ўқигандек, фақат энди унинг энг майда қирраларини ҳам тушуниб етаётгандек бўласан киши.

– Таржимаи ҳолингиз шундай китобки, – дедим мен, – у туфайли маданиятимиз сезиларли даражада юксакликка кўтарилади.

– Бу бор-йўғи менинг ҳаётимнинг самараси, – деди Гёте, – баъзи бир фактларни ўз кузатишларимни, чин ҳақиқатни исботлаш учунгина келтирдим, холос.

– Сизнинг бу китобдаги Базедов¹ ҳақидаги эслатмаларингиз, яъни ўз мақсадларига етиш йўлида одамларга муҳтож бўлиб, уларнинг самимий муносабатларига эришиш ниятида ўзи ҳам сезмаган ҳолда уларни ўзидан четлаштириб қўйгани, оқибатини ўйламасдан ёқимсиз диний қарашларини баён қилгани, бу билан диндан одамларнинг ихлосини қайтаргани ҳақидаги ёзувларингиз – шу ва шунга ўхшаш фикрлар жуда катта аҳамиятга эга.

– Менинг ўйлашимча, – деди Гёте, – бу китоб инсон ҳаётининг бир қатор рамзларини ўзида жамлаган. Мен уни «Шеърят ва ҳақиқат» деб номладим. Негаки, юксак интилишлар уни кундалик оддий ҳаётдан юқорироққа кўтаради. Жан Поль ўз ҳаётидаги қарама-қаршилиқлар руҳида фақат «Ҳақиқат»ни ёзди. Гўё бундай одамнинг ҳаётидаги ҳақиқат унинг мешчанларча феъл-атворидан ўзга нарсани исбот қиладигандек. Бироқ немислар ноодатий нарсага бундай муносабатда бўлишни билишмайди, эътиборга молик нарсалар эса, улар пайқаб улгурмасдан кўздан йўқолади. Ҳаётимиздаги фактлар ҳақиқатан мавжуд бўлганлари учун эмас, балки улар нимагадир арзиганлари учун аҳамиятлидир.

1831 йилнинг 31 мартини, пайшанба

Шахзоданикида Сорэ ва Мейер билан бирга тушлик қилдик. Адабиёт мавзусида гурунг бўлди, Мейер Шиллер билан дастлаб танишгани ҳақида гапириб берди.

– Йена яқинидаги Парадиз деган жойда Гёте билан айланиб юрардик, Шиллерни учратиш қолдик, ўша ерда мен у билан сўзлашдим. У «Дон Карлос» асарини ҳали ёзиб тугатма-

¹ Базедов Йоханн Бернгард (1723-1790) -- педагог.

ган, Швабиядан яқинда қайтган, кўринишидан жуда бемор ва асабий эди. Юзи хочга михланган Исони эслатарди. Гёте, у икки ҳафта ҳам яшамаса керак, деди, лекин у дам олиб, анча ўзига келди ва шундан сўнг энг йирик асарларини яратди.

Кейин Мейер Хайделбергдаги карвонсаройда учратиб қолган Жан Поль ва Шлегель тўғрисида у-бу воқеаларни ҳамда Италияда бўлган вақтидаги айрим кулгили хангомаларни айтиб берди, биз уларни қизиқиб тингладик.

Одам Мейернинг ёнида ўзини жуда яхши хис этади, бу унинг камгаплигидан ва ҳаётдан мамнунлигидан бўлса керак, у атрофдагиларга кам эътибор қаратади, аммо вазият туғилиб қолса, суҳбатдошига ўзининг мулойим ички дунёсини очади. Шу билан бирга, у жуда обрўли, фавқулодда кенг билим ва ҳайратомуз хотира эгаси, қачонлардир бўлиб ўтган арзимас воқеаларни ҳам худди кеча содир бўлгандек эслайди. У шунчалик юксак даражада ақллики, агар бу ақл беҳад назокатли маданият асосига қурилмаганда, киши бундан чўчиши мумкин эди, лекин унинг жимгина ҳозирлиги ҳамisha ёқимли ва ибратлидир.

1831 йилнинг 1 апрели, жума

Тушлик маҳали Гёте билан ранг-баранг мавзуларда гурунглашиб ўтирдик. У менга жаноб фон Ройтерннинг акварелда ишлаган суратини кўрсатди, унда бир ёш дехқон йигитнинг кичкина шаҳар бозорида саватлар ва бошқа тўқилган буюмлар билан савдо қилувчи аёл олдида тургани тасвирланган эди. Йигит ерда ётган саватларга қараб турар, ўтирган иккита аёл ва улар ёнидаги тўлагина қиз чиройли йигитга ҳавас билан тикилишган эди. Суратнинг қисмлари шу даражада жойига тушган, шакллар шунчалик ҳаққоний ва оддий эдики, унга қараб тўймайсан киши.

— Бу суратда, — деди Гёте, — акварель техникаси беҳад мукамал. Кўплаб содда одамлар, жаноб фон Ройтерн санъатда ҳеч ким олдида қарздор эмас, ҳаммаси унинг ўз закосига боғлиқ, дейишади. Гўё одам аҳмоқлик ва укувсизликдан бошқа нарсани ўз идроки билан қиладигандек! Гарчи у бирор номдор рассом кўлида таълим олмаган бўлса-да, ҳар ҳолда машҳур рассомлар билан мулоқотда бўлган, уларнинг таниқли салафларидан, қолаверса, тайёр табиатдан нимадир ўрганган-ку. Табиат уни мислсиз истеъдод билан сийлади, санъат ва табиат уни чиниқтирди. У ажойиб рассом. Маълум маънода ягона, бироқ ҳаммаси унинг ўз закосига боғлиқ, деб бўлмайди. Тентакнамо, укувсиз рассом ҳақидагина, у ҳамма-

сини ўз идроки билан қилади, деб айтса бўлар, аммо истеъдодлилар ҳақида бундай деб бўлмайди.

Шундан сўнг Гёте менга ўша рассом томонидан чизилган, чеккасига зар ва турфа ранглар билан хошия қилинган суратни кўрсатди, унинг ўртасида ёзув учун бўш жой қолдирилган эди. Юқори томонида готик услубидаги бино тасвири берилган, икки ёнида бой арабеска¹лар, табиат ва уй манзаралари билан қоришиқ ҳолда пастгача тушган, буларни пастда майса ва яшилликка бурканаётган ўрмонча ниҳоясига етказарди.

— Жаноб фон Ройтерн, — деди Гёте, — бўш жойга бирор нарса ёзиб беришимни илтимос қилди, лекин бу хошияли сурат шундай бой ва гўзалки, уни ёзувим билан бузиб қўяман, деб кўрқаман. Ҳатто шу мақсадда шеър ҳам тўқиб қўйдим, уни бирор хушхат одамга ёздирсамми, деб турибман, мен имзо қўйиш билан чегараланаман. Шунга Сиз нима дейсиз, қандай маслаҳат берасиз?

— Жаноб фон Ройтерннинг ўрнида, — дедим мен, — шеър бегона қўл билан ёзилганидан хафа бўлган бўлардим, Сизнинг ўз қўлингиз билан ёзилса, хурсанд бўлардим. Рассом ўзи хоҳлаган муҳитни яратиш учун бутун санъатини ишга солди, ёзувнинг қандай бўлиши унинг учун аҳамиятли эмас, муҳими, у Сизнинг қўлингиз билан ёзилсин. Бундан ташқари, шеърни лотин эмас, балки готик ҳарфлари билан ёзишни маслаҳат бераман. Сизнинг ёзувингиз готик ҳарфларда чиройли чиқади, қолаверса, бу готик услубидаги хошияга ҳам мос тушади.

— Сиз ҳақсиз, — деди Гёте, — энг тўғри йўл шу бўлса керак. Журъат қилсам, яқин кунларда ёзиб қўярман. Бордию шундай ажойиб сурат ўртасига бўёқ томизиб қўйсам, Сиз жавоб берасиз, — дея қўшиб қўйди у кулиб.

— Ёзаверинг, — дедим мен, — ҳаммаси яхши бўлади.

1831 йилнинг 5 апрели, сешанба

Гёте билан тушлик қилдик.

— Санъат соҳасида, — деди у, — мен Нойройтердан ўзга бирорта ёқимли истеъдод эгасини учратмадим. Рассом камдан-кам ҳолларда қўлидан келадиган нарсадан ўзини чегаралайди, кўпчилиги имкониятидан ташқари иш қилишни ҳам хоҳлайди, табиат унга белгилаб берган истеъдод чегарасидан ҳам чиқиб кетади. Нойройтер эса, айтиш мумкинки, ўз истеъдодидан

¹ *Арабеска* — меъморлик ва рассомлик санъатида геометрик шакллар, барг, гул ва шу кабиларнинг тасвиридан таркиб топган мураккаб нақш.

юкори туради. Табиатнинг барча кўринишларини, ер, қоялар, дарахтлар, ҳайвонлар ва одамларни у мукаммал тасвирлай олади, таъсирчанлик, маҳорат ва дидни юксак даражада эгаллаган, у хошияларга енгил-елпи расмлар чизишга ўз салоҳиятини сарф қиларкан, гўё ўзидаги қобилият билан ўйнашади ва истеъдод соҳибига хос бўлган бой, эркин имкониятлар келтириб чиқарган ҳиссиётлар беихтиёр томошабинга ҳам ўтади.

Хошияларга енгил-елпи расмлар чизишда ҳам унга ҳеч ким тенг келолмайди, ҳатто буюк Альбрехт Дюрер¹ ҳам унинг учун намуна эмас, балки илҳом берувчи манба ҳисобланади.

— Мен Нойройтернинг бу суратларидан бир нусхани Шотландияга, дўстим жаноб Карлейлга юбораман, ишонаманки, дўстимга бундай совға маъқул бўлади.

1831 йилнинг 2 майи, душанба

Гёте «Фауст» бешинчи фаслининг ҳозиргача ёзилмаган бош қисмини кейинги кунларда деярли ёзиб тугатгани ҳақидаги хабарни айтиб, бугун мени қувонтирди.

— Бу саҳналарни ёзиш нияти туғилганига ҳам ўттиз йилдан ошди, — деди у, — у шунчалик аҳамиятлики, ҳеч қачон унга нисбатан қизиқишим сўнмади, шунчалик қийинки, унга киришишдан ҳамиша чўчиб юрдим. Турли йўллар билан яна ҳаракатга тушдим, бахтим чопса, энди бунинг орқасидан тўртинчи фаслни ҳам ниҳоясига етказиб қўяман.

Гёте Бёрне² борасидаги фикрларини билдирди.

— У ҳар қалай талантли инсон, — деди у, — бироқ ундаги партиявий нафрат унга илҳом бериб туради, усиз у ҳеч қандай таъсир кучига эга бўлолмасди. Адабиётда кўпинча нафрат даҳо ўрнини босган ҳолатларга дуч келамиз, айрим арзимас талант эгалари партиянинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлганликларидан обрўли туюладилар. Шунингдек, ҳаётда шундай одамлар учрайдики, ёлғиз қолишга уларда ирода кучи етишмайди, булар ҳам қандайдир партияга кириб олишга уринишади-да, шу билан ўзларини кучли, муҳим шахсдек ҳис этишади. Беранже

¹ Дюрер Альбрехт (1471–1528) — немис рассоми ва гравюрачиси, немис Уйғониш даври санъатининг асосчиси.

² «Гёте билан гурунглар» асарининг дастлабки нашрларида шу ўринда «бир машҳур ёзувчи ҳақида гапирди» деб кетилган. Кейинроқ, бу ерда радикал-демократик публицист Людвиг Бёрне кўзда тутилган, деган фараз пайдо бўлган. Бёрне Гётени ижтимоий-сиёсий муаммоларга бефаркликда айблаган. Эккерман кўлёмаларини ўрганган Бергеманнинг гувоҳлик беришича, Эккерман айна китоби чикқан ййли (1837) вафот этган Бёрненинг номини салбий мақсадда ёзишни истамаган экан.

бўлса, аксинча, ўз-ўзига ишонган талант соҳиби. Шунинг учун у ҳеч қачон ҳеч қандай партияга хизмат қилмади. У ўз ички дунёси билан қониқиб яшайди, ташқи дунё унга ҳеч нарса беролмайди ҳам, ундан ҳеч нарсани олиб ҳам қўёлмайди.

1831 йилнинг 15 майи, якшанба

Гёте иккимиз унинг ишхонасида тушлик қилдик. У ёқ-бу ёқдан кизгин гурунглашиб ўтиргач, Гёте мавзуни ўз шахсий ишларига бурди, ўрнидан туриб, столдан бир варақ ёзилган қоғозни олди.

— Агар одам мендек саксондан ошса, — деди у, — унинг яшашга ҳаққи йўқ, энди у ҳар куни чақириб қолишларига тайёр туриши, бу дунёдаги ишларини қандай ўнглаши ҳақида қайғурмоғи керак. Сизга аввал айтганимдек, мен васиятно-мамда Сизни ижодий меросимнинг ношири деб белгиладим, бугун эрталаб шартномасифат бир нарса туздим, икковимиз унга имзо чекишимиз лозим.

Шу сўзларни айтгач, Гёте олдимга қоғозни қўйди, унда унинг вафотидан сўнг мен нашр эттиришим жоиз бўлган, бир қисми тугалланган, айрим тугалланмаган асарларининг рўйхати номма-ном кўрсатилган ҳамда нашр қилишга оид шартлар ва кўрсатмалар қайд этилган эди. Мен асосан ҳамма шартларга рози бўлдим ва икковимиз унга имзо чекдик.

Рўйхатда кўрсатилган асарлар таҳрири билан мен аввал ҳам гоҳи-гоҳида шуғулланган эдим, шу муносабат билан биз баъзи ҳал қилинмаган масалаларни муҳокама қилиб олдик.

— Ношир бунчалик катта босма табоққа рози бўлмаслиги ҳам мумкин, — деди Гёте, — материални қисқартиришга тўғри келиб қолар. Мабодо шундай бўлиб қолса, «Ранглар ҳақидаги таълимот»нинг баҳсли қисмини қисқартирсангиз бўлади. Ўзимнинг таълимотим назарий қисмда берилган, тарихий чекинишлар ҳам баҳсли характерга эга бўлганлиги, мен у ерда Ньютон таълимотидаги асосий хатолар ҳақида сўз юритганим боис, ҳар ҳолда баҳс-мунозара анча-мунча етарли. Мен Ньютон қарашлари бўйича кескин таҳлилимдан зинҳор воз кечмайман, у ўз даврида муҳим эди, бундан кейин ҳам қимматини йўқотмайди, аслини олганда, баҳс-мунозара юри-тиш менинг табиатимга хос эмас, бундан мен ҳузур қилмайман.

Биз муфассал муҳокама қилган навбатдаги масала «Ҳик-матлар» («Die Maximen und Reflexionen») бўлди, улар «Вильхельм Мейстернинг жаҳонгашталик йиллари»нинг ик-кинчи ва учинчи қисмлари охирига қўшилган эди.

Илгари бир жилдда чиққан романни қайта ишлаб, тўлдиргач, Гёте уни икки жилдда чоп эттиришга қарор қилди, асарларининг янги тўплами режасида ҳам шундай қайд этилган эди. Бироқ иш кенгайиб кетди, бунинг устига уни кўчирган одам ҳарфлар, сўзлар орасини очиқ қилиб ёзганидан, Гёте бунга алданиб, китобни уч жилд қилмоқчи бўлди, шундай қилиб, қўлёзма ноширга уч жилдга ажратилган ҳолда жўнатилди. Маълум қисмгача терилгач, қарабсизки, Гёте адашган, китобнинг кейинги икки жилди юпқа бўлиб қоларкан. Ношир давомини сўради, аммо энди романдаги бирор нарсани ўзгартиришнинг иложи йўқ, унга киритиш учун бирорта новелла ўйлаб топиш ва ёзишга ҳам фурсат йўқлигидан Гёте чинакам қийин аҳволда қолган эди.

Хуллас, у мени чақиртириб келди ва аҳволни тушунтириб, бу ҳолатдан қандай чиқиб кетиш йўлини мен билан ўйлашгач, қалин икки папкага жойланган қўлёзмани олиб келтирди-да, уларни менинг олдимга қўйди.

— Мана шу икки папкада, — деди у, — ҳали дунё юзини кўрмаган турли-туман битиклар, кичик-кичик мақолалар, қайдлар, ниҳоясига етган ва етмаган нарсалар, табиатшунослик, санъат, адабиёт, ҳаёт ҳақидаги фикрлар аралаш-қуралаш бўлиб ётипти. Агар Сиз шуларнинг ичидан олти-саккиз босма табоқ ҳажмидаги материални ажратиб олиб, таҳрир қилсангиз, «Жаҳонгашталиқ йиллари»даги кемтикни тўлдириш имкони бўларди. Аслини олганда, булардан бирортаси ҳам мазмунан романга бевосита алоқадор эмас, аммо бизга кўмак берадиган битта ҳолат бор: романда Макариянинг шунақа майда-чуйда битиклар сақланадиган архиви борлиги эслатилган эди. Шу йўл билан биз катта қийинчиликлардан чиқиб кетамиз ва мана шу эски аравада қанча-қанча фойдали ҳикматли гапларни инсоният эҳтиёжига элтамиз.

Мен бу таклифга рози бўлдим ва дарҳол ишга киришдим, тарқоқ ҳолда ётган битиклар таҳририни тез орада тугатдим. Гёте кўринишдан мамнун эди. Тўпланган материални икки қисмга бўлдим, уларга биз «Макариянинг архивидан» ва «Сайёҳнинг руҳияти» деган ном бердик, айни шу пайтда Гёте иккита ажойиб шеър¹ни: бири «Шиллернинг бош суягини хаёл қилиш», иккинчиси «Тирик жонзот ҳеч нарсага айланмайди...»ни ёзиб бўлган эди. Уларни тезроқ эълон

¹ Гётешуносларнинг фикрича, бу ерда Эккерман хато қилган: биринчи шеър 1826 йилда, иккинчиси («Васият») 1829 йилда ёзилган экан.

қилиш истаги билан ёнарди, шу билан уларни биринчи ва иккинчи қисмларнинг охирига қўшиб юбордик.

«Жаҳонгашталик йиллари» босилиб чиққач, уни қандай тушунишни ҳеч ким билмасди. Романдаги воқеалар ора-сира тўсатдан сирли афоризмлар билан узилиб қолар, уларнинг мазмуни фақат ўша соҳа кишиларига, яъни табиатшунослар, рассомлар, адабиёт аҳлига тушунарли бўлиб, қолган барча китобхонлар, айниқса, қизлар ноқулай аҳволда қолишарди. Ҳалиги иккита шеърни ҳам тушуниш қийин эди, уларнинг бу ерга қаердан келиб қолганига ҳеч кимнинг ақли етмасди.

Гёте кулди.

— Бўлар иш бўлди, — деди у шунда, — энди бир йўли бор: менинг адабий меросимни нашрга тайёрлаш чоғида ҳамма нарсаларни керакли жойга жойлаштириш керакки, «Жаҳонгашталик йиллари»дан ҳам мана шу майда-чуйда битикларни, иккала шеърни ҳам чиқариб ташлаб, аввал ният қилинганидек, икки жилд қилиш керак.

Шу тахлит, барча санъатга дахлдор ҳикматлар санъатга бағишланган жилдга, табиатга алоқадорлари табиатшунослик ҳақидаги жилдга, ахлоқ ва адабиёт ҳақидагилари эса шу соҳага тегишли жилдларга киритилади, деган қарорга келдик.

1831 йилнинг 25 майи, чоршанба

«Валленштайн лагери» хусусида суҳбатлашдик. Гёте бу драмани ёзишда иштирок этгани, хусусан, Капуцин¹ тазаррусини у тавсия қилгани тўғрисидаги гапларини бир неча бор эшитган эдим. Бугун тушлик маҳали ундан шу ҳақда сўрадим, у шундай жавоб берди:

— Аслида, — деди у, — ҳаммаси Шиллернинг иши. Биз Шиллер билан яқин муносабатда бўлганимиз туфайли у барча режа ва ниятларини мен билан ўртоқлашар, бирга муҳокама қилардик, асарнинг ёзилган қисмларини менга ўқиб берар, менинг фикрларимни тинглар, улардан фойдаланарди, шундай бўлгач, унда менинг ҳам ҳиссам бўлиши мумкин. Капуциннинг тазаррусини ҳақида мен унга «Абраҳам а Санкта Клара»²нинг нутқини юборган эдим, у бундан унумли ва

¹ Капуцин — XVI асрда Италияда ташкил этилган католик динидаги роҳиблар сектаси аъзоси.

² Абраҳам а Санкта Клара (1644–1709) — Августинлар сектаси роҳибини. Августинлар сектаси — XIII асрда асос солинган католик динидаги роҳибларнинг қашшоқлик сектаси; унинг низоми патристиканинг кўзга кўринган вакили Августина (354–430) томонидан ёзилган.

оқилона фойдаланиб, тазарруни ёзган. Айрим ўринлари менинг маслаҳатим билан ёзилганини ҳозир эслаёлмайман, икки мисра шеър ёдимда қолган, холос.

*Зарба еб ер узра ётган капитан,
Менга бир жуфт ошиқ васият қилган.*

Дехқоннинг қўлига бу сохта ошиқлар қандай тушиб қолганига изоҳ беришни истамаганим учун шу мисраларни ўз қўлларим билан ёзиб, қўлёзмага киритган эдим. Шиллер бу ҳақда ўйламаган, уларнинг қаердан келиб қолгани ҳақида қайғуриб ўтирмай, уларни деҳқон қўлига тутқазган эди. Айтиб ўтганимдек, у муфассал шарҳларга кўпам эътибор қаратиб ўтирмасди, шунданми, у ёзган пьесаларнинг саҳнавий таъсири кучлироқ.

1831 йилнинг 29 майи, якшанба

Гёте менга арзимас бир хатоси учун ҳеч ўзига келолмаётган бола ҳақида гапириб берди.

— Бу менга маъқул бўлмади, — деди у, — бу унинг нозик қалбидан дарак беради, у ўзининг маънавий «мен»ини шу қадар юксак кадрлайдики, озгина хатони ҳам ўзига кечиролмайди. Агар одамни фаол ҳаракат изга солиб турмаса, бундай қалб уни бадгумон қилиб қўяди.

Яқинда менга мойқут қушининг уясини полапонлари билан совға қилишган эди, ёнида онаси ҳам бор, уни елим суркалган новдачада тутиб олишган экан. Қуш ва полапонларини хонада овқатлантирибгина қолмасдан, деразадан қўйиб юборсам, яна болалари ёнига қайтиб келганини кўриб ҳайратда қолдим. Ҳеч қандай хавф-хатар ва асирликка ҳам парво қилмайдиган бундай оналик меҳридан қаттиқ ҳаяжонландим ва бугун ҳайратимни Гётега изҳор қилдим.

— Э, девона! — жавоб берди у кўп маъноли жилмайиб, — агар худога ишонганингизда бунга ҳайрон қолиб ўтирмаган бўлардингиз.

*Олам мавжудлиги Унинг измида,
Борлиқ Унда, У борлиқда яширин.
Ҳаракатдаги барча кучлар бағрида,
Унинг мангу руҳ-у сеҳри яширин.*

Бордию Тангри қушга мислсиз оналик меҳр-муҳаббатини ато қилмаганида ва ана шундай туғма ҳиссиёт барча тирик мавжудотларга хос бўлмаганда эди, бу ёрур олам мавжуд

бўлолмас эди! Бироқ илохий қудрат ҳамма жойга сингган ва ҳамма жойда абадий меҳр-муҳаббат ҳукмрон.

Худди шундай фикрни Гёте яқинда, бир ёш ҳайкалтарош¹ Мироннинг бузоғи эмаётган сигир моделини юборганида айтган эди.

— Бу ерда, — деди у, — олий даражадаги рамз акс этган, дунёни тутиб турган, бутун табиатга сингиб кетган озиклантириш тамойили гўзал қиёфада кўз ўнгимизда намоён бўлган, шу ва шунга ўхшаш санъат асарларини мен ҳамма ерда ҳозир у нозир Яратганнинг кўриниши, деб атайман.

1831 йилнинг 6 июни, душанба

Бугун Гёте менга «Фауст» бешинчи фаслининг янги ёзилган бошланишини кўрсатди. Мен Филемон ва Бавкиданинг кулбаси ёниб кетган жойгача ўқидим. Фауст кечаси балконида туриб енгил шабада олиб келган тутун ҳидини сезади.

— Филемон ва Бавкида номлари, — дедим мен, — мени хаёлан фиригий соҳилларига элтади ва қадимги машҳур жуфтларни ёдимга солади, бироқ бу сахна янги, насронийлик ҳукм сурган даврда кечаяпти.

— Менинг Филемон ва Бавкидамнинг, — деди Гёте, — анави қадимги машҳур жуфтларга ва улар билан боғлиқ ривоятларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Мен уларнинг феъл-атворлари ҳақида тасаввур уйғотиш учунгина уларга шу номларни бердим, холос. Булар бир-бирларига ўхшаш одамлар, ўхшаш вазият, шунинг учун худди ўша исмларни берсак бўлаверади.

Кейин Фауст ҳамда у ҳатто қариган чоғида ҳам ўзидаги норозилик феълидан ҳалос бўлолмагани хусусида гурунги бўлди, ўзи тузган давлатда дунёнинг барча бойликларига эга бўлатуриб ҳам ўзига тегишли бўлмаган икки туп жўка дарахти, кулба ва қўнғироқча учун тамагирлик қилади. Бу жиҳатдан Фауст Исроил подшоҳи Аҳабга ўхшаб кетади: у ҳам Навуфейнинг тоқзорига эга бўлиш учун бутун бойлигидан кечишга тайёр бўлган.

— Бешинчи фаслда, — деди Гёте, — менинг режам бўйича Фауст юз ёшга тўлиши керак, билмадим, эҳтимол буни бирор жойда аниқ айтишим керакдир.

¹ Гётешуносларнинг тахминича, бу пруссиялик яширин маслаҳатчи Бойт бўлиши мумкин. Мироннинг сигири тасвирланган сурат 1818 йилда «Санъат ва мозийлик» журналида босилган, ўзи тавсия қилган ҳолатда ҳайкалинни ишлаб, унга юборишини Гёте 1827 йилнинг 13 июнида ундан сўраган экан.

Шундан сўнг ечим тўғрисида фикрлашдик, Гёте менинг диққатимни мана бу сўзлар айтилган ўринга қаратди:

*Озод бўлди ул макруҳ,
Домидан бу юксак руҳ.
Кимга интилмоқ ёрдур,
Ҳақ ўзи мададкордур.
Кимга ёрдур муҳаббат,
Ҳақ олдида иззатда.
Уни малаклар албат,
Қарши олур жаннатда¹.*

(Эркин ВОҲИДОВ таржимаси.)

— Бу мисраларда, — деди у, — Фаустнинг озод бўлишига калит, унинг ўзида охирги нафасигача юксак ва тоза фаолият мужассам, юқоридан эса унга барҳаёт муҳаббат ёғилади. Бу бизнинг диний тасаввурларимизга тамоман мос келади, унга кўра биз нафақат ўз интилишларимиз билан, балки Худонинг марҳамати туфайли ҳам абадий ҳузур-ҳаловатга эришамиз.

Асарнинг якуни, яъни озод этилган руҳни осмонга олиб чиқиб кетиладиган жойни ёзиш менга осон бўлмади, агар мен ижодий илҳомимга яққол намоён бўлувчи диний тимсол ва ривоятлар воситасида аниқ ва ёрқин чегараланган шакл бермаганимда, бундай ғайришуурий, тасаввурга сиғиши мушкул бўлган вазиятларда ноаниқлик ўпқонида йўқолиб кетган бўлардим.

Ҳали ёзилмаган тўртинчи фаслни Гёте кейинги ҳафталарда ниҳоясига етказди, шу билан августда иккинчи фасл тайёр ҳолга келиб, муқоваланди. Узоқ йиллар интилган мақсадига етишганидан Гёте беҳад бахтиёр эди.

— Бундан кейинги ҳаётимни, — деди у, — ҳады ҳисоблайман, тўғриси, энди бирор иш қиламанми-йўқми, нима қиламан, менга барибир.

1831 йилнинг 21 декабри, чоршанба

Гёте билан тушлик қилдик. Унинг «Ранглар ҳақидаги таълимот»и нега кам оммалашгани ҳақида гурунглашдик.

— Унинг оммалашуви қийин, — деди у, — чунки ўзингизга маълум, уни нафақат ўқиб-ўрганиш, балки ҳар ким ўзи уни тажриба қилиб кўриши керак, бу жуда оғир иш. Поэзия ва тасвирий санъат қонунларини тушунтириш ҳам осон эмас, ахир шоир ёки рассом бўлиш учун истеъдод та-

¹ Қаранг: «Фауст», II қисм. — Т.: Фафур Фулом номидаги АСН, 1974, — 381-бет.

лаб қилинади, буни эса кишига сингдириб бўлмайди. Оддий бошланғич ҳолатни идрок этиш, унинг юксак аҳамиятига баҳо бериш ва у билан муомала қилиш учун кўп нарсани ўзида жамлаган бой ақл-заковат талаб қилинади.

Бу ҳам камлик қилади. Санъатнинг барча қонунқоидаларини ўрганган ва истеъдод эгаси бўлган одам ҳам яхши рассом бўлолмайди, бу фазилатлар ёнига яна тинимсиз машқ ҳам қўшилиши зарур, шунингдек, «Ранглар ҳақидаги таълимот»да ҳам муҳим қонунларни билиш ва ақл-заковатга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас, у ғоятда сирли ҳолатлардан хулосалар чиқариш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англаб етишга қодир бўлмоғи керак.

Биз биламизки, яшил ранг сариқ ва кўк рангларнинг аралашувидан ҳосил бўлади, аммо бирор одам, мен камалакнинг яшил ранги қандай пайдо бўлишини, барг ёки денгиз суви нега яшиллигини биламан, дея олиши учун ранглар дунёсини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва унинг ичига чуқур кириб бориш салоҳиятига эга бўлиши лозим.

Десертдан сўнг биз Пуссоннинг бир неча манзарали расмларини томоша қилдик.

— Рассом ҳаддан ортиқ ёруғлик берган ўринлар, — деди Гёте шу муносабат билан, — ҳар бир қисмни алоҳида таҳлил қилиш имконини бермайди, шу боисдан сув, қоя, яйдоқ ер ва бинолар ёрқин рангларда чизиш учун жуда қулай. Аксинча, ниҳоятда деталлаштиришни талаб қилувчи нарсалар тасвирида рассом жуда кўп ёруғлик бермаслиги жоиз.

— Пейзаж мусаввири, — давом этди Гёте, — кўплаб билимларга эга бўлиши зарур. Унга перспектива, меъморчилик, одам ва ҳайвонлар анатомиясини тушунишнинг ўзи етарли эмас. У ботаника ва маъданшуносликдан маълум тушунчага эга бўлмоғи керак. Биринчиси — дарахт ва ўсимликларнинг ўзига хослигини, иккинчиси эса, турли хил тоғ жинсларининг фарқига бориб тасвир этиши учун керак. Унинг мутахассис маъданшунос бўлиши шарт эмас, у асосан оҳактошлар, тупроқли тоғ жинслари, қумтошлар билан муомала қилгани учун уларнинг қандай шаклларда жойлашганини, об-ҳаво таъсирида қандай парчаланишини, уларнинг устида қандай дарахтлар тик, қайсилари эгри-бутри бўлиб ўсишини билса етади.

Кейин Гёте менга Ҳерманн ван Шванefeld'нинг бир неча пейзаж тасвирларини кўрсатди ҳамда бу ажойиб инсоннинг санъати ва шахсияти борасида кўп яхши гапларни айтди.

¹ Шванefeld Ҳерманн ван (тахминан 1600 – 1655) — нидерланд рассоми.

— Унда бирорта бошқа рассомда бўлмаган санъат-иштиёқ ва иштиёқ-санъатни кўриш мумкин. У бутун қалби билан табиатни ва илоҳий хотиржамликни севади, бу нарса унинг суратларини томоша қилганимизда бизга ҳам юқади. Нидерландияда туғилиб, Римда, Клод Лоррен кўлида таҳсил олган, у мана шу рассом кўлида етук билим эгаси бўлиб, ўзидаги ажойиб, ўзига хос салоҳиятни янада оширган.

Херманн ван Шванефельд ҳақида нималар ёзилганини кўриш учун биз «Санъат лугати»ни варақладик, у ерда, устозидан ўзиб кетолмади, дея унга таъна қилинган эди.

— Аҳмоқлар, — деди Гёте, — Шванефельд Клод Лоррен эмас эди, буниси бўлса, ҳеч қачон мен яхшироқман, демаган бўларди. Бордию ҳаёт фақат биз ҳақимизда биографлар ва лугат тузувчилар ёзадиган гаплардан иборат бўлса эди, бу ҳеч нарсага арзимайдиган, ичи бўш машғулот бўлар эди.

* * *

Шу йилнинг охири ва янги йилнинг бошида Гёте яна ўз севимли машғулотлари, табиатшунослик билан шуғуллана бошлади, гоҳо Буассарэга мурожаат қилар, гоҳида камалак қонунларини таҳлил қилар, шунингдек, Кювье ва Сент Илер ўртасидаги баҳс таъсирида ҳайвонлар ва ўсимликлар метаморфозаси билан шуғулланишда давом этарди. Булардан ташқари, у мен билан бирга «Ранглар ҳақидаги таълимот»нинг тарихий қисмини таҳрир қилди ва рангларнинг аралашуви ҳақидаги боб устида ишлади, буни ҳам унинг истаги билан назарий жилд учун тайёрладим.

Бу пайтда турфа мавзулардаги қизиқарли гурунглар ва унинг пурмазмун фикрларини тинглашга ҳам вақт топиларди. Бироқ мен уни бардам-бақувват ҳолатда ҳар куни кўрганим учун бу бир умр давом этади, деб ўйладим ва унинг сўзларига бошқа вақтлардагига нисбатан камроқ эътибор қилардим, 1832 йилнинг 22 мартида уни абадий йўқотганим учун минглаб соф виждонли немислар билан бирга кўз ёши тўкканимда вақт ўтганини билиб қолдим.

Қуйидагиларни энг янги хотиралар асосида қорозга туширдим.

1832 йил март ойининг боши

Тушлик маҳали Гёте ўзига жудаям ёқиб қолган барон Карл фон Шпигель¹ ҳақида гапирди.

¹ Шпигель Карл, барон — оберхофмаршал Карл Эмиль фон Шпигелнинг ўғли.

— У жуда чиройли йигит, — деди Гёте, — хатти-харакатлари, феъл-атворида унинг зодагонлигини билдириб турувчи нимадир бор. Фавқулудда аклини яширолмаганидек, у ўзининг келиб чиқишини ҳам яширолмайди. Юқори насаб ҳам, ақл ҳам кимга насиб қилган бўлса, ўшанда ўзига хос из қолдиради, буни ҳеч нарса билан яшириб бўлмайди. Бу ҳам худди гўзалликка ўхшаган табиий қудрат, унинг олий даражадан эканлигини ҳис этмай туриб унга яқинлашиб бўлмайди.

Бир неча кундан сўнг

Юнонларнинг фожиавий тақдири тўғрисида гурунглашдик. — Бундай ҳолат, — деди Гёте, — бизнинг ҳозирги дунёқарашимизга тўғри келмайди, у эскирди, ҳозирги диний тасаввурларимизга зид. Агар замонавий ижодкор шундай роялар асосида пьеса яратса, бу доимо нотабиий кўринади. Бу аллақачон улардан чиққан кийим бизга ортиқ ярашмай қолган Рим тога¹сига ўхшайди.

Биз, замонавий одамлар, Наполеон билан бирга, сиёсат ҳам қисмат, деб такрорлашга мойилмиз. Бироқ биздаги ҳозирги замон шоирлари билан бирга: сиёсат — поэзия ёки поэзия учун қулай мавзу, дейишдан тийиламиз. Инглиз шоири Томпсон йил фасллари ҳақида беҳад зўр, аммо озодлик тўғрисида ярамас шеър ёзган, шоир шеърятни тушунмаганидан эмас, балки мавзунинг шеърятга мос эмаслигидан шундай бўлган.

Шунингдек, шоир сиёсатга араллашиб, бирорта партияга мансуб бўлса, ана энди у шоир сифатида тамом бўлади, у ўзининг эркин руҳи, мустақил дунёқарашини билан хайр-хўш қилади, бунинг ўрнига аҳмоқона чегараланганлик ва кўр-кўрона нафрат қалпоғини қулоқларигача бостириб кийиб олади.

Шоир инсон ва фуқаро сифатида ўз ватанини севади, лекин ватан унинг поэтик даҳоси ва поэтик меҳнатлари самарасини, яъни бирорта минтақа, бирорта мамлакатга боғлиқ бўлмаган, қаерда топилишидан, қаерда шакллантирилишидан қатъи назар, яхшилиги, олийжаноблиги ва гўзаллигини қадрлайди. Шоир мамлакат осмонида эркин қанот қоқиб, унга назар ташлаб юрган бургутга ўхшайди. У ҳозир устига ташланадиган қуён Пруссияда югуриб юришгани ёки Саксонияда, унга барибир.

Ватанни севиш нима дегани? Ватанпарвар сифатида фаолият кўрсатиш-чи? Агар шоир бир умр зарарли бидъатларга қарши курашиш, бағрикенгликни тарғиб қилиш, халқнинг

¹ Тога — қадимги римликларнинг устки кийими, елкага ташлаб юриладиган узун ок либос.

онгига ёруғлик олиб кириш, дидини тозалаш, фикрлаш тарзини ўстириш учун жон куйдирса, ундан яна нима талаб қилиш мумкин? У ватанпарварлик руҳида яна қандай ҳаракат қилсин? Шоирга шу қадар кўп, кўз кўриб кулоқ эшитмаган талабларни қўйиш — полк командиридан ҳақиқий ватанпарвар сифатида, ўз вазифасини сунистеъмом қилиб, сиёсий ислохотларда иштирок этишга мажбур қилиш билан тенг. Ахир полк командирининг ватани — унинг полки-ку, агар унга алоқаси бўлмаса, у сиёсий ишларга аралашмай туриб ҳам чинакам ватанпарвар бўлиши мумкин, аксинча, у бутун фикри-зикри ва эътиборини ўз тасарруфидаги полкка қаратиб, уни ўқитиб, тартиб-интизомда сақласа, ватан хавф остида қолганда мардларча уни химоя қилсин.

Мен ишга панжа орасидан қарашдан гуноҳ даражасида нафратланаман, айниқса давлат ишларидаги бундай ҳолатдан минглаб, миллионлаб одамлар зарар кўради. Биласизки, мен ҳақимда нима ёзишлари мени кам қизиқтиради, бироқ кўп гаплар кулоғимга етиб келади, биламанки, ҳаётда менга қанчалик қийин бўлмасин, парво қилмадим, менинг бутун ижодим кўплаб одамларнинг назарида ҳеч нарсага арзимайди, чунки мен бирорта сиёсий партияга аъзо бўлишдан бош тортдим. Бундай одамларнинг кўнглини топиш учун мен яacobинчилар клубига аъзо бўлишим ва одам ўлдириш, қон тўкишни тарғиб қилишим керак эди! Бундай ёқимсиз мавзуда энди бир офиз ҳам сўз айтилмайди, мулоҳазасизликка қарши курашаман, деб ўзим ҳам мулоҳазасиз бўлиб қоляпман.

Шу билан бирга, Гёте Уланднинг кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланган сиёсий қарашларини қоралади.

— Эътибор қилинг, — деди у, — сиёсатчи одам шоирни еб битиради. Партияга аъзо бўлиб, ҳар кун иштишувлар, бахс-мунозаралар қуршовида яшаш шоирнинг ҳиссиётли табиатига тўғри келадиган иш эмас. Унинг қўшиқлари сўнади, бунга кейин афсус қилади. Швабияда партияга аъзо бўлишга арзийдиган зиёли, ёруғ фикрли, ишчан, сўзамол одамлар кўп, аммо Уланддек шоир у ерда битта.

* * *

Гёте ўз хонадонида кучоқ очиб кутиб олган сўнгги меҳмон фон Арним хоним'нинг катта ўғли бўлди, Гёте ёзган сўнгги

¹ *Беттина фон Арним (1785–1859)* — Гётенинг ёшлиқдаги дўсти Максимилиан Ларош исмли аёлнинг қизи, «Гётенинг бир бола билан ёзишмалари» китобининг муаллифи (1835).

сатрлар ана шу йигитнинг альбомидаги бир неча мисралар бўлди.

* * *

Гёте вафотининг эртаси куни мени шоир жасадини яна бир кўриш истаги қамраб олди. Унинг содиқ хизматкори Фридрих жасад қўйилган хонани менга очиб берди. У худди чалқанча ётиб ухлаётгандек эди, улуғвор чехрасида хотир-жамлик ва қатъият ҳукмрон бўлиб, кенг манглайда ҳалиям фикрлар айланаётгандек туюларди. Сочларидан бир тутамгинани кесиб олгим келди, аммо унга бўлган буюк ҳурматим йўл бермади. Яланғоч танасини оппоқ чойшабга ўраб, иложи борича узокроқ ва яхши сақлаш учун атрофига муз бўлаклари қўйишган эди. Фридрих чойшабни очди: гавда аъзоларидаги илоҳий кўркамликдан ҳайратда қолдим. Кўкраги маҳобатли, кенг ва бўртик, қўл ва тослари бўлиқ ҳамда мушаклари мулойим, оёқлари бежирим ва ниҳоятда нозик, танасининг бирор жойида на ёғ боғлаш, на озиш, на шалвираш белгиси кўринмасди. Рўпарамда ҳар томонлама мукамал инсон гўзал бир қиёфада ётарди ва бундан пайдо бўлган мендаги ҳайрат, барҳаёт рух шундай танани тарк этиши мумкинлигини бир зумга унутишга мажбур қилди. Кўлимни юраги устига қўйдим: ҳаммаёқ жимжит эди. Шунда тутиб турган кўз ёшларимга эрк бериш учун орқага бурилдим.

УЧИНЧИ ҚИСМ

«Гёте билан гурунглар»имнинг кўпдан бери ваъда қилинган учинчи қисмини тугалланган ҳолда кўрарканман, катта қийинчиликларнинг ортда қолгани қалбимни қувончга тўлдирди.

Вазифам жуда оғир эди. Мени, кемаси ҳозир эсаётган шамолда сузолмаётган, у ҳафталаб, ҳатто ойлаб, ҳув илгари эсан шамолни кутаётган дарғага қиёсласа бўларди. Биринчи ва иккинчи қисмларни ёзганимда жуда бахтли эдим, ҳар ҳолда қулай шамол ёрдамида сузардим, чунки янги айтилган сўзлар қулоқларим остида жаранглар, ўша фаройиб инсон билан юзма-юз бўлган мулоқотлар менга илҳом берар ва мен мақсад сари гўё қанот боғлаб учардим.

Энди бўлса, у овоз кўп йиллардан буён ортиқ жарангламай, у билан бўлган гурунглар бағишлаган бахт аллақачон узоқларда қолиб кетгач, керакли илҳомни ўз ички дунём билан банд бўлган лаҳзалардан олардим ва сукунат бағрида фикримни бир жойга тўплагач, ўтмиш ёрқин бўёқларда кўз олдимда ҳаракатга келар ва буюк фикрлар ҳамда буюк характер баайни тоғ тизмаларидек, узоқдан бўлса-да, аниқ ва бугунги кун қуёши нурлари остида кўз ўнгимда қад ростларди.

Мен буюкликка яқинлашиш қувончидан илҳом олардим, унинг фикрлари мароми ва оғзаки ифодаси бутун икир-чикирларигача худди кеча эшитганимдек хаёлимда жонланади. Тирик Гёте яна мен билан бирга эди, мен унинг бошқа ҳеч бир кишининг овози билан қиёслаб бўлмайдиган кадрдон овози жарангини эшитаман. Яна уни кечқурунлари фрак кийган, юлдузини тақиб олган ҳолатда, дўстлари даврасида, ёп-ёруғ хонасида кўрардим, у қулиб, ҳазиллашганча дўстлари билан суҳбат қуради. Эртаси кун ҳаво очиқ бўлган пайтда жигарранг сюртук ва кўк мовут шапкада, оч кулранг пальтосини тиззаларига ёпиб

олганча извошда мен билан бирга ўтиради. Соғлом чеҳраси қуёшда бироз қорайган, баланд овозда гапирар, сермаъно сўзларининг жаранги филдираклар товушини босиб кетади. Ёки ўзимни шам липиллаб ёниб турган ишхонасида, устида оқ фланель халат, яхши ўтган кундан қониққан қиёфада мен билан юзма-юз ўтирган ҳолатда кўраман. Биз катта-кичик воқеалар борасида гурунглашамиз, унинг табиатига хос бўлган аслик менинг ҳузуримда юзага чиқади, менинг руҳим унинг руҳидан қувват олади. Ўртамизда самимий уйғунлик юзага келади, у стол оша менга қўлларини узатади, мен уларни қисаман.

У яна жонли қиёфада қаршимда турар ва мен яна унинг товушини эшитардим.

Аммо, ҳаётда кўпинча ўзимиз учун кадрли бўлган марҳумни ёдга олсак-да, бу елдек учиб ўтаётган кунлар талатўпида ҳафтада, ҳатто ойда бир марта бўладими-йўқми, гумон, марҳум баайни тирикдек кўз ўнгимизда намоён бўладиган сокин, гўзал лаҳзалар камдан-кам бўлади, мен билан ҳам ҳозир шундай бўлган эди.

Гоҳида бир неча ойлаб кундалик турмуш ташвишлари билан банд бўлиб, Гётега нисбатан гўё ўликдек бўлардим, унинг бирорта сўзи менга таъсир қилмасди. Яна ўша натижасиз ҳафталар, ойлар бошланар, дилимда ҳеч нарса туғилмас, куртак ёзмас эди. Бундай соатларнинг ўтишини сабр билан кутишим керак эди, негаки бундай ҳолатда бирон-бир мазмундор нарса ёзиб бўлмасди. Мен бахтли онларни кутардим — у ўтмишни бор бўй-басти билан рўпарамда намоён қилиши, менинг бутун руҳий-маънавий қудратим, фикру хаёлим шу даражада жонланиши керакки, токи Гётенинг фикр-ўйлари учун қулай макон вужудга келсин. Ахир мен шундай қаҳрамон билан иш тутаманки, у мудом юксакликда бўлиши керак. Ҳақиқатга содиқ қолиш учун унинг фикрлаш тарзидаги бор мулойимлиги, руҳиятидаги ёрқинлик ва қудрати ҳамда бу фавқулодда шахсга хос улуғлиги билан намоён қилишим лозим — шубҳасиз, бу осон вазифа эмас!

Менинг унга бўлган муносабатим шунчаки оддий муносабат эмас эди. Бу шогирднинг устозга, ўрилнинг отага, билимга ташна инсоннинг ақл-заковатда тенгсиз мутафаккирга бўлган муносабати эди. У мени ўз қизиқишлари даврасига олиб кирди, унинг олий даражадаги турмуш тарзидан маънавий ва жисмоний озиқ олишимга имкон яратди. Кўпинча уни ҳафтада бор-йўғи бир мартагина, кечқурунлари ҳузурига борганимда кўрардим, шундай вақтлар бўлардики, у билан

бирга гоҳ катта даврада, гоҳида у билан ёлғиз ўтириб тушлик қилиш бахтига муяссар бўлардим.

Унинг гурунглари ҳам асарлари сингари турфа хил кайфиятда бўларди. Бордию унда бирорта янги ғоя туғилиб қолса, сўзлари қуйилиб келаверар, толиқиш нималигини билмасди. Бу сўзлар гулга бурканган баҳорги боғни эслатарди, бундай гўзалликдан кўзлари қамашган одам ҳатто гулдаста узишни ҳам хаёлига келтирмайди. Бошқа пайтда эса, аксинча, гўё ичини туман қоплагандек, жим ўтирарди, гоҳида бундан ҳам баттар бўлар, худди қор қоплаган далани қаттиқ шамол ялаб ўтгандек музга айланарди. Эртасига қарабсанки, у яна кулиб турган ёз кунидек бўлиб қолар, гўё дарахт шох-бутоқларига қўниб олган ўрмон қушлари чуғурлашиб сайраётгандек бўларди. Бундай дақиқаларда уни тинглаш бахт, унинг яқинлиги хайрли, сўзлари қалбингга ором берарди.

Унда қиш билан ёз, кексалик билан ёшлик узлуксиз қурашда бир-бири билан алмашилиб турар, шуниси хайратланарлики, етмиш ёшли, ҳатто кейин саксон ёшли мўйсафид пайтида ҳам ёшлик устунлик қилар, фақат куз ва қиш кунлари бу ҳолат камроқ кўзга ташланарди.

Ўз-ўзини идора қилиш унинг табиатидаги энг диққатга сазовор фазилатлардан бири эди. Бу хислат ундаги чуқур мулоҳазакорлик билан уйғунлашиб, мавжуд материални тўлиқ ўзлаштириш ва биз тинмай хайратланадиган асарларига етуклик бағишлаш имконини берарди.

Баъзи ҳолларда айнан мана шу хусусияти туфайли у айрим асарларида бўлгани каби оғзаки суҳбатларда ҳам гоҳида эркин фикр билдирилмасди. Қандайдир кучлироқ руҳ мададга келиб, бундай ҳолатга чек қўйган бахтли онларда эса, унинг сўзлари ёшларга хос эркинлик билан бамисоли тоғдан шарқираб-тошиб оқиб келаётган сувдек қуйилиб келаверарди. Бундай лаҳзаларда у бой табиатида мавжуд бўлган энг буюк, энг яхши фикрларни изҳор қилар, шунда унинг ёшликдаги дўстлари унинг ёзган ва нашр этган сўзларидан кўра оғзаки айтганлари яхшироқ дейишгани сабабини суҳбатдошлари англаб етишарди. Мармонтель¹ ҳам Дидро ҳақида, ким уни асарлари орқали билса, демак, ярим билади, оғзаки суҳбат чоғидагина у мислсиз қайнаб-тошади, деган экан.

Ишонаманки, «Гурунглар»да ўша бахтли лаҳзаларнинг маълум қисмини муҳрлаш имконига эга бўлдим, шунингдек,

¹ *Мармонтель Жан Франсуа (1723–1799) – француз ёзувчиси.*

Гёте шахсиятини икки хил акс эттирган ўринлар ҳам китобнинг қимматини оширади, деб ўйлайман.

Женевалик эркин фикрли республикачи жаноб Сорэ 1822 йилда Буюк ҳерцог валиаҳди зоти олийларининг тарбияси учун Ваймарга чақирилган, шу муддатдан бошлаб то Гётенинг вафотигача у билан яқин муносабатда бўлиб келган. У Гётеникида тез-тез тушлик қилар, кечки давраларда кўпинча азиз меҳмони бўларди. Бундан ташқари, Сорэнинг табиатшунослик бўйича кенг қамровли билимга эгаллиги ҳам узоқ давом этувчи мулоқотларга замин яратарди. Чуқур билимли маъданшунос сифатида ҳам у Гёте тўплаган маъданлар коллекциясини тартибга солишда кўмак берди, ботаника соҳасидаги етук билими туфайли «Ўсимликлар метаморфозаси» асарини француз тилига таржима қилди ва бу билан ушбу муҳим асарнинг кенг тарқалишига имкон яратди. Сорэнинг саройга яқинлиги уни, ўз навбатида, Гёте билан ҳам яқинлаштирди. У Гётеникига гоҳ шахзодани бошлаб келар, гоҳ Буюк ҳерцог ҳазрати олийлари ёки ҳерцогиня ҳазрати олияларининг топшириқлари билан келиб турарди.

Мана шундай шахсий мулоқотларни жаноб Сорэ кундалик дафтарига тушириб қўярди, бир неча йил муқаддам у ўз ёзувларини алоҳида қўлёзма ҳолига келтириб, менга тақдим қилди ва уларнинг ичидан энг маъқул, энг қизиқарли ўринларни танлаб олиб, тадрижий йўсинда китобимнинг учинчи қисмига киритишимни илтимос қилди.

Француз тилида битилган бу ёзувлар гоҳ муфассал, гоҳ қисқа ва юзаки эди, доимо банд бўлган муаллифда хотиржам ўтириб ёзиш имконияти бўлмаган. Сорэнинг қўлёзмасида баён қилинган барча мавзулар Гёте билан менинг суҳбатларимизда такрор-такрор тилга олиниб, муҳокама қилинганлиги сабабли, менинг кундалигим Сорэнинг ёзувларидаги кемтикларни тўлдириш, у юзакигина баён қилган ўринларни мукамаллаштириш учун қўл келди. Сорэнинг қўлёзмасига асос бўлган гурунглари, булар асосан дастлабки икки йилгилари, менинг ёзувларимдан фарқлаш мақсадида сананинг юқори томонида юлдузча (*) билан белгиланди, булар, орадаги баъзи саналарни ҳисобга олмаганда, 1824 йилдан 1829 йилгача, асосан 1830—1832 йилларга тегишли ёзувлардир.

Энди шуни эслатиб қўймоқчиманки, ягона истагим: мен узоқ вақт, улкан муҳаббат билан битишни орзу қилган учинчи қисм ҳам аввалги икки қисмдек ўқувчилар меҳрини қозонса.

Ваймар, 1847 йилнинг 21 декабри.

1822

*1822 йилнинг 21 сентябри, шанба**

Бугун кечқурун сарой маслаҳатчиси Мейер икковимиз Гётеникида бўлдик. Гурунг асосан маъданшунослик, кимё ва физика атрофида бўлди. Афтидан уни нурнинг кутбларга ажралиш ҳолати кўпроқ қизиқтирарди. У менга ўз кўрсатмалари бўйича ишлаб чиқилган турли мосламаларни кўрсатди ва мен билан баъзи тажрибаларни ўтказиш истагини билдирди.

Сухбат давомида Гёте борган сари эркинроқ ва сўзамолроқ бўла борди. Уникида бир соатдан кўпроқ ўтирдим, кетаётганимда у менга кўп яхши сўзларни айтди.

Гёте ҳалиям ёқимли, айниқса, унинг манглайи ва нигоҳи улғувор. У баланд бўйли, жуссадор, шу қадар бақувват кўринадики, нега у бир неча йил олдинроқ ўзини саройда ва зодагонлар даврасида кўриниш учун анча кекса деб ҳисоблаганини тушунолмайсан киши.

*1822 йилнинг 24 сентябри, сешанба**

Бу кечни Гётеникида Мейер, Гётенинг ўғли, фон Гёте хоним, врач — сарой маслаҳатчиси Ребайн билан ўтказдим. Гёте бугун хаддан ташқари қувноқ эди. У менга Штутгартдан олиб келинган тошбосма асарларни кўрсатди, мен ҳозиргача бу турдаги беҳад мукамал нарсаларни кўрмаган эдим. Сўнгра илмий мавзуларда, кўпроқ кимё соҳасидаги ютуқлар борасида гурунглашдик. Гёте йод ва хлор хусусида берилиб сўзлади, гўё кимё соҳасидаги янги кашфиётлар унинг учун кутилмаган ҳодисадек, у буларнинг туб моҳияти ҳақида ҳайрат билан гапирди. У бироз йод келтиргизиб, бизнинг кўз олдимизда шам алангасида уни буғлантирди-да, диққатимизни ранглар ҳақидаги назариясининг тасдиғи сифатида нафармон буғга қаратди.

*1822 йилнинг 1 октябри, сешанба**

Гётеникида кечки зиёфатда бўлдим. Мехмонлар орасида жаноб канцлер фон Мюллер, директор Пойкер¹, доктор Стефан Шютце ва ҳукумат маслаҳатчиси Шмидт² бор эди. Шмидт

¹ *Пойкер Хенри Карл Фридрих (1779–1849)* 1815 йилдан олий кон-
систория директори, ёзувчи.

² *Шмидт Фридрих Христиан* — Ваймар ҳукумати маслаҳатчиси.

Бетховеннинг айрим сонаталарини юксак маҳорат билан ижро этди. Шунингдек, Гёте билан келини ўртасидаги суҳбат ҳам менга жуда ёқди, келинда ёшларга хос жўшқинлик ёқимли феъл-атвор ҳамда фавкулудда оқилалик билан уйғунлашиб кетган эди.

*1822 йилнинг 10 октябри, пайшанба**

Гётеникидаги кечки зиёфатда гёттингенлик машҳур Блуменбах¹ билан ўтирдик. У кексайиб қолган бўлса-да, тетик ва ҳаракатчан, ёшлик жўшқинлигини ҳалиям сақлаб қолган. Ўзини тутишини кўриб ҳечам олим деб ўйламайсан киши. У одамлар билан муносабатда шундай оддий ва самимийки, унинг ёнида одам бемалол ўтиради. У билан танишув ҳам қизиқарли, ҳам ёқимли бўлди.

*1822 йилнинг 5 ноябри, сешанба**

Гётеникида кечки зиёфат бўлди. Ташриф буюрганлар орасида рассом Колбе² ҳам бор эди. Тицианнинг Дрездендаги расмлар галереясидаги «Венера» номли картинасида Колбе моҳирона кўчирган нусхани томоша қилдик.

Бу зиёфатда жаноб фон Эшвеге³ ҳам, жаноб Хуммел ҳам бор эди. Хуммел деярли бир соат давомида фортепиано-да шундай қудрат ва маҳорат билан куй ижро этдики, ўзи эшитмаган одам бу ҳақда тасаввур ҳосил қилиши қийин. У мулоқотда ўзини оддий ва табиий тутар, мислсиз истеъдод соҳиби бўлишига қарамасдан жуда камтар эди.

*1822 йилнинг 3 декабри, сешанба**

Гётеникидаги кечки зиёфатда бўлдим. Иштирокчилар орасида жаноб Ример, Мейер, Гётенинг ўғли ва фон Гёте хоним бор эди.

Йенада талабалар кўзғолон кўтаришган. Уларни тинчитиш мақсадида артиллерия ротаси жўнатилган. Ример талабаларга ман этилган кўшиқлар тўпламини ўқиди, аслида фитнага шу сабаб ёки туртки бўлган эди. Ушбу кўшиқларнинг барчаси тингловчилар томонидан қизгин маъқулланди, айниқса, муал-

¹ *Блуменбах Йоханн Фридрих (1752–1840)* – тиббиёт масалалари бўйича маслаҳатчи.

² *Колбе Хайнрих (1771–1836)* – рассом.

³ *Эшвеге Вильҳелъм Людвиг (1777–1855)* – муҳандис, Бразилия олтин конларининг директори.

лифнинг истеъдодига тан берилди, улар Гётега ҳам ёқди, у уларни менга алоҳида ўқиш учун беришга ваъда берди.

Биз анча вақт мисга ишланган гравюралар ва ноёб китобларни кўздан кечирганимиздан сўнг Гёте «Харон»¹ номли шеърини ўқиб бериб, ҳаммамизни хурсанд қилди. Гётенинг шеърни ифодали, бурро-бурро ўқиганини кўриб лол қолдим. Бундай чиройли декламацияни ҳозиргача ҳечам эшитмаган эдим. Ундаги жўшқинликни айтмайсизми! Нигоҳи-чи! Овозини айтинг! Гоҳ гулдурак, гоҳ майин, руҳиятни силовчи овоз. Эҳтимол, унинг айрим пардалари биз ўтирган кичкина хона учун кучлилик қилгандир, шундай бўлса-да, унинг ўқиш тарзида ҳеч бир ортиқчалик йўқ эди.

Сўнгра Гёте адабиёт, ўз асарлари ҳамда мадам де Сталь² ва бошқалар хусусида сўзлади. Айни пайтда у Эврипиднинг «Файтон»и таржимаси ва турли нусхаларни қиёслаш билан банд. Бу ишга у бир йил олдин киришган бўлиб, шу кунларда яна бошлаган.

*1822 йилнинг 5 декабри, пайшанба**

Бугун кечқурун Эбервайннинг «Граф фон Глайхен» операси ниҳоясига етмаган биринчи кўринишининг репетициясини тингладим. Айтишларича, Гёте театр директорлиги вазифасидан озод бўлганидан сўнг биринчи марта ўз уйида опера гуруҳини тўплаганмиш. Жаноб Эбервайн дирижёрлик қилди. Хорда Гётега таниш аёллардан бир нечтаси иштирок этишди, арияларни эркак ва аёл опера кўшиқчилари ижро этишди. Айрим ўринлар менга ғоятда ғаройиб туюлди, айниқса, тўрт овозли канон³.

*1822 йилнинг 17 декабри, сешанба**

Кечқурун Гётеникига бордим. У қувноқ кайфиятда эди, оталарнинг аҳмоқона қилиқлари болалар тарбиясига ёмон таъсир қилиши ҳақида куйиб-пишиб гапирди. Тош тузи манбаларини қидириш бўйича олиб борилаётган ишлар уни жуда қизиқтирарди, айрим тадбиркорларнинг бефаҳмлигидан аччиқланди, тош тузи жойлашган қатламларнинг излари, жой-

¹ *Харон* — қадимги юнон мифологиясида ерости подшолигидаги паромчи тимсоли.

² *Сталь Анна-Луиза Жермена (1766–1817)* — француз адибаси.

³ *Канон* — мусиқавий усул бўлиб, унда ҳамма овозлар бир хил оҳангда ижро этишади-ю, бироқ ҳар бири қатъий кетма-кетликда куйлайди: ҳар бир кейинги овоз ўзидан олдинги овоз тугамай туриб бошланади.

лашиш ўрни ва кетма-кетлигига улар эътибор қилмай, қаерни пармалашни аниқ билмай, тополмай, фақат бир жойни тахминан пармалайверишади.

1823

*1823 йилнинг 9 феввали, якшанба**

Кечкурун Гётеникига бордим, у Мейер билан гурунглашиб ўтирган экан. Ўтган асрларга оид альбомни варақладим, унда Лютер, Эразм¹, Мосҳайм² сингари машхур шахсларнинг дастхатлари бор эди. Мана бу лотинча афоризм Мосҳаймга тегишли:

*Шон-шухрат – меҳнату машаққат манбаи,
Изсизлик – бахт манбаи.*

*1823 йилнинг 23 феввали, якшанба**

Бир неча кундан бери Гёте оғир касал, кеча унинг аҳволи хавф остида эди. Хайрият, бугун ўзгариш бўлиб, хавф чекинди. Бугун эрталаб у, энди тамом бўлдим, деб ўйлаган эди, тушга яқин дард енгиллашди, дея умид билдирди, кечкурун эса, агар тузалиб кетсам, ҳамма, бу мўйсафид учун яхшигина ўйин бўлди, деб ҳисоблайди, — деди.

*1823 йилнинг 24 феввали, душанба**

Бугунги кун анча таҳликали бўлди, Гёте ўзини кеча тушдагидек яхши сезмади. Беҳоллик юз берганида у келинига: «Менда ҳаёт-мамот кураши кетаётганини ҳис этяпман», — деди.

Бироқ кечга томон беморнинг руҳий қуввати тўлиқ тикланди ва ҳатто ҳазил-хузул қилишга ҳам ўзида куч топди.

— Сизлар мени жуда эҳтиёткорлик билан даволаяпсизлар, — деди у Ребайнга, — мени жуда авайлаяпсизлар! Менга ўхшаган бемор билан бироз наполеончасига муносабатда бўлмоқ керак. — Шундай дея у арника³дан тайёрланган бир пиёла қайнатмани ичди, буни кеча кечкурун энг хавфли лаҳзада доктор Хушке⁴ буюрган ва ушбу қайнатма касал-

¹ *Роттердамлик Эразм (1467–1536)* — гуманист ёзувчи.

² *Мосҳайм Йоханн Лоренц фон (1694–1755)* — лютеранчи диншунос.

³ *Арника* — мураккабгуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик.

⁴ *Хушке Вильҳельм Эрнст (1760–1828)* — ваймарлик врач.

ликнинг чекинишига ёрдам берган эди. Гёте бу ўсимликнинг хусусиятларини кенг таърифлаб, унинг шифобахш таъсирини кўкларга кўтариб мақтади.

Докторлар унинг ёнига Буюк ҳерцогни киритишмаганини эшитган Гёте:

— Мен Буюк ҳерцог бўлганимда, сизлар билан ҳисоблашиб, рухсат ҳам сўраб ўтирмаган бўлардим, — дея хитоб қилди.

У ўзини яхши ҳис этиб, эркин нафас олиб бемалол, аниқ сўзлай бошлагач, Ребайн ёнида ўтирган одамнинг қулоғига: «Мана, енгил нафас ола бошлагач, илҳом ҳам келаверади», дея шивирлади. Буни эшитган Гёте қувноқ овозда жавоб қайтарди:

— Мен буни аллақачон биламан, лекин бу ҳақиқат сенларга тегишли эмас, ярамаслар!

Гёте тўшакда ишхонасининг очиқ эшигига юзма-юз ўтирар, у ерда шоирнинг яқин дўстлари йиғилишган, буни Гёте билмаган эди. Унинг юз ифодасида ўзгариш кам, овози тиниқ, бироқ унда ҳаётдан кетаётган одамниқига ўхшаган тантанали оҳанг бор эди.

— Сизлар, афтидан, мени тузалапти, деб ўйлаяпсизлар, — деди у ўғли ва келинига, — бироқ адашяпсизлар.

Лекин ҳамма ундаги хавфсирашни ҳазил билан тарқатишга ҳаракат қилди, кўринишдан бу унга ҳам ёқди. Бу орада хо-нада жуда кўп одам тўпланди, бу ҳолат менга ҳечам маъқул бўлмади, негаки одамларнинг кўплиги ҳавони бўғар ва беморга ғамхўрлик қилишга халақит берарди. Буни эслатишдан ўзимни тиёлмадим ва пастга тушиб, ҳерцог ҳазратларига ва-зият ҳақида нома жўнатдим.

*1823 йилнинг 25 феввали, сешанба**

Уни шу пайтгача қандай даволаганлари ҳақида Гёте тўлиқ ҳисобот талаб қилди. Шунингдек, унинг аҳволидан хабар олишга келган одамлар рўйхатини ҳам ўқиб чикди, улар анчагина эди. У Буюк ҳерцогни қабул қилди, афтидан бу ташриф унда сезиларли таассурот қолдирмади. Унинг хонасида бугун одам камроқ эди, мен кечаги танбехим таъсир қилди шекилли, деб ўйладим.

Энди дард чекинган бўлса-да, ҳамма унинг асоратларидан кўрқарди. Чап кўли шишиб кетди, бу сувчечакнинг офир белгиси бўлмасин-да ишқилиб. Касалликнинг қандай тугаши бир неча кундан сўнг маълум бўлади, холос. Гёте бугун илк

дафъа битта дўстини, яъни энг эски дўсти Мейерни кўриш истагини билдирди. У Мейерга Богемиядан олган, ўзига беҳад ёққан бир ноёб медални кўрсатмоқчи эди.

Мен соат ўн иккида келдим, Гёте менинг шу ердалигимни билиб, ёнига чақиртирди. Менга қўлини узатди-да:

— Сиз нариги дунёдан келган одамни кўриб турибсиз, — деди.

Кейин у мендан касал пайтида кўрсатган эътибори ва меҳрибончилиги учун малика Ҳазрати олияларига миннатдорчилик билдириб қўйишимни сўради.

— Менинг соғайишим жуда секин кечади, — дея қўшиб қўйди у, — аммо жаноб докторлар мени сақлаб қолиб мўъжиза кўрсатишганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Бироздан сўнг мен кетдим. Унинг ранги яхши, бироқ жуда озиб кетган, қийналиб нафас оларди. Назаримда, бугун кечагига нисбатан қийналиброқ гапирарди. Чап қўли сезиларли шишган, кўзларини юмиб ётипти, фақат гапиргандагина очади.

*1823 йилнинг 2 марти, якшанба**

Кечқурун Гёте ҳузурида бўлдим, бир неча кундан бери уни кўрмаган эдим. У оромкурсида ўтирар, ёнида келини билан Ример бор эди. У сезиларли соғайган эди. Товуши аввалгидек табиий жаранглар, эркин нафас олар, қўлининг шиши қайтган, кўринишдан соппа-соғ, қизгин суҳбатлашиб ўтирарди. У ўрнидан туриб бемалол ётоқхонасига ўтди ва яна қайтиб келди. Унинг хонасида бугун биринчи марта чой ичилди, мен фон Гёте хонимга ҳазиллашиб, стол устига гулдаста қўймабсиз, дедим. Фон Гёте хоним дарҳол шляпасидаги қизил тасмани ечиб олди-да, самоварга боғлаб қўйди. Бу ҳазил Гётени ғоятда хурсанд қилди.

Сўнгра биз сунъий қимматбаҳо тошлар тўпламини кўздан кечирдик, уларни Буюк ҳерцог Париждан олиб келтирган эди.

*1823 йилнинг 22 марти, шанба**

Бугун театрда Гётенинг «Тассо»сини Римернинг прологи билан қўйишди, прологни Хейгендорф хоним ўқиди. Томошабинларнинг гулдурас қарсақлари остида Гётенинг бўйнига дафна гулчамбарини осишди. Спектакль охирида Хейгендорф хоним Леоноранинг кийимида Гёте ёнига келди-да, унга Тассонинг гулчамбарини тақдим этди, Гёте уни олди-да, у билан Улуғ княгиня Александранинг кўксини безатди.

1823 йилнинг 1 апрели, сешанба*

Мен Гётега малика Ҳазрати олияларининг топшириғи билан француз модалар журналининг бир сонини келтириб бердим, унда Гёте асарларининг таржимаси ҳақида мақола босилган эди. Шу муносабат билан биз асл нусхаси аллақачон йўқолиб кетган «Рамо жиян»¹ни тилга олдик. Баъзи бир немислар, бу асарнинг асл нусхаси умуман бўлмаган, Гёте буни ўзи ўйлаб топган, дейишади. Гёте эса, Дидронинг ўзига хос, мазмундор манерасини бу қадар акс эттиролмаган бўлардим, немисча «Рамо» аниқ таржима, ўзга нарса эмас, деб ишонтиради.

1823 йилнинг 3 апрели, пайшанба*

Бу кечнинг бир қисмини Гётеникида бош меъмор жаноб Кудрэ иштирокида ўтказдим. Театр, ундаги кейинги пайтда амалга оширилган ижобий ўзгаришлар хусусида гурунглашдик.

— Мен буни уйда ўтириб ҳам сезяпман, — деди кулиб Гёте, — икки ой бурун болаларим театрдан қовоқлари осилиб келишарди, чунки улар кутилган хузур-ҳаловатни ундан олишолмасди. Энди аҳвол ўзгарди, улар уйга хурсанд бўлиб қайтишади, чунки энди тўйгунча йиғлаш, яйраш имкони яратилди. Кеча, масалан, Коцебунинг «Кўз ёши тўкиб» драмасини маза қилиб кўришди.

1823 йилнинг 13 апрели, якшанба*

Кечкурун Гёте икковимиз ёлғиз қолдик. Адабиёт, лорд Байрон, унинг «Сарданапал», «Вернер»² асарлари хусусида сўзлашдик. Кейин «Фауст»га кўчдик, Гёте бу ҳақда гапиришни жуда хуш кўради. У бу асарни Маро³ руҳида француз тилига таржима қилишларини исташини айтди. У Марони Байрон «Манфред»ини ёзишда илҳом олган манба, деб ҳисоблайди. Гётенинг фикрича, Байрон охирги иккита фожиасида сезиларли ютуқларга эришган, уларда зулмат, инсонларга нафрат камроқ кўзга ташланади. Кейин «Сехрли сибизға» устида гурунг кетди, Гёте унинг давомини ёзган, аммо унга

¹ «Рамо жиян» — Гёте Дидронинг шу номли эълон қилинмаган асарини бир кўлёзмадан таржима қилган, француз тилига эса шу матндан таржима қилинган, узок вақт француз тилида шу нашр ягона нусха бўлган.

² Байроннинг 1821 йилда бир вақтда нашр қилинган драмалари. Уларни Сорэ 24 мартда Гётега келтириб берган.

³ Маро Клемент (1495—1544) — Уйғониш даври француз шоири.

мос мусиқа басталай оладиган композиторни топмаган эди. Унинг тан олишича, маълум биринчи қисм ғайриоддий воқеа-ҳодисалар ва қувноқ ҳазилларга тўла бўлиб, уларни ҳар ким ҳам тушуниш ва баҳолаш қудратига эга эмас, аммо бир-бирига зид усулларни ишга солиб, театрга хос юксак таъсирчанликни яратишдаги муаллифнинг ноёб санъаткорлигига қойил қолмай илож йўқ эмиш.

*1823 йилнинг 15 апрели, сешанба**

Кечкурун Гётеникида графиня Каролина Эглофштайн билан ўтирдик. Гёте немис альманахлари ва бошқа вақтли матбуот нашрлари устидан кулиб, буларнинг ҳозирги пайтда одат тусига кирган сентименталликка шўнғиб кетишганини таъкидлади. Графиня айтдики, бу нарсага немис романнавислари тамал тошини қўйиб, минглаб китобхонларнинг дидини ўтмаслаштириб қўйишган, энди эса, китобхонлар романнависларнинг дидини бузишяпти, булар бўлса, асарларига ношир топиш мақсадида омманинг ёмон дидига мослашишга мажбур бўлишмоқда.

*1823 йилнинг 26 апрели, шанба**

Гётеникида Кудрэ билан Мейерни учратдим. Турфа мавзуларда гурунглашдик.

— Буюк ҳерцог кутубхонасида, — деди Гёте, — бир глобус бор, у Карл V¹ даврида бир испан томонидан ясалган экан. Унда айрим диққатга сазовор ёзувлар қайд этилган, масалан: «Хитой халқида немислар билан уйғун жиҳатлар кўп» деганга ўхшаш. Илгариги вақтларда, — давом этди Гёте, — Африка саҳролари хариталарда ёввойи ҳайвонлар билан белгиланган. Ҳозир бундай қилишмайди, географлар ҳозир бизга *carte blanche*² қолдиришмоқда.

*1823 йилнинг 6 майи, сешанба**

Кечкурун Гётеникида бўлдим. У менга «Ранглар ҳақидаги таълимот»ини тушунтиришга ҳаракат қилди. Нур, — деди у, — зинҳор турли рангларнинг қоришмаси эмас, шунингдек, нурнинг ёлғиз ўзи рангларни ҳосил қилолмайди, бунинг учун нур ва соянинг қўшилишидан келиб чиқадиган янги белгилар керак бўлади.

¹ *Карл V (1500–1558)* — герман императори.

² *carte blanche (фр.)* — тўлдирилмаган хариталар.

1823 йилнинг 13 майи, сешанба*

Мен келганимда Гёте майда-чуйда шеърларини ва айрим кишиларга ёзган бағишловларини тартибга солиш билан банд эди.

— Илгари, — деди у, — ўз асарларимга енгил-елпи караганман, нусха кўчириб кўйишни унутганман, натижада юзлаб мана шунақа шеърларим йўқолиб кетган.

1823 йилнинг 2 июни, душанба*

Гётеникида канцлер, Ример ва Мейер бор эди. Беранже шеърлари хусусида гурунг бўлди, Гёте улардан баъзиларини ўзига хос ифода билан, кўтаринки кайфиятда изохлаб, шархлаб берди.

Кейин физика ва метеорология хусусида сўз борди. Гёте об-ҳаво назариясини ишлаб чиқиш ниятида экан. Барометрнинг кўтарилиши ва тушиши, — деди у, — бутун ер шари таъсирига ҳамда унинг қай даражада атмосферани ўзига тортиши ва бўшатишига боғлиқ.

— Жаноби алломалар, биринчи навбатда жаноби математиклар, — сўзида давом этди у, — шубҳасиз, устимдан кулишади ёки бўлмаса, яхшиси менинг назариямни инкор қилиб кўяқолишади. Биласизми, нима учун? Чунки мен, уларнинг қарашларича, мутахассис эмасман.

— Олимларнинг табақавозликларини кечирса бўларди, — дедим мен, — агар уларнинг назарияларига қандайдир ҳатоликлар аралашиб қолган бўлса-ю, уларни судрашда давом этишаётган бўлса, бунинг сабабини улар мактаб партасида ўтирган даврдан қидириш керакки, ўшандаёқ улар бундай қарашларни догма сифатида ўзлаштириб олишган.

— Айни ҳақиқат, — хитоб қилди Гёте, — Сизларнинг олимларингиз ваймарлик китоб муқоваловчиларнинг ўзи. Цехга қабул қилиш учун улардан талаб қилинадиган намунавий нусха ҳечам янгича дидга мослаштирилган гўзал муқовага ўхшамайди! Қаёқда дейсиз! Инжилнику икки-уч аср аввалги услубда, қалин чармдан қилинган офир муқовада ярим варақ ҳажмидаги форматда чиқаришни талаб қилишди. Аҳмоқона талаб. Бордию хунарманд, имтиҳон олувчилар аҳмоқ, дейишга журъат қилса борми, бечорани не кўйларга солишмасди.

1823 йилнинг 24 октябри, жума*

Кечкурун Гётеникида бўлдим. У шу ёзда Мариенбадда танишган мадам Шимановская роялда куй ижро этди. Бор

бўйича кулоққа айланган Гёте кўринишдан жудаям хаяжонда ва мутаассир эди.

*1823 йилнинг 11 ноябри, сешанба**

Анчадан бери тузалмаётган Гётеникида кечкурун бир неча киши тўпландик. Оёғини жун адёлга ўраб олган, бу адёлни Шампанга юриш пайтидан бери ўзи билан олиб юради. У шу адёл билан боғлиқ, 1806 йилда содир бўлган қизиқ бир воқеани айтиб берди, ўшанда французлар Йенани эгаллаб олган, бир француз полкининг руҳонийси ўз меҳробини безатиш учун пардалар талаб қилди.

— Унга бир ўрам ялтироқ, алвонранг мато келтиришди, — деди Гёте, бироқ бу унга маъқул бўлмади. У менга шикоят қилди. «Уни менга жўнатинг, — жавоб қилдим мен, — эҳтимол, Сизга ундан яхшироғини топиб юборарман». Шу орада театримизда янги пьеса кўйилаётган эди, мен ўша қипқизил матодан актёрларга ажойиб костюмлар тайёрлатдим. Руҳонийга келсак, у ҳеч нарчасиз қолаверди, биз уни унутдик ва ўзи учун ўзи куйинсин, деб кўяқолдик.

*1823 йилнинг 16 ноябри, якшанба**

Гётенинг аҳволи ҳалиям яхши эмас. Улуғ херцогиня бугун унга, зора шуларни кўриб кўнгли ёзилса, деган умидда менадан бир неча медаллар бериб юборди. Гёте Улуғ херцогинянинг бундай ғамхўрлигидан хурсанд бўлди. Гёте менга, ўша ўтган қишда бошдан кечирган оғир хасталиқдан кейин ҳалиям юрагида оғриқ борлигидан шикоят қилди.

— Ишлаёлмайман, — деди у, — ўқиёлмайман ҳам. Енгиллашган лаҳзалардагина миямга бирор фикр келади, холос.

*1823 йилнинг 17 ноябри, душанба**

Хумбольд келди. Гёте ёнида бироз бўлдим, сездимки, Хумбольднинг ҳозирлиги ва у билан бўлган мулоқот Гётеда хуш кайфият уйғотган эди. Назаримда у фақат жисмонан касал эмас, чамаси касаллигининг асосий сабаби шу йил ёзда Мариенбадда бир ёш қизга бўлган қайноқ эхтирослар эдики, ҳозир у шу билан руҳан курашаётган эди.

*1823 йилнинг 28 ноябри, жума**

Мейернинг янги чоп этилган «Санъат тарихи» асарининг биринчи жилди кўринишдан Гётега жуда ёқди. Бугун у шу китобни тўлиб-тошиб мақтади.

1823 йилнинг 5 декабри, жума*

Бугун мен Гётега бир қанча маъданларнинг намуналарини, жумладан, лойсимон охра олиб келдим, уларни Дешан¹ Кормайонедан топган, жаноб Массо² у ҳақда ҳаммаёққа жар солган эди. Гёте бунда, Анжелика Кауфманн³ инсон танасини чизганда ишлатадиган бўёқни кўриб роса ҳайратланди.

— У ўзидаги охранинг озгинасини ҳам олтин даражасида кадрлар эди, уни қаердан олишларини ҳам билмасди, — деди у.

Гёте келинига мен ҳақимда, — у мен билан худди султондек муомала қилади, ҳар куни совғалар келтиради, — деди.

— У Сиз билан худди боладек муомала қилади, — жавоб берди фон Гёте хоним. У бу гапга беихтиёр жилмайиб қўйди.

1823 йилнинг 7 декабри, якшанба*

Гётедан, бугун аҳволингиз қалай, деб сўрадим.

— Ҳар ҳолда, Наполеоннинг оролдаги аҳволидан кўра яхшироқ, — жавоб берди у хўрсиниб. Афтидан узоқ давом этган бетоблик унинг руҳиятига таъсир этмай қолмаган эди.

1823 йилнинг 21 декабри, якшанба*

Бугун Гётенинг кайфияти яна аъло даражада эди. Бугун йилнинг энг қисқа куни, бундан буён кунлар борган сари узайиб боради, деган умид унинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатган кўринади.

— Бугун қуёшнинг уйғонишини байрам қиламиз! — эрта-лаб унинг ҳузурига кирганимда у мени шундай қувноқ хитоб билан кутиб олди.

Айтишларича, у ҳар йили энг қисқа кундан олдинги ҳафталарни тушкун кайфиятда, уф тортиб ўтказаркан.

Фон Гёте хоним кириб, қайнотасига, сафардан қайтаётган онасини кутиб олгани Берлинга бориш ниятида эканлигини маълум қилди.

У чиқиб кетгач, Гёте ҳазил тариқасида ёшлардаги беҳад жўшқинлик борасида сўз очди.

¹ Дешан — табиатшунос, Сорэнинг дўсти.

² Массо Фирмини (1766—1827) — женевалик рассом.

³ Кауфманн Анжелика (1741—1807) — рассом, итальян расмони Цусига турмушга чиққан, улар ўртасидаги муносабатларни Гёте «Италияга саёҳат» асарида тасвирлаган.

— У билан баҳслашишга ва унга гап уктиришга ҳафсам энди йўқ, қариб қолдим, — деди у, — ахир у ерда кўрасанми ёки бу ердами, онани кўриш қувончи бир хил эмасми. Қишдаги бунақа сафар бекорга куч сарфлашдан ўзга нарса эмас, бунақа бекорчи нарса ёшлар учун катта гап. Аслини олганда нима бўпти! Кейин бир муддат хотиржам яшаш учун гоҳида аҳмоқона ишларни ҳам қилиб туриш керак. Ёшлигимда ўзим ҳам бундан яхши эмас эдим, бироқ нима бўлганда ҳам асосан сувдан қуруқ чиқардим.

*1823 йилнинг 30 декабри, сешанба**

Кечқурун Гёте билан ёлғиз қолиб, турфа хил мавзуларда гурунглашдик. У менга, 1797 йилда ёзган «Швейцарияга саёҳат»ни асарлар тўпламига киритиш ниятида эканлигини билдирди. Кейин «Вертер» ҳақида сўз очилди, босилиб чиққач, ўн йиллардан кейин уни ўқиганини айтди. Бошқа асарларига ҳам у шундай муносабатда бўлар экан. Сўнгра таржима борасида сўзлашдик, у инглиз тилидаги шеърларни немис тилида қайта тиклашга қийналаяпман, деди.

Инглиз тилидаги бир бўфинли, урғули сўзларни немисча кўп бўфинли ёки қўшма сўзлар билан беришга уриндингми бўлди, шеърнинг қудрати ва жозибаси йўққа чиқади, — деди у. Ўзи эса, «Рамо»нинг таржимасини бир ой ичида айтиб туриб ёздирган экан.

Шундан сўнг табиатшунослик, жумладан, баъзи олимларни нуфуз учун баҳслашишга ундаётган тор фикрлилик хусусида тўхталдик.

— Мен одамларни, — деди Гёте, — илмий изланишлар олиб бориш асносида яхши билиб олдим. Илм менга жуда қимматга тушди, анчагина қийналдим, бироқ шунга қарамасдан тажриба орттирганимдан хурсандман.

— Илмда, — дедим мен, — негадир одамлардаги худбинлик ғалати бир тарзда намоён бўлади, буни бир қўзғатиб қўйсанг борми, феъл-атвордаги барча заифликлар мана мен деб юзага чиқади.

— Илм масалалари, — жавоб берди Гёте, — кўпроқ ҳаёт масалалари ҳисобланади. Биттагина кашфиёт одамни машхур қилиб, унинг фаровон ҳаётига асос бўлиши мумкин. Илмда ўз ўрнини сақлаб қолишга бу қадар жон-жаҳди билан интилиш, бошқаларнинг илмий қарашларига нисбатан ҳасад мана шу билан изоҳланади. Нафосатшунослик дунёсида вазият унчалик кескин эмас, бундаги фикрлар озми-кўпми ҳамманинг

мулки, ҳамма нарса ундан фойдаланиш ва уни шарҳлашга қаратилган, шундан бўлса керак, бунда ҳасад кўзга ташланмайди. Битта фикр юзлаб эпиграммаларга асос бўлиши мумкин, гап фақат қайси шоир бу фикрни таъсирчанроқ ва чиройлироқ шаклга сола билишида.

Илмда эса, изоҳнинг аҳамияти йўқ, бутун диққат илмий кашфиётга қаратилади. Бу ерда умумийлик ва субъективлик ўртасида чегара йўқ, табиат қонунларининг алоҳида кўринишлари сфинкслар янглиғ тош қотган, гунг ва кар, биздан ташқарида мавжуд. Топилган ҳар бир феномен — кашфиёт, ҳар бир кашфиёт — бу мулк. Бировнинг мулкига қўл теккизиб кўр, ўша захотиёқ жанжал келиб чиқади.

— Шу билан бирга, — давом этди Гёте, — илм оламида ўқув юртларида ўрганилган ва ўргатиладиган нарсалар ҳам мулк ҳисобланади. Бордию бирортаси фанга янги фикр олиб кирадиган бўлса ва бу биз йиллар давомида ардоқлаб, бошқаларга ўргатиб келган кредо¹мизга зид бўлса, барча қаҳр-вазаб шу журъатли инсон бошига ёғилади ва уни нима бўлсаям йўқ қилишга ҳаракат қилишади. Ҳамма қўлидан келганча унга тош отади, уни эшитмаётгандек, тушунмаётгандек ўзларини гўлликка солишади, гўё унинг ёзганлари ўқишга ҳам арзимайдигандек камситиб гапиришади, хуллас, янги ҳақиқат илмда ўз йўлини топгунича анча кутишга тўғри келади.

Бир француз дўстларимдан бирига «Ранглар ҳақидаги таълимот»имга дахлдор: «Биз эллик йил Ньютон подшолигини асослаш ва мустаҳкамлашга уриндик, энди уни бузишга яна эллик йил сарф қиламиз», деган гапларни айтган экан.

Математиклар уюшмаси фанда менинг номимни шунчалик шубҳа остига қўйишга уриндики, ҳатто уни аташга ҳам одамлар кўрқиб қолишди. Бир гал менинг қўлимга, «Ранглар ҳақидаги таълимот»нинг баъзи ўринлари талқин қилинган бир китобча² тушиб қолди, муаллиф афтидан менинг таълимотим билан тўлиқ қуролланган кўринади, ўз асосини шундан келиб чиқиб қурган эди. Китобни маза қилиб ўқиб чикдим, аммо у менинг номимни бирор марта ҳам тилга олмаганини кўриб ҳайратланмай туролмадим. Кейинроқ жумбоқ ечилди. Бир дўстимиз меникига келганда тушунтирдик, бу талантли ёш муаллиф ном қозонишга ҳаракат қилган, ўз қарашларини менинг фикрларим билан асослагани боис илм оламида номи-

¹ *Кредо* — бир умр калбада ардоқланган шиор, нуқтаи назар, дунёқараш.

² Гёте Артур Шопенгауэрнинг «Кўз нури ва ранглар» номли брошюрасини кўзда тутган. *Шопенгауэр Артур (1788–1860)* — олмон файласуфи.

га доғ тушиб қолишидан хавфсираётган экан. Китобча изсиз кетмади: бу абжир ёш муаллиф кейинроқ келиб ўзини таништирди ва мендан узр сўради.

— Бу воқеа шуниси билан диққатга сазоворки, — давом этдим мен, — бошқа барча ҳолатларда ҳам одамлар Сизнинг ўтқир фикрларингизга таянишади, Сизнинг эътирофингиз ҳар қандай тўсиқни енгишда ҳимоя воситаси бўлади. Сизнинг «Ранглар ҳақидаги таълимот»ингизга дахлдор салбий ҳолат шундаки, Сиз нафақат машҳур, ҳамма томонидан тан олинган Ньютонга, балки унинг бутун дунёга тарқалиб кетган садоқатли шогирдларига ҳам тил тегиздингиз, ахир улар сон-саноксиз-ку. Охир-оқибат ютиб чиққан тақдирингизда ҳам, барибир, анча муддат ўз янги таълимотингиз билан ёлғиз қоласиз.

— Мен бунга ўрганиб қолдим, бундан ортинги кутмайман, — жавоб берди Гёте. — Ахир виждонан айтингчи, буюк Ньютон, барча математиклар ва билимдон ҳисобдонлар ранглар ҳақидаги назария масаласида катта хатога йўл қўйиб келишганини йигирма йилдан бери таъкидлаб келаётган миллионлаб одамлар орасида якка ўзим шундай улкан табиий ҳодисага хос ҳақиқатни англаб етган бўлсам, бундан ғурурланмаслигим мумкинми? Мана шундай устунлик туйғуси рақибларимнинг аҳмоқона гердаишларини енгишга ёрдам берди. Улар турли йўллар билан менинг таълимотимни йўққа чиқаришга, ғояларим устидан кулишга уринишди. Мен бўлсам, шуларга қасдма-қасд ўз асарларимни ниҳоясига етказганимдан бағоят хурсандман. Рақибларимнинг хужумлари одамлардаги заиф томонларни билиб олишимга туртки бўлди.

Гёте бу ҳақда ишонч билан, ўта берилиб сўзларкан, кўзларида фавқулодда бир нур порлаб турарди, мен буни борича тасвирлашдан ожизман. Уларда тантана акс этар, лабларида эса, кинояли табассум муҳрланганди. Унинг ёқимли киёфаси ҳамишагидан ҳам улурворроқ эди.

1823 йилнинг 31 декабри, чоршанба

Овқат маҳали Гёте билан ранг-баранг мавзуларда гурунглашдик. У менга қаламтасвирдаги расмлар папкасини кўрсатди, улар орасида Хайнрих Фюсли¹нинг ёшлиқда чизган суратлари жуда ёқди.

Кейин диний мавзуларда, худо номини ноўрин қўллаш хусусида сўзлашдик.

¹ Фюсли Йоханн Хайнрих (1742–1825) – швейцариялик рассом.

— Одамлар, — деди Гёте, — изоҳлаб бўлмайдиган, тасаввур қилиб бўлмайдиган олий мавжудот билан, гўё ўзларига ўхшаган бир кимса сифатида муомала қилишади. Акс ҳолда улар, художон, меҳрибон худо, ё худо дейишмаган бўларди. Улар ҳар куни тилга оладиган унинг номи, айниқса диндорлар томонидан, ҳеч нарсани ифодаламайдиган, уларнинг қалбида бирор туйғу уйғотмайдиган қуруқ сўз бўлиб қолаверади. Агар унинг буюклигини тушуниб етганларида эди, унга эҳтиром юзасидан номини тилга олмаган бўлишарди.

1824

1824 йилнинг 2 январи, жума

Гётеникида овқат устида қизғин гурунг бўлди. Ваймар зодагонлар даврасига мансуб бир гўзал қиз тилга олинди, ўтирганлардан биттаси уни, гарчи ақлан етук бўлмаса-да, деярли севиб қолганини айтди.

— Ана бўлмаса, — деди Гёте кулиб, — ким айтди, ишқ-муҳаббат ақлга боғлиқ деб! Ёш аёлдаги ҳамма нарсани севамиз, фақат ақлини эмас. Биз унинг чиройини, ёшлигини, ғурурини, ишонувчанлигини, феъл-атворини, камчиликларини, инжиқликларини, худо билади, яна сўз билан атаб бўлмайдиган кўп жиҳатларини севамиз, лекин ақлини севмаймиз. Агар у жуда ақлли бўлса, буни ҳурмат қиламиз, ақли қиз болани кўз ўнгимизда юксакликка кўтаради. Бордию биз уни аллақачон севиб қолган бўлсак, ақли билан бизни жиловлаб олиши ҳам мумкин. Бироқ ақл бизда эҳтирос уйғотишга ва қалбимизга ўт ёқишга қодир эмас.

Давра аҳли Гётенинг фикрларини маъқуллади ва мавзуни у таклиф қилган нуқтаи назардан муҳокама қилишга киришди.

Меҳмонлар тарқалишгач, мен Гёте билан ёлғиз қолдим ва кўп яхши гапларни эшитишга мушарраф бўлдим.

Биз инглиз адабиёти, Шекспирнинг улуглиги, ўша улкан шоирдан кейин адабиётга кириб келган барча инглиз драматурглари қандай ноқулай вазиятда қолганлари хусусида сўзлашдик.

— Талантли драматург, — сўзида давом этди Гёте, — агар у машҳур бўлса, Шекспирга таянмай иложи йўқ, ҳа-ҳа, уни ўрганмай иложи йўқ. Уни ўрганаркан, шунга амин бўладики, Шекспир инсон табиатини ҳар тарафлама, ичи ва

таши билан муфассал ўрганган ва энди унинг ортидан келаётган кимсага эса, аслини олганда, ўрганадиган ҳеч нарса қолмаган. Қачонки у дунёда тилга олинмаган ва забт этилмаган юксакликлар аллақачон мавжуд эканлигига чин дилдан амин бўлса, қандай қилиб одам кўлига қалам олишга журъат қилсин. Ярим аср муқаддам севимли Германияда бу жихатдан менга осонроқ эди. Мен мавжуд нарсаларни жуда тез ўзлаштирдим, бу менга кўпам кучли таъсир ўтказмас ва йўлимга тўсиқ бўлмас эди. Немис адабиётини жуда тез ўзлаштирдим, кейин ҳаётни ўрганишга ва ижодга киришдим. Шу тахлит аста-секинлик билан ўз табиий ўсишим орқали олдинга силжиб, вақт ўтгани сайин ижод маҳсулларимни яратишга ўзимни тайёрлай бошладим. Ҳаётим ва маънавий тараққиётимнинг барча боскичларида менинг адабий асар фазилатлари ҳақидаги тасаввурим худди шу боскичда ўзим яратишга қодир бўлганидан фарқ қилмасди. Бордию мен инглиз бўлиб туғилганимда ва эндигина ёш онгим шаклланиб келаётган пайтимда хилма-хил етук асарлар бор кучи билан устимга ёпирилганда эди, улар мени йўлдан тойдириб, нима қилишим кераклигини билмай қолган бўлардим. Унда мен беташвиш, хотиржам олдинга силжиёлмаган, аксинча, атрофга аланглаб, қайси йўлдан юришни билмай қолган бўлардим.

Мен суҳбат мавзусини яна Шекспирга бурдим.

— Мабодо уни, — дедим мен, — инглиз адабиётидан ажратиб олиб, Германияга ўтказилса ва муфассал шарҳланса эди, унинг мислсиз улурлигидан худди ажойиботдек хайратга тушган бўлардик. Агар унинг ватанига бориб, ўзимизни унинг ватани тупроғида, у яшаган аср муҳитига кўчирсак, аввало унинг замондошларини, кейин яқин издошларини ўргансак, Бен Жонсон, Мессинжер, Марло, Бомонт ва Флетчер¹лардан таралаётган ҳаводан нафас олсак, ўшанда Шекспир барибир буюклигича қолса-да, бироқ унинг руҳиятига хос кўплаб ғаройиботлар бизга маълум бўлади, негаки у яратган нарсалар у яшаган давр ва муҳитнинг кучли, маҳсулдор ҳавосида сезилиб турипти.

— Сиз мутлақо ҳақсиз, — жавоб берди Гёте, — Шекспир Швейцария тоғларига ўхшайди. Люнеберг чўллари ўртасидаги бепоён сайхонликдаги Монбланни тасаввур қилиб кўринг, унинг

¹ Бен Жонсон (1573–1637), Филипп Мессинжер (1584–1640), Христофор Марло (1564–1593) — «Доктор Фаустус» драмасининг муаллифи, Франсис Бомонт (1584–1616), Жон Флетчер (1579–1625) — инглиз драматурглари.

буюклиги олдида ҳайратдан қотиб қоласиз. Бироқ унинг ёнига улкан ватанидаги, унга ёндош: Юнгфрау, Финстераархорн, Айгер, Веттерхорн, Готтхард ва Монте Роза товлари орқали борсангиз, Монблан улканлигича қолаверади, лекин у бизни у қадар ҳайратга солмайди.

— Кимки, — сўзида давом этди Гёте, — Шекспирга хос буюкликнинг асосий қисми ўзи яшаган буюк ва соғлом давр билан боғлиқ эканлигига ишонишни хоҳламаса, у 1824 йилда, яъни бугунги Англияда, танқидга ва фoш этишга ружу қўйган мана шу журналларнинг жирканч даврида шундай ҳайратомуз ходиса бўлиши мумкинмиди, деб ўзига савол бериб кўрсин.

Ғала-ғовурларсиз, осойишта, деярли орзудаги ижод бугунги кунда мумкин эмас, ваҳоланки, айти шу нарса буюкликни таъминлайди. Ҳозирги талантларимиз жамоатчилик патнисида тақдим қилинмоқда. Ҳар куни эллик жойда чиқадиган турли хил газеталар ва уларни қўллаб-қувватловчи омма янги куртакларнинг унишига йўл бермайди. Ҳозирги кунда ўзини мана шу ҳолатдан четга олиш, ўзини ҳимоя қилишга куч тополмаса — тамом бўлди деяверинг. Шубҳасиз, салбий характердаги, бўлар-бўлмасга танқид қилувчи, гўё нафосатга чорловчи, саёз газета мақолалари омма орасига тўлиқ маданият олиб киролмайди, сермахсул истеъдод учун бу лойқа сув, захарли чўкма, бу нарса дарахтни ижодий куч-қувватдан маҳрум қилиб, япроқларининг гўзал яшиллигидан тортиб энг ўзак қисмигача, охириги толасигача емиради.

Буёғини қўятуринг, ичидан чириган икки юз-уч юз йилдан бери ҳаётимиз нақадар кўримсиз ва ғариб бўлиб қолганини айтмайсизми! Энди истеъдодли шахснинг бемалол қад ростлашига қани имкон! Ҳақиқатни айтишга, ўзини қандай бўлса, шундайлигича намоён қилишига кимнинг кучи етади! Ташқаридан ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бор қувватни ўзидан топишга мажбур бўлган шоирга бу нарса қаттиқ таъсир қилади.

Гурунг мавзуси «Вертер»га кўчди.

— Бу шундай зотки, — деди Гёте, — мен уни сақоқуш сингари ўз юрак қоним билан озиклантирганман. Қалбим тубида яширинган шу қадар кўп нарсаларни, ҳиссиёт ва ўй-фикрларни унга жойлаганманки, булар ўз ҳолича ўн жилдлик роман бўлиши мумкин эди. Ростини айтсам, илгари ҳам буни Сизга айтгандим, роман босилиб чиққандан кейин уни бор-йўғи бир марта ўқидим, қайта ўқишга журъат этолмадим. Унинг турган-битгани портловчи модда! Мен ундан ваҳимага тушаман, у вужудга келган ғайритабиий ҳолатга тушиб қолишдан қўрқаман.

Мен унга Наполеон билан бўлган суҳбатни эслатдим, бу менга унинг чоп этилмаган қўлёзмалари орасида ётган хомаки матндан маълум эди, буни қайта ишлаш лозимлигини унга кўп бора эслатган эдим.

— Наполеон, — дедим мен, — «Вертер»нинг бир жойи бошқа ўринларига нисбатан талаб даражасида эмаслигини Сизга эслатган, Сиз ҳам шу фикрга қўшилгансиз. Қайси жойи кўзда тутилганини жуда-жуда билгим келяпти.

— Ўзингиз топинг! — деди Гёте сирли жилмайиб.

— Энди, — дедим мен, — менимча, бу Лотта кўнглида ёмон бир хавфни сезаётганини, кўркувини яшириб, Альбертга бир оғиз сўз айтмасдан Вертерга пистолетни бериб юборган жойи бўлса керак. Сиз бу сукутни асослашга ҳаракат қилгансиз, шунга қарамасдан, бу дўстнинг ҳаётига хавф солаётган таҳликали вазият олдида етарли бўлолмайди.

— Фикрингиз, ҳар ҳолда, мантиқли, — жавоб берди Гёте, — бироқ мен, Наполеон шу жойни кўзда тутганми ёки бошқа жойними, ҳозирча буни ошқор қилмайман. Лекин шуни таъкидлайманки, Сизнинг кузатувингиз ҳам, уники ҳам тўғри.

Мен, «Вертер» босилиб чиққан пайтдаги фавқулодда таъсири ўша давр руҳига боғлиқмиди, дея секин сўрадим.

— Бироқ, — қўшимча қилдим мен, — кенг тарқалган бу нуктаи назарга қўшилолмайман. «Вертер» дунёга келгани учун адабиётда бутун бир воқеа бўлди, маълум бир даврда дунёга келгани учун эмас. Ҳар бир даврда ҳам тилга кўчмаган изтироблар, махфий норозиликлар, айрим одамларнинг ҳаётдан қониқмаслик, мавжуд ижтимоий тузум билан тўқнашувлари бўлиб туради, демак, «Вертер» ҳозир яратилганида ҳам адабиётда воқеа бўлар эди.

— Ҳа, Сиз ҳақсиз, — жавоб берди Гёте, — чунки китоб ҳозир ҳам маълум ёшдаги ёшларга худди ўшандагидай таъсир қилмоқда. Бунинг устига, ўзимнинг ёшликдаги умидсизликларимни ўша давр эпкинлари ҳамда айрим инглиз ёзувчиларининг асарларидан ўзлаштиришимга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Менга тинчлик бермай тинимсиз ижод қилишга ундаган, «Вертер»ни дунёга келтирган тувёнлар гирдобига мени отган вазиятлар фақат ўзимгагина дахлдор эди. Мен севдим, яшадим ва жуда кўп изтироб чекдим! Бор гап шу.

Кўп тилга олинган Вертер даврининг, агар унга яқинроқдан назар ташласак, жаҳон маданияти тараққиётига ҳеч бир боғлиқлик жойи йўқ, аксинча, у ўзини туғма, табиий ҳистуйғу билан эски дунёнинг чегараланган шаклларига тенглаштиришни ўрганишга мажбур бўлган, озодликни севувчи

одамларга боғлиқ. Топталган бахт, носоғлом муҳитдаги фаолият, орзу-истакларнинг ушалмаслигини маълум бир даврнинг қусури деб бўлмайди, тўғрироғи, бу айрим шахсларга тегишли ишқалликлардир, ҳар бир кишининг ҳаётида «Вертер» ёлғиз унинг учунгина ёзилган, деган лаҳзанинг бўлиши — бу жуда улкан ҳодиса.

1824 йилнинг 4 январи, якшанба

Бугун тушлиқдан сўнг Гёте билан бирга Рафаэль расмларига ишланган гравюралар папкасини кўздан кечирдик. У, доимо энг яхши нарсалар билан алоқани сақлаш ва улуғ шахслар билан ҳамфикр бўлиш мақсадида мудом Рафаэлга мурожаат қилиб турарди. Шундай машғулотларга мени ҳам жалб қилиш унга ёқарди.

Шундан сўнг «Фарбу Шарқ девони», аввало, «Ранжнома» хусусида сўзлашдик, унда Гёте ўз душманларига нисбатан юрагида йиғилиб қолган қаҳр-ғазабини ифода этган эди.

— Мен ҳамиша шайтонга ҳай бериб келдим, — деди у, — юрагимни кемириб келган, тинчимни ўғирлаган ҳамма гапларни қорозга туширганимда, бу бир неча варақ ёзувлар бутун бир қалин китобга айланган бўларди.

— Аслида, — сўзида давом этди Гёте, — ҳеч ким, ҳеч қачон мендан рози эмасди, худо мени қандай яратган бўлса, шундай қабул қилишни ҳеч ким хоҳламасди. Менинг ижод маҳсулларим ҳам ҳаммага ёқавермасди. Мен одамларни янги асарларим билан хурсанд қилиш учун йиллар давомида кучқувватимни аямай меҳнат қилардим, улар эса, асарларимни ҳар ҳолда чидаса бўлади, деб ҳисоблаганлари учун уларга миннатдорчилик билдиришимни талаб қилишарди. Улар мақтадими, демак, мен шунга лойиқман, дея хотиржам ўтирмасдан, ўзим ҳам, ёзган асарларим ҳам мақтовга муносиб эмас, деган маънода бир-икки оғиз сўз айтишимни кутишарди. Бироқ бу менинг табиатимга зид эди, мабодо мен шундай ёлғон сўзлар билан хушомадгўйлик қилишга мажбур бўлсам эди, уччига чиққан ярамас одам бўлардим. Мен ўз ҳақлигимни ва ўзимни ҳимоя қилиш учун етарлича ирода кучига эга бўлганлигим сабабли мағрур саналиб келдим ва ҳозиргача шундайлигимча қолдим.

Диний, илмий, сиёсий жабҳаларда ҳам анчагина кўргиликлар бошимга тушди. Негаки, мен ҳеч қачон иккиюзламачилик қилмадим, нимани ҳис этган бўлсам, ўшани айтишга ўзимда куч топдим.

Мен худога, табиатга, яхшиликнинг ёмонлик устидан ёлиб келишига ишондим, аммо художўйлар учун бу етарли эмас эди, мен ҳам учлик — ягона, ягона нарса — учта, деган қарашни эътироф этишим керак эди, лекин бу мен билган ҳақиқатга тўғри келмасди, бунинг устига, бундан мен қанақа наф кўришимни ҳам билмасдим.

— Кейинчалик Ньютоннинг нур ва ранг ҳақидаги таълимоти хато эканлигини тушуниб, умум томонидан қабул қилинган назарияга қарши чиқишга журъат қилганим учун унча-мунча калтак емадим. Мен тоза ва ҳақиқий нурни тушуниб етдим ҳамда уни ҳимоя қилишни ўз бурчим деб билдим. Рақиб гуруҳ эса, нурни хиралаштиришга уринди-да: соя нурнинг бир қисми, деди. Агар мен шундай десам, бемаъни туюлади, аммо аслида шундай. Чунки: аслида маълум даражада соядан иборат бўлган ранглар нурнинг ўзи ёки улар гоҳ нур, гоҳ нурнинг синган жилолари бўлиши мумкин.

Гёте жимиб қолди, пурвиқор чехрасига кинояли табассум қалқди. У сўзида давом этди: — Сиёсатни айтмайсизми! Бунда ҳам қанча-қанча азобларга чидашимга тўғри келди, буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Менинг «Ғазабланганлар»¹ деган асаримни биласизми?

— Кечагина, — жавоб бердим мен, — асарларингизни янги нашрга тайёрлаётиб шуни ўқидим, унинг тугалланмай қолганидан жуда афсусландим. Шунга қарамасдан, ҳар қандай холис ниятли киши Сизнинг қарашларингизни тан олади.

— Мен уни Француз инқилоби пайтида ёзганман, — деди у, — уни қайсидир маънода менинг ўша вақтдаги эътиқодим рамзи, деб қабул қилса бўлади. Аслзодалар вакили сифатида графиня танланган, унинг тилидан айтилган сўзлар орқали мен олийзот инсонлар қандай фикрлаши лозимлигини таъкидламоқчи бўлганман. Графиня яқиндагина Париждан қайтган, у ердаги инқилобий ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган ва бундан ўзига яхшигина сабоқ олган. У, халқни бостириш мумкин, аммо бутунлай маҳв этиб бўлмайди, агар оддий халқ кўзролон кўтарган бўлса, демак, бунга ҳокимият тепасида ўтирганлар айбдор, деган хулосага келади. «Бундан буён, — дейди у, — ҳар қандай адолатсиз хатти-ҳаракатни қоралайман, жамиятдаги ва саройдаги бундай ноҳақликларга қарши ўз эътирозимни дангал айтавераман. Бирорта ноҳақлик олдида жим турмайман, майли, мени демократ деб ҳисоблай-веришсин».

¹ «Ғазабланганлар» — бу асар 1828 йилда босилиб чиққан.

— Бундай фикрлаш тарзини, — давом этди Гёте, — шубхасиз, ҳурматга лойиқ деб ҳисоблардим. Ўзим ҳам шундай деб ўйлардим ва ҳозир ҳам шу фикрдаман. Шу туфайли менга қандай отларни ёпиштиришмади дейсиз, уларни такрорлашга ҳатто журъат қилолмайман.

— Сизнинг фикрлаш тарзингизни билиш учун, — дедим мен, — «Эгмонт»ни ўқиш кифоя. Халқнинг озодлиги ҳақида бунчалик куйиниб ёзилган немис тилидаги бирорта асарни билмайман.

— Одамлар мени қандай бўлсам шундайлигимча қабул қилишни исташмайди, — жавоб қайтарди Гёте, — менинг ҳақиқий қиёфамни кўрсатиш мумкин бўлган ҳар қандай нарсадан кўз юмишади. Аксинча Шиллер, ўзаро гапу, менга нисбатан ҳам аристократроқ эди, айтар сўзини мендан кўра кўпроқ мулоҳаза қиларди, аммо шуниси ғалатики, у халқнинг ҳақиқий дўсти, деган номга эришди. Мен унга ҳавас қилмайман, ўзимга эса, мендан олдин ҳам ҳеч кимнинг бошини силашмаган, дея таскин бераман.

Тўғри, мен Француз инқилобининг дўсти бўлолмадим, буни яшириб ҳам нима қилдим, негаки унинг даҳшатлари шундоқ ёнгинамда содир бўлиб, ҳар куни, ҳар соатда менинг тинчимни бузардики, унинг ижобий самаралари хали у пайтда кўзга ташланмасди. Бундан ташқари, мен Францияда улур эҳтиёж натижаси сифатида юзага келган воқеалар Германияда сунъий тарзда содир этилишига бефарқ қараб туролмасдим. Шунингдек, мен ҳукмдорларнинг жабрзулмига ҳам қаршиман. Ҳар қандай инқилобнинг сабабчиси халқ эмас, балки ҳукумат, деган қатъий фикрдаман. Агар ҳукумат ҳамиша адолатли, ҳамиша хушёр бўлса, вақтида ислохотлар ўтказиб, норозиликларнинг олдини олиб турса, халқ ўз эҳтиёжларини қондиришни талаб қилиб кўзғолон кўтармайди.

Инқилобларни ёмон кўрганим учун мени мавжуд тартибнинг дўсти, деб аташди. Бу менга ҳечам маъқул келмайдиган икки маъноли ном. Мавжуд тартиб оқилона, яхши, адолатли бўлса, мен бунга қарши бўлмасдим. Адолатли, оқилона ишлар ёнида ёмон, адолатсиз, ноўрин ишлар ҳам мавжуд бўлгач, «мавжуд тартибнинг дўсти» ўз-ўзидан «ёмон ва даври ўтган» ишларнинг ҳам дўсти бўлиб қолади-да.

Вақт деган нарса мудом ҳаракатда, одамзод ишлари ҳар эллик йилда бир ўзгаришга учрайди, 1800 йилда деярли етук деб ҳисобланган иш 1850 йилга келиб арзимас бўлиб қолиши мумкин.

Ҳар бир миллат учун бошқалардан ўзлаштирилгани эмас, балки ўз умумий эҳтиёжига, ўз феъл-атвориغا мувофиқ келадиган нарсаларгина қадрли. Чунки бирор халқнинг маълум тараққиёт босқичида ёқимли озик бўладиган нарса, бошқа халқ учун, ҳар қандай хорижий янгиликни, бордию халқнинг кўнглида унга эҳтиёж бўлмаса, олиб киришга уриниш ярамас ҳол ва шунга ўхшаш инқилоб ҳалокатга учрайди, чунки уни худо қўлламайди, бунақа аҳмоқона ишлардан у ўзини четга олади. Мабодо халқнинг кўнглида буюк бир ислохот қилишга ҳақиқий эҳтиёж туғилса, уни худо қўллайди ва у муваффақиятга эришади. Худо Исони ва унинг дастлабки издошларини қўллади, чунки меҳр-муҳаббатни тарғиб қилувчи янги диннинг пайдо бўлиши халқларнинг эҳтиёжига хизмат қиларди, Лютер таълимотида ҳам шу ҳолат кўзга ташланади, негаки бу даврда одамлар поплар томонидан захарланган динни тозалашга киришган эдилар. Шуниси борки, ҳар иккала буюк ҳаракат илҳомчилари мавжуд тартибнинг дўстлари эмас эди, аксинча, улар сасиган ачитқиларни тўқиб ташлаш ва бундан буён дунёда ноҳақлик, адолатсизлик ва ҳар қандай қусурларнинг қайта такрорланмаслиги тарафдори эдилар.

1824 йилнинг 5 майи, чоршанба

Шу кунларда мен Гётенинг актриса Вольф ва актёр Грюнер¹ билан ўтказган машғулотларига тегишли ёзувлар билан шуғулландим ва тартибсиз ҳолда ётган ушбу ёзувларни тартибга келтиришга муваффақ бўлдим, ниҳоят улардан актёрлар учун тавсияномага ўхшаган бир нарса юзага келди.

Бугун Гёте билан шу иш юзасидан гаплашдим ва унинг айрим жойларини бирга кўздан кечирдик. Айниқса, талаффузни яхшилашга ва шева сўзларини бартараф қилишга доир ўринларни муҳим деб топдик.

— Ўзимнинг узоқ йиллик амалий фаолиятим давомида, — деди Гёте, — Германиянинг барча ҳудудларидаги бошловчи актёрлар билан танишдим. Шимолдаги немисларнинг талаффузи, умуман олганда, талабга жавоб беради, у равон, ҳатто намунали деса ҳам бўлади. Айниқса, шваблар, австрияликлар, саксонлар билан анчагина қийналганман. Ўзимизнинг сеvimли Ваймаримизда туғилиб ўсганлар ҳам менга кам ташвиш орттиришмаган. Бундан кулгили хатоликлар келиб чиқади, бу ердаги мактабларда *Б П* дан, *Д Т* дан талаффузда кескин

¹ Грюнер Карл Франц (1780—1845) — Ваймар театрининг актёри.

фарқланишини ҳисобга олишмайди. Уларнинг *Б*, *П*, *Д*, *Т* тўртта тамоман ҳар хил ҳарфлар деб ҳисоблашларига ҳам баъзан ишонмай қоласан киши, чунки улар ҳамيشа юмшоқ ва қаттиқ *Д* ҳамда юмшоқ ва қаттиқ *Б* ни талаффуз қилишади, гўё улар учун *П* ва *Т* товушлари умуман мавжуд эмасдек. Уларнинг оғзидан «Парк» — «Барк», «Тол» — «Дол» тарзида жаранглайди.

— Шу ерлик бир актёр, — дедим мен, — *Д* билан *Т* ни фарқлашни билмас экан шекилли, яқинда худди шунақа хатога йўл қўйиб, кулги бўлди. У бироз хиёнатга йўл қўйган жазман ролини ўйнаган, бундан ғазабланган аёл унга таъна тошини ёғдиради. У бунга чидаёлмасдан: «О, тамом!» деб хитоб қилиши керак эди, бироқ у *Т* ни *Д* дан фарқламай: «О, дамом!» деб қичқирди. Ҳамма гуриллаб кулиб юборди.

— Жуда кулгили ҳолат, — жавоб берди Гёте, — буни бизнинг тавсияномага киритсак бўларкан.

— *Г* билан *К* нинг фарқига бормаслик ҳолатини яқинда бир актёр тилидан эшитдим. У «Гимн» дейиш ўрнига «Кимн» деб юборди.

— *Г* ни *К* билан алмаштириш ҳолларини нафақат актёрлар нутқида, балки диндорлар оғзидан ҳам эшитиб қоламиз. Ҳозир шу билан боғлиқ бир воқеани Сизга айтиб бераман.

Бундан бир неча йил олдин Йенада бўлганимда «Арча остида» меҳмонхонасида бир диншунос-талаба сўраётганини айтишди. У билан бироз яхшигина суҳбатлашиб ўтиргач, хайрлашаётиб у менга валати бир илтимос билан мурожаат қилди, яъни келгуси якшанба куни унинг ўрнига амри маъруф ўқишимни илтимос қилди. Гап нимадалигини дарҳол тушундим — бу бола ҳам *Г* билан *К* нинг фарқига бормаيدиганлардан экан. Мен мулойимлик билан унга шахсан ҳеч бир ёрдам беролмаслигимни, агар у ўз мақсадига етишни истаса, жаноб бош диакон Коте¹га мурожаат қилиши лозимлигини тушунтирдим.

1824 йилнинг 18 майи, сешанба

Кечқурун Гётеникида Ример билан ўтирдик. Гёте геология мавзусидаги бир инглизча шеър² хусусида бизга гап-риб берди. Гап орасида у шеърни тайёргарликсиз таржима

¹ *Коте Фридрих Август* — Йенадаги архиепископ ва диншунос — профессор.

² Инглиз офицери ва дидактик-шоири Жон Skefнинг «Қирол Кўмир ҳузурида ёки Геологик таомил» номли шеъри назарда тутилган.

қилди, яхши кайфиятда, шу қадар илҳом билан таржима қилдики, шеърдаги ҳар бир кичик деталь кўз олдимда намоён бўлди, гўё у шеърни шу ерда, ўзи тўқигандек бўлди. Шеърнинг қахрамонлари — Қирол Кўмир расмий залда қиролича Олтингугурт билан бирга қироллик амалдорларини кутиб ўтиришипти. Улар мартабаларига қараб кириб келишади-да, қиролга рўпара бўлишади: херцог Мармар, маркиз Шифер, графиня Порфир¹ ва бошқалар, уларнинг ҳар бирига кулгили, хийла ўткир тавсиф берилади. Шундан сўнг: сэр Оҳактош кириб келади, у йирик мулк эгаси, саройда катта обрўга эга. У онаси — леди Мармар учун узр сўрайди, негаки унинг уйи узокрокда бўлгани учун салгина кечиккан эди. Умуман, бу Хоним маданият ва сиёсатда билимдонлардан саналарди. Бугун унинг саройга келмаганига, унга хушомад қилиб юрган Канова² туфайли келиб чиққан фитна сабаб бўлган. Туфтош³ соч турмагини балиқлар ва калтакесаклар билан безатиб олган, бугун у бироз кайф қилган кўринади. Ханс Цемент ва Якоб Лой охирида келишади, кейингиси қиролича ҳимоясида, чунки унга чифаноқлар тўпламини олиб келишни ваъда қилган. Шу тахлит Гёте шеърни анча вақт қизгин баён қилди, бироқ, деталларнинг кўплигидан ҳаммасини эслаб қолишнинг иложи бўлмади.

— Бунақа шеър, — деди Гёте, — зодагонларнинг кўнглини ёзишга мўлжалланган, бундан ташқари, унда ҳар бир одам учун керак бўладиган кўплаб фойдали маълумотлар ҳам бор. Шундай йўл билан олий давраларда илмга қизиқиш орттирилади, бундай ярим ҳазиллар бизга қай даражада наф келтиришини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Эҳтимол, бу бирор онгли одамни ўзи алоқада бўладиган кишиларга ва ўзига бундок разм солишга мажбур қилар, бизни ўраб турган табиатни бу тахлит кузатишлар, гарчи кузатувчи бу соҳада мутахассис бўлмаса-да, кўпинча ғоят қизиқарли бўлади.

— Афтидан Сиз, — дедим мен, — одам қанча кўп билса, шунча ёмон кузатувчи бўлади, демокчисиз, шекилли.

— Агар ўзлаштирилган билимлар нотўғри бўлса, — жавоб берди Гёте, — айтганингиз бўлади! Бордию одам фанда тор доирадаги билимни тарғиб қилса, бемалол, бевосита қабул

¹ *Порфир* — майда доначали умумий массада силикат кристаллари ёки кварц ажралиб туриши билан характерланадиган тоғ жинсларининг умумий номи. Қурилиш ва декоратив тош сифатида ишлатилади.

² *Антонио Канова (1757–1822)* — италиян ҳайкалтароши.

³ *Туфтош* — қурилиш материали сифатида ишлатиладиган ғовак тоғ жинси.

қилиш салоҳиятидан айрилади. Ҳақиқий вулқоншунос ишига вулқоншунос кўзойнаги орқали, энг янги «кўтарилиш» назарияси тарафдори эса ўзиники орқали қарайди. Ягона йўналишнинг этагидан тутган бундай назариётчиларнинг ҳаммасидаги дунёқараш ўз софлигидан махрум бўлган, кузатиш объектлари энди табиий тозалигини йўқотган. Мабодо бундай олимлар ўз кузатувлари ҳақида ҳисобот бериб қолишса, улардан айримларининг чинакам ҳақиқатпарварликларига қарамасдан, ўша объектлар тўғрисида аниқ ҳақиқатга эга бўлолмаймиз, аксинча, ўша соҳани субъектив тушунчамизнинг ўткир таъми орқали билиб оламиз.

Мен, асл билим кузатувга тўсқинлик қилади, деган фикрдан мутлақо йироқман, аксинча, ўзимиз биладиган нарсаларни кўзимиз билан кўриб, қулоғимиз билан эшитишимиз керак, деган кўҳна ҳақиқат ўз кучида қолади. Профессионал мусиқачи оркестрдаги ҳар бир созни ва таралаётган ҳар бир оҳангни ажрата олади, оддий тингловчини эса, бутун оркестр ўз таъсирига олади. Худди шунингдек, табиатни шунчаки севадиган киши ям-яшил ёки гуллар очилган ўтлоқдаги ёқимли манзаранигина кўрса, синчков ботаникнинг кўзига турфа хил ўсимликлар ва ўтларнинг минглаб жиҳатлари кўринади.

Ҳар бир нарсанинг меъёри ва мақсади бўлади, менинг «Гец фон Берлихинген»имда ўта билимдонлигидан ўз отасини ҳам танимай қолгани сингари, баъзи илм аҳллари ҳам ўта билимдонликлари ва фаразларнинг кўплигидан ҳеч нарсани кўрмай ва эшитмай қолишган. Бундай одамлар нуқул ички дунёлари билан банд бўлиб, худди кўчада энг яқин дўстларини ҳам пайқамай югуриб ўтиб кетаётган ҳиссиётлар оғушидаги одамга ўхшайди. Табиатни кузатаётганда эса, диққатни бошқа ҳеч нарсага қаратмаслик ҳамда соф ички хотиржамлик зарур бўлади. Бола гулга кўниб турган капалакнигина пайқайди. Уни бор-йўғи мана шу оддий жониворгина қизиқтиради, бордию айни пайтда осмонда булутлар тўда-тўда бўлиб, ғалати ҳолат юз берса ҳам, уларга назар ташлаш унинг хаёлига келмайди.

— Ундай бўлса, — жавоб бердим мен, — болалар ва шуларга ўхшаш соддадил одамлар илмда кўмакдош бўлишаркан-да.

— Илоҳим ҳаммамизга ҳам жилла курса кўмакдош бўлиш насиб этсин! Аммо биз кўпроқ нарсани хоҳлаймиз ҳамда фаразлар ва фалсафанинг оғир юқини елкамизга ортиб оламизда, бутун ишни бузамиз.

Жимлик чўкди. Ример лорд Байрон ва унинг ўлими борасида сўз бошлаб, жимликни бузди. Гёте унинг асарларини қойилмақом таҳлил қилди ва уларни юксак эҳтиром билан мактади.

— Сирасини айтганда, — сўзида давом этди у, — гарчи Байрон ёш кетган бўлса-да, адабиёт унинг тимсолида кўп нарса йўқотмади. Аслида Байрон ортиқ яшаёлмаган бўларди. У ўз ижодий имкониятлари чўққисига етган эди, бордию у яна нимадир яратганида ҳам, ўз салоҳияти чегарасини кенгайтиришга муваффақ бўлолмасди. У мислсиз мазмундор «Маҳшар куни» шеърида нимага қодир эканлигини очик-ойдин баён қилган.

Гурунг мавзуси италиялик шоир Торквато Тассо¹га кўчди, уни лорд Байронга қиёсладик. Гёте инглизни ақл, дунёни билиш, ижодий қудрат жихатидан устун кўйди.

— Бу шоирларни бир-бири билан қиёслаш мумкин эмас, — кўшиб кўйди у, — чунки бирининг олдида иккинчиси енгилиб қолади. Байрон — Ливандаги муқаддас эманни кулга айлантдиришга қодир бўлган ёнаётган тиконли таёқнинг ўзи. Италияликнинг улугъ эпоси асрлар силсиласидан ўз шон-шухратини йўқотмай ўтди, бироқ «Озод этилган Иерусалим»нинг обрўсини туширишга «Дон Жуан»дан олинган бор-йўғи бир сатр етади.

1824 йилнинг 26 майи, чоршанба

Бугун мен кўпдан бери ният қилиб юрганам — Ҳанновердаги кадрдонларимни кўриш ва сўнгра Райн бўйига бориш мақсадида Гёте билан хайрлашдим. Гёте беҳад меҳрибончилик билан мени бағрига босди.

— Агар Сиз Ҳанноверда Рейберг²ларникида менинг ёшликдаги дўстим Шарлотта Кестнер³ни учратсангиз, унга менинг номимдан бир-иккита ширин сўз айтинг. Франкфуртда дўстларим Виллемерларни, граф Райнхордни ва Шлоссерларни бориб кўришни тавсия қиламан. Ҳайдельберг ва Боннда ҳам менга азалдан содиқ бўлган инсонларни топасиз, улар Сизни яхши кутиб олишади. Мен бу йил ёзда яна Ма-

¹ *Торквато Тассо (1544–1595)* — италиялик шоир. «Озод этилган Иерусалим» унинг қаламига мансуб эпос. Бу шоир ҳақида Гёте «Торквато Тассо» номли пьеса ёзган.

² *Рейберг Август Вильхельм (1757–1836)* ханноверлик маслахатчи.

³ *Шарлотта Кестнер, асли Буфф (1753–1828)* «Ёш Вертернинг изтироблари» романидаги Лоттанинг прототиби.

риенбадга бормоқчи эдим, лекин Сиз қайтиб келгунингизча жойимдан жилмайман.

Гарчи мен Гётени икки ойдан сўнг яна соф-саломат кўришимга ишонч билан кетаётган бўлсам-да, у билан хайрлашим оғир бўлди.

Шундай бўлса-да, эртасига мен мудом ички бир истак билан талпиниб келган суюкли юртим Ҳанновер томон йўлга тушганда ўзимни бахтиёр хис этдим.

1825

1825 йилнинг 22 марти, сешанба

Тун яримдан оғанда ваҳимали шовқин-сурондан уйғониб кетдик: «Театр ёнапти!» дея қичқиришарди. Дарҳол кийиндим-да, ўша ёққа югурдим. Ҳамма қаттиқ саросимада эди. Бундан икки-уч соат бурун ҳаммамиз бу ерда Кумберланд'нинг «Яхудий» асарида ўйнаган Ларошнинг маҳоратидан завқланган ва Зайделнинг юморга бой чиқишларидан маза қилиб кулишгандик. Энди эса, яқиндагина биз маънавий озикдан баҳраманд бўлган жойни даҳшатли бузғунчилик ўз домига тортарди.

Афтидан ёнғин портердаги иситиш тизимидан чиқиб, тезда сахнани ва кулисдаги матодан қилинган нафис тўсиқларни қамраб олган, шу тахлит ёнувчи материалларнинг кўплиги сабаб кўз очиб юмгунча ҳаммаёққа ёйилган, кўп ўтмай аланга томгача етгач, истарапиллар қулаб туша бошлади.

Ёнғинга қарши воситалар етарли эди. Бино аста-секин ҳар тарафдан ёнғинни ўчирувчи насослар билан ўраб олиниб, аланга устига сув ёғдира бошланди. Бироқ бунинг фойдаси кам бўлди. Аланга янада юқори ўрлаб, ёнаётган буюмларнинг парчаларини ҳамда сон-саноксиз учқунларни тим қоронғи осмонга сочар, кейин булар салгина шабада таъсирида шахар устига ёйиларди. Ўт ўчиришда ишлатиладиган нарвонлар ва насосларда ишлаётган одамларнинг шовқин-сурон ва қичқириклари еру кўкни тутган эди. Ҳамма кучлар нима қилиб бўлса-да оловни ўчиришга қаратилган эди. Салгина нарироқда, аланга ёлқини етмайдиган жойда шинель ва ҳарбий кепка кийган бир одам асабий ҳолатда сигарет чекиб турарди. Бир қараганда у бетараф томошабинга ўхшарди, бироқ аслида бундай эмас

¹ *Кумберланд Ричард (1732–1811) – инглиз драматурги.*

эди. Одамлар унинг ёнига келишарди-да, қисқа буйруқларни олгач, уларни бажаришга шошилишарди. Бу — Буюк ҳерцог Карл Август эди. У бинони қутқазиб бўлмаслигини тезда англаб етгач, уни қулатишни ва насосларни алангадан зарар кўриши мумкин бўлган қўшни уйларга йўналтиришни буюрди. Мана бундай шоҳона фикр кўнглидан кечган бўлса, эҳтимол:

*Ёнса ёниб кул бўлсин!
Бундан яхшисини қурамыз.*

У ҳақ эди. Театр эски, кўримсиз, йилдан-йилга кўпайиб бораётган томошабинларни сиғдиролмаётган эди. Шундай бўлса-да, Ваймар аҳли учун улур ва дилкаш ўтмишга дахлдор қанчадан-қанча хотираларни ўзида жамлаган бинонинг кўз ўнгимизда йўқликка кетаётганини кўриб туриш аламли эди.

Кўплаб чиройли кўзларда афсус ёшларини кўрдим. Айниқса бир оркестр аъзосининг кўз ёшлари мени тўлқинлантирди, у ёниб кетган скрипкаси учун йиғларди.

Тонг отгач, кўплаб сўлғин чехраларга кўзим тушди. Бир қанча олийзот қизлар ва аёллар тун бўйи ёнғиннинг нима билан тугагини кузатишган, энди бўлса, тонгги салқин ҳавода дилдираб туришарди. Мен бироз дам олиш учун уйга кетдим, тушда Гёте ёнига бордим. Хизматкор унинг бетоблигини, тўшакда ётганини айтди. Шунга қарамай у ҳузурига киришимга рухсат берди. У менга қўлини узатди.

— Бу йўқотиш ҳаммамизга тегишли, — деди у, — нима ҳам қилардик! Кичкина Вольф бугун тўшагим ёнига келди-да, кўлимдан ушлаб, кўзларини катта очганча юзимга тикилиб: «Одамларнинг бошига мана қандай кунлар тушаркан!» деди. Шу билан мени юпатишга уринган суюкли набирамнинг бу сўзларига нимани ҳам қўшимча қилардик. Менинг салкам ўттиз йиллик гаштли меҳнат-интилишларим ўрни кулга айланди. Вольф айтганидек, одамларнинг бошига қандай кунлар тушаркан. Бу кеча жуда кам ухладим, олд томондаги деразалардан аланганинг узлуксиз осмонга ўрлашини кўриб турдим. Менинг ўтмиш ҳақидаги, Шиллер билан узок йиллик ҳамкорлигимиз ҳақидаги, суюкли шогирдларимнинг театрга келишлари ва улардаги ижодий салоҳиятнинг ўсиши ҳақидаги ўй-фикрлар ҳаёлимни эгаллаб олиб, мени ҳаяжонга солишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам бугун кунни тўшакда ўтказишни афзал кўрдим.

Гарчи у зинҳор нимжон ва хафаҳол эмас, балки аксинча, хотиржам, ҳатто мамнун кўринса-да, мен унинг қарорини қувватладим. Бу ҳолат менга эски ҳарбий ҳийла бўлиб туюлди,

негаки у шунақа қалтис вазиятларда, кўнгил сўровчиларнинг тинмай ташриф буюришларидан қочиб тўшакка ётиб оларди.

Гёте менинг стул олиб ёнига ўтиришимни, у билан бироз қолишимни илтимос қилди.

— Мен Сиз ҳақингизда кўп ўйладим ва Сизга ачиндим, — деди у, — энди кечқурунлари нима қиласиз?

— Театрни жон-дилдан севишимни биласиз, — жавоб бердим мен, — бундан икки йил муқаддам бу ерга келганимда, Ханноверда кўрган уч-тўртта пьесадан бошқа ҳеч нарса кўрмаган эдим. Ҳамма нарса, актёрлар ҳам, пьеса ҳам мен учун янги эди. Сизнинг маслаҳатингиз билан ҳеч нарсани таҳлил ҳам қилмай, ҳеч нарса ҳақида мулоҳаза ҳам юритмай, спектакллардан олган таассуротларим билан банд бўлганлигим сабабли, айтишим мумкинки, мана шу икки киш давомида театрда ҳаётимнинг энг бахтли, энг гаштли соатларини ўтказдим. Театрга шу қадар қалбан борланиб қолдимки, бирорта ҳам спектаклни қолдирмай кўришдан ташқари репетицияларни қузатишга ҳам фурсат топардим, бунга ҳам қаноат қилмасдан, агар кундузлари йўлдан ўтаётганимда театр эшиги очиклигини кўрсам, портерга кириб, бўм-бўш залда ярим соатча гўё сахнада нимадир ўйналаётганини тасаввур қилиб ўтирардим.

— Ўлай агар, Сиз жиннисиз, — жавоб берди Гёте қулиб, — аммо бунақаси менга ёқади. Илоҳим, ҳамма томошабинлар шундай бўлсин! Аслида Сиз тўғри қиласиз. Ҳаёт эркалатмаган, бунинг устига ёш одам театрдан ўзга кўнгилочар жойни қаердан топсин. У ерда ҳеч ким Сиздан бир нарса сўрамайди, агар ўзингиз истамасангиз орзингизни очишнинг ҳам кераги йўқ, қиролдек тинч-хотиржам ўтирасиз, онгингиз ва туйғуларингиз нимани тусаса, шуни қабул қилаверади. Бунда поэзия ҳам, тасвирий санъат ҳам, кўшиқ ва мусиқа ҳам, актёрлар маҳорати ҳам — хуллас, ҳамма нарса муҳайё! Барча мана шу санъат ва мафтункорлик, ёшлик ва гўзаллик билан қўшилиб, бир кечнинг ўзида, юксак бир босқичда Сизга таъсир ўтказса, бу ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайдиган байрам бўлади. Бордию нимадир ёмон ва нимадир яхши бўлганида ҳам, бу деразадан зерикканча ташқарига тикилиб ўтиришдан ёки тамаки тутунига тўла хонада вист ўйнаб ўтиришдан кўра хийла афзалроқ. Ваймар театрига, ўзингиз ҳам бунинг яхши биласиз, нописандлик билан қараш тўғри келмайди, унинг илдизи энг яхши даврларга бориб тақалади, унга янги-янги талантлар келиб қўшилди, биз ҳали кишиларга маъқул бўладиган, уларни ҳаяжонга соладиган, айни пайтда яхлит кўринишга эга бўлган асарлар қўямиз.

— Мен йигирма-ўттиз йил аввалги ҳолатни кўрганимда эди, — дедим мен.

— Ҳа, — жавоб берди Гёте, — у пайтларда бизга кўплаб имкониятлар кўмакка келарди. Тасаввур қилинг, у кезларда ҳали французларга хос зерикарли дид ҳукм сураб, томошабин ҳали театрдан зерикмаган, Шекспир эндигина ўз таъсирини ўтказа бошлаган, Моцарт опералари ҳали янгилик эди ва ниҳоят, йилдан-йилга Шекспир пьесалари яратилиб, у актёрлар билан бирга уларни ёдлаб, илк салобатида Ваймар театрида қўйила бошлади. Бир ўйлаб кўринг, бу ерда ёшу қари қанчалар маънавий озик олишар ва биздан қандай миннатдор бўлишарди.

— Ўша даврларнинг гувоҳи бўлган кекса кишилар, — дедим мен, — Ваймар театри ўшанда қанчалик юксакликка кўтарилганини ҳаяжон билан эслашади.

— Ҳа, инкор қилмайман, — жавоб қайтарди Гёте, — театрмисан театр бўлган эди. Энг муҳими — Буюк ҳерцог менинг йўлимни тўсмаган, истаганча ҳаракат қилишимга йўл қўйиб берган эди. Мен дабдабали декорациялар, ялтир-юлтур костюмлар ҳақида эмас, яхши пьесалар ҳақида қайғурар эдим. Фожиали ёки енгил-елпи комедиями — ҳар қандай жанр менга маъқул эди. Бироқ пьесадан кўнглимиз тўлиши учун унда нимадир бўлиши керак эди. У зўр ва диққатга сазовор, қувноқ ва дилтортар, ҳар қандай ҳолатда ҳам соғлом моҳиятга эга бўлиши лозим эди. Ҳар қандай носоғлом, бўш, йиғлоқи ва сентиментал, шунингдек, юракларда кўрқув уйротувчи, зулмкор ёки маънавий қадриятларни ҳақорат қиладиган пьесалар кескин рад қилинарди, мен бу билан актёрлар ва томошабинларни бузиб қўйишдан кўрқардим.

Яхши пьесалар эса, аксинча, актёрларни юксакликка кўтарарди. Чунки гўзал нарсани ўрганиш, гўзал нарса устида доимо ишлаш табиат ниманидир юктирган одамни янада бойитади. Бундан ташқари, мен актёрлар билан мудом яқин алоқада бўлардим, матнни бирга ўқиб, ҳар бирига ролини тушунтирардим. Якуний репетицияларда иштирок этиб, у ёки бу ўринни қандай тузатиш борасида маслаҳатлар берардим, спектаклларни ўтказиб юбормай кўрардим-да, эртасига баъзи бир камчиликларни актёрларга муфассал тушунтирардим. Шу тариқа уларга санъатда илгари силжишларига кўмаклашардим. Шу билан бирга, бутун актёрлар табақасига одамларнинг ҳурматини оширишга ҳаракат қилардим, улардан энг яхшилари ва энг истеъдодлиларини ўз теварагимга тортиб, шу тахлит уларнинг мен билан яқин муносабатда бўлишга лойиқ экан-

ликларини исбот қилдим. Ваймардаги олийзот кишилар менга эргашиб, актёр ва актрисаларни энг яхши давраларга таклиф қиладиган бўлишди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, уларнинг ички ва ташқи маданиятларининг ўсишига хизмат қилди. Берлиндаги шогирдим Вольф ва Ваймардаги Дюран — зодагонларга хос муомалани қотириб қўйишади. Жаноб Эльс ва Графф — ўта билимли инсонлар ва ҳар қандай даврани гуллатишади.

Шу маънода Шиллер ҳам мендек эди. У актёр ва актрисалар билан яқин муносабатда бўлар, менга ўхшаб барча репетицияларда ҳозир бўлар, ўз пьесасининг ҳар бир муваффақиятли намоёишидан кейин актёрларни ўзиникига таклиф қилиб, улар билан ютукни нишонларди. Ҳаммалари биргаликда ютуқлардан қувонишар ва у ёки бу сахналарни келгуси гал янада яхшироқ чиқариш устида бош қотиришарди. Шиллер театримизга келган пайтда актёрлар ҳам, томошабинлар ҳам тараққиётнинг юқори босқичида эди, бу унинг пьесаларининг тез муваффақият қозонишига имкон яратди.

Гётенинг мени мудом қизиқтирадиган мавзуда муфассал сўз юритиши менга қувонч бағишларди, бу кечадаги бахтсизлик туфайли мазкур мавзуга янада кўпроқ қизиқишим ортган эди.

— Шиллер икковингиз узоқ йиллар ишлаб, кўп хайрли ишларни амалга оширган театрдаги бугунги ёнғин, — дедим мен, — гўё бундоқ караганда бутун бир даврга нуқта қўйди, Ваймарда бундай давр яна такрорланадими-йўқми, гумон. Шубҳасиз, сиз раҳбарлик қилган ўша кезларда театр қозонган ютуқлардан беҳад қувонгансиз.

— Қийинчиликлару ҳаяжонлар ҳам кам эмас эди! — жавоб берди Гёте хўрсиниб.

— Шундай катта жамоани тартиб-интизомда тутиб туриш қийин бўлгандир-да.

— Каттикқўллик билан анча нарсага эришса бўлади, — деди Гёте, — меҳр-муҳаббат билан кўп нарсага, янаям кўпроқ нарсага ишнинг кўзини билиш ва ҳаммага бирдек ҳаққоний муносабат орқали эришиш мумкин.

Мен учун хавfli бўлган иккита душмандан ҳимояланишим лозим эди. Биринчиси — истеъдодли актёрларга ҳурматим кучли эди, шунинг учун мен уларга кўпроқ ён босиб юборишим мумкин эди, иккинчисини овоза қилиб ўтирмайман, буни ўзингиз ҳам сезсангиз керак. Театримизда ёш, гўзал, шу билан бирга оқила ва жозибадор аёллар кам эмас эди. Уларнинг айримларига кўнгил қурғур талпинарди-да! Шун-

дай ҳоллар ҳам бўлардики, салгина эътибор қилсам, ўзлари мен томонга қадам ташлашарди, шунда мен ўзимга: «Тўхта жойингда!» дердим. Ўз мавқеимни ва ўзимни қандай тутишни билардим. Мен театрда оддий келиб кетувчи эмас, балки хўжайин эдим, унинг ютуқлари менинг бир зумлик хузур-ҳаловатимдан муҳимроқ эди. Мен бу ерда бирортасининг муҳаббат тузоғига илиниб қолганимда борми, ёнидаги магнит унга нотўғри томонни кўрсатаётган компасга ўхшаб қолардим. Шу тариқа ниҳоятда эҳтиёткорлигим орқасида ўз-ўзимнинг ҳам, театрнинг ҳам хўжайини бўлиб қолдим, бу билан ҳаммаша ҳурмат-эътиборга сазовор бўлдим, бусиз ҳеч қандай обрў қозониб бўлмасди.

Гётенинг бу иқрори мени ҳайратга солди. Шунга ўхшаш воқеани менга айтиб беришган эди, энди бунинг тасдиғини унинг ўз оғзидан эшитиб хурсанд бўлдим. Уни ҳаммашагидан ҳам кўра яхши кўриб кетдим ва биз каттиқ қўл қисишиб хайрлашдик.

Яна ёнғин бўлган жойга бордим, вайрона уюми орасидан ҳалиям ёлқин чиқиб, тутун осмонга ўрлаб турарди. Одамлар оловни ўчириш ва чала ёнган ёғочларни йиғиш билан овора эди. Сал нарироқдан роль матни ёзилган куйган қоғоз бўлагини топиб олдим, бу Гётенинг «Тассо»сидан бир парча эди.

1825 йилнинг 24 мартини, пайшанба

Гётеникида тушлик қилдик. Театрдаги ёнғин гурунгимизнинг асосий мавзуси бўлди. Фон Гёте хоним ва фройлайн Ульрика эски театрда ўтказилган бахтли лаҳзаларни хотирлашарди. Улар култепадан бир неча ноёб буюмларни топиб олишган, гарчи булар бор-йўғи бир нечта тошлар ва гулқовозларнинг куйган парчалари бўлса-да, улар учун бебаҳо эди. Аммо бу парчалар айнан улар ўтирадиган балкон деворидан эканлигига ишончлари комил эди.

— Муҳими, — деди Гёте, — ўзимизни тезроқ тутиб олиб, иложи борича қайтадан ишга киришишда. Менга қолса келгуси ҳафтаданок томошаларни бошлаган бўлардим. Князлар уйидами ёки ратушанинг катта залидами, фарқи йўқ. Томошабинлар зерикарли кечаларни ўтказишнинг бошқа манбаларини топиб улгурмасликлари учун катта танаффусга йўл қўймаслик зарур.

— Ахир декорациялардан бирор нарсани ҳам қутқазиб қололмадик, — хитоб қилди кимдир.

— Декорациялар кўпам керак бўлмайди, — жавоб берди Гёте. — Йирик пьесаларни кўйишнинг ҳам кераги йўқ. Декорацияларни алмаштиришни талаб қиладиган катта ҳажмдаги спектаклларни кўрсатиш шарт эмас. Бирорта бир кўринишли комедиями, ёки бир кўринишли фарс, оперетта кўйилса бўлади. Орқасидан бирорта дуэт, ариями, бирорта севимли операнинг финалиними ижро этилса, шу билан томошабин хурсанд бўлади. Гап шундаки, одамлар апрелни зерикиб ўтказишмасин, май ойида энди уларни ўрмон кўшиқчилари зериктириб кўймайди.

— Бу орада, — сўзида давом этди Гёте, — янги спектаклга эга бўласизлар — ёз ойлари давомида янги театр биноси қад кўтаради. Бу ёнғин ўзи ғалати иш бўлди-да. Сизларга бир сирни очмоқчиман: биз Кудрэ икковимиз узун қиш кечаларида Ваймар театрининг намунали, энг чиройли янги лойиҳасини тузиш билан шуғулланган эдик. Энг яхши немис театрларининг тик ва ётиқ ишланган лойиҳаларини топдик-да, улардаги энг диққатга сазовор жиҳатлардан фойдаландик, ўзимизга маъқул бўлмаганларидан воз кечдик, хуллас, кўрса кўргулик бир лойиҳа яратдик. Буюк ҳерцог уни тасдиқлаганданок қурилишга киришса бўлади, ростини айтсам, бахтсизликнинг ҳамма нарса тайёр бўлганида келгани кичкина гап эмас.

Гётенинг бу янгилигини қувонч билан кутиб олдик.

— Эски театрда, — дея сўзида давом этди Гёте, — зодагонлар учун балкон, амалдорлар ва ёш ҳунармандлар учун галерея ажратилган эди. Ўрта табақанинг бой ва мартабали вакиллари кўпинча қийин аҳволда қолишарди, айрим спектакллар чоғида партерни талабалар эгаллаб олишса, улар қаерга жойлашишни билишмасди. Партер орқасидаги иккита кичкина ложа ва амфитеатрдаги бир нечта ўриндиқлар камлик қиларди. Энди улар ҳақида ҳам ғамхўрлик қилдик. Партер атрофида яна бир қатор ложа, балкон ва галерея оралиғида иккинчи даражали ложалар қурилади. Шунда, бинони ортиқча кенгайтирмай туриб ҳам кўп жойга эга бўламиз.

Биз бу хабардан қувондик ва шунчалик театр ҳамда томошабинлар ғамини егани учун Гётени мақтадик.

Янги театр учун мен ҳам нимадир қилиш мақсадида тушлиқдан кейин дўстим Роберт Дулен билан Оберваймарга кетдик, у ердаги қаҳвахонада қаҳва ичиб, Метастазियो¹нинг «Иссипило» асарига опера либреттоси ёзишга киришдик. Биз

¹ *Метастазियो Пьетро (1698–1782)* — италиялик шоир ва драматург.

аввало ишни иштирок этувчилар рўйхатини тузиб, ролларни хаёлан Ваймар театрининг актёр ва актрисалари ўртасида тақсимлашдан бошладик. Бу бизга улкан қувонч бағишлади. Гўё биз аллақачон театр залида ўтиргандек эдик. Сўнгра ишга жиддий киришдик ва биринчи кўринишнинг катта қисмини ёзиб бўлдик.

1825 йилнинг 27 марти, якшанба

Тушлик чоғи Гётеникида катта давра тўпланди. У бизга янги театр лойиҳасини кўрсатди. Бу яқинда тасвирлаб берган лойиҳанинг худди ўзи эди, лойиҳа бинонинг ички ва ташқи гўзаллигидан дарак берарди. Бундай гўзал театр учун эски театрдагидан кўра яхшироқ декорация ва костюмлар ҳам керак, дея кимдир гап қистирди. Яна кимдир қўшиб қўйдики, театр труппасида аста-секин бўшлиқлар пайдо бўла бошлайди, бу истеъдодли драматик ва опера ёш артистларини таклиф этишни тақозо қилади. Шу билан бирга, буларнинг ҳаммаси анча-мунча сарф-харажатни талаб қилишини, буларни қоплашга театр ғазнасининг қурби етмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак.

— Жуда яхши биламан, — гапга қўшилди Гёте, — ғазнани тежаш баҳонасида труппага энди арзон-гаров шахсларни таклиф қилишади. Бундай усуллар ғазнани тежайди, деб ўйламаслик керак. Шундай муҳим жиҳатлар учун маблағни тежашдек ғазнага зарар келтирадиган нарса бўлмайди. Театр ҳар куни кечқурун тўла бўлишига ҳаракат қилмоқ зарур. Бунда ёш қўшиқчи йигит ёки қиз, таланти қаҳрамон йигит ва ёш таланти қаҳрамон қиз, бунинг устига у яна гўзал бўлса, катта роль ўйнайди. Агар мен ҳозир ҳам театр раҳбари бўлсам эди, ғазнани тўлдириш учун яна бир қадам ташлаган ва керакли маблағни қўлга киритган бўлардим.

Ҳамма Гёте нимани кўзда тутаётганини билишга қизиқди.

— Энг оддий усулни қўллаган бўлардим, — жавоб берди Гёте, — якшанба кунлари ҳам томоша кўрсаттирардим. Шу тариқа биз йил давомида қирқдан ортиқ спектакль қўйган бўлардик, шу йўл билан ғазна бир йилда ўн-ўн беш минг талер фойда кўрса ёмон бўлмасди.

Бу усулни барчамиз оқилона ҳисобладик. Шуни ҳам таъкидладикки, одатда ҳафта давомида эрталабдан қоронғи кеч-гача ишда банд бўлган кўплаб ишчилар ягона дам олиш куни бўлган якшанбани қандайдир қишлоқ қовоқхонасида рақс тушиб ўтказишдан кўра театрда ажойиб спектакль кўришни

афзал билган бўларди. Бундан ташқари, кўплаб ижарачилар ва ер эгалари, шунингдек, чекка шаҳарчалардаги амалдорлар ва бойлар якшанбани Ваймар театрига бориш учун энг қулай кун ҳисоблашлари аниқ, деган фикр ҳам билдирилди. Бунинг устига, Ваймарнинг саройда бўлмайдиган ва кечани ўз оиласи ёки дўстлар даврасида ўтказмайдиган аҳолиси учун якшанба кечалари жуда зерикарли бўлади, вақт ўтмайди, одам ўзини қаёққа қўйишни билмайди. Шубҳасиз, одамлар ўтган меҳнат ҳафтасининг ташвиш ва юкларидан халос бўлиш учун маза қилиб дам оладиган жойни қидиришади.

Бошқа немис шаҳарларида бўлганидек, якшанба кунлари ҳам томоша кўрсатиш ҳақидаги Гётенинг фикрини энг яхши таклиф сифатида ҳамма бир овоздан маъқуллади. Фақат сарой бунга рози бўлармикан, деган иккиланишлар ҳам бўлди.

— Ваймар саройи, — жавоб қайтарди Гёте, — беҳад мулоҳазали ва бағрикенг, у шундай муҳим муассаса аталмиш театрга ва шаҳар халқининг ҳузур-ҳаловатига тўсқинлик қилмайди. Ишонаманки, сарой кичкина қурбонликка юзмаюз боради ва ўзининг якшанба кечаларини жон деб бошқа кунга кўчиради. Агар бу маъқул бўлмаса, саройдагилар кўришни хохламайдиган пьесаларни якшанба кунлари қўйса бўлади, халқ буларни маза қилиб кўради, ғазна шу йўл билан тўлаверади.

Гурунг мавзуси актёрларга кўчди. Гап уларнинг кучидан ўринли ва ноўрин фойдаланишлар ҳақида борди.

— Узоқ йиллик тажрибам давомида, — деди Гёте, — шундай хулосага келдимки, бирор пьеса ёки операни қўйишдан олдин унинг ҳеч бўлмаса бир неча йиллар муваффақият билан намойиш этилишига ишонч комил бўлиши керак. Негадир ҳеч ким беш кўринишли пьеса ёки операни ўрганишга сарф бўладиган куч хусусида қайғурмайди. Ҳа, азизларим, бирорта солист барча саҳналар ва кўринишларда ўз партиясини маромида ижро этиши учун кўп, жуда кўп ишлаши лозим бўлади, хорлар ҳам талаб даражасида жаранглаши учун худди шундай меҳнат қилинади. Гоҳида бирорта операни ёдлашга енгилтаклик билан буйруқ беришганини эшитсам, эгим жунжикиб кетади, у муваффақиятли чиқадими-йўқми ҳали ҳеч ким билмайди, негаки у ҳақда бор-йўғи унча ишончли бўлмаган газета хабари орқали билишади, холос. Бизда, Германияда, почта хизмати яхши йўлга қўйилганлиги, ҳатто курьерлар ишлай бошлагани боис, бирорта яхши опера премьераси бўлиб ўтганидан хабардор бўлиб қолсам, ўша ёққа режиссёримни ёки театрнинг бирорта ишончли вакилини юборардим, у ўша

операни томоша қилиб, унинг яхши эканлигига ишонч ҳосил қилгач, уни қўйишга бизнинг кучимиз етадими-йўқми, ҳал қилган бўларди. Бундай сафарга кетадиган маблағ ундан келадиган фойда ҳамда қўпол хатолардан бизни халос этиши олдида ҳеч гап эмас.

Тағин бир гап: агар бирорта яхши пьеса ёки яхши опера сахналаштирилса, уни тез-тез қўйиб туриш керак, токи у томошабинларни ўзига жалб қилиб, ғазнани тўлдирсин. Худди шу гап яхши эски пьеса ёки операга ҳам тегишли, у йиллар давомида унутилиб, энди каттагина меҳнат талаб қилса-да, муваффақият билан ўйналиши мумкин. Бундай спектаклга томошабинда қизиқиш уйғонса, уни ҳам тез-тез намойиш қилиб турмоқ лозим. Мудом янги нарса кетидан қувиб, яхши пьеса ёки операни заҳмат чекиб сахнага қўйилса-да, уни икки-уч мартагина, шунда ҳам бир ярим-икки ой орасида бир марта қўйилиши такрор репетицияларни талаб қиладики, бу — театр учун ҳам, ижрочилар учун ҳам ортиқча меҳнат бўлади.

Гёте буларни шунчалик муҳим ҳисоблаб, юрагига шу қадар яқин олдики, ҳатто қизишиб кетди, унинг мудом хотиржам кайфиятида бундай ҳолат камдан-кам кўзга ташланарди.

— Италияда, — сўзида давом этди Гёте, — битта операни бир-бир ярим ой сурункасига ҳар кеч қўйишади, италиялик катта болалар буни зерикмай кўраверишади. Парижлик зукко мумтоз шоирларнинг пьесаларини шунчалик кўп томоша қилишадики, ҳатто уни ёдлаб олишади ва уларнинг сезгир қулоғи ҳар бир бўғиннинг оҳангини илғаб олади. Бу ерда, яъни Ваймарда, «Ифигения»м ва «Тассо»мни сахнага қўйиб, менга юксак эҳтиром кўрсатишди, бироқ уларни неча марта намойиш қилишди? Уч ёки тўрт йилда бир марта. Бу пьесалар улар учун зерикарли. Бунга ҳайрон қолмаслик керак. Актёрлар ҳам маҳорат билан ўйнаёлмайдилар, томошабинга ҳам бу ҳар гал янги туюлади. Агар актёрлар тез-тез ўйнаб туришса эди, улар ролга шу қадар кириб кетишардики, томоша ҳаётини руҳ касб этиб, ёдланган роллар гўё актёрлар юрагидан чиқаётгандек бўларди, ўшанда томошабин ҳам уни берилиб тингларди.

Бир вақтлар менда ҳам немис театрини тузишдек қайноқ иштиёқ туғилган эди. Мен буни амалга ошираман, унинг тағзаминига бир қанча гишт қўяман, деб орзу қилгандим. «Ифигения»ни, «Тассо»ни ёздим, болаларча хаёл билан энди ишлар юришиб кетди, деб ўйладим. Афсуски, ҳеч нарса ўзгармади, ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолаверди.

Бордию мен воқеалар ривожига ўз таъсиримни ўтказолганимда ва мени кўллаб-қувватлашганда эди, «Ифигения» ва «Тассо»га ўхшаган ўнлаб пьесаларни ёзиб ташлаган бўлардим. Материал етарли эди. Бироқ, айтиб ўтганимиздек, илхом ва маҳорат билан ижро этадиган актёрлару спектаклларни мароқ билан кўрадиган ўткир дидли томошабинлар топилмади.

1825 йилнинг 30 марти, чоршанба

Гётеникидаги кечки чой маҳали шу ерлик ёш инглизлардан ташқари ёш бир америкаликни ҳам учратдим. У ерда Юлия фон Эглофштайни ҳам кўрганимдан ғоятда севиндим, икковимиз ранг-баранг мавзуларда гурунглашдик.

1825 йилнинг 6 апрели, чоршанба

Ниҳоят Гётенинг маслаҳатига кулоқ тутишди ва бугун кечқурун ратуша залида томоша кўрсатишди. Жой торлиги ҳамда декорацияларнинг йўқлиги туфайли кичик-кичик фарсларни ва спектакллардан парчаларни кўрсатишди. «Малайлар» операси худди театрдагидек муваффақиятли ўйналди. Томошабинлар Эбервайннинг «Граф фон Глайхен» операсидан севимли кваттетни қизғин кутиб олди. Биринчи даражали тенор, жаноб Молтке «Сехрли сибизға»дан тез-тез ижро этиладиган арияни куйлади, шундан сўнг «Дон Жуан» биринчи кўринишининг финали янгради ва шу билан бугунги сохта театр томошасига муносиб ва таптанавор якун ясалди.

1825 йилнинг 10 апрели, якшанба

Гётеникида тушлик қилдик.

— Сизга яхши хушхабарим бор, — деди у, — Буюк ҳерцог бизнинг лойиҳамизни маъқуллади ва янги театр тағзаминини қўйиш зудлик билан бошланади.

Бу хабардан мен ниҳоятда хурсанд бўлдим.

— Кўплаб тўсқинликларга қарши курашишимга тўғри келди, — сўзида давом этди Гёте, — бироқ охир-оқибат ғалаба қилдик. Бунда биз яширин маслаҳатчи Швайцердан миннатдор бўлишимиз лозим, ундан кутганимиздек, онгли мулоҳаза билан қатъий туриб бизни ёқлади. Лойиҳага Буюк ҳерцог ўз қўли билан имзо чекди, энди унга ҳеч қандай ўзгариш киритилмайди. Қувонаверинг, мана энди кулинг ўргилсин янги театрга эга бўламиз.

Бу кеч Гётеникида бўлдим. Гурунг мавзуси театр, театрга раҳбарлик қилиш борасида бўлганлиги боис мен ундан, театрга янги актёрларни қандай таомилларга кўра қабул қилардингиз, деб сўрадим.

– Бу саволга жавоб беришим осон эмас, – деди Гёте. – Турли йўллارни ишга солардим. Агар янги келадиган актёр маълум маънода машхурликка эришган бўлса, мен уни спектаклда иштирок эттирардим-да, у бошқаларга қанчалик мос келади, унинг хатти-ҳаракатлари бизнинг жамоамизга зид эмасми, умуман, у труппадаги бўшлиқни тўлдиришга лойиқми, шуларнинг барчасини диққат билан кузатардим. Бордию ёш актёр ҳали сахна юзини кўрмаган бўлса, мен унинг шахсиятига, ташқи гўзаллигига, энг аввало, ўзини тутишига эътибор қилардим. Ахир ўзини тутишни билмайдиган, бегона кишига ўзини муносиб даражада кўрсатолмайдиган актёрда истеъдод ҳам бўлмайди-да. Негаки, унинг касб-кори доимо ўз-ўзидан воз кечишни ва доимо бутунлай бошқа ҳаётга ҳамда бегона қиёфага киришни талаб қилади!

Агар менга унинг ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракатлари ёқиб қолса, ундаги овоз кучи ва диапазонини, шу билан бирга таъсирчанлик даражасини аниқлаш учун ўқитиб кўрардим. Чинакам улкан нарсани ҳис этишга ва ифодалашга қодирми ёки йўқлигини билиш мақсадида ўқиш учун бирорта йирик ижодкор асаридан олинган парчани берардим, кейин унинг кучини синамоқ учун бирорта ҳиссиётли, сўнг оддий, мазмунан ўткир, киноя ва ҳазилга бой нарсага ўтардим, бу билан шундай вазифаларнинг уддасидан қандай чиқишни, руҳиятидаги эркинликнинг нималарга қодирлигини текшириб кўрардим. Кейин яраланган кўнгил оғриқлари, қалб изтиробларини ўзида ифода этган матнни берардим ва бундай ҳолатларни қандай юзага чиқаришини кузатардим.

Агар мана шундай талабларнинг барчасига жавоб бера олса, шундагина ундан машхур актёр ярата олишимга қомил ишонч ҳосил бўларди. Бордию у бир қанча жанрларда бошқаларига нисбатан кучлироқ туюлса, у беҳад мойил бўлган соҳани ўзимга белгилаб олардим. Унинг заиф томонларини ҳам билганлигим боис буларни бартараф қилишда унга кўмак беришга ҳаракат қилар, талаффузида лаҳжа белгиларини пайқаб қолсам, уларни ҳам бартараф қилишини талаб қилардим ва бундай кусурлардан холи бўлган бошқа ҳамкасблар билан яқин дўстона алоқада бўлишини маслаҳат

берардим. Сўнгра ундан рақс ва қиличбозликдан хабари бор-йўклигини сўрардим, агар йўқ бўлса, уни рақс, қиличбозлик устаси ёнига жўнатардим.

Охири у сахнага чиқишга тайёр бўлгач, унинг шахсига мувофиқ келадиган ролларни берардим ва маълум муддат сахнада ўз-ўзини ўйнашни талаб қилардим. У менга табиатан қизиққон туюлса, унга вазмин характердаги персонажларни, аксинча, агар овир-босиқ туюлса, қизгин, ҳаракатчан характердаги ролларни берардим, бу билан у ўзлигидан кечиб, бошқа қиёфага киришни ўрганишга мажбур бўларди.

Шундан сўнг ролларни тақсимлаш ҳақида гурунглашдик, бу борада Гёте ғоятда қизиқарли фикрлар билдирди:

— Ўртача пьесада ўртача актёрлар ўйнаши керак, деган гап мутлақо нотўғри, — деди у, — иккинчи ва учинчи даражали пьесаларда биринчи даражали актёрлар банд бўлишса, унинг муваффақияти ниҳоятда юқори бўлади ва у ростдан ҳам яхши пьесага айланади. Лекин, агар шундай пьесалар учинчи даражали актёрлар ихтиёрига топширилса, натижанинг ноль бўлиши шубҳасиз.

Иккинчи даражали актёрлар яхши пьесаларда муваффақиятли ўйнашлари мумкин. Бу худди картиналардаги ярим сояда турган, ёруғликдаги фигураларни янада ёрқинроқ кўрсатишга хизмат қиладиган фигураларга ўхшайди.

1825 йилнинг 16 апрели, шанба

Гётеникида д'Алтон билан бирга тушлик қилдик. Мен у билан ўтган йили ёзда Боннда танишган эдим, уни қайта кўрганимдан ғоят севиндим. Д'Алтон Гётенинг дидига мос инсон, аслида улар ўртасидаги алоқа ҳам жуда яхши. Афтидан у ўз соҳасида юксак билимга эга шекилли, Гёте у билдирган ҳар бир фикрнинг кадрига етади ва ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглайди. Бунинг устига, д'Алтон хушмуомала ва сўзамол инсон, у ўз фикрларини беқиёс даражада мазмундор ва ширали баён қиладики, тинглаб тўймайсан киши.

Табиатни англаб етишга бўлган барча интилишларида бутун борлиқни қамраб олишни истаган Гёте, ўзининг бутун ҳаётини аниқ бир соҳани тадқиқ қилишга бағишлаган ҳар бир машҳур табиатшунос олдида ноқулай аҳволда қоларди. Кейингиси сон-саноксиз деталлар подшолиги устидан ҳукм юргизса, Гёте табиатдаги буюк қонунларни ўрганиш билан банд бўларди. Гёте, ҳар гал йирик хулосалар изидан борар экан, унинг фаразларини тасдиқловчи аниқ фактлар етишмай-

ди, шу сабабли у етук табиатшунослар билан танишишга ва дўстона алоқалар боғлашга зўр бериб ҳаракат қиларди. Ўзида етишмаган нарсани у ўшалардан топади, ўзидаги бўшлиқни тўлдирадиган нарсани улардан олади. Бир неча йилдан сўнг у саксон ёшга киради, бироқ у дунёни тадқиқ қилиш ва англашдан чарчамайди. Ўзи шуғулланган бирорта соҳани текшириб, ниҳоясига етказмаган; тинмай олға интилгани интилган! Тинмай ўргангани ўрганган! Шу билан у абадий барҳаёт ёш инсон эканлигини исбот қилади.

Бугун тушлик чоғида унинг д'Алтон билан қилган қизгин суҳбатларини тинглаб ўтирар эканман, шу хулосага келдим. Д'Алтон кемирувчилар ва улар скелетлари тузилишининг ўзгариши ҳақида гапирди. Гёте бўлса, янги-янги маълумотларни билиб олиш учун уни ютоқиб тингларди.

1825 йилнинг 27 апрели, чоршанба

Кечга яқин Гётеникига кирдим, у мени пастдаги боғда айланиб келишга таклиф қилган эди.

— Жўнашимиздан олдин, — деди у, — Сизга Цельтердан келган хатни кўрсатмоқчиман, хатни кеча олдим, унда бизнинг театрга тегишли ташвишларимиз тилга олинган. «Ваймарда халқ учун театр қурадиган одам сен эмассан, — деб ёзган эди Цельтер, — бу гапни сенга олдиндан айтиб қўйишим керак эди. Ким билан алоқада бўлсанг, ўшанга мос иш қил. Бу ҳақда олийзотлар қайғуришсин. Биз буни бошимиздан ўтказдик, дўстларим, ўтказяпмиз ҳам».

Гёте менга қаради, биз кулиб юбордик.

— Цельтер яхши, ақлли инсон, — деди у, — бироқ у гоҳида мени тушунишга қодир бўлмай қолади ва менинг сўзларимни тесқари талқин қилади.

— Мен бутун ҳаётимни халқни маърифатли қилишга бағишладим, нега энди унинг учун театр қурмаслигим керак экан! — сўзида давом этди Гёте. — Аммо Ваймарда, ҳазилнамо айтишганидек, ўн мингта шоирга бир нечта аҳоли тўғри келадиган кичкинагина резиденцияда халқ ҳақида ва яна халқ театри ҳақида гап бўлиши мумкинми! Вақти келиб Ваймар ҳам катта шаҳарга айланади, аммо Ваймар аҳолиси бутун бир оммага айланиши, театр қуриб, уни асраши учун бир неча аср кутишга тўғри келади.

Бу орада отларни келтиришди ва биз пастки боғ томон кетдик. Кечки ҳаво илиқ ва сокин, бироз намхуш эди, йирик-йирик булутлар момақалдиروқдан дарак бериб, қалинлашиб

борарди. Биз кум сепилган йўлка бўйлаб у ёқдан-бу ёққа бориб келардик, Гёте ёнимда жим борар, афтидан турли хаёллар оғушида эди. Мен, момақалдиروқни олдиндан сезиб, Или дарёсининг нариги қирғоғидаги ҳали барг ёзмаган шумтоллар тепасига тўпланиб олиб чуғур-чуғур қилаётган қораялоқлар овозига кулоқ солардим.

Гёте нигоҳини гоҳ булутларга, гоҳ йўл чеккалари, ўтлоқлар, буталарда бўй кўрсатаётган яшилликларга қаратарди.

— Бу кеч момақалдироқли илиқ ёмғир ёғади, — деди у, — баҳор бор гўзаллиги ва таровати билан кириб келмоқда.

Бу орада булутлар янада қорайиб, қуюқлашди, момақалдирок бўғиқ гумбурлади, бир неча томчи ташлади, Гёте шаҳарга қайтиш истагини билдирди.

— Мабодо бошқа ишингиз бўлмаса, — деди у, унинг уйи ёнида извошдан тушганимизда, — юқорига чиқиб, мен билан бирор соат бирга бўлинг.

Бу илтимосга жон деб рози бўлдим.

Цельтернинг хати ҳалиям стол устида ётарди.

Қизик, жуда қизик, — деди Гёте, — гоҳида одам кўпчилик назари олдида қандай ноқулай аҳволга тушиб қолади! Назаримда, халқ олдида менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ, шундай бўлса-да, мен унинг дўсти эмасмишман. Тўғри, мен инқилобий қора кучларга дўстман, деб айтолмайман. Улар халқ учун қайғуряпмиз, деган никоб остида ўғирлик, одам ўлдириш, ўт қўйиш билан шуғулланишмоқда, ўзларининг худбин мақсадларини амалга оширишмоқда. Қандайдир Людовик XV га дўст бўлмаганимдек, бундай одамларга мен дўст эмасман. Мен ҳар қандай зўравонларча тўнтаришни ёмон кўраман, негаки у қанчалик яратса, шунчалик яхши нарсаларни яқсон қилади. Мен шу нарсани амалга оширганларни ҳам, шунга туртки берганларни ҳам ёмон кўраман. Шу туфайли мен халққа дўст эмасманми? Ҳар қандай ҳаққоний одам ҳам шундай фикрламайдими?

Келажақда бизга тортиқ қилинадиган ҳар қандай яхши ўзгаришлардан қанчалик қувонишимни биласиз. Бироқ, сакраш йўли билан, зўравонларча амалга ошириладиган ҳар бир нарса менинг қалбимга зид, негаки бу табиатта мувофиқ келмайди.

Мен ўсимликлар дўстиман, мен немис табиати бизга ҳадя этган, гулларнинг энг мукаммали атиргулни яхши кўраман, бироқ аҳмоқ эмасман, апрелнинг охирида боғимда атиргул ўсишини талаб қилмайман. Ҳозир илк яшил япроқларни кўраётганимдан мамнунман, бир япроқ кетидан иккинчиси униб, кундан-кунга

новдалар ҳосил қилаётганини кўрганимдан мамнунман. Май ойида ғунчани кўрсам севинаман, июнь ойи менга атиргулни бор гўзаллиги ва ифори билан тақдим этса, бахтлиман. Кимки тегишли вақтни кутишга сабри етмаса, иссиқхона қуриб олсин.

Мени ҳукмдорларнинг хизматкори, қули деб аташармиш. Гўё бу гапда бирор мантқиқ бордек! Нима, мен бирорта золимга, мустабид ҳукмдорга хизмат қиляпманми? Ўз ҳузур-ҳаловатини халқ ҳисобига қураётган ҳукмдорга хизмат қиляпманми? Худога шукурки, бунақа ҳукмдорлар, бунақа даврлар аллақачон ортда қолган. Мана, ярим асрдирки, мен Буюк ҳерцогга чин дилдан боғланганман, ярим асрдирки, у билан бирга ишлаб, яхшилик сари интилиб келаман, Буюк ҳерцог давлат ва ундаги ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги учун ҳар қуни нимадир қилганини инкор қилсам, ёлғончи бўламан. Ўзининг юксак мансаби орқасида шахсан унинг ўзи меҳнат ва қийинчиликдан ўзга ҳеч нарсага эришолмади! Унинг уйи, кийим-боши, дастурхони бирорта бой фуқаросиникидан афзалми? Немис бандаргоҳ шаҳарларидан истаганингизга бориб кўринг, бой савдогарнинг ошхонаси ва омбори ҳерцогникидан яхшироқ эканлигига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

— Бу йил кузда, сўзида давом этди Гёте, — Буюк ҳерцог ҳукмронлигининг эллик йиллигини нишонлаймиз. Бундоқ ўйлаб қаралса, бу ҳукмронлик хизмат қилиш бўлмасдан яна нима? Улуғ мақсадлар учун, халқ бахт-саодати учун хизмат қилиш бўлмай яна нима! Мени ҳукмдорнинг хизматкори қилишиптими, майли, лоақал ўзимга шундай таскин бераман: ҳар қалай мен, ўзи умум манфаати учун хизмат қиладиган одамга хизмат қилар эканман.

1825 йилнинг 29 апрели, жума

Янги театр қурилиши бу пайтга келиб сезиларли олдинга силжиди, деворлари қад кўтара бошлади, тез орада гўзал, янги бинони кўришга умид боғласа бўлади.

Аммо бугун, қурилиш кетаётган жойга бориб, афсуслар бўлсинки, иш тўхтаб қолганини кўрдим, бунинг устига, эпитишимча, Гёте ва Кудрэ лойиҳасига қарши бўлган бошқа бир гуруҳ ниҳоят валаба қилганмиш, Кудрэ қурилишга раҳбарлик қилишдан четлатилиб, бошқа меъморга театрни янги лойиҳа бўйича қуриш топширилганмиш, у бўлса, аллақачон асосни ўзгартиришга киришганмиш.

Буни кўриш ва эшитишдан қаттиқ ранжидим. Ахир мен Ваймарда, ички томони Гётенинг амалий кўрсатмаларига

мос ҳолда мақсадга мувофиқ жиҳозланадиган, ташқи томони унинг юксак дидига монанд гўзаллик касб этадиган театр қурилишидан кўпчилик қатори қувониб юрган эдим.

Шунингдек, Ваймардаги ушбу воқеа туфайли озми-кўпми ранжийдиган Гёте билан Кудрэ учун ҳам хафа бўлдим.

1825 йилнинг 1 майи, якшанба

Гётеникида тушлик қилдик. Шубҳасиз, театр лойиҳасининг ўзгариши суҳбатимизнинг асосий мавзуси бўлди. Айтиб ўтганимдек, бундай кутилмаган ўзгариш Гётени қаттиқ хафа қилишидан қўрққан эдим. Хайрият, бу сезилмади! Ҳар қандай майда-чуйда хафагарчиликлардан устун келиб, ёқимли ва қувноқ кайфиятда ўтирарди.

— Агар театр янги лойиҳа асосида қурилса, — деди у, — анча-мунча маблағни тежаш имкони бўлади, дея Буюк ҳерцогни ишонтиришга муваффақ бўлишган. Нима ҳам деймиз, маъқул гап. Ниҳоят, янги театр бор-йўғи янги гулхан, у эртами-кечми қандайдир тасодифий таъсир остида ловуллаши керак. Бу мени хотиржам қилади. Умуман олганда, сал кўпроқ ёки камроқ, сал юқорироқ ёки қуйироқ — муҳокама қилиб ўтиришга арзимади. Эҳтимол, мен орзу қилгандек, мен ўйлагандек бўлмаса-да, ҳар қалай, муносиб бир театрга эга бўласизлар. У ерга борасизлар, мен ҳам бораман, хуллас, ҳаммаси яхши бўлади.

— Буюк ҳерцог, — сўзида давом этди Гёте, — театр ўта башанг бино бўлиши шарт эмас, деди, бунга қарши ҳеч бир эътироз йўқ. У яна айтдики, театр, нима бўлганда ҳам, фойда келтирадиган муассаса ҳисобланади. Бу дастлаб эшитганда ғоят моддий бўлиб туюлади, бироқ, яхшироқ ўйлаб қарасанг, бу зинҳор ёмон фикр эмас. Чунки театр нафақат ўзини оқлаши, балки фойда ҳам келтириши керак, демак, унда ҳамма нарса бекаму кўст бўлмоғи лозим. Тепасида зўр бошлиқ туриши, энг яхши актёрларни таклиф қилиш, бундан ташқари, яхши пьесаларни намоёиш қилиш зарур, токи театрга халқ ёпирилиб келсин ва ҳар кеч зал томошабинга тўла бўлсин. Бу гапларни айтиш осон, амалга ошириш жуда қийин.

— Буюк ҳерцогнинг театрни фойда келтирувчи манбага айлантириш истаги, — дедим мен, — мутлақо амалий мақсадни кўзда тутаяди, яъни бунда театрни ҳаммаша юксак поғонада ушлаб туриш зарурияти яширинган.

— Шекспир ва Мольер ҳам, — жавоб берди Гёте, — худди шу мақсадни кўзда тутган. Икковлари ҳам театр во-

ситасида, энг аввало, пул ишлашни ишташган. Ана шу бош мақсадни амалга ошириш учун улар театрни мудом юксак савияда ушлаб туришга интилишган, яхши эски пьесалар билан бир каторда, томошабинларни кўпроқ жалб қилиш учун вақти-вақти билан янги, таъсирчан пьесаларни ҳам қўйишган. «Тартюф»нинг ман этилиши, шоир Мольердан кўра кўпроқ директор Мольер учун бамисоли яшин ургандек бўлди, негаки у катта жамоанинг фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиши, ўзи ва яқинларининг ризқ-насибаси учун қайғуриши керак эди.

— Театр равнақи учун энг хавфли нарса, — сўзида давом этди Гёте, — директорнинг ғазнага кам ёки кўп маблағ тушиши билан қизикмай қўйишида ва йил давомида тўлмаган ғазна қандайдир бошқа манба ҳисобига тўлдирилади, дея беғамларча ишонишида. Агар одамни шахсий фойдаси ёки зарари сиртмоғида ушлаб турилмаса, унга табиатан бўшашиб кетиш хусусияти хос. Ваймардек шаҳарда театр подшоҳ ғазна-насидан келадиган қўшимча маблағга мухтож бўлмасдан ўз-ўзини таъминлашни талаб қилиш мумкин эмас. Лекин ҳар нарсанинг ўз меъёри ва ўз чегараси бор, йилига бир неча минг талер кўп ёки кам бўлиши зинҳор барибир эмас, айниқса, кам тушум ва театр аҳволининг ёмонлашиши ҳамиша ёнма-ён юради, бу ҳолатда нафақат пулдан, балки обрў-эътибордан ҳам айрилсан.

Мен Буюк херцог бўлганимда эди, дирекциянинг тинмай ўзгариб туришини ҳисобга олиб, театр учун йиллик қўшимча маблағни ўзгармас қилиб белгилаб қўйган бўлардим, кейинги ўн йилда театр учун ажратилган қўшимча маблағнинг ўртача қанча бўлганини ҳисоблаттирардим ва шу тарика театрни ушлаб туришга доимий сарфланадиган маблағ миқдорини аниқлаб олган бўлардим. Мана шу маблағга хўжайинлик қилишаверсин... шундан сўнг мен олдинга яна бир қадам ташлаб, шундай деган бўлардим: бордию директор ўз режиссёрлари билан оқилона ва жадал иш юритиб, йил охирида ғазнани соф фойда билан тўлдиришга муваффақ бўлса, буни директор, режиссёрлар ва труппанинг ишчан аъзолари ўртасида тақсимлаш лозим. Ана ўшанда қандай жонланиш бўлишини, театр мудраб ётган ҳолатидан қандай уйғонишини бир кўрган бўлардингиз.

— Бизнинг театр ҳақидаги қонунларимизда, — сўзида давом этди Гёте, — турли хил жарималар кўзда тутилган, улардан бирортасида ҳам буюк хизматлари учун мукофот ва рағбатлантиришлар ҳақида лом-мим дейилмаган. Бу уларнинг хатоси.

Бордию озгина камчилигим учун маошимдан ушлаб қолишадиган бўлса, унда мендан талаб қилинганидан кўпроқ иш бажарсам, раъбатлантиришлари мумкинлиги менга далда бўлиши керак. Шундан келиб чиқсак, ҳамма талаб қилинганидан ва кутилганидан ҳам кўпроқ ишни амалга оширса, театр, албатта, юксакликка кўтарилади.

Фон Гёте хоним ва фройлайн Ульрика кириб келишди, икковлари ҳам ҳаво яхшилигидан чиройли ёзги кийимларда эди. Стол атрофида гурунг қизиди. Ўтган ҳафтадаги турли хил кўнгилочар ўйинлар, сайр-томошалар ҳамда келажакда бўладиган хурсандчиликлар ҳақида сўз борди.

— Кечкурунлари ҳаво шунақа яхши бўлиб турса, — деди фон Гёте хоним, — мен боғда, булбуллар хониши остида чой бериш ниятида эдим. Сиз бунга нима дейсиз? Сизни таклиф қилсак бўладими?

— Менга қара, Оттилия, — гапга қўшилди фройлайн Ульрика, — жаноб докторни таклиф қилиб нима қиласан! У барибир келмайди, келган тақдирда ҳам игна устида ўтиради, одамлар унинг хаёллари қаердадир кезиб юрганини, қандай бўлмасин бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаш ҳақида ўйлаётганини пайқамай қолишмайди.

— Ростини айтсам, — жавоб қайтардим мен, — бунинг ўрнига яхшиси Дулэн билан далаларни кезган бўлардим. Чойхўрлик, чой устидаги олди-қочди гурунглари менинг табиатимга тўғри келмайди, шу ҳақда ўйласам, эгим жунжикиб кетади.

— Худо хайрингизни берсин, Эккерман, — деди фон Гёте хоним, — ахир сиз боғдаги чойхўрлик пайтида очиқ ҳавода бўласиз, бу Сизга ёқади-ку.

— Аксинча! — дедим мен, — табиатга яқин бўлиб, унинг барча ифорларидан баҳраманд бўлсам-у, лекин унинг ичига кириб боролмасам, ўзимни худди сув бўйида турган, бироқ унга шўнғишга изн беришмаётган ўрдадек ҳис қиламан.

— Яна шуниям қўшиб қўйсангиз бўладики, — кулиб деди Гёте, — Сиз ўзингизни отхона туйнугидан бошини чиқариб, ям-яшил майдонда югуриб юрган бошқа отларни кўриб турган отга қиёслайсиз. У табиатнинг бор гўзаллигини ва ундаги эркинликни сезиб туради-ю, бироқ тутқунликдан чиқиб кетолмайди. Эккерманни тинч қўйинглари, у қандай бўлса, шундайлигича қолади, уни ўзгартиролмайсизлар. Энди менга айтингчи, азизим, ярим кун давомида далада Дулэн икковингиз нима билан машғул бўласизлар?

— Бирорта кимсасиз жойни топамиз-да, камондан ўқ узамиз.

— Ҳм! — деди Гёте, — бу мароқли машғулот бўлса керак-а?
— Нимасини айтасиз, — дедим мен, — бу кишининг асо-
ратларидан руҳингизни тозалайди.

— Айтинг-чи менга, — деди Гёте, — қандай қилиб бу
ерда, Ваймарда, ёй билан ўқ топдингиз?

— Ўққа келсак, — жавоб бердим мен, — унинг модели-
ни 1814 йилда Брабантдан олиб келгандим. У ерда камон-
дан ўқ отиш оммалашган. Бирорта чекка шаҳарча йўқки,
«Ёйчилар жамияти» бўлмасин. Биз кегли ўйнайдиган жойга
қатнаганимиздек, улар ҳам кечкурунлари бирор қовоқхонага
тўпланишади-да, камондан ўқ отишади, мен уларни катта
қизиқиш билан томоша қилардим. Улар шундай басавлат
одамлар эдики, камон ипини тортишганда гўзал қиёфа касб
этишарди! Мушаклари бақувват, нишонга беҳато уришар-
ди! Одатда улар олтмиш-саксон қадам узокликда туриб, ҳўл
лой деворга ёпиштирилган қоғоз нишонга отишарди, улар
кетма-кет, тез ўқ узишарди ва ўқларни суғуриб олишмас-
ди. Кўпинча элликта ўқдан бештаси қоғоз ўртасидаги бир
талер ҳажмидаги айлана ичига, қолганлари унинг атрофига
қадаларди. Ҳаммалари бир мартадан отиб бўлишгач, ҳар ким
ўзи отган ўқни юмшоқ девордан суғуриб оларди ва ўйин
қайтадан бошланарди. Мен камондан ўқ узишга шу қадар бе-
рилиб кетган эдимки, Германияда ҳам буни ташкил қилишни
орзу қилардим, беҳад соддалигимдан, буни амалга оширишга
ишонардим. Камондан ўқ узишга қайта-қайта уриниб кўрдим,
аммо йигирма франксиз ҳеч ким мени унга яқин йўлатмасди,
шўрлик фельдегер бунча пулни қаердан олсин! Мен муҳим ва
юксак бадий буюм сифатида Брюсселдаги фабрикадан бир
франкка сотиб олган битта ўқ билан кифояландим ва чизмам
билан ягона эсдалик сифатида ватанимга қайтиб келдим.

— Бундай қилиш кўлингиздан келади, — деди Гёте, —
бирок бундан буён бирорта табиий, чиройли ишни оммалаш-
тириш осон, деб хаёл қилманг. Бундай ишга ками билан
вақт, устомонлик ва маҳорат керак. Бирок тасаввур қиламан,
Брабантдаги камондан ўқ узиш зўр машғулот бўлса керак.
Немисларнинг кегли ўйинлари бунга қиёсланганда кўпол, сод-
да, бунинг устига филистерларча ўйин.

— Камондан ўқ узишда энг яхши нарса шуки, гавда бир
хил шаклланади ва бутун куч тенг ишга солинади. Камон-
ни ушлаб турган чап қўл олдинга таранг чўзилган бўлади,
муҳими, у титрамаслиги керак, ўқни ушлаб, ипни тортаётган
ўнг қўл ҳам кучли бўлиши лозим. Айни пайтда оёқлар ерга
маҳкам тиралган бўлиши керак, сабаби, улар гавданинг юқори

қисми учун ишончли асос ҳисобланади. Нишонни кўзлаган нигоҳ, бўйин ва энса мушаклари, барчаси ниҳоятда таранг ҳолатда бўлади. Ўқ визиллаб бориб нишонга урилгандаги қувончни айтмайсизми! Менимча, бирорта жисмоний машқни бу билан тенглаштириб бўлмайди.

— Бу бизнинг гимнастика муассасаларимиз учун мос келган бўларди, — деди Гёте. — Йигирма йиллардан кейин Германияда минглаб уста камончилар етишиб чиқса, ҳайрон қолмаган бўлардим. Умуман олганда, катта авлод билан на жисмоний, на ақлий жиҳатдан бирор нарсага эришиб бўлмайди, шу ҳолат дид ва характерга ҳам тегишли. Ақлни ишга солиб, мактабданок шуғулланишни бошлашса, ишлар юришиб кетар.

— Лекин биздаги гимнастикачи устозлар камон ва ўқ билан муомала қилишни билишмайди, — дедим мен.

— Унда, — деди Гёте, — бир нечта гимнастика муассасаларини бирлаштириб, Фландрия ёки Брабантдан яхши камончини таклиф қилиш зарур. Ёки бўлмаса, бир неча ёқимли, жуссадор ёш гимнастларни Брабантга жўнатса ҳам бўлади, улар у ерда камондан ўқ узишни, камон ипини тортишни, ўқни қандай бўшатишни ўрганиб келишади. Қайтиб келишгач, улар немис гимнастика муассасаларида мураббийлик қилишади, сайёр мураббий бўлиб, гоҳ у, гоҳ бу шаҳарда ўз билимларини ўргатишади.

— Немис гимнастика ўйинларига, — сўзида давом этди Гёте, — менинг муносабатим мутлақо ижобий. Шунинг учун уларга сиёсатнинг аралашганидан, ҳукумат бу муассасаларни қисқартириб, ҳатто бутунлай ёпиб қўйганидан ниҳоятда афсусдаман. Бу билан сувга қўшиб болани ҳам четга чиқариб ташлашди. Ишонаманки, гимнастика муассасалари қайта ташкил қилинади, негаки немис ёшлари, айниқса, доимий ақлий меҳнат билан жисмоний мувозанатини йўқотган талабалар учун спорт билан шуғулланиш ва энергияни қайта тиклаш муҳимдир. Хўш, камон ва ўқингиз ҳақида менга яна нимадир айтиб беринг. Демак, Сиз Брабантдан битта ўқ олиб келдингиз-а? Мен уни кўргим келаяпти.

— Аллақачон у йўқолиб кетган, — жавоб бердим мен, — аммо унинг тузилиши хотирамда шунчалик яхши сақланган эдики, мен уни ўзим яшашга, битта эмас, бир қанчасини яшашга муваффақ бўлдим. Лекин бу ишим ўйлаганимдек осон кечмади, кўп уринишларим бекор кетди, кўп бора хато қилдим, эҳтимол, шу туфайлидир, кўп нарсани ўргандим. Муҳими, аввал ўқнинг ўзагини ясаб олиш, у тўғри бўлиши

ва вақт ўтиши билан қийшайиб қолмаслиги керак. У енгил, шу билан бирга бақувват бўлиши талаб қилинади, акс ҳолда қаттиқ жисмга текканида орқага қайтиб кетади. Мен терак, қарағай, сўнгра қайин ёғочидан фойдаланиб кўрдим, бироқ уларнинг барчаси у ёки бу жиҳати билан ярамади, хуллас, кўнгилдаги материал эмас эди. Шундан сўнг, жўка дарахти ёғочини синаб кўрдим, тик ўсган битта шохини кесиб олиб, чамалаб кўрдим ва ниҳоят, излаганимни топдим. Жўка ёғочи енгил ва тўғрилиги, тўқималарининг нафислиги билан айнан мос келарди. Энди ўқнинг учини ясаб олишга навбат келади, маълум бўлдики, бунга ҳар қандай ёғоч тўғри келавермас, бунинг учун ёғочнинг ўрта қисмини танлаш лозим бўлиб, ўшанда у қаттиқ жисмга урилганда мажақланиб кетмас экан. Энг қийини ва маҳорат талаби – ўққа пат ўрнатиш бўлди. Бунинг уддасидан чиққунимча қанча бош қотирдим, қанчалаб материалнинг бошига етдим.

– Ахир пат ўзак ичига киритилмай, унга елимлаб қўйилади, менимча, – деди Гёте.

– Ҳа, – жавоб бердим мен, – елимлаб қўйилади, бироқ бу шу қадар мустаҳкам ва моҳир бажарилиши керакки, гўё патлар ундан ўсиб чиққандек таассурот қолдириши зарур. Ҳар қандай елим ҳам тўғри келавермайди. Энг яхши елим – балиқ елими деб ҳисобладим, у бироз сувга ивитиб қўйилиб, сўнгра камгина спирт қўшилади-да, ёпишқоқ ҳолга келгунча оловга тутиб турилади. Елимланадиган патнинг ҳам дуч келгани олинаввермайди. Ҳар қандай йирик қушнинг қанотидаги патлар жуда мос келади. Менимча, товус қанотларидаги қизил патлар, курканинг йирик патлари, айниқса, бургут ёки тувалоқнинг чиройли патларидан фойдаланилса, яна ҳам яхшироқ бўлади.

– Мен гапларингизни қизиқиб тинглаяпман, – деди Гёте. – Сизни билмайдиган одамнинг, шунақа ишлар ҳам қўлингиздан келишига ишониши қийин. Менга айтинг-чи, камонни қаердан олдингиз?

– Ўзим ясадим, ҳатто бир нечтасини, – жавоб бердим мен, – аммо дастлаб роса қийналдим. Кейин дурадгорлар ва аравасозлар билан маслаҳатлашдим, ўзимизда ўсадиган дарахт ёғочларининг барча турларини синаб кўрдим ва ниҳоят, ўзим кутган натижага эришдим. Ёғоч танлашда камоннинг енгил бўлишига, ўз таранглигини сақлаган ҳолда тез ва кучли тўғриланишига эътибор қилиш лозим. Мен аввало шумтол ёғочини синаб кўрдим, тахминан ўн ёшлардаги дарахтнинг биллак қалинлигидаги силлиқ шохини олдим. Унга ишлов бериш

жараёнида қарасам, унинг ичи бўш, гадир-будир экан. Шунда менга, дарахтнинг йўғон танасини олиб, уни тўрт бўлакка қилич билан тилишни маслаҳат беришди.

— Қилич билан тилиш? — сўради Гёте, — бу нима дегани?

— Бу аравасозларга дахлдор атама, — жавоб бердим мен, — аслида ўтин ёриш дегани, аммо бунда қилич тананинг бор узунлиги бўйлаб қоқилади. Агар тана тўғри бўлса, яъни унинг тўқималари тик ўсган бўлса, унинг алоҳида бўлаклари ҳам тўғри бўлади ва улардан камон яшаш мумкин. Танандаги тўқималар қийшиқ ўсган бўлса, қилич ўша қийшиқ ўсган тўқималар бўйлаб ўтади ва бундай ёғочдан камон ясаб бўлмайди.

— Ўша танани арралаб тўрт бўлакка бўлса-чи, — деди Гёте, — ахир ҳар бир бўлак тўғри бўлади-ку.

— Нотўғри ўсган танани арралаганда, арра қийшиқ тўқималарни кесиб юборади, бундай ёғочдан камон чикмайди.

— Тушунарли, — деди Гёте, — бунақа камон сўзсиз сиhib кетади. Хўш, гапираверинг. Бу жуда қизик.

— Шундай қилиб, — сўзимда давом этдим мен, — иккинчи камонимни қилич билан тилинган шумтол ёғочидан ясадим. Камоннинг ички тарафида бирорта тўқима зарар кўрмади, у мустаҳкам ва бақувват чикди, бироқ битта камчилиги — у қийин тортиларди. «Сиз, — деди аравасоз, — уруғликка экилган шумтол ёғочини танлагансиз, у жуда қаттиқ дарахт, Харфгартен ва Циммернда ўсадиган эгилувчанларини синаб кўринг, ишингиз юришиб кетади». Унинг сўзларидан кейин англадимки, шумтоллар ҳам бир-биридан кескин фарқланаркан, битта дарахт хили ўсган жойи, тупроғига қараб ҳар хил ёғоч бераркан. Шунингдек, Эттерсбургда ўсадиган дарахтлар турли хил нарсалар яшашга ярамаслигини, Нора теварагида ўсадиган дарахтлар, аксинча, жуда бақувват бўлишини, ваймарлик извошсозлар извошларини нега Норада яшашларини, шу боис уларнинг бозори чакқон эканлигини билиб олдим. Бундан кейинги уринишларим давомида ўзим ҳам англаб етдимки, тоғ ёнбағирларининг шимол тарафида ўсадиган дарахтларнинг ёғочи жануб тарафда ўсадиган дарахтларникига нисбатан бақувватроқ ва тўқималари тўғри тараққий этаркан. Соя тушиб турадиган шимол тарафдаги ёнбағирларда ўсадиган ёш дарахтлар ёруғлик ва қуёшга томон интилиб, танаси тикка ўсади, шунинг учун тўқималари ҳам тўғри ривожланган бўлади. Шу билан бирга, соя тараф тўқималарнинг нозик бўлишига ҳам ёрдам беради, бу нарса очик жойда ўсадиган

дарахт танасида аниқ сезилади, унинг жануб тарафи мудом қуёш нури таъсирида бўлса, шимол тарафи ҳамиша сояда бўлади. Унинг танаси арраланган ҳолда кўз олдимизда ётса, ўзаги ўртада эмас, балки чеккароқда эканлигини кўрамиз. Бунинг сабаби шундаки, тананинг мудом қуёш нуридан баҳра олган жануб тарафдаги йиллик айланаси анча кучли тараққий этади ва натижада соя тарафининг йиллик айланасига қараганда кенгроқ бўлади. Шу сабабли дурадгор ёки аравасозга мустаҳкам, бироқ нозик ёғоч зарур бўлиб қолса, улар одатда дарахт танасининг шимол тарафини, улар тили билан айтганда, «қишки тараф»ини танлашади.

— Биласизки, — деди Гёте, — ярим умрини дарахт ва ўсимликларнинг ривожланишига бағишлаган мендек одам учун Сизнинг кузатишларингиз айниқса қизиқ. Гапираверинг! Ҳар қалай эгилувчан шумтолдан камон ясагандирсиз-а?

— Ҳа, ясадим, — жавоб бердим мен, — қиличда яхшилаб бўлинган тананинг «қишки тарафи»ни, яъни тўқималари нозик ривожланган бўлакни танладим. Бу камон енгил тортилар, тараққилиги ҳам жойида эди. Бироқ бир неча ой ишлатганимдан сўнг у қийшайиб қолди, эгилувчанлигидан сезиларли даражада махрум бўлди. Кейин ёш эман танасини синаб кўрдим, бу жуда яхши ёғоч эди, аммо бироз муддат ўтгач, тагин ўша аҳвол такрорланди, сўнгра бирмунча яхшироқ ёнғоқ дарахти танасини, охири ингичка баргли заранг танасини олдим, бу энг яхши ёғоч бўлиб, бундан яхшисини орзу қилиб бўлмасди.

— Мен бу дарахтни биламан, — деди Гёте, — Ҳеккенда кўп учрайди. Менимча, унинг ёғочи яхши бўлиши керак. Лекин унинг ёш танаси шох-бутоқсиз бўлганини кўрмаганман, ахир Сизга камон учун шох-бутоқларсиз силлик ёғоч керак-ку, а?

— Ёш танада, — жавоб бердим мен, — ҳамиша шох-бутоқ бўлади, бироқ у катта бўлгач, шох-бутоқлари кесиб ташланади ёки у чакалакзорда ўсган бўлса, улар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Дарахт танасидаги шох-бутоқлар кесилаётган пайтда айланаси уч-тўрт дюйм келадиган бўлса, у ўсишда давом этиб, ташқарисидан йилига янги ёғоч ўсиб чиқади, эллик-саксон йилдан сўнг эса, шох-бутоқларга бой ички қисми ярим футдан ортиқ қалинликдаги шох-бутоқларсиз, соғлом қатлам билан ўраб олинади. Бундай дарахт танаси сип-силлик бўлиб кўз ўнгимизда туради, аммо унинг ичида нималар содир бўлаётганини, шубҳасиз, биз билмаймиз. Бундай шароитда танадан қалин бир бўлакни арралаб олиб, унинг ташқари, яъни пўстлоқ остидаги қисмини кесиб ташлаш жоиз, ўшанда

беҳад ёш, эгилувчан ва камон ясашга айнан мос келадиган ёғочга эга бўламиз.

— Менимча, — деди Гёте, — камон учун арраланган эмас, балки ёрилган ёки, Сиз айтганингиздек, қилич билан бўлинган ёғоч керак.

— Агар унга қилич санчиб бўлса, — дедим мен, — олам гулистон. Шумтол, эман, ёнроқ танасига қилич санчиш осон, улардаги тўқималар йўғон. Заранг бутунлай бошқа нарса. Унинг бир-бирига чирмашиб кетган тўқималари шундай но-зикки, уларнинг йўналишини топиш қийин, тўқималарнинг та-бийий йўналишига эътибор қилиб ўтирмасдан бўлакларга бўлиб ташлашдан бошқа илож қолмайди. Шунинг учун заранг тана-сини арра билан бўлиш лозим, шунда камон мустаҳкамлигига ҳеч бир зарар етмайди.

— Ҳм, ҳм! — деди Гёте, — кўриниб турипти, камонга қизиқишингиз орқасида кўплаб билимларни эгаллабсиз, бу-лар жонли билимлар бўлиб, уларга одам амалий йўл билан эришади. Ҳар қандай ишга астойдил берилишнинг афзалли-ги шундаки, бу ўша машғулотнинг ич-ичига кириб боришга ундайди. Изланиш ва хатолар ҳам фойдали, чунки одам улардан кўп нарсаларга ўрганади. Нафақат ўша ишнинг ўзини, балки унга тегишли ҳамма нарсаларни ўрганади. Менинг ўсимликлар ва ранглар ҳақидаги назариям менга тайёр ҳолда мерос бўлиб қолганида ва мен уларни ёдлаб олганимда, улар ҳақида мен нимани ҳам билардим! Аммо ўзим изланишга, топишга, гоҳида хато қилишга ҳам мажбур бўлганим учун иккала ҳодиса борасида ҳам нимадир била-ман, ҳатто қорозда ёзилганидан ҳам кўпроқ нарса биламан. Энди менга камонингиз ҳақидаги яна битта жиҳатни ай-тинг. Мен шотланд камонларини кўрганман, биттаси тўппа-тўғри, бошқасининг учи сал қайрилган. Сизнингча, қайсиси афзалроқ?

— Менинг фикримча, — жавоб бердим мен, — учлари салгина орқага қайрилган камон бақувватроқ бўлади. Даст-лабки пайтларда мен уларни тўғри қилиб ясардим, учларини қайиришни билмасдим. Кейинчалик буни ўрганиб олгач, ҳам-и-ша учларини қайирадиган бўлдим, учлари салгина қайрилган камоннинг нафақат кўриниши чиройли, балки мустаҳкамроқ ҳам бўлади.

— Унинг учлари қиздириб букилса керак-а, шундайми? — сўради Гёте.

— Нам иссиқда қиздирилади, — жавоб қайтардим мен. — Камон тайёр бўлиб, таранглиги тенг тақсимлангач ва ҳаммаёғи

бир хил мустаҳкам ҳолатга келгач, унинг бир учини олти-саккиз дюйм ҳажмида қайнаб турган сувга соламан-да, бирор соат пишираман. Сўнгра юмшаган ёғоч учини иссиқлигида, камон учини қанча қайтаришни хоҳлаган бўлсам, ўшанча ҳажмдаги иккита кичкина қисқич орасига солиб, шу ҳолатда ози билан бир кеча-кундуз, то куригунча қолдираман ва шундан сўнг иккинчи учини ҳам худди шу тахлит қийшайтираман. Шу йўл билан ишлов берилган камон учлари гўё табиат уларни шундай яратгандек қийшиқ ҳолга келади.

— Биласизми нима? — деди Гёте сирли кулимсираб. — Менда Сизни қувонтирадиган бир нарса бор. Ҳозир икковимиз пастга тушсак-да, қўлингизга ҳақиқий бошқирд камонини тутқазсам, нима қилган бўлардингиз?

— Бошқирд камони? — хитоб қилдим мен ҳайрат оғушида, — тарин ҳақиқийси денг?

— Ҳа, жиннивой, ҳақиқийси, — деди Гёте, — қани юринг. Биз бокқа тушдик. Гёте кичкина қўшимча бинонинг пастки хонасини очди, у ерда турли-туман сон-саноксиз камёб буюмлар столлар устида ётар, деворларда осифлик турарди. Мен бу бойликларга бирров кўз югуртириб чиқдим, нигоҳим камонни ахтарарди.

— Мана у, — деди Гёте, бурчакда уюлиб ётган ҳар хил буюмлар орасидан камонни суғуриб оларкан. — Буни қаранг, у 1814 йили бир бошқирд отрядининг бошлиғи қандай тантанали тақдим қилган бўлса, ҳалиям ўша ҳолатда сақланган. Хўш, нима дейсиз?

Севимли қуролни қўлларимда тутиб турганимдан шод эдим. Камон бус-бутун, ҳатто ипи ҳали ҳам яхши сақланган эди. Уни айлантириб кўргач, таранглиги ҳам жойидалигини билдим.

— Яхши камон, — дедим мен, — айниқса, унинг шакли менга ёқди. Келажакда у мен учун намуна бўлади.

— Сизнингча, у қандай дарахт ёғочидан қилинган? — қизикди Гёте.

— Кўраётганингиздек, у юпка қайин пўстлови билан шу қадар ўраб ташланганки, букилган учидан бошқа бирор жойидан дарахт кўринмайди. У ери ҳам вақт ўтиши билан шунчалик қорайиб кетганки, унинг қандай дарахт ёғочи эканлигини ҳам фарқлаб бўлмайди. Бир қарасанг ёш эман, бир қарасанг ёнғоқ ёғочига ўхшаб кетади. Менимча, у ёнғоқ ёки шунга ўхшаш дарахт ёғочи бўлса керак, заранг эмас. Бунинг тўқималари йўғон, шубҳасиз, у қилич билан бўлакланган.

— Уни ҳозир синаб кўрсангиз қандоқ бўларкин! Мана, ўқ ҳам тайёр. Темир учидан эҳтиёт бўлинг, заҳарланган бўлиши мумкин.

Биз яна боққа чиқдик, мен камонни тортдим.

— Нимани кўзлаб отасиз? — сўради Гёте.

— Дастлаб ҳавога отаман, — дедим мен.

— Бўлади, — рози бўлди у.

Мен ложувард осмонга, қуёш нурига чўмган булутларга қараб ўқ уздим. Ўқ тикка кетди, сўнгра қийшайиб, пастга томон визиллаб тушди-да, ерга санчилди.

— Энди мен синаб кўрай, — деди Гёте.

У отишни истаганидан хурсанд бўлиб камонни унга тутқаздим ва ўқни олиб келдим. Гёте ўқни жойига ўрнатди, камонни тўғирлади, аммо камон ипини бўшатгунча анча шуғулланди. У тепага қараб ўқ узди. У Аполлондек, кўнгли мудом ёш, бироқ жисмонан кексайган эди. Ўқ бироз юқорига томон ўрлади-да, ерга қайтиб тушди. Югуриб бориб ўқни олиб келдим.

— Яна бир марта! — деди Гёте.

Энди у горизонтал йўналишда боғнинг қум йўлкасини нишонга олди. Ўқ чамаси ўттиз метргача ҳавода турди-да, кейин пастга қийшайиб, ҳуштак чалганча ерга тушди. Камондан ўқ узаётган пайтда Гёте менинг кўзимга ниҳоятда яхши кўришиб кетди. Қуйидаги мазмунда икки мисра шеър ёдимга келди:

*Кексалик мени тарк этдимиз?
Тагин бола бўлиб қолдимми?*

Ўқни яна келтириб бердим. У мендан ҳам горизонтал йўналишда отишни, ишхонасининг деразаси тоқчасидаги бир белгини нишонга олишни сўради. Ўқ нишоннинг ёнгинасига тегди ва юмшоқ ёрочга шундай маҳкам ўрнашдики, уни суғуриб олишнинг иложи бўлмади.

— Қўяверинг, тураверсин, — деди Гёте, — у бир неча кун икковимизнинг ўйинимизни эслатиб туради.

Ажойиб ҳаводан баҳраманд бўлиб боғда бироз айланиб юрдик, кейин аллақачон япроқ ёзабошлаган бута деворга орқамизни ўгириб ўриндикқа ўтирдик. Одиссейнинг камони ҳақида, Ҳомер қаҳрамонлари ҳақида, ундан кейин юнон фожианавислари ҳақида ва ниҳоят, юнон театрининг инқирозга учрашига Эврипид айбдор, деган кенг тарқалган фикр ҳақида гурунглашдик. Гёте бу фикрга мутлақо қарши эди.

— Умуман мен, — деди у, — санъат битта одам туфайли инқирозга учраши мумкин, деган қарашга қаршиман. Бунда кўплаб сабаблар бўлиши мумкин, қандай сабаблигини аниқ

айтиш осон эмас. Юнон фожианавислари санъати Эврипид туфайли инқирозга юз тутиши мумкин эмас, худди шунингдек, хайкалтарошлик ҳам Фидий¹га замондош бўлган, бироқ у қадар буюк бўлмаган бирорта машҳур ижодкор туфайли инқирозга юз тутолмайди. Чунки улуғ давр энг яхшилар изидан боради, ўртачалари унга таъсир ўтказолмайди.

Эврипид даври ҳақиқатан ҳам улуғ эди! У сўлиб борувчи эмас, балки тараққиёт сари интилувчи давр эди. Хайкалтарошлик ҳали ўзининг юксак чўққисига етмаган, пейзаж санъати эндигина шаклланиш даврини бошдан кечираётган эди.

Агар Софокл фожиалари билан қиёслаганда Эврипид фожиаларига катта хатоликлар хос бўлса, бу кейинги фожианавислар ҳам ўша хатоликларни такрорлаб, инқирозга юз тутишади, дегани эмас. Улар кўплаб афзалликларга эга бўлиб, ҳатто айримлари Софоклдан ўзиб кетишган бўлса, унда нега улардан кейинги фожианавислар ўша афзалликларни ўзлаштиришга интилиб, лоақал Эврипид даражасига кўтарила олишмади, деган савол туғилади.

Учта буюк фожианавислардан кейин нега худди ўшалардай буюк тўртинчи, бешинчи ва олтинчиси дунёга келмади, деган саволга жавоб бериш осон эмас, бунда фақат ҳар хил фаразларга таянган ҳолда масалага яқинлашиш мумкин, холос.

Инсон дегани англаб бўлмайдиган бир жонзот. У қанчалик мураккаб, минг бир қиёфали ва сирли бўлмасин, унинг имконият доираси чегараланган.

Мана бизда Лессинг театр учун яроқли икки-учта, мен уч-тўртта, Шиллер беш-олтита пьеса ёздик, юнонларда ҳам биз шўрлик немислардагидек имконият бўлганида эди, тўртинчи, бешинчи, боринг ана олтинчи фожианавис учун ҳам жой топилган бўларди.

Шуниси борки, бой ижод маҳсулларига эга бўлган юнонлардан ўша учта Буюкдан ҳар бири юзлаб, ҳатто ундан ҳам кўп пьеса ёзишиб, Ҳомернинг фожиали сюжетлари ва қахрамонлик эпосидан уч-тўрт марталаб фойдаланишиб, бунчалик кўп талқин қилинавергач, табиийки, материал ва сюжет аста-секин поёнига етади ва учта Буюкдан кейин дунёга келган шоирлар нима ҳақда ёзишни ҳам билолмай қолишади.

Аслини олганда, бу нимага ҳам керак!.. Энди бир муддат тин олса ҳам бўлади! Эсхил, Софокл ва Эврипиднинг ижод маҳсуллари шундай гўзал ва мазмундор эдики, уларни бирон

¹ *Фидий (мил. авв. тахминан 432–431 йй.)* – кадимги юнон хайкалтароши.

саёз нарсага айлантирмай, ўлдирмай тинглайвергинг, тинглайвергинг келади. Ҳатто бизгача етиб келган унча-мунча парчалари ҳам шу қадар кенг қамровли ва шу қадар бойки, биз шўрлик европаликлар неча асрлардан бери уларни ўрганамиз, ҳали яна неча асрлар улар устида фикр юритиб, улардан озиклансак керак.

1826

1826 йилнинг 5 июни, душанба

Гёте, бир неча йилга Италияга кетаётган Преллер¹ у билан хайр-хўш қилиб кетганини айтди.

— Мен унга ўзини чалғитишларига йўл қўймасликни, айниқса, Пуссен ва Клод Лорренга суянишини, ушбу икки буюк мусаввир асарларини ўрганишни, уларнинг табиатни қандай кузатишларини ҳамда ўз ижодий қарашлари ва ҳис-туйғуларини қандай ифода этишларини англаб етишни маслаҳат бердим.

Преллер ҳақиқий талант соҳиби, уни деб хавотирга тушмайман. Бунинг устига у жуда жиддий инсон, ишончим комилки, у Клод Лоррендан кўра кўпроқ Пуссеннинг диққатини ўзига тортади. Шундай бўлса-да, мен унга Клод Лорренни чуқурроқ ўрганишни тавсия қилдим, албатта, бунга асос бор. Негаки рассом ҳам бошқа ҳар қандай истеъдодли шахс сингари билимини ошириб боради. Биздаги кучли жиҳатлар маълум босқичгача ўз-ўзидан шаклланади, бироқ табиатимизда муомалага кирмайдиган қобилият куртаклари ва белгилари сустлашиб қолади, уларнинг ҳам фаоллашишлари учун махсус парвариш керак бўлади.

Масалан, кўп бора такрорлаганимдек, ёш хонанда маълум оҳанглارни қойилмақом эгаллаган бўлиши мумкин, бошқа оҳанглар эса унинг овозида унча кучли, унча соф ва етук жарангламаслиги мумкин. У айнан мана шу оҳангларни мукамал эгаллашга алоҳида эътибор қаратиши лозим, токи улар ҳам бошқаларга ўхшаган етук бўлсин.

Преллернинг жиддий, улуввор, эҳтимол, ҳатто жиловлаб бўлмас туйғуларни зўр ифодадай олишига ишонаман. Аммо у қувноқ, ёқимли, нафис туйғуларни ҳам худди шундай акс эттира оладими-йўқми, бу энди бошқа масала, шунинг учун унинг диққатини Клод Лорренга тортишга уриндим, токи у

¹ Преллер Фридрих (1804–1878) — рассом.

шу рассом ижодини чуқур ўрганиш орқали ўз ички оламида етишмаётган жиҳатларни ўзлаштириб олсин, дедим.

Тағин бир нарсани унга эслатиб қўйдим. Шу пайтгача унинг натурадан чизган кўплаб этюдларини кўрганман. Улар илҳом билан, жуда жонли қилиб чизилган, бироқ буларнинг ҳаммаси алоҳида деталлар бўлиб, кейинроқ унда янги ниятлар туғилганида улар умуман керак бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун мен унга, бундан буён натурадан чизганида алоҳида нарсаларнинг ўзини, айтайлик, алоҳида дарахтни, алоҳида тош уюмини ёки алоҳида кулбани тасвирламасликни, балки бироз фон, бироз атроф-теваракни ҳам қўшиб чизишни маслаҳат бердим.

Қуйидаги сабабларни келтирдим: табиатда ҳеч бир нарса ўзи ёлғиз бўлмайди, ҳамма нарсани биз бошқа нима биландир — олдида, ортида, ёнида, остида, устида алоқадорликда кўрамиз. Гоҳида бирор нарса ўз гўзаллиги ва мафтункорлиги билан бизни ҳайратга солади, аслида ўша нарса шундай туйғуни ёлғиз ўзи эмас, балки олдидаги, ортидаги, ёнидаги, остидаги, устидаги нарса билан биргаликда уйғотади.

Сайр қилиб юрганимда мен бир эман дарахтига дуч келишим, унинг чиройи мени мафтун қилиши мумкин. Агар мен унинг ёлғиз ўзини чизадиган бўлсам, у дастлабки пайтдаги таъсирчанлигини йўқотади, чунки унга кўркамлик бағишлаб турган теvarак-атрофидаги нарсалар йўқолган бўлади. Ўрмоннинг бир бурчаги бизга беҳад ёқимли кўриниши мумкин, чунки айни пайтда шундай осмон, шундай нур, куёшнинг шундай туриши унга шундай чирой бағишлаган бўлади. Бордию расмда шуларнинг бариси акс этмай қолса, унда ўрмон ҳар қандай гўзалликдан маҳрум, рангсиз бир нарсага айланиб қолиши аниқ.

Яна бир гап: табиатда табиат қонунларига мос келмайдиган нарса гўзал эмас, яъни ҳаққоний эмас. Мана шу ҳаққонийлик расмда ҳам намоён бўлишига эришиш учун унга таъсир ўтказадиган нарсаларни тасвирлаш лозим.

Чашма бўйида чиройли шаклдор тошларни учратдим, унинг ҳаво таъсир этган қисмлари яшил мох билан қопланган. Бироқ нафақат сувнинг таъсири, балки шимол тарафнинг ёки дарахт ва бутоқларнинг соя солиб туриши ҳам мох билан қопланишига олиб келган бўлиши мумкин. Мабодо расмда ана шу асосий омиллар ўз аксини топмаса, у ҳаққонийликдан маҳрум бўлади ва кишини ишонтира олмайди.

Шунингдек, дарахт ўсаётган жой, унинг остидаги тупроқнинг ўзига хослиги, ортидаги ёки ёнидаги дарахтлар

унинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказди. Қоялардан иборат тепаликнинг шамол уриб турадиган ғарб томонида ўсган эман, пастда, шамоллардан пана жойдаги юмшоқ тупроқда яшнаб турган эманга нисбатан бутунлай бошқа шаклга эга бўлади. Иккаласи ҳам ўзига яраша чиройли, бироқ турлича характерга эга бўлади, демак, рассом тасвирлаган манзарада улар табиатда қандай ҳолатда турган бўлса, ўша ҳолатда намоён бўлишлари зарур. Шу боисдан, тасвирланадиган предмет атрофидаги, яқинидаги нарсаларни ҳам қўшиб чизиш рассом учун катта аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, асосий предметнинг шакл ва шаклланишига ҳамда унинг айна пайтдаги кўркемлигига унчалик таъсир кўрсатмайдиган ҳар хил арзимас, тасодифий нарсаларни ҳам қўшиб тасвирлашга уриниш бемаънилик бўлур эди.

Мана шу майда-чуйда эслатмалардан мен Преллерга энг муҳимларини баён қилдим, ишонаманки, булар истеъдодли инсон сифатида унинг қалбида томир отади ва охири ўз самарасини беради.

1827

1827 йилнинг 21 феввали, чоршанба

Гётеникида тушлик қилдик. У Александр Хумбольднинг Куба ва Колумбияга бағишланган асари ҳақида кўп ва иштиёк билан гапирди. У эндигина асарни ўқишга киришибди, афтидан уни муаллифнинг Панама канали борасидаги лойиҳаси жуда қизиқтирган кўринади.

— Ишнинг кўзини биладиган Хумбольд, — деди Гёте, — яна бир қанча нуқталарни кўзда тутган, шу нуқталар орқали Мексика кўрфазига қуйиладиган дарёлардан ҳам фойдаланган ҳолда канал олиб ўтилса, Панама орқали ўтилгандан кўра қулайроқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси келажакда бўладиган, ўта удабуронликни талаб қиладиган иш. Шуниси аниқки, агар шундай канал олиб ўтилса, ҳар қандай офирликдаги ва ҳар қандай ҳажмдаги кемалар Мексика кўрфази орқали Тинч уммонига ўта олади ва натижада бундан барча маданиятга эришган ва эришмаган инсоният учун мислсиз фойда келади. Агар Қўшма Штатлар шундай ишни ўз қўлига олмаса, ҳайрон қолган бўлардим. Башорат қилса бўладикки, шундай ёш давлат жон куйдириб Ғарбга интилиши билан ўттиз-қирк йил ичида Юксак тоғлар ортидаги катта ер майдонларини

қўлга киритиб, у ерларга халқни жойлаштиради. Шунингдек, ишонч билан айтиш мумкинки, табиатнинг ўзи кенг, ишончли бандаргоҳларни яратиб қўйган. Тинч уммонининг бутун соҳили бўйлаб аста-секин йирик савдо шаҳарлари қад ростлайди ва улар Хитой, Ҳиндистон ҳамда Қўшма Штатлар ўртасида қизғин савдо алоқаларининг вужудга келишига имкон яратади. Шундай бўлгач, бу ҳақда фақат орзу қилиб ўтирмасдан, уни амалга ошириш керак, токи ҳарбий ва савдо кемалари Шимолий Америка қирғоқлари бўйлаб ҳозиргига нисбатан тезроқ ўта оладиган бўлсин, ҳозир улар Ҳорнни айланиб, узок, офир ва кўп маблағ талаб қиладиган йўлни босиб ўтишади. Такрор айтаман: Қўшма Штатларга Мексика кўрфази орқали Тинч уммонига тўғри ўтишни амалга оширмасликнинг иложи йўқ, улар бунинг уддасидан чиқишади, бунга шубҳа йўқ.

Шунгача яшашни истардим, афсуски, яшамайман. Иккинчидан, Райннинг Дунай билан боғланишини, аммо, биз немисларнинг молиявий томондан оқсашимиз туфайли шундай улкан режанинг рўёбга чиқишига кўзим етмайди, ва ниҳоят, учинчидан, инглизларнинг Сувайш каналига хўжайинлик қилишлари — мана шу учта йирик ходисани кўришни хоҳлардим. Гапнинг ростки, мана шулар учун тағин эллик йил чидаб туришга арзиган бўларди.

1827 йилнинг 1 мартини, пайшанба

Тушлик пайти у менга граф Штернбер ва Саупердан жўнатма олганини, бу уни жуда хурсанд қилганини айтди. Кейин «Ранглар ҳақидаги таълимот» хусусида, призма ёрдамида қилинадиган субъектив тажрибалар, камалакнинг пайдо бўлиш қонунлари борасида гурунглашдик. Менинг бундай қийин масалаларни кундан-кунга яхшироқ англаб етаётганимдан у хурсанд бўлди.

1827 йилнинг 21 мартини, чоршанба

Гёте менга Ҳинрихс¹нинг антик дунё фожиалари моҳияти ҳақидаги китобчасини кўрсатди.

— Мен уни мириқиб ўқиб чиқдим, — деди у, — Ҳинрихс ўз қарашларини асосан Софоклнинг «Эдип» ва «Антигона» фожиалари асосида баён қилади. Ажойиб китобча, уни Сизга

¹ Ҳинрихс Ҳерман Фридрих Вильҳельм (1794 - 1861) — адабиётшунос, Ҳегель назарияси тарафдори.

бериб юбораман, ўқиб чиққанингиздан сўнг бирга мухокама қиламиз. Мен унинг фикрларига қўшилолмаيمان, бироқ бугунлай фалсафий билимлар билан қуролланган одам ўз фалсафий мактабига хос нуқтаи назардан поэтик асарга баҳо бергани диққатга сазовор. Бугун Сизга бу ҳақда ортик ҳеч нарса демайман, ўзингиз хулоса чиқаринг. Ўқиб чиқинг, у Сизни турфа фикрлар томон етаклашини кўрасиз.

1827 йилнинг 28 марти, чоршанба

Гётега Ҳинрихснинг китобини келтириб бердим, уни шу муддат ичида мароқ билан ўқиб чиқдим. Бундан ташқари, мавзу бўйича тўлиғича қуролланиш мақсадида Софоклнинг барча фожиаларини ҳам қараб чиқдим.

— Хўш, — деди Гёте, — қандай фикрдасиз? Ҳинрихс мавзу моҳиятига чуқур кириб боради, тўғрими?

— Жуда антиқа китобча экан, — дедим мен, — бирорта бошқа китоб менда хилма-хил фикрлар уйғотмаган, бирортаси шунчалик кўп эътирозлар туғдирмаган эди.

— Ҳамма гап шунда-да, — деди Гёте. — Бизга маъқул бўлган нарсадан хотиржам қолаверамиз, аммо эътироз туғилган жойда миямиз фаол ишлашга тушади.

— Унинг ниятлари, — дедим мен, — ҳар қандай ҳурматга муносиб, менимча, у зинҳор мавзу устида юзаки фикрламайди. Кўпинча воқеа-ҳодисаларнинг ички, нозик жиҳатларига чуқур, субъектив тарзда кириб боради, мавзуни нафақат деталларда, балки яхлит олинганда ҳам ҳаққоний очиб беролмай қолган, китобхон худди муаллифга ўхшаб фикрлаш мақсадида ўзини ҳам, мавзуни ҳам қийнаб кўяди. Ҳатто мен, сезги органларим шунчалик кўпол эканми, унинг фикрлашига хос нозикликларни илғаб ололмаяпман, деб ҳам ўйлаб қолдим.

— Сиз ҳам худди унга ўхшаб фалсафий билимларга эга бўлганингизда эди, — деди Гёте, — бунчалик қийналмаган бўлардингиз. Ростини айтадиган бўлсам, Германиянинг шимолий соҳилларида туғилган Ҳинрихсдек бақувват инсон Ҳегель фалсафасига бу қадар берилиб кетганидан афсусдаман, бу ундаги табиий кузатиш ва фикрлаш қобилиятини сўндирган, бунинг устига, унда фикр юритиш ва уни ифода этишнинг шу қадар сунъий ва оғир усули шаклланганки, унинг китобидаги айрим ўринларга ақлимиз етмай, нимани ўқиётганимизни тушунмай ҳам қоламиз.

— Мен ҳам худди шундай ҳолатга тушдим, — дедим мен. — Аммо, оддий инсонларга хос тилда, тушунарли

қилиб ёзилган, масалан, Эдип ҳақидаги ривоятлар талқинига бағишланган жойларни ўқиганимда жуда мамнун бўлдим.

— Бу ерда, — деди Гёте, — афтидан у мавзуга қаттиқ риоя қилган. Афсуски, унинг китобида шундай саҳифалар борки, уларда фикр ривожланмайди, тушунарсиз тили худди менинг «Фауст»имдаги жинларнинг карра жадвалидаги сингари битта доира атрофида айланаверади. Китобни менга беринг-чи, унинг хор ҳақидаги олтинчи маърузасидан мутлақо ҳеч нарса тушунмадим.

— Менимча, етарли бўлса керак! — деди Гёте, — момики биз, немислар ўз файласуфимиз тилига тушунмаётган эканмиз, бу ҳақда инглизлар ва французлар нима деб ўйлашади?

— Нима бўлганда ҳам, — дедим мен, — китобга хайрли ният асос қилиб олинган ва у кишини мулоҳазага етаклайди, деган нуқтада иккаламизнинг ҳам фикримиз бир жойдан чиқади.

— Унинг оила ва давлат ҳақидаги ғояси ва шундан келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятлар, — деди Гёте, — шубҳасиз, қизиқарли ва самарали, аммо бу ғоя фожиа санъати учун энг яхши ва энг тўғри эканлигига хайрихоҳ эмасман. Тўғри, биз ҳаммамиз оилаларда ва давлатда яшаймиз, бошимизга тушган фожиали қисмат мана шу икки институт аъзоларининг ҳам бошларига тушиши мумкин. Фақат оиласининг аъзоси ёки ўз давлатининг фуқароси бўлган ҳар қандай одам фожиа қурбонига айланиши мумкин. Аслида гап турли-туман сабаблардан келиб чиқадиган зиддиятни ҳал этиб бўлмасликка бориб тақалади, муҳими, ўша зиддиятнинг сабаби табиий асосга эга бўлиши ва фожиавий характер касб этиши керак. Масалан, Аякс¹нинг ҳалокатига иззат-нафсининг ҳақоратланиши, Ҳеркулес²нинг ҳалокатига эса, рашк сабаб бўлган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам оилага муҳаббат ва фуқаролик бурчи ўртасидаги зиддиятдан ном-нишон йўқ, Ҳинрихс бўлса ана шу жиҳатларни юнон фожиасининг асоси деб ҳисоблайди.

— Афтидан, — дедим мен, — у ўз назариясини ишлаб чиқишда фақат «Антигона»га асосланган кўринади. Менимча, мана шу қаҳрамоннинг характери ва хатти-ҳаракатлари унинг кўз ўнгида турган ва шундан келиб чиқиб, у оилага

¹ Аякс — қадимги юнон эпик поэмаси «Илиада»да Троя уруши қаҳрамони.

² Ҳеркулес — қадимги юнон мифологияси қаҳрамонининг латинча номи. У жисмоний бақувватлиги билан машҳур бўлган.

муҳаббат энг соф кўринишда аёлда, кўпроқ сингилда намоён бўлади, негаки, фақат сингилгина акани ҳис-туйғуларсиз, соф муҳаббат билан севиши мумкин.

— Менинг фикримча, — деди Гёте, — опа-сингиллар ўртасидаги муҳаббат янада софроқ ва унда ҳис-туйғулар янада камроқ бўлиши мумкин. Сирасини айтганда, ака-сингиллар ўртасида онгли ва онгсиз ҳолда ҳиссий мойиллик юзага келган ҳолатлар ҳам бизга маълум.

— Умуман, — сўзида давом этди Гёте, — эҳтимол сезгандирсиз, Ҳинрихс юнон фожиаларини таҳлил қилишда ғоядан келиб чиқади ва аниқки, у Софокл ҳам ўз пьесаларини миясида пиштиб, қоғозга туширишда ғоядан келиб чиққан ҳамда шу асосда қаҳрамонларининг характери, жинси ва ижтимоий мавқеини белгилайди, деб тасаввур қилади. Бироқ Софокл ўз фожиаларини ёзишда мутлақо ғоядан келиб чиққан эмас, аксинча, у қадимдан маълум бўлган, аниқ ғояни ўзида жамлаган халқ ривоятини олган-да, уни қандай йўллар билан театрга мослаштириш ҳақида қайғурган. Атрайдлар¹ Аякс жасадини дафн қилишга йўл беришмайди, «Аякс»да ака укаси учун курашганидек, «Антигона»да сингил акаси учун курашади. Дафн этилмаган Полинайк² учун синглиси, ҳалок бўлган Аякс учун акасининг куйиниши ёзувчи ўйлаб топган тасодифий нарса эмас, балки булар ривоятда айтилган. Ёзувчи уларга суянган, холос. Зеро, суянмаса ҳам бўлмасди.

— Ҳинрихсининг Креон қилмишлари ҳақидаги фикрларини ҳам, — дедим мен, — ҳазм қилиш қийин. Полинайк жасадини дафн қилишни ман қилар экан, у бу билан давлат аҳамиятига молик эзгу иш қиляпман, дея исботлашга уринади, негаки, Креон нафақат одам, балки ҳукмдор ҳам, шундан келиб чиқиб Ҳинрихс қуйидаги тезисни илгари суради: модомики одам давлатнинг фожиавий қудратини ўзида жамлаган экан, демак, у давлат тимсолининг ўзи, яъни ҳукмдордан ўзга кимса бўлолмайди ҳамда мамлакатда яшовчи барча одамлар орасида фақат ҳукмдоргина давлат учун эзгу ишлар қилувчи одам бўлмоғи керак.

¹ *Атрайдлар* — Атрайднинг ўғиллари Менелай ва Агамемнон кўзда тутилган.

² *Полинайк* — Софоклнинг «Антигона» фожиасидаги персонажлардан бири. Фива ҳукмдори Креон уни Фивага қарши чет эл армиясини бошлаб келганликда айблаб, жасадини дафн қилишга рухсат бермай, иту қушларга ем қилади.

— Бу хулосаларга, — деди Гёте кинояли жилмайиб, — бирор одамнинг ишониши кийин, Креоннинг ҳаракатлари давлат фойдаси учун қилинган ҳиммат эмас, балки марҳумга бўлган нафрат ифодасидир. Агар отасидан қолган ердан зўрлаб ҳайдаб юборилган Полинайк ўзига аталган меросни қайта қўлга кириштишга уринган бўлса, бу давлатга қарши даҳшатли жиноят эмаску, ахир ўлим гуноҳларини ювиш учун етарли эмасмики, тағин унинг беғуноҳ жасади шундай хўрликларга маҳкум этилса?

Умуман, умум манфаатига хизмат қилмайдиган ҳаракат давлат учун қилинган эзгу иш ҳисобланмайди. Креон Полинайкни дафн қилишни ман этиши оқибатида чириётган жасад нафақат ҳавони захарлайди, балки итлар ва йиртқич қушлар мурданинг гўшт бурдаларини ҳаммаёққа ташиб, ҳатто меҳробни ҳам булғашади. Худони ҳам, унинг бандаларини ҳам таҳқирлайдиган бундай қилмишлар зинҳор давлат фойдасига қилинган ҳиммат эмас, балки давлат жинояти ҳисобланади. Ҳамма унга қарши бош кўтаради: хорда жамланган давлат оқсоқоллари ҳам, халқ ҳам, Тайрезий ҳам, ниҳоят унинг ўз оиласи ҳам унга қарши бош кўтаради. Бироқ у ҳеч кимга қулоқ солмайди ва барча яқинларини ҳалокатга элтиб, охир-оқибат ўзи ҳам сояга айланмагунча қайсарлигидан воз кечмай, гуноҳ ишларни давом эттираверади.

— Софоклнинг буюк маҳоратию драматик асарнинг моҳияти ҳам айнан мана шунда-да, — жавоб берди Гёте. — Унинг барча персонажлари сўзга шу қадар уста, ўз хатти-ҳаракатларидан кўзланган мақсадни шундай ишончли баён қилишадики, тингловчи ҳамиша охириги сўзлаган киши томонида туради. Афтидан у ёшлигида ваъзхонликдан яхшигина сабоқ олган кўринади, шундан бўлса керак, ҳар хил муҳим ва номуҳим асосларни моҳирона излаб топа олади. Бироқ ўша улкан қобилият уни хатоликларга ҳам етаклайди ва гоҳида жуда майдалашиб кетади.

Масалан, «Антигона»даги бир ўрин менга ҳамиша қандайдир ямоққа ўхшаб туюлади, бирорта зукко филолог унинг кейинчалик қўшилганини исбот қилиб берса, беҳад миннатдор бўлардим.

Антигона пьеса давомида ўз хатти-ҳаракатларига улғувор асослар келтириб, олийжаноб қалбининг софлигини намоён қилади-да, охири ўлимга кетаётганида мантиқсиз, кулгили бир мотивни келтиради.

У айтадики, агар она бўлганимда, акам учун қилган ишни ўлган болам ёки эрим учун қилмаган бўлардим. Чунки, — дейди у, — агар эрим ўлса, бошқа эрга тегишим, агар болам

ўлса, иккинчи эримдан болалар туғишим мумкин, акам бутунлай бошқа гап. Акамни қайта тополмайман, чунки ота-онам ўлиб кетишган, менга ака туғиб берадиган одам йўқ.

Ушбу ўриннинг асл мазмуни мана шу. Менинг хис этишимча, ўлимга кетаётган қизнинг тилидан айтилган бу сўзлар фожиавий кайфиятни бузади, назаримда, умуман сохта ва қандайдир диалектик ҳисоб-китобга ўхшаб кетади. Айтиб ўтганимдек, бирорта яхши филолог унинг кейин кўшилганини исботлаб берса, хурсанд бўлардим.

Софокл ҳақидаги гурунгимиз давом этди, биз унинг фожиаларида ахлоқий тамойиллар ҳақида кам қайғургани, кўпроқ маълум бир сюжетни яхши ишлаб чиқиб, унинг театрдаги таъсирини кучайтиришга эътибор қилгани хусусида сўз юритдик.

— Драматик ижодкорнинг, — деди Гёте, — маънавий жиҳатдан таъсир ўтказишга интилишига, албатта, ҳеч қандай қаршилигим йўқ, аммо ўзи танлаган сюжетни томошабинга аниқ ва таъсирчан қилиб етказиб бериш ҳақида гап кетганда, шубҳасиз, маънавий мақсадлар унга кўмак бериши мушкул, бунда у юксак тафаккур қудратига эга бўлиши ҳамда сахнада нима қилиш ва нима қилмаслик кераклигини билиши лозим. Бордию пьесанинг асосига ахлоқий мақсад сингдирилган бўлса, ҳатто муаллиф сюжетнинг таъсирчан бадиий талқинини кўзда тутган тақдирда ҳам у, албатта, намоён бўлади. Агар шоир Софокл сингари қалбан бой бўлса, у сюжетни қандай тақдим этишидан қатъи назар, унинг ижод маҳсули ҳамisha маънавиятни бойитаверади. Бундан ташқари, у сахнани яхши биледи ва ўз касбининг моҳиятини тушунади.

— Унинг театр қонуниятларини қанчалик яхши билганини ва театрнинг таъсир кучини ҳамisha қанчалик ёдда сақлаганини ва бу фожа композицияси ҳамда воқеалар ривожининг «Эдип Колонда» асари билан ниҳоятда ўхшашлигига қараб билса бўлади. Ҳар иккала пьеса қаҳрамонлари ҳам қари, ночор, жисмонан ҳолдан тойган кимсалар. Кўзи ожиз Эдипнинг ягона суйанчиги — қизи, Филектотники — камони. Ўхшашлик фақат бу эмас. Икковлари ҳам ўз ғам-кулфатлари гирдобига ташлаб қўйилган, башоратчи келиб, фақат шуларнинг кўмаги билан ғалабага эришиш мумкин, деганидан сўнг иккаласини ҳам излаб топишади. Филоктет ҳузурига Одиссей, Эдип ҳузурига Креон келади. Иккаласи ҳам мулойимлик билан айёрона сўз бошлашади, аммо ҳеч нарсага эриша олмагач, куч ишлатишади ва Филоктетнинг камонини, Эдипнинг қизини ўғирлаб кетишади.

— Бундай зўравонликлар, — сўзида давом этди Гёте, — таъсирчан филологларга туртки берди, қаҳрамонларнинг но-чор аҳволи томошабинларда ачиниш ҳиссини уйғотди, шу боисдан ижодкор томошабинларда чуқур таассурот қолдириш ниятида шунақа вазиятларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. Эдип ҳақидаги таассуротни кучайтириш мақсадида Софокл, гарчи Эдип шароит тақозосига кўра ҳали навқирон эркак бўлса-да, уни мункиллаган чол қиёфасида тасвирлайди. Чунки бу фожида Эдип ёш килиб кўрсатилса, асар кутилган таъсир кучига эга бўлмасди, шунинг учун у химоясиз қари чол тарзида намоён этилган.

— Филоктет билан ўхшашлик ҳали давом этади, — дедим мен, — иккала қаҳрамон ҳам ҳаракат қилишмайди, балки кўргиликларга чидашади. Иккала пассив қаҳрамонларга икки-тадан персонаж, яъни Эдипга — Креон ва Полинайк, Филоктетга — Неоптолем¹ ва Одиссей қарама-қарши қўйилади. Пьесада кечадиган воқеаларни ҳар томонлама очиб бериш ва унга етарлича тўлақонлилик ҳамда моддийлик бағишлаш учун мана шундай қарама-қарши фигуралар зарур.

— Сиз бемалол қўшимча қилишингиз мумкин, — сўзга аралашди Гёте, — ҳар иккала пьесада ҳам яна бир ўхшашлик борки, буни биз вазиятнинг беҳад қувончли ва эсда қоларли ўзгаришида кўрамиз — дард-ҳасратда қолган қаҳрамонлардан бирига суюкли қизи ва иккинчисига деярли шундай суюкли камони қайтариб берилади.

Бундан ташқари, иккала пьесадаги таскин берувчи ечим ҳам ўхшаш, иккала қаҳрамон ҳам изтиробларидан халос бўлишади: Эдип ўлим топиб, барча азоблардан қутулади. Филоктетни эса, Ҳеракл Троя деворлари ёнига олиб кетади, у ерда довюрак қаҳрамонлардан бири унинг яраларини даволашни ваъда беради.

— Умуман, агар биз, — давом этди Гёте, — театрга қандай муносабатда бўлишнинг ҳозирги замон талабларини ўрганмоқчи бўлсак, Мольерга мурожаат қилишимиз лозим. Сиз унинг «Сохта бемор»ини биласизми? Унда бир сахна бор, шу пьесани ҳар гал ўқиганимда бу менга театр қонунларини тўлақонли билиш рамзи бўлиб туюлади. Мен, сохта бемор қизчаси Луизондан, опангнинг хонасига бир ёш йигит кирмадими, деб сўраётган сахнани кўзда тутяпман. Ўз касбини Мольер сингари тушуниб етмайдиган бошқа драматург Луи-

¹ *Неоптолем* — «Филоктет» фожиаси персонажи. Трояга қарши урушган қаҳрамон Ахиллнинг ўғли.

зонга бор гапни бирданига айттирарди-қўярди, шу билан гап тамом бўларди.

Аммо Мольер турфа хил мотивларни қўллаш орқали бу сўроққа қанча-қанча жонлилик ва таъсирчанлик бағишлайди. Дастлаб кичкина Луизон ўзини, гўё отаси нима хоҳлаётганини тушунмаганга солаверади. Кейин ҳеч нарса билмайман, деб алдашга тушади, отаси ураман, деб унга дағдаға қилганда, ҳушидан кетиб қолади, отаси довдираб қолгач, гўё ёлғондакам ҳушдан кетувдим, дегандек, айёрона кулиб ўрнидан туради ва ниҳоят, аста-секин ҳаммасига иқроп бўлади.

Бу гапларим ўша сахнанинг жонлилиги ҳақида ниҳоятда оз тасаввур беради, уни ўзингиз ўқинг ва унинг театр учун нечоғлик муҳимлигини англаб етишга урининг, шунда бу асарнинг барча назарияларга нисбатан кўпроқ амалий сабоқ беришига иқроп бўласиз.

— Мен Мольерни яхши биламан ва севаман, — сўзида давом этди Гёте, — ёшлигимдан бошлаб, бутун ҳаётим давомида ундан ўргандим. Бу ҳайратомуз маҳоратдан баҳраманд бўлиш учун ҳар йили унинг бир неча пьесаларини қайта ўқийман. Мени ўзига тортадиган нарса нафақат ундаги бадий усулларнинг мукамаллиги, балки ўзига хос дилтортар табиийлигию шоирнинг юксак ички маданияти ҳам. У назокатли ва ноёб муомала маданиятига эга, ундаги фаройиб киришувчанлик, туғма табиий фазилатлари билан бирга қўшилиб, ўз даврининг машҳур инсонлари билан бўладиган кундалик мулоқотларда юз очади. Менандр асарларидан бизгача айрим парчаларгина етиб келган, шунга қарамай улар менда шундай тасаввур уйғотадики, мен бу юнонни Мольер билан қиёсласа бўладиган ижодкор деб ҳисоблайман.

— Мольер ҳақида шундай яхши фикрлар билдирганингиздан хурсандман, — жавоб қайтардим мен, — тўғриси, Сизнинг сўзларингиз жаноб фон Шлегелникидан анча фарқ қилади! Яқинда унинг «Драматик поэзия ҳақида маърузалар»ида Мольер ҳақида ёзганларини ўқиб, жуда норози бўлдим. Ўзингизга маълум, у Мольерга юқоридан туриб қарайди, унинг наздида Мольер яхши давраларни фақат узокдан кўрган, қиладиган иши фақат ўз хўжайинининг кўнгил очиши учун турли аҳмоқона қилиқларни ўйлаб топишдан иборат бўлган тубан масхарабоз. Гўё мана шундай бемаъниликларни у жуда яхши уддалармишу, яхшиларини бошқалардан ўғирлаб ўзлаштирганмиш. Комедиядек юксак санъатга у ўзини мажбур қилган ва шу сабабли унинг уддасидан чиқолмаганмиш.

— Шлегель сингари одам учун, — жавоб берди Гёте, — Мольердаги соғлом ақл кўзга тушган чўпдек бўлса керак, Мольерга унинг фаҳми етмайди, шунинг учун уни хазм қилолмайди. Мен қайта-қайта ўқийдиган ва дунёдаги энг яхши нарсалардан бири деб ҳисоблайдиган «Мизантроп» унга ёқмайди, «Тартюф»ни истар-истамас мактайди-ю, бироқ уни ҳам иложи борича четга суради. Мольернинг зиёли аёлларга хос олифтагарчиликлар устидан кулишини Шлегель кечиролмайди, менинг бир дўстим айтганидек, агар улар бир даврда яшаганларида эди, Мольер унинг устидан ҳам кулган бўларди.

— Шлегель кўп нарсани биледи, — давом этди Гёте, — буни инкор қилиб бўлмайди, унинг ҳаддан ташқари билимдонлиги ва ўқимишлилигидан ҳатто кўрқиб кетасан киши. Бироқ бу етарли эмас. Унинг танқиди тамоман бир ёқлама, барча пьесаларда у нукул фабула скелетини, композицияни кўради ва улкан тарихий ҳодисаларга майда-чуйда қиёсларни ўйлаб топади, муаллиф бизнинг кўз ўнгимизда намоён қилишга интилган юксак қалбнинг шаклланиши, ҳаёт гўзалликларини у пайқамайди. Агар пьесада муаллифнинг улкан, жозибадор шахсияти, яъни халқ маданиятида асрлар оша сақланадиган ягона нарса ўз мужассамини топмас экан, ижодкорнинг бутун маҳоратидан нима фойда. Шлегелнинг француз театрини таҳлил қилиш усули, назаримда, ёмон тақризчи учун намуна бўлиб хизмат қилади, бундай киши гўзалликни ҳис этиш туйғусидан маҳрум бўлиб, етук шахс ва улкан характерлар ёнидан гўё улар бир уюм чиқиндидек бемалол пайқамай ўтиб кетаверади.

— Шекспир ва Калдеронни, аксинча, — эътироз билдирдим мен, — у ҳаққоний ва ҳатто чуқур эҳтиром билан таҳлил қилади.

— Икковлари ҳам, — жавоб қайтарди Гёте, — шундай зотларки, улар ҳақида ёмон гап айтиб бўлмайди, Шлегель уларни қоралаган тақдирда мен, ростга гап, ҳайрон қолган бўлардим. У Эсхил ва Софоклга ҳам тан беради, бунинг сабаби, уларнинг мислсиз фазилатларини чуқур англаб етганида эмас, балки филологлар азалдан уларни юксак даражада қадрлаб келганликларидадир, чунки Шлегелдек майда одам бундай улур истеъдодларнинг асл моҳиятини англаб етишга ва қадрлашга қодир эмас. Агар қодир бўлганида эди, у Эврипидга ҳам ҳаққоний ёндошган ва унинг асарларини бу қадар ерга урмаган бўларди. Негаки, у филологлар Эврипидни алоҳида қадрламасликларини биледи, бу улур юнон

устидан ҳар қанча марзава ағдарса ҳам, ҳар қанча унинг адабини берса ҳам, бирорта обрў-эътиборли инсон унга дакки бермаслигини билади.

Эврипидда ҳам унча-мунча камчиликлар борлигини инкор қилмайман, шундай бўлса-да, у барибир Софокл ва Эсхилнинг муносиб йўлдошлари эди. Гарчи ҳар иккала салафларини безаб турган юксак ҳаққоният ва бадиий етуклик унда етишмаса-да ва у драматург сифатида ҳамма нарсани инсоний қарашларни писанд қилмаган ҳолда талқин қилса-да, ҳар қалай у афиналикларни яхши билган ва унинг манераси ўз замондошларига маъқул келган бўлса керак. Ахир, Сукрот ўзига дўст билган, Аристотель кўкларга кўтарган, Менандр ҳайратга тушган ва ниҳоят, ўлими ҳақидаги хабарни эшитиб, Софокл ва бутун Афина мотам тутган одам, ҳар ҳолда, аслида улуғ бир инсон бўлгандир. Бордию бизнинг замондошимиз Шлегель хатолари учун уни танқид остига олмоқчи экан, аввало ушбу буюк юнон олдида тиз чўкмоғи жоиз эди.

1827 йилнинг 1 апрели, якшанба

Кечкурун Гётеникида бўлдим. «Ифигения» пьесасининг кечаги намоёниши тўғрисида суҳбат бўлди, унда Берлин Қироллик театрининг актёри жаноб Крюгер¹ Орест ролини катта муваффақият билан ўйнаган эди.

— Бу пьесанинг, — деди Гёте, — ўзига хос қийинчиликлари бор. Унинг ички ҳаёти бор, ташқи томондан камбағал. Ҳамма гап ана шу ички ҳаётни ташқарига олиб чиқишда. Унда пьесанинг асосига қўйилган хилма-хил даҳшатли сахнавий воқеалар жуда кўп. Афсуски, қоғозда ёзилганлари уни яратаётган пайтимда менинг ичимда қайнаб тошган ҳаётнинг акси, холос. Аммо актёр ижод жараёнида шоир қалбини қамраган, ўша дастлабки илҳомни томошабинга етказиб бериши лозим. Биз юзларини денгиз шамоллари силаган, бошдан кечирган хавфхатарлар, ёвузликлар таъсири остида юракларида йиғилиб қолган ғам-ҳасратларини очиқ-ойдин айтаётган юнонлар ва қаҳрамонларни кўришни истаймиз, ўз ролларини шунчаки ёдлаб олган, ҳатто ўзига топширилган ролнинг уддасидан ҳам чиқолмайдиган бўшанг актёрларни эмас.

Икром бўламанки, ҳозиргача «Ифигения»ни бирор марта ҳам етук ижрода кўриш менга насиб қилмади. Шунинг учун ҳам кеча театрга бормадим. Кўнгилдагидек намоён

¹ Крюгер Вильҳельм (1791–1841) — берлинлик актёр.

бўлолмайдиган бундай шарпаларни кўришдан қийналиб кетаман.

— Жаноб Крюгерни Орест ролида кўриб мамнун бўлардингиз, эҳтимол, — дедим мен, — у ролини шундай аниқ, тушунарли, таъсирчан ижро этдики, жаноб Крюгернинг ҳаракатлари, сўзларни ифодали талаффуз қилиши бир умрга қалбимга ўрнашиб қолди. Орестнинг сирли шарпаларни кўргандаги ички ғалаёнларини у гавда ҳаракатлари, овозидаги оҳанг товланишлари орқали шундай ишонарли намоёиш қилдики, гўё воқеалар айнан шу ерда содир бўлаётгандек туюлди. Шиллер ушбу Орестни кўрганида эди, фуриялардан воз кечмаган бўларди, улар йигитнинг гир атрофини ўраб олган, изидан қолишмасди. Васвасалардан ҳушига келган Орестга гўё у ер ости подшолигига тушиб қолгандек туюлган жой беҳад ажойиб чиққан. Кўз олдингиздан гўё суҳбатга берилганча ота-боболар саф тортиб ўтишади, Орест улар ёнига бориб, мурожаат қилади ва улар сафига қўшилиб кетади. Беихтиёр ўзингни ўша руҳлар орасига сингиб кетгандек ҳис этасан киши: актёр ролга шу қадар аниқ, шу қадар чуқур кириб кетганки, идрок этиб бўлмайдиган нарсани кўз ўнгингга келтира олган.

— Афтидан Сиз ҳис-туйғуларга берилувчан кишилар тоифасидан кўринасиз! — деди Гёте кулиб. — Қани, давом этаверинг. Демак, у ростдан ҳам яхшими? Унинг жисмоний имкониятлари ҳам жойидами?

— Унинг овози, — дедим мен, — тоза, ёқимли, шу билан бирга зўр машқдан ўтган, шунинг учун бўлса керак, овози турли пардаларда товланиб, ранг-баранг оҳанг касб этиб боради. Жисмоний бақувватлик ва абжирлик барча қийинчиликларни енгиб ўтишда унга кўмак берган, менимча, у бутун умри давомида ўзини жисмоний чиниқтириш билан машғул бўлса керак.

— Аслида, — деди Гёте, — актёр ҳайкалтарош ва расомдан ҳам сабоқ олиб турса яхши бўлади. Қадимги юнон қахрамонлари ролини ўйнаш учун унга бизгача етиб келган антик давр ҳайкалларини яхши билиш, уларда акс этган қадимги юнонларга хос ўтириш, тик туриш, юриш сингари нозик ҳаракатларни ўзлаштириш жуда муҳимдир.

Жисмоний жиҳатга эътибор бериш ҳали етарли эмас. У қадимги ва замонавий ёзувчиларнинг асарларини мукамал ўрганиш орқали ўз онгини бойитиб бориши лозим, бу унинг ролини яхши тушуниб етишигагина кўмак бериб қолмайди, балки бутун вужуди ва ўзини тутишига янгича фазилат

бағишлайди. Ха, гапираверинг! Унда яна қандай ижобий жиҳатларни пайқадингиз?

— Назаримда, — дедим мен, — унга ўз ишига бўлган улкан муҳаббат илҳом беради. У қахрамонига дахлдор барча майда нарсаларни яхши ўзлаштиргани боис роль ичига шунчалик чуқур кириб кетганки, гўё қахрамонининг ҳис-туйғулари уники деб ўйлайсиз. Шундан бўлса керак, ўзига ишонч билан ҳар бир сўзни ифодали талаффуз қилади ва суфлёрга ҳеч бир ҳожат қолмайди.

— Бундан хурсандман, — деди Гёте, — шундай бўлиши керак. Актёрларнинг матни яхши билмасдан ҳар қадамда суфлёрга кулоқ тутишларидан ёмони йўқ, бу билан улар спектаклни йўққа чиқаришади, у бутун таъсирчанлиги ва ҳаётийлигидан маҳрум бўлади. Агар менинг «Ифигения» мдек пьесада актёрлар ўз роллари ичига чуқур кириб боришмаса, яхшиси томошани қўймаган маъқул. Негаки, спектаклда ҳамма нарса табиий, тез ва жонли кетсагина у муваффақият қозонади.

Мана энди, Крюгернинг яхши ўйнаганидан жуда-жуда мамнунман. Уни менга Цельтер тавсия қилган эди, агар у ёмон ўйнаса, ҳафсалам пир бўлган бўларди. Мен ҳам уни хурсанд қилиш ниятидаман, унга ўйинига бағишлаб бир неча сатр шеър ёзаман-да, «Ифигения»нинг битта муқоваланган нусхасини совға қиламан.

Гурунг мавзуси Софоклнинг «Антигона»сига, унда етакчилик қилувчи маънавий асосга кўчди ва ниҳоят, биз маънавий асос деб атайдиган нарса қандай пайдо бўлган, деган масалада тўхтадик.

— Бу барча яхши ва хайрли нарсалар сингари худо марҳамати, — жавоб берди Гёте, — бу инсон тафаккурининг маҳсули эмас, балки бизга табиат томонидан сингдирилган, қисман туғма нарса. У озми-кўпми ҳамма одамларга хос, бироқ у улкан салоҳиятга эга бўлган инсонларда олий даражада мавжуд бўлади. Булар ўз илоҳий ички моҳиятларини буюк ишлар, ғояларда намоён қиладилар, ана шу моҳият ўз гўзаллиги билан одамлар меҳрини қозонади ва уларни эҳтиром ила ортидан эргашишга, уларга тақлид қилишга ундайди.

Гап шундаки, маънавий гўзал ва хайрли нарсанинг қадрини одамлар тажриба ва ақл-заковат орқасида билиб олишади, ёмонлик эса алоҳида инсоннинг, шунингдек, бутун инсониятнинг бахтини яқсон қилиш билан юз кўрсатади, олийжаноб ишлар эса, ҳар бир одамни ва бутун инсониятни бахт-саодатга

ошно қилади. Шу туфайли маънавий гўзал нарсалар ҳикматга айланиб, ахлоқий таълимот сифатида барча халқлар орасида тарқалади.

— Яқинда бир жойда ўқиб қолдимки, — дедим мен, — юнон фожиаси, энг аввало, маънавий асос гўзаллигини ифода этишни бош мақсад қилиб олган экан.

— Нафақат маънавий, — эътироз билдирди Гёте, — балки соф инсоний асосни бутун борлиғича қамраб олган, айниқса, у жоҳил кучлар ва урф-одатлар билан тўқнаш келганида фожиавий кўриниш касб этган. Сўзсиз бунда ҳам инсон табиатининг асосий қисми сифатида маънавий асос мавжуд бўлади.

«Антигона»даги маънавий асосни Софокл ўйлаб топган эмас, балки у Софоклнинг диққатини ўзига тортган сюжетда яширин бўлиб, унда маънавий гўзаллик билан бирга ўшанча драматик таъсирчанлик ҳам бор эди.

Кейин Гёте Креон ва Исмена¹ тимсоллари ҳамда Антигонадаги нозик туйғулар ривожиди ҳар иккаласининг ҳам зарурлиги хусусида гапирди.

— Бутун олийжаноблик, — деди у, — бирор келишмовчилик уни уйғотиб ҳаракатга келтирмагунча ўз табиатига кўра мудраб ётганга ўхшайди. Ана шундай келишмовчилик Креонда мужассам, биринчидан, у асарга Антигонага хос олийжанобликни, унинг ҳақлигини бўрттириш учун, иккинчидан, унинг машъум хатоси ўқувчида нафрат уйғотиши учун киритилган.

Софокл ўз қаҳрамонининг юксак қалбини жасоратдан олдин бизга намойиш қилишни хоҳлагани учун унга яна бир келишмовчиликни келтириб чиқаришга тўғри келди, бунда унинг характери юзага чиқиши мумкин эди, яъни Антигонанинг синглиси Исмена воқеага аралаштирилди. Исменада муаллиф ўртамиёналикнинг ёрқин ўлчовини кўрсатган, бу билан Антигонанинг маънан юксаклиги янада таъкидланган.

Кейин улар драматурглар ва халқ оммасига қандай таъсир ўтказишаётгани ва ўтказишлари мумкинлиги борасида сўз юритдик.

— Йирик драматик ёзувчи, — деди Гёте, — сермахсул, қатъий ва олийжаноб маслакка эга бўлса, бу унинг асарларида акс этса, бу асарлар халқ қалби билан кўшилиб кетишига эришмоғи мумкин. Менимча, бунинг учун меҳнат қилсанг арзийди.

Корнелнинг кучли таъсири натижасида довюрак инсонлар вужудга келди. Жасоратли халққа мухтож бўлган Напо-

¹ *Исмена* — Антигонанинг синглиси.

леон учун бу жуда кўл келди, шу боисдан у, Корнел ҳаёт бўлганида эди, мен уни ҳерцог қилган бўлардим, деган. Ўз вазифасини англаб етган драматург билимини ошириш устида тинимсиз ишлаши лозим, токи унинг халққа ўтказадиган таъсири фойдали ва ишончли бўлсин.

Ўз замондошлари ва сафдошларининг эмас, балки илгариги машҳур ижодкорларнинг асарларини ўрганмоқ керак, чунки улар асрлар оша ўз қимматини йўқотмай, уларга бўлган қизиқиш сўнмасдан келмоқда. Чинакам истеъдодли инсон ҳамиша буюк ўтмишдошлар билан мулоқот қилишга ўзида эҳтиёж сезади ва бундай эҳтиёж ундаги юксак қобилиятдан нишонадир. Мольерни, Шекспирни ўрганиш керак, бироқ аввало, энг қадимги ҳамда қадимги юнонларни ўрганиш керак.

— Юксак истеъдод эгалари учун, — дедим мен, — антик даврни ўрганиш ниҳоятда муҳим, умуман олганда эса, менимча, бу нарса алоҳида олинган одам характериға кам таъсир кўрсатади. Акс ҳолда барча филолог ва диншунослар ўта етук инсонларға айланишган бўларди, афсуски, бундай эмас. Антик даврда яратилган юнонча ва лотинча ёдгорликларни биладиганлар орасида кучлилари ҳам, билими саёзлари ҳам бор, бу энди худо уларнинг табиатиға сингдирган ёки ота-оналаридан ўтган яхши-ёмон хислатларига боғлиқ.

— Бунга эътироз йўқ, — деди Гёте, — аммо бу зинҳор антик давр ёдгорликларини ўрганиш инсон характери шаклланишиға таъсир ўтказмайди, дегани эмас. Шубҳасиз, аҳмоқ аҳмоқлиғича қолаверади, онгсиз одам антик руҳ улугворлиғи билан ҳар куни шуғулланса-да, барибир онги ўсиб қолмайди. Бироқ Тангри дилиға юксак руҳий-маънавий қудратни сингдирган комил инсон қадимги юнон ва рим ёзма ёдгорликлари билан танишиш орқали онги ўсиб, кун сайин ўшандай улугларға яқинлашиб бораверади.

1827 йилнинг 18 апрели, чоршанба

Тушликдан олдин Гёте билан извошда Эрфурт йўли бўйлаб айланишға бордик. Йўл давомида Лайпцих ярмаркаси учун мол ортилган аравалар карвони ҳамда йилкилар уюри учрар, улар орасида ниҳоятда келишган отлар кўзға ташланарди.

— Нафосатшунослар устидан беихтиёр кулгим келади, — деди Гёте, — улар номини аниқ айтиб бўлмайдиган нарсани бир нечталаб мавҳум сўзларда ифодалашға уринишади, биз бундай пайтда «гўзаллик» сўзини кўллаб қўяқоламиз.

Гўзаллик — қадимий тушунча бўлиб, ўз холича кўзга ташланмайди, лекин унинг акси табиатдаги минглаб ранг-баранг, ижодий руҳнинг худди ўзидек кўринишларида намоён бўлади.

— Табиат ҳамиша гўзал, — дедим мен, — у ижодкорни доводиратиб кўяди, чунки у табиатга хос фазилатларни тўлиғича забт этолмайди, деган сўзлар қулоғимга кўп чалинади.

— Жуда яхши биламан, — жавоб қайтарди Гёте, — табиат кўпинча тасвирлаб бўлмас даражада мафтункор бўлиб кетади, аммо у ўзининг барча кўринишларида гўзал бўлади, деб айтолмайман. Унинг нияти ҳамиша хайрли, бироқ у ўзини мукамал ҳолатда намоён қилиши учун зарур бўладиган шартшароитлар кўпинча мавжуд бўлмайди.

Айтайлик, эман дарахти беҳад кўркам бўлиши мумкин. Аммо табиат уни том маънода кўркам қила олиши учун қулай шароитлар талаб қилинади. Агар у қалин ўрмонда ўсса, уни ҳар тарафдан бошқа дарахтлар қисиб кўяди ва у ҳамиша юқорига, нурга, очик ҳавога интилади. Танасининг ён-веридан унча-мунча шохчалар ўсиб чиқиши мумкин, улар ҳам асрлар давомида қуриб, синиб тўкилиб кетади. Лекин, ниҳоят унинг бўйи ўсиб, очик ҳавога етгач, шу билан қаноатланади-да, шох-бутоқлар чиқариб, ҳар томонга ёйила бошлайди. Энди у бу даврга келиб аллақачон ўрта ёшдан ўтган ва узоқ йиллар тинимсиз юқорига интилиш кўп кучини олиб қўйган бўлади, шу боисдан энди ҳар томонга дадил шох ёйишга қудрати унчалик етмайди. Баланд, кучли, ўсишдан тўхтаган, хушқад дарахт кўз ўнгимизда туради-ю, аммо уни чинакам гўзал қилиб кўрсатадиган танаси ва шох-бутоқлари ўртасидаги уйғунликни кўрмаймиз.

Худди шунингдек, эман нам, ботқоқ жойда ўсса, ҳатто ер унумдор бўлса ҳам, теварагида ҳеч нарса халақит бермаса ҳам, барибир жуда эрта атрофга шох ёзади, гарчи бу ерда унинг ўсишига акс таъсир кўрсатадиган нарса бўлмаса-да, у сершоҳ, бўйдор, бақувват бўлолмайди, унга узоқдан разм солсанг, у худди нозик жўка дарахтига ўхшаб кўринади, уни энди эман деб айтолмайсан.

Ва ниҳоят, у камҳосил, тоғли жойда ўсса ҳам керагича кучли ва сершоҳ бўлолмайди, бемалол бўй чўзиш имкони бўлмаганлиги сабабли у ўсишдан тез тўхтайтиди ва ҳеч ким у ҳақда: унда кишини хайратга соладиган нимадир бор, деб айтолмайди.

Мен бу самимий сўзлардан қувондим.

— Бир неча йил аввал, — дедим мен, — Геттингенда бўлганимда, Везер воҳаси бўйлаб саёҳат қилган эдим, ўшанда

ниҳоятда чиройли эманларни кўргандим. Энг улкан эманлар Хекстер яқинидаги Зеллинген деган жойда ўсади.

— Бақувват илдизлар ҳар томонга бемалол қанот ёзадиган қумли ёки ярим қумли ер, — сўзида давом этди Гёте, — афтидан эманларнинг ўсишига қулай имконият яратади. Бундан ташқари, улар учун кенг жой, қуёш, ёруғлик, ёмғир, шамолнинг ҳар томондан таъсири ҳам жуда муҳим. Шамол ва қор-ёмғирлардан пана жойда ўсган эман ҳеч вақога ярамайди, аксинча, йиллар давомида қарама-қаршиликлар билан курашиш уни кучли ва азим қилади, шу тариқа ҳар жиҳатдан яхши ривожланган эман кишида ҳайрат ва ажабланиш ҳиссини уйғота олади.

— Сизнинг мулоҳазаларингизга яқун ясаб, — дедим мен, — шундай хулоса чиқарсак: ҳар қандай мавжудот ўз табиий тараққиёти чўққисига етсагина гўзал бўлади, тўғрими?

— Тўппа-тўғри, — жавоб берди Гёте, — лекин аввал, табиий тараққиёт чўққиси, деганда нимани тушунамиз, шунга келишиб олайлик.

— Менинг назаримда, — дедим мен, — бунда у ёки бу мавжудотга хос характернинг тўлиқ юзага чиқиш давридаги ўсиш тушунилади.

Бунга ҳеч бир эътироз йўқ, — жавоб берди Гёте, — айниқса, агар бундай мукамал намоён бўлган характерга ўша мавжудот тана аъзоларининг мақсадга мувофиқ, табиат белгилаб берган тузилиши ҳам мос келишини қўшсак маъқул бўларди. Масалан, аёлнинг табиат белгилаб берган вазифаси бола туғиш ва уни боқиб тарбиялаш бўлса-да, бироқ эркак-сифат қизни зинҳор гўзал деб бўлмайди. Аммо беҳад стилиб кетгани ҳам хунук кўринган ва бу ҳолат табиийликка мос келмаган бўларди.

Нега биз йўлда учраган салт отлардан айримларини чиройли деб ҳисобладик, улардаги тана тузилишининг мақсадга мувофиқлиги учун эмасми? Бу нарса нафақат ҳаракатларининг енгиллиги, нафосати ва назокатида, балки ундан ҳам каттароқ жиҳатда кўзга ташланади, буни яхши чавандоз ва отларнинг билимдони ҳам тасдиқлаши мумкин. Сиз билан биз бўлсак, умумий таассурот билан чегараланамиз.

— Менимча, — дедим мен, — брабантлик юк ташувчиларнинг араваларига қўшилган бақувват отларга ўхшаган аравакаш отларни ҳам чиройли деса бўлмайдимми?

— Нега бўлмасин, албатта бўлади, — жавоб берди Гёте, — эҳтимол, рассом шундай отнинг бўртиб турган суякларидан,

ўйнаб турган томирлари ва мушакларида, кўзга яққол ташланиб турувчи характерида, салт отнинг нозик, енгил қаддибастадагидан кўра гўзалликнинг янада кўпроқ турли-туман жилоларини кўра олган бўларди.

— Энг мухими, — сўзида давом этди Гёте, — зоти тоза бўлсин, одамнинг ифлос кўли уни бузмасин. Думи ва ёли қайчиланган от, кулоқлари кесилган ит, энг яхши шохлари кесилиб, юмалоқ қилиб қўйилган дарахт, энг аввало, ёшлигидан бели тасма билан қисиб боғлаб, мажруҳ қилиб қўйилган қиз бола — буларнинг барчаси дидли инсонда нафрат уйғотади, фақат тор фикрли одамнинг гўзаллик ҳақидаги қонунларидагина бунга ўрин берилиши мумкин.

Шу ва шунга ўхшаш мавзуларда гурунглаша-гурунглаша шахарга қайтдик. Тушликдан олдин боғда яна бироз айландик. Ҳаво ажойиб эди, баҳор қуёши нур сочиб, бута, девор ва дарахтларда дастлабки куртакларнинг унишига таъсир ўтказа бошлаган эди. Хаёлга чўмган Гёте ёзнинг яхши келишига умид боғларди.

Тушлик маҳали ҳамманинг кайфи чоғ эди. Ёш Гёте отасининг «Хелена»сини ўкиди ва бу ҳақда ўзининг чуқур мулоҳазаларини тўлиб-тошиб баён қилди. Антик давр руҳини ўзида жамлаган биринчи қисм унга жуда маъқул бўлди, дабдабали романтик иккинчи қисм эса, ўқиётганида унчалик жонли чиқмагани сезилиб турарди.

— Аслини олганда сен ҳақсан, — деди Гёте, — бу мураккаб асар. Ақлга тўғри келадиган ҳамма нарсани гўзал деб бўлмайди, албатта, аммо гўзал нарсалар ҳаммиса ақлга тўғри келади ёки ҳеч бўлмаганда ақлга тўғри келиши керак. Антик дунёга тегишли қисми сенга ёқади, чунки у сенга тушунарли, унинг айрим жиҳатларини кузата оласан ва сенинг онгинг меники билан тенглаша олади. Иккинчи қисмда эса онг ва тафаккурсиз иш юришмайди, бироқ у қийин ва анча-мунча тайёргарликни талаб қилади, акс ҳолда уни тушунмайсан ва сенинг онгинг муаллиф онгига томон йўл тополмайди.

Шундан сўнг Гёте мадам Тастунинг кейинги кунларда ўзи ўқиётган шеърларини мактаб гапирди.

Ҳамма тарқалгач, мен ҳам кетишга чоғланган эдим, у яна бирпас қолишимни илтимос қилди. У нидерланд рассомларининг мисга ўйилган гравюралари турган папкани келтиришни буюрди.

— Мен Сизни, — деди у, — десертга яна бир яхши нарса билан меҳмон қилмоқчиман. Шу сўзларни айтаркан, олдимга Рубенс ландшафти туширилган бир қорозни қўйди. — Сиз бу

расмни меникида илгари ҳам кўрган эдингиз, — деди у, — аммо гўзал нарсага қараб ҳеч қачон тўймайсан киши, бунинг устига ҳозир бутунлай бошқача нарса устида сўз боради. Айтинг-чи, бу ерда Сиз нимани кўряпсиз?

— Хўш, — дедим мен, — фондан бошлайдиган бўлсам, орқа томонда ёп-ёруғ осмон, гўё ҳозиргина қуёш ботгандек. Шунингдек, узоқда кечки нур оғушидаги қишлоқ ва шаҳар. Ўртада йўл бор, йўл бўйлаб бир тўда қўйлар қишлоқ томонга шошилмоқда. Расмнинг ўнг тарафида хашак уюмлари ва ҳозиргина юк ортилган арава. Тушовланган отлар шу атрофда ўтлаб юришипти. Сал нарида, бутазор яқинида биялар тойчоқлари билан ёйилиб юришипти, кўринишдан улар кечаси ташқарида қолишган. Сўнгра, олдинги планга яқин жойда бир нечта катта-катта дарахтлар ва ниҳоят, энг олдинда уйга қайтаётган ишчилар.

— Яхши, — деди Гёте, — ҳаммаси жойидадек. Аммо энг муҳими ҳали айтилмади. Бу ерда тасвирланган ҳамма нарсалар: қўйлар тўдаси, хашак ортилган арава, отлар, уйга кетаётган ишчилар — буларга қайси томондан ёруғлик тушмоқда?

— Уларга ёруғлик томошабин томондан тушмоқда, — жавоб бердим мен, — уларнинг соялари эса, расм ортига ташланган. Айниқса, олдиндаги, уйга кетаётган ишчилар яхши ёритилган, бу расмнинг таъсирчанлигини янада оширган.

— Бундай таъсирчанликка Рубенс қандай эришган деб ўйлайсиз?

— Мана шу ёруғ фигураларни қоронғи фонда акс эттириш орқали, — жавоб бердим мен.

— Ўша қоронғи фон қаердан пайдо бўлди? — сўради Гёте.

— Бу улкан соя ўша фигураларга томон анави бир тўда дарахтлардан тушмоқда, — дедим мен. — Бу қанақаси бўлди, — ҳайратландим мен, — фигуралар сояларини расм ортига ташламоқда, дарахтлар сояси, аксинча, томошабин томонга тушмоқда? Бундан чикдики, нур икки қарама-қарши томондан тушяптими, ахир бу табиат қонунига зид-ку?!

— Ҳамма гап мана шунда-да, — жилмайди Гёте, — Рубенс ўз буюклигини мана шу ерда исбот қилган, ундаги эркин руҳ табиат устидан волиб келиб, уни ўз мақсадлари йўлида ўзгартирган. Икки томонлама нур — бу, шубҳасиз, зўрма-зўракилик, табиат қонунига зид, деб бемалол айтишингиз мумкин. Аммо рассом табиатга қарши борган экан, мен Сизга айтсам, у табиатдан юқорироқ кўтарилган ва яна таъкидлайман: бу дадил ҳаракати билан улуг мусаввир, санъат

табиат талабларига сўзсиз бўйсунishi шарт эмас, балки у ўз конунларига эга, деган тезисни илгари сурган.

— Рассом, — сўзида давом этди Гёте, — албатта, табиатдаги барча жиҳатларни аниқ ва меҳр билан акс эттириши лозим, у ўзича у ёки бу ҳайвоннинг суяк тузилиши, томир ва мушаклар жойлашишини ўзгартирмаслиги керак, акс ҳолда уларнинг ўзига хослигига путур етади ва бу табиатга беҳурматлик ҳисобланади. Бироқ ижодий жараёндаги, картинанинг том маънодаги картина бўлишига йўл очиб берадиган олий нукталарда у эркин ҳаракат қилади, худди мана шу ландшафтда Рубенс кўшалок нурни қўллаганидек.

Рассомнинг табиат билан алоқаси икки хил кечади: у табиат устидан хўжайин, айни пайтда унга қул. Қул — уни одамлар тушунишлари учун ердаги воситалар асосида ишлаши керак, хўжайин ана шу ердаги воситаларни ўз олий режалари хизматига бўйсундиради.

Рассом яхлит бир бутунликни дунёга келтиради, бу бутунликни унга табиат бермайди, балки бу унинг ўз онгининг ёки шундай қудрат бағишловчи Тангри нафасининг ҳосиласидир.

Рубенснинг мана шу ландшафтига юзаки назар ташласак, у бизга оддий, шундоқ табиатдан кўчириб олингандек туюлади. Лекин бундай эмас. Бунақа ажойиб картинани ҳеч ким, ҳеч қачон табиатда кўрмаган, Пуссен ёки Клод Лоррен ландшафтларини ҳам — улар бизга ғоят табиий туюлса-да, лекин ундай ҳолатни табиатдан ҳеч қачон излаб тополмайсиз.

— Худди Рубенс қўллаган кўшалок нур сингари уйдирмалар адабиётда ҳам учрайдими? — сўрадим мен.

— Бу масалада узоққа боришнинг кераги йўқ, — жавоб қайтарди Гёте биров ўйлаб тургач. — Бунга Шекспирдан ўнлаб мисол келтиришим мумкин. Мана, «Макбет»ни олайлик. Леди эрини қотилликка ундар экан: «Мен болани эмизганман», — дейди. Бу ҳақиқатми ёки йўқми — муҳими бу эмас, леди бу гапни айтаяпти, ўз сўзларининг ишончлилигини ошириш учун шуни айтиши шарт. Кейинроқ, Макруф ўз яқинларининг ҳалокати ҳақида хабар топгач, қаттиқ ғазабланиб: «Макбетнинг болалари йўқ!» дея қичқиради.

— Умуман, — дея сўзида давом этди Гёте, — арзимас нарсаларда тирноқ остидан кир қидириб, рассомнинг мўйқаламига ёки шоирнинг сўзига ёпишиб олмаслик керак. Аксинча, эркин ва дадил руҳда яратилган санъат асарига биз ҳам шундай дадил ва эркин руҳда муносабат билдирмоғимиз зарур. Макбетнинг: «Менга қиз туғиб берма» деган сўзларидан, леди ҳали бола туғмаган ёшгина аёл экан, деган хулосага келиш

бемаънилик бўлар эди. Ледини сахнада ҳам худди шундай ёш ҳолатда кўрсатиш янаям бемаънилик бўларди.

Шекспир Макбет тилидан бу сўзларни зинхор ледининг ёш эканлигини исбот қилиш учун айтмаган, балки булар ҳам, Макруфнинг юқорида эслатилган сўзлари сингари, шунчаки айтилган гап, улар шоирнинг ўз персонажларини айни шу вазиятга мос, таъсирчан сўзлатишни мақсад қилганидан далолат беради, холос. Бу сўзлар бундан олдин айтилганларига зид келиши мумкин, дея муаллиф ҳадиксираб ҳам ўтирмайди.

Шекспир пьесаларини ёзаётган пайтда улар чоп этилган ҳолатда китобхон олдида туради, у асарни сатрма-сатр қиёслайди, деб мутлақо ўйламаган ҳам бўлса керак. Ёзаётганда унинг кўз ўнгида фақат сахна турган. У асарларини тирик, ҳаракатда томошабин нигоҳи ва қулоғи олдидан тез ўтаётган, ҳар бир сўзни эса сақлаб, таҳлил қилиб ўтиришга фурсати ҳам бўлмайдиган ҳолатда тасаввур қилган. Унинг учун асарнинг ўша вазиятдаги таъсири ва аҳамияти муҳим бўлган.

1827 йилнинг 24 апрели, сешанба

Август Вильхельм фон Шлегель шу ерда. Тушликкача Гёте у билан Вебихт тевараги бўйлаб извошда сайр қилди, кечқурун эса, унинг шарафига тантанали зиёфат уюштирди, зиёфатга меҳмоннинг ҳамроҳи жаноб доктор Лассен¹ ҳам таклиф қилинди. Ваймарлик барча номдор ва мансабдор шахслар зиёфатга таклиф қилинганлари боис Гётенинг хоналарига одам сифмай кетди. Жаноб фон Шлегелни хонимлар ўраб олишди, у хонимларга ҳинд худоларининг тасвири туширилган ўроғлик энсиз қоғозларни ҳамда иккита ҳинд эпосининг тўлиқ матнини кўрсатди, бундан унинг ўзи ва доктор Лассендан бўлак ҳеч ким бирон сўз тушунмаслиги аниқ эди. Шлегель ниҳоятда пўрим кийинган, шу қадар ёш ва жозибадор кўринардикки, ҳатто меҳмонлардан айримлари у пардоз қилмаганмикан, дея гумонсирашди.

Гёте мени дераза олдига бошлаб борди-да: — Хўш, Сизга ёқдимми? — дея сўради.

— Ҳа, умуман, ҳар доимгидек, — жавоб бердим мен.

— Албатта, у кўпгина жиҳатларда эркак эмас, — давом этди Гёте, — аммо унинг ҳар томонлама билими ва улкан хизматлари боис истасанг-истамасанг ҳурмат қиласан киши.

¹ Лассен Христиан (1800–1876) - норвегиялик санскритшунос олим.

1827 йилнинг 25 апрели, чоршанба

Гётеникида жаноб доктор Лассен билан бирга тушлик қилдик. Шлегель бугун ҳам саройдаги махсус тушликка таклиф қилинган эди. Лассеннинг ҳинд шеърляти бўйича катта билимга эгаллиги Гёте учун айни муддао бўлди, чунки унинг билимларидаги бу соҳадаги кемтикни маълум даражада тўлдиришга Лассен ёрдам бериши мумкин эди.

Кечкурун Гётеникига яна бир неча дақиқага кирдим. У, Шлегель уникида кечга томон бўлганини ҳамда адабиёт ва тарихий мавзуларда унга жуда фойдали бўлган мазмунли суҳбат қуришганини айтди.

— Фақат тиканакли бутадан узум, бўзтикандан мева талаб қилмаслик керак, ўшанда ҳамма иш жойида бўлади, — қўшиб қўйди у.

1827 йилнинг 3 майи, пайшанба

— Гёте драмаларининг Штапфер¹ томонидан муваффақиятли қилинган таржимаси ҳақида Парижда чиқадиган «Глоб» журналининг ўтган йилги сониди жаноб Ампер²нинг тақризи босилган эди. Хийла эътиборга лойиқ ушбу тақриз Гётени роятда хурсанд қилди ва у тез-тез шу мавзуга қайтиб, мамнунлигини қизғин ифода этди.

— Жаноб Ампернинг нуқтаи назари беҳад диққатга сазовор, — деди у, — агар немис танқидчилари бундай вазиятларда фалсафий қарашлардан келиб чиқишни афзал кўришса ва бадий асарни таҳлил ва талқин қилишса, уни ўз мактабларининг файласуфлари учунгина тушунарли деган хулосага келишади, бошқалар учун уни ёритиб бериш ўрнига, аксинча, янада мужмал қилиб қўйишади, жаноб Ампер эса, масалага бутунлай онгли ва инсонпарварларча ёндошади. Ўз вазифасини чуқур биладиган киши сифатида у ижодкор ва ижод маҳсули ўртасидаги боғлиқликни белгилаб олади ва турли поэтик асарларни ёзувчи ҳаётидаги турли даврларнинг маҳсули сифатида баҳолайди.

У менинг ҳаётимдаги ўзгарувчан ҳолатларни, мендаги турли хил рухий жараёнларни муфассал ўрганган, ҳатто мен айтмаган, эҳтимол сатрлар орасида ўқиш мумкин бўлган фикрларни ҳам кўра олган. Мен Ваймардаги ҳаётимнинг дастлабки

¹ *Штапфер Фридрих Альберт Александр (1802–1892)* — француз ёзувчиси, Гёте драмаларини француз тилига таржима қилган.

² *Ампер Жан-Жак (1800–1864)* — машҳур физик Ампернинг ўғли, адабиётшунос.

ўн йилида фақат сарой хизмати билан банд бўлиб, ҳеч нарса ёзмаганимни, рухий тушкунлик сабаб Италияга қочиб кетганимни, у ерда қайтадан қизғин ижод оғушига шўнғиб, Тассо тарихини ўрганишга киришганимни, шу жараёнда юрагимда ўрнашиб қолган оғир ва дардли Ваймар хотираларидан халос бўлишга уринганимни тўғри англаб етган. Шунингдек, у «Вертер» «Тассо»ни янада чуқурлаштирган, деб тўғри кўрсатган.

«Фауст»ни янада усталик билан таҳлил қилган, яъни нафақат бош қаҳрамоннинг ғамгин, ўзини қониқтирмайдиган интилишлари, балки Мефистофелнинг киноя ва заҳарли ҳазиллари ҳам менинг ички дунёимнинг ифодаси деган.

Мана шундай миннатдорлик оҳангида у Амперни тез-тез тилга оларди. Биз эса, Ампернинг шахсиятига қизиқиб, у ҳақда тасаввур ҳосил қилишга интилардик, агар бунга муяссар бўлолмасак, у ўрта ёшлардаги, ҳаёт ва бадий ижоднинг ўзаро алоқасини ҳар томонлама тушуниб етадиган одам бўлса керак, деган хулосага келиб қўяқолардик.

Жаноб Ампернинг бир неча кун олдин Ваймарга келганида йигирма ёшлардаги ёш, қувноқ йигитча қиёфасида кўриб ҳайратда қолдик. Аммо у билан бўлган суҳбат чоғида «Глоб» журнали ходимларининг барчаси у билан тенгдош эканлигини билгач, ҳайратимиз янада ошди ва улардаги донолик, юксак билимдонлик, меъёрни ҳис этиш сингари фазилатларига қойил қолдик.

— Йигирма ёшида салмоқдор асарлар ёзган Мериме каби, — дедим мен, — ёш бўлатуриб ҳам анча-мунча нарсалар яратиш мумкинлигидан ҳайрон қолмайман, бироқ «Глоб»даги жанобларга ўхшаб шу ёшда шунақа пишиқ хулосалар чиқаришда асқотадиган бунақа кенг дунёқараш, чуқур мулоҳазага эга бўлишни ақлимга сиғдиролмайман.

— Сиз туғилиб ўсган чекка жойларда, — жавоб берди Гёте, — бунга эришиш, албатта, осон эмас, биз, Германиянинг ўрта қисмидаги одамлар учун ҳам озгина билимга эга бўлиш осон кечмаган. Чунки ҳаммамиз ҳам ўзимизча, бечорахол ҳаёт кечирамиз! Ўз халқимиз маданиятнинг кўчасидан кам ўтади, ақлли, талантли инсонларимиз бўлса, бутун Германия бўйлаб сочилиб кетган. Биттаси Венада, иккинчиси Берлинда, учинчиси Кёнигсбергда, яна бири Бонн ёки Дюссельдорфда, уларни эллик, ҳатто юз мил масофа ажратиб туради, хуллас, шахсий алоқалар ва оғзаки фикр алмашувлар ноёб ҳодисага айланиб кетган. Масалан, Александр Хумбольд сингари одамлар йўлакай Ваймарда тўхтаса, мен Сизга айтсам, катта

воқеа бўлади ва мен ёлризлиқда ўтказган йилларимда олмаган билимга бир кунда эга бўламан.

Ана энди Париждек шаҳарни кўз олдингизга келтириб кўринг: у ерда улкан мамлакатнинг энг доно инсонлари бир жойга тўпланиб, кундалик мулоқотлар, фикрий курашлар ва мунозараларда бир-бирларини маънавий бойитишади, бутун ер юзида, табиат ва санъат мулкида мавжуд бўлган энг яхши нарсалар ҳар куни кўз-кўз қилинади. Ҳар бир кўприк, ҳар бир майдон буюк ўтмишни эслатиб турадиган, ҳар бир бурчакда тарихнинг бирор воқеаси юз бериб турадиган бундай «дунё маркази»ни тасаввур қилиб кўринг. Шу билан бирга, Сиз овлоқ, қадимги Парижни эмас, балки ўн тўққизинчи асрдаги Парижни тасаввур қилинг, унда Мольер, Дидро, Вольтер ва уларга ўхшаганлар туфайли уч авлод вакилларига шундай руҳий-маънавий бойлик ато қилиндики, бунақасини бутун ер юзида бир жойга жамланган ҳолда топиб бўлмайти, ана шундай муҳитда зукко Ампер йигирма тўрт ёшида шу даражага етганини шундагина англаб етасиз.

— Сиз ҳозиргина, Меримедек инсоннинг йигирма ёшда ажойиб асарлар яратганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади, дедингиз, — дея сўзида давом этди Гёте. — Мен бунга қарши эмасман ва ўзим ҳам, ёшлиқда бирор жўяли фикр айтишдан кўра бирор дуруст асар ёзиш осонроқ, деб ҳисоблайман. Шуниси борки, Германияда бирор қаламкаш Мерименинг ёшида унинг «Клара Газул»га кирган пьесаларидек пишиқ асарлар ёзишига ишониш қийин. Шубҳасиз, Шиллер «Қароқчилар», «Макр ва муҳаббат», «Фиаско» драмаларини ёзганида жуда ёш эди. Бироқ, очиғини айтадиган бўлсак, бу пьесалар муаллиф билим доирасининг етуклигидан кўра кўпроқ ундаги фавкулудда кучли салоҳиятдан дарак беради. Бунда Шиллер айбдор эмас, балки у мансуб бўлган миллатнинг маданий савияси ва ҳар биримиз ўзимизча олдинга интилишимизда дуч келган мушкулликлар айбдор.

Энди Беранжени олайлик. Қўл учида кун кўрадиган оиладан чиққан, камбағал тикувчининг ўғли, кейин босмахона ишчисининг йўқсил шогирди, ундан сўнг аллақайси идоранинг майда хизматчиси, хуллас, бирорта мактабда ўқимаган, университет таълимини олмаган, шунга қарамай, унинг шеърлари ҳақиқий билим, мислсиз зукколик, қочиримларга, нозик киноя ва шунчалар бадиий етукликка эгаки, тил воситаларидан шундай мохирона фойдаланганки, натижада у нафақат Франция, балки бутун Европа зиёлиларини ҳайратга солди.

Тасаввур қилиб кўринг, мана шу Беранже Парижда эмас, балки Йена ёки Ваймардаги бирорта камбағал тикувчи хонадонида дунёга келиб, кунини зўр-базўр кўриб юрипти, дейлик, ўйлаб кўринг, мана шундай муҳит ва шундай тупроқда униб-ўсган дарахт қандай мева бериши мумкин.

Демак, азизим, такрор айтаман: бирорта истеъдод соҳиби, тез ва самарали равақ топиши учун уни дунёга келтирган миллат етук ақл ва билим эгаси бўлмоғи лозим.

Биз қадимги юнон фожиаларидан ҳайратга тушамиз, аслида алоҳида олинган фожианавислар ўрнига уларни дунёга келтирган давр ва миллатдан ҳайратга тушишимиз керак эди. Чунки, бу фожиалар бир-биридан биров фарқ қилса-да, ижодкорлардан бирортаси бошқаларидан унча-мунча устун бўлса-да, уларнинг ҳаммасини битта характер бирлаштириб туради. Бу — улуғлик. Қудрат, руҳий соғломлик, чин инсонийлик, ўта донишмандлик, юксак фикрлаш тарзи, дунёқарашнинг ёркинлиги ва шу каби ижобий фазилатларнинг жамланмасидир. Биз бу фазилатларни нафақат бизгача етиб келган драматик ва тасвирий санъат асарларида, балки лирик ва эпик асарларда ҳам, шунингдек, файласуфлар, тарихчилар, воизларда ҳам учратамизки, шунда беихтиёр, бундай хислатлар алоҳида шахсларгагина эмас, балки бутун миллат ва бутун даврга хос эканлигига амин бўламиз.

Масалан, Бёрнсни олайлик. У шунинг учун буюкки, ундан олдин ўтганларнинг қадимий кўшиқлари унинг халқининг оғзида яшарди, бу кўшиқлар у бешиқдалигидаёқ қулоғи остида куйланарди, болалиқдан у ўшалар билан бирга ўсди ва мукамал намуналар унга шу қадар кадрдон бўлиб кетдики, гўё бу кўшиқлар унинг илгарига одимлаши учун жонли йўл бўлиб хизмат қилди. Яна у шунинг учун ҳам буюкки, унинг ўз кўшиқлари халқ орасидаги идрокли тингловчиларнинг қулоқларига етиб борди, улар ўроқчилар ва хашак йиғувчи аёллар оғзида такрорланиб, шоирнинг ўзигача эшитилди, майхоналарда қувноқ ҳамшишалар шу кўшиқлар билан унинг истикболига чиқишди.

Биз, олмонларнинг аҳволимиз нақадар аянчли! Менинг ёшлик пайтимда ҳар қалай анча машҳур бўлган халқ кўшиқларининг анчаси халқ оғзида эди. Уларни йиғиб, унутилиб кетишдан сақлаб қолиш вазифаси Ҳердер ва унинг издошлари зиммасига тушди. Лоақал энди улар чоп қилинган ҳолда кутубхоналарда сақланмоқда. Кейинроқ эса, Бюргер билан Фосс қандай ажойиб кўшиқлар яратишди! Улар ўша машҳур Бёрнс кўшиқлари даражасида эмас, халқчил эмас,

деб ким айта олади! Бирок улар халққа етиб бордими, халқдан яна ўзимизга қайтиб келяптими? Улар ёзилган, нашр қилинган ва барча олмон шоирларининг қисматига мос тарзда кутубхоналарда сақланмоқда. Мана менинг шеърларимдан қайсиси яшаяпти? Жуда нари борса, ёқимтой қизгина пианино жўрлигида улардан бирортасини куйлаши мумкин, аммо улар халққа етиб бормади... Италиялик балиқчилар менга «Тассо»дан парчалар куйлаб берган даврларни нечоғлик ҳаяжон билан хотирлайман!

Биз, олмонлар, кечаги кун одамларимиз. Тўғри, охириги юз йилликда маданиятимизни юксалтириш йўлида кўп ишлар қилдик, бирок ҳали бизнинг ҳамюртларимиз чинакам юксак маданиятга эришиб, юнонлар сингари гўзаллик олдида бош эгиб, яхши кўшиқлардан қалблари қувончга тўлгунга қадар кўп асрлар ўтади, ўшанда улар ҳақида, буларнинг варварлик давридан ўтганларига анча бўлган, деб айтишлари мумкин.

1827 йилнинг 4 майи, жума

Гётеникида жаноб Ампер ва унинг дўсти Штапфер шарафига тантанали тушлик берилди. Тушлик маҳалидаги гурунг турли мавзуларда қизгин, шов-шув билан кечди. Ампер Гётега Мериме, Альфред де Виньи ва бошқа таниқли ижодкорлар ҳақида гапириб берди. Гёте шеърларини деярли ҳар кун и ёдга оладиган Беранже кўп тилга олинди. Кимдир Беранженинг севги-муҳаббат мавзусидаги қувноқ шеърларини унинг сиёсий мавзудаги шеърларидан устун қўйса бўладими, деб сўради. Гёте ўз фикрини баён қилиб айтдики, табиатга хос соф ва абадий ҳақиқат фаразгўйликдан юқори тургани сингари соф поэтик сюжет ҳам сиёсийларидан устун туради.

— Умуман олганда, — дея сўзида давом этди у, — Беранже сиёсий шеърлари билан ўз миллати учун хайрли иш қилди. Иттифоқчилар бостириб киргандан сўнг у француз халқининг оёқ ости қилинган ҳис-туйғуларининг ифодачисига айланди. Француз қиролининг император давридаги шон-шуҳратини кўп бора эслатиш орқали халқни руҳлантирди, ҳар бир кулбада унинг хотираси яшаётганини, ҳар ҳолда унинг жабр-зулми давом этишини истамаган ҳолда, унга хос ижобий хислатларни шоир кадрлашини таъкидлади. Ҳозир, бурбонлар ҳукмронлиги остида, у ўзини ноқулай ҳис этяпти, шекилли. Тўғриси, бу заифлашиб қолган сулола! Ҳозирги

французлар эса, гарчи ўзи ҳам юртни бошқаришда иштирок этиш ва имкон туғилганда ўз сўзини айтиш истагидан холи бўлмаса-да, тахт тепасида ниҳоятда юксак фазилатларга эга инсонни кўришни истайди.

Тушликдан сўнг меҳмонлар боққа тарқалиб кетишди. Гёте мени имлаб чақирди-да, ўзи билан бирга Тифурт йўлидаги бутазор бўйлаб извошда айланиб келишга таклиф қилди.

Извошда унинг кайфияти яхши ва мулойим эди. У Ампер билан илик муносабатлар боғлай олганидан қувонар, унинг фикрича, бу олмон адабиётининг Францияда кенг тарқалиши ва тан олинишида яхши самара бериши мумкин.

— Ампер, — кўшиб кўйди у, — ўта билимдон инсон, шубҳасиз, миллий чекланганлик, иззатталаблик, кўплаб ҳамюртларига хос калтабинлик унга тамоман бегона, у ўта онглилиги боис Париж фуқаросидан кўра кўпроқ жаҳон фуқароси ҳисобланади. Ҳар қалай мен Францияда унинг минглаб ҳамфикрлари пайдо бўладиган пайт келишини башорат қилишим мумкин.

1827 йилнинг 6 майи, якшанба

Гётеникида тантанали тушлик бўлди. Яна ўтган кунги меҳмонлар йиғилишди. «Хелена» ва «Тассо» борасида жуда кўп сўз борди. Кейин Гёте бизга 1797 йилда унда Телл ҳақидаги афсонани гекзаметрда эпик дoston сифатида баён қилиш истаги туғилганини айтди. — Ўша йили, — деди у, — яна бир марта кичик кантонларни ва Фирвалдштат кўлини бориб кўрдим ҳамда бу сеҳрловчи, мафтункор ва улугвор табиат мени ўзига шунчалик ром этдики, бу бетакрор манзаранинг бойлиги ва ранг-баранглигини шеърда ифода этиш фикри туғилди. Достонимнинг ҳаётий ва кизиқарли чикиши учун бу фаройиб ўлкага ундан-да фаройиброқ инсон характерлари билан жило беришни маъқул топдим, шу мақсад йўлида Телл ҳақидаги афсона жуда кўл келди.

Менинг назаримда, Телл бақувват, мағрур, болаларча содда қаҳрамон бўлиб туюлди. У юкини елкасига ортиб олганча барча кантонларни кезиб юради, ҳамма жойда уни билишади ва севишади, ҳаммага ёрдам беришга тайёр, ўз иши билан хотиржам машғул бўлганча, ким хўжайину ким хизматкор эканлиги борасида ўйлаб ҳам ўтирмай, хотини, бола-чақалари учун ғамхўрлик қилади.

Гесслерни эса, аксинча, золим деб ўйладим, лекин ўтакетган эмас. Ҳар ҳолда кўнгли тусаб қолса, яхшилик ҳам, ёмонлик

ҳам қилаверади, умуман эса, халқнинг аҳволи яхшими-ёмонми, уни қизиқтирмайди, гўё халқ умуман мавжуд эмасдек.

Инсон табиатидаги энг юксак, энг гўзал туйғулар — она заминга муҳаббат, ҳимояси остидаги Ватан қонунлари, озодлик ва мустақиллик ҳисси, кейин эса, ажнабий бузғунчининг шармандаларча жабр-зулми остида ўзини ниҳоят манфур зулмдан озод бўлиш йўлидаги ниятнинг уйғониши — барча шундай улғу ва олийжаноб хислатлар Вальтер Фюрст, Штауффахер, Мелхтал сингари мард инсонларга хос деб ҳисобладим ва шулар менинг ҳақиқий қаҳрамонларим, онгли равишда ҳаракат қилувчи олий кучларим эди, Телл билан Гесслер, гарчи аҳён-аҳёнда ҳаракат қилишса-да, аслида сушт табиатли персонажлар эди.

Бу ажойиб мавзу бутун хаёлимни эгаллаб олган эди; гоҳида ўзимча гекзаметрларни пичирлаб айтардим. Тасаввуримда сокин ой нурига чўмган кўл, йироқ тоғлардаги шу нур оғушидаги туман жонланарди. Мен буни тонгги қуёш нурида жилваланаётган ўрмон ва ўтлоқларда ҳам кўрардим. Кейин бўронни, момақалдиروقни, тоғ дараларидан бошланиб кўлдаги сокинликни бузиб юборган жалани тасаввур қилардим. Шунингдек, тунги жимжитликда кўприклар ва тоғ сўқмоқларидаги махфий йиғинларни ҳам эсдан чиқармасдим.

Буларнинг ҳаммасини Шиллерга айтиб бердим, унинг дилида мен тасвирлаган манзаралар ва менинг персонажларим драма ҳолига келди. Менинг бошқа ишлар билан бандлигим туфайли бу мавзу тинмай кейинга сурилавергач, бу сюжетни Шиллерга бердим ва у шу асосда ҳайратомуз бир асар яратди.

Ҳаммамизни бирдек қизиқтирган бу ҳикояни ҳузур қилиб тингладик. «Фауст» иккинчи фасли биринчи қисмидаги қуёш чиқиб келишининг терцинада битилган жозибали тасвири мабодо Фирвалдштат кўли атрофидаги табиат манзараларини хотирлаш орқасида дунёга келмадимикан, деган хаёлга бораман, шунга нима дейсиз, — дея сўрадим.

— Бу манзаралар у ерда акс этганини инкор қилмайман, — деди Гёте, — ҳа, ўша мафтункор табиатдан олган янги таассуротларсиз Сиз айтган терциналар дунёга келмаган бўларди. Аммо Теллнинг конидан олинган олтиндан ясаган ягона тангам шугина, холос. Қолганини Шиллерга тақдим этдим, бизга маълумки, у ҳаммасига муносиб жой топиб, жойлаштирди.

Сўнгра «Тассо», Гёте унда қандай вояни кўтарганлиги хусусида гурунглашдик.

— Қанақа воя? — деди у, — чин сўзим, билмайман! Кўз олдимда Тассонинг ҳаёти ва ўз ҳаётим турарди, ана шу икки

фигурани барча ўзига хосликлари билан бирга кўшганимда, тасаввуримда Тассо тимсоли қад ростлади, унга шунчаки фарқлаш мақсадида Антониони қарши қўйдим, дарвоқе, бунинг учун ҳам намуналар етарли эди. Сарой, кундалик турмуш, севги муносабатларига келсак, улар Феррарада кечди нимаю, Ваймарда кечди нима, фарқи кам, мен ўз ижод маҳсулим ҳақида тўла ҳуқуқ билан айтишим мумкин: у менинг суягим ва менинг гўштимдан бино бўлган.

Олмонлар ғалати халқ! Улар чуқур фикрлар ва ғояларни ҳамма жойдан қидириб, ҳамма жойга тикиштириб, ўз ҳаётларини ўзлари мураккаблаштириб юришади. Қани, бир ўзингизда куч топиб, таассуротларга берилиб кўринг, ҳаётдан ҳузур-ҳаловат топинг, ҳиссиётларга берилинг, руҳиятингизни кўтаринг, ўзингизни буюк ишлар қилишга илҳомлантиришга ўрганинг, бироқ бирорта мавҳум фикр ва ғоядан иборат бўлмаган ҳамма нарса беҳуда, дея зинҳор ўйлай кўрманг.

Одамлар мендан, «Фауст»га қандай ғояни сингдирганимни сўрашади. Кошки мен буни билсам ва тушунтириб беролсам! Осмондан тортиб бутун олам бўйлаб дўзахгача — менинг жавобим мана шу бўлиши мумкин, бироқ бу ғоя эмас, балки воқеалар ривожидир. Бундан ташқари, иблисининг гаровда ютқазгани ва мудом яхшиликка интилувчи инсоннинг азобли адашувлардан ниҳоят халос бўлиши — булар, албатта таъсирчан, ниманидир ёритиб берадиган фикрлар, бироқ бутун асар ва ҳар бир кўринишга асос бўладиган ғоя эмас. Бордию мен «Фауст»да тасвир этган бой, ранг-баранг, пасту баланд ҳаётни асарнинг бошдан-охиригача қамраган оддий бир ғоя риштасига тизганимда, чиройликкина асарча юзага келган бўларди-да!

— Тўғриси айтсам, — сўзида давом этди Гёте, — бирор мавҳум тушунчани поэзияга сингдиришга уриниш менинг одатим эмас. Мен ҳаммани ҳаётдан олинган ҳиссиётли, жўшқин, ёқимли, юзлаб кўринишлардаги турфа таассуротларни жонли тасаввуримга сиққунча қалбимга жойлаганман. Шоир сифатида мана шундай манзаралар ва таассуротларни бадиий шаклда қоғозга тушириш асносида уларни тинглаган ёки ўқиган кишиларда ҳам шундай таассурот ҳосил бўлишига ҳаракат қиламан. Мабодо мен ижод маҳсулимда бирорта ғояни кўтариб чиқмоқчи бўлсам, буни аниқ бир мавзу кўтарилган кичик шеърларимга, масалан, «Ҳайвонлар метаморфозаси», «Ўсимликлар метаморфозаси», «Васият» ва шу сингари асарларимга сингдираман. Бошдан-оёқ битта ғояни ўзида жамлаган ягона катта ҳажмдаги асарим — бу «Ҳамроз диллар» романидир. Шу боисдан романи тушуниш осонлашди, бу

билан мен у яхшироқ бўлиб қолди, демокчи эмасман. Менинг фикримча, *бадший асар қанча номутаносиб ва тушунилиши қийин бўлса, шунча яхши бўлади.*

1827 йилнинг 15 майи, сешанба

Жаноб Ҳольтай¹ Париждан келаётиб йўлакай бир муддат Ваймарда тўхтаган эди, буюк шахсияти ва таланти боис ҳамма ерда кучоқ очиб кутиб олинаяпти. У, унинг оиласи ва Гёте ўртасида энг дўстона алоқалар ўрнатилган.

Бир неча кундан буён Гёте боғдаги уйчасига кўчиб ўтган ва тинчгина жойда ижод қилаётганидан хурсанд. Бугун мен жаноб фон Ҳольтай ва граф Шуленбург² билан бирга унинг ёнига бордим, жаноб Ҳольтай Гёте билан хайрлашди, у Ампер билан бирга Берлинга кетмоқчи экан.

1827 йилнинг 25 июли, чоршанба

Яқинда Гёте Вальтер Скоттдан хат олди, бундан у беҳад хурсанд бўлди. Бугун хатни менга кўрсатди ва инглизча дастхатни ўқишда бироз қийналди шекилли, мендан хатни таржима қилишни сўради. Афтидан Гёте машҳур инглиз ёзувчисига олдин хат ёзгану ушбу хат унга жавоб эди.

«Мен бағоят хурсандманки, — деб ёзади Вальтер Скотт, — асарларимдан баъзилари Гётенинг эътиборини ўзига тортипти, мен немис тилини у қадар билмасам-да, 1798 йилда унинг «Гец фон Берлихинген» драмасини инглиз тилига таржима қилишга журъат этган эдим, ўшандан бери унинг мухлисиман. Ёшлигимга бориб, бирор машҳур асарга хос жозибадорликни бошқалар ҳам ҳис этишига эришмоқ учун фақатгина унинг гўзаллигини ҳис этишнинг ўзи кифоя қилмаслигини, асар ёзилган тилни ҳам мукамал билиш лозимлигини ёддан чиқарган эканман. Шунга қарамасдан, ҳалигача ўша ёшлиқдаги уринишимни қадрлайман, негаки, эътиборга молик асарни танлашни билган эканман.

Мен Сиз тўғринида адабиёт ихлосманди бўлган ёш йигит, куёвим Локхарт³дан кўп эшитганман, у бир неча йил олдин, ҳали бизнинг оиламиз билан боғланмай туриб, олмон

¹ *Ҳольтай Карл фон (1798–1880)* — драматург, бадий сўз устаси, Гётега бағишланган «Силезия шеърлари» (1826) китобининг муаллифи.

² *Шуленбург Фридрих Альбрехт, граф (1772–1834)* — Саксониянинг Венадаги элчиси.

³ *Локхарт Жон Жипсон (1794–1854)* — инглиз ёзувчиси, Вальтер Скоттнинг куёви, 1817 йилнинг кузида Гёте хузурида бўлган.

адабиётининг отахони билан танишиш шарафига мушарраф бўлган. Сизга ўз эҳтиромини изҳор қилишга интилувчи ҳамма одамларни эслаб қолишингиз қийин, бироқ менимча, бизнинг оиламизнинг ёш аъзоси қадар Сизни чин дилдан эъзозлайдиган одам топилмаса керак.

Менинг дўстим сэр Жон Хоп фон Пинки¹ яқинда Сизни кўриш бахтига муяссар бўлган, мен шу имкониятдан фойдаланиб, Сизга хат жўнатмоқчи бўлдим, аммо улгурмадим, кейин хатимни Германияга сафар қилишни мўлжаллаган унинг иккита қариндоши орқали бериб юборишга қарор қилдим, афсуски, касаллик туфайли ушбу сафар қолдирилган ва менинг хатим икки-уч ойдан кейин ўзимга қайтиб келди. Сиз олишингиз лозим бўлган хатчадан олдин мен Сиз билан танишиш учун имкон топишга журъат этган эдим.

Европанинг энг буюк зотларидан бири бахтли қариллик гаштини суриб, барчанинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиб яшаётганини билиш даҳонинг барча ихлосмандлари қалбини қувонч ҳиссига тўлдиради. Афсуски, шўрлик лорд Байронга ҳаёт мана шундай бахтли қисматни раво кўрмади, умрининг энг гуллаган даврида ўлим уни орамиздан тортиб олди ва биз ундан умид билан кутган ҳамма нарсани абадий сўндирди. Сиз унга кўрсатган эҳтиромдан боши кўкда эди ва барча ҳозирги авлод ёзувчилари чексиз миннатдор бўлаётган, пастдан туриб унга фарзандлик туйғуси билан нигоҳ ташлашни ўз бурчи деб биладиган шоир олдида қанчалик қарздор эканлигини ҳис этарди.

Узоқ йиллар ўз тасарруфидаги дунёга даҳшатли таъсир ўтказиб келган анави фаройиб одам ҳаёт йўли ҳақидаги қораламамни Сизга юборишни жаноб Тройтель ва жаноб Вюрц²дан илтимос қилишга ботиндим. Аслини олганда, айрим жихатларда мен унинг олдида бурчлиманми-йўқми, билмайман, ҳар ҳолда у ўн икки йил мобайнида елкамда милтик билан халқ милицияси корпусида хизмат қилишга мажбур қилди, шу орада мен туғма чўлоқ бўлишимга қарамай, яхши сипоҳий, овчи ва мерганга айландим. Бироқ қўлга киритган бу фазилатларимни кейинги пайтда биров йўқотдим, шимолий шароитимизнинг офати бўлган ревматизм барча аъзоларимга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Лекин шикоят қилмайман,

¹ *Жон Хоп фон Пинки* – 1825 йилда ўғилларини Мелос пансионати-га элтиб қўйиб, ўзи Ваймарда қолиб кетган. 1827 йилнинг 7 майида Гёте қабулида бўлган.

² *Тройтель ва Вюрц* – парижлик китоб сотувчилар.

негаки ўзим анчадан бери шуғулланмай кўйган овчиликка ҳозир ўфилларим ружу кўйишган.

Катта ўғлим гусарлар эскадронида командир, йигирма беш ёшли йигитча, ҳар қалай, бу етарли бўлса керак. Иккинчи ўғлим яқинда Оксфордда нафис санъат бўйича бакалавр унвонини олди, дунё кезишга кетишдан олдин бир неча ой уйда бўлади. Уларнинг онаси Тангрининг иродаси билан оламдан ўтгандан бери кичик қизим рўзгорни бошқаради, каттаси турмушга чиқиб кетган, ўз оиласи билан яшайди.

Сиз чин дилдан билишга қизиққан одамнинг оилавий аҳволи мана шу. Умуман олганда, катта йўқотишларга қарамасдан, қандай хоҳласам, шундай яшаш учун имкониятим етарли. Биз улкан эски қасрда истиқомат қиламиз, Гётенинг ҳар бир дўсти учун исталган пайтда унинг эшиги очик. Вестибюль, аслида Яхстхаузенда сақланиши лозим бўлган қурол-аслаҳалар билан тўла, унинг эшигини катта ит кўриқлайди.

Тўғриси, мен тириклигида ўзини унутмасликлари учун ҳаракат қилган одамни унутиб кўйибман. Ишонаманки, Сиз менинг асарларимдаги камчиликларни кечирасиз ва муаллифнинг орол кишисига хос хурофотлардан имкон даражасида қутулиб, ўша ажойиб инсонни чин кўнгилдан хотирлашни жуда-жуда истаганини инобатга оласиз.

Бир саёхатчи орқали Сизга хатни жўнатиш учун ҳеч қутилмаганда имкон туғилиб қолди, шошилишда тағин бирор-та кўшимча қилишга фурсатим етмайди, шу боисдан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва хотиржамлик тилаб хатга нуқта қўйишдан ўзга иложим йўқ. Сизга чуқур ва самимий ҳурмат билан

Вальтер СКОТТ.

Эдинбург, 1827 йилнинг 9 июли».

Айтиб ўтганимдек, бу хат Гётени беҳад хурсанд қилди. Шу билан бирга, хатда мақтов сўзлар жуда кўплигини ҳам қистириб ўтди ва бундай сўзларни хат эгасининг зукколиги ҳамда билим доирасининг кенглигидан деб ҳисоблади.

Шунингдек, Гёте Вальтер Скотт ўз оилавий аҳволи ҳақида очиккўнгиллик билан ёзганини ҳам таъкидлади, бу унга дўстона ишонч белгиси бўлиб туюлди.

— Дарҳақиқат, — сўзида давом этди у, — бу ерда менга хабар қилинаётган «Наполеоннинг ҳаёти» китобини ўқишга қизиқиб қолдим. У ҳақда шунчалик кўп қарама-қарши ва қизгин баҳс-мунозараларни эшитдимки, унинг чиндан ҳам қизиқарли эканлигига олдиндан ишончим комил.

Мен ундан, Локхартни эслайсизми, деб сўрадим.

— Бўлмасамчи, — жавоб берди Гёте, — у кишида шундай таассурот қолдирадими, осонликча уни унутиб бўлмайди. Саёхатчи инглизлар ва келинимнинг таъкидлашларига қараганда, бу ёш йигитдан адабиёт соҳасида кўп нарса кутса бўлармиш.

Вальтер Скотт Карлейлни бир оғиз сўз билан ҳам тилга олмагани мени ҳайрон қолдирди, ахир унинг немисларга жиддий муносабат билдиришини Вальтер Скоттнинг билмаслиги мумкин эмас.

Шуниси диққатга сазоворки, Карлейл немис ёзувчилари ҳақида фикр юритаркан, энг муҳим нарса сифатида асосан руҳий-маънавий мағизни биринчи ўринга қўяди. Карлейл юксак аҳамиятга эга бўлган маънавий кучдир. Унинг келажаги порлоқ, у келгусида нималар яратиши ва қандай таъсирга эга бўлишини ҳозирдан айтиш қийин.

1827 йилнинг 26 сентябри, чоршанба

Гёте бугун мени чақиртириб, Хоттелштатга, Эттерсбург чўққисининг ғарбий бурчагига, у ердан Эттерсбургдаги овчилар саройига саёхатга таклиф қилди. Ҳаво ажойиб эди. Биз белгиланган вақтда муқаддас Ёқуб дарвозасидан чиқиб кетдик. Люцендорфдан ўтгач, йўл тоққа томон ўрлай бошлайди ва извош базўр силжий олади, шунда биз теvarак-атрофни бемалол томоша қилишга муваффақ бўлдик. Гёте ўнг томондаги бир гала қушларни кўриб, булар тўрғайларми, деб сўради. «Буюк ва севимли дўстим, — деган хаёл кечди миямдан, — табиатни бошқалардан кўра чуқурроқ ўрганган бўлсанг-да, орнитология соҳасида ҳали бола кўринасан».

— Булар чумчуқлар, — жавоб қайтардим мен, — Эттерсбург бутазорларида туллагандан сўнг, пастга, боғ ва дала-ларга учиб келиб, иссиқ ўлкаларга кетишга ҳозирланаётган бир қанча кечиккан мойқутлар ҳам бўлиши мумкин, аммо тўрғайлар эмас. Тўрғайлар ҳеч қачон бутоқларга қўнишмайди. Дала ёки осмон тўрғайлари ҳавога тик кўтарилишади-да, яна ерга қўнишади, ҳатто кузда ҳам улар тўда-тўда бўлиб, осмонда учишади-да, дам олиш учун бутоқларга эмас, ерга қўнишади. Ўрмон тўрғайлари, аксинча, баланд дарахтларнинг учига чиқиб олишади ва хониш қилганча ўша ердан осмонга кўтарилиб, яна ўз севимли жойларига коптокдек келиб тушишади. Тўрғайларнинг яна бир тури мавжуд: уларни ўрмон сайхонликларининг жануб тарафидаги хилват гўшаларда учратиш мумкин, уларнинг хонишлари ҳам сибизға товуши син-

гари майин ва бироз ғамгин. Ўрмон тўрғайи Эттерсбургда макон тутмайди, у ерда шовкин-сурон, одамлар кўп, шундай бўлса-да, бутоқларга кўнмайди.

— Ҳм! — деди Гёте, — афтидан Сиз бу масалада тажрибали кўринасиз.

— Мен қушларнинг одатларини болалигимдан қизиқиб ўрганаман, — жавоб бердим мен, — қулоғим ва назарим билан уларни тинимсиз кузатганман. Мен қайта-қайта бўлмаган бирорта жой Эттерсбург ўрмонларида топилмаса керак. Мана энди, ўрмонда бирон хониш қулоғимга чалинса, қайси қуш куйлаётганини дарҳол билиб оламан, бу соҳанинг шунчалик ҳавосини олганманки, агар тутқунликда ёмон парвариш қилиш оқибатида патларидан айрилган қушни менга келтиришса, тез орада уни соғайтириб, патларини қайта ўстириш йўлини ҳам биламан.

— Ҳа, кўриниб турипти, Сиз бу жабҳада кўп меҳнат қилгансиз, — деди Гёте, — Сизга маслаҳатим, бу ишни бундан кейин ҳам жиддий давом эттиринг, бундай иштиёқ билан шуғулланишингиз жуда яхши самара келтириши мумкин. Менга қушларнинг туллаши ҳақида бироз гапириб беринг. Сиз ҳозиргина, туллаб бўлгандан сўнг, Эттерсбург ўрмонларидан далаларга кечикиб учиб келган мойқутлар ҳақида гапирдингиз. Нима, туллаш аниқ бир вақтда юз берадими, ҳамма қушлар бир вақтда туллайдими?

— Кўпчилик қушларда, — жавоб бердим мен, — туллаш жўжа очиб чиққандан кейин, тўғрироғи, охириги полапон ҳам тухумдан чиқиб, улар ўзларини эплайдиган бўлганларидан кейиноқ бошланади. Энди, барча полапонлар учиб кетишга тайёр бўлгунларича онасида тўлиқ туллаб, янги пат пайдо қилиш учун вақт етарли бўладими, деган савол туғилади. Агар вақт етса, у шу ерда туллаб, янги пат билан учиб кетади. Вақт етмаса, эски патлари билан учиб кетади-да, ўша иссиқ ўлкада туллайди. Чунки қушлар бу ерларга бир вақтда қайтишмайди, кузда ҳам бир вақтда йўлга тушишмайди. Бунинг сабаби шундаки, баъзи бир қушлар совуқ ва изғиринли ҳавога бошқаларига нисбатан чидамлироқ бўлишади. Биз томонларга эрта қайтган қушлар иссиқ ўлкаларга кеч учиб кетишади, кеч қайтганлари эса, эрта кетишади.

Ягона турга мансуб бўлган мойқутлар орасида ҳам катта фарқ бор. Оқбош мойқутлар хониши март охириданок эшитила бошлайди, икки ҳафтадан сўнг қорабош мойқутлар — уларни монах ҳам дейишади — учиб келишади, бир ҳафталар ўтгач, булбул, апрелнинг охири ёки майнинг бошларида

кулранг мойкут пайдо бўлади. Бу кушларнинг ҳаммаси август охирида туллайди, полапонлари ҳам ўша пайтда тухумдан чиқади, август охирида аллақачон бошчалари қорайиб қолган ёш монахларни тутиш қийин эмас. Энг кейин тухумдан чиққан полапонлар дастлабки патларида учиб кетишади ва кейинчалик жанубда туллашади, шу боисдан сентябрнинг бошида ёш монахларни, яъни худди оналарига ўхшаган қизил бошли монахларни тутиб бўлади.

— Демак, — сўради Гёте, — кўнғир мойкутлар ҳаммадан кейин биз томонларга учиб келишаркан-да, ёки улардан ҳам кечроқ келадиганлари борми?

— Сарик тақлидчи-сайроқи кушлар ва мафтункор олтинранг зарғалдоқлар троица байрамга яқин етиб келишади, — жавоб бердим мен, — ҳар иккала тур ҳам август ўрталарида тухумларини тўлиқ очиб бўлгач, учиб кетишади, ўзлари ҳам, болалари ҳам жанубда туллашади. Мабодо улар қафасда ушлаб турилса, қишда туллашади, шу сабабли уларни асраш мушкул. Улар иссиқни хуш кўришади. Печка ёнига осиб қўйса ҳам бўлади-ю, аммо тоза ҳаво етишмаслигидан заифлашиб қолишади, дераза ёнига осиб қўйилса, узун қиш тунларида совукдан дилдираб қолишади.

— Бундан чиқадики, — деди Гёте, — туллаш касаллик ёки кам деганда, жисмоний заифликни келтирувчи ҳолат, шундайми?

— Унчалик эмас, — жавоб бердим мен, — буни тирик организмнинг юқори даражадаги фаолияти деса бўлади, бу ҳолат очик ҳавода қушнинг саломатлигига заррача ҳам таъсир кўрсатмасдан, бешикаст кечади, айрим бақувват турларида эса, хона шароитида ҳам безиён ўтади. Мен мойкутларни сақлаган эдим, бутун туллаш давомида ҳам улар хониш қилишдан тўхташмаган: бу — уларнинг аҳволи яхшилигидан нишона эди. Бордю қафасдаги мойкут туллаш пайтида касалдек кўринса, демак, уни дон, сув қониктирмаган ёки тоза ҳаво етишмаган бўлади. Хона шароитида ҳаво ва эркинлик камлигидан заифлашиб қолса, уни дарҳол тоза ҳавога олиб чиқиш зарур, шунда у тезда фаоллашади ва туллаш жараёни тезлашади. Озодликдаги қушда туллаш шу қадар енгил, бир маромда кечадики, ҳатто буни ўзи ҳам сезмай қолади.

— Сиз бундан олдин, мойкутлар туллаш чоғида қалин ўрмон ичига кириб кетишади, дедингиз, — деди Гёте.

— Албатта, — жавоб қайтардим мен, — бу пайтда улар маълум бир ҳимояга муҳтож бўлишади. Шунингдек, табиат ҳам бу маънода ўз оқиллиги ва мўътадиллигини намоён

килади, куш туллаш даврида емиш топиш умидида учолмай қолиш даражасида пат йўқотмайди. Тўғри, масалан, у чап ва ўнг қанотидаги тўртинчи, бешинчи ва олтинчи йирик патларини бирданига йўқотиши мумкин, ўшанда ҳам яхшигина уча олади, бироқ йирткич қушнинг, айниқса, тезкор ва чапдаст жиғалтой¹нинг ҳужумидан ҳимояланиш даражасида эмас, шундай пайтда тўқайзор унга жуда қўл келади.

— Бу жуда қизик, — деди Гёте, — демак, қушларнинг ҳар иккала қанотлари ҳам бир вақтда, бир хилда туллар экан-да?

— Менинг кузатишларим бўйича шундай, — жавоб бердим мен, — бу жуда яхши. Бордию қуш чап қанотидаги учта йирик патдан жудо бўлса-ю, ўнг қанотидаги патлар тушмаса, унда қанотлар ўз мувозанатини йўқотган ва қуш ўз ҳаракатини керакли даражада бошқаролмай, бир томонидаги елкан офир-у, иккинчи томонидагиси жуда енгил кемага ўхшаб қолган бўларди.

— Буни қаранг-а, — деди Гёте, — табиатга қайси томондан ёндошма, ундан бир ҳикмат топасан киши.

Бу орада извошимиз секин-аста тоғ тепасига кўтарила борди ва ниҳоят, қайинзор четига етиб келдик. Шундан сўнг биз тошлар уюлиб ётган тош кони ёнидан ўтдик. Гёте отларни тўхтатишни буюрди-да, мендан пастга тушиб, тош қотган ҳайвон ёки ўсимлик қолдиқлари бор-йўқлигини текширишни сўради. Мен бир неча чиганоклар ва бўлак-бўлак бўлиб кетган моллюскаларни топиб, уларни Гётега узатдим-да, жойимга ўтирдим. Кейин яна йўлга тушдик.

— Яна ўша эски гап! — деди Гёте. — Демак, бу ер денгиз туби бўлган! Мана шу юксакликдан Ваймарга ва унинг атрофидаги қишлоқларга назар ташласанг, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши, наҳотки бир вақтлар ўша ерларда китлар сузиб юрган. Шунга қарамай, бу ҳақиқат, ҳеч бўлмаганда ҳақиқатга яқин. Ҳар қалай, ўша кезларда мана шу тоғ устини қоплаган денгиз узра учиб ўтган чайка ҳам, шубҳасиз, бугун икковимизни шу ердан извошда ўтади, деб ўйламаган бўлса керак. Ким билади дейсиз, бир неча минг йиллардан сўнг чайка яна мана шу тоғлар узра учиб ўтар, эҳтимол.

Энди тоғ тепасига етгач, жадалроқ кета бошладик. Ўнг тарафимизда эман, қора қайинлар ва бошқа япрокли дарахтлар ўсиб ётарди. Ваймар ортимизда кўринмай қолган

¹ *Жиғалтой* — лочинлар оиласига мансуб йирткич қуш.

эди. Биз ғарб томондаги чўққига етдик, кўплаб қишлоқлар, шаҳарчалардан иборат Унштрутнинг бепоён водийси қуёш нури қўйнида кўз ўнгимизда ястаниб ётарди.

— Бу ер дам олиш учун қулай, — деди Гёте кучерга тўхташни буюраркан. — Менимча, шундай ёқимли ҳавода бироз тамадди қилиб олсак ҳам ёмон бўлмасди.

Биз пастга тушиб, кучли шамоллар таъсирида қинғирқийшиқ бўлиб ўсган, пакана эманлар остидаги қуп-қурук ерда у ёқ-бу ёққа юрдик, бу орада Фридрих уйдан келтирилган нонуштани чиқариб, ўтлар ўсиб ётган тепача устига дастурхон ёзди. Куз қуёшининг ёрқин тонгги нурида бу ердан кўзга ташланган манзара тасвирлаб бўлмас даражада мафтункор эди. Жанубда ва жануби ғарб томонда Тюрингия ўрмонли тизма тоғлари, ғарбда, Эрфурт ортида улкан Гота қасри ва Инзельберг кўзга ташланади, ундан нарида, шимол томонда, Лангензалца ва Мюнхаузен ортида ҳам тоғлар қад ростлаган, шимол тарафдаги кўкиш Ҳарц тоғларини киши назари зўрға илғайди. Мана бу шеър ёдимга тушди:

*Яқин йироқ манзиллар оша,
Уфуради ҳаёт нафаси.
Унда яшар не-не одамзод,
Чўққиларда кезар боқий руҳ
Ваъда бериб абадий ҳаёт.*

(Ваҳоб РАҲМОНОВ таржимаси.)

Биз эманларга орқа ўгириб ўтирдик, шунда нонушта давомида поёнсиз Тюрингиянинг ярим манзараси бизга кўриниб турди. Янги пиширилган оқ нонга қўшиб иккита қовурилган қирғовулнинг додини бергач, устидан бир шиша ажойиб винони букланувчан олтин қадахда ичдик, одатда Гёте уни саёҳатлар чоғида сариқ чарм филофда олиб юрарди.

— Мен бу ерда тез-тез бўлиб тураман, — деди у, — кейинги йилларда, эҳтимол кўз олдимда ястаниб ётган бой ва гўзал оламни бу ердан туриб сўнгги бор кузатаётгандирман, деган ўй миямга тез-тез келадиган бўлиб қолган. Бироқ ҳар гал яна қайтиб келавераман, ишонаманки, икковимиз бугунги кунни маза қилиб ўтказаётганимиз ҳам охиргиси эмас. Бундан буён бу ерга кўпроқ келиб турамиз. Уйдаги тор муҳитда одам ҳолдан тойиб қолади. Бу ерда одам ўзини баайни кўз ўнгидаги табиатдек улурвор ва эркин ҳис этади, одам ҳамиша ўзини шундай ҳис этса зўр бўларди.

— Мен ушбу маскандан туриб, — сўзида давом этди Гёте, — узун умрим давомида бошдан кечирган жуда кўп қимматли

воқеалар билан борлиқ жойларни кўраман. Анави Илменау тоғида-ку ёшлик чоғларимда нималарга гувоҳ бўлмадим дейсиз! Севимли Эрфуртдаку қандай ғаройиб саргузаштлар юз берган эди! Ўша кезларда мен Готага ҳам жуда серқатнов эдим, мана неча йиллардан бери у ёққа қадам босмадим.

— Мен Ваймарга келганимдан буён, — дедим мен, — Готага борганингизни эслолмайман.

— Бунинг асосли сабаблари бор, — кулиб жавоб қайтарди Гёте. — У ерда мени унчалик ёқтиришмайди. Ҳозир Сизга нима бўлганини айтиб бераман. Ҳозир тахтда ўтирган ҳукмдорнинг онаси ҳали ёш, гўзал бўлган пайтда у ерда кўп бўлиб турардим. Бир куни кечқурун у билан ёлғиз чой ичиб ўтирганимизда, иккала шахзода, ўн-ўн икки ёшлардаги ёқимтойгина, малла сочли болакайлар чопқиллаб кириб келишди-да, ёнимизга ўтиришди. Одатдаги шўхлигим тутиб, иккала шахзоданинг сочларидан чангалладим-да: «Хўш, болакайлар, сизларга нима керак?» дедим. Болалар менинг диллигимдан хайратланишиб, бақрайиб қараб қолишди ва бу қилигимни ҳеч қачон кечиришмади.

Бу билан мактанмоқчи эмасман, аммо бўлар иш бўлган ва бу юрагимда чуқур ўрнашиб қолган: олий табақаларга хос обрў-эътибор, агар унга юксак инсоний фазилатлар, инсоний кадр-қиммат етакчилик қилмаса, менда ҳеч қачон ҳурмат ҳиссини уйғотмаган. Бунинг устига, ўз-ўзимча аҳволим шундай яхши, ўзимни шу қадар буюк ҳис этардимки, бордию мени князлик рутбасига кўтаришса ҳам хайрон қолмаган бўлардим. Менга дворянлик ёрлигини тақдим этишганда, кўплар энди бу ўзини еттинчи осмонда сезса керак, деб ўйлаган эди. Лекин, ўзаро гапу, мен бунга мутлақо аҳамият бермадим! Биз, франкфуртлик патрицийлар¹, ўзимизни дворянлар қаторида ҳисоблаб келганмиз, бу ёрлиқни қабул қилиб олганимда, гўё мен бу ёрлиққа илгаридан эга бўлгандек туюлди.

Олтин қадахдан яна бир марта вино ичгач, Эттерсбургнинг шимол тарафидан айланиб ўтдик-да, Эттерсбург овчилар саройи томон йўлга тушдик. Гёте илтимосига кўра барча хоналарни очишди, уларда рангдор гулқовозлар, расмлар илиб ташланганди. Гёте менга, иккинчи қаватнинг бурчагидаги деразаси ғарб томонга очиладиган хонада бир вақтлар Шиллер яшаганини айтди.

— Умуман олганда, — сўзида давом этди у, — ўша даврларда биз бу ерда бир қанча хуш дамларни ўтказганмиз,

¹ Патрицийлар — ўрта асрларда шаҳар зодагонлари.

тўғрироғи, уларни елга совурганмиз. Ҳаммамиз шижоатли ёшлар эдик, ёз ойларида тайёргарликсиз спектакллар кўярдик, қипда тўйгунча ракс тушардик, машғалалар кўтариб музда учардик.

Яна ташқарига чиқдик, Гёте мени ғарбий йўналиш бўйлаб сўқмоқ йўлдан ўрмон томонга бошлади.

– Ҳозир Сизга, бундан эллик йил бурун биз исмлари-мизни танасига ўйиб ёзган қора қайинни кўрсатаман, — деди у. — Аммо бу ерда ҳамма нарса ўзгариб, ўсиб кетган! Мана, ўша дарахт шу бўлса керак! Қаранг, у ҳалиям жозибадорлигини йўқотмапти. Исmlаримиз ҳам унча-мунча сезилади, бироқ қинғир-қийшиқ бўлиб, дарахт танасига кўшилиб кетган, уларни ўқиб ҳам бўлмайди. Ўша пайтда бу дарахт қурук, очик жойда эди. Атрофига ҳамиша қуёш нури тушиб турар, роҳатижон ёз кунларида шу ерда спектаклларимизни кўярдик. Ҳозир эса, бу ер нам, ёқимсиз. Ўша пайтдаги буталар энди баланд дарахтларга айланиб, уларнинг орасидан ёшлигимиздаги басавлат қора қайинларни топиш мушкул.

Биз саройга қайтиб келдик, бой қурол-аслаҳа мажмуасини томоша қилгач, Ваймарга қайтдик.

1827 йилнинг 27 сентябри, пайшанба

Бугун тушдан кейин бир зумга Гётеникига кирган эдим, у ерда яширин маслаҳатчи жаноб Штрекфус¹ билан танишдим, икковлари тушгача извошда сайр қилишиб, кейин шу ерда тушлик қилган эди. Штрекфус кетмоқчи бўлганди, мен уни кузатиб қўйдим ва боғда бироз айландим. Қайтишда бозор майдонидан ўтаётиб, канцлер билан Раупахни учратиб қолдим ва улар билан бирга «Фил»га кетдим. Кечқурун яна Гётеникига бордим, у мен билан «Санъат ва мозийлик» журналининг янги сонини, шунингдек, ака-ука Рипенхаузенлар²нинг ўн икки варақ қаламтасвирларини муҳокама қилди, улар Полигнот³ картиналарини Павзаний⁴ изоҳлари бўйича қайта тиклашга ҳаракат қилишган эди. Бу ниятни Гёте маъқуллади.

¹ Штрекфус Карл (1779 – 1844) берлинлик бош маслаҳатчи, шоир ва таржимон.

² Рипенхаузен – Франц (1786 – 1831), Йоханн (1789 – 1860) – олмон рассомлари.

³ Полигнот (мил.авв. V аср) – қадимги юнон рассоми ва ҳайкалтароши.

⁴ Павзаний (мил.авв. II аср) – қадимги юнон ёзувчиси ва саёҳатчиси.

1827 йилнинг 1 октябри, душанба

Театрда Хувальднинг «Портрет» асарини кўйишди. Икки кўринишдан кейин Гёте хузурига кетдим. У менга янги «Фауст»нинг иккинчи фаслини ўқиб берди.

— Қирол тимсолида, — деди у, — мен монархни тасвирлашга интилдим, унда ўз мамлакатидан жудо бўлишнинг барча белгилари мавжуд ва охири жудо бўлади ҳам.

Мамлакат ва фуқаролар фаровонлиги ҳақида мутлақо қайғурмайди, у нукул ўзи ҳақида, янги-янги кўнгилочар тadbирлар ҳақида ўйлайди. Мамлакатда на қонун, на қоида бор, судьялар ҳам жинойтчилар тарафида, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган жинойтлар содир бўлади ва ҳеч ким ҳеч қандай жазога тортилмайди. Аскарларга маош берилмайди, уларда интизом деган нарса йўқ, улар ўз ҳаётларини ўзлари таъминлаш учун тинмай ўғирлик қилишади. Давлат ғазнаси бўм-бўш, даромад келадиган манбанинг ўзи йўқ. Қирол саройидаги аҳвол ҳам бундан аъло эмас, ошхона ва омборда озиқ-овқат етишмайди. Саройдаги иш бошқарувчи саросимада қолган, нима қилишни билмайди, судхўр-жухудларга ҳамма нарсани қарзга бериб бўлган, хуллас, қирол дастурхонига қолган-қутган нондан бошқа кўйиладиган ҳеч вақо йўқ.

Давлат маслаҳатчиси қирол ҳазрати олийларига барча жинойткорликлар ҳақида ҳисобот беришга, буни барча муҳокама қилишга уриниб кўради, бироқ қирол ҳазратлари бундай ёқимсиз гапларни эшитишни ҳам истамайди ва кайфсафога берилади. Мефистофелнинг ҳақиқий қиёфаси айни мана шу ерда очилади ва у аввалги масхарабозни четлаштириб, ўзи унинг ўрнини эгаллаб, қиролнинг маслаҳатгўйига айланади.

Оломоннинг шовқин-сурони билан бўлиниб турган бу фаслни Гёте зўр маҳорат билан ўқиди ва мен ҳам буни тинглаб, кечни мароқ билан ўтказдим.

1827 йилнинг 7 октябри, якшанба

Бугун эрталаб ҳаво ажойиб, биз Гёте билан соат саккиз бўлмаёқ извошда Йенага йўл олдик, у ерда эртагача бўлишни режалаштирган эди.

Йенага етиб борганданоқ ботаника боғига кетдик, у ерда Гёте буталар, ҳар хил ўсимликларни кўздан кечирди ва барчаси яхши ривожланишда эканлигидан хотиржам бўлди. Шундан сўнг маъданшунослик хонасини ва айрим бошқа табиатшуносликка оид мажмуаларни бориб кўрдик, кейин бирга

тушлик қилиш учун бизни кутаётган жаноб фон Кнебел ҳузурига кетдик.

Хийла кексайиб қолган Кнебел урина-сурина эшик олди-ча келди-да, Гёте билан қучоқлашиб кўришди. Овқат маҳали ҳаммамиз кўтаринки, хуш кайфиятда ўтирдик, бироқ муҳим мавзулардан сўз очилмади. Икки эски кадрдонлар учун бирга ўтирганларининг ўзи етарли эди.

Тушликдан сўнг Заале дарёси соҳили бўйлаб жануб тарафга кетдик. Бу мафтункор жойлар менга илгаридан таниш эди, шундай бўлса-да, ҳаммаси худди янги кўраётгандек менга кучли таъсир қилди.

Йенага қайтганимиздан сўнг Гёте хайдовчидан ариқ қирғоғи бўйлаб юришни ва ташқарисидан унча диққатни тортмайдиган бир уй олдида тўхташни сўради.

— Бу ерда Фосс яшаган, — деди у, — энди Сиз ҳам бу муқаддас заминга оёқ қўйишингизни истайман.

Биз зал орқали ўтиб, боққа чиқдик. Боғда на гул, на бошқа ўсимликлар ўсарди, биз мевали дарахтлар остидаги ўтлар устида юрдик.

— Буларни Эрнестина¹ жуда кадрларди, — деди Гёте, — у шу ерда ҳам ўзининг Кутиндаги хуштаъм олмаларини унутолмасди, уларга тенг келадигани дунёда йўқ, дерди. Булар унинг болалик давридаги олмалар эди — ҳамма гап шунда! Ҳар ҳолда мен бу ерда Фосс ва унинг гўзал Эрнестинаси билан бир қанча ажойиб дамларни ўтказган эдик, мен у кунларни юрагим орзиқиб хотирлайман. Фоссдек инсон ҳали-бери дунёга келмаса керак. Немис маданияти тараққиётига ҳеч ким ундан ортиқ таъсир кўрсатолмаган. Унинг жуссаси пишик, ҳар жиҳатдан соғлом эди, шу боисдан бўлса керак, юнонларга нисбатан мутлақо табиий назар билан қарарди, бунинг натижаси ўлароқ биз ва бошқалар учун бениҳоя чиройли мевалар етилди. Кимки унинг аҳамиятини мендек тушуниб етмаса, унинг хотирасини муносиб тарзда ёдга олишни билмайди.

Бу орада соат олтига яқинлашиб қолди, Гёте «Айиқ» меҳмонхонасида буюриб қўйган кўноқ жойимизга кетар вақти бўлди. Бизга иккита каравот қўйилган альков²ли каттагина хонани беришди. Ҳозиргина ботган куёш нурларининг сўнгги акси деразаларимизга тушиб турар, бир муддат чироқ ёқмай гира-ширликда ўтирдик.

Гёте яна Фосс ҳақида сўз бошлади.

¹ Фосс Эрнестина (1756–1831) — Йоханн Фосснинг хотини.

² Альков — хонанинг каравот қўйиладиган тахмонсимон маҳсус жойи.

– Мен уни жуда кадрлар эдим, – деди у, – уни ўзим ва академия учун сақлашни хоҳлаган эдим. Бироқ Хайдельбергда унга шундай қулай шароитни тавсия қилишдики, уни бизнинг бечорахол маблағимиз билан зинҳор тенглаштириб бўлмасди. Мен уни юрагим зирқираганча жўнатиб юбордим.

– Бахтимга ёнимда Шиллер бор эди, – сўзида давом этди Гёте, – чунки табиатан биз ҳар хил феъл-атворга эга бўлсак-да, интилишларимиз, мақсадимиз бир эди, шу нарса муносабатларимизни шу қадар яқин қилдики, биз тирикликни бир-биримизсиз тасаввур қилолмасдик.

Кейин Гёте дўсти билан боғлиқ айрим қизик воқеаларни сўзлаб берди, мен уларни жон қулорим билан тингладим.

– Улуғвор характери туфайли бўлса керак, Шиллер ўзига кўрсатилган ва кўрсатиладиган ҳар қандай ичи бўш ҳурмат-эҳтиромлару бемаъни мактовларни ёқтирмасди. Бир гал Коцебу унинг шарафига намоёиш уюштирмоқчи бўлганида, бу шунчалик унинг ғашини келтирган эдики, ғазабланавериб ҳатто касал бўлиб қолган эди. Бирорта нотаниш мухлис унинг ҳузурига келса ҳам ана шундай ғазабланар эди. Агар у ўша одамни дарҳол қабул қилишга имкони бўлмаса-ю, унинг ташрифини кейинга суриб, айтайлик, кундузи соат тўртга белгиласа, ўша вақтга бориб ваҳимадан касал бўлиб қоларди. Шундай пайтларда у, одатда, тажанг ва қўпол бўлиб кетарди. Бир куни бир жарроҳ огоҳлантирмасдан унинг ҳузурига кирганда, унинг ёқасидан олгудек бўлганига ўзим гувоҳ бўлганман, шўрлик қандай қилиб тезроқ қочиб қолиш йўлини билмай шошиб қолган.

– Биз, айтиб ўтганимдек, ҳаммага маълум бўлганидек, – дея сўзида давом этди Гёте, – мақсадларимиз бир бўлса-да, бутунлай турлича одамлар эдик. Фақат маънавий эмас, жисмоний томондан ҳам Шиллерга маъқул бўлган ҳаво мен учун захар эди. Бир куни уникига борсам, уйида йўқ экан, хотини унинг ҳозир келиб қолишини айтди, нималарнидир ёзиб олиш учун унинг иш столига ўтирдим. Бироқ ҳеч қанча ўтирмасдан негадир кўнглим беҳузур бўла бошлади, бу ҳолат борган сари зўрайиб, ҳушдан кетиш даражасига етдим. Мен учун ноодатий бўлган бу ҳолатнинг сабабини дастлаб билолмадим, кейин столнинг ёнгинасидаги тортмасидан бадбўй хид келаётганини пайқадим. Уни очсам, не кўз билан кўрайки, ичида тўла сасиган олмалар ётарди. Дарров ўрнимдан туриб дераза олдига бордим-да, тоза ҳаводан нафас олдим ва шу захоти ўзимга келдим. Шу пайт хотини кириб келди, унинг гапига қараганда, тортмада ҳамиша сасиган олмалар туриши керак

экан, бу бадбўй хид Шиллерга ёқаркан, шусиз у яшаёлмас ва ишлаёлмас экан.

— Эртага эрталаб, — давом этди Гёте, — Сизга Йенада Шиллер яшаган жойни кўрсатаман.

Шу орада шам келтиришди, биз енгил тамадди қилиб олдик, бир муддат хотираларга берилиб, гурунглашиб ўтирдик.

Мен Гётега, болаликда кўрган, эртасигаёқ ижобат бўлган бир тушим ҳақида гапириб бердим.

— Мен учта уруғхўр сайроки кушчаларни катта қилган эдим, — дея сўз бошладим, — уларга ниҳоятда боғланиб қолган ва уларни ҳамма нарсадан ортиқ яхши кўрардим. Улар хонамда бемалол учиб юришар ва мен эшикдан кирсам, менга томон учиб келиб, қўлимга кўнишарди. Бир кунни ёмон иш бўлди: хона эшигини очишим биланок биттаси бошим устидан учиб ўтди-да, уйдан чиқиб кетди, қаёққа кетганини билмай қолдим. Уни кун бўйи қидирдим, ҳамма томларни кўриб чикдим, кеч киргач, ундан ном-нишон тополмай ғам-ҳасратда қолдим. Ичимга чирок ёқса ёришмай ухлашга ётдим ва тонгга яқин мана бу тушни кўрдим: гўё кўшни томларда йўқолган қушимни излаб юрганмишман. Тўсатдан унинг овозини эшитибман ва уни боғимиз орқасидаги кўшни уйнинг томида кўриб, уни ўзимга томон имлабман, у менга яқинлашибди, дон умидида мен тарафга келишга ҳаракат қилармиш-у, бироқ қўлимга кўнишга журъат қилолмасмиш. Шунда, худди ўнгимдагидек, хонамга югуриб бориб, ликопчада ивитилган сурепка¹ уруғини келтирибман, унинг яхши кўрадиган донини кўрсатсам, келиб қўлимга кўнганмиш, мен қувона-қувона уни иккала шериклари ёнига келтирибман.

Шу билан уйғониб кетдим. Аллақачон тонг ёришиб қолган эди, апил-тапил кийиниб, боғ орқали, тушимда қушни кўрган ўша уй томонга югура кетдим. Қушимнинг ростдан ҳам ўша жойда эканлигини кўриб ҳайратдан қотиб қолдим! Тушимда кўрган воқеалар айнан такрорланди: мен уни имладим, у яқинлашди, лекин қўлимга келиб кўнишга иккиланди. Шунда уйга югуриб бориб дон олиб келдим, у учиб келиб қўлимга кўнди ва мен уни шериклари ёнига келтирдим.

— Болалигингизда бўлган бу воқеа, — деди Гёте, — жуда фаройиб. Гарчи биз ҳали бундай воқеаларга қалит топмаган бўлсак-да, табиатда бунақаси кўп учраб туради. Биз сирли

¹ Сурепка — сарик гулли ёввойи ўт.

зулматда адашиб қолганмиз. Бизни қандай муҳит ўраб турганини, унда нималар содир бўляпти-ю, бизнинг руҳиятимиз билан улар ўртасида қандай боғлиқлик борлигини мутлақо билмаймиз. Бир нарса аниқ: шундай ҳолатлар бўладики, қалбимизнинг пайпаслагичлари гоҳида унинг жисмоний чегараларигача етиб боради ва улар пайпаслагичларга нафақат яқин келажакни олдиндан ҳис этишни, балки уни очиқ-равшан кўра олиш имконини беради.

— Яқинда шунга ўхшаш ходисанинг гувоҳи бўлдим, — дедим мен, — Эрфурт шоссеси бўйлаб сайрдан қайтаётганимда, Ваймарга етишимга ўн дақиқалар қолганда, театр муюлишидан йиллар давомида мен кўрмаган, хатто хаёлимга ҳам келтирмаган бир аёл чиқиб келганини ички бир нигоҳ билан кўрдим. Уни учратишим мумкин, деган ўйдан ташвишга тушдим ва ўн дақиқа олдин хаёлимда кўрган айна ўша жойда, театр муюлишидан қайрилган ерда рўпарамда пайдо бўлганда хайратдан лол бўлиб қолдим.

— Бу ғаройиб ҳодиса ҳам, шубҳасиз, тасодифий эмас, — жавоб берди Гёте, — айтиб ўтганимдек, биз сир-синоатлар оламида пайпасланиб юрибмиз. Шу билан бирга, бир қалб бошқасига жимгина мавжудлиги билан таъсир ўтказиб туради, мен бунга кўплаб мисоллар келтиришим мумкин. Кўпинча шундай бўладики, бирорта яқин танишим билан чуқур ўйга толиб кетаётганимда, у худди менинг миямда кечаётган ўйлар ҳақида сўз очади. Бир одамни биламан, у ўз руҳий қудрати билан қизгин баҳс-мунозара юритаётган кишиларни тўсатдан жим қилиб қўя олади. Бундан ташқари, у қувноқ даврани бирпасда ғамгин қилиб қўйиши мумкин. Аслида ҳар биримиз сеҳрли, мўъжизавий қудратга эгамизки, у оҳанрабо сингари ўзига ўхшаш ёки зид нарса тўқнаш келишига қараб ўз томонига ниманидир тортади ва ниманидир ўзидан нари итаради. Айтайлик, ёшгина қиз бола уни ўлдиришга чоғланган бир одам билан қоронғи хонада турса-ю, бунинг борлигини билмаса-да, беихтиёр унинг ҳозирлигини ҳис этиб, бирданига юрагини кўркув эгаллаб олиши ва хонадан оила аъзолари ёнига отилиб чиқиб кетиши табиий бир ҳол.

— Бир операдаги кўриниш ҳозир ёдимга тушди, — жавоб қайтардим мен, — узоқ муддат учрашмаган икки севишганлар ўзлари билмаган ҳолда битта қоронғи хонага кириб қолишади. Бир неча дақиқадан сўнг мўъжизавий қудрат ҳаракатга келади, бири иккинчисининг яқинлигини ҳис эта бошлайди, улар беихтиёр бир-бирларига интилишиб, қиз йигитнинг қучоғида пайдо бўлади.

— Бундай сеҳрли қудрат, — деди Гёте, — севишганлар ўртасида янада кучлироқ сезилади, ҳатто узокдан ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ёшлигимда бунақа ходисалар кўп бўлган, ёлғиз ўзим сайр қилиб юрганымда бутун борлигимни суюкли қизимга бўлган интилиш қамраб оларди-да, тинмай уни ўйлайверардим ва ниҳоят, ростдан ҳам у рўпарамда пайдо бўларди. «Хонамда шундай сиқилиб кетдимки, — дерди у, — ўзимни ҳеч тўхтатолмай бу ёққа келгим келаверди».

Ваймарга келганимнинг биринчи йилида қайтадан эҳтирослар оғушида қолган пайтимдаги бир воқеа ёдимга тушди. Хийла узок давом этган сафардан қайтганимга бир неча кун бўлса-да, саройдаги ташвишлар билан кечасигача ушланиб қолиб, маъшуқам¹нинг ҳузурига боришга вақт тополмай қолдим. Бунинг устига бизнинг ўзаро муносабатларимиз бу ердаги одамларнинг диққатини тортган, шу боисдан мен ортиқча гап-сўзлар чувалмасин, деган ўйда унинг ёнига кундузлари боришни истамадим. Бироқ тўртинчи ва бешинчи кеч ортиқ тоқат қилолмадим ва бу ҳақда ўйлашга ҳам улгурмай унинг уйи олдида пайдо бўлдим. Секингина зинапоядан кўтарилиб, унинг хонасига кирмоқчи бўлган эдим, ичкаридан овозлар қулоғимга чалинди, демак, у ёлғиз эмас. Тагин жимгина пастга тушдим-да, қоп-қоронғи кўчага чиқдим, у пайтлар кўчалар ёритилмасди. Тушкунлик ва эҳтирос исканжасида шаҳар кўчаларини бир соатлар чамаси айланиб, маъшуқам висолига зор-интизор ҳолда унинг уйи ёнидан такрор-такрор ўтардим. Охири ўзимнинг кимсасиз хонамга қайтишга қарор қилдим, аммо уйи ёнига яна яқинлашганда, уйида чироқ ёнмаётганини кўрдим. У чиқиб кетган бўлса керак, дедим ўз-ўзимга, лекин бу зимистон кечада қаёққа боради? Уни қаердан кидирай? Кўчаларни яна айландим, ҳар гал бу ўшамикан, бўйи, қалди-қомати ўхшайди, деган хаёлда яқин борардим, қарасам, бошқа бўлиб чиқарди. Ўшандаёқ мен ўзаро таъсир кучига ишонардим ва ўз истагим қудрати билан уни ёнимга келтира оламан, деб ўйлардим. Шу билан бирга, мени кўзга кўринмас рухлар ўраб олишганига ҳам ишонардим ва улардан, уни мен томонга ёки мени у томонга бошқаринглар, дея илтижо қилардим. Қанақа аҳмоқсан-а! — дедим ўз-ўзимга, унинг ҳузурига яна бир марта боришни истамайсан-у, қандайдир ғойибдаги кучлардан мадад сўрайсан!

¹ Шарлотта фон Штайн назарда тутилган.

Бу орада Эспладага томон тушдим ва бир вақтлар Шиллер яшаган уйчага етдим, бироқ негадир яна орқага қайтиб, саройгача бордим-да, ўнг томондаги кичкина кўчага бурилгим келди. Шу йўналиш бўйлаб юз қадамлар ҳам ташламаган эдимки, менга томон нақ ўша, мен васлига ошиққан аёлга ўхшаган бир аёл келаётганини кўрдим. Кўча деразалардан ахён-ахёнда тушиб турган нурдан ғира-шира ёритилганлигидан ва бу кеч нотаниш одамларни унга ўхшатавериб кўп алданганимдан, унга сўз қотишга ҳам журъат қилмадим. Биз шунчалик яқинлашиб ўтдикки, хатто қўлларимиз бир-бирига тегиб кетай деди. Мен тўхтаб ортимга бурилдим, у ҳам тўхтаб бурилди.

— Бу Сизмисиз? — деди у. Унинг ёқимли овозини танидим.

— Ниҳоят учратдим! — дея хитоб қилдим мен ва қувончдан кўзларимга ёш қалқди. Қўлларимиз чирмашиб кетди.

— Мана, — дедим мен, — умидим мени алдамади. Сизни жуда-жуда зориқиб изладим. Сизни албатта топишимга кўнглимда ишондим, худога шукурки, мана, умидим ушалди.

— Сиз золимсиз! — деди у, — нега келмадингиз? Бундан уч кун бурун келганингизни тасодифан эшитиб қолдим, уззукун йиғладим, мени унутгансиз, деб ўйладим. Бир соат олдин Сизни шундай соғиниб, Сиз учун безовта бўла бошладимки, буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бир-иккита дугоналарим келишган эди. Назаримда, улар юз йил ўтиргандек туюлди. Ниҳоят улар кетишгач, беихтиёр шляпам ва палерина¹ мни олдим-да, қоронғиликка, тоза ҳавога, номаълум томонга чиқиб кетдим. Тинмай Сиз ҳақингизда ўйладим, зора учраб қолсангиз, дея умид қилдим.

У шу сўзларни айтаркан, биз бир-биримизни оғушимиздан бўшатмай, бу билан ҳеч қандай ҳижрон севгимиз оловини сўндира олмаслигини исботлаб турардик. Мен уни эшигигача кузатдим, кейин уйига кирдим. У қоронғи зинапоя бўйлаб кўтариларкан, қўлларимни кўйиб юбормас, гўё мени ортидан етаклаб борарди. Мен беҳад бахтли эдим, бунинг сабаби, бир томондан, қайта учрашганимиз бўлса, иккинчи томондан, кўзга кўринмас сеҳрли кучларга ишониб, хато қилмаганим эди.

Гёте қувончли ҳиссиётлар оғушида эди. Мен уни яна соатлаб тинглаган бўлардим. Бироқ уни ҳорғинлик қамраб ола бошлади ва биз ўринларимизга ётиб уйқуга кетдик.

¹ *Палерина* — елкага ташлаб юриладиган узун кийим, нақидка.

Биз барвақт ўрнимиздан турдик. Гёте кийинатуриб шу кечаси кўрган тушини айтиб берди: у Гёттингенда эмиш ва ўша ерлик таниш профессорлар билан берилиб суҳбатлашаётганмиш.

Бир неча финжон қаҳва ичгач, табиатшуносликка оид коллекциялар қўйилган бинога бордик. У ерда анатомия хонасини, турли-туман, ҳозирги ва қадимги ҳайвонларнинг скелетларини, узок ўтмишда яшаган одам скелетларини томоша қилдик, кейингилари ҳақида гапираркан, Гёте, уларнинг тишларига қараганда, улар олий ирққа мансуб бўлишлари керак, деди.

Кейин у ҳайдовчига обсерватория томон юришни буюрди, у ерда доктор Шрён бизга жуда ғалати асбобларни кўрсатиб, вазифаларини тушунтирди. Кўшни метеорологик кабинетни ҳам қизиқиб томоша қилдик, Гёте доктор Шрённи атрофдаги орасталик учун мақтади.

Шундан сўнг боққа тушдик, Гёте бир соябон остидаги тош стол устига енгил нонушта ҳозирлашни буюрди.

— Бизнинг нечоғлик муқаддас жойда ўтирганимизни, афтидан, тасаввур ҳам қилолмассиз, — деди у, — бу ерда Шиллер яшаган. Мана шу соябон остида, мана шу деярли синиб битай деган ўриндикларда тез-тез ўтириб, мана шу тош столда тамадди қилардик, у ёқ-бу ёқдан гурунглашардик. Ўша кезларда у ўттиздан, мен қирқдан ошган, умримизнинг айни гуллаган даври, хулласи калом, ҳаммаси бошқача эди. Ҳаммаси ўтди-кетди, мен ҳам энди аввалгидек эмасман, аммо она ер ҳамон ўша-ўша, ҳаво, сув, замин ўзгаргани йўқ.

Шрён билан кейин тепага чиқинг-да, ундан болохонадаги Шиллер яшаган хонани кўрсатишини илтимос қилинг.

Бу орада тоза ҳаво қўйнида, шундай фусункор гўшада иштаҳа билан нонушта қилдик. Назаримда Шиллер ҳам бу ерда ҳозир эди, Гёте уни ёқимли сўзлар билан тинмай ёдга олиб турди.

Сўнгра мен Шрён билан бирга юқорига, болохонага чиқдим ва Шиллернинг деразасидан мафтункор манзарани завқ билан томоша қилдим. Деразалар жануб томонга қараган бўлиб, у ер-бу ерида буталар ва бурилишлар сабаб узилиб қолаётган дарё оқими узок-узокларгача кўриниб турарди. Кенг уфқни айтмайсизми. Бу ердан туриб осмон жисмларининг чиқиш ва ботишини бемалол кузатса бўлади. Бу макон «Валленштайн»да астрономик ва астрологик ҳодисаларни ёритишда жуда қўл келган, деб ишонч билан айтса бўлади.

Гёте ёнига қайтдим, у извошни сарой маслаҳатчиси жаноб Дёберайнер¹ хузурига буришни буюрди. Гёте уни беҳад ҳурмат қилар эди. Жаноб маслаҳатчи унга бир қанча янги кимёвий тажрибаларни намойиш қилди. Шу тариқа тушлик вақти бўлди, яна извошга чиқдик.

— Менимча, — деди Гёте, — тушлик қилиш учун «Айиқ» ресторанига бориб ўтиришга ҳожат йўқ, яхшиси мана шу ажойиб ҳаводан баҳра олганимиз маъқул. Менда, Бургауга борсак, деган таклиф бор. Ўзимизда вино бор, барибир у ерда яхши балиқ топилади, уни димлаб ёки қовуриб беришларини илтимос қилсак бўлади.

Шундай қилдик, ҳаммаси аъло даражада бўлди. Биз Заал дарёсининг фусункор соҳили бўйлаб бутазорлар ва бурилишлар ёнидан ўтиб бордик, мен бу манзарани Шиллернинг болохонаси деразасидан кўрган эдим. Ҳадемай Бургауга етиб келдик. Шундоққина дарё соҳилида жойлашган меҳмонхона олдида извошдан тушдик, бу ердан Лебеда шаҳарчасига томон йўл кетган, у яшил ўтлоқлар оша аниқ кўзга ташланиб турарди.

Бу ерда худди Гёте айтганидек бўлди. Меҳмонхона бекаси тайёр ҳеч нарса йўқлиги учун дастлаб узр сўради, бироқ тез орада шўрва ҳамда яхши балиқ билан сийлашга ваъда берди.

Тушлик тайёр бўлгунча биз қуёш нури остида кўприк бўйлаб у ёқ-бу ёққа юрдик, дарёни суқланиб кузатдик. Дарё юзида қарағай ёғочларидан ясалган соллар оқиб борар, солчилар меҳнатлари оғир бўлишига қарамай қувноқ қичқириқлар билан уларни кўприк остига суриб кириб кетишарди.

Биз очик ҳавода балиқни еб, бир шиша винони майдалаганча гурунглашиб ўтирдик.

Бошимиз устидан кичкина лочин учиб ўтди, унинг қанот қоқиши ва тузилиши каккуни эслатарди.

— Шундай вақтлар ҳам бўлган эдики, — деди Гёте, — табиатшунослик илми ҳаётдан орқада қолиб, гўё какку фақат ёзда какку, қишда эса йиртқич қушга айланади, деган фикрлар ҳам тарқалган эди.

— Халқ орасида, — дедим мен, — бундай қараш ҳалиям мавжуд. Бу ҳам етмагандек, шўрлик қушча гўё катта бўлгач, ўз ота-онасини ҳам еб қўяди, деган айбни ҳам тақашган. Шу сабабли у кўрнамаклик тимсоли бўлиб қолган. Бундай бемаъни тасаввур исканжасидаги одамлар ҳозир ҳам бор, улар

¹ Дёберайнет Йоханн Вольфганг (1780–1849) — йеналик кимё профессори.

худди насронийлик ақидаларига ёпишиб олгандек, ундан аж-
ралолмай қолишган.

— Билишимча, — деди Гёте, — каккуни қизилиштонлар
оиласига мансуб деб ҳисоблашади.

— Бунинг сабаби, афтидан, шундаки, — жавоб қайтардим
мен, — унинг нимжон оёқларидаги иккита тирноғи орқа то-
монга йўналган. Мен уни қизилиштонлар оиласига мансуб
демаган бўлардим. Унинг тумшуғи бақувват эмас, чириган
дарахт танасини тешишга ярамайди, бунинг устига думида-
ги патларнинг ҳам бундай ҳаракат пайтида мадад бериш-
га қуввати етмайди. Дарахт танасига ёпишиб туришда за-
рур бўладиган ўткир тирноқлари ҳам йўқ, менимча, кичкина
оёқчалари ҳатто ўрмалаб юришга ярамаса керак.

— Жаноб орнитологлар, — сўзни илиб кетди Гёте, —
қандайдир ўзига хос қушни мавжуд турлардан бирига
тикиштириб кўя қолишганидан хурсанд кўринишади. Аммо
табиат ўз ишини билади ва фикри чегараланган одамлар яса-
ган қутилар ҳақида қайғуриб ўтирмайди.

— Масалан булбулни, — сўзимда давом этдим мен, —
мойкутларга мансуб дейишади, ҳолбуки ундаги шиддат, хатти-
ҳаракат ва яшаш тарзи қораялоқларга кўпроқ ўхшаб ке-
тади. Шундай бўлса-да, мен уларни қораялоқларга ҳам у
қадар ўхшатолмайман. Булбул эслатиб ўтилган иккала қуш
ўртасидаги махсус жонзот, какку ҳам аниқ ўзига хос хусусият-
лари билан махсус жонзот ҳисобланади.

— Какку ҳақида эшитган гапларнинг ҳаммаси, — деди
Гёте, бу фаройиб қушга нисбатан қизиқишимни оширди.
Бу чигал табиатли қушнинг сирлилиги очиқ-ойдин кўриниб
турипти, ана шу очиқ-ойдинлик туфайли ҳам унинг моҳиятига
етиш қийин. Дарвоқе, бу фикр жуда кўп ҳолатларга дахл-
дор. Биз мудом фаройиботлар қуршовидамиз, содир бўлаётган
ҳодисаларнинг моҳияти бизга қоронғи. Масалан, асалари-
ларни олайлик. Маълумки, улар нектар йиғиш учун узок-
узокларга, ҳар гал янги йўналишларга учиб боришади. Ҳозир
улар ҳафталаб фарбга, сурепка гуллаб ётган далаларга томон
учишмоқда. Кейин шунча вақт шимолдаги гуллар чамандек
очилган ўтлоқларга кетишади. Худди шу тахлит яна бошқа,
гречихалар гуллаб ётган тарафга, кейин қаерларгадир, гуллаб
ётган бедазорларга ва ниҳоят, яна бошқа тарафга, қийғос
гуллаган жўка дарахтларига қараб учишади. Ахир ким ҳам
уларга: «Анави томон учинглар, у ерда сизлар учун нимадир
бор! Энди бу ёққа учинглар, у ерда қандайдир янги нарса
бор!» деб буйруқ беради? Ким уларни ўз қишлоқларига, ўз

уйларига қайта бошқариб келади? Улар гўё кўзга кўринмас ипга боғлангандек у ёқдан-бу ёққа учиб бориб келаверишади, бироқ бунинг сир-асрорини биз билмаймиз. Тўрғай ҳам худди шундай. У куйлаганча буғдойзор тепасига тикка кўтарилади-да, бошоқлар денгизи узра парвоз қилади, шабада бошоқларни гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа бир маромда оғдиради, тўрғай энди ўз полапонлари ёнига қайтмоқда, у пастларкан, ўзи ин кўйган жимитдеккина жойни бехато топади. Барча мана шундай ходисалар бизга кундек равшан, аммо уларнинг ички, рухий ҳолатига ақлимиз етмайди.

Какку ҳам худди шундай, — дедим мен, — маълумки, у ўзи жўжа очмайди, тухумларини бошқа қуш, яъни мойқут, сарик жиблажибон, монах, читтак, бигизтумшук инига қўяди. Буни биламиз. Айтиб ўтилган барча қушлар ҳашаротхўр эканликларини ҳам биламиз, чунки какку ҳам ҳашаротхўр қуш, ахир дон билан озикланадиган қуш унинг полапонларини боқолмайди-да. Бироқ у айнан шу қушлар ҳашаротхўр эканликларини қаердан билади, ахир тана тузилиши, ранги, шунингдек овози, ўзига жалб қиладиган хониши билан улар бир-бирларидан тамоман фарқ қилишади-ку! Бундан ташқари, какку қандай қилиб тухумини, бинобарин, қилтирикдек полапонини қуруқлиги ёки намлиги, қурилиши ва ҳарорати ҳар хил бўлган бегона инга ишонаркин? Масалан, қуруқ ўтлар ва отнинг бир неча ёлидан ясалган мойқут уяси шундай илма-тешикки, унга тўрт тарафдан совуқ ҳаво бемалол кираверади, бунинг устига тепаси очик, мутлақо ҳимояланмаган, какку боласи эса, шу шароитда яхшигина ўсиб-улғаяверади. Королёк¹нинг ини, аксинча, тапқари томондан мох, шохча ва япроқлар билан маҳкам ўралган, ичкарисига жун ва патлар тўшалган, ҳеч қаердан совуқ ҳаво киролмайди. Тепаси ҳам бекитилган, кичкина қушча кириб-чиқиши учун туйнук қолдирилган, холос. Июннинг жазирама кунларида ҳамма томони ўралган бу ғорчада иссиққа чидаб бўлмаса керак, деб ўйлайсан киши. Аммо какку боласи шу шароитда ҳам ҳайратомуз бир тарзда улғаяверади. Сарик жиблажибоннинг ини-чи, тамоман бошқача қурилган! Бу қуш сувга яқин жойларда, ариқ бўйларида, хуллас, қаерда намлик бўлса, ўша ерда яшайди. Инини пастликка, қамишзорлар орасига қуради. Нам ерда чуқурча ясайди-да, ичига бироз хас-хашак тўшайди, какку полапонлари шу ерда тухумдан чиқиб, совуқ ва нам жойда катта бўлаверишади. Қизик, бу қанақа қушки, мит-

¹ Королёк — чумчуксимонларга мансуб қушча.

ти полапонлигиданок хўлга ҳам, қурукка ҳам, иссиққа ҳам, совуққа ҳам чидайверса, бошқа қушлар учун беҳад хавфли бўлган меъёрдан чекинишларни у писанд қилмаса! Она какку бу хусусиятларни қаердан билади, ахир унинг ўзи улғайган даврида совуқ ва намликка чидаёлмайди-ку?

— Мана шу ҳам, — деди Гёте, — биз учун битта сир. Бордию Сиз кузатишга муваффақ бўлган бўлсангиз, менга айтинг-чи, какку тухумини королёк инига қандай қилиб қўяди, унда бор-йўғи битта туйнукча бўлса, у тухумни қўяй деса туйнукчага сифмаса.

— У тухумни бирор қурук жойга қўяди-да, кейин уни тумшуғида тишлаб бориб инга киритади, — жавоб бердим мен, — менимча, у нафақат королёк ини, балки бошқа қушлар ини билан ҳам шундай қилади. Чунки барча хашаротхўр қушларнинг инлари шунчалик кичик ва атрофлари шохшаббалар билан ихоталанганки, узун думли какку у ерга сифмайди. Буни тасаввур қилиш қийин эмас. Бироқ каккунинг кичкинагина, хашаротхўр қушчанинг тухумидек тухумча қўйиши янги бир жумбоқ, бу жумбоқни ечолмай ҳайратдан ёқа ушлаб тураверасан киши. Каккунинг тухуми мойкут тухумидан сезилар-сезилмас каттароқ, миттигина хашаротхўр қушча уни очиб чиқиши керак бўлганидан кейин ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас-да. Бу мутлақо фаройиб ҳодиса. Табиат мана шу жузъий ҳолларда ўз донолигини намойиш қилиш учун қатъий қонундан воз кечган, ахир табиат қонунига кўра колибри¹дан тортиб туяқушгача қушнинг катталиги билан тухумининг катталиги ўртасида аниқ фарқ мавжуд, бу тахлит мантиқсизликдан лол қоласан киши.

— Тўғри, ҳайратда қоласан киши, — деди Гёте, — негаки, бизнинг тасаввур доирамиз беҳад тор, ҳамма нарсани бирдек қамраб ололмаймиз. Хаёлот дунёмиз кенгрок бўлганда эди, қонундан бу хил чекинишларни қонуний деб ҳисоблаган бўлардик, эҳтимол. Қани, давом этинг, айтинг-чи, каккунинг нечтадан тухум қўйиши маълум эмасми?

— Тор фикрлайдиган кишигина бу саволга аниқ жавоб бериши мумкин, — дедим мен, — какку бир ерда тўхтамайди, бугун бу ерда, эртага бошқа ерда, аммо битта уяда унинг фақат битта тухумини кўриш мумкин. У бир нечталаб тухум қўйса керак, лекин уларнинг қаердалигини ким билади, ким ҳам уни кузатиб юради, дейсиз. Айтайлик, у бешта тухум қўйди, шуларнинг ҳаммаси тухумдан чикди ва меҳрибон ўғай

¹ *Колибри* — Америкада яшайдиган рангдор кичкина қушча.

ота-оналари уларни боқиб катта қилишди, унда биз, табиат бешта какку полапонлари эвазига камида элликта энг яхши сайроқи қушларимизнинг болаларини қурбон берганига баттар ҳайрон бўламиз.

— Бундай ишларда, — жавоб қайтарди Гёте, — табиат доимо ҳисоб-китобли эмас. У ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан бир дунё жониворлар ҳаётини елга совуриб юборади. Ахир қандай қилиб битта какку жўжасини деб шунча сайроқи қушларни қурбон қилиш мумкин?

— Яна бир нарсани ҳисобга олайлик, — жавоб бердим мен, — тухумдан биринчи чиққан полапон одатда нобуд бўлади. Гарчи сайроқи қуш какку тухуми билан бирга ўз тухумларини ҳам босиб ётса-да, биринчи бўлиб тухумдан чиққан каттароқ жўжага хурсанд бўлади ва ота-оналар унга шу даражада меҳр кўргизишадики, нукул у ҳақда қайғуриб, уни озиклантиришади, натижада ўз полапонлари очликдан ўлиб, индан ғойиб бўлади. Бунинг устига, какку боласи очкўз, кичкина ҳашаротхўр қушлар ташиб келадиган озуқадан ҳам кўпроқни талаб қилади. Какку боласи ўсиб, пат чиқариб, инни тарк этгунича ва дарахт тепасига учиб чиққунига қадар анча-мунча вақт ўтади. Улар ўшанда ҳам овқат талаб қилишади, меҳрибон ота-оналар ёзнинг адоғигача катта боласи ҳақида ғамхўрлик қилиб, иккинчиси ҳақида ўйлашмайди ҳам. Мана, нима сабабдан битта какку боласини деб қанча-қанча бошқа полапонлар ўлиб кетади.

— Ҳа, бу ишонарли жавоб, — деди Гёте. — Айтинг-чи, какку боласи индан учиб кетгандан кейин уни очиб чиқмаган бошқа қушлар боқишади, деб эшитганман, шу гап ростми?

— Худди шундай, — жавоб қайтардим мен, — какку боласи пастда жойлашган инни тарк этиб, бирорта эманнинг тепасига чиқиб олгач: «Мен бу ердаман!» дегандек чинқиради. Яқин атрофга ин қурган барча қушчалар унинг овозини эшитгач, унга, хуш келибсан, дейиш учун учиб келишади. Мойкуту монах ҳам, сариқ жиблажибон ҳам бирпасда етиб келишади, ҳатто пастдаги буталар орасида кун кечирадиган королёк ҳам ўз одатига зид ҳолда меҳмончанинг истиқболига чиқиш учун баҳайбат эман тепасига учиб чиқади. Каккучани катта қилган ота-онаси бўлса, ҳамон унга овқат ташишда давом этади, бошқа қушлар аҳён-аҳёндагина бирор егулик келтиришади.

— Афтидан, — деди Гёте, — какку жўжаси билан бошқа ҳашаротхўр қушлар ўртасида қандайдир меҳр-муҳаббат бўлса керак.

— Бу кушчаларнинг какку жўжасига меҳр-муҳаббатлари шу қадар кучлики, — жавоб бердим мен, — мабодо какку жўжаси ардоқлаб ўстирилаётган инга яқинлашадиган бўлсангиз, унинг ўгай ота-онаси кўрқув ва хавотирдан шу даражада бесаранжом бўлиб қолишадикки, асти қўяверасиз. Айниқса, монах ўзини шунчалик йўқотиб қўядики, талвасага тушиб ерда типирчилай бошлайди.

— Ҳа, бу хайратомуз ҳолат, — жавоб берди Гёте, — ҳар ҳолда бу ҳақда ўйлаб кўриш керак. Бироқ, масалан, ўз тухумларини очиб чиқмоқчи бўлаётган мойкут қандай қилиб инига каккунинг яқинлашишига ва тухумини ташлаб кетишига йўл қўяди, мана шунга мен тушунмайман.

— Бу ҳақиқатан ҳам жумбоқ, — дедим мен, — бунинг сабаби, эҳтимол, шундаки, индан учирма бўлган какку боласини ҳамма хашаротхўр кушчалар, ҳатто уни тухумдан чиқармаганлари ҳам боқар экан. Демак, уларнинг ўртасида қандайдир қариндошлик мавжуд, шу боисдан ҳам улар алоқа қилишда давом этишар ва ўзларини катта бир оиланинг аъзоси ҳисоблашар. Айтайлик, бултур тухумдан чиқариб, боқиб учирма қилган бир жуфт мойкутлар инига бу йил ўша какку ўз тухумини ташлаб кетар, эҳтимол.

— Гарчи фахмлаш қийин бўлса-да, — деди Гёте, — бу жуда қизик ҳолат. Какку боласини тухумдан чиқариб, вояга етказмаган кушчаларнинг ҳам унга емиш келтиришлари мени, айниқса, лол қолдиради.

— Ҳа, бу жуда ғаройиб, — жавоб қайтардим мен, шунга қарамай бунақа ҳодисалар учраб туради. Назаримда, бу бутун табиатга сингиб кетган улуғ қонун бўлса керак. Бир куни мен кичкина коноплянка¹ни тутиб олдим, у одам қўлидан емиш оладиган даражада ёш эмас, бироқ ўзи мустақил овқатланадиган даражада катта ҳам эмас эди. Унга бирор нарса едириш умидида ярим кун овора бўлдим, аммо у қўлимдан ҳеч нарса емади, шунда уни зўр сайрайдиган кекса коноплянка ёнига қўйдим. Кўпдан бери у қўлга ўргатилган, қафаси деразам олдида осиглик турарди. Агар кекса куш дон чўқиётганини кўрса, бу ҳам ундан ўрганиб донласа керак, деб ўйладим. Лекин у бундай қилмади, балки тумшукчасини очганча кекса куш томонга ўгирилиб, қанотларини қоқиб, илтижоли чийиллади, шунда кекса коноплянканинг унга раҳми келди ва худди ўз боласидек унга овқат бера бошлади.

¹ Коноплянка — уруғхўр сайроқи куш.

Бошқа сафар менга учта жўжаси билан кулранг мойкутни келтиришди, мен уларнинг тўртталасини ҳам битта қафасга қамадим, она мойкутларни боқа бошлади. Эртасига аллақачон учирма бўлган иккита булбул жўжаларини келтиришди, уларни ҳам бояги мойкут ёнига жойлаштирдим, мойкут уларни қабул қилди ва ўз болалари каторида емиш бера бошлади. Бир неча кундан сўнг у ерга деярли патлари чиқиб қолган зағизфон қафасини, кейинроқ эса, бешта ёш монахлар қафасини кўйдим. Мойкут буларни ҳам қабул қилди ва бамисоли куюнчак онадек уларга ғамхўрлик қилди. Тумшугида мудом чумоли тухуми билан катта қафаснинг у бурчагидан-бу бурчагига бориб келар, қаерда очик офизни кўрса, ўша ерда пайдо бўларди. Буни кўятулинг. Бу орада хийла катта бўлиб қолган мойкутча, ўз навбатида, энг кичик полапонларга емиш едира бошлади, тўғри, бу ишни бироз ўйинқароқлик билан, болаларча бажарарди, аммо серҳаракат онасига таклид қилишга тиш-тирноғи билан уринарди.

— Бунда қандайдир илохий бир ҳолат кўзга ташланиб турипти, — деди Гёте, — бундан мен қувончли ҳайрат овушидаман. Агар бегона полапонни боқиш бутун табиатга хос қонун бўлса, унда бу билан барча жумбоқ ҳал бўларди ва унда, етим қолган, ўзидан мадад сўраган қарға болаларига Тангри ғамхўрлик қилади, деб ишонч билан айтган бўлардик.

— Назаримда, бу бутун табиатга хос бўлган қонун, чунки мен озодликдаги қушларда ҳам қаровсиз қолган жўжаларни овқатлантирган ва ғамхўрлик қилган ҳолатларни учратганман.

Ўтган йили ёзда мен Тифурт яқинида иккита кичкина королёкни тутиб олган эдим, кўринишдан улар яқинда учирма бўлишган эди, чунки улар етгита ака-опалари каторида шохчага кўниб туришар, ота-оналари уларга егулик беришарди. Иккала қушчани шойи рўмолчамга ўрадим-да, Ваймар томонга йўналдим, тирга етгач, ўнгга, ўтлоқ тарафга бурилиб, Илм дарёси соҳилига тушдим, чўмилиш ҳавзасидан ўтдим-да, чапга, кичкина бутазорга кирдим. Мана шу ерда, ўйладим мен, тутқунларимни бемалол кўриб олсам бўлади. Рўмолчамни очишим биланоқ улар лип этиб кўлимдан чиқишди-да, ўт-ўланлар ва буталар орасида ғойиб бўлишди, уларни қанча қидирмайин, ҳаракатларим беҳуда кетди. Уч кунлардан сўнг нима бўлиб яна шу бутазорга келиб қолдим. Нашахўр қушнинг хониши қулоғимга чалиниб, шу атрофда ини бўлса керак, деб ўйладим. Ҳақиқатан ҳам, кўп ўтмай инига кўзим тушди. Не кўз билан кўрайки, ин ичида менинг иккала королёгим жойлашиб олган, нашахўр ота-оналар уларга егулик беришмоқда

эди. Бу ғаройиб топилдикни кўриб суюниб кетдим. Модомики, сизлар шундай ақлли экансизлар ва ўзларингга шундай қулай шароит яратиб олиб, меҳрибон нашахўрлар сизларни ўз оғушларига олган экан, мен бундай файзли хонадонга бостириб киришдан йироқман, аксинча, ҳаётларингга янада раванк тилайман, — ўйладим ўзимча.

— Бу мен эшитган орнитологияга тегишли воқеалардан энг яхшиси, — деди Гёте. — Келинг, Сизнинг соғлигингиз, бундан кейинги муваффақиятли кузатувларингиз учун бир тўқиштирайлик! Кимки буларни эшитиб ҳам Тангрининг қудратига ишонмаса, унга на Исо, на бошқа пайғамбарлар кўмак бера олмайди. Ахир менинг худо ҳамма ерда хозиру нозир, деганим худди мана шу-да, у ўз чексиз меҳрини ҳамма жойга экиб, томир олдириб юради, ҳайвонларда кўринган куртак, Худо яратган энг олий жонзот — одамда барқ уриб гуллаган бўлади. Табиатни ўрганиш ва кузатишда давом этаверинг! Сиз буни жуда яхши уддалаяпсиз, бундан кейин ҳам мислсиз самараларни қўлга киритишингизга шубҳа йўқ.

Биз очик ҳавода тамадди қиларканмиз, яхши, муҳим мавзуларда гурунглашдик, куёш ҳам ғарбий тепаликлар томон оға бошлади ва Гёте, энди ортга қайтсак бўлади, деди. Йена орқали жадал ўтдик-да, «Айиқ» меҳмонхонаси билан ҳисобкитоб қилгач, Фроманларникига бирров кириб чикдик, сўнгра Ваймарга томон шошилдик.

1827 йилнинг 18 октябри, пайшанба

Ҳегель шу ерда, гарчи унинг фалсафасидаги айрим жиҳатлар дидига мос келмаса-да, Гёте уни шахс сифатида беҳад кадрлайди. Гёте бугун кечкурун унинг шарафига чой берди, унда Цельтер ҳам иштирок этди, у бугун кечаси жўнаб кетиш ниятида эди.

Ҳаманн ҳақида кўп гапирилди, Ҳегель ушбу маълуму машҳур инсон хусусида ҳаммадан кўп гапирди, булар, шубҳасиз, унинг асарларини чуқур ва муфассал ўрганиш натижаси эди.

Шундан сўнг диалектиканинг моҳияти ҳақида сўз борди.

— Аслида диалектика дегани, — деди Ҳегель, — тартибга солинган, методик жиҳатдан ишлаб чиқилган қарама-қарши руҳнинг ўзи, у ҳамма одамларга хос бўлиб, ҳақиқатни ёлғондан фарқлашга имкон берадиган истеъдод ҳам.

— Афсуски, — сўз қотди Гёте, — мана шундай ақлий топқирлик ва зийракликлардан кўпинча ҳақиқатни ёлғон, ёлғонни ҳақиқат қилиб кўрсатиш учун фойдаланилади.

— Шунақаси ҳам бўлиб туради, — маъқуллади Ҳегель, — фақат ақлан етук бўлмаган одамларгина шу ишни қилади.

— Мен хурсандманки, — деди Гёте, — табиатни ўрганишда бунақа қусурлар юзага келмайди! Чунки бунда биз узлуксизлик ва абадий ҳақиқатга дуч келамиз, кимки уни кузатиш ва ўрганишга виждонан, ҳалол ёндошмаса, табиат дарҳол уни рад қилади. Бироқ аминманки, айрим диалектика дардига мубтало бўлганлар табиатни ўрганиш орқали дардларига малҳам топадилар.

Гурунг айни авжига чиққанда Цельтер ўрнидан турдида, бир сўз демасдан хонани тарк этди. Гёте билан хайрлашиш унинг учун оғирлигини ҳаммамиз билиб турардик, ана шу кўнглига оғир ботадиган хайрлашув лаҳзаларидан қочиш мақсадида шу йўлни танлаган эди.

1828

1828 йилнинг 11 марти, сешанба

Неча ҳафтадирки, ўзимни ёмон ҳис этапман. Уйқум яхши эмас, тун бўйи алғов-далғов тушлар кўраман, тушимда турли-туман ҳолатларга тушиб қоламан, таниш-нотаниш кишилар билан суҳбатлашаман, баҳслашаман, жанжаллашаман, ҳаммаси худди ўнгимда содир бўлгандай эртасига аниқ кўз ўнгимда туради. Аммо бундай тушдаги ҳаёт миямнинг қувватини сўндириб қўйганидан кундузлари ланж, тушкун кайфиятда юраман, ҳар қандай ақлий ишга истамай, қатъиятсиз киришаман.

Гётега қайта-қайта аҳволимдан шикоят қилдим, у қайта-қайта докторга учрашимни маслаҳат берди.

— Касалингиз унчалик жиддий эмас, — деди у, — менимча, бу ғализ овқатдан ошқозоннинг бироз бузилиши бўлса керак, уни бир неча стакан маъданли сув ёки туз билан ювиб юборса бўлади. Лекин бу ҳолатни чўзиб юрмасдан, бартараф қилишга ҳаракат қилинг.

Шубҳасиз, Гёте ҳақ эди, уни ҳақ деб, ўзимни ҳам ишонтирдим, бироқ ланжлик ва тушкунлик бунда ҳам ўз кучини кўрсатди, мен ҳамон нотинч кечалар ва зерикарли кунларни бошимдан ўтказардим, дардимдан ҳалос бўлишга тариқча ҳам уринмасдим.

Бугун тушдан кейин ўшандай тушкун кайфиятда Гёте ҳузурига келганимда, у менинг устимдан кулишдан ва бироз масхара қилишдан ўзини тутолмади.

– Сиз анави машхур Тристрамнинг отаси Шанди¹га ўхшайсиз, – деди у, – у ярим умрини эшикнинг гичирлашидан шикоят қилиб ўтказган-у, бироқ унга уч-тўрт томчи мой томизиб, фашига тегаётган товушдан қутулишга ҳафсала қилмаган.

Бу барчамизга хос белги! *Инсон ҳаётидаги гамлар ва қувончлар унинг қисмати билан белгилайди!* Бизни ҳар куни етаклаб юриб, тўғри йўл кўрсатадиган илоҳий руҳ зарур. Ана шу руҳ бизни тарк этдими, бўлди, дарров кучдан қолиб, йўлимизни йўқотиб қўямиз. Мана, Наполеонни ҳақиқий йигит деса бўлади! Мудом мияси равшан, мудом қатъиятли, икки-ланиш нималигини билмайди, нимани фойдали ва зарур деб ҳисобласа, дарҳол амалга оширишга киришади. Унинг ҳаёти жангдан жангга, ғалабадан ғалабага ўтиб юришдан иборат эди. Унинг ҳаёти узлуксиз нур билан йўғрилган эдики, демак, унинг қисмати ҳам мислсиз дабдабадан иборат бўлди, дунё унгача ҳам, ундан кейин ҳам бундай инсонни кўрмади ва кўрмаса ҳам керак, деб бемалол айтса бўлади.

Ҳа, ҳа, азизим, у шундай эдики, унга ҳеч ким тенг келолмайди.

Гёте хона бўйлаб юра бошлади. Мен йиғиштирилган столга ўтирдим, у ерда озроқ вино, печенье ва мевалар қолган эди, холос.

Гёте менга винодан қуйди-да, печенье ва мевадан татишга ундади.

– Бугун тушликда бизнинг меҳмонимиз бўлмаган бўлсангиз-да, – деди у, – бир бокал вино, яъни яхши дўстларимнинг инъоми Сизга зарар қилмаса керак.

Мен буларни ҳузур қилиб татиб кўрдим, бу орада Гёте хонада бориб-келишда давом этаркан, хаяжон ичида алланималарни гудранар, аҳён-аҳёнда тушунарсиз сўзлар оғзидан чиқиб кетарди.

Унинг ҳозиргина Наполеон ҳақида айтган сўзлари ҳаёлимдан нари кетмас, шу боисдан мавзуга қайтишга уриндим.

– Назаримда, – сўз бошладим мен, – Наполеоннинг ҳаёти ҳали ёш, куч-қувватга тўлган пайтда нур билан йўғрилган, Яратганнинг инояти бошига мудом соя солиб, бахт-омад унга ҳамроҳ бўлган бўлса керак. Кейинроқ ўша нур, шунингдек, бахт ва омад юлдузи ҳам уни тарк этган бўлиши керак.

¹ *Шанди* – инглиз юморист ёзувчиси Лавренц Штерне (1713–1768) нинг «Тристрам Шандининг ҳаёти ва қарашлари» номли романи қаҳрамони.

— Нималар деяпсиз! — жавоб берди Гёте. — Мен ҳам муҳаббат кўшиқларимни ва «Вертер»имни иккинчи бор ёзмадим. Мислсиз самараларга сабабчи бўладиган ўша илохий нур ҳамиша ёшлик ва маҳсулдорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлади, ахир Наполеон ҳам яшаб ўтган одамлар ичида энг маҳсулдори эди-да. Ҳа, ҳа, азизим, фақат шеърлар ва драмалар ёзиш билангина одам маҳсулдор ҳисобланмайди, қилинган бошқа ишлар орқали ҳам маҳсулдор бўлиш мумкин, гоҳида бу аввалгисидан кўра аҳамиятлироқ бўлади. Беморларни астойдил даволаган доктор ҳам сермаҳсул ҳисобланади, бордию унда бундай маҳорат бўлмаса, у беморни шунчаки даволаб юрса, унинг оддий даққидан фарқи қолмайди.

— Иккала тушунча ҳам бир-бирига яқин, — жавоб қайтарди Гёте, — негаки даҳо ва сермаҳсул қудрат улкан ишларни юзага келтирадики, булар худо олдида ҳам, табиат олдида ҳам намойиш қилишга арзийди, бинобарин, улар мудом барҳаёт, тарихдан ўчмайди. Моцартнинг барча асарлари мана шундай, уларда қандайдир авлоддан авлодга ўтадиган, ҳеч қачон сўнмайдиган, тугамайдиган ҳаётбахш қудрат бор. Худди шу гап бошқа улуғ композиторлар ва рассомларга ҳам тегишли. Ахир Фидий билан Рафаэль худди Дюрер ва Ҳолбайн¹ сингари кейинги асрларга ҳам таъсир ўтказишдику. Биринчи марта қадимги немис меъморчилигининг шаклшамойилини кашф қилган одам меҳнатларининг самараси ўлароқ кейинчалик Страсбург ҳамда Кёльн ибодатхоналари бунёд бўлдики, буни ҳам даҳо деса бўлади, негаки унинг режа ва фикр-ўйлари ҳозирги кунгача ўз самарали қудратини йўқотмай келмоқда. Лютер ҳам ўзига хос даҳо эди: неча замонлардан бери у одамларга таъсир этиб келмоқда, ҳали яна неча асрлар ўз маҳсулдорлигини йўқотмаса керак. Лессинг юксак даҳолик унвонини рад қилган бўлса-да, унинг давомли таъсир кучи бу ҳаракатини рад этмоқда. Шу билан бирга, адабиётимизда яна шундай таниқли номлар ҳам борки, улар ҳаётлик пайтларида даҳо ҳисобланишган-у, бироқ дунёдан ўтгач, бу ном ҳам тугаган, демак, улар ўзлари ўйлаганлари ва бошқалар шундай деб ҳисоблаганлари даражасида даҳоликка муносиб бўлишмаган. Чунки, айтиб ўтганимиздек, узок йиллар таъсир этувчи маҳсулдор қудратсиз даҳо бўлмайди, бундан ташқари, даҳолик, одам санъат билан шуғулланадими ёки ҳунармандми, бунга боғлиқ эмас. Бирор киши, Окен² ва

¹ Ҳолбайн Ханс (1497–1543) — пейзаж рассоми.

² Окен Лоренц (1779–1851) — олмон табиатшуноси ва натурфайласуфи.

Хумбольд сингари илмда, урушда ёки Фридрих, Улуф Пётр ва Наполеон сингари давлатни бошқаришда даҳо бўладими, Беранже сингари кўшиқлар ёзадими — бунинг фарқи йўқ, уларнинг фикр-ўйлари, улуф хизматлари мудом барҳаётми, ҳамма гап мана шунда.

Яна бир нарсани айтиб ўтай: бирор шахс томонидан қилинган ишлар миқдори унинг сермахсуллигини билдирмайди. Биз жуда сермахсул ҳисобланадиган шоирларни биламиз, уларнинг шеърӣ асарлари кетма-кет чоп этилади. Лекин мен уларни зинҳор сермахсул шоир деб ҳисобламаган бўлардим, чунки улар яратган асарларнинг умри қисқа. Аксинча, Голдсмит шунчалик кам шеър ёзган, ҳатто нечталигини айтишга ҳам арзимайди, бироқ мен уни ҳақиқий маҳсулдор шоир деб атаган бўлардим, бунинг сабаби шундаки, у яратган ўша бир нечта шеър шу қадар ҳаётӣки, унинг нури ҳали-бери сўнмайди.

Гап узилди, Гёте хонада у ёқдан-бу ёққа юришда давом этарди. Мен бундай муҳим фикрларни яна ва яна эшитгим келганидан Гётени суҳбатга тортишга уриндим.

— Нима деб ўйлайсиз, мана шу доҳиёна сермахсуллик улуф инсоннинг фақат руҳига боғлиқми ёки унинг жуссасига ҳам боғлиқ бўлиши мумкинми?

— Ҳар ҳолда, — жавоб берди Гёте, — жуссанинг ҳам таъсири кам эмас. Шундай пайтлар ҳам бўлдики, Германияда, даҳо инсон паст бўйли, нимжон, ҳатто букри бўлади, деб ҳам ҳисоблашди, аммо мен даҳони унинг руҳига мувофиқ жуссадор деб тасаввур қиламан.

Наполеон ҳақида сўз борганда уни гранитдан ясалган одам, дейишарди, бу гап кўпроқ унинг жуссасига тегишли эди. У нималарга бардош бермади, нималарга бардош беришга қодир эмасди, дейсиз! Суриянинг қайноқ кумларидан тортиб, Москванинг қор қоплаган далаларигача босиб ўтди, бу орада қанча-қанча улкан ҳарбий юришлар, жанглар, тунги босқинларни бошдан кечирди! Қанчалаб қийинчиликлар, жисмоний машаққатларга чидашга мажбур бўлди! Кам ухлаш, кам ейиш, бунинг устига миянинг тинимсиз ишлаб туришини айтинг! Кечалари даҳшатли асабийлашиш ва 18 брюмер¹ни ўйлаб ҳаяжонга тушиш оқибатида у кун бўйи ҳеч нарса емас, биров кучга кириб олишни ҳаёлига ҳам келтирмасдан, ярим

¹ *Брюмер* — 1793—1805 йилларгача муомалада бўлган Франция Республикаси тақвимида иккинчи ой (22—24 октябрдан 20—24 ноябргача); республика VIII йилининг 18 брюмери (1799 йилнинг 9 ноябри)да давлат тўнтариши бўлиб, Наполеон Бонапарт ҳокимият тепасига келган.

кечаси «Француз халқига мурожаат»ни қоғозга туширишда ўзида куч топарди. Агар унинг нималарга дош бериб, нималарни бошдан кечирганини кўз ўнгимизга келтиришга уриниб кўрсак, қирқ ёшида танасида бирорта соғ жой қолмаган бўлса керак, деб ўйлашимиз мумкин, бироқ у ўша ёшда ҳам бардам-бақувват, том маънодаги қаҳрамон эди.

Лекин Сиз ҳақсиз, инсон фаолиятининг энг гуллаган даври унинг ёшлигига тўғри келади. Бир ўйлаб кўринг-а, келиб чиқиши номаълум бўлган йигирма етти ёшдаги одам, барча талантларни ҳаракатга келтирган бир даврда ўттиз миллионли миллатнинг етакчисига айланиб турса-я! Ҳа, ҳа, азизим, улуғ ишлар қилиш учун ёш бўлмоқ керак. Бу жиҳатдан Наполеон ягона эмас!

— Унинг укаси Люсьен ҳам, — дедим мен, — ёшлигиданок юксак мартабаларга эришган эди. Йигирма беш ёшидаёқ у Бешюзлар кенгашининг раиси, кўп ўтмай Ички ишлар вазири бўлди.

— Люсьенни кўятуринг! — гапимни бўлди Гёте. — Тарихда юзлаб истеъдодли одамлар топиладики, улар гоҳ идораларида ўтириб бўлсин, гоҳ жанг майдонида бўлсин буюк ишларни қойилмақом қилиб бажаришган.

— Агар ҳокимият қўлимда бўлса эди, — жўшиб сўзида давом этди Гёте, — мен биринчи лавозимларга, келиб чиқиши ва илгариги хизматлари эвазига секин-аста юқорига кўтарилиб келган, тайёр йўлдан шошилмай қадам ташлаб келаётган, қўлларидан тузук-қуруқ иш келмайдиган одамларни ҳеч қачон тайинламаган бўлардим. Атрофимга ўткир зехни, ёрқин ақли, шижоати билан ажралиб турувчи, шу билан бирга иродали, табиатан мард ёшларни тўплаган бўлардим. Ўшанда мамлакатни бошқариш, халқни олдинга етаклаш қандай осон кечган бўларди! Бироқ шундай моҳир инсонларни атрофига тўплай оладиган ҳукмдор қани!

Ҳозирги прусс валиахдидан умидим катта. У ҳақда билган ва эшитганларимга қараганда, фавқулодда истеъдодли инсон, бинобарин, ишчан ва талантли одамларни топиш ва танлаш унинг қўлидан келади. Нима дейишса дейишаверсину, тенг тенгини ҳамиша танийди, мислсиз истеъдод соҳиби бўлган ҳукмдоргина ўзига садоқатли мулозимлари орасидан ўшандай истеъдодларни ажратиб олиб, уларнинг қадрига ета олади. Наполеоннинг машҳур шиори: «Талантга — кенг йўл!» эди, у одам танлашда, уларни жой-жойига қўйишда устаси фаранг эдики, эҳтимол, шунинг учундир, у умри давомида қандай улуғ ишни бошламасин, ҳамиша зукко одамлар унга кўмакка келар, шу жиҳатдан у ҳеч кимга ўхшамасди!

Бу кеч Гёте менга беҳад ёқди. Табиатидаги барча олий-жанобликлар гўё қайта жонлангандек, овозидаги жаранг, кўзларидаги ёлқин шу қадар қудратли эдики, бамисоли юрагидаги ёшлик учқунлари янгидан порлагандек эди. Менга ғалати туюлгани, у мўйсафид ёшда ҳам юқори лавозимларни эгаллаб турган одам, ёшлар учун шу қадар куйиб-пишар ва ҳукуматнинг юқори лавозимлари ўспиринларга бўлмаса-да, ҳар ҳолда ёшларга берилиши лозим, деб ҳисобларди. Мен мавриди келганда айрим немис амалдорларини тилга олдим, улар хийла кексайиб қолганликларига қарамай, анча чакқон, ёшлардек ҳаракатчан, хилма-хил муҳим вазифаларни бемалол эплашаяпти, дедим.

— Улар ва улар сингарилар, — жавоб берди Гёте, — даҳо инсонлар, уларга баҳо беришда махсус ёндошув талаб қилинади, бундай одамларга баловат ёши такрор насиб этади, бошқалар эса бир марта ёшликни бошдан кечиришади. Ёшлик ўз оти билан ёшлик, энтелехия ўзини қанчалик намоён қилмасин, у жисмни ҳеч қачон бутунлай ўзига бўйсундира олмайди, шу боисдан у жисмда ўзига тарафдорни топадими ёки рақибними, бунда фарқ жуда катта.

Ҳаётимда шундай даврлар ҳам бўлган эдики, ҳар куни бир босма табокдан ёзмасам кўнглим жойига тушмасди, бу кўлимдан келарди ҳам. «Ака-сингил» асаримни уч кунда, «Клавиго»ни эса, ўзингизга маълум, бир ҳафтада ёзганман. Ҳозир бу ҳақда орзу ҳам қилолмайман, шундай бўлса-да, ҳатто кексайган чоғимда ҳам каммахсулликдан шикоят қилишга мутлақо ҳаққим йўқ. Ёшлик пайтимда ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар куни кўлимдан келган ишни ҳозирги пайтда ахён-ахёнда қулай шароит бўлгандагина уддалаяпман, бундан ўн-ўн икки йиллар олдин, Озодлик урушидан кейинги бахтли кунларда, бутунлай «Девон» билан банд бўлганимда роса сермахсул эдим, кунига икки-учтадан шеър ёзардим, извошдами, очик ҳаводами, меҳмонхонадами, бунинг фарқи йўқ эди. Ҳозир эса «Фауст»нинг иккинчи фасли устида эрталаблари, қониб ухлаб, миям дам олган, кундалик турмуш ташвишлари толиқтирмаган маҳалдагина ишлайман. Шунда ҳам қанча ёзаман денг? Жуда нари борса, бир саҳифа, одатда кўлнинг кафтига қанча ёзиб бўлса, ўшанча, кўпинча эса, кайфиятим кўтармаса, ундан ҳам камроқ ёзаман.

— Наҳотки, — дедим мен, — самарали кайфиятни юзага келтирадиган, паст бўлганда уни кўтарадиган бирор восита бўлмаса?

— Бу ғайриоддий масала, — жавоб берди Гёте, — бу ҳақда жуда кўп ўйлаш, гапириш мумкин. Яхши самара ва барҳаётлик касб этадиган ҳар қандай олий даражадаги сермахсуллик, юксак интилиш, улуғ ғоя ёки ҳар қандай улуғ фикр инсон иродасига, заминий кучга боғлиқ эмас. Одам буни Яратганнинг кутилмаган инояти, худо берган беғубор фарзанд деб уни қувонч, шукроналик билан қабул қилмоғи лозим. Буларнинг ҳаммаси илоҳий кучга боғлиқ, у одамни тамоман эгаллаб олади-да, у билан нима хоҳласа шуни қилади, одам эса, ўзини бутунлай унинг ихтиёрига топширади ва бу ишларни ўз ихтиёрим билан бажараяпман, деб ўйлайди. Шундай вазиятларда ҳам юқоридан келган кучнинг қуролига, гўё Тангри қуяётган сувни қабул қилиб олувчи идишга айланади. Бу гапларим билан мен шуни кўзда тутаяпманки, кўпинча бор-йўғи битта фикрдан бутун бир асар янги қиёфа касб этади, айрим инсонлар ўзлари яшаган даврга заковат тамғасини босишадики, бу узоқ замонларгача ўз таъсирини ўтказиб туради.

Бундан ташқари, яна бошқача турдаги сермахсуллик ҳам борки, у заминий таъсирга, инсоннинг ўз қудратига боғлиқ бўлади, бироқ шундай ҳолда ҳам одам илоҳий куч олдида шукроналик келтиришга бурчлидир. Аниқ бир режанинг бажарилишига дахлдор ҳамма нарсани, самараси кўзга ёрқин ташланиб турган фикрлар занжирининг барча ҳалқаларини шу соҳага тегишли деб биламан, санъат асарининг аниқ шакл ва мазмунини ташкил этадиган ҳамма жиҳатларни ҳам шу соҳага киритган бўлардим.

Бутун асар руҳи ногаҳон Шекспирнинг борлигини эгаллаб олганда, унда «Ҳамлет» ҳақидаги фикр туғилди, шунда у асарнинг бутун мазмуни, характери ва ечими илоҳий бир тортиқ тарзида хаёлида яхлит ҳолда жонланди, гарчи ундаги шекспирона руҳ бундай юксак мулоҳазаларга қодир бўлса-да, унинг ўзи бу асарга бевосита таъсир кўрсатмади. Аммо баъзи бир сахналар, диалоглар устидаги кейинги ишлар тўлиқ унинг ҳукмида бўлди, у ойлар давомида ҳар куни асар устида соатлаб ишлади ва уни ўзига қандай маъқул бўлса, шундай таҳрир қилди. У яратган ҳар бир асарда биз бир хил сермахсул қудратни кўрамиз, унинг барча пьесаларида бирор сахна йўқки, у ҳақда, тушкун кайфиятда ёзилган ёки илҳом билан ёзилмаган, дейиш мумкин бўлсин. Уни мутолаа қиларканмиз, бизда унинг асарлари ҳам руҳан, ҳам жисмонан бақувват иродали инсон томонидан яратилганига амин бўламиз.

Лекин тасаввур қилинг, драматург жисмоний жиҳатдан етук ва бақувват эмас, аксинча, тез-тез унинг тоби қочиб, ишлашдан чарчаб туради, шу билан унинг алоҳида сахналар устида кундалик қиладиган иши кўпинча тўхтаб қолади ва баъзан узоқ вақт қўлга олмагани туфайли зарур бўлган маҳсулдорлик ҳам йўққа чиқади. Бордию у иссиққина ичимликларни ичиш билан қувватини унумдор қилишга уринса, маълум миқдорда бунга эришади ҳам, аммо шу тахлит иш тезлаштирилган сахналарнинг барчасида камчиликлар яққол сезилиб туради.

Менинг маслаҳатим шуки, ҳеч нарса тезлаштирилмаслиги керак, яхшиси унути кам соатлар ва кунларни мириқиб ухлаш ёки кўнгилочар ўйинлар билан ўтказиш лозим, зўрма-зўраки ишлашдан қочиш керакки, зеро, бу охири кишига қувонч келтирмайди.

— Сиз тилга олган ҳолатларни мен ҳам жуда кўп бошдан кечирганман, — дедим мен, — тўғри айтдингиз, буни тан олмай илож йўқ, шундай бўлса-да, менимча, одам баъзида руҳий ҳолатидаги самарадорликни тезлаштирамаган ҳолда табиий йўллар билан оширса бўлади. Ҳаётимда бехад мураккаб вазиятларда тўғри қарорга келолмай қийналган пайтларим кўп бўлган. Бир-икки стакан вино ичиб олганимданок бундай ҳолат ўтиб кетарди-да, нима қилишим кераклигини шу захотиёқ англаб етардим. Бир қарорга келиш ҳам ўзига хос самарадорлик, бир неча стакан вино билан бунга эришиш мумкин экан, менимча, бундай усулни инкор қилиш тўғри бўлмайди.

— Бу фикрингизни, — деди Гёте, — рад қилмоқчи эмасман, ҳозир мен айтган гаплар ҳам тўғри, бундан шу нарса аён бўладики, ҳақиқат олмосга ўхшайди, унинг нурлари бир томонга эмас, турли томонларга таралиб туради. Сиз менинг «Девон»имни жуда яхши биласиз-ку, эслайсизми, мен унда мана бундай деб ёзганман:

*Вино сипқорганинг он
Англайсан ҳақиқатни.*

Кўряпсизки, Сиз билан тамоман ҳамфикрман. Шубҳасиз, винода самарадорликни оширувчи қудратли куч мужассам, бироқ бунда кўп нарса кайфиятга, вақтга, айти фурсатга боғлиқ, у бировга фойда келтирса, бошқага зарар келтиради. Бундан ташқари, яхши ҳордиқ ва уйқу ҳам маҳсулдорликни оширувчи кучга эга, ҳаракатда ҳам гап кўп. Шундай қудрат сувда, айникса қулай муҳитда ҳам мавжуд. Кенг даладаги

тоза ҳаво – мана, бизга аталган жойлар. У ерларда инсоннинг боши узра Тангри руҳи кезиб юргандек, унга куч-қувват бағишлаётгандек бўлади. Лорд Байрон ҳар куни бир неча соатни очик ҳавода ўтказар, гоҳ денгиз соҳили бўйлаб отда сайр қилар, гоҳ елканли ёки эшкакли қайиқда сузар, гоҳида денгизда чўмилиб, сузиш билан қувватини оширарди, у ёруғ оламда яшаган ижодкорларнинг энг сермахсули эди.

Гёте рўпарамга ўтириб олди ва биз турфа мавзуларда гурунглашдик. Яна Лорд Байронга қайтдик, унинг кейинги ҳаётига соя ташлаган айрим кулфатларни ёдга олдик, шулар уни охир-оқибат хайрли истак биланми, машъум омадсизликлар оқибатидами, Юнонистонга етаклади ва у ўша ерда ўз ажалини топди.

– Умуман, – сўзида давом этди Гёте, – бундок ўйлаб кўрсангиз пайқайсиз, одам ўрта ёшларга борганда кўпинча ҳаётида бурилиш юз беради, ёшлигида барча жабҳаларда ишлари юришган бўлса, энди омадсизлик ва бахтсизликлар бирин-кетин бошига ёрилади.

Биласизми, мен буни қандай тасаввур қиламан? Одам қайтадан йўқликка юз тутиши лозим! Ҳар қандай етук одамнинг бажариши лозим бўлган маълум вазифаси бор. Ўша вазифани бажариб бўлдими, энди унинг ер юзида қиладиган иши қолмайди ва Яратган энди уни ўзга қиёфага айлантиради. Модомики, бу оламда ҳамма нарса табиий йўл билан юз берар экан, бир кун келиб илоҳий кучлар кетма-кет унинг оёғидан чалади ва ниҳоят, у таслим бўлади. Наполеон ҳам, бошқа кўплаб кишилар ҳам шундай кетишди. Моцарт ўттиз олти ёшида, Рафаэль ҳам шу ёшда вафот этишди. Байрон улардан сал каттароқ эди. Ҳаммалари ўзларига юклатилган вазифани тўлиқ бажаришди, демак, жуда узоқ мавжуд бўлиши лозим бўлган бу оламда бошқалар учун ҳам нима-лардир қилиш мумкин бўлсин учун улар кетишлари керак эди.

Бу орада хийла қоронғи тушиб қолди, Гёте менга суюкли қўлини узатди, мен кетдим.

1828 йилнинг 12 март, чоршанба

Кеча кечқурун Гёте ҳузуридаги муҳим мавзуларда қилган гурунглариимиз ҳеч ҳаёлимдан нари кетмасди.

Бу гурунгларда денгиз ва денгиз ҳавоси ҳам тилга олинди, шу муносабат билан Гёте, оролларда ва денгизга яқин ҳудудлардаги мўътадил иқлимда яшовчи аҳоли қитъалар ичкари-

сида яшовчи халқларга нисбатан сермахсулроқ ва соғломроқ эканликларини ҳам таъкидлади.

Мен ўша хаёллар оғушида денгизнинг жонлантирувчи қудратига интиқ бўлиб, ухлаб қолганим учунми, бу кеча ёқимли, мени беҳад ҳайратга солган туш кўрибман.

Бир нотаниш жойда, бегона одамлар орасида, ниҳоятда шод ва бахтиёр эмишман. Ёқимли ёз қуёши нур сочиб турган Ўрта Ер денгизи соҳилларими, Испания жануби ёки Франциями, Генуя атрофларими, билмайман, ишқилиб хушманзара жой эмиш. Қувноқ кайфиятда тушлик қилибмиз, кейин мен бошқа, бироз ёшроқ йигитлар билан тушликдан кейинги сайрга кетибман. Биз буталар ўсиб ётган тўғри текислик бўйлаб бориб, денгизда, кичкина оролчада, тўғрироғи, қояли чўққида пайдо бўлиб қолибмиз, у ерга беш ёки олтита одам зўр-базўр сивар, ҳатто қимирлашдан ҳам одам чўчир, сувга қулаб тушиш мумкин эди. Биз келган орқа томонда фақат денгиз кўринар, олд томонимизда, чамаси ўн беш дақиқалик масофада кишини ўзига ром этувчи қирроқ ястанганмиш. Қирроқ гоҳ текис, гоҳ бироз баланд ва қояли эди, яшил майса ва оқ чодирлараро рангдор либослардаги қувноқ одамлар тўдаси кўзга ташланар, улар чодирлар ичидан эшитилаётган мусиқа оҳангига ракс тушишармиш.

— Кийимларимизни ечиб, қирроққа сузиб ўтишдан бошқа иложимиз йўқ! — дермиш йигитлардан бири иккинчисига.

— Сизларга айтиш осон, — дебман мен, — сизлар ёш, келишган, бунинг устига яхши сузувчисизлар. Мен ёмон сузаман, ташқи қиёфам ҳам кўримли эмаски, қирроқдаги бегона одамлар орасида ёзилиб-яйраб пайдо бўлсам.

— Аҳмоқсан сен, — дебди ёқимтой йигитлардан бири. — Ечин-да, ташқи қиёфангни менга бер, мен ўзимникини сенга бераман.

Бу сўзларни эшитибок кийимларимни ечиб ташлабман-да, ўзимни сувга отибман ва бегона қиёфада энг зўр сузувчига айланибман. Бирпасда қирроққа етиб бориб, бемалол, ишонч билан, ҳўл ва яланғоч ҳолда одамларга аралашиб кетибман. Қиёфам ёқимлилигидан бахтиёр эмишман, ҳеч бир тортинмасдан соябонлардан бири олдидаги столда хурсандчилик қилиб ўтирган мутлақо бегона одамларга қўшилиб кетибман. Бу орада менинг ўртоқларим ҳам бирин-кетин қирроққа етиб келиб бизга қўшилишибди. Улар орасида менинг қиёфамдаги йигит кўринмасмиш, мен эса, унинг қиёфасида яйраб ўтирган эканман. Ниҳоят у ҳам қирроққа яқинлашибди, шунда мендан, аввалги ўзингни кўришни истамайсанми, деб сўрашганмиш.

Бу сўзлардан мен ғалати бўлиб кетибман, бир томондан, ўз қиёфамга қарашдан ҳеч бир завқ олмаслигимни билсам, иккинчи томондан, ўша йигит мендан ўз жисмини дарҳол талаб қилиши мумкинлигидан кўрқармишман. Шунга қарамасдан орқамга ўгирилиб, ўз иккинчи «мен»имнинг сузиб келаётганини кўрибман, у бошини ён томонга буриб, менга кулиб қараганмиш.

— Сенинг қўл-оёқларинг сузишга мослашмаган, — деб қичқирганмиш у, — менга тўлқинлар билан чинакамига олишишга тўғри келди, шунинг учун энг охирида сузиб келганимга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

Мен ўз юзимни дарҳол танибман, бироқ у яшарган, бироз тўлишган ва қизиллик югурган эди. У соҳилга чиқиб, қаддини ростлаб, қумда бир неча қадам ташлагач, мен унинг елкаси ва сонларига назар ташлабман ва гавдасининг мукамаллигини кўриб севинибман. Кейин у қояли қирроқ бўйлаб биз ўтирган жойга кўтарилганмиш, менинг ёнимда тўхтагач, бўйи менинг янги қиёфам билан теппа-тенг эканлигини кўрдим. «Қизик, — ўйлабман мен ичимда, — қандай қилиб менинг кичкина жуссам шунчалик чиройли бўлиб қолди! Денгизнинг қудратли кучи унга фаройиб таъсир кўрсатдими ёки дўстимнинг ёшларга хос руҳияти менинг аъзо-узвларимга куч бағишладими?» Бир муддат вақтимизни биргаликда хуш ўтказганимиздан сўнг, дўстим жисмини қайтаришимни талаб қилмаётганидан ўзимча ҳайрон бўлибман. Тўғри-да, дея ўйлабман, шусиз ҳам унинг кўриниши зўр, афтидан унга барибир бўлса керак, менга эса барибир эмас, негаки, мен у танада яна букилиб, кичрайиб қолмаслигимга ишончим комил эмас. Шу масалани аниқлаб олиш учун дўстимни чеккароққа тортиб, ундан, менинг танамда ўзингни қандай ҳис қиляяпсан, деб сўрабман.

— Жуда яхши, — деганмиш у, — мен аввалгидек ўзимни бардам сезяпман. Билмадим, сен янги қиёфанг ҳақида қандай фикрдасан, менинг ҳеч бир эътирозим йўқ, одам ўзини кўрсата билиши керак. Менинг танамда қанча хоҳласанг, шунча қолавер, мен эса сеникида бир умр қолишга ҳам розиман.

Бу сўзлардан кейин мен хотиржам бўлибман, мен ҳам бутун ҳис-туйғуларим, фикр-ўйларим ва хотираларимда ўзимни аввалгидек ҳис этганим учун тушимда, бизнинг руҳимиз тамом мустақил ва у келажакда бошқа бир қиёфада ўз ҳаётини давом эттиради, деган тасаввур ҳосил бўлганмиш.

— Ажойиб туш, — деди Гёте, мен унга тушликдан сўнг тушимнинг муҳим жойларини айтиб бергач, — кўраяпсизми,

илҳом тушингизда ҳам сизни йўқлаган, ҳатто алоҳида мурувват ҳам кўрсатган, ҳушёр пайтингизда бундай ғаройиб ва ёқимли ҳодисани ўйлаб топишингиз мушкул бўларди, десам инкор қилмасиз.

— Бунинг қандай содир бўлганини ўзим ҳам билмайман, — жавоб қайтардим мен, — кейинги кунларда ўзимни шу қадар тушкун кайфиятда ҳис этиб юргандимки, бундай ёрқин ҳаётни кўриш ҳаёлимга ҳам келмаганди.

— Инсон табиатида ғайриоддий кучлар яширин, — деди Гёте, — биз бутунлай умидсизликка тушиб турган маҳалда у бизга қандайдир яхши нарсани тайёрлаб турган бўлади. Ҳаётимда шундай пайтлар бўлганки, мен йиғлай-йиғлай ухлаб қолардим, аммо тушимда беҳад ёқимтой шарпалар ҳузуримга келиб, мени юпатиб, кўнглимни топиб кетишарди ва мен тонгда қувноқ ва бардам ҳолатда ўрнимдан турардим.

Биз, кекса европаликларнинг аҳволимиз, умуман олганда, яхши эмас, биз яшаб турган муҳит сунъий ва ниҳоятда мураккаб, еб-ичишимиз, яшаш тарзимиз табиатдан йироқ, одамлар билан ўзаро муносабатларимизда меҳр-оқибат, самимият йўқ. Кўринишдан ҳамма назокатли, хушмуомала, лекин ҳеч ким самимий ва ҳаққоний бўлишга журъат этолмайди, табиий қобилият, мулоҳазага эга бўлган ҳалол одам эса, бу одамлар орасида ёмон аҳволга тушиб қолади. Бошқаларнинг таъсири-сиз ҳаётдан лаззат олиш учун гоҳида ҳатто қайси бир жанубий денгиздаги оролда ёввойи одам бўлиб туғилишни ҳам истаб қоласан киши.

Агар одам тушкун ҳолатда бўлган пайтда, кашшоқлашган замонамизга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлса, дунё қиёматга яқинлашиб қолдимикан, деган ўйга ҳам толади. Ёмонлик авлоддан-авлодга томон ўтиб келмоқда! Биз ота-боболаримизнинг гуноҳларини кўтариб юрганимиз етмагандек, уларга яна ўзимиз орттирган гуноҳларимизни ҳам қўшиб, келгуси авлодларимизга ҳам қолдиришимиз.

— Менинг ҳам миямга кўпинча шунақа фикрлар келади, — дедим мен, — бироқ немис драгун полки аскарлари ўтиб бораётганда келишган ва ёш йигитларни кўрсам, қайтадан хотиржам бўламан-да, ҳар қалай инсоният келажаги у қадар ёмон бўлмас, деб қўяман.

— Бизнинг халқимиз, — жавоб берди Гёте, — ҳар ҳолда ҳозирча куч-қувватга тўлиқ ва нафақат ҳали узоқ йиллар бизга баркамол отлиқ аскарларни етказиб беришга, балки бизни тамоман пароканда бўлиб, ҳалокатга юз тутишдан асраб қолишга ҳам қодир, дея ишонса бўлади. Бу тугамайди-

ган ўзига хос омбор, у инкирозга учраб бораётган инсоният кучларини борган сари тўлдириб, янгилаб туради. Катта шахарларимизни бир бориб кўринг, сизда бутунлай бошқача тасаввур ҳосил бўлади. Хоҳлаган бирор одам ёки катта тажрибага эга бўлган доктор билан суҳбатлашиб кўринг, улар Сизга шунақа гапларни айтиб беришадики, инсониятни, умуман жамиятни азоб-уқубатга солаётган қусурлару бахтсизликлардан ларзага келасиз.

Аммо, келинг, кишини эзадиган фикрларни четга суриб қўяйлик. Ўзингизнинг аҳволингиз қалай? Нималар билан машғулсиз? Бугун нималар қилдингиз? Қани гапиринг, кайфиятимни кўтаринг.

— Штернда ўқиган эдимки, — жавоб қайтардим мен, — Париж кўчаларида тентираб юрган Йорик ҳар ўн одамнинг биттаси букри эканини пайқаган экан. Сиз катта шахарнинг қусури ҳақида гапирганингизда мен дарҳол шуни эсладим. Яна бир нарса ёдимга тушди: Наполеон даврида нуқул парижликлардан иборат бўлган битта батальон бўлиб, одамларнинг барчаси кичкина, нимжон бўлишган экан, уруш даврида улардан қандай фойда бўлган, билмайман.

— Веллингтон ҳерцоглигига қарашли тоғлик шотландлар, — деди Гёте, — зўр баҳодирлар бўлишган.

— Мен уларни Ватерлоо жангидан бир йил олдин Брюсселда кўрган эдим, — жавоб бердим мен. — Дарҳақиқат, улар кетворган йигитлар эди! Тангри уларни худди ҳозиргина яратгандек ҳаммалари бақувват, соғлом, чапдаст эдилар. Улар бошларини баланд кўтариб, мускулдор, яланғоч оёқлари билан шахдам қадам таплаб юришар, гўё ота-боболарининг гуноҳлари ва хатолари уларга дахлдор эмасдек эди.

— Бунинг сабаблари бутунлай бошқа, — жавоб қайтарди Гёте, — эҳтимол келиб чиқишида, униб-ўсган заминда, турмуш тарзида, соғлом тарбияда бўлиши мумкин, хуллас, инглизлар бошқа миллатлардан кўра анча юқори туришади, Ваймарда инглизлар кам кўзга ташланади, борлари ҳам ўртамиёналари бўлса керак менимча, аммо ҳаммалари шунақа пишиқ, келишган одамлар! Ёшгина, ўн етти ёшлардаги ўсмирлар бу ерга келишади, бегона немис ерида ўзларини эмин-эркин тутишади, бунинг устига уларнинг юриш-туришлари, бошқалар орасида ўзларини тутишларида ҳеч бир қисилиш-қимтиниш ҳолатини кўрмайсан, гўё улар ҳамма ерда хўжайину бутун дунё уларга қарашлидек. Айни шу нарса аёлларимизга хуш келади ва шу йўл билан улар ёш қизларимизнинг ҳаётларини қурбон қилишади. Ўз оиласидагиларнинг хотиржамлигини

қадрлайдиган ҳақиқий немис отаси сифатида баъзан келиним бирорта чет эллик ёш меҳмон келаётгани ҳақидаги хабарни менга айтса, юрагим шув этиб кетади. У кетганидан кейин тўкиладиган кўз ёшларни кўз олдимга келтираман. Булар хавфли меҳмонлар, бироқ худди мана шу хавфли эканликлари уларнинг яхши фазилати деб ҳисоблаш мумкин.

— Мен эса, аксинча, — гап қистирдим мен, — ваймарлик ёш инглизларни бошқалардан кўра ақллироқ, зийракроқ, билимлироқ, қалбан тозароқ деб ўйламаган бўлардим.

— Гап бунда эмас, азизим, — жавоб қайтарди Гёте, — гап келиб чиқишда ҳам, бойлигида ҳам эмас, гап шундаки, табиат уларни қандай яратган бўлса, шундай бўлишга журъатлари етади. Улар издан чиқмаган, майиб-мажруҳ бўлмаган, руҳан синиқлик, бетайинлик уларга бегона, хуллас, улар қандай бўлса, шундоқлигича мукамал инсонлар. Ҳатто ҳақиқий аҳмоқлари ҳам, ишончим комилки, маълум бир ўринга ва табиат мезонида маълум салмоққа эга.

Шахсий эркинлик бахти, инглиз номига эга эканлигини ғурур билан ҳис этиш, бу номнинг бошқа миллатлар томонидан ҳурмат билан тилга олиниши болаларга кўп нарса беради, негаки нафақат оилада, балки ўқув юртларида ҳам уларга катта иззат-икром кўрсатишади, шу билан улар биз, немислардан кўра анча-мунча бахтлироқ ва эркинроқ муҳитда ўсиб-улғайишади.

Деразадан ташқарига қараганимданок севимли Ваймаримизда аҳвол қанақалигига дарҳол иқроп бўламан. Қишда қор ёққанида кўшни болалар чаналарини судраб ташқарига чиққанлари заҳотиёқ полициячи пайдо бўлади ва шўрлик болалар бирпасда тумтарақай қочишади. Мана ҳозир, баҳор қуёши чарақлаб, уларни уйларининг олдида мириқиб ўйнашга имлаган пайтда уларнинг кўрка-писа атрофга аланглаб, кўрқинчли полициячи келиб қолишидан хавотирга тушаётганларини кўраман. Бирорта бола на хипчинни шипиллатишга, на кўшиқ айтишга, на бошқасини чақиришга журъат этолмайди, бир зумда полициячи пайдо бўлади-да, буни уларга ман этади. Бизда ҳамма нарса ёшларни болаликданок руҳан мажруҳ қилишга, улардаги туғма фазилатлар, ўзига хосликлар ва жўшқинликларни топтаб ташлашга қаратилганки, охир-оқибат ундан фақат хушомадгўй нусха пайдо бўлади, холос.

Сизга маълум, бирор кун йўқки, менинг уйимда Ваймарда тўхтаган бирорта хорижлик меҳмон бўлмаса. Бордию мен бирорта ёш немис олими, айниқса шимоли-шарқ томондан келганининг ташрифи мени қувонтиради десам, ёлғон гапирган бўламан. Кўзлари узоқни илғамайдиган, рангпар,

кўкраклари чўккан, ёш бўлса-да, ёш кўринмайдиган: менинг уйимга келадиганларнинг қиёфалари мана шу. Улар билан мулоқотга киришганим заҳоти сезаман: биздаги бошқа бир кишига қувонч келтирадиган ёки арзимас, дидсиз кўринган нарса улар учун фарқсиз, улар ғоялар исканжасида қолишган ва фақат мавҳум мунозараларнинг энг олий муаммоларигагина қизиқишга қодир. Соғлом ҳиссиёт ва ҳиссий бахт улар учун бегона, улардаги ёшлик ҳис-туйғулари ва ёшларга хос ғурур заҳарланган, бир умрга заҳарланган. Агар одам йигирма ёшида ёш бўлмаса, у қандай қилиб қирқ ёшида ёш бўлсин?

Гёте тин олди ва жимиб қолди.

Мен Гётенинг ёшлиги тўғри келган ўтган асрнинг бахтли дамларини ёдга олдим. Назаримда Зезенхаймдаги ёз ҳавосининг ифорини сезгандек бўлдим ва унга мана бу сатрларни эслатдим:

*Кечки салқин ҳавода,
Ёш дўстлар даврасида.*

— Эҳ, — дея энтикди Гёте, — бу чиндан-да ажойиб дамлар эди! Бироқ, ҳозирги тунд, туманли кунлар янада чидаб бўлмас даражага етмаслиги учун у дамларни ёддан чиқаришимиз лозим.

— Бизни ҳозирги даврнинг шафқатсизлик, ғам-қайғу ва даҳшатли тушкунликларидан озод қилиш учун Халоскоримиз қайтиб келса, кўп яхши бўларди, — дедим мен.

— Бизга бундай буюк ходисаларнинг кераги йўқ, — жавоб қайтарди Гёте. Немисларга ҳам инглизлар сингари камроқ фалсафа сўқиш ва кўпроқ ҳаракат қилишни, асосан назария билан эмас, амалий шуғулланишни ўргатиб бўлса эди, кўп яхши ишлар амалга ошган бўларди. Кўп хайрли ишлар пастдан — халқ, мактаб, оиладаги тарбия орқали, тепадан эса, ҳукмдорлар ва уларнинг қўл остидагилар томонидан бунёд этилиши мумкин.

Масалан, мен бўлғуси давлат хизматчиларидан ўқиш даврида беҳад кўп илмий-назарий билимлар талаб қилинишини ёқламайман, бу нарса уларни ёшликданок ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан эзиб ташлайди. Амалий фаолиятга киришган пайтларида уларда бир дунё фалсафий ва илмий билимлар бўладики, уларнинг тор меҳнат доираларида бундай билимларнинг деярли кераги ҳам бўлмай, аста-секин унутилиб кетади. Аксинча, энг керакли нарсадан улар маҳрум, яъни уларда амалий фаолиятга боши билан шўнғиб кетишда керак бўладиган руҳий ва жисмоний қувват етишмайди.

Бундан ташқари, давлат хизматчиси одамларга муҳаббат ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлмоғи керак. Агар унинг ўзида бу хислатлар бўлмаса, у бошқалар билан қандай муомала қилади? Бу ходимларнинг барчаси ичдан чириган деса бўлади! Ёзув столига миҳланган олимлар ва давлат хизматчиларининг тўртдан уч қисми жисмоний яроқсиз ва умидсизлик тузоғи исканжасида қолган. Бунда юқоридан туриб таъсир ўтказиш зарур, токи келажак авлод бундай халокат ботқоғига ботмасин.

— Нимаям деймиз, — кулиб кўшимча қилди Гёте, — сабр-тоқат билан кутамиз ва умид қиламизки, бир асрлар чамаси ўтгач, бизнинг немислар мавҳум олим ва файласуфлар эмас, балки одам бўлишар.

*1828 йилнинг 16 майи, жума**

Гёте билан извошда сайр қилдик. У Коцебу ва унинг ҳамкорлари билан бўлган жанжалларини эслаб кулди ва уларга атаб ёзган беҳад кулгили, аччиқ эмас, балки ҳазилнамо эпиграммаларни айтиб берди. Мен ундан, нега уларни нашр эттирмагансиз, деб сўрадим.

— Менда бунақа шеърчаларнинг бутун бир тўплами бор, — жавоб берди Гёте, — уларни яшириб қўйганман, ахён-ахёнда энг ишончли дўстларимгагина кўрсатаман. Булар мен учун душманларимнинг ҳужумини қайтарадиган ягона қурол эди. Шу йўл билан мен жимгина ўзимга андак дам бериб, ёмон муносабатларнинг ёқимсиз туйғуларидан халос бўлардим, акс ҳолда душманларимнинг очикчасига, кўпинча ғазабнок ҳужумлари мени руҳан енгиб қўйган бўларди. Ўша шеърчалар менга шахсан жуда катта кўмак берганди. Бироқ одамларни ёлғиз ўзимга дахлдор майда-чуйда гаплар билан банд қилишни ёки ҳозир ҳаёт бўлганларни хафа қилишни истамайман. Кейинроқ уларнинг орасидан у ёки бу эпиграммани, шубҳасиз, чоп этирса бўлади.

*1828 йилнинг 16 июни, жума**

Бавария қироли яқинда Гёте портретини ишлаш учун ўз сарой рассоми Штилерни Ваймарга жўнатган эди. Тавсиянома ва маҳоратининг исботи сифатида Штилер гўзал бир ёш аёлнинг, яъни мюнхенлик актриса фройлайн фон Ҳагн'нинг бутун бўй-басти билан тугалланган портретини ўзи билан

¹ Ҳагн Шарлотта фон (1809—1891) — мюнхенлик актриса.

олиб келганди. Буни кўриб, Гёте жаноб Штилер қанча истаса, шунча марта сабр-тоқат билан ўтиришга рози бўлди, портрет бир неча кун олдин тайёр бўлган эди.

Бугун Гёте икковимиз ёлғиз тушлик қилдик. Десерт пайтида Гёте ўрнидан туриб, мени овқат ейиладиган хонага ёндош кабинетга бошлаб кирди-да, яқингинада ниҳоясига етган Штилернинг ишини кўрсатди. Шундан сўнг аллақандай сирли қиёфада мени майолика¹ хонаси томон етаклади, у ерда мафтункор актриса портрети турарди.

— Меҳнат зое кетмаган-а, нима дедингиз? — деди у, биз расмни бирпас кузатганимиздан сўнг, — Штилер аҳмоқ эмас! Бу ёқимли луқмани у ром қилиш учун менга тутди, шу йўл билан у мени ўтиришга мажбур қилди ва гарчи у мўйсафиднинг бошини чизаётган бўлса-да, мўйқалами остидан мана шундай фаришта ҳам чиқади, деб менинг бошимни айлантирди.

*1828 йилнинг 26 сентябри, жума**

Гёте бугун менга, боғидаги чекка павильонда жойлашган тош қотган суяклардан иборат бой коллекциясини кўрсатди. Коллекцияга унинг ўзи асос солган, ўғли томонидан анча бойитилган бўлиб, энг ғаройиби, ҳаммаси Ваймар атрофидан топилган тош қотган суяклардан иборат эди.

*1828 йилнинг 6 октябри, душанба**

Гётеникида жаноб фон Мартиус билан бирга тушлик қилдик, у бир неча кундан буён шу ерда, Гёте икковлари ботаника мавзуларини муҳокама қилишмоқда. Асосан ўсимликларнинг спиралсимон ривожланиши устида кўп гапирилди, жаноб Мартиус бу соҳада кўп кашфиётлар қилган ва булар ҳақида Гётега маълумот берар, бундан, ўз навбатида, Гёте олдида янги фаолият майдони очиларди. Назаримда Гёте дўстининг ғоясини ёшларга хос жўшқинлик билан қабул қилаётгандек эди.

— Булар, — деди у, — ўсимликлар физиологиясини анчамунча бойитади. Спиралсимон ривожланиш борасидаги янги ғоя менинг метаморфоза ҳақидаги таълимотимга тўла мос келади, ғоя худди ўша йўлда дунёга келган, бироқ бу билан олдинга мислсиз катта қадам ташланган.

¹ *Майолика (итал. maiolica)* — усти ялтироқ копламали, рангдор лойдан ишланган бадий керамика, масалан, XV—XVI аср италия ва испан керамикаси.

Кейинги пайтда Гёте «Глоб» журналини берилиб ўқияпти ва у суҳбатларнинг асосий мавзуси бўлмоқда. Кузен ва унинг мактабининг ҳаракатларини Гёте, айниқса, муҳим деб ҳисобламоқда.

— Бу одамлар, — деди у, — Германия билан Францияни бир-бирига яқинлаштиришга интилишмоқда, яъни улар икки миллат ўртасидаги ўзаро фикр алмашишни осонлаштиришга кўмаклашувчи тилни юзага келтиришмоқда.

«Глоб» Гётени қизиқтириб қолишининг асосий сабаби яна шундаки, унда француз адабиётининг энг янги маҳсуллари таҳлил этилмоқда, бундан ташқари, романтик мактабнинг озодлиги, тўғрироғи, уни пуч қоидалар сиртмоғидан озод қилиш ҳақида ҳам гапирилмоқда.

— Қадимги даврдан қолган бундай ярамас қоидаларнинг кимга кераги бор! — деди у бугун, — классик ва романтик масаладаги мана бу шовқин-суронга нима дейсиз! Муҳими шуки, асар бутун борлиғича яхши ва мазмундор бўлсин, ўшанда у классик бўлади.

1828 йилнинг 23 октябри, пайшанба

Гёте бугун канцлернинг Буюк ҳерцог Карл Августга бағишланган китобчаси ҳақида жўшиб гапирди, унда ноёб давлат арбобининг хайрли ишлар билан кечган фаол ҳаётига қисқача назар ташланган эди.

— Китобча кичкина бўлса-да, жуда зўр чиққан, — деди Гёте, — материал беҳад синчковлик ва ҳафсала билан тўпланган, бундан ташқари, ҳаммасига самимий бир меҳр руҳи сингдирилган, шу билан бирга, баён шундай ихчам ва қисқаки, Буюк ҳерцогнинг бутун фаолияти бир жойга устма-уст қилиб ташлангандек, бир инсон ҳаётининг қайноқ фаолият, ҳаракат билан бу қадар тўлиб-тошганини кўриб беихтиёр бошинг айланиб кетаётгандек бўлади кишининг. Канцлер китобчасини Берлинга ҳам юборган эди, яқинда у Александр фон Хумбольддан ажойиб бир мактуб олди, уни мен қалб тугёнисиз ўқиёлмадим. Хумбольд билан буюк ҳерцог узок йиллар давомида энг яқин дўст бўлиб келишган, бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади, негаки табиатан ниҳоятда зукко, нозик қалб эгаси бўлган ҳерцог ҳамиша янги-янги билимларга ташна бўларди, Хумбольд айнан қомусий билим соҳиби ва ҳамиша ҳар қандай саволга энг яхши, энг асосли жавобни бера олади. Шундай бир ажойиб тасодифни қарангки, Буюк

ҳерцог вафотидан олдинги сўнги кунларни Берлинда, Хумбольд билан узлуксиз мулоқотда ўтказган. Ўзини ташвишга солган айрим муҳим муаммоларни дўсти билан муҳокама қилишга улгурган, шу билан бирга, Хумбольддек инсон Германияда давлатни бошқарган ҳукмдорлардан энг буюгининг сўнги куни ва соатларига гувоҳ бўлганлиги ҳам Тангрининг марҳамати эмасми ахир. Мен хатдан нусха кўчиртирдим, ҳозир унинг айрим жойларини Сизга ўқиб бераман.

Гёте ўрнидан турди-да, столи ғаладонидан хатни олиб келиб яна ёнимга ўтирди. Бироз ичида ўқиди. Кўзларида ёш кўринди.

— Манг, ўзингиз ичингизда ўқинг, — деди у хатни менга узатаркан. Мен хатни ўқирканман, у хонада у ёқдан-бу ёққа юриб турди.

«Унинг бевақт ўлими мендан ўзга кимни ҳам кўпроқ ларзага солиши мумкин, деб ёзарди Хумбольд, ахир у ўттиз йил давомида менга самимий хайрихоҳлик билан, айтишим мумкинки, очиқ иштиёқ билан муносабатда бўлиб келди. Бу ерда у мени ҳар соатда ёнида кўришни истади, худди ёркин нур Альпнинг қор босган чўққиларини ёритиб, куннинг поёнига етаётганидан дарак берганидек, буюк ва инсонпарвар ҳерцогни мен ҳеч қачон биз бирга мулоқотда бўлган сўнги кунлардагидек жўшқинроқ, зуккорок, мулойимроқ, ўз халқининг келгуси ҳаёти учун қайғурганроқ ҳолатда кўрмаган эдим.

Шунчалик жисмоний заифлигига қарамасдан руҳиятидаги бу қадар ақл бовар қилмас софлик, бу қадар жўшқинлик менга қандайдир даҳшатли аломатдек туюлмоқда, дея ташвишланиб ва кўрқиб кўп маротаба дўстларимга гапирган эдим. Унинг ўзи ҳам соғайишга бўлган умид ва улкан ҳалокат ўртасида иккиланарди.

Мен уни мана шу ҳалокатдан йигирма тўрт соат олдин нонушта чоғида кўрганимда у касал эди ва кўнгли ҳеч нима тиламасди, шу аҳволда ҳам у қизиқиш билан Швейцариядан Болтиқбўйи мамлакатларига сурилиб келиб қолган тоғ жинсларининг бўлаклари ҳақида, биздаги атмосферани ифлослантириши мумкин бўлган думли кометалар ҳақида, бутун шарқий соҳиллар бўйлаб тарқалган қирчиллама совуқ сабаблари ҳақида сўраб-суриштирди.

Хайрлашаётиб у менинг қўлимни қисди-да, ҳазилнамо деди: «Хумбольд, Сизнингча Теплиц ва бошқа иссиқ сувли булоқлардаги сувлар сунъий иситиб кўйилганми? Бу Сизга ошхонадаги ўчоқ эмас! Бу ҳақда Теплица, қирол билан бирга келганимизда ҳали баҳслашамиз, мана кўрасиз, Сизнинг

эски ошхона ўчофингиз ҳали менга исиниш имконини беради». Қизиқ! Бундай инсон учун ҳамма нарса аҳамиятли.

Потсдамда бир неча соат у билан бирга диванда ўтирдим, у гоҳ ичар, гоҳ ухлаб кетарди, уйғониб яна ичарди, ўрнидан туриб хотинига хат ёзмоқчи бўлиб, яна ухлаб қоларди. У қувноқ, аммо жуда хорғин эди. Ҳушёр тортган дақиқаларда мени физика, астрономия, метеорология, геологияга оид саволларга кўмиб ташларди: комета ядросининг шаффофлиги, ойдаги атмосфера, рангли юлдузлар, қуёшдаги доғларнинг ҳароратга таъсири, қадимги дунёдаги органик шаклларнинг кўриниши, ернинг ички ҳарорати сингари масалалар уни қизиқтирарди. Гапираётим ва мени тинглаётим у мудраб кетар, тез-тез безовталанар ва ўзининг безътиборлиги учун мулойимлик билан узр сўраган бўлиб: «Қаранг, Ҳумбольд, мен адо бўлган одамман!» дерди.

Тўсатдан у диний мавзуларда гапира бошлади. Кенг тарқалган пиетизм ва бу диний мутаассибликнинг сиёсий интилишлар билан биргаликда абсолютизмга ва ҳар қандай рухий эркинликни бўғиш томон интилиши устидан шикоят қилди. «Бунинг устига, улар тилёғлама одамлар, — дея хитоб қилди у, — шу йўл билан улар амал-мартаба ва мукофотларни кўлга киритиш умидида ҳукмдорларнинг ишончини қозонмоқчи бўлишади! Энди улар ўрта аср шеъриятига қизиқишни ўзларига ниқоб қилиб олишди».

Кўп ўтмай ғазаби босилди ва энди у насронийликдан анчамунча юпанч топаётганини айтди. «Бу инсонпарвар таълимот, — деди у, — аммо бошидан эътиборан бузилган. Дастлабки насронийлар реакционерлар орасидаги эркин фикрлилар эдилар».

Мен Гётега, бу ажойиб мактуб менга ички бир қувонч ато этганини айтдим.

— Мана, — деди Гёте, — у қандай улуг инсон бўлганлигини ўзингиз кўряпсиз. Қандай яхши, Ҳумбольд сўнгги хотираларни, оз бўлса-да, қоғозга туширган, булар ноёб ҳукмдорнинг бутун табиатини ўзида акс эттирган ёдгорлик бўлиб қолиши мумкин. Ҳа, у мана шундай эди! Бу гапни фақат мен айта олишим мумкин, негаки, уни мендан ўзга ҳеч ким ҳар тарафлама билмасди. Ахир ўлим учун ёшу қарининг фарқи йўқлиги, шундай одамнинг бу қадар эрта кетгани даҳшат эмасми! Лоақал тагин бир аср бўлса эди, у олий маснадида ўз даврини қанчалик олдинга силжитган бўларди! Бирок биласизми нима? Ҳаёт биз тасаввур қилганимиздан ва истганимиздан кўра мақсад сари тез силжимаслиги керак. Кўзга

кўринмас кучлар ҳамиша оёғимиз остида ўралашиб, олдинга юришимизга бизга халақит беради, натижада ҳаёт жуда секинлик билан олға силжийди. Яшаб кўраверинг, менинг ҳақлигимга ўзингиз ҳам тан берасиз.

— Инсоният тараққиёти, — дедим мен, — афтидан минг йилларни ўз ичига олади.

— Ким билади, — жавоб берди Гёте, — эҳтимол, миллион йиллар керак бўлар! Инсоният ер юзида қанча мавжуд бўлса, унинг йўлида енгиб ўтиши керак бўлган, унга ўз қудратини оширишга имкон яратадиган тўсиқлар, қийинчиликлар шунчалик кўп учрайверади. Шу билан у ақллироқ, мулоҳазалироқ бўлиши мумкин, лекин яхшироқ, бахтлироқ, фаолроқ бўлолмайди ёки маълум муддатгагина шундай бўлиши мумкин. Назаримда шундай давр келадики, Тангри ўз бандалари қилмишидан норози бўлиб, ҳамма нарсани йўқ қилади-да, қайтадан яратади. Ишончим комилки, ҳаммаси худди шундай ўйлаб қўйилган, узок келажакда ана шу янгиланган даврнинг келиш куни ва соатигача белгиланган. Бироқ унгача бизнинг ихтиёримизда ҳали вақт бисёр, бу суюкли кўҳна заминда вақтичоғлик қилишни бас қилгуниimizча ҳали минг-минглаб йиллар ўтади.

Гёте қувноқ, кўтаринки кайфиятда эди. У бир шиша вино келтиришни буюрди ва ундан ўзига ва менга бир бокалдан қуйди. Яна Буюк ҳерцог ҳақида гурунглашишда давом этдик.

— Кўряпсизки, — деди Гёте, — мислсиз иктидор эгаси бўлган бу инсон онги табиатнинг бор мулкини камраб олмоқда. Физика, астрономия, теология, метеорология, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қадимги турлари — буларнинг барчасига у қизиқар ва ақли етарди. Мен Ваймарга келганимда у ўн саккиз ёшда эди, аммо ундаги куртаклар ва шохчаларга қараб вақти келиб қандай дарахт бўлиб улғайишини тасаввур қилса бўларди. Кўп ўтмай у менга чин кўнгилдан боғланиб қолди ва мен нима иш қилмайин, унга яқин муносабат билдирадиган бўлди. Мен ундан ўн ёш катта эканлигимнинг дўстлашиб кетишимизга фойдаси бўлди. У бутун оқшомларни мен билан табиат, санъат ва бошқа кўпгина гўзал нарсалар хусусида қизгин суҳбатлашиб ўтказарди, ярим кечаларгача ўтирардик. Эллик йил давомида биз аравани бирга тортдик, агар бунда нимагадир эришган бўлсак, бунга ажабланмаса ҳам бўлади.

— Буюк ҳерцогдаги бунақа ҳар тарафлама билимдонлик, — дедим мен, — камдан-кам ҳукмдорларга хос бўлса керак.

— Жуда кам, — жавоб берди Гёте. — Ҳар ҳолда истаган мавзуда суҳбатдошини зериктирмайдиганлари ҳам кўп

топилади, бироқ бу юракдан чиқмайди, улар мавзу атрофида айланиб юришади, холос. Агар сарой турмуш тарзидаги тўс-тўполон, тарқоқликни ва ёш монархнинг шу ҳаётга мансублигини ҳисобга олсак, бунга ҳеч хайрон қолмаслик керак. Ҳамма нарса унинг диққат марказида бўлиши, озгина у ҳақда, озгина бу ҳақда, яна озгина бошқа нарса ҳақида ва яна озгина тўртинчи нарса ҳақида билиши зарур. Шу жараёнда ҳеч нарса унинг учун мустаҳкам томир отиб кетолмайди, мана шундай талаблар гирдобиди майда нарсаларга ўралашиб қолмаслик учун одам табиатан кучли бўлмоғи лозим. Буюк ҳерцог туғма улуғ инсон эди, ҳаммаси мана шунда мужассам.

— Шундай юксак илмий ва руҳий-маънавий иқтидори билан бир қаторда, — дедим мен, — у давлатни бошқаришни ҳам яхши билган бўлса керак.

— У аниқ мақсадни кўзлаган инсон эди, — жавоб берди Гёте, — у бажаришни ният қилган ҳамма ишлар ягона улуғ манбадан келиб чиқарди. Бу ишлар бир бутунликда қанчалик муҳим бўлса, унинг алоҳида бўлаклари ҳам шунчалик муҳим эди, у кўнглига туккан ҳамма ишни амалга оширарди. Давлатни бошқаришда у асосан учта хислатга таянарди: иқтидор, ақл, характерни фарқлаш ва ҳар бирини ўз ўрнига қўйишни биларди. Бу жуда катта гап. Бундан ташқари, унда яна шунга тенг келадиган, эҳтимол кўпроқ, фазилат ҳам бор эди: унга чинакам хайрихоҳлик, энг соф инсоний хусусият хос эдики, бутун қалби билан фақат яхшилиқни ўйларди. У мудом халқ ва мамлакат бахти учун, энг охирида ўзи ҳақида қайғурарди. Улуғ инсонларга мадад қўлини чўзишга, хайрли мақсадларни амалга оширишга ҳамиша тайёр эди. Унда қандайдир илоҳий бир нарса бор эди. У бутун инсониятни бахтли қилишни истарди. Маълумки, севгидан севги келиб чиқади. Севимли бўлган одам бошқаларни осон бошқаради.

Учинчидан: у атрофидаги одамлардан юқори турарди. Бирон бир сабаб билан кулоғига ўнта овоз эшитилса, у ўзининг ичида жаранглаган, энг яхши ўн биринчисини қабул қиларди. Ҳар қанақа ғийбату бекорчи гапларни ёқтирмас, монархга муносиб бўлмаган ишларга қўл урмасди, ўзи аниқ ишонмаган хизматларни рад қилар, гоҳида энг ярамас нарсани ўз кўзи билан кўришни хоҳлар, ҳар қандай ҳолатда ҳам ишга ўз фикрдан келиб чиқиб баҳо берарди. У табиатан камгап эди-ю, бир сўзни айтса, у албатта ижро этиларди.

— Афсуски, мен уни фақатгина ташқи томондан билардим, холос, — дедим мен, — шундай бўлса-да, у менинг хотирамда чуқур ўрнашиб қолган. Унинг эски извошчасида,

эскирган кулранг шинелда, бошида ҳарбий кепка, оғзида сигарета билан овга кетаётган, суюкли итлари орқасидан югуриб бораётган ҳолатда кўз олдимда қолган. Мен уни иккита от қўшилган ана шу кўримсиз, эски извошчадан бошқа нарсада юрганини кўрмаганман. Олтита от қўшилган извош ва юлдузлар қадалган мундирда юришни афтидан ёқтирмасди, шекилли.

— Бу нарса ҳозирги монархлар учун одат эмас, — жавоб берди Гёте, — ҳозир бутун дикқат инсоният тарозусида одамнинг салмоғи қандайлигига қаратилган, қолган ҳаммаси беҳуда нарса. Юлдузчали мундир ва олтита от қўшилган извош фақат қора халқдагина бирор таассурот қолдиради, холос. Буюк ҳерцогнинг эски извошчасига ҳатто нотекис йўлларда тарақ-туруқ қилишнинг олдини оладиган мослама ҳам ўрнатилмаган эди. Унинг ёнида кетган одам қаттиқ силкинишларга чидашга мажбур эди. Ҳерцогнинг ўзига бунақа юриш ёқарди. Унга оддийлик ва ноқулайликлар маъқул келар, нозиктабиатликни ёмон кўрарди.

— Бунинг белгиларини Сизнинг «Илменау» шеърингизда ҳам кўрса бўлади, — дедим мен, — Сиз у ерда унинг аслини чизгансиз афтидан.

— У кезларда ҳерцог жуда ёш эди, — жавоб қайтарди Гёте, — биз роса жиннилик қилардик. У янги солинган, бироқ ҳали етилмаган зўр винога ўхшарди. Ўзидаги куч-қувватни қаёққа сарфлашни билмасди, бўйнимизни синдириш даражасида шўхлик қилардик. Учқур отларда тўсиқлар, зовурлар, дарёлар оша, тоғдан-тоққа ўтиб кун бўйи ҳолдан тойгунча чопардик, кечалари эса, очиқ осмон остида ўрмонда, гулхан атрофида дам олардик. У мана шуни ёқтирарди. Мерос қилиб олинган ҳерцогликни у сариқ чақачалик кадрламасди, агар уни жангларда қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳужум билан қўлга киритганида эди, унда қадрли бошқача бўларди.

— «Илменау» шеърида, — сўзида давом этди Гёте, — мен ўша шеърни ёзган 1783 йилдан бир неча йиллар олдин содир бўлган бир эпизод ўз аксини топган, демак, мен унда ўзимни худди тарихий шахсдек тасвирлашим ва ўша даврдаги ўз «мен»им билан суҳбат қуришим мумкин эди. Сизга маълумки, шеърда тоғдаги овдан кейинги тунги манзара ифода этилган. Қоя этагида кичкина чайлалар қуриб, яйдоқ ерда ётмаслик учун ичига арча шох-шаббаларини тўшадик. Чайлалар олдида гулханлар ёқдик, овда қўлга туширган ўлжаларимизни пиширдик, қовурдик. Ўшандаёқ оғзидан трубка тушмайдиган Кнебель гулхан олдида ўтирволиб, ҳаммани ҳар хил қўпол

ҳазиллар билан сийлар, шиша кўлдан-кўлга ўтарди. Узун бўйли, ориқкина Зекендорф битта дарахтга суяниб олганча аллақандай шеърларни минғирлаб ўқирди. Шунга яқин жойдаги чайлада ҳерцог уйқуга кетган эди. Ўзим бўлсам, сўнаёзган олов олдида чуқур ўйга чўмганча, ижод маҳсулларимга етказилган зарарлар туфайли афсус чекиб ўтирардим. Ҳозир ҳам, назаримда, Кнебель билан Зекендорф анча дуруст тасвирланган туюлади, ёш ҳерцогнинг ҳам ўша бебош йигирма ёшлик чоғини яхши ҳис эттиришга муваффақ бўлганман:

*Кўрмоқ, билмоқ иштиёқи уни олға ундайди,
Ўтиб бўлмас сўқмоқ йўқдир, забт этилмас чўққи ҳам!
Кўргуликлар ҳали уни йўлда кутиб турипти,
Изтироблар ҳали уни оғушига тортмаган.
Ҳали унинг бор вужудин сирқироқ дарад беаёв,
Гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа отиб, судраб ўйнайди.
Икир-чикир ташвишлару югур-югур дастидан,
Жон-жонидан тўйиб кетиб, тин олмоқни ўйлайди.
Оппоқ ёруғ кунлар гаштин сурмай, гамга чулганиб,
Баданида кишан йўғу, билмай қувонч нелигин,
Юраклари чил-чил бўлиб, тошдай қаттиқ ўринда,
Оғир ўйлар юки босиб, ухлаб қолади тайин.*

(Ваҳоб РАҲМОНОВ таржимаси.)

У бутун борлиғича шундай эди, ўзимдан тарикча ҳам қўшмаганман. Аммо «Бўрон ва ҳужум» даврини ортида қолдирган ҳерцогнинг онги тиниқлашиб, вазмин тортиб қолди. 1783 йилда, таваллуд топган кунда ўша ўтмишдаги унинг қиёфасини мароқ билан ёдга олдим.

Яширмайман, дастлаб у менга кўплаб ташвишлар орттирди, жуда қийналдим. Аммо у соғлом табиатли бўлганлигидан тез орада ўзини тутиб олди ва ёқимсиз қилиқларидан халос бўлди, шундан сўнг у билан яшаш ва меҳнат қилиш ҳақиқий қувончга айланди.

— Ўша дастлабки йилларда, — дедим мен, — икковларингиз Швейцарияга саёҳат қилгансизлар.

— У саёҳат қилишни яхши кўрарди-ю, лекин бундан ҳузур-ҳаловат топишга, кўнгил очишга интилмасди, — жавоб берди Гёте, — аксинча, бутун борлиғи билан кўз ва қулоққа айланиб, ўз мамлакатида амалга ошириш мумкин бўлган ҳамма нарсага эътиборини қаратарди. Дехқончилик, чорвачилик, саноат унинг олдида кўп жиҳатдан қарздордир. У худбинларча шахсан ўзи учун эмас, балки халқ фаровонлиги, умум манфаатини кўзлаб куйиб-пишиб ҳаракат қиларди. Шу

тариқа у ўз номини кичкина мамлакатидан ҳам ташқарида машҳур қилишга эришди.

— Унинг оддийгина, беташвиш ташқи қиёфаси ҳам, — дедим мен, — ҳеч бир шон-шуҳрат изламаслигидан дарак бериб турарди. Унинг беқиёс таланти ва тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли шон-шуҳрат ўзи уни излаб топди.

— Шон-шуҳрат деганлари валати нарса, — қўшиб қўйди Гёте. — Ёғоч ёнади, негаки унинг ичида ёнувчи материал мавжуд, одам машҳур бўлади, негаки унинг ичида шунга йўл очадиган материал мавжуд. Шон-шуҳрат уни излашларини хоҳлайди, унинг орқасидан қувиш бефойда. Тўғри, бирор одам ўзини бамаъни тутиш, ҳар хил бошқа йўллар билан номини машҳур қилиши мумкин, бироқ унинг ички олами бўм-бўш бўлса, бунинг фойдаси йўқ, эрта-индин уни унутиб юборишади.

Халқ меҳри ҳам худди шундай. Ҳерцог бу меҳр орқасидан қувмади, унга эришишга интилмади, лекин халқ уни севарди, негаки у уларга қалбини тортиқ қилганини халқ ҳис этарди.

Шундан сўнг Гёте ҳерцог хонадонининг бошқа аъзоларини ҳам тилга олди-да, уларнинг ҳаммасига шундай олийжаноблик хос эканлигини таъкидлади. У ҳозирги ҳерцогнинг пок қалби ҳақида, ёш шахзодадан умиди катта эканлиги ҳақида сўз очди, ҳозир ҳукм юргизаётган Улуғ ҳерцогинянинг ноёб фазилатлари ҳақида, унинг ўз куч-қувватини аямасдан фуқароларнинг эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг қалбида яхшилик куртаклари униши учун ҳаракат қилаётгани ҳақида жўшиб гапирди.

— Аслида у аввал-охир мамлакатнинг ҳимоячи фариштаси бўлиб келган, — деди у, — энди эса, мамлакат билан алоқаси янада мустаҳкамроқ ва узокроқ бўлади. Мен Улуғ ҳерцогиняни 1805 йилдан бери биламан ва унинг ақл-заковатидан кўп бора ҳайратга тушганман. У замонамизнинг энг яхши, энг машҳур аёлларидан бири, у ҳерцогиня бўлмаган тақдирида ҳам шундай бўлган бўларди. Монарх олий рутбага эга бўлмаган тақдирда ҳам буюк инсон бўлиб қолади, ҳатто ундан ҳам яхшироқ бўлади.

Шундан сўнг Германиянинг бирлиги, қандай йўл тутсак уни кўнгилдагидек амалга ошириш мумкинлиги борасида гурунглашдик.

— Германиянинг бирлашмаслиги, — деди Гёте, — мени кўрқитмайди, ажойиб тош йўлларимиз ва келгусидаги темир йўлларимиз барибир ўз ишини қилади. Энг муҳими, халқ бир-бирига меҳр-оқибатли ва ташқи душманга қарши яқдил

бўлсин! Немис талери бутун мамлакатда бир хил қимматга эга бўлсин, саёҳатчининг жомадони барча ўттиз олти князликнинг божхоналарида очиб текширилмасин! Ва ниҳоят, ваймарлик фуқаронинг сафардаги паспорти қўшни князлик чегара пости хизматчиси томонидан хорижлик шахс паспорти сифатида ҳақиқий эмас, деб ҳисобланмасин. Умуман, олмон князликлари ҳудудида «ўзимизники», «хорижлик» деган тушунча ҳақида сўз ҳам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ. Бундан буён Германия тошу тарозида, савдо ва товар алмашишда ҳамда мен ҳозир эслолмаётган юзлаб ишларда яқдил бўлмоғи шарт.

Давлатни кўплаб аъзо-узвларга эга бўлган тирик танага қиёслашади, демак, пойтахтни юракка тенглаштиради, у ўзига яқин ва узоқ жойлашган аъзо-узвларни ҳаёт ва соғлик билан таъминлаб туради. Қайси бир оқил француз, менимча, Дюпэн бўлса керак, Франция маданий аҳволининг харитасини чизиб, қайси департаментларда маданий тараққиёт юқорирак, қайсиларида пастроқ эканлигини очикроқ ва хирарок ранглар билан очик-ойдин кўрсатиб берган. Пойтахтдан анча йироқ жойлашган жанубий департаментлар у ерларда ҳукм сурган қоронғилик белгиси сифатида унинг харитасида қора ранг билан белгиланган. Агар ўша гўзал Францияда ҳаёт ва ёруғлик билан таъминлаб турадиган битта эмас, ўнта нуқта бўлганида шу ҳолат юз берармиди?

Германиянинг қудрати — унинг барча бурчакларига бир хилда таралиб турадиган ғаройиб халқ маданиятида бўлмай нимада? Бунинг сабаби — маданиятнинг ҳар бир алоҳида князликдан келиб чиқишида, унинг ўша заминда туғилиб, униб-ўсишида. Тасаввур қилинг, неча асрлардан бери Германияда фақат иккита пойтахт Вена ва Берлин ёки битта бўлишини, ўшанда маданиятнинг ҳоли нима кечишини ҳамда маданият билан мудом кўлма-кўл ривожланиб келган халқ фаровонлигининг не аҳволга тушишини кўрардим. Германияда йигирмадан ортиқ бутун мамлакат ҳудудига тарқалган университет, шунингдек, юздан ортиқ оммавий кутубхоналар, кўплаб санъат асарлари, турли хил табиатшуносликка оид ноёб буюмлар музейлари мавжуд, чунки ҳар бир князь бундай гўзал ва фойдали нарсаларни ўз атрофига тўплашдан манфаатдор. Гимназиялар, техника ва саноат билим юртлари тўлиб-тошиб ётипти, ўз мактабига эга бўлмаган бирорта немис қишлоғи топилмаса керак. Шу маънода Франция нимаси билан мактана олади?

Олмон театрларининг ҳам кўплигини айтмайсизми, уларнинг сони етмишгадан ошиб кетди, ахир улар ҳам маданиятни

ёйишга, уни халқ онгига сингдиришга ҳисса қўшмаяптими? Муסיқа ва қўшиқни, умуман муסיқа ижрочилигини тушуниш Германиядан бошқа бирор жойда бу қадар кенг тус олмаган, бу катта гап!

Келинг, энди Дрезден, Мюнхен, Штутгарт, Кассел, Брауншвайг, Ханновер сингари шаҳарлар ҳақида, уларда мавжуд бўлган буюк ҳаётий кучлар ҳақида ва уларнинг қўшни ҳудудларга ўтказаётган таъсири ҳақида ҳам ўйлаб кўрайлик-да, ўзимизга савол берайлик: агар улар қадимдан князларнинг резиденциялари бўлмаганларида шундай ҳол юз берармиди?

Франкфурт, Берлин, Ҳамбург, Любек — улкан ва бетакрор, уларнинг Германия фаровонлигига қўшаётган ҳиссалари беҳисоб. Бордию улар бирорта йирик олмон давлати таркибида провинциал шаҳар сифатида қолиб, ўз мустақиллигини йўқотганида ҳозирги ҳолатда бўлармиди? Бундай бўлмасди, дейишга асосим бор, албатта.

*1828 йилнинг 3 декабри, чоршанба**

Бугун роса қизиқарли бир воқеа бўлди. Швейцария кантонигадаги картинялик мадам Дюваль, турли хил мураббобларнинг устаси фаранги, менга ўз санъати намунаси — цукатлар¹ни жўнатиб, Улуғ херцогиняга ва Гётега бериб қўйишимни сўрапти. Гётенинг шеърлари ўзига замондош шоирларнинг шеърларидан қанчалик устун турса, унинг ширинликлари ҳам бошқаларникидан шунчалик устун туришига ишончи комил эди.

Ўша хонимнинг катта қизи кўпдан бери Гётенинг дастхатига эга бўлишни орзу қиларди, шунда, мана шу цукатлар баҳонасида ёш қизгина учун Гётедан бирорта шеър ундирсамикан, деган фикр хаёлимга келди.

Ўз давлати топшириғини бажараётган дипломатдек Гёте ҳузурига кирдим-да, у билан музокарага киришдим ва мана шу цукатлар эвазига ундан ўз қўли билан ёзилган оригинал шеър олиш ниятида эканлигимни айтдим. Гёте ўзига беҳад ёқиб тушган бу ҳазилга кулди ва цукатларни дарҳол унга беришимни талаб қилди, улар унга жуда маъқул бўлди. Бир-икки соатдан сўнг у шеърни тайёр қилиб юборганини кўриб ҳайратда қолдим, бу менинг ёш дўстимга рождествога энг яхши совға эди:

¹ *Цукатлар* — мева, қовун ёки цитрус мевасининг пўстлоғидан шакар шимдириб тайёрланган ширинлик.

*Пуштиранг мевалар гарқ пишган ўлка,
Дориломон бўлур, ширинликка кон.
Уларнинг таъмини орттирар бешак,
Пазанда қўллари билан ҳар жонон.*

(Ваҳоб РАҲМОНОВ таржимаси.)

Мен уни қайта учратганимда, ўз поэтик салоҳиятига суяниб фойда кўраётганини айтиб, ҳазиллашди ва ёшлик пайтида «Гец фон Берлихинген»ни нашр этиш учун ноширга зор бўлганини ҳам қўшиб қўйди.

– Сизнинг савдо шартномангизни қабул қилдим, – деди у, – цукатларим тугаса, мен учун яна буюртма беришни унутманг, мен ўз поэтик векселларим билан ҳақини ўз вақтида тўлайман.

1828 йилнинг 21 декабри, якшанба

Ўтган кеча мен ғалати бир туш кўрдим. Уни Гётега айтиб берган эдим, у яхши туш кўрибсиз, деди. Тушимда нотаниш шаҳар марказидаги жануби-шарқ тарафга олиб борадиган кенг кўчанинг ўртасида, сезилар-сезилмас тутун билан қопланган, ёркин сариқ рангда товланиб турган осмонга тикилганча бир тўда одамлар орасида турганмишман. Гўё нимадир содир бўлаётгандек ҳамма бесаранжом ҳолатда эмиш. Бирданига иккита оловли нуқта пайдо бўлипти-да, худди метеоритга ўхшаб биз турган жойдан сал нарироқда гумбурлаб портлаганмиш. Ҳамма нима бўлдийкин, деб ўша ёққа шошилганмиш, бундоқ қарасам, мен томонга Фауст билан Мефистофель келишаётганмиш. Мен ҳам ҳайрат, ҳам қувонч билан эски танишлардек уларга қўшилиб, қизғин суҳбатлашганча бирга кейинги кўча муюлишига бурилиб кетибмиз. Нима ҳақда гаплашганимиз ёдимда йўқ, бироқ уларнинг жисман яқинлиги шу қадар аниқ эдики, бир умрга миямга муҳрланиб қолди. Улар бизнинг одатдаги тасаввуримиздагидан кўра ёшроқ, Мефистофель йигирма бир, Фауст йигирма етти ёшларда кўринишармиш. Биринчиси аслзодалардек қиёфага эга бўлиб, ўзини эркин ва қувноқ тутармиш, у шундай енгил қадам ташлармишки, гўё уни Уторуд сайёрасими, деб ўйлайсан киши. Чехраси ҳеч бир ёвузлик аломатларисиз ёқимли эмишки, бордию ёшгина манглайи тепасида иккита нозиккина, икки томонга салгина қийшайиб турган шохлари бўлмаса, уни иблис деб ҳам ўйламасмиш одам. Фауст суҳбат асносида юзини мен томонга бурганида ундаги ўзига хос ифодадан лол қолибман. Бу чехрадаги ҳар бир ифодада унинг табиатига азалдан хос бўлган юксак маъ-

навий поклик, самимият уфуриб турганмиш. Гўё ёш бўлишига қарамай унинг борлиғини инсоний қувончлар, изтироблар, ўй-ташвишлар эгаллаган эмиш! Юзи бироз сўлғин, шу билан бир вақтда шунчалик дилтортар эмишки, киши унга қараб тўймасмиш: кейинчалик расм чизиш учун унинг чеҳрасини ёдимда сақлаб қолишга ҳаракат қилибман. Фауст ўнг тарафда, Мефистофель икковимизнинг ўртамизда борганмиш, у гоҳ менга, гоҳ Мефистофелга томон бурилиб гапирган пайтда унинг чиройли, ўзига хос юз ифодаси хотирамга ўрнашиб қолганмиш. Биз кўчалар бўйлаб борарканмиз, одамлар бизга ортиқ парво қилмай тарқалиб кетишганмиш.

1830–1832

*1830 йилнинг 18 январи, душанба**

Гёте Лафатер ҳақида гапираркан, унинг феъл-атвориغا хос кўп яхши хислатларни айтди. Икковларининг илгариги қалин дўстликларини, хатто ака-укалардек бир тўшакда ҳам ухлаган пайтлари бўлганини эсга олди.

— Афсуски, — кўшиб кўйди у, — онгни кемирувчи мистицизм ундаги истеъдоднинг равнақ топишига тўсиқ бўлди.

*1830 йилнинг 22 январи, жума**

Вальтер Скоттнинг «Наполеон тарихи» асари ҳақида сўзлашдик.

— Тўғри, — деди Гёте, — муаллифни анча-мунча ноаниқликлар ва воқеага ортиқча берилиб кетганликда айблаш мумкин, аммо, назаримда, ҳар иккала камчилик туфайли асар ўзига хос қиммат касб этган.

— Китоб Англияда ҳаддан ташқари муваффақият қозонди, шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Вальтер Скоттнинг Наполеонга ва французларга нисбатан нафрати уни ҳақиқий тилмочга ва инглиз ижтимоий фикрлаш ҳамда инглиз миллий туйғуларининг ифодачисига айлантирди. Унинг китоби Франция тарихидан кўра кўпроқ Англия тарихига оид ҳужжат ҳисобланади. Нима бўлганда ҳам бу ўша муҳим тарихий жараённи акс эттирувчи овоз бўлиб хизмат қилди.

Умуман олганда, Наполеон ҳақидаги кескин қарама-қарши фикрларни эшитиш мен учун қизиқ. Ҳозир мен Биньоннинг асарини ўқияпман, у мен учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

1830 йилнинг 25 явари, душанба*

Гётега, Дюмоннинг адабий меросини нашрга тайёрлаш мақсадида тузилган мундарижани олиб келдим. Гёте уни ўта диққат билан ўқиб чиқди, кўринишдан у муаллифнинг бундай хилма-хил ва бой кўлёмаларининг чуқур мазмундорлигидан дарак берувчи билимлари, қизиқиш доираси, мавзуларининг кенглигидан ҳайратга тушди.

— Дюмон, — деди у, — афтидан беҳад кенг дунёқарашга эга бўлган. У қаламга олган мавзулар орасида ҳеч бири кишида қизиқиш уйғотмасдан, диққатни тортмасдан қолмайди, тасвир объектининг танланиши ҳам унинг қандай одам эканлигини ва қандай руҳ унга етакчилик қилганлигини кўрсатиб турипти. Шубҳасиз, барча мавзуларни бир хил салоҳият ва муваффақият билан баён қилиб бериш учун инсон онги кўп қиррали бўлишини талаб қилиб бўлмайди, бироқ муаллиф уларнинг барчасини бир хилда уддалаёлмаган тақдирда ҳам, ўшани бажаришга ният қилганининг ўзи кишида унга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотади. Назаримда, энг диққатга сазовор ва қимматли жиҳати шундаки, унда ҳамиша амалий, фойдали ва яхшиликка интилиш тамойили бўй кўрсатиб туради.

Мен ўзим билан Дюмоннинг «Парижга саёҳат» асаридан дастлабки бобларни келтирган эдим, уни Гётега ўқиб бермоқчи бўлган эдим, у ўзи қараб чиқишни афзал кўрди.

Шунда у ҳазил тариқасида ўқишнинг қийинчиликлари ҳамда айрим кишиларнинг катта кетиб, фалсафий ва илмий асарларни ҳам ҳеч бир тайёргарликсиз худди романдек ўқий бошлашлари ҳақида гапирди.

— Бундай одамчалар, — кўшиб кўйди у, — ўқишни ўрганиш учун нечоғлик вақт ва меҳнат талаб қилинишини ҳатто тасаввур ҳам қилишолмайди. Мен бунга саксон йилни сарф қилдим, аммо ҳозир ҳам мақсадга эришдимми-йўқми, айтолмайман.

1830 йилнинг 27 явари, чоршанба

Бугун Гёте билан қилган тушлиқда маза қилдим. У жаноб Мартиус ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Ўсимликларнинг спирал ривожланиши ҳақидаги унинг мулоҳазалари, — деди у, — беҳад диққатга сазовор. Агар унга ортиқ бирор истак билдириш лозим бўлса эди, фақат ўзи кашф қилган бош феноменни ҳаётга қатъий татбиқ қилишни ва бу фактни қонун сифатида эълон қилиб, унинг тасдиғига ортиқ ҳеч қандай исбот излаб юрмасликни тақлиф қилган бўлардим.

Шундан сўнг у менга табиатшуносларнинг Хайдельбергдаги йиғилиши баённомасини ва унга илова қилинган барча иштирокчиларнинг факсимилесини кўрсатди, биз уни уларнинг характерлари ҳақида хулоса чиқаришга ҳаракат қилган ҳолда кўздан кечирдик.

— Бундай йиғилишларнинг, — деди Гёте, — фан учун кутилганидан кўра фойдаси камроқ, бу аниқ. Уларнинг афзаллиги шундаки, одамлар бир-бирларини ўрганиб, ҳатто маълум даражада ёктириб қолишади, натижада бирорта йирик олимнинг янги назарияси ўз тарафдорини топади ва бу олим, ўз навбатида, бошқа фан соҳасидаги бизнинг йўналишларимизга қизиқиб қолади ва бу нарса барчамизга илҳом бағишлайди. Ҳар ҳолда ишончимиз комилки, нимадир юз беради, нима юз беришини эса вақт кўрсатади.

Кейин Гёте менга бир инглиз ёзувчисининг хатини кўрсатди, хатжилд устига: «Князь Гёте ҳазрати олийларига» деб ёзилган эди.

— Бундай ном учун, — деди Гёте кулиб, — мен немис журналистларидан миннатдор бўлишим керак, улар менга меҳр-муҳаббатлари туфайли «олмон шоирлари князи» деб аташган. Шу тариқа олмонларнинг беайб хатолари боис инглизларнинг беайб хатолари келиб чиққан.

Сўнгра у яна жаноб фон Мартиусга қайтиб, ундаги тасаввур дунёсининг кенглигини мақтади.

— Аслини олганда, — сўзида давом этди у, — бундай юксак иқтидорсиз ҳақиқий табиатшуносни тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин мен йўқ нарсалар ҳақида ноаниқ хира тасаввурни эмас, балки заминдан узилмаган ҳолда мавжуд ва маълум нарсалар миқёсига таянган ҳолда олдиндан сезилган ва тахмин қилинган нарсалар томон интилувчи тасаввурни кўзда тутаман. Бундан ташқари, мана шу тахмин қилинган нарсалар имкон даражасида, улар бошқа тан олинган қонунларга зид келмайдими, шуларни аниқлаб олишим лозим. Бундай тафаккур тарзи бутун жонли табиатни ва унинг қонунларини ўзида жамлаган кенг, хотиржам фикрлашни талаб қилади.

Биз гурунглашиб ўтирганимизда «Опа-укалар»нинг чех тилига қилинган таржимаси солинган пакетни келтиришди, бу Гётени жуда хурсанд қилди.

*1830 йилнинг 31 январи, якшанба**

Гётеникига шахзодани бошлаб бордим. У бизни ишхонасида қабул қилди.

Унинг асарларининг турли нашрлари ҳақида сўз борди, шунда уларнинг катта қисми кўлида йўқлигини Гётенинг ўз оғзидан эшитиб ҳайрон қолдим. Ҳатто унинг ўз кўли билан чизилган расмлар асосида ишланган гравюралар туширилган «Рим карнавали»нинг биринчи нашри ҳам йўқ экан.

— Бир кимошди савдосида, — деди у, — мен бу китоб учун олти талер тўлаган эдим, лекин уни ололмадим.

Шундан сўнг у бизга «Гец фон Берлихинген»нинг дастлабки кўлёмасини кўрсатди, у ўша сингисининг кистови билан бундан эллик йил олдин бир неча ҳафта ичида қандай ёзилган бўлса, ўша ҳолатда сақланган эди. Кўлёммага хос нозик белгилар ўша пайтдаёқ эркин, аниқ характер касб этган бўлиб, бу ҳолат у готик ёзувдан фойдаланган ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолган эди. Кўлёма топ-тоза, бутун-бутун саҳифаларга бирорта ҳам тузатиш қилинмаган, гўё бу шоша-пиша ёзилган илк нусха эмас, балки кўчирма нусхага ўхшарди.

Гёте барча илк асарларини, «Вертер»ни ҳам ўз кўли билан ёзганлигини айтган эди, бироқ бунинг кўлёмаси йўқолиб кетган экан. Кейинги пайтларда у деярли ҳамма асарларини айтиб туриб ёздирган, фақат шеърларини ва йўлакай тузилган режаларини ўз кўли билан ёзган. У кўпинча янги ёзган асарини қайта кўчиришга бериш ҳақида қайғурмас, кўлидаги яккаю ягона нусхани тақдир ҳукмига топшириб, Штутгартдаги босмахонага жўнатиб юборарди.

«Гец фон Берлихинген»нинг кўлёмасини муфассал кўздан кечирганимиздан сўнг, Гёте бизга «Италияга саёҳат»нинг асл нусхаси¹ни кўрсатди. Ушбу ҳар куни қайд этиб борилган кузатувлар ва эсдаликлар ҳам худди «Гец»дагидек аниқ, текис ёзувда битилган эди. Ҳаммаси қатъий, аниқ ва ишонч билан баён этилган, таҳрир деган гап йўқ, гўё ёзаётган инсоннинг қалб кўзи олдида баён қилаётган воқеа-ҳодисаларнинг ҳар бир детали аниқ-равшан кўриниб турарди. Саёҳатчи тўхтайдиган ҳар бир шаҳарда қовознинг ранги ва ўлчамини ҳисобга олмаганда бошқа ҳеч нарса ўзгача эмас.

Кўлёма сўнгида Гётенинг кўли билан ручкада зукколик билан чизилган, суд йиғилишида нутқ сўзлаётган, башанг расмий кийимдаги италиялик адвокатнинг сурати бор эди.

¹ «Италияга саёҳат»нинг асл нусхаси — Бу китоб Гётенинг Ваймардаги дўстларига ёзган хатлардан ҳамда Шарлотта фон Штайнга ёзган хат ва кундалиқдан, кўшимча «Ҳикоялар»дан иборат. Шарлотта фон Штайн кундалиги сақланган, холос, айнан мана шуни Гёте суҳбатдошларига кўрсатган.

Бундан ортиқ ғаройиб фигура бўлмаса керак, костюминику кўяверасиз, гўё у буни маскарадга бориш учун танлаган, деб ўйлаш мумкин эди, шунга қарамасдан, бу ҳақиқий адвокатнинг ҳаётий тасвири эди. Кўрсаткич бармоғи бош бармоқ учига ёпишган, қолган бармоқлар кенг ёйилган, тўлагина адвокат кўз олдимизда турар, мана шу озгина ҳаракати бошига илиб олган катта парикка жуда мос келарди.

*1830 йилнинг 3 феввали, чоршанба**

«Глоб» ва «Вакт» журналлари ҳақидаги гурунг француз адабиёти ва адабиётчиларига кўчди.

— Гизо, — деди гап орасида Гёте, — менинг дидимдаги, зукко одам. У чуқур билим соҳиби. Маърифатли либерализм билан алоқада, партиялар тепасида турган ҳолда ўзи танлаган йўлдан бормоқда. Роса қизиқаяпман: уни ҳозирги пайтда сайлашган палатада у қандай ролни бажараркин?

— Уни юзаки биладиган айрим одамлар, — дедим мен, — у ҳақда расмиятчи кишидек фикр юритишади.

— Уни қанақа расмиятчиликда айблашларини билиш лозим бўлади, — эътироз билдирди Гёте. — Ўз турмуш тарзларида аниқ ва қатъий қонун-қоидаларга риоя қилиб, мулоҳаза билан яшайдиган, ҳаётга ўйинчоқ деб қарамайдиган машҳур кишилар юзаки қарайдиган одамлар назарида расмиятчига ўхшаб кўринишади. Гизо узоқни кўрадиган, хотиржам, қатъиятли, французларга хос ҳаракатчанликни унчалик ёқтирмайдиган одам, айнан мана шундай одамлар уларга керак.

— Виллемен, — сўзида давом этди Гёте, — нотиклик санъатида, эҳтимол, тенги йўқдир. У фикрни мантиқан ривожлантиришга уста, кескин ибораларни қўллашдан тортинмайди, бу билан у диққатни ўзига қаратиб, тингловчиларни ҳаяжонга солади, бироқ у Гизога қараганда анча юзаки ва реалликдан йироқ.

Кузенга келсак, у, биз, олмонларга кўп нарса беролмайди, чунки унинг ўз ватандошларига янгилик сифатида тақдим этаётган фалсафаси аллақачон бизга маълум. Бироқ французлар учун унинг аҳамияти катта, у уларга бутунлай янги йўналиш бериши мумкин.

Табиатнинг зукко билимдони Кювье, ўз тасвирлаш қобилияти ва услуби билан таҳсинга лойиқ, ҳеч ким унингдек фактларни баён этолмайди. Шуниси борки, у фалсафадан деярли беҳабар. У етиштираётган шогирдларнинг билимлари жуда чуқур эмас.

Бу сўзларни тинглаш мен учун қизиқарли эди, негаки булар Дюмоннинг юқорида эслатилган одамлар ҳақидаги фикрларига ўхшарди. Мен Гётега, керак бўлганда, ўз фикрлари билан қиёслаб кўриши учун ўша кўлёмалардан керакли жойларини кўчириб беришга ваъда бердим.

Дюмонни эслаш гурунг мавзусини Гётенинг Бентамга муносабатига бурди, у Бентам ҳақида қуйидагиларни айтди:

— Ҳеч ақлим етмайди, — деди у, — оқил, босиқ, ҳаётни яхши биладиган Дюмондек одам қандай қилиб Бентамдек аҳмоқнинг шогирди ва содиқ давомчиси бўлди экан-а.

— Бентамга, — жавоб бердим мен, — икки одам сифатида қараш керак. Шахсан мен Дюмонни унутилиб кетишдан асраб қолиб, уни кенг оммага ёйган Бентам даҳони ва ҳаддан ташқари фойдали эканлигига берилиб, ўз назарияси чегараларидан ошиб ўтган ҳамда бу билан сиёсатда ҳам, динда ҳам жўшқин радикал¹га айланувчи Бентамни фарқлайман.

— Айнан мана шу нарсага, — жавоб қайтарди Гёте, — мен ҳечам тушунмайман: қандай қилиб қария узок умрининг охирги кунларида радикал бўлиб қолишни афзал кўрган.

Мен бу тушунмовчиликни силлиқлашга ҳаракат қилиб айтдимки, Бентам ўз назариясининг ҳамда ўзи кашф этган қонуннинг афзаллигига ишончи комиллиги ҳамда Англиядаги мавжуд тузумни ўзгартирмай туриб уларни амалга ошириш имкони йўқлигидан жўшқин ҳиссиётларига ҳаддан ортиқ берилиб, ташқи дунё билан деярли алоқа қилмай ҳам зўрма-зўраки давлат тўнтариши қилишнинг бутун хавфини кўз олдига келтиролмаган.

— Дюмон, — сўзимда давом этдим мен, — ҳиссиётларга кам берилгани, кўпроқ мулоҳаза билан иш кўргани туфайли Бентамнинг шиддаткор ҳаракатларини маъқулламади ва ўзи ҳам бундай хатога йўл қўйишдан беҳад йироқ эди. Бунинг устига, у Бентамнинг қонунларини шундай бир мамлакатда, яъни Женевада амалга ошириш имконига эга бўлдики, натижада ўша давр сиёсий воқеалари нуктаи назаридан бунга янги мамлакат деб баҳо берса бўларди, у ерда Дюмон ҳамма ишларни кўнгилдагидек уддалади ва бу қонунларнинг аҳамияти нечоғлик эканлигини исбот қилди.

— Дюмон айнан ўртамиёна либерал, — жавоб берди Гёте, — барча оқил одамлар шундай бўлишган ва шундай бўлмоқлари лозим, шунингдек, мен ҳам бутун узун умрим давомида мана шу тамойилга риоя қилиб келдим.

¹ *Радикал* — кескин, қатъий қарорлар қабул қилувчи киши.

— Ҳақиқий либерал, — дея сўзида давом этди у, — кўлидан келганча яхшилик қилиш учун барча имкониятларни ишга солишга уринади, аммо бунда камчиликларни олов ва қилич билан бартараф қилишдан тийилади. У шошилмасдан олдинга интилиш орқали мавжуд яхши нарсаларни ер юзидан супуриб ташлашга қаратилган зўравонликларни ишлатмай туриб ҳам секин-аста ижтимоий қусурларни енгиб боради. Бу номукаммал дунёда замон ва вазият яхшироғига эришиш учун имкон яратгунига қадар у мавжуд яхши нарсалар билан қаноатланиб қолаверади.

1830 йилнинг 6 феввали, шанба

Фон Гёте хоним ҳузурида тушлик қилдик. Ёш Гёте бувиси — Франкфуртдаги маслаҳатчи Гёте хоним ҳақида, бундан йигирма йил олдин талаба сифатида борган пайтида бўлиб ўтган дилкаш воқеаларни гапириб берди. Бир куни у бувисини князь-примасникига тушликка бошлаб борган экан.

Гёте хонимга бўлган алоҳида ҳурмати туфайли князь уни кутиб олиш учун ўзи зинапояга чиққан, князь одатдаги оддий либосда бўлгани учун хоним уни аббат деб ўйлаб, унга эътибор ҳам қилмаган. Столда унинг ёнида ўтирганида ҳам ҳеч очилмаган. Бироқ гурунг давомида ва бошқа меҳмонларнинг муносабатларидан у аста-секин ёнида ўтирган одам примас эканлигини англаб етган.

Кейин князь унинг ва ўғлининг соғлиги учун қадах кўтаргач, маслаҳатчи хоним ҳам, ўз навбатида, ўрнидан туриб, хазрати олийларининг соғлиги учун тилак билдирган.

*1830 йилнинг 10 феввали, чоршанба**

Бугун тушликдан сўнг бир неча дақиқа Гёте ҳузурида бўлдим. У баҳор яқинлашаётгани ва кунлар узаяётганидан хурсанд бўлди. Сўнг «Ранглар ҳақидаги таълимот» хусусида сўзлашдик. У, афтидан, ўзининг ана шу оддийгина назариясига йўл очишнинг иложи топилишига иккиланарди.

— Рақибларимнинг хатолари, — деди у, — кейинги юз йилликда шунчалик кенг тарқалиб улгурдики, энди мен бу кимсасиз йўлимда ёлғиз ўзим бирор тарафдор топишим амримаҳол бўлса керак. Ўзим ёлғиз қоламан! Кўпинча менга шундай туюладик, гўё мен чўкаётган кемадаги одамман-у, фақат бир кишини кўтара оладиган тахтага ёпишаётганга ўхшайман. Ана шу бир одам қутулиб қолади-да, қолган ҳамма чўкиб кетади.

Бугунги кун Ваймар учун мотам куни бўлди. Кундуз соат бир яримда Улуғ ҳерцогиня вафот этди. Ҳозирги ҳукмрон Улуғ ҳерцогиня мецдан фройлайн фон Вальднер ва Гёте хузурига ташриф буюриб, уларга таъзия изҳор қилишни буюрган эди.

Аввал фройлайн фон Вальднер хузурига бордим. Уни аччиқ йўқотишдан ларзага келган, чуқур қайғуга ботган ҳолда топдим.

— Мен, — деди у, — ярим асрдан ортик мархума ҳазрати олиялари хизматида бўлдим. Унинг ўзи мени хос хизматкори қилиб танлади, унинг бу марҳамати мен учун ғурур ва бахт эди. Унга хизмат қилиш учун мен ўз она юртимни ташлаб келдим. У билан қайта қовушиш онларини узоқ вақт орзиқиб кутмаслигим учун мени ўзи билан бирга олиб кетсайди!

Кейин Гёте хузурига бордим. Бироқ унинг ҳолати тамоман ўзгача эди! Тўғри, бундай йўқотишдан у ҳам кам қайғурмасди, лекин ўз ҳис-туйғуларини енгишга кучи етарди. У битта яхши дўсти билан сўзлашиб ўтирар, яхши кайфиятда эди, деса ҳам бўлаверади.

— Хуш кўрдик, — деди у мени кўриб. — Қани келинг, ўтиринг! Тепамизда хавф солиб турган зарба ниҳоят урилди, ҳар қалай энди даҳшатли номаълумлик билан олишмаймиз. Энди ҳаёт кўргиликларига қандай кўникиш ҳақида қайғуришимиз керак.

— Ана Сизнинг юпатувчиларингиз, — дедим унинг кўлёмаларига ишора қилиб. — Иш қайғуни енгиш йўлидаги энг яхши восита.

— Ҳозирча ёруғ кун экан, — жавоб қайтарди Гёте, — бошимизни тик тутайлик, ижод қилишга кучимиз етар экан, руҳимизни туширмайлик.

У узоқ умр кўрган кишилар ҳақида гапирди, машҳур Нинон¹ни ҳам эсга олди.

— У тўқсон ёшида ҳам ёш кўринар, негаки у рухий мувозанатни сақлашни биларди ва дунёвий ташвишларга унчалик ҳам эътибор қилиб ўтирмасди, — деди у, — хатто ўлим ҳам уни у қадар ташвишга солмасди. У ўн саккиз ёшида офир дардга йўлиқиб, яқинлари бунинг оқибати ҳақида қайғурганларида, у: «Қайғуришга ҳеч бир ҳожат йўқ! Ахир мен ташлаб кетаётганларнинг барчаси бир кун ўлади!» деган.

¹ Гўзал аёл Нинон де Ланкло (1616–1706) кўзда тутилган, унинг Париждаги салонига кўплаб машҳур кишилар келиб туришган.

Шундан сўнг ҳам у етмиш йилдан ортиқ умр кечирди, севди, севилди, ҳаётдаги барча қувончлардан бахраманд бўлди. Шу билан бирга, ўзига хос ирода кучи билан инсонни емирувчи ҳар қандай қайғу-аламлардан юқори туришнинг уддасидан чиқа олди. Бу Нионнинг қўлидан келарди, аммо бундай қилишга камдан-кам одам қодир.

Шу сўзларни айтатуриб у менга Бавария қиролидан бугун олган хатни узатди. Кўринишдан ушбу хат ҳам қайфиятининг кўтарилишига туртки бўлган эди.

— Ўқинг, — деди у, — ва қиролнинг менга кўрсатаётган доимий эҳтироми ҳамда адабиётда эришилаётган ютуқларга, умуман, инсониятнинг равақ топишига бўлган қизғин эътибори мени ниҳоятда қувонтиришига тан беринг. Бу мактубни айнан бугун олганлигимни ҳам Тангрининг улур инояти деб биламан.

Сўнгра биз театр ва драматик поэзия борасида гурунглашдик.

— Гоцци, — деди Гёте, — фақат ўттиз олтига фожиавий ҳолат мавжуд, деб уқтиради, Шиллер ундан кўпроқни топишга зўр бериб уринди, аммо ўша ўттиз олтитаниям тополмади.

Шу фикр гурунг мавзусини «Глоб»да босилган бир мақолага, яъни Арнонинг «Густав Адольф» номли танқидий мақоласига бурди. Такризчининг фикр ифодалаш усули Гёте-нинг эътирофи ва мақтовига сазовор бўлди. Танқидчи муаллифнинг барча реминисценцияларини санаб ўтиш билангина чекланган, унинг ўзи ва поэтик принциплари ҳақида лом-мим демаган эди.

— «Вакт» журнали, — деди Гёте, — худди шу мавзудаги танқидий мақолада оқилона йўлни танламаган. У шоирга қандай йўлдан юриши лозимлигини кўрсатишга ҳаркат қилган. Бу тўғри эмас, чунки бу йўл билан шоирни ўзгартириб бўлмайди. Умуман, шоирга у ишни ундоқ қил, бу ишни бундоқ қил, дея йўл кўрсатишдан ҳам бемаънироқ иш йўқ! Бу гапларни тажрибали киши сифатида айтяпман. Табиат ато этган нарсадан ортиқ ҳеч нимани шоир қалбига сингдириб бўлмайди. Уни бошқача қилишга уриндингизми, бўлди, шу билан у барбод бўлади.

Айтиб ўтганимиздек, менинг «Глоб»даги дўстларим жуда оқилона йўл тутишади: улар жаноб Арно ҳар томондан ўзлаштирган барча умумий манзилларнинг узун рўйхатини беришади-да, шу йўл билан шоир эҳтиёт бўлиши лозим бўлган тўсиқлардан моҳирона огоҳлантиришади. Ҳозирги кунда ҳали тамоман янги ҳолатни топиш мумкин бўлмаса керак. Фақат

дунёқараш ҳамда ўша ҳолатни тасвирлаш ва талқин қилиш маҳорати янги бўлиши мумкин, айнан шунда ҳар қандай тақлиддан эҳтиёт бўлмоқ зарур.

Шу муносабат билан Гёте, қандай қилиб Гоцци Венециядаги «Дел Арте» театрини ташкил қилгани ва унинг импровизатор труппаси элга машҳур бўлгани ҳақида гапириб берди.

— Венецияга борганимда, — деди у, — шу труппадан иккита актрисани кўрдим, биринчи навбатда Бригелла¹ни тилга оламан, бир қанча импровизацион спектаклларда бўлдим. Актёрлардан олган таассуротимни гапирмасам ҳам бўлади.

Шундан сўнг Гёте неаполитан Пулчинелла²си ҳақида сўз очди.

— Бу беадаб комик персонажнинг асосий томошаси шундан иборатки, — деди у, — гўё у ўзининг актёр эканлигини ва сахнада турганини унутиб қўяди. У гўё уйига қайтиб келиб, оила аъзолари билан бемалол суҳбатлашаётгандек, ўзи бугун ўйнаган, бундан кейин ўйнайдиган пьесаси ҳақида гапириб бераётгандек туюлади, ҳатто ўзининг майда-чуйда эҳтиёжлари тўғрисида бемалол сўзлашдан ҳам тортинмайди. «Хой, менга қара, — хитоб қилади хотини, — ҳурматли томошабинлар ҳузурида турганингни унутганга ўхшайсан, эсингни йиғ!» «Тўғри! Тўғри», дейди Пулчинелла ҳуши ўзига келиб ва томошабинларнинг гулдурос қарсақлари остида аввалги ролига қайтади. Тўғрисини айтганда, Пулчинелла театрининг овозаси шу даражадаки, обрўли давралардан бирор одам унга бордим, деб айтолмайди. Менимча, аёллар умуман у ерга бормайди, бу фақат эркаклар кўрадиган томоша.

Пулчинелла — аслида ўзига хос жонли газета. Неаполда юз берган диққатга сазовор воқеани кечқурун унинг оғзидан эшитса бўлади. Фақат шу ерга тегишли оддий халқ лаҳжасида баён этилган воқеаларни бегона киши умуман тушунмаслиги мумкин.

Гёте гурунг мавзусини ёшлик даврларига оид хотираларга бурди. У қовоз гулларга ишонмаслиги борасида гапириб, бу жиҳатдан унда тажрибалар етарли эканлигини айтди. Фикрини тасдиқлаш мақсадида Гримм билан боғлиқ бир воқеани

¹ Бунда актёрлар исми алмашган, афтидан бу Эккерманинг хатоси бўлса керак. Гёте «Италияга саёҳат» асарида «Смералдинани ва Бригеллани ўйнаган актёрни кўрдим» деб ёзган. Бригелла импровизацион комедияда эркак персонаж ниқоби бўлган.

² *Пулчинелла* — неаполитан халқ байрамларида иштирок этадиган масҳарабоз. Бу ҳақда Гёте «Италияга саёҳат» асарида кўп тўхталган.

гапириб берди, Гримм француз инқилоби даврида Парижда туришдан хавфсираб, Германияга қайтиб келган ва Готада истиқомат қилган экан.

— Бир куни, — деди Гёте, — уникида тушлик қилдик. Сухбатимиз қандай қилиб бу мавзуга йўналгани ёдимда йўғ-у, Гримм тўсатдан: «Онт ичаманки, Европадаги бирорта монархда меникидек қимматбаҳо манжет йўқ ва уларнинг бирортаси унга мен тўлаганчалик юқори баҳода пул тўламаган», дея хитоб қилди. Шубҳасиз, ҳаммамиз, айниқса хонимлар, ҳайрат изҳор қилдик ва бу фаройиб манжетларни кўришга қизиқдик. Гримм ўрнидан турди-да, жавончасидан бир жуфт тўкилган манжетни олиб кўрсатди, уларнинг нафислиги ва гўзаллигидан барчамиз «вой» деб юбордик. Уларни баҳолашга уриндик, лекин юз ёки икки юз луидор¹дан ошиқ баҳо қўёлмадик. Гримм кулди ва: «Сизлар ҳақиқатдан тамоман йироқсизлар! Мен булар учун икки юз эллик минг франкнинг икки бараварини тўладим ва ассигнацияларимни жойига сарфлаганимдан хурсанд бўлдим. Эртаси куни улар сариқ чақага ҳам арзимай қолишди», деди.

*1830 йилнинг 15 феввали, душанба**

Бугун чошгоҳда Улуғ херцогиня хоним номидан Гётенинг ахволидан хабар олиш учун уникига бир зумга кирдим. Уни тушкун, ўйчан ҳолатда учратдим, кечаги зўрма-зўраки қувнок кайфиятдан асар ҳам йўқ эди. Афтидан у эллик йиллик дўстона муносабатларга нуқта қўйган йўқотишни чуқур ҳис этаётган эди.

— Мен руҳан тушмаслик ва тўсатдан юз берган ғам-қайғуга сабр қилиш учун тинмай ишлашим керак, — деди у, — ўлим шундай бир сирли нарсаки, у неча марталаб бошимизга тушган бўлса-да, уни гўё ўзимизга яқин инсонларга тегишли эмас, деб ҳисоблаймиз, шунинг учун у ҳамиша қандайдир кутилмаган ва ақлга сиғмайдиган бир нарса бўлиб туюлади. У бирданига ҳақиқатга айланган номумкин нарса. Бизга маълум бўлган ҳаёт тарзидан биз умуман ҳеч нарса билмайдиган, бошқа бир ҳолатга ўтиш даҳшатли бир туйғуки, тирик қолганлар бундан қалбининг туб-тубигача ларзага келмай қолмайди.

¹ *Луидор* — 6–7 грамм тоза олтиндан ясалган қадимги француз олтин тангаси. Людовик XIII даврида муомалага киритилган, шунинг учун унинг номи билан аталган.

Гёте ёшлигида севган кизнинг яқин қариндоши, фройлайн фон Туркхайм бир муддат Ваймарда бўлди. Бугун Гётега, унинг жўнаб кетганидан афсусда эканлигимни айтдим.

— У шундай ёш, — дедим мен, — аммо дунёқараши, фикрлаш тарзи шу қадар юксакки, унинг ёшида бундай ҳолат кам учрайди. У Ваймарда жуда катта таассурот қолдирди. Узоқроқ қолганида борми, кўплар учун хавф тугдирган бўларди.

— Халигача жуда афсусдаман, деди Гёте, — негаки жуда кам кўрдим, унинг тимсолида қариндошининг суюкли фазилатларини топиш умидида уни таклиф қилишни мудом орқага суриб келдим.

— Менинг Лилига бўлган ёшликдаги муҳаббатим, бахт ва изтиробларим тафсилоти, — дея сўзида давом этди у, — «Шеърят ва ҳақиқат»нинг тўртинчи жилдида баён этилган, яқинда ёзиб тугатдим. Мен уни аллақачон ёзиб тугатиб, нашр эттирган ҳам бўлардим, бироқ менга эмас, ўша пайтда ҳали ҳаёт бўлган севгилимга дахлдор бўлган айрим нозик мулоҳазалар туфайли тўхтаб қолди. Уни нечоғлик эҳтирос билан севганимни ғурур билан ўзига маълум қилган бўлардим, менимча, у ҳам менинг хиссиётларим жавобсиз қолмаганига иқроор бўлишдан хижолат тортмаган бўларди. Аммо унинг розилигисиз буни очик айтишга ҳаддим сифармиди? Унинг розилигини сўрашга ҳаракат қилардим-у, бироқ журъатим етмасди, охири шундай бўлдики, буни сўрашга ҳам ҳожат қолмади.

Бизни ташлаб кетаётган ёш, гўзал қиз ҳақида шундай иштиёқ билан гапириб, менинг хотираларимни уйғотиб юбордингиз. Мафтункор Лили худди тирикдек кўз ўнгимда намоён бўлди, гўё унинг ҳаётбахш яқинлиги нафасини сезаётгандекман. Ахир у мен юракдан севган биринчи муҳаббатим эди ва охиргиси десам ҳам бўлади, чунки ундан кейин ҳаётим давомида дуч келган севги қиссаларим биринчи муҳаббатимга қиёслаганда юзаки эди, десам ҳам бўлаверади.

— Ҳеч қачон, — сўзида давом этди Гёте, — ўша кезларда Лилини севганимдек бахтга бу қадар ошно бўлмаганман. Унга бўлган туйғуларим қандайдир назокатли, ўзига хос эдики, мана энди ўша дардли-ҳузурли лаҳзаларни тасвирлаш менинг услубимга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Сиз «Шеърят ва ҳақиқат»нинг тўртинчи жилдини ўқисангиз, бу романларда тасвир этилган севгига мутлақо ўхшамаслигини англайсиз.

— Худди шу гапни, — жавоб бердим мен, — Сизнинг Гретхенга ва Фридерикага бўлган севгингиз борасида ҳам айтиш мумкин. Ҳар иккаласининг тасвири бирдек янги ва ўзига хоски, бундайини ўйлаб топиш романнавистларнинг хаёлларига ҳам келмаган бўларди. Назаримда, бу муаллифнинг воқеаларга ортиқча безак бермасдан, уларни ҳаддан зиёд бўрттирмасдан тасвирлаши билан изоҳланса керак, бунинг устига у воқеаларнинг оддий тасвири турганда ҳиссиётли жумлаларни қўллашдан ўзини тияди.

— Аслида севгининг ўзи ҳам, — қўшиб қўйдим мен, — бир хил эмас. У ҳамиша ўзига хос ва биз севган кишиларнинг шахсияти ҳамда феъл-атвorigа монанд ўзгариб туради.

— Сиз тамоман ҳақсиз, — жавоб берди Гёте. — Ахир севги фақат биздангина эмас, балки ўша туйғуни уйротган инсондан ҳам иборат-ку. Шунингдек, учинчи бир қудратли кучни, яъни илохий қудратни ҳам ёддан чиқармаслигимиз жоиз, у ҳар қандай туйғуни бошқариб туради, севги-муҳаббат эса, унинг жону дили. Менинг Лилига муносабатимда бу қудратнинг таъсири жуда кучли эди, агар менинг Ваймарга келишим ва бу ерда қолиб кетишим бевосита шу муҳаббат натижаси эди, десам ҳечам муболаға қилмаган бўламан.

*1830 йилнинг 6 марти, шанба**

Гёте анчадан бери Сен-Симоннинг «Мемуарлар»ини ўқияпти.

— Людовик XIV нинг ўлимига етганда ўқишни бас қилдим, — деди у тунов куни, — ўшангача бўлган ўн икки жилд мен учун ниҳоятда қизиқ эди, бу ҳукмдор интилишлари ва унинг мулозимига хос аслзодаларча ҳимматлилик ўртасидаги кескин фарқ туфайли бўлса керак. Аммо ўша монарх оламдан ўтиб, ўрнига бошқа беҳад тубан персонаж келгач ва Сен-Симон унинг ёнида ўзи учун фойдали бир ҳолатни эгаллагач, ўқигим келмай қолди, бу китобдан бутунлай совудим, «золим» мени қаерда тарк этган бўлса, ўша ерда китобни ёпдим.

Бир неча ойдан бери берилиб ўқиётган «Глоб» ва «Вақт» журналларини ҳам икки ҳафтадан бери йиғиштириб қўйган. Унга бандерол қилиб жўнатилган янги сонларини ҳам ҳатто очмасдан бир чеккага қўймоқда. Ўзи бўлса, дунёда нималар содир бўлаётганини айтиб беришни дўстларидан илтимос қилади. Анчадан бери қаттиқ ижод билан машғул ва «Фауст»нинг иккинчи фаслига боши билан шўнғиб кетган. Айниқса, «Классик Вальпургия кечаси» уни бир неча ҳаф-

тадан бери банд қилган ва у сезиларли даражада олдинга силжимоқда.

Бундай ижодий кўтаринкилик пайтларида Гёте бошқа нарсаларни умуман ўқимайди, унинг кайфиятини кўтариб, бироз дам олишга ёрдам берадиган, қувноқ ва енгил ёки ишлаётган мавзуси билан боғлиқ, фойдали нарсаларни ўқишни афзал кўради. Унга қаттиқ таъсир қилиши мумкин бўлган, яъни хотиржам ижод жараёнига халақит берадиган, диққатини бошқа томонга тортадиган оғир асарларни мутолаа қилишдан ўзини тияди. «Глоб» ва «Вақт»ни шу сабабдан ўқимаётган бўлса керак.

— Билиб турибман, — деди у, — Парижда катта воқеаларга ҳозирлик кўрилмоқда, биз улкан портлаш арафасида турибмиз. Аммо ўзим бунга таъсир ўтказолмаслигим сабабли жўшқин воқеалар оқимига берилиб, ҳар куни ўзимни бефойда хис-ҳаяжонлар гирдобидида қийнамасдан, хотиржам кутишдан бошқа иложим йўқ. Ҳозир на «Глоб»ни, на «Вақт»ни ўқимаяпман, «Вальпургия кечаси» яхшигина олға силжияпти.

Кейин у ўзи жуда қизиқадиган француз адабиёти хусусида сўз очди.

— Французлар, — деди у, — ҳозирги янги адабий йўналишларида нимани янги деб ҳисоблашаётган бўлса, аслида бунга биз, немислар, бундан эллик йил бурун эришган эдик. Улар янгилик деб ўйлаётган тарихий драма куртаги мана ярим асрдирки, менинг «Гец»имда макон топган. Тўғриси, немис ёзувчилари ҳеч қачон французларга бирон-бир таъсир ўтказишни кўзда тутишмаган. Шахсан менинг кўз ўнгимда ҳамиша ўз Германиям турган, бор-йўғи кеча ёки уч кун бурун назаримни шарққа буриш ва қани, Райннинг нариги соҳилидаги дўстларим мен ҳақимда нима ўйлашаётган экан, деган фикр хаёлимга келди. Бироқ ҳозир ҳам улар менга таъсир ўтказишмаяпти. Ҳатто французларнинг тасвирлаш услуби ва манерасига тақлид қилувчи Виланд ҳам моҳиятан немислигича қолди ва уни таржима қилишса, яхши таассурот қолдирмаган бўларди.

1830 йилнинг 14 марти, якшанба

Кечқурун Гётеникида бўлдим. У менга Давид¹ юборган кутидаги сараланган ноёб суратларни кўрсатди, бир неча кун олдин уларни кутидан чиқараётганини кўрган эдим. Ҳозир эса, Франциянинг машҳур ёзувчи ва шоирлари суратлари

¹ Давид — Иудия шоҳи.

туширилган гипсдан ишланган медальонлар стол устига аниқ тартибда қўйиб чиқилган эди. У Давиднинг бу соҳани идрок қилиш ва рўёбга чиқаришда фавқулодда истеъдодга эга эканлиги ҳақида гапирди. Шунингдек, романтик мактабнинг энг талантли вакиллари Давид орқали унга совға сифатида юборишган энг яхши асарларини ҳам кўрсатди. Улар орасида Сент-Бёв, Балланил, Виктор Гюго, Бальзак, Альфред де Виньи, Жюль Жанен¹ ва бошқаларнинг асарлари бор эди.

— Давид, — деди у, — бу мажмуани юбориб, менга бахтли кунларни ато қилди. Бутун ҳафта давомида ёш шоирларни мутолаа қилиш билан бандман, улардан олаётган янги таассуротларим жисмимга янги ҳаёт олиб кирмоқда. Мен бу қимматли портретлар ва китоблар учун махсус каталог қиламан ва улар учун расмлар сақланадиган жой ва кутубхонамдан алоҳида жой ажратаман.

Франциялик ёш шоирлар хурматининг бу белгиси Гётени ниҳоятда хурсанд қилгани унинг чехрасида кўриниб турарди.

Сўнгра у Эмиль Дешан «Этюдлар»идан айримларини ўқиб берди. «Коринфлик келин»нинг таржимаси тўғри, аслига монанд, дея мактади.

— Менда, — деди у, — шу балладанинг итальянча таржимасининг қўлёзмаси бор, унда аслиятнинг ритмигача тўғри тикланган.

«Коринфлик келин» Гётета бошқа балладалари хусусида фикр юритишга имкон яратди.

— Уларнинг кўпчилиги учун Шиллердан миннатдор бўлишим лозим, — деди у, — «Ҳорен» журнали учун янги нимадир керак бўлганлигидан у ҳамиша мени янги нарсалар ёзишга ундарди. Мен уларни йиллар давомида миямда асраб келардим, улар ҳаёлимни гўзал манзаралар, дилбар орзулар янглиғ эгаллаб, гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ ғойиб бўлиб, ҳаёлот оламимга ҳузур бағишларди. Менга кўпдан бери қадрдон бўлиб қолган ҳиссиётларимни жўнгина сўзларда ифода этарканман, улар билан хайр-хўш қилиш менга осон бўлмади. Улар қоғозга тушгач, гўё энг қадрдон дўстларимдан жудо бўлгандек ўзимда аллақандай изтиробли соғинччи ҳис этдим.

— Бошқа пайтларда, — сўзида давом этди Гёте, — шеър ёзсам бунақа ҳолатга тушмаганман. Уларни ҳаёлимда ас-

¹ Сент Бёв Шарль Огюстен (1804–1869) — француз танқидчиси ва шоири. Балланил Симон (1776–1850) — француз ёзувчиси. Бальзак Оноре де (1799–1850) — француз ёзувчиси. Жанен Жюль (1804–1874) — француз ёзувчиси ва танқидчиси.

рамаганман, чуқур хис этмаганман, улар тўсатдан миямда туғиларди-да, ўша заҳоти ёзишимни талаб қилар ва мен ўша жойда, беихтиёр, худди хаёл сураётгандек уларни қоғозга туширардим. Мана шундай ойпарастлик ҳолатида кўпинча олдимдаги қоғоз қийшиқ ётганини ҳам пайқамасдим, буни ёзиб бўлганимдан сўнг ёки ёзишга жой етмай қолганидагина билиб қолардим. Менда бунақа диагонал бўйича ёзилган варақлар кўп эди, кейинчалик улар қаергадир йўқолиб кетди, мана шундай ижодий илҳом намуналари қолмаганидан афсусланаман.

Гурунг мавзуси яна француз адабиётига, хусусан, айрим таниқли ижодкорларнинг энг янги ультраромантик тамойилларига кўчди. Гётенинг фикрича, бу адабиётда эндигина шаклланиб келаётган поэтик инқилоб адабиёт учун фойдали бўлса-да, унга таъсир ўтказувчи айрим ёзувчилар учун зарарлидир.

— Ҳар қандай инқилобда, — деди у, — фойда кўрамиз, деб охири зарар кўрилади. Сиёсий инқилоб чоғида, одатда, дастлаб турли-туман суиистеъмол қилишлардан қутулиш пайдан бўлишади, лекин бундоқ қарасанг, зулм ва қон тўкиш бошланиб кетганига гувоҳ бўласан. Французлар ҳам шу тахлит адабий ўзгаришлар қилишаркан, дастлаб эркин шаклни жорий этишни ният қилишган, аммо улар бу билан чегараланмай, шакл билан бирга одатдаги мазмунни ҳам рад қилишмоқда. Ижобий ўй-фикрлар ва ижобий хатти-ҳаракатларни тасвирлаш улар учун зерикарли эмас, улар ўз кучларини ҳар хил ифлос нарсаларни қаламга олишда синаб кўришмоқда. Юнон мифологиясидаги гўзал тимсоллар ўз ўринларини иблислар, жодугарлар, қонхўрларга, қадимги буюк қаҳрамонлар эса фирибгарлару маҳбусларга бўшатиб беришмоқда. Мана буни зўр тасвир деса бўлади! Таъсири ҳам зўр бўлади! Бундай аччиққина таомни татиб кўрган ва унга одатланиб қолган ўқувчи бундан ҳам кучлироқ ва аччиқроғини талаб қила бошлайди. Ўзини кўрсатишни ва шухрат қозонишни истаган, лекин ўз йўлидан боришга кучи етмайдиган ёш талант эгаси шу куннинг дидига мослашиши, хаттоки даҳшат ва кўрқувни тасвирлашда ўз салафларидан ўзиб кетиши зарур бўлади. Шу тахлит ташқи таъсир кетидан қувиш орқасида ўз касбини чуқур ўрганиш, ўз қобилиятини ўстириш истаса-истамаса эътибордан четда қолаверади. Гарчи адабиёт, умуман олганда, бундай ўткинчи тамойилдан ютса-да, истеъдодли ёзувчи учун бундан ортиқ зарар бўлмайди.

— Наҳотки, — дедим мен, алоҳида ёзувчи учун зарарли бўлган тамойил адабиёт учун фойдали бўлса?

— Мен эслатиб ўтган қусур ва зарарлар, — жавоб берди Гёте, — бора-бора йўқолиб кетади, бироқ охири эркин шакл билан бир қаторда, кенг қамровли бой мазмун ҳам муомалага киради ва бу кенг оламда ҳамда мураккаб ҳаётимизда ҳамма нарса поэтик ва яроқли деб эълон қилинади. Ҳозирги адабий даврни мен қаттиқ иситма ҳолатига қиёслайман, унда орзу қилишга арзийдиган яхши жиҳат йўқ, бироқ бу ҳолат яхши саломатлик олиб келади. Ҳозирги бадий асарнинг асл мазмунини ташкил қиладиган ўша тубан нарса келажакда унинг асосий бўлагига айланади, ҳозир софлик ва аслик қандай инкор қилинаётган бўлса, ҳадемай худди шу даражада талаб қилина бошлайди.

— Ҳайрон қоламан, — дедим мен, — Сиз энг яхши кўрадиган ёзувчилардан бири Мериме ҳам «Гузла»сидаги тубан сюжетлари билан ультраромантик йўлга кириб кетди.

— Мериме, — жавоб берди Гёте, — бу сюжетларни ҳам-фикрларига нисбатан бошқача талқин қилди. Унинг шеърларида ҳам ҳар хил даҳшатли мотивлар, қабристонлар, тунги машмашалар, шарпалар, қонхўрлар кам тилга олинмаган, шуниси борки, барча бу ёқимсиз нарсалар ўқувчини ич-ичидан ҳаяжонга солмайди, у буларни четдан туриб кузатади, айтиш мумкинки, уларни киноя билан талқин қиладди. Тўғри, ноодатий бирор воқеани тасвирлашда ўз кучини синаб кўришга ижодкор қандай киришса, Мериме ҳам табиий ҳолатда бу воқеалар ичига шундай киради. У бунда бутунлай ўзини унутган, ҳатто француз эканлиги ҳам ёдидан кўтарилган, деса бўлади, яъни шу даражадаки, дастлаб «Гузла»даги шеърларни ростакамига иллийрий халқ кўшиқлари деб ҳисоблашди ва унинг диққатни чалғитишга уринганини пайқаб қолишларига сал қолди.

— Мериме, — сўзида давом этди Гёте, — пишиқ-пухта йигит, умуман олганда, у ёки бу сюжетни объектив талқин қилиш учун ўйлагандан ҳам кўра кўпроқ куч ва юксак истеъдод талаб қилинади. Масалан, Байрон ҳам кучли шахс бўлишига қарамасдан, ўз-ўзидан бутунлай воз кечишга куч топган пайтлари ҳам бўларди. Бу ҳолат унинг драматик асарларида, айниқса, «Марино Фальеро»да кўзга ташланади. Ушбу пьеса Байроннинг, яъни инглизнинг кўли билан ёзилган, деб ўйламайсан киши. Биз тамоман Венецияда, воқеалар кечган даврда яшаймиз. Персонажлар муаллифнинг шахсий фикр-ўйлари, ҳис-туйғуларига парво ҳам қилмасдан, воқеалар ривожини ва ўз ўйларига монанд гапиришади. Ана шу тўғри усул. Бизнинг ёш француз ультраромантикларимиз ҳақида

бундай деб бўлмайди. Улардан нимани ўқимайин, шеърми, романми, пьесами — ҳаммасида муаллифга хос шахсий белги кўриниб туради, уни парижлик киши, француз ёзганлигини унутолмайман, агарда бошқа юртда бўлиб ўтган воқеа тилга олинса ҳам, биз барибир, орзу-умидлар, талаблар, тўқнашувлар, ҳис-ҳаяжонлар тўрига илинган ҳолда Францияда, Парижда қолаверамиз.

— Беранже ҳам, — дея секин сўзга аралашдим мен, — нуқул улкан пойтахтдаги воқеа-ҳодисалар ва ўз ички туйғуларини тилга олади.

— У тасвирга олган воқеалар, — жавоб қайтарди Гёте, — унинг ички дунёси сингари нимагадир арзийди. Унинг асарларида буюк шахс қад ростлаб туради. Беранже ўз-ўзидаги соф ва мустаҳкам табиий асосда шаклланган, ўз ички олами билан қоришиб кетган фавқулодда буюк истеъдод соҳиби. У ҳеч қачон: «Ҳозир нима урф бўлган? Нима таъсирчан? Одамларга нима ёқади?» деб сўрамас, «Одамлар нима билан машғул, мен ҳам шундай қилай?» демасди. У ҳамиша ўз табиатининг талабидан келиб чиқиб ижод қилар, одамлар ҳамда у ёки бу партия нимани кутаётгани билан иши бўлмасди. Тўғри, турли ташвишларга тўла даврларда у халқнинг кайфияти, орзу-ўйлари ва талабларига қулоқ солди, бироқ бу унинг ўзига бўлган ишончини фақат мустаҳкамлади, негаки унинг қалби халқ қалби билан бир хил тепишини билиб олди, аммо у ҳеч қачон ўз қалби буюрганидан бошқа нарсани тилга чиқармади.

Биласизки, мен сиёсий шеърлар ихлосманди эмасман, лекин Беранже ёзган шеърлар менга ёқади. У ҳеч нарсани ҳаводан олмайди. Унда яланғоч, сохта қизиқишлар йўқ, у бирор сўзни беқорга айтмайди, аксинча, ҳамиша катъий, аҳамиятга молик сюжетлар устида ишлайди. Унинг Наполеондан муҳаббат ила ҳайратланиши, у ҳукмронлик қилган даврдаги буюк ҳарбий ҳаракатларни ёдга олиши, шунингдек, бу хотиралар бироз тушкунликка тушган французлар учун юпанч бўлган давр, сўнгра унинг поплар зўравонлигига, иезуитлар билан бирга ёпирилиб келиш хавфини солган жаҳолатга қарши нафрати — буларнинг бариси шундай сюжетларки, тан бермай илож йўқ. Унинг ҳар бир асари нечоғлик маҳорат билан ишланган! У сюжетни қоғозга туширишдан олдин уни миясида ҳар тарафлама айлантириб, роса пиштади. Ҳаммаси пишиб етилгач, қанча-қанча ҳазиллар, шу билан бирга, оддийлик, самимият ва назокат унинг ҳар бир сатридан уфуриб туради! Унинг қўшиқлари йиллар

давомида миллионлаб мухлисларга қувонч бахш этмоқда, шубҳасиз, улар меҳнаткаш инсонлар дидига мос, кундалик ҳаёт даражасидан шу қадар юксаладики, халқ бу хушоҳанг қўшиқлар билан ошно бўлгач, уларга одатланади ва ҳатто ўзлари ҳам яхшироқ, юксакроқ фикрлашга мажбур бўлади. Тағин нима керак? Шоир ҳақида бундан ошириб қандай яхши гап айтиш мумкин?

— У тенги йўқ шоир, шубҳасиз, — жавоб бердим мен, — биласизки, мен уни кўпдан бери яхши кўраман, шунингдек, у ҳақда Сиздан бундай мақтовларни эшитиш ҳам менга ёқишини тасаввур қилсангиз бўлади. Унинг қўшиқларидан қайсиларини мен афзал кўришимни билмоқчи бўлсангиз айтишим мумкин: сиёсийларидан кўра севги-муҳаббат ҳақидагилари кўпроқ ёқади, сиёсий шеърларидаги айрим ишора ва рамзларга кўпам тушунавермайман.

— Бу Сизнинг ишингиз, — жавоб қайтарди Гёте, — бунинг устига сиёсий шеърлари Сиз учун ёзилмаган, французлардан сўраб кўринг, уларнинг яхши томони нимада эканлигини айтиб беришади. Умуман олганда, сиёсий шеър жуда нари борса, бир миллат, кўпинча, маълум бир партия ғояларининг ифодачиси сифатида қаралмоғи зарур. Агар шеър яхши бўлса, у ўша миллат ва ўша партия томонидан қувонч билан кутиб олинади. Сиёсий шеър, аслини олганда, маълум бир даврнинг маҳсули бўлиб, сюжетда акс этган бутун моҳиятни ўзи билан бирга ўтмишга олиб кетади. Беранже қилар ишини қилди! Париж, бу Франция дегани, унинг улкан ватанининг барча муҳим қизиқишлари пойтахтда ўз мужассамини топади ва ўша ерда томир отиб, акс-садо беради. Шу билан бирга, Беранженинг сиёсий шеърларини аниқ бир партия ғояларининг ифодачиси деб қарамаслик жоиз, у нимага қарши бош кўтарган бўлса, асосан умуммиллий қизиқишлардан келиб чиқади, демак, шоир овози ҳамиша халқ овози сифатида қабул қилинади. Бизда, Германияда, бунинг иложи йўқ. Бизда шаҳар ҳам йўқ, мана шу Германия, дея оладиган ер ҳам йўқ. Венани сўрасак, бу — Австрия, дейишади. Берлинни сўрасак, бу — Пруссия, дейишади. Бундан ўн олти йил бурун, ниҳоят французлар исканжасидан озод бўлишни истаган пайтимизда, ҳамма ер Германия бўлган эди. Айни ўшанда сиёсий шоир ҳаммага таъсир ўтказиши мумкин эди. Бироқ у ҳеч кимга керак бўлмаганди. Умумий муҳтожлик, парокандаликни ялпи ҳис этиш миллатни алланечук девкор бир кучдек чулғаб олган эди. Шоир ёқиши мумкин бўлган ҳис-ҳаяжон олови шусиз

хам ўз-ўзидан ёнарди. Бирок, инкор қилмайман, Арндт¹, Кёрнер² ва Рюккерт қандайдир таъсир ўтказишди.

— Ўша буюк замонда, — дея бироз эҳтиётсизлик билан гапга аралашдим мен, — кўлига қурол олмади, лоақал шоир сифатида оёққа турмади, деб Сизга таъна қилишади.

— Бу гапни кўйинг, азизим, — жавоб берди Гёте, — бу, нима хоҳлашини билмайдиган бемаъни дунё, нимани айтгиси, қилгиси келса, қилаверсин, гапираверсин. Ахир юрагимда нафрат бўлмаса, қандай қилиб кўлимга қурол олардим! Мен ёш бўлмасам, қандай қилиб қалбимда нафрат уйғонсин! Ўша воқеалар йигирма ёшдалигимда юз берса, мен олдинги сафда бўлардим, бирок мен ўша пайтда олтмишдан ошган эдим.

Бундан ташқари, ҳамма хам Ватанга бир хилда хизмат қилмайди, ҳар бир одам, Яратганнинг унга кўрсатган иноятига қараб энг яхши ишларни амалга ошираверади. Ярим аср мобайнида мен хам кам меҳнат қилмадим. Дадил айтаманки, табиат менинг елкамга юклаган ишларда дам олиш, нафас ростлаш нималигини билмасдан кечаю кундуз тинимсиз ишладим, олдинга интилдим, кучим етганича тадқиқ қилдим, яратдим. Агар ҳар бир одам ўзи ҳақида шундай дея олса, барчанинг ҳаёти фаровон бўлади.

— Аслини олганда, — дедим мен уни юпатган бўлиб, — ўша таъналарни Сиз кўнглингизга олманг, аксинча, улардан ғурурлансангиз бўлади. Бу таъналар шундан далолат берадики, инсониятнинг Сиз ҳақингиздаги фикри юксак, миллатингиз маданияти равнақи йўлида бошқалардан кўра кўпроқ иш қилганингизни билатуриб, яна ҳамма нарсани қилишингизни ишташади.

— Бу ҳақда нима ўйлашимни айтиб ўтиришга ҳожат йўқ, — жавоб берди Гёте. — Бунинг ортида Сиз ўйлаганингиздан кўра кўпроқ ёмон ният яширинган. Бунда мени йиллар давомида таъқиб қилиб юрган, менга зарар етказишга ҳаракат қилган эски нафратнинг янги шаклини сезяпман. Биламан, мен кўпларнинг кўзига тушган чўпман, улар жон-жон деб мендан халос бўлган бўлишарди. Менинг истеъдодимга тил теккизолмаганлари туфайли, энди характеримга ёпишиб олишган. Улар мени гоҳ мағрурликда, гоҳ худбинликда, гоҳ ёшларнинг истеъдодига ҳасад қилишда, гоҳ ўз хис-туйғуларимга берилишда, гоҳ насронийликка бегоналикда ва ниҳоят, ўз ва-

¹ Арндт Эрист Мориц (1769 – 1860) олмон шоири.

² Кёрнер Карл Теодор (1791 – 1813) – Наполеонга қарши озодлик уруши даври шоири.

танам ва суюкли олмонларимга меҳрсизликда айблашади. Сиз мени узоқ йиллардан бери биласиз ва бу сафсаталарнинг нималигини ҳис этасиз. Қандай азобларни бошдан кечирганимни билмоқчи бўлсангиз, менинг «Афоризмлар» («Ксения»)имни ўқинг, ҳаётимни нечоғлик заҳарга айлантиришга уринганларини ўша аччиқ луқмаларимдан билиб оласиз.

Олмон ёзувчиси — олмон жафокаши! Ҳа, азизим, буни бошқача атаёлмаймиз. Мен шикоят қилмасам ҳам бўлади, бошқаларнинг аҳволи бундан яхшироқ эмас, ҳатто баттарроқ. Англияда ҳам, Францияда ҳам худди биздагидек. Мольер нималарга бардош бермади, Руссо, Вольтер ҳақидаку гапир-маса ҳам бўлади! Байронни заҳар тиллар Англиядан бадарға қилди, агар бемахал ўлим уни филистерлар ва уларнинг нафратидан халос этмаганида, эҳтимол, у дунёнинг нариги четига қочиб кетган бўларди.

Бефаҳм омма улур инсонларни таъқиб қилсаям майли эди! Йўқ, битта истеъдодли инсон бошқасини таъқиб қилади. Платен Ҳайненинг, Ҳайне эса Платеннинг оёғига болта уради, бири иккинчисини ёмонлаб, унга қарши нафрат уйротишга уринади, ахир тинчгина яшаб, меҳнат қилсанг, дунё деганинг кенг-ку, ҳар бирининг ўз талантига мос, тўйгунча ташвиш келтирадиган рақиби бор.

Хонангда ўтирволиб жанговар кўшиқларни битсанг! Мен шундай ишни қиламанми! Кечаси душман истеҳкомидаги отларнинг пишқириши эшитилиб турган лашкароҳда! Жа бу менга ёқади-да! Бу менинг ҳаётим, менинг вазифам эмас, Теодор Кёрнернинг вазифаси эди. Жанговар кўшиқлари унга жуда ярашарди. Табиатига жанговарлик ёт бўлган, урушни ёмон кўрадиган мендек одам учун жанговар кўшиқлар ёзиш ярашмайдиган ниқобдан ўзга нарса бўлмасди.

Ўз шеъриятимда мен ҳеч қачон сохталикка интилмадим. Юрагимни «жиз» эткизмаган, ёз, деб зўрламаган нарсани қоғозга туширишга жазм қилмадим. Муҳаббат кўшиқларини фақат севган пайтимдагина ёздим. Ахир нафратланмай туриб қандай қилиб нафратли шеърларни ёзишим мумкин эди! Ўзаро гапу, яна бир нарсани айтиб қўяй: гарчи биз французлардан халос бўлганимизда Яратганга шукроналик келтирган бўлсам-да, менда уларга нисбатан нафрат бўлмаган. Мен учун маданият ва жаҳолат тушунчасидан кўра муҳимроқ тушунча бўлмаса, ахир қандай қилиб ер юзидаги энг маданиятли миллатни ёмон кўришим мумкин, бунинг устига ўзимдаги билим учун унинг олдида анча-мунча бурчли бўлсам.

— Умуман, — сўзида давом этди Гёте, — бу миллий нафрат деганлари галати тушунча. Маданиятнинг қуйи босқичларида у янада кучлироқ, янада шиддатлироқ сезилади. Аммо шундай бир босқич борки, унда у тамоман ғойиб бўлади, одам маълум даражада миллат тушунчасидан юқори кўтарилади ва кўшни халқнинг қувончию ғамини худди ўзиникидек қабул қилади. Маданиятнинг мана шу босқичи менинг табиатимга мос, мен ҳали олтмишга етмасимдан аввал мана шу босқичда қатъий тургандим.

1830 йилнинг 15 марти, душанба

Кечкурун Гёте ҳузурида бир соатча бўлдим. У Йена ҳақида, университетда амалга оширишга муваффақ бўлган турли ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида кўп гапирди. Кимё, ботаника, маъданшунослик учун махсус кафедралар таъсис этипти, илгари булар фармакологияга кўшимча фанлар сифатида ўқитилар эди. Аввало, у университет кутубхонаси ва табиатшунослик музейини бойитишга катта ҳисса қўшипти.

Шунингдек, у қувонч ва ўзига бўлган ишонч билан кутубхонага ёндош зални қандай қилиб зўрма-зўраки эгаллаганини ҳам айтиб берди, бу зал олдин тиббиёт факультетига қарашли бўлиб, улар уни қўлдан чиқаришни сира исташмаган экан.

— Кутубхона, — деди у, — тамоман хароб аҳволда эди. Хона нам, тор, у ердаги хазинани талаб даражасида жойлаштиришга ярамайдиган ҳолда эди, айниқса, Буюк ҳерцог Бюттнер кутубхонаси¹ни 13000 китоб билан сотиб олгандан сўнг жой йўқлигидан улар ерда уюлиб ётарди. Бу аҳволдан қандай қутулишни билмай қолдим. Кўшимча янги бино қуриш талаб қилинар, лекин бунга маблағ етишмасди. Янги бино қурмасдан ҳам вазиятдан чиқса бўларди, чунки шундоққина кутубхона ёнида айнан бизнинг талабларимизга тўлиқ жавоб берадиган катта зал бўм-бўш ётарди. Аммо бу зал кутубхонага эмас, балки тиббиёт факультетига қарашли бўлиб, улар у ерда ахён-ахёнда анжуманлар ўтказиб туришаркан. Шундай қилиб, мен факультетдаги жанобларга хушмуомалалик билан зални кутубхона учун бўшатиб беришларини илтимос қилдим. Бироқ жаноблар мени тушунишни исташмади. Ҳар ҳолда улар, агар

¹ *Бюттнер кутубхонаси* Христиан Вильхельм Бюттнер, гёттингенлик фалсафа профессори, ўлимидан кейин унинг катта кутубхонаси Ваймар ҳерцоги ихтиёрига ўтади, деган шартнома билан Йенага келган Карл Август 1784 йилда кутубхонани сотиб олган. Бироқ у Бюттнернинг вафотидан сўнг ҳерцоглик ихтиёрига ўтган.

мен уларнинг анжуманлари учун зудлик билан янги хона курдириб берсам, зални беришга рози бўлишди. Мен жон-жон деб янги бино қурилишига кўрсатма беришга тайёрман, аммо унинг зудлик билан бошланишига ваъда беролмайман, дедим. Менинг жавобим, шубҳасиз, жанобларни қониктирмади. Эртаси куни калитни олиб келинглар, деб одам юборсам, калитни тополмаяпмиз, дейишипти.

Шунда зўрлик билан зални эгаллашдан ўзга йўл қолмади. Фишт терувчи устани чакиртирдим-да, кутубхонани залдан ажратиб турган девор олдига бошлаб бордим.

«Бу девор, дўстим, — дедим мен, — жуда қалинга ўхшайди, чунки у иккита алоҳида хоналарни бир-биридан ажратиб турипти. Унинг мустаҳкамлигини текшириб беринг». Уста ишга киришди. Беш-олтита яхшигина зарбадан сўнг деворнинг шувоғи ва фиштлар кўчиб тушди ва очилган тешикдан парик кийган мухтарам олимларнинг зални безаб турган портретлари кўзга ташланди. «Давом этинг, дўстим, — дедим мен, — ҳали ҳамма нарсани кўрмаяпман. Тортинманг, худди ўз уйингиздагидек ишлайверинг». Менинг дўстона муомалам устага яхши таъсир қилиб, тез орада туйнук эшик ўрнини босиш даражасида катталашди. Кутубхона ходимлари қучоқ-қучоқ китоблар билан залга бостириб кириб, хонани эгаллаб олганлари белгиси сифатида уларни ерга уйиб ташлай бошлашди. Стол, стуллар, пюпитр¹лар бир зумда ғойиб бўлди, садоқатли хизматчиларим шундай тез ва чаққон ишлашдики, бир-икки кун ичида ҳамма китоблар деворлар бўйлаб қўйилган токчаларга чиройли қилиб жойлаштирилди. Кўп ўтмай эски эшикдан кириб келган тиббиётчи жаноблар кутилмаган бундай катта ўзгаришни кўриб қотиб қолишди. Улар нима дейишларини билмасдан индамай қайтиб чиқиб кетишди, бироқ ичларида менга нисбатан кек сақлашди. Шундай бўлса-да, улардан бирортасини ёлғиз учратиб ёки бир столда ўтириб қолсам, баайни яқин дўстларимдек чунонам хушмуомалада бўлишадики, асти қўяверасиз. Бўлган воқеани Буюк херцогга айтиб берганимда, дарвоқе ҳаммаси унинг розилиги ва рухсати билан бўлган эди, у роса хурсанд бўлди, кейинчалик ҳам биз бу воқеани эслаб кулиб юрдик.

Гёте хуш кайфиятда эди ва бу хотираларни ҳузур қилиб ёдга оларди.

— Ҳа, дўстгинам, — давом этди у, — яхши ишларни амалга ошириш учун нималар қилмадим дейсиз. Кейинчалик

¹ *Пюпитр* — нота ва китоб қўядиган қия мослама.

кутубхонадаги намлик ошиб кетгани учун шаҳарнинг ҳеч кимга кераксиз, нураб қолган деворини қулатишни буюрганамда ҳам бошимга кўп балолар ёғилган эди. Менинг илтимосим, келтирган асосли далилларимга ҳеч ким қулоқ солмагач, яна ўша зўравонлик йўлини тутдим. Деворни бузишга киришган ишчиларимни кўрган шаҳар ҳокимиятидаги жаноблар ўша пайтда Дорнбурда бўлган Буюк херцог ҳузурига вакил юборишиб, улуғ ҳукмдор сифатида шаҳарнинг эски табаррук деворини бузишни тўхтатишга имдод берсангиз, дея илтимос қилишипти. Менинг бу ишимни ҳам зимдан маъқуллаган Буюк херцог уларга мана бундай оқилона жавоб берипти: «Мен Гётенинг ишларига аралашмайман. У қиладиган ишини ўзи билади, бунга ҳам ўзи жавоб беради. Борингларда, ҳамма гапни унинг ўзига айтинглар, агар шунга журъат қилсанглар!»

— Бироқ ҳеч ким олдимга келмади, — деди Гёте кулиб, — эски деворнинг менга халақит берган қисмини буздириб ташладим ва кутубхонани қуруқ ҳолда кўриб хурсанд бўлдим.

*1830 йилнинг 17 марти, чоршанба**

Кечқурун бир-икки соатча Гётеникида бўлдим. Улуғ княгинянинг топшириғи билан унга «Арталик Гемма»¹ни қайтариб бердим ва ушбу пьеса ҳақида ўйлаган барча яхши гапларимни унга изҳор қилдим.

— Бирон янги нарса юзага келса ва унга истеъдод тамғаси босилган бўлса, ҳамиша хурсанд бўламан, — деди у.

Кейин у китобни иккала кўли билан тутди-да, унга ён томондан разм солиб, қўшимча қилди:

— Аммо драматургларнинг узундан-узун пьеса ёзганларини кўрсам, тўғриси, ёқтирмайман, қандай ёзилган бўлса шундайлигича уларни сахнага қўйиб бўлмайди. Мана шу камчилик менинг пьесадан оладиган таассуротимнинг ярмини йўққа чиқаради. Қаранг, мана бу «Арталик Гемма»ни, қандай қалин жилд.

— Шиллер бу жиҳатдан унчалик афзал эмасди, — эътироз билдирдим мен, — лекин у жуда буюк драматург эди.

— Унда ҳам шу камчилик бор эди, — жавоб берди Гёте. — Хусусан, унинг айни гуллаган ёшлик чоғларида ёзган илк пьесалари ҳеч ниҳоясига етай демасди. Кўнглида шунча кўп ўйлари, шунча кўп айтадиган гаплари бор эдики, ҳеч ўзини

¹ «Арталик Гемма» — швейцариялик ёзувчи, рухоний Томас Борнхаузер (1799–1856)нинг пьесаси.

идора қилолмасди. Кейинчалик бу хатосини тушуниб етгач, буни енгигашга кўп куч сарфлади, бироқ бунинг уддасидан чиқиш кўпам кўлидан келмасди. Ўз қилаётган ишининг чинакам эгаси бўлиш, ўзини жиловлай олиш, энг муҳим нарса устида фикрни жамлаш — шоирдан жуда катта куч талаб қилади ва бу ўйлагандан кўра мураккаброқ.

Сарой маслахатчиси Ример келганлигини хабар қилишди, у кириб келди. Мен кетишга човландим, чунки бу кеч Гёте Ример билан шуғулланиши кераклигини билардим. Аммо Гёте қолишимни илтимос қилди, бунга жон деб розилик билдирдим ва Гётега хос жўшқинлик, ҳазилкашлик ва мефистофелона кайфият юз кўрсатган гурунгнинг гувоҳи бўлдим.

— Мана Земмерингни қаранглар, — дея сўз бошлади у, — етмиш беш йилгина яшаб улгурмай ўлди-кетди. Нақадар ожиз бандалар-а, бундок узокроқ яшашга журъатлари етмайди! Шунинг учун мен анави ўта радикал аҳмоқ, яъни Бентамни мақтайман-да, гарчи у мендан бир неча ҳафтага каттарок бўлса-да, ҳали жуда тетик кўринади.

— Яна шуни кўшимча қилсак бўладики, — дедим мен, — бошқа бир жиҳатдан ҳам у Сизга ўхшайди, яъни у ҳалиям ёшлик ғайратчанлиги билан тинмай ишлайди.

— Бўлса бордир, — жавоб берди Гёте, — бироқ биз занжирнинг қарама-қарши томонларидамиз: у бузишни хоҳлайди, мен эса сақлашни ва қуришни хоҳлайман. Унинг ёшида шундай радикал бўлиш — бориб турган беақллик.

— Менимча, — дея эътироз билдирдим мен, — радикализмнинг икки турини фарқлаш жоиз: биттаси, келажакда янгидан қуриш мақсадида аввал йўлни тозалаб, ҳамма нарсани бузишни хоҳлайди, иккинчиси бўлса, ҳеч бир куч ишлатмасдан аҳволни яхшилаш мақсадида партиялар ва давлат бошқармасининг камчилиги ва хатоларини кўрсатиш билан қаноатланади. Агар Сиз Англияда туғилганингизда эди, мана шу иккинчи тур тарафдори бўлардингиз.

— Мени ким деб ўйлаяпсиз? — эътироз билдирди Гёте, унинг бутун қиёфаси ва сўзлаш оҳанги Мефистофелникига ўхшаб кетди, — мен сунистеъмол қилишларни излаб топиб, уларни фох қилиб, очиб ташлаган бўлармидим? Ўзим Англияда бўлатуриб, сунистеъмол қилишлар билан бирга яшаган бўлардим. Англияда туғилганимда эди, бой херцог, ҳеч бўлмаганда йилига 30 000 фунт стерлинг даромадга эга епископ бўлардим.

— Жуда яхши, — дедим мен, — бордию Сизга ютуқли эмас, бўш чипта тушиб қолганда-чи? Ахир ютуқсиз чипталар жуда кўп-ку?

— Ҳар ким ҳам ютуқли чиптага эга бўлавермайди, азизим, — жавоб қайтарди Гёте, — нахотки Сиз мени ютуқсиз чиптани суғуриб оладиган аҳмоқ деб ҳисобласангиз? Аввало мен 39 та моддага тарафдор бўлардим, бор кучим ва имкониятим билан улар учун, айниқса, мен учун алоҳида диққат-эътибор ҳамда ўта нозик фидойилик рамзи бўлган 9-модда учун курашган бўлардим. Шеърӣ ва насрий йўл билан шу қадар алдовларни тўқиб, фирибгарлик қилардимки, ўша 30 000 фунт стерлинг ўзи йилига кўлимга келиб тушаверарди. Шундай юксакликка эришганимдан сўнг бор кучим билан уни сақлаб қолишга интилардим. Айниқса, жаҳолат зулматини янаям қуюқлаштиришга бор кучимни сарфлардим. О, менинг ҳамма ҳавас қиладиган ҳаётим ифлос, тубан фирибгарликлар асосига қурилганини ҳеч ким сезмаслиги, бу ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаслиги учун имкон топганим заҳоти қанчалик соддагина омманинг бошини силаб кўйган, ўқувчи ёшларнинг миясини «керакли билимлар» билан қанчалик тўлдирган бўлардим!

— Сизга келсак, — дедим мен, — Сиз шундай юксакликка ўзингиздаги фавқулудда истеъдод туфайли етишгансиз, деган фикр ҳеч бўлмаса кишига таскин беради. Англияда бўлса, энг нодон, энг қобилиятсиз одамлар энг олий заминий ҳузур-ҳаловатлар оғушида ҳаёт кечиришмоқда, улар бунга мутлақо ҳалол хизматлари орқасида эмас, балки бировнинг қўллаши, тасодифан ёки келиб чиқиши туфайли эришишган.

— Аслида, — жавоб қайтарди Гёте, — инсон заминий фароғатли ҳаётга ўз меҳнати билан эришадими ёки бу унга мерос бўлиб ўтадими — фарқи йўқ. Ахир бундай ҳаётнинг биринчи эгалари ҳам ҳар ҳолда даҳо инсонлар эди, улар бошқаларнинг нодонликлари ва заиф томонларини ўз манфаатлари йўлида ишлата билдилар. Дунёда эсипастлару телбалар шунчалик кўпки, уларни кўриш учун жиннихонага боришнинг ҳожати йўқ. Шу муносабат билан ёдимга тушиб қолди: менинг жиннихоналарни ёмон кўришимни билатуриб, марҳум Буюк ҳерцог бир куни жиғимга тегиш учун улардан бирига мени олиб бормоқчи бўлди. Бироқ мен гап нимадалигини дарҳол сезиб қолдим-да, унга, қамокдаги жинниларни кўришга зигирчаям қизиқишим йўқ, озодликда юрганларини кўриб турганим ҳам етади, дедим. «Сиз ҳазрати олийлари билан бирга, — дедим мен, — агар зарур бўлса, дўзахга ҳам бирга боришга тайёрман, фақат жиннихонага эмас».

Эҳ, 39 та моддани ўзим хоҳлаганча талқин қилиб ва содда оммани ҳайратга солиб, қандай ҳузур қилган бўлардим-а!

— Епископ бўлмайд туриб ҳам, — дедим мен, — шундай хузур қилсангиз бўларди.

— Йўқ, — эътироз билдирди Гёте, — унда мен безовта бўлмасдим, бундай алдаш учун одам катта ҳақ олиши керак. Епископ қалпоғи бошимда турмаса ва йилига 30 000 фунт стерлинг олмасам, бу ишни қилмасдим. Хуллас, бу соҳада мен бир кичик тажрибани қилиб кўрганман. Ун олти яшар ўсмир пайтимда Исонинг жаннатга кириши ҳақидаги турган-битгани мактовлардан иборат шеър ёзган эдим, шеър босилиб ҳам чиққан, бироқ унча машҳур бўлмаган эди, яқинда у тасодифан кўлимга тушиб қолди. Шеър бошдан-оёқ диний руҳда ёзилган, у менга нариги дунёда ҳужжат вазифасини ўташи мумкин. Тўғрими, Ример? Сиз уни биласиз.

— Йўқ, ҳазрати олийлари, мен уни билмайман, — жавоб берди Ример. — Эсимда бор, мен бу ерга келганимнинг биринчи йилида Сиз қаттиқ касал бўлиб, алаҳсираб, шу мавзудаги мисраларни такрорлаган эдингиз. Шубҳасиз, булар ўша ёшлик чоғларингиздаги шеър ҳақидаги хотиралар бўлган бўлиши мумкин.

— Бўлиши мумкин, — деди Гёте, — бир воқеани биламан, қуйи табақага мансуб бир одам ўлими олдидан кутилмаганда чиройли юнон сентенция¹ларини айта бошлаган эди. Бу одам юнон тилидан бирорта сўзни билмаслигини ҳамма яхши тушунарди, аммо бу ҳалдан ортиқ хайратланарли эди, ақлли одамлар лақмаларнинг ишонувчанлигидан хулоса чиқара бошлаганда маълум бўлдики, ўша одамни болалигида ҳар хил юнонча ҳикматларни ёд олишга мажбур қилишган, у шу йўл билан олий табақага мансуб бола олдида ўзини кўрсатиши керак бўлган. Табиийки, у мумтоз юнонча сўзларни ўзи тушунмасдан, беихтиёр ёд олган ва эллик йил давомида бирор марта уни эсламаган, ниҳоят, ўлими олдидан ўша сўзлар йириндиси хаёлида ҳаракатга келиб, тилига чиқа бошлаган.

Шундан сўнг Гёте аввалгидай киноя ва масхаралаш оҳангида яна олий даражадаги инглиз руҳонийларини макташга ўтди ва Дерби епископи, лорд Бристол² билан шахсан учрашувлари ҳақида ҳикоя қилди.

— Лорд Бристол, — деди Гёте, — Йенадан ўтиб кетаётиб мен билан учрашишни хоҳлаган ва кечқурун хузурига боришимни сўраган эди. Гоҳида у кўполликка йўл кўярди,

¹ *Сентенция* — одоб-ахлоқни тарғиб қилувчи ҳикматлар.

² *Бристол лорд Лоцелл (1730–1803)* — Дерби епископи, 1797 йилнинг 10 июнида Йенада Гёте билан учрашган.

бирок унга худди шу тахлит кўпол жавоб қайтарсанг мулойим бўларди-қоларди. Сухбатлашиб ўтирарканмиз, у «Вертер»им туфайли менга ваъз ўқимоқчи ва одамларни ўз жонига қасд қилишга бошлаганликда айблаб, виждонимга қора чапламоқчи бўлди. ««Вертер», – деди у, – ахлоқ нормаларига умуман сирмайдиган, лаънатга муносиб китоб». «Тўхтанг, – хитоб қилдим мен, – агар менинг шўрлик «Вертер»им ҳақида шунақа дейдиган бўлсангиз, унда юз минглаб одамларни сўрамай-нетмай жанг майдонларига жўнатаётган ер юзидаги хоқонлар ҳақида нима дейсиз, ўша одамлардан саксон мингтаси ўлиб кетади ва бир-бирларини ўлдиришга, ўт кўйишга ҳамда ғарликка ундашади. Шундай тубанликлардан кейин ҳам Тангримни ёдга олиб: «Ўзингга шукур, Раббим!» дейсизларми! Сўнгра: агар дўзах азоблари ҳақидаги ваъзларингиз билан жамоангиздаги айрим содда одамларни кўрқитсангиз, улар ақлларини йўқотиб, охир-оқибат аянчли ҳаётларини жиннихоналарда ўтказишади! Ёки бўлмаса, агар сизлар ортодоксал таълимотларингиз билан насроний тингловчиларингиз қалбига ҳалокатли шубҳа-гумон уруғини эксангиз, бу беқарор, кўнгилчан одамлар боши берк кўчага кириб қолишади-да, у ердан чиқишга ўлимдан бошқа йўл йўқ! Бундай ҳолатда ўзингизга ўзингиз нима дейсиз, ўзингизга қарши қандай айблов кўясиз? Ана шунда Сиз ёзувчини жавобгарликка тортиб, унинг ақли ноқис нусхалар томонидан нотўғри тушунилган асарини лаънатлашга тушасиз, ҳолбуки, ўша асар дунёнинг зўрға липиллаб турган чироғини пуфлаб ўчиришдан ўзга жўялироқ ишга ярамайдиган бир тўда аҳмоқлар ва ялқовлардан тозалаган эди! Мен инсониятга ҳақиқий хизмат қилдим, унинг ташаккурига сазовор бўлдим, деб ўйлагандим, Сиз бўлсангиз, мен ишлатган шундай миттигина қуролни жинойт деб эълон қилмоқдасиз, айни пайтда Сизлар, руҳонийлар ва князлар каттароқ ва кучлироқ ишларни ўзларингизга жоиз деб биласизлар!»

Бу хужум епископимга ғаройиб таъсир ўтказди. У шу захотиёқ кўзичоқдек ювош тортиб қолди ва бутун сухбатимиз давомида мен билан ҳурмат-эҳтиром доирасидан чиқмай ўта назокатли муомалада бўлди. Мен у билан ўша кечни жуда яхши ўтказдим. Чунки лорд Бристол, гоҳида қанчалик кўпол бўлмасин, беҳад зукко, зодагон, турфа хил мавзуларда сухбатдошини зериктирмайдиган одам экан. Хайрлашарканмиз, у мени эшик олдиғача кузатиб борди ва аббатига янаям узоқроққа кузатиб кўйишни буюрди. Биз аббат билан кўчага чиққанимизда, у менга хитоб қилди: «О, жаноб фон Гёте, қандай зўр гапларни айтдингиз, лордга қандай маъқул

бўлдингиз ва унинг юрагига йўл топишнинг қандай ажойиб усулини ишлатдингиз. Агар сал бўшангроқ ва қатъиятсизроқ бўлганингизда ҳозиргидек ёқимли таассурот билан уйингизга қайтмаган бўлардингиз».

— «Вертер»ингиз туфайли жуда кўп кўнгилсизликларни бошдан кечиргансиз, — дедим мен, — Сизнинг лорд Бристол билан бўлган саргузаштларингиз менга худди шу мавзуда Наполеон билан қилган суҳбатингизни эслатади. Ушанда Талейран¹ ҳам бўлган, шундайми?

— Ҳа, у ҳам бор эди, — жавоб берди Гёте. — Аммо Наполеондан шикоят қилишга асосим йўқ. У мен билан жуда яхши муомалада бўлди ва асар ҳақида кенг дунёқарашли инсондан кутиш мумкин бўлган фикрларни билдирди.

Гурунг мавзуси «Вертер»дан умуман романлар ҳамда пьесаларга кўчди, уларнинг томошабинга маънавий-ахлоқий ва ахлоққа зид таъсири борасида сўз борди.

— Бирорта китобнинг, — деди Гёте, — кундалик жанжалли сахналарга тўлиб-тошиб ётган ҳаётдан кўра одамларга, ахлоққа янада зидроқ таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин, улар кўз олдимизда содир бўлмаса-да, қулоғимизга етмасдан қолмайди. Ҳатто болаларга ҳам китоб ёки театр томошасининг ёмон таъсир қилишидан кўрқмаслик керак. Айтиб ўтганимиздек, кундалик ҳаёт ҳар қандай таъсирчан китобдан кўра ибратлироқдир.

— Аммо шуниси борки, — дедим мен, — болаларнинг ҳузурида, бизнинг назаримизда, улар эшитишлари лозим бўлмаган гапларни гапирмасликка ҳаракат қиламиз.

— Бу беҳад мақтовга лойиқ, — жавоб берди Гёте, — ўзим ҳам худди шундай йўл тутаман, шунга қарамай бундай эҳтиёткорликни бефойда деб ҳисоблайман. Болалар жуда ўткир ва нозик ҳис этиш қобилиятига эга, улар ҳамма нарсани, айниқса, ёмон нарсани жуда тез сезиб, билиб олишади. Ота-оналари у ёки бу танишларига қандай муносабатда эканликларини жуда яхши билишади, улар ҳали муғомбирликни билмасликлари туфайли уйдагиларнинг Сизга бўлган яхши ёки ёмон муносабатларини кўрсатиб берадиган барометр вазифасини ўташлари мумкин.

Бир куни одамлар орасида мен ҳақимда ножўя гаплар тарқалди, бу менга шу қадар муҳим туюлдики, биринчи зар-

¹ *Талейран Шарль Морис, князь (1754–1838)* — француз дипломати. Унинг мемуарларида Гётенинг Наполеон билан қилган суҳбатлари ҳақида мунозарали ахборотлар келтирилган.

ба қаердан чиққанлигини билишга астойдил жазм қилдим. Умуман олганда, бу ердагилар менга ниҳоятда хайрихоҳ эдилар, бундай ифлос гаплар кимдан чиқиши мумкинлигини ўйлайвериб бошим қотиб кетди. Тўсатдан ҳаммаси равшан бўлди: бир куни кўчада таниш оиланинг кичкина болаларини учратиб қолдим, улар менга салом беришмади, одатда ёнимдан саломсиз ўтишмасди. Мен учун шу етарли эди, шу билан мен ҳақимда бундай хунук гапни тарқатишга тиллари айланган одамлар айнан уларнинг ота-оналари эканлигини кўп ўтмай билиб олдим.

*1830 йилнинг 29 марти, душанба**

Кечкурун уч-тўрт дақиқага Гёте ҳузурда бўлдим. У кўринишдан хотиржам, кувноқ, хуш кайфиятда эди. У набираси Вольф ҳамда сирдош дўсти графиня Каролина Эглофштайн¹ қуршовида эди. Вольф бобожонига ҳеч тинчлик бермасди. Тинмай унинг атрофида ўралашар, гоҳ у кифтига, гоҳ бу кифтига чиқарди. Гарчи ўн яшар бола кекса киши учун оғирлик қилса-да, Гёте буларнинг барига мулойимлик билан тоқат қиларди.

– Ҳой, Вольф, асалим, – деди графиня, – ахир бобогинангни бунча қийнайсан! Уни тамоман ҳолдан тойдирасан-ку.

– Ҳечқиси йўқ, – жавоб берди Вольф, – бобом икковимиз ҳадемай ухлашга ётамиз, бобом яхшилаб дам олгач, чарчоқлари ёзилиб кетади.

– Кўряпсизми, – деди Гёте, -- муҳаббат маълум маънода сурбетлик ҳам.

Кампе² ва унинг болаларга аталган китоблари хусусида сўз очилди.

– Мен Кампе билан ҳаётим давомида бор-йўғи икки марта учрашдим. Ўшанда у ниҳоятда кексайган, озғин, сушт ва бемажол кўринган эди. У бутун умри давомида фақат болалар учун ёзди, мен бўлсам болалар учун, лоақал йигирма ёшлар атрофидаги болалар учун ҳам ҳеч нарса ёзмадим. У мени ёмон кўрарди. Мен унинг кўзига тушган чўп, халақит берадиган тўсиқ эдим, у иложи борича мендан ўзини олиб қочарди. Аммо бир куни ҳеч қутилмаганда тақдир бизнинг

¹ Гётешуносларнинг фикрича, бу ерда Каролина эмас, Юлия бўлиши керак, чунки Гётенинг сирдош дўсти Юлия бўлган.

² Кампе Йоахим Хайнрих (1746 – 1818) педагог ва ёзувчи. Гёте эпиграмма ва афоризмларида уни кўп тилга олган, у билан 1777 йилда Дессада танишган, 1810 йилда Карлсбадда қайта учрашган.

йўлимизни туташтирди ва унинг менга бир-икки оғиз сўз қотишдан ўзга иложи қолмади. «Мен, — деди у, — Сиздаги қобилият ва ақлни ниҳоятда ҳурмат қиламан! Кўп соҳаларда Сиз ҳайратланарли чўққиларни эгалладингиз. Лекин, биласизми, бу соҳалар мени мутлақо қизиқтирмайди, бошқаларга ўхшаб бунга ҳеч қандай аҳамият бермайман».

Бу бир қадар ноқулай очиккўнгилликдан мен сира хафа бўлмадим ва унга бир қанча мактов сўзлар айтдим. Ростини айтсам, мен Кампени ниҳоятда ҳурмат қиламан. У болалар учун улуғ хизматлар қилди, улар учун ҳайрат рамзи, болалар забури бўлиб қолди. Лекин у нафақат ёзишга, балки болаларга аталган тўпламга киритишга ҳам журъат қилган икки-учта даҳшатли воқеа туфайли мен уни қоралайман. Нега энди болаларнинг жўшқин, топ-тоза, беғуноҳ хаёлот оламини бундай даҳшатлар билан қийнаш керак!

1830 йилнинг 5 апрели, душанба

Маълумки, Гёте кўзойнакни ёмон кўради.

— Эҳтимол, бу бемаъниликдир, — дерди у кўпинча, — лекин бу феълимни тузатолмайман. Бирорта бегона одам бурнининг устида кўзойнак билан кириб келса, бирданига таъбим тирриқ бўлади, бошқача бўлиш қўлимдан келмайди. Кўзойнак шу даражада гашимга тегадики, ўша одам остонадан ҳатлаб улгурмай кайфиятим бузилади ва фикрларим чалкашиб, ўз ички дунёимга ўзим хўжайин бўлолмай қоламан. Кўзойнак менга ҳурматсизлик белгисидай, кириб келган одам гўё менга қўполлик қиладигандек туюлаверади. Бир неча йил бурун кўзойнак менда қандай ёқимсиз туйғу уйғотишини матбуотда эълон қилганимдан сўнг бу туйғу янада кучайди. Кўзойнак таққан бирор бегона одам кириб келдими бўлди, миямда шу фикр айланаверади: у сенинг энг сўнгги шеърларингни ўқимаган — бу энди унинг ўзига зарар, ёки у уларни ўқиган, у сенинг одатингни билади, бироқ бунга эътибор қилмайди, бу энди янада ёмонроқ. Кўзойнаги гашимни келтирмайдиган ягона одам бу — Цельтер, бошқа ҳамманики ақлдан оздираёзади. Менга шундай туюладики, гўё бегона одам учун мен кузатиш объектига айлангандек, гўё у қуролланган нигоҳи билан ичимдаги энг яширин пучмоқларгача кириб бораётгандек, юзимдаги кексалик ташлаган ҳар бир ажинни ўрганаётгандек туюлади. Менга шу тахлит тикиларкан, ўртамиздаги ҳар қандай тенгликка чек қўяди ва менинг ҳам унга худди шундай жавоб қайтаришимга ҳалақит беради. Ахир, ўзингиз айтинг,

мен билан мулоқотда бўлаётган одамнинг кўзини кўролмасам, унинг қалб кўзгуси менинг кўзларимни камаштираётган бир жуфт шиша орқали тўсилган бўлса, у билан қандай муомала қилай!

— Кимдандир эшитган эдим, — дедим мен, — гўё кўзойнак тақиб юриш одамни салобатли кўрсатармиш, уни табиат ато қилган имкониятлардан анча-мунча юқори турадиган ҳиссий етуклик поғонасига олиб чиқармишки, охир-оқибат одам адашиш қурбонига айланиб, унда, менинг юксакликка кўтарилишим асли туғма, деган фикр пайдо бўлармиш.

— Бу жуда диққатга сазовор фикр, — жавоб берди Гёте, — афтидан бу табиатшуноздан чиққан бўлса керак. Бироқ чуқур ўйлаб қарасанг, унчалик асосли эмас. Агар ростдан ҳам шундай бўлганида эди, ҳамма кўзи ожизлар камсукумгина, яхши кўрадиганлар такаббур бўлишарди. Аслида эса, аксинча, табиатан руҳан ва жисмонан кучлилар, одатда камтар, маънан тубанлар эса, ғоятда манмансираган. Гўё меҳрибон табиат кимни олий даражадаги хислатлардан бенасиб қилган бўлса, бу кемтикни тўлдириш учун унга манмансираш ва димоғдорликни ато этган.

Умуман, камтарлик ва манмансираш соф руҳий хусусиятга эга бўлган маънавий-ахлоқий тушунча бўлиб, унинг жисмга ҳеч бир алоқаси йўқ. Димоғдорлик тушунчаси чегараланган ва руҳан қашшоқ одамларда учрайди. Руҳияти тоза ва юксак иқтидорли кишиларда эса, ўз қудратига бўлган ишонч ҳамда қувончли туйғуни кўрамиз. Мана шу қудрат чинакам мавжуд бўлганлиги боис бу туйғуни димоғдорлик деб бўлмайди.

Тағин кўп нарсалар ҳақида, ниҳоят Ваймарда, фон Гёте хоним раҳбарлигида чиқадиган «Хаос» журнали хусусида сўзлашдик, унда нафақат шу ерлик хонимлар ва жаноблар, балки Ваймарда яшаётган инглиз, француз ва бошқа чет элликлар ҳам фаол иштирок этишарди, унинг ҳар бир сони деярли барча Европа тилларининг қоришмасидан иборат бўларди.

— Бу менинг қизим томонидан амалга оширилган мақтовга сазовор иш, — деди Гёте, — бунинг учун у ҳар қандай мақтовга лойиқ, негаки у чин маънодаги оригинал журнални ташкил қилди, мана бир йилдирки, кўплаб ваймарликлар унга катта қизиқиш билан қарашмоқда. Тўғри, бу шундай хаваскорларча ҳаракат, аниқ биладан, бирор-бир бардавом, муҳим натижа чиқмайди, бироқ ҳар ҳолда бу диққатга сазовор, шу ердаги ваймарлик юртдошларимизнинг руҳий-маънавий даражасини кўрсатадиган кўзгу. Муҳими, ўзларини қаёққа қўйишни билмай юрган ёш жаноблар ва хонимлар учун яхши

эрмак. Бундан ташқари, журнал уларга суҳбат ва мунозаралар учун мавзулар беради, шу тариқа уларни кераксиз олдиқочди гаплардан озод қилади. Мен ҳар бир сонини янги босмадан чиққанданок ўқийман. Дадил айтишим мумкин, ҳозиргача бирорта ёқимсиз нарсани учратмадим, аксинча, унда кўплаб дилтортар нарсалар босилади. Масалан, Бехтолсхайм хонимнинг Улуғ она-ҳерцогиня вафотига бағишланган элегиясига нима деб эътироз билдириш мумкин? Ахир бу гўзал шеър эмасми? Мана шу элегияга ҳамда ёш жаноб ва хонимларнинг чиқишларига қарши айтиш мумкин бўлган ягона гап шуки, улар баайни бефойда шохчаларни ўстирадиган серсув дарахтларга ўхшаб ортиқча ҳиссиётлар ва фикрларни изҳор қилишадик, улар ўзларини бошқариш ва керак бўлган жойда чек қўйиш қудратига эга эмаслар. Шу ҳолат Бехтолсхайм хонимда ҳам юз кўрсатган. Битта қофияни сақлайман, деб ортиқча бир мисрани қўшган, шу билан бутун шеърга зиён келтирган. Мен бу камчиликни қўлзмада кўрган эдим. Аммо ўз вақтида уни бартараф қилолмадим. Ўчириб ташлашни билиш учун одам катта тажрибага эга бўлиши лозим, қўшиб қўйди у кулиб, шу маънода Шиллерга тенг келадигани йўқ эди. «Шеърят альманахи»нинг навбатдаги сонини нашрга тайёрлаётганда йигирма икки мисрадан иборат бир шеърни етти мисрага туширганига гувоҳ бўлганман, бундай фойдали таҳрирдан кейин шеър нафақат зарар кўрмай қолди, балки ўша йигирма икки сатрдаги энг яхши, энг керакли фикрлар ана шу етти сатрда ўз аксини топди.

*1830 йилнинг 19 апрели, душанба**

Гёте менга бугун уникага иккита рус кишиси келганини айтди.

— Умуман олганда, улар келишган кишилар эди, — деди у, — бироқ биттаси унчалик хушмуомала эмас экан, бутун ташриф давомида оғзидан бирон оғиз сўз чиқмади. Индамай таъзим қилиб кириб келди, бирон марта оғзини очмай, ярим соатча ўтиргач, шундай таъзим қилганча чиқиб кетди. Афтидан мени ўз кўзлари билан кўриш учун келган кўринади. Унинг рўпарасида ўтиргандим, у мендан кўзларини узмади. Бу вашимга тегди-да, миямга келган бўлар-бўлмас фикрларни тинмай гапиравердим. Менимча, Шимолий Америка Қўшма Штатлари мавзусини танладим, агар ёдимдан чиқмаган бўлса, уни енгил-елпи талқин қила бошладим, жим турмаслик учун ўзим билган-билмаган нарсаларни тинмай тўкиб солавердим.

Хар ҳолда гапларим иккала меҳмонларимга маъқул бўлди шекилли, улар чиқиб кетаётганларида мамнун кўринишди.

*1830 йилнинг 22 апрели, пайшанба**

Гётеникида тушлик қилдик, фон Гёте хоним ҳам бор эди, у суҳбатга жон киргизиб ўтирди, бироқ бундан ёдимда ҳеч нарса қолмаган.

Тушлик маҳали йўлакай тўхтаган бир чет эллик одам келганлигини хабар қилишди, у бу ерда узоқ қололмас, эртага эрталаб жўнаб кетаркан. Гёте унга, афсуски, бугун ҳеч кимни қабул қилолмаслигини, эртага тушдан кейин қабул қилиши мумкинлигини айтишларини сўради.

— Ўйлайманки, — кўшиб кўйди у жилмайиб, — шу жавоб етарли бўлади.

Шу заҳоти у қизига, сен тавсия қилган ёш Ҳеннингни лоақал кўй кўзлари онамникига ўхшагани учунгина тушликдан сўнг қабул қиламан, дея ваъда берди.

*1830 йилнинг 12 майи, чоршанба**

Гётенинг дераза тоқчасида Микеланжело ясаган машҳур «Мусо» ҳайкалининг кичкина бронза нусхаси турарди. Ҳайкалчанинг қўллари гавдасига нисбатан узун ва семиз эди, буни Гётега айтдим.

— Ўнта ақида битилган иккита офир лавҳани кўринг! — хитоб қилди у куйиниб, — уларни кўтариб юриш Сизнингча осонми? Тўғри, шуни ҳам унутмангки, Мусо яҳудийларнинг бутун бир армиясига етакчилик қилиши ва уларни тизгинда тутиши зарур эди, қандай қилиб у оддий қўл билан бу ишни бажарган бўларди?

Шу сўзларни айтаркан, Гёте кулди, мен ростдан ҳам ноҳақ эдимми ёки улур рассомни ҳимоя қилиш мақсадида ҳазиллашдимми, тушунолмадим.

*1830 йилнинг 2 августи, душанба**

Июль инқилоби бошланганлиги ҳақидаги хабарлар бугун Ваймарга етиб келди ва барчани хаяжонга солди. Тушдан кейин Гётеникига бордим.

— Хўш, — хитоб қилди у мени кўриб, — бу улкан ҳодиса ҳақида нима дейсиз? Вулқон ҳаракатга келди, ҳаммаёк аланга қўйнида, бу энди Сизга ёпиқ эшиклар ортидаги кенгаш эмас!

— Даҳшатли воқеа, — жавоб қайтардим мен. — Аммо мавжуд вазият ва бунақа таркибдаги вазирлар билан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, бу ҳозирги қирол оиласини сургун қилиш билан тугаса керак.

— Биз бир-биримизни тушунмадик, шекилли, — жавоб берди Гёте. — Мен умуман бу одамлар ҳақида гапирмаяпман, мен тамоман бошқа фикрдаман. Мен академияда кўтарилган аланга, яъни Кювье билан Жеффруа де Сент-Илер¹ ўртасидаги баҳсни кўзда тутаяпман!²

Гётенинг гапларидан шу даражада довдираб қолдимки, ҳатто нима дейишни билмай, бир неча дақиқа фикрлашдан ҳам тўхтаб қолдим.

Бу иш ниҳоятда муҳим, — сўзида давом этди Гёте. — Ўн тўққизинчи июлдаги йиғилиш ҳақида эшитиб, қандай ҳолатга тушганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Энди биз Жеффруа де Сент-Илер қиёфасида узоқ муддатли иттифоқдошга эгамиз. Француз олимлари бу ходисага қандай қизиқиш билан қараётганларини ҳам кўриб турибман, ахир даҳшатли сиёсий қўзғолонга қарамасдан ўн тўққизинчи июлдаги йиғилишда заллиқ тўла эди-да. Энг яхши томони шуки, Жеффруа томонидан Францияда йўлга қўйилган табиатни умумлашма йўл билан тадқиқ этиш методи энди ортиқ муҳокама қилинмайди. Академиядаги, тагин шундай кўпчилик ҳузуридаги очик муҳокамадан сўнг, бу масала ҳаммага маълум бўлди, энди уни яширин комиссиялар қўлига топшириб, ёпиқ эшиклар ортида эзғилашга ҳожат йўқ. Бундан буён Францияда ҳам табиатни тадқиқ қилишда онг етакчилик қилиб, материяни ўзига бўйсундиради. Французларга ижоднинг улкан эшиклари очилади, улар Яратгanning сирли ижодхонасига назар соладилар! Агар биз таҳлилий (аналитик) йўл билан бориб, бор-йўғи алоҳида, моддий қисмлар билан иш олиб борсак, ана шу ҳар бир қисмга йўл кўрсатиб, уни шу йўлдан четга чиқармай, ички бир қонун асосида қўллаб, руҳлантириб турган кучнинг нафасини сезмасак, унда табиат билан алоқанинг аслида қандай маъноси қолади!

Мана, эллик йилдирки, мен мана шу муаммо устида бош қотираман, дастлаб ёлғиз ўзим, кейин қўллаб-қувватлайди-

¹ *Жеффруа де Сент Илер (1772–1841)* – француз зоологи.

² Гўё Гётени Франциядаги июль инқилоби кизиқтирмаётгандек бўлса-да, гётешуносларнинг гувоҳлик беришларича, унинг кундаликларидаги битиклар, гувоҳ бўлган одамларнинг фикрларига кўра Гёте Франциядаги воқеалар ҳақидаги газета хабарлари, варақаларни ўқиган, сиёсий карикатураларга қизиққан.

ганлар бўлди, ниҳоят менинг бахтимга, менга ҳамфикр инсонлар топилиб, мандан-да ўзиб кетишди. Мен жаф ораси суяги хақида¹ги янги мулоҳазаларимни Петер Кампер²га юборганимда, минг афсуслар бўлсинки, у мени бутунлай рад қилди. Блуменбах ҳам мени қўллаб-қувватламади, ҳар қалай кейинроқ шахсан мулоқотда бўлган пайтимизда у мен тарафга ўтди. Кўп ўтмай Земмеринг³, Окен⁴, д'Алтон, Карус сингари машҳур инсонлар менга тарафдор бўлишди. Мана энди Жеффруа де Сент-Илер ва у билан бирга Франциядаги унинг машҳур шогирдлари ва тарафдорлари ҳеч иккиланмай бизнинг сафимизга қўшилишди. Бу воқеа мен учун хаддан ташқари аҳамиятли, зафар мен бутун умримни бағишлаган ва том маънода ўзимники бўлган иш тарафда эканлигидан тантана қилмоқдаман.

*1830 йилнинг 21 августи, шанба**

Мен Гётега умидли бир йигитни⁵ тавсия қилдим, аммо унга у қадар ишонч билдирмади.

— Ким менчалик бир умр ёш талантларга ҳомийлик қилиш учун, — деди у, — қимматли вақтини ва маблағини сарфлайди. Улар дастлаб катта умидлар уйғотади-да, лекин охирида ҳеч бир натижа чиқмайди, шундан сўнг кишида уларга ёрдам кўрсатишга иштиёқ ҳам аста-секин сўнаверади. Ана энди Сизга ёшларга ҳомийлик ролини ўйнаш, мени эса бундан озод қилиш қолди.

Гётенинг бу гапларидан сўнг мен ёшларнинг алдоқчи ваъдаларини икки бора гуллаб ҳам ҳосил бермайдиган дарахтларга қиёсладим.

¹ Жаф ораси суяги хақидаги таълимот 1784 йилда кашф қилинган, 1820 йилда «Морфология» журналида босилган. Бу суяк юқори жаф устида жойлашган бўлиб, бош суягининг олд қисмини ташкил этади. У хайвонлар ва балиқларда аниқ кўринади, одамда билинмайди. Гёте шу масала устида махсус шуғулланиб, бу суяк барча умуртқали жонзотларда бўлганлигини, одамларда вақт ўтиши билан йўқолиб кетганлигини исбот қилган.

² *Петер Кампер (1722–1789)* ҳолландиялик анатом, фақат ўз кузатувлари ва умумлашма хулосаларигагина таянган олим.

³ *Земмеринг Самуи Томас, фон (1755–1830)* анатом ва физиолог.

⁴ *Лоренц Окен (1779–1851)* табиатшунос ва натурфайласуф, 1827 йилгача Йена университети профессори. Сиёсий сабабларга кўра у билан дўстликлари барҳам топганидан Гёте афсусланган, Гёте метаморфозага иловасида унинг табиатшунос сифатидаги хизматларига юқори баҳо берган.

⁵ *Умидли ёш йигит* — Эрнст Мориц Людвиг Эттмюллер кўзда тутилган. У филолог, 1830 йилда Йенада докторлик диссертациясини химоя қилган.

1830 йилнинг 13 октябри, чоршанба*

Гёте менга лотин ва олмон тилида кўплаб ўсимликларнинг номларини ёд олиш учун қайд этган жадвални кўрсатди. У яна айтдики, қачонлардир унда бир хона бўлиб, унинг деворларига мана шундай жадваллар худди гулқоғоздай ёпиштириб ташланган экан-у, у девор бўйлаб юриб, уларни ўрганар ва ёд олар экан.

— Афсуски, — дея кўшимча қилди у, — кейинчалик уларни устидан охақлаб юборишди. Яна битта деворий жадвалим бўларди. Унга узоқ йиллар давомида тадрижий тартибда ишларим ҳақида белгилар кўйиб, ҳар бир янгиликни шу рўйхатга кўшиб борардим. Бу хонани ҳам оқлатиб юборганман, ҳозир ўша нарсалар менга қанчалик асқотган бўларди, дея афсусланаман.

1830 йилнинг 20 октябри, чоршанба*

Улуф ҳерцогиня топшириғи бўйича Гёте ҳузурида бир соатча бўлиб, кумуш герб лойихасини муҳокама қилдик, уни шахзода бу ердаги ўзи аъзо бўлган арбалетчилар¹ жамиятига тортиқ қилмоқчи эди.

Кейин гурунгимиз бутунлай бошқа мавзулар устида борди ва Гёте мендан сенсимончилар² ҳақидаги фикримни сўради.

— Улар таълимотининг асосий мағзи шундаки, — жавоб бердим мен, — ҳар бир киши умум бахти учун, бу худди ўз шахсий бахтининг асоси янглиғ меҳнат қилиши керак.

— Менинг фикримча, — жавоб берди Гёте, — ҳар бир киши ишни ўзидан бошлаши, аввало ўз бахтини яратиши керак, бу эса, шубҳасиз, умум бахтини вужудга келтиради. Умуман, бу таълимот менга мутлақо асоссиз ва ҳаётий аҳамияти йўқ бўлиб туюлади. У табиатга, ҳар қандай тажрибага, минг йиллар давомидаги ҳаёт жараёнига зид. Агар ҳар бир киши бевосита ўз фаолият доирасида ҳалол ва қунт билан меҳнат қилиб, ўз бурчини адо этса, умумнинг фаровонлиги таъминланади. Мен ёзувчи сифатида ҳеч қачон ўз-ўзимга, мендан халқ оммаси нима хоҳлайди, умум манфаати учун мен қандай фойдали иш қиляпман, деган саволни бермаганман,

¹ *Арбалетчилар* — Фарбий Европада ўрта асрларда камонга ўхшаш ўк отиш қуролини ишлатадиган одамлар, кўндоқли камончилар.

² *Сенсимончилар* — утопик социализм мактабига асос солган граф Клауде Хенри Сен-Симон (1760—1825) тарафдорлари.

балки ўз-ўзимни такомиллаштиришга, ёзганларимнинг мазмундорлигини оширишга, ўзим яхши ва ҳаққоний деб ҳисоблаган нарсаларнигина ёзишга ва айтишга ҳаракат қилганман. Инкор қилмайман, бу етарлича катта доирада ўз таъсирини ва афзаллигини намойиш қилди, лекин бу мақсад эмас, балки табиий кучлар меҳнатининг зарурий натижаси эди. Бордию мен ёзувчи сифатида кенг халқ оммасининг орзуларини ўзимга мақсад қилиб олиб, шуларни рўёбга чиқаришга интилганимда эди, марҳум Коцебуга ўхшаб халққа бўлар-бўлмас воқеаларни айтиб бериб, устидан кулган бўлардим.

— Бунга ҳеч бир эътирозим йўқ, — жавоб бердим мен, — ахир одам нафақат якка шахс сифатида, балки фуқаро, бутун бир жамиятнинг аъзоси сифатида лаззатланадиган бахт ҳам бор-ку. Агар халқ учун кўзда тутилган бахтга етишиш асл мақсад даражасига кўтарилмас экан, унда қонунчилик қайси асосга таянади?

— Мана Сиз гапни қаёққа бурдингиз, — жавоб берди Гёте, — энди мен бунга ҳеч бир эътироз билдиролмайман. Бу ҳолда Сизнинг қарашингизни бор-йўғи санокли имтиёзли кишиларгина амалда қўллай оладилар. Бу ҳукмдорлар ва қонун чиқарувчилар учун кўрсатма бўлиши мумкин, менинг назаримда, қонунлар халқ оммасини зўр бериб бахтли қилишга урингандан кўра кўнгилсиз ишларни камайтириш йўлини қидириши жоиз.

— Аслида иккаласи ҳам бир нарса, — эътироз билдирдим мен. — Айтайлик, ёмон йўллар менга катта мушкуллик бўлиб туюлади. Агар ҳукмдор ўз тасарруфидаги давлатнинг ҳамма ерида, ҳатто энг овлоқ қишлоқларгача йўлларни яхшиласа эди, ўшанда нафақат камчилик бартараф этилган, балки халқ бахтли бўлган бўларди. Бундан ташқари, суд ишларининг сустлиги бизнинг катта бахтсизлигимиз. Агар ҳокимият судда очик сўзлашни жорий қилиб, шу йўл билан тез ва адолатли суд қилишга имкон берса эди, бу нафақат катта мушкулликларни бартараф қилади, балки унга улкан бахт ато қилади.

— Мана шу оҳангда, — гапимни бўлди Гёте, — мен Сизга бошқа қўшиқларни ҳам хиргойи қилган бўлардим. Бирок инсоният бундан кейин ҳам ўз кучларини такомиллаштириши учун айрим мушкулликларни бартараф қилмаслик лозим. Менинг фикрим ҳозирча мана бундай: ота ўз хонадони учун, ҳунарманд ўз мижозлари учун, руҳоний яқинларга меҳр-муҳаббат учун фамхўрлик қилишсин, полициячи одамларнинг тинчини бузмасин!

1831 йилнинг 4 январи, сешанба*

Гёте билан бирга женевалик дўстим Тёпфер¹ чизган расмлар тўпламларини варақладик. У ҳам ёзувчи, ҳам рассом сифатида ўта истеъдодли, бироқ у ўз руҳиятида кечган ҳистуйғуларни ўткинчи сўзлардан кўра кўрса бўладиган тимсолларда муҳрлашни афзал кўради. Қаламда чизилган енгил расмлар — «Доктор Фестуснинг саргузаштлари»ни акс эттирган тўплам кишида чиндан ҳам комик роман тасаввурини уйғотарди, айниқса, у Гётега жуда ёқди.

— Ҳақиқатан ҳам зўр! — хитоб қиларди у гоҳо варақдан вараққа ўтаркан, — буларнинг ҳаммасида истеъдод ва заковат уфуриб турипти! Айрим саҳифаларга-ку гап йўқ! Бундан буён у енгилтак сюжетларга камроқ мурожаат қилса, ўзига бунчалик эркинлик бермаса, у ҳеч ким олдига тушолмайдиган асарлар яратган бўларди.

— Уни Раблега қиёслашади, — дедим мен, — уни Раблега тақлид қилишда, ундан ғоялар ўзлаштиришда ҳам айблаганга уринишади.

— Одамлар нима хоҳлашларини ўзлари ҳам билишмайди, — жавоб берди Гёте, — мен мутлақо бунақа нарсани сезмаяпман. Менинг назаримда Тёпфер ўз оёғида маҳкам турипти, бундай ўзига хос истеъдодни мен ҳам учратмаганман.

1831 йилнинг 17 январи, душанба*

Гёте билан Кудрэни меъморий чизмаларни кузатаётган ҳолда учратдим. Менда Карл Х² нинг тасвири туширилган 1830 йилга тегишли беш франклик танга бор эди, уни уларга кўрсатдим. Гёте қиррали бошни кўриб кулди.

— Афтидан унинг тақводорлик ғуддаси ўта тараққий этган кўринади, — деди Гёте, — у ўз мажбуриятларини бажаришни ҳам ортиқча деб ҳисоблаган, аксинча, у бизни доҳиёна қилиқлари билан ўз тўрига шунчалик ўраб олдики, энди Европа бу яқин орада тинчимаса керак.

Сўнгра, Гётенинг фикрича, Стендалнинг энг яхши асари ҳисобланган «Қизил ва қора» романи устида сўз борди.

— Тўғри, — қўшимча қилди у, — ундаги айрим аёллар тимсоллари ўта романтик эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Буларнинг бари муаллифнинг кузатувчанлиги ва аёллар

¹ Тёпфер Рудольф (1799–1846) — швейцариялик рассом ва новеллист, расмларда акс эттирилган олти кичик романи бор.

² Карл Х Филипп (1757–1836) — француз императори.

руҳиятига кириб бора олиш қобилиятидан дарак беради, шундай бўлгач, деталлардаги айрим ҳақиқатга зид ҳолатлар учун муаллифни кечирамиз.

*1831 йилнинг 23 январи, якшанба**

Шаҳзода билан Гётеникига бордик. Унинг набиралари кўзбойлогичлик ўйинлари билан машғул эди, айниқса, Вальтер бунга уста эди.

— Болалар бўш пайтларида шундай ўйинлар ўйнашларига қарши эмасман, — деди Гёте, — агар бир неча томошабин бўлса янаям яхши, бундай ўйинлар нутқ эркинлигини ўстиради, жисмоний ва руҳий ҳаракатчанликни таъминлайди, биз, немисларда, айти шу жиҳат етишмайди. Бундай ўйинлар келтириб чиқарадиган беҳаловатликнинг зарарини ҳам фойдаси босиб кетади.

— Томошабинларнинг ўзлари ҳам бундай ҳис-ҳаяжонларни босиб қўйиш пайдан бўлишади, — дедим мен, — ёш актёрлар бирор нарсани кўнгилдагидек бажара олишмаса, ичиқоралик қилиб, уларнинг устларидан кулишади, актёрларнинг жиғига янада кўпроқ тегиш учун масҳара қилишади.

— Булар ҳам худди ҳақиқий актёрларга ўхшашади, — жавоб берди Гёте, — бугун жўшиб таклиф қилишади-да, эртасига ҳуштакбозлик билан ҳайдашади, шу билан ҳаммаси ўз изига тушиб кетади.

*1831 йилнинг 10 март, пайшанба**

Бугун кундузи ярим соатча Гётеникида бўлдим. Унга Улуғ ҳерцогинянинг умидли ёш талантларни тақдирлаш мақсадида театр дирекциясига минг талер ҳадя қилиш ҳақидаги қарорини етказишим керак эди. Театрнинг келажакдан тинимсиз безовта бўладиган Гётени бу хабар беҳад хурсанд қилди.

Шундан сўнг яна бир топширикни муҳокама қилишим зарур эди, яъни Улуғ ҳерцогиня на бирор лавозими, на молмулки бўлмаган, фақат адабий таланти орқасидан келадиган даромад эвазигагина кун кўрадиган энг яхши немис ёзувчиларини Ваймарга чақиришга ҳамда баракали ижод қилишлари учун бир бурда нон топиш умидида наридан-бери асарлар ёзиб, ўз истеъдодлари ва адабиётга зарар келтирмасликлари учун уларга яхши, қулай шароит яратиб беришга қарор қилган эди.

— Ҳазрати олияларининг режаси, — деди Гёте, — чинакам шоҳона режа, мен унинг оқиллиги олдида бош эгаман. Аммо бундай шароитда бирор қарорга келиш осон эмас.

Ҳозирги пайтда энг таланти ёзувчиларимиз ё давлат хизматида ёки нафақа билан таъминланган, ё бўлмаса ўз даромад манбаига эга. Бундан ташқари, ҳамма ҳам иссиқ жойини ташлаб, бу ерга кўчиб келишга рози бўлавермайди. Мен бу хайрли ниятни ёдимда тутаман ва кейинги йилларда бирор имконият туғилиб қолар, деб ўйлайман.

*1831 йилнинг 31 мартини, пайшанба**

Кейинги пайтда Гётенинг яна анчагина тоби бўлмади, шунинг учун у энг яқин дўстларинигина ёнига қўярди. Бир неча ой бурун қон олдирган эди, ўшанинг асорати боис ўнг оёғида оғриқ қўзғалди, охири ундаги ички сирковланиш очик яра тарзида ташқарига чиқди ва шу билан аҳволи яхшиланди. Мана бир неча кундирки, яраси тузалди ва Гёте яна аввалгидек қувноқ ва ҳаракатчан.

Бугун Гёте ҳузурига Улуғ ҳерцогиня ташриф буюрди ва ғоятда мамнун ҳолда кетди. У Гётенинг саломатлигини сўради, Гёте ўта назокат билан, бугунгача соғаяётганимни сезмаган эдим, мана энди Ҳазрати олияларининг ҳозирлиги туфайли чинакам соғайганимни қувонч билан ҳис этяпман, дея жавоб қайтарди.

*1831 йилнинг 14 апрели, пайшанба**

Кечқурун Шахзода ҳузурида ҳозир бўлганлардан бири, Гётенинг Ваймарга келган дастлабки йилларга ҳам гувоҳ бўлган бир жаноб, бизга мана бу ғоятда қизиқ воқеани айтиб берди.

— Гёте 1784 йилда Илменау қонларининг тантанали очилишида¹ сўзлаган машҳур нутқини тинглашга мушарраф бўлганман, у бу йиринга Ваймар ва унинг теварак атрофидан жуда кўп амалдорлар ва кўплаб бошқа қизиқувчиларни таклиф қилган эди. У нутқини ёддан биларди шекилли, бир муддат тутилмасдан, равон сўзлади. Дабдурустдан гўё уни меҳрибон руҳ тарк этгандек, фикрлар риштаси узилгандек айтадиган гапларини тамоман унутиб қўйди. Бошқа ҳар қандай одам ўзини бутунлай йўқотиб қўйган бўларди, фақат Гёте эмас. Бир неча дақиқа давомида у беҳисоб тингловчиларига индамай тикилиб турди. Улар унинг қудратли шахсиятидан

¹ Ваймар яқинидаги Илменау қонлари кўп йиллар ташландиқ бўлиб ётган, Гётенинг саъй-ҳаракатлари билан қайта тикланиб, чор-ночор ҳаёт кечириётган маҳаллий аҳолига иш ўринлари яратилган эди.

сеҳрланиб, хийла узун, шу билан бирга кулгили пауза давомида қимир этмай ўтиришди. Ниҳоят у яна эс-ҳушини йиғиб олди, шекилли, нутқини давом эттирди ва ҳеч бир тугтилмасдан, гўё ҳеч нарса юз бермагандек, уни ниҳоясига етказди.

1831 йилнинг 20 юни, душанба

Бугун кундузи ярим соатча Гёте ҳузурида бўлдим, у тушлик қилаётган экан.

Табиатшунослик борасида гурунглашдик, кўпроқ тилнинг камбағаллиги, мукамал эмаслиги, натижада хатоликлар ва нотўғри қарашлар кўпайиб кетиб, кейин уларни бартараф қилиш қийин бўлиши устида тўхталдик.

— Бу жуда оддий, — деди Гёте. — Ҳамма тиллар одамларнинг энг зарурий эҳтиёжлари, машғулотлари ва умуминсоний ҳис-туйғулар ва қарашлардан келиб чиққан. Агар бирорта заковатлироқ одам табиатнинг ўзаро алоқада ҳаракатланаётган сирли кучлари ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлишга эришса, одамларнинг кундалик турмушидан беҳад узоқ бўлган бундай тушунчани ифодалаш учун унинг ўз тили камлик қилиб қолади. Бу ҳолатда ўзи кашф қилган фаройиб ҳодисаларни баён қилиш учун унга фақат руҳлар тили кўмакка келиши мумкин. Ҳамонки бундай тил мавжуд эмас экан, у истаса-истамаса, табиатдаги ноодатий ҳодисалар ҳақидаги қарашларини оддий ифодалашга мажбур бўлади ва ҳар гал зарур сўзни тополмаганидан ёзганларининг қиммати тушиб ёки маъносига путур етади, гоҳида умуман йўққа чиқади.

— Ҳамиша ўз тадқиқотларингиз ичига чуқур кириб борувчи, ҳар турли ғализ жумлалар душмани, улўф кашфиётларингиз ифодаси учун энг керакли ибораларни топа оладиган Сиздек одам шу сўзларни айтаётган бўлсангиз, унда иш анча жиддий, — дедим мен. — Мен бўлсам, биз, немисларнинг аҳволимиз ҳар ҳолда дуруст, деб ўйлабман. Ахир бизнинг тилимиз шу қадар бой, силлиқ ва бундан кейин ҳам тараққий этишга мослашганки, агар биз тропларга мурожаат қилишга мажбур бўлган човимизда ҳам айтмоқчи бўлган фикримизга ҳар қалай яқинлашамиз. Бу жиҳатдан французлар биздан кўра анча орқада қолишган. Агар улар табиатдаги улкан ҳодисаларга тегишли кузатувларини ифода этмоқчи бўлишса, техникадан ўзлаштирилган тропларга мурожаат қилишади-да, ўша ҳодисаларни кўпол моддий нарсаларга айлантириб қўйишади, шу билан улкан тасаввурлардан ном-нишон қолмайди.

— Сиз тамоман ҳақсиз, — деди Гёте, — яқинда Кювье билан Жеффруа де Сент-Илер ўртасида бўлиб ўтган баҳсда мен бунга амин бўлганман. Жеффруа де Сент-Илер ҳақиқатан ҳам табиатнинг ички ҳаракатлантирувчи ва яратувчи кучлари ҳақида катта билимга эга, бироқ у француз тилидаги илгаридан ўрнашиб қолган ибораларни қўллашга мажбур бўлганлигидан иши юришмаяпти. Яъни, нафақат англаб етиш қийин бўлган руҳий ишларда, балки кўз билан кўриб бўладиган оддий ҳодисаларда ҳам шу ҳолат ҳукмрон. Масалан, органик жонзотнинг бирор қисмини ифода этиш учун у «материал»дан бошқа сўзни тополмайди, чунончи органик яхлитликни ташкил этувчи суяклар, айтайлик, қўл, қурилиш материали сифатида ишлатиладиган тош, тахта, тўсин сингари тушунчалар қаторига ўтиб қолади.

Бундан ташқари, французлар табиат жисмлари ҳақида сўз кетганда, «композиция» сўзини ноўрин қўллашади. Тўғри, алоҳида-алоҳида тайёрланган қисмлардан машинани йиғганда «композиция» тўғри келади, бироқ органик бир бутунликнинг битта қалб билан бирлашган тирик қисмлари ҳақида гап кетганда «композиция»ни қўллаб бўлмайди.

— Менинг назаримда, — дедим мен, — ҳатто «композиция» тушунчаси ҳақиқий поэзия ва санъат асарларига нисбатан ҳам мос эмасдек, уларни камситадигандек туюлади.

— Бу ўта ярамас сўз, — жавоб берди Гёте, — бу сўз учун французлар олдида бурчлимиз ва иложи борича тезроқ ундан халос бўлиш йўлини қидиришимиз лозим. Қандай қилиб Моцарт «Дон-Жуан»ни скомпоновка қилди, дейиш мумкин! Композиция! Гўё бу тухум, ун ва шакардан таркиб топган бир бўлак бисквит ёки печеньедек! Руҳий ижод маҳсули эса, деталлар бир бутунлик билан худди бирга қуйилгандек бирлашиб, бир хил ҳаёт нафаси сингган бўлади. Уни яратган одам ўзича ҳеч қандай тажрибалар ўтказмайди, бўлакларга бўлиб, ёпиштириб ўтирмайди, балки ўз даҳосининг илоҳий қудратига бўйсуниб, ўша нимани буюрса, шуни бажаради.

*1831 йилнинг 27 юни, чоршанба**

Виктор Гюго ҳақида сўзлашдик.

— У бетакрор истеъдод соҳиби, — деди Гёте, — бироқ ўз даврининг манфур романтик оқими тўрига ўралиб қолиб, шунинг таъсирида гўзал нарсаларни тасвирлаш билан бир қаторда хунук, бадбин ҳодисаларни ҳам қаламга олишга

мажбур бўлган. Шу кунларда мен унинг «Notr-Dame de Paris»¹ини ўқиб чикдим ва ўқиш давомида чеккан азобларимни кўяверинг. У дунёда яратилган асарларнинг энг тубани! Ҳатто ўқувчи дош беришга мажбур бўлган мана шу қийноқлар эвазига лоақал унга инсон табиати ва инсон характери ҳаққоний тасвирлашни ҳис этиш орқали эришиладиган қувонч ҳам ато этилмайди. Унинг китобида на табиат, на ҳақиқат бор! Романдаги персонажлар деб номланган одамлар гўшт ва суюқдан ташкил топган тирик инсонлар эмас, балки фақир ёғоч кўғирчоқлар, у уларни қандай хоҳласа, шундай айлантиради, ўзи кўзлаган таъсир кучига етишгунча уларга турли-туман қилиқлар қилдиради. У қанақа давр бўлдики, шунақа китоб чиқаришга шароит яратибгина қолмай, уни талаб ҳам қилади ва унга қойил қолади!

*1831 йилнинг 14 июли, пайшанба**

Гётеникига шаҳзода билан Вюрттемберг кироли ҳазрати олийларини бошлаб бордим. Қайтаётганимизда қирол кўринишдан жуда мамнун эди ва мендан, хурсандчилик ато этгани учун Гётега миннатдорчилик билдириб қўйишимни илтимос қилди.

*1831 йилнинг 15 июли, жума**

Қиролнинг кечаги топшириғини етказиш учун Гётеникига бир зумга кирдим. У ўсимликларнинг спиралсимон ривожланиш тамойилини ўрганиш билан банд эди, унинг фикрича, бу янги кашфиёт жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, фанни олдинга силжитишга катта ҳисса қўшар экан.

— Табиатни ўрганиш бизга бағишлайдиган қувончдан ортиқ нарса йўқ дунёда, — қўшиб қўйди Гёте. — Унинг сирлари ақл бовар қилмас даражада чуқур, бироқ инсонга янада чуқурроқ назар ташлаш имкони берилган. Барибир уларни охиригача англаб етиб бўлмайди, у бизни мудом ўзига чорлайверади, уни яна ва яна кузатиб, янги кашфиётлар қилишга ундайверади.

*1831 йилнинг 20 июли, чоршанба**

Тушлиқдан сўнг ярим соатча Гёте ҳузурида бўлдим, у қувноқ ва мулойим эди. Нималар хусусида гурунглашмадик

¹ «Париждаги Биби Марям ибодатхонаси» (фр.).

дейсиз, ниҳоят гап Карлсбадга етди, Гёте у ерда бошидан кечирган айрим ишқий саргузаштларини эслаб ҳазиллашди.

— Озгина ишқий эрмак, — деди у, — курортдаги ҳаётни безайдиган ягона имкон, акс холда у ерда зерикишдан ёрилиб ўлиш мумкин. Лекин деярли ҳар гал менинг бахтим чопарди, бирорта ёқимли ва хамроз дил топиларди-да, у ердаги бир неча ҳафтада менга юпанч бўларди. Айниқса, битта воқеани ҳалигача эслаб, дилим яйрайди.

Бир куни фон Рек¹ хонимни кўргани бордим. У ёқ-бу ёқдан бироз гурунглашгач, мен кетишга шошилдим. Эшик олдида иккита ёш, ёқимтой қизлар билан битта хонимга дуч келдим. «Ҳозиргина ёнингиздан чиққан жаноб ким эди?» — сўрапти хоним. «Гёте эди», — жавоб берипти фон Рек хоним. «Эх, афсус, — хитоб қилипти хоним, — кетмаса бўларкан, у билан танишиш бахтидан махрум бўлибман». «Ташвишланманг, азизим, Сиз ҳеч нарса йўқотганингиз йўқ, — депти фон Рек хоним, — аёллар даврасида у зерикиб қолади, унда маълум қизиқиш уйғотиш учун беҳад гўзал бўлиш керак. Биз тенги аёлларга уни гапга солиш, унга ёқишга йўл бўлсин».

Иккала қиз оналари билан уйга қайтишгач, фон Рек хонимнинг сўзларини эслашади. «Биз ёшимиз, гўзалмиз, — дейишади улар, — қани кўрамиз, у машхур ёввойини тутиб, кўлга ўргатиш кўлимиздан келармикан-йўқмикан». Эртасига чашма бўйидаги хиёбонда ёнимдан ўтаётиб, улар менга тиз букиб шунақа мафтункор, назокатли таъзим қилишдики, мен ҳам уларга илтифот қилиб, ёнларига боришдан ўзимни тутолмадим. Ростини гап, улар беҳад жозибали эди! Биз бир неча оғиз сўзлашдик, улар мени оналари олдига олиб боришди ва мен кўлга тушдим. Шундан бошлаб биз ҳар куни учрашадиган ва бутун кунларни бирга ўтказадиган бўлдик. Тасаввур қилишингиз мумкин, мен уларнинг оналари билан ҳам жуда илтифотли эдим. Гўё дўстлигимизни янада гаштлироқ қилмоқчи бўлгандек, биттасининг унаштирилган йигити келиб қолди, шундан сўнг мен бутунлай иккинчисига боғланиб қолдим. Хуллас, ҳаммамиз бир-биримиздан мамнун эдик, мен ўша оила билан шундай бахтли лаҳзаларни бошдан кечирдимки, ҳалигача ўша кунларни ажойиб бир энтиқиш билан хотирлайман. Кўп ўтмай қизлар менга оналари ва фон Рек хоним ўртасида бўлиб ўтган суҳбат ва кейин улар мени ўз тўрларига илинтиришга онт ичишганини гапириб беришди.

¹ Рек Элиза фон (1756—1833) — таникли олмон адибаси, Гёте уни 1785 йилдан билган, Карлсбадда (1820, 1823) қайта учрашган.

Шу муносабат билан Гёте менга илгари айтиб берган, айна шу вазиятга мос келадиган бир воқеа ёдимга тушди.

«Бир куни, — деган эди у менга, — бир танишим билан сарой боғида айланиб юрган эдик. Хиёбон адоғида бизнинг даврамизга тегишли икки кишининг хотиржам суҳбатлашиб келишаётганини кўрдик. Сизга на эркакнинг, на аёлнинг кимлигини айтишим шарт эмас, бунинг аҳамияти йўқ. Улар гўё ҳеч нарсанинг ташвишини қилмагандек бемалол гаплашиб келишарди, шунда кутилмаганда бир-бирлари томон эгилишди-да, чин дилдан ўпишишди, кейин ҳеч нима содир бўлмагандек суҳбатлашганча йўлларида давом этишди». «Кўрдингизми? — хитоб қилди ҳайратланган дўстим, — кўзларим мени алдамаяптими?» «Кўрдим, — хотиржам жавоб қайтардим мен, — лекин бунга ишонмайман!»

*1831 йилнинг 2 августи, сешанба**

Ўсимликлар метаморфозаси, тўғрироғи, де Кандол'нинг мутаносиблик ҳақидаги таълимоти борасида сўзлашдик, Гёте уни хомхаёл деб ҳисоблади.

— Табиат, — кўшимча қилди у, — ҳаммага ҳам бўйин эгавермайди. Кўпчилик билан у худди айёр, ўйинқароқ қиздек муомалада бўлади, аввалига бутун дилбарлиги билан ўзига ром қилади-да, биз уни кўлга тушириб, эгаллаб олмоқчи бўлганимизда, кўлимиздан чиқиб кетади.

*1831 йилнинг 19 октябри, чоршанба**

Бугун Бельведерда Дехқончиликни рағбатлантириш жамиятининг йиғилиши ҳамда мевалар ва саноат молларининг кўрғазмаси бўлди, улар кутилганидан ҳам мўлроқ эди. Сўнгра Жамиятнинг кўп сонли аъзолари учун тантанали зиёфат берилди. Барча йиғилганларда қувончли ҳайрат уйғотиб Гёте кириб келди. У бу ерда бироз ўтирди-да, кейин катта қизиқиш билан кўрғазмани томоша қилди. Унинг пайдо бўлиши, айниқса, уни илгари кўрмаганларда катта таассурот қолдирди.

1831 йилнинг 1 декабри, пайшанба

Гёте билан бир соатча хилма-хил мавзуларда, шунингдек, Сорэ ҳақида гурунглашдик.

¹ Де Кандол Огюстен Пирам (1778—1841) — швейцариялик ботаник.

— Шу кунларда, — деди Гёте, — мен унинг бир гўзал шеърини, тўғрироғи, трилогиясини ўқидим, дастлабки икки қисми қишлоққа хос қувнок рухни акс эттиради, сўнги «Ярим тун» деб номланган қисми эса, аламли-ғамгин рухга эга. «Ярим тун» беҳад зўр ёзилган. Унда чинакам тун нафасини сезасан киши, Рембранд картиналари ҳам шунақа, гўё улардан тунги ҳаво уфуриб тургандек бўлади. Виктор Гюго ҳам шунақа сюжетларга қўл урган, бироқ уддасидан чиқолмаган. Ушбу чинакам истеъдод соҳиби тасвирлаган тунги сахналарда тун зулмати сезилмайди, аксинча, гўё кундуз куню тун тасвири сохтадек, ҳамма нарса шундоқ очик-ойдин кўриниб туради. Сорэ ўзининг «Ярим тун»ида машхур Виктор Гюгодан, шубҳасиз, ўзиб кетган.

Мен бу мактовдан суюндим ва Сорэнинг трилогиясини иложи борича тезроқ ўқиб чиқишга аҳд қилдим.

— Адабиётимизда, — дедим мен, — трилогиялар кам.

— Бу шаклни, — жавоб берди Гёте, — ҳозирги шоирлар кам қўллашади. Гап шундаки, трилогия учун шундай сюжет топиш керакки, у табиий ҳолда уч қисмга бўлинсин, биринчи қисм ўзига хос муқаддима бўлсин, иккинчи қисмда гўё фожиа юз берсин, учинчи қисмда воқеалар ечими бўлсин. Менинг йигит ва тегирмончи қиз ҳақидаги шеъримда барча мана шу талаблар ўз аксини топган, лекин мен уни ёзган пайтимда трилогия бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаганман. «Мазлума» номли шеърим ҳам тугалланган трилогия, бу цикл бошиданок трилогия сифатида режалаштирилган ва ишлаб чиқилган эди. «Ҳиссиётлар трилогияси» деб номланган шеърим эса, умуман трилогия деб ўйланмаган, кейин аста-секин трилогияга айланиб кетган. Сизга маълумки, мен «Элегия»ни мустақил шеър сифатида ёзганман. Ўша йили ёзда Мариенбадга келган Шимановская ҳузуримга ташриф буюрди ва ўзининг сеҳрли оҳанглари билан ёшликдаги бахтиёр дамларни ёдга солиб юборди. Ана шу аёлга бағишланган сатрлар «Элегия» оҳанги ва ўлчовида ёзилган бўлиб, гўё келиштирувчи ечимдек унга қоришиб кетади. Кейинроқ Вайганд¹ «Вертер»ни янгидан нашр этмоқчи бўлди-да, унга Сўзбоши ёзиб беришимни сўради, шу сабаб бўлиб «Вертерга» деган шеъримни ёздим. Ўша ҳис-

¹ *Вайганд Христиан Фридрих* — ношир. У 1824 йилда «Вертер» нашр этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан романи ўзгартириш ва қўшимчалар билан янгидан чоп этмоқчи бўлади, Гётедан Сўзбоши ёзиб беришни сўраганида, у Сўзбоши ўрнига «Вертерга» трилогиясининг 1-қисмини беради.

сиётларнинг излари ҳали ҳам қалбимда сақлангани туфайли «Элегия»нинг муқаддимаси тарзида шеър ўз-ўзидан туғилди-қўйди. Шундай бўлдики, муҳаббат ва дард билан йўғрилган учала шеър мана энди бирлашиб, қандай қилиб «Хиссиётлар трилогияси»ни ташкил этганини ўзим ҳам билмай қолдим.

Мен Сорэга, худди ҳозир Сизга айтиб берганимдек қилиб, кўпроқ трилогиялар ёзишини маслаҳат бердим. У трилогия учун махсус материал қидириб ўтириши шарт эмас, ўзининг нашр этилмаган шеърларининг бой захираси ичидан дурустрофини танлаб олиб, унга мос муқаддима ҳамда келиштирувчи ечим ўйлаб топса бўлди, шуниси борки, ҳар учала қисм ўртасида сезиларли бўшлиқ қолиши керак. Шу тариқа у осонгина мақсадга эришади, шу билан узок ўйлаб ўтиришга ҳам ҳожат қолмайди. Маълумки, Мейер айтганидек, бу осон иш эмас.

Кейин Виктор Гюго, унинг ниҳоятда сермахсуллиги юксак истеъдодига жиддий зарар етказиши ҳақида гурунглашдик.

— Агар бир йил ичида иккита фожиа ва битта роман ёзишга унда мардлик топилса, бунинг устига гўё катта бойлик тўплаш учунгина ишлаётган бўлса, — деди Гёте, — ёмонроқ ёзмаслиги ва ўз талантига ўзи зомин бўлмаслиги мумкин эмас. Мен унинг бойлик тўплашга интилишини, ҳозирги кунда шухрат қозонишга ҳаракат қилишини мутлақо қораламоқчи эмасман, аммо, агар унда келгуси авлод қалбида узок яшаш нияти бўлса, камроқ ёзиб, кўпроқ ишлаш ҳақида ўйлаб кўриши керак.

Сўнгра Гёте «Марион де Лорм»¹ни таҳлил қилишга тушди ва бунда бор-йўғи битта яхши, фожиали кўринишга етадиган сюжет мавжудлигини, бироқ муаллиф турли мулоҳазалар орқасида пьесани бешта узундан-узун кўринишларга чўзиб юборганлигини тушунтиришга ҳаракат қилди.

— Бундан, — қўшиб қўйди Гёте, — биз ўзимизга хулоса чиқардикки, демак, муаллиф деталлар ўйлаб топишга моҳир экан, бу ҳам, албатта, кичкина нарса эмас.

*1832 йилнинг 5 январи, пайшанба**

Женевалик дўстим Тёпфер бир неча қаламтасвир ва акварель бўёқлар билан ишланган расмлар тўпламини жўнатишти, буларнинг кўпчилиги Швейцария ва Италия манзаралари

¹ «Марион де Лорм» — Виктор Гюго қаламига мансуб фожиа, 1829 йилда чикқан.

бўлиб, у ўша ерларни пиёда кезган пайтларда чизилган эди. Гёте бу расмларнинг, айниқса, акварелда чизилган расмларнинг гўзаллигидан шундай таъсирландики, гўё мен машхур Лори¹ ижоди намуналарини кўраётгандекман, деди. Мен, бу Тёпфер асарларининг энг яхшилари бўлмаса керак, у ҳали бундан-да яхшироқларини юборса керак, дедим.

— Билмадим, Сизга яна нима керак! — жавоб берди Гёте. — Бундан яхшиси қандай бўлади! Бордию бундан яхшироқ бўлганида ҳам бунинг нима аҳамияти бор! Рассом мукамалликнинг маълум бир босқичига етдими, демак, унинг бир асари иккинчисидан афзалроқми-йўқми, бунинг мутлако фарқи йўқ. Бунинг фаҳмига етадиган одам уларнинг ҳар бирида моҳир устанинг кўлини, талантининг миқёсини ҳамда у қўллаган воситаларни кўраверади.

*1832 йилнинг 17 феввали, жума**

Мен Гётега Дюмон²нинг Англияда мисга ўйиб ишланган портретини юбордим, бу уни беҳад кизиқтириб қолипти.

— Бу эъзозли инсоннинг портретини қайта-қайта томоша қилдим, — деди у бугун кечга томон унинг ҳузурига борганимда. — Дастлаб кўрганимда у менга ёқмади, буни унинг юз ифодасини бирмунча кўпол ва ўйиброқ чизган рассомдан кўрдим. Бироқ бу том маънодаги фаройиб чехрага қанча узоқроқ тикилсам, кўполликлар шунчалик сезиларлироқ ғойиб бўла бошлади ва қоронғилик ичидан хотиржамлик, эзгулик, улугвор майинликнинг гўзал ифодаси чиқиб келди, бундай хислатлар одатда ақлли, кўнгли тоза, ҳаммага яхшилик тилловчи инсонгагина хос бўлиб, уни кўрган кишининг ҳам қалбига сокинлик инади.

Гурунгимиз Дюмон ва унинг мемуарлари хусусида давом этди, булар асосан Мирабо³га дахлдор бўлиб, Мирабо моҳирона фойдаланган хилма-хил манбаларни бизга очиб берган ҳамда ўз мақсадлари йўлида хизмат қилишга, шу йўлда куч-қудратини сарфлашга мажбур қилган кўплаб юксак қобилият эгаларининг номларини келтириб ўтган.

— Мен мана шу «Мемуарлар»дек ибратли китобни билмайман, — деди Гёте, — биз унда ўша даврнинг энг сирли пучмоқларига ҳам назар ташлаш имконига эга бўламиз ҳамда

¹ Габриел Лори (1760–1836) — пейзаж рассоми.

² Дюмон Пьер-Этьен-Луи (1759–1829) — Сорэнинг қариндоши.

³ Мирабо Оноре-Габриел Рикети, граф (1749–1791) — Буюк француз инкилобининг йирик арбобларидан бири.

мўъжизакор Мирабо табиий Мирабога айланади ва у бу билан ўз улуғворлигини заррача ҳам йўқотмайди. Қарабсизки, шунда француз журналларининг тақризчилари пайдо бўлишадиде, бу ҳақда бироз бошқача фикр юргиза бошлашади. Бу йигитлар ўйлашадикки, гўё мемуарлар муаллифи уларнинг Мирабоси тимсолини хиралаштиришга уринган, ундаги ғайриинсоний фаолият сирини очиб ташлаган, шунгача фақат Мирабога тегишли бўлган улуғ хизматларнинг бир қисмини бошқа одамларга ёпиштирган.

Французлар Мирабони Ҳеркулес¹ ҳисоблашади, тўғри қилишади. Афсуски, улар бир нарсани унутишади: бу улуғ намоянда ҳам айрим қисмлардан ташкил топган ва қадимий Ҳеркулес ҳам умумлашма инсон, у ўз жасоратлари ҳамда бошқа кўплаб одамларнинг жасоратларини ўзида жамлаган. Аслини олганда, биз ҳаммамиз нимани ўйлашимиздан, нимани хоҳлашимиздан қатъи назар, умумлашма одамлармиз. Ахир биз ўзимизча киммиз, аслида ўз хусусий мулкимиз, деб атайдиган нимамиз бор! Ҳаммамиз биздан олдин яшаганлардан ҳам, биз билан ёнма-ён яшаётганлардан ҳам бирдек ўрганишимиз зарур. Ҳатто энг улуғ даҳо ҳам фақатгина ўз кучига ишонса, узоққа боролмайди. Буни кўпинча кўплаб беҳад ақлли одамлар ҳам англаб етишмайди-да, биз ўзгачамиз, деган пуч хаёллар орқасида ярим умрларини қоронғиликда пайпаслаб ўтказишади. Мен, ҳеч қандай устозга эргашмадик, фақат ўз кучимизга ишондик, дея гердайишган рассомларни биламан. Аҳмоқлар! Бунақаси мумкин эмас-ку! Ахир бизни ўраб турган олам ҳар қадамда инсонга таъсир ўтказмайдими, гарчи у аҳмоқ бўлса-да, уни шакллантирмайдими! Ҳа, ишончим комилки, агар ўшандай ўзига ишонган рассом, буюк рассомлар чизган суратлар илиб ташланган мана шу хона деворлари бўйлаб бир марта ўтса ва шуларга бир бора назар ташласа, ҳар қанча қобилият эгаси бўлганида ҳам бу ердан бутунлай бошқача бўлиб, маънан ўсиб чиқиб кетади.

Агар бизда ташқи дунё воситаларидан юксак мақсадларимиз йўлида фойдаланиш учун истак ва куч бўлмаса, одам бўлиб қаерга ҳам борардик. Мен бунда ўзим ва ўз туйғуларимни кўзда тутмоқдаман. Рост, мен узун умрим давомида унча-мунча нарсаларни яратдим, ниҳоясига етказдим, ҳар ҳолда булар билан фахрлансам арзийди. Лекин, виждонан айтадиган бўлсак, бунда кўриш ва эшитиш, фарқлаш ва танлаш

¹ *Ҳеркулес* — қадимги юнон мифологиясидаги энг кучли, энг паҳлавон одам тимсоли.

қобилияти ҳамда истаги, кўрган, эшитган нарсаларга ҳаёт бағишлаб, маълум бир маҳорат билан қайта тиклашдан ўзга менга тегишли нима бор. Ўз асарларим учун фақатгина ўз донолигим олдидагина эмас, балки мени материал билан таъмин этган минглаб буюмлар ва одамлар олдида ҳам бурчлиман. Уларнинг орасида оқиллари ҳам, аҳмоқлари ҳам, фикри ёруғлари ҳам, чегараланганлари ҳам, болалар ҳам, ёшлару қариялар ҳам бор эди. Улар кўнгилларида борини, нимани ўйлашяпти, қандай яшаб, қандай меҳнат қилишмоқда, қандай тажрибалар орттиришган, ҳаммасини менга айтиб беришди, менга эса, ишга киришишдан ўзга йўли қолмади, бошқалар эккан хосилни йиғиштириб олдим, холос.

Нафсиламрини айтганда, одам бирор нарсани ўзидан олганми ёки бошқалардан ўзлаштирганми, у одамларга ўзи таъсир ўтказадими ёки бировлар орқалими, бунинг ҳеч қандай фарқи йўқ. Мухими, ўйлаган ниятини амалга ошириш учун одамда ирода кучи, қатъият ва тиришқоқлик бўлсин, қолган ҳаммаси бекор. Шунинг учун ҳам Мирабо ташқи дунё ва унинг кучларидан кўнгли тусаганча фойдаланганида тамоман ҳақли эди. У талантларни фарқлаш қобилиятига эга бўлиб, ана шундай талантли одамларни ундаги илоҳий куч ўзига тортарди ва улар ўз ихтиёрлари билан унинг ҳукмига бўйсунитарди. Шу боисдан унинг атрофига энг сара одамлар тўпланишган эдики, Мирабо уларни ўз олови билан ёндириб, ўз мақсадлари йўлида хизмат қилдирарди. Унинг бошқалар билан ёки бошқалар орқали ҳаракат қилиш йўлини билиши — бу унинг даҳолиги, ўзига хослиги ва улуглиги эди.

1832 йилнинг 11 марти, якшанба

Кечқурун Гёте билан бир соатча мириқиб гурунглашдик. Мен инглиз тилидаги Инжилни сотиб олдим, унда апокрифик китоблар¹ йўқлигидан жуда хафа бўлдим. Уларнинг ҳақиқийлигига ва келиб чиқиши илоҳийлигига шубҳа қилинганлиги учун Инжилга киритилмаган экан. Шундай қилиб, мен ўта олийҳиммат такводорликнинг ҳақиқий намунаси Тобиасдан, кейин «Сулаймон донолиги»дан, «Ширах ўғли Исо маталлари» сингари бетимсол руҳий-маънавий буюкликка эга бўлган битиклардан маҳрум бўлдим. Тавротдаги айрим ёзувлар бевосита худодан нозил бўлган, бошқалари эса бундай эмас, деган қарашларнинг беҳад торлиги борасидаги эътирозларимни

¹ *Апокрифик китоблар* — черков тан олмайдиган диний китоблар.

Гётега изҳор қилдим. Гўё, бирор олийҳимматлилик ва буюк-лик Тангрининг иродасидан ташқарида содир бўладигандегу унинг рамхўрлигининг меваси эмасдек.

— Шубҳасиз, фикрингизга қўшиламан, — жавоб берди Гёте. — Бироқ Инжилни талқин қилувчи иккита нуқтаи назар мавжуд: Биринчи нуқтаи назарга кўра табиат ва онгни Тангри томонидан қандай яратилган бўлса, шундай покликда тарғиб қилувчи қадимий дин деб қаралади. Бу қараш ер юзида Яратганга итоат қилувчи инсонлар мавжуд экан, тоабат сақланиб қолаверади. Бироқ буни фақат хос одамларгина тушунади, у ниҳоятда улуввор ва олийжаноб, шу боисдан оммабоп бўлолмайди. Бундан ташқари, халқ тушунчасига яқин бўлган черков нуқтаи назари ҳам мавжуд. У беҳад ожиз, ўзгарувчан ва ўзгаришда давом этмоқда. Бироқ токи инсон табиати ожиз экан, у ҳам тугамасдан мудом ўзгараверади. Тангридан келадиган ваҳий нури тоза, тиник ва кўзни камаштирувчидир, шу сабабли камбағал, жуда ожиз одамлар бунга тоқат қилолмайди. Черков эса, буни юмшатиш, талабларни чеклашга, шу билан ҳаммага мадад қўлини чўзиб, қулайлик яратишга ҳаракат қилади. Шундан келиб чиқиб, насроний черков ўзини Исонинг издоши сифатида одамларни гуноҳлардан халос этувчи катта куч деб ишонади. Мана шу куч ва аҳамиятни сақлаб қолиш ва шу орқали черков биносини мустаҳкамлаш — насроний руҳонийликнинг энг муҳим вазифасидир. Шу боисдан у Инжилнинг у ёки бу китоби инсон онгини ёритишга таъсир ўтказадими-йўқми, унда инсон табиатига хос юксак маънавият ва олийжаноблик баён этилганми-йўқми, деган масалаларга кам эътибор қаратади, аксинча, йўлдан озишлар тарихига бағишланган Мусонинг китобига, гуноҳларни ювувчига, шунингдек, тинимсиз Ўзига йўлловчи пайғамбарларга кўпроқ диққатни қаратади, шу билан бирга, Исонинг ер юзида пайдо бўлиши ва унинг инсониятни гуноҳлардан халос қилиш йўлида хочга миҳланишини зикр этувчи «Забур»га ҳам алоҳида эътибор қаратади. Кўриниб турибдики, шундай мезонда ўлчанган мақсад ва йўналишлар учун олийҳиммат Тобиас ҳам, «Сулаймон донолиги»ю «Ширах ўғли Исо маталлари» ҳам бирон-бир салмоққа эга бўлмай қолади.

Умуман олганда, Инжилдаги у ёки бу гаплар чинми ёки ёлғонми, деган саволни қўйиш кулгили. Энг соф табиат ва онг билан уйғунликдаги, ҳозир ҳам бизнинг олий даражада тараққий этишимизга хизмат қилаётган энг мукамал гўзалликдан ўзга нима чин бўлиши мумкин! Ва бемаъни, ичи

бўш, тўмток, самара бермайдиган қарашдан ҳам ўзга ёлғон нарса бўлиши мумкинми! Агар Инжилдаги ёзувлар ҳақиқатан ҳам чин эканлигини савол билан ҳал қилиш мумкин бўлганида эди, унда ҳатто «Забур»даги айрим ўринларнинг чинлигига ҳам шубҳа туғилган бўларди, негаки «Забур»да Марк билан Лука ўзлари бошдан кечирган ёки гувоҳ бўлган воқеаларни ёзишмаган, балки бу воқеалар анча кейин офиздан-офизга ўтиб келган ривоятлар асосида, апостол Иван томонидан жуда кексайган пайтида ёзилган. Шунга қарамасдан, мен «Забур»нинг ҳар тўрталасини ҳам чин деб ҳисоблайман, чунки улардаги Исо шахсидан тараладиган юксак маънавийлик жиолари бизни ҳайратга солади ва у шу даражада илоҳийки, ер юзида бундан илоҳийроқ ҳеч нарса, ҳеч қачон бўлмаган. Бордию мендан, уни эъзозлаб таъзим бажо келтириш менинг табиатимга хосми, деб сўрасалар, мен: Шубҳасиз! — деб жавоб берган бўлардим. Мен унинг олдида худди маънавият олий тамоийилининг илоҳий изҳори янглиғ бош эгаман. Бордию мендан, мен ўз табиатимга кўра қуёшга таъзим қилишга қодирманми, деб сўрашса, мен яна: Шубҳасиз! — деб жавоб бераман. Чунки у ҳам Яратганнинг изҳори, бандаларига тортиқ қилган энг улур изҳори. Мен қуёш мисолида Тангрининг яратувчилик қудрати ва нурига таъзим қиламан, у бизга, биз билан бирга барча жонзотлар ва ўсимликларга ҳаёт бағишлайди. Аммо мендан, апостол Петр ёки Павелнинг суяги олдида тиз чўка оласанми-йўқми, деб сўрашса, мен: маъзур тутасизлар, бундай бемаъниликка тоқатим йўқ! — деб жавоб берган бўлардим.

«Руҳни сўндирманг!» — дейди апостол.

Черков қонун-қоидаларида бемаъниликлар жуда кўп. Бироқ у ҳукмронлик қилишни истайди, демак, унга онгсиз, садоқатли, ўзининг устидан ҳукм юритишларига йўл қўйиб берадиган омма зарур. Катта маблағ билан таъминланган руҳонийлар кенг халқ оммасининг онги ўсишидан жуда хавфсирашади. У Инжилни халқдан узок вақт, жуда узок вақт яшириб келди. Насроний жамоага мансуб камбағал агар «Забур»ни ўқиб, ўз апостоллари билан пиёда юрадиган Исонинг қўл учида кун кўришидан хабардор бўлса, катта маош оладиган епископнинг шоҳона зеб-зийнатларию олти-та от қўшилган извошда гердаийб юришини кўрса нима деб ўйлайди!

— Биз, — дея сўзида давом этди Гёте, — Лютер ва реформация олдида нечоғлик бурчли эканлигимизни ҳали тушуниб етганимиз йўқ. Биз аклий чекланганлик кишанларидан озод бўлдик, маданиятимизнинг ошиб бориши туфайли

дастлабки манбаларга қайтишга ҳамда насронийликни бутун софлиги билан эгаллашга муваффақ бўлдик. Яна Яратганининг заминиди маҳкам туриш ва ўзимизнинг Тангрига содик инсон эканлигимизни ҳис этиш қудратига эга бўлдик. Маънавий маданиятимиз қанчалик тараққий этмасин, табиий фанлар соҳасидаги билимларимиз инсонлар онгини ошириб, борган сари кенгайиб, чуқурлашиб бормасин, барибир биз, насронийликнинг «Забур» саҳифаларидан таралаётган юксаклиги ва маънавий маданияти даражасига етолмаймиз!

Биз, протестантлар, хайрли тараққиёт йўлидан қанчалик қатъийроқ ҳаракат қилсак, католиклар шунчалик тез изимиздан эргашишади. Улар ўзларини даврнинг борган сари юксалиб бораётган юксак маърифатпарварлик ҳаракати ихтиёрида ҳис этганлари захоти, ўзларини қанчалик у ёқдан-бу ёққа уришмасин, унга бўйсунушга мажбур бўлишади ва ниҳоят, ҳамма нарса бирлашади.

Қашшоқ протестантлик сектаси ҳам, у билан бирга ота-бола, ака-сингиллар ўртасидаги нафрат ва душманлик ҳам барҳам топади. Чунки одам Исо муҳаббати ва таълимотининг софлигини англаб етиб, ўзига сингдирганиданок, инсон сифатида ўзини кучли ва эркин ҳис этади ва худога сифиниш йўлидаги айрим арзимас нарсалар унга аҳамиятли туюлмайд қолади.

Шу тариқа ҳаммамиз аста-секин сўз ва ақидалар насронийлигидан борган сари эътиқод ва ҳаракат насронийлигига ўтамиз.

Гурунг мавзуси Исогача бўлган даврда хитойлар, ҳиндулар, форслар ва юнонлар орасида яшаган улуғ инсонларга кўчди, улардаги илоҳий қудрат Тавротда тилга олинган буюк яҳудийларниқидан кам бўлмаган. Шу муносабат билан биз яшаб турган ҳозирги дунёдаги улуғ инсонларда илоҳий қудрат қандай юз кўрсатади, деган масала устида ҳам тўхталдик.

— Агар одамларнинг сўзларига кулоқ солсанг, — деди Гёте, — шунга ишониб қоласанки, гўё худо қадимданок бутунлай узлатга кетгану одам энди ўз кунини ўзи кўриб, худонинг мададисиз, Унинг кўзга кўринмас, мудом хозиру нозирлигига муҳтож бўлмай яшаётгандек. Диний ва маънавий-ахлоқий масалаларда худонинг аралашуви эҳтимоли кўзда тутилади, бироқ илм-фан ва санъатда бундай эмас, гўё булар бутунлай заминий ишлар бўлиб, соф инсоний кучлар меваси эмиш.

Қани, бирорта одам инсон куч-қудрати ва иродаси ёрдамида тепасида Моцарт, Рафаэль ва Шекспир номлари турган

ижод маҳсулларига ўхшаш бирор нарсани яратиб кўрсин-чи. Аниқ биламанки, бу учта буюкликдан ташқари, санъатнинг барча соҳаларида беҳисоб юксак истеъдодли инсонлар ижод қилишди ва айтиб ўтилганлардан кам бўлмаган асарлар яратишди. Аммо, улуғликда ўшалардан кам бўлмаган ҳолда улар ўртамиёна одам табиатидан юқори туришади ва ўша учовларидек худога сифинишади.

Умуман, биз нималарни кўряпмиз? Кўраётганларимиз нимани ифодалайди? Тангри тасаввурдаги олтита ижодий кундан кейин зинҳор қўл қовуштириб ўтирмайди, аксинча, биринчи кундагидек, фаолиятдан тўхтамайди. Оддий элементлардан ушбу тубан сайёрани яратиб, уни қуёш нурларида тинимсиз айланишга мажбур қилиш, бордию унда ана шу моддий асосда руҳий олам учун ниҳолхона яратиш режаси бўлмаганида бу унга ҳеч қандай қувонч бағишламаган бўларди. Шу тахлит у ўртамиёналарни ўзига яқинлаштириш учун юксак табиатлиларда тинмай ҳаракат қилмоқда.

Гёте жим бўлиб қолди. Мен эса, унинг ёқимли, буюк сўзларини қалбимга жойлаб олдим.

Сўнгсўз ўрнида

Гёте билан бўлган гурунглар ва мулоқотларнинг ушбу мажмуаси асосан бошимдан кечирган, мен учун муҳим ва қимматли воқеаларни қоғозга муҳрлашга бўлган табиий интилиш самараси ўлароқ дунёга келди.

Сирасини айтганда, мен ўша буюк инсон билан дастлаб танишганимдаям, кейинроқ у билан йиллар давомида ёнма-ён яшаганимдаям унинг панд-насихатларига ҳамиша муҳтож эдим, шу сабабли унинг сўзлари мазмунини келажак авлод учун ҳам сақлаш мақсадида жон деб ёзиб бордим.

Аммо унинг тўққиз йил давомида мен ҳузур қилиб тинглаган фикр-мулоҳазаларининг чуқур ва бой маъносини чақарканман ҳамда улардан жуда оз қисмини ёзиб олишга муваффақ бўлганимни ўйларканман, ўзимни баайни гўдак баҳор ёмғирининг ҳузурбахш томчиларини кафтида тутиб қолмоқчи бўлганида улар бармоқлари орасидан тушиб кетгандек ҳис этаман.

Ҳар қалай, китобларнинг ҳам ўз қисмати бўлади, деганларидек, бу сўзлар уларнинг яратилиши ҳамда кейинроқ дунё бўйлаб тарқалишига ҳам, шунингдек, ушбу китобнинг юзага келишига ҳам тааллуқлидир. Юлдузларнинг номувофик жойлашиши, бетоб бўлишлар, кундалик ҳаёт ташвишлари ва турли бошқа юмушлар оқибатида гоҳо ойлаб бирон сатр ёзишнинг иложи бўлмасди; лекин кейин юлдузларнинг ҳолати мувофиқлашиб, саломатлик яхшилангач, олдинга ҳеч бўлмаса битта шахдам қадам ташлаш учун тағин ёзишга иштиёқ ва интилиш пайдо бўларди.

Яна бир гап: ахир биргаликдаги узоқ ҳамнафаслик давомида гоҳо бир қадар лоқайдлик лаҳзалари ҳам бўлади-ку, дунёда айни дамнинг қадрига доимо муносиб тарзда етадиган бирор кимса топилармикан?

Бу гапларни мен, бордию ўқувчи ёзувлардаги саналарни солиштирмоқчи бўлса, сезиларли бўшлиқлар учун узр сўраш мақсадида эслатиб ўтяпман. Мана шу бўшлиқлар туфайли анчамунча муҳим нарсалар, жумладан, Гётенинг турли манзиллардаги дўстлари ҳамда ҳозирги замоннинг у ёки бу ёзувчиси асар-

лари ҳақидаги фикрлари тушиб қолган, бошқа шуларга ўхшаш мулоҳазалари ҳар қалай ёзиб олинган. Юқорида айтилганидек, китоблар ўз қисматлари билан бирга дунёга келадилар.

Аслини олганда, мен бу жилдларга йиғиб, ўз мулкимга айлантиришга эришган ҳамда ҳаётимнинг том маънодаги беадаги, дейишга ҳақли бўлган ёзувларим учун Яратганга беадад шукроналар айтаман; шу билан бирга, инсоният ҳам бу битикларим учун мендан миннатдор бўлишига ишонаман.

Менимча, ўзида бебаҳо фикр-мулоҳазаларни жамлаган, ҳаёт, санъат ва илм борасидаги мазкур суҳбатлар нафақат кўплаб ҳодисаларга ойдинлик киритади, балки кундалик турмуш тасвирлари сифатида Гётенинг тимсолини, унинг хилма-хил асарларидан олган ўқувчи тасаввурини анча-мунча бойитади.

Шу билан бирга, мен Гётенинг ички оламини ҳар томонлама чизиб беришга муваффақ бўлдим, дея ишонаман. Бу фавқулодда инсон руҳиятини ҳақли равишда кўп қиррали олмосга қийслаш мумкинки, уни қайси тарафга ўгирмагин, турли рангда товланаверади. У турлича вазиятларда, турли одамлар билан муносабатда бир хил бўлмади, шу боисдан, мақтанчоқлик бўлмасину, шундай дейишга ҳақлиман: мана шу менинг Гётеим.

Аммо «менинг» сўзи, Гётенинг менда қандай тасаввур уйғотганини эмас, балки кўпроқ мен уни билишга ва тимсолини қайта тиклашга қай даражада қодир эканлигимни билдиради. Бу худди кўзгуда акс этиш ҳолатига ўхшайди, бошқа бир кимсага айлангач, кўпинча аслига хос бўлган белгилар тушиб қолиб, бегона хислатлар кўшилади. Гётенинг Раух¹, Дау², Штилер³ ва Давид⁴ томонидан ишланган портретлари беҳад ҳаққоний, аммо, шунга қарамасдан, уларда ўша яратувчиларга хос белгиларнинг изи ҳам мужассам. Агар жисм тасвири хусусида шундай дейдиган бўлсак, унда кўзга кўринмас, сезилмайдиган инсон руҳияти ҳақида нима дейиш мумкин! Менинг аҳволимга келадиган бўлсак, ишонаманки, Гётенинг руҳий-маънавий таъсирида ёки у билан шахсан яқин бўлган барча одамлар ушбу китобга баҳо беришда менинг имкон борича ҳақиқатга яқин бўлишга ҳаракат қилганимни билади.

Асосан менинг битикларимни англаб етишга тааллуқли бўлган бундай изоҳлардан сўнг уларнинг мазмуни борасида ҳам икки ориз тўхталсам.

¹ *Раух Христиан Даниел (1771–1857)* – берлинлик ҳайкалтарош.

² *Дау Георг (1781–1829)* – рассом.

³ *Штилер Карл Йозеф (1789–1856)* – Бавария киролигининг сарой рассоми.

⁴ *Давид д'Анже Пьер Жан (1789–1856)* – француз ҳайкалтароши.

Биз «ҳақиқат» деб атайдиган нарса, гарчи у битта нарса-гагина тегишли бўлса-да, зинҳор майда-чуйда, тор, чегараланган бир нарса бўлолмайди; ҳатто ўша оддий ҳақиқат ҳам кўп қамровли бўлиши мумкин ва барча жабҳаларни қамраган табиат қонунларининг серқирра кўринишларидек у ҳақда ҳам бирор ҳукм айтиш осон эмас. Ундан на сўз билан, на сўзамоллик билан, на изоҳу на эътирофлар билан қутулиб бўлмайди, шуларнинг барчаси бирлашганда кўзлаган мақсадга яқинлашиш мумкин, ҳатто ўшанда ҳам аниқ мақсадга етиб бўлмайди.

Шу ўринда битта мисол келтирай: Гётенинг шеърият ҳақидаги айрим қарашлари баъзан бир томонлама бўлса, кўпинча очикчасига қарама-қарши бўлади. Гоҳида у асосий эътиборни шоир ташқи оламдан оладиган материалга қаратса, гоҳо шоирнинг ички дунёсига қаратади; бир қарасанг мавзуни, бир қарасанг унинг таҳлилини биринчи ўринга қўяди; бирда қиёмега етган шакл муҳим деса, бошқа пайт буни тамоман инкор этади-да, асар руҳи муҳим, деб уқтиради.


Бироқ ушбу мулоҳазаю эътирозларнинг барчаси ҳақиқатнинг турли томонлари бўлиб, ҳаммаси биргаликда унинг моҳиятини англатади ва ўша ҳақиқатга томон бизни яқинлаштиради, шу сабабли мен китобимда шу ва шунга ўхшаш вазиятлардан хилма-хил сабаблар ва у ёки бу йилларда ёки соатлардаги кайфият билан боғлиқ бўлган ўткинчи қарама-қаршиликларни силлиқлашга уриндим. Бунда мен зукко китобхоннинг ўткир зехни ва кенг дунёқарашига ишонаман, ўйлайманки, у якка нарсалар атрофида ўралашиб қолмайди ва яхлитликни назардан қочирмаган ҳолда ҳаммасини идрок билан жой-жойига қўйиб тушунади.

Шу билан бирга, ўқувчи бир қараганда аҳамиятсиздек туюлган баъзи ўринларга ҳам дуч келиши эҳтимолдан холи эмас.

Аммо чуқурроқ ўйлаб қаралса, ўша майда-чуйда бўлиб кўринган нарсалар кўпинча қандайдир муҳим ёзувларнинг дебочалари бўлишлари, гоҳо кейинроқ келадиган воқеани асослашлари ёки характер-хусусиятнинг қайсидир белгисини очишда озми-кўпми кўмак беришлари мумкин, шу тариқа улар ўзига хос зарурият бўлиб, жуда эъзозга бўлмаса-да, ҳар қалай кечирिशга лойиқ, деб ўйлайман.

Шундай қилиб, кўпдан бери ардоқлаб келганим ушбу китобнинг дунё юзини кўришига оқ йўл тиларканман, унинг китобхон қалбига қувонч олиб киришини ҳамда унда эзгуликлар уйғотиб, дунёқарашини кенгайтиришини истайман.

Ваймар, 31 октябрь 1835 й.



МУНДАРИЖА

Абадий дўстликнинг адабий солномаси	3
Муқаддима	20
Биринчи қисм.....	37
Иккинчи қисм.....	232
Учинчи қисм	430
Сўнгсўз ўрнида.....	628

Адабий-бадиий нашр

ЙОХАНН ПЕТЕР ЭККЕРМАН

ГЁТЕ БИЛАН ГУРУНГЛАР

Олмон тилидан *Янглиш Эгамова* таржимаси

Мухаррир	<i>Г. Азизова</i>
Раском-дизайнер	<i>Ҳ. Қутлуқов</i>
Бадиий муҳаррир	<i>Ш. Ходжаев</i>
Техник муҳаррирлар:	<i>Т. Харитоновна, Л. Хижова</i>
Кичик муҳаррир	<i>Д. Холматова</i>
Мусахҳиҳ	<i>М. Якубджанова</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АІ № 158. 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 26 январда рухсат этилди.

Бичими 60×90¹/₁₆. Офсет қорози.

«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табори 39,5. Нашр табори 39,23.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 15-513.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

«OZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-198-1



9 789943 281981